


Н.АТАЕВА, М.САЛАЕВА, С.ҲАСАНОВ

УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА



ТОШКЕНТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Н.АТАЕВА, М.САЛАЕВА, С.ҲАСАНОВ

УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА

(Педагогика назарияси ва амалиёти асослари)

Ўқув қўлланма

II китоб

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Турон фанлар
академиясининг академиги Ҳалимбой Бобоевнинг умумий
таҳрири остида

ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 37 (075)

КБК 74.00

A-87

A-87 Н.Атаева, М.Салаева, С.Ҳасанов. Умумий педагогика

(Педагогика назарияси ва амалиёти асослари). Ўқув қўлланма. II китоб.
Ҳ. Бобоевнинг умумий таҳрири асосида. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013,
860 бет.

ISBN 978–9943–10–884–4

Мазкур ўқув қўлланманинг II китоби педагогика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқуранинг педагогик-методологик асослари, таълим-тарбия назарияси ва амалиёти асослари ҳамда педагогик маҳорат ва замонавий педагогик технология асосларини ёритишга бағишланган. Ҳар бир мавзу матнидан сўнг такрорлаш ва мунозара юритиш учун саволлар, топшириқлар, тестлар, интеллектуал тренинглар берилган. Бу эса ўқув машғулоти давомида талабанинг олган билимини мустаҳкамлашга замин яратади, мустақил фикрлашга, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқотни жонлантиришга, таҳсил олувчининг фаолиятини оширишга ёрдам беради ва муаммоли ўқитиш босқичларини ўз ичига камраб олади.

Ўқув қўлланмадан олий ўқув юртларининг бакалаврият талабалари ва магистратура йўналишлари магистрантлари, ҳамда малака ошириш курслари тингловчилари шунингдек, илмий тадқиқотчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 37 (075)

КБК 74.00

Масъул муҳаррир:

Ж.Ғ.Йулдошев – педагогика фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Ҳ.Омонов – педагогика фанлари доктори, профессор;

Ш.Мардонов – педагогика фанлари доктори, профессор;

М.Ҳошимова – педагогика фанлари номзоди,

ТДИУ «Педагогика ва психология» кафедраси профессори.

*Ўқув қўлланма Тошкент молия институтининг илмий-услубий
Кенгаши қарорига асосан нашр этилди (2010 йил 15 майдаги
4-сонли баённома).*

ISBN 978–9943–10–884–4

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

**Таълим-тарбия — онг махсули,
лекин айни вақтда онг даражаси ва
унинг ривожини ҳам белгилайдиган
омилдир.**

Ислом Каримов

КИРИШ

XXI асрга келиб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожда инсон ақл-заковати ва маънавияти асосий мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи омил ва восита эканлигини тобора намоён қилмоқда. Шунинг учун инсонпарварлик маънавий баркамоллик, эзгулик, ташаббускорлик, дунёвий ва диний уйғунлик, миллий истиқлол ғояси бозор иқтисодиёти асосидаги инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг бош тамойили сифатида қабул қилинди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов: “Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келимоқда.

Замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор”,¹ – эканлигини алоҳида кайд қилиб утган.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифаларни талаб даражасида бажариш инновацион ривожланишга катта аҳамият берилиши лозим бўлади. Бу жараён мамлакатимизнинг жаҳон бозорларида ўзига муносиб ўринга эга бўлиши учун илм-фан ютуқларидан ва инновацион технологиялардан кенг қўламда фойдалана оладиган малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш вазифаларини ҳал этиш билан узвий боглиқдир. Бу борада Президент И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарида таъкидлаганидек: “Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модел вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси – Т.: “Шарк”, 1999, 95-бет.

фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу – мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодий ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади”¹.

Юқорида тилга олинган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, илмий-техникавий янгиликларни ва инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, касбий малака ва кўникмаларни шакллантиришда «Умумий педагогика»нинг муҳим тармоқларидан педагогика назарияси ва амалиёти асосларининг аҳамияти каттадир.

Ҳозирги кунда педагогика назарияси ва амалиёти асослари таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифалари, Давлат таълим стандартлари, таълим ва тарбиянинг усуллари, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари, умуман, унинг қонуниятлари ҳақида билим, маълумот берадиган фанга айланди.

Ушбу «Умумий педагогика» (педагогика назарияси ва амалиёти асослари) ўқув қўлланмасининг II-китобида педагогика фанининг умумий ва илмий-методологик асослари, педагогика назариясининг жамият ва шахс тараққётидаги ўрни, дидактика таълим назарияси; таълим жараёнини ташкил этиш шакллари ва воситалари; замонавий таълим технологиялари; тарбия жараёнининг моҳияти, мазмуни, мақсади, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, қоидалари, тамойиллари (принциплари); тарбиянинг умумий методлари; тарбия турлари (шакллари)га умумий тасниф; тарбия билан ўз-ўзини тарбиялаш ва шахсни қайта тарбиялашнинг ўзаро боғлиқлигини педагогик-психологик асослари; педагогик маҳорат маданияти ва педагогик мулоқот маданияти асосларига оид мавзулар ёритиб берилган. Ҳар бир мавзу матнидан сўнг такрорлаш ва мунозара юритиш учун саволлар, топшириқлар, тестлар, интеллектуал тренинглари берилган. Бу эса ўқув машғулоти давомида талабанинг олган билимини мустақкамлашга замин яратади, мустақил фикрлашга, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқотни жонлантиришга, таҳсил олувчининг фаолиятини оширишга ёрдам беради ва муаммоли ўқитиш босқичларини ўз ичига қамраб олади.

Муаллифлар мазкур ўқув қўлланмада учрайдиган айрим жузъий хатолар ва меъёрига етмаган ўринлар учун узр сўрайди, билдирилган беғараз, танқидий фикрлар ва таклифларни минпатдорчилик билан қабул қилдилар.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т : «Шарк», 1998, 67-бет.

I БЎЛИМ. ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

I Боб. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ УМУМИЙ ВА ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳар бир боланинг онадан дунёга келиши, фақат туғилишидан иборат табиий-биологик ҳодиса эмас, балки у маълум лаёқат қобилият куртаклари билан тугилади. Лекин у инсон, шахс сифатида оилада ота-оналар; жамиятда эса ўқитувчи-педагог ва тарбиячилар ҳамда турли жамоаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги фаолияти орқали шаклланади. Жамият ривожланган сари етук, баркамол шахсларни тарбиялаб етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган ҳамда ўзгариб, янгиланиб, жамиятга хизмат қилган. Инсоният жамиятнинг турли босқичларида таълим-тарбия муассасалари яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тупланган тажрибаларни назарий жиҳатдан англаш, умумлаштириш ва ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида педагогика фани ва педагогик таълим вужудга келди.

Шу сабабли таълим ва тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, деб қараш лозим, чунки таълим-тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб жамиятни ва шахснинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин. Педагогика дастлаб ёшларга таълим ва тарбия бериш ҳақидаги таълим сифатида вужудга келган бўлса, секин-аста бу соҳадаги изланишлар доираси кенгая борди. Ҳозирги кунда педагогика баркамол шахсни шакллантириш қонуниятлари туғрисидаги фан сифатида таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифалари, таълим давлат стандартлари, таълим ва тарбиянинг усуллари, уни ташкил этиш шакллари ва қонуниятлари ҳақида билим, маълумот берадиган фанга айланди. Яқин вақтгача фалсафанинг бир тармоғи ҳисобланган педагогиканинг илмий-назарий, услубий ва амалий асослари яратилиб, педагогика фанлар мажмуи пайдо бўлди. Бизнингча, педагогика туркумига кирувчи

фанлар мажмуини 4 йирик тармоққа ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Барча педагогикага оид фанларга асос бўлган педагогика тарихи ва назарияси гуруҳига педагогика тарихи, дидактика ва умумий педагогика киради.

Умумий педагогика тармоғига – узлуксиз таълим жараёнининг ҳар бир босқичидаги педагогик жараённинг ўзига хослигини асослаб берувчи – оила педагогикаси, мактабгача тарбия педагогикаси, мактаб педагогикаси, касб-хунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси ва катталар педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси, ҳарбий педагогика, менежмент педагогикаси, иқтисодий педагогикаси, тиббиёт педагогикаси ва бошқа тармоқларга бўлинган. Ундан ташқари, сезги органларининг бирон бир тури ишламайдиган кишиларга билим беришининг ўзига хос томонларини ўрганувчи махсус педагогика тармоғига – сурдопедагогика, тифлопедагогика ва олифреиопедагогикалар киради. Бутун педагогик жараёни амалга ошириш йўл-йўриқларини кўрсатиб берувчи услубият (методика)ни ҳам, ўз навбатида – мактабгача таълим услубияти, умумтаълим услубияти, касб-хунар таълими услубияти, олий таълим услубияти, малака ошириш услубияти ва бошқа тармоқлардан иборат. Бу педагогик фанлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бири-бирини тақазо этади, бири - бирини тўлдирдилар (1-шакл).

Педагогика тарихи ва назарияси асосини ташкил қилувчи биринчи тармоқнинг учта педагогик фан тармоқларига умумий тасниф берадиган бўлсак, буларнинг учаласи бошқа педагогик фан тармоқларига асос бўлиб, ўзаро боғлиқдирлар.


Дидактика ва умумий педагогикада ишлаб чиқилган асосий принциплар, қоидалар ва махсус тушунчалар мактаб ҳамда махсус педагогика тармоқларидаги педагогик фан тармоқлари, дидактика принциплари ва умумий педагогикадаги қонун-қоидаларни, таълим-тарбия беришнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўзгартирадилар ва ўз соҳасига мослаштирадилар.

Услубият (методика) ҳам махсус ва узлуксиз таълим босқичларидаги педагогикалар каби таълимнинг ўзига хос тури ва қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда дидактика принциплари ва умумий педагогикадаги қонун-қоидаларни ўз соҳасига мослаштиради ва соҳа услубиятини яратади. Педагогика фанлари тизимининг муҳим тармоғи сифатида аниқ фанларни ўқитиш ва

ўрганишнинг қонуниятларини ўрганувчи услубиёт (методика) фанининг ҳам хизматлари беқиёс каттадир. Ҳозирги кунда ўқув юртларида тарих ўқитиш, математика ўқитиш, тил ўқитиш, адабиёт ўқитиш, махсус фанларни ўқитиш методикаси (услубияти) фанлари ўқитилмоқда.

1-шакл.

Педагогика фанлари мажмуи.



Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимида, педагогика фанининг умумий ва методологик асосларида, мазмунида таълим-тарбия назариясида,

таълимнинг ташкилий шаклларида, шахснинг баракамоллик даражаси ва сифатларини аниқлашда катта ислоҳий ўзгаришлар бўлди. Бу ислоҳий ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқида педагогика фанининг умумий ва методологик асослари кенгайтишига замин яратди.

Педагогика фанининг объекти фақат таълим-тарбия жараёнини назарий ва методологик ҳамда амалий асосини таъминловчи фан эмас, балки баркамол инсон шаклланишини ва ривожланишини таъминловчи таълим-тарбия жараёнини ўз ичига олади. Шунинг учун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”даги миллий таълим моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош объекти ва субъекти сифатида қаралади. Маълумки, педагогика фани таълим ва тарбиянинг инсон ривожи, баркамол шахс ва мутахассис шаклланишида таълим-тарбия тизимини ўз ичига олмайдиган этник, антропологик, генетик, тарихийлик, мустақиллик, табиий-экологик, инстинктив, рухий-ҳиссий билиш, ривожланиш, комиллик омилларига ҳам суянади. Бундан ташқари педагогика фани олдига мустақил фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафқуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари қўйилди.

Ҳозирги кунда педагогика фани таълим ва тарбияда ҳаёт жараёнининг ҳамма соҳаларини, жабҳаларини қамраб олмаса ҳам, у ўзининг баркамол инсон таълим-тарбиясида жуда катта имкониятларга эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқеини эгаллай олмаган бўларди. Шунинг учун ҳам “Таълим тўғрисида”ги қонунда ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”(1997 йил)да таълим ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналиши ва долзарб вазифаси қилиб белгиланди.

Педагогика фанида бу устувор йўналиш ва улуғвор вазифа “миллий таълим модели”дан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу, тушунчаларнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функцияларини бажаришнинг методологик, таълим-тарбия назарияси ва амалиёти, таълим тизимини бошқаришга доир бўлимларида асослаб берилади.


Шундай қилиб, педагогика мустақил фан сифатида шаклланиб, такомиллашиб бориб, таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифа-

лари, Давлат таълим стандартлари, таълим-тарбия назариясининг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақида билим, ўқув, амалий кўникма ва малакалар, маълумот берадиган фанга айланди. Демак, бошқа фанлар каби педагогика ҳам фан сифатида у аввало жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида пайдо бўлди ва жамият ижтимоий тараққиёти билан узвий ривожланиб бормоқда.

Шу сабабли таълим-тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, деб қараш лозим, чунки таълим-тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб жамиятни ривожланишини, баркамол инсонни тарбиялашни тасаввур қилиш қийин, албатта.

Маълумки, ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети (мавзуси) ва методологик асосларига эгадир. Жумладан, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида мустақил фан сифатида ривожланиб бораётган педагогика фани ҳам ўз предмети (мавзуси)га эга.

Педагогика фанининг предмети ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, методлари, воситалари билан ёшларни, бўлажак мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун унинг методологик асослари, мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожда шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.



ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎРГАТИШДА АЛОҲИДА
АҲАМИЯТ БЕРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР

Дарс (машғулотлар)ни олиб боришда талабалар ёши, тафаккури, дунёқараши ва кизиқишларини ҳисобга олиш

Таълим-тарбиянинг илгор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имконияларидан кенг фойдаланиш

Таълим жараёнида тазйик ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин кўникмаларига эътибор қаратиш

Айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштиришга, таълимнинг эскича методларини қўллаш натижасида фаннинг кадрсиқланишига йўл қуймаслик

Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид гояларини инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик энг олий кадрият, уни асраб авайлаш эса муқаддас бурч эканини ўқувчи-талабаларнинг қалби ва онгига сиқдириш

Мавзунинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда ҳаётний мисоллар, бугунги дунёда рўй бераётган мақсадлар таҳлилидан, матбуот материалларидан кенг фойдаланиш

Педагогика фанининг мақсади:

- Республикамизда баркамол авлодни вояга етказишнинг бир бутун ҳолатидаги муаммоларини ҳал қилиш;
- таълим-тарбия самарадорлигини тинмай ошириш ва дунё талаблари даражасига олиб чиқиш масалаларига ижодий ёндашиш;
- умуминсоний қадрият ва миллий маданиятнинг асосларини эътиборга олиб, таълим-тарбия мазмунини, миллий мафқурани шакллантириб бориш имконини яратиш;
- педагогика – тарбияшунослик қоида – қонунларини илғор педагогик тажрибалар асосида бойитиб бориш ва замонавий педагогик технологияларни амалиётда қўллаш тадбирларини белгилаш;
- узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш;
- “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш ва ҳ.к.

Педагогика фанининг вазифалари:

- Шарқ ва Ғарбда халқ яратган оғзаки ижодиёти, яъни халқ педагогикаси, мутафаккирлар, маърифатпарварлар, педагог ва олимларнинг тарбияшуносликка доир илғор ғояларини ўрганиб, таҳлил қилиб, баркамол шахсни тарбиялаш жараёнига татбиқ этиш;
- комил инсонни таркиб топтиришнинг қонуниятлари ва зарурий сифатларини аниқлаш;
- педагогикадаги таълим – тарбия назариясини ҳозирги ва хусусий методикаси билан узвийлик муаммоларини ишлаб чиқиш ва замонавий педагогик технологияларга амал қилиш;
- таълим-тарбия назариясидаги қоида, қонун, тамойил, метод ва усулларини таълим муассасаси амалий ҳаёти билан боғлаб, бўлажак иқтисодчи ўқитувчилар ва мутахассисларга ўргатиш;
- таълим муассасасини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур ўрганиб бўлажак ўқитувчилар ва мутахассисларни қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш ва ҳ.к.

Педагогика фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойил, метод ва усуллари, воситалари умуман, ҳар бир инсон учун зарур бўлган тарбиявий таъсирлар янгича асосга эга бўлиши керак. Педагогика фанининг мазмуни, мақсад ва вазифаларининг янгиланиш ва ривожлантириш йўли қуйидаги тўртта асосий негизга асосланади:

- миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳини сингдириш;

– халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

– шахснинг ўз қобиллият ва имкониятларини эркин намоён қилиш;

– ватанпарварлик ва инсонпарварлик.

Шу асосдан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, педагогика фанининг мақсад ва вазифалари анча кенгайганлигини кўрсатади.

4-шакл

Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари

Педагогиканинг мақсади: ёшларда, бўлажак мутахассисларни қомиллик сифатларини такомиллаштириш, ёшларни замонавий, ахлоқий – амалий ўқув, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, ҳар томонлама етук, қомил инсонларни тарбиялаш, уларда ҳар бир соҳага мос билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдан иборат

Педагогика фанининг асосий вазифалари

Ёш авлодни Ватан раънақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби олижаноб гоёлар руҳида тарбиялаш

Ёшларда асосий конституционий ҳуқуқлардан бири бўлган ҳар бир кишининг ахлоқий-амалий имкониятларини рўёбга чиқариш

Ёш авлодда жамиятимизда қабул қилинган, одоб-ахлоқ қондаларига мос келадиган эътиқодни, ахлоқий малака ва кўникмаларни, эҳтиёж ва интиляшларни таркиб топтириш

Юксак фазилатларга эга, эзгу гоёлар билан қуролланган қомил инсонларни вояга етказиш

Ёшларни ўзи хоҳлаган касбни танлаши, уни муқаммал эгаллаб, шу соҳада муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун моддий-маънавий, тарбиявий дидактик шарт-шароитлар yaratиш


Ёшларни жамиятимизга ёт ва беғона зарарли гоёларга қарши курашишга ўргатиш, уларда ҳушёрлик кўникмаларини ҳосил қилиш

1.2. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

“Истиқлол мафқураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг шу ғоя – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу – интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради. Бу мафқура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор – номуси, ишонч – эътиқодини ифодаладиган жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир”.¹

Миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизлари – халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросимларидаги озодлик, эркинлик учун кураш руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий руҳ берган тафаккур тарзида намоён бўлади. У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган. Бу тафаккурнинг марказида инсоннинг улуғлиги ва муътабарлиги ғояси ётади. Чунки мамлакатнинг ҳаёти, фаровонлиги меҳнаткаш инсонларнинг хусусан, ёшларнинг фаолиятига боғлиқ.

5-шакл



¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6 –бет.

Миллий истиқлол ғоясининг тарихийлик тамойили халқимиз руҳини, даҳосини ақс эттирувчи ўлмас қадриятлар билан узвий боғлиқдир. Хусусан, буюк аждодимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг соғлом маънавият маҳсули бўлган “**Куч - адолатдадир**” деган шиори миллий ғоянинг таркибий қисмига айланиб кетган. У мамлакат бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этишида, айниқса, уни одиллик билан бошқаришда маънавий – мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган.

Миллий истиқлол ғояси чуқур педагогик асосларига эга. Бунда бир томондан, жаҳон педагогикасидаги умуминсоний қадриятлар, иккинчидан, Шарқ педагогикаси ва маданияти, учинчидан эса, юртимизда ўтган қомусий алломаларнинг педагогик мероси ўз ўрнига эга. Ана шу асосда яратилган ғоя ва мафкура ҳозирги замонда яшайтган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онига сингмоғи, ҳақиқий иймонга айланмоғи лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий мафкурамизнинг педагогик асослари деганда аждодларимизнинг педагогик тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, жаҳон халқлари педагогикаси, урф-одатлари, қадриятлари, ҳозирги замондаги педагогик қарашлар ва таълимотлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларидаги фикр ва хулосалар тушунилади.

Истиқлол мафкураси – ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қадрлилиги шундаки, унинг моҳиятида умуминсоний тамойиллар ётади.

Миллий истиқлол мафкураси, қуйидаги педагогик моҳиятга эга:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэтироф этилган талабларга, умуминсоний тамойилларга зид келмайди;

- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

- адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки бу, улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсад, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

- Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларининг аниқ мақсад сари йуналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди;

- жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистон Республикаси буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимизга, эртанги кунга бўлган қатъий ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир;

- миллати ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга мухаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида Ватаннинг муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қилади;

- жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий истиқлол ғоясининг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

6-шакл



Миллий истиклол мафкурасининг асосий умумбашарий тамойиллари эса қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;

- қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;

- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;

- халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;

- давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигига ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлиги, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлиги тамойиллари хизмат қилади.

7-шакл



Истиқлол мафқураси қуйидаги умумбашарий кадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ – ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўзлаштириш ва ҳоказо.

Миллий истиқлол мафқурасининг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон деганда биз энг аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуққ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маданиятли, маънавиятли шахси тушунамиз. Оигли, билимли одам ҳар нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўриб ўз ўй-фикрини, ҳулосасини мантиқ асосида қуради.

8-шакл



Тарихга назар ташласак, комил инсон характери ва хулқ атвори қандай деган масала билан Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Нодира, Анбар отин, Фурқат, Комил Хоразмий, Бехбудий, Абдулла Авлоний ва бошқа мутафаккирлар шуғулланиб, ўз асрларида муҳим фикрларни баён этганлар. Ниҳоят, буюк мутафаккир – педагогларимиз талқин этган **Комил инсон** характери, эзгу ва одил хислатларни санаб саногича етиш қийин. Мутафаккир педагогларимиз уни уч хислатга жам қилганлар: **“Саҳо – бор нарсани ҳеч кимдан қизғанмаслик; Сафо – қалбни кибру – ҳаво, гина-қудрат, қасд-ғазабдан поклаш; Вафо – ҳамма вақт халқ хиз-матида бўлиш”**.

Шундай қилиб, **Саховатлилик** фақат моддий ёрдам билан эмас, балки ўзгача илм ато этиш билан ҳам бўлади. **Сафолик** (поклик) эса бировнинг қалбини нурга тўлдириш. **Вафолик** ўзганинг бахтидан хушнуд бўлишидир.

Демак, **Комил инсон** ўз характери, ахлоқи ва одоби билан ўзгани тарбиялайди, ўзига бахт ато этади. Унинг характери, одоб-ахлоқи жамиятда типикдир, характер типиклашмаса комиллик бўлмайди.

Зеро, **Комил инсон**да эзгу ва одил характери шакллантириш учун қалбни тарбияламоқ лозим. Мутафаккирларнинг фикрича, кишиларда беш хил қалб бор: **“Ўлик қалб – ҳеч нарсага интилмайдиган қалб; хаста қалб – янгиликка ҳаваси бор, лекин интилмайдиган қалб; хаста қалб – янгиликка ҳаваси бор, лекин ёрдамга муҳтож қалб; ғофил қалб – ҳикмат (онглилик) нуридан бебахра қалб; уйғоқ қалб – нури бор, бироқ тарбияга муҳтож қалб; тирик қалб – ўз бахтини топган ва ўзгага бахт берувчи қалб”**.¹ Комил инсон ана шундай тирик қалбга эга бўлиш билан улуғ характерга эришади. Демак, биз бутун миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқурани тарбия жараёнида қўллашда ҳар бир ёш авлоднинг қалби, онги ва шу-уридаги туйғуларини шакллантиришга, қалби ва онгини ёт унсурлардан асрашга, ниҳоят, ундаги эзгу туйғуларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришимиз керак.

¹ Т. Дўстжонов, М. Мирҳамидов, С. Ҳасанов. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD - MOLIIYA”, 2006. 399-бет.

Дарҳақиқат, **Комил инсон** ғояси – ҳам миллий, ҳам маънавий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Бу ғоя – нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун – бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган.

Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг келажаги йуқ.

Инсоннинг инсонлиги биринчи навбатда, унинг маънавий – ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий – ахлоқий тарбия тушунчаси кенг қамровлидир. Маънавий – ахлоқий баркамол инсон ота – онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас, бутун оила аъзолари, қўни – қўшнилари, маҳалла – қўйи, умуман, бутун мамлакат халқи фаровонлиги ҳақида қайғуради; теварак атрофини ўраб олган инсонлар унга керак бўлгани сингари, ўзи ҳам уларга керакли киши бўлишга интилади; одоб – ахлоқи, феъл – атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблайди; ота – боболаридан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлайди; миллий қадриятларни эъзозлайди ва уларга содиқ бўлиб қолади; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғулари барқарор бўлади; ўзаро муомала – муносабатда ўрناк бўлишга мойил бўлади; бировнинг оғирини енгил қилишни одат қилади; умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳурмат қилади, унга садоқат намуналарини амалда кўрсатади; Ватанни ҳимоя қилиш, ҳарбий ватанпарварлик туйғулари билан яшайди; диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилади, ваъдага вафоли бўлишни ўзига касб қилиб олади ва ҳ. к.

Маданият баркамол инсонни шакллантириш воситаси – дир. Маданиятли комил инсон ғояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳаммиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.



Демак, **Комил инсон** шахсини шакллантириш жараёнида таълим-тарбия борасидаги барча имкониятлар ва кадриятлардан тулиқ фойдаланмоқ керак. Ҳар қандай тарбия умуминсоний кадриятлар билан боғлангандагина яхши самара беради. Ҳар ҳолда жаҳондаги турли давлатларда, мамлакатларда амалга оширилган тарбия методлари, ишлари, мазмуни, моҳияти, ундан қўзланган маҳсулотлар бир – бири билан узвий боғлиқдир. Шундай қилиб, **Комил инсон** гоёсининг мақсади:

– **биринчидан**, инсон, унинг камолоти бутун таълим – тарбия тизимининг марказида турмоғи лозим. Инсон инсон учун деган фикр олий кадрият, олий мақсад бўлиб қолиши бунинг учун энг

аввало ёшларнинг, уларга таълим – тарбия бераётган барча ўқитувчи-тарбиячиларнинг Алишер Навоий айтганларидек, “Ўзининг дили пок бўлмоғи лозим”.

– **иккинчидан**, Ўзбекистон жаҳонга юз тутди, жаҳон ҳам Ўзбекистонга ўз бағрини очмоқда. Бинобарин, эндиги мутахассис кадрлар жаҳон халқлари билан доимий мулоқотда бўладилар. Ўзбекистонга, унинг халқига ҳар бир кадрнинг шахсий сифатларига қараб баҳо берадилар, муносабат белгилайдилар. Бундай шароитда бўлажак мутахассис ўз касбининг қай даражада устаси эканлиги, айни чоғда Ўзбекистон фуқароси сифатидаги фазилатларига қараб хорижликлар мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурларга эга бўладилар. Буни ҳар бир ёш авлод назарда тутиши, шундан келиб чиқиб таълимга муносабат белгилаши, ўз – ўзини ва миллий ўзлигини англаши муҳимдир. Яъни ёшларда ўз Ватани, халқи олдидаги юксак масъулият ҳиссини барқарор қилиш тараққиётнинг янги, юқори даражасига эришишнинг ўзи таълим – тарбия тизимини инсонпарварлаштиришни долзарб масала сифатида кўймоқда.

– **учинчидан**, бозор иқтисоди муносабатларини Ўзбекистонда шакллантиришнинг ўзига хос ва ўзига мос хусусияти шундан иборатки, бу муносабатлар ижтимоий йўналтирилган мазмунга эга бўлади. Ана шу муносабатларни шакллантирадиган ва унда фаолият кўрсатадиган кадрларнинг ички дунёси – “Мени” юксак идеаллар, миллий қадриятлар асосида қарор топиши учун таълим – тарбия тизимининг бутун йўналиши инсонпарварлик ғояси билан суғорилган бўлиши лозим. Яъни бозор иқтисодий муносабатлари шахсда ҳайвоний ҳирслар ва фирибгарлик хислатлари ривожини учун эмас, аксинча, инсоний фазилатлар тўла равишда руёбга чиқишига хизмат қилсин. Бошқача айтганда, бозор иқтисодий муносабатларини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга пировард ижтимоий мақсад эмас, балки ҳар томонлама камол топган, имон – эътиқодли, юксак маданиятли инсонларни вояга етказиш, улар ўз қобилиятлари, истеъдодларини эркин руёбга чиқариш учун қулай шароит сифатида қаралмоғи лозим.

– **тўртинчидан**, таълим ва тарбиянинг узлуксиз жараёни инсонпарварлик тамойиллари асосида ривожланишининг назарий ва илмий жиҳатлари шу соҳада меҳнат қилаётган кадрларнинг онги ва қалбидан зарур даражада ўрин олиши керак. Улар таълим –

тарбияни “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар асосида амалга оширишлари лозим.

Миллий истиқлол ғоясини, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти стратегиясини, ўзбек халқнинг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад – муддаоларини ҳисобга олган ҳолда, ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг муайян тизими ва устувор йўналишлари мавжуд. Бундай жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақазо этилади.

10-шакл



Миллий истиклол ғоясини сингдиришда ҳар бир ота-она фарзандининг мактабгача тарбияси унинг кейинги тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим – тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб етиши ниҳоятда муҳимдир. Бунда оиланинг таълим муассасалари тизимига изчил уйғунлашувига эришиш зарур. Бу даврдаги барча бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, академик лицей, касб – ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир. Уларнинг ҳамма амалга ошириладиган мафкуравий таълим жараёнида ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, қўшимча адабиётларда қуйидаги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим:

- Ватан туйғусини шакллантириш;
- она тилимизга муҳаббат уйғотиш;
- миллий қадриятларга ҳурматни кучайтириш;
- эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуглаш;
- оиланинг ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги ролини кўрсатиш;
- маҳалланинг демократия ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш ва ҳоказо.

11-шакл



Истиқлол ғоявий тарбиянинг моҳияти. Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши – бу истиқлол ғоявий тарбиядир. Бу инсон, онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир – оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир.

Бу шахснинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гузаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу – том маънода мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гуруҳ, миллат, халқ, жамият бўлиши мумкин эмас.


Истиқлол ғоявий тарбиянинг мақсади. Ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади – жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Бу пировард натижада ўша жамият ривожига туртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлайди. Шу маънода, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида асрий миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом ғоялар ва фикрлар тарзида – халқ тафаккури тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бу жиҳат мафкуравий тарбиянинг бу хусусиятларидан биридир.

Истиқлол ғоявий тарбиянинг энг муҳим омилларидан бири оиладир. Оила – жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён бобо-лар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф – одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд – насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида ёшлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр – оқибат, эл – юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёсдир.

Мафкуравий таълим-тарбия тизими ва функциялари қуйдагилардан иборат:

12-шакл



Меҳнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий маънавий муҳитдир. Улар кишида жамоа руҳи меҳнатсеварлик омилкорлик, адолат тушунчаси, меҳр – оқибат туйғуларини тарбиялайдиган меҳнат жамоалари бўлиб, турли миллат ва диний эътиқодга мансуб одамларни дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликка чорлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, соғлом маънавий муҳитни вужудга келтириш муҳим омил вазифасини бажаради.

13-шакл



Мафқуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири мулоқот ҳисобланади. Чунки инсон қалбида ва онгида шаклланадиган дунёқараш, эътиқод, иймон, виждон, масъулият каби фазилятлар тарбиясида радио – телевидение, газета – журналлар, бадиий кинофильмлар ҳамда бадиий адабиётнинг ўрнини эътироф

этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юзма – юз кечадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва бола кўзига қараб туриб айтиладиган бамаъни сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам ота – она бир гапни айтиши лозим бўлса, боласининг юзини ўзига қаратиб олиб, зарур юз қиёфаси ва юзидаги самимият билан фикрини ўқтира бошлайди. Ва бундай мулоқот самарали бўлади. Шу боис аудиторияларда ўқитувчи билан талаба ўртасидаги мулоқот таълим ва тарбия жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

14-шакл



Соғлом дунёкараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар онгида шакллантиришнинг қуйидаги асосий объектив шарт -- шароитдаги омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий муҳит;
- б) сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши;
- в) ёшларнинг билим даражаси;
- г) одатий, анъанавий фикрлаш тарзидан янгича, эркин фикрлашга ўтиш.

Муस्ताқиллик даври янгича ислохотлар, демократия, бозор муносабатлари шароитлари айнан тафаккур ва фикрдаги ўзгаришларни таказо этади, ана шу жараён бирданига, тез ва бир текисда рўй бермайди. Бу-мураккаб, босқичма – босқич амалга ошадиган жараён бўлиб, унда бу ижтимоий қатлам вакиллари билан бирга ёшлар ташаббус кўрсатиши, ўз дунёқараши ва эътиқоди билан бошқаларга таъсир ўтказиши керак.

Мафкуравий тарбия маълум тизимга эга бўлиб, бу тизимдаги хилма –хил бўғинлар ўзига хос аҳамият касб этади. Бу борада мафкуравий тарбия субъектлари алоҳида ўрин тутаяди.

Жамият аъзоси сифатида, инсон доимо турли гуруҳ жамоаларнинг вакили сифатида уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни ҳар бир шахснинг феъл – атворида, хатти – ҳаракатларига мансуб бўлган миллат, халқ, профессионал (касбий) тоифа, жамоа оиланинг ижобий ёки салбий таъсири бўлади.

Тарихий шарт – шароит, давр, давлат тузуми ва ўша жамиятда сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий таъсирлар унинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирларнинг икки хили мавжуд:

- макро босқичдаги таъсирлар ёки кенг маънодаги ижтимоий маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари;

- микро босқичдаги таъсирлар ёки бевосита инсон туғилиб ўсадиган оила, таълим ва тарбия масканлари жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳитидаги таъсирлар.

Бир қарашда инсон феъл-атворини иккинчи даражали таъсирларгина белгилайдигандай туюлади. Чунки “*қуш уясида кўрганини қилади*” деганларидек, айниқса, ўзбекчиликда оиласи, насли – насаби, маҳалласи, таълим олган билим даргоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ҳаётда ўзини оқламайди ҳам. Лекин макро босқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини камстиш ҳам тўғри бўлмайди. Масалан собиқ шўролар тузуми даврида жамият аъзоларининг муте, тобе, ихлоссиз, баъзи бир жиҳатдан иймонсиз бўлиб камол топишига замин яратган эдики, бунга асосан ўша муҳитдаги носоғлом, инсон кадрини ерга урувчи иқтисодий сиёсат ва мафкура сабаб бўлган.

Мафкурани амалга оширувчи шахсдан аввало, тажриба, билимдонлик, ишонтира олиш қобилияти, унинг нутқи, ўзига ишонч ва бошқалар талаб қилинади. Мафкурачиларнинг иш услуби, ўзида мавжуд билим тушунчаси, ғояларни асосий қилиб

олган ҳолда, биринчи навбатда ёшларда, қолаверса, кенг халқ оммаси онгида мустаҳкам эътиқодни шакллантириш, таъсир кўрсатишдир. Бунда у мулоқотнинг барча самарали ва таъсирчан воситаларидан – монолог, диалог, баҳс-мунозара кабилардан фойдаланади. Айнан ана шу фаолият ҳар бир таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини, нутқ маҳоратини ялланини талаб қилади. Сўзловчи нутқий ва нутқий бўлмаган воситалардан ўз ўрнида мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиши шарт. Ҳиссий таъсир усуллари – ўринли ишлатилган қарашлар, имо-ишора, мимика кабилар ҳам таъсирни кучайтирувчи психологик механизмлар эканини унутмаслик керак.

15-шакл



Тарбиячидан талаб қилинадиган яна бир муҳим ҳислат – гапираётган кишининг ёқимтойлигидир. Бу ҳам нотикқа нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. Ёшлар аудиториясида нотикнинг мурожаатига эътибор жиддийроқ бўлади. Зиёли, олимлар ва ўқитувчилар аудиториясида мантикий, илмий таҳлилларга асосланган фикрлар, мулоҳазалар катта таъсир кучига эга бўлади.

16-шакл



Нотикнинг нима ҳақида гапираётгани (ахборотнинг мазмуни) ҳам мафкуравий тарбияда муҳим ўрин тутди. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, шахсга ҳам ақлан асосланган (рационал), ҳам эмоционал (ҳиссиёт уйғотувчи) маълумотлар тез таъсир қилади. Бунда аудитория хусусияти назарда тутилиши керак. Масалан, ўқимишли, тушунган шахслар аудиторияси фактларга таянган, асосий маълумотни тез қабул қилиб, унга ишонса кичик ёшлилар, маълумот даражаси пастроқ шахслар эса кўпроқ юракка яққин, эмоционал (ҳиссиёт уйғотувчи) маълумотга ўч бўлади. *Мафкуравий ахборот ёзма тарзда етказилиши мумкин. Биринчисига газета, журналлар, китоблар дарсликлар, ёзма манбаларда мужасамлашган маълумотлар киради, иккинчисига маъруза, дарсни баён этиш, мунозара ва суҳбатлар ўтказиш киради. Бундан ташқари, мафкуравий гоялар турли бадиий ва ҳужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун яратилган мультфильмлар орқали ҳам етказилиши мумкин.* Муҳими, улар ҳам маънавият ва ўлмас меросимиз, келажакка ишонч уйғотувчи маъно – мазмун билан йўғрилган бўлиши керак.

17-шакл



1.3. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Фаннинг методологик муаммоларига барча даврларда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун ҳам мамлакатимизда билимнинг бу соҳасига қизиқиш кучайиб бормоқда. Ижтимоий ҳаёт давомийлиги ва фан ривожининг юқори мавҳум поғснаси мураккаб, ечими бирмунча қийин бўлган саволларни юзага чиқармоқда. Табиийки, уларнинг илми билишнинг эскича ёндашуқлари ёрдамида ҳал этилиши мушкул. Методология ҳам амалиёт талабаларидан ортда қолиши, ижтимоий кадриятларнинг ўзгариш қонуниятларига боғлиқ ҳолда ривожланмаслиги мумкин эмас.

Биринчи навбатда янги методларни излаб топиш жараёни давом этмоқда, мавжудларини тубдан такомиллаштириш, илмий билиш мантиқини лойиҳалаш, тадқиқотлар самарасини оширадиган техникавий қурилмаларни яратиши эътибор қаратилган. Бошқа томондан, методологиянинг дунёқараш жиҳатлари – чуқур назарий умулашма, башоратлаш, фан стратегиясини ва унинг маҳкамасини ошириш жамият ислоҳотларига мос равишда амалга оширилмоқда. Бу жараёнларнинг тезлашувини таъминлашда ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳолос бўлиш, миллий истиқлол ғоясини омма онгига сингдириш, бунда оммавий коммуникациянинг барча воситаларидан фойдаланиш сезиларли самара бериши сир эмас.

Методология – (юнонча-методлар ҳақида таълимот) ижодий жараён сифатида илмий билиш йўллари ва воситаларининг, илмий тадқиқот қонуниятларининг, уларни таққослаш ва тизимлаштириш замирида юзага келган. Демак, методология илмий билиш фаолиятининг моҳиятини йўллари ва воситаларининг назарий муаммоларини, шунингдек, ижтимоий жараён сифатида илмий тадқиқот қонуниятларини ўрганади.

Методология тушунчаси мураккаб ва ҳар доим ҳам бир хилда талқин қилинавермайди. Биринчи навбатда у кенг маънода – фан методологияси сифатида қўлланилиб, барча илмий фанлар учун илмий билишнинг фалсафий таянчи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, методология фан сифатида объектив борлиқни билиш ҳақида таълимот (назарияси)дир. Тор маънода эса аниқ илмий фанлар (шу жумладан, педагогика) учун илмий билиш назариясини

инглатади. Демак, методологик билимларнинг умумий тизимида методология ўрнини аниқлаштириш учун мавжуд.

Аниқ фанлар методологияси умумий методологияга таянган ҳолда:

1. Унинг талабларини муайян фан объекти ташкил этадиган ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга татбиқ этади;

2. Ўзида билишнинг аниқ илмий методлари ҳақидаги назарияни ўрганилаётган ҳодиса ва жараён қонуниятларининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда мужассамлаштиради.

Педагогика – бошқа ривожланган фанлар қатори ўзининг алоҳида предметига, назарий принципларига эга ва алоҳида тадқиқот методологияси билувга тортилган объектив воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда қўллайди.

Методологик муаммоларни ишлашдаги силжишларнинг мавжудлигига қармасдан, қатор назарий-методологик муаммолар ечимсиз қоляпти. Етарлича тадқиқ қилинмаяпти. Фикримизча, методологик муаммоларни ишлаб чиқиш камида икки шартни ҳисобга олишни тақазо этади.

Биринчи шарт – педагогика бирмунча долзарб муаммолари билан мактаб, академик лицей, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг амалий вазифалари ўртасидаги алоқадорликни кучайтириш лозим. Бу бизни схолистик назариялаштиришдан, умумий мулоҳазалашдан тийиб туради. Асосий эътиборни шундай тадқиқот йўналишлари ва муаммоларига қаратиш лозимки, натижада педагогика фанининг ҳаётий муҳим масалалари ечимини топиш учун методологик ёндашувлар билан бизни қуроллантиришсин, таълим ва тарбиявий жараённинг амалий вазифалари ечимини таъминлашсин.

Иккинчи шарт – методология ва педагогика назарияси муаммоларини ишлаб чиқишга юксак малака ва тажрибага эга, илмий жиҳатдан етук университет, институт ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни жалб этиш лозим.

Методологияга эътиборнинг кучайиши, кун тартибида турганлигининг объектив омиллари мавжуд: мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат заминида кучли фуқаролик жамияти қурилмоқда ва таълим тизими жамият тараққиётига мос ҳолда тубдан янгиланди. Бу янги моделнинг

муваффақияти кўп жиҳатдан педагогик тадқиқотлар натижасига, умуман, педагогика фанининг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқдир.

Дастлаб педагогик тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг мантиқи, методологик тавсифи билан боғлиқ қуйидаги масалалар аниқлаштирилмоғи лозим:

- педагогиканинг назарий тадқиқотлари самарасини ошириш;
- педагогик тажрибани ўрганиш ва натижаларидан фойдаланиш;
- педагогик тажриба-синов, унинг моҳияти, методикасини ойдинлаштириш;
- фан ютуқларини таълим ва тарбия жараёнига татбиқ этиш муаммолари;
- тарбияга яхлитликда ёндашиш, бунда мафкуравий тарбиянинг аҳамияти;
- педагогика фанини миллий ва умуминсоний тажрибалар асосида ривожлантиришнинг методологик жиҳатлари ва х.к.

Ану шу саволлар доирасидан маълум бўладики, мавжуд билимлар билан яшаш, замонавий талаб ва эҳтиёжларга бефарқ қараш, мумкин эмас. Бундай шароитда табиийки, “таянч” нуқта амалиёт бўлиши лозим, яъни замонавий таълими ҳолати – ҳақиқий ҳақиқат мезони ҳисобланади. Амалиёт таъсири остида назария илмий кашфиётларнинг асосий омилига айланади. Фақат кенг ва ҳар томонлама ташкил этилган амалиётгина фаолиятнинг камчилигини ва етилмаганлигини ҳамда айни вақтда педагогик воқеликни билишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиниши ва ривожлантиришнинг тарихий аҳамияти – бу таълимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган – **“инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”** (23-модда) – принципига амал қилган ҳолда инсонийликка йўналтирилганлигидир. Инсоний устуворлик таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципи сифатида Ўзбекистон Республикаси **“Таълим тўғрисида”** ги қонунида ҳам ўз ифодасини тўлиқ топган. *“Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги”* (3-модда).

Демак, бу мантиқан айтганда, **“битирувчи”**ни тайёрлашдан **“эркин шахс”**ни шакллантиришга ўтишни англатади. Чунки эркин фикрга эга инсон, маълумотли шахс нафақат ижтимоий тизим ичида ҳаракатланади, балки уни ўзгартиришда ҳам фаол бўлади. У

олам ва одам муносабатларини умуминсоний кадриятлар контекстида қабул қилади.

Бугун мамлакатимизда қатор ўқитувчиларимиз педагогик ғоялар тарғиботчисига айланишда, ўзлари ҳам бевосита тарғиботчилик фаолиятини намойиш қилмоқдалар, тасдиқланган дастлабки материаллар билангина эмас, балки ўзининг шахсий ижодий режаси асосида иш юритмоқдалар. Янгиликка, эркинликка, мустақилликка интилиш ҳозирги замон ўқитувчисининг шахс сифатлари таркибига кириб улгурди, энди анъанавий ўқитиш тизим ўз ўрнини миллий истиқлол ғояси билан суғорилган ва қатъиян илмий асосда ташкил этилаётган замонавий педагогик тизимга бўшатиб берапти. Педагогик амалиётнинг турли томонларини камраб олаётган кучли инновацион импульс ҳаракати давом этмоқда: таълим мазмунини йириклаштириш, натижаларини олдиндан белгилаш, ўқитишни психологиялаштириш, компьютерлаштириш, интерфаол ўқитиш ва тарбия методлари, таълимни бошқаришга қаратилган ёндашувлар вужудга келди. Шу ўринда методологик муаммоларнинг қуйидаги йўналишларига, унинг алоҳида томонларига қисқача изоҳ беришга ҳаракат қиламиз.

Педагогик тадқиқот бу йўналиши баъзи эътирозларни пайдо қилиши мумкин. Чунки аксарият кўпчилик педагогика предмети ва унинг чегараси аллақачон аниқланган, деб ўйлашади: у – **тарбия ҳақидаги фандир**. Бу таъриф педагогикага кўп асрлар олдин берилган, маълум маънода анъанавий таъриф дейиш мумкин. Афсуски, бу изоҳ бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмайди, қатор ҳолларда чалкашликка олиб келади, фаннинг таъсир доирасини торайтиради. Гап шундаки, педагогик адабиётларда **“тарбия”** атамасининг ўзи турлича изоҳланади: 1) *кенг ижтимоий – инсонга ўраб турган ижтимоий муҳит таъсири*; 2) *кенг педагогик – ўқув тарбия жараёнини бутунлай қамраб оладиган мақсадли фаолият*; 3) *тор педагогик – тарбия деганда махсус тарбиявий ишлар тушунилади*; 4) *бирмунча торроқ – тарбиявий куч йўналтирилган майдонча, маслан, ватанпарварликни тарбиялаш (ахлоқий тарбия), бадий тасаввурларини шакллантириш (нафосат тарбияси) тушунилади – (Ю.К. Бабанский).*

Педагогика таълим ҳақидаги ягона фан сифатида ҳам эътироф этилади, бу фан вакиллари у ёки бу таълимий фаолият билан шуғулланадилар (*В.В.Краевский*). Шундай экан, педагогикани таълим ва тарбия ҳақидаги фан сифатида талқин этиш тўғри

булади. Бу ўз навбатида шахсни мақсадга мос ҳолда шакллантиришнинг икки қанотида англатади. Шу сабадан бирмунча аниқ таъриф қуйидагича бўлиши мумкин: педагогика – бу шахсни мақсадли шакллантириш ҳақидаги фандир.

Маълумки, шахсни шакллантиришда *ирсият*, *муҳит*, педагогларнинг мақсадли фаолияти, инсоннинг хусусий фаолияти ва ўз-ўзини тарбиялаш каби омиллар катта имкониятларга эга. Таклиф қилинётган таъриф фаннинг мавқеини пасайтирмайди, аксинча, унинг қатор афзалликларини санаб ўтиши мумкин: биринчидан, педагогик фаолият ўрни шахсни ривожлантириш ва тиклаш омиллари (*ирсият*, *муҳит* ва б.) орасида белгилаб боради; иккинчидан, педагогик жараён сифатида таълим ва тарбия аҳамиятини мувозанатлаштиради; учинчидан, “тарбия” атамаси қайси маънода (тор ёки кенг) ишлатилишини кўрсатиш заруратидан соқит қилади.

Шахсни шакллантириш муаммоси билан социология, фалсафа, психология, этика ва бошқа қатор фанлар шуғулланишади. Агар социология тарбияни ижтимоий ривожланишнинг омили сифатида қараса, психология тарбияга шахсни руҳий ривожланиши воситаси тарзида мурожаат қилади. Этика тарбия масалаларини ахлоқий тараққиёти нуқтаи назаридан талқин этади. Бу фанлардан фарқли ўлароқ, педагогика шахсни шакллантиришнинг икки табиатини тадқиқ қилади, уларнинг тузилмасини аниқлаштиради, қонуниятларини ишлаб чиқади, таълимий-тарбиявий фаолиятлар технологиясини лойиҳалайди.

Педагогика фани предметини аниқлаш, унинг бошқа фанлар билан алоқаси ва ўзаро таъсир доирасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Бу муаммо ҳозирча умумий тарзда ёритилган бўлиб, аслида *кадрлар тайёрлаш миллий модели* асосида ҳам мазмун жиҳатдан, ҳам мантиқий боғланишлар жиҳатдан унинг тавсифномаси ишлаб чиқилиши лозим.

Ҳар бир фаннинг ривожланиш доирасини тадқиқотларни табақаллаштириш ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигининг хилма-хиллигига боғлиқ ҳолда муҳокама қилиниши лозим.

Мустақиллик йилларида педагогика фанлари тизими ҳам бирмунча кенгайиб бормоқда. Бу эса педагогика фанининг ўз объекти, предмети, илмий тушунчалар таркиби, уларнинг мантиқи, назария ва амалиёт мутаносиблиги каби қатор саволларни янгича талқинда ифодалаш зарурати мавжуд. Бошқача айтганда, таълим

соҳасидаги ўзгаришлар педагогикани ўрганадиган фан парадигмасини алмшатириш ғоясини вужудга келтираётти.

Педагогик парадигма илмий фаолият модели сифатида бир томондан таълимда фанлараро тадқиқотларнинг нуфузи ошаётганлигини, педагогика фанининг интегратив функцияси кучаяётганлигини кўрсатса, бошқа томондан таълим – тарбия қонуниятларини ўз предмети сифатида қабул этиш ягона фан сифатида педагогиканинг назарий мавқеини ошириш ва мақомини аниқлаштириш вазифасини илгари сурди.

Педагогика фани ривожининг ҳозирги босқичида алоҳида долзарб методологик масалаларни ечиш билан чегараланмасдан хусусий билимлар тизими сифатида педагогика методологиясини аниқ белгилаб олиш зарур. Бу биринчидан, педагогик назариялар ишончлилигини таъминласа, бошқа томондан методологик билимлар педагогик (ёки ихтиёрий бошқа) тадқиқотлари самарли ташкил этиш ва етказиш мумкин эмаслигини англатади.

Ижодий жараён бугунги кунда педагогика фани методологиясига, унинг предметиға нисбатан турлича ёндашувлар вужудга келмоқдаки, уларнинг моҳиятини қисқача тушунтиришға ҳаракат қиламиз.

Методология функцияси асосида аниқлаш.

Методология алоҳида фан сифатида икки функцияни бажаради: *дескриптив (ифодаловчи)* ва *перскриптив (меъёрловчи)*. Биринчиси – объектни назарий жиҳатдан ифодалашни кўзласа, кейингиси – тадқиқотчининг ишлаши учун мўлжал олишға шарт – шароит тугдиради. Бу икки вазифанинг мавжудлиги педагогика методологиясини ҳам икки гуруҳға ажратишни тақазо этади – назарий ва меъёрий.

Педагогиканинг назарий методологиясига қуйидагиларни қиритиш мумкин: методология таърифи; фан методологиясининг умумий тавсифи, унинг даражалари; методология билимлар тизими ва фаолиятлар тизими сифатида; педагогика соҳасидаги тадқиқий фаолиятни методологик таъминлаш манбалари; педагогик тадқиқот объекти ва предметининг методологик таҳлили.

Меъёрий асоси қуйидаги саволлар доирасини қамраб олади:

- педагогикани объектив борликни маънавий ўзгартириш-нинг бошқа шаклидан фарқли илмий асослаш;
- педагогика соҳасидаги ишларни фанға тааллуқлилигини аниқлаш: -мақсаднинг ўзига хослиги; махсус тадқиқот объектини

ажратиш; махсус билиш методлари ва воситаларини қўллаш; атамаларнинг бир хиллиги;

- педагогик тадқиқотларни гуруҳларга ажратиш;

- тадқиқот тавсифномаси: муаммо, мавзу, унинг долзарблиги, тадқиқот объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, фаразлари, химоя қилинадиган ҳолатлар, янгиликлар, фан учун муҳимлиги, амалиёт учун муҳимлиги;

- педагогик тадқиқот мантиқи;

- педагогика фанлари тизими, уларнинг ўзаро алоқаси.

Тадқиқот муаммоси бўйича қабул қилинган директив ва меъёрий ҳужжатлар ҳам бевосита методологиянинг меъёрий асосини ташкил этади.

Фалсафий асос мавқеидан аниқлаш.

Фалсафий нуқтаи назардан методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш ва қуриш принциплари ва усуллари тизими, шунингдек, бу тизим ҳақидаги таълимот (назария) сифатида қабул қилинади. Аниқроғи, методология предмети – фаолиятни ташкил этиш ҳақидаги назария демақдир.

Бу ерда қайси фаолият ҳақида фикр юритилияпти?

Илмий фаолият назарда тутиляптими ёки педагогик фаолият?

Бу саволга жавобни қуйидаги таҳлил натижа асосида топиш мумкин.

Агар ўқитувчи кундаги одатий номахсул (**репродуктив**) фаолият билан машғул бўлиб, ҳар доим ўзи ўзлаштирган бир хилдаги технология билан иш кўрса “*дарс берувчи*” сифатида фаолият кўрсатса, бу ерда методология ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Аксинча, **махсулдор (продуктив)** фаолият намойиш этиб, мисол учун, илмий – тадқиқий педагогик фаолият кўрсатса ёки ўзининг хусусий муаллифлик ўқитиш тизимини яратса, шубҳасиз, методологик фаолият вужудга келади. Кейинги ҳолатда икки қарама – қарши тушунча – *лойиҳа ва рефлексия* – асосий ўринга кўтариляпти. Маълумки, ҳар қандай махсулдор фаолият лойиҳалаш кўникмаларини талаб этади. Илмий–тадқиқий иш-ларнинг қуйидаги босқичлари – зиддиятларни аниқлаш, муаммони ифодалаш, фаразларни қуриш ва ҳ.қ. – мантиқан тадқиқот лойиҳалаш усулидир.

Амалий педагогик фаолиятда ҳам таълим (тарбия) тизимларини лойиҳалаш ишлари амалга оширилади. Бунга “*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури*” асосида яратилган замонавий таълим

тизими, уни ривожлантириш концепцияси (“портлаш эффекти”) мисолида иқрор бўлишимиз мумкин.

Ижодий фаолиятни ташкил этишда ҳар доим рефлексия – лойиҳанинг, жараён ва натижаларнинг доимий таҳлили муҳим урин гутади.

Хулоса сифатида илмий-педагогик тадқиқот методологияси ҳам, амалий педагогик фаолият методологияси ҳам куйидаги учлик яхлитлигида қурилиши мумкинлигини таъкидлаш лозим:

“лойиҳа технология (илмий-тадқиқий ёки педагогик) рефлексия” (А.М. Новиков).

Бу ёндашувларга таяниб ҳамда мавжуд адабиётлар таҳлили асосида педагогика методологиясини куйидагича ифодалаш мумкин:

Педагогика методологияси ўзида педагогик назария асослари ва тузилмаси ҳақидаги билимлар тизимини, педагогик ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ қилишнинг ёндашувларини, педагогик воқеликни ҳаққоний ифода этадиган ахборотларни олиш усулларини, шунингдек, бу билимлар тизимини қўлга киритиш бўйича фаолият тизимини мужассамлаштиради.

Қуриниб турибдики, бу таърифда илмий билишнинг икки жиҳати – билимлар тизими ва илмий-тадқиқий фаолият қамраб олинган. Ёки икки фаолият тури – методологик тадқиқот ва методологик таъминот ҳисобга олинапти. Агар биринчисининг вазифаси педагогика фанлари ривожининг қонуниятлари ва йўналишларини, педагогик тадқиқотларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш принципларини, уларнинг тушунчалари таркихбини аниқлаштирса, иккинчиси – методологик билимлардан тадқиқот дастурларини асослашда ва сифатини баҳолашда фойдаланишни англатади.

Шу билан биргаликда педагогик муаммоларнинг умумназарий муаммолар билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Чунки, биринчиси “қандай қилиб методологияни педагогикага қўллаш мумкин” деган саволни аниқлаштирса, иккинчиси – умумназарий саволлар эса педагогиканинг предмети, унинг бошқа фанлар билан алоқаси, таълим ва тарбия моҳияти каби умумий саволлар ечимга қаратилади¹.

Замонавий фан ривожига боғлиқ ҳолда фан тилининг методологик масалалари ҳам кун тарбида туради. Фанда тилдан фойдаланиш муаммоси илмий фан сифатида педагогикани ҳам четлаб ута олмайди.

¹ И. Саранцев. Метод обучения как категория методики преподавания// Педагогика, 1998 г., №1, с. 28-34.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида амалий фаолиятда ва билиш жараёнида икки асосий вазифани бажаради:

1) инсонлар ўртасида алоқа воситасини ўтайди

2) тафаккур шакли сифатида тўпланган билимларни қайд этиш ва сақлаш, тизимлаштириш учун зарур ҳисобланади.

Маълумки, тил билан қатор фанлар –лингвистика, психология, семиотика (белгилар ҳақидаги фан), фалсафа шуғулланади. Методология тилни илмий билимларни ифодалаш, уларни қайта ишлаш, илмий ахборотларни тўплаш ва сақлаш воситаси сифатида ўрганади.

Педагогика бошқа фанлар қатори миллий тилдан илмий ахборотларни шакллантириш, ишлов бериш, сақлаш ва узатишнинг универсал воситаси сифатида фойдаланилади.

Биз тилда турли даражадаги тушунчаларга таянамиз. **Тушунча** – бу предметларнинг умумий ва ўзига хос сифатлари ҳақидаги фикрдир. Тушунча асосида предметлар ўхшашлиги ва фарқлари аниқланади.

Албатта, тушунчалар моҳиятини англашда одамлар ҳам бири-биридан фарқланади. Шу боисдан миллий тил сўзлари ҳам бир хил эмас, улар амалий фаолиятда турлича муҳимлик касб этади ва мулоқот жараёнида текисланиб, аниқланиб бораверади.

Ҳар қандай фан, жумладан, педагогика ҳам аниқ тушунчалар тизимини талаб этади. У миллий тил асосида яратилади ва илм тили, яъни педагогикнинг тушунча-тоифалар тизими шаклланиб боради. Тоифа тушунчадан бир босқич юқори туради ва айна вақтда ўзида уларнинг белги ва хусусиятларини сақлаб қолади. Шу боис тоифа тушунчадир, бироқ барча тушунчалар тоифа бўла олмайди.

Педагогика бўйича илмий тилни шакллантириш мураккаб жараён, у ҳанузгача қониқарли даражада тадқиқ қилинган эмас. Бу фан ҳам бошқалари қатори ҳаётий тилдан қўлаб атамаларини қабул қилади. (**“шакл”, “метод”, “тарбия” ва б.**). Унинг вазифаси атамалардан бир хилдаги тушунчаларни шакллантиришидир.

Шу боис мумкин қадар тушунчаларни фаол илмий мулоқот таркибига киритиш учун аниқлаштириш, чегаралашга ҳаракат қилади.

Педагогикада илмий нутқнинг луғат заҳираси янги, махсус терминлар ва таърифлар билан бойиб боради: (*“педагогик технология”, “инновация фаолият” ва б.*), баъзан бундай бойиш бошқа

фанлар эвазига ҳам бўлиши мумкин (“бошқариш”, “ахборот технологияси”) ёки эски таърифлар янгича талқинда ифодаланади. Мисол учун “*ўқитиш методи*” нинг анъанавий таърифи (белгиланган мақсадга эришиш йўлидаги ўқитувчи ва ўқувчи-талабларнинг узаро ҳаракат усуллари) гуё узгармайдигандек эди. Бироқ Гегель таълимотига кўра, *метод ҳаракатдаги объектни ўрганиш усулидир*. Шунга асосан, ўқитиш методига берилган энг сўнгги ва янги таъриф куйидагича: *ўқитиш методи – бу ҳаракатдаги ўқув материални ўрганиш бўйича ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолият усуллари*дир.

Фойдаланилаётган атамаларнинг аниқ таърифи ва махсус педагогик лугатини шаклланиши педагогика фани тилига мос ҳолда амалга оширилиши зарур. Бу фаннинг ўзига хос томони шундаки, унинг тили одатий (кундалик) тилга жуда яқин бўлгани учун тушуниш бирмунча енгил кечади. Шу сабабли махсус педагогик тиллар нафақат ўқитувчи ва тарбиячига тушунарли, балки уларни ота-оналар, ўқувчи-талабалар ва кенг жамоатчилик ҳам тез ҳазм қилишади. Бошқа томонидан одатдаги тил билан илмий тилнинг яқинлиги фан сифатида педагогика учун хусусий бўлган методик характердаги жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Махсус педагогик атамалар сифатида қўлланилаётган тушунчалар индуктив тарзда ҳаммага тушунарли (*таълим, тарбия, ўқитиш ва б.*), улар ўта аниқликни талаб қиладиган вазиятларни вужудга келтирмайди. Шу боисдан бу тушунчалар миллий тилда тавсифланган ҳолда турлича таърифланади ва ўз навбатида аниқлигини бир қадар йўқотади. Фикримизнинг исботи учун “*тарбия*” тушунчасининг моҳиятини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларни келтириш мумкин. Бироқ тушунчаларни аниқ таърифлаш илмий педагогик ғояларни муваффақиятли ривожлантириш учун зарурий шарт ҳисобланади.

Белгилар ёрдамида аниқ илмий тилни яратиш педагогикада ҳам кузатилади. Педагогика ўз тадқиқотлари натижаларини нафақат ёзма равишда, балки чизма, жадвал, шкалалар орқали ҳам ифодалайди. Кейинги вақтларда педагогик ҳодисалар таҳлил учун кибернетика, информатика, математика, мантиқ фанларининг тушунча ва рамзларидан кенг фойдаланилмоқда.

Эришилган ютуқ билан фан тилининг ривожланиши тўхтамайди, у вақт ўтган сайин ривожланиб бораверади. Шубҳа йўқки, педагогика фанларининг илмий тилига оид методологик саволлар

этиборидан тушмайди, қолаверса, ҳар бир илмий термин жиддий тадқиқотлар натижалари асосида вужудга келади. Қўлланилаётган атамаларнинг бир хиллиги маълум илмий соҳада ҳодасаларни бир хилда тушунишга имкон беради, билишнинг бугунги тараққиёти кеча эришилган ютуқларга таянади, яъни ҳаммасини янгидан бошлашга ҳожат қолмайди.

Методологиянинг педагогика учун муҳимлиги, бир томондан, фан ривожининг умумий хусусиятлари билан, иккинчи томондан, педагогик билимлар ривожининг ўзига хослиги билан, учинчи томондан, билиш босқичларининг мураккаблиги билан белгиланади. У ўзининг ривожланиши давомида бойиб боради, тажриба орттиради, объектив воқелик ҳодисаси сифатида тарбиянинг муҳим қонуниятлари ва тамойилларини очиб беради.

Педагогик тадқиқотларнинг замонавий йўналишлари долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим масалаларнинг янгича ечимларини излаб топиш жараёнининг тезлашуви, айти вақтда истиқболли муаммоларнинг нуфузи ошиб бораётганлиги билан тавсифланмоқда. Бунда икки йўналишдаги тадқиқотлар алоҳида кўзга ташланади:

1. Умумий характердаги йирик тадқиқотларни талаб этадиган кенг доирадаги муаммони ўрганиш.,

2. Мураккаб педагогик жараёнларнинг ички, нозик қирраларини топишга имкон берадиган тор муаммолар ечимига қаратилган чуқур деталли ўрганиш.

Биринчи йўналиш тарафдорлари педагогик жараённинг барча унсурлари ўзаро алоқада ва уларни ажратиш ярамайди, деган далилга таянишади, педагогик тажрибани яхлит ўрганиш зарурлигига урғу беришади. Бироқ улар қуйидаги ҳолатни назардан четда қолдиришади: педагогик жараён ўзининг бор муносабатлари билан олиб қаралганда педагогика фани объекти ҳисобланади. Иккинчи йўналиш вакиллари педагогик жараённинг алоҳида унсурлари (*метод, шакл ва б.*) ўрганишга уринган ҳолда бир нарсани унутишадик, ўқув-тарбиявий ишлар тизимида юлиб олинган ҳеч бир восита тўлиқ ҳисобланмайди.

Бугунги куннинг жиддий методологик муаммоси – бу замонавий таълимни педагогик тадқиқотларга оид илмий муаммоларда ишонарли ва самарали акс эттиришдир.

Бажарилаётган тадқиқотларда учрайдиган умумий камчиликлар:

– Мавзуларнинг долзарб педагогик муаммолар ечимига қаратилмаганлиги, уларда янги, концептуал ғояларнинг йўқлиги;

– фаразларнинг исбот талаб қилмайдиган ҳолатда ноаниқ ифодаланиши;

– жиддий хулосаларнинг йўқлиги, уларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ноаниқлиги;

– шаблонлик (бир қолипдалилик)

– тавсияларни амалиётда қўллаш имкониятлари йўқлиги ва бошқа чеклайдиган асосий омиллар;

– малаканинг етарли эмаслиги;

– умрини яшаб бўлган собиқ совет педагогикаси ғояларидан халос бўла олмаслик;

– тадқиқот методларидан тўғри фойдалан билмаслик ва х.к.

Замонавий педагогик билимлар сезиларли даражада шу кунга қадар ташкил топган тушунчаларининг аънавий тизими гирдобидан чиқиб кетади. Бундай шароитда педагогика фанининг ўз предмети, чегараси ва характери, илмий билимларни эгаллаш, уларни амалиётда қўллаш каби масалаларни янгича талқинда қўймоқда. Бошқача қилиб айтганда, методологик муаммоларни докторлик диссертацияси даражасида тадқиқ қилишга эҳтиёж туғилмоқда. Улар қаторида:

– педагогикада илмий факт муаммоси;

– тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш технологияси;

– ўқитиш таркиби, тузилмаси ва функцияларини илмий асослаш;

– назария ва амалиёт каби фундаментал тадқиқотлар ҳам ўз ечимини кутяпти;

Тадқиқот сифат–самарадорлиги методларга боғлиқлиги сир эмас. Педагогик тадқиқотлар методи агар педагогик ҳодисаларнинг объектив моҳиятини тўғри ифодаласа, педагогика предметининг ўзига хослигига жавоб берса, шубҳасиз, илмий деб эътироф этилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, педагогик тадқиқот методлари учун методологик баҳо зарур бўлади. Афсуски, уларни ёритишга бағишланган ишлар кам, борлари ҳам рус тилида, ўзбек тилида бу соҳа бўйича бирорта йирик педагогик асар йўқ

Педагогик тадқиқотларнинг самарадорлиги тадқиқотчининг методологик маданиятига тўғри пропорционалдир. Шу боисдан бу тушунча интеграл сифат кўрсаткич ҳисобланиб, тадқиқотчидан ўзида хусусий илмий фаолиятни таҳлил қилиш кўникмасини,

маълум концепция (назария)ни илмий асослаш ва ижодий қўллаш қобилиятини эгаллашни талаб этади.

Бугун ҳар бир педагогик тадқиқот қоидага кўра, жорий этилгунга қадар илмий асосланиши шарт: дастлабки ҳолат; тадқиқот мантиқи; кутилаётган натижалар, уларга эришиш методларини белгилаш; истеъмолчилар билан ҳамкорлик ўрнатиш; уни жорий этиш шартларни ишлаб чиқиш; иқтисодий манфаатдорлик ва ҳ.к.

Педагогик тадқиқот илмий фаолиятнинг мураккаб тури ҳисобланиб, у ишончли қўлларда – методологияни чуқур ўрганган, илмий тадқиқот методлари билан қуролланган Шахс томонидан муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Олимнинг қиёфаси, руҳияти ва тийнати ҳақида махсус адабиётларда батафсил ёритилган, айниқса, унинг қуйидаги сифатлари алоҳида қайд этилади; ҳақиқатга, номаълумни билишга жиддий интилиш; кузатилаётган ҳодиса ва жараёнларни таснифлаш қобилияти ва кузатувчанлик; илмий тафаккурнинг аналитик – синтетик жамланмаси ва ҳ.к. Тадқиқотчи тафаккурининг характери ҳақидаги савол бирмунча мулоҳазалидир. Бу мураккаб жараённи тулиқ тасвирлашга даъвогарлик қилмаган ҳолда жиҳатларига эътиборни қаратамиз:

Объективлик қаралаётган ҳодиса ва жараёнларнинг қандайдир бегона, ёт тадқиқот учун муҳим бўлмаган таассурот ва таъсирлардан ҳоли бўлишни, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини, ундаги ўзгаришларни ҳолисона ифодалашни таъминлайди.

Аниқлик тадқиқотнинг барча муалажалари учун тегишлидир: педагогик ҳодиса ва жараёнларни кузатиш ва қайд этиш; фикрлар таҳлили ва умумлашмаси; турли манбаларидан олинган илмий ахборотлардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Танқидийлик бошлангич маълумотларни соғлом баҳолашни тажриба натижаларининг ҳаққонийлигини таъминлаш билан фаразлар ва назарияларни қуришдаги шубҳасиз узлуксиз ва қонуний даражаси билан, агар улар янги фактларга зид келиб, далиларни тўғри ва чуқур тушунтира оладиган концепция топилса, улардан воз кечиш қобилияти билан тавсифланади.

Муайянлик ва изчиллик қабул қилинган атамаларнинг бир хиллигида, тадқиқот мантиқига амал қилишда, шарт-шароитларни ҳисобга олишда, илмий аппарат тушунчаларининг боғлиқлигида намоён бўлади.

Тизимлилик ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни бирор белгилари асосида таснифлашга интилишда, тасаввурлар, тушунчалар ва қонуний алоқаларни ўрнатиш, концепцияларни, назарияларни шакллантиришда юзага чиқади.

Хуллас, илмий тафаккур тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси белгилашда объективликни, муайянликни, аниқликни нозик, эҳтиёткорона чоғиштиришни, ҳақиқатни билиш йўлининг тўғрилигини, тажриба натижаларини, назарий хулосаларни танқидий текшириб кўришни ва албатта, тизимликни тақазо этади. Бошқача айтганда, тадқиқотчининг методологик маданиятини шакллантиришда рефлексия – хусусий илмий фаолиятини таҳлил қилиш кўникмаси асосий ўрин тутаяди.

Юқорида таъкидланганлар турли соҳа вакилларининг илмий тафаккурига тегишлидир. Шу билан бирга педагог – тадқиқотчи ўзига хос баъзи бир хусусиятлар билан фарқланиб туради.

Биринчидан, у етарлича педагогик тажрибага эга бўлиши, камида беш-ун йиллик педагогик жараённинг “ичида қайнаши” керак. Шундагина, бу жараённинг сиру синоатларидан вокиф бўлади, унинг нозик, кўз илғамас жойларини топади, муаммони англай олади, мавжуд зиддиятларни шакллантиради ва янги ечимини қидира олади.

Иккинчидан, педагогик муаммонинг долзарблиги респондентлар фикрига таянган ҳолда аниқланади. Бу жуда муҳим босқич ҳисобланади.

Маълумки шогирдни тайёрлашда кучли шахслар кўмагига таяниш бизда қадимдан синалган усул. Устоз ўзининг заиф томонларини шогирдига ошкор қилмаган ҳолда ўзидан-да кучлироқ устоз ҳузурига юборишни лозим топган. *Мисол учун Машраб ҳурфикрлиликда ташна эди. Биринчи устози Мулла Бозор Охунд (XVII аср) Машрабни ўзидан кучлироқ бўлган Ҳидоятуллоқ Офоқ Ҳожсага жунатади. Сабаби Бозор Охунд шогирдининг фикрлашини бўлиб қўйиши, ўзи билмаган ҳолда унга зарар етказиши мумкин эди. Натижада Машраб Офоқ Ҳожса ҳузурини давий бўлиб етишади.*

Педагогик тадқиқотчи объектлар (ўқитувчи, тарбиячи, ўқувчи - талабалар ва бошқалар) билан иш кўради ва педагогик тажрибасинов ўтказишда ундан эҳтиёткорлик талаб этилади, айниқса, ўқувчи-ёшлар қалбига, дунёқарашига, эркин фикрлашига синов давомида путур етмаслиги лозим.

Хуллас, педагогик воқеликни туғри акс эттиришда тадқиқотчи соғлом фикр соҳиби бўлиш учун методологик маданиятни эгаллаши шарт экан.¹

Таъкидлаш жоизки, айрим тадқиқотчилар педагогик тадқиқотларнинг асосларини белгилашда педагогиканинг методологик муаммоларини умумназарий муаммолар билан алмаштириб, “*статистик методология*”, “*педагогик методология*” каби ифода-ларда нотўғри талкин қилаётган ҳолларга дуч келинмоқда. Сабаби фалсафа фанигина методологик база ҳисобланади, унинг барча бўлимлари, тушунчалар, қонуниятлари, тоифалари методологик аҳамият касб этиши эътироф қилинган. Шу билан биргаликда философияни методология билан тўлиқ алмаштириш ҳам ярамайди: методология – бу бошдан - охир философия эмас, балки унинг асосий функцияларини, айрим жиҳатларини ўзида акс эттиради, холос.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда педагогика фанининг методологик асоси философиядир. *Философиянинг бош масаласи эса объектив борлиқ ва инсон ўртасидаги ўзаро алоқани ойдинлаштириш ҳисобланади. Олам билан одам мавжудлигини тадқиқ қилиш инсоннинг чексиз фаолиятини ва характерини ўрганишидир. Индивиднинг шахс даражасида намоён бўлишида тарбиянинг етакчи мавқеини қадимдан файласуфлар тан олишган ва инсон тарбияси муаммоси фалсафанинг асосий масалалари қаторига киритилган. Шу тариқа фалсафий таълимотлар таркибида педагогик фикр ва гоялар вужудга кела бошлаган ва йиллар давомида ривожланиб борган. натижада педагогика мустақил фан сифатида ажралиб чиққан. Демак, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, педагогика фанининг методологиясини жамият тараққиёти қонунларини ифода этувчи замонавий философия, унинг билиш назарияси ташкил этади.*²

1.4. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИ

Педагогика фани таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларига қараб

¹ Н.Саидлахмедов. Замонавийлик, методология, педагогика //UZLUKSIZ TALIM, 2004 йил 2-сон, 17-26-бетлар.

² Н.Саидлахмедов. Педагогика фани методологияси хусусида. // Халқ таълими, 2000 йил 1-сон, 34-37-бетлар.

мазмунан ўзгаришини ургатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, таълим мазмуни ва тарбиянинг келгусидаги истиқболлари, йўллари ва усулларини кўрсатиб боради. Педагогика фанида бир-бири билан боғланган асосий тушунчалар мавжуд бўлиб, қўйида уларнинг айримларини шарҳлаймиз:

Тарбия – ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот – дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва масъулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Тарбия бола туғилгандан бошлаб умрининг охиригача оилада, мактабда, касб-хунар коллежларида, олий таълим муассасаларида ва жамоатчилик таъсирида шаклланиб борадиган жараёнدير.

Билим – бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги, уларнинг ички зиддиятларидан келиб чиққан боғлиқликдир. У қонуният деб ҳам юритилади. Яъни билим инсоният томонидан мустақил ҳаётда, фаолиятда, жумладан, ишлаб чиқаришда зарур бўлган фан асосларини қонунлар ва тушунчаларни ўзлаштириш натижасидир.

Билимни ҳаётда кўп самара берадиган қилиб қўллай олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим. Билим баҳса керак бўлса, кўникма ва малака меҳнат фаолиятида, дунёни ўзлаштиришда зарур.

Кўникма – малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез, аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда бажарилиш қобилиятини ифодалайди ва ўқувчи – талабаларда кўп маротаба такрорланадиган машқлар натижасида юзага келадиган ҳаракатлар йиғиндисидир.

Малака – ўқувчи-талабаларнинг билим эгаллаш ва меҳнат жараёнидаги ҳаракатини (ёки ҳаракатлар мажмуасини) муайян шароитда мақсадга мувофиқ шакллантириш ва шу орқали ўқишда ва меҳнат фаолиятида ижобий натижаларга эришиб, онгли бажаришга тайёр бўлишдир.

Умуман, иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Маҳорат – турли малакалардан ишончли, ижодий фойдаланиш ҳамда касбий малакалар ривожланишининг юқори даражаси ва касбий таълимнинг мутлоқ мақсадидир. Маҳорат – бу

мураккаб ишни тез, аниқ бажаришнинг энгиллиги, меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор маромидир.

Одоб - ахлоқ – шахснинг ўзига ва дунёга нисбатан муносабатларидаги хатти-ҳаракатларининг белгиланган, аниқланган усули бўлиб, сабаб тасаввурлар ва қарашларни ўз ичига олади, яъни шахс шаклланадиган манба ҳисобланади.

Шахс – жамият аъзоси сифатида, ўз – ўзининг англаши ва тафаккур фаолиятининг объективлиги, мулоқотда ҳамда камолотга етишида насл (ирсият) биологик, ижтимоий муҳит ҳам мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахснинг ахлоқий сифатлари – шахснинг ақлий жиҳатдан камолотга етишуви унинг ақлий, зеҳний сифатлари, фазилатлари орқали намоён бўлади: билагонлик, объективлик, фикрловчилик, қобилиятлилик ва ҳ.к. ҳисобланади.

Шахс шаклланиши – инсон биоижтимоий мавжуд бўлганлиги туфайли, биологик ривож билан бир қаторда у ижтимоий ривожланиб ҳам боради ва камолотнинг маълум бир босқичида шахсга айланади.

Ижтимоий тараққиёт – ташқи ва ички, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган омиллар билан кишига ижобий таъсир этиш, яъни шахснинг шаклланиш жараёни. Шахснинг ижтимоий тараққиётида мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия етакчи ўринни эгаллайди.

Педагогик тамойил (принциплар) – ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар ўртасидаги муносабат орқали бериладиган билим тури, ҳажми ва мазмуни, шунингдек, ўқув қуроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий хусусиятлари ўртасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиққан қонуниятга амал қилиш.

Шахснинг ҳар томонлама камолга етиши – маълум бир тарихий шарт-шароитлардаги индивид қобилияти ва иқтидори, унинг биоижтимоий моҳиятларини ташкил қиладиган ҳамма кучларни тўлиқ ривожлантиришдан иборат.

Педагогик муҳит – таълим –тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро (*ўқитувчи – ўқувчи – талабалар орасидаги*) муносабатлар мажмуи.

Ижтимоий муҳит – киши шахсини шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар мажмуи. Ижтимоий тафаккур, турмуш тарзи ва

шахслараро, гуруҳлараро ҳамда миллат ва халқаро муносабатларнинг ўзаро мувофиқ келиши ва бир-бирини бойитиш.

Ички муҳит – шахснинг ўзига хос ҳаётий фаолияти, характернинг ўзига хослиги, ҳаётий тажриба ва ирсий тафаккур кўникмалари мажмуи, одатдаги руҳий ҳолатларда ўзини намоён этадиган таъсирчанлик ва воқеликка муносабатларнинг ўзаро бир-бирига мувофиқ келиши, бир-бирини тўлдириши ва бойитиши.

Ирсийлик – шахснинг ўзига хослигини белгилаб берадиган анатомик, физиологик, психологик, ташкилий жиҳатлар, ота-она томонидан ирсий бирликлар орқали ўтадиган бирликлар.

Ўз-ўзини англаш – шахснинг ўзига ва ўз фаолиятига бир жамоа ёки бутун жамият нуқтаи назаридан баҳо бера олиши.

Фаолият – қандайдир шахсий, гуруҳий, миллий ёки умуминсоний эҳтиёжларга жавоб берувчи мақсад сари йўналтирилган ҳаракат.

Таълим-тарбиянинг инсонийлиги – педагогик жараёни, яъни таълим-тарбия берувчи билан ўқувчи-талабалар орасидаги педагогик муносабатларни ўта инсоний (ўзаро иззат-ҳурмат ва муҳаббат) руҳида амалга ошириш.

Таълимни демократлаштириш – муайян жамият ва конкрет шахс эҳтиёжи ва имкониятидан келиб чиқиб, маълум билимлар тури ва ҳажмини эркин ҳолда танлаб олиш.

Тизим – (юнонча “*sistema*”) сўздан олинган бўлиб, булақлардан ҳосил бўлган, бирикиш маъносини англатади. Яъни яхлит, бутунликда фаолият курсата оладиган ўзаро боғлиқ элементларнинг йиғиндисидир.

Педагогика фани узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ҳозирги вақтда илмий билимларнинг яхши шаклланган, катта назарий ва амалий материалларни ўз ичига олган тармоғига айланди ва ўзининг илмий-назарий, услубий, амалий асосларини яратди. Натижада буларнинг барчаси педагогика фанининг алоҳида тармоқлари вужудга келишига сабаб бўлди. Жумладан, **педагогика тарихи** мустақил тармоқ сифатида, педагогика фанининг тарихан ривожланишини ўзида акс эттирди. Бунда ўтмишдаги илғор педагогик ғояларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, мутафаккирларнинг педагогик меросидан фойдаланиш зарурияти ҳақида фикр юритилади.

Педагогика тарихи педагогик таълимотлар тарихи ва тарбиянинг ривожланиш масалаларини ижтимоий ҳодиса сифа-

тида тадқик этиб, педагогик ғояларнинг салбий педагогик ғояларга қарши кураши тарихини, ҳукмрон табақаларнинг демократияга қарши сиёсатини очиб ташлайди, илғор педагогик ғоялар, хур фикрлар, таълим қонуниятларининг айрим олинган тарихий даврдаги ривожланиш тамойилларини таҳлил қилади, муҳим умумий хулосалар чиқаради ва бугунги кун учун долзарб муаммоларни ўртага ташлайди.

Тарихийлик тамойили ҳар қандай фан ривожланишининг зарур тамойили ҳисобланади. Зеро, ўтмишни ҳозирги давр билан қиёслаш фақат ҳозирги ҳодисаларнинг асосий ривожланиш босқичларини яхши кузатиб боришга ёки ўтмишнинг бебаҳо тажрибаси ҳамда эришилган ютуқлардан фойдаланишга ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга, бу соҳада хатоларга йўл қўйишдан сақлайди ва келажакка йўналтирилган амалий таклифлар, мақсадли изланиш-ларни амалга оширишга кўп даражада асос бўлади. Жамият ҳаётини қайта куриш, ўсиб келаётган ёш авлодни, шунингдек, ҳамма фуқароларни тарбиялашни кучайтиришни талаб этади.

Педагогика фанлари тизимида тарбияланувчиларнинг ёшларига ва касбий омилкорлигини шакллантиришга қаратилган мактабгача таълим педагогикаси, мактаб педагогикаси, ёшлар педагогикаси, катта ёшдагилар педагогикаси, касб-ҳунар таълими педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси, олий таълим педагогикаси, менежмент педагогикаси, тиббиёт педагогикаси, ҳарбий педагогика, иқтисодий педагогика, замонавий педагогик технологиялар ва бошқа тармоқ педагогикалари вужудга келди. Бу тармоқ педагогикалари мактабгача, умумий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, касб-ҳунар коллежаларида, олий ўқув юртларида олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларини ўрганади.

Булардан ташқари дефектология деб аталувчи махсус педагогика: сурдопедагогика (қар ва соқов), тифлопедагогика (кўзи ожиз); олигофренопедагогика (ақлий ривожланишдан орқада қолган); логопедия (нутқи яхши ривожланмаган) тарбияланувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш масалалари билан шуғулланади.

Педагогика фанлари тизимининг муҳим тармоғи сифатида аниқ фанларни ўқитиш ва ўргатишнинг қонуниятларини ўрганувчи методика, яъни услубият фанининг хизматлари беқиёсдир.

1.5. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Педагогика инсонлар орасидаги муносабатларни ва ижтимоий муҳитнинг инсонга таъсирини тадқиқ этувчи фан сифатида иқтисодиёт, маданият ривожланишининг ўзига хослиги ҳамда уларнинг инсон шахси шаклланишига таъсирини ўрганади. Шу билан бирга, педагогика ўқув муассасаси тизимининг ташкилий жиҳатларидаги кўпгина масалаларни ҳал этишга, шахсларни тарбиялашда ўқув муассасаси, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришига ёрдам беради.

«Педагогика» фани тарбия жараёнини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганар экан, табиий равишда жамиятдаги барча фанлар билан боғлиқдир. «Фалсафа» фан сифатида инсоният жамияти, табиат ривожланишининг умумий қонуниятларини ташкил этадиган, яъни педагогиканинг тараққий этиб боришига имкон берадиган илмий манбаидир. Шу билан бирга, файласуфлар ва педагогика фанлари вакиллари томонидан ишлаб чиқилган бир қатор умумий масалалар фалсафада ҳам, педагогикада ҳам баробар мавжуддир.

Булар жумласига тарбия билан бошқа ижтимоий ҳодисалар орасидаги ўзаро алоқалар; дунёқарашни, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни шакллантириш масалалари; шахс ва жамоа муносабатлари; таълим жараёни моҳиятини тушуниш ҳамда билишнинг диалектик назариясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган гнесеологик масалалар ва бошқа муаммолар киради.

Педагогиканинг аниқ масалаларини ишлаб чиқишда фалсафанинг социология, этика, эстетика каби тармоқлари катта аҳамиятга эгадир.

Этика фалсафанинг ахлоқий ва тарбия масалалари билан бевосита боғлиқдир. Уларни ҳал этишда педагогика ахлоқнинг умуминсоний қадриятларига суянади.

Эстетика (нафосат тарбияси) инсоннинг эстетик идеалларини шакллантириш, маданиятга ва воқеликка эстетик муносабатлари умумий қонуниятларини ўрганади ва эстетик тарбияни илмий жиҳатдан асослаш учун хизмат қилади. Бу асосларни педагогика фани ишлаб чиқади, ёшларни гузалликни ҳис қила олиш, тушунишга ўрганиш воситалари ва йулларини белгилаб беради.

Педагогиканинг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлигини, ҳал этадиган илмий масалаларнинг умумийлигини педагогиканинг ижтимоий хусусияти, унинг мафкуравий йўналишга эга эканлигини таъкидлаб туради. Тарбиянинг ҳамма муаммоларини бошқа сиёсий, ижтимоий масалалар билан бир қаторда ҳал этиш заруриятини кўрсатиб беради.

Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида педагогиканинг иқтисодиёт фанлари билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Ижтимоий фанлардаги маълумотларга суяниб, педагогика жамиятнинг тарбияга бўлган объектив эҳтиёжини ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини ўрганади.

Инсоннинг ақлий ривожланиши қирраларини, жиҳатларини ўрганадиган бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, педагогика инсон шахси, унинг тараққиёт босқичлари билан шуғулланади.

Педагогика психология ва физиология билан ҳам бевосита ва билвосита боғлиқдир. Физиология педагогика ҳамда психологиянинг табиий илмий базаси ҳисобланади. Педагогика физиологиянинг олий асаб (нерв) фаолиятининг ривожланиши, асаб системасининг ўзига хослиги, биринчи ва иккинчи сигнал системалар ҳақидаги, шунингдек, сезги органларининг, таянч ҳаракат аппаратларининг, юрак, қон-томир ҳамда нафас олиш системаларининг фаолияти, ривожланиши ҳақидаги маълумотларга суянади.

Психологик ҳодисаларнинг физиологик асосларини билиш педагогика учун тарбия ва таълимнинг баъзи бир омилларини яққол, аниқ билиб олиш, тушуниш имкониятини яратади ҳамда таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини оширишнинг кўпгина муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Психология педагогиканинг бошқа фанлар томонидан аниқланган билимлар, ўсиб келаётган инсоннинг шахсини шакллантириш, ички жараёнларини юз бериш омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги билимлар билан куроллантиради.

Кейинги вақтларда педагогика бошқа янги ривожланаётган фанлар билан, жумладан, мураккаб динамик тизимларни режали бошқариш ҳақидаги фан бўлган кибернетика билан мустаҳкам алоқада ривожланмоқда. Буларнинг барчаси педагогика ўзининг предмети ва тадқиқот соҳасига эга бўлиб, бошқа бир қатор фанлар билан жуда мустаҳкам боғлиқликда эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги мустақиллик шароитида ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида умуминсоний кадриятларни, умуминсоний ижобий хислатларни ривожлантириш Ўзбекистон ҳукуматининг қарорла-

рида, мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, нутқларида ўз аксини, тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўз йули, тамойиллари тарбия жараёнида ҳали аввалги кекса авлод олдида турган янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган хислат ва сифатлар шакллантирилишини тақазо этади.

Ижтимоий заруриятдан келиб чиққан ҳолда, ёшларга педагогика илмидаги тушунчалар, таърифлар миллий истиқлол мафқурасига мос умуминсонийлик руҳида тушунтирилмоғи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.


Албатта, таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий ўзига хослик нисбати, мувозанати алоҳида аҳамиятга эга. Яна бир томондан таълим назариясини, таълим – тарбия мазмунини, шаклини ва услубларининг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб чиқилиб, Европа орқали ўзгариб, ривожланиб яна Шарққа қайтиб келганини ва дунё педагогик жараёнини бир бутунлигини ҳисобга олинса, қўйидаги тушунчаларда хусусий миллийликдан кўра, умуминсонийлик жиҳатларининг кўплиги кўзга ташланиб туради:

19-шакл



Педагогика фани ўз мазмунини бойитишда, янгилашда мавжуд бўлган педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган методлари билан ўрганadi. Педагогика фанининг илмий тадқиқот методлари қанчалик тўғри қўллansa, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Лекин илмий тадқиқот методларининг аниқ чегараланган тизими ҳозиргача фанда яратилган эмас. Педагог педагогик жараёнда ўз аудиториясидаги тарбияланувчиларнинг характер-хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг психологиясини чуқур ўрганишда бир қатор методларни қўллаши мумкин. Чунки педагогнинг асосий мақсади дарс жараёнини тарбиявий таъсирини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги педагогик илмий текшириш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Адабиётларни ўрганиш методи
2. Педагогик кузатиш методи.
3. Сухбат методи (якка тартибда, гуруҳ билан).
4. Педагогик сўраш методи.
5. Тест синовлари методи.
6. Таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш методи.
7. Эксперимент-тажриба-синов методи.
8. Статистика маълумотларини таҳлил қилиш методи.
9. Математика ва кибернетика методи.
10. Моделлаштириш методи.



Таълим методларини танлаш билан бир қаторда ўқитувчи дарсадаги талабаларни ёш ва индивидуал характер хусусиятларини ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши шарт.

Адабиётларни ўрганиш методи – тадқиқот мавзуси бўйича педагогика, психология, маданият, иқтисод, сиёсатга доир адабиётлар ва диссертациялар ўрганишда қўлланилади.

Педагогик кузатиш – одатда табиий кузатиш орқали талабаларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг ҳулқ-атвори ва муомалаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадни кўзда тутиб идрок этиш ташкил этади. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш объекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган характеристика ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Суҳбат методи – сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан, бевосита алоқада бўлиш вақтида огзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала шаклида қўлланилади.

Суҳбат методи – таълим муассасаси ўқитувчилари ва ўқувчи-талабалар жамоаси ҳамда ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан, яққа ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Суҳбат методидан фарқ қилиб интервью олиш методи саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутди. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзиб олинади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва амалиётида интервью ташкил этишнинг кўп методлари мавжуд:

- гуруҳлар билан;
- интенсив;
- синаш ва ҳ.к.

Педагогик сўраш методи – тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади. Сўраш саволларнинг мантиқий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий шаклдаги жавобни («ҳа», «йўқ») ҳам тақазо этиши мумкин.

Тест синовлар методи- бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш методи – бунда ўқувчи-талабаларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчи-талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синф ёки курсидан қолишнинг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, таълим муассасасининг моддий базасига эътибор берилади.

Эксперимент-тажриба-синов методи – ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадқиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш методи-таълим соҳасига, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, ўқув биноси қурилиши, ҳужалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика методи орқали аниқланади.

Математика ва кибернетика методлари- ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустақамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш дифференциал ва индивидуал таълим бериш, таълим-муассасаси ҳисоботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлардир.

Бу каби методлардан фойдаланиб таълим ва тарбия ишларини олиб бориш фақатгина педагог учун эмас, иқтисодиёт жабхаларида фаолият юритаётган бошқарувчи ходимлар, оилада фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи ота-оналар учун ҳам, жамоа билан ишлайдиган масъулиятли шахс учун ҳам зарурий шарт бўлган методлардан биридир. Зеро, шахс тарбиясидек мураккаб жараёнга ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаслик зарур.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Педагогика – юнонча “педагогос” атамасидан келиб чиққан бўлиб, “бола етакловчи” деган маънони билдиради. Қадимги Юнонистонда қулдорларнинг фарзандларини ўқув муассасасига олиб борадиганларни “педагогос” деб аташаган. Кейинчалик бу атаманинг маъноси бир мунча ўзгаради. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шугулланган шахслар “педагог” деб атала бошлаган. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти фақат ёшлар тарбиясигина эмас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам ҳозирда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдагиларни ҳам ўқитиш ва тайёрлаш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганивчи фан, деб белгилаш одатга айланди.

Педагогика мустақил фан сифатида шакллангунча узок тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ҳозирги вақтда илмий билимларни яхши шаклланган, катта назарий ва амалий материалларини ўз ичига олган тармоғига айланди. Буларнинг барчаси педагогиканинг алоҳида тармоқларга ажралишига сабаб бўлди.

Миллий педагогика – муайян давлат Конституцияси, таълим тўғрисидаги қонунлари ҳамда истиқболли ривожланиш дастури, жамият тараққиётининг умумий қонунлари, халқнинг миллий-маърифий мероси ва таълим-тарбия соҳасида эришилган жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида шаклланган ҳамда миллатнинг муайян тарихий ривожланиш жараёнидаги талабларига жавоб берувчи таълим-тарбия назарияси, усул ва усулларини ифодаловчи илм-фан мажмуидир.

Педагогиканинг асосий тушунчалари – педагогика фани ҳам бошқа фаолият соҳалари сингари ўзининг махсус тушунчаларига эга, илмий тилда уни педагогик **категориялар** дейилади.

Педагогик фаолият – жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланган режа-дастурга мувофиқ амалга ошириш, яъни ёшларни ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий зарур фаолият тури.

Педагогик жараён – ўқитувчи билан ўқувчи-талабалар, тарбиячи билан тарбияланувчилар орасидаги билим бериш ва билим

олиш, ўргатиш-ўрганиш, тарбиялаш жараёнида кечадиган муносабатлар тизими.

Метод – мақсадга етишишда муайян тусикни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбир-чоралар ёки усуллар мажмуидир.

Методика – мақсадларга етишишда қўлланиладиган методлар тизимидир.

Методик асос – шахс мақсад сари қилган ҳаракатида унга тамоийил бўлиб, хизмат қиладиган мақсад кўрсаткичлари билан шу ҳаракат давомида амал қилиши шарт бўлган қонуниятлар мажмуидир.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагогика фанининг предмети ва объектини изоҳлаб беринг?

2. Педагогика фанининг мақсади, вазифалари ва асосий тушунчалари (категориялари)ни тушунтириб беринг.

3. Педагогиканинг фан сифатида шаклланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган Шарқ мутафаккирларининг қайси асарларини биласиз?

4. Педагогик методология нима?

5. Педагогика тармоқлари қайсилар?

6. Миллий педагогикани яратиш зарурияти нимада?

7. Мафкуравий тарбия нима?

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Педагогиканинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни.

2. Педагогик фанлар мажмуи ва унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

3. Педагогика фанининг методологик асослари.

4. Миллий педагогиканинг тараққиёт босқичлари ва асосий йўналишлари.

5. Иқтисодчи кадрларни тайёрлашда педагогика фанининг ўрни.

6. Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкуранинг педагогик асослари.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. “Педагогика” атамасининг айнан маъноси нима?

- a) грекча, таълим-тарбия жараёни;
- b) русча, педагог-ўқитувчи;
- c) юнонча, “педагогос” бола етакловчи;
- d) ўзбекча, болашунослик;
- e) юнонча, “донишмандлар суҳбати”.

2. Мутафаккир педагоглардан қайси бири таълим ва тарбияни аниқ таърифлаб берган?

- a) Абу Наср Форобий;
- b) Алишер Навоий;
- c) Ян Амос Коменский;
- d) Абдулла Авлоний;
- e) Бехбудий.

3. Қандай шахсларни педагог деб аташган?

- a) ота-онани;
- b) махсус тайёрланган ўқимишли донишмандларни;
- c) тарбиячини;
- d) билим берувчини;
- e) таълим-тарбияга раҳбарлик қилувчини.

4. Педагогикани фан сифатида қайси мутафаккир аниқ ва тушунарли қилиб таърифлаган?

- a) Ал-Хоразмий;
- b) Абу Райхон Беруний;
- c) Ян Амос Коменский;
- d) Абдулла Авлоний;
- e) А.С.Макоренко.

5. “Мактаб” атамасининг маъносини тўғри таърифни топинг.

- a) “мактаб” юнонча сўз бўлиб, “буш вақт, меҳнатдан дам олиш”;
- b) “донишмандлар” билан суҳбат;
- c) таълим – тарбия маскани;
- d) мулоқот;
- e) ўқиш-ўргатиш.

6. “Ал-ҳосил, бизлар учун ё ҳаёт–ё мамот, ё нажот–ё халокат, ё саодат–ё фалокат масаласидир...”, деган доно фикрларнинг муаллифи ким?

- а) Фитрат;
- б) Бехбудий;
- в) Абдулла Авлоний;
- д) Садриддин Айний;
- е) Абдулла Қодирий.

7. Тарбия қайси фаолият маҳсули ҳисобланади?

- а) меҳнат;
- б) ўқиш;
- в) кўникма;
- д) малака;
- е) тажриба.

8. “Таълим ва тарбия эгизакдир” иборасининг муаллифи ким?

- а) Рудакий;
- б) Бехбудий;
- в) Абдурахмон Жомий;
- д) Алишер Навоий;
- е) Хисрав Дехлавий.

9. Педагогика фанининг махсус тармоғи қандай аталади?

- а) дефектология;
- б) тифлопедагогика;
- в) олигофренопедагогика;
- д) сурдопедагогика;
- е) барча жавоблар тўғри.

10. Қайси фан педагогиканинг методологик асоси ҳисобланади?

- а) психология;
- б) фалсафа;
- в) социология;
- д) тарих;
- е) педагогика тархи.

11. Педагогика файлари тармоқларида биринчи ўринда қайси педагогика тармоғи туради?

- a) умумий педагогика;
- b) мактабгача таълим педагогикаси;
- c) махсус педагогика;
- d) касб-хунар таълими педагогикаси;
- e) олий таълим педагогикаси.

12. Ҳозирги кунда педагогиканинг қайси илмий – тадқиқот методлари етакчи ҳисобланади?

- a) педагогик кузатиш ва сураш методлари;
- b) тест синовлари ва таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш методлари;
- c) эксперимент – тажриба – синов методлари;
- d) математика – кибернетика методлари;
- e) барча жавоблар тўғри.

13. Жамият мафкураси нима?

- a) инсон манфаатларини ифода этувчи, беҳатар, тинч-тотув, фаровон турмушга йўлловчи манба;
- b) муқаддас анъаналаримизни англаш;
- c) хилма –хил фикрлар ва ғояларни бир байроқ остига бирлаштириш;
- d) ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
- e) фикрлар хилма-хиллиги ва ҳурфикрлик.

14. Миллий мафкура воситасида нимага эришилади?

- a) эл-юрт бирлашади;
- b) иқтисодиёт ривожига эришилади;
- c) маърифатга эришилади;
- d) барқарорликка эришилади;
- e) барча жавоблар тўғри.

15. Комил инсон ғояси нима?

- a) комил инсон ғояси – одамзотга ҳос юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоя;

б) комиллик – меҳр – мурувват, адолат, тугрилик, виждон, орномус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир;

с) комил инсон ғояси азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий қисми бўлиб келган;

д) комил инсон – қуллик, мутелик, боқимандаликдан бутунлай холос бўлган, ўз маслағи, ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан қур-қурона эргашиб кетавермайдиган, огоҳ ва фаол инсондир;

е) барча жавоблар тўғри.

ИНТЕЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Педагогика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари нималардан иборатлигини изоҳлаб беринг.

№	Педагогика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари	Изоҳи
1	2	3

2. Тарбия нима?

№	Тарбия тушунчаси	Изоҳи
1	2	3

3. Таълим нима?

№	Таълим тушунчаси	Изоҳи
1	2	3

4. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини тушунтириб беринг?

№	Фалсафа	Психология	Социология	Физиология	Бошқа фанлар алоқадорлиги
1	2	3	4	5	6

5. “Метод”, “методика” ва “методологик асос” тушунчаларини низоҳлаб беринг?

№	Метод	Методика	Методологик асос
1	2	3	4

“Методология” нима?

№	Методология тушунчаси	Изоҳи
1	2	3

6. Педагогиканинг асосий тушунчаларига нималар киради?

№	Асосий педагогик тушунчалар	Изоҳи
1	2	3

7. Таълим-тарбия жараёни ва педагогиканинг илмий-тадқиқот методларини қўлланшининг аҳамиятини тушунтириб беринг?

№	Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари	Изоҳи
1	2	3

8. Педагогика фанининг тармоқларини тушунтириб беринг?

№	Педагогика фанининг тармоқлари	Изоҳи
1	2	3

9. Таълим ва тарбиянинг бирлиги деганда нимани тушунасиз?

№	Таълим	Тарбия
1	2	3

10. Комил инсон деганда нимани тушунасиз?

№	Комил инсон	Тушунча
1	2	3

11. Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқуранинг педагогик асосларини изоҳлаб беринг?

№	Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқуранинг педагогик асослари	Изоҳ
1	2	3

II БУЛИМ. ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

II Боб. ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИНING ЖАМИЯТ ВА ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДАГИ УРНИ

2.1. ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАР ЖАМИЯТ ВА ШАХС ТАРАҚҚИЁТИНИING ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Халқаро терроризм, худудий можаролар ва урушлар, сиёсий қарама-қаршилиқлар, миллатлараро, конфессиялараро можаролар, «маданият, менталитетлар уруши», экологик таглик, экологик ҳалокат хавфи, «инсон – жамият – табиат» тизимидаги кескинлик, гиёҳвандлик ва наркотик моддалар билан савдо-сотик қилиш, миллат генофонди ва саломатлиги, жамиятдаги қонунбузарлик ва жиноят, ижтимоий бегоқатлик, ёшларнинг маънавий-ахлоқий йўналганлигининг йўқотганлиги, «оммавий маданият» томонидан халқнинг урф-одатлари, энг юксак орзу-умидлари, маънавий-ахлоқий ва маданий-тарихий умуминсоний қадриятларнинг сиқиб чиқарилиши – мана учинчи минг йилликда инсоният дуч келган ва инсон ҳамжамиятига таҳлика солаётган энг муҳим муаммоларнинг баъзи кўринишлари.

Бундай ҳолда савол туғилиши табиий: бунга таълимнинг нима алоқаси бор? Таълим қандай қилиб мамлакат хавфсизлигини таъминлаши, масалан, халқаро терроризм билан курашиши мумкин? Наҳотки жаҳонда терроризмнинг кенг кулоч ёйишида таълим айбдор бўлса ва ахир, кечаётган салбий жараёнлар учун таълим масъулми?

Қолаверса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун махсус, сиёсий, иқтисодий, керак бўлса ҳарбий услублар мавжуд-ку! Мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини ёки ҳарбий қудратини ошириш учун ижтимоий тангликдан кутилиш, иқтисодий тажовузларга барҳам бериш ва ҳоказо каби махсус характердаги тадбирларни ташкил этиш орқали хавфсизлик таъминланади.

Сузсиз, терроризм билан барча мумкин бўлган усуллар, шу жумладан, куч ишлатиш ва ҳарбий методлар билан курашиш керак. Аммо экстремистик онг ва инсон феъл-атвори, ижтимоий танглик, сиёсий, миллий, диний муросасизликларнинг сабабларини теранликда излаш жудаям муҳим; махсус илмий фанлар ва кенг кўламдаги фанлараро алоқаларга оид илмий изланишлар доирасида XXI аср тажовуз ва ундашларининг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Бундай механизмлар қаторига, биз бунга тўла аминмизки, педагогика назарияси фани ташкил этувчилари билан биргаликда киради. Айнан шу асосда педагогика назарияси ва таълим тизими, мазмуни ва ташкил этилиши орқали қўйилган вазифаларга жавоб кидириш лозим.

Аммо, шубҳа остида қаровчилар эътироз билдиришлари мумкин, наҳотки энг яхши таълим тизими мавжуд аҳволни ўзгартира олиши ва келажакка таъсир кўрсата олиши мумкинми?

Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат шуки: барча кишилар, вазирдан бошлаб, то оддий фуқарогача таълим тизими маҳсулидир.

Биз кимни ва қандай тарбиялашимиз ва ўқитяпмиз? Қандай маънавий-ахлоқий идеаллар ва қадриятларни, қандай дунёқарашни шакллантираяпмиз? Жамият келажакги учун ҳар биримизга қандай масъулият чора-тадбирларини юкляяпмиз. Ёшларимизда фидоийлик, ватанпарварлик, ғурур, ишонч туйғулари шаклланыптими? Бу ва шунга ўхшаш саволларга жавоблар ҳар томонлама таълим тизими, ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси ва ривожланиши натижаларига, уларнинг интеллектуал, ахлоқий, маънавий сифатларига боғлиқ.

Ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётига мос янги ижтимоий онгни шакллантириш, маълумки, икки асосий фактор таъсирида содир бўлади: бевосита ижтимоий амалиёт ва аниқ мақсад сари йўналтирилган таълим ва тарбия жараёни. Ҳар бир инсон бевосита таълим тизими, ижтимоий тарбия ва ривожланиш, касбий шаклланиши жараёни орқали шахс бўлиб камол топади. Натигада, у ижтимоий аҳамиятли вазифаларни бажариш қобилиятига эга бўлганида, ижтимоий ролларни эгаллаганида, ўзининг

қизиқиши ва масъулиятини ижобий идрок қила олганида, жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатлар урната олганида шахснинг ижтимоийлашуви рўёбга чиқади.

Айнан таълим бизнинг келажагимиз учун «масъул», айнан таълим «ҳозирги даврда келажакнинг ўзига хос юлдузи бўлиб ҳисобланади. Бу шуни англатадики, «таълим жамиятда нима бўлаётганлиги» ва «келажакда нима содир бўлиши»да нафақат «роль ўйнайди», балки «масъул»дир.

Тарбиявий ва демак, педагогик фаолият – узвий ва мохиятан, ҳар бир оиланинг, жамиятнинг бош мақсади бўлиб, ҳар бир кишининг олдида эса ўқиш ва бутун умри давомида ўз маълумотини ошира бориш вазифаси туради. Бундан куйидаги хулосага келиш қийин эмас: жамиятни кенг кўламда педагогикалаштириш, педагогик ғояларни жамиятнинг барча жабҳаларига кириб бориши учун махсус чора-тадбирлар кўриш ва шарт-шароитлар яратиш зарур. Бу дегани, жамият нафақат таълим макони, балки ўзининг «таълимий ва тарбиявий вазифалари»ни ҳам бажариш учун масъул демакдир. Бироқ, бу – махсус таҳлил предмети.

«Таълим ва жамият», «таълим ва давлат», «таълим ва шахс», «жамият ва шахс», «давлат ва шахс» – бу санаб ўтилган тушунчалар, яъни категорияларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва уйғунлашуви, мамлакат фуқароларининг баркамол авлодини шакллантиришда уларнинг «мавжуд бўлиши ва ривожланиш стратегияси ва сиёсати Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида аниқ белгиланган ва кўрсатилган.

Сўзсиз, таълим тизими жамиятдан ташқарида мавжуд эмас ва мавжуд бўлиши мумкин ҳам эмас, у ўзига хос «жамият кузгуси», унинг давоми ва ажралмас қисми ва шу вақтнинг ўзида «тараққиёт ва гуллаб-яшнашнинг пойдевори»дир.

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш Миллий моделига си-
нгдирилган бош мақсад – равнақ топаётган, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилиши лозим бўлган ғоянинг қудратли салоҳиятини англамоқ ва тушунмоқдир. Бу ўз навбатида, ушбу салоҳиятни қандай, қайси йўл билан ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб топиш имконини беради. Республикамизнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” аслида Кадрлар тайёрлаш Миллий моделини асоси, восита ва

механизмидир. **Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва дастури** истиқлол ғоясининг ажралмас таркибий қисми, Ўзбекистон фуқароларининг янги баркамол авлодни шакллантиришнинг асосий пойдевори эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. **Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг энг муҳим хусусиятларидан бири,** унда бош мақсадга эришиш йўлидаги давлат, жамият ва шахснинг манфаатлари узвий равишда бир-бирига чамбарчарс боғланиб кетганлигидадир.

Шахс моделининг изчиллигини ва яхлитлигини таъминлайдиган асосий элемент бўлиб, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида айтилганидек, **“Республикада амалга ошириляётган таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи, бу инсон омили, унинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлигидир”** деган қонданинг асосий моҳиятини ташкил этади. **Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида** ва дастурида туб ўзгаришларнинг асл мақсади, таълим тизимини ислоҳ қилиш туфайли рўй берадиган барча ўзгаришларнинг асосий ва бош йўналиши, айтини вақтда бу жараёнлардаги давлат ва жамиятнинг ўрни ва вазифалари аниқ равшан кўрсатиб берилган: **“Шахснинг ҳар томонлама ривожланишини, унинг замонавий ўзгариб бораётган жамият ҳаёти билан мувофиқлаштириш таълимий ва касбий дастурларни онгли равишда танлаш ва уларни босқичма-босқич ўзгартириш, жамият, давлат ва оила олдида ўзининг масъулиятини ҳис қиладиган фуқароларни тарбиялашдан иборат”.**

Мақсад шуки, таълимни ташкил қилиш, бошқариш борасида ўтказиляётган ислоҳотлар, таълимий ва касбий дастурлар – тарбиявий-маърифий лойиҳаларнинг моҳиятини белгилаш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларни танлаш каби бу тизимнинг асосий вазифаси, яъни таълимнинг давлат, жамият ва шахсий қадриятларни уйғунлаштириш орқали баркамол шахснинг шаклланишига йўналтирилган **Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг** бош мақсадини англаб бориш, моделнинг стратегик ғоялари ва талабларига қабул қилинажак қарорларнинг мос бўлишига эришишдир. Шу ўринда Миллий моделнинг асл моҳияти ва бош мақсади, ёшларга шунчаки билим бериш эмас, балки уларни баркамол шахс сифатида шакллантириш эканлигини унутмаслик керак. Хўш? Миллий модел асосида шаклланган шахс қандай сифатларга эга бўлади? деган савол туғилади. **Шахснинг маълумот**

даражасига қарамай, юксак кўрсаткичларга эришуви унинг камолотидан дарак беради. Ўз соҳасида касбий маҳоратини намоёниш унинг етукликнинг юксак даражасини билдиради ва жамоатчилик фикрида илк из қолдиради. Новаторлик таклифлари, ихтиролари соҳасидаги муваффақиятини ифодалаб, бетакрор шахс эканлигини исботлашга хизмат қилади. Ноёб касб соҳиби, ўткир қобилиятли, истеъдодли етук шахс шаклланганлиги ижтимоий-тарихий юкелик сифатида юксак баҳоланади. Шахс камолотининг муҳим кўрсаткичи – субъектдир. Бу камолотга эришув ва ижтимоий-сиёсий етукликни намоёниш қилишдир. Етук мутахассислар, фан ва техника, жамоат арбоблари, ижодий-тарихий фикрловчилар, сиёсатчилар, давлат раҳбарлари субъект босқичида фаолият кўрсатадилар. Шунинг учун ушбу вазият оммавийлигига эришиш жамият тараққиётининг тезлаштириб, фидоий, толиқмас кишилар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.¹

Дарҳақиқат, Президент И.А.Каримовнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири ЮНЕСКОнинг Ибн Сино номидаги Олтин медали билан мукофотланиши, жаҳоннинг қатор обрўли таълим ва илмий марказларининг фахрий доктори ва профессори этиб сайлангани ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий модели асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро эътирофига ёрқин далилдир. Ҳар томонлама етук, шаклланган, комил инсон гоёси инсониятнинг азалий орзуси бўлиб ҳисобланади ва ушбу даражага эришиш борлиқни, жамиятни билишнинг муҳим манбаи саналади. Ҳар томонлама шаклланган шахс тўғрисида тасаввуф тариқатлари, илмий мактаблари бир қанча маълумотлар тўплашга муваффақ бўлганлар, шунингдек, бу борада жаҳон инсонпарварлик гоёлари билан қуролланган алломаларнинг изланишлари алоҳида ўрин эгаллаган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий модели нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ҳар томонлама камол топган шахс, ўз соҳаси бўйича малакали мутахассис даражасига эришади. Бунинг натижасида етук инсон ҳаёт ва фаолиятида ижтимоий-тарихий психологик намуна босқичига ўсиб ўтади, ўзининг салоҳияти билан соҳани тараққий эттириш манбаига айланади. Индивидуаллик намунаси миллий ва инсоний аҳамият касб этади, тараққиётни ҳаракатлантирувчи механизми вазифасини бажаради. Бу

¹ Б.Хидиров. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва шахс камолоти //UZLUKSIZ TA'LIM, 2003 йил 3-сон 9-10-бетлар.

даражадаги шахснинг хусусиятлари куйидагиларни ўз ичига олади: юксак ақл заковатга эгалик, интеллектуал фаолиятда маҳсулдорлик; ҳуққ, фаолият, муомила жараёнларида ўз имкониятини оқилона баҳолаш ва ўзгаларнинг ҳам худди шундай даражага эришуви; соҳага оид қобилят ва салоҳиятнинг амалий ифодаланишини таъминлаш; ҳар бир ихтисосликка оид қарашларда мукамалликка, сермаҳсулликка ва динамизмга эришиш; ихтисослараро билимдонлик комил инсон камолотининг юксак босқичи бўлиб, ҳозирги даврда бир неча соҳалар бўйича мукамал билимларга, қарашларга эгаллиги билан характерланади; узлуксиз равишда кашфиётларни амалга оширишга қобиллик; ҳар томон-лама ривожланган шахснинг навбатдаги камолот босқичи ақлий донишмандлик деб аталади. Ақлий донишмандлик ахлоқий маданият, юксак ҳис-туйғулар, муомала мароми, табиат ва жамият қоидаларига риоя қилиш, ахлоқий етуклик, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий энг кўринишларига оқилона ёндошишни таъминлайди.

Умуман, **Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг** бошқа таълим моделларидан мутлақо фарқи ҳам айнан шундадир. Ҳозирги кунда ҳам ушбу жиҳат ислохотларнинг янги босқичига оид меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатларни тайёрлаш, қарорлар қабул қилишда асосий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Демак, таълим ва жамият ажралмасдир!

Бу, моҳиятан, бир тизим. Шунинг учун жамиятда содир бўлган ҳар бир аҳамиятга молик муаммо, сўзсиз, таълим макони ҳолатига таъсир кўрсатади. Давлат ва жамият таълим тизими ривожланишининг кафолотидир, улар таълим маконидаги тааллуқли сиёсатни амалга оширади, унинг мақсад ва вазифаларини белгилайди, устувор йўналишларини аниқлайди. Бу «таълим – жамият» тизимидаги «узaro ҳаракатлар оқими»нинг биринчи йўналишидир.

Иккинчи – ҳар томонлама ривожланган, ҳозирги замон талабларига мослаша оладиган, жамият, давлат ва оила олдида турган ўз масъулиятини онгли ҳис қиладиган фуқароларни тарбиялаш узлуксиз таълим тизимида, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ҳамжамиятининг тенг аъзоси бўлиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қодир ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришдир.

Таълим тизимида баркамол инсонни шакллантириш билан жамият тараққиёти ва гуллаб-яшнашига эришиш – бу

давлат, жамият, шахсининг бугунги ва келажаги олдида турган бош вазифадир.

Равшанки, касбий тайёргарликсиз, етук маълумотсиз, маънавий ва ахлоқий бойликларсиз иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий соҳада бир суз билан айтганда, давлат ва жамиятда гараққиёт бўлиши қийин. Бошқача айтганда, ҳозирги шароитда миллий мустақиллик гоёси ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълимни ривожлантириш, уни такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, долзарб йуналишларни бажаришга масъулият билан ёндашмоқ лозим деб ҳисоблаймиз.

Давлат ва жамият таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ташаббускори ва кафолотчиси сифатида, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари, ривожланган демократик давлатлар тажрибалари, халқнинг маданий-тарихий ва умуминсоний кадриятлари, анъаналари, фан, маданият, техника технологиялар асосида қуйидагиларни белгилаб берганди: *узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг истиқболдаги мақсад ва вазифалари, баркамол шахсни, Ўзбекистон фуқароларининг янги авлодини шакллантиришга қаратилган; таълимнинг давлат, ижтимоий ва шахсий кадриятлари; таълим ва кадрлар тайёрлаш меъёри ва сифатига талаблар; таълим турларининг узлуксизлиги ва узвийлиги; таълимий-касбий дастурларни эътиборга олган ҳолда таълим жараёнини ва мазмунини ташкил қилишга бўлган талаблар; таълим тизимини молиявий ва етук педагог кадрлар билан таъминлаш, мазкур соҳа педагоглари ва ходимларини рағбатлантиришнинг зарур ва етарли шарт-шароитлари; таълим жараёнининг барча иштирокчилари ўзаро ҳаракатларининг шакл ва механизмлари, уларнинг талаб қилинган таълим натижаларига эришишдаги ҳуқуқ – бурчлари ва шу кабилар.*

Бошқача айтганда, давлат ва жамият Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мос равишда мамлакат ривожланишининг ҳозирги босқичида Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва дастурини ҳаётга жорий этиш бўйича таълим соҳасига нисбатан ўзларининг вазифаларини амалий жиҳатдан бажардилар.

Хуш, таълим тизими бунга қандай «жавоб» берди? У жамиятга нисбатан ўзининг вазифаларини бажариш учун ҳамма ишни бажара олдимми?

Умуман олганда, таълим соҳаси ходимлари жамият олдидаги масъулиятларини онгли равишда тушуниб етдиларми, жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида таълим олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун барча чора-тадбирлар кўрилдими?

Таълим тизими жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётига фаол таъсир кўрсатиши, XXI аср хуружларига барҳам бериш талабларига тулақонли жавоб бериши учун таълим жараёнини, зарур ҳолдаги мазмун билан тўлдиришни қандай ташкил қилиш мумкин?

Кўйилган саволларга берилган тўғри жавоб кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, жамиятнинг маънавий-ахлоқий, маданий янгиланиш суръатлари ва йўналишларини, ёшларимиз онгида мустақиллик ғоясининг шаклланишини белгилайди.

Умуман олганда, таълим соҳаси ходимлари ва таълим тизими эртанги кун вазифаларини ҳал қилишга тайёрми? Яқин истиқболдаги таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, жамиятнинг маънавий янгиланиши, миллий истиқлол ғоясининг ҳаётга фаол жорий этилиши мамлакатнинг илдам қадамлар билан ривожланишини таъминламокда.

Шу маънода аниқ мақсадга қаратилган дастурлар мажмуасида устуворларини аниқлаш, уларни амалга оширган тадбир ва механизмларини ишлаб чиқилганлиги бугунги кунда ўз натижасини бермокда. Шу нуқтаи назардан **Кадрлар тайёрлаш миллий модели** ва дастурини жорий қилишда, стратегик ҳаракатларнинг асосий йўналишини белгилаб олинишида муҳим аҳамият касб этди.

Бинобарин, ислохот жараёнида тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш имкониятлари *Миллий модель* – «*Ислом Каримов модели*»нинг моҳиятида мужассамланган, шунингдек, ўзаро алоқада бўлган моделнинг таркибий қисмларини макон ва замонда динамик ўзгариши – конкрет сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар белгиланганлиги, моделнинг ташқи омиллар (воситалар) билан ўзаро мутаносибликда бўлиши кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатига таъсир этувчи шарт-шароитлар яратилишига имкон берди. Шу боис Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва дастури рўй бераётган жараён ва ҳодисаларнинг ҳар

томонлама ва чуқур ҳал этилишига имкон туғдирди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий модели – бу динамик ҳодиса. Давлат ва жамият ривожланишининг ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган аниқ босқичида у ўзининг асосий параметрларини (*таълимнинг мақсад ва вазифалари, эркин фикрловчи, ижтимоий фаол шахсни шакллантиришга йўналганлик ва бошқалар*) сақлаган ҳолда аниқ ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга мослашган ҳолда зарурий ўзгаришлар киритилди. Бу ҳодисаларга олиб келган сабабларнинг намоён бўлиши эса ўз навбатида кадрлар тайёрлаш тизимининг ривожланиш жараёнини самарали бошқариш имконини берди.

Миллий моделнинг амалий тадбиқига таъсир кўрсатувчи хусусият ва параметрлар тадқиқи кадрлар тайёрлаш тизими ривожланиши истиқболларини белгилаш имкониятини берди. Бундай ҳолда кадрлар тайёрлаш тизими таркиби ва тузилмасига унинг ривожланиши жараёнида ўзгаришлар киритиш имкониятлари туғилди.

Агар, **Кадрлар тайёрлаш Миллий модели** ва дастурини тадбиқ этишнинг *ниҳоясига етган биринчи босқичи*, асосан, стратегик режадаги вазифаларни ҳал қилган бўлса, *иккинчи босқич* – бу белгиланган таълим сифатини таъминловчи таълим ва тарбия жараёнининг миллий дастур, унинг мақсад ва вазифаларини бажаришга эришилди.

Иккинчи босқичда таълим жараёнининг барча иштирокчилари ўртасидаги давомий ҳамкорлик ва бирдамликлари таъминландики, бу кадрлар тайёрлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиш билан бирга жамият тараққиётида инсон ресурсининг ўрни ва таъсирининг аҳамиятлилигини кўрсатади.

Инсоният XXI асрда дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиши шароитида таълимга жамиятнинг дунёқарашини белгилаш вазифаси юклатилади, у жаҳон маданияти кадриятлари ва идеалларини асраб-авайлашга жалб қилинади. Бунинг учун барча интеллектуал кучларни жалб қилиш, таълим муассасалари ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятининг энг мақбул маҳаллий ва халқаро тажрибаларини ўрганиш ва фойдаланишни тақазо этади.

Таълим – мамлакатдаги демократик ва бозор иқтисодиётининг амалга оширилишида асосий омил ва механизмлардан бири сифатида кўрилиши ҳамда қўлланилиши лозим.

Мувофиқлаштирилган вазифаларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз таълимнинг давлат, жамият ва шахс олдигаги тарихий вазифаси ва мажбуриятини бажаришдаги қуйидаги устувор жиҳатларини алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсиб келаётган авлод онгида миллий истиқлол ғояси тамойилларини шакллантириш масъулияти. Миллий ғоя – юксак ижтимоий мақсад бўлиб, жамиятни жипслаштиради ва сафарбар этади, жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари ва гуруҳлари, ҳаракатлар ва сиёсий партиялар, Ўзбекистоннинг бутун халқини бирлаштиради.

Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳада стратегик жиҳатдан устувор режаларни амалга ошириш, жамият ҳаётини маънавий яхшилаш – мамлакатни ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб, у олий мақсад – *«Ватан мустақиллиги ва равнақи, халқ фаровонлигига эришиш учун асос ҳисобланади»*.

Қонунлар, ўрнатилган меъёр ва қоидалар, давлат ва жамият билан шахснинг ўзаро алоқалари принципи ва механизмлари асосида фаолият кўрсатувчи ҳар бир жамиятнинг ўз мафкураси бўлади. Шахс ҳуқуқи ва эркинликлари, аъзоларининг мажбуриятлари қонунан белгиланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятида мафкура – ижтимоий манфаатларни ҳаракатлантирувчи куч, жамият ва шахс мақсадларини амалга ошириш вазифасини бажаради.

Тарихан маълумки, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтишда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан, айниқса маънавий-ахлоқий соҳада ҳамда умумий онгни шакллантиришда кўпгина муаммоларни ҳал этиш талаб қилинади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин халқнинг асл мақсади ва орзуларига тўғри келмайдиган коммунистик мафкурадан воз кечилди.

Жамиятда табиий равишда янги ғоялар, илгор фикрлар, тараққиётга элтувчи мафкурага эҳтиёж туғилади. Ушбу эҳтиёжни тушуниб етмаслик ёки эътиборга олмаслик оқибатида мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлиши ва бу бўшлиқ халққа ёт ғоялар билан тўлдирилиши мумкин. Бундай мафкуравий таҳдид одатда гоёвий чалкашликлар мавжуд бўлган жойда кучаяди. Аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшлар онги ва қалбини эгаллашга уринишлари ортади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мафкура, маънавият маърифат, миллий таълим-тарбия йўналиши кўпгина ишлар амалга оширилди. Бироқ, янгича дунёқараш, ижтимоий онгни шакллантириш жараёни – бу мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. Боз устига халқ ва давлат мақсадларига бегона, ижтимоий ҳаётга таъсир курсатувчи ёт ғоялар кучайиши ҳавфи мавжуд. Бундай ғоя тарафдорлари – дунёнинг баъзи мамлакатларида жойлашган, катта таъсир кучи ва воситаларига эга бўлган марказлар юзага келган мураккаб вазиятларда ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Мамлакатимиз фуқароларининг айниқса, ёшларининг онги ва қалбига йўл топишга уринишларининг сабабларидан бири – юртимизнинг геосиёсий нуқтаи назардан қулай жойлашганлиги ҳамда интеллектуал ва табиий захираларга бой эканлигидадир.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётига қуйидаги мафкуравий таҳдидлар хавф солиб турибди. Ислом халифалигини тиклаш йўлида ҳаракат қилиш; ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа қайтариш ғояси; тарихимизни миллий қадриятларимизни, диннинг моҳиятини сохталаштиришга уриниш; ахлоқ қоидаларига зид ғояларни тарқатиш, халқларнинг маънавий-ахлоқий илдизларига путур етказишга интилиш; турли ғоявий воситалардан фойдаланиб минтақавий ва халқаро миқёсдаги зиддиятларни кучайтиришга интилиш ва шу қабилар.

Дунёни ижтимоий-тарихий нуқтаи назардан тақсимлашга уринадиган мафкуралар мавжуд: **улуғ давлатчилик ҳукмронлиги; диний мансублик; этник иқнилик (этноцентризм); ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий яқка ҳокимлик ва ҳоказо.**

Бундай таҳдидлар тажовузкор мафкура шакллари бўлиб, энг аввало содда, лақма одамлар онгини эгаллаб, уларни миллий қадриятлардан, жаҳон цивилизацияси дурдоналаридан маҳрум қилишга қаратилгандир. Жамиятдаги юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий мураккаблик, таҳдид ва хатарлар, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, сепаратизм, фанатизм ва фундаментализм, экстремизм ва терроризмнинг намоён бўлишини, ички ва ташқи кучлар томонидан қўллашга уриниш мамлакат хавфсизлиги учун тўғридан-тўғри таҳдид ҳисобланади.

Дунёни ғоявий тақсимлашга бетўхтов уриниш кетаётган бугунги кунда фақатгина кучли миллий ва илгор мафкура жамиятни ноҳуш асоратлардан сақлай олади. Жамият ва давлат

миллий мафкура борасида изчил, доно ва қатъий сиёсат олиб борилишидан манфаатдор бўлиши зарур.

Миллий истиқлол ғояси – бу сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, диний, фалсафий қарашлар ва ғоялар тизими бўлиб, унда одамларнинг борлиққа муносабатлари анғланади ва баҳоланади. У янги ижтимоий муносабатлар, илғор ижтимоий кадриятлар, қарашлар мавжуд шароитда очиқлик, бағрикенглик, юксак ижтимоий мақсадлар ва ғояларга эришишга йўналтирилган турли гуруҳлар, шахслар нуқтаи назарида ўз ифодасини топади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу ҳақда шундай таъкидлайди: *«Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлилар, илм-фан ва маданият намоёндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш, унинг асосий тамойилларини одамлар қалбига ва онгига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтариш зарур».*

Бу вазифаларни амалга оширишнинг таъсирчан омил ва механизмларидан бири **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»**, тор маънода – **узлуксиз таълим тизимидир.** Айнан узлуксиз таълим тизими (ижтимоий амалиёт, ижтимоий воситалар қаторида) ижтимоий фаол, мустақил фикрлайдиган, фидоий эркин ва масъулиятли шахсни камол топтиради.

Ҳозирги асосий вазифа – қўйилган мақсад сари интилиш, янги ижтимоий онгни шакллантиришнинг шарт-шароитлари, тадбирлари, механизмларини ишлаб чиқишдан иборат. Миллий истиқлол ғояси айнан шунга хизмат қилади. Шу маънода, бугун халқ, умуммиллат ишига айланган тараққиётнинг юксак мақсадларга эришишга йўналтирилган **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» миллий истиқлол ғоясининг ажралмас қисми, уни амалга оширишнинг муҳим омил ва механизми сифатида қаралиши керак.**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг миллий истиқлол ғояси доирасида амалга оширадиган устувор жиҳатларидан бири Республика фуқароларининг янги авлодини тарбиялаш, «маънавий бой ва ахлоқан пок, ҳар томонлама камол топган, мустақил дунёқарашга ва мустақил фикрга эга бўлган, аждодларимизнинг бебаҳо меросига ва умуминсоний кадриятларга таянадиган шахсни шакллантиришдан иборат».

Курсатилган мақсадга эришиш демократик ўзгаришларнинг умумий жараёни, мамлакатда янги иқтисодий-сиёсий муҳит шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, мустақиллик йилларида таркиб топган янги илгор қадриятларни халқ ақлу заковатига сингдириш учун шароит яратди. Бу узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари, асосан, узлуксиз таълим тизими муассаса ва бугинлари фаолияти таркибини қайта қуриб чиқишни тақазо этади.

Айнан ижтимоий ҳаёт тажрибаси, жамоатчилик таъсири, тарбия билан таълим жараёнининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги – шахсни шакллантириш жараёнининг ташкил этувчиларидир.

Мустақиллик йилларида “Миллий истиқлол ғояси” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ таълим соҳасида жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, уни маънан бой ва юксак ахлоқли, мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялашга йўналтириш, ёш авлод онгида бағрикенглик ва Ватанга содиқликни шакллантиришни, таълим жараёнига умуминсоний ва миллий-маданий, тарихий қадриятларни сингдиришга алоҳида эътибор берилди.

Юқорида алоҳида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал қилишда таълимга муҳим вазифалар юклатилади ҳамда у келажак жамият дунёқарашини шакллантиришга масъул, у жаҳон маданияти, қадрияти ва идеалларини муҳофаза қилишга йўналган. Бунинг учун интеллектуал кучларни жалб қилиш, таълим муассасалари ва умуман, кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятида энг самарали халқаро ва маҳаллий тажрибаларни татбиқ этиш зарур.

Хўш, бу жараёнда кадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимининг яқин орадаги ва истиқболдаги вазифалари нималардан иборат?

Энг муҳими – эркин фикрловчи фуқарони, истиқлол ва демократия ғояларига садоқатли, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этадиган, ижтимоий жараёнда фаол қатнашадиган, мамлакат тақдири учун масъул шахсни шакллантириш учун шароит яратишни узлуксиз таълим ўз зиммасига олади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига демократик асосларни жорий қилиш жараёнларини жадаллаштириш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти

куриш, фикрлаш ва мунозара маданияти, шахснинг ички дунёсини ривожлантириш, ниҳоят янги ижтимоий қадриятлар ва муносабатларни шакллантириш жараёнини жадаллаштиришга узлуксиз таълим тизими жавобгар.

Ёш авлод миллий истиқлол гоёсини англаб олиши, унинг ҳар бир фуқаро учун ҳаётий зарурат эканлиги, Ватанни гуллаб-яшнатадиган илгор гоё эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар тизимини амалга ошириш керак.

Шундай қилиб, узлуксиз таълим тизими миллий таълимнинг асосланган янги ижтимоий онгни шакллантириш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Бунинг учун, бизнинг тасаввуримизда, куйидагиларни амалга ошириш зарур.

Таълим жараёнида тарбиянинг устуворлиги ва шахснинг ҳар томонлама ривожланиши таъминланиши зарур.

Таъкидлаш лозимки, шахс камолоти ва жамиятнинг интеллектуал, маънавий, ахлоқий қадриятларининг шакллантирилиши билан бевосита боғлиқ бўлган таълим тизими ўзининг интегратив функциясини тўлақонли амалга ошира олмапти.

Таълим соҳаси асосан, турли прагматик фан маълумотларини аждодлардан авлодларга ўтказиш, мазмунан узук-юлуқ, технократик англашга йўналтирилган билим, кўникма ва малакаларни тезроқ беришга йўналтирилган фаолият билан шуғулланмоқда. Амадаги Давлат таълим стандартлари диққат билан таҳлил қилинганда, таълим тизими нимага йўналтирилганлиги, таълим жараёнини қандай ташкил қилиш кераклиги, ундан қандай натижалар кутилаётганлиги аён бўлади. Педагогларнинг асосий кучи айнан ушбу масалани ҳал этишга йўналтирилган, педагогик жараён ҳам мазкур вазифага хизмат қилади, психологик-педагогик жиҳатдан жудаям пишиқ бўлмасда, ҳар хил методик материаллар, замонавий педагогик, айниқса, ахборот-коммуникацион технологиялар ишлаб чиқилмоқда.

Ёшларда уларнинг ҳар бирининг шу ўлка, Ватанга, инсоният цивилизациясига мансублигини англаштириш, уни ўраб олган моддий ва маънавий дунёнинг яхлит қиёфасини шакллантириш, руҳий, маданий, маънавий қадриятларни миллий ва

умуминсоний тушуичаларда аждодлардан авлодларга етказиш, миллий истиқлол ғоясини ёш авлодга етказиш таълим тизимининг асосий доминантига айлангани йўқ.

Бундай ҳолда жамият келажаги учун муҳим ҳисобланган шахснинг маънавий-ахлоқий даражаси таълим назарияси ва айниқса, амалиётининг диққат-эътиборидан четда қолаётгани ажабланарлидир. Шу ҳолда ёшларнинг ғайри ижтимоий хулқ-атворларининг илдизлари, унинг диний фундаментализм ва экстремизм, гиёҳвандликнинг салбий оқибатларига қарши тура олмаслиги; ёшларда маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-тарихий қадриятлар, анъаналар, халқ идеаллари ва умуминсоний қадриятларнинг бой берилиши сабаблари ётмаяптимикин?

Бу борада таъкидлаш лозимки, ҳозиргача бутун эътибор ташкилий-педагогик асосларни вужудга келтириш, узлуксиз таълим мазмунини ишлаб чиқиш, ўқитишнинг самарали услублари, ахборот технологияси ва ҳоказоларни излашга қаратилган. Тарбия муаммоларини ҳал қилиш зарур илмий-методик асосларсиз – узуқ-юлуқ амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Таълим-тарбия жараёнининг ўзаро узвий алоқадаги уч таркибий бирлиги – тарбия, таълим, шахсни ривожлантириш тўлиқ даражада амалга оширилиши лозим.

Тарбиявий ишлар мазмунини тубдан ўзгартириш, унга мақсадга *йўналтирилган, тизимли, узвий тус бериш каби сифатларни бойитишимиз керак*. Узлуксиз таълим жараёнининг барча субъектлари биргаликда самарали фаолият олиб боришлари учун шарт-шароит ва механизмларни шакллантириш, таъминлаш зарур. Бунинг учун таълим-тарбия жараёнига шахсга йўналтирилган таълим-тарбия воситалари ва методларининг мос шакллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш лозим. Ёш авлодни тарбиялаш жараёнини кенг кўламда ривожлантириш учун, биринчи навбатда, муқобил ташкилий тузилмалар – болалар ва ёшлар ташкилотлари ва бирлашмаларини юзага келтириш зарур.

Миллий истиқлол ғоясини амалга оширишни таъминлайдиган бош мақсад – баркамол авлодни шакллантиришни таъминлайдиган, маданий тарихий анъаналар, халқнинг урф-одатлари ва умуминсоний қадриятларга асосланган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг самарали ташкилий педагогик шакллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга жорий этиш зарур.

Таълим мазмунида ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг шундай шакл ва услубларини кўзда тутиш керакки, Ватаннинг бугуни ва эртанги кунини учун жавобгар фидойиларни тарбиялашнинг энг унумли, оқилона педагогик маҳорати асосида шакллантириш лозим. Таълимда методологик ёндашув масаласини қайта кўриб чиқиш керак. Ижтимоий-шахсий йўналтирилган таълим технологияси анча истиқболлидир. Бу таълим ва тарбиянинг ўзига хос технологиясига асосланади:

— ижтимоий-шахсий ҳаёт тажрибасига асосланган мунтазам давом этадиган жараён;

— мавжуд ҳолатга доим мослашиш жараёни;

— шахслараро алоқаларни қамраб олиш;

— шахснинг шаклланиш жараёни;

— ёшларни жамият фаровонлиги йўлида масъулиятли ва долзарб фаолият турига жалб этиш;

— ёшлар учун ижтимоий тарбияга муносабат билдириш имкониятларини вужудга келтириш;

— таълимнинг ва амалий ишларнинг аниқ мақсадини белгилаш;

— шахс эҳтиёжларини мумкин қадар эътиборга олиш;

— фаолиятга жалб этилган ҳар бир шахснинг масъулиятини аниқ белгилаш;

— мавжуд шароитга фаол таъсир кўрсатиши учун шахс ва жамият эҳтиёжларини бирлаштириш;

— ижтимоий мажбуриятларни фаол ва масъулият билан бажаришни назарда тутиш;

— таълим ва жамият мақсадларини бирлаштиришни қўллаб-қувватлаш ва маъқуллаш, тренинг, назорат мониторингини ўз ичига олиш ва ҳ.к.

Тарбия кенг маънода – махсус ташкил этилган, маълум мақсадга қаратилган аждоддан авлодга ўтадиган ижтимоий-маданий тажриба ва шахс ривожланиши учун яратилган шарт-шароитдир. Тарбия тор маънода эса бу ёшларни жамият ҳаётининг аниқ вазиятига жалб этиш, унинг ривожланиши учун шароит яратиши бўйича катталарнинг биргаликда олиб борадиган аниқ фаолиятини билдиради.

Янгиланаётган жамият ўз аъзолари ўртасида биргаликда ҳаракат қилишга, бағрикенглик, ўзаро ёрдамга асосланган янги муносабатларни шакллантиради. Ижтимоий муносабатларнинг бу

хил маънавий бойликлари таълим-тарбия жараёнида тўла ўз ифодасини топиши керак. **Авторитар педагогикада** ўзаро алоқалар ўқитувчининг ўқувчи-талабаларга таъсир кўрсатиши, катталарнинг фаол ҳаракати натижасида шахс ҳулқида ўзгариш содир бўлиши, шунингдек, катталарнинг тарбиявий кўрсатмаларига тайёр туриши таъкидланар эди. Агар аввалги педагогика буйруқ асосида ва бир томонлама таъсир кўрсатиш принципига амал қилган бўлса, **бугунги педагогика биргаликда фаолият кўрсатиш тамойили асосида ривожланмоқда.** Бу фақат педагогларнинг янги авлоди етишиб чиққанлигини, уларнинг педагогик маҳорати ошганлигини назарда тутмай, балки тегишли педагогик вазиятларнинг ривожланишини мақсад қилиб кўяди.

Биргаликда ҳаракат қилиш, ҳамкорликда иш юритиш демократик тамойилларга, ҳамкорларнинг индивидуал манфаатларига мос келади.

Педагог ва ўқувчи-талабалар ўртасида шундай муносабатлар тизимини вужудга келтириш керакки, бунда уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида кўзланган мақсадга эришиш имконияти яратилсин, ишонч ва манфаатдорликка максимал даражада риоя қилиниб, таълим жараёнида ҳар бир иштирокчи ўз қобилиятини намоён этиш имконига эга бўлсин.

Таълим жараёнини янада инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва демократлаштиришни давом эттиришни таъминлаш лозим. Кучли фуқаролик жамиятини қуриш фуқаролик асослари – фуқаролик нуқтаи назари, миллий қадр-қиммат ва фахрланиш туйғуларини шакллантириш бўйича таълим жараёнига махсус тадбирларни жорий этиш зарурлигини талаб қилмоқда.

Ўқувчи-талабаларнинг туғма қобилияти ва истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш, миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик дунёвий, маънавий бойликлардан баҳраманд этиш, шахс, жамият ва атроф-муҳит муносабатларида уйғунликка эришиш, «Устоз-шогирд»ликнинг тарихий анъаналари асосида самимий муносабатларни ўрнатиш – таълимни инсонпарварлаштиришнинг негизини ташкил этади.

Ўқувчи-талабаларда эстетик бой дунёқараш, юксак маънавият, маданият, ижодий фикрлашни шакллантириш, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш устуворлигини таъминлайдиган профессионал – таълим дастурлари мазмунини шу асосда кўриб чиқиш – таълимни ижтимоийлаштиришнинг

моҳиятини ташкил этади. Бунда ўқувчи-талабанинг шахси, ижтимоий фаолликни ривожлантириш, мустақиллик, гурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Ёшларнинг янги сиёсий маданиятини шакллантириш бўйича махсус ўқув курслари ва дастурларининг жорий қилиниши ҳам таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштириш гарови ҳисобланади.

Кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш таълим тизимида фуқароликни, фаол фуқаролик нуктаи назари, миллий гурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш учун жавобгарликни юклайди.

Фуқаролик – бу умумтаълим ва касб-хунар, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий ва маънавий-ахлоқий билимлар мажмуи бўлиб, шахсга: демократик фуқаролик ҳамжамиятида фаол иштирок этиш; мустақил ва танқидий фикрлаш; плюрализм шароитида мулоҳаза билан ҳаракат қилиш; миллий гурур ва ифтихорнинг шаклланишини таъминлаш, ўзини сафарбар эта олиш ва бошқаларга кўмаклашиш имконини беради.

Таълим тизимида Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг фуқаролик сабоқларини ривожлантиришни таъминловчи махсус ўқув курсларини жорий қилиш керак. Ўқув курсларида илк тарихий манбалар, ҳужжатлар, тарих ва адабиёт, тил, фан асослари, ҳуқуқ ва фалсафани ўзаро боғлиқ равишда мамлакатнинг умуммаданий таркибий қисми сифатида кўриб чиқилиши керак. Фуқароликни тарбиялаш ахлоқий негизлар ва табиий интеллектуал салоҳиятлар ҳамкорлигини таъминлаши керак.

Ёшлар зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллар эканлар, келажакда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига фаол киришиб кетадилар.

Глобаллашув жараёнларини эътиборга олиш бу алоҳида масала. Глобаллашув янги имкониятлар тугдиради ва шу билан бирга янги муаммоларни юзага келтиради. У тенг ҳуқуқлилиқ ва барқарорликни таъминлаш мақсадларини шакллантириш ва мувофиқлаштиришга эҳтиёж тугдирувчи жараённи юзага келтиради. Глобаллашув янги бойликларни юзага келтиради ҳамда иқтисодиёт ва жамиятнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини юқори даражага кўтарилишига олиб келади. У ахборот технологиялари соҳасида ўзига йўл очишга уриниш, товарлар ва хизматлар, капитал ҳаракатчанлиги ҳамда бутун дунёда қашшоқлик ва тенгсизликни

камайтиришга уриниш, шунингдек, таълим эҳтиёжларида янги технологияларни қўллаш таъсири асосида кечади.

Бундай шароитда давлат ва жамият томонидан ҳар бир фуқаронинг ўн икки йиллик мажбурий ва бепул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш ҳуқуқи кафолатланишини тасдиқловчи тараққийпарвар «Кадрлар тайёрлаш Миллий модели» янада баралла куч билан намоён бўлади. Боз устига, фуқароларнинг ўз таълим йўналишларини танлаш ва меҳнат бозорида шахснинг ижтимоий-профессионал ўрни имкониятлари ҳамда бутун умр давомида таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятлари атрофлича ҳисобга олинган.

Ер юзи аҳолисининг иммиграцион фаоллиги ортиши инсон ресурслари, товар ва хизматларнинг эркин айирбошланиши шароитида таълим тизимининг рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларга халқаро меҳнат бозорида эҳтиёж бўлиши долзарб муаммо ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни, шароитлари таълим тизимига мослашувчанлик ва тезкорлик бахш этилиши лозимлигини шарт қилиб қўйди: иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш талабларига жавоб бериш шартлари ва имкониятларини яратади. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва мослашувчанлигини ошириш, тез ўзгараётган шароитда кўникма ҳосил қилиши имкониятини беради.

Ўқув дастурларининг замон талабларига мослашувчанлигини ва ҳаракатчанлигини таъминлаш – таълимни дифференциациялаш муаммосига бориб тақалади.

Дифференциациялаш – ҳозирги замон таълимининг асосий характеристикаларидан биридир. У таълимнинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда ўқитиш ва тарбиялашнинг турли шаклларида фойдаланиш имконини беради.

Республикада «Фонд Форум» томонидан иктидорли ўқувчигалаба ёшларни қўллаб-қувватлашнинг аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ўтказилиб келинмоқда.

Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар нашр қилиш, моддий-техник базани яхшилаш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган бир қатор халқаро ва чет эл ташкилотлари (Бутунжаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, OECF, GTZ, TACIS, USAID ва бошқалар)

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг татбиқ этилишини қўллаб-қувватламоқдалар.

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига жиддий аҳамият бериш зарур, биринчи навбатда, тегишли равишда ташкилий тузилмалар болалар, ўсмирлар бирлашмаси ва ҳаракатларини вужудга келтириш керак. Энг муҳими, булар ёшларда қизиқиш уйғотсин, уларнинг ўз қизиқишлари, қобилият ва истакларини қондиришига шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу ўз навбатида баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилиши керак. Бунда таълим сиёсатини амалга оширувчи масъуллар, ёш авлод тарбияси билан шуғулланувчилар, мавжуд давлат ва жамият тузилмалари – Халқ таълим вазирлигидан, то «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатигача бўлган ташкилотлар фаолиятини тубдан такомиллаштиришни кузда тутади.

Тарбия жараёнида барча субъектлар самарали таъсир кўрсатишлари учун шароит яратиши ва унинг механизмларини шакллантириш ва таъминлаш зарур. Амалда тизимнинг барча тузилмавий элементлари бор. Булар – оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, фан ва ҳоказо.

Шундай қилиб, *“Миллий истиқлол гоёси” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга татбиқ этишда бағрикенглик, ҳурфикрлик тушунча ва тамойилларига жиддий аҳамият берилади.*

Инсоният ўз тарихи давомида ушбу тушунчани турлича талқин қилди, унга маълум мазмун берди. Бизнингча, бағрикенглик тушунчасига буюк Вольтер нисбатан аниқ таъриф берган: **«Мен сизнинг фикрингизга умуман қўшилмайман, бироқ мен сизда унга эга бўлиш имконияти, ўз фикрингизни яратиш ва изҳор қилишга муваффақ бўлишингиз учун умримни беришга ҳам тайёрман!».**

Бағрикенглик – айниқса, бутунги кунда муҳим аҳамият касб этади. ХХI аср – иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ҳаракатчанлиги, коммуникация тизимининг жадал суръатлар билан ривожланиши, интеграция ва бир-бирига боғлиқлик, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, ижтимоий тузилмани қайта қуриш билан характерланади. Бундай шароитда инсоний сабр-тоқат талабларига роя қилмаслик битта давлат доираси билан чегараланиб қолмайди, у глобал характерга эга бўлади.

Шу жиҳатдан 1995 йил БМТнинг 28-сессиясида **«Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»** қабул қилинишини алоҳида

таъкидлаб ўтиш керак. Унда, жумладан, БМТга аъзо мамлакатлар бағрикенгликни шакллантириш бўйича тадбирларни давлат даражасида амалга оширишга даъват этилади. Декларация – асос бўладиган халқаро ҳужжат, унда нафақат ҳозирги замон ва келажакда инсоният бирлиги тамойиллари эълон қилинган, балки, ушбу тамойилларни татбиқ қилиш йўллари ҳам кўрсатилган. Ушбу ҳужжатдан, бизнингча, энг муҳим бўлган жойларини келтирамиз.

БМТ Декларацияси бағрикенгликни қандай талқин қилади? *«Бағрикенглик – бу дунё маданиятларининг хилма-хиллигини, узини ифодалаш шакллари ва инсон индивидуаллигининг кўринишларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишини англатади. Бағрикенгликка билим, очиқлик, муносабат ва фикр эркинлиги, виждон ва қатъий ишонч манба бўлади. Бағрикенглик – бу ҳамжиҳатлик. Бу нафақат маънавий бурч, балки ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий эҳтиёж. Бағрикенглик – бу ён бериш эмас, шафқат ёки, ножўя ҳаракатларига йўл бериш эмас. Бу, энг аввало, инсоннинг универсал ҳуқуқларини тан олиш асосида шаклландиган борлиққа фаол муносабатдир».*

Декларация кўрсатиб ўтилган тамойилларни амалга ошириш учун қандай тадбирларни тавсия этади? Фикримизча муҳим, самарали деб ҳисоблаган тадбирлардан бири: *«Тоқатсизликнинг олдини олишнинг энг самарали воситаларидан бири тарбия ҳисобланади. Бағрикенглик руҳида тарбиялаш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари нималардан иборат, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга урганишдан бошланади. Бағрикенглик руҳида тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида қаралади. У ёшларда мустақил фикрлаш куникмаси, ахлоқий қадриятларга асосланган ҳолда танқидий фикр юритиш ва мулоҳаза қилишни шакллантиришга кўмаклашиши лозим».*

Бу фикрлар **Миллий истиқлол ғояси** ва **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** қоида ва тамойиллари билан уйғунлашуви ҳамда мувофиқлашувини сезиш қийин эмас!

Сабр-тоқатлилик жамиятнинг ҳар бир фуқароси, ижтимоий гуруҳлар, партиялар ва турли ижтимоий ҳаракатлар, давларлараро муносабатлар учун ҳам хос бўлиши керак. Бу принципнинг амалга ошиши догматизмдан, ҳақиқатни мутлоқлаштириш ва монопольлаштиришдан воз кечишни, ҳуқуқни ва энг муҳими, инсон эркинлигини таъминлашни тақазо этади.

Аммо, сабр-тоқатлилик ижтимоий маънода ҳақсизликка жимгина муносабатда бўлишни, ўз эътиқодидан воз кечишни, ўзгаларнинг гоёсини кўр-кўрона қабул қилишни билдирмайди. Бошқача айтганда, ҳар бир киши ўз эътиқодида эркин бўлиб, бошқалар ҳам шундай ҳуқуққа эгаллигини тан олади.

Бағрикенглик руҳидаги онгни шакллантириш билан бирга диний сабр-тоқатлиликка ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Диний эътиқод эркинлиги ижтимоий ҳаётда ҳамжиҳатлик ва тотувлик вазиятини вужудга келтиради, бир ерда, бир Ватанда яшовчи турли дин вакилларининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқаришни таъминлайди. Қадимдан диний таълимотлар ахлоқий принципларни ўзида мужассам этади. Зеро, ҳамма динлар муқаддас гоёларга асосланади, *эзгулик, тинчлик, дўстлик, раҳм-шафқат* каби инсоний фазилатларга таянади.

Қадимдан дунёда ислом, христианлик, иудаизм, буддизм каби динлар фаолият кўрсатишмоқда. Кўпгина шаҳар ва қишлоқларда масжид, черков, синагогалар мавжуд бўлиб, уларда турли миллат ва дин вакиллари диний расм-русумларини ҳамда маросимларини ўтказиб турадилар. Халқимизнинг сабр-бардошли эканлигини шундан ҳам билиш мумкинки, Ўзбекистонда энг оғир кунларда ҳам диндорлар ўртасида зиддиятлар кузатилмаган.

Бугун мамлакатимизда **ундан ортиқ конфессияга тегишли диний ташкилотлар** ишлаб турибди. Улар ўз фаолиятини юритиши, кўп миллатли халқимиз ҳаётида фаол қатнашиши учун ҳамма шароитлар яратилган. Бунинг ҳуқуқий асослари **Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»**ги қонунда ўз ифодасини топган. Барча дин вакилларининг иноқ яшаши, мамлакатда улўғвор ишларни амалга оширишда иштироқи учун имкониятлар яратиб берилган.

Айтилганлардан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимини ёш авлодда бағрикенг фуқаролик ахлоқини шакллантириш, миллатчилик, экстремизм, фундаментализмнинг олдини олиш вазифаларини ҳал қилишда аниқ мақсадга йўналтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Айнан узлуксиз таълим тизими жамиятдаги ижтимоий зиддиятлар ҳавфини камайтиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатишга қодир.

Жамиятда бағрикенглик, хурфидрлиликни шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш миллий истиқлол гоёси негизида ётувчи комплекс вазифа ҳисобланади. Бу

қўллаб вазирликлар, ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ва бошқармаларнинг, жамоатчилик ҳаракатлари ва партиялар негизда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини тақозо этади.

Яна бир бор таъкидлаймиз: *таълим ва тарбия бағрикенглик руҳидаги онгни шакллантиришнинг энг мақбул воситаси ҳисобланади*. Бағрикенглик руҳида тарбиялаш, инсонлар, айниқса ёшларда умумцивилизациявий идеаллар ва қадриятларни миллий маданият, ғоя ва қадриятларга асосланиб англаш ва қабул қилишга йўналтирилиши, бу жараёнда универсал ҳуқуқлар амалга оширилиб бошқаларнинг ҳуқуқ – эркинликларини ҳимоя қилишга интилиши, қўллаб-қувватланиши лозим.

Ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг миллий маданий-тарихий анъаналар, халқимиз урф-одатлари ва умуминсоний қадриятларга асосланган самарали ташкилий ва педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш керак.

Тарбиявий-маърифий ишларнинг мазмун, шакл, восита ва услубларини бағрикенглик тамойилларига мувофиқлаштириб, ушбу фаолиятга, аниқ мақсадга йўналтирилганлик, мослашувчанлик, узлуксизлик ва узвийлик хусусиятларини бериш лозим.

Бу ишда гуруҳбозлик, расмиятчилик ва лоқайдсизликка барҳам берилиши керак. Бунинг учун зўравонлик ва бегоналанишга сабаб бўлувчи сабрсизликнинг тарихий-маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний манбаларини очиб ташлаш билан бирга сабрлиликни шакллантиришнинг тизими ва оқилона методикасини ишлаб чиқиш лозим. Тарбиявий-маърифий ишлар ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда мустақил фикрлаш, танқидий мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқариш малакасини шакллантиришга қўмаклашиши зарур.

Ўқув-тарбиявий ва услубий тадбирларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкин:

а) таълим муассасаларида сабр-тоқатлилик, эътиқод эркинлиги ва маданиятлараро тотувликни ривожлантириш борасида баҳс-мунозара ўтказиш дастурини яратиш ва жорий этиш (жумладан, ўқув фанларининг амалдаги дастурларига шу билан боғлиқ махсус элементларни киритиш);

б) узлуксиз таълим тизимининг барча йўналишларида фаолият юритувчи профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни таъминлаш;

в) оммавий коммуникация, давлат хизматчилари, жумладан, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа вазирликлар, идораларда банд бўлган мутахассисларни қайта тайёрлаш мақсадида махсус тренинглар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ижтимоий-гуманитар фанлар: Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи; Ўзбекистон халқларининг бадий, фалсафий ва педагогик тафаккурининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи; этнография ва этногенез; адабиётшунослик, санъатшунослик соҳаларидаги илмий тадқиқотларни янги поғонага қўтариш зарур. Мазкур муаммо юзасидан илмий изланишларнинг концепциявий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли китобида чуқур таҳлил этиб берилган. *Шу маънода педагогика тарихи ва меросимизни замонавий методология асосида ўрганиш юзасидан ёш олимларнинг буткул янги илмий мактаб шакллантириш; ўқувчи-талаба ёшлар учун илмий, илмий-оммабон ва информацион характердаги адабиётларни нашр этиш бўйича жуда кўп ишларни амалга ошириш лозим. Миллий-маънавий бойликларимиз ва маданий ютуқларимизнинг муштарак илдизларидан келиб чиқиб, миллий мафқурани тўлдириш ва бойитиш олимларимиз, файласуфларимиз, сиёсатшуносларимиз ва умуман, мамлакат илмий жамоатчилигининг долзарб вазифаси бўлиб қолаверади».*

Ислом ва бошқа динларнинг гуманистик асослари тўғрисидаги билимларни ўрганишга ва алоҳида шакллантиришга янги куч-қувват бағишлаш керак. Аждодларимизнинг бой илмий-назарий меросини илмий таҳлил қилиш ва ривожлантириш, ислом дини тарихини ўрганиш асосида унинг аҳволини, ҳозирги жамиятдаги, маданиятдаги, республиканинг маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини аниқлаш ҳамда дунёвий давлат, кучли фуқаролик жамияти, кўп конфессиялилиқ шароитида ислом дини фаолият кўрсатишининг илмий прогнозини таъминлаш керак бўлади.

Миллий ғояни шакллантириш маъносида ўқувчи-талабалар учун ўқув-услугий, илмий-оммабон ва бадий адабиётларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни муҳим йўналиш деб ҳисобламоқ керак. Мавжуд адабиётларни ҳар томонлама экспертиза қилиш асосида халқнинг бой ижтимоий-маданий ва тарихий тажрибасига, унинг прогрессив анъаналари ва урф-одатларига, умуминсоний кадриятларга асосланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бадий адабиётлар нашр этилишини таъминлаш зарур.

Бу ишга фан, маданият ва санъатнинг энг илғор вакиллари жалб қилиниши лозим.

Умумий ва касбий маданиятни ошириш мақсадида ёшлар билан олиб бориладиган маданий-маърифий ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш керак. Бунда *оммавий ахборот воситаларининг* маърифатчилик фаолиятини кучайтириш муҳимдир.

Ўқувчи-талабалар учун адабиётлар, радио ва телевидениедаги эшиттириш ва кўрсатувларни *«интеллектуаллаштириш ва маънавий ахлоқий тўлдириш»* борасида кўп ишларни амалга ошириш лозим. Айнан *оммавий ахборот воситалари «...мустақил ва реал тўртинчи ҳокимият сифатида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг энг таъсирли воситаси»* бўлиши баробарида демократик қадриятлар ва жамиятимиз мафкурасини ривожлантиришда ёшлар онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши зарур.

Тарбия жараёни – уни тиклаш, ривожлантириш ва ҳаётга жорий қилиш, таълимда миллийлик, маънавий-ахлоқий қадрият ва нормалар билан бевосита боғлиқки, улар халқ педагогикаси, урф-одатлари, байрамлари, ўйинлари ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда «Оила», «Камолот», «Маънавият ва маърифат», «Маърифатпарварлар», «Тарихчилар», «Файласуфлар» ва бошқа жамоат ташкилотлари ва жамғармалар муҳим роль ўйнайди.

Шу асосда мамлакатимиз маданияти ва миллий санъатини ривожлантириш бўйича тадбирлар тизимини амалга ошириш зарур. Улардан таълим амалиётида, хорижда тарғибот ишларини олиб боришда, миллий ва халқаро танлов, фестивалъ ва бошқаларни ўтказишда фойдаланилади. Ёшларнинг бадиий ижодига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни ўсиб келаётган авлоднинг ривожланиб бораётган ҳуқуқий маданиятини, фуқароларнинг янги ҳуқуқий онгини оширишни тақазо этади. Фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини ошириш бўйича тадбирлар дастурининг кенг ижросини таъминлаш зарур, бунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқини билсин ва уни ҳимоя қила олсин. Ҳуқуқий фикрлашнинг эскича стереотипларидан воз кечиш зарур. Илгари қонун олдида ҳамма баробарлигига, инсон ҳуқуқи давлат

хукукидан устуворлигига, инсон хукуки асосий кадрят эканлигига ҳеч ким ишонмас эди.

Зеро, ёш авлодни миллий мафкура ва янгича ҳукукий тафаккур асосида маънавий-ахлоқий ва ҳукукий, жисмоний тарбиялаш, шубҳасиз, жисмоний ва руҳий саломатликни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантиришни назарда тутати. Ёшларда фаол ҳаётий позицияни, маънавиятни, эзгулик ва инсонпарварлик, адолат-парварлик, принципиаллик идеалларини тарбиялашда, жисмоний тарбия ва спорт воситалари, шакллари ва усулларидан фойдаланиш – устувор йўналишлардан бирига айланмоғи керак. *Соғлом авлодни тарбиялаш жараёнининг моҳиятини, мазмунини ва ҳақиқий аҳамиятини чуқур англаган ҳолда биз бу ишни давлат сиёсати даражасига кўтаришимиз, уни чинакам умумхалқ ҳаракатига айлантиришимиз лозим.*

Спорт билан оммавий равишда шуғулланишни таъминлайдиган бир бутун тизимни барпо этиш, ўқувчи-талаба ёшлар дам олишининг фаол шакллари яратиш ва амалга ошириш ишларини давом эттирилиши зарур. Давлат ва жамиятнинг ушбу мақсадга йўналтирилган ишларининг самарасини бугуннинг ўзидаёқ кўриб турибмиз. Махсус “Баркамол авлод” давлат дастури амалга оширилмоқда, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилинди, болалар ва ўқувчи-талаба ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт бирлашмалари тузилмоқда, «Барчиной» ва «Алпомиш» спорт-норматив комплекслари жорий қилинган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари муваффақиятли тарзда ўтказилмоқда. Кишилар онгида соғлом авлодни шакллантиришга муносабатни тубдан ўзгартиришни яна ҳам муҳим иш деб ҳисобламоқ керак.

Иккинчидан. Юқори сифатли ва малакали кадрлар тайёрлаш ва мамлакат фуқароларининг янги авлодини шакллантириш учун масъуллик.

Таълим сифатини бошқариш – мураккаб, кўп қиррали муаммо. Унинг ечими бир нечта даражада (умумдавлат соҳалараро соҳавий, минтақавий миқёсда, таълим муассасаси, педагог ва ўқувчи-талаба даражасида), шунингдек, турли йўналишларда (ташкилий, тузилмавий мазмуниан, услубий) амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва модели таълим сифати муаммосини тизимли равишда барча бошқарув субъ-

скларининг ўзаро ҳамкорлигида (ва айни пайтда масъуллигида) ҳал қилишни ва шу билан бирга ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларни зарурий таълим сифатига эга бўлишини назарда тутди ва талаб қилади.

Баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра, таълим сифати – шахснинг эҳтиёжлари ва жамиятнинг Давлат таълим стандартларига мос талабларини қондиришга қодир умумтаълим, маърифий, маданий ва касбий ривожланганлик даражасидир.

Бошқача фикрларга кўра, таълим сифати – унинг турли шакллардаги эҳтиёжлар, мақсадлар, талаблар ва нормалар (стандартлар)га тўла мувофиқлиги; таълимнинг турли даражаларда ташкил этилган, ижтимоий аҳамиятга молик маъно хусусиятларининг тизимли жамулжамлигидир.

Учинчи тоифадагиларнинг фикрича, таълим сифати деганда қўйилган мақсад ва таълим фаолиятининг ўзаро мувофиқлиги тушунилади, бунда мақсад – аниқ тарзда қўйилган ва шахснинг яқин келажакдаги ривожланиш доирасини камраб олган бўлиши керак. Бу ўринда биз натижани ўқувчи-талабаларнинг максимал имкониятига эришиш, сифатга қараб баҳо берамиз. Бошқача айтганда, натижа ҳар қанча кўзга кўринарли бўлмасин, агар ўқувчи-талаба бундан ҳам юқорироғига қодир бўлса, эришилган натижани яхши деб ва аксинча, натижа ҳар қанча кўримсиз бўлмасин, агар ўқувчи-талаба бундан юқорироғига қодир бўлмаса, эришилган натижани ёмон деб топиш керак эмас.

Таълим сифати муаммосининг қўйилиши умуман олганда минтақавий ва алоҳида таълим муассасаларида бошқариш таркиби ва сифатини, педагог ва бошқарув ходимларининг касбий тайёргарлиги мазмунини, таълимга инновацион ёндашувни ўзгартиришни талаб этади.

Таълим сифатини бошқариш ва назорат қилишнинг замонавий тамойил ва муаммолари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

– таълим сифати муаммоси – замонавий мутахассисларнинг умумтаълим, умуммаданий ва касбий тайёргарлигини баҳолашнинг янада ҳаққонийроқ тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш нуқтаи назаридан долзарбдир;

– таълим сифатининг кафолати – таълим муассасаси ва ўқувчи-талабалар ўртасидаги келишув асосидаги режалаштирилган ва эришилган натижаларнинг таъминланишидир;

– таълим сифатини бошқариш мақсадининг қўйилиши – таълим кафолати талабларини бажариш, шунингдек, таълим параметрлари ўзгаришини сифат ва сон жиҳатдан баҳолаш барқарорлигини оширишдир;

– таълим сифати нормалари – жамият ва шахснинг муайян даражадаги эҳтиёжларига мос келувчи таълим сифатига оид расмий тан олинган ва қайд этилган талабларидир;

– таълим сифати мезонларининг белгиланиши – таълим сифатининг белгиланган меъёр, талаб, эталон ва стандартларга мувофиқлик даражаси ва аломатларидир;

– таълим сифатини баҳолаш – таълим сифати ўлчовларининг юзага чиқишидир;

– таълим сифати мониторинги – мавжуд аҳвол ўзгариш, баҳолаш ва прогноз қилишнинг таълим сифатига нисбати бўйича кузатишнинг комплекс тизимини ишлаб чиқишдир;

– таълим сифатининг таъминланиши – таълим сифатининг белгиланган норма, талаб ва стандартлардан кам бўлмаган даражада қўллаб-қувватланишидир;

– таълим сифатини бошқариш – таълимда «*бошқарувчи субъект*» томонидан барча объектларига нисбатан сифатнинг ривожланиши, қўллаб-қувватланиши ва тикланиш жараёнларига таъсир этилиши ҳамда белгиланган мақсад, норма ва стандартларга мувофиқ: назорат, баҳолаш, таҳлилнинг йўлга қўйишидир;

– билим, қобилият ва кўникмаларни баҳолашнинг педагогик тизимларини ишлаб чиқиш, бунда улар шахснинг касбий компетенцияси ва ривожланганлик даражасини текшириш ва баҳолашнинг дидактик принципларига мос келиши шарт.

Таълим сифатини назорат қилиш ва бошқаришнинг мавжуд тизимларини мутлақо тўғри ва мукамал деб ҳисоблаб бўлмайди. Назорат босқичлари вақт бирлигида бир-биридан узилган ва мантикий тугалланмаган. Маълум назорат тизимлари асосига қўйилган методлар доираси эса анча тордир. Ўқувчи-талабаларнинг билим, қобилият ва кўникмалари даражасини баҳолаш таълим сифати параметрларини кенг миқёсда ҳисоблаш имконини берувчи индекслар воситасида амалга оширилмоқда.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълим сифати муаммосини ҳал қилиш долзарб аҳамият касб этиб, қуйидаги зиддиятлар билан ҳам боғлиқ:

– таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлигига қўйилаётган янги талаблар ва улар учун таълим сифати мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

– узлуксиз таълим тизими ва таълим муассасалари фаолиятининг ўзгарган шароитларида бошқарувнинг кам самарали услубларининг қўлланилиши;

– таълимни бошқаришда янгиликлар ҳамда шахсни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнининг ташкилий ва сифат жиҳатидан сезиларли даражада ортида қолганлиги;

– таълимни инсоннинг ижтимоий-профессional омилкорлигига йўналтирилган ҳолда ислоҳ қилиш зарурияти ва шу билан бирга педагогик ва инфорацион технологияларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

– таълим муассасалари педагогик жамоаси фаолияти самарадорлигига қўйилаётган юксак талаблар ҳамда улар малакасининг етарли даражада эмаслиги;

– педагог ходимларнинг ўз ижодий потенциалини амалга оширишга тайёрлиги ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини баҳолашнинг илмий-методик асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва шу қабилир.

Замонавий нуқтаи назардан олиб қараганда малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифати муаммосини кўриб чиқиш зарурияти, назоратнинг маълум услуб ва мезонларидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши, таълим сифатини баҳолашнинг мавжуд методлари бирлашиши кадрлар тайёрлаш сифатини ҳолисона, ҳар томонлама ва тартиблашган тарзда баҳолаш имконини берувчи назорат тизимини яратиш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди. Таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш тизими қўйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилса, самарали бўлади:

1. Таълим шахснинг шаклланишига шароит яратиш ва ҳолисона баҳолашга йўналтирилган махсус ташкилий бошқарув қарорларни жорий этиш ва амалга оширишни назарда тутати;

2. Таълим сифатини самарали бошқаришнинг махсус ташкилий-бошқарув, тузилмавий ва таркибий чора-тадбирларини жорий этади;

3. Назорат тизими таълимнинг барча: кириш, жорий, оралик, якуний назорат босқичларида ҳамда битирувчининг меҳнат

бозорига мослашишини ёки таълим хизматларини назорат қилишда амалга оширилади;

4. Таълим сифатини баҳолаш мезонлари ўз ичига: умумтаълим ва умуммаданий билим ва кўникмалар; шахснинг касбий ривожланганлиги; касбий билим, қобилият ва кўникмалар; умумий ўқув қобилиятлари; мотивация даражаларини қамраб олади;

5. Таълим сифатини назорат қилиш тизимида барча топшириқлар Давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади;

6. Мазкур тизимни таълим жараёнига жорий қилишда таълим сифатини баҳолашнинг турли шкалаларидан фойдаланиш зарур;

7. Педагогик жамоанинг ушбу тизимдан фойдаланишга тайёрлиги, аввало таълим муассасаси раҳбарияти ва ходимларидан бошқарув кўникмаларига эга бўлишни, назоратни турли услублар билан амалга оширишни талаб этади.

Таълим тизими сифатини бошқариш куйидаги қўшимча шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилса янада самарали бўлади:

— бошқариш тизими таълимнинг барча даражасида ва ўқитишнинг ҳар бир босқичида амалга оширилади;

— таълим ва бошқарув жараёнининг барча субъектлари зарур малакага эга бўлади ҳамда таълим сифати ва бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишдан манфаатдордир;

— тизим ўқувчи-талаба шахсининг ривожланишини баҳолашга йўналтирилган бўлади;

— таълим-тарбия жараёни, режа ва топшириқлар Давлат таълим стандартлари талаблари асосига қурилади;

— таълим сифатини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг турли услуб ва воситаларидан фойдаланилади;

— ўқувчи-талабаларнинг ривожланганлик даражасини уларнинг билим, қобилият ва кўникмаларини турли услуб, рейтинг тизими орқали баҳолаш бўйича педагогик жамоани ўқитиш доимий равишда амалга ошира борилади;

— кўрсаткичларни ўз ичига олувчи ва таълим сифати даражасини, ўқувчи-талаба ва педагог шахсининг ривожланганлигини, таълим жараёни ва бошқарув қатнашчилари мотивациясини, билим, қобилият ва кўникмаларни (таълим сифатини назорат қилиш) характерловчи ўлчов мезонлари комплекси мавжуд бўлади.

Таълим сифати муаммосини тадқиқ қилишда қуйидаги асосий қоидаларга таяниш керак:

1. Таълим тизими сифатини бошқариш аниқ ижтимоий ва педагогик шароитларнинг таъсири билан асосланадиган мураккаб ва купфункциявий тизимини ўзида акс эттиради. Унинг ишлаши ва ривожланиши бир қатор объектив ва субъектив омилларнинг таъсирига асосланадики, бу таъсирнинг характери ўз ривожининг сифат жиҳатдан янги поғонасига ўтиши билан ўзгариши мумкин;

2. Таълимни ва унинг сифатини бошқаришни ислоҳ қилиш узоқ вақтни қамраб олади – ислоҳотнинг стратегик йўналишлари белгилаб олинган пайтдан бошлаб, то уларни яқунлашгача. Бу жараён бир қатор қонуниятларнинг юзага келиши билан бирга кечади ва уларни билиш бу жараёни бошқариш имконини беради;

3. Таълимни ва унинг сифатини бошқаришни аниқ мазмун билан тўлдириш ва амалиётда қўллаш тўпланган билим ва тажриба, махсус тадқиқот натижалари асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган концептуал қоидалар асосида мазкур муаммо бўйича илмий изланишларнинг қуйидаги муҳим йўналишларини шакллантириш мумкин:

— таълим сифатини бошқаришнинг назарий асосларини, бошқарув тизимининг барқарорлиги ва ривожланиш омилларини тадқиқ қилиш;

— Ўзбекистондаги ва ривожланган хорижий давлатлардаги таълимни бошқариш билан боғлиқ тажрибаларни умумлаштириш ва ўрганиш;

— **Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва дастури талаблари** асосида таълим сифатини бошқариш механизми, услублари, шакл ва тамойилларини ишлаб чиқиш;

— таълим сифатини ва тизимини ижтимоий-педагогик бошқаришнинг концептуал моделини яратиш;

— таълим сифати ва тизимини бошқаришни баҳолаш ва мониторинг қилишнинг тузилмаси, таркиби ва услубларини ишлаб чиқиш.

Бизнингча, бу ишларнинг амалий натижаси қуйидагиларда ифодаланади:

– бошқарувнинг ишлаб чиқилган модели таълим сифати ҳамда таълим тизимининг ижтимоий-маърифий институт кўринишидаги фаолият самарадорлигини оширади, таълим сифатини мониторинг

қилиш тизимидан эса таълимни бошқариш идораларида ва бутун таълим муассасаларида фойдаланиш мумкин;

– ўзида ўқувчи-талабаларнинг билими, ижтимоий-шахсий хусусиятларига нисбатан бир қатор талабларни жамлаган таълим сифатини бошқариш тизимларидан фойдаланиш натижасида таълим муассасаларининг ижтимоий-маърифий институт сифатидаги самарадорлиги сезиларли равишда ошади;

– Давлат таълим стандартлари мониторингини амалга оширишда махсус информацион (компьютер) дастурлардан фойдаланиш таълим сифати ва даражасини ошириш имконини беради;

– тадқиқотлар натижасида олинган материаллар, таълимни жамоат-педагогик бошқариш мазмуни бўйича, унинг ташкил этилиши, вазибалари, бошқариш цикллари туғрисидаги тавсиялар ва бошқа асосий хулосалардан олий ўқув юртлари талабалари ҳамда таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари тингловчиларига педагогика ва таълим менежменти бўйича махсус курс ўтаётганда фойдаланиш мумкин;

– ўтказилган тадқиқотлар натижасида таълимни бошқариш идоралари ходимлари учун ўқув қўлланмалари, методик тавсиялар, зарурий ёрдамчи материаллар яратилиши мумкин.

Учинчидан. Педагогларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масъулияти.

Ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида барча иштирокчилари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг аҳамияти ва зарурлигани тан олган ҳолда педагог, тарбиячи, устозларнинг алоҳида ўрнига эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Негаки, улар ёш авлодга аждодларнинг бой меросини, донишмандлигини, тажрибасини етказувчи таълим жараёнини такомиллаштирувчи муҳтарам зотлардир. Шу боис иқтисодчи-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган талабларни тубдан қайта қўриб чиқиш керак, яъни педагогларнинг малакасини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш лозим. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурининг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Педагогик таълим мазмунини ўзгартириш ҳам долзарбдир, негаки **бўлғуси педагоглар мулоқот маданиятини ҳам мукамал ўзлаштириб олишлари зарур. Ҳамкорлик педагогикаси – ўзаро тушуниш, ишонч, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ижодий**

ҳамкорлик пайдо қиладики, бу ёшларда асл инсоний кадрларни англаб қабул қилишига ёрдам беради.

Педагогик таълим мазмуни ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни уларда миллий истиқлол ғояси асосларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Шундагина улар ўзлари эгаллаган билим ва кўникмаларни ўсиб келаётган ёш авлодга бекаму кўст ўргатиш салоҳиятига эга бўлади.

Бу ишлар доимий ва тартиблилик тарзида бўлиб, таълим муассасалари ва тизим раҳбарларининг доимий эътиборида бўлиши зарур. Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларини тўла-тўқис амалга ошириш, педагоглар маҳоратини оширишни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг самарали механизмларини жорий этиш лозим.

Педагоглар (ўқитувчи-профессорлар, устозлар, тарбиячилар, маориф ходимлари) жамият устуворликларининг ўзгаришини ўз вақтида тушуниб англаган ҳолда ёшлар билан мулоқотда янада хушёрлик ва донолик билан, масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда муносабатда бўлишга ҳаракат қилишлари керак.

Асосий умидлар ижодий фикрловчи ва билимдон ўқитувчиларга қаратилган. Шу билан бирга мазкур касб эгалари яна куйидаги хусусиятларни ўзида мужассам этиши лозим:

– касбий жиҳатдан фаол ва ҳар томонлама, ижтимоий-маданий соҳада кенг кўламда фаолият юритиш қобилиятига эга бўлиши;

– ўқувчи-талабаларга нисбатан хушмуомала, сабр бардошли бўлиши, уларни тушуниш ва қўллаб-қувватлашга тайёр туриши, лозим бўлса, ҳимоя қилиши;

– ўқувчи-талабалар психологиясининг ўзига хос томонларини тўғри англаши ва шахс мустақиллигини ҳурматлай олиши;

– гуруҳлар ичида ва гуруҳлараро алоқани ўрната олиши, ўқувчи-талабалар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қила олиши;

– ҳар бир ўқувчи-талаба, айниқса, тарбияси оғир ёшлар психологиясидаги ўзига хос томонларни тушуниши, уларга ижтимоий ҳаёт тажрибасини оширишда ёрдам бера олиши, уларнинг камол топиши учун қулай шароит ярата олиши;

– ўз устида бетиним ишлаши, шахс сифатида ўқувчи-талабалар ва ҳамкасбларига ибрат бўлиши, мақсад сари иштиёқ билан ҳаракат

қилиши бошқаларга ёрдам беришга тайёр туриши, ўқувчи-талабалар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қила олиши керак ва ҳ.к.

1-шакл

ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ МОДЕЛИ

ШАХСИЙ фазилатлари

Сахийлик, одобрилиқ, меҳр-шафқатлилиқ, ифбатлилиқ, итоатлилиқ, қаноатлилиқ, тўғри сўзлиқ, поклик, ростгўйлик, ўртоқлилиқ, дўстлик, ҳамжиҳатлик, садоқатлилиқ, ватанпарварлик, самимийлик, озодалиқ, показалиқ, зийраклик, ташаббускорлик, инсонийлик, орномуслилиқ, андишаллилиқ, катталарни хурмат қилиш, соф муҳаббатни кадрлаш, вазминлик, миллатни хурмат қилиш, ота-онасини хурмат қилиш, меҳр-мурувватлилиқ.

КАСБИЙ фазилатлари

1. Осон йул билан мураккаб билимларни шогирдларга ўргата олишлиғи (ўқувлилиқ).
2. Барча фан-техника юзасидан муайян билимга эга бўлиш.
3. Қисқа дақиқаларда шогирдларини идрок қила олиш фазилати.
4. Шогирдларни уюштира олиш ва бошқариш истеъдоди.
5. Ихчам маъноли, оҳангдор, муайян ритм, темп, частотага эга булган нутқ.
6. Ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиғи, ақл-фаросатлилиғи, мустақил иродаси билан обрў орттириш, ўқувлилиғи, муомала ва мулоқот ўрната олиши.
7. Қиефаси, ҳаракатлари ва қилган ишлари асосида инсоннинг келажакини тасаввур қилишдан иборат.
8. Бир неча объектларга бир даврнинг ўзида ўз муносабатини билдириш ўқуви.
9. Иймон-этикодга, фаол ҳаётий позицияга йуналтириш қобилияти.
10. Ташаббусга, ижодга илҳомлантира олиш.
11. Билимдонлик, таълим ва тарбия ишларини олдиндан айта олиш.
12. Ана шу бўйича ўздан кейин содиқ шогирдлар қолдириш.

АМАЛИЙ фазилатлари

Фикрининг тиниклиғи, янгиликни қабул қила билиш, қобилиятлилиқ, ташаббускорлик, ўз сўзи устидан чиқа билишлиқ, пухталиқ, ҳамжиҳатлик, онглилик, тўғрилиқ, ахлоқийлик, жавобгарлик, мустақил фикрлилиқ, фаоллик ва ҳоказо.

ШАХСИЙ ВА КАСБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ ШАКЛЛАНГАН ПЕДАГОГ УСТОЗ

Ҳозирги замон педагоги – фақат дарс берувчи ўқитувчи эмас, ўқувчи-талаба қандай ўқиётгани ва ривожланаётганлигини

тушунадиган ва ҳис этадиган шахсдир. Педагогиканинг шахсни ривожлантиришга йўналтирилган ғояси бугунги кунда янада ривож топмоқда: педагог ўқувчи-талабаларга фақат ахлоқ меъёрларини ўргатадиган ўқитувчи эмас, балки ёшларни сеувчи, уларнинг ҳаётини ўз ҳаёти деб биладиган, унинг ички дунёси, маънавий-ахлоқий, умуммаданий ўсишига ёрдам берадиган, ёшлар даврасини кенгайтириб, ўзи камол топа оладиган, ўқувчи-талабалар ҳамжамиятини мустахкамлашга кўмаклашадиган шахсдир. Шунинг учун бугун фақат билимли одамгина эмас, балки ўқувчи-талабалар билан ижодий ҳамкорлик қила олиш қобилиятига эга бўлган киши ҳақиқий педагог бўла олади.

Жамият ҳаётининг кўп қирралилиги миллий истиқлол ғоясини амалга оширишда кенг кўламдаги назарий-услубий ёндашувлар хилма хиллигини, маънавий-маданий маконнинг ҳар бир тармогида янги ғоя ва тамойилларни вужудга келтиради.

Бундан ташқари, миллий тажрибада жамоатчилик фикрини шакллантиришга, хусусан, шахсга таълим-тарбия бериш соҳасида инновацион ёндашувлар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси мавжуд ҳолатни таҳлил қилишни тақазо этади. Зеро, янги шароитлар таълим тизимининг мазмунини, унинг фалсафасини ҳаққоний равишда ўзгартириб юборади соҳанинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратади.

Бундай жараёнлар натижасида таълим соҳасида янги кадриятлар вужудга келади, яъни инновациялар ва ислоҳотлар самараси ўлароқ; педагогларнинг тажрибаси ва муайян мақсадга қаратилган ҳаракатлари асосида янги маънавий, ахлоқий мафкура ва тамойиллар, демократик турмуш нормалари шаклланади ва рўёбга чиқарилади.

Айни пайтда истиқлол ва демократия каби янги ижтимоий кадриятлар бир томондан, педагогик фаолиятнинг муҳим асослари, иккинчи томондан, янги ижтимоий кадриятларнинг шаклланиши учун қулай маънавий-маданий замин яратади. Улар жамият томонидан кутилган ва ижтимоий заруратга мос умумлашган ғоя ва тасаввурлар инъикосидир. Жамият ҳаётида ва таълим соҳасида кадриятларни авторитар тарзда ўрнатиб бўлмайди. Улар таълим мазмуни ва технологиясининг ривожланиши билан бирга тадрижий равишда ўзгариб боради.

Кишилар, ўзининг субъектив тажрибаси ва фикр доирасига кўра кадриятлар тизимини барпо қилади, ўзининг мақсадли фаолиятидан

келиб чиқиб, уларнинг мезонини белгилайди. Шунинг учун ижтимоий қадриятлар ҳам, таълим мазмуни ҳам ўзгариб туради, ammo моҳиятан улар ҳамиша шахсга йўналтирилганлиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ифодалаш борасида доимий бўлади.

Умуман, умумбашарий миллий-маданий ва ижтимоий-маданий шаклларга эга бўлган қадриятларнинг умумий ифодаси таълим мазмуни ва стандартларига бевосита таъсир кўрсатади. Бугун улар таълимнинг ахлоқий ва маданий жиҳатдан белгиланадиган мақсадларига қаратилган. Шунга қўра, ўсиб келаётган авлодни меҳнатсевар, тўғрисуз, ишбилармон, саводли, тарбия кўрган, ўз қадрқимматини биладиган, мустақил фикрлай оладиган, фидоий, шахсий бурчини ҳис этадиган, сабр-бардошли ва бошқаларга ҳурмат кўрсатиш руҳида тарбиялаш тақазо этилади.

2.2. ЖАМИЯТДА ШАХС ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шахе деганда руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қиладиган муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Шахс-ижтимоий ҳаётнинг маҳсулидир.

Одамнинг инсонлик жинсига мансублик факти эса индивид тушунчаси билан ифодаланadi. Инсон шахсининг энг характерли томонларидан бири унинг индивидуаллигидир.

Индивидуаллик деганда шахе руҳий хусусиятларининг қайтарилмайдиган бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, руҳий жараёнларнинг ўтиб бориш хусусиятлари, ҳиссиётлар, фаолият мотивлари, таркиб топган қобилиятлар киради.

Индивид ва шахс ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутлар. Шахснинг биологик ва психологик ривожланиши. Шахснинг жисмоний, ақлий, маънавий камол топиш жараёни. Болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади.

Ривожланиш шахсдаги жисмоний, руҳий ва ижтимоий жараён бўлиб, у барча туғма ва эгалланган миқдор ва сифат ўзгаришларини ўз ичига олади. Ривожланиш деб бола вазнининг ошиши, суяк ва мускул тизимининг, таносил аъзоларининг,

нерв функционал фаолиятининг камол топиши, ақл-заковатининг шаклланишига айтилади. Боланинг жисмоний ривожланишида унинг бўйи ўсади, вазни ва мускул кучи ортади, сезги органлари мукамаллашади, харакатларни тўғри бошқара олади.

Шахснинг руҳий ривожланишида шахсидаги психик сифат ва белгилар шаклланади, хиссий-иродавий, билиш жараёнида муҳим ўзгаришлар юз беради. Шахснинг ижтимоий ривожланиши у ижтимоий ҳаётда қатнаша бошлаганда, унинг ҳулқида теваарак-атрофга бўлган муносабатида, айниқса, жамоа ишларида қатнашишида намоён бўлади.


Шахс ривожланишида биологик, физиологик ва ижтимоий омиллар, таълим ва тарбия, шахснинг фаоллиги (фаолияти) ва бошқалар муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис педагогика ва психология фани шахс ривожланишини биологик ва ижтимоий хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланган ҳар томонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педагогика назарияси фани ривожланишнинг қонуниятларини унга таъсир этувчи омилларни, шунингдек, шахс камолотида таълим ва тарбия ҳамда фаолиятининг таъсири ва аҳамиятини аниқлайди ва таҳлил қилади. Маълумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки унинг шаклланиши аввало ҳаёт шароитларига боғлиқдир. Шахс ҳаёти давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошдан кечиради, натижада шахсга айланади. Шу сабабли шахсни маълум ижтимоий тузумнинг маҳсули деб тушунишимиз лозим.

Ҳар бир жамиятда шахснинг шаклланиши, камол топиши муҳим муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабли шахснинг шаклланиши масалаларига тўғри ёндашиш учун шахснинг табиатини, тузилишини, унинг ҳулк-атворини ва унга таъсир сабаб ва воситаларини билиш зарур.

Ҳар бир инсон шахс сифатида турлича намоён булар экан, унинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати ҳам, фаоллик даражаси, ахлоқ-одоб борасидаги етуклиги ҳам турличадир. Шахс қайси жамиятда яшаса ўша жамият қонун-қоидаларига асосан камол топади. Педагогика назарияси шахснинг камолотга етишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади. Шахснинг камолга етишида 2-шаклда тасвирланганидек,

ирсият, муҳит, мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

2-шакл.



Шундай қилиб, ижтимоий муҳитнинг шахс шаклланишидаги ўрни ниҳоятда беқиёсдир. Ирсий белгиларнинг ривожланиши ҳам инсоний-ижтимоий муҳитда яшашга боғлиқлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Инсон боласи, агар ижтимоий-инсоний муҳитга эмас, бошқа муҳит, айтайлик ҳайвонлар муҳитига тушиб қолса, унда ирсий белгиларнинг айрим биологик кўринишлари сақланади, лекин инсоний фикр, фаолият, хатти-ҳаракат бўлмайди (1920-йилда ҳиндистонлик доктор Сингх Миднапур шахри яқинидаги бўри уясидан топиб олган қизчалар Камола ва Амола ҳаёти бунга мисол бўлади)¹.


Ирсият нишонлари шахсни шакллантиришнинг объектив омилларига киради. Одамлар организмдаги анатомик тузилишни,

¹ Педагогика. Ўқув қўлланма. А.Мунавваров таҳририда. – Т.: «Ўқитувчи», 1996, 29-бет.

физиологик ҳаракатни, асаб типини, асосий шарқиз рефлексларни мерос қилиб оладилар. Одам шахси ва ҳулқининг ривожланишида биологик омилларнинг ролини юксак баҳолаб, шахсни наслга боғлаб ўрганувчи **бихевиоризм, прагматизм, биогенетик оқимлар** бўлиб, уларнинг айрим вакиллари одам боласи она пуштидалигидаёқ бўлажак шахсга хос барча хусусиятларга эга бўлади деса, айримлари онг ва ақлий қобилият ҳам наслдан-наслга ўтади, дейди. Баъзилари эса боланинг ахлоқий жиҳатдан ўсишини ҳам ирсиятга боғлайди.

Биологик омилнинг инсон шаклланишидаги ўрни муҳим ва ўзига хос, ирсиятнинг аҳамиятини инкор этиб бўлмайди, инсонга хос хусусиятлар – ақлий ва жисмоний меҳнат қобилияти, тафаккур ва нутқ ҳам туғма ўтиши мумкин, лекин бу туғма имкониятлар ривожланиши учун инсон боласи инсоний муҳит, одамлар орасида яшаши, одамлар билан алоқа қилиши, ижтимоий ҳаётда қатнашиши ва маълум ҳулқ-одоб қоидаларига амал қилиши лозимдир.

Шахснинг шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий муҳитнинг ўрни беқиёсдир. Муҳит бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар комплекси. 3-шаклда тасвирланганидек буларга табиий муҳит (географик, экологик), ижтимоий муҳит (шахс яшаётган жамият), оила муҳити ва бошқалар киради. Булар орасида ижтимоий муҳитнинг, яъни шахс яшаётган жамиятнинг инсон камолоти учун яратилган имкониятлари муҳим роль ўйнайди.



Мустақил Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш, *"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"*ни қабул

қилиниши баркамол авлодни тарбиялашдаги дастлабки қадамлардир. Шахс ривожланишига эришиш ҳар бир жамиятда амалга оширилади. Фақат тарбия орқали шахсдаги ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариш мумкин. Таълим-тарбия жараёнида аниқ мақсад ва режа асосида шахсга таъсир этилади. Бунинг натижасида муҳитдаги воқеаларнинг тўғри ижобий таъсирини амалга ошириш имкони тугилади. Муҳит бера олмаган нарсалар таълим-тарбия орқали ҳосил қилинади, ҳатто таълим-тарбия туфайли шахсда тугма камчиликларни ҳам ўзгартириб шахсни камолга стқизиш мумкин. Бундан ташқари муҳитнинг салбий таъсири туфайли тарбияси издан чиққанларни ҳам қайта тарбиялайди.

4-шакл.



Ривожланиш шахс фаолиятдан ташқарида бўлмайди. Шу сабабли шахс фаолияти унинг ривожланиши учун асос бўлади. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият хоҳ ўйин, меҳнат, ўқиш, спорт ва бошқалар шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шахс улғая борган сари унинг фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради, турли ёш даврларида эса фаолият турлари ҳам ўзгариб боради (5-шаклга қаранг). Шу сабабли бола ҳаётида ўйин, ўқувчи-талабалар ҳаётида ўқиш, катталар ҳаётида меҳнат фаолиятлари катта аҳамиятга эгадир.



Ўқувчи ва талабаларнинг ривожланишида ўқув жараёнларининг аҳамияти ва таъсири беқиёс каттадир. Билимларни ўзлаштириш уларнинг тафаккурини ўстиради, ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб қолади. Бу жараёнда уларда ижтимоий хулқ нормалари шаклланади. Шахс қайси ёшда бўлишидан қатъий назар, уларнинг ривожланишида меҳнат фаолиятининг аҳамияти каттадир. Айниқса, меҳнат инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топишида муҳим манба ҳисобланади. Меҳнат жараёнида унинг иштирокчилари бир-бирлари билан алоқада бўладилар, ўзларининг нимага қодир эканликларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Меҳнат орқали шахснинг ахлоқий сифатлари таркиб топади, уларда ватанпарварлик, масъулиятлилик, интизомлилик, фаоллик ортади. Улар ўзини тарбиялашга астойдил киришадилар. Ўз-ўзини тарбиялашга ота-она ва ўқитувчининг тарбиявий таъсири янада самарали бўлади. Тарбия билан ривожланишнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва муносабатлари мавжуд, чунки қаерда тарбия жараёни муаммолари тўғри ҳал этилса, у шахс камолотига самарали таъсир кўрсатади. Камол топган шахс тарбиянинг роли ва имкониятларига ишонч билан қарайди.

Тарбия шахснинг баркамол ривожланишини таъминлаши учун шахсдаги ривожланишнинг моҳиятини тушуниш, билиш фаолиятининг ўзгариш сабабларини аниқлаш зарур. Тарбия ҳақи-

катан ривожлантирувчи омил бўлмоғи учун тарбияланувчи жамиятнинг тарбия олдига қўйган талабларини, шахснинг ўзига хос хусусиятларини билиши зарур. Педагогика назарияси фани шахс ривожланишида тарбиянинг етакчилик ролини эътироф этиш билан бирга уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини тан олади.

Шахснинг ривожланиб камол топиши, ҳаётнинг ҳамма босқичларида бир хил бўлмай, балки ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларига қараб ҳар хил бўлади. Тарбия жараёнида ўсаётган авлоднинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш жуда зарур. Маълумки, бир хил ёшдаги болаларнинг, ўқувчи-талабаларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари, психик жараёнлари мавжуд.

Айниқса, миллий истиқлол мафқурасини ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг ҳамма босқичларида унинг турли шакллари орқали амалга оширилди.

Шунинг учун ҳозирда педагогика назарияси фани олдида таълим муассасаларида ўқувчи – талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафқурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик - психологик дастурини яратишдек энг долзарб вазифа турибди.

Бу жараёнда тарбиячилар ва ўқитувчилар шахснинг муайян ривожланиш давридаги хусусиятлари, характери ва феъл-атворини белгиловчи омилларнинг ҳаммаси биргалиқда таъсир курсатишини билиши лозим. Шахснинг бугун ҳаёти давомида нормал ривожланиши мактабгача ривожланиш даврига боғлиқ. *Шахс 1 ёшгача чақалоқлик, 1-3 ёшгача эрта болалик, 3-6 ёшгача мактабгача болалик даврини бошдан кечирадилар.*

Янги туғилган чақалоқ дастлабки кунлардан бошлабоқ ҳаётга мослашиб, тез ўсиб, ривожлана бошлайди. Бу даврда ҳам жисмоний, ҳам ақлий тез ўса бошлайди, ҳулқ-атворидаги ўзгаришлар тез кўзга ташланади.

Ота-она ва тарбиячилар мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятларини яхши билишлари лозим, шундагина улар фаолиятини самарали ташкил қилишлари мумкин. Бу ёшда болалар ўйин фаолиятининг тарбиявий аҳамияти каттадир. Болалар ўйин орқали ижтимоий ҳаётга фаол қўшиладилар.

Бу жараёнда уларни ёшларига мос меҳнат фаолиятларида иштирок этишларини ташкил этиш лозим, бу орқали уларнинг куч ва қобилиятлари тез ривожланади.

Болаларнинг мактаб ёшидаги ривожланиши узоқ давом этадиган, қийин, мураккаб жараёндр. Бу даврда улар болаликни, ўсмирлик ва ўспиринликни бошдан кечирадилар. Нормал ривожланган 6-7 ёшли бола ўзининг жисмоний ва ақлий камолоти жиҳатидан мактабда таълим олиш учун тайёрдир. Мактабдаги таълим-тарбия жараёни кичик ёшдаги ўқувчининг ҳар томонлама ривожланишига, шахсий хусусиятларига кучли таъсир этади ва улғайишини тезлаштиради. Бу ёшдаги болада қизиқувчанлик кучли бўлади. Бу ҳолатдан ўқитувчи ва тарбиячилар самарали фойдаланишлари лозим. Бола ҳаракатчан бўлади, шу сабабли улар организми тез суратларда текис ривожланади. Боладаги қизиқишлар ўз вақтида қондирилиши, шу мақсадда пайдо бўлган саволларга жавоб берилиши лозим. Бу ёшдаги болага ўқитувчининг таъсири кучли бўлади, уларнинг топшириқ ва талабларини бажону дил бажарадилар, ўқитувчининг бола олдидаги обрўси ниҳоятда кучлидир. Шу сабабли муаллим энг яхши намуна кўрсатадиган шахс бўлиши керак. Бунинг учун ўқитувчи ўз ўқувчиларининг жисмоний ва психологик хусусиятларини яхши билиши ва ҳисобга олган ҳолда улар билан мулоқотда бўлиши даркор.

Бола ривожланишида ўсмирлик даврининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу 11-15 ёшли ўқувчилардан иборат. Бу давр шахс ривожланишидаги энг мураккаб давр ҳисобланиб, баъзан уни ўтиш ёши даври, деб ҳам аташади, чунки бу йилларда улар болаликни тарк этиб балоғат ёшига ўтадилар. Ўсмирлик даврининг мураккаблиги уларнинг анатомик-физиологик ва психологик хусусиятларида содир бўлаётган кучли ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Тарбияда ўсмирлик даври, қийин давр ҳисобланади. Бу ёшдаги боланинг интизоми ёмонлашади, ўзлаштириши пасаяди, ўғил болалар ўртасидаги муносабатлар бир текисда бўлмайди. Ўсмирнинг хулқ-атворидаги беқарорлик, кўп нарсага танқидий кўз билан қараши, мақтанчоклик хусусиятларини пайдо бўлиши, қизлардан бирини яширинча севиб қолиши кабилар унинг жисмоний ривожланиши ва балоғатга етиши билан изоҳланади. Тажрибали устоз, мураббийларнинг фикрича, ўсмирлик даври энг самарали ёшдир. Улар билан олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларнинг самарали бўлишини таъминловчи энг асосий шартлардан бири ўсмирнинг жисмоний ва маънавий ривожланишининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб иш тутиш ва уларда пайдо

бўлаётган янги эҳтиёжларга ғоят катта эътибор беришдан иборатдир.

Бу ёшда дўстлик, ўртоқлик тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозим. Ўсмирнинг дўсти, ўзининг тенгдоши, фикрдоши, тилакдоши, хатто танқидчиси ҳамдир. Бу даврда пайдо бўлган дўстлик, бир умрга қолиши мумкин. Ўсмирлар билан ишлаганда, ўқитувчи – мураббийдан юксак маҳорат, сабр-тоқат, вазминлик, уларнинг мустақил фикрлашларига имконият яратиш ва тинглаш, жамоа ҳаётига оид ишлар юзасидан ўсмирга кулоқ солиш кабилар уларга тўғри тарбия беришнинг муҳим шартидир. Улар, шахсини ҳурмат қилган, камситмайдиган, ўсмирларни катта бўлиб қолганини тан оладиган ўқитувчиларга ишонадилар ва ҳурмат қиладилар.

Ўспиринлик даври ёшликнинг дастлабки йиллари бўлиб, 15-18 ёшни ўз ичига олади. Булар катта ёшли ўқувчи-талабалар бўлиб, асосан ўрта махсус, касб-хунар коллежи ва олий таълим жараёнида шаклланадилар. Бу давр мураббийлар ва ўқитувчилар учун жуда масъулиятли бўлиб, улар ўз олдларига катта ёшдаги ўқувчи-талабаларни ижтимоий ва шахсий ҳаётга бевосита тайёрлаш билан боғлиқдир.

Ўспиринлик жисмоний ўсишнинг даври бўлиб, организмнинг таркиб топиши, тўқималарнинг такомиллашиши ниҳоясига етади. Бу эса, ўқувчи-талаба шахсининг хусусиятларига ва фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ёшда ўқувчи-талабанинг ўқишга муносабатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Улар ўзларининг ҳозирги ҳаёти ва фаолиятига келажак нуқтаи назаридан қарай бошлайдилар. Шу сабабли ўқишга бўлган қизиқиш билан касбга бўлган қизиқиши ўртасида узвийлик вужудга келади.

Бу ёшдаги ўқувчи-талабада онглик, мустақиллик даражасини ортиши, қизиқишлар доирасининг берилаётган билимлар билан қониқмаслик, кўпроқ нарсаларни билишга бўлган қизиқиш кучаяди. Шундай экан, ўқитувчилар ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиши, турли мавзуларда маърузалар, учрашув ва баҳслар ташкил қилишнинг аҳамияти бекиёс каттадир.

Шахс ривожланишининг яна муҳим бир даври ёшлик йиллари бўлиб, бу 17-18 ёшдан 24-25 ёшгачадир. У талабаларнинг ҳар томонлама шаклланиш жараёнини ўз ичига олади. Бу даврдаги ютуқлар олий ўқув юртидаги таълим-тарбия ишларининг самарадорлигига боғлиқдир. Талабалик даврининг хусусият-

ларидан бири ижтимоий етукликнинг жадал суръатлари билан рўёбга чиқишидир. Бу даврда шахснинг мураккаб фазилатлари, ҳислатлари, сифатлари такомиллашади. Жумладан, мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик кабилар шаклланади. Ижтимоий воқеликка, ахлоқий қоидаларга қизиқиш, уларни англашга интилиш тобора кучаяди. Йигит ва қизларимизни олий ўқув юртларига кириб ўқишлари уларда ўз кучлари, қобилиятлари ва ақл – заковатларига, ички имконият ва иродаларига қатъий ишонч тугдиради.

Талабалик даврида ижодий тафаккур муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш асосида ҳис-туйғулар, қарашлар ахлоқий қадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади. Талабалар ўқув фаолиятининг муваффақияти олий ўқув юртидаги таълим ва тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва унга амал қилиш, ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб боришдан иборатдир.

Бу ўзига хослик ривожланиш жараёнида яққол намоён бўлади. Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, шахс хусусиятига мослашиш эмас, балки шу ёш даврда ўқувчи-талаба имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия ишларини ташкил этиш демакдир. Шундагина шахс ривожланишига таълим-тарбиянинг таъсири самарали бўлади. Ўқувчи-талабаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг муваффақияти ўқитувчининг ҳар хил ёшдаги ёшлар ўртасидаги тафовутларни қай даражада ҳисобга олишига боғлиқдир. Шундай экан, тарбиячи мактабгача ёшдаги ва мактаб ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ўқувчи-талабаларнинг ёши даврлари билан хусусиятларини ҳисобга олмоқлари лозим. Шахс, унинг характери, ҳулқ-атвори, умуман, жисмоний ва маънавий тараққиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жараён мураккаб ва зиддиятлидир. Шу сабабли ривожланиш жараёни бир текисда бормади, балки бунда сакрашлар, нотекисликлар ҳам содир бўлади.

Шундай экан, ўқитувчи ва тарбиячилар ўқувчи-талабаларнинг ёши ошган сари унинг эҳтиёжларида, интилиш ва қизиқишларида қандай сифат ўзгаришлари содир бўлаётганини мунтазам кузатиб боришлари лозим.

Хулоса шуки, педагогика назарияси фанининг энг муҳим вазифаси шахс ривожланишини ҳар жиҳатдан ўрганишдир ва ўқитувчининг педагогик фаолиятда муваффақият қозониш шартли ўз ўқувчи-талабаларининг хислат ва хусусиятларини билишидан иборатдир. Шахснинг характери, хулқ-атвори, шахси барча ижтимоий омиллар йиғиндиси, яъни теварак-атрофидаги одамларнинг унга муносабати, намуна кўрсатишлари, мафкуралари, ўз фаолиятида ҳосил қилган тажрибаси таъсирида шаклланади. Албатта, ижтимоий омиллар инсон шахсининг ҳар томонлама шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Шу боис педагог шахснинг муайян ривожланиш давридаги хусусиятлари, характери ва феъл-атворини белгиловчи омилларнинг ҳаммаси биргаликда таъсир кўрсатишини билиши лозим.¹

2.3. ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ, ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ЎЗИГА ХОС ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН СИФАТИДА

Ҳозирги замон педагогика назарияси фани олдида турган муҳим муаммолардан бири – педагогик фаолият муаммоси ҳисобланади. Чунки, педагогнинг фаолияти орқали дунёвий билимлар ва педагогик-психологик ғоялар ҳаётга татбиқ этилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш муаммосининг самарали ечими, биринчи навбатда, ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган педагогика, психология, иқтисодиёт, маънавият, маданият, фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага эга бўлган ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган иқтисодчи педагог кадрларнинг тайёрланиши билан боғлиқдир.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бу ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат малакали педагогик маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар билан амалга ошириш мумкин.

¹ Гайбуллаев Н.Р., Ёлғоров Р., Мамаатқулова Р. Педагогика (олий ўқув юртлири учун қўлланма). – Т.: 2005, 25-34-бетлар IBRAGIMOV X., ABDULLAYEVA SH. PEDAGOGIKA NAZARIYASI (darslik). – Т.: “FAN VA TEXNOLOGIYA”, 2008, 53-57-бетлар

Шундай экан, педагогик касби – катта санъатдир. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз-ўзидан эриша олмайди. Бунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлоднинг чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зур, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошира боровчи, мустақиллик гоёси ва мафкураси билан пухта қуроллантирган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш ва педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат маҳсулидир. Бу кўп қиррали педагогик фаолият заминидан ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қоллидаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Бу жараёнда илғор ўқитувчининг педагогик фаолияти, маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалар билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати асосан синф, аудитория машғулотларида яққол кўринади. Чунки ўқув машғулотлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг таълим муассасасидаги асосий ишидир. Шу сабабли у илмий, ғоявий ва оммабоп бўлиши, турмуш билан ўқувчи-талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан боғланиши зарур.

Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи ва талабалар ўртасида ўзаро жонли тил, фикр алмашув, самимий муносабат, ҳурмат, асосий мақсадга эришишда ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насиҳатгўйликдан иборат бўлган, расмий учун юзаки ўтказиладиган дарс-маъруза ва бошқа ўқув машғулотлари ўқувчи-талабаларни қизиқтирмайди, уларни илмий ва ғоявий жиҳатдан етарли озиклантирмайди. Шундай экан, ўқув машғулотларини шундай ташкил этиш керакки, унинг таъсирида ўқувчи-талабаларда шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши даркор.

Таълим ва тарбия жараёни таъсирчанлигининг янада юксак бўлиши, педагогнинг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги обрў-

сига, шахсий сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи-талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқдир.

Замон талаблари педагогларнинг ўзларида мавжуд бўлган билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини кунт ва сабот билан ўрганиб, магзини чақиб, ундан кейин ўз ўқувчи-талабаларига сабоқ беришлари зарурлигини тақазо этади.

Педагогик фаолият самараси ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даражада шаклланганлигига ҳам боғлиқдир. Қобилият – фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. *Жумладан, билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, обрў орттира олиш қобилияти, муомала қила билиш қобилияти кабилар.*

Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шаклланмайди. Ўқитувчилик касбини танлаган киши ўз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқиши, ўрганиши ва изланиши, ижодий меҳнат қилиши, мустақил юртимизда бўлаётган воқеликни тез англаши ва ўз меҳнатининг мамлакат учун қанчали зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбияланмоғи лозим:

1. Билиш қобилияти – фаннинг тегишли соҳаларига оид (математика, физика, химия, биология, тарих, адабиёт, фалсафа, иқтисодиёт назарияси, педагогика ва психология ҳаказоларга доир) қобилиятлар. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги фан-техника янгиликларини ҳаммиша кузатиб боради, материални мукамал билади, унга ниҳоятда қизиқади, илмий тадқиқот ишларини ҳам бажара олади.

2. Тушунтира олиш қобилияти – ўқув материални ўқувчи-талабаларга тушунарли қилиб баён эта олиш, материал ёки муаммони аниқ ва тушунарли қилиб гапириб бериш, ўқувчи-талабаларни мустақил равишда фикрлашга ўргатиш, зарур ҳолатда ўқув материални ўзгартира олиш, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчи-талабаларга етказиш кабилар.

Қобилиятли педагог ўқувчи-талабаларнинг руҳиятини, билим ва қобилият даражасини ҳисобга олади, уларнинг нималарни билишлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади. Баъзи ўқитувчиларга, айниқса, тажрибаси кам ўқитувчиларга ўқув материали оддий, тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай ўқитувчилар ўқувчи-талабаларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини ўқувчи-талабанинг ўрнига қўя олади, у катталарга аниқ, тушунарли бўлган нарсанинг ўқувчи-талабага тушунилиши қийин ва мавҳум бир нарса бўлиши ҳам мумкинлигига асосланиб иш тутайди. Шунинг учун у баён этишнинг характери ва шаклини алоҳида ўйлаб режалаштиради.

Қобилиятли ўқитувчи дарс материалини баён этиш жараёнида ўқувчи-талабаларнинг қандай ўзлаштираётганликларини пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек, қобилиятли ўқитувчи ўқувчи-талабаларни материални ўзлаштириб олишлари учун замин тайёрлаб, уларнинг дам олишдан ишга ўтишлари, бушашиш, ланжлик, лоқайдликларига барҳам бериш учун биров вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга қадар дарсни бошламайди.

3. Кузатувчанлик қобилияти – ўқувчи-талабаларнинг ички дунёсига кира олиш, ҳар бир ўқувчи-талаба шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик ва ҳаказолар. Бундай қобилиятли ўқитувчилар кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчи-талабаларнинг руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фаҳмлаб олади.

4. Нутқ маданияти – нутқ ёрдамида, шунингдек, имо-ишора воситасида ўз фикр ҳамда ҳис-туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти ўқитувчилик касби учун жуда муҳимдир.

Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчи-талабаларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтираётган ўқувчи-талабанинг жавобини таҳлил қилаётган ёки маъқула-маётган бўлса ҳам унинг нутқи ҳамиша таъсирчанлиги, ўзи гапирётган нарсага қизиқаётганлиги билан ажралиб туради. Фикрнинг ифодаси ўқувчи-талабалар учун аниқ, содда, тушунарли бўлади.

Ўқитувчининг баёни ўқувчи-талабалар фикри ва диққатини юксак даражада фаоллаштиришга қаратилади; ўқитувчи ўқувчи-талабалар олдига саволлар қўйиб, уларни аста-секин тўғри жавоб беришга ундайди, ўқувчи-талабаларнинг диққатини кучайтиради ва фикрини фаоллаштиради (*“Мана бу ерга алоҳида эътибор беринг”*, *“Ўйлаб кўринг”* каби). Шунингдек, ўринли кочирик, ҳазил, энгилгина истехзо нутқини жуда жонлантириб юборади ва уни ўқувчи-талабалар тез ўзлаштирадилар.

Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффузи жиҳатидан ёрқин, ифодали бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. Бир хилдаги чўзиқ, зериктирадиган нутқ ўқувчи-талабаларни жуда тез чарчатади, уларни ланж, лоқайд қилиб қўяди. Айрим ўқитувчилар тез гапиришга, бошқалари секин-аста гапиришга мойил бўладилар. Бироқ ўқувчи-талабаларнинг ўқув материални ўзлаштиришлари учун ўртача, жонли нутқ яхши натижа беришини эсдан чиқармаслик лозим. Шошқалоқлик материални ўзлаштиришга халақит беради ва болаларни тез чарчатиб қўяди. Ҳаддан ташқари секин нутқ ланжлик ва зерикишга сабаб бўлади, шунингдек, ҳаддан ташқари кескин ва қаттиқ товушли бакироқ нутқ ўқувчи-талабаларнинг асабини бузади, тез толиқтириб қўяди, ўқитувчининг заиф овози ёмон эшитилади. Ниҳоятда бир хил такрорланадиган имо-ишора ва хатти-ҳаракатлар ўқувчи-талабаларнинг ғашини келтиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти – биринчидан, ўқувчи-талабалар жамоасини уюштиришни, жипслаштиришни, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни; иккинчидан, ўз ишини уюштиришни назарда тутати. Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тугилади. Тажрибали ўқитувчиларда ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгиланган муддатда улгуриш хусусияти ҳосил бўлади. Дарс давомида ортиқча вақт сарфлаш ҳоллари баъзан учраб туради. Аммо тажрибали ўқитувчи зарур ҳолларда дарснинг режасини узгартира олади.

6. Обру орттира олиш қобилияти – ўқувчи-талабаларнинг ҳиссиёти ва иродасига бевосита таъсир кўрсатиш ва шу асосда обру қозона олишдир. Обру ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги асосида ҳам қозонилади. Бу қобилият ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун мажмуига, чунончи, унинг иродавий сифатларига (дадиллиги, чидамлилиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва

хаказоларга), шунингдек, ўқувчи-талабаларга таълим ва тарбия бериш масъулиятини ҳис этишига, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишига, бу ишончни ўқувчи-талабаларга етказа олишга ҳам боғлиқ.

Ўқувчи-талабалар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, тўғри талаб кўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиладилар. Ўқитувчининг бўшанглиги, лақмалиги, принципсизлиги ва ирода-сизлигини ёқтирмайдилар.

7. Тўғри муомала қила олиш қобилияти – ўқувчи-талабаларга тўғри ёндошиш йўлини топа олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигидадир.

8. Олдиндан кўра билиш қобилияти – ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билишда, ўқувчи-талабаларнинг келгусида қандай одам бўлиш истиқболини тасаввур қила олишда, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу қобилият тарбиянинг қудрати ва шахснинг келажагига бўлган ишонч билан боғлиқдир.

9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти – ўқитувчида диққатнинг барча хусусиятлари – ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилиниши, сафарбарлиги кабилар тараққий этган бўлиши муҳимдир.

Диққатни айна бир вақтда тақсимлаш қобилияти – ўқитувчилик учун алоҳида аҳамият касб этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи материални баён қилиш мазмуни ва шаклини, ўз фикрини (ёки ўқувчи-талабанинг фикрини) диққат билан кузатади, айна вақтда барча ўқувчи-талабаларни кўриб туради, толиқиш, эътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини тез пайқаб олади, интизомсизлик ҳолларини эътибордан қочирмайди, ниҳоят, ўз хатти-ҳаракатларини ҳам кузатиб боради. Тажрибасиз ўқитувчи кўпинча материални баён қилишга берилиб кетиб, ўқувчи-талабаларни эътибордан четда қолдиради, назорат қилмай кўяди, борди-ю ўқувчи-талабаларни диққат билан кузатишга ҳаракат қилса, фикрини йўқотиб кўяди.

Шундай қилиб, ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари *бир қанча ижобий сифатларга аниқ – мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби* фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Ўқитувчида бундай хусусиятлар бўлмаса уртамиёна педагог даражасидан юқорига кутарила олмайди.¹

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг онглилигига, миллий гоё ва мафкурага содиқлигига, билим ва фикр доирасининг кенглигига, ўз вазифасига муносабатига эътибор бермоқ керак. Айниқса, педагогик маҳоратда ўқитувчининг фикр доираси кенг бўлиши зарурлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки педагогда билим, фикр мукамал бўлмаса, у камолотга эриша олмайди. Дарҳақиқат, киши у ёки бу масалани, албатта фикр орқали ҳал этади. Шунинг учун педагогик маҳорат соҳиби бўлишга интилан педагог, шубҳасиз, ўз билимини доимо кенгайтириши, ўқувчи – талабага маънавий-ахлоқий таъсир этувчи гоё ва фикрларни янгилаб бориши зарур. Бунинг учун кўп ўқиши, ўрганиши лозим. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва маҳоратига баҳо беришда уни таълимни қай даражада ташкил қила билиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзлуксиз таълимда дарс ва маърузаларни мукамал ташкил қилиши ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юқори савияда ўтилган мавзулар ўқувчи-талабалар онгида узоқ сақланади, уларнинг имон, эътиқоди ва милай истиқлол мафкурасининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ўқитувчининг илмий савияси, ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати, дастлаб дарс ва маърузаларда кўринади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарс ва маърузанинг сифати ва самарадорлиги белгилайди.

Дарс бериш санъатини эгаллашда педагог уюштирган ўқув машғулоти, чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, эртанги кунга бўлган ишонч, халқимизнинг ақл-заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб фуқароси ва қурувчиси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчи навбатда, ёшларимиз ўз мураббийлари ва профессор-ўқитувчилари дарсидан ҳар жиҳатдан мамнун бўлсинлар. Уларда романтик орзулар уйғонсин, тафаккури ривожлансин, амалий фаолият, ижодий қобилият, ўқиш-ўрганиш ва меҳнатга ҳавас кучайсин. Улар ўқув машғулотидан сўнг олган баҳолари билан эмас, балки билим ва малака ҳосил

¹ Малла Очилов Муаллим калб меъмори. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001, 202-212-бетлар

қилганликларини, маънавий озиқ олганликларини ҳис қилсинлар. Таълимнинг мазмундор, қизиқарли ва тушунарли бўлиши устоз билан шогирдлар қалбини, руҳини бир-бирига мустаҳкам боғлайди, улар ўртасидаги самимий ҳурмат ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Бунинг учун ўқитувчи аввало, ўз фанини ва уни ўқитиш усулларини мукамал ўзлаштириб олиши, мураббий-педагогга хос маданиятнинг юқорилиги, ўз шогирдларига ҳурмат ва муҳаббат, улар ҳаётига қизиқиш ва руҳий ҳолатларни билиш ва тушуниш, босиқлик, ҳис-туйғуларини бошқара олишлари, ташқи кўриниши, кийиниш маданиятига эътибор беришлари, нутқ маданиятининг юқорилиги, жамоат ишларида фаолликлари, айниқса, омма ўртасида илмий-маърифий ва маънавий-маданий ишлар тарғиботчилари бўлишлари лозим.

Шундагина, мамлакатимизнинг келажаги бўлган ўқувчи-талаба ёшларимиз ўз устозларини номини зўр эҳтиром, чуқур миннатдорчилик билан тилга оладилар. *Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилганидек, ўз фанлари бўйича тегишли маълумот эгаси, юксак касбий тайёргарлиги ва юқори ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиши керак.*

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчисининг педагогик фаолияти ва унинг шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмунини англанилади. *Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши лозим?*

Ўқитувчи махсус педагогик, психологик ва мутахассислик маълумоти ва методик тайёргарликка, шунингдек, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси 7-бандига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан маън этилган шахсларнинг таълим муассасаларида фаолият олиб боришларига йўл қўйилмайди.

Замонавий ўқитувчи шахсида қуйидаги фазилатлар намоён бўлиши керак:

1. *Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчи-талабаларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориши лозим.*

2. *Замонавий ўқитувчи илм-фан, техника ва замонавий технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.*

3. *Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши ва изланиши лозим.*

4. *Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.*

5. *Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва бошқалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи даркор.*

6. *Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши шарт.*

7. *Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи, коммуникативлик лаёқатига эга бўлиши, педагогик техника, нутқ, юз, қул-оёқ ва гавда ҳаракатлари (мимика, жест, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишга эришиши лозим.*

8. *Ўқитувчи юксак нутқ маданиятига эга бўлиши ва унинг нутқи бир қатор сифат ва хусусиятларга эга бўлиши керак.*

9. *Ўқитувчи кийиниш маданиятига (соғда, озода ва бежирим кийиниш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг диққатини қўп жалб этувчи турли хил безаклар (қимматбаҳо тақинчоқлар ва ёрқин рангли пардоз-андоз воситалари)дан ортиқча ва ўринсиз фойдаланмаслик, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишига одатланиш кабилар) эга бўлиши лозим.*

10. *Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ва ҳамкасбларига ўрнак бўла олиши лозим.*

Замонавий ўқитувчи шахсининг мазкур талабларни ўзида акс эттира олган ички ва ташқи қиёфаси унинг ўқувчи-талабалар ва ҳамкасблари ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг икки муҳим курсаткичи – сифат ва самарадорлик айнан ўқитувчининг педагогик фаолияти салоҳияти ва касбий маҳоратига узвий алоқадордир. Унинг касбий талабномаси (профессиограммаси) талаблар кучайтирилмоқда.

Касбнома (профессиограмма) қўйидагиларни ўз ичига олади: ўқитувчи шахсининг хусусиятлари; ўқитувчининг педагогик-психологик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар; махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни; ихтисосга оид услубий тайёргарликнинг мазмуни.

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

– миллий истиқлол гоёси ва миллий мафқураининг мазмун-моҳиятини ва педагогик асосларини чуқур тушуниш, ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш, ижтимоий фаоллик;

– касбий педагогик фаолиятида – ўқувчи-талаба ёшларни севиш ва улар билан ишлашга кизиқиш, педагогик касбини севиш; психологик-педагогик такт, педагогик тасаввур; ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик, қатъийлик ва мақсадга интилиш; вазминлик, ўзини тута олиш;

– билиш соҳасида – кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, педагогик маълумотни интилиш ва ҳ.к.

Ўқитувчининг педагогик-психологик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар:

– педагогика, психология ва методология асосларини, шахснинг шаклланиш ва ривожланиши қонуниятларини билиш;

– тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари, шакл ва методларини тушуниш, болалар, ўсмир ва ўспиринлар физиологик ривожланишининг асосий қонуниятларини билиш;

– ўқувчи-талабалар гигиеник ва соғлом турмуш тарзи тарбиясининг назарий, табиий-илмий асослари ва воситаларини билиш;

– шахс ривожланишининг психик қонуниятларини, ҳар хил ёшда шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини билиш.

Кўникма ва малакалар ҳосил қилиш соҳасида:

– ҳар қандай педагогик вазиятни таҳлил қилиш; педагогик таъсирларни режалаштириш ва натижаларини мулжаллай олиш, ижтимоий-педагогик ҳодисаларнинг амалдаги ҳолатини, уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш сабабларини, шарт-шароитлари ва характерларини таҳлил қила билиш ва баҳолай олиш;

– ўқувчи-талабаларнинг тарбияланганлик ва билим даражасини аниқлаш;

– шахс ва жамоанинг ривожланишини белгилай олиш;

– таълим ва тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларда учраши мумкин бўлган қийинчиликлар ва хатоларни кўра билиш:

- аниқ педагогик вазифалар ва уларни ҳал қила олиш;
- ўқувчи-талабаларнинг синф ва аудиториядаги ҳам дарсдан ташқари фаолиятига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларни режалаштириш кўникмаси;
- ўқувчи-талабаларнинг ташқи кўриниши ва килиқларидан унинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш, маълум вазиятда ўқувчи-талабалар ҳулқининг хусусиятларини англаш ва изоҳлаш кўникмаси;
- ўзини хаёлан тарбияланувчи, яъни ўқувчи-талабалар ўрнига кўя олиш кўникмаси;
- ўқувчи-талабаларни шахс учун ва ижтимоий қимматли истиқболларга қизиқтириш ва жалб қилиш кўникмаси;
- умумий вазифаларни бажариш учун ўқувчи-талабаларни гуруҳларга бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олиш кўникмаси;
- тезда қарорлар қабул қилиш ва педагогик таъсирнинг анча кучли воситаларини тез топа олиш кўникмаси;
- тўғри талаблар кўя билиш, педагогик вазият ва ҳар бир ўқувчи-талабанинг хусусиятларига қараб уларни ўзгартира олиш кўникмаси;
- айрим ўқувчи-талабалар жамоаси ва кичик гуруҳлар, шунингдек, ота-оналар ва ўқитувчилар билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабатлар ўрната олиш кўникмаси;
- ҳар хил одамлар билан турли шароитда алоқа қилиш, умумий тил топа билиш ва тўғри муомала қила олиш кўникмаси;
- ўқувчи-талабаларни ўзига қарата олиш кўникмаси;
- зарур ҳолларда жамоага ва айрим ўқувчи-талабаларга нисбатан муносабатни ўзгартира олиш, уларга индивидуал ёндашиш йўлларини топа олиш кўникмаси;
- руҳий хусусиятлар ва маънавий-руҳий вазиятлар, ижтимоий педагогик-психологик ҳолатлар ва хатти-ҳаракатларнинг сабабларини кўра олиш кўникмаси;
- синф ва гуруҳдаги ижобий ёки салбий ижтимоий педагогик-психологик ҳодисаларнинг, жамоадаги муносабатларнинг характерини оча билиш кўникмаси ва ҳ.к.

Педагогик жараёни тўғри уюштириш соҳасида:

- қўйилган педагогик вазифани асосли равишда ўзгартира олиш кўникмаси;

– ташқи таъсирларга мослашиш ёки улардан сақланиш; шароитга қараб ҳаракат воситаларини танлаш ва қайта ўзгартира олиш малакаси;

– ўқувчи-талабаларнинг жамоадаги ўзаро муносабатларига раҳбарлик қила олиш, уларни туғри йўлга сола билиш, пайдо бўлиб турган ўзаро низоларни йўқота билиш; ўқувчи-талабалар орасида дўстлик ва ўртоқликни ривожлантира олиш кўникмаси;

– кўрсатилган йул-йўриқларни амалга ошириш, ўқувчи-талабаларнинг иши устидан жорий назарий назорат қилиш, фаолиятнинг характер ва йўналишини алмаштириб туриш кўникмаси.

Якуний ҳисоб, олинган натижаларни баҳолаш ва педагогик вазифаларни белгилаш соҳасида:

– олинган натижаларни дастлабки маълумотлар ва топширилган педагогик мақсадга таққослаб таҳлил қила билиш кўникмаси;

– ўқув-тарбиявий ишларнинг самарали шакл, метод ва воситаларини топа билиш кўникмаси;

– таълим ва тарбия усулларини қўллашнинг қулай шароитларини аниқлай билиш кўникмаси;

– педагогик фаолиятнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қила билиш кўникмаси;

– илғор тажрибаларни умумлаштириш, ишнинг самарали шакл ва усулларини ўзлаштириб олиш мақсадида бошқа ўқитувчилар тажрибасини таҳлил қила билиш кўникмаси; ўз тажрибаси билан педагогика назарияси ўртасидаги боғланишни аниқлаш, тадқиқотчилик вазифаларини ўз олдига қўя билиш кўникмаси;

– эришилган натижаларни таҳлил қилиш асосида галдаги педагогик вазифаларни белгилай олиш ва амалга ошира олиш кўникмаси.

Махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмунига қуйидагилар киреди:

– ихтисосга доир билимларни билиш; илмий билимларни, илмий тадқиқот методологияси ва методларини билиш; фаннинг назарий ва амалий аҳамиятини ҳозирги даражаси, қонуниятлари, тарихи ва ривожланишининг кейинги асосий йўналишларини билиш; педагогика ва психология фани асосларини тушуниш; айрим фан соҳасидаги билимларни чуқурлаштириш, мустақил илмий-тадқиқот ишидан дастлабки малакалар ҳосил қилиш, билимларни мустақил тўлдириш учун библиографик маълумот-

номалар, кўрсатмалар, лойиҳа (проспект), тематик каталоглардан фойдалана билиш ва ҳ.к.

Ихтисосга доир методик тайёргарлик мазмуни:

– узлуксиз таълим ривожланишининг ҳозирги босқичида фанларни ўқитишнинг мақсади ва вазифаларини билиш, Давлат таълим стандартлари, амалдаги фан бўйича ўқув дастурларини, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ҳар томонлама пухта билиш;

– фаннинг қайси масалалари ўқувчи-талабаларда қийинчилик туғдиришини тез пайқаш, бу қийинчиликлар моҳиятини тушуниш, уларни бартараф этиш йўлларини, ўқитиш методикасининг назарий асосларини билиш;

– маълум шароитларда дидактиканинг, педагогик психологиянинг асосий қоидаларига таянган ҳолда ўқитишнинг қулай муқобилларини танлай олиш; зарур ҳолларда ишнинг маълум усулларини бошқаси билан алмаштира билиш, дидактиканинг асосий қисмлари (тушунча, қонуниятлар, кўникма ва малака)ни, уларни шакллантириш методикасини билиш;

– ўқув-тарбиявий ишларнинг назарий асосланган ташкилий шакллари, методлари ва воситаларини танлай олиш;

– режалаштирилган педагогик таъсирларга ўқувчи-талабаларнинг жавоб ҳаракатларини олдиндан чамалай билиш кўникмалари ва ҳ.к.

Ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш ва амалга ошириш соҳасида:

– ўқувчи-талабаларнинг тарбияланганлик ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия мақсадига мувофиқ ўқув материални танлаш, уни анализ ва синтез қила олиш кўникмаси;

– илмий-материални қайта ишлаб, ўқув материалига айлантира олиш кўникмаси;

– маълум дидактик вазифага мувофиқ ўқувчи-талабалар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мураккаб матнларни ва ўқув материални ўзлаштира олиш кўникмаси;

– дарсни ижодий ва асосли ташкил эта олиш кўникмаси.

Ўқувчи-талабалар фаолияти турларининг педагогик имкониятларини аниқлаш ва ҳаракатга келтириш соҳасида:

– тарбиявий мақсадга мувофиқ айрим ўқувчи-талабалар ва жамоа учун вазифалар белгилаш, қўйилган мақсад асосида уларнинг тушунчасини ўзгартира олиш кўникмаси;

– ўқувчи-талабаларга таъсир ўтказиш ва улар фаолиятига раҳбарлик қилишни режалаштириш кўникмаси;

– таълим ва тарбия услуб (метод)ларини педагогик мақсадга мувофиқ қўллаш кўникмаси;

– ўқувчи-талабалар ҳулки ва фаоллигини бошқариш;

– ўқувчи-талабаларда фанга қизиқишни уйғотиш ва ривожлантира билиш;

– мутахассислик бўйича барча ўқув-тарбиявий ишларни ҳозирги замон дидактикаси, педагогик-психологик, тизимли, технологик ёндошувлар ва техник талаблар даражасида ташкил қила билиш;

– таълим жараёнида ўқувчи-талаба шахсини ривожлантириш, шунингдек, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга ва касбий фаолиятга тайёрлаш кўникмаси;

– оддий кургазмали қуроллар тайёрлай билиш, ўқитишнинг техника воситалари билан ишлаш малакасига эга бўлиш ва улардан фойдаланиш методикасини билиш ва ҳ.к.¹

“Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир”, – деган шиор кун тартибига ўринли киритилган мустақиллик йилларида бу масаланинг ечими ўқитувчи ва тарбиячи шахсига янада мустаҳкам алоқадор бўлиб қолди. Боиси, ўқитувчи тажриба ва малакасининг уйғунлиги муваффақиятлар гарови эканлиги сир эмас.

Таълим тизимини инсонпарварлаштириш (гуманизациялаш) муаммоси кун тартибига қўйилган бугунги кунда ўқитувчи шахсининг инсонпарварлик жиҳати олдинги ўринга чиқди.

Ўқитувчининг шахсий фазилатлари: ахлоқий баркамоллик, яъни саҳоватпешалик, меҳрибонлик, талабчанлик, маънавий поклик қаноатлилик, ростгўйлик, садоқатлилик, покизалик, зийраклик, андишаллик, вазминлик, сабр-бардошлик, мулойимлик ва бошқалардир.

Ўқитувчининг касбий фазилатлари: ўз соҳасининг пухта билимдони бўлиш, ҳунар сирларини содда усулда ўргата олиш, ҳаётий тажрибалари асосида тарбияловчилик, шогирдлар эҳтиёжлари ва ютуқ-камчиликларини идрок эта олувчанлик, нутқ маданиятига эга бўлиш, шахсий намуна бўла олишлик ва шу кабилардир.

¹ Малла Очилов. Муаллим қалб меъмори – Т.: “Ўқитувчи”, 2001, 202-208-бетлар.

Шогирдлик одоби бўйича куйидаги мезонлар қайд қилинади: “Агар сендан шогирдлик одоби нечта, деб сурасалар, еттита дегин”. 1) аввало: ўз ишига яхши муносабатда бўлиш, яъни ўз касбини севиш; 2) ўз ишига эътиқод қўйиш ва унга ишониш; 3) устоз олдидан хокисор бўлиш, ўз ножўя одатларини тарк этиш; 4) қўриш(ножоз) лозим бўлмаган ҳамма нарсалардан нигоҳини олиб қочиш; 5) эшитиш мумкин бўлмаган барча нарсаларга қулоқ солмаслик; 6) барча нолойиқ ишлардан қўл тортиш; 7) устозига қарши бўлган кишилар билан муомала қилмаслик. Ана шулар асосида ўқитувчи ва шогирдлар ўртасидаги диалектик муносабат тўлақонли амалга оширилади.

Ўқитувчидан биринчи навбатда куйидагилар талаб қилинади:

1. Жисмоний ва ақлий саломатлик.
2. Юксак ахлоқий ва инсоний фазилатлар.
3. Кучли ва кенг қамровли пойиндор билим.
4. Методик мукамаллик ва сайқалланган касбий маҳорат.
5. Нутқ маданияти, нотиклик санъати ва имло саводхонлиги.
6. Муттасил ўз устида ишлаш, малакасини ошириш ва бошқалар.

Одатда, кўпчилик ўқитувчилар шахсни ўргатиш ва тарбиялашдаги вазифасини ўз ўқув фани доирасида ўқувчи-талабани тегишли билим ва кўникма ҳамда малакалар билан қуроллантириш, уларда таҳлил қилиш, умумлаштириш ва қиёслаш сифатларини шакллантиришда кўрадилар. Ваҳоланки, ўқитувчининг меҳнати ва унинг педгогик фаолияти кенг қамровлидир. У ўқитишнинг учта муҳим ижтимоий функцияси – **таълим бериш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантириш** билан боглиқ вазифаларини бажаришга масъулдир. Бироқ олий ўқув юрларидаги машғулотлар ўқитувчининг амалга оширадиган амалий-педагогик фаолияти билан етарли даражада боғланмаган. Умуман, бу фикрни куйидаги объектив ва субъектив омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, бўлажак ўқитувчиларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлашни кўзда тутиб ўқув режасига киритилган машғулотлар аксариятининг мазмуни айнан ўқитувчи ўқувчи-талаба шахсини шакллантиришга йўналтирилган. Ушбу вазият ўқитувчининг малакали мутахассис сифатида шакллантирилишида ижобий таъсирга эга бўлсада, унинг касбий-педагогик фаолиятида бевосита қўллай оладиган ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш методларини эгаллашига хизмат қилмайди.

Иккинчидан, бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда ижодкорлик тушунчаси маълум бир чекланган маънода, одатда техник ижодкорликни амалга ошириш ва бошқаришга тайёрлаш маъносига талқин қилинади. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш жараёнида шакллантириладиган шахсда эса нафақат техник ёки бадий ижодкорлик билан боғлиқ, балки янада чуқурроқ билимларни талаб қилувчи тадқиқотчилик ижодкорлигини шакллантириш лозим бўлади.

2.4. ҲҚИТУВЧИЛИК КАСБИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ҲРНИ

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзда тутилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитда таълим-тарбияни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришиш ўқувчи-талабаларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш вазифалари таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар зиммасига юклатилган.

Ўқитувчининг кўп қиррали ва мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма-хил фаолиятига боғлиқ: ўқувчи-талабаларни ўқитиш ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил эта билиш ва ўтказиш, ота-оналар ва жамоатчилик ўртасида педагогик билимларни тарғибот қилиш ишларини олиб бориш ва ҳаказо. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан чуқур билимга эга бўлишни, ўз соҳасини, ўқувчи-талабаларни севишни талаб қилади. Ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшаётган ижодкор ва фидойи ўқитувчилар сони йилдан – йилга кўпайиб бормоқда ва бундай педагоглар эл-юртга танилмоқда.

Таълим муассасаларида таълим ва тарбия ишларини ташкил этувчи ва амалга оширувчи шахс – бу ўқитувчи. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назария ўқувчи-талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун-қоидалар, умумлаштирилган, методик ҳояларни баён этади. Бироқ таълим бериш жараёнида

педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар ҳам учраб турадики, уларнинг оқилола ечимини топиш учун ўқитувчидан билимдонлик, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорлик талаб қилинади.

Шунинг учун ҳам мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ишлайдиган ўқитувчилар:

– педагогик қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;

– миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол шахс;

– Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро;

– ихтисосига доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек, назарий илмларни мукамал эгаллаган мутахассис;

– ўқитувчилик касбига меҳр қўйган, ёшларни яхши кўрадиган, ҳар бир ўқувчиси ва талабаси улғайиб яхши мутахассис бўлишига чин кўнгилдан ишонадиган, унинг шахс сифатида ривожланиб баркамол инсон сифатида камол топишига кўмаклашадиган мураббий;

– эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан адолатли, одобли касб эгаси бўлмоғи даркор.

Ўқитувчи ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ, давлат олдида жавоб берадиган, ўқувчи-талабаларга таълим-тарбия беришга махсус тайёргарлик кўрган, касбига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланаётган инсондир. Бу ерда “*касбига мувофиқ*” жумласига эътибор бериш лозим, чунки нокасбий педагогик фаолият билан деярли барча одамлар шуғулланади, аммо фақат ўқитувчигина қачон, қаерда, қандай тарбия бериш кераклигини биледи ва бу тарбиянинг самарали усулларида фойдаланиш ҳамда педагогик қоидаларга мос ҳолда олиб боришни уддалай олади, ўз касбий бурчини бажариш учун белгиланган тартибда масъулиятни сезган ҳолда меҳнат қилади. Ўқитувчилик иши инсон фаолиятнинг мураккаб турларидан биридир. Ўқувчи-талабаларни тарбиялашда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ўрганиш ниҳоятда мураккаб. Бунда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигини ўзида акс

Ўқитувчи махсус усуллардан фойдаланилади. Аммо одамларнинг аксарият қисми ўқитувчи айнан нима билан шуғулланишларидан тулик хабардор эмас ва педагогик фаолиятнинг кўзга ташланган ташқи белгиларини кўрсатиш билан чекланади. Агар саволни: «Ўқитувчининг бошқа одамлардан нима фарқи бор?», – деб берсак, кўп нарса ойдинлашади. Ўқитувчи фақатгина фанни билган кишининг вазифаси эмас, у шу баробарида педагогик фаолиятни ҳам эплай олиши керак.

Албатта, математикани ўргатиш фақат математикани биладиган одамнинг қўлидан келади. Лекин тарбиялашни билмаган қанчадан-қанча билимли математиклар ҳеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи бўлиб чиқадилар. “Ўқитувчи ўзи нима иш қилади? Унинг педагогик вазифаларини қандай сўзлар билан ифодалаш мумкин?”, – деган саволга моҳирона жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар педагогик профессиограммада келтирилган ихтисослик хусусиятларини билишлари лозим. Профессиограмма куйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

- 1) ўқитувчи шахсининг хусусиятлари;
- 2) ўқитувчининг руҳий-педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;
- 3) махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни;
- 4) ихтисосга оид усулий тайёргарликнинг мазмуни.

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари:

Ғоявий йўналишда: илмий дунёқараш ва эътиқод; ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятларни чуқур тушуниш; ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш; ижтимоий-сиёсий фаоллик.

Педагог касби йўналишда: ўқувчиларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик фаолиятдан хузурланиш; руҳий-педагогик зийраклик ва кузатувчанлик, педагогик такт, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилияти; ҳаққонийлик; дилкашлик; талабчанлик; қатъийлик; мақсадга интилиш; вазминлик; хушмуомалалик; ўзини тута билиш; касбий лаёқатлилиқ.

Билиш борасида: кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш; узининг педагогик маълумотини оширишга интилиш.¹

Педагогнинг вазифаси педагогларга хос касбий билим ва маҳоратни қўллашга интилишдир. Албатта, педагогларнинг ўз маҳоратларини ишга солишлари билан боғлиқ асосий йўналиш – бу ўқитиш, билим бериш, тарбия бериш, ўқувчи-талабаларнинг билим савиясини ошириш ва уларнинг малакаларини шакллантиришдир.

Бу йўналишларнинг ҳар бири доирасида кўп муайян хатти-ҳаракатлар бажарилади ва бу ишлардан кўзда тутилган вазифалар кўп ҳолатларда яширинган бўлиб, ҳамма вақт ошкора кўриниб турмайди. Шунга қарамасдан, педагог ишининг моҳиятига қараб, касбий педагогик асоси нима эканлигини аниқлаймиз: *ўқитувчининг асосий вазифаси – бу таълим ва тарбия бериш, малакаларни шакллантириш жараёнларини бошқариш; ўқитиш эмас, ўқишга йўл кўрсатиш, тарбия бериш эмас – тарбиялаш жараёнига раҳбарлик қилишдир. У ўз вазифасини яққолроқ англаган сари ўз ўқувчи-талабаларига кўпроқ мустақилликни, ташаббускорлик ва эркинликни тақдим қилади.*

Шунинг учун ҳам Сократ моҳир педагогларга **“фикр акушерлари”** номини берган. Унинг номи **“майэтика”**, таржимада **“доялик санъати”**дир. Тажрибали педагог тайёр маълумот бериш эмас, балки ўқувчи-талабанинг миясида фикр туғилишига ёрдамлашиши керак. Демак, педагог меҳнатининг моҳияти – бу баркамол инсон шаклланишига ҳамроҳ бўладиган барча жараёнларни бошқаришдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, педагог-ўқитувчи омили ёшларнинг ғоявий-сиёсий билимларни эгаллашлари орқали касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда асосий ҳисобланади. Давр тараққиёти ва эҳтиёжлари асосида *педагог-ўқитувчи “шахси”ни ривожлантириш, педагогик таъсир этиш воситасида улардаги қобилият, қизиқиш, истеъдод, эътиқод ҳамда амалий кўникмаларни шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.*

Шу боис ўқувчи-талабалар таълим-тарбиясида юксак самарадорликка эришишда ҳар бир фан ўқитувчисидан чуқур педагогик-психологик билим, кўникма ва малакалар, ўқитувчи-талабаларнинг

¹ З.Исмоилова Ҳўқитувчи ва унинг жамиятда тутган ўрни//UZLUKSIZ TA'LIM, 2004 йил 2-сон, 81-82-бетлар

ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари туғрисидаги маълумотга эга бўлиш талаб этилади. Шунга кура ўқитувчи шахсий режасини қуйидаги талаблар асосида ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир:

– педагогик муаммоларни прогноз қилиш: ўқитувчи педагогик прогноз қилишда муаммоларни олдиндан кура билиш ва уни бартараф этиш қобилиятига эга бўлиши лозим;

– муаммоларни ҳал этишнинг методик жиҳатдан мақбул йўлларини излаб топиш ва шакллантириш: ўқитувчи муаммони методик жиҳатдан ҳал этишда энг самарали ва оптимал усулни танлаши ва уни қўллаган ҳолда муаммоларни бартараф этиш зарур;

– ўқувчи-талаба шахсига “педагогик таъсир” кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши: ўқитувчи ўқувчи-талаба шахсига «педагогик таъсир» кўрсатиш усул ва воситаларидан уринли фойдаланишда таълим-тарбия жараёнининг марказида ўқувчи-талаба шахсини шакллантиришни назарда тутиши зарур;

– ўз вазифасини фақат таълимининг синф-дарс шакли билан чекланмаслик: индивидуал ўзлаштириш жараёнини ҳисобга олган ҳолда дарсдан ташқари қўшимча машғулотлар ташкил қилиш орқали таълимда самарадорликка эришиш керак;

– синф ёки гуруҳ раҳбари вазифасига масъулият билан ёндашиш: синф-гуруҳ жамоаси ва ҳар бир ўқувчи-талабанинги педагогик-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз вазифасига жиддий ёндашиш лозим;

– синф-гуруҳ раҳбари ва ота-оналарнинг ҳамкорликдаги фаолияти асосида ягона таълим-тарбия мақсадини амалга ошириш зарур;

– синфдан ва дарсдан ташқари дарсларни изчил ва тизимли ташкил этиш: мазкур дарсларда бирдамлик, жамоавийлик, дўстлик, бир-бирига ижобий муносабат, миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

– ўқувчи-талабаларни мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юрти кутубхонасидаги китобларни асраб-авайлашга жалб қилиш: кутубхоналар билан алоқани йўлга қўйиш орқали ўқувчи-талабаларда китобга бўлган ижобий муносабатни, китобхонликни ҳамда кенг дунёқарашни шакллантириш зарур;

– ўқувчи-талабаларнинг дарсдан ташқари фаолиятини ягона таълим-тарбия уйғунлигида режалаштириш: ўқувчи-талаба-

ларнинг буш вақтларини керакли машғулотлар билан банд қилиш, уларни тўғарақларга жалб қилиш, касбга йўлаш кабиларга аҳамият бериш лозим;

– режаслаштирилган ишларни тизимли ва мажмуавий ёндашувлар асосида олиб бориш: ишлаб чиқилган тизим асосида таълим муассасаси жамоаси билан биргаликдаги фаолиятни ташкил қилиш зарур.

Ўқитувчининг бундай фаолияти ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама билимлар билан қуроллантириш, таълим жараёнининг субъекти сифатида ривожлантириб ҳамда шакллантириб боришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўқитувчи фаолиятини педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини оширишда педагогнинг шахсий сифатлари ва унинг касбий тайёргарлиги катта аҳамият касб этади. Шунга кўра ўқитувчининг касбий-шахсий маҳоратга эга бўлиши, илмий жиҳатдан билимдонлиги ва унинг шахсига хос ижобий фазилатлари ўқувчи-талабаларда фаоллик ҳамда мустақкам ижодий билимга интилишни шакллантиришнинг ҳал қилувчи асоси ҳисобланади.

Педагогик амалиёт даврида бўлажак ўқитувчиларда касбий-шахсий сифатларни шакллантириш учун кенг имкониятлар яратилади ва бу жараён касбий фаолиятга максимал яқинлаштирувчи энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Педагогик амалиёт даврида талабада ўқитувчилик касбига ижобий муносабатлар, педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш, фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш, синфга раҳбарлик қилиш қобилиятини шакллантириш, ўқувчи-талабалар шахсини, синф ёки гуруҳ жамоасини педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш, миллий тарбия масалаларини ҳал этишда ўқув-тарбия муассасаларига ёрдам бериш, маданий-оммавий ишларда фаол иштирок этиш, билим, кўникма ва малакаларни янада таркиб тошириш каби жиҳатлар фаоллашиб, мустақкамланиб, уларни ўқитувчилик касбига ва меҳнатига тайёрлаб боради.

Бундан ташқари таълим самарадорлигига эришиш учун бўлажак ўқитувчи шахсига бугунги кунда таълимни модернизациялаш шароитида замонавий ўқитувчи шахсига қуйидаги педагогик-психологик талаблар қўйилади:



Юқоридаги сифатларни ўзида мужассамлаштирган бўлажак ўқитувчи, ўз ўқувчи-талабаси шахсида: олижаноблик, ақлий қобилият, маънавий етуклик ва бошқа юксак инсоний сифатларни тарбиялай олади. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг ёшига хос педагогик-психологик индивидуал хусусиятларни ҳисобга олгани ҳолда:

– ўқувчи-талабаларни онгли интизомга риоя қилишга одатлантириш;

– педагогик фаолиятда адолатли йўл тутиш;

– синф ва гуруҳ фаоллар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;

– ўқувчи-талабаларнинг мустақил фаолиятларини муносиб рағбатлантириб бориш;

– берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришни талаб қилиш;

– синф ва гуруҳ жамоасидаги тарбиявий ишларни изчил олиб бориш каби усуллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.¹

¹ Г. Боймуродова. Таълимни модернизациялаш шароитида замонавий ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик-психологик талаблар //UZI.UKSIZ TA'LIM, 2007 йил, 3-сон 97-100-бетлар

Бундан ташқари булажак ўқитувчида педагогик маҳоратни шакллантиришда маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, турли ахборот захиралари, ўқув-методик адабиётлар куламини кенгайтириш ҳамда педагогик амалиёт даврида олиб борган кузатишлари натижасида тўплаган материалларни амалда қўллаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Маълумот – таълим-тарбия орқали тўпланган билим, кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган маънавий фазилатлар йиғиндисидир.

Таълим – инсониятни илмий билимлар, ҳаёт учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, қобилиятларини ўстириш, тафаккурларини шакллантириш жараёнидир. Шунингдек, таълим педагогларнинг (билим бериш) фаолиятдан ва ўқувчи-талабаларнинг (билим олиш, ўқиш) фаолиятларидан иборатдир.

Тарбия – шахсни муайян йўналишда шакллантириш, камол топтириш мақсадида турли одамларнинг бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатдир.

Узлуксиз таълим тизими – мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълимидан иборатдир.

Ижтимоий тараққиёт – ташқи ва ички, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган омиллар билан кишига ижобий таъсир этиш, яъни шахсни шаклланиш жараёни. Шахснинг ижтимоий тараққиётида мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия етакчи ўрин эгаллайди.

Шахс шаклланиши – инсон биоижтимоий мавжудот бўлганлиги туфайли, биологик ривожини билан бир қаторда у ижтимоий ривожланиб ҳам боради ва камолотнинг маълум бир босқичида шахсга айланади ва унда бир қатор ижтимоий сифатлар таркиб топиб, илмий асосланган мустақил фикр шаклланади.

Педагогик жараён – ўқитувчи ёки педагог, ўқувчи ва талаба орасидаги билим бериш ва билим олиш, ўргатиш-ўрганиш ва тарбиялаш зайлида кечадиган муносабатлар тизимидир.

Педагогик фаолият – жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қатор фанлардан билим бериш ҳамда умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланган режа-дастурга мувофиқ ҳамда муайян педагогик усул ва услублар орқали амалга ошириш, яъни баркамол авлодни ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий зарур фаолият туридир.

Таълимни демократлаштириш – муайян жамият ва шахс эҳтиёжи ҳамда имкониятидан келиб чиқиб, маълум билимлар тури ва ҳажмини эркин ҳолда танлаб олиш.

Таълим-тарбияни инсонпарварлаштириш – педагогик жараёни, яъни таълим-тарбия берувчи билан ўқувчи-талаба орасидаги педагогик муносабатларни ўта инсоний (ўзаро иззат-ҳурмат ва муҳаббат) руҳда амалга ошириш.

Педагогик мулоқот – таълим-тарбия билан боғлиқ мулоқот тури.

Педагогик қобилият – фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади.

Педагогик маҳорат – ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан, дарс беришни) педагогика назариясидаги қонун-қоидалар ва замонавий таълим методлари асосида ўқувчи-талабаларга аниқ ва тушунарли қилиб етказиб беришдир.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. “Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва дастури” асосида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболларига оид вазифаларни тушунтириб беринг.

2. “Таълим ва жамият”, “Таълим ва давлат”, “Таълим ва шахс”, “Жамият ва шахс”, “Давлат ва шахс” тушунчаларининг бири-бири билан ўзаро таъсирини ва уйғунлигини тушунтириб беринг.

3. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг истиқболдаги мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

4. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва дастурининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.

5. Миллий истиқлол ғояси доирасида амалга ошириладиган таълим ва тарбия билан боғлиқ устувор йўналишлар ва вазифалар нималардан иборат?

6. Таълим ва тарбиянинг ўзига хос технологияси нимага асосланади?

7. Тарбия кенг маънода ва тор маънода нимани билдиради?

8. Бағрикенглик ва ҳурфикрлилик тушунчаларини изоҳлаб беринг.

9. Таълим сифатини бошқариш ва назорат қилишнинг замонавий тамойиллари ва муаммоларини тушунтириб беринг.

10. Педагогик кадрларнинг касбий фазилатларига нималар киради?

11. Педагогик фаолият тушунчасини изоҳланг.

12. Педагогик қобилият деганда нимани тушунаси?

13. Педагогик маҳорат нима?

14. Ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрнини тушунтириб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши ва уларнинг моҳияти.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг педагогик моҳияти.

3. Ўқитувчилик касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни.

4. Педагогик фаолият, педагогик қобилият ва педагогик маҳорат – педагогик жараён сифатида.

5. Педагогик жараён ва мутахассислик.

6. “Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими”, “Менинг идеал ўқитувчим”, “Ўқитувчи бурчи, масъулияти, инсонпарварлиги ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида” мавзуларидан бирига эссе ёзинг.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Тарбия кенг маънода нимани назарда тутади?

а) ижтимоий тажриба ва шахс ривожланишини;

б) махсус ташкил этилган, маълум мақсадга қаратилган аждоддан авлодга ўтадиган ижтимоий-маданий тажриба ва шахс ривожланиши учун яратилган шарт-шароитдир;

с) шахснинг шаклланиш эҳтиёжларини эътиборга олиш;

д) таълимнинг ва амалий ишларнинг аниқ мақсадини белгилаш;

е) таълим ва жамият мақсадларини бирлаштириш.

2. Тарбия тор маънода нимани билдиради?

а) ёшларни жамият ҳаётининг аниқ вазиятига жалб этиш, унинг ривожланиши учун шароит яратиш бўйича катталарнинг биргаликда олиб борадиган аниқ фаолиятини билдиради;

б) ижтимоий-шахсий ҳаёт тажрибасига асосланган мунтазам давом этадиган жараёни билдиради;

с) шахсни мавжуд шарт-шароитга мослашиш жараёнини билдиради;

д) шахснинг шаклланиш жараёнини билдиради;

е) шахс ижтимоий мажбуриятларни фаол ва масъулият билан бажаришни билдиради.

3. Педагогик фаолият нима?

а) педагогик фаолият – ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ, давлат олдида жавоб берадиган, ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан шуғулланадиган ва бунга махсус тайёрланган ўқитувчи-педагогнинг меҳнат фаолиятидир;

б) педагогик фаолият инсонни ўзини қуршаб турган оламга фаол муносабат шакли;

с) педагогик фаолият – ҳулқ-атворга оид хатти-ҳаракатлар ўртасидаги қонуний алоқаларнинг мотивланган мажмуи;

д) педагогик фаолият – муайян вазифаларни бажаришга ёки бу ижтимоий қимматга молик мақсадларга эришишга йўналтирилган тадрижий амалга ошириладиган ҳаракатлар;

е) педагогик фаолият – педагогнинг ваколатлилиги, фаолиятининг самараси, билим даражаси, ўқитиш технологияси, шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш ишлари йиғиндиси.

4. Қандай шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга?

а) тегишли маълумоти ва касб тайёргарлигига эга шахслар;

б) касб тайёргарлиги ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар;

с) тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар;

д) билими, педагогик маҳоратга эга ва касб тайёргарлиги бор шахслар;

е) барча турдаги таълим муассасаларини битирган ва малака ошириш масканларида бўлган шахслар.

5. Педагогик фаолиятнинг объекти ким?

- а) педагог;
- б) ўқитувчи;
- в) мураббий;
- д) тарбиячи;
- е) барча жавоблар тўғри.

6. Педагогик маҳорат нима?

а) педагогик маҳорат – бу ўқитувчининг шахсий сифатлари, фаолияти, инсонпарварлиги, софдиллиги ва жавобгарлиги;

б) педагогик маҳорат – бу ўқитувчининг фанларни ўрганишда эришган тажрибаларини ўз фаолиятида ижодий қўллаган ҳолда ўқув-тарбия ишининг ҳамма қирраларида энг юқори даражада эришган ютуқлари;

в) педагогик маҳорат – бу педагогнинг ўқувчи-талабалар билан тарбия мақсадида алоқа ўрнатишидир;

д) педагогик маҳорат – бу ўқитувчининг ҳис-ҳаяжонини ифодалайдиган ҳаракатлари, нутқ, овоз ва вазифалари;

е) педагогик маҳорат – бу педагогик вазифани, фаолиятни моҳир-лик билан талқин этиш, ўйлаб топиш, ўз фаолиятида педагогик маҳоратга эришиш, ёшлар психологияси ва педагогикасини етарли даражада билиш.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва дастурида таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тушунтириб бering.

№	КТМ ва ДТТРУЙ	Тушунча

2. Тарбияни кенг ва тор маънода изохланг.

№	ТК ва ТМ	Изох

3. Бағрикенглик ва хурфкирлик тарбияси ҳозирги кунда қандай аҳамият касб этади?

№	Б ва ХТ	Тушунча

4. Таълим сифатини бошқариш ва назорат қилиш тамойиллари ва муаммолари нималардан иборат?

№	ТСБ ва НКТ ва М	Тушунча

5. Педагогик кадрларнинг касбий фазилатлари моделини изоҳланг.

№	ПККФМ	Изоҳ

6. Педагогик фаолият, педагогик қобилият ва педагогик маҳорат нима?

№	ПФ, ПҚ ва ПМ	Тушунча

7. Ўқитувчининг жамиятда тутган ўрнини тушунтириб беринг.

№	УЖТУ	Тушунча

III БЎЛИМ. ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

III Боб. ДИДАКТИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

3.1. ДИДАКТИКАНИ ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ СИФАТИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Дидактика – педагогиканинг таълим, билим бериш жараёни ва ўқитиш назариясини умумий қонуниятларини ўрганувчи мустақил бўлими ҳисобланади. Дидактика юнонча “**didasko**” – ўқиш, “**didasko1**”– ўргатувчи маъноларини билдиради. Таълим қонуниятларини ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида таълим тушунчаси унинг моҳияти, мазмун ва вазифалари, ўқитиш принциплари шакллари ҳақидаги билимлар баён этилади.

1-шакл

ДИДАКТИКА – ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

Дидактика – юнонча “**didasko**” сўзидан олинган бўлиб, “ўқитиш”, “**didasko1** ўқитувчи” деган маъноларни билдиради.

Дидактика – билим бериш назарияси.

Аникроғи, таълим-тарбия берувчилар ва уларни оловчилар орасидаги педагогик муносабатларнинг кечиб қонуниятларини аниқловчи ва шу соҳада қўлланиладиган тушунча, атама ва қондаларни илмий асослаб берувчи ҳамда уларни бошқаларга ўргатувчи педагогика фани тармоғидир.

Демак, дидактика педагогиканинг ёш авлодни “**нимага ўқитиш**”, “**нимани ўқитиш**” ва “**қандай ўқитиш**” каби саволларига жавоб излайди.

Таълим назарияси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек халқ педагогикасида инсон ақлан баркамол бўлишининг энг муҳим шarti уни болалигида ўқитиш ва тарбиялаш деб ҳисоблайди. Ал-Хоразмий, ал-Киндий, Беруний, Форобий, ибн Сино, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби кўплаб Шарқ алломалари дидактик қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборат эдики, улар билишнинг предмети ва манбаларига, билиш жараёни қандай босқичлардан таркиб топишига, билиш фаолияти билан амалий фаолият ўртасидаги муносабатларга эътибор берганлар. Масалан, **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850)** шахсни узлуксиз камол топиши назариясини ривожлантириш борасида муҳим хизмат қилди, *индуктив ва дедуктив тафаккурдаги алоҳидалик ҳамда умумийликнинг бирлиги принципини муайянлаштирди.*

Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (806-866) субстанцияни барча илмий билимларнинг бош предмети сифатида кўриб чиқишда энг аввало миқдор ва сифатни ҳиссий идрок этиш зарурлигини тасдиқлади. Кимки миқдор ва сифатни билмаса, у субстанцияни билишдан ҳам маҳрумдир дейди. Олим ўзининг *дидактик гояларида ҳиссий ва рационал билишни ифодалади. Ҳиссий билиш – якка нарсаларни билишдан иборат бўлса, рационал билиш – умумий нарсаларни билиш эканини таъкидлади. Унинг фикрича, ҳиссий билиш фақат ақл учун материал беради.*

Сабаблар ҳақиқатни билишда ва ўзининг ана шу ҳақиқатга мувофиқ хатти-ҳаракатларини англашда инсоннинг ақлига кўмаклашади. *«Ҳақиқат», – деб ёзган эди ал-Киндий, – ҳар қандай нарсани ва унинг барқарорлигини билишнинг сабабидир, бинобарин, ҳаётдаги мавжуд ҳамма нарса ҳақиқийлиги билан мавжуддир. Ҳақиқатни билиш зарур ва шунга кўра мавжуд нарсаларни билиш мумкин».*

Абу Наср ал-Форобий (870-950) ўқитиш методларининг таснифини ишлаб чиққан. Уларни амалий ва назарий методларга ажратган, шу тариқа ўқитишнинг амалий йўналиши ва кишиларнинг ҳаёти ҳамда кундалик фаолияти билан боғлиқлиги гояларини олға сурган. Олим *ўқитишнинг тажриба – кўрсатмали, индуктив ва дедуктив амалий методларига алоҳида эътибор берган. Барча методларни ўқувчи-талабаларнинг ҳаётий тажрибасига, мантиқий тафаккурига таянган ҳолда бирлаштирган. Ўқув жараёнини ташкил этишга кўйладиган талабларни ишлаб чиқишда дедуктив методини устун кўйиб,*

уқувчи-талабаларга материални тушунтиришида нималарга алоҳида эътибор бериш ҳақида, энг муҳим нарсаларни фанга ишончли билимлар берадиган ва шубҳалантирмайдиган далиллар билан ёритиш ва ҳаказолар буйича уқитувчилар учун қимматли тавсияларини баён қилган.

Форобий математика фани мисоллари асосида уқитишнинг илмийлилик, кўрсатмалилик, тушунарлилик ва изчиллик принципларини ишлаб чиққан. Билиш жараёнининг ва фандаги билим шакллари моҳиятини ёритган. Унинг фикрича, ана шу жараёнлар қонунлар сифатида шаклланади ва уларга риоя қилиш фикрлашни такомиллаштиради ҳамда мураккаб билиш жараёнида қўпол хатоларнинг олдини олади. Билиш жараёни фикрлаш мантиқи орқали ўтиши керак. Мантиқ объекти англашга қаратилган ва ақл етадиган моҳиятлар таҳлил этиладиган фикрлаш жараёнининг тўғрилигини белгилашга хизмат қилади. Мантиқ қуролдир ва у нарсаларни аниқ билишга ёрдам беради.

Форобий билиш фаолиятини ташкил этиш масалалари буйича ҳам анчагина муфассал тавсияларни ишлаб чиққан. Унинг ёзишича, яхши назарийчи бўлиш учун назария қайси фанга тааллуқли бўлсада, қуйидаги учта шартга риоя қилиши шарт: 1. Мазкур фан асосидаги ҳамма принципларни тўлиқ билиш; 2. Мана шу принциплардан ва мазкур фанга доир маълумотлардан тегишли хулосалар чиқара билиш; 3. Нотўғри назарияни рад эта билиш ва ҳақиқатни ёлгондан фарқлаш, хатоларни тўғрилаш учун бошқа муаллифларнинг фикрларини таҳлил қила билиш.

Борлиқнинг акс этиши сифатидаги ҳиссий билиш муаммоси ва энг асосий масала – билишнинг манбалари масаласи доимо Абу Райҳон Беруний (973-1048) назарий билиш фаолиятининг диққат марказида турди. Олим билишнинг назарий асосини чексиз ва узлуксиз жараён сифатида таҳлил ҳамда талқин қилди. У қадимги давр олимлари ишлаб чиққан билишнинг илмий методларини ривожлантириб дидактик йўсинда муҳим хулосалар чиқарди. «Уқиш ва такрорлаш орқали, – деб ёзган эди Беруний, – дунёнинг тузилишини, осмоннинг ва ернинг шакллари билиш астрономия фани учун зоятда фойдалидир. Бинобарин ана шу тариқа таълим олувчи малака ҳосил қилади ва мазкур санъат аҳли ишлатадиган сўзларни урганади, бу сўзларнинг маъносини англайди. Кейинчалик астрономия фанидаги турли сабаблар ва исботларни урганишида

ана шундай сўзлар учраса, уларни бемалол тушуниб бораверади ва у ёки бу нарсаларни ўзлаштиришда чарчамайди».

Беруний таъкидлаганидек, ўқитиш изчил, кўрсатмали, мақсадга мувофиқ бўлиши ва маълум тизимда олиб борилиши лозим. Бинобарин кўрсатмалилик таълимнинг тушунарлироқ, муайянроқ ва қизиқарлироқ бўлишини таъминлайди, тафаккурни ривожлантиради.

Абу Али ибн Сино (980-1037)нинг билим орқали эришиладиган натижалари ҳақидаги таълимоти ўқитиш назариясида алоҳида ўрин эгаллади. Унинг фикрича, буюмларни чинакам билишга ташқи кўринишини таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш асосида ақл билан эришилади. *Ибн Сино ақлнинг ривожланиш босқичларини ишлаб чиққан. Мушоҳада билан идрок қилишнинг биринчи босқичи ақлий категорияларни тушунтиришдир. Иккинчи босқич икки хил фикрни идрок этишдир. Ақл ривожланишнинг учинчи босқичига ўзлаштирилган фикрларни идрок этиш билан эришилади. Шунда уни ҳақиқий ақл дейилади.*

Олим ақлларни босқичларга булар экан, биринчи босқичда ёдлай оладиган, лекин ҳали ҳарфларни ҳам, сиёҳ ва қаламни ҳам билмайдиган боланинг ақлини назарда тутган; иккинчи босқичда – таёқчаларни чиза бошлаган, қаламдан фойдаланишни ўрганаётган боланинг ақли тасаввурқилинади; учинчи босқичда инсон ақлий шаклларни ва уларга мувофиқ ҳиссий образларни эгаллаган бўлади. Ибн Сино ақл деганда инсоннинг туғма истеъдодини, шунингдек, тажриба асосида ва билиш жараёнида шаклландирган фикрлаш қобилиятини тушунади, ақлни инсоннинг бирламчи туғма соғлом фикрлаши, яхши ва ёмон ишларни вужудга келтирадиган, уларни фарқлантирадиган куч, деб таърифлайди. Ақл инсоннинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Инсон ақл ёрдамида нарсалар ва ҳодисаларни таҳлил қилади, умумлаш-тиради ҳамда уларнинг энг яхшиларини танлайди, деб уқтиради. Шунингдек, ақлни икки категорияга ажратади. Уларнинг бири – назарий ақл бўлиб, борликдаги уму-мий нарсаларнинг моҳиятини идрок этишдир, иккинчиси эса амалий ақл бўлиб, буюмларни танлашда туртки сифатида кўринадиган қобилиятдир.

Абдулла Авлоний (1878-1934) ўзининг барча асарларида илм муаммосини биринчи ўринга қўйган. «Алҳосил – деб ёзган эди у, – бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, машатимиз, ҳимматимиз, гайратимиз, дунё ва охиратимиз илм

билан боғлиқдур... Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакка жонимиз борича саъй қилмоғимиз лозимдур».

А.Авлоний илм тарбия жараёнида ўзлаштирилади ва у яхшини ёмондан, эзуликни ёвузликдан, жоизни ножоиздан фарқлаш имконини беради, деб ҳисоблайди. Хусусан у тарбия билан таълимнинг бирлиги муаммосини ишлаб чиқди. Гарчи А.Авлоний таълим билан тарбия ўртасида озгина фарқ борлигини айтган бўлса ҳам, улар тана ва жон сингари бир-бирига чамбарчас боғлиқдир, дейди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) “Янги адабиёт”, “Ўқуш китоби”, “Қироат китоби” каби дарсликларидан товушли савод ўргатиш методини ишлаб чиққан. Унинг таълим назариясидаги асосий гоя ўқитиш ва тарбиялашга комплекс ёндошиш, ёшларнинг ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиясини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширишдан иборат эди¹.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда педагогика назариясидан ўқув дастурини, қўлланма ва дарсликларни яратишда ўзбек халқ педагогикаси ва Шарқ мутафаккирларининг дидактик меросидан фойдаланмасдан туриб таълим ва тарбия жараёнида юксак самарадорликка эришиши мумкин эмас. Хусусан, ал-Хоразмий, ал-Киндий, Абу Райҳон Беруний, ал-Форобий, ибн Сино ва бошқа мутафаккирларнинг дидактик ғоялари дунё ижтимоий-педагогик фикрлар тараққиётига кўп жиҳатдан таъсир этиб, муайян даражада Европада Уйғониш даврининг асосий шарт-шароитларини яратиб берган, албатта.

Бундай фикрларни тасдиқлаш учун қуйидаги бир неча далилларнинг ўзи kiffoя. Масалан, Ал-Хоразмийнинг “Ал-китоб-ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва-л-муқобила” (“Алжабрда муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”) ҳамда “Китоб сураат ал-арз” рисолаларидан жаҳонга машҳур математик ва географлардан Фибонначи, Пичиоли, Тарталья, Кардано, Феррари, Леонардо машҳур юнон олими Клавдий II Птолемей, Ньютон, Гершель, Жозеф Туссен Рейно ва бошқалар кенг фойдаланганлар.

Шунингдек, Абу Али ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” (“Зийракли – Тирик ўғлон”) асарини испаниялик педагог ва адиб ибн Туфайланнинг “Яқзон ўғли Хайя” ҳақидаги қиссасини; Ж.Ж.Рус-

¹ R.Mavlonova, N.Voxidova, N.Raximxonqulova. Pedagogika nazariyasi va tarixi. Darslik. – T.: “FAN VA TEXNOLOGIYA”, 2010 55-58-betlar

сонинг “Эмиль ёки тарбия ҳақида” асарини, Форобийнинг “Фанлар саногии” рисоласи испаниялик педагог олими Гундисалнинг (XII аср) “Фалсафанинг булиниши” асарини ёзлишига асос бўлди.

Оксфорд университетининг профессори Роджер Бэкон (XII аср) ал-Форобий ва ибн Синоларнинг дидактик гояларини чуқурлаштириб, қомусий китобларини ёзади. Бу асарлар, Европа Университетларида ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланилган ва бу маълум даражада XV-XVI асрларда педагогикадаги пансофик ҳаракатга туртки беради. Пансофик ҳаракатнинг ёрқин намоёндаларидан бири чех педагоги Ян Ямос Коменский “**Буюк дидактика**” асарида дидактиканинг таълим назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган бўлса-да, лекин дидактикани таълим назариясида таълим-тарбия мазмуни, шакли ва услублари (айниқса, синф-дарс тизими гояси) ибн Синога тегишли гоя эканлигини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим. Зеро, Шарқда IX асрда ҳали Европанинг кўп ҳудудларида, хуснихат ишлатилмаган ва синф-дарс тизимининг нималигини билмаган бир вақтда Хоразмдаги “Маъмун академияси” қошида ташкил этилган мактаб ва мадрасаларда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланган қомусий олимлар яратган педагогик назариянинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар илгари сураётган дидактик гоялар бевосита урганилаётган фан мантигидан ажратилмаган. Таълим-тарбия мақсади, принциплари, мазмуни ва услубларига хос гоялар биронта фанда аниқ билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида ёритилади. Марказий Осиёдан етишиб чиққан қомусий олимларнинг асарлари латин тилида ўрта аср Европа Университетларида ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланилган. Юқорида бу асарлар Европада табиий ва ижтимоий-педагогик илмларни ривожлантириш учун асос бўлганлигига тўхталган эдик.

Умуман, дидактика таълим, билим бериш жараёни ва ўқитиш назариясини умумий қонуниятларини аниқлаб бериш билан бирга, ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш метод (усул)лари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Дидактика бутун педагогик фаолият учун, яъни таълим-тарбия билан шуғулланувчиларнинг назарий ва амалий ҳаракатлари учун методологик асос вазифасини ўтайди.

Шундай экан, **дидактиканинг тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва илмий-тадқиқот методлари нимадан иборат?** деган саволларга жавоб топиш мумкин.

Дидактиканинг илмий тадқиқот объекти – таълим ва тарбия жараёнидир.

Дидактиканинг илмий тадқиқот предмети – таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи “таълим-тарбия олувчи”, “таълим-тарбия берувчи”, “ўқув дастури, дарслик ва бошқа дидактик материаллар”, “ўқитишнинг усул ва услублари” ҳамда “ўқитишнинг техник воситалари” орасидаги функционал алоқадорликлардан иборатдир.

Дидактиканинг мақсади – шу функционал алоқадорликларнинг мавжудлиги таълим-тарбия жараёнининг ички қонуниятидан келиб чиққанлигини исботлаш ва уларни бир-бирига мутаносиб равишда таракқий эттиришдир.

Бу дегани таълим-тарбия жараёнида қатнашувчи бирон-бир элементи ўзгарса, унинг бошқа қисмларининг ҳам шунга мослаштириш зарур эканини исботлаб беришдир. Масалан, таълим-тарбия жараёни кечадиган синф ёки аудиториядаги педагог ўзгарса, таълим-тарбия жараёнини шакллантирувчи ўқитишнинг усул ва услублари, техник воситалардан фойдаланиш усуллари ҳам ўзгариши мумкин. Ёки, ўқитишнинг дастури ўзгарса, дарслик ва бошқа дидактик материаллар ҳамда ўқитувчи ўзини ва дарс бериш усулларини бир оз бўлсада ўзгартиришга мажбур. Чунки улар ўзаро функционал боғлиқдирлар. Дидактиканинг мақсади мана шу ўзгаришларни асослаб, таълим-тарбия жараёнини муайян қонуниятлар асосида кечишини назарий томонидан асослаб беришдан иборатдир.

Дидактика ўз тадқиқотларини олиб бориш жараёнида қуйидаги анъанавий тадқиқот усулларида фойдаланади: тарихий ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш, ўқув-услубий ҳужжатларни ўрганиш, фанлардан билим бериш амалиётини синтезлаш, статик усуллар, мақсадли суҳбат, қиёсий тасниф, таққослаш ва ҳаказо. Шу билан биргаликда, дидактикада нисбатан янги ҳисобланувчи – мажму ёндошув, графоаналитик, математик моделлаштириш, социологик тадқиқот усулларида ҳам фойдаланилади.

Яхлит таълим-тарбия жараёнида дидактика фанининг вазифалари:

Биринчи вазифаси – билим эгаллаш ва уларни қуникма ва малакага айлантириш қонуниятларини аниқлаб бериш. Бу борада дидактика анча ютуқларга эришган бўлиб, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг қуйидаги қонуниятларини, яъни

тамоийилларини аниқлаган. Буларга: *билимни узатишда илмий асослаб бериш, таълим олувчилар имконияти ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиш, кўргазмалилик, мунтазамлик, таълим ва амалиёт бирлиги, онглилик ва фаоллик, тизимлик ва изчиллик, таълим ва тарбиянинг бирлиги тамоийиллари киради.* Булар ўқув қўлланмамаизнинг кейинги саҳифаларида батафсил тушунтириб берилади.

Иккинчи вазифаси – таълим мазмунининг тузилиши ва ҳажминини белгилаш.

Учинчи вазифаси – таълим-тарбия беришнинг шакллари ва усулларини такомиллаштириш.

Туртинчи вазифаси – яхлит таълим-тарбия жараёнини ўқувчи ва талабаларнинг тарбияланганлик ҳолатига ижобий таъсирни таъминлаш.

Бешинчи вазифаси – инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан-техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантириш ва ҳаказо.

Демак, таълимнинг асосий вазифаларидан бири шахсни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат. Таълим инсон билиш фаолиятининг бир тури сифатида бир неча маънони билдиради, яъни таълим олувчиларда билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларда дунёкараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш ҳамда уларнинг қобилиятларини ўстиришдир.

Таълим орқали ёш авлодга инсоният тажрибаси орқали тупланган билимлар берилади, зарурий кўникма ва малакалар ҳамда эътиқодлар шакллантирилади. Таълим ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, у икки томонлама характерга эга, яъни унда икки томон ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаол иштирок этади. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаб, режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни сингдиради, ўқувчи-талабалар эса уни фаол ўзлаштириб олади. Билдириш, билиш мураккаб, қийин, зиддиятли жараёндир. Бу жараёнда *инсон психикасига тегишли сезги, идрок, хотира, хаёл, диққат, тасаввур, тафаккур ва нутқ каби жараёнлар фаол иштирок этади ва*

ДИДАКТИКА – ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

Дидактиканинг тадқиқот объекти – таълим ва тарбия жараёнидир.

Дидактиканинг тадқиқот предмети – таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи “таълим-тарбия олувчи”, “таълим-тарбия берувчи”, “уқув дастури, дарслик ва бошқа дидактик материаллар”, “ўқитишнинг усул ва услублари” орасидаги функционал алоқадорликлардан иборатдир.


Дидактиканинг мақсади ана шу функционал алоқадорликларни мавжудлиги таълим-тарбия жараёнининг ички қонуниятларидан келиб чиққанлигини исботлаш ва уларни бир-бирига муносиб равишда тараққий эттиришдир.

**ДИДАКТИКАНИ
ТАЪЛИМ
НАЗАРИЯСИ
СИФАТИДАГИ
ТАРАҚҚИЕТИ**

Дидактиканинг тадқиқот усуллари: тарихий, илмий адабиётларни таҳлил этиш, ўқув-услубий ҳужжатларни ўрганиш, фанлардан билим бериш амалиётини синтезлаш, статистик усуллар, мақсадли суҳбат, қиссий тасниф, таққослаш, мажму ёндошув, графоаналитик, математик моделлаштириш, социологик тадқиқот усуллари ва ҳаказо.

Дидактиканинг вазифалари:

- биринчи вазифаси: билим эгаллаш ва уларни қўникма ва малакага айлантириш қонуниятларини аниқлаб бериш,
- иккинчи вазифаси: таълим мазмунининг тузилиши ва ҳажмини белгилаш,
- учинчи вазифаси: таълим-тарбия беришнинг шакллари ва усулларини такомиллаштириш,
- тўртинчи вазифаси – яхлит таълим-тарбия жараёнини ўқувчи ва талабаларнинг тарбияланганлик ҳолатига ижобий таъсирни таъминлаш,
- бешинчи вазифаси – инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан-техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантириш.



**БИЛИМ ЎЗЛАШТИРАЁТГАНДА ПСИХИКАНИНГ
НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ**

Психик жараён	Психологик ҳолатлар	Ўқувчи-талаба шахсининг хусусиятлари
Билиш жараёни	Ҳиссий иродавий	Индивидуаллик
Сезгилар	Эмоциялар	Йуналишлар
Идрок	Эътиқодлилиқ	Темперамент
Тафаккур	Тетиклик	Қобилиятлар
Хаёл	Апатия	Иқтидор
Нутқ	Қизиқувчанлик	Ақлий салоҳият
Диққат	Ғайратланиш	Хулқ мотивацияси
	Ишончлилиқ	Иш услуби
	Ижодий руҳланиш	Масъулият

муҳим роль ўйнайди. Таълим бериш, ёшларга билим бериш, уларда кўникма ва малакаларни хосил қилиш, яъни ҳақиқатларни оча олишга қодир булган жиддий мантикий тафаккурни тарбиялашдир.

Таълим жараёнида ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди, у ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади, ўқувчи-талабаларда мустақиллик, ижодкорлик қобилиятларини ўстиради ва шу тариқа ўрганилаётган нарсанинг онгли равишда ўзлаштириб олишга эришилади, материални идрок қилишлари ва тушуниб олишлари билан бирга, уни пухта эсда сақлаб қолишлари тўғрисида ҳам гамхўрлик қилади.

Ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини ташкил қилиш мақсадида ўқув ишларни олиб борар экан, аввало таълим жараёни орқали уч вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсадни ҳал қилиш лозимлигини унутмаслиги керак. Бу мақсадлар ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар фаолиятини бирлаштиради:

1. Таълимий мақсад – ўқув материалининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ қила олишдир.

2. Тарбиявий мақсад – фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, имон - эътиқодларини шакллантиришдир.

3. Ривожантирувчи мақсад – таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолатини, билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга булган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида ўқувчи – талабада мустақил ишлаш истеъдоди пайдо бўлади. Уни ўйлашга ўргатади, таълим жараёнида тафаккур ҳукмронлик қилади.

Бу боғлиқликни, аввало, таълимни амалга оширишнинг қуйидаги босқичларида куришимиз мумкин.

Биринчи босқич – ўқув материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда ўқувчи-талабалар таълимнинг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканлигини тушуниб оладилар. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади.

Иккинчи босқич – улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар *анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқариш*дан фойдаланадилар.

Учинчи босқич – янги билимлар, машқлар, муस्ताқил ишлар ўқитувчининг қўшимча изоҳлари орқали муस्ताқкамланади.

Туртинчи босқичда – улар ўзлаштириб олган билимларни имкониятга қараб амалиётга татбиқ қиладилар.

Буларни билиш орқали ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариши мумкин. Шунинг учун ўқув жараёнининг ҳамма босқичларида ўқитувчи етакчилик ва бошқарувчилик ролини уйнайди. Ўқитиш жараёни билиш фаолиятининг муҳим тармоғи сифатида қатор вазифаларни бажаради. Жумладан:

1. Ўқувчи ва талабаларда билим кўникмалари ва малакаларини ҳосил қилади.

2. Уларда дунёқараш, ишонч ва эътиқодларини ўстиради.


3. Ёшларни муайян даражада ўқимишли, муайян тарбияли кишилар бўлиб етишишларига, қобилият ва истеъдодларини ўстиришга эришилади.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ўқитувчида ўз касбига лаёқат бўлиши лозим. Лаёқатлилик педагогик меҳнатни муваффақиятли бажаришга қодир бўлишдир. Бу, аввало, педагогик касбининг ижтимоий роли ва заруриятини яққол тасаввур қила олишда кўринади. Бундан ташқари ўқитувчи ҳар бир ўқувчи-талабага қизиқиб қараши, унинг эҳтиёж ва хусусиятларини тушуна билиши лозим.

Юқоридаги фикрлардан умумий хулоса чиқарадиган бўлсак, таълимнинг ўзига хос хусусияти унинг тарбиявий характерга эга эканлигидир. Ҳар қандай тарбия асосида билим мавжуд бўлганидек, ҳар қандай таълим ўзида маълум тарбиявий таъсирни мужассамлаштиради. Билимлар талабанинг фақат фикрлаш қобилиятига эмас, балки ички кечинмаларига, ҳис-туйғуларига, фазилатларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Айниқса, гуманитар фанларни ўрганиш талабанинг маънавиятини шаклланишида аҳамиятлидир. Шунинг учун таълим муассасалари тарихан фақат илм масканларигина бўлиб қолмасдан, балки тарбия ўчоқлари сифатида ҳам қабул қилинган. Таълим ва тарбия бир жараённинг икки томони бўлиб, бири-бирини тўлдириб келади. Билим бу куч-қудрат, ана шу куч-қудрат маънавияти етук инсон кўлида ривожланишга хизмат қилади. Маънан қашшоқ инсон бу қудратдан ноўрин фойдаланиши ва жамиятга зиён етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолатлар тарихда жуда кўп маротаба такрорланган ва бу исбот талаб қилмайдиган аксиомага айланган. Демак, таълим

албатта тарбиявий асосга эга бўлиши ва ўқувчи-талабаларга фақат билим бериш билан чекланиб қолмаслиги, балки тарбиялашдек мураккаб жараёни ҳам ўз зиммасига олиши лозим.

5-шакл



Таълим жараёни таъсирида ўқувчи-талабаларнинг ақлий камолотини, билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантириш ва янги поғонага кўтариш асосий масалалардан биридир. Айнан таълимнинг ривожлантирувчи хусусиятини икки даражага ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Зарурий ривожланиш. Бу ўқувчи-талаба тайёргарлигидаги мавжуд даража, бошқача қилиб айтганда, ўқувчи-талабалардаги бор даража, яъни ўқувчи-талабаларнинг бугунги ўқув жараёнигача бўлган тайёргарлик даражасидир. Бу даража ўқувчи-талабаларнинг ишни мустақил бажара олиши билан характерланади.

Юқори даражадаги ривожланиш. Бошқача қилиб айтганда, шу дарс давомида кўтарилиш керак бўлган даражадир. Бу ўқувчи-талабалар ҳозирча қила олмайдиган, лекин кўмак воситасида эплай оладиган ишдир. Ўқувчи-талабалар ана шу ўзи учун янги бўлган ва бажаришга кучи етадиган вазифани бажариш давомида иккинчи даражага кўтарилади. Лекин бу вазифа ўқувчи-талабаларнинг тараққиёт зонасида жойлашган бўлиши шарт, акс ҳолда ривожланишга эришиш қийин. Яқинлашиб қолган тараққиёт зонасига кирган ҳар нарса таълим жараёнида зарур ривожланиш даражасига ўтади.



Шундай қилиб, яқинлашиб қолган тараққиёт зонаси ривожланишдан илгарилаб кетадиган таълим воситасида яратилади. Таълимнинг ҳар бир босқичи тараққиётнинг эришилган босқичига таянади ва муайян босқични кўзлаган ҳолда навбатдаги босқични тайёрлаб беради.

Демак, таълимнинг яна бир зарурий хусусиятларидан бири унинг ривожлантирувчи хусусиятга эга эканлигидир.

Таълимнинг ана шу юқорида санаб ўтилган хусусиятларини ҳисобга олган ва уларга амал қилган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш шубҳасиз таълим сифат-самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни бажариш лозим. Уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

1. Ўқувчи-талабаларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш.

2. Ўқувчи-талабаларда дунёқарашни, ишонч ва эътиқодларини ўстириш.

3. Ўқувчи-талабаларнинг маънавиятини бойитиш ва тарбиялаш.

4. Ёшларнинг ички имкониятларини, қобилиятларини ва истеъдодларини очиш ҳамда ўстириш.

Ушбу вазифаларни бажаришда дифференциялашган ёндашувнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки, дифференциация (яъни якка ҳолдаги ёндошув) ўқувчи-талаба шахсини чуқурроқ ўрганишга, кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Ўқувчи-талаба шахси чуқурроқ ўрганилгандан кейингина унга мос бўлган методлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ. Барча ўқувчи-талабалар учун умумий методлар қўллаш таълимни кўр-кўрона олиб бориш билан баробар ва бу ҳолда таълимнинг сифат-самараси жуда паст даражага эга бўлади. Таълимни дифференциациялаш муаммоси ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда маълум даражада ўз ечимини топмоқда ва айтиш керакки, бу ечимлар ижобий ютуқларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда.

Таълимда ёшларни билим, кўникма, малакалар билан қуроқлаштириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш ва билимларни текшириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради.¹

Албатта таълим тизимини самарали бўлиши педагогларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Педагог биринчи галда ўз касбини сезиши, ҳурмат қилиши, талабага катта қизиқиш ва меҳр билан қараши, жамият олдидаги ўзининг кагта масъулиятини ҳис қила олиши шарт. Педагог ҳар бир ўқувчи-талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим

¹ Педагогика профессионального образования. Под ред. В. А. Сластенина. – Москва, "Академия", 2005, с. 37-48.

усуллари, воситалари ва шакллари мукамал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хулосалар чиқара олиши керак.

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўргатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва ўқувчи-талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади. Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Ўқувчи-талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, ўқувчи-талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадидлар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради. Ўқиш ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки ўқувчи-талабага номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият, билим кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнидир.

Билим ва кўникмаларни таркиб топтириш нақадар зарур бўлсада, ҳозирги дидактика ана шу соҳа билангина чекланиб қолмайди.

Эндиликда ўқувчи-талабаларни камол топтиришда керакли натижалар берадиган ўқиш жараёнининг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Ўқувчи ва талабаларнинг камол топиши таълим-тарбия жараёнида амалга ошиши сабабли билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижани беради. Аммо вазифа фақат қандайдир натижаларга эришиш эмас, балки ўқувчи-талабаларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори сифат-самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса ўқув жараёнининг янги тузилишини ишлаб чиқиш керак. Мана шундай муҳим масаланинг кўриб чиқилиши таълим муассасасидаги таълим-тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур

вазифани амалга ошириш зарурий илмий асосларни яратиш соҳаси бўлган дидактика, яъни **таълим-тарбия назариясига** тааллуқлидир.

Ўқитиш назарияси билимлар, маълумотлар ва далилларнинг катта захирасига эга, уларнинг бир қисми тизимлаштирилган, бир қисми мажму ёндашув тамойили асосида тартибга солинган.

Ўқитиш жараёнининг ички тузилишининг таркибий қисмлари — мақсадли рағбатлантириш, мазмунли ўқитишнинг шакл ва услубларининг ажратилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Педагогик ечимларнинг танлаш назариясини ишлаб чиқишнинг методологик асоси — ўқитиш жараёнида мавжуд барча қонуниятларни ҳисобга олиш билан мунтазам алоқада бўлади. Бошқача айтганда, ўқитиш жараёнининг мавжуд ҳамма қонуниятларини биргаликда ҳисобга олиш билангина таълим масалаларини тўғри ҳал қилиш мумкин.

Ўқитиш қоидадагидек бўлиши учун ҳар бир ўқувчи-талаба билимларни ўзининг ҳақиқий ўқиш имкониятларига мувофиқ даражада ўзлаштириши ва тарбияланиши керак бўлади.

Ўқитиш рисоладагидек бўлиши учун ўқувчи-талаба ва педагогларнинг аудитория ҳамда уйда мустақил бажариладиган топшириқлар вақтининг ўзлари учун гигиеник ва физиологик жиҳатдан белгиланган нормаларга эга бўлиши керак.

Режалаштиришни оптималлаштиришнинг асосий йўллари ўқитишнинг вазифаларини, таълим бериш, тарбиялаш билан биргаликда лойиҳалашга мажму ёндошиш ҳамда ўқитиш вазифаларини у амалга оширадиган тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайянлаштиришдир.

Педагогик жараёни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: *ўқитиш мазмунининг қўйилган вазифаларини онг муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган ўзига мос вариантини танлаш; ўқитишнинг қўйилган вазифаларни белгиланган вақт ичида муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган усуллари ва услубларини танлаш; масалаларни муваффақиятли ҳал қилишни, шу жумладан, ўқувчи-талабаларга табақали ёндашишни таъминлайдиган ташкилий шакллари танлаш.*

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жиҳатлари – таълим мазмунини бошқатдан ишлаб чиқиш, муаммоли камол топтирувчи ўқитиш, ўқувчи-талабаларнинг ўқишини янада фаоллаштириш,

янги ўқитиш усулларини яратиш, ўқув материални ташкил қилиш ва уни структуралаштириш каби муаммолар жадал ўрганилмоқда.

Таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясида қуйидаги қоидалар талқин қилинган:

– таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлари, шу жумладан: табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибаси, инсоннинг муносабатлари, бошқариш фаолияти, ҳудудий ва ҳаёти ифодаланиши лозим;

– таълимнинг мазмуни умумий, политехник ва касбкорлик компонентларининг бирлигини акс эттириши керак;

– таълим мазмуни муайян ёшга қаратилган бўлади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади;

– таълим мазмунидаги ажратилган тўрт компонент хажми ва мазмунига кўра ўзаро айнан мувофиқ бўлиши керак.

Таълим назариясидан муаммоли ўқитишни жорий этиш, шунингдек, ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш йўллари излаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Муаммоли ўқитишнинг таълим назариясида ишлаб чиқилган асосий ғояларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

– таълимий билишни илмий билишга мувофиқ моделлаштириш ғояси, яъни муаммоли вазиятни вужудга келтириш — гипотезани олға суриш — гипотезани концепцияга айланттириш — концепцияни ҳал қилиш — уни тасдиқлаш ёки рад этишдек зарур ҳалқаларни ўз ичига олган;

– ўқувчи-талабаларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларда тадқиқотчиликка оид ижодкорлик ва изланувчанлик кўникма ва малакаларни тарбиялаш ғояси;

– муаммоли ўқитиш назариясида қатор қонуниятлар ифодаланади ва тажриба йўли билан асосланадики, улардан муаммоли дарс ўтиш билан муаммоли ўргатишнинг бирлиги ва бир-бирини тақазо этиши, талабаларнинг тайёрлик даражаси билан муаммоли ўргатиш даражасининг мувофиқлиги каби қонуниятларни ажратиш мумкин.

Дидактикада ишлаб чиқилган ўқувчи-талабаларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш назарияси муаммоли ўқитиш назариясига жуда яқин.

Фаоллик назариясининг асосий ғояси ҳам махсус ташкил этилган таълим муҳитида ўқувчи-талабаларнинг фаоллигини тобора ошириб боришдан иборатдир.

Ишлаб чиқилган фаоллик назарияси ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва қўллаш (муаммоли ва репродуктив) усулларини ўрганиш бўйича ташкил этиладиган ўзини-ўзи бошқариладиган фаолликдан иборат.

Мазкур қонуниятлар асосида муҳим аҳамиятга молик назарий қоидалар, фаоллаштириш воситалари мажмуи, таълимнинг мазмуни, ўқитишнинг шакл ва услублари мақсадга мувофиқ ўз-ўзини бошқарадиган жараён сифатида ташкил қилишни таъминлаши учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

— таълимнинг ҳамма босқичларида ўқувчи-талабаларда ўқитишнинг ички мотивларини қўзғатиш ва ривожлантириш;

— ўқувчи-талабаларнинг ўз олдларига тегишли мақсадларни қўйиш ва келгусидаги фаолиятларини режалаштиришга рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

— ўқувчи-талабаларда ахборотларни қайта ишлашга доир таълимий ва ақлий кўникмаларнинг шаклланишини таъминлаш;

— ўқувчи-талабаларнинг ўрганиш-билиш мақсадларига эришиш учун жисмоний, ахлоқий ва ирода кучларини ошириш;

— таълим-тарбия жараёнида назорат ва ўз-ўзини бошқариш орқали ўқувчи-талабалар ўзларининг ўқув-билиш фаоллигини баҳолашини таъминлаш. Шу қоидаларга риоя қилинса, таълим-тарбия сифат-самарадорлиги янада ошади.

Таълим-тарбия жамиятнинг иктисодий, ижтимоий даражаси ва маданияти, унинг сиёсий ва мафкуравий тузилиши мазмунини белгилайдиган масалаларни ҳал қилади. Шунинг учун оиладаги ёки жамоадаги, таълим-тарбия муассасаларидаги, ишлаб чиқаришдаги мақсадга мувофиқ ёки тасодиқий тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий бўлади, чунки ҳар қандай тарбия ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади ва шахснинг ижтимоий моҳиятини оширишга йўналтирилган бўлади.

“Ижтимоий тарбия” иборасидан анча тор маънода шахсга таъсир кўрсатишнинг махсус тузилган ижтимоий институтларда амалга ошириладиган, оиладаги ва яқин атроф-муҳитдаги тарбиядан фарқли жараёни ифодалаш учун фойдаланилади.

“Таълим ва тарбия” тушунчасининг қайси бири кенгрок маънога эга эканлиги хусусидаги баҳс самарасиздир, чунки ҳамма

гап уларнинг қайси мақсадда қўлланишидадир. Адабиётларда кўп учрайдиган «таълим» ва «тарбия» сузларини педагогик жараённинг карама-қарши томонларини ифодалаш учун қўлланиши унчалик тўғри эмас. *Бинобарин, таълим билим беришнинг мақсадга мувофиқ жараёни сифатида доимо муайян шахсларни тарбиялашни ўз ичига олади. Тарбиянинг йўналиши эса, ҳатто, таълимнинг мазмуни ва савияси билан расман бир хил бўлса ҳам принцип жиҳатдан турличадир.*

Таълим-тарбия муассасаларида амалга ошириладиган чуқур педагогик жараён сифатидаги тарбия ҳақида гапириш унинг фақат бир томонини – касбий жиҳатини кўрсатишни билдиради.

Тарбия ҳамма вақт халқ орасидаги ҳодиса, ижтимоий ҳаётнинг доимий категорияси ҳисобланган. Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ йўсинда шакллантириш, унда фазилатларни таркиб топтириш жараёнидир. Тарбия тарбияни амалга оширувчилар кутадиган натижа мавжудлигини талаб қилади. У икки турдаги фаолиятни, яъни *шаклланувчи ва шакллантирувчи фаолиятни* тақазо этади. Бажарувчилар тарбиянинг ташкилотчилари, шаклланувчи фаолиятни бажарувчилар эса тарбиянинг ёлғиз ёки жамоавий объектлари ҳисобланади.

Тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари унинг икки томони – объект ва субъект жиҳатлари мавжудлигидир. Унинг шакллантирувчи фаолиятларини бажарувчилар ўзлари хоҳласа-хоҳламаса тарбиянинг объекти эканлигида кўринади. Юқорида таъкидланганидек, объектив шаклланувчи ва шакллантирувчи фаолиятлар ҳамда уларнинг элементлари ўртасида, шунингдек, ҳар бир фаолиятнинг элементлари ўртасида ички объектив боғланиш ва муносабатлар мавжудлигида намоён бўлади.

Шакллантирувчи ва шаклланувчи фаолиятнинг субъектив томони у ёки бу фаолиятни бажарувчилар — субъектлар ҳисобланади ва тарбиянинг натижалари уларнинг ички ҳолатига, эгаллаган шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ҳамда қобилиятларига боғлиқ бўлади.

Тарбия баъзан тўпланган билимларни, фаолият тажрибаларини ёш авлудга беришнинг йўли сифатида, баъзан эришилган маънавий маданиятни қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг омили сифатида, баъзан ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида таърифланади.

Тарбиянинг мақсади – унинг қўзланган натижасидир. У жамият ривожланишининг эҳтиёжларини ўзида акс эттиради ва жамоатчилик ҳамда давлат хужжатларида ифодаланади, педагогик таълимотлар ва назарияларда муайянлаштирилади ҳамда батафсил ёритилади.

Тарбиянинг мақсади – шахсни ҳар томонлама ва уйғун камол топтириш, унинг маънавий, ахлоқий-эстетик кадриятларини шакллантириш, юксак даражада уюшган ва шаклланган жамоаларни вужудга келтиришдир. Тарбиянинг мақсадларини охириги ва оралик, умумий ва муайян, асосий ва йўл-йўлакай мақсадларга таснифлаш мумкин. Мақсад билан бир қаторда, ҳал қилиниши мақсадга эришишни таъминлайдиган вазифалар ҳам туради.

«Шахсни шакллантириш ва камол топтириш» тушунчаси – шахсни ўсиши, қандайдир янги хусусият ва фазилатларга эга бўлиши жараёнидир. «Шакллантириш» тушунчаси «тарбиялаш» тушунчасига нисбатан кенгроқ бўлиб, у шахс ва жамоанинг таркиб топишига таъсир кўрсатадиган ҳамма нарсани, шу жумладан, мақсадга мувофиқ жараёнларни ҳам, мақсадга номувофиқ жараёнларни ҳам ўз ичига олади. «Шакллантириш» ва «тарбиялаш» тушунчалари жиддий чегараланса, инсонни табиат ҳодисалари тарбиялайди, деб бўлмайди. Инсонни фақат кишилар тарбиялайди, табиат ҳодисалари шахсни шакллантириши мумкин, аммо уни тарбиялай олмайди.

Шахс ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, тарбия омили, ижтимоий ишлаб чиқариш, маданий, психологик омиллардан иборат ички омилларнинг таъсири натижасида шаклланади.

Шахс шаклланишининг асоси унинг фаолияти бўлиб, бу фаолият доимо ўзини вужудга келтирган ёки ташкил этган шахсга нисбатан шаклланувчи бўлади.

Жамоанинг шаклланиши ҳам ташқи омиллар – ижтимоий муносабатлар, тарбия воситалари ва ижтимоий муҳит ҳамда ижтимоий муносабатлар таъсири натижасида амалга ошади.

Тарбиялаш сингари шакллантиришда ҳам доимо шахсни ва жамоани такомиллаштириш назарда тутилади.

«Такомиллаштиришув» – карама-қаршиликларнинг бирлиги ва курашини тақазо этади, ана шу бирлик ҳамда кураш натижасида рўй берадиган кучланиш, уз-ҳаракатланишини келтириб чиқаради.

Шахс ва жамоа такомиллашувининг самараси уларнинг ҳолатидаги сифат ўзгаришида намоён бўлади.

Шахс такомиллашувининг манбаи эҳтиёжлар ва уларни қондириш йўллари орасидаги зиддиятлардир. Жамоа такомиллашувининг манбаи ҳам зиддиятлар ҳисобланади. Психологлар жуда кўп зиддиятларни, шу жумладан, шахслар ва жамоаларнинг манфаатлари ўртасидаги, раҳбарларнинг жамоага қўядиган талаблари билан жамоанинг ана шу талабларини бажариш орасидаги зиддиятларни аниқлаганлар. Ана шу зиддиятлар ҳал қилинганда ривожланиш, такомиллашиш содир бўлади.

«Ўқитиш» ва «ўқиш» тушунчалари. Ўқиш сўзини дидактиклар ва психологлар илгаридан, ҳозир ҳам турлича шарҳлайдилар. Ўқиш мақсад, мазмун ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ёрдамида ўқувчи-талабалар маълум билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадilar, ўқиш ўқувчи-талабанинг фаоллиги натижасида ривожланади, характер касб этади, у турли шаклларда (меҳнат, жамоатчилик фаолияти, китобхонлик, ўйин ва ҳаказо тариқасида) амалга ошиши мумкин, билишга таянади ҳамда индивидуал тажрибага шахснинг ҳулқида ўзгаришни вужудга келтиради.

Ана шу тушунтиришлардан кейин «ўқиш» деган тушунчанинг таърифини келтириш мумкин. Биз ўқиш деганда ўқувчи-талабалар воқеликни бевосита ва билвосита билиш давомида маълум билимлар, кўникмалар ва малакалар режали ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ жараёнини тушунамиз. Бунда ўқиш жараёни маълум даражада кучли мотивлаштиришдан вужудга келади ва унинг натижаси шахсни карашлари, эътиқод, хатти-ҳаракатлари, умумий камолотига, қисқаси, унинг ҳулқида таъсир кўрсатадиган мавжуд билимлар ва кўникмалар захирасининг ортишида намоён бўлади, деб биламиз.

Ўқиш ибораси тасодифий жараён маъносида ҳам, ўқиш жараёнига мунгазам, режали ва бевосита раҳбарлик қилиш маъносида ҳам қўлланилади. Ана шу иккинчи маънодаги ўқиш жараёни нисбатан узок вақт, баъзан кўп йиллар мобайнида ўқитиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунини ҳисобга олиб мазкур иккала жараённи кўпинча умумий ном билан таърифлаймиз ва ўқитиш-ўқиш жараёнларини таълим жараёни, деймиз. Бу жараёнда фақат ўқиш билан ўқувчи-талабалар маълум миқдордаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга ёрдам бера-

диган шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ ҳаракатлар эмас, балки ана шу шароитлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш элементлари ҳам намоён бўлиб, улар бир бутунни ҳосил қилдилар.

7-шакл



Педагог ўқувчи-талабалар ишининг боришини кузатиш ва улар эришган натижаларни баҳолаш асосида ўзининг кўрсатмалари, йўналтирувчи саволлари, тегишли тушунтиришлари ва ҳоказолар билан ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолияти жараёнига тузатишлар киритади. Шунга кўра таълим биринчидан ўқишни, иккинчидан ўқитишни, яъни ўқишни ва шу билан бирга уни назорат қилиш ҳамда тузатиш тадбирларини ўз ичига олади, дейиш мумкин.

Ўқитиш гоёта мураккаб иш, бунинг далили сифатида шуни айтиш жоизки, педагогнинг таълим жараёнидаги раҳбарлик ролини таъминлашга уриниши ва ҳаракатларини сақлашга интилиши ўртасидаги таълимга хос диалектик зиддият аслида юксалишнинг манбаидир. Шунингдек, ўқитишда деярли ҳамма вақт унинг тарбиявий жиҳатлари яққол билиниб туради.

Хулоса қилиб айтганда, таълим мақсад, мазмун, ўқитувчининг шахси, ўқувчи-талабалардаги дастлабки билимларнинг характери, ўқитишнинг методик-техник базаси ва бошқа омиллар билан белгиланади.

3.2. ДИДАКТИКАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ (КАТЕГОРИЯЛАРИ)

Ўқитиш назарияси билимлар, маълумотлар ва далилларнинг катта захирасига эга, уларнинг бир қисми тизимлаштирилган, тартибга солинган.

Ўқитиш жараёнининг структуравий компонентлари – мақсадли рағбатлантириш – мотивлаштириш мазмуни, ҳаракати, ўқитишнинг шакл ва методларининг ажратилиши алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу компонентларнинг ажратилгани ўқитувчи билан ўқувчи-талабаларнинг биргаликдаги фаолияти қонуниятларининг табиатини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Педагогик ечимларни танлаш назариясини ишлаб чиқишнинг методологик асоси – ўқитиш жараёнининг мавжуд барча қонуниятларини ҳисобга олиш фикри билан мунтазам алоқада бўлади. Бошқача айтганда ўқитиш жараёнининг мавжуд ҳамма қонуниятларини, албатта, комплекс ҳолда ҳисобга олиш билангина таълим муассасаларини бошқаришни тўғри ҳал қилиш мумкин.

Педагогик ва психологик шарт-шароитларни аниқлаш асосида ўқитишнинг оптималлиги мезонларининг асослари таркиб топтирилган ва уларнинг энг аҳамиятлилари қуйидагилардан иборат:

– ўқитиш оптимал бўлиши учун ҳар бир ўқувчи-талаба ўзининг ҳуқуқий ўқиш имкониятларига мувофиқ даражада ўзлаштириши, тарбияланиши ва камол топиши шарт;

– ўқитиш оптимал бўлиши учун ўқувчи-талабалар ва ўқитувчилар дарсдаги синфдан ёки аудиториядан ташқари

бажариладиган ишлар вақтининг узлари учун гигиеник жиҳатдан белгиланган нормасига эга бўлиши керак.

Режалаштиришни оптималлаштиришнинг асосий йўллари ўқитишнинг вазифаларини таълим бериш, тарбиялаш ва камол топтириш билан биргаликда лойиҳалашга комплекс ёндашиш ҳамда ўқитиш вазифаларини у амалга ошадиган тизимнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайянлаштиришдир.

Ишни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: – ўқитиш мазмунининг қўйилган вазифаларини энг муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган оптимал вариантини танлаш;

– ўқитиш жараёнида қўйилган вазифаларни белгиланган вақт ичида муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган метод ва воситаларни танлаш, ўқувчи-талабаларга табақали ёндашишни таъминлайдиган ташкилий шаклларини танлаш.

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жиҳатлари, масалан, таълимнинг мазмунини ишлаб чиқиш ва танлаш, муаммоли – камол топтирувчи ўқитиш, ўқувчи-талабаларнинг ўқишини фаоллаштириш, ўқитиш методлари ва уларнинг таркибий қисмлари: ўқувчи-талабалар ўқув билим фаолиятининг методлари, ўқув материалини ташкил қилиш, структуралаштириш ва ҳаказолар жадал ўрганилмоқда.

Таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясида қуйидаги муҳим қоидалар талқин қилинган:

– таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлари, шу жумладан, табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибаси, инсоннинг муносабатлари, бошқариш фаолияти, ҳуқуқи ва ҳаёти ифодаланиши лозим;

– таълимнинг мазмуни умумий, политехник ва касбкорлик компонентларининг бирлигини акс эттириши керак;

– таълимнинг мазмуни ўқувчи-талабаларнинг ёшидан ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади;

– таълимнинг мазмунидаги ажратилган тўрт компонент ҳажми ва мазмуни бўйича узаро айнан мувофиқ бўлиши керак.

Таълим мазмуни ривожланишининг ҳозирги босқичдаги таълимни компьютерлаштириш масаласи гоёт муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчи-талабаларни замонавий ҳисоблаш техникасидан фойдаланишга доир билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, ўқув жараёнида компьютерларнинг кенг қўлланишини

таъминлаш жамиятда бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Мана шу вазифани амалга ошириш юзасидан педагогика фанида барча таълим тизимига электрон ҳисоблаш микропроцессор техникасини татбиқ этишнинг иккита асосий йўналиши ишлаб чиқилмоқда.

Буларнинг биринчиси – таълим муассасасидаги таълимнинг мазмунига ўқувчи-талабалар тайёргарлигининг компоненти сифатида дастурлаштириш асосларини ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш; иккинчиси – таълим муассасасида электрон ҳисоблаш машиналаридан таълимнинг воситаси сифатида фойдаланишдир.

Педагогика фани таълим муассасасининг ЭҲМлардан фойдаланишдаги тажрибаларини ўрганиши ва умумлаштириши: ялпи компьютер саводхонлигига жавоб берадиган ягона дастурлаштириш курсини яратиш; дастурлашни ўргатиш бошланадиган муддатни ва курснинг ҳажмини белгилаши, таълим муассасасида ўрганиладиган алгоритм тилини танлаш, таълимни машина базасидан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиши ва бошқа вазифаларни адо этиши керак.

Таълим назариясига муаммоли – камол топтирувчи ўқитишни жорий этиш, шунингдек, ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш йўллариини излаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Муаммоли – камол топтирувчи ўқитишнинг педагогик назариясида ишлаб чиқилган асосий ғояларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

– таълимий билишни илмий билишга мувофиқ моделлаштириш ғояси, яъни муаммоли вазиятни вужудга келтириш:

– фаразни олға суриш – фаразни асослаш – фаразни ҳал қилиш – уни тасдиқлаш ёки рад этишдек зарур бўғинларни ўз ичига олган муаммоли ўқитиш;

– ўқувчи-талабаларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларда тадқиқотчилик йўсинидаги кўника ва малакаларини ўстириш ғояси.

Муаммоли ўқитиш назариясида қатор қонуниятлар ифодалангани ва эксперимент йўли билан асослангани, улардан муаммоли дарс ўтиш билан муаммоли ўргатишнинг бирлиги ва бир-бирини тақазо этиши, ўқувчи-талабаларнинг тайёрлиги даражаси билан муаммоли ўргатиш даражасининг мувофиқлиги каби қонуниятларни ажратиш мумкин.

Дидактикада ишлаб чиқилган ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш назарияси муаммоли – камол топтирувчи ўқитиш назариясига жуда яқиндир.

Фаоллик назариясининг асосий гоёси ҳам махсус ташкил этилган таълим муҳотида (ўқитишнинг мазмуни, шакллари ва методлари билан) ўқувчи-талабаларнинг фаоллигини тобора ошириб боришдан иборатдир.

Ишлаб чиқилган фаоллик назарияси ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва қўллашнинг (муаммоли ва репродуктив) усулларини ўрганиш бўйича ташкил этиладиган ўзини-ўзи бошқарадиган фаолликдан иборатдир.

Мазкур қонуниятлар асосида амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик назарий қоидаларни ифодалаш мумкин.

Фаоллаштириш воситалари тизими, таълимнинг мазмуни, ўқитишнинг шакл ва методлари ўқитишнинг асосланган, мақсадга мувофиқ ўз-ўзини бошқарадиган жараён сифатида ташкил қилишни таъминлаш учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

– таълимнинг ҳамма босқичларида ўқувчи-талабаларда ўқитишнинг ички мотивларини қўзғатиш ва ривожлантириш;

– ўқувчи-талабаларда ўз олдларига муайян мақсадларни қўйиш ва келгусидаги фаолиятларини режалаштиришга рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш,

– ўқувчи-талабаларда ахборотларни қайта ишлашга доир таълимий ва ақлий кўникмаларнинг шаклланишини таъминлаш;

– ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билиш мақсадларига эришиш учун жисмоний ва ахлоқий, иродавий кучларини ошириш;

– таълим жараёнида назорат ва ўз-ўзини бошқариш орқали ўқувчи-талабаларнинг ўз ўқув-билиш фаолиятини баҳолашни таъминлаш. Шу қоидаларга риоя қилинса, таълим сифат-самарадорлиги янада ортади.

Таълим жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий даражаси ва маданияти, унинг сиёсий ва мафкуравий структураси мазмунини белгилайдиган масалаларни ҳал қилади. Шунинг учун оиладаги ёки жамоадаги таълим муассасасидаги, ишлаб чиқаришдаги, мақсадга мувофиқ ёки тасодифий тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий бўлади, чунки ҳар қандай тарбия ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади.

Инсон туғилган пайтидан бошлаб у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансуб бўлиб, меҳнат алоқаларининг маълум тизимида тегишли юридик ҳуқуқлардан фойдаланади. Жамиятдаги ўзаро муносабатлар мажмуининг мазмуни ва характери шахс камол топишининг умумий йўналишини ҳал қилувчи йўсинда белгилайди. Ота-оналар ва педагоглар тарбия методларида ўзига хос ўрин тутадилар ҳам, уларнинг мақсадларини, истакларини ва интилишларини пировард натижада жамият белгилайди, унинг у ёки бу ижтимоий гуруҳлари, ҳаётнинг умумий шароитлари, унинг манфаатлари ва идеаллари белгилайди.

“Ижтимоий тарбия” иборасидан анча тор маънода шахсга таъсир кўрсатишнинг махсус тузилган ижтимоий институтларда амалга ошириладиган, оиладаги ва яқин атроф-муҳитдаги тарбиядан фарқли жараёнини ифодалаш учун фойдаланилади.

Дидактиканинг асосий таълим ва тарбия (категорияси) тушунчасининг қайси бири кенгроқ маънога эга эканлиги хусусидаги баҳс самарасиздир, чунки ҳамма гап уларнинг қайси мақсадда қўлланишидадир. Адабиётларда кўп учрайдиган таълим ва тарбия атамаларини педагогик жараёнинг қарама-қарши томонларини ифодалаш учун қўлланиши унчалик тўғри эмас. Бинобарин, таълим – билим беришнинг мақсадга мувофиқ жараёни сифатида доимо муайян шахсларни тарбиялашни ўз ичига олади. Тарбиянинг йўналиши эса, ҳатто таълимнинг мазмуни ва савияси билан расман бир хил бўлса ҳам принцип жиҳатдан турлича:

- касбий жиҳатни кўрсатишни билдиради;
- инсонпарвар-демократик ёки тоталитар бўлиши мумкин.

Таълим-тарбия муассасаларида амалга ошириладиган чуқур педагогик жараён сифатидаги тарбия ҳақида гапириш унинг фақат бир томонини касбий жиҳатини кўрсатишни билдиради.

Тарбия ҳамма вақт халқ орасидаги ҳодиса, ижтимоий ҳаётнинг доимий тушунчаси (категорияси) ҳисобланган. Тарбиянинг ижтимоий табиатини англаш давлат ва халқ тарбияси, жамият ва шахс тарбияси ўртасидаги мақсадга мувофиқ ва тасодифий тарбия ўртасидаги тафовутни, тарбиявий таъсир объектининг ғоят мураккаб тугунини билиш имконини беради.

Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ йўсинда шакллантириш, унда фазилатларни таркиб топтириш жараёнидир. Тарбия – тарбияни амалга оширувчилар кутадиган натижа мавжудлигини талаб қилади. У икки турдаги фаолиятни, яъни шаклланувчи ва

шакллантирувчи фаолиятни бажарувчилар тарбиянинг ташкилотчилари, шаклланувчи фаолиятни бажарувчилар эса тарбиянинг ёлғиз ёки жамоавий объектлари ҳисобланади.

Тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари унинг икки томони-объектив ва субъектив жиҳатлари мавжудлигидир. Унинг шакллантирувчи фаолиятларини бажарувчилар ўзлари хоҳласа-хоҳламаса тарбиянинг объекти эканлигида кўринади. Юқорида таъкидланганидек, объектив шаклланувчи ва шакллантирувчи фаолиятлар ҳамда уларнинг элементлари ўртасида, шунингдек, ҳар бир фаолиятнинг элементлари ўртасида ички объектив боғланиш ва муносабатлар мавжудлигида намоён бўлади.

Шакллантирувчи ва шаклланувчи фаолиятнинг субъектив томони у ёки бу фаолиятни бажарувчилар — субъектлар ҳисобланади ва тарбиянинг натижалари уларнинг ички ҳолатига, эгаллаган шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ҳамда қобилиятларига боғлиқ бўлади.

Тарбия баъзан тўпланган билимларни, фаолият тажрибаларини ёш авлодга беришнинг йўли сифатида, баъзан эришилган маънавий маданиятни қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг омили сифатида ва баъзан ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида таърифланади.

Тарбиянинг мақсади унинг кўзланган натижасидир. У жамият ривожланишининг эҳтиёжларини ўзида акс эттиради ва жамоатчилик ҳамда давлат ҳужжатларида ифодаланади, педагогик таълимотлар ва назарияларда муайянлаштирилади ҳамда батафсил ёритилади. Синфий жамиятда тарбиянинг мақсади ҳукмрон синфлар томонидан белгиланади ва баён қилинади. Масалан, кулдорлик даврида – тарбиянинг мақсади қулларни бўйсундириш ва бостириб туришга лаёқатли жангчилар ҳамда лашкарбошиларни; феодализм даврида феодал рицарлар; буржуазия даврида иш-билармонлар ва бизнесменларни тайёрлашдан иборат бўлган.

Ҳозирги кунда эса тарбиянинг мақсади - шахсни ҳар томонлама ва уйғун камол топтириш, унинг маънавий ахлоқий-эстетик қадриятларини шакллантириш, юксак даражада уюшган ва шаклланган жамоаларни вужудга келтиришдир. Тарбиянинг мақсадларини охирги ва оралиқ, умумий ва муайян, асосий ва йўл-йўлакай мақсадларга таснифлаш мумкин. Мақсад билан бир қаторда, ҳал қилиниши мақсадга эришишни таъминлайдиган вазифалар ҳам туради. Масалан, тарбиянинг умумий мақсадини

руёбга чиқариш, яъни шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун ақлий, ахлоқий, ғоявий-сиёсий, эстетик, меҳнат ва жисмоний тарбия вазифаларини амалга ошириш зарур.¹

3.3. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Билим жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи-талабалар билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тулиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билимгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда ҳиссий идрок этиш ҳам, абстракт яъни мавҳум тафаккур ҳам, амалда синаб куриш ҳам бўлади.

Муайян фан ва ҳодисалар объектив дунёни билиш жараёнидан ўрганилади ва уларнинг ташқи, ички моҳиятини ўзлаштириш жараёнида омиллар аниқланади. Мушоҳада, тасаввур ва абстракт яъни мавҳум тафаккурга асосланиб фактлар умумлаштирилади ва илмий хулосалар чиқариш натижасида назариялар, қонунлар ва категориялар яратилади.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари тарихи жуда узоқдир. Шарк Уйғониш даврининг мутаффакир олимларидан бири **Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** (780-850) “Ал китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” асари билан билиш назариясига улкан ҳисса қўшди.

Ал-Хоразмий билим беришда ўқувчи-талабанинг шахсий кузатишларига ҳамда олган билимларидан фойдаланишига бунда у таълим олувчиларни, яъни билим изловчиларнинг тадқиқот манбаларини тўплаш, улардан фойдаланиш ва кузатишларини тушунтира олиш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишларига катта аҳамият беради.

Ал-Хоразмий билим беришнинг *қургазмали тажриба усуллари, савол-жавоб, кўникма ва малакаларни шакллантиришда билимларни синаш усулидан фойдаланган*

Ал-Хоразмий таълим жараёнида билимни сезгидан мантиқий тасаввур орқали фарқ қилишни таъкидлайди: *“Сезги орқали билим қисман билим бўлса, мантиқий билим эса ҳақиқий билимнинг муҳим томонини намоён этади.*

¹ R.Mavlonova, N.Voxidova, N.Rahmonqulova. Pedagogika nazariyasi va tarixi. Darslik. –Т.: «Fan va texnologiya» 2010, 60-65-betlar

Инсоннинг ҳулқ-атвори, хатти-ҳаракати мантиқий фикрлашга асослангандагина мукамал шаклланиши мумкин".¹

Демак, Ал-Хоразмий билимларни эгаллашда кўргазмали воситалардан фойдаланиш, таълимда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибага таяниш, савол-жавоб, баҳс каби таълим методларидан фойдаланган ҳолда ўқувчи-талабаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш малака ва кўникмаларни таркиб топтириш каби ақлий камолотга етказишга чорловчи гоёлари билан билиш назариясига муҳим ҳисса қўшди.

Абу Наср Форобий (973-910) ҳам билишда инсон ақл-тафаккурини ролига катта баҳо берди: *"Нарсалар биздан, ҳисларимиздан ташқари туриб, бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этади, таъсир этадиган нарсалар чексиздир. Инсон ўзининг ақлини, хаёлини ишга солади ва шулар воситасида билмаган нарсаларни билиб олади, уларга асосланиб билим манбаи бўлган олам ва унинг моҳияти ҳақида чуқурроқ, атрофлироқ билим ва маълумотга эга бўлади.*

... аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу – олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўргангач, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг умуман, шакли табиат-ўсдмлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади"². Олим фикрини давом эттириб шундай дейди: *"Киши билим ва тажриба орттирмасдан олдин жуда кўп нарсаларни назарга илмайди, билим эгаллаб, тажриба ҳосил қилгач ҳалиги нарсаларга қарагини ўзгартиради, аввал беҳуда деб ҳисобловчи нарсаларнинг заруратлигини ҳис этади, илгари эътиборини тортмаган нарса энди аксинча уни ҳайратга солади*"³.

Демак, Форобий билимнинг икки босқичи – ҳиссий билиш ва ақлий билим ҳақида фикр билдириб, ҳиссий билимнинг даражалари, келиб чиқиши, ривожланиши ҳақида шундай дейди: *"Инсон билимларни ақл ва сезиш орқали кўлга киритади... сезилувчи образлар ҳис этиш орқали, ақлий образлар эса сезилувчи образлар орқали билинади*".⁴

¹ С.Ҳасанов. Хоразм мавънавияти дарғалари – Т. "Адолат", 2001. 103-бет.

² Абу Наср Форобий. Рисоалар –Т.: "Фан", 1975.71,72-бетлар

³ Уша жойда, 76-бет.

⁴ Уша жойда, 79-бет

Форобийнинг билиш таълимоти, инсоннинг беш сезги аъзоси беш турли вазифани бажаришга мувофиқлашган бўлиб, улар ташқи муҳитдан олинган хабарларни бир ягона марказга тўплайди ва бу биринчи марказда барча хабарлар образлар умумлашади. Одам аъзоларининг юрак тана, тана ва унинг аъзоларини қон билан таъминлайди, қон юрак орқали бутун аъзоларга тарқалади. Иккинчи марказ – мия қон билан тирик бўлганлиги сабабли, юракка бўйсунди, лекин шу билан бирга у бутун аъзоларга раҳбарлик қилади, ўз буйруғига бўйсундиради, уларни маълум муътадилликда ушлаб туради.

Форобийнинг фикрича, биринчидан, инсондаги руҳий жараёнлар билан физиологик-анатомик жараёнлар руҳий аъзо билан боғлиқ, иккинчидан, юрак инсоннинг биологик ҳаётини, мия эса, руҳий-маънавий ҳаётини бошқариб туради.

Умуман, Форобий ўз асарларида *сезгилар ва ақлий билиш, тафаккур* каби жараёнларга жуда катта эътибор беради ва уларни бошқа руҳий жараёнлар – *хотира, тасаввур, диққат, ҳис-туйғу, ирода, қобилият*, – *малака ва кўникма* каби шахсий хислатларни билиш жараёни билан боғлиқ ҳолда талқин этади.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) дунёни билиш жараёнида билимларимизнинг манбаини сезги аъзоларимиз ва улар орқали қабул қилинган ҳиссий билимимиз ташкил этишини таъкидлайди: *“Агар сезги аъзоларимиз бўлмаганда олам ҳақида билимга эга бўлмаган булардик ва ундан ташқари олам ҳақида тасаввурга эга бўлмасдик”*¹. Олим *“Ҳиндистон”* асарида ўз фикрини давом эттириб: *“...фақатгина сезги органлари ёрдамида ўзлаштирилган билимлар турли хатоларга олиб келиши мумкин, шунинг учун доимо ақлнинг кучига суяниш зарур.*

*Агар инсон сезгилардан фикрлаш ва хулоса чиқариш ёрдамида фойдаланса, ана шу сезгилар орқали идрок қилинадиган нарсаларни урганишда жуда катта ютуқларга эришмоқ мумкин.*²

Беруний эшитишга нисбатан идрок қилиш ва эслаб қолишнинг афзаллигини таъкидлайди: *“Хабар кўзи билан кўрган-дандек бўлмайди”, деган кишининг сузи жуда тўғридир. Чунки куриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишидан иборатдир. Хабарга ёлгон-яшиқлар қўшмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган*

¹ С. Ҳасанов Хоразм маънавияти даргалари –Т.: “Адолат”, 2001, 108-бет.

² Абу Райҳон Беруний Танланган асарлар 2-жилд –Т.: “Фан” 1966. 9-бет.

булар эди. Чунки кўриш ва қараш пайти нарса бир вақтининг бир бўлаги билан чекланади. Хабар эса нарсанинг (қаровчига) кўринган вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради, ана шунинг учун хабар бор нарсалардан ҳам, йўқ нарсалардан ҳам дарак беради. Ёзиш хабар турларидан биридир”.¹

Беруний “Минералогия” асарида ташқи сезги органлари орқали рўй берадиган ҳиссиётни дастлабки билиш қобилияти деб ҳисоблайди ва ана шу масалага батафсил тўхталади: “Ташқи сезги органлари орқали рўй берадиган ҳиссиёт дастлабки билиш қобилиятидир. Ўзининг қўзғовчилари орқали вужудга келадиган ҳиссиёт кишига жуда ёмон кўрсатиш, ҳатто уни ҳалокатга олиб бориши мумкин. Ёруғлик кўришнинг қўзғовчиси бўлиб, у ҳаво орасидан жисмнинг шакли ва ташқи қиёфасини лекин асосан рангини ўтказиши. Ана шу белгилар ёрдамида предметларнинг миқдори ҳам аниқланади. Эшитишнинг қўзғовчиси товушлардир. Ҳаво уларни кишига етказиши. Ҳид билишни қўзғатувчи ҳидлар ҳаво орқали бурун тешиқларига боради...”² Шу тариқа Беруний назарий билим ҳиссий билишга асосланишини исботлар экан, агар сезги, ҳиссиёт бўлмаса, билим ҳам бўлмас эди, деган хулосага келади.

Берунийнинг ташқи олами билишда инсон асосан ақлга таянади ва ақл ҳодисаларнинг сир-синоатини англашга ёрдам беради. Инсон ақлга мувофиқ билиш орқали оламнинг моҳияти ҳақида билимларни ўзлаштиради. Лекин билимнинг чеки йўқ ва ҳамма билимларни бирдан инсон ўзи билиб олган нарсалар билан кифояланиб қолмай, доимо янги билимларни ўрганишга интилиши керак.

Абу Али ибн Сино (980-1037) “Донишнома” (“Билимлар китоби”) ва **“Ақсом ал-улум ақлийя”** (“Ақл-идрокка асосланган илмлар бўлимлари”) асарларида 29 та илм тармоғига таъриф бераркан, инсон ахлоқий хатти-харакатлари ва ҳулқ-атворининг негизи шахснинг ақли ҳамда билиш фаолиятига йўлловчи фикрий жиҳатлари турли илмларни эгаллаши билан бевосита боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди: “Ақл икки турлидир – ўзи билан биринчи сабаб орасида бирор восита бўлган ақл”.³ Бунда назарий ақл-идрок вазифаси (унинг воситаси билан ақл ета оладиган умумий тушунчаларни англади) ва амалий ақл-идрок эса назарий

¹ Уша жойда, 25-бет.

² Уша жойда, 9-бет.

³ С. Ҳасанов. Хоразм маънавияти дилгалари. –Т.: “Адолат”, 2001. 108-бет.

ақл-идрок хулосалар амалга оширишда намоён бўлади. Яъни шахс ахлоқий идрокдир.

Ибн Сино ўз асарларида шахснинг билиш фаолиятида ақл ва ақлий тарбиясининг табиий ва психологик асосларини аниқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳаёт, ҳаётий қувват уч шаклда: ўсимлик, ҳайвонот ва инсон шаклида намоён бўлади. Инсонда ҳар уч ҳаётий қувват ва инсонгагина хос бўлган ақлий қувват мавжуддир. Инсонда ташқи муҳит таъсирисиз, ақлий жараёнларнинг ўзи ҳам турли руҳий, ҳиссий туйғуларини келтириб чиқариши мумкин.

Олимнинг таъкидлашича, мантиқ, яъни тўғри фикр юритиш ақлдан тўғри фойдаланиш, хатолардан сақланиш қондасини ургатади, маълум билимлардан номаълум билимларга ўтиш йўлини кўрсатади. Шу боис у инсон ўз билимининг ҳақиқийлигини англаш учун мантиқдан хабардор бўлиш зарурлигини уқтиради. Умуман, ибн Синонинг билиш таълимоти асосида билимларни эгаллашда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак, деган ғоя ётади.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, Мусо-ал Хоразмий, ал-Киндий, ал-Форобий, Беруний, ибн Сино, Насриддин Тусий, ал-Чағминий ва бошқа мутафаккирларнинг дидактик таълимотларидаги мантиқий билишга оид фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўзининг назарий ва амалий аҳамиятини йўқотмаган.

Тажриба шуни кўрсатадики, таълим жараёнида билиш фаолияти икки босқичга – назария ва амалиётга бўлинади. Назария деб, тафаккурнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синалиб, қурилиб, маромига етган билимлар мажмуига айтилади. Назария ҳар хил шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, формула, график, рақам ва бошқалар. Назарияда ғоя шаклланади. Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш, тажриба ўзгартириш, яратиш булар амалиёт шаклларига киради.

Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг мураккаб жараёнларини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат қилади.

Илмий билишнинг вазифаси ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини очишдан иборат эмас,

балки бирор бир қонуннинг қай тариқа намоён бўлиш сабабларини кўрсатиб беришдан иборат.


Илмий омил илмий билишнинг элементи бўлиб кузатиш, тажриба асосида қўлга киритилади, омилга асосланмаган билимнинг илмий қиймати, амалий фаолият учун аҳамияти ҳам бўлмайди. Шунинг учун илмий билимнинг, фаннинг асосий мақсадида омиллар асосида ётган умумий боғланишларни, қонуниятларни топиш, уларнинг моҳиятини билишдадир.

Билиш сезишдан бошланади. Сезиш теварак-атрофдаги воқелик, нарса ва ҳодисаларни сезги органларимизга таъсир этувчи айрим сифатларнинг онгимизда акс этишидир. Сезгилар – олам ҳақидаги барча билимларимизнинг манбаидир. Аммо илмий асосда бўлишда, масалан, олим ёки ўқитувчининг билиши билан ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолияти ўртасида умумийлик бўлса ҳам, лекин улар бир-биридан фарқ қилади.


Назарий билим негизида ўқувчи-талабаларда амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш бир неча босқичларда амалга оширилиши мумкин. Бу босқичлар 8-шаклда кўрсатиб ўтилган.

Билиш фаолияти умумийлиги, тафаккурдан тежамли ва малакали фойдаланиш, мустақил фикрлаш таълимнинг ривожланишига таъсир этади. Ақлий тафаккурнинг ана шу сифатлари таълим жараёнида ривожлана бориб, билимни ўзлаштириш самарадорлигини оширишига кўмаклашади.

Назарий билим негизида амалий кўникма
ва малакаларни шакллантириш
босқичлари



Билим олиш даражалари



Билиш фаолиятининг таълим жараёни – маълумот мазмуни ҳамда унга оид фаолият усуллари, ўқувчи-талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириши учун ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг реал алоқалашуви, сабабиятли боғланиш, бир-бирига мувофиқлашуви асосида таълимнинг звенолар ва цикллар шаклда макон ва замонда ҳаракатланадиган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Буни қуйидагича тавсифлашимиз мумкин:

10-шакл

Таълим жараёни



БИЛИМ, КУНИКМА ВА МАЛАКА

БИЛИМ – инсоннинг ўқиш, кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш кабилар орқали олинган, ўзлаштирилган ва миёда сақланиб қолинган маълумотлар тўплами.

Куникма – ўзлаштирилган билимларни амалда машқ қилиш ва такрорлаш натижасида бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси.

Малака – ўзлаштирилган назарий билим ҳамда амалий куникмаларнинг автоматлашган ҳолда бажариладиган хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Таълим жараёнида фақат индуктив анализ, яъни айрим-айрим олинган билимларнинг умумлашган билимларга айланиши, ёки бошқача қилиб айтганда, осондан-қийинга, оддийдан мураккабга ўтиш принципига кечиши билан чекланмай, хусусий ўзига хосликларни дедуктив равишда ажратиб чиқариш жараёнини тўлиғича кўрсаткичлари билан биргаликда кўриш ҳоллари ҳам учрайди.

Ўқитувчилар амалга оширадиган таълим жараёнини икки томонлама тасаввур этиш мумкин. Биринчидан, дарё давомида ўқитувчи ахборот воситаси сифатида таълим шаклини амалга оширади. Иккинчидан, ўқувчи-талабаларнинг дарё пайтида ва дарсдан ташқарида амалга ошириладиган ўқув ишлари тарзида юз беради.

Таълим жараёни бевосита ўқитувчи раҳбарлигида мустақил амалга оширилганида, ўқувчи-талабалар ўқитувчи томонидан таҳлил этилган ўқув вазифаларини ҳал этиш тадбирларини бажарадилар. Ўқитувчининг доимий назорати остида ўқув фаолиятини вақти-вақти билан туғрилаб борадилар. Ўқитувчи раҳбарлигида ўқув фаолияти натижаларини таҳлил этадилар.

Демак, таълим жараёни ўзаро узвийликда булган қуйидаги асосий қисмларнинг мажмуидир:

Ўқитувчи-педагогнинг фаолияти	Ўқувчи-талабанинг фаолияти
<p>1. Ўқувчи-талабаларга таълим мақсади ва вазифасини тушунтириш.</p> <p>2. Ўқувчи-талабаларни янги билим (воқеа, ҳодиса, фан қонунлари) билан таништириш.</p> <p>3. Тушунишни, билим ва билишни эгаллаш жараёнларини бошқариш.</p> <p>4. Илмий қонун-қоидаларни англаш жараёнини бошқариш.</p> <p>5. Назариядан тажрибага ўтиш жараёнини бошқариш.</p> <p>6. Изланиш ва тадқиқотчилик фаолиятни ташкил этиш.</p> <p>7. Ўқитишдаги ўзгариш ва ўқувчи-талабалар ривожини текшириш, баҳолаш.</p>	<p>1. Урганишнинг ижобий асосларини ташкил этишда шахсий фаолият курсатиш.</p> <p>2. Янги билим, билишни эгаллаш.</p> <p>3. Таҳлил, хулоса, таққослаш, солиштириш, тартибга солиш.</p> <p>4. Қонун-қоидаларни англаш ва ўзаро алоқада бўлиш сабабларини билиш.</p> <p>5. Билиш ва кўникмаларни тартибга солиш.</p> <p>6. Юзага келган муаммоларни мустақил ҳал қилиш.</p> <p>7. Ютуқларни мустақил баҳолаш.</p>

Шу нуктаи назардан таълим жараёни ўз таркибига барча ўқув фанларини ва барча даражадаги ўқитиш фаолиятларини, барча таълим тизимларини қамраб олади.

Таълим жараёнида ўқитувчи:

— ўқувчи-талабаларнинг ўқув-англаш фаолиятини рағбатлантириш;

— илмий билим ва билишни эгаллаш, англаш фаолиятини ташкил қилиш;

— уларда фикрлаш, тушуниш ва назарий қобилиятни ривожлантириш;

— ўқишни билишларини, кўникма малакакаларини такомиллаштириш;

— уларда илмий дунёқарашни ва эстетик маданиятни ҳосил қилиш вазифаларини бажаради.

Таълимни ташкил қилишда ўқитувчи:

— ўқувчи-талабаларни ўқув машғулотиغا тайёрлайди;

— уларда янги материални эгаллаш эҳтиёжини шакллантиради;

— ўзлаштириладиган материал мазмунини аниқлайди;

- ўқув-англаш фаолиятни яратилади;
- бу фаолиятга ҳаяжонланиш, ижобий хусусият бахш этади;
- ўқувчи-талабалар фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;
- фаолият натижасини баҳолайди ва яқунлайди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, таълим жараёни ўқитувчининг раҳбарлик, таълим бериш фаолияти билан ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятлари чамбарчас боғланиб кетади. Агар ўқитувчи ўқув ҳаракатларини назорат қилиш билан бирга ўз фаолиятини ҳам тўғирлаб борса, ўқувчи-талабалар ҳам унинг таъсирида ўз ҳаракатларини тўғирлаб боришади. Фақат ўқитувчи-педагог билан ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятлари мана шундай уйғунлашгандагина таълим жараёни яқдил яхлит, бир бутун бўлиб ривожланади. Аксинча, агар ўқитувчи-педагог бутун вужуди билан фаолият кўрсатса-ю ўқувчи-талабаларни ўз ортидан эргаштира олмаса, таълим жараёнининг вазифалари амалга ошмай қолади.

12-шакл

Билиш жараёни тавсифи



Ўқитувчи – ўқувчи-талабаларнинг биргаликдаги ёки таълим олувчиларнинг мустақил ҳолатдаги ўқув фаолиятлари – билим жараёнининг асосини ташкил этади. Булардан ташқари, билимларни ўзлаштиришнинг ички жараёнлари ҳам мавжуддир. Шу нуқтаи назардан билиш, яъни ўзлаштириш жараёнининг педагогик-психологик тавсифини қуйидагича тасаввур этиш мумкин.

Қабул этиш (*эшитиш, сезиш, қўриш*) – ўқувчи-талабалар сезги органларига таъсир этадиган ҳодисалар ва жараёнларнинг шахс тафаккурида акс этишидир. Қабул этиш жараёнига қўриш, фикр юритиш, мулоҳаза қилиш билан бирга уларнинг аввалги тажрибалари ҳақида маълумотлар ҳам киради. Ўқувчи-талабалар қабул этиш жараёнида ўзининг аввалги билимлари, амалий тажрибаларига суянган ҳолда ҳодисаларнинг айрим ўзига хосликлари, белгилари, шакллари, шу билан бирга ўқитувчининг товуш асосидаги маълумоти ҳам қабул қилинади. Бу жараёнда педагогик, фаолият ўқувчи-талабаларда сезги майдонини кенгайтириш, ўқувчи-талабалар ҳаётий тажрибасига кенгроқ суяниши, кўргазмали қуроллардан мувофиқ фойдаланиш, оғзаки нутқини ниҳоятда драмалаштириб, шоирона иборали сўзлар ишлатиб ўзига ром қила олиш билан изоҳланади. Бундан ташқари ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабалар диққатини меҳр-муҳаббат билан қўллаб-қувватлаб туриши, янги куч-ғайратларини фаоллаштириши лозим.

Қабул этиш (эшитиш) ўрганилаётган материални тушунишга олиб келиши керак. **Тушуниш**, яъни билим эгаллаш айрим жараён ва ҳодисаларни ташкил қилувчи қисмлари ва уларнинг келиб чиқиши орасидаги боғлиқликнинг моҳиятини очишдан иборат. Изоҳланадиган ўқув материали тушунарли бўлиши учун ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабаларни ўз фикри ортидан эргаштира олиши, аниқ мантиқий баён этиши муҳимдир. Хусусан, у таълимни шундай қуриши керакки, ўқувчи-талабаларнинг ўзлари ашёвий далиллар, тажрибавий маълумотларни қиёслаб кўрсинлар, уларнинг сабабларини изоҳласинлар, мустақил хулосалар чиқарсинлар.

Тушунилган ўқув материали энди атрофлича **англаниши** керак. Маълумотни англаш тушунишдан кўра кўп қирралироқ, чуқурроқ ҳисобланади. **Англаш** давомида тушунилган билимлар бойитилади, ўзаро боғланишлар янада ойдинлашади, ўқувчи-талабанинг ўзига ишончи янада ортади. Англашнинг самарали амалга ошиши учун ўқитувчи-педагог ақлий фаолиятнинг ҳар турли усуллари, яъни *таҳлил, қиёслаш, муаммо қўйиш усуллари*дан

кенг фойдаланиши лозим. Уқувчи-талабалар суҳбатларга, тадқиқот ишларига ва тажрибалар ўтказишга жалб этилиши керак.

Билиш жараёнида *умумлаштириш* алоҳида урин тутади. Билим, иқтидор ва кўникмалар оддий элементлар бўлакчаларидан йигилиб мураккаб билимларга, мураккаб кўникма эса малакаларга айлана бошлайди. Соҳа бўйича умумлашган билимлар бўлғуси мутахассисларнинг малакали иш бажаришларида қўл келади. Шундай умумлашган билим, иқтидор ва кўникмаларга политехник (касб-хунарга оид билим) мисол бўла олади. Бундай умумлашган билим ва кўникмалар ишлаб чиқаришнинг умумий асослари, кенг тарқалган технологик жараёнлар, политехник малакалардан иборатдир. Умумлашган билимлар мутахассисга янги соҳани эгаллашда назарий билимларни амалда қўллаш имконини беради.

Ўзлаштирилган, умумлаштирилган билим бирон-бир муайян ҳаётий шароитларда қўлланиши керак. Тажриба амалиётда амалга оширилса, ўрганилаётган масаланинг амалий аҳамияти яққол намоён бўлади, билимларни *мустаҳкамлайди*, унинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Уқувчи-талабалар ўрганилаётган мавзунини англаб, кейин тушуниши ёки аксинча, олдин тушуниб кейин англаши мумкин. Ўзлаштиришнинг ҳар бир таркибий қисмлари: *умумлаштириш*, *мустаҳкамлаш* ва *қўллаш узаро* бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзлаштириш жараёнининг кетма-кетлиги дарс *репродуктив* тарзда, яъни таҳлил методи билан ўтказилганда намоён бўлади. Амалда ўқув материалини ўзлаштириш муаммоли ҳаётий масалаларни ҳал этишдан бошланиши мумкин. Уқувчи-талабаларга муаммо ёки назарий масала таклиф этилади. Уқув жараёнида назарий хулосаларни ҳаётда қўллаш, татбиқ этишдан назарий жиҳатдан тушунишга, англаш ва фикрлашга томон борилади. Таълим жараёнига шундай дедуктив ёндашиш ўқитиш муаммоли метод билан ўтказилганда самарали натижа беради.

Ўзлаштириш жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқув материалининг қанчалик асосланиши, ишончли далиллар билан тасдиқланишига боғлиқ. Уқув жараёнини ташкил этар экан, педагог ўқувчи-талабаларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаб, улар мавзу бўйича нималарга эътибор беришларини англашга ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси ўқувчи-талабаларга мазкур мавзунини фаол ўрганишга имкон беради, уларда ижодкорлик

кўникмасини шакллантиради. Ўқув жараёнида педагог талабчанлик ва рағбатлантиришнинг мақсадга мувофиқ меъёрини сақлаб туриши керак. Булардан ташқари, ўзлаштиришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчи-талабалар ҳиссиётининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Қувонч, қайғу, ваҳима, ҳайратланиш, ачиниш, хафагарчилик, раҳмдиллик, норозилик, нафратланиш ва бошқа ҳиссиёт кечинмалар ўқувчи-талабаларда ўқув жараёнининг боришига бевосита таъсир кўрсатади, уларни мулоқотга чорлайди.

Гуруҳ ўқувчи-талабаларининг ҳаммаси ҳам бир хилда таъсирланмайдилар. Шунинг учун ҳар бир ўқувчи-талабанинг индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Заиф, суст ўзлаштираётган ўқувчи-талабаларнинг ютуқлари ҳам бўлади. Иқтидорли ўқувчи-талабалар билан ишлашда ҳам ҳиссиётнинг аҳамияти катта. Иқтидорли ўқувчи-талабалар мураккаб масалаларни ечиш жараёнида кийинчиликларни бошидан ўтказишади. Шу билан бирга масала ечилганида чексиз қувонч туйғуси, масала ечилмаганида эса қайғу чекиш ҳолатлари юз беради. Иқтидорли ўқувчи-талабалар кўпинча худбинроқ бўлиб ўсишади. Уларда ўз ўртоқларига (гуруҳдошларига) нисбатан хайрихоҳлик кечинмаларини йўлга қўйиш жуда зарурдир.¹

Шундай қилиб, билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш учун *тадқиқий амалий ишларни бажариш методлардан* фойдаланиш зарур. Ижод, қўшиқ ва бошқа адабий шаклдаги топшириқларни бажариш эссе, иншо, баён ёзиш, тасвирлаш, мусиқий ижодиётдан фойдаланиш самарали натижалар беради.

Шундай қилиб, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг ўзаро билим фаолияти икки хил хислатга эга. Биринчи хислати – ўқувчи-талабалар шахсини руҳияти қонуниятлари ва унинг ижтимоий ривожиди ташкил топади. Иккинчи хислати – у ўқувчи-талабалар шахсининг билиш фаолиятини ўзгартиради. Таълим жараёнининг билиш фаолияти ўз мақсад, вазифа, мазмун, метод ва шаклларига эга. Белгиланган мақсад, мазмун ва дастур ўқитувчининг фаолияти орқали амалга оширилади. Ўқишни бошқариш кутилган натижани ҳосил қилади.

Ўқиш – ўқувчи-талабаларнинг фаолияти бўлиб, билим олувчилар ўқитувчи-педагогнинг ёрдамида таълим вазифаларини

¹ Б.Зиёмухаммадов, Ш Абдулласев | Педагогика. Дарслик –Т.: 2000, 83-90-бетлар

бажара-ди, инсониятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаларини узлаштира-дилар.

Барча турдаги билиш фаолияти уч босқичдан ташкил топади:

- мулжаллаш-асослаш,
- мулоқот-бажариш,
- фикрлаш- баҳолаш.

Шунга кўра, ўқувчи-талабаларнинг таълим жараёнидаги билиш фаолияти шу уч босқичдан ташкил топади, таълимнинг муҳим вазифаси ўқувчи-талабалар фаолиятидаги бу уч босқичнинг бирликда бўлишига эътибор беришдир.

Ўқитувчи ўқувчи-талабалар таълим оладиган таълим муассасасидаги шарт-шароитни асосли равишда ўрганиш, таълим-тарбия мақсади ва тўғри ифодалаш, уларни аниқлаш йўллари ва баҳолашга қўйилган талабларни қўйиши керак.

Мақсад куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- у аниқ белгиланган бўлиши;
 - белгилашга доир далиллар аниқ бўлиши;
 - натижалар маълум таълим муассасасига тегишли бўлиши.
- Мақсад даражаси умумий кўрсатма асосида белгиланади. Бу:
- жамият талаби;
 - таълим тизими вазифалари;
 - таълим муассасалари қўйган педагогик талаб, вазифалар асосида бўлади.

Замонавий педагогик технологияда таълимий мақсадни аниқлаш йўли, таълим таъсирининг йўналиши ва натижаси аниқланади.

Мақсадни қўйиш йўллари:

- таълимнинг ўқувчи-талабаларга таъсир этиш йўлларини ва яратилган шароитни аниқлаш;
- ўқувчи-талабаларда шакллантириладиган қобилият ва имкониятни аниқлаш;
- таълим жараёнида ўқувчи-талабалар эришадиган натижани аниқлаш.

Мақсадни белгилаш йўллари:

1. Мақсад ўрганиладиган матн мазмуни асосида аниқланади.

Масалан: “Таълим мақсадини ўрганиш”да.

2. Мақсад ўқитувчи фаолияти асосида аниқланади.

Масалан: “Ўқувчи-талабаларнинг таълим принциплари билан таништириш”да.

3. Мақсад ўқувчи-талабаларнинг ахлоқ-одоби, руҳияти ва шахсий ривожига асосида аниқланади.

Масалан: “Ўқувчи-талабаларда ифодали ўқиш қобилиятини ривожлантириш”да.

4. Мақсад: ўқувчи-талабаларнинг фаолияти асосида аниқланади.

Масалан: “Ўқувчи-талабанинг шахс сифатида шаклланишини тадқиқ этиш” (ўрганиш)да.

Замонавий педагогик технологияда тавсия этилган йўлнинг (усулнинг) моҳияти шундаки, мақсаднинг ўқувчи-талабалар фаолиятида ифодаланган таълим натижалари орқали шаклланишини таъминлайди.

13-шакл



Маълумки, энг қадимги даврда жамоа аъзолари ижтимоий ҳаётда орттирган тажрибалари асосида катталарнинг меҳнат фао-

лияти намунасида турли йўллар билан ёш авлодни тарбияладилар, таълим вазифаларини бажардилар.

Давр ўтиши билан инсоният ҳар бир шахс ижтимоий ҳаётда ўз ижодий фаолияти, табиий борлиқни ўзлаштиришда фаол иштирок этиши кераклигини англаб етди.

Ҳозирда ижтимоий ҳаёт ҳар бир шахс олдига кенг қамровли улуг вазифаларни куйиб, уларни амалга оширишни, натижаларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб этмоқда. Бу вазифалардан энг муҳими куйидагилар:

– ақлий ривожланиш вазифалари — ёшларда билим, билиш ва куникмаларни, яъни ақлий ривожланишни, мустақил фикрлашни, ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатишни ривожлантириш;

– руҳий (эмоционал) ривожланиш вазифалари – ёшларда санъат ва ташқи оламга эмоционал, эстетик муносабатни ривожлантириш;

– ахлоқий ривожланиш вазифалари – ёшларда ахлоқий фазилатларни, маънавий гўзалликни, масъуллик ҳиссини ривожлантириш;

– жисмоний ривожланиш вазифалари – ёшларда мустаҳкам, куч-қудратни ривожлантириш;

– шахсий ривожланиш вазифалари – таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир ўқувчи-талаба шахсида табиат инъом этган қадриятларни аниқаш ҳиссини ривожлантириш;

– маданий тарбия вазифалари – ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида бадиий маданиятни ривожлантириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш ва ижобий ҳал қилиш, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш — педагогик жараённинг мақсади.

Таълим мазмуни ва фанларни ўқитиш усулларини аниқлашда ҳар бир билимда ўзаро боғлиқ бўлган илмий, мантиқий педагогик-психологик хусусиятни ўқувчи-талабалар билиб олиши керак.

Таълим мазмунини шакллантирувчи асосий манбалар, бу фан ва моддий ҳамда моддий бойлик, ижтимоий мулоқот тажрибаси, маънавий қадриятлар, ижтимоий тушунча шакллари, инсон фаолияти турларидир. Таълим мазмунини бу манбалар асосида шакллантиришда тарихий ва педагогик-психологик талаблар ҳисобга олинади.

Куйидаги турлар таълим мазмунининг ўзига хос махсус турлари ҳисобланади:

– табиат, жамият, техника, фикр ва фаолият қобилияти ҳақидаги билим. Бу билимларни ўзлаштириш ўқувчи-талабаларда дунёнинг ҳақиқий кўринишини шакллантиради, фаолиятга онгли ва амалий жиҳатдан тўғри ёндашишга хизмат қилади;

– маълум фаолиятни амалга оширишдаги тажриба, бу — шахснинг билим, билиш, кўникма ва малакасини бирлаштирувчи тажриба;

– жамиятда содир бўладиган янги муаммоларни ҳал қилиш бўйича ижодий, изланувчан фаолият тажрибаси. Бу тажриба мустақил равишда ўзлаштирилган билим ва билишни янги шароитда амалга оширишни, фаолиятнинг янги усулларини шакллантиришни талаб этади;

– объект ёки инсон фаолияти воситаларига бўлган муносабат тажрибаси. Бу тажриба ташқи оламга, одамларга муносабатда намоён бўлади.

Шундай қилиб, таълим мазмуни, *бир томондан, ўқувчи-талабаларнинг ўқиш-билиш фаолиятининг муҳим шарти бўлиб, жамиятнинг ҳозирги ва келгусидаги талабини ақс эттиради, иккинчи томондан, ўқувчи-талабалар фаолиятини амалга оширишда муҳим қурол бўлиб хизмат қилади ва шу орқали ўқишда шахсий талаб мазмуни бўлади.*¹

Умуман олганда, таълим жараёнида педагогик фаолият доираси (*ўқитувчи – ўқувчи-талабанинг фаолияти*), таълим мақсади, таълим вазифалари, таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтдик, холос. Шу маънода таълим жараёни, таълим мазмуни, таълим қонунияти ва қонунлари ҳамда тамойиллари, таълим методлари билан боғлиқ масалаларни мазмун-моҳияти ушбу китобнинг кейинги қисмларида чуқурроқ ёритиб берилади.

3.4. ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Таълим асосида жамият ривожланишининг объектив эҳтиёжлари туради. Таълим инсоннинг меҳнат оламига самаралироқ киришини, жамият ҳаётига қўшилишини таъминлайди. Мустақилликка эришиб, эркин бозор муносабатлари асосида демократик ҳуқуқий давлат сифатида кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлига

¹ А Зуннунов, У Махкамов. Дидактика (таълим назариси) Ўқув қўлланма. "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси Бosh таҳририяти, –Т.: 2006, 5-13-бетлар

утган Ўзбекистон Республикасида ҳозирги босқичда таълим тизимига, педагогика фанига, ёш авлодда мустақиллик ва фаолликни, ишбилармонлик ва тadbиркорликни шакллантиришга жиддий эътибор берилмоқда.

XX аср педагоглари ва психологлариинг диққат марказида ўқувчи-талабаларнинг ақлий қобилиятларини шакллантириш, уларни ўқитиш, тарбиялаш камол топтириш жараёнларини уйғунлаштириш, фаолият ва онгнинг ўзаро боғлиқлиги назариясини ишлаб чиқиш, мустақил ўқув-билиш ишлари, ўқишни фаоллаштириш, таълим жараёнларини оптималлаштириш, фаол таълимнинг шакл ва методларидан фойдаланиш каби муаммолар асосий ўрин олади. Уларни ишлаб чиқиш мамлакат педагогика ва психология фанларида жаҳонда ҳақли равишда, эътироф этилган турли йўналиш ва мактаблар вужудга келишини олдиндан билиш имконини яратди.

Таълим – жараён бўлиб, у натижа ва тизимдир. Таълим жараён сифатида билимлар, кўникма ва малакаларнинг маълум йиғиндисини, фаолият ва муносабатларнинг тегишли тажрибасини ўзлаштиришга қаратилган махсус ишларнинг ташкил қилинишидир. Таълим натижа сифатида билимларни, фаолият ва муносабатлар тажрибасини ўзлаштиришда эришилган даражадир. Таълим тизим сифатида давлат муассасалари ва бошқариш органларининг мажмуаси бўлиб, улар доирасида комил инсонни тарбиялаш жараёни амалга оширилади. Шу тариқа, таълим доимо бир йўла тарбиялаш жараёнини ҳам, ўқитиш жараёнини ҳам ифодалайди.

Ёш авлод ҳақида гап борар экан, шахснинг баркамол авлод камол топиши, ўз мавқеини англаш ва ўзини кўрсатиш масалалари биринчи ўринда туради. Бу масалалар бутун жамият ва махсус яратилган ижтимоий институтлар ва инсоннинг ўзи томонидан тасодифий равишда ҳам, мақсадга мувофиқ йўсинда ҳам ҳал қилиниши мумкин. Таълим тизимида шахснинг ижтимоийлашуви, касбни эгаллаши ва мослашуви жараёнларини мақсадга мувофиқ тарзда бошқаришга ҳам даъват этилган.

Таълим деганда: шахснинг жисмоний ва маънавий камол топиш жараёнини, унинг онгли равишда айрим ибратли қиёфаларга йўналиши ва тарих майдонига келиб, ижтимоий онгда маълум даражада ёрқин из қолдирган ижтимоий намуна (масалан, Спарта жангчиси, хушахлоқ руҳоний ёки сергайрат ишбилармондек) бўлиши, ҳар томонлама баркамолликка ингилиш жараёнини

тушуниш мумкин. Ана шу тушунчага кўра, таълим бутун жамият ва шахслар ҳаётининг ажралмас жиҳати сифатида намоён бўлади ва бу кенг маънодаги «тарбия» тушунчасига ўхшайди. Лекин кўп маънолилиги кўрсатилмаса «таълим» сўзини тулик англаб бўлмайди. Масалан, «таълим» деганда маълум ҳажмдаги билимлар, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш тушунилади. Таълимга шахсни ўқитиш ва камол топтириш жараёнини тегишли йўсинда ташкил этиш сифатида қараш ҳам мутлақо тўғридир. Булардан ташқари, шубҳасиз, таълим билимлар, кўникма ҳамда малакаларни бериш ва ўзлаштириш билан боғлиқ фаолият тизими, шунингдек, маълум ижтимоий институт (ўзига хос вазифаларни бажариш учун тузилган муассасалар тизими)дир.

Кўрамизки, таълим турли шаклларда намоён бўладиган кўп киррали ҳодиса (даража, жараён, фаолият)дир. Ўқув-тарбия жараёни тизимининг тузилиши, ана шу жараённинг мазмуни, педагоглар ва ўқувчи-талабаларнинг фаолияти, шунингдек, амалга оширилган ишларнинг натижаси мазкур тизим жамиятнинг қандай тарихий типига мансублигига боғлиқдир. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, қуйдагиларни айтиш ўринлидир: таълим — нисбатан мустақил тизим бўлиб, унинг вазифалари жамият аъзоларини мунтазам равишда ўқитиш ва тарбиялаш орқали уларни маълум бойликлар, кўникма ва малакалар ҳамда ахлоқ нормалари билан қуроллантиришдир. Ана шундай ўқитиш ва тарбиялашнинг мазмунини пировард натижада мазкур жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизими ҳамда моддий-техник тараккиётининг даражаси белгилайди.

Эндиликда ҳар бир халкнинг фақат ўз миллий маданияти асосида ўқиши ва тарбияланиши етарли эмаслиги, у жаҳон маданияти бойликларини ҳам англаши зарурлиги тўғрисидаги фикрлар тасдиқланмоқда. Билимдон кишиларни тарбиялашдек аъъанавий вазифа ўрнига атрофлича фикр юритадиган ижодкор кишиларни камолга етказиш вазифаси олға сурилмоқда. Илгари маълумотлилиқ даражаси ўрганилган қоидалар, таҳлил қилинган асарлар, ёдланган шеърларнинг сони ва бир хил масалаларни ечиш кўникмаси билан белгиланган бўлса, ҳозирги кунда бу даража миқёси кенгайди. Энг муҳим масалаларни қўя билиш ҳар қандай ишга ижодий ёндашиш каби хислатлар маълумотлилиқ даражасини кўрсагади.

Аввалги вақтларда ўқувчи-талабаларни ахборотлардан хабардор қилинган бўлса, энди уларда ҳаётни ўзгартириш, уни яхши томонга буриш кўникмалари ва қобилиятларини шакллантиришга жиддий аҳамият бериш зарур. Энг муҳими, бутун тарбиявий жараёни инсонга қаратишдир. Таълим инсонни билимлар билан қуроллантирибгина қолмаслиги, балки уни шахс сифатида камол топтириши ва такомиллаштириши ҳам керак. Бошқача айтганда, жамиятда таълимни инсонпарварлаштириш ғоялари тобора кенг ёйилмоқда. Шубҳасизки, жамият ва таълимни инсонпарварлаштириш муаммоси таълимнинг оғзаки ахборот усулини унумли, яратувчилик усулига айлантириш билангина ҳал бўлмайди. Мазкур жараёнинг энг муҳим йўналиши таълим мазмунини инсонпарвар қилишдир. Бу тадбиқ, биринчидан, шахсда маданиятни шакллантиришда, фанларнинг ролини оширишда, халқ миллий маданиятининг барқарор бойликларини тушунишдан, иккинчидан, табиий-илмий ва техника фанларини экологик ҳамда ижтимоий аҳамиятли жиҳатлар билан бойитишдан иборатдир.

Таълимни инсонпарварлаштиришнинг энг зарур томонларидан бири – ўқувчи-талабаларга фақат маълум ҳажмдаги билим-кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ёрдам бериб қолмай, балки уларни маданияти, унинг бойликлари ва хилма-хиллигига жалб этиши керак. Ҳозир бу муаммо гоят жиддийдир.

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда ўқувчи-талабаларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмунини танлаш бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

1. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлар, ижтимоий тузумнинг хусусиятлари.

2. Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдида қўядиган мақсад ва вазифалари.

3. Ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчи-талабаларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар ва ҳаказолар.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таъкидланишича, таълимнинг мазмуни ва эҳтиёжлари ҳар бир усуб келаётган ёш авлодни ижтимоий ҳаётга ва демократик ҳуқуқий давлат ва

*фуқаролик жамияти истиқболларига зур ишонч билан қарайдиган
эркин фикрловчи баркамол инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир.*

Таълимнинг асосий мазмуни унинг вазифаларида ойдинлаш-
тирилади. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган
вазифалар киради.

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти
қуришда таълимнинг мазмуни ва жамият эҳтиёжларидан келиб
чикиб қуйидагиларга амал қилган ҳолда белгиланади:

- *илмий билимларни етакчи роли тўғрисидаги қоидага;*
- *инсониятнинг маданий-маърифий меросини ва умумин-
соний қадриятларни эгаллаб олиш ҳақидаги “Кадрлар тайёрлаш
Миллий дастури” кўрсатмаларига;*
- *тарбияланувчи шахсни баркамол қилиб ривожлантириш,
иймон-этиқодини, илмий дунёқарашини таркиб топтириш;*
- *илмий фаолият натижалари билан демократик ҳуқуқий
давлат ва кучли фуқаролик жамияти қурилиши тажрибаси
боғлиқлиги ҳақидаги қоидага;*
- *таълимнинг бир мақсадга қаратилганлиги;*
- *таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий прин-
ципларига ва дидактика принципларига мувофиқлигига амал
қилинади.*

*Демократик ҳуқуқий давлат заминида кучли фуқаролик жа-
мияти барпо этаётган бизнинг мамлакатимизда таълим мазмуни
қуйидаги йўллар билан такомиллаштиришини назарда тутлади:*

- *фан ва тажрибадаги янги муваффақиятларни акс эттириш;*
- *иккинчи даражали ва ортиқча мураккаблаштирилган ўқув
материалларидан кутилиш;*
- *урганилаётган фанлар рўйхатини ва ўқув материаллари
ҳажминини аниқлаш ҳамда ўқувчи-талабалар, албатта, ўзлаштириб
олиши керак бўлган малака ва кўникмаларнинг оптимал ҳажминини
белгилаш;*
- *ўқув фанларига оид асосий тушунчаларни ва етакчи
ғояларни жуда ҳам аниқ баён қилиш;*
- *ўқувчи-талабаларни замонавий педагогик технологиялар:
компьютер, ксеркс, электрон почта ва шу кабилар тўғрисидаги
билимлар билан қуроллантириш ҳамда уларда шу технологиялардан
фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш.*

Умумий таълим – бу ўқувчиларнинг ҳар томонлама умумий тайёргарлигини ва ривожланишини таъминловчи фан асосларини эгаллаб олишдир,

Касбий таълим – шахснинг ўзи танлаган, нисбатан тор йўналишдаги меҳнат фаолиятига хизмат қилади.

Политехника таълими – ўқувчиларнинг ҳозирги замон ишлаб чиқариш асослари, унинг энергетикаси ҳақидаги билимлар системаси билан таъминлайди ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги иш операцияларини ўзлаштириб олиш учун замин, яъни базавий аҳамиятига эга бўлган бир қатор меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллаш назарда тутилади.

Маълумот мазмуни – ёшларнинг маълумоти, тараққиёти, тарбиясини мўлжаллаб, ҳозирги замон фани, техникаси, ишлаб чиқариши, фикрлашининг умумий асосларини дидактик ишлов бериш йўли билан танланган билимлар, кўникма-малакалар, ижодий фаолият тажрибаси ва муносабатлардир.¹

Таълим мазмуни – ёшларни маълумотли қилиш, тараққий эттириш, тарбиялаш мақсадида маълумот мазмунини танланиб, таълим жараёнига олиб кирилган билим, кўникма-малака, фаолият усуллари ҳамда табиат, жамият ва тафаккур ҳодисаларини эмоционал баҳолашга доир муносабатлардир. Таълим мазмуни, маълумот мазмуни асосида танланади. Таълим мазмунини ўргатиш ва ўзлаштириш йўли билан маълумот мазмунини амалга оширишга, бинобарин, ўқувчи-талабаларни маълумотли қилиш, тараққий эттириш, тарбиялашга эришилади. Маълумот мазмунини танлашга оид назарияларнинг айримлари узоқ ўтмишга бориб тақалса, айримлари XX асрда пайдо бўлган. Масалан, **Моддий таълим назарияси** XIX асрнинг кейинги чорагида педагогика назариясига (1879 йил, Ф.Доерфелд. «**Дидактик материализм**» китоби орқали) кириб келди. Моддий таълим назарияси асосчилари мактабнинг вазифаси болаларга имконияти етгунча кўпроқ билим ўргатишдан иборат деб ҳисоблардилар. **Формал таълим** тушунчаси 1791 йили (Е.Шмидтнинг «**Эмпирик психология**» китобида пайдо бўлди. Формал таълим назарияси тарафдорлари мактабнинг вазифасини болалар тараққиётида кўришади. Улар мактабнинг иши билим бериш эмас, аксинча, болаларда турли қобилиятларни ривожлантиришдан иборат, деб билишади.

¹ Розиков О.Р. ва бошқалар Дидактика. –Т.: “Фан”, 1997. 111-бет.

Таълимчиларни эси ҳар ким ўзи истаганча, ўз қобилиятига яраша ўргатади.¹

Таълим мазмунини қуйидаги давлат ҳужжатлари ва расмий ҳужжатларда ўз аксини топади:

1. Ўқув режаси;
2. Ўқув дастури;
3. Дарслик.

Ўқув режаси – давлат ҳужжатиدير. Унга барча таълим муассасалари сўзсиз амал қилади. Унда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва шу фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади. Бу давлат ҳужжати бўлиб, халқ таълими вазирлиги, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тузилади ва тасдиқланади ҳамда Республикада барча таълим муассасалари учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатиدير. Ўқув режасини тузишда қуйидаги дидактик омилларга асосланади: – ўқув-тарбия ишининг мақсади, ўқувчи-талабаларга аниқ илмий билим бериш, олган билимларини кўникма ва малакага айлантириб, уни амалиётда қўллай олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, ўқув режаси таълимнинг мазмунини белгилайдиган энг муҳим ҳужжат бўлиб, унда ўқув юртида ўрганиладиган предметларнинг таркиби, уларнинг ўқув соатлари ва ҳафталари бўйича тақсимланиши ҳамда ҳар бир ўқув предмети учун ажратилган вақтлар миқдори ана шуларга мувофиқ ифодаланади. Ўқув режаси аслида таълим мазмунининг қабул қилинган у ёки бу назарий концепциясини норматив йўсинда ва яхлит ҳолда акс эттирадиган асосий ҳужжатдир.

Таълимнинг мазмунини ифодаловчи ҳужжат сифатидаги ўқув режаси ижтимоий буюртманинг педагогик талқини натижасида таркиб топган таълим мазмунининг ифодасига бевосита боғлиқ бўлади.

Жаҳон педагогикасида ўқув режасини айрим ўқув предметларидан тузиш керакми ёки турли фанларга доир билимлар қандайдир амалий иш ёки тадқиқот доираси гуруҳланадиган комплекслар ва лойиҳалардан тузиш керакми, деган масала хусусидаги мунозара бормоқда. «Америка Қўшма Штатларида комплекс ўқитиш узоқ муддатли элементар мактабдагина эмас,

¹ Ибраҳимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2008, 207-бет.

балки ўрта мактабда ҳам, олий таълимда ҳам давом этади. Комплекслик зоясининг ўзи ниҳоятда кенг тус олган. Америка педагогикасида ўқув дастурларини предметлар бўйича тузишга қарши кураш бошланганига ярим асрдан ошди.¹

Педагогик адабиётлар, иш тажрибалари ва педагогик тадқиқотлар таҳлилича, ўқув-юртларида ўргатиш учун танланган ўқув предметларини бир йўла ўрганиш мумкин эмас. Чунки биринчидан, бунга жиддий чегараланган ўқув вақти имкон бермайди; иккинчидан, айрим ўқув предметларини ўзлаштириш учун олдин бошқа ўқув предметини ўрганиш шарт. Ўтмишда ана шунда фикр юритиш маълум предметларни ўрганишда жиддий изчиллик принципини мустаҳкамлашга уриниш имконини берди.

Ўқув режалари таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ тузилади. Ўқув режасига мазкур ёшдаги ўқувчи-талабаларга мос предметлар тегишли ҳажмда киритилади ва улар ўқувчи-талабаларнинг ҳар томонлама муваффақиятли камол топишига ёрдам бериши кўзланади. Ҳар бир предмет учун ўқув соатларининг миқдорини белгилашда, биринчидан, предметнинг таълим тизимидаги роли ва аҳамияти, иккинчидан, мазкур предмет бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалининг ҳажми, учинчидан, у ёки бу предметни ўрганишнинг дидактик хусусиятлари эътиборга олинади.

Булардан ташқари ўқув режасида ўқувчи-талабаларнинг айрим фанларга қизиқиши, хоҳишларини қониқтириш ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказиладиган мустақил таълим машғулотларига соатлар миқдори ажратилади.

Ўқув режаси тузишда қуйидаги омилларга асосланилади:

1. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигига;

2. Ўқув фанларининг ҳажми ўқувчи-талабаларнинг ёши, билим савиясига қараб белгиланади;

3. Ўқув режасига киритилган фанлар дунёвий ва илмий характерга эга бўлиб, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилади.

Ўқув режасида табиий фанлар – математика, физика, кимё, биология, география, информатика, она тили, чет тили, тарих, фалсафа ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар асосий ўринни эгаллаб, ўқувчи-талабаларда илмий дунёқараш асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

¹ А.Малдова. Современная школа США. –М.: 2007, с.143.

Ижтимоий-иқтисодий фанлар билан бир қаторда ўқувчи-талабаларнинг маънавий дунёсини бойтадиган ва ижтимоий ҳаётга таъбирлашда аҳамиятга эга бўлган тасвирий санъат, мусиқа, жисмоний тарбия, меҳнат таълими ва иқтисод асослари сингари фанларни ўқитиш учун соатлар ажратилади.

Ўқув режасининг тушунтириш хатида иккита қоида ёритилади: ўқув режасининг тузилиши принциплари таълим мазмунининг таркиби ва стратегиясига таъсир этадиган, уни туғрилайдиган омиллардан бири сифатида ифодаланади; таълим мазмунининг, таълим концепциясини акс эттирадиган ҳужжат сифатидаги ўқув режасининг вазифаларини кенгайтирмай туриб, ўқув режасида ва ўқув дастурларида таълим мазмунини таркиби ва ўқув дастурларида таълим мазмунининг таркиби ва тузилишини тулиқ ёритиб бўлмайди.

Ўқув режасида ўқув предметининг яхлит контеграцияланган тизими икки марта таълим муассасасидаги таълимнинг дастлабки ва охириги поғоналарида ўқитишнинг бошланғич ва яқунловчи босқичларида ифодаланади. Ўқув юртининг ўрта звеносида предметларни табақали ўрганиш асосий ўрин олади.

Таълимнинг бошланғич босқичида интеграцияланган курслар киритилишининг сабаби ўқувчи-талабаларда яққол табақаланган курсларга қизиқиш бўмаслиги, яъни ана шу даврда улар дунёни яхлит бўлиши ва идрок этишидир. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисини ва биринчи курсдаги талабани билимларини ўзлаштириш жараёнининг ўзи қизиқтиради. Предметни билишга қизиқиш ақлий фаолиятнинг мураккаб шаклларда ривожланишига ва кейинчалик предметларнинг тавсифланишига боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Амалиётдан қўринадик, янги типдаги мактаблар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларини ташкил этилиши, таълим мазмунидан ортиқча мафкуравийлаштириш ва чеклашларни чиқариб ташлаш орқали таълимдаги бир хилликнинг ўзини қайта қуриш, ўқитувчи билан ўқувчи-талабалар муносабатининг услубларини ўзгартириш натижалари яхши сезилмаётир.

Таълим муассасаларида таълимнинг мазмунини янгилаш борасидаги тадбирлар ва ечимлар орасидаги ўрта мактаб ўқув материалларини қўйи синфларга, оддийгина кўчириш билан ёки академик лицей материални касб-ҳунар коллежларида ёхуд олий ўқув юртларида қайта такрорлаш билан ўқувчи-талабаларнинг қўбилиятини тезкор ривожлантиришга, таълимнинг сифатини

оширишга интилишлар ҳам учрамоқда. Бундай материаллар эса ўқувчи-талабалар ўзлаштиришининг психологик хусусиятларига ҳам, ўқитиш методларига ҳам тўғри келмайди. Шунга кўра, мазкур тадбир ортиқча сўзларни киритиш, ахборотларни кўпайтириш билан таълимнинг мазмунини мураккаблаштиради ва ҳажминини оширади, ўқувчи-талабаларнинг хотираси чексиз бўлса-да, улар учун ўқув машгулотини қийинлаштиради холос.

Инсонпарварлик муносабатини бойитиш миллий кадриятларнинг ўзгаришини талаб қилади. Эндиликда таълим жараёнида билимларнинг тайёр шаклларини ўзгартириш, асосан, фаолиятнинг қайта тиклаш турларидан фойдаланиш эмас, балки ўқувчи-талабалар фаолиятининг билим олиш жараёнига боғлиқ изланиш турларини фаоллаштириш керак.

Психологларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, таълим ва шу йўсинда қайта қурилса, ўқувчи-талабалар тўлиқ камол топиш субъектига айланади. Шунда у фақат қайта тиклаш ва тўлдириш лозим бўлган билимлар билан таъминланадиган педагогик таъсир кўрсатиш объекти ҳисобланмайди.

Ўқувчи-талабалар фаолиятининг жамоага тақсимланган шаклларида ёки ўқитувчи билан бирга ишлашда мустақил билим олиш жараёнига фаол киришади ва ўзининг ижодий қобилиятларини намойиш этиш имкониятига эга бўлади. Хусусан, мустақил билим олиш жараёнидаги фаол изланиш ишларида, ҳатто қийинчиликларга дуч келинса ҳам ўқувчи-талабаларнинг соғлигига ижобий таъсир этади. Шифокорлар ва психологларни тасдиқлашича, ўқувчи-талабалар фаолиятининг рўёбга чиқмаслиги, уларга ёмон таъсир кўрсатиши, интизомсизликни ҳуқуқ бузиш ҳолларини вужудга келтириши, ўқувчи-талабаларни “*юқорига*” эмас, балки “*пастга*” етаклаши мумкин.

Таълим мазмунини қайта қуришнинг бутун мураккаблиги шундаки, ўқувчи-талабаларни камол топтириш талаби, уларнинг ижодий ишлашини кучайтирадиган методларни фаол қўллашга олиб боради, кўникма ва малакаларни шакллантириш зарурлиги эса тафаккурнинг репродуктив компонентларидан воз кечишга йўл қўймайди. Бунда уларни оқилона бирлаштириш, тафаккурнинг самарали ва репродуктив компонентлари шаклланишининг дидактик бирлигига эришиш, айрим тадқиқотчилар таклиф қилаётганидек репродуктив компонентларни инкор қилмаслик керак.

Шундай қилиб, жамият учун ниҳоятда зарур альтернатив таълим муассасаларига ўқувчи-талабаларнинг яъни ўсган ва таъмирланган сара қисми йиғилаётган ёшларни ўқитиш одатдаги таълим муассасаларига юкланаётгани сабабли инсонпарвар педагогика ғояларини амалга ошириш йўлига кирган оммавий таълимнинг вазифаси жуда мураккаблашмоқда. Табиийки бундай таълим муассасаларида ҳам ўқувчи-талабаларга маълум билимлар доирасида ахборотлар бериш ва жуъзий кўникмаларни сингдириш билан чекланиш мумкин эмас: уларни имкони борича юқори даражада камол топтириш керак.

Ўқув дастури – ДТС ва ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми тизими ва ғоявий сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир. Унда маълум бир ўқув фани бўйича ўқитиладиган билим ҳажми ва таълим мазмуни ифодаланади.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси таълим муассасасида (мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юрти) алоҳида фанлар бўйича ўқувчи-талабаларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Ўқув дастурида ҳар қайси ўқув фанларининг мажмуи изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Маълум мавзу юзасидан ўқувчи-талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Ўқув дастурини тузишда қуйидаги дидактик қоидаларга ва принципларга қатъий амал қилинади:

1. Дастурининг аниқ бир ғояга асосланганлиги (принципи).

Дастур демократик ҳуқуқий давлатнинг ва ҳозирги кунда барпо этилаётган кучли фуқаролик жамиятининг тамойилларига асосланган ҳолда ислоҳ қилинган таълим тизими, фан, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатлардаги эришилган ютуқлар даражасини илмий-назарий асосда акс эттириши лозим.

2. Дастурининг илмийлик принципи.

Ҳар бир таълим ва тарбия ғоялари, илмий жиҳатдан текширилган, аниқ, тўғри, ҳаққоний, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар, материаллар асосида киритилади.

Маълумки, ҳозирги кунда фан ва техника тобора ривожланиб, янги-янги кашфиётлар пайдо бўлмоқда. Фан-техникага оид янги маълумотлар ва масалалар киритилиши муносабати билан ўқув

дастуридаги вақт ўтиши билан айрим эскирган тушунчалар ва масалалар ўқув фанларидан чиқариб ташланади.

3. Дастурнинг қатъийлик принципи. Ўқув дастури жамиятимиз таракқиётининг ҳар бир босқичида фан-техника, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар соҳасида эришилган ютуқлар даражасини ақс эттириши лозим. Ҳамма ўқув фанларига оид дастурларнинг бир неча йиллар мобайнида қатъий бўлишига эришиш шу фан бўйича мукамал дарсликлар ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эга.

4. Дастурнинг назария билан амалиёт бирлиги принципи.

Илмий билимларни пухта эгаллаш ва ўзлаштирилган илмий билимларни амалиётда қўллай олиш учун ўқувчи-талабаларга бериладиган назарий тушунчалар ижтимоий қурилиш амалиётига боғлаб, аниқ ҳаётий мисоллар билан машқлар, тажрибаларда кўрсатиб, хулосалар чиқариш кабилар билан боғланиши лозим. Бу ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Дастурнинг асосий вазифаси – ўқув предметининг мазмунини ифодалашдир. Унда ўқув предметининг синфларга, (курсларга), бўлимларга, босқичларга, қисмларга, мавзуларга бўлиниши, уларнинг ўрганиш тартиби, соатлар тури кўрсатилади. Ҳатто, дастурдаги масалалар рўйхати ҳам ундаги бошқа билимларнинг мазмунидан ташқари процессуал йўналиши ҳам мавжудлигидан далолат беради. Шундай қилиб, дастур иккита вазифани бажаради: таълимнинг мазмунини ўқув предмети доирасида ақс эттиради ва предмет учун муайян норматив сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари у дарсликка ўтишни тайёрлайди ва унинг муаллифлари фаолияти учун йўлланма ҳисобланади.

Масалалар рўйхати – дастурнинг марказий бўлиmidир., аммо унда бошқа бўлимлар ҳам бўлиб, улар дарсликнинг тузувчилари фикрини ва ўқитувчиларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиши керак. *Ҳар бир ўқув предмети бўйича ДТС асосида ўқув дастури тўрт қисмдан: тушунтириш ёки ўқтириш хати (ҳар хил дастурда мазмуни турлича); рўйхат кўринишидаги мазмуннинг ўзи (мавзулар, масалалар, лабораториялар ва амалий ишлар, намо-йишлар, экскурсиялар); предметлараро алоқалар кўрсатилган бўлим ҳамда ўқувчи-талабаларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар ифодаланган бўлимлардан иборат бўлади.*

Ҳар бир ўқув фанининг мақсадлари ва вазифаларини ифодлашиш – дастурнинг энг муҳим элементиدير. Хусусан ана шу мақсад ва вазифалар дарслик муаллифининг дастурни амалга оширишдаги маълум нуқтаи назарини ва ўқитувчининг дарсликни тўғрилаши ҳамда ўқитиш жараёнини ташкил этиш учун тегишли йўналишни белгилайди. Ўқитувчи айниқса, ёш ўқитувчилар ўз изланишларини йўналишини белгилаб олиш учун курснинг мақсадини чуқур авлашлари керак. Дастурларда шундай вазифалар бериладики, ўқитувчи уларни ҳал қилиш учун олий ўқув юртида тайёрланмаган бўлади. Бунинг мақсади сифатида таълим мазмунига методологик билимларнинг киритилишини айтиш мумкин. Ҳар бир ўқув фанига мана шундай талаблар қўйилишининг ўзи ўқитувчиларни чуқур ўйлашга мажбур этади. Тажрибали педагог ўтган йиллардаги дастурларда бундай вазифалар бўлмаганлигини сезади. Бу ҳол унинг мустақил билим олиши, ижодий изланиши, шунингдек, методик бирлашмада ишлаши учун туртки бўлади.

Демак, ўқув дастурлари ДТСга асосланиб давлат томонидан тасдиқланган ҳужжатдир. Шу боис ҳам барча турдаги таълим муассасаларида ўқув жараёни замон талабларига жавоб берадиган ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилади.

Дарслик. Дастурда таълимнинг мазмуни *масалалар рўйхати* орқали ифодаланади. Ўқув материали ўқувчи-талабаларга мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмаларда, китоблар ва дидактик материалларда, ўқитувчига мўлжалланган методик тавсияларда ёритилади. Дарслик асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Дарслик маълум бир фанининг мазмунини дастур асосида дидактик талабларга риоя қилган ҳолда баён этувчи ўқув китобидир.

Дарслик билан бир қаторда ўқувчи-талабаларни ўқув материаллари устида тизимли иш олиб боришлари илмий билим-қўникма ва малакаларни шакллантирадиган қўйидаги китоб ва қўлланмалардан ҳам фойдаланадилар:

1. Бадиий адабиёт;
2. Илмий адабиёт;
3. Илмий-оммабоп адабиёт;
4. Масала ва машқлар тўплами.

Дарслик ўқувчи-талабаларнинг китоби ва унинг энг муҳим қуролидир. У фақат дарсда таҳлил қилинадиган ўқув материалини ўзлаштиришда ўқувчи-талабаларга ёрдам берибгина қолмай, унда

мазкур предметга қизиқиш уйғотиши, шу соҳа бўйича билим олиш иштиёқини ҳам вужудга келтириши керак.

Дарслик ўқувчи-талабалар учун ҳам методик қўлланма сифатида хизмат қилади: тушунчаларни киртиш тартибини, уларни ёритиш чуқурлигини, киритилган ўқув материалларига вақтнинг тақсимланишини белгилайди.

Образли қилиб айтганда, дарслик ўқитиш жараёнининг “*сценарийси*” дир. Унда ўқитувчи ўзлаштириши лозим бўлган бил-имлар, фаолият усуллари қайд қилинади, билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш йўллари белгиланади, эмоционал – қимматли қадриятларни тарбиялашнинг айрим воситалари кўрсатилади. Дарсликда таълимнинг ана шу барча мазмуни муайян тартибда ўқувчи-талабаларнинг таълим муваффақиятини таъминлайдиган босқичлар бўйича жойлаштирилади. Лекин мактабдаги бошланғич синфлар учун мўлжалланган дарсликлар бағоят ўзига хосдир. Уларнинг ҳаммасида методик аппарат кичкина бўлиб у синфлар сайин аста-секин вужудга келади. Урта мактабда баъзан ўқувчи дарсликдан тамомила мустақил ҳолда фойдалана олиш-олмаслиги муҳокама қилинса, бошланғич синфда бу ишга ўқитувчининг раҳбарлиги мажбурийдир. Академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ўқувчи-талабаларнинг ўзлари мустақил мутолаа ва муҳокама қилишни билишади.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчиларнинг тажрибасини таҳлил қилиб жуда муҳим кузатишни амалга ошириш мумкин. Улар дарслик ва ўзларининг методик қўлланмаларидан принцип сифатида эмас, балки норматив модел сифатида фойдаланадилар. Аслида ўқитувчилар ўқувчи-талабаларнинг эҳтиёжини, шахсий имкониятларини назарда тутиб, ўз дарслиklarини ёзадилар. Улар дарсликни тўлдириб, кенгайтириб ва чуқурлаштириб, унинг муаллифлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Бинобарин, муаллиф ўқувчи-талабаларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш, уларга табақали ёндашиш имкониятига эга бўлмайди.

Ўқитувчи доимо ўқув йили бошланишидан олдин ва кейинчалик ҳар куни дарсликка мурожаат қилади. Унинг бундан мақсади ҳар гал ҳар хил бўлади. Дарслик ўқитувчининг қўлида жуда кўп вазифаларни бажаради. У, аввало, предметни ўқитиш воситаси сифатида хизмат қилади. Ҳар бир ўқитувчи ана шу вазифани билади ва уни муваффақиятли амалга ошира олади.

Дарслик билан ўқув жараёни ўзаро боғлиқ бўлиб, унда саволлар, топшириқлар, жадваллардан, статистик, хронологик маълумотлар ва ҳаказолардан ўз ўринда фойдаланиш лозим.

Дарсликларда саволлар ва топшириқлар таълим концепцияси асосида тузилган ва методик нуқтаи-назардан тўғри жойлаштирилган (шахсни камол топтириш мақсадида ёки расмлар орқали ифода-ланган бўлиши лозим. Улар, асосан, қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ билимларни мустаҳкамлаш, ўзлаштирилган нарсаларни эсга тушириш ва малакаларни шакллантиришга доир савол ва топшириқлар киради.

Иккинчи гуруҳ тафаккурни ўстирадиган (мустақил ишлашни тақсимлаш, умумлаштириш, баҳолаш, хулоса чиқариш, билимлар тизимини мустаҳкамлаш, аниқлаш ва тажрибага солишни талаб қиладиган) савол ва топшириқлардан иборатдир.

Учинчи гуруҳ ўзлаштирилган билимларни амалда қўллашга (мустақил ишларни бажариш ва малакаларни эгаллашга) доир савол ва топшириқларни ўз ичига олади.

Дарсликда ўқув дастурининг барча талаблари ақс этиши ва асосий гоялар, хулосалар яққол ифодаланиши лозим.

Дарсликларни яратишда ва мазмунини ўқувчи-талабаларга мослаштиришда қуйидаги дидактик талабларни алоҳида эътиборга олиши керак:

– материалларни дарсликларга тўғри тақсимлаш;

– дарсликда ақс этган илмий билимлар ўқувчи-талабаларнинг ёши хусусиятига мос келиши керак;

– дарсликда баён қилинган илмий билимларнинг назарий асоси, ҳоқлари тизимли, мантикий жиҳатдан аниқ ва қисқа, изчил бўлиши кўтилади. Улар ҳаётдан олинган, ишонарли бўлиши талабчанликка асосланиши лозим;

– дарсликдаги назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган бўлиши керак;

– дарслик тилининг соддалиги, раволиги, таълим олувчиларнинг нуқтини ўстириш учун тегишли қоида ва таърифлар берилиши керак;

– дарслик ичидаги ва муқовасидаги расмлар ва безатилиши ўқувчи-талабаларнинг ёшига мос, фаннинг характерига монанд бўлиши керак.

– ўқувчи-талабаларга бериладиган вазифаларни аста-секин қийинлаштириб бориш (тизимга солиш);

– ўқувчи-талабаларга табақали ёндашишни назарда тутиш (топириқларни қийин ёки осонлигига қараб танлаш);

– дарсда, уй вазифаларини ва мустақил таълим билан боғлиқ савол топириқларни бажаришда, такрорлашда асосий ва қўшимча материалларни ажратиб;

– дарсликдаги савол-топириқларнинг мўлжалланган вақтга мослиги ва ўқувчи-талабаларни қийнаб қўймаслиги;

– дарсликнинг мазмуни (ўқувчи-талабаларни қизиқтириш, мавзу-матнларининг зоявий-эстетик жиҳатлари) уни ўргатишнинг методик тизимига мувофиқ бўлиши ва ҳаказолар.

Дарсликнинг асосий компоненти унинг матнидир. Матнлар асосида ва қўшимча материаллардан (мурожаат, хужжат, хрестоматия ва ҳаказолардан) ҳамда тушунтиришлардан иборат бўлади. Дарсликни таҳлил қилишда унинг тузилиши, мавзуларнинг ўрни, иллюстрацияларга бойлиги ва энг муҳими ўқувчи-талабаларга таъсири ҳисобга олинishi керак. Мана шу дидактика талаблари амалга оширилиши учун ҳар бир янги дарсликни яратишнинг ўзига хос муаммоларини тўғри ҳал қилиш, дарслик ўқув-методик ишларининг асоси бўлиши кераклигини назарда тутиш шарт.

Шундай қилиб, дарсликда ҳар бир фаннинг мазмуни ва шу фанга оид илмий билим асослари ўқув дастурига ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилинади. Дарсликлар билан бир қаторда айрим фанлардан ўқув қўлланмалар ҳам яратилади. Масалалар, машқлар ва тестлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, лугат китоблар кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Умуман, дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги материаллар катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у билан ишлаш ўқувчи-талабаларнинг ақлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашнинг, ахлоқ-одоб, тафаккур, нутқ ва ижодий мустақилликнинг ривожланишига ёрдам беради.



ТАЪЛИМ МАЗМУНИ



3.5. ТАЪЛИМ ҚОНУНИЯТИ, ҚОНУНЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Дидактикада таълим-тарбия жараёнида амал қилиниши шарт бўлган қонун-қоидалар ва тамойиллар ишлаб чиқилган. Шундай экан, “қонуният”, “қонун”, “қоида”, “тамойил” деган тушунчаларнинг том маъносини аниқроқ билиб олишимиз лозим.

Қонуният - бизнинг ихтиёримиздан ташқари объектив мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги, уларнинг тадрижий

ришожги (эволюцияси) заруриятдан келиб чиккан боғлиқликлар. Табиий фанларда, уни қонун деб ҳам номлайдилар. Масалан, Ернинг тортилиш қонуни, Марказдан қочма куч қонунн, Жонул-Ленс қонунн ва ҳаказо.

Таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларини тушунтиридан бўлса, улар таълим-тарбия жараёнининг тадрижий ришожги заруриятдан келиб чикувчи таълим-тарбияни бир бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардир. Чунончи, таълим берувчи ва таълим олувчи орасидаги зарурий боғлиқлик ёки таълим беручи билан ўқув дастури орасидаги зарурий боғлиқлик ва ҳаказолар.

Қонун атамаси аслида инсоният томонидан яратилган тартиб на қоидаларга нисбатан ишлатилади. Аммо табиий фанларда, уларни ўрганиш жараёнида аниқланган тартибларни Аллоҳ таоло, яъни Худо томонидан, ишлаб чиқилган тартиб-қоида деган мазмунда, уни қонун деб номланиб келинган. Изоҳли луғатларда бу атамалар синоним сифатида қўлланилган. Илмий нуқтаи назардан қаралганда, табиий фанлардаги табиат қонунларидан ташқари, барча бизнинг ихтиёримиздан ташқарида мавжуд бўлган ва уларнинг тадрижий ривожги натижасида пайдо бўлган боғлиқликларни қонуният дейилади. Ижтимоий ҳаётдаги инсон ва нарсалар орасидаги гоҳо зарурий, гоҳо нозарурий (бировни фойдасини кўзлаб) ўрнатилган боғлиқликлар қонун дейилади.

Тамойил (принцип) – бу объектив мавжуд қонуниятлардан, яъни бутунни бутун қилиб турувчи қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиқиб амал қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар мойиллигидир.

“Принцип” сўзининг маъноси хулқнинг, хатти-ҳаракатнинг асосий қоидаси, етакчи гоё демақдир. Таълим қонуниятлари (принциплари) бу ўқитиш жараёнига қўйиладиган талаблар йиғиндисидир.

Биз, хатто, турмушда ҳам “бу одам принципли” деймиз ва бунда ўша одамнинг ўзига хос қоидаларига, ўзининг принципларига мувофиқ иш кўришини назарда тутамиз. Агар кишининг хатти-ҳаракатларида қатъий қоидалар бўлмаса, уни “принципи йўқ” деб ҳисоблаймиз.

Таълим-тарбиянинг тамойиллари ўқиш ва ўқитиш жараёнида объектив мавжуд бўлган ва уни бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиқиб, одамлар

томонидан ишлаб чиқилган ва таълим-тарбия жараёнида амал қилишликка тавсия этилган ҳаракатлар тартибининг мойиллигидир.

Қоида – бу инсон ҳаракат тартибининг охириги босқичи бўлиб, объектив қонуниятлар асосида ишлаб чиқилган тамойилларнинг у ёки бу ҳаракатларини чуқурлаштириб, конкретлаштириб берувчи ҳаракат тартибидир. Қоидалар назария билан амалиёт орасини боғлаб турувчи воситадир.

Уни педагогик жараён мисолида кўрадиган бўлсак, у ўқитиш қоидаларида намоён бўлади. Ўқитиш қоидалари типик вазиятларда ўқитувчиларнинг типик ҳаракати ифода этилган. Бошқача қилиб айтганда, дидактик қоидалар типик педагогик вазиятда ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар ўзини қандай тутиши кераклигини кўрсатиб берадилар. Шунинг учун улар амалиётга яқин турадилар.

Педагогик адабиётларда педагогик қоидаларга икки хилдаги қараш мавжуд. Биринчиси, амалиётчи ўқитувчиларга дидактика қонуниятлари ва тамойилларини билиш шарт эмас, улар олимлар томонидан ишлаб чиқилган дарс ўтиш қоидаларини ўзлаштириб олсалар, шунинг ўзи етарли дейдилар. Шу кунда хорижий мамлакатларда ва Октябрь инқилобидан олдинги рус педагогикасида бу фикр устунлик қилган. Бу масалага иккинчи турдаги қараш ҳам бор, улар амалиётчи ўқитувчиларнинг фақат тайёр ўқитиш қоидаларига боғлаб қўйсак, уларнинг ташаббускорлигини чеклаб қўйган бўламиз дейдилар. Буларнинг иккаласининг фикрларида ҳам мантқиқ бор. Ҳақиқат, ҳар доимгидек, иккаласининг ўртасида ётади. Ўқитувчиларни педагогик қоидаларга қаттиқ боғлаб қўйиб, уларнинг эркини чеклаш ёмон бўлгани каби, амалиётдан узилган ва жуда ҳам назарийлашган педагогик тамойилларни ва қонуниятларни педагоглардан талаб қилиш ва педагогик жараённи эркин ҳаракатларга айлантириб қўйиш ҳам ноўрин.

Таълим-тарбияда, бошқа меҳнат турларидагидек, стандарт ҳолатлар жуда кўп. Бу ҳолда ўқитувчи учун кўп ҳам ташаббус кўрсатиши шарт эмас, акс ҳолларда, ўқитувчининг ташаббускорлиги дарсни муваффақиятли ўтишига ҳалал ҳам беради. Бу ҳолда, дарс ўтганда айнан педагогик қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади.

Қоидалар дидактика тамойилларидан келиб чиққани каби, дидактика тамойиллари ўз ифодасини педагогик қоидаларда

тонади. Бироқ, қондалар ўз ичига яна кўп сонли ўқитувчи ва педагогларнинг кўп йиллик тажрибасини ҳам қамраб олган бўлади.

Дарс ўтиш қондалари қанча деган саволга К.Д.Ушинскийнинг сўзларини келтириш ўринлидир. У, *барча педагогик қондаларни бир варақча сиздириш ҳам мумкин, улардан бир неча жилдли китоблар ҳам яратиш мумкин, деган экан.*

Одатда улар тавсиянома, қўлланма ва эслатмалар сифатида берилади.

Таълим қонунлари. Таълим қонунлари тўғрисида гап борганда, **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига** кирувчи мамлакатларда гоҳо таълим тамойилларини ҳам, гоҳо таълим қондаларини ҳам **қонун** деб юритилиши кузатилади. Шунинг учун, қонун деб аниқ айтилган Америкалик Торндайк мактаби бўйича куйидаги қонунларни қайд қилиш билан чекланамиз.

1. Ўзаро боғлиқлик қонуни – таълим-тарбия жараёнида иккита руҳий ҳаракатнинг ўзаро боғлиқликдаги **ривожланиш қонуни**. Бу қонун бўйича таълим-тарбия жараёни таълим берувчи ва таълим олувчи руҳининг бир йўналишдаги ҳаракатини тақозо этади. Бу қонунга биноан, агар таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи икки шахснинг бирининг руҳ ҳаракати иккинчисиники билан мос тушмаса, таълим-тарбия жараёни содир бўлмайди. Билим бериш жараёни содир бўлиши мумкин, тазйиқ йўли билан, ammo ҳақиқий таълим-тарбия жараёни амалга ошмайди. Бу қонунга биноан дарсни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш учун педагог синфда ёки аудиторияда бир хилдаги руҳий ҳолатни, яъни билим бериш ва билим олиш ҳолатини шакллантириши керак.

2. Машқ қонуни – бу қонун бўйича, эгалланган билимни кўникмадан сўнг малакага айлантириш учун, **машқ қанчалик тез фаол бўлса, қайтар реакция ҳам шунчалик тез бўлиб, билим ўзлаштирилиши ҳам тез ўтади,** у билимни хотирада узоқ муддатга сақланиши таъминланади. Бу қонун бўйича, билим эгаллаганда ҳар бир киши ўзининг қабул қилиш тезлиги қобилятига биноан эгалласа ҳам, уни кўникма ва малакага айлантиришда, машқни иложи борича тез амалга оширишни тақозо этади.

3. Интенсивлик қонуни – бу қонун бўйича ҳам, машқлар жавоби қанчалик интенсив равишда бўлса, у шунчалик тез ўзлаштирилади.

4. **Ассимиляция қонуни бўйича** – ҳар бир янги туртки қайтар реакцияни вужудга келтиради, дейилади. Шунинг учун эгаллаган билимни қайтариш йўли билан туртиб туриш керак дейилади.

5. **Натижавий қонунда** – реакция ижобий бўлса билим мустақкамланади, агар салбий бўлса хотира уни ўчириб ташлайди, дейилади.

Ҳақиқатдан ҳам бу қонунлар ҳаётдан олинган бўлиб, амалиётда минглаб мартаба синалиб қурилган. Шунинг учун педагогик амалиётда булардан келиб чиқишлик педагогик жараённинг самарадорлигини оширади.¹

Дидактика тамойиллари (принциплари). Дидактика тамойилларининг тарихи шуни кўрсатадики, ўқитувчилар дарс олдидан кўзлаган мақсадларига қўп куч ва вақт сарфламай аниқ этишлари учун, бир неча авлод олимлари тинимсиз изланишлар олиб бориб дидактика принциплари мажмуи яратилишига сабабчи бўлганлар.

X-XII асрлардаги машҳур қомусий олимлар илмий билишнинг асосий қонуниятларига ва дидактика принципларига фақат ўқитишнинг эмас, балки ахлоқий тарбиянинг асоси сифатида қараганлар. Буюк математик **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** (783-850) ўзининг билиш назариясида моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги объектив муносабатларни, табиий жараёнларни “...сезги орқали билиш, бу қисман билим бўлса, *мантиқий баён, ақлий билиш эса ҳақиқий билишнинг муҳим томонини намоён этади*”, деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича “*инсоннинг ҳулқ-атвори, хатти-ҳаракати мантиқий фикрлашга асослангандагина мукамал шаклланиши мумкин*”.

Шарқда биринчи бўлиб илмлар таснифи билан шуғулланган олим **Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Қиндий** (806-866) фикрича, моддий оламдаги нарсалар, яъни “*биринчи субстанциялар*”ни уларнинг хусусиятлари – миқдори ва сифатини ўрганиш асосидагина билиш мумкин. Олим ўз таснифида инсонда ижобий сифатларни таркиб топтиришнинг энг зарур омили унинг ақл кучини ривожлантиришдир.

Ақл кучи ривожланмаса, инсон умр бўйи Арастунинг китобларини ўқиса ҳам, уларда ифодаланган фанларнинг

¹ Бури Зиёмсуҳаммадов. Педагогика. Ўқув қўлланма –Т.: 2006, 91-101-бетлар; Ёқутхон Раҳмонова. Ҳамширалик ишида педагогика. Дарслик. –Т.: 2007, 88-89-бетлар.

биронгасини ўзлаштира олмайди. Бундай одам ҳар қанча уринсада, фикр бошқаларнинг гапларини такрорлаб бера оладиган бўлади. У ҳеч нарсанинг моҳиятини тушунмайди ва ўзлаштира олмайди. Ал-Киндий ана шу фикрларини баён қилар экан, ўқитишнинг илмийлиги ва онглилиги қондасини, яъни принципини назарда тутган.

Абу Бакр ал-Розий (865-925) илмий билиш назариясида инсон ақли ва тафаккури юксак даражада ривожланган ижтимоий мавжудод бўлганлиги учун ҳам оламдаги ҳамма нарсалардан устун туради деб талқин этади: *“Бизга фойдали бўлган ишларда ўзимиз ҳукм юрита билишимиз учун бизга ҳайвонотга нисбатан устунлик ақл билан берилгандир. Ақл орқали ўзимизни улугловчи, шайтанловчи ва ҳаётимизни ҳайрли қилувчи ҳамма нарсани била оламиз. Ақл билан биз ўз хоҳиш мақсадларимизга етамиз...”*

Абу Наср ал-Форобий (870-950) “Намунали таълим” рисоласида таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материални яхши йўсинда баён қилиш масаласига алоҳида тўхталиб, ўқитишнинг иккита турини, янги принципини тавсия этган: уларнинг бири бевосита **сезги**, иккинчиси **ақл** билан боғлиқдир. У ўзининг фикрини шундай талқин этади: *“Нарсалар биздан, ҳисларимиздан ташқарида туриб, бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этади, таъсир этадиган нарсалар чексиздир.*

Инсон ўзининг ақлини, хаёлини ишга солади ва шулар воситасида билмаган нарсаларини билиб олади, уларга асосланиб билиш манбаи бўлган олам ва унинг моҳияти ҳақида чуқурроқ, атрофлироқ билим ва маълумотга эга бўлади. У фикрини давом эттириб: “... аввал билим зарур бўлган илм ўрганилади, бу – олам асослари ҳақидаги илмдир. Жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг умуман, жонли табиат ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади.

Киши билим ва тажриба орттирмасдан олдин жуда кўп нарсаларни назарга илмайди, билим эгаллаб, тажриба ҳосил қилгач, ҳалиги нарсаларга қарашини ўзгартиради, аввал беҳуда деб ҳисобловчи нарсаларнинг заруратлигини ҳис этади, илгари эътиборини тортмаган нарса энди аксинча уни ҳайратга солади”.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўқув жараёнида педагог қуйидаги дидактика принципларига катъий амал қилиши лозимлигини таъкидлайди:

– таълим олувчини зериктирмаслиги;

– билим беришда турлиликка асосланиши;

– узвийликка, тизимлиликка, изчилликка ва мантиқийликка риоя қилиши;

– янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўргазмали баён этиши ва ҳ.к.

Абу Али ибн Сино (980-1037) дидактиканинг принцип-ларига, хусусан, кўрсатмали ўқитишга зўр қизиқиш билан қараб, инсон дастлабки ўқув машғулотларида буюмнинг ташқи хоссасини ўрганса, ўша буюмни ва унинг тасвирини кўриб чиқса, ўзи мустақил ҳолда билимларни ўзлаштира олади, деб ҳисоблайди. Олим инсон ҳақиқатан мавжуд нарсаларни ёки уларнинг тасвирини идрок этиш туфайли унда объектив воқеликни тўғри акс эттирадиган тасаввур шаклланишини таъкидлайди.

Шунингдек, ибн Синонинг илмий билимларни эгаллаш усуллари ва йўллари, таълим олувчиларни синф-дарс шаклида ўқитиш ҳақидаги дидактик принциплари муҳим аҳамиятга эгадир:

– таълим олувчини билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;

– ўқитишда жамоа (синф) бўлиб ўқитишга эътибор бериш;

– билим беришда илм ўрганувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;

– ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш ва ҳ.к.¹

Шубҳасиз, кейинчалик юқорида номлари қайд этилган ва зикр этилмаган бошқа кўпгина Шарқ қомусий олимларнинг ишлаб чиққан дидактика қонун-қоидалари ва (принцип) тамойиллари чех олими Ян Амос Коменский (1592-1670) томонидан “Буюк дидактика” асарининг яратилишига асос бўлиб, педагогика тарихида “Дидактиканинг отаси, асосчиси” номига сазовор бўлади.

Аввал ҳам айтганймиздек, яқин вақтларгача педагогикадаги қонун, қонуният ва тамойил деган тушунчалар синоним сифатида ишлатилиб, ёки буларнинг биттасига ё қонун, ё қонуният, ё принципга устунлик берилиб келинган.

Аммо, кўп йиллик тажрибалар ва бу соҳадаги изланишлар шуни кўрсатдики қонуният турғун бўлиб, улар асосида яратилган.

Яратилган қонун ва тамойиллар ўзгариб ҳам туришлари мумкин экан. Баъзи эски тамойиллар, масалан, табиатга мос равишда

¹ С. Ҳасанов. Хоразм маънавияти даргалари –Т. “Адолат”, 2001. 103-119-бетлар.

ривожлантириш тамойили йўқ бўлиб кетиб, ўрнига янги тамойиллар киргизилган.

Тамойиллар тўғрисида дидактикада шундай коида ўрнашиб қолганки, тамойиллар тарихий вазиятдан келиб чиқиб конкрет жамиятнинг эҳтиёжларини ифода этар экан. Ижтимоий тараққиёт ва илм-фанни ривожланиши ҳамда таълим-тарбия жараёнида янги қонуниятларни аниқланиши, шунингдек, илғор педагогик тажрибалар натижасида педагогик тамойиллар тизими бойиб бораверар экан.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да мамлакатимизда узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш янги қонуниятлар ва педагогик принцип (тамойил)лари тўлиқ ўз ифодасини топган. Бу педагогик таълим тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- таълимнинг устуворлиги;
- таълимнинг демократлашуви;
- таълимнинг инсонпарварлашуви;
- таълимнинг ижтимоийлашуви;
- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги;
- таълим ва тарбия узвий боғлиқлиги;
- иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароит яратиш¹ кабилардир.

Маълумки, ўқув жараёнининг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун-қоидалари, яъни таълимга қўйилган дидактик талаблар ва тамойилларга қай даражада амал қилишларига боғлиқдир. Чунки таълим тамойиллари ўқув жараёнига қўйиладиган ижтимоий талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқаришда риоя қиладиган қонун-қоидалар сифатида амал қилади.

Педагогик адабиётларда баъзан “**ўқитиш принциплари**” атамаси ҳам ишлатилади. Лекин таълим тамойиллари (принциплари) таълим жараёнининг иккала субъекти ўқитувчи ва ўқувчи-талабага ҳам дахлдор. Шунинг учун таниқли дидактик олимлар О.Розиқов, А.Зуннунов, У.Маҳкамов уларни таълим принциплари деб атаган маъкул деб таъкидлайдилар. Чунки таълимни ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаолиятига қўйиладиган талаблар, қоидалар, таълим

¹ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури Баркамол явлд – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори –Т. 1998, 43-44-бетлар

принциплари деб аталади. Принциплар умумдидактик категория бўлиб, улар таълимнинг барча турлари, даражалари, субъектлари, ўқув-тарбия жараёнининг ҳамма компонентларига дахлдор умумий қоидалардир. Принциплар ва таълим қонуниятлари узвийликда мавжуддир. Қонуниятлар принципларнинг айрим томонларини ёритади. Принцип умуммиллий хусусиятига эга бўлиб, таълимда барча ўқув фанларини ўқитиш босқичларида қўлланади.¹

Ўқитиш билиш фаолиятининг ажралмас қисми сифатида, инсоннинг теварак – атрофдаги дунёни билишининг умумий қонунлари асосида содир бўлади. Шунинг учун ўқитиш тамойиллари таълим жараёнининг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Демак, таълим тамойиллари педагогнинг фаолиятини ва ўқувчи-талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл-йўриқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим тамойиллари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни педагог ва талаба-ўқувчилар томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни мувафақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим қоидалари ўқитишнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Умуман, таълим тамойиллари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши ўқувчи-талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йигиндисига айтилади.

Таълим тамойиллари таълим муассасалари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир-бири билан мустақкам боғлиқ ҳолда бир тизимни ташкил этади. Ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечтаси иштирок этиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал этишга ўз хиссасини қўшади. Ҳозирги жараёнда ўқувчи-талабаларга мустақкам билим бериш, уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган баркамол инсон қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чуқур англаш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим

¹ А.Зуннунов, У. Махкамов. Дидактика. –Т.: "Шарк", 2006, 49-бет.

муммолардан биридир. Бугунги кунда педагогика назариясида куйидаги таълим тамойиллари тизими ишлаб чиқилган:

1. **Онглилик ва фаоллик тамойили** – билимни талабалар томонидан онгли равишда ва фаол қатнашиб эгаллашлик;

2. **Кўргазмалилик тамойили** «юз маротаба эшитгандан бир маротаба кўрган яхши» тамойилидан келиб чиқиб, билим беришда турли-туман кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиш;

3. **Тизимлилик ва мунтазамлик тамойили** – билимни мизлум бир тизимда ва узлуксиз равишда бериб бориш;

4. **Мустаҳкамлик тамойили** – билимни тушунарли тилда қайта-қайта такрорлаш йўли билан бериш;

5. **Тушунарлилик тамойили** – билимни ҳаммага тушунарли ва ҳаммабоп қилиб бериш;

6. **Илмийлик тамойили** – билимни таълим олувчиларда инволдан мавжуд билимларга асосланиб ва улардан келиб чиққан ҳолда бериш;

7. **Назария ва амалиёт бирлиги тамойили** – билим беришда назарий билимларни амалиётда ишлашни, яъни уни ҳаёт билан, амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш.

Бу тамойиллар педагогик жамоатчилик томонидан умумий тамойиллар деб қабул қилингандир.

1. **Онглилик ва фаоллик тамойили.** Бу тамойил асосида илм томонидан аниқланган, инсонни ҳақиқий билим эгаллаши учун, у бу билимларни чуқур англаб етган ҳолда ақлий қувватини интенсив ишлатиши натижасида етиши мумкин, деган қонуният ётади. Билимларни англаганлик ҳолати куйидаги омиллардан келиб чиқади: ўқишнинг сабабига; ўқувчи ва талабаларнинг билиш фаоллигининг даражасига; уларнинг билиш фаоллигини бошқарилишига ва билим беришни ташкил қилишга ҳамда бошқа омилларга. Ўқувчи-талабаларнинг шахсий билиш фаоллиги билиб олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Онглилик тамойилини амалиётда ишлаши куйидаги қоидаларга риоя қилишни тақазо этади;

1. *Бу билимни ҳаётдаги зарурлиги ва аҳамиятини ўқувчи-талабаларга тушунтириб, унинг истикболини равшан қилиб кўрсатиб бериш йўли билан, таълим, олувчиларда аниқ мақсад ва нагизфаларни шакллантириш қоидаси.*

2. Уқувчи-талабаларга қандай йўл билан билим олишни тушунтириб, уларда шундай ишонч ҳосил қилинганки, улар ҳеч қачон олинадиган билимни чуқур англаб етмай механик ҳолда эгалламасинлар.

3. Уқитганда барча билиш шаклларида: анализ ва синтез; дедуктив ва индуктив; таққослаш, қарама-қарши қўйиш ва ҳаказолардан фойдаланиш қоидаси.

4. Уқувчи-талабалардаги мавжуд билим ва кўникмаларига таяниб, образли таққослаш усулидан фойдаланиб, ҳар бир сўз ва гапнинг том маъносини очиб бериш қоидаси.

5. Уқувчи-талабаларнинг ўзаро ўқитиш кучидан унумли фойдаланиб, қўйилган саволларга гуруҳ билан жавоб топиш қоидаси.

6. Бугунги фаол уқувчи-талаба, эртанги етук ходим эканлигини яққол билган ҳолда ёшларни фаоллаштиришга ҳеч қандай кучни аямаслик қоидаси.

7. Ёшлардаги мавжуд билимлар билан янги берилаётган билим орасидаги мантиқий боғланиш йўқ жойда онглилик бўлмаслигини эсда тутган ҳолда, ёшларнинг ақли етмай турган жойларни, улардаги бор билим билан мантиқий боғлаб бериш қоидаси.

8. Ҳеч қачон уқув фанини дарс марказига қўймай, дарс марказида доимо уқувчи-талабалар туришини, уларнинг шахси шаклланаётганини билган ҳолда уқувчи-талабаларга таълимий таъсир ўтказиш қоидаси.

9. Уқувчи-талабалар фикрини, ҳаёт билан назарий билимлар орасидаги фарқлар борлигига қаратиш йўли билан, уларнинг тафаккурини фаоллаштириш қоидаси.

10. Уқитиш жараёни янада муваффақиятли ўтиши учун, ҳар бир тушунча берилганидан кейин, уни бир неча мисоллар билан мустаҳкамлаш қоидаси.

11. Уқитилаётган нарсада асосий ва иккинчи даражали жойларини ажратиш йўли билан, уқувчи-талабаларда берилган билим ичидаги асосий ўринларини ажрата олишга ўргатиш қоидаси.

12. Ҳеч қачон қуруқ обрўга таяниб ўқитмай, фақат ақл ва ҳиссиётдан келиб чиқувчи далилларга таяниб ўқитиш тамойили.

13. Уқувчи-талабаларни китоб ўқишга ўргатиш қоидаси.

14. Таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир ўтказувчи ички ва ташқи омилларни доимо бартараф этиб бориш қоидаси.

15. Уқувчи-талабаларга нега?, деган саволни тинмай бериш нули билан, уларда сабаб ва оқибат орасидаги боғланишни билдириб бериш қоидаси.

16. Берилаётган билимнинг тўғрилигига, уқувчи-талабаларда ҳеч қандай шубҳа ва гумон қолмаслиги ва уни эрдан чикмаслиги учун, билимни асос ва далиллар билан бериш қоидаси.

17. Ҳақиқий билимга эга бўлган деб, уни қайтариб айтиб берилганга эмас, балки бу билимни амалиётда қўллай олганга айтилади, деган қоида.

18. Доимо уқувчи-талабалар қизиқиш ва эҳтиёжларини ўқиниб бориб, уларни жамият эҳтиёжига мослаштириб бориш тамойили.

19. Уқувчи-талабалардаги кузатувчанликни ривождантириб, ҳаётдаги воқеликларни илмий асослаб бериш йўли билан ёшларда оқилликни камол топтириш қоидаси.

20. Уқувчи-талабаларга шундай билим берингки, бу билимлар уларда қатъий ишонч ҳосил қилиб, ҳаракат учун дастур амалиясини ўташ қоидаси.

21. Ҳеч қачон уқитувчи айтганларини такрорлаш, бировлардан кучириш ва айтиб туриш ҳолларга йўл қўймаслик билан, уқувчи-талабаларни мустақил фикрлашга ва ҳаракат қилишга ўргатиш қоидаси.

22. Берилаётган билимни ҳар томонлама таҳлил қилиб бериш нули билан уқувчи-талабаларда ижодий тафаккурни ривождантириш қоидаси.

23. Уқувчи-талабаларни фаоллаштириш ва рағбатлантириш учун доимо саволлар бериб, уларнинг жавобини чидам билан тинглаш қоидаси.

2. Кўргазмалилик тамойили. Бу энг ҳаммага маълум ва тунунса бўладиган тамойиллардан бири бўлиб, у қадимий замонлардан қўлланилиб келинган. Бунинг асосида куйидаги қонуниятлар етади: биринчидан, кўриш ва эшитиш орқали олинган ахборотлар мияга турлича таъсир этиб, турлича ҳолда сақланади. Қисқача қилиб айтганда, кўз билан кўрганда қулоқ билан эшитгандагига нисбатан беш баробар кўп ахборот олинди, уни мияда сақланиши ҳам юқори. Иккинчидан, кўздан борган ахборот қайта ишлашга мўтोज эмас.

Таълим амалиёти, кўргазмалилик тамойили амалга оширишнинг бир қатор қоидаларини ишлаб чиққан:

1. Уқитиш жараёнида, кўрган нарса эшитганга нисбатан бир неча баробар тез ўзлаштирилиб, узоқ муддатга эсда сақланиб қолишлигини доимо хотирада тутуш қоидаси.

2. Уқувчи-талабалар шакл, ранг, ҳис қилиш ва товуш орқали фикр юритишларини билиш қоидаси.

3. Уқувчи-талабаларнинг, киши нимаики нарсани тасаввурга келтириш мумкин бўлса, кўра олса, синаб кўрилса, эшита олса тафаккур қилинади деган олтин қоидасини билиш.

4. Ҳеч қачон кўргазмани асосий мақсад қилиб олмаслик, кўргазма мақсад эмас, мақсадга етиш воситаси сифатида билиш қоидаси.

5. Билим бериш ва бу билимларни уқувчи-талабалар кўникмасига айлантириш жараёнида, барча тушунча ва мавҳумликлар, улар тафаккурга фақат асос, далил, мисол, тимсол ва қиёфалар орқали тез етиб боришини англаш қоидаси.

6. Кўргазмалардан, фақат нарсаларни кўрсатиш учун фойдаланмай, улардан муаммоли вазиятларни шакллантиришда ҳам фойдаланиш қоидаси.

7. Кўргазма фақат ахборот берибгина қолмай, ўрган-шлаётган нарса ва ҳодиса тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилишлигини билиш қоидаси.

8. Кўргазмани намоёниш этилаётганда маълум бир тартиб билан кўрсатиш яхши натижа беришини тушуниб етиш қоидаси.

9. Кўргазмани кўрсатаётганда аввал бутунлай, сунг уларни қисмларга бўлиб кўрсатиб, ундан кейин яна бутунлай кўрсатишга эътибор бериш қоидаси.

10. Турли кўргазмани қуроллардан фойдаланиш яхши, аммо уларнинг миқдори ҳаддан зиёд бўлиб кетса, уқувчи-талабалар хаёлини ёйиб юборишлигини билиш қоидаси.

11. Кўргазмани кўрсатаётганда уқувчи-талабалар аввалдан эгалланган ҳиссий билимларидан унумли фойдаланиш қоидаси.

12. Энг яхши кўргазмалар уқувчи-талабалар ўзи тайёрлаган кўргазмалар воситалар эканлигини билган ҳолда кўргазмани иложли борица уқувчи-талабалар билан бирга тайёрлаш қоидаси.

13. Ўзингиз яхши билмаган нарсани ҳеч қачон уқувчи-талабаларга кўрсатмаслик қоидаси.

14. Янги техник воситалар - уқув телевидениеси, видео, компьютер ва бошқалардан фойдаланилаётганда, аввал ўқитувчининг ўз уни яхши ўзлаштириб олишлик қоидаси.

15. Кўргазмали қуроллардан фойдаланаётганда ўқувчи-талабалар диққатини, фикрлаш маданиятини, конструктив фикрини ва ўқишга қизиқишини тарбиялаш қоидаси.

16. Кўргазмани, назарий билимни ҳаёт билан боғлашда фойдаланиш қоидаси.

17. Дарс жараёнида кўргазма усулидан фойдаланиш имкони, кенгайтиши учун кўргазмали воситаларни курсатиш тартибини алоҳида режалаштириш қоидаси.

18. Кўргазмали қуроллардан фойдаланилаётганда, ўқувчи-талабалар ёш хусусиятларидан келиб чиқиш қоидаси.

19. Кўргазмали қуроллар жуда ҳам кучли таъсир этувчи восита бўлиб, у ўқувчи-талабалар ҳаёлини ўзига қаттиқ жалб қилиб, дарс мавзусининг асосий мақсадидан чалғитиши мумкинлигини аниқлаш қоидаси.

20. Кўргазмали қуроллардан ҳаддан зиёд фойдаланиш ўқувчи-талабаларда абстракт, яъни мавҳум тафаккур ривожига тўсиқ ҳам бўлиши мумкинлигини билиш қоидаси.

3. Тизимлилик ва мунтазамлик тамойили. Бу тамойил қуйидаги объектив қонуниятларига суянади: инсон фақат ташқи дунёни ўз тафаккурида аниқ акс эттиргандагина ҳақиқий ва фаол билимларга эга бўла олади; ўқувчи-талабалар тафаккурида илмий билимлар тизимини шакллантиришнинг асосий усули, мақсадга йўналтирилган махсус таълимни ташкил қилиниши; махсус таълимнинг ташкил қилиниш тартиби ўқувчи-талабалар имконияти ва бериладиган билимнинг ички мантиқий тузилишидан келиб чиққанлиги; билим бериш жараёни босқичма-босқич амалга оширилганлиги туфайли билим бериш самараси, бу босқичларнинг орасидаги вақтни қанчалик қисқа бўлишчилигига боғлиқ, босқичлар орасидаги масофа вақт жиҳатдан ҳаддан ошиб кетса билим бериш самара бермайди; агар билим ва унинг негизида шаклланган кўникмалар машқ орқали такрорланиб турилмаса, билим ва кўникма йўқолиб кетади; ўқувчи-талабаларни мантиқий фикрлашга ургатилган бўлмаса, улар доимо фикр юритишда қийинчиликларга дуч келадилар; ўқитишда тизимлик ва мунтазамликка амал қилинмаса, таълим-тарбия жараёни сусаяди.

Педагогик амалиётда бу тамойилни ишлаши қуйидаги қондалар орқали амалга оширилади:

1. Уқувчи-талабалар томонидан билимлар тизими тулиқ ўзлаштириб олиниши учун бериладиган билимларни мантиқий тугалланган билим булакларига ажратиб ўқитинг.
2. Мазмунини тулиқ очиб бсришга кўзингиз етмаган бирон-бир савол ва муаммони дарс режасига киритманг.
3. Мантиқийликни ҳеч қачон бузманг, бузилиб қоладиган бўлса, ўзлаштирилмасликнинг олдини олиш учун, уни дарров бартараф этинг.
4. Уқув фани – катта бир фanning кичрайтирилган модели эканини тушунтириб, фанлараро боғлиқликни кўрсатиб беринг.
5. Назарий билимларни ўзлаштирилиши тўғри кетаётгинини доимо текшириб боринг: урганилаётганнинг объекти, предмети, назарий асослари, асосий тушунчалари, назарияси ва уни қоидаларини, чегараларини доимо эслатиб уларни бажарилишини текшириш.
6. Доимо эсда тутиш лозимки, кунда эшитиб, гўёки яхши билган нарсани тушунтириб, илмий асослаб бериш қийин бўлади. Шунинг учун уқувчи-талабалардаги аввалги билимлари ва мантиқ усулларидан доимо фойдаланиш.
7. Бошланғич ва умумтаълим босқичларидаги билим мазмуни ва уни бериш усуллари орасидаги ворисликни доимо сақлаш зарур.
8. Уқитишнинг илгор усулларидан доимо фойдаланинг.
9. Уқитишда тизимлиликни ва мунтазамлиликни сақлаш учун, аввал ўтилган билимларни доимо такрорлаб туринг.
10. Ўтилган мавзуларни такрорлаш усулидан, фақат дарс бошида ва уни яқунлаётганда фойдаланиб қолмай, ҳар билимни тушунтирилаётганда ҳам ундан фойдаланинг.
11. Ўтилган мавзулар билан тез киришиб кетувчи бошқа янги фикрларни билдирманг.
12. Уқувчи-талабалар тил саводхонлигини фақат тил ўқитувчилари кузатиб борибгина қолмай, балки барча фан ўқитувчилари ҳам ёшларнинг тил саводхонлиги ва нутқ маданиятига эътибор бериши лозим.
13. Сабр ва чидам билан ҳамда узлуксиз равишда уқувчи-талабаларни мустақил фикр юритишга ва билимларни меҳнат қилиб топишга ургатинг. Уқувчи-талабаларнинг ўрнига ўзингиз жавоб бера қолманг.

14. Доимо ўқувчи-талабаларга ўқишининг истиқболини келатиб турунг.

15. Ҳар бир билим охирида албатта умумлаштирувчи машғулотларни амалга оширинг.

16. Ўқувчи-талабалар жавобида учраб турадиган хатоларни доимо тузатиб боринг.

17. Чарчаб қолган ўқувчи-талабалар фаолиятини ҳеч қачон сунъий равишда фаоллаштиришга ҳаракат қилманг, фаоллаштиришни уларнинг жисмоний ва ақлий имкониятидан келиб чиқинг.

18. Ўқувчи-талабалардан эгаллаган билимига куникма ва малака ҳосил қилишни талаб қилинг.

19. Эсда сақлаш лозимки, бир тизимда эгаллаган билим эсдан чиқмайди. Эсдан чиқиб қолса, тизим орқали уни дарров эсга тушириш осон.

20. Ҳамма нарса узлуксиз кетма-кетликда олиб борилиши керак, бугунги айтганларингиз кечагисини мустаҳкамлаши ва эртанги айтганингизга йўл очиб бериши керак.

4. Мустаҳкамлик тамойили. Бу тамойилда барча илғор ўқитувчилар ва педагог олимларнинг кўп йиллик изланишлари ўз нфодасини топган. Унда назарий билимлар билан эмперик билимлар бирлашиб мустаҳкамланган.

Билимларни мустаҳкам эгаллаш жараёни жуда мураккаб бўлиб кейинги йиллардаги тадқиқотлар бу жараёнга ўзгартиришлар киритилди. Билимни мустаҳкам эгаллаш жараёнини шу кундаги тушунилиши, бу жараёнга қуйидаги янги қоидаларни киритишни тақазо этади.

1. Бугунги кунги таълимда фикр юритиш эслаб қолишдан устунлик қилиши исботланган.

Шунинг учун ўқувчи-талабалар ақлий қувватини тежаш мақсадида, улардан кераксиз ва кам эътиборли нарсаларни эслаб қолишига камроқ эътибор бериб, унинг ҳисобига фикр юритишига кўпроқ куч сарфлашига ёрдам бериш.

2. Ўқувчи-талабалар тушуниб етмаган ёки нотўғри тушуниб, қолган нарсаларни эслаб қолмасликларига эътибор бериш лозим. Ўқувчи-талабалар, фақат яхши тушуниб етиб, уни тўғрилигига имон ҳосил қилган нарсасини хотирасида сақлаши керак.

3. Ўқувчи-талабалар хотирасини кам эътиборли ахборотларни эслаб қолишдан ҳоли қилиш мақсадида, уларни турли лугат ва энциклопедиялардан фойдаланишга ўргатинг.

4. Эслаб қолинадиган нарсаларни ниҳоятда қисқа қилиб, ёд олишга осон бўлиши учун, равон, иложи бўлса шеър вазнига солиб туриб эсда сақлашга уқувчи-талабаларни ургатиш.

5. Эсдан чиқариш билимни эгаллаб олгандан кейин тез кечишини ҳисобга олган ҳолда, уларни психология фанининг эсда сақлаш қондаси асосида хотирада сақлашга уқувчи-талабаларни ургатиш.

6. Ёд олишни уқувчи-талабаларга уйга вазифа ёки мустақил иш қилиб берманг яхшиси уни шу нарсага қизиқтириб қўйинг ва вақти-вақти билан бу қизиқишни янгилаб турунг.

7. Такрорлаш машқларини уқувчи-талабалар янги билимни эгаллаган заҳотидан бошлаш керак. Чунки, бу нарсалар кейин эсдан чиқиб кетиши аниқ.

8. Уқувчи-талабалар диққатини сусайтирувчи ички ва ташқи омилларни фаолиятига йўл қўйманг.

Дангасалик касали билан тинмай кураш олиб боринг, билим олиш суръатини сусайтирманг.

9. Бериладиган билимга қизиқиш ва ижобий муносабатни шакллантирмасдан туриб, янги билим беришни бошланг.

Зурлаб берилган билим уқувчи-талабалар хотирасида узоқ сақланмаслигини унутманг.

10. Билимни эгаллаш суръати пасая бошлаши билан унинг сабабини аниқланг ва бартараф этинг.

11. Уқувчи-талабалар томонидан мустақил равишда дарсни такрорлаш эслаб қолишнинг муҳим омилли эканини унутманг ва ўзини-ўзи тарбиялашга катта эътибор қаратинг.

12. Такрорлаш дарсларини шундай ташкил қилингики, у фақат билимни фикр юритишга ҳам фойдаси бўлсин. Шунинг учун дарсларини асосий дарс тизимида унинг ҳажминини ё кўпайтиринг, ёки камайтиринг.

13. Берилган билим хотирада мустаҳкам сақланиши учун, уни қизиқарли қилиб, кўргазмали кўроллардан фойдаланиб тушунтириб беринг.

14. Янги бериладиган билим мустаҳкам хотирада қолиши учун, уни аввалги билим билан боғлаб тушунтириб беринг.

15. Билимни мантиқан бир бутун қилиб беришга урганинг.

16. Осон ва бир турдаги топшириқ беришдан тийилинг, улар уқувчи-талабаларга қизиқ бўлмай, толиқтиради.

17. Машқлар ўтказишдан олдин, уларнинг бажарилиш шартлиби ва натижаси тўғрисида маълумот беринг.

18. Машқ даврида ўқувчи-талабаларни чарчаб қолишидан сақланг.

19. Ҳозирги замон назорат усулларида тўғри фойдаланинг.

20. Ўқувчи-талабаларни ўз меҳнатини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатинг.

5. Тушунарлилик тамойили. Бу тамойил бир томондан, дидак-тиканинг бошқа тамойилларининг талабларидан, иккинчи томондан, ўқувчи-талабалар ёш хусусиятидан, учинчи томондан, кўп йиллик педагогик тажриба асосида яратилган.

Бу тамойил заминида **тезаурус қонуни** ётади. Бу қонун бўйича кишига билим фақат унинг тезаурусига мос келганда тушунарли бўлади. **“Тезаурус”** лотинчада «хазина»ни билдиради. Маъноси, кишининг тўплаган билими, кўникма ва фикрлаш услуби унинг **“тезаурус”ни** ташкил қилади.

Бошқа қонуниятларни ҳам кўрсатишимиз мумкин: а) бериладиган билимнинг тушунарлилиги, уни эгаллаётган ўқувчи-талабанинг ёши индивидуал хусусиятларига боғлиқдир; б) тушунарлилик билим беришни ташкил қилишга унда қўлланиладиган билим бериш усул ва услубларига боғлиқ; в) билимни тушунарлилиги уни эгаллаётганнинг билим ҳажмига ва сифатига боғлиқлиги; г) билимни тушунарлилиги уни берилиш суръатига боғлиқлиги ва ҳоказо.

Я.А.Коменский шакллантирган куйидаги қоидалари мавжуд: ошондан қийинга, маълумдан номаълумга ва оддийдан мураккабга. Ҳозирги замон педагогик назарияси ва амалиёти тушунарлилик тамойилини қўлланиш қоидаларини кенгайтирди ва бойитди:

1. Билимни таълим олувчининг ёшига қараб бериш.

2. Ўқувчи-талабалар тафаккури берилаётган билимга тайёрланган бўлиши шарт.

3. Ўқитаётганда ўқувчи-талабаларнинг тайёргарлик ва ривожланганлик даражасига қараб билим бериш.

5. Ўқувчи-талабаларни индивидуал қобилиятидан келиб чиқиб билим бериш.

6. Билим бериш суръати уртача олиб борилиши шарт.

Билим беришда, муайян кучланишни ҳосил бўлишини эсда сақлаш, бу кучланиш ошиб кетса ўқувчи-талабалар толиқиб,

кучланиш пасайиб кетса таълим олувчилар зеркиб қолишини билиш.

7. Психология ва педагогиканинг янги кашфиётларидан унумли фойдаланинг аста-секин таълим жараёнини такомиллаштиринг.

8. Янги дарс ўтишда кучли ўқувчи-талабалардан ва дарсни мустақкамлаётганда ўрта ва кучсиз ўқувчи-талабалардан фойдаланинг.

9. Берилаётган билимларни қарама-қарши томонларини ҳам тушунтириб ўқувчи-талабаларни билим олишини осонлаштиринг.

10. Ўқувчи-талабаларга энг қийин сингадиган билимлар табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонунларидир. Шунинг учун ўз фанингизни ўтаётганда усталик билан уларни кўшиб тушунтириб кетинг.

11. Таълим-тарбия жараёнини асоссиз тезлаштирманг ва сусайтириб юборманг.

12. Ўқувчи-талабаларнинг оралиқ якуний фикрларини билдига йўймасдан, улардан фикрни давом эттириш учун фойдаланинг.

13. Тушунарлилик ўқитувчининг сўзларини юқори ҳиссиёт ва ҳар бир сўзни асослаб берилганлиги билан ҳам белгиланади.

14. Узоқ монолог сўзлардан қочинг.

15. Ўқитишнинг бош қисмида барча билим ҳажмини тўкиб солманг, фақат асосийларини айтиб ўтиш билан кифояланг.

16. Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб кўя қолади. яхши ўқитувчи бу ҳақиқатни топишни ўқувчи-талабаларга ўргатади, деган иборани унутманг.

17. Тушунарли қилиб дарс ўтиш деганда, бутун билимни ўқувчи-талабаларга тушунарли тилда тушунтириб бериш ёки бу билимларни топишни тушунарли қилиб айтиб беришда эмас, тушунарли дарс ўтиш деганда калавани таълим олувчилар қўлига ушлаб қўйиб, билимни секин-аста чиқиб келишини кўрсатиш, ўқувчи-талабаларни рағбатлантириб туриш ва ҳаказо тадбирларга айтилади.

6. Илмийлик тамойили. Бу тамойил асосида бир қатор қонуниятлар ётади. Жумладан; дунёни ўрганиб бўлади ва инсоният аниқлаган ва амалиётда синаб кўрилган қонуниятларни ўрганса бўлади; таълим-тарбия жараёни, илмий фаолият орқали тўпланган, объектив олам тўғрисидаги маълумот тизимини ўсиб келаётган авлодга билдиради; илмийлик, бериладиган билимлар маълум бир кетма-кетликда берилишини тақазо этади; илмийлик, ўқитув-

чиларнинг билимини малум бир кетма-кетликда беришга амал қилишни ҳам тақазо этади; илмийлик яна берилаётган билим ҳозирги замон ижтимоий ва илмий-тараққиёт даражасига мослиги билан ҳамда тузилган дастур ва ишчи режага мос бўлишлиги билан ҳам белгиланади.

Дидактика бу тамойилни амалиётга қўллашнинг қуйидаги бир қатор қоидаларини ишлаб чиққан:

1. Педагогик амалиёт билан шугулланганда педагогика, психология ва дарс беришнинг усул ва услубларининг энг илгор-таридан фойдаланиш.

2. Ҳозирги замон дидактика ва психология фанларининг курсатмалари бўйича дарс берганда мантиқнинг фақат индуктив усулидан фойдаланибгина қолмай, дедуктив усулидан ҳам беамал фойдаланаверш.

3. Бошданоқ ўқув фанининг ички мантигини очиб беришга интилиш.

4. Ўқувчи-талабаларда нарса ва ҳодисаларга диалектик ёндошувни шакллантириш мақсадида, ҳар бир билимни беришда унинг ички диалектикасига аҳамият бериш.

5. Такрорланмаса эсдан чиқади деган қоидадан келиб чиқиб, ҳар бир дарсда янги билимни такрорлаб туриш.

6. Қонуниятларни тушунтираётганда, уларни ташқи муҳит, вақт, эскилик ва янгилик орасидаги тафовут ҳамда ички шароитларга боғлиқликда тушунтириш.

7. Уқитганда, ўқувчи-талабаларда изланувчанлик ҳиссиётини ривожлантириш.

8. Муайян қонуниятни тушунтиришда, уни кашф этган олимнинг қисқача таржимаи ҳолини айтиш.

9. Билим беришда, уни тадқиқ қилинган усуллари ҳам келиб, ўқувчи-талабаларда тадқиқот усулларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

10. Дарс ўтганда атама, таъриф ва тушунчаларнинг эскиларига танқидий ёндошиб, энг янгиларидан фойдаланиш.

11. Билим беришда тарихийлик қоидасидан келиб чиқиб, берилаётган билимингизни кашф қилиниш тарихини айтиш.

12. Фан билан боғлиқ тўғри билимларини беришда, улар ичидан асосийларини ажратиш, фандаги устувор йўналишларини ҳам курсатиш ўтиш.

13. Мактабнинг юкори синфлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва айникса, олий ўқув юртларида фандаги баҳсли ўринларини айланиб ўтмаслик.

14. Ўқувчи-талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантириб бориш.

15. Янглик топшни ўқувчи-талабаларда таркиб топтириш.

Назария ва амалиёт бирлиги тамойили. Бу тамойил фалсафанинг билиш назариясининг марказий қоидасига асосланади. Унда, билишнинг биринчи ва асосий нуқтаи назари – бу ҳаётнинг ва амалиётнинг нуқтаи назаридир, дейилади.

У куйидаги қонуниятлардан келиб чиқади: ҳар қандай билимнинг тўғрилиги амалиётда синалиб, тасдиқланади; амалиёт ҳақиқат мезони, билишнинг манбаи ва тадқиқот натижаларини қўлланиш ҳудуди; тўғри ташкил қилинган таълим-тарбия ҳаётдан келиб чиқади; таълим-тарбиянинг самарадорлиги, уни қанчалик амалиёт билан боғлиқлиги билан белгиланади; билим беришни самарадорлиги, уни политехник таълим билан боғлиқлиги билан белгиланади; берилаётган билим қанчалик ҳаёт билан боғланса, ўқувчи-талабалардаги билим эгаллаш шунчалик онгли кечади.

Бу тамойилни амалиётда қўлланиши куйидаги қоидалар орқали кечади:

1. Билим ва тарбия беришда, ўқитувчи-талабалар бу берилаётганларни, уз ҳаётига нақадар зарур эканини билиб бориши.

2. Билим беришда ҳаётдан билимга ёки билимдан ҳаётга қараб бориш.

3. Билим беришда, бу билим ҳаётда зарур бўлгани учун кашф қилинганлигини таъкидлаш.

4. Ўқувчи-талабаларни энг янги меҳнат қуроллари ва меҳнат муносабатлари билан таништириб бориш.

5. Ўқувчи-талабаларни олган билимларини амалиётда албатта синаб қўришларини талаб қилиш.

6. Таълим натижасини ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини амалда кўрсатиш.

7. Билим бериш жараёнини ишлаб чиқариш ютуқларидан мисоллар келтириш йўли билан билимни амалиёт билан боғлаш.

8. Дарс беришда, ўқувчи-талабаларнинг меҳнат тажрибаларидан келиб чиқиш.

9. Ижтимоий меҳнат фақат дарс жараёнидаги олинган билимлар асосида амалга оширилиши.

10. Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан қўшиб олиб бериш.¹

Шундай қилиб, **дидактика** яъни таълим тамойиллари асрлар она сайқал топиб борди. Албатта таълим тамойиллари ҳар бир даврнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб боради. Чунки таълим тамойиллари жамият ва давлат олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда куп қирралидир. Унда педагог ва ўқувчи-талабалар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун-қоидалари, яъни таълимга қўйилган дидактик талабларга ва таълим тамойилларига қай даражада амал қилишларига боғлиқдир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, буюк чех дидактик олими Ян Амос Коменский ўзининг “Буюк дидактика” асарида дидактиканинг принципларини, яъни тамойилларини ишлаб чиққанидан бошлаб, уларни М.И.Скаткин, Г.М.Коджаспирова, С.Ражабов, Н.Ғайбуллаев, И.Ф.Харламов, С.П. Илина, Ю.К.Бабанский, Л.С.Вигоцкий, В.А.Кан-Калин, А.Зуннунов, У.Маҳкамов, Р.Ёдгоров, Р.Маматқулова, Р.Мавлонова, Ж.Ҳасанбоев, Х.Турақулов, И.Алқаров, Н.Усмонов, Б.Зиёмухамедов, Н.Воҳидова, Ё.Раҳмонова ва бошқа педагог олимлар кўриб чиқдилар, лекин таълим (ўқитиш) тамойил- (принцип)ларининг сони ва мазмунини белгилаш хусусида ҳозирги кунгача бир фикрга келингани йўқ. Таълим тамойил (принцип)лари сони 6 тадан 11 тагачадир. Тадқиқотлардан айримларининг асарларида турли принциплар тавсия этилган. Масалан, М.И. Скаткин узлуксиз таълим тамойилини ҳисобга олиб, ўқитишнинг мустақил билим олишга ўтиш принципи жорий этилишини таклиф қилади, шунингдек, ўқишга ижобий муносабатни шакллантиришга катта эътибор бериб, таълим ижобий асосда олиб борилиши принципини мақсадга мувофиқ деб билади. Ю.К.Бабанский дидактиканинг янги йўналишларидан бири – оптималлаштириш назариясини ишлаб чиқиб, мана шу назариянинг амалий йўналишини акс эттирадиган учта янги принципни тавсия қилади. Булар эса: 1) таълимнинг оғзаки, кўрсатмали ва амалий, репродуктив ва изланишли, шунингдек, бошқа методлар ҳамда усулларини тўғри бирлаштириш; 2) таълимнинг дарс, дарсдан ташқари, шунингдек, умумсинф, гуруҳий ва якка тартибдага шакллари тўғри бирлаштириш; 3) ўқувчи-талабаларнинг ўқишга

¹ 1. Кутхон Раҳмонова, Хамширалик ишида педагогика. Дарслик –Т: 2007. 90-100-бетлар

ижобий муносабатни кучайтириш, уларда билишга қизиқишни, билимларга эҳтиёжни таркиб топтиришдан иборатдир.¹ Бу принциплар ҳали барқарор принциплар тизимига киргани йўқ, лекин тажрибали педагоглар педагогиканинг тегишли мавзулари ва бўлимларини ўтишда улардан фойдаланмоқдалар.


Барча предмет ўқитувчилари ана шу таълим принципларига риоя қилишлари керак. Аниқ предметларнинг мазмунига, ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларига, кўрсатмали қўлланмалар мавжудлигига боғлиқ ҳолда принципларнинг нисбати ҳамда мазмуни ўзгартирилиши лозим. Масалан; кўрсатмалилик принципини табиатшуносликни ўқитиш жараёнида тажрибаларни намойиш этиш бўлса, тилни ўқитишда грамматика жадвалларини кўрсатиш, доскага ёзиш, схемаларни чизиш ва ҳаказолардан иборат бўлади.

Лекин ҳар қандай предметни ўқитишда жонли мушоҳада, яъни нарса ва ҳодисаларни муайян идрок этиш, фикрлаш принципларига амал қилиш, бошқача айтганда назарий хулосаларни тушуниш ва билиш, уларни ҳаётда қўллай олиш зарур.

Умуман, таълим (ўқитиш)нинг ҳар хил тамойил- (принцип)лари тавсия этилаётган бўлса ҳам, лекин барча тадқиқотчи-дидактик олимлар учун бир қатор умумий таълим тамойил (принцип)лари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

¹ Ю.К.Бабанский Принцип обучения в современной образовательной школе. Народное образование. 1979 г., №2, стр.7.

ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИ



ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРГА УМУМИЙ ТАВСИФ

I. ТАЪЛИМНИНГ ИЛМИЙЛИК ТАМОЙИЛИ

Илмий билимлар ҳаққоний воқеликни инсон онгида акс эттишидир. Теварак-атрофни ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарса ва ҳодисаларнинг хоссаларини ва уларнинг ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билим илмий билимлар ҳисобланади. Илмий билимлар тажрибалар, текширишлар, таҳлил қилиш, исботлаш кабиларни талаб этади. Инсоният илмий билимларини кенгайтириб борган сари ҳақиқий воқеликка маълум даражада яқинлашиб боради. Илмий жиҳатдан исботланмаган билимлар ҳам мавжуд ва бу билимларни ҳали инсон таҳлил қилиши ва чуқурроқ ўрганиши керак бўлади. Таълим жараёнида биз талабаларга исботлаб бўлинган, аниқланган ва бу билимларни ҳали инсон таҳлил қилиши ва чуқурроқ ўрганиши керак бўлади. Таълим жараёнида биз талабаларга исботлаб бўлинган, аниқланган ва амалиётда текшириб кўрилган билимларни етказишимиз лозим.

Таълимнинг илмийлиги ўқувчи-талабаларнинг ўқув материалларидаги қонуниятларини акс эттириш, тушуниш ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Назарий қоидаларни тушуниш-материалини илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш фаолиятини хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар илмийлигича қолиб, воқеиликни ҳар хил даражада акс эттириши мумкин. Илмий изоҳ таълимнинг ҳамма босқичларида илмийлик қоидалари вазифаларидан бири назарий маълумотлар теварак-атрофдаги дунёни қанчалик чуқур акс этганлиги нуқтаи назаридан бири билиб олишдир. Илмийлик қоидаси барча гуруҳлардаги ва турли таълим муассасаларидаги ўқувчи-талабаларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан ишонарли, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади.

Илмий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчи-талабаларда илмий дунёқараш этикод таркиб топади. Тафаккур ривожланади. Етук миллий кадрларни тарбиялаб этиштириш учун ҳозирги замон фан-техникасининг ривож даражасидаги илмий билимларни эгаллашга эришиш муҳим. Шу билан бир қаторда ўқувчи-талабаларни илмий-тадқиқот усуллари билан ҳам таништириб

бориш мақсадга мувофиқ. Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам, усулларига ҳам алоқадордир, яъни дарсликлар ўқув қўлланмалар, ўқув дастурлари, ўқув режаси, илмий асосда яратилиши лозим.

II. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ БИРЛИГИ ТАМОЙИЛИ

Таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Ҳар қандай билим маълум тарбиявий таъсирга эга ва ҳар қандай тарбиявий тадбир ўзида билим асосини акс эттиради. Бу ҳаётий қонуният бўлиб биз таълим жараёнида уни ҳисобга олишимиз лозим. Таълим жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда қулай. Чунки тарбия ҳис-ҳаяжон ва амалий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ.

Бу эса билимларни пухтароқ ўрганишга ёрдам беради. Билимлар эса билимларни ана шу тарбиявий жиҳатларни мустаҳкамлашга таъсир этади. Билимлар ҳаётни, ҳаётий қонуниятларни билишга хизмат қилса, тарбия ана шу ҳаётга нисбатан тўғри муносабатни таркиб топишини таъминлайди. Демак, бир бутун таълим жараёнида икки ўзаро боғлиқлик ҳаётини билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш жараёни содир бўлар экан.

Таълим-тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилишга ва ўқитишга хилма хил метод ва услублардан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

а) баён қилинаётган ўқув материалларнинг мазмунини ҳам илмий ҳам, ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши;

б) ўқитилаётган мавзунинг илмий ва тарбиявий моҳиятини очиб берилиши, таълим жараёнида маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратилиши;

в) баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзгартирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;

г) таълимда муаммоли жараённи вужудга келтириш ўқувчи-талабаларнинг қизиқишлари фаоллик ва ташаббускорликни таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши;

д) таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг уюшқоқлигини интизомлик ва жавобгарликни сезиш ўзаро ёрдам ҳисларини тарбияланишини таъминлаш зарур.

III. ТАЪЛИМНИНГ ТИЗИМЛИЛИК ВА ИЗЧИЛЛИК ТАМОЙИЛИ

Ижтимоий тараққиётнинг бой тажрибаси таълимда тизимли ва изчиллик бўлиши шарт эканини тасдиқлади. Билимларнинг маълум тизимига солиниши ва изчил бўлиши таълим самарадорлигини белгиловчи етакчи омилларидан биридир. Ҳозирги замон дидактикасида бу тамойилга катта эътибор берилмоқда. Чунки таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш бутун ўрганилган билимларни мустаҳкамлашга ва эртага ўрганаётган билимларга замин тайёрлашга ёрдам беради. Яъни утиллаётган фан ёки баён қилинаётган янги материал ўқувчи-талабаларнинг олдинги ўзлаштирилган илмий билимларга кўникма ва малакалари билан изчил ва узвий боғланиш, шу билан бир вақтда ўқитилаётган ўқув материалларни ўзлаштириш орқали келажакда янги билимларни ўзлаштиришга, шунингдек, навбатдаги таълим босқичига замин яратилиши назарда тутилади.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир. Изчилликка асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, ўқувчи-талабаларнинг олдидан ўзлаштирилган билим ва малакалари замирида янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро бошланишларини такомиллаштириш ва аксинча, янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилгандир. Демак, тизимлиликда изчиллик таълимда узлуксизликни вужудга келтиришда аҳамиятлидир. Бундан ташқари маълум тизимга солинган билимларни эгаллаш ўрганиш жараёнида қулайлик вужудга келтирилади. Албатта тизимли ва изчилликни соддадан мураккабга қараб йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Билимларнинг аста-секин изчиллик билан мураккаблашиб бориши тафаккурни ривожлантиради ва натижада таълимнинг ривожлантирувчи хусусияти келиб чиқади.

IV. ТАЪЛИМНИНГ КЎРСАТМАЛИЛИК ВА КЎРGAЗМАЛИЛИК ТАМОЙИЛИ

Таълим жараёнида мумкин қадар сезги органларини кўпроқ жалб этиш ўрганишни осонлаштиради. Эшитиш жараёнида абстракт тафаккур маълум иш бажарса, кўриш орқали образли тафаккур ҳам ишга тушади. Кўрсатмалилик мавзунини ўрганишда энгиллик тугдириши билан бирга ўқувчи-талабаларда қизиқиш ҳам

уйғотилади. Ҳурғанилган мавзуни ўзига узоқ муддат эсда сақланишга иш қайта эсга туширишга ёрдам беради. Ҳуқувчи-талабаларнинг схема, жадвал, диаграмма каби материалларни устида иш олиб боришлари ва материаллар хусусиятларини таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқаришлари мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

Албатта, кўрсатмалик самарали натижалар бериши учун унинг бошқа томонларини ҳам эътиборга олиши керак. Биринчидан, ишлатиладиган кўргазмали қуроллар ҳуқувчи-талабаларнинг ёши ва ўзига хос характер хусусиятлари, умумий тайёргарлик савиясига мос келган бўлиши лозим. Иккинчидан, фойдаланиладиган кўрсатмали қуроллар ўтилайётган дарс мавзусининг мазмунини очиб беришга ёрдам берадиган материаллар бўлишини ҳисобга олмоқ, уни тўғри танлашга эътибор бермоқ лозим. Учунчидан, дарс жараёнида фойдаланиши учун белгиланган кўрсатмали материаллардан унумли фойдаланмоқ учун зарур бўлган таълим усуллари тўғри танланган бўлиши лозим.

V. ТАЪЛИМНИНГ ОНГЛИЛИК, ФАОЛЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ТАМОЙИЛИ

Ҳуқувчи-талабаларни янги материалларни идрок қилишда таърифлар, теоремалар, адабиётдан шеър ёдлаш ва ҳаказоларнинг ифодаланишигина эмас, балки уларнинг ҳаётий ҳодисалар жараёнлар билан боғлиқ бўлган мавзуни ҳам тушунишларини талаб этади. Акс ҳолда билимларда юзакичилик авж олади, бунда материаллар қуруқ ёдлаб олинган бўлади. Бундай билимлар тез унитилади. Бундан ташқари билимларни онгли равишда ўзлаштириш ҳуқувчи-талабаларда бу билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни эмоционал кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади.

Маълумки, таълим икки томонлик хусусиятга эга. Таълим жараёнида педагог йўналтирувчи бўлиб майдонга чиқади ва ҳуқувчи-талабалар ўрганиши жараёнини ўз бошларидан кечиридилар. Ҳурғаниш жараёни мураккаб психик жараён бўлиб ҳуқувчи-талабалардан маълум фаолликни талаб этади. Педагог қанчалик қонунчилик таълим жараёнини сермазмун, қизиқарли ва маҳорат билан ташкил этмасин, ҳуқувчи-талабалар томонидан маълум фаоллик билдирилмаса ҳуқув жараёнида самарага эришиши мумкин эмас. Демак, ҳуқув жараёнида аввал ҳуқувчи-талабаларда фаолликни уйғотиш зарур. Бу фаоллик таълим жараёнига таъсир этади, идрок

қилиш, таҳлил қилиш, анализ ва синтез каби психик жараёнларни ишга туширади. Ўқувчи-талабаларда фаоллик ҳолатини вужудга келишида мотивациялар аҳамиятлидир. Мустақил тафаккур турли усуллар билан ҳосил қилинади. Тафаккурни шакллантириш усулларида бири мустақил ҳал қилиш, муомалали вазибалар қўйишдир. Айтиб ўтиш жоизки онглилик ва фаоллик, мустақил тафаккурни вужудга келишига сабаб бўлади. Бугунги кунда таълим олдига қўйилаётган энг катта талаблардан бири ҳам мустақил фикрлаш муомалалар ечимини топиш каби хусусиятларни ўқувчи-талабаларда ривожлантиришдир. Умуман онглилик, фаоллик ва мустақиллик ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи психик ҳолатдир дейиш мумкин. Билимларни онгли ўзлаштириш бир томондан ўқувчи-талабаларнинг мустақил фаол фикр қилишларини назарда тутса, иккинчи томондан айнан шу жараён давомида ўқувчи-талабаларда мустақиллик ва фаолликни ҳамда мантикий фикр қилиш фаолиятларини тарбиялаб, такомиллаштириб бориши назарда тутилади. Ўқувчи-талабалар фаоллигини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини ошириш, уларда онглиликни ўстириш ўқишда юксак самарадорликка эришишга ёрдам беради.

VI. ТАЪЛИМНИНГ ПУХТА ВА ТИЗИМЛИ ЎЗЛАШТИРИБ ОЛИШ ТАМОЙИЛИ

Таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни билимларни мустаҳкам эса сақланиб қолишини таъминлаш зарурий талабларидан биридир. Ўқув материалларини мустаҳкам эса сақлаб қолиш, айна дарс жараёнида баён қилинаётган ўқув материалларни тизимли ва онгли ўзлаштиришга боғлиқ. Аввалги машғулотларида ҳосил қилинган билим, қўникма ва малакаларини анча мураккаброқ материалларни ўзлаштириб олиш учун пиллапоя, замин бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам билимлар заминининг пухта бўлмаслиги кейинги ўрганиладиган янги билимларни ҳам заиф бўлишга олиб келади. Яъни ўзлаштирган, мустаҳкамланган билимларда эса кейинги янги билимларни ўрганилишида ва мустаҳкамлашда асос бўлиб хизмат қилади. Билимларнинг ўзлаштириш жараёнида уларнинг пухта англаб олинганлигини текшириш баъзи тушунмовчиликларни йўқотиш, мустаҳкамлашга эътиборини қаратиш дидактикнинг асосий масалаларидан биридир. Таълим жараёнида такрорлашни уюштириш, билимларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш фақат олдидан ўзлаштирилишлигини ўқув

материалигина эсга туширмай, балки шу ўқув материалига боғлиқ бўлган янги-янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ бўлиб қолган томонлар ойдинлаштирилади ва тўлдирилади. Билимларни ўзлаштириш жараёни узлуксиз ва маълум тизим асосида олиб борилиши таълим самарасини оширади. Билимларни доимий равишда текшириб такрорлаш тизимли ва узлуксиз равишда тўлдириб бориш муҳим дидактик талабдир.

VII. ТАЪЛИМНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ ВА ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАМОЙИЛИ

Ҳар бир ўқувчи-талаба ўзига яраша қизиқишлари ва шу билан бир қаторда миқдори-мавжуд. Ҳар бир ўқувчи-талабанинг ўзига хос бўлган ютуқлари ва шу билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Агар педагоглар ўқув жараёнида ана шу индивидуал хусусиятларни ҳисобга олмасалар ҳар қанча унумли методлардан фойдаланмасинлар, ўқув жараёнида яхши натижаларга эриша олмайдилар. Чунки таълимнинг асосий вазифаларидач бири ўқувчи-талабани умумий ривожини таъминлаш. Лекин ўқувчи-талабанинг ҳақиқий ривожини фақат унинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Ўқувчи-талабаларнинг реал ўқув имкониятларини, уларнинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ҳозирги вақтда шунчаки хоҳиш эмас, балки мажбурий талабдир. Бусиз ўқув жараёнини муқобиллаштириш, уни бойитиш ақлга сикмайди. Албатта шахсий хусусиятлар жуда хилма-хил, уларни ўрганиш маълум вақт талаб этади. Кузатиш жараёнида ўқувчи-талабанинг кучли ва ожиз томонларини унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига мос бўлган хусусиятларни билиб олиш мумкин. Ўқувчи-талаба шахсининг муаммолари ва қийинчиликларни таҳлил қилиш ҳамда шу муаммоларни сабабларини аниқлаш кейинги педагогик чоратадбирларини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса, ўзлаштириш бир оз пастроқ бўлган ўқувчи-талабалар билан якка ҳолда ишлаш жараёнида педагог ўзи учун ўқувчи-талабанинг янги қирраларини кашф этиши мумкин. Кейинги даврларда **“дифференциялашган таълим”** деган тушунчани кенг тарқалишининг асосий сабаби ҳам шахсий хусусиятлари, қобилияти, қизиқишлари, иқтидори кабиларни ҳисобга олинган ҳолда талабаларни гуруҳларга ажратишни ва шу гуруҳлар учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқишга қаратилган, гуруҳлар учун

тузилган дастурлар қўлланиладиган методлар асосида ўқувчи-талабаларнинг шахси аниқланади.

Маълум гуруҳ учун белгиланган ўқув дастури, мазмуни ва ҳажми ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши лозим. Ҳурғанилаётган билимлар ҳосил қилинаётган малака ва кўникмалар ўқувчи-талабаларнинг ҳаддан зиёд толиқтириб қўймаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда ўқув жараёнида ўқувчи-талабаларнинг соғлиги психик ҳолатида салбий таъсир этишини олдини олиш лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи-талабанинг хусусиятларини чуқурроқ ўрганиб имкониятлар даражасида белгилаб олиш керак. Таълимнинг мазмуни шахсларнинг куч-қувватига мос бўлишга эришиш лозим. Таълимни ҳаддан зиёд **“енгиллаштириш”**, **“осонлаштириш”** ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки бундай таълим ривожлантирувчи бўла олмайди. Демак, ёш даврда ҳар бир ўқувчи-талабанинг имкониятларини ўрганиш ва имкониятларга мос равишда таълимни ташкил этиш, ўрганиладиган билимлар ҳажмини белгилашда таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳим бўлиб, бу йўналишда ҳам тегишли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонда **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** асосда узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари (принциплари) белгиланган. Булар таълимнинг устуворлиги, таълимнинг ийжтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналишига, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш кабилардир. Кўриб турганимиздек, узлуксиз таълимни ривожлантириш тамойиллари дидактика тамойиллари билан узвий боғлиқ бўлиб, ана шу дидактик тамойилларини янада мукамаллашувига туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Демак, бугунги кунда ўқувчи-талабаларни эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда педагогика ва унинг ажралмас қисми ҳисобланмиш дидактика ўқув жараёни қонунларини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш устида илмий-тадқиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориши мақсадга мувофиқ.

VIII. ТАЪЛИМНИНГ ФАНЛАРАРО БОҒЛИҚЛИК ТАМОЙИЛИ

Таълимнинг асосий мақсади ўқувчи-талабаларни мустақил

ҳаётга тайёрлаш, яъни турли хил ҳаётӣ шароитларда ўз билим, малака ва кўникмаларини амалда қўллай олиш даражасига етказишдир. Шунинг учун таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни фақат илмий билимлар билан қуроллантирибгина қолмасдан, балки ана шу фанлараро боғлиқ билимларни амалиётда қўллай олишларини таъминлашимиз лозим. Демак, бу тамойил таълимнинг фанлараро боғлиқлиги билан ҳамоҳанг бўлиб, улар бир-бирларини тўлдириб келадилар. Таълимнинг фанлараро боғлиқлиги илмий билимларни назарий жиҳатдан ўрганишга, мантиқий боғлиқликларни тушунишига, фикрлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилса, амалий ҳаракатлар ана шу билимларни амалда қўллаб кўриш, янада тулиқроқ ишонч ҳосил қилиш, малака ҳамда кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

IX. ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЯ БИЛАН АМАЛИЁТ БИРЛИГИ ТАМОЙИЛИ

Мазкур тамойилларда даставвал ўқув фанининг мазмунини ва ўзига хос хусусиятга боғлиқ ҳолда ўқиш жараёнида амалга оширилади. Бу бирлик илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш. Ўқув материалларни идрок қилиш, аниқлаш, шунингдек, уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий жараён билан боғлиқ ҳола бир бутун жараённи ташкил қилади.

Таълим жараёнида ўқувчи-талабалар томонидан табиий фанлардан ҳамда ижтимоий гуманитар фанлардан ўзлаштирилган назарий билим кўникма ва малакалари тажриба хоналари ва лаборатория, замонавий техника воситалари, тажриба ер участкалари ва ишлаб чиқариш меҳнати ва иқтисодий муносабатлар жараёнида қўлланилади. Бу машғулотлар улар келгусида мураккаб илмий назариялари амалда қўллана олишлари учун зарур бўлган тажриба билан қуроллантирилади. Ўқувчи-талабалар ўқув материалларини туб моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонунларини илмий асосда атрафлича тўғри, чуқур тушуниб оладилар ва келажакда амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир мавзунинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган янги билимларни мумкин қадар амалиётга боғлаш учун жараённинг тамойили сифатида қабул қилинади.

3.6. ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Педагогик адабиётларда, луғатларда ва таълим жараёнида “метод”, “методика”, “усул”, “услуб” атамалари тартибга келтирилмасдан баъзи ўринларда “таълим методлари”, “ўқитиш методлари”, “ўқитиш усуллари”, “ўқитиш услублари” тарзида турлича талқин қилинмоқда. Шу боис таълим методлари мазмун-моҳиятини батафсилроқ таърифлашга ва изоҳлашга қарор қилдик.

“Метод” – юнонча “*metodos*” – билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот – воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш. билиш учун йўл йўриқлар мажмуасини билдирди, яъни “мақсадга эришиш усули ёки йўли” демакдир, муайян маънода эса “тартибга солинган фаолиятдир”.

“Метод” тушунчаси билан бир қаторда “методик усул” деган тушунча ҳам қўлланилади. “Метод” анча кенг тушунча, “Методик усул” методнинг бир қисми, унинг механизми сифатида тушунилади. Агар ўқитувчининг мавзуни тушунтиришдаги ҳикояси *метод* бўлса, ҳикоя қилиш вақтида ўқувчи-талабаларга қаратилган саволлар уларни фаоллаштиришга ёрдам берувчи *методик усул* бўлади. Шунингдек, мавзуни кўргазмали қуроллар ва ўқитиш техникаси воситалари ёрдамида кўрсатиш ҳам *метод*, мавзуга боғлиқ ўқув материалларининг бир қисмини секинлаштирилган ҳолда таъминловчи *методик усулдир*. Шунингдек, ўқув-билиш фаолиятининг мақсадга етишишда қўлланиладиган методик усуллар тизимини *услуб* (йўл) деса мантқан тўғри бўлади.

Таълим-тарбия услуб (методика)ларини тавсиф қиладиган бўлсак, у ўқитувчи билан ўқувчи-талабалар, мулоқотини ҳамда ўқув дастури ва дарслик, шунингдек, ўқитиш техникаси воситалари ёрдамида билим бериш ва уни олишни амалга оширадиган ўзаро муносабатларни тизимга солувчи педагогик фаолиятдир. Бу ўқитувчи томонидан ўқувчи-талабаларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш; ўқитувчилар томонидан берилаётган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятда қўлланадиган услуб, яъни йўлларни ўз ичига олади. Таълим бериш ўқитувчидан изланишни, юксак педагогик маҳоратга эга бўлишни, мавзунинг мақсадига қараб, таълим методларини танлай билишни, керакли таълим воситаларидан ўз ўрнида фойдалана билишни талаб этади.

Бинобарин, таълим (уқитиш)нинг метод, усул ва услублари тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири билимларнинг онгли ва чуқур ўзлаштирилишига, ўқувчи-талабаларда мустақиллик ва ижодий фаолликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Педагогика амалиётда уқитиш методларининг жуда катта тажрибаси тўпланган. Уларни танлашда турли шароитлар, ўқитилаётган фаннинг характери, таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлик даражаси ва ҳаказолар ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, таълим, яъни уқитиш методи уқитувчи ва ўқувчи-талабалар ҳамда амалий билиш фаолиятининг таълимий вазифаларини бажаришига қаратилган йўлдир. Унга қуйидаги муайян дидактик талаблар қўйилади:

1. *Ўқув материални ўрганишнинг уқитувчи тавсия этган йўл мантиқий фикрлашнинг фалсафий-педагогик-психологик усули мустақил қарашлар, иродавий хусусиятлари ва шахснинг шаклланишига олиб бориши керак. Ана шу нуқтаи назардан метод тарбиявий мақсадда бўлиши лозим;*

2. *Таълим методининг илмий асоси яққол ва аниқ бўлиши зарур. Шундагина уқитувчи мазкур метод орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини, қандай масалаларни ҳал қилиб бўлмаслигини кўра олади;*

3. *Таълим уқитиш методининг тизимлилиги унинг самарадорлигини белгилайди;*

4. *Таълим (уқитиш) методининг тушунарлилиги: уқитишнинг йўли ўқувчи-талабалар учун қабул қилиниши ва қўлланиши, ўқув материални ўрганишнинг усули эса билимларни ўзлаштиришнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши лозим;*

5. *Таълим (уқитиш) методининг онглилик ва фаоллик зарурияти ниҳоятда жиддий талабдир;*

6. *Билимларнинг пухталиги ва асослилиги;*

7. *Таълим (уқитиш) методикасида назарий ва амалий ҳодисаларнинг мувофиқлиги ҳар қандай таълим методидан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият усулини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни бўлишини тақозо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини талаб қилади. Ниҳоят таълим методи мақсадга олиб бориши*

керак. акс ҳолда у қўйилган мақсад учун яроқсизлигини, ё бўлмаса, бу ҳолатда унинг умуман нотўғри қўлланганини эътироф этиш лозим. Шундай қилиб, ҳар қандай таълим методини қўллашдан кўзланадиган мақсадни, шу мақсадни амалга ошириш фаолиятини бажариш воситаларини талаб қилади. Бу воситалар фаолият объекти тўғрисидаги предметли ёки ақлий билимлар, қўйилган мақсадга албатта эришишдан иборат бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай таълим методига нисбатан мақсадга мувофиқдир, лекин ўқитиш методи учун етарли эмас. Метод тизимига ўқитиш усуллари ҳам киради. Лекин метод мазкур усуллар мажмуидан иборат эмас. Усул ўқитувчи ёки ўқувчи-талабалар ақлий ва амалиёт ишининг алоҳида жараёнлари бўлиб, улар мазкур методда тавсия этилган материални ўзлаштириш шаклини тўлдирди. Масалан, ўқитувчи ўқув материалининг мазмунини эслаб қолиш усулини беради. Усул методдан ажралади, узининг билимларини ўзлаштиришдаги ва кўникмалар ҳамда малакаларни шакллантиришдаги аҳамиятини йўқотади.

Ўқитиш усулларини қўйидагиларга бўлиш мумкин:

- тафаккур, хотира, диққат ва ҳаёлнинг алоҳида жараёнларини таркиб топтирадиган ва фаоллаштирадиган усуллар;
- фикрлаш фаолиятида муаммоли ва изланишли вазиятларни вужудга келтирадиган усуллар;
- ўқувчи-талабаларнинг ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган усуллар;
- назорат ва ўқувчи-талабаларнинг ўзини-ўзи назорат усуллари;
- ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларнинг жамоавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Юқорида қайд этилганидек, таълимнинг мазмунига қўйилаётган янги талаблар – ўқувчи-талабаларга, хусусан, фанларнинг асослари бўйича юксак илмий-назарий билимлар беришдан иборат бўлиб, бу иш назарий билиш методларига, шу жумладан, ўқувчи-талабаларни мантиқий фикрлаш, мантиқий жараёнларни бажариш усуллари билан қуроллантиришни тақазо этади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўқитиш методларининг ягона таърифи йўқ. Улар ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг таълимий-тарбиявий вазифаларини ҳал қилишга қаратилган ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти усулларининг тартибга солишидир.

Умуман, ўқитиш методларининг мажмуаси – атрофдаги воқеликни билишнинг йўли, дея хулоса чиқариш мумкин. Ўқувчи-

талабалар ақлий камол топишининг характерини белгилайдиган йўл билимларни ўзлаштириш имкониятини яратади, шахснинг хусусиятларини шакллантиради. Ўқитишнинг мақсади ўқувчи-талабаларга инсониятнинг тажрибасини ўзгартиришнинг ўзидир. Таълим назарияси методларини инсоният тажрибасидан олади ва уларни ўқув машғулотларига мослаштиради. Шунинг учун таълим, яъни ўқитиш методлари доимий равишда янгиланади, такомиллашади, фан-техниканинг ривожланиши ва ижтимоий ривожланиш асосида янги методлар вужудга келади.¹

Ўқитиш методларининг жуда кўп турлари мавжуд ва уларнинг сонини аниқ белгилаб бўлмайди. Методлар ўқитишнинг мантикий томонларига, компонентлари ва вазифаларига асосланиб таснифланади.

Назария ва амалиётда бир қанча таснифлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро зид келмайди, бири иккинчисини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Ўқитиш жараёнининг кўриш имкониятини яратади.

Тасниф тартиб ва тизимини вужудга келтиради, умумий ва муайян назарий ва амалий, муҳим ва тасодифий ўқитиш методларини аниқлашга ёрдам беради, шу орқали улардан амалиётда самаралироқ фойдаланишга хизмат қилади.

Ўқитиш методларини таснифлашда ўқувчи-талабаларга ўқув материални ўрганишнинг мақсадга мувофиқроқ йўлларини танлаш имконини яратади, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни тушунишда ёрдам беради, ўқитувчиларнинг фаолиятини такомиллаштириш учун қулай шароитни вужудга келтиради.

Педагогика назариясида таълим, яъни ўқитиш методларини таснифлашда ягона ёндашиш мавжуд эмас. Ҳозирги дидактикада таълим (ўқитиш) методларини билимлар манбаи бўйича (С.О.Лордкипанидзе, Е.Голант), дидактик мақсадлар бўйича (Б.П.Есип), билиш фаолиятининг савияси бўйича (И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, М.И. Махмутов) фарқлаш энг кўп тарқалган.

Методларнинг бинар схемалар, уларни уч ўлчовли ва ҳатто, кенг қамровли фарқлаш ҳам учрайди. Ана шу таснифларнинг ҳар бирида афзалликлар ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар адабиётларда етарлича таҳлил қилинган.

¹ Р Мавлонова, О Тўраева, К Холикбердиев Педагогика. Дарслик –Т.: “Ўқитувчи”, 2001, 465-468-бетлар,

¹ Мавлонова, Н Вохидова, Н Раҳмонкулова Педагогика назарияси ва тарихи Дарслик –Т.: 2010, 195-199-бетлар.

Таълим (ўқитиш) методларини билиш манбалари бўйича таснифлаш анча оддий бўлиб, улар умумий таълим, ўрта махсус ва олий таълим амалиётида кенг тарқалган. Бу белги бўйича методлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1. Оғзаки методлар (билимларни сўз билан баён қилиш суҳбат, дарслик, маълумотнома ва илмий адабиётлар билан ишлаш).

2. Кўрсатмали методлар (расмлар, намоишлар, кузатишлар).

3. Амалий методлар (машқлар, лабораториядаги амалий ишлар). Булар маълум даражада шартлидир, чунки мазкур методларнинг ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб уларни доим ҳам аниқ чегаралаб бўлмайди.

Ҳар бир таълим (ўқитиш) методининг ўз вазифаси бор. Адабиётларда ўқитиш методларининг рағбатлантирувчи (мотивлашган), таълимий-тарбиявий ва камол топтирувчи умумпедагогик вазифалари ифодаланган

Ўқитувчи дарсга тайёрланишда ва унинг учун энг мувофиқ методларини танлашда ана шу методларнинг бажарилиши мумкилигини ва уларнинг структурасини ҳисобга олиб, шу асосда рағбатлантириш, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини кучайтирувчи мураббийдир.

Таснифлаш таълимнинг назарий асосларини кўришга ёрдам беради, педагогик фикрни чуқурлаштиради ва шунга кўра ижод учун асос бўлади, таълим (ўқитиш) методларини таснифлаш ўқитувчилар фаолияти ўртасида тақсимланади. Биринчи гуруҳга ўқитиш усуллари ва иккинчи гуруҳга эса ўқиш усуллари киради. Қуйида ўқитиш методларининг таниқли олимлар тавсия этган таснифларини кўриб чиқамиз.

И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин ўқитиш методларини қуйидагиларга ажратадилар:

- тушунтириш – расмлар методи;
- репродуктив метод;
- муаммоли баён қилиш методи;
- қисман изланиш методи;
- тадқиқот методи.

М.А.Данилов ва Б.П.Есипнинг таснифи бўйича маълум турдаги дарсларда қўйиладиган вазифаларга боғлиқдир:

1. Билимларни баён қилишда: ҳикоя-тушунтириш, маъруза, суҳбатлар, кўрсатмали қўланмаларни намоиш этиш;

2. Уқувчи-талабаларда куникма ва малакаларни шакллантириш: машқларни шакллантириш ва амалий ишлар;

3. Билим, куникма ва малакаларни текшириш - жорий кунтишлар, оғзаки сураш, ёзма ва амалий назорат ишлари.

С.И.Перовский ва Е.Е. Голант таснифи: фаол ва пассив методларга бўлиш:

- агар уқувчи-талабалар мустақил ишласа, фаол методлар (лаборатория методи, китоб билан ишлаш).

- агар уқувчи-талабалар фақат тингласа ва эшитса пассив методлар (ҳикоя, маъруза, тушунтириш, намоёни қилиш методи, экскурсия).

Бундай таснифлаш маъқул эмас, чунки у. уқувчи-талабаларнинг онглилиги ва фаоллиги принципига зиддир.

Ю.К.Бабанскийнинг таснифи бўйича методлар учта катта гуруҳга бўлинади:

- уқув-тарбия ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш методлари (иккинчи гуруҳда ишнинг қатор янги методлари ва усуллари мавжуд). У қуйидагиларни тавсия этади:

- билишга доир ўйинлар, уқув мунозаралари, кизиқ назиятларни вужудга келтириш, разбатлантириш, танбеҳ бериш ва назорат методлари.

Т.А.Илина олимларнинг таснифларини умумлаштириб, Ю.К.Бабанскийнинг таснифини маъқуллаган ва таснифлашнинг қуйидаги тартибини тавсия этган:

- янги билимларни (уқитувчининг сўзларига таянган ҳолда бериш учун фойдаланилган тушунтириш, ҳикоя, маъруза методлари);

- янги билимлар узлаштирилиши, мустаҳкам малакалар шаклланиши учун фойдаланиладиган методлар: суҳбат, экскурсия, эксперимент ва лаборатория иши, дарслик ва китоб билан ишлаш, ўйинлар, машқлар;

- дарснинг ҳар бир босқичида фойдаланса бўладиган техник воситалар билан ишлаш методлари;

- мустақил иш.

С.П.Баранов ўз таснифини гуруҳлар бўйича тақсимлайди. Биринчи гуруҳга уқитишнинг уқитувчи энг асосий роль уйнайдиган ҳикоя, суҳбат, таснифлаш, тушунтириш ва ҳаказоларни киритади. Ҳунда уқувчи-талабаларнинг асосий вазифаси – уқитувчи мулоҳа-

заларининг мантиқига эргашиб, баён қилинаётган мазмунни тушуниш, эслаб қолиш ва кейинчалик ўрганилган материални тушуниш, эслаб қолиш ва кейинчалик ўрганилган материални қайта гапириб бера олишдан иборат бўлади. Унинг фикрича, ўқитувчи мулоҳазаларининг тизимига қанчалик яқин бўлса, ўқув материални ўрганишининг тавсия этилган йўли шунчалик ишончли бўлади. Ўқувчи-талабаларнинг асосий вазифаси ўқитувчининг гапларини тинглаш ва уларни тушуниб олишдир.

Иккинчи гуруҳга ўқишнинг йўллари: машқлар, мустақил лаборатория, амалий ва назорат ишлари киради. Ўқувчи-талабалар фаолиятининг характери тавсия этилган методнинг самарадорлигини белгилайди. Ўқитувчининг роли ўқувчи-талабаларнинг ўқишига моҳирона раҳбарлик қилишдан иборат бўлади. Таснифлашнинг шундай турлари ҳам мавжудки, уларда ўқитиш методлари ўқишнинг тегишли методларига: ахборот-умумлаштириш, ижрочилик-тушунтириш, репродуктив, инструктив-амалий ва маҳсулли-амалий, тушунтириш-даъват ва қисман изланишли, ундовчи ва изланиш тарзига мос келади (М.И.Махмутов).

Амалда таълим (ўқитиш) методларини таснифлашда билимлар манбаи мантиқан асослар буйича (Н.М.Верзилин), билимлар манбаи ва ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятидаги мустақиллик даражаси буйича (А.Н. Алексюк, И.Д.Зверов ва бошқалар) барабар ёндашиш энг кўп учрайди.

С.Г. Шаповаленко таълим методларининг турт жиҳатини: мантиқий-мазмуний, процессуал ва ташкилий бошқарилиши жиҳатларини кўриб чиқади.

Таълим методларининг таснифлаш муаммосига турлича қарашлар улар ҳақидаги билимлар табақаланиши ва бирлашишининг табиий жараёнини акс эттиради (Светловская, Суворова, Лвов, Р.Мавлонова ва бошқалар).¹

Таълим методларини ҳар қандай муаммони таълим олувчига узатиш ва қабул қилиш характери, мазмуни, моҳиятига қараб куйидаги турларга ажратиш мумкин:

¹ Р.Мавлонова, Н.Воҳидова, Н.Раҳмонқулова. Педагогика назарияси ва тарихи. Дарслик. –Т.: 2010, 199-202 бетлар

ТАЪЛИМ (УҚИТИШ) МЕТОДЛАРИ ТАСНИФИ

ТАЪЛИМНИНГ ОГЗАКИ МЕТОДЛАРИ

ҲИКОЯ, СУҲБАТ,
ТУШУНТИРИШ,

МАЪРУЗА, БАҲС-
МУНОЗАРА

НАТИЖАЛАРНИ
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

ТАЪЛИМНИНГ КЎРГАЗМАЛИ МЕТОДЛАРИ

ХАРИТА,
РАСМЛАР,
ФОТОСУРАТЛАР,
ПЛАКАТЛАР,
ЖАДВАЛЛАР, ХОМ-
АШЁНИ
НАМОЙИШ ЭТИШ,

СЛАЙДЛАР,
ЭКСКУРСИЯ

ТАЪЛИМНИНГ АМАЛИЙ МЕТОДЛАРИ

ЁЗМА ИЖОДИЙ
МАШҚЛАР ВА
ЛАБОРАТОРИЯ МАШҚ
ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ,
ДАСТУР ТУЗИШ,
ПЕДАГОГИК
МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ,
ИИШО, ЭССЕ, ДОКЛАД
РЕФЕРАТЛАР ЁЗИШ,
РАСМ СОЛИШ,
ХАРИТАЛАР ЧИЗИШ,
СХЕМАЛАР ИШЛАШ,
ЖАДВАЛ, ГРАФИК,
ПЛАКАТ, АЛЬБОМ,
СТЕНДЛАР ИШЛАШ,
МЕҲНАТ ҲАРАКАТЛАРИ
ВА БОШҚАЛАР.

ТАЪЛИМНИНГ РАҒБАТЛАНТИ- РИШ ВА ТАНБЕҲ БЕРИШ МЕТОДЛАРИ

РАҒБАТЛАНТИ- РИШ МЕТОДИ:

баҳо бериш билан,
имо-нишора билан
амалга ошади.

ТАНБЕҲ БЕРИШ МЕТОДИ:

огзаки
танбех бериш,
баҳосини
пасайтириб қўниш,
иш дафтарига
ёзиш, хатоларни
кўрсатиш ва ҳ.к.

ТАЪЛИМНИНГ МУАММОЛИ ИЗ- ЛАНИШ, МУСТАҚИЛ ИШЛАР, РЕПРО- ДУКТИВ ЭВРИСТИК МЕТОДЛАРИ:

ўқув материалнинг
мазмунини, ўқув ма-
териалини мустаҳкам-
роқ эслаб қоллиларни
таъминлаш; билишга доир фаолиятни
ботқариш, камчилик-
ларни тез аниқлаш
учун амалий кўникма
ва малакаларни
таркиб топтириш
мақсадига
қўлланилади, таълим
жараёнида муаммолни
вазиратни вужудга
келтириш.

ТАЪЛИМНИНГ ИНДУКТИВ ВА ДЕДУКТИВ МЕТОДИ ИНДУКТИВ МЕТОДЛАР ТЕХНИК ҚУРИЛМАЛАРНИ УРГАНИШДА ВА АМАЛИЙ МАШҚЛАРНИ БАЖАРИШДА ҚўЛЛА- НИЛАДИ. ДЕДУКТИВ МЕТОД ТАФАККУРНИ ФАОЛ РИВОЖЛАНТИРАДИ.

ТАЪЛИМНИНГ НАЗОРAT ВА ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ МЕТОДИ ТУРЛАРИ

1. Огзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш.
2. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш.
3. Лаборатория – амалий назорат ва ўз-ўзини назорат.
4. Тест назорати.

Таълимнинг оғзаки методларига ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар киради. Бу методларни қўллашда ўқитувчи суз воситасида ўқув материални баён қилади, тушунтиради, ўқувчи-талабалар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали қабул қиладилар.

Ҳикоя. Ушбу методда ўқувчи-талабаларга бериладиган билим мазмуни оғзаки баён қилиш назарда тутилади.

Ҳикоянинг бир неча тури мавжуд: **ҳикоя – ҳикоя муқаддима, ҳикоя-баён, ҳикоя-хулоса.** **Ҳикоя-муқаддима**нинг мақсади ўқувчи-талабаларнинг суҳбат орқали янги билимни қабул қилишга тайёрлаш, ҳикоянинг бир тури нисбатан қисқалиги, ёрқинлиги, қизиқарлиги ва ҳиссиётга бойлиги билан ажралиб туради, янги билим олишга қизиқиш уни фаол узолаштиришга эҳтиёж уйғотади, дарсга бепарқлик лоқайдликни йўқотиб, билим олиш мақсадини ҳосил қилади. **Ҳикоя – муқаддима** вақтида ўқувчи-талабалар фаолиятининг вазифалари тўғрисида тушунарли шаклда хабар берилади.

Ҳикоя – баён даврида ўқитувчи янги мавзу мазмунини очиб беради, муайян ривожланувчи режа асосида билим бериб, ичидан муҳимларини ажратиб, кўргазмали ва ишонарли мисоллар билан изчил баён қилади.

Ҳикоя-хулоса одатда машғулотнинг охирида келтирилади. **Ўқитувчи** бу метод орқали асосий фикрини яқунлайди, хулосалайди ва умумлаштиради, мазкур мавзу юзасидан мустақил ишлаш учун топшириқлар беради. **Ҳикоя** методини қўллашда муайян педагогик методлардан маълум бир тартибда фойдаланилади. Буларга диққатни фаоллаштириш, баён қилиш, таққослаш, асосийларини ажратиш, яқунлаш ва ҳаказолардир.

Ҳикоя методининг самарадорлигини шартлари: режани ёки лойиҳани кунт билан ўйлаб тузиш, мавзунинг изчил ёритилишини таъминлаш мисол, кўргазма ва бошқа дидактик материалларни муваффақиятли танлаш баёнда керакли ҳиссиётга эришиш.

Ўқув материални тушунтириш методи – педагог томонидан ўрганилаётган мавзунинг нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларни ўқитиришдир. Бу метод кўпроқ математика, физика, ҳимия, она тили, рус тили каби шунга ўхшаш фанларни ўқитишда кўпроқ қўл келади. Педагогнинг маълум бир фаннинг у ёки бу мавзуга оид қонун-қоидаларни қанчалик асосли эканлигини фактлар, мисол ва далиллар келтириш, шунингдек, масалалар,

мисоллар ишлаш йўли билан исботлаб беради. Бу жараён ўқувчи-талабаларнинг фаол иштирок этишларини таъминламай туриб кўтарилган мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, баён қилаётган материалларни умумлаштириб ва хулосалар чиқаришда талабаларнинг ўз мулоҳазалари билан иштирок этишларини таъминлаш муҳим.

Маъруза – билимни суз билан ифодалаш методларидан бири сифатида берилдаган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, суз ҳажмининг катталиги, мантиқий қурилиши, образли исботлаш, таснифлаш, таърифлар бериш, тизимга келтириш, умумлаштириш каби педагогик методлардан фойдаланилади.

Маъруза методидан асосан умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлирида фойдаланилади.

Маъруза режасини аниқ ўйлаш ва замонавий педагогик технологиялар заминида лойиҳалаш зарур. Режа бандларининг, модулларининг барчасида уларни ҳар бирининг мақсад ва хулосаларини изчил баён қилишда мантиқий уйғунлик бўлмоғи керак. Маъруза шундай суръатда ўқиладики, ўқувчи-талабалар унинг муҳим жойларини ёза олсинлар. Шунинг учун ҳам маърузани ёзиб олинадиган жойларини аниқ ажратиши зарур, бўлса ёзиб олишларини енгиллаштириш учун ҳамда ўқувчи-талабалар фикрини фаоллаштириш мақсадида маъруза давомида муаммоли вазиятларни шакллантириш яхши педагогик самара беради.

Суҳбат методи атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи билан ўқувчи-талабалар орасидаги суҳбатни кўзда тутиб, у таълим олувчиларнинг - фикрлаш тизимини янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади.

Суҳбат методини қўллашда саволлар кўйиш (асосий, кўшимча, йўловчи ва ҳ.к.), ўқувчи-талабаларнинг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, суҳбатдан хулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усулларида фойдаланилади.

Саволлар яхши қабул қилиниши учун етарлича ҳажмдор бўлиши лозим. Мавзуни ҳаддан ташқари майда саволларга бўлиб юбориш мантиқий бутунликни бузса, ниҳоятда катта саволлар мавзуни мавҳумлаштириб, муҳокама учун тушунарсиз қилиб қўяди.

Суҳбат ва унга таркибий қисм бўлиб кирувчи методлардан фойдаланишда ўқитувчининг самимийлиги, чехрасининг очиклиги, руҳининг кутаринкилиги, ёқимтойлиги етакчилик қилади.

Демак, суҳбат таълимнинг кенг тарқалган методи бўлиб, дарснинг исталган босқичида қўлланиши мумкин. Суҳбатнинг турт хил тури мавжуд бўлиб, улар: янги билимлар беришда, билимларни мустаҳкамлашда, олинган билимларни текширишда, ўтилган материални такрорлашда қўлланиладиган суҳбатлардир. Янги материални тушунтиришдаги суҳбат, асосан, ўқувчи-талабаларнинг шахсий тажрибасига таянади. Унинг манбаи кўрсатмалли қўлланмалар, дарслик материаллари, жадвал ва ҳаказолар бўлиши мумкин.

Янги билимлар беришга доир *суҳбатни индуктив йўл билан (яъни хусусий маълум ёки зарур воқеалардан умумий воқеаларга қараб бориш тарзида)* ёки *дедуктив йўл билан (яъни умумий ҳодисадан хусусий ҳолларга қараб бориш тарзида)* ўтказиш мумкин. *Билим беришнинг индуктив ва дедуктив йўллари ўзаро боғлиқдир. Масалан, ўқитувчи қатор мисолларни айтиши ва кейин хулоса чиқариши ёки умумлаштириши мумкин (индукция).*

Янги билимлар беришда **эвристик суҳбатдан** фойдаланилади. Бу метод ўқитувчи ўқувчи-талабалар олдига маълум бир вазифа қўйиб, уларни оғзаки саволлар орқали ана шу вазифани ҳал қилишга йўналтиришда қўлланади. Суҳбатни муваффақиятли ўтиши саволларнинг моҳирлик билан қўйилишига боғлиқдир. Ўқитувчининг саволлари, аввало, қисқа ва аниқ бўлиши, мантиқий изчилликда берилиши, ўқувчи-талабаларнинг фикрини уйғотиши: уни ўйлашга, таҳлил қилишга, таққослашга мажбур этиши, янги ҳодисаларни тушунишга ундаши керак.

Ўқитувчилар саволларга тўла, онгли равишда ва асосли жавоб беришлари, мустақил фикрларини ақс эттиришлари лозим. Суҳбатни билимларни мустаҳкамлаш учун ҳам ўтказиш мумкин. Ўқитувчининг ахборотидан кейин ёки дарсликдаги материални мустақил ишлаб чиқилгандан кейин ўтказилади. Суҳбат мустаҳкамловчи метод сифатида билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнида ҳам ўтказилиши мумкин. Суҳбат мустаҳкамловчи метод сифатида билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнида ҳам ўтказилиши мумкин. Суҳбат методи мунозара ва мубоҳаса методларига кирди.

Таълимий суҳбат. Экскурсия, амалий иш ва янги материални тушунтиргандан кейин уларни мустаҳкамлашда, такрорлашда, шунингдек, экскурсия ва янги материални тушунтириш давомида ўқитувчи ўқувчи-талабалар билан суҳбатлашади. Суҳбатни ўқувчи-

талабалар шахсий кузатишлари, мавжуд билимлари асосида ўқитувчининг саволини тушунадиган ва унга жавоб қайтара оладиган бўлганларидан кейин ўтказиш мумкин. Агар ана шундай шароит (билимлар, тажриба ва кузатишлар) бўлмаса, ўқувчи-талабалар ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган нарсалар, ҳодисалар тўғрисида суҳбат ўтказишнинг мутлақо фойдаси йўқ.

Ҳар қандай суҳбатнинг асосини дидактик масала ташкил этади. Ана шу масала суҳбатнинг вазифасини ва характерини, ҳатто унинг турини ҳам белгилайди. Шунга қўра, таълимий ва эвристик-таълимий суҳбатлар бўлади.

Таълимий суҳбат ўрганиладиган материални янада мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва такрорлаш мақсадларига хизмат қилади. Янги мавзу тушунтирилгач, гарчи ҳар бир ўқувчи-талаба фаол катнашмаса ҳам, уларнинг хотираси ва тафаккурини ривожлантириш учун суҳбат ўтказиш зарур. Унда тўғри фикр юритиш учун мисолларнинг намуналари бўлади. Бундан ташқари, табиий-ижтимоий гуманитар ва бошқа фанларга доир дарсликлардаги суҳбатларда ўқувчи-талабаларнинг ўқитувчи айтган гояларига тўғри келмайдиган хусусий фикрлари ёки тушунчалари ҳам маъқулланади, ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг, жавобларини эътироф этишга ёки рад қилишга шошилмайди. Аксинча, улар ўз фикрларини ёки мустақил мулоҳазаларини эркин айтишлари учун шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

Жавобларни баҳолашда эса уларнинг шунчаки тўғри ёки нотўғрилигини қайд қилиш билан чекланмай, балки ўқувчи-талабаларнинг жавобларидан озгина бўлса-да, тўғри фикрларини излайди. Улардан заррача-ҳақиқатни топса, уни ўзи қисқа ва яққол қилиб такрорлайди, ўқувчи-талабаларнинг мустақил фикр юритганини таъкидлайди ва уларни шундай қилишга даъват этади. Муваффақиятли фикрлар, ҳатто айрим ифодалар мазкур мавзуда нима ҳақида гап бораётганини йўл очса, таълимий суҳбатнинг эвристик-таълимий суҳбатга айланиши учун хизмат қилади. Нотўғри жавоблар агар жиддий бўлмаса ўқитувчи томонидан қайд қилинмайди ёки йўл-йўлакай тузатиб кетилади. Нотўғри жавоблар эса ўқувчи-талабалар томонидан ойдинлик киритилгунига қадар муҳокама қилинади. Тулиқ қайтарилмаган жавоблар эса ўқувчи-талабалар томонидан ойдинлик киритилгунига қадар муҳокама қилинади. Тулиқ қайтарилмаган жавобларни ўқувчи-талабаларнинг ўзлари тўлдирадилар.

Ҳозирча таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларнинг билиш эҳтиёжларига тааллуқли долзарб масалалар бўйича суҳбатлардан кўп фойдаланилмаётир. Фан, техника, санъат ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари ёки айрим муаммолари ўқувчи-талабаларни ҳаяжонлантириши мумкин. Ихтисосликка доир ўқув предмети бўйича дарсларда, хусусан, ҳозирги пайтда, ўқувчи-талабаларни қизиқтирадиган масалалар муҳокама қилинади. Баъзан эса бундай масалалар ўқув дастурининг чегарасидан анча чиқиб кетади. Шундай суҳбатда ўқитувчи ўқувчи-талабалар муҳокама қилинаётган масала бўйича унинг фикрига эҳтиёжманд бўлишларига кўра қатнашади. Мазкур суҳбат ўқувчи-талабаларнинг шахсий эҳтиёжи ва қизиқишларини, шунингдек, уларни қизиқтирадиган муаммони аниқлаш имконини беради. Унда ўқувчи-талабалар ўзаро эркин фикр алмашади.

Мунозара. Таълимий суҳбат билимларни ўзлаштиришга замин тайёрлаб, эвристик-таълимий суҳбат ана шу билимларни ҳар томонлама қўллашга ёрдам берса, эркин суҳбат билишдаги мустақилликни оширади. Шу билан бирга, билишдаги мустақилликни ривожлантиришга қаратилган таълим ўқув машғулотларининг ҳар қандай турлари, шакллари ва усуллари ўртасидаги бевосита изчилликни вужудга келтиради.

Мунозара суҳбатнинг янада ривожланишидир. У иккита қарама-қарши нуқталари назарнинг тўғрилигини исботлаш зарурати тугилганида вужудга келади.

Мунозара давомида ўқувчи-талабаларнинг фикрлашидаги хусусий чекланиш барҳам топади, билишга қизиқиш ортади ва мустақил мулоҳаза юритиш ривожланади.

Таълимнинг кўргазмали методини шартли равишда иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: кўргазмали ва намойиш қилиш методлари.

Кўргазмали метод—ўқувчи-талабаларга кўрсатилган қўлланмалар — ҳарита, плакат, дискетдаги чизма ва расмлар, алломаларнинг суратлари ва бошқаларни кўзда тутади.

Намойиш қилиш методи—одатда қурилма асбоблар, тажрибалар, турли типдаги мосламалар ва жиҳозларни намойиш қилиш билан боғлиқ. Намойиш қилиш методига, шунингдек, кинофильм, диафильм ва бошқа техник воситалар орқали кўрсатиш ҳам киритилган. Кўргазмали методларни қўллашда қўйдаги методлардан фойдаланилади: кўрсатиш, яхши кўринишни

таъминлаш, техник воситалар кўмагидан фойдаланиш, чизиш, утказилган кўрсатувлар натижаларини муҳокама қилиш ва ҳ.к.

Таълимнинг кўргазмали методларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ёлғиз ўзи қўлланмай сўз билан ифодалаш услуби билан у ёки бу даражадаги уйғунлашиб кетади. Сўз ва кўргазмалиликнинг чамбарчас боғлиқлиги шундаки, объектив борлиқдаги қонуният ва хусусиятлар амалиётда биргаликда қўлланишларини тақазо этади.

Шундай қилиб, сўз ва кўргазмали методларни алоқадорлигини хилма-хил шакллари мавжуд. Уларнинг биронтасига устунлик бериш хато. Булар энди, таълим вазифасининг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мазмуни, мавжуд кўргазма воситаларининг характери, ўқувчи-талабаларга тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб, ҳар бир конкрет ҳолатида уларнинг оқилона қўшиливи танланилади.

Амалий методлар тарбия (урганиш) фаолиятининг хилма-хил турларини кенг доирасини қамраб олади. Ундаги таълим орқали олинган билимлар ҳаётида қўллаш йўли билан кўникмага айлантирилади.

Амалда куйидаги методлар қўлланилади: *вазифа (мақсад) ни қўйиш, уни бажариш услубларини танлаш, бажариш жараёнини бошқариш, таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эришиш учун тарбия жараёнига тузатиш киритилади.*

Амалий методларга ёзма машқлар она тили, чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича топшириқларни бажариш машқларини киритади. Машқ давомида ўқувчи-талабалар хатти-ҳаракатни фаол мушоҳада қилади, ўзига-ўзи гапиреди, бўлажак воқеани шарҳлайди, ҳаракатни шарҳлаш ўқувчи-талабаларга ўзининг типик хатосини англашга ва хатти-ҳаракатига тузатишлар киритишга кўмаклашади.

Амалий методларнинг иккинчи гуруҳини лаборатория тажрибалари ташкил қилади. Шунингдек, амалий методларга устахоналарда, ўқув ишлаб чиқариш цехи ва бошқалар киради. Бу топшириқларни сурункасига билмай, ўқув-машқ характерига эга бўлиши лозим. Тарбиянинг шундай методлари қўлланиладики, бунда ўқув-жараёнида конкрет бир корхонанинг ишлаб чиқариш топшириги бажарилади.

Амалий методларга ўргатувчи машиналар билан тренажор ҳамда репетитор машиналар ёрдамида машқлар ҳам киради. Амалий методлар тартибни сўз орқали ифодалаш ва унинг кўргазмали методлар орқали мустақамлаш жараёни билан чамбарчас-боғлиқликда қўлланилади. Машқ, тарбия, меҳнат операциясини бажаришдан олдин ўқитувчи таълимий тадбир ўтказиб сўз билан таништиради ва кўрсатади.

Таълимнинг индуктив ва дедуктив методлари – *ўқув материали мазмунининг характери ва мантиқини ёритиш усулидир.*

Таълимнинг индуктив методи – *ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг турли вариантлардаги фаолиятидир.* Бунда ўқитувчи аввал далилларни тушунтиради, тажрибаларни, кўрсатмани қўлланиларни намойиш қилади, умумлаштириш ва тушунчаларни таърифлаш бўйича машқлар бажаришни ташкил этади. *Ўқувчи-талабалар олдин хусусий фактларни ўзлаштирадilar, кейин хулосалар чиқарадилар ва ўқув материални умумлаштирадilar. Ёки ўқувчи-талабалар олдиға хусусий қоидалардан умумий хулосаларгача мустақил мушоҳада юритишни талаб қиладиган муаммоли топшириқлар қўйилади. Ўқувчи-талабалар эса далиллар устида мустақил ҳолда фикрлайдилар ва тегишлича хулосалар чиқарадилар ҳамда умумлаштириш қиладилар.*

Дедуктив метод – *ўқитувчининг аввал умумий қоидаларни, таърифларни айтиши, кейин аста-секин хусусий ҳоларни, муайян вазифаларни келтириб чиқариш усулидир.* Бунда ўқувчи-талабалар умумий қоидаларни идрок этадилар. *Натижаларни эгаллайдилар.*

Агар мана шу методлар таққосланса, ўқувчи-талабалар маълум мушоҳадаларни келтириб чиқарадиган фактлар ва материални ўзлаштиришларига кўра *индуктив метод* фойдалироқдир. Масалан, ўқитувчи математик масаланинг ечимини ёритади, кейин ўқувчи-талабаларга ана шу хилдаги масалани мустақил ҳолда ечишни тавсия қилади, лекин бунда фикрлаш тез ривожланмайди ва материални ўрганишга кўп вақт кетади. *Дедуктив метод* материални ўқишга ёрдам беради ва бунда *мавҳум фикрлаш фаолроқ ривожланади.* Таълимнинг *индуктив ва дедуктив методларида* унинг оғзаки, кўрсатмани ва амалий методлари, шунингдек, *репродуктив ёки муаммоли изланиш методи* ҳам қўлланади.

Таълимнинг *репродуктив* характери, асосан ўқувчи-талабаларнинг ижодий фаолиятидир. Фикрлашнинг характери –

Ўқитувчи берган ўқув ахборотини фаолроқ идрок этиш ва эслаб қолиш, ўқитишнинг оғзаки, кўрсатмали ва амалий методларидан ҳамда усулларидан фойдаланмай, мазкур методларни қўллаб бўлмайди. Репродуктив методда ўқитувчи фактларни, исботларни, тушунчалар таърифини тўла баён қилади, асосан масалага алоҳида таътибор беради.

Ўқитишнинг репродуктив методида кўрсатмалилик ҳам қўлланилади. Репродуктив йўсиндаги амалий ишлар ўқувчи-талабаларнинг намуна бўйича илгари ёки эндигина ўзлаштирган билимларни қўллаши билан фарқланади. Аммо бундай ишларда билимларни мустақил ҳолда бойитиш амалга ошмайди. Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи муаммоли таълим жараёнида қўлланилади.

Юқорида келтирилган методлардан ташқари, уларнинг қоришмасидан яратилган методлар ҳам мавжуд, куйида уларнинг баъзиларини мисол тариқасида келтирамыз.

Муаммоли - изланиш методлари муаммоли таълим жараёнида қўлланилади. Бу методдан фойдаланишда ўқитувчи аввал муаммоли вазият яратади, саволлар қўяди, масалаларни, намунавий топшириқларни тақлиф қилади, муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларни тўғри ёки нотўғрилигини таҳлил қилиб беради.

Ўқувчи-талабаларнинг олдинги билим ва қуникмаларига асосланиб, муаммоли вазиятни ҳал қилиш турлари тўғрисида тақлифларни айтади, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона йўлини танлайди. Бу метод ўқувчи-талабаларнинг билимга қизиқишини оширибгина қолмай, уларда фикрлаш ва ўз фикрини айтиш қобилиятларини ҳам ривожлантиради.

Таълимнинг муаммоли изланиш методлари амалда билимни сўзда ифодалаб, кўргазмали ва амалий методлар орқали тасдиқлайди. Шу билан биргаликда, билим олишнинг муаммоли изланиш методини қўллаш, амалда тадқиқот ишларини бажариш, ҳатто мустақил тадқиқот типидagi амалларни олиб бориш тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин. Ўқув жараёнини муаммоли қидирув методи ёрдамида ташкил қилиш, муаммоли тузилган маъруза методи орқали билим баёни давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, фактларни таҳлил қилиш каби методлардан фойдаланишни кўзда тутаяди.

**ЎҚИТИШНИНГ РЕПРОДУКТИВ, ИНДУКТИВ ВА
ДЕДУКТИВ МЕТОДЛАРИ**

**РЕПРОДУКТИВ
МЕТОД**

**ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАР
ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ
ЭГАЛЛАШЛАРИ
АСОСАН ХОТИРАДА
ЭСЛАБ ҚОЛИШ
ҲОЛАТИГА
АСОСЛАНГАН МЕТОДИ**

**ИНДУКТИВ
МЕТОД**

**ХУСУСИЙ
ФАКТЛАРНИ
МУАММОЛИ БАЁН
ҚИЛИШ, ЎҚУВЧИ-
ТАЛАБАЛАР
ФАОЛИЯТИНИ
ХУСУСИЙДАН
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР
ЧИҚАРИШГА
ЙЎНАЛТИРИШ
МЕТОДИ**

**ДЕДУКТИВ
МЕТОД**

**УМУМИЙ
ҚОНУНЛАРНИ БАЁН
ҚИЛИШ ЎҚУВЧИ-
ТАЛАБАЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИНИ
УМУМИЙДАН
ХУСУСИЙ ХУЛОСА
ЧИҚАРИШГА
ЙЎНАЛТИРИШ
МЕТОДИ**

Таълимни муаммоли-қидирув методларида кўргазмали эсда сақланишни фаоллаштириш билан бир қаторда, дарсда муаммоли назиятни яратадиган намунавий масалаларни қўйиш учун ҳам ишлатилади. Муаммоли-қидирув методлари кўпроқ ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Шу нуқтаи назардан бу метод узини илмий тадқиқот ишига бағишлаган ёшларга билим беришда асқотади.

Мустақил иш методи талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда, ривожлантиришда, ўқув-дастурларида мустақил таълим учун соатлар ажратилмоқда. Талабаларни мустақил ишларини ташкил этишда маълум фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил ишнинг мазмуни, шахси ва вазифалари танлаб олинади. Топширилган мустақил ишни бажариш учун педагогик керакли адабиётлар ва йўл-йўриқларни кўрсатиши, қисқача тушунтириш бериши лозим. Талабалар бажариши керак бўлган мустақил иш кўп вақт эгалламаслиги ва шу билан бир қаторда ҳар бир талабага ривожлантирувчи таъсир кўрсатиши керак.

Репродуктив ва эвристик методлар биринчи навбатда талабаларнинг ўқув материалларини тезроқ ва мустақкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш билимидаги типик камчиликларни тез, аниқлаш учун қулай. Репродуктив методлар айниқса ўқув материалларини мазмунан асосан ахборот характерида бўлса, мураккаб ва бутунлай янги билимлар ўрганилиши лозим бўлган ҳолатда самарали натижа беради. Тафаккурнинг репродуктивлик характери педагог ёки бошқа манба орқали ҳабар қилинадиган ўқув ахборотларини фаолроқ қилишини ва эслаб қолишини назарда тутиб, ҳикоя, маъруза, кўргазмали ва амалий ишлар ҳам репродуктив асосига қурилиши мумкин. Репродуктив характерига эга амалий ишлар шуниси билан фарқ қиладики, бу ишлар давомида ўқувчи-талабалар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирган фаоллигини ошириш мақсадида у кўпинча эвристик, яъни қисман изланувчан метод билан қўшиб олиб бориши мумкин. Янги мавзунини баёни давомида ўрганилаётган материалларнинг баъзи элементлари устида ўқувчи-талабаларга фикр юритиш имкони берилади. Педагог томонидан енгил қисқа саволлар тузилиб, ўқувчи-талабаларнинг иштирокида уларга жавоб топишга ҳаракат қилинади. Эвристик метод талабаларнинг билиш даражасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Демак, эвристик метод

янги мавзуни идрок қилишда ўқувчи-талабаларнинг ҳам қисман иштирок этишини таъминлайди.

Таълим методларининг энг янгиси ва энг самарадорлиси бугунги кунда **замонавий педагогик технологиялар** ҳисобланмоқда. Бу метод қўлланганда аввал, дарс лойиҳаси тузиб олинади. Дарс берувчи лойиҳага қаттиқ риоя қилиши шарт.

Замонавий педагогик технологиялар асосида дарс лойиҳасини тузишда аввал айтанимиздек, унинг **беш тамойилига** риоя қилинади.

Замонавий педагогик технологияларнинг биринчи тамойили муайян ўқув предмети, қатта модул ёки дарс мавзусида қўрилган асосий мақсадни шакллантириб олиш.

Замонавий педагогик технологияларнинг иккинчи тамойили дарснинг умумий мақсадидан ва мавзунинг ички мазмунидан келиб чиқиб, дарсни кичик “*модуллارга*” ажратиб, ҳар бир модулнинг мақсадини ҳамда модулар ичида ҳал қилинадиган асосий масалалар тизимини аниқлаб олишдир.

Замонавий педагогик технологияларнинг учинчи тамойили модулар ичида қўтариладиган масалаларнинг ичидан асосийларини танлаб олиб, улардан тест саволлари ва улар асосида сўров варақасини тузиб чиқиш.

Асосан мавзулар беш модулдан иборат бўлиб, биринчи ва тўртинчи модул дарсини ташкил қилиш ва ҳулосалаш қисмларини ташкил қилса, бешинчи модул дарс самарадорлигини аниқлашдир. Шунда, янги билимларни бериш 2 ва 3 модулар зиммасига тушади. Ушбу модулардаги билимлар ичидан муҳимроқларини ажратиб олиб, тест саволлари тузилади.

Замонавий педагогик технологияларнинг тўртинчи тамойили мақсадга етиш метод ва усулларини танлаб, жойини белгилаб олиш. Бизнинг мисолдаги мавзу ўзининг умумийлиги билан ажралиб турганлиги муносабати билан унда асосан сўз билан тушунтириш ва қисман иллюстратив услублардан фойдаланилади. Шу билан бир қаторда, жойи келганда муаммоли изланиш усулидан ҳам фойдаланилади. Ушбу мавзу олдида қўйилган мақсадларга етишиш учун юқорида қайд қилинган методлар ишлатиладиган жойини аниқлаб қўйишдир.

Замонавий педагогик технологияларнинг бешинчи тамойили дарс ичидаги модулар орасидаги узвий боғлиқ-

ликларга ҳамда дарс мазмунини фанлараро алоқалар асосида тузилишига эътибор қаратилиши шарт.

Ўқитиш методлари. Педагогика назарияси амалиётида ўқитиш методларининг жуда катта бойлиги тўпланган уларни танлашда турли шароитлар, ўқитилаётган фаннинг характери, ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлик даражаси ва ҳаказолар ҳисобга олинади.

Форобий ўзининг ўқитиш усуллари ҳақидаги ғояларида ўқувчи-талабаларга турли билимлар бериш билан бирга, мустақил ҳолда билим олиш йўлларини ҳам кўрсатиш, уларни билимларнинг зарурлигига шак-шубҳасиз ишонтириш кераклигини уқтиради.

Қомусий олимлар фойдаланган таълим усулларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: *кўргазмали тажриба методлари (Ибн Сино), билимларни баён қилишнинг савол-жавоб методлари (Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий), кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари (Форобий, ал-Хоразмий) ва бошқалардан иборат.*

Таълим методларини танлаш ўқитувчи дарсда ҳал қилиши мўлжалланган масалага боғлиқ бўлади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил методлар қўлланса, уни мустаҳкамлашда иккинчи ва мавзунини умумлаштиришда яна бошқа хил методлар қўлланилади. Дарснинг турли босқичларида пухта ўйлаш ва самарали методларни қўллаш жуда муҳимдир. Ўқитувчи дарснинг энг бошида 4-5 дақиқа умумий сўрашни амалга оширади ва ўқувчи-талабаларнинг қайси гуруҳи ўтган дарс бўйича етарли даражада ўзлаштирмаганини аниқлайди ва кейинги сўрашда ўқувчи-талабаларнинг диққат—эътиборини энг аввал ана шу масалага қаратади. Дастлаб саволларга батафсил жавоб бера оладиган ўқувчи-талабалардан сўрайди. Натижада гуруҳнинг бир қисми учун мураккаблик қилган материал тушунарли бўлади. Бу метод ўқувчи-талабаларнинг машғулотлардаги нуқсонларини пайқаш ва шу заҳоти бартараф этишда ёрдам беради. Мазкур методнинг самарадорлиги ҳам айнан шунда.

Гарчи ҳар бир педагогнинг ишида анчагина метод ва услублар мавжуд бўлсада, уларни қўллашдан кўзланадиган мақсад тарбияланувчининг таълимий ишларини фаоллаштириш бўлмоғи лозим. Педагогнинг вазифаси самарали методлардан фойдаланиб ўқувчи-талабаларда фаоллик сифатларини таркиб топтириш ва

кийинчиликларни енгигиша ўргатишдир. Бу жуда муҳим бўлиб, ўқувчи-талабалардаги имон-этиқодни эса амалий фаолиятга, хатти-ҳаракатга айлантиради ва ўқитиш жараёнининг ишини осонлаштиради.

Ҳозирги ўқитиш жараёнида қўйиладиган талаблар нима ва ўқувчи-талабаларда дарсда қизиқувчанликни оширадиган, уни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак?

Ҳозирги замон таълим-тарбия тизими фақат инсоният аниқлаган билимларни ўзлаштиришигина эмас, балки жамият энди ҳал қилиши ва бунда бугунги ўқувчи-талабалар қатнашиши лозим бўлган масалалар билан танишишини ҳам талаб қилади. Бундай масалалар космосни ўзлаштириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, чўлларни ҳосилдор ерларга ва боғ-роғларга айлантириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ва ҳаказолардан иборат бўлиши мумкин. Халқ хўжалиги ва фан-техниканинг ҳамма соҳаларида жуда катта бурилишлар рўй бермоқда ва ҳар бир ўқитувчи ўзининг тарбияланувчиларини ўзи ўқитадиган фан соҳаси бўйича навбатдаги қайта қурилишлар ва эришилган ютуқлар билан кенг таништириши керак. Бу ишни ўқувчи-талабаларга мос методда ва ўқув дастурига мувофиқ амалга ошириш лозим.

Мазкур талабнинг иккинчи хусусияти педагогнинг ўқувчи-талабалар фикр доирасини кенгайтиришга доимо ғамхўрлик қилишидир.

Шундай қилиб, таълим, яъни ўқитиш методи педагог ва талабалар назарий ҳамда амалий билиш фаолиятининг таълимий вазифаларини бажаришга қаратилган тадбирдир. Унга қуйидаги муайян талаблар қўйилади:

1. Ўқув материални ўрганишнинг ўқитувчи тавсия этган методи ўқувчи-талабаларда фикрлашнинг диалектик қарашлари, иродавий хусусиятлари ва ҳулқининг шаклланишига олиб бориши керак. Ана шу талаб нуқтаи назаридан метод тарбиявий тусда бўлиши лозим.

2. Ўқитиш методининг илмий асоси яққол ва аниқ бўлиши зарур. Шундагина ўқитувчи мазкур метод орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини, қандай масалаларни ҳал қилиб бўлмаслигини кўра олади.

3. Ўқитишнинг тизимлилиги унинг самарадорлигини белгилайди.

4. Ўқитиш методининг тушунарлилиги ўқувчи-талабалар учун қабул қилиниши ва қўлланиши, ўқув материални ўрганишнинг методи эса билимларни ўзлаштиришнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши шарт.

5. Ўқитишнинг онглилик ва фаоллик зарурияти ниҳоятда жиддий талабдир.

6. Билимларнинг пухталиги ва асослилиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

7. Ўқитиш методида назарий ва амалий ҳодисаларни мувофиқлигига эришмай ҳам дарс ўтиб бўлмайди.

Ҳар қандай методдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун у қандайдир мақсад қўйишни, илмга эришиш бўйича фаолият методи ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билишни тақазо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини билишни талаб қилади. Ниҳоят, метод мақсадга олиб бориши керак, акс ҳолда, у қўйган мақсад учун яроқсизлигини, ё бўлмаса, бу ҳолатда унинг умуман нотўғри қўлланганлигини эътироф этиш лозим. Шундай қилиб, ҳар қандай таълим методини қўллашдан қўзланган мақсадни, шу мақсадни амалга ошириш фаолиятини ва фаолиятни бажариш воситаларини талаб қилади. Бу воситалар фаолият объекти тўғрисидаги предметли ёки ақлий билимлар, қўйилган мақсадга албатта эришишдан иборат бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳам қандай методга нисбатан мақсадга мувофиқдир, лекин ўқитиш методлари учун етарли эмас.

Таълим, яъни ўқитиш методларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

– тафаккур, хотира, диққат ва ҳаёлнинг алоҳида операцияларини таркиб топтирадиган ва фаоллаштирадиган методлар;

– фикрлаш фаолиятида муаммоли ва изланишли вазиятларни вужудга келтирадиган методлар;

– ўқувчи-талабаларнинг ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган усуллар;

– назорат ва ўқувчи-талабаларнинг ўзини-ўзи назорат методлари;

– ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларнинг жамоавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш методлари.

Сунгги йилларда педагогика фани ва педагогик амалиётда таълим методлари муаммосига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муаммо бўйича анчагина тадқиқотлар олиб борилмоқда, илғор педагогик амалиётда ўқитишнинг самарали методлари ва уларнинг тизимларини қўллашнинг талайгина йўллари топилади. Аммо таълим-тарбия жараёнига қўйилаётган янги талаблар ўқитишнинг методларини янада такомиллаштиришни тақазо қилмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, таълимнинг мазмунига қўйилаётган янги талаблар ёш авлодга, хусусан, фанларнинг асослари бўйича юксак илмий - назарий билимлар беришдан иборат бўлиб, бу иш назарий билиш методларига, шу жумладан, ўқувчи-талабаларнинг мантиқий фикрлаш, мантиқий мулоҳазаларни бажариш методлари билан қуроллантиришни тобора кучайтиришни тақазо этмоқда.

Таълим методларининг турлари жуда кўп, уларнинг сонини аниқ белгилаб бўлмайди. Улар педагогик амалиёт даврида тинмай бойиб бораверади. Таълим методлари ўқитишнинг мантиқий томонларига, компонентлари ва вазифаларига қараб таснифланади.

Юқоридагилардан умумий хулоса шуки, педагогика назариясида таълим яъни, ўқитиш методларини таснифлашга ҳозиргача ягона ёндашиш мавжуд эмас. Ҳозирги кунда дидактикада ўқитиш методларини билимлар манбаи бўйича, дидактик мақсадлар бўйича, билиш фаолиятининг савияси бўйича фарқлаш энг кўп тарқалган.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Дидактика – юнонча сўз бўлиб, «didasko» – *ўқитиш*, «didasko1» – ўргатувчи маъноларини англатади.

Дидактиканинг тадқиқот предмети – таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи – *“таълим-тарбия олувчи”, “таълим-тарбия берувчи”, “ўқув-дастур”, “дарслик ва бошқа дидактик материаллар”* ҳамда *“ўқитишнинг усул ва услублари”, “ўқитишнинг техник воситалари”* орасидаги функционал алоқадорликдан иборатдир.

Таълим – инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишини ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради.

Таълимий мақсад – ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қила олишдир.

Тарбиявий мақсад – фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган гоёлар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, имон-эъғиқодларини шакллантиришдир.

Ривожлантирувчи мақсад – таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолатини, билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Умумий таълим – бу ўқувчи-талабаларнинг ҳар томонлама умумий тайёргарлигини ва ривожланишини таъминловчи фан асосларини эгаллаб олишдир.

Касбий таълим – ҳар бир шахсни ўзи танлаган касбига тегишли нисбатан тор йўналишдаги меҳнат фаолиятига хизмат қилувчи таълим.

Политехник таълим – ўқувчи-талабаларни ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари ҳақидаги билимлар тизими билан қуроллантиришни таъминлайди, ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги иш жараёнларини ўзлаштира олиш учун база (асос) аҳамиятига эга бўлган бир қатор меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллаб олишни назарда тутадиган таълим.

Ўқитиш – мақсад, мазмун ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ёрдамида ўқувчи-талабалар маълум билимларни режали ўзлаштириш кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнидир.

Ўқув жараёни – таълимнинг барча компонентлари (таркибий қисмлари)ни ўқитиш ва ундан фойдаланиладиган воситаларни ҳам, муайян вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг метод (усул) ларини ҳам, унда мустақил ишлайдиган ўқувчи-талабаларни ҳам, ўқув жараёнида кўргазмали ва техник воситалар билан жиҳозлашни ҳам ўз ичига олади.

Ўқитиш – ўқишни ва шу билан бирга уни назорат қилиш ҳамда тузатиш тадбирларини ўз ичига олади.

Қонуният – бизнинг ихтиёримиздан ташқари объектив мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги, уларнинг тарихий ривож (эволюцияси) заруриятдан келиб чиққан боғланиш.

Қонун – инсоният томонидан яратилган тартиб ва қоидалар.

Қоида – бу инсон фаолият тартибининг сўнгги босқичи бўлиб, объектив қонуниятлар асосида ишлаб чиқилган тамойилларнинг у ёки

бу ҳаракатларини чуқурлаштириб, ойдинлаштириб (конкретлаштириб) берувчи чора ва тадбирлар тартиби мажмуасидир.

Тамойил (принцип) – бу объектив мавжуд қонуниятлардан, яъни бутунини бир бутун қилиб турувчи қисмлари дарсидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиқиб, амал қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар тушунилади.

Метод – юнонча “*metodos*”–“*айнан нимагадир йўл*” деган маънони англатади яъни *мақсадга эришиш йўлини билдиради*.

Таълим воситалари – таълим мақсадини амалга ошириш учун қўлланиладиган техник ускуна ва қурилмалар ҳақида кўргазмали қуроллардан иборат. Эпидаскоп, диаскоп, компьютерлар, плакатлар, ўқув асбоблари ва ҳаказолардан иборат.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Дидактика деганда нимани тушунасиз?
2. Дидактиканинг таълим ва тарбия тушунчаларини (категорияларини) яхлит бир бутунлигини шарҳлаб беринг.
3. Шахсни шаклланиш ва камол топиш жараёнини тушунтириб беринг.
4. Тақомиллашиш нима?
5. Ўқиш ва ўқитиш тушунчаларини шарҳланг?
6. Ўқув жараёнини тушунтириб беринг.
7. Таълим жараёнининг моҳияти нимадан иборат?
8. Шахс ривожланишида таълим қандай роль ўйнайди.
9. Нима учун ўқув жараёни икки ёқлама характерга эга?
10. Билим беришнинг асосий мақсадларини таҳлил қилинг.
11. Билим фаолиятининг асосий босқичларини тушунтириб беринг.
12. Таълим мазмунини нималар ташкил қилади?
13. Педагогик жараёнда таълим тамойилларининг аҳамияти ва зарурияти нимада?
14. Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш омиллари қандай?
15. Онгли ўзлаштириш учун фаолликнинг роли қай даражада зарур?
16. Метод (усул) деб нимага айтилади ва унинг қандай турларини биласиз?

17. Муаммоли вазият ёки муаммоли масала деганда нимани тушунаси?
18. Қандай ўқув асбобларига таълим воситалари дейилади?
19. Педагогик қонуниятларни тушунтириб беринг?
20. Педагогик қонун-қоидаларни тушунтириб беринг?
21. Педагогик тамойиллар деганда нимани тушунаси?

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Дидактикани таълим назарияси сифатидаги тараққиёти.
2. Билим таълим жараёнининг методологик асоси сифатида.
3. Таълим жараёни ва мутахассислик.
4. Таълимнинг мазмунини ва унга қўйиладиган талаблар.
5. Таълим қонун-қоидалари ва тамойиллари.
6. Таълим методлари.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Дидактика қайси сўздан олинган ва луғавий маъноси нима?
 - а) юнонча “techhe” – ўқитиш, маҳорат;
 - б) юнонча “logos” – тушунча, таълимот;
 - с) юнонча “didasko” – ўқитиш, ўргатиш;
 - д) юнонча “didaktikos” – ўқитувчи;
 - е) юнонча “didako” – ўрганувчи.

2. Дидактика сўзи илк бор қайси педагогнинг асарларида ифодаланган?
 - а) немис педагоги Волфгон Ратке (Ратихия) (157-1635) асарларида “ўқитиш санъати” сифатида;
 - б) Ян Амос Коменскийнинг XVI аср “Буюк дидактика” асарида “Ҳаммани барча нарсага ўқитиш универсал санъати” шаклида;
 - с) Форобийнинг “Ижтимоий ва ахлоқий трактатлар” асарида “ўргатиш ва таълимни қўллаш” шаклида;
 - д) А.Белла ва Д.Лаккостер асарларида “таълимнинг синфлар” шаклида;
 - е) а ва б.

3. Дидактиканинг асосий туркумлари қайсылар?

- а) ўқитиш, урганиш, ургатиш;
- б) таълим бериш, билим, билиш, кўникма;
- с) мақсад, мазмун, ташкил қилиш, турлар, шакллар;
- д) методлар, воситалар, ўқитиш;
- е) барча жавоблар тўғри.

4. Таълим фаолияти қандай хислатга эга?

- а) биринчи хислати – у инсон руҳияти қонуниятлари ва унинг ижтимоий ривожига ташкил топади;
- б) иккинчи хислати – у инсоннинг билиш ҳолатини ўзгартиради;
- с) учинчи хислати – биологик, психологик ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланган инсон ривожини тезлаштиради;
- д) тўртинчи хислати – инсоннинг ижтимоий тарихий қонуниятлар ривожини англашига меҳнат жараёнидаги фаолиятига ёрдам беради;
- е) а ва б.

5. Ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг ўзаро фаолияти нечта қисмдан ташкил топади?

- а) мўлжаллаш – асослаш;
- б) мулоқот – бажариш;
- с) фикрлаш – баҳолаш;
- д) ўқув-англаш – рағбатлантириш;
- е) а, б ва с.

6. Таълим мақсади қандай талабларга жавоб бериши лозим?

- а) мақсад аниқ белгиланган бўлиши;
- б) мақсадни белгилашга доир далиллар аниқ бўлиши;
- с) натижалар маълум таълим муассасига тегишли бўлиш;
- д) таълим-тарбия мақсадини тўғри ифодалаш;
- е) а, б с.

7. Таълим вазифаларидан энг муҳимларини белгиланг.

- а) ақлий ва руҳий (эмоционал) ривожланиш;
- б) ахлоқий ва жисмоний ривожланиш;

- а) шахсий ривожланиш;
- б) маданий тарбия назифалари;
- в) барча жавоблар тўғри.

8. Таълим мазмунини шакллантиришнинг қандай принциплари мавжуд?

- а) ўқув матнининг ҳозирги давр фани ривож билан боғлиқлиги ва политехник принциплари;
- б) маънавий фан ва ўқув фанлари билан бирлиги ҳамда сановат мазмунининг шаклланиш принциплари;
- в) гояний мазмун ва бадиий шакл бирлиги, шахснинг маданий ривож билан уйғунлиги, гоё ва санъатнинг бирлиги, ёш кузусиятини ҳисобга олиш принциплари;
- д) жисмоний ривожланиш ва меҳнат мазмунини шакллантириш принциплари;
- е) барча жавоблар тўғри.

9. Таълимни ташкил этиш нечта босқичдан иборат?

- а) билиш, асослаш;
- б) умумлаштириш, ташкил этиш;
- в) ўқув материалнинг бўлаклари;
- д) такрорлаш, назорат ва баҳо, тушуниш;
- е) барча жавоблар тўғри.

10. Таълим жараёнининг тузилиши қайси жавобда ўз аксини тонган?

- а) таълим мақсади, ўқитиш ва ўрганиш фаолияти ҳамда натижа;
- б) ўқув материалнинг мазмуни ва таълимни ташкил қилиш шакллари;
- в) таълим методлари;
- д) таълим воситалари;
- е) барча жавоблар тўғри.

11. Таълим жараёнининг қандай қонун ва қонуниятлари мавжуд?

- а) жараён мақсади, мазмун ва методларининг ижтимоий жиҳатдан шартлилиги, таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги, педагогик жараённинг бир бутунлиги ва бирлиги қонуни;

б) назария ва амалиёт бирлиги ва ўзаро алоқа, таълим жараёнининг динамикалик (ривожланиш) қонуни;

с) таълим жараёнида шахснинг ривожланиш, таълим-тарбия жараёнини бошқариш, рағбатлантириш, таълим жараёнида сезги, мантиқийлик ва тажриба бирлиги, ташқи (таълим) ва ички (билиш) фаолиятининг бирлиги қонуниятлари;

д) таълим жараёнининг шартлилик, таълим ва тарбия ўртасида қонуний боғлиқлик, ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар ўртасидаги ўзаро таъсир қонуниятлари;

е) барча жавоблар тўғри.

12. Таълим тамойиллари (принциплари) нинг қандай турларини биласиз?

а) илмийлик, онглилик ва фаоллик принципи;

б) кўргазмалилик, тизимлилик ва мунтазамлилик принципи;

с) тушунарлилик, биргалик ва яққа шакл ҳамда ўқув-иш йўлини мақсадга мувофиқ принципи;

д) назария ва амалий бирлиги принципи;

е) барча жавоблар тўғри.

13. “Метод” сўзи қандай маънони англатади?

а) “Метод” юнонча сўз бўлиб, “айнан нимагадир йўл”, яъни “мақсадга эришиш усули, йўли” демақдир;

б) ўқитиш, таълим бериш;

с) янги билимларни баён этиш, тушунтириш;

д) мақсадга эришиш усули;

е) аниқ тартибга асосланган фаолият.

14. Таълим методлари нечта туркумга бўлинади?

а) амалий методлар;

б) кўргазмали методлар;

с) оғзаки ва ўқитиш методлари;

д) китоб билан ишлаш, ўрганиш ва видео методлари;

е) барча жавоблар тўғри.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Дидактиканинг мазмун-моҳияти нимадан иборатлигини тушунтириб беринг.

№	ДММНИ	Тушунча
1.		

2. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг асосий шакллари қислаб беринг.

№	БФАБҚБ	Тушунча
1.		

3. Дидактиканинг асосий тушунчалари (категориялари)ни тушунтириб беринг.

№	ДАТ(К)И	Тушунча
1.		

4. Таълимнинг асосий мазмунини тушунтириб беринг.

№	ТАМ	Тушунча
1.		

5. Таълим қоиинияти, қонунлари, тамойиллари (принциплари) деганда нимани тушунаси?

№	ТҚҚТ(П)	Тушунча
1.		

6. “Таълим методи”, “методик усул ва методик услуб (йул)” тушунчаларини изоҳлаб беринг.

№	ТМ, МУ ва МУ	Тушунча
1.		

IV Боб. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

4.1. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида таълим бериш ва ўқитиш пайдо бўлган ва мустақил жараён сифатида ажралиб чиққан вақтидан бошлаб таълим жараёнини ташкил этиш шакллари турлича амалга оширилган.

Исоният тарихига назар ташлар эканмиз, кишилик жамияти тараққиётининг илк босқичларида таълим бериш ишларини кишиларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳолда билим бериш, катта ёшдагилар ҳаётий тажрибасини ёшларга ўрнатиб ишлари **якка тартибда** (*индивидуал*) олиб борилган. Бу ўқитишнинг энг қадимги шакли – **таълимнинг индивидуал шакли** (*кичик гуруҳлар шаклида*) антик давр ва ўрта асрларда ягона усул бўлиб, ундан Европадаги баъзи мамлакатларда кенг фойдаланилиб келинган.

Индивидуал таълим (*кичик гуруҳлар шаклида*) бир қатор афзалликларга эга, шунинг учун таълимнинг бу шакли бизнинг давримизгача **репетиторлик таълими шаклида** сақланиб қолган. Унинг устунлиги ўқув фаолияти мазмуни ва методини тўла индивидуаллаштириш, аниқ бир масалани ҳал этишда унинг ҳар бир ҳаракати ва фаолияти жараёнларини кузатиб боришдан иборат. Индивидуал таълим ўқитувчининг юқори педагогик малака ва маҳоратга эга бўлишини талаб этади.

Индивидуал таълим (*ўқитиш*)нинг афзаллик (*устунлик*)лари билан бир қаторда унинг бир қатор камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) вақтнинг тежамли эмаслиги;
- 2) ўқитувчи таъсирининг чекланганлиги (ўқитувчининг вазифаси ўқувчи-талабаларга топшириқ бериш ва уни бажарилишини текширишдан иборат);
- 3) бошқа ўқувчи-талабалар билан ҳамкорликда ишлаш

имконияти чекланганлиги (бу ҳолат ижтимоийлашиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади);

4) жамоада ишлаш тажрибасининг шаклланмаслиги ва ҳ.к.

Мазкур сабаблар XVI асрдан бошлаб индивидуал ўқитиш шаклининг аҳамияти пасайиб, унинг ўрнини таълимнинг индивидуал – гуруҳли шакли эгаллашига имкон беради.

Таълимнинг индивидуал – гуруҳли шаклидан Европада XVI асрда кенг фойдалана бошладилар. Ваҳоланки, Марказий Осиё давлатларида таълимнинг индивидуал – гуруҳли шаклидан қадимги (антик) даврларда кенг фойдаланганлар. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” (илоддан аввалги VII-VI асрлар)да талқин этилишича, ибодатхоналар қошидаги мактабларда индивидуал – гуруҳли ўқитиш жамоали ўқитиш билан бирга қўшиб олиб борилар эди. Биринчи навбатда, болаларга зардуштийлик дини асослари, Олий Тангри Ахура – Маздага илтижо ва мурожаатлари-ю фарзлари, Зардушт ўғитлари пухта ўқитилиб, каломе – бадъе асосларига суянган ҳолда “Гоҳлар” махсус ёдлатилган. Иккинчидан жамият тараққиёти эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиққан ҳолда, болаларга риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), фалакиёт (астрономия), тарих, фалсафа, ҳуқуқшунослик, табобат ва бошқа дунёвий фанлар ўқитилган. Кичик ёшдаги болаларни ўқитишда устоз-қоҳин (ўқитувчи) 21 китоб (наск)дан иборат “Авесто”нинг “Гоҳ” “Яшт” ёки бошқа китоб (наск)ларидан бирини очади, болалар навбатма-навбат овоз чиқариб ўқийдилар, кейин эса ҳамма биргаликда (индивидуал-гуруҳли) такрорлайдилар, машқларни эса махсус тахтачаларга ёзганлар. Ўқитиш жараёнида курсатмали қуроллардан, ҳикоя қилиш ва суҳбат – мулоқот услубларидан кенг фойдаланилган. Дарс жараёнида ўтилган мавзунини шовқинсиз такрорлаш, ҳаммиса эсда туттириш талаб қилинган, эгалланган билимни синан ш мақсадида таълим олувчиларнинг билим даражасини мунтазам текширилиб ва баҳолашиб борилган.¹ Дарсни ташкил этиш қўйи чиққандан то ботгунча давом этган, уй вазифалари (топириқлари) мавжуд бўлмаган.²

Ўрта аср Уйғониш даврида (IX-XII асрлар давомида) ал-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино ва бошқалар

¹ С.Ҳасанов. Хоразм маънавияти даргалари. –Т.: “Адолат”, 2001, 26-бет. Ҳ.Бобоев, Т.Дустжонов, С.Ҳасанов “АВЕСТО” Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги –Т.: 2004, 53-бет

² Авесто. Древняя Восточная литература. Москва, МДНМ. 1984, с.352.

муштараклигининг асарларидаги ғояларнинг ўзига хослиги тушундан иборатки, бевосита ўрганилаётган фан мантиғидан ажратилмаган. Шунингдек, таълим жараёнини ташкил этиш нақлири, таълим-тарбия мақсади, принциплари, мазмуни ва усулларига хос ғоялар алоҳида китобларда берилмай, балки бевосита амалда (тажрибада), биронта фанни ўрганиш асоси аниқ билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида ёритилади.

Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) “*Ал-китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб алжабр ва муқобала*” (“*Алжабр ва ал-муқобала*” ҳисоби ҳақида қисқача китоб” асари билан алгебра фанининг асосчиси сифатида математика фанида абстракция (маъхумийлик) тушунчасини кенгайтирди. Индукция йўли билан масалаларни умумий ечиш усулларини ҳал этди, дедукция йўли билан умумий усуллар ёрдамида турли хусусий масалаларни ечди.

Ал-Хоразмий ўқитиш жараёнини ташкил этишда билим беришнинг кўргазмали тажриба усуллари, савол-жавоб, малака ва кўникмаларни шакллантириш, ўқувчи-талабаларнинг билимларини ошириш усулларидан кенг фойдаланган¹.

Абу Наср Форобий (873-950) ўз асарларида ўқитиш жараёнини ташкил этишда таълим-тарбияни узвий бирликда олиб бориш хусусида фикр билдирса ҳам, аммо ҳар бирининг инсон шахсини камол топтиришда ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида қайд қилади:

“Таълим – деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб – ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир”.²

Форобий ўқитиш жараёнини ташкил этишда таълим-тарбия беришнинг ишонтириш ва мажбур этиш методлари устида тўхтаб, шундай ёзади: “Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар (касб-ҳунар) ва уларни бажаришга одатлантириш масаласига

¹ Ҳасанов. Хоразм маънавияти даргалари. – Т.: «Адолат», 2001, 103-бет.

² Абу Наср Форобий. Бахт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. –Т.: “Фан”, 1975,76-бет.

келганда, бу одат икки турли йўл билан ҳосил қилинади: биричи йўл қанотбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади. Одамдаги ғайрат, касб-интилиш ҳаракати айлантрилади.

Иккинчи йўл (усул) – мажбур этиш йўлидир. Аммо улардан қайси бирики, назарий билимларни ўрганишга астойдил киришса ҳамда фазилати яхши бўлиб, касб-хунарларни илҳом жузъий санъатларни эгаллашларга нитилиши бўлса, бундай ёшларни мажбур этмаслик керак, мақсад уларни фазилат эгаси қилиш ва касб – хунар аҳилларига айлантриришдир”.¹

Таълимнинг дифференцияси (даражаланиши) ҳақидаги Ал-Фаробийнинг дидактик хулосалари ҳозирги даврнинг таълим назарияси учун аҳамиятини йўқотмаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим: “Ишонтририш методлари ва ҳаёлда пайдо бўлган фикрий тасаввурлар оддий халқни, халқлардаги ва шаҳарлардаги оддий кишиларга таълим бериш давомида қўлланилади. Қайсики, ишончли далиллаш методи, яъни нарсаларнинг моҳиятига ўзининг ақл билан етишиш методи танлаганлар қаторига чиқниши мумкин бўлмаган кишиларнигина ўқитиш давомида қўлланади”.²

Ал-Фаробий таълим жараёнида билимларнинг бошланиши ва далилларнинг асоси ҳисобланадиган кузатиш ва тажриба каби кўргазмали методларни кенг қўллашни таклиф этади. Тажриба натижасида олинган ва кузатишлар ёки тажриба йўли билан текширилган билимлар натижасида таълим олувчининг фикр-ўйи ақлироқ бўлиб боради, унинг ўзи эса – кўп даражада мукамаллашади.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) таълим жараёнини ташкил этишда, биринчидан, таълим олувчига билим беришда турли мавзулар юзасидан мулоҳазалар юритишни, иккинчидан, тегили илмларни зериктирмасдан кўргазмали баён этишни, хотирасини малол келтирмасликни таъкидлайди: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир, ҳадеб бир нарсани ўқийвериш зерикарни бўлади ва тоқатини тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман бог-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир богдан ўтар-ўтмас, бошқа бог бошланади

¹ Уша асар, 77-78-бетлар.

² Уша асар, 76-бет.

Маъна устидини. Даммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир инсон парвона кишига роҳат бағишлайди”¹

Абу Али ибн Сино (980-1037) “Тадбири манзил” асарининг “Оқушни ва тарбияни модарабо фарзанд” (“Болаларни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш”) бўлимида ўқувчиларни, яъни толиби илмларни жамоали яъни синф-дарс шаклида ўқитишни ташкил этишга қўйидагиларга катъий роя этиш зарурлигини таъкидлайди:

...асарда ўқувчилар(толиби илмлар) биргаликда ўқисалар, улар тарбияландилар, фанни ўрганишга қизиқиш кучаяди; уларда бир-бирларидан оринда қолмаслик учун ўзаро мусобақаланиш истаги ривожланади, улар боланинг ўқиши яхшиланишига ёрдам беради;

...ўзаро суҳбатларда ўқувчи(толиби илм)лар китобдан ўқиш ёки катталардан эшитган қизиқарли маълумотларни бир-бирларига айтиб берадилар:

...бола (толиби илм)лар биргаликда йиғилганларида бир-бирлари билан дўстлашадилар ва бир-бирларини ҳурмат қиладилар, улар фақат мусобақалашмайдилар, балки бир-бирларига ўқув материалларини ўзлаштиришда ёрдам берадилар; бу билан бола (толиби илм)лар мағрурланадилар, бир-биридан яхши одатларни ўрганадилар.²

Бурхониддин Зарнуж (XII аср) “Билим олиш йўлида ўқувчига маслаҳатлар” номли асарида таълим (дарс)ни ташкил этиш бўйича тавсиялар беради. Унинг таъкидлашича, мактаб ва мадрасаларда дарс жараёни тахминан бир соат давом этиши керак. Ўқитувчи дарсга толиби илмлар тушуниши ва ўзлаштириши мумкин бўлган ўқув материалларини танлаб олиши, дарсда ўрганиладиган материалларни содда қилиб тушунтириб бериши лозим. Ўқув материаллари шундай танланиши керакки, у икки мартаба такрорланганда ўзлаштирилсин. Шунинг учун у катта матнларни қисмларга бўлиш ва бошқа дарсларда уни албатта такрорлашни таклиф этади.³

Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394-1449) даврида ўқитишнинг синф-дарс шакли, болаларни ёши бўйича табақалаштириб ўқитиш, ўқув-тарбия ишларини ташкил этишнинг аниқ бир муддатини белгилаб қўйиш, хотин-қизларга таълим-тарбия

¹ С. Хасанов. Хоразм маънавияти даргалари. -Т.: “Адолат”, 2001, 118-бет.

² Раҳимов. Абу Али ибн Синонинг психологик-педагогик қараишлари. -Т.: “Ўқитувчи”, 1978, 103-бет
Антология педагогической мысли Узбекистана. - Москва, 1986, с. 125.

беришни аниқ бир тизимга солиш ва бошқа кўпгина шунга ўхшаш ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Улуғбек мадрасаларда ўқиш муддатини қатъий 8 йил қилиб белгилаб қўйди.

Шунингдек, мактаб ва мадрасаларда дарс беришнинг индивидуал машғулотлар тизимини бекор қилади ва **“жамоа” синф-дарс тизимига** яқин бўлган шаклини жорий қилди. Умумий маърузани 50-70 нафар толиби илмлардан иборат гуруҳга одатда, илм-фан бўйича ўз соҳасида машҳур Шамсиддин Муҳаммад Қозизода Румий, Мавлоно Муҳаммад, Али Қушчи каби олим мударрислар ўқийди, амалий машғулотларни эса 10-15 талабадан иборат гуруҳда кичик мударрислар олиб боради. Ўқитишнинг мунозара ва тортишув методлари муҳим ҳисобланган.

Улуғбек мактаб ва мадрасаларда берилган назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида мударрислар ўқитувчилардан толиби илмлар (ўқувчи-талабалар) билан расадхонада амалий машғулотлар ўтказишни талаб этди, бунга бевосита ўн раҳбарлик қилди.

Улуғбекнинг фикрича, толиби илмлар ҳаётида дарслик муҳим ўринда туради. Шунга кўра, унинг издошлари томонидан математика, метафизика, астрономия, география, тарих ва бошқа фанлардан содда, тили равон, тушунарли, мантиқий изчилликка ўқимишли дарсликлар ёзилган. Лекин шу ўринда ўқитишнинг **“жамоа” шакли**нинг салбий томонлари ҳам бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Жамоали ўқитиш шакли ХХ аср таълим тизимида машҳур бўлган гуруҳли лаборатория методида бўлгани каби ўзлаштиришни индивидуал хусусияти ҳисобга олинмаган. Яхши ўзлаштирамаган баъзи шогирдлар ҳам илғор (ўзлаштираган)лар қаторида бир қўлланмани ўрганишга ўз-ўзидан ўтаверган, керакли билимни эгаллай олмаган ҳолда мадрасани биттириб чиқадилар.¹

Таълимни индивидуал – гуруҳли шаклининг мазмун машғулотларни ўқитувчи бир ўқувчи-талаба билан эмас, билан тайёрлик даражаси турлича бўлган турли ёшдаги ўқувчи-талабалар гуруҳи билан олиб боришидан иборат эди. Ўқитувчи навбат билан ҳар бир ўқувчи-талабадан ўтилган мавзунини сўрайди, янги саволларни тушунтиради, мустақил ишлаш учун индивидуал топшириқлар беради, қолган ўқувчи-талабалар ўз ишлари билан шуғулланадилар. Ўқишни бундай ташкил этишда болалар машғу-

¹ М.Тоҳиров. Мирзо Улуғбекнинг педагогик қарашлари. –Т.: “Фан”, 1984, 26-бет.

давларга йилнинг турли даврларида ҳамда куннинг турли вақтларида келишлари мумкин бўлган ҳам.

XV-XVI асрлар давомида Европада ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ўқувчи-талабаларга таълим беришнинг оммавий асосини юзлаб келишига замин яратди.

Улардан бири ўқувчи-талабаларни ўқитишнинг **гуруҳли (жамоатли) таълими** саналади. У Россия (ҳозирги Белорусия ва Украинанинг ғарбий ҳудудлари) **биродарлик** мактабларида илк бор қўлланилган ва ўқиш синф-дарс шаклининг асоси бўлиб қолган. Бу тизимлар XVII асрда Ян Амос Каменский томонидан **"Буюк дидактика"** асарида назарий жиҳатдан асослаб берилди ва оммавийлаштирилди. Олим педагогика назариясига ўқув йили, ўқув кунин, дарс машғулотлар орасидаги танаффуслар, ўқув таътиллари ва бири тушунчаларни киритди.

Я.А.Каменский **"Буюк дидактика"** (1632) асарида ўқув машғулотларини гуруҳ шаклида уюштириб, уларда ҳар йили ва ҳар бир ўқув кунини бир вақтда бошлашни; ҳар қайси машғулот учун муайян муддат белгилашни; машғулотлар ўртасида танаффуслар берилишини; гуруҳларда ўқувчи-талабалар ёши ва сони бир хил бўлишини; материални бир хил суръатда ўрганишни; ўқув машғулотини муайян ташкилий шаклда; ўқувчи-талабалар эътиборини бир нуқтага тўплаш, ўқитувчининг тушунтириши, тушунтиришлар давомида ва ундан кейин ўқувчи-талабаларга савол бериши, ўқув материали мазмуни қандай ўзлаштирилганини назорат қилиш шаклида ўтказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ ва таълим оқибатини назарий жиҳатдан асослаб берди. Гуруҳли (жамоат) машғулотларнинг бундай шакли **синф-дарс тизими** номини олиб, жуда кўп мамлакатларга тарқалди, мустаҳкамланди. У бугунги кунда ҳам такомиллашган кўринишда кенг қўламда қўлланилиб келинмоқда.

Синф-дарс тизимининг бугунги мазмуни ўқув ишларини ташкил этиш ўзига хос шакл сифатида қуйидагилардан иборат:

- бир хил ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчилар синфи ёки талабалар гуруҳини ташкил этади. Таълим муассасасида синф ўқувчилари ёки талабалар гуруҳи ўқишнинг умумий даврига асосан доимий тартибни сақлаб қолади;

- синф ёки гуруҳ ўқиш фаолияти ягона йиллик, ўқув режаси ва дастури асосида, доимий дарс жадвали бўйича ташкил этилади,

бунинг натижасида ўқувчи-талабалар таълим муассасасига йилнинг бир вақти ва олдиндан белгиланган кун соатларида келишлари керак бўлади;

- машғулотларнинг асосий бирлиги дарс ҳисобланади;

- дарс одатда бир фан ёки мавзуга бағишланган бўлади, шу боис ўқувчи-талабалар синфда ёки аудиторияда битта материал устида ишлайдилар:

- дарсда ўқувчи-талабаларнинг ўқиш фаолиятига ўқитувчи раҳбарлик қилади, у ўз фани бўйича ўқиш натижалари, ҳар бир ўқувчи-талабани алоҳида билимини баҳолайди.

К.Д.Ушинский томонидан синф-дарс тизими, унинг ташкилий қурилиши ва типологияси янада ривожлантирилди. У ҳар бир дарснинг бир-бири билан кетма-кет боғланган қуйидаги учта қисмини ажратиб кўрсатади:

1) *илгари ўрганилган билимлар асосида янги билимларни англашни амалга ошириш ва ўқувчи-талабаларда материални жабдал қабул қилишга мақсадли кўрсатмани яратишга қаратилади;*

2) *асосий масалани ҳал этишга йўналтирилади ва дарснинг муҳим, марказий қисми ҳисобланади;*

3) *амалга оширилган фаолиятга яқун ясаш, билим, қўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга қаратилади.*

А.Дистерверг эса дарсни ташкил этиш, ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг фаолиятига тааллуқли ўқитиш тамойиллари ва қоидалари тизимини ишлаб чиқди, ўқувчи-талабаларнинг ёши ва имкониятларини ҳисобга олиш зарурлигини илмий асослаб берди.

Таълимнинг синф-дарс тизими алоҳида ўқув фанларини ўқитиш методикаси ва дидактикасига оид асарларида унинг афзаллик ва камчиликларини кўрсатиб берди.

Афзалликлари: яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг тартибли кетишини таъминловчи аниқ ташкилий тизим; жараёнларнинг оддий бошқарилиши: муаммонинг жамоа бўлиб муҳокама қилиниши, масаланинг ечимини биргаликда излаш жараёнида ўқувчи-талабалар ўзаро муносабатларининг шаклланиш имконияти; ўқитувчининг ўқувчи-талабалар ва уларнинг тарбиясига доимий эмоционал таъсир кўрсатиши; таълимнинг эмоционаллиги (зеро, ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ўқувчи-талабаларнинг катта гуруҳи билан иш олиб боради), ўқув фаолиятига мусобақаланиш элементларини ўзлаштириш сари ҳаракатларнинг мунтазамлиги ва кетма-кетлиги.

Камчиликлари: синф-дарс тизимининг асосан билимларни ўртача даражада ўзлаштирувчи ўқувчи-талабалар учун мулжалланганлиги, бўш ўзлаштирувчи ўқувчи-талабалар учун қийинчиликларнинг юзага келиши ва кучли ўзлаштирувчи ўқувчи-талабалар қобилиятларининг ривожланиш суръатининг ортга сурилиши; ўқитувчи учун ўқитиш мазмуни ва ўқитиш суръатлари ҳамда методлари бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш, шунингдек, ўқувчи-талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишда қийинчиликнинг юзага келиши; катта ва кичик ёшли ўқувчи-талабалар ўртасидаги муносабатларнинг қарор топмаслиги.

1-шакл

СИНФ

**ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган
муайян ўқувчи-талабалар гуруҳи;**

ДАРС

**эса бевосита ўқитувчининг раҳбарлиги ҳамда
назорати остида муайян ўқувчи-талабалар
гуруҳи билан олиб бориладиган таълим
жараёнини англатувчи тушунчалардир.**

XIX аср охири XX аср бошларида ақлий ривожланишида фарқи бўлган ўқувчи-талабаларни ўқитиш индивидуаллаштиришга аҳамият қаратиш масаласи айниқса, долзарб хусусият касб этади. Шунга мос равишда **танлаб ўқитиш** шакли юзага келди (АҚШда Батов, Европада Маингеймс тизими).

Европа ва АҚШда XX аср бошида ўқувчи-талабаларнинг *индивидуал, фаол, мустақил ўқув ишларини* таъминлашга қаратилган кўплаб таълим тизимларининг самарадорлиги синаб кўрилган. 1905 йили Дальтон шаҳрида (Массачусетс штати) ўқитувчи Елена Парк Херст томонидан биринчи бор қўлланилган **таълимнинг**

индивидуаллаштирилган тизими улар орасида энг радикал ҳисобланган. Бу тизим **дальтон-режа** номи билан педагогика тарихига кирди. Буни баъзан лаборатория ёки устахоналар тизими деб ҳам атайдилар.

Ўқувчи-талабаларга ёзма йуриқнома ва маслаҳат берилиб, мустақил ва индивидуал режага биноан ишлашлари кўзда тутилган. Унга кўра индивидуаллаштирилган таълим тизимида юқори самарадорликка эришиш учун ўқувчи-талабалар барча зарурий қўлланмалар, кўрсатмалар билан таъминланиши керак эди.

Бу тизимнинг мазмуни куйидагилардан иборат: **ўқув фаолиятининг муваффақияти таълим муассасасида ишлаш суръатининг** ҳар бир ўқувчи-талабаларнинг имкониятлари, уларнинг қобилиятларига мослаштирилишига боғлиқ: **таълим фаолияти устун турадиган ўқишни анъанавий ташкил этиш, ўқувчи-талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятининг маркази ҳисобланиши, ўқитувчи вазифасининг фаолиятни одоб билан ташкил этишдан иборатлиги, синф ёки аудитория лабораторияларининг устахоналар билан алмаштирилиши, дарсларнинг бекор қилиниши, ўқитувчининг янги материални тушунтирмаслиги, ўқувчи-талабаларнинг лаборатория ёки устахоналарда ўқитувчидан олинган топшириқ асосида мустақил шуғулланишлари ва зарур бўлган пайтда ўқитувчидан ёрдам сўрашлари мумкин.**

Мазкур тизим бир қатор камчиликларига эга бўлгани учун кескин танқидга учраган.

XX аср 20-йилларида таълим ишлари Илмий текшириш институти *таълимнинг лойиҳали тизимини* тарғиб қила бошлади. Уни америкалик У.Кильпатрик ишлаб чиққан. Ўқитиш бу тизимнинг мазмуни ўқувчи-талабаларнинг ўзлари лойиҳа ишлари мавзусини танлаб олишларидан иборат. У мавжуд ҳақиқий ҳаёт билан боғланган бўлиши ва ўқув гуруҳи ихтисослашишларига қараб (йўналишлари) ижтимоий-сиёсий, хўжалик-ишлаб чиқариш ёки маданий – турмуш томонларини акс эттириш керак бўлган.

60-йилларда **Трамк режаси** жуда машҳур бўлди. Уни америкалик профессор педагог **Людвиг Трамк** ишлаб чиққан. Ўқитишни ташкил этишнинг бу шакли катта аудиторияларда (100-150 нафардан иборат бўлган гуруҳларда) машғулотларни, 10-15 кишилик гуруҳларда ва ўқувчи-талабаларнинг индивидуал ишларини биргалликда олиб боришни таклиф этади. Турли хилдаги техник восита-

лардан фойдаланиб умумий маърузаларни олиб боришга ўқув вақтининг 40% ажратилади. Кичик гуруҳларда машгулотларга (семинарлар) – 20%, кабинет ва лабораторияларда индивидуал мустақил ишларни бажаришга 40% ажратилади.

70-йилларда ўқишни ташкил этишнинг *ноанъанавий шакллари* вужудга келди. Тажриба ва синов майдонларини излаш биринчи навбатда синф-дарс тизимини модернизациялаштириш фикри билан боғлиқдир. Изланишларнинг асосий масаласи таълимни индивидуаллаштириш эди.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Европада биринчи университетларнинг пайдо бўлиши билан таълимнинг маъруза-семинар шакли юзага келди. *Ўша даврдан бошлаб ҳозиргача маъруза, семинар, амалий ва лаборатория ишлари мустақил таълим ишлари, консультация ва танлаган касби бўйича амалиёт ўрта махсус мактаб ва академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари таълимнинг асосий шакллари*дан бири сифатида қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, кишилик жамиятининг илк босқичлариданок, яъни ёши улуг, ҳаётий тажрибаси катта кишилар ёшларга ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб берадиган қилиб таълим-тарбия бериш шаклларини топишга уринганлар. Бунинг натижасида *индивидуал гуруҳли таълим* таркиб топган бўлиб, у вақтлар ўтиши билан *устоз-шогирд даражасигача* ривожлантирилган. У минг йиллар давомида тўпланган тажрибаларни, дунё ҳақидаги ахборотларни етказиб бериш жараёнини таъминлаган, инсониятнинг фақат ижтимоий ривожланишига эмас, балки энг қийин шароитларда яшашига ҳар қандай вазиятларда машаққатларни енгишга ёрдам берган. Ҳозирги пайтда таълимнинг бу қадимий шакли билан бир қаторда *синф-гуруҳ дарс шакли* ва замон ҳамда истиқбол талабларини ўзида акс эттирувчи *ноанъанавий (баҳс-мунозара, семинар, лаборатория, тренинг, викторина, факультатив, ўйин каби)* шакллардан кенг қўламда фойдаланилмоқда.

Умуман, таълимни ташкил этиш шаклларини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ШАКЛЛАРИ**

**Якка
тартибдаги
(индивидуал
гуруҳли
таълим шакли)**

**Таълимнинг
анъанавий
синф-дарс
шакли**

**Таълимнинг
ноанъанавий
шакллари**

**Кичик
гуруҳлар
шаклида
ўқитиш**

**Янги материални
ўрганиш дарси,
утилган
материалларни
мустаҳкамлаш
дарси,
узлаштирилган
билим, кўникма
ва малакаларни
назорат қилиш
дарслари, кириш,
умумлаштириш
дарслари, аралаш
дарс**

**Маъруза,
факультатив
семинар, ролли
уйин, ақлий
хужум, ўргимчак
тўри,
лаборатория
машғулоти,
экскурсия, баҳс-
мунозара, давра
суҳбати,
викторина,
матбуот
конференцияси,
мўъжизалар
майдони ва шу
кабилар**

**Репититор-
лик таъ-
лими**

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ШАКЛЛАРИ




4.2. ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИ – ДАРС ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР

Дарс ўз навбатида таълимнинг асосий шакли бўлиб, тузилишига кўра қуйидаги таркибий қисмлар (элементлар) дан иборат: таълим берувчи, таълим олувчи, дарс дастури ва режаси, ўқув-услубий қўлланма ва дидактик материаллар; педагогик усул ва услублар; ўқитишнинг техник воситалари. Дарснинг бу беш таркибий қисм (булак)лари узаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунлик, яъни дарс деган мажмуани ташкил қилади. Бирининг мавжудлиги бошқасининг мавжудлигини тақазо этиб, бирининг йўқ бўлиши бошқа барча қисмларининг фаолиятини йўққа чиқаради. Дарснинг бу қисмларининг ҳар бир ўз навбатида бир бутунлик (мажмуа) бўла туриб, ўз навбатида қуйидаги бир неча қисмлардан ташкил топгандир.

Таълим-тарбия жараёнини амалга оширувчи дарсни бир бутун қилиб турувчи қисмлар таснифини таълим-тарбия берувчидан бошлашимиз мантиқан тўғри бўлади. Узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг босқичларида таълим-тарбия берувчини, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, турлича аталиб *мураббий, устоз, ўқитувчи, педагог, асистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор ва маърузачи* деб юритилади.

Буларнинг вазифаси давлат томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида дарсни ташкил этиш ва ишчи режада кўрсатилган билимларни, таълим олувчиларга дидактиканинг барча тамойилларидан келиб чиқиб, бир қатор педагогик усуллардан ва ўқитишнинг техник воситалари ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб етказиб беришдир.

Дарс – аниқ мақсадни кўзлаб, берилган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи-талабалар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотдир.



Д А Р С Т А В С И Ф И

Даре – ўзининг аниқ мақсади, мазмуни, вақти ва иштирокчилари таркиби билан чегараланган, у ўқув муассасаларида ташкил этилиб, ўтказиладиган таълим-тарбия жараёнининг бир қисмидир.

Дарснинг мақсади ва мазмуни ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларига мос белгиланганлиги, тузилмаси, қатъий дарс жадвалига мувофиқлиги, ўқитувчи раҳбарлиги ёки назорати асосида ўтказилиши, синф ўқувчилари ва гуруҳ талабаларининг барчаси билан ёки ҳар бири билан алоҳида яккама-якка ўтказилиши билан тавсифланади.

Дарс таълим-тарбия жараёнининг асосий шакли. У аниқ мақсад, тугал мазмунига эга бўлиши билан бирга, ўздан олдинги ва кейинги дарслар билан узвий боғланган бўлиши зарур.

Дарс турлари – дарснинг моҳияти, асосий мақсади, мазмуни ва ажратилган вақти, иштирокчиларининг ўзаро муносабати ва мулоқоти кабиларга кўра турланади.

Дарснинг мақсади, мазмуни, ҳажми Давлат таълим стандартлари (ўқув дастури, режа, дарслик) асосида белгиланади. Ўқитувчи учун дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, ўқитувчи бу жараёнда қуйидагиларга амал қилиши шарт:

1. Ҳар бир синф ёки гуруҳда ўқувчи-талабаларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлишига;
2. Дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилишига;
3. Дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф ёки гуруҳ билан ва алоҳида ўқувчи-талабалар билан ишлаш шаклида олиб борилишига;
4. Дарс ўқув фанининг характери, ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб турли усуллар ва воситалар ёрдамида олиб борилишига ва узлуксиз таълим тизимининг бир қисми сифатида тугалланган билим беришига ва навбатдаги билимларни ўзлаш-тирмоқ учун замин яратишига қаттиқ риоя қилиши шарт.

Шуни унутмаслик керакки, таълим муассасаларида талим-тарбия ишлари фақат синф-дарс ёки маъруза-семинар шаклида

олиб борилмай, балки амалий машғулотлар, тажриба ишлари шаклида ҳам амалга оширилади. Бу машғулотлар дарсдан ва аудиториядан ташқарида бўлиши ҳам мумкин.

Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабаларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт.

Педагогика назарияси дарс олдига бир қатор дидактик талабларни қўяди. Жумладан:

1. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилмоғи ёки лойиҳаси тузилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълимий ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, янги материалларни қандай ўтиш, қандай тамомлаш, кўргазмали ва бошқа дидактик материаллардан қандай фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади.

2. Ҳар бир дарс аниқ зоявий-сиёсий йўналишга эга бўлиши лозим.

3. Ҳар бир дарс таълим муассасасининг, ижтимоий муҳитининг имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланмоғи, курсатмали воситалар билан жиҳозланмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарс хилма-хил усул ва услублардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши лозим.

5. Дарс учун ажратилган вақт ва унинг дақиқаларидан тежамкорлик ва унумли фойдаланиш лозим.

6. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар ўзаро фаол муносабатда бўлиши керак.

7. Машғулотлар бутун синф ёки гуруҳ билан ва ҳар бир ўқувчи-талаба билан, уларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олинган ҳолда олиб борилиши шарт.

8. Дарснинг мазмуни ва характериға қараб халқимизнинг бой маънавий меросидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

9. Утилаётган мавзунинг мазмуниға боғлиқ ҳолда мустақил Ўзбекистондаги ўзгаришлардан ўқувчи ва талабаларни хабардор этиш лозим.

Демак, дарс дидактика тамойилиға мувофиқ таълим-тарбиянинг бирлигига асосланган ҳолда олиб борилиши керак. Бунинг маъноси шуки, ўқитувчи ҳар бир дарсда ўқувчи-талабаларға ҳам таълим беради, ҳам тарбия беради.

Дарснинг таълим бериш вазифаси – ўқув дастурида кўрсатилган, ўқувчи-талабаларнинг дарсда ўзлаштириши лозим бўлган аниқ билим, кўникма ва малака билан белгиланади.

Дарснинг тарбиявий вазифаси – дарс мазмунининг илмий ва ғоявий пухталиги, мантикийлиги билангина эмас, балки дарснинг ташкил этилиши, методикаси, шунингдек, ўқитувчининг шахси ва айниқса, педагогик маҳорати катта аҳамиятга эга. Дарсда билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи-талабаларнинг диққат, хотираси ва тафаккури ўсади, ўқиш ва меҳнат интизомига риоя қилиш кўникмаси ҳосил бўлади, уларда дунёқараш ва ахлоқий сифатлар таркиб топади.

Дарснинг муваффақияти аввало ҳар бир дарсни ташкил этилишига боғлиқдир. Шунингдек, синфдаги ўқувчиларнинг ёки гуруҳдаги талабаларнинг ўқув материални қанчалик ўзлаштиришга тайёрланганлигига, ўтилган мавзунини ўрганиш ва мустақамлаш юзасидан ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлари қандай ташкил этилганлигига ҳам боғлиқдир.

Ҳар бир дарснинг маълум қисми ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишига ажратилиши лозим. Зеро, мустақил ишни (таълимни) ташкил этишдан мақсад, ўқувчи-талабалар тафаккурини ва билимни эгаллашга ёндашиш қобилиятини ўстириб бориш ҳамда мустақиллигини таъминлаш кўзда тутилади. Шунинг учун мустақил иш ўқувчи-талабаларнинг индивидуал ўзига хос хусусияти, кучи ва имконияти (қобилияти)га мувофиқ бўлиши керак.

Ўқитувчи дарсда бутун синф ёки гуруҳ билан ишлаши ва шу билан бир вақтда ўз фаолиятини ўқувчи-талабаларнинг индивидуал иши билан боғлаши лозим.

Дарсда ўқувчи-талабаларга индивидуал муносабатда бўлиш деганнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи ҳар бир ўқувчи-талабанинг ўзига хос хусусиятини билиб олиб, таълим жараёнида буни эътиборга олади. Масалан, ўқитувчи диққати беқарор бўлган ўқувчи-талабаларнинг паришонхотирлигини назарда тутиб дарс жараёнида уларга тез-тез саволлар бериб туради, улгурмовчи ўқувчи-талабаларга алоҳида топшириқлар бериб туради ва ҳаказо.

Шундай қилиб, дарс машғулоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган ўқув материалининг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида ва дидактик талаблар асосида олиб борилади ҳамда тугалланган билим бсради ва навбатдаги билимларни

Ўйлашгириш учун замин яратишга хизмат қилади.

Юқорида зикр этилган фикрларни мухтасар ҳолда бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қўйилган дидактик талабларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

6-шакл

ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚЎЙИЛГАН ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР

Дарс мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги.

Дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчилик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги.

Ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари, вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларини танлаш.

Машғулотларнинг турли шакллари: жамоа, гуруҳли ва яқка тартибдаги шаклларини мақбул равишда қўшиб олиб бориш.

Ўқитувчининг раҳбарлик роли билан ўқувчи-талабалар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш.

Дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш.

Ўқувчи-талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш.

Дарсда ўқувчи-талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш.

Дарсларни демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиш.

4.3. ЗАМОНАВИЙ ДАРС ТУРЛАРИ (ТИПЛАРИ) ВА ДАРСНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

Ҳозирги пайтда педагогика назарияси ва амалиётида замонавий дарс ибораси тез-тез тилга олинмоқда. *Замонавий дарс қандай дарс?*

Замонавий дарс шундай дарски, унда ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди. Ўқувчи-талаба ёшлар эса ўз навбатида билимларни чуқур ўзлаштирадилар ва маънавий баркамол шахс бўлиб етишадилар.

Замонавий дарс деганда қандай дарсни тушунамиз, унинг белгилари, мезонлари қандай, у қандай шаклларга эга, у қандай услубда ўтилади, дарсда қандай усуллардан фойдаланилади, унга қандай дидактик талаблар қўйилади? каби саволлар туғилиши табиий. Педагогика илми тажрибаларидан, мавжуд дидактик назариялар ва нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, ўқитувчи-педагоглар ўқувчи-талабалар фикрини ойдинлаштиришга, юқоридаги саволлар ечимини топишга ҳаракат қиламиз.

Замонавий дарс мезонлари ва белгилари қуйидагилардан иборат:

– дарс – ўқувчи-талаба шахсига йўналтирилган, ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг ўзаро фаол муносабатларига асосланган бўлади;

– дарс жараёни табақалаштириш ва шахсий қобилиятларига ёндашув асосида амалга оширилади;

– дарс ўқувчи-талабаларнинг юқори даражадаги қизиқиши, хоҳишлари, ақлий фаоллиги, муваффақиятга эришувига қаратилади;

– дарс ўқув материални мазмунига кўра турли услублар, воситалар, услубиятларга суянади;

– дарсда ўқувчи-талабаларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштиришга эътибор қаратилади;

– дарсда ўқувчи-талаба шахсиятини ривожлантиришга, биринчи навбатда, ўқувчи-талабаларнинг ўзини-ўзи бошқара олишига қаратилган механизм тулик ишга солиниб, шу орқали уларнинг билимга бўлган қизиқиши ва хоҳиши орттирилади;

- дарс сифати ва самарадорлигини таъмин этувчи назорат турларидан фойдаланилади;
- дарсда вақтдан унумли ва мақсадли фойдаланилади;
- ўқув материали қийинчиликларини осонлик билан енга олишга эътибор қаратилади;
- дарсда назария ва амалиёт ўзаро боғланишда талқин этилади;
- дарсга тизимли ёндашув – ўқувчи-талабаларнинг поғонама-поғона ривожланиши ҳамда тулиқ ўзлаштириб олишини таъминлайди;
- дарс жамиятнинг социал (ижтимоий) буюртмасини бажаришга йўналтирилган бўлади;
- ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг педагогик фаолияти педагогика ҳамда психологиянинг энг сўнгги ютуқлари асосида ташкил этилиши таъминланади;
- дарс жараёнида ўқувчи-талабаларнинг қизиқиши асосида таълимнинг ривожланиш вазифалари ҳал этиб борилади;
- ўқувчи-талабаларнинг билим олиш, ташаббускорлик, ижодкорликлари таркиб топтиради;
- таълим мазмуни оптималлаштирилади;
- дарс структураси такомиллаштирилган бўлади;
- ўқув мақсадлари аниқ, ўқув жараёни ранг-баранг бўлади;
- дарс юқори савияда, кучли эмоционал ҳолатда ўтади;
- дарсда ўзаро алоқалар жадаллик билан ўрнатилади.

Замонавий дарсга қўйиладиган дидактик талаблар қўйи-дагилардан иборат:

- ўқув мақсадларини аниқ ва раван белгилаш, дарс босқичларининг кетма-кетлиги, жараённинг ривожлантирувчи таълим ва тарбиявий мақсадларини таъмин этиш;
- таълим мазмунини оптимал аниқлаш, уни ўқув дастурлари, таълим стандарти меъёрларига мослиги, ўқувчи-талабалар тайёргарлигининг дарс жараёнига мослиги;
- билимларни ўзлаштириб олишларини кафолатлаш орқали ўқувчи-талабаларни кўникма, малакаларни эгаллаб олишга тайёрлаш;
- дарс мазмунига мос равишда рационал метод, услуб, воситаларни танлай олиш, шу орқали ўқувчи-талабалар қизиқи-шини ошириш, яқка ва жамоа тартибда ишлашга муҳит яратиш;

– дарс жараёнида турли дидактик принциплардан фойдаланиш;

– ўқувчи-талабаларнинг муваффақиятли ўқиши учун соғлом муҳит яратиш.

Демак, дарсда ўқитишнинг асоси бўлган дидактика ўқитиш муаммоси ва назарияси ҳисобланади.

Дидактиканинг қуйидаги категориялари яъни тушунчалари мавжуд:

– дарс бериш, ўқув, ўқитиш, таълим бериш, билим, малака, мақсад, дарсни мазмунли ташкил этиш, унинг қўрунишлари, шакли, методи, воситалари, натижалар олиш.

1. **Дарс** – ўқув жараёнининг бир босқичи, бўғини, элементи; маъно жиҳатдан тугалланган, ташкилий ҳамда вақт жиҳатдан чекланган давр.

2. **Дарс бериш** – педагог фаолиятини, дарс мақсадларини амалга оширишни тартибга солиш, ахборотларни етказиш, тарбиялаш, тушуниб етиш ва олинган билимни амалиётда қўллай билиш.

3. **Ўқув жараёни** – ўрганиш, машқлар бажариш орқали ўз фаолиятини бошқара олиш асосида янги билимларга интилиш, эришиш.

4. **Ўқитиш жараёни** – ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар орасида ўзаро тартибга солинган фаолият, қўйилган мақсадга эришиш.

5. **Таълим** – ўқув жараёни давомида эгаллаб олинган билим, кўникма, малака ва фикрлаш йўналишлари.

6. **Билим** – инсоният томонидан яратилган ғояларни фанлар кесимидаги талқинини назарий жиҳатдан ўзлаштириб олиш.

7. **Кўникма** – ўзлаштириб олинган билимларини турли йўллар билан амалиётда қўллай олиш.

8. **Малака** – ўзлаштирилганларни юқори даражада ижро эта олиш.

9. **Мақсад** – ўқув, таълимий мақсад – ўқитишдан кўзда тутилган ва олинадиган маълум ҳажмдаги билим.

10. **Мазмун** – илмий билимлар йиғиндиси, амалда қўллаш учун бериладиган кўникма ва малакалар, таълим жараёнида фикрлаш, қўллаш, мулоҳаза юритиш орқали амалга оширилади.

11. **Ташкилотчилик** – дарсда дидактик жараённи тартибга тушириш, қўйилган мақсадни кўзда тутишнинг энг қулай шаклини шакллантириш.

12. **Шакл** – дарс жараёнини амалга оширишнинг энг қулай усуллари, воситалари, кетма-кетлиги, ўқитишдаги ўқувчи-талабалар сони, сарфланган вақт, жой қулайликлари.

13. **Метод** – дарснинг мақсади ва вазифаларини амалга ошириш йўллари.

14. **Восита** – ўқув жараёнини олиб боришда ёрдам берувчи воситалар: ўқитувчи овози, маҳорати, дарсликлар, қўлланмалар, дидактик тарқатма материаллар, синф ва аудитория жиҳозлари, ИТК ва бошқалар.

15. **Натижа** – ўқув жараёнидан кутилган пировард натижалар.

*Бир соатлик дарсга мўлжалланган ўқув дастури материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот тури **дарс (типлари) турлари** деб юритилади.*

*Дарснинг мантиқий тузилиши ва билиш жараёнининг характерига қараб таълим тизимида қўлланилаётган дарс турлари қуйидагилардир: **кириш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш дарси; янги билимларни эгаллаш дарси; эгалланган билимларни амалиётда қўллаш дарси; малака ва кўникмалар ҳосил қилиш дарси; ўрганилган нарсани тизимлаштириш ва умумлаштириш, такрорлаш ва олинган билимни мустаҳкамлаш дарси; билимларни текшириш дарслари; аралаш дарслар ва ҳ.к.***

Яна дарслар уларни ўтиш асосига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Дарс – маъруза; дарс – суҳбат; кино дарси; назарий ёки мустақил ишлар дарси; аралаш дарс.**

2. **Дарс – лаборатория; амалий ишлар дарси; дарс-экскурсия.**

3. **Оғзаки сураш; ёзма синов; синов амалий назорат; назорат иши, аралаш дарс.**

Дарслар ички тузилишига қараб қуйидаги тўрт тип (тур)га бўлинади:

а) янги билимларни эгаллаш учун тайёрланиш;

б) янги билимларни эгаллаш;

в) янги билимларни мустаҳкамлаш ва тизимга келтириш;

г) эгалланган билимларни амалиётда қўллаш. Бу тип (тур)даги дарс **аралаш дарслар** дейилади.

Аралаш дарсларнинг шу кунгача сақланиб келишининг сабабларидан бири, аралаш дарсдаги тўрт унсур (элемент) истаган

кетма-кетликда қўлланиши мумкин. Шу билан бирга бу турдаги дарс жараёнида дидактиканинг деярли барча талабларига эришиш осон. Шунинг учун ҳам, дидактик назариятчиларнинг таъкидлашларича, 80% дарслар шу турда олиб борилар экан.

Бу турдаги дарсларнинг афзаллиги яна шундаки, у дарс жараёнида ҳукм сурувчи дидактик қонуниятларга мос келади. Бу дарсларда ўқитувчи ва педагоглар, ўз шароитларидан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг қабул қилиш имкони, тайёргарлик даражаси ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда, дарсга ажратилган вақтни дарс ичидаги тўрт унсурга ихтиёрий равишда тақсимлай оладилар.

Аралаш дарсларнинг юқорида айтилган ютуқлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам мавжуд. Чунончи, аралаш дарсларда, ундаги тўрт унсурнинг ҳаммасига вақт етишмайди. Дарс олиб боровчиларнинг ихтиёридан ташқари, аввалги дарсни яхши такрорлаб чиқаман, деган ўқитувчига, албатта, янги билим бериш учун кам вақт қолади. Янги берилган билимни ва уйга вазифа ёки мустақил топшириқ беришни қоидали қилиб амалга оширишни айтмай қўя қолайлик. Шунинг учун кейинги вақтда, педагогик амалиётда бир турдаги фаолият билан шуғулланувчи дарслар пайдо бўла бошлади. Буларга: *янги билимларни эгаллаш дарслари; янги кўникмаларни ҳосил қилиш дарслари; билимларни умумлаштириш ва тизимга келтириш дарслари; билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда хатоларни тузатиш дарслари; билим ва кўникмаларни амалиётда синаб кўриш дарслари.* Бу дарс турлари шундай номлангани билан, дарс ичидаги аралаш дарсларнинг тўрт унсурининг бири узайтирилиб, қолганлари қисқартирилган бўлади. Масалан, дарсларга ажратилган 45 дақиқани, янги билимларни эгаллаш дарс турида, дарсни ташкил қилиб ва ўтган дарсдаги мавзунини такрорлаш қисмига 2-3 дақиқа берилади. Бу вақтда ўқитувчи ўтган дарсни такрорламай, қисқача эслатиб ўтади халос. Қуйида бу турдаги дарсларнинг ички тузилишини кўриб чиқамиз.

Янги билимларни эгаллаш дарси ёки у тушунтириш дарси ҳам деб юритилади. Бу турдаги дарс қисмларининг тахминий жойлашуви қуйидагича:

1. Илгари ўтилган билимларни эслаш;
2. Янги билимлар бериш;
3. Янги билимнинг ўзлаштирилганлигини текшириш;
4. Назарияни қўллаш намунасини кўрсатиш;

5. Уйга вазифа бериб, дарсни якунлаш.

Эгаллаган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш дарси, куйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Назарий билимларни эслаш;

2. Эгаллаган билимлар бўйича машқлар қилиб, кўникма ҳосил қилиш;

3. Дарсни якунлаш;

4. Уйга вазифа бериш.

Такрорлаш дарси. Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш билан такрорлаш дарслари орасида анча умумийлик мавжуд. Бу умумийлик, энг аввало, мазкур дарсларнинг вазифалари ва дарснинг ички тузилишига тааллуқлидир. Шу билан бирга бу дарсларнинг орасида такрорланаётган аввалги дарсларда материал тулик берилмаган, баъзи жойлари такрорланади.

Билган нарсасини ҳадеб такрорлайвермайди. Такрорлаш дарсларида авваллари билмай қолган жойлари такрорланади.

Эгаллаган билимларни умумлаштириш ва билим ҳамда кўникмаларни такомиллаштириш дарси.

Бу дарснинг элементлари куйидагича:

1. Умумлаштирувчи билимга доир билимларни эслаш;

2. Билимларни умумлаштириш ва улар орасидаги функционал алоқадорликни кўрсатиш;

3. Назарий билимларнинг ўзлаштирилганлигини текшириш;

4. Билимларни қандай қилиб умумлаштирилган қондаси билан таништириш;

5. Мавзу бўйича эгалланган билимларга ҳосил қилган кўникмаларни такомиллаштириб, малака даражасига етказиш;

6. Дарснинг натижаларини якунлаш;

7. Уйга вазифа бериш.

Эгалланган билим ва кўникмаларни текшириш (контроль) дарси. Назорат иши ўтказиладиган дарснинг тузилиши мураккаб эмас. Ўқитувчи топшириқларни эълон қилади, ўқувчи-талабалар уларни бажарадилар ва дарс охирида ишлар йигиб олинади. Назорат ишининг саволлари ва топшириқлари шундай ифодаланиши керакки, ўқувчи-талабаларнинг жавобларида улар билимларни шунчаки эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўриниб туриши лозим.

Лекин булардан ташқари олиб борилишига қараб кўринишларни ифодоловчи куйидаги дарс турлари мавжуд:

1. Иллюстратив ва тушунтириш дарслари

Бундай дарсларда ўқув жараёни асосан кўрғазмали методлар асосида олиб борилади. Бу дарсларда асосан ўқувчи-талабаларнинг эшитиш ва эсда сақлаб қолиш қобилиятларига таянилади. Ўқувчи-талабаларнинг эшитган ва эсда сақлаганлари асосида беҳато жавоб беришлари дарс самарадорлигини белгилайди.

Бундай дарслар **анъанавий дарслар** ҳисобланади. Бу каби дарслардан узоқ вақтдан буён фойдаланиб келинмоқда. Уни ўзини оқлаган дарс турлари деб қабул қилинган ва бундай дарслар янга мазмун, янги кўрғазмали қуроллар билан модефикация қилиб келинмоқда. Билимлар янги талқинлар билан бойитилмоқда. Кўрғазмали ва тушунтириш дарслари бошқа тур дарсларига қараганда бир қатор афзалликларга эга. Бу турдаги дарслар вақтни тежаш, ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг кучини сақлаш ҳамда дарс жараёнини самарали бошқариш имконини беради.

Шу билан бирга бу дарсларнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд. Бу дарсларда ўқув материаллари тайёр ҳолда берилади, ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлаши, фикрлаши ташкил этилмайди. Ўзлаштириш жараёнида шахсга индивидуал ёндашилмайди.

2. Муаммоли дарслар

Муаммоли дарслар ўз характерига кўра муаммоли вазиятни вужудга келтириб, унинг ечимини яқка ёки гуруҳлар иштирокида ҳал этишга қаратилади. Бундай дарслар билимларни мустақил равишда ўзлаштиришга қаратилиб, унда ўқувчи-талабаларнинг фикр юритиши, қизиқишларига сўянилади. Ўқув жараёни технологияси вариативлик, кетма-кетлик, комплекс ёндашувлар билан ҳал этилади.

Муаммони ечиш жараёнида қийинчиликлар ҳам келиб чиқади. Ўқув материали, муаммонинг қўйилиши ўқувчи-талабаларнинг тайёргарлигига, ёшига мос бўлиши ва улар еча оладиган масалалар бўлиши керак. Дарснинг биринчи босқичида муаммонинг моҳияти, очимининг зарурлигини тушуниб етиш-ларига эришиш муҳим.

Дарснинг иккинчи босқичи муаммони очиш йўлидир, уни моҳиятга етиш орқали ҳал этилади.

Дарснинг сўнги босқичида ечим асосида ўқувчи-талабалар «мен бунни ўзлаштириб, ечимини ўрганиб олдим» деган хулосага келиши керак.

Муаммоли дарс ўқувчи-талабаларнинг ижодий мустақил ҳаракати орқали ўз ечимини топади. Ўқув жараёнига қизиқиш ортади. Ўқитувчининг асосий эътибори муаммони қўя олиш, ечими устида фикр юритиш, ўқувчи-талабаларнинг хулоса чиқара билишини шакллантиришдан иборат.

3. Дастурланган дарс

Дастурланган дарс асосан махсус дарс асосида компьютер ёрдамида амалга оширилади. Дастурланган дарслар олдиндан тузилган лойиҳалар асосида амалга оширилади. У ўқув жараёни бошқарувини қулайлаштиради. Бундай турдаги дарсларда пировард натижалар олдиндан режалаштирилади. Дастурланган дарснинг қулайлиги шундаки, унда ўқувчи-талабаларнинг ўқитиш материалларини ўзлаштириб олаётганлигини доимий, кетма-кет кузатиб, назорат этиб боришга имкон яралади. Натижада унинг қизиқиш, интилишлари сўнмайди, ўқувчи-талабаларда билимга бўлган интилиш сақланиб қолади.

Лойиҳалаштирилган дарсларнинг ўзига хос томонлари ва афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- 1. Ўқув материаллари алоҳида бўлақларга(блокларга) бўлинади;*
- 2. Ўқув жараёни кетма-кетликларга бўлинади, ўқув материали маълум бўлақларда фикрлаб ўзлаштиришига мослаштирилади;*
- 3. Ўзлаштирувчининг ҳар бир ҳаракати назоратда бўлади;*
- 4. Ўқувчи-талабалар вазифани бажариши билан ўзлаштириш учун навбатдаги вазифани олади ва қунт билан ўзлаштиради;*
- 5. Ўқувчи-талабалар нотўғри жавоб қилса, унга дарҳол ёрдам кўрсатилади;*
- 6. Дарсда ҳар бир ўқувчи-талаба мустақил ишлайди, материални ўз имконияти даражасида ўзлаштиради;*
- 7. Барча назорат учун берилган вазифани бажаради, натижа ҳар бир ўқувчига ҳам, талабага ҳам, шунингдек, ўқитувчига ҳам маълум бўлади;*

8. *Ўқитувчи ўқув жараёнининг ташкилотчиси, ёрдамчиси, маслаҳатчисига айланади ва ўқувчи-талабалар билан яқка ишлаш имкониятига эга бўлади.*

4. Компьютерли ўқитиш

Компьютерли дарслар — ўқув жараёни янги замонавий, юқори даражадаги ютуқларга суюнган ҳолда дидактиканинг сунгги таълим технологиялари асосида ташкил этиладиган дарсдир. Бундай дарслар ўқув материалларини тез, соз ўзлаштириш имконини беради.

Агар компьютер махсус дастурлар билан таъмин этилса, ўқув жараёни самарали кечади.

Ўқув жараёнини олиб бориш, назорат этиш, натижаларини коррекция қилиш, бошқариш, керакли маълумотларни тўплаб бориш осон кечади.

Компьютер ёрдамида таълим мазмунини алгоритмлаш, яъни мазмунни урганиш, кетма-кетликларни ишлаб, пировард мақсадга эришиш йўлларини кўрсатиш имкони туғилади.

Компьютер ёрдамидаги дарсларнинг сифат кўрсаткичи иккита асосий омил (фактор) билан аниқланади:

- ўқув дастурларининг сифати;
- компьютер техникаси сифати ва унинг имкониятлари.

Бундай дарсларни сифатли қилиб ташкил этиш мураккаб жараён, аммо истиқболлидир.

5. Ностандарт дарслар

Ҳозирги кунда педагогик фаолиятда **ностандарт дарслар** ва улардан фойдаланиш ҳақида тез-тез фикр юритилмоқда.

Ностандарт дарсларнинг бош зояси ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билув жараёнига, ўқув меҳнатига қизиқиш, хоҳиш, истакларини кўзлаш орқали ўқув жараёнини ташкил этишидир.

Ностандарт дарс сахналаштирилган дарс машғулотлари бўлиб, унинг тизимлари ҳам турли кўринишда бўлиши мумкин. Ностандарт дарсларга карашлар ҳам турлича, айримлар уни ўқув жараёнини демократлаштириш, эркинлаштириш десалар, айрим-лар педагогик принципларга риоя қилинмаган ҳолат деб қарайдилар.

Педагогик адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бундай замонавий дарс турлари жуда хилма-хил. Бундай замонавий дарсларни мақсадлари, вазифалари, утиш методикаларига кўра қуйидагича номлаш мумкин:

1. «Ғарқ бўлиш» дарслари.
2. Ишчанлик дарслари.
3. Матбуот—конференция дарслари.
4. Мусобақа дарслар.
5. КВН типигаги дарслар.
6. Театрлаштирилган дарслар.
7. Маслаҳатхона дарслари.
8. Компьютерли дарслар.
9. Кичик гуруҳли дарслар.
10. Ўзаро бир-бирини ўқитиш дарслари.
11. Ижодкорлик дарслари.
12. Аукцион дарслар.
13. Ўқувчи-талабалар олиб борадиган дарслар.
14. Ҳисобот дарслари.
15. Шубҳали дарслар.
16. Ижодий ҳисобот дарслари.
17. Формулали дарслар.
18. Кўрик —танлов дарслари.
19. Бинорли дарслар.
20. Яқунлаштирувчи дарслар.
21. Ўйинга асосланган дарслар.
22. «Суд» дарслари.
23. «Ҳақиқатни излаб» дарслари.
24. Маърузали дарслар.
25. Концерт дарслари.
26. Диалогли дарслар.
27. «Ролли ўйинлар» дарслари.
28. Конференция дарслари.
29. Семинар дарслар.
30. Интеграллашган дарслар.
31. Предметлараро дарслар.
32. Экскурсия дарслари.
33. Инновацион дарслар ва ҳаказолар.

Ностандарт дарслар ташкилий усуллари, ўтказиш методларига кўра ўқувчи-талабалар эҳтиёжига мос тушади. Чунки

бундай дарслар қатъий регламентли дарслардан кўра ўқувчи-талабалар руҳиятига яқинроқ бўлади. Шунинг учун ўқитувчилар ностандарт дарслардан ўз ўрнида фойдалансалар фойдадан ҳоли бўлмайди.

Билимларни эгаллаш жараёнида билишнинг негизи — мотивация ҳисобланади. Мотивация — ўқувчи-талабаларнинг ўқув материални ўзлаштиришга бўлган қизиқиш, хоҳиш ва истакларини кўзғатиш асосида мақсадга эришишдир.

Мотивация ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар ўртасидаги ўзаро ички яқинлашувдир.

Мотивация — ўқувчи-талабаларнинг ички имкониятларини ишга солиш, у ёки бу билимни эгаллашга ундаш ва қизиқишларини уйғотиш демакдир.

Бунда асосан ўқувчи-талабаларнинг фаоллиги ошиб боради ва уни куйидаги омиллар таъминлайди:

- ўқув материални ўзлаштириб олишга тайёрлиги;
- мустақил фаолият юритишга тайёрлиги;
- фаолиятни тушуниб амалга ошириши;
- ўқув жараёнининг тизимлилиги.
- ўзининг шахсий даражасини оширишга мойиллиги.

Ўқув жараёнининг самарали кечишида ўқувчи-талабаларнинг мустақил фаолият кўрсата олиши ҳам катта роль ўйнайди. Мустақил фаолият юритиш даре самарадорлигини таъмин этади.

Дарсда ўқувчи-талабалар фаоллигини ошириш куйидаги мотивлар асосида амалга оширилади:

- ўз фикрини ҳимоя қилиши;
- мунозара, муҳокамада фаол иштирок этиши;
- ўқитувчига ва ўқувчи-талабаларга саволлар қўллай билиши;
- ўртоқлари жавобларига танқидий қарай олиши;
- фанларни ўзлаштирайдиган ўқувчи-талабаларга ёрдам бериши;
- бўш ўқувчи-талабаларга тушунмаганларини билиб олишга ёрдам бериши;
- ўзига топшириқларни танлай олиши;
- ўз қизиқишлари асосида мустақил машқ, масалалар ечиши;
- ўз фаолиятини назорат эта олиши, керагида амалий ҳаракатлар қилиши;

- комплекс ёндашувлар асосида ўзи қизиққан машқларини бажариши.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир дарсда ўқувчи-талабаларнинг фаол иштироки дарснинг самарали кечишига ёрдам беради.

Шунингдек, ўқувчи-талабаларни дарсга қизиқтиришда тажрибада қўлланилган қуйидаги мотивлар ҳам эътиборга моликдир:

- ўқитувчининг ўз ишига фидойилиги;
- ўқув материалида янгиликларнинг мавжудлиги;
- тарихий воқеалардан мисоллар келтириш;
- буюк кашфиётлар, алломалар ҳаётидан мисоллар келтириш;
- билимларни амалиётга татбиқ этувчи факторларни кўрсатиш, намоён эта билиш;

- ноанъанавий ва янги йўналишли дарсларни ташкил этиш;
- дарс шакллари янгилаб, оммалаштириб бориш;
- муаммоли таълимни ташкил этиш;
- эвристик дарсларни ташкил этиш;
- компьютерли дарслар ташкил этиш;
- дарсларда мультимедиа тизимидан фойдаланиш;
- интерфаол, компьютерли воситалардан фойдаланиш;
- ўзаро бир-бирини ўқитувни йўлга қўйиш;
- олган билим ва кўникмалари юзасидан тест синовларини ташкил этиш;

- ўқувчи-талабалар билимидаги ютуқларни намоёниш этиш;
- ютуққа эриша олиш вазиятини вужудга келтириш;
- мусобақалар ташкил этиш;
- синфда ва аудиторияда ижобий-руҳий ҳолатни яратиш;
- ўқувчи-талабаларда ишончни ҳосил эта олиш;
- педагогик такт ва ўқитувчининг маҳорати;
- ўқитувчининг ўз ўқув предметида муносабати;
- ўқувчи-талабага яхши муносабатда бўлиш.

Юқоридаги омиллар ўқувчи-талабаларнинг ўқув меҳнатига бўлган ижобий муносабатини шакллантиради ва ўз навбатида дарс самарадорлигини ошириб, ўзлаштиришини кафолатлайди.

Демак, педагогик жараённинг маълум тугалланган синф — дарс — ўқув тизими бу замонавий дарсдир.

Замонавий дарс нима? Бу саволга қисқа, лўнда жавоб қайтариш жуда мураккабдир.

Педагогика назариясида замонавий дарс — ўқув материални ўзлаштириш, тарбиялаш, ривожлантириш жараёни деб тушунилади.

Замонавий дарсда ўқув-тарбиявий жараёнинг ҳамма компонентлари мужассамлашган бўлади. Унинг мақсади, мазмуни, восита ва методларининг бошқаруви дидактик элементларни ўз ичига олади.

Замонавий дарснинг моҳияти ва вазифалари шундан иборатки, ўқитувчи – ўқувчи-талабалар ўзаро яққа ва жамоа бўлиб, бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Ўзаро таъсир этиши орқали ўқувчи-талабаларнинг билим, кўникма, малакалари шаклланади, қобилияти ўсиб боради, ўзаро фаолиятда тажрибалари ортади. Ўзаро мулоқот кўникмаларида ўқитувчининг педагогик маҳорати шаклланади. Дарс бир томондан ўқув жараёнини ҳаракатга келтирса, иккинчи томондан ўқитувчининг фаолият қонуниятларини очиқ беради.

Ҳар қандай дарсни шакллантиришда унинг пировард мақсади — ўқитувчининг замонавий дарс орқали нимага эришмоқчилиги белгилаб олинади. Шундан сўнг замонавий дарсни олиб боришдаги воситалар белгиланади. Сўнг навбат билан мақсадга эришишда туғри йўл танланиб, иш тугилади.

Замонавий дарснинг мақсади деганда нимани тушуниш керак? Ўқитувчи қандай мақсадлар қўяди? Фанда мақсад шуки — у олдиндан фаолиятдан кўзда тутилган натижа, олинadиган билим, кўникма, малака, яъни Давлат таълим стандарти талабларига эришишдир.

Таълим жараёнида, замонавий дарснинг мақсади — ўзининг аниқлиги, унга эришиш йўллари на маълум дидактик вазифалар асосида амалга оширилади.

Замонавий дарснинг дидактик вазифалари ўқув мақсадларини рўёбга чиқариш орқали амалга оширилади. Яъни, ўқувчи-талабаларнинг аниқ масала ва машқларни тузиши, уни таҳлил этиши, матнни ўқиши, конспект, тезислар тузиши орқали ўқув жараёни кечади.

Педагогика назарияси ва амалиётида — замонавий дарс тузилиши ва ўқув жараёнини олиб бориш шакллари муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай дарс самарадорлиги унинг пировард натижаси билан белгиланади.

Замонавий дарс тузилишига қайси элементлар киради, қайсилари кирмайди. Педагогика назариясида бу масала бўйича ягона фикр шаклланмаган. Айрим дарс элементларига кўп ҳолларда амалиётда ўқувчи ҳолатларни, яъни янги материални ўрганиш, ўтилганларни мустақкамлаш, баҳолаш ва назорат олиб бориш, уй

вазифалари, умумлаштириш ва тизимга туширишни киритадилар. Айримлар эса замонавий дарснинг мақсади — ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш методи ва усуллари, ўқув жараёнини ташкил этиш деб ҳисоблайдилар.

Замонавий дарсга — ўрганиладиган материал мазмуни, ўқитиладиган фан ва унинг методлари, дарс бошқаруви, ўқув фаолияти назорати, ўқув-техника воситалари, мустақил ишлаш учун дидактик материаллар, ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари, ўқитувчи шахси ва бошқалар киради.

Ўқитувчи шахси замонавий дарс компоненти ҳисобланадими? Ўқитувчи шахси дарснинг мақсади, замонавий дарс компонентига кирмайди Умуман, дарс тузилиши объектив ҳолда доимо мавжуддир.

Шу билан бирга дарс тузилиши комфорт, тарқоқ, тасодифий бўлмайди, у доимо тузилишли бўлади, деган ягона фикрга келинган.

Замонавий дарс тузилиши ўқув жараёни қонуниятларини ўзлаштириш жараёнини ташкил этувчи принципларнинг психологик томонларини ўз ичига олади. Ўқувчи-талабаларни билим олиш, мустақил фикрлашга қизиқтириш асосида дарсни ташкил этиш, ўқитиш мотивини ўз ичига олади ва уни амалга оттириш воситасидир. Дарснинг элементи эса дарсда янги тушунчалар, фаоллаштириш, ҳаракат қоидалари, олинган билимларни амалиётда қўллаш қонуниятларини намоён қилади.

Замонавий дарс тузилишида унинг компонентлари ўзаро таъсир асосида олиб борилади. Замонавий дарсни олиб боришда ўқитувчи ҳар бир компонент функциясини тўғри тушуниб, унинг аввалгилари билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, дидактик жиҳатдан тўғри ёндашса, янги билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш шунча осон кечади.

Замонавий дарснинг методик тузилишини ташкил этиш ўқитувчи томонидан дидактик тузилишнинг қандай ташкил этилишига ва турли вариантларда ёндашувга боғлиқ.

Бир дарсда ўқитувчи таълим мазмунини ҳикоядан бошлаб, саволлар асосида улардан жавоблар олиш билан давом эттириши мумкин. Айрим ҳолларда масала, машқни ечишдан бошлаб, умумий хулосалар чиқариш билан давом эттириши мумкин. Шундан кўриниб турибдики, барча дарслар учун ягона қолип йўқ.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, замонавий дарс нима ва у қандай ташкил этилади деган саволга тулиқроқ жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Замонавий дарс — шундай дарски, унда ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг мавжуд имкониятларидан уddaбуронлик билан фойдаланиб, уларнинг ақлий лаёқатини ишга солиб, ўсиб боришини таъмин этади. Ўқувчи-талабалар ўз навбатида билим-ларни чуқур тушуниб ўзлаштирадilar ва у борган сари маънавий етуклик сари қадам қўяди. Илмий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак — замонавий дарс ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш каби бир бутунликни таъминлайди.

Бундай ҳолларда нималар кўзда тутилади:

- ўқувчи-талабаларни чуқур ва пухта билим билан қуроллантириш, тушуниб, ўзлаштириб бориш орқали шахснинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш;
- билимни олишда шахсий фаолиятларни ташкил эта олиш;
- ўқувчи-талабаларнинг мустақил ўқиши, шахсий фаолиятини такомиллаштириш, ўз-ўзини тарбиялай олиш мотивларини ташкиллаштириш;
- ўқувчи-талабаларнинг онгли ривожланишига самарали таъсир кўрсатиш;
- ўқувчи-талабаларда ўзини тутиш, қатъийлик мотивларини шакллантириш;
- ўқувчи-талабаларда шахсий ахлоқий фаолиятни шакллантириш ва уни умумқадрият ва маданият билан уйғунлаштириш;
- маданий тарбияланганлигини камол топтириш.

Умуман, дарслар уч ягона характердаги мақсадни ўзида мужассамлаштиради. Улар ўзаро боғлиқликда ва ўзаро таъсир этувчи бўлиб, ўқувчи-талабаларни қизиқтира олиш, ривожлантириш, тарбия топтиришдан иборатдир.

Юқорида номи келтирилган уч ягона мақсад олдиндан режалаштирилади ва ўқувчи-талабалар ҳамда ўқитувчининг дарс сўнгида мақсадга эришишлари таъмин этилади.

Замонавий дарснинг уч ягона мақсадини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- қизиқтира олиш;
- тарбия топтириш;
- ривожлантириш.

1. Қизиқтира олиш

Дарсда:

- ҳар бир ўқувчи-талабани мустақил билим олишга ўргатиш;
- билим олишнинг энг муҳим талабларини эгаллаш: тулиқлигини, пухта ва чуқурлигини тушунган ҳолда билимларни ўзлаштириш;
- аниқ, хатосиз ўзлаштириб олиш кўникмаларини шакллантириш;
- дарсда аниқлаш, натижани билиб олишни шакллантириш;
- дарснинг таълимий мақсадларини белгилашда билим, кўникма, малакаларнинг қайси даражада ўзлаштирилишини режалаштириш зарур.

2. Ривожлантириш

Дарснинг ривожлантирувчи аспекти бир неча блоклардан ташкил топади:

- нутқни ўстириш;
- фикрни ўстириш;
- сенсорик ўсиш;
- ҳаракатлантирувчи (сферани) миқёсни ривожлантириш.

3. Дарснинг тарбия топтириш аспекти:

- дарсда ўқиладиган материаллар, ўқитиш методлари ўқувчи-талабаларнинг хоҳиш — қизиқишларини эътиборга олган ҳолда таълим олувчиларни ахлоқий, эстетик, экологик жиҳатдан тарбия топтиришга қаратилади. Уларга Ватанга садоқат, ўз халқига муҳаббат, меҳнатни улуғлаш каби умуминсоний ва миллий кадриятлар сингдириб борилади;

- дарс жараёнида турли ҳодисалар, атроф-муҳит, ҳаётда учрайдиган воқеаларга муносабат билдириб борилади;

- ўқувчи-талабалар орасида ўзаро дўстона ва самимий муносабат шакллантириб борилади.

Дарсдан қутилган натижалар

Ўқитувчининг дарсига баҳо қуйидаги сифат кўрсаткичларга асосан белгиланади:

1. Дарс жараёнини мақсадга йўналтирганлиги;
2. Ўқувчи-талабалар билан ўзаро муносабати;
3. Ўқувчи-талабаларга шахсий ёндашуви;
4. Ўқув жараёнига табақали ёндашуви;
5. Таълим мазмуни, ўқитиш методларини ўқувчи-талабаларнинг билим ва қизиқишларига мослаштира олганлиги;
6. Ўқувчи-талабаларнинг малака ва кўникмаларини шакллантира олиши;
7. Ўқувчи-талабаларнинг қизиқишларини орттира олиши;
8. Ўқувчи-талабаларнинг тушунишини таъминлаш учун барча имкониятларни сарф этиши;
9. Ўқувчи-талабаларнинг умумқобилиятларини ривожлантириши;
10. Ўқувчи-талабаларни объектив баҳолаши;
11. Шахсни ривожлантириш самарадорлигини таъминлаши;
12. Тарбияланувчанлик самарасини ошириши.

Замонавий дарсга қандай тайёрланади?

Замонавий дарс ўқув жараёнининг асосий қисмидир. Ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг педагогик фаолияти аксарият дарсда ҳал этилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг тайёргарлик сифати дарснинг тайёрланиши, уни ўтказиш даражасига боғлиқдир. Унинг самараси дарснинг мазмуни, ўтказиш методлари ва дарсни ташкил этиш муҳитига боғлиқ. Замонавий дарс ўз мазмуни ва моҳиятига кўра пухта ўйланиб, ўқувчи-талабаларнинг эҳтиёжи, хоҳиши ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда ўқувчи-талабаларни жалб эта олиши зарур.

Замонавий дарсни тайёрлаш ва ўтказиш учун нима ишлар қилиниши керак?

Замонавий дарс шундай ташкил этилиши керакки, у ўқувчи-талабаларга фақат билим ва кўникмалар бериб қолмай, уни ижодкорликка ундасин.

Шундай қизиқарли замонавий дарсларни тайёрлаш учун ўқитувчиларга қуйидаги методик тавсияларни келтирамиз:

1. Замонавий дарсга тайёргарликни нималан бошлаш керак?

- дарснинг мавзусини аниқлаш ва уни шакллантириш;
- ўқув курсида мавзунинг ўрни ва ролини белгилаш;

— дарсни олиб боришдаги таянч суз, атамаларни аниқлаб олиш асосида дарснинг ривожини аниқлаш.

2. Дарснинг кетма-кетлиги нима учун зарур? Шу асосда дарсда ривожлантирувчи, таълимий, тарбиявий функциялар изчилликда амалга оширилади.

3. Ўқув материални режалаштириш.

Бунинг учун:

Мавзу бўйича адабиётларни тўплаш: дарслик, ўқув қўлланма, Давлат таълим стандарти, ўқув дастури, энциклопедик нашрлар, монография ва бошқа манбаа нашрлари. Шулардан энг қулай, содда, аниқ фактларни олиш орқали дарснинг мазмуни, матнни шакллантириш.

Ўқув материалларини танлаб олиш, унинг мақсади қилиб:

— янги материал билан танишиш;

— уни қайтариш;

— янги материални ўрганишда олинган билимлардан фойдаланиш;

— олинган, ўрганилган билимлардан янги вазиятда фойдаланиш;

— мавзу материални ўрганишга ижодий ёндашиш;

— ўқув топшириқларини соддадан мураккабга принципи асосида тартибга келтириш;

— ўқувчи-талабаларнинг ёдида қолиши зарур бўлган топшириқлар танлаш;

— ўқувчи-талабаларга онгли равишда ўзлаштириши зарур топшириқлар бериш;

— олинган билимларни мустаҳкамловчи топшириқлар тайёрлаш.

4. Дарснинг "энг долзарб" томонларини ўйлаш.

Яъни ҳар бир дарс ўқувчи-талабаларни ҳайратга солган ҳолда ёдида қолсин. Бу ўринда қизиқарли факт, воқеа, кутилмаган топилма, чиройли тажриба, ностандарт ёндашувларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

5. Тўпланган ўқув материалларини тартибга тушириш.

Тўпланган ўқув материалларининг кетма-кетлиги олдиндан режалаб олинади. Бунда ўқувчи-талабаларнинг қизиқишини орт-гириш, ўқув материални ўзлаштиришда сусткашлик кузатил-маслиги назарда тутилади.

6. Дарсда ўқувчи-талабаларнинг фаолиятини назорат этишни режалаштириш. Бунинг учун:

- нимани назоратга олиш керак;
- назоратни қандай ташкил этиш керак;
- назорат натижаларидан қандай фойдаланиш керак.

Дарс назоратини олиб боришда тартиб, кетма-кетлик ва тезкорликка риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

7. Дарсни жиҳозлаш.

Дарс учун зарурий жиҳоз, ўқув-қўргазмалар куруллар, асбоб ва дидактик материаллар ўқувчи-талабаларнинг қўриши, ўқиши ва ўрганишига қулай бўлиши керак.

8. Уйга вазифа ўйлаб, қулай ҳолда берилиши керак. Унинг вақти, ҳажми меъёрда бўлмоғи лозим.

9. Тайёрланган дарс конспект асосида шакллантирилади. Конспект нималарни ўз ичига олиши керак?

Конспект уч қисмдан иборат бўлади:

- расмий;
- мазмуний;
- аналитик.

Расмийлик қисмида:

Дарс №

Мавзу:

Мақсад:

Вазифалари:

- таълимий;
- ривожлантирувчи;
- тарбияловчи;


Дарснинг айрим кетма-кетлик босқичлари. Дарснинг мазмуний қисми — икки қисмдан иборат:

1. **Топшириқлар, матнлар, янги ўқув материали, масалалар ечиш, уй вазифаси бўйича топшириқлар.**

2. **Дарснинг қайси босқичида ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар нима иш бажаради.**

Замонавий дарснинг аналитик томонлари қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

Замонавий дарсинг ўзига хосликлари



Дарс турларининг таснифланишини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Замонавий дидактикада дарс тип(тур)лари масаласи ҳали ҳам аниқ ечимини топмаган. Ҳар бир тип (тур) дарс ўзининг бирор хусусияти билан ажралиб туради.

Замонавий дарс ўзининг дидактик мақсадлари, ташкил этилиш мақсадлари, дарс мазмуни, ўрганиш методларига қараб тасниф қилинади.

Замонавий дарсга ёндашув беш тип(тур)га бўлинади:

- янги материалларни ўрганиш;
- билим, кўникма, малакаларни такомиллаштириш ва уни қўллаш;
- умумлаштириш ва тизимга солиш;
- комбинациялашган дарслар;
- таълим оловчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат этиш ва коррекция қилиш дарслари.

Бундай дарслар истиқболли бўлиб, кенг жорий этишни талаб этади.

1. Янги материалларни ўрганиш дарслари

Бундай дарсларнинг бош мақсади материал мазмунини ўрганиш ва ўзлаштириб олишдир.

Бунда ўқувчи-талабалар янги тушунчаларни ўрганишга, мустақил равишда изланишга, ориентация яъни йўналтириш ишлари, дидактик вазифаларни бажаришга одатлантирилади.

Бундай типдаги дарслар ўрта ва юқори синф ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари билан ўтказилади. Бу каби дарсларни маъруза, эвристик суҳбатлар, тажриба ва синовлар тариқасида ўтказиш мумкин.

2. Таълим оловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштирувчи дарслар

Бундай дарсларга қуйидаги дидактик вазифалар асос қилиб олинади:

- янги олинган билимларни тизимга солиш ва умумлаштириш;
- ўзлаштирилган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш;
- олинган ва ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш олиш, чуқурлаштириш, кенгайтириш;
- кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- янги узлаштирилаётган билим, кўникма ва малакаларни назоратга олиб бориш.

Бу типдаги дарслар яна бир қанча таснифларга бўлинади:

- узлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш;
- такрорлаш дарслари;
- олинган билим, кўникма ва малакаларни комплекс қўллаш дарслари;

- кўникма ва малакаларни шакллантирувчи дарслар.

Юқорида қайд этилган дарсларнинг яна қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- мустақил иш дарслари (оғзаки, ёзма машқ ва ёзма ишлар);
- лаборатория иш дарслари;
- амалий машғулот дарслари;
- экскурсия дарслари;
- семинар дарслар.

3. Умумлаштириш ва тизимлаштириш дарслари

Бу типдаги дарслар қуйидаги икки дидактик вазифани ҳал этишга қаратилган:

1. Уқувчи-талабаларнинг назарий билимларни қай даражада узлаштирганликлари.

2. Узлаштирилган билимларнинг энг муҳим жойлари.

Бу икки ҳолат предмет бўйича эгаллаган, кўникма ва малакаларни, бугун дастур талаблари ҳамда таълим стандарти асосида чорак, ярим йиллик, йиллик узлаштириш натижаларини кўрсатади.

Умумлаштирилган ва тизимлаштирилган дарсларни барча типдаги дарсларда қўллаш мумкин.

4. Комбинациялашган дарслар

Бу дарслар амалиётда кенг қўлланилади. Бундай дарсларда юқорида қайд этилган уч типдаги дидактик талаблардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам бундай дарсларни **комбинациялашган дарслар** деб юритилади.

Бундай типдаги дарсларга методик ёндашувлар ҳам юқорида келтирилганимиздек кўринишга эга:

- дарсда уқувчи-талабалар фаолиятини ташкил этиш;

- такрорлаш, ўқувчи-талабалар билимининг чуқурлиги ҳамда мустаҳкамлиги, илгариги дарсларни қай даражада ўзлаштирганлиги;
- ўқувчи-талабаларнинг билимлар тўғрисидаги фикрлари ва онгли ўзлаштирганлиги;
- уйга вазифа ва уни тўғри бажариш бўйича тушунча бериш;
- ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштирганликларини дарс давомида баҳолаб борилиши.

5. Ўқувчи-талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилувчи ва тузатиш киритувчи дарслар

Бундай дарсларнинг дидактик вазифаси ўқувчи-талабаларнинг ўқитилган ўқув материалларини қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлашдан иборат. Айниқса, олинган билимларнинг назарий аҳамияти ўқитилган материаллар бўйича назарий тушунчаларни, кўникма ва малакаларни қандай эгаллаганликлари, ўзлаштириш сифати, диагностик таҳлил, у ёки бу ўқув материални технологиялаштиришга тузатишлар киритиш кабилар билан белгиланади.

Назорат ва тузатиш дарслари қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- огзаки сўров (умумий, гуруҳда, якка тартибда);
- ёзма равишдаги сўров (диктант, баён, мисоллар ва масалалар ечиш);
- синов;
- лаборатория машғулоти;
- амалий ишлар;
- мустақил ёзма ишлар;
- имтиҳонлар.

Юқори даражадаги назоратларга курс ёки фан бўйича якуний имтиҳонлар киради.

Якуний баҳолаш ва назорат даврида ўқувчи-талабаларнинг олган билимларини амалиётда, турли вазиятларда қандай қўллай олишига алоҳида эътибор қаратилади.

Назорат дарслари ташкил этилгандан сўнг ўқувчи-талабалар фаолиятида учрайдиган типик хатоларни аниқлаш учун ҳам махсус дарслар ташкил этилади.

Уларнинг олган билим, кўникма ва малака даражаларини аниқлаш, қизиқиш, хоҳишларини ўрганиш орқали келгусида дарсга маълум тузатиш, ўзгартиришлар киритиб борилади.

1. Дарсларда ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятларини ташкил этиши

Замонавий дарс жараёнини ташкил этиш, унинг тузилишидан унумли фойдаланишда ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш муҳим роль ўйнайди.

Педагогик адабиётларда, таълим амалиётида ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини олиб бориш уч йўналишда амалга оширилади:

1 – умумий;

2 – гуруҳли;

3 – якка тартибда;

Умумий йўналишдаги фаолиятда ўқитувчи раҳбарлигида синфдаги ёки гуруҳдаги барча ўқувчи-талабаларнинг хатти-ҳаракати тушунилади.

Гуруҳли ўқув фаолиятида ўқувчи-талабалар билан бирга иш олиб борилади, якка тартибдаги фаолиятда ўқувчи-талабанинг бир ўзи, алоҳида фаолият олиб боради.

Умумий шаклдаги фаолиятни ташкил этувчи дарсларда ўқувчи-талабалар бир вақтнинг ўзида бир хилдаги топшириқни синф ёки гуруҳ бўйича муҳокама этадилар, солиштириб, умумлаштириб, хулоса чиқарадилар.

Ўқитувчи ўқувчи-талабалар билан бир вақтда вазифани бажаради, у сўзлаш, тушунтириш, кўрсатиш жараёнида барча ўқувчи-талабалар билан бирга масалани муҳокама этади. Бундай мулоқот ўқувчи-талабалар ишончини қозонишга, улар билан мулоқотга киришишга, жамоа бўлиб ишлаш кўникмасининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Умумий ўқув фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос камчиликлари мавжуд. Дарсда фаолият ўқитувчи томонидан барчага қаратилади, бир оз абстрактлик, яъни мавҳумлик келиб чиқади. Барчани бир хилда, бир мақсад йўлида ишлашга ундайди. Ўқувчи-талабаларнинг қизиқиш ва қобилиятлари ҳар хил бўлганлиги туфайли билим ва кўникмаларни қабул қилиб олиш, ўзлаштириш бирдек натижани кафолатламайди.

Ўқиши ва ўзлаштиришлари суст бўлган ўқувчи-талабалар секин ишлайдилар. Ўқув материаллини ёмон ўзлаштирадидилар. Улар ўқитувчининг кўпроқ эътиборига муҳтожлар. Айрим ўқувчи-талабалар кийинроқ материалларни ўзлаштиришга мойил

буладилар. Айримлари эса кўпроқ ижодий ёндашув, изланишга доир ўқув материалларига мойил буладилар. Шунинг учун умумий типдаги дарсларда савол-жавоблар, лаборатория машклари иложи борича ўқувчи-талабалар шахсига йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, дарсларда бир хиллик, бир қолипдаги ёндашувлардан қочиш тақазо этилади.

2. Дарсда ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини гуруҳли ташкил этиши

Гуруҳларда ўқув фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилар:

- бу шаклда ўқувчи-талабалар гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга аниқ вазифалар юкланади;

- ҳар бир гуруҳ алоҳида (ёки бир хил, ёхуд табақалашган) топшириқлар устида ишлайди. Топшириқлар ўзаро мулоқот ёки бирор етакчи раҳбарлигида ташкил этилади;

- гуруҳларда топшириқ шундай бажариладики, иш якунида ҳар бир иштирокчи ёки гуруҳ аъзосининг қанчалик ҳисса қўшганлиги ҳисобга олинади;

- гуруҳлар таркиби доимий бўлмаслиги мумкин, улар шундай таркибда шакллантириладики, топшириқни бажаришда ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзининг максимал ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлсин.

- гуруҳлар турли катталиқда бўлиши мумкин. Одатда гуруҳларда 3-6 нафар аъзо иштирок этади. Унинг таркибига бериладиган топшириқнинг мазмуни ва характерига қараб ўзгартириш киритиш мумкин. Гуруҳни шундай шакллантириш керакки, ҳар бир гуруҳ таркибида мустақил ишлаш кўникмаларига эга бўлган ўқувчи-талабалар бўлсин.

Гуруҳли ўқув ишларини ташкил этишда айрим ўқувчи-талабаларнинг индивидуал ёрдамга муҳтожлиги сезилиши мумкин. Шунда ўқитувчи ёки тайёргарлиги яхши ўқувчи-талабалар уларга ёрдам бериши мақсадга мувофиқ.

Гуруҳли ўқув фаолияти амалий машғулот, лаборатория ишлари, табиий фанлардан ташкил этилган амалиёт, нутқ ўстириш машғулотлари (диалог), матнларни ўзлаштириш, тарихий материалларни ўрганиш ва меҳнат дарсларида қўл келади. Бу ҳолатларда ўзаро мулоқот ўрнатиш, мустақил ишлаш яхши натижа беради.

Гуруҳли ўқув фаолияти яна ўқув — мавзуй конференциялар, мунозара, мушоира, маълум мавзудаги маърузалар, қўшимча машғулотлар, ўқув дастуридан ташқари мавзуларни ўрганишда ҳам жуда қўл келади.

Бундай ўқув фаолиятида гуруҳ аъзолари фаол қатнашадилар, буш ўқувчи-талабалар ҳам ўзларини фаол кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Чунки кучли ўқувчи-талабалар уларга ёрдам бериб, қўллаб-қувватлайдилар.

Гуруҳли ўқув фаолиятини ташкил этишда, гуруҳ аъзолари орасида вазифалар аниқ тақсимланса, ўзаро ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилса, самарали натижаларга эришиш мумкин.

Ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини гуруҳли ташкил этиш куйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларда ишлашга тайёрлаш, ўқув топшириқларини қўйиш, гуруҳда ишлаш бўйича тушунча бериш;

2. Ўқув топшириқларини бажариш бўйича режа тузиш, муҳокама этиш. Уни ҳал этиш йўлларини аниқлаш ва ишлашда ўзаро вазифаларни тақсимлаш;

3. Ўқув топшириқларини бажариш бўйича ишлаш;

4. Гуруҳдаги ишни ташкил этишда иш жараёни ва гуруҳ аъзолари ишини кузатиш ва зарур ҳолларда ёрдам бериш;

5. Гуруҳда топшириқларни бажариш жараёнида ўзаро текширув ва назорат олиб бориш;

6. Гуруҳларда топшириқларни бажариш натижалари бўйича ахборот бериш, синф ёки гуруҳ бўйича мунозара юритиш, натижаларга қўшимча ва тузатишлар киритиш. Ўқитувчи томонидан хулоса чиқарилиб, яқун ясаш;

7. Ҳар бир гуруҳнинг иш натижаларига баҳо бериш.

Гуруҳ ишининг муваффақиятли чиқиши ўқитувчининг ўқув фаолиятини ташкил эта олиш маҳоратига боғлиқ. Яъни ўқитувчи гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи-талабанинг шахсий фаоллигини ташкил эта олиши, ҳар бир ўқувчи-талаба ўқитувчи кўмагини олиши, ишнинг бориши билан пировард натижани кўрсата билишига боғлиқ.

Гуруҳли ҳолатда ўқув фаолиятини ташкил этишда бир қатор камчиликлар содир бўлади. Қийинчиликлардан бири гуруҳларни шакллантириш ва унда ишни ташкил эта олишдир.

Гуруҳларда айрим қийин топшириқлар ечимини ўқувчи-талабалар мустақил топишга қийналадилар.

Шунинг учун ҳам гуруҳларда ишни ташкил қилишда умумий ишлаш билан индивидуал ишлаш бирга ташкил этилса, яхши натижалар бориш мумкин. Умуман, предметлар бўйича берилаётган топшириқларнинг осон, қийинлигига қараб гуруҳда ижодий муҳит яратилса, ўқитувчи билан гуруҳ аъзолари ҳамда ўқувчи-талабалар орасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ўрнатилса, гуруҳ иши кутилган натижаларга олиб келади.

3. Дарсда ўқув материални индивидуал шаклда ташкил этиши

Замонавий дарс жараёнининг бундай шаклини ташкил этишда топшириқлар ҳар бир ўқувчи-талабага алоҳида берилади ва у ўз ўқув имкониятлари даражасида уни мустақил ечади. Манбалар дарслик билан ишлаш, маълумотнома, лугат, энциклопедия, мажмуа шаклида бўлиши мумкин. Ундан ташқари индивидуал масалалар, мисоллар ечиш, баёнлар, иншолар, реферат, маъруза ёзиш, турли амалий кузатувлар ўтказиш, дастурли ўқувлар ташкил этишда шахсий топшириқлар асосида иш ташкил этилади.

Кўпинча педагогик адабиётларда, амалиётда ўқувчи-талабалар топшириқларини индивидуал бошқаришнинг икки шакли келтирилади.

Биринчи ҳолатда синф ёки гуруҳ бўйича берилган топшириқни ҳар бир ўқувчи ва ҳар бир талаба бошқа ўқувчи-талабалар билан мулоқотга киришмай, якка тартибда бажаради ва бирдек вақт белгиланади.

Иккинчи ҳолатдаги индивидуаллаштиришда топшириқлар ўқувчи-талабанинг тайёргарлик даражасига қизиқишлари, имкониятларига қараб берилади ва уларнинг шахсий ривожланишлари тайинланади.

Ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятларини индивидуал ташкил этишнинг энг самарали шакли – ўқувчи-талабаларга табақалашган шахсий ўқув топшириқлари бериш, улар тайёр карточка, ёзма матнларда берилса, яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Индивидуал ишлаш жараёнида айниқса, бўш ўқувчи-талабаларнинг ишлашини кузатиб бориш, зарур ҳолларда уларга ёрдам кўрсатиш яхши натижалар беради.

Дарс тизими ўз ичига:

— мақсад, ўқув материалининг мазмуни, ўқув воситалари, методлари, шакли, назорат, пировард натижани;

— Дарс мониторинги таълим сифатини аниқлаш, кўзда тутилган тушунча, малака, кўникмаларни ўқув материали асосида қиёслашни;

— Ўқув материалига тузатишлар ва ўзгартиришлар киритишни олади.

Ҳар қандай замонавий дарс у қандай усул ва таълим технологиясига асосланган бўлмасин, у аввало, ўқувчи-талабалар шахсини ривожлантиришга қаратилган бўлмоғи керак.

Улар:

- шахснинг касбий фаоллигига;
- юқори даражадаги компитентликка;
- аниқ мақсадга;
- касбий маҳоратини оширишга;
- юқори технологик тайёргарликка;
- мустақил фикрлай олишга;
- масъулиятни ҳис этган ҳолда қарорлар қабул қила олишга;
- ижодий ёндашувга;
- доимий ўқиш ва изланишга ундашга;
- мулоқотга киришувчанликка;
- ўзаро ҳамкорликка;
- ижтимоий ва касбий масъулиятни ҳис эта олишга

қаратилмоғи даркор.

Шу муносабат билан ўқув жараёни — дарсда ўқувчи-талабалар ҳар доим марказда турмоғи даркор.

Дарс жараёни:

- эҳтиёжни;
- қизиқиш — хоҳишни, мақсадни;
- ўқувчи-талабалар фаоллигини;
- қобилиятини назарда тутган ҳолда дарснинг пировард мақсади — ўқувчи-талабаларга билим, кўникма, малака беришдан иборатдир.

Ўқитувчидан дарсда қуйидаги дидактик талабларга риоя қилиши талаб этилади:

- сўз, нутқ, баён орқали дарс ўтиш;
- кўргазмалилик;
- амалиёт билан боғлаш.

У қуйидаги методлардан фойдаланиши керак:

- тушунтириш — иллюстрация;
- программалаштириш (дастурлаш);

- эвристик;
- муаммоли;
- интерфаол.

Моделли ўқитишда ўқитувчи қандай моделда ўқитишидан катъий назар икки ҳолатга эътибор бериши шарт.

1. Ўқувчи-талабаларда ўз кучи ва имкониятига ишониш ҳиссини уйғота олиш.

2. Ўқувчи-талабаларга ўз вақтида зарурий ёрдамни бера олиш.

Моделли ўқитиш таълим технологиясининг асосий элементи бўлиб, у ўз характерига кўра таълим жараёнига тез суръатлар билан кириб келмоқда. Энг муҳими шундаки: замонавий педагогик технологияни жорий этишда ўқитувчи биринчи ўрида турмайди, балки у ўқув жараёнини ташкил этувчи ташкилотчи сифатида намоён бўлади.

Яъни гуруҳ иштирокчиларини маълум моделларни ўрганиш, муаммоларни ечишга ундайди. Манбалардан қўшимча ахборотларни олиш, таҳлил этиш, тизимга солиш, хулосалар чиқаришга ўргатади. Ўқув гуруҳлари билан ҳамкорликда келгуси моделларни шакллантириш, ташкил этиш, ечимига эътибор қаратади.

Модулни шакллантиришда у куйидаги компонентларни инобатга олмоғи зарур:

- ўқув мақсадини аниқ шакллантириш (мақсадли дастурлаш);
- ахборот банкини яратиш, ўқув дастури асосида ўқув материали матни (текст)ларини мужассамлаш;
- мўлжалланган материалларни ўрганиш: методик қўлланма, мақсадга етиштирувчи йўл-йўриқларни шакллантириш;
- зарурий кўникма, малакаларни шакллантириш учун амалий машғулотларни ўтказиш;
- ишлаш учун зарур асбоб-ускуна, материал воситалар билан гуруҳни таъминлаш;
- мақсадга эришганликни таъмин этувчи диагностик топшириқ, савол, тестлар яратиш.

Таълим оловчилар билимини баҳолаш

Тарихий манбалардан маълумки, қадимда ўқитиш жараёнида билим бериш, тарбиялаш эса оила ва жамоа муҳитида амалга оширилган.

Буюк алломаларимиз Мусо ал-Хоразмий, Форобий, ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий даврларида диний ва дунёвий билимлар мактаб ва мадрасаларда якка тартибда эгалланган.

Уша давр таълимида ўзига яраша билим мезонлари ҳам танланган. *Жумладан, ўқувчи-талаба барча вазифаларни бажарса, устоз уни «тасанно» деб баҳолаган. Агар вазифани бажариб, ўқувчи-талабалар орасида очиқ, равон жавоб берса, устоз уни «боракалло» деб рағбатлантирган, агар шогирд вазифани аъло даражада ўзлаштириб, устоз олдидан баралла, юқори савияда, ифодали қилиб, эркин баён қилса, устоз уни «офарин» деб рағбатлантирган. Бунинг замирида нозик руҳий тарбия ётадики, рағбатлантиришининг ҳар бири ўқувчи-талабанинг қай даражада ўзлаштирилганлигини билдирган. Бундай рағбатлантириш ўқувчи-талабанинг ўқишга, илм олишга бўлган иштиёқини ошириб борган.*

1918 йилдан бошлаб баҳолаш мезонлари ўзгариб улар ўрнини сўров, имтиҳон эгаллаб, «ўзлаштирган», «ўзлаштирамаган» каби ўлчовлар қўлланила бошланди.

1938 йилдан бошлаб беш балли тизим киритилиб, «жуда ёмон», «ёмон», «урта», «яхши», «аъло» деб баҳолаш одат тусига кирди.

1944 йилдан бошлаб беш балли баҳолаш рақамларда, яъни «1», «2», «3», «4», «5» қўйиш орқали ифодалана бошланди.

Бизга маълумки, ижобий баҳо ўқувчи-талабаларнинг ўқишга бўлган иштиёқини, қизиқишини кучайтиради. Бу тизимнинг салбий томони шундаки, ўқувчи-талабалар яхши баҳо олганда рағбатлантирилиб, ёмон баҳо олганда уларга танбеҳ берилиши ўқишга бўлган иштиёқини сундиради.

Шунинг учун ҳам ўқувчи-талабаларнинг ўзини баҳолаши, ўзига-ўзи баҳо қўйиши энг адолатли, тўғри ва истиқболли йўлдир.

Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий камолотларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим масала ҳисобланади. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи-талабалар билимини бойитишга, улар шахсини ривожлантиришга ва тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

Билимларни назорат қилишда қўйиладиган балл ва баҳолар ўқувчи ва талабада қандай таассурот қолдирганини, улар ўртоқларининг ўқишидаги ютуқ ва камчиликларига қандай муносабатда бўлишларини доим кузатиб бориш учун керак. Ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш ўқув йили давомида ҳар доим

ва мунгазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, тартибли ва доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб берилади.

Педагогика назариясида ўқувчи-талабалар билимларини ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлиги баён этилган.

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб Давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганини назорат қилиш ва вазифаларни белгилаш.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи ва талабларда билимлар янада кенгаяди. Бу билан ўқув юртлари олдида турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтарики рух, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажралмас қисмидир. Назорат жараёнида ёзма, оғзаки ва амалий усуллардан фойдаланилади.

Бу жараёнда оғзаки сўраш орқали ўзлаштиришни назорат қилиш, айниқса мактабларда, кенг тарқалган. Бу асосан савол-жавоблар орқали олиб борилади. Бунда якка сўраш, фронтал сўраш каби турлардан фойдаланилади.

Бу турдаги назорат усули жуда кўп вақт талаб қилганлиги туфайли ва назорат жараёнини фаоллаштириш, кам вақт ичида кўп сонли талабаларни назорат қилиш мақсадида бир қанча рационал услублар, жумладан, техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чет эл тажрибалари ва ўзимиздаги кўплаб тажрибаларнинг натижасида **рейтинг услуби** бугунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинган.

Рейтинг деганда – баҳолаш, тартибга келтириш, таснифлаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади. Рейтинг ёрдамида ижтимоий-психологик объект-ларни, улар учун умумий бўлган хусусиятларнинг ёрқин дара-жасига қараб дастлабки таснифлаш амалга оширилади.

Шкалалаш – аниқ жараёнларни рақамлар системаси ёрдамида моделлаштириш. Уларнинг турли услублари – сифат, тавсифлари қай бир миқдорий ўзгарувчилар турлича айлантириш услубларидан иборат. Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қўлланилади.

Тест деганда – аниқ вазифани такомиллашганлиги даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамлардан белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини қизиқтирувчи, бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллигини қуйидагича белгилаш мумкин:

– назорат учун кам вақт сарфланади;

– назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;

– куп сонли талабалар билар бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;

– билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;

– барча талабаларга бир хил қийинчиликдаги саволлар берилиб, бир хил шароитлар яратилади.

Ҳозирги кунда узлуксиз таълимнинг касб-хунар ва олий таълим босқичларида талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланади. Баҳолашнинг бундай шакли талабаларнинг бутун ўқиши давомида ўз билимини ошириш учун мунтазам ишлашни ҳамда ўз ижодий фаолиятини такомиллаштиришини рағбатлантириш ғоясига асосланади.

Билимларни баҳолашда рейтинг назорат тизимига ўтиш орқали қатор вазифалар ҳал этилади. Жумладан: талабалар билимининг сифат кўрсаткичларини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баллар билан баҳоланади. Бунинг учун талабалар:

– мустақил ишлашини ошириш;

– рейтинг назоратида ЭҲМ тестларидан фойдаланиш;

– кўплаб қачиликларга эга бўлган мавжуд синов ва сессиялардан воз кечиши шарт бўлади.

Рейтинг назорат тизимининг асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фаннинг талаба ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йигиндиси талабанинг курс рейтингини ташкил этади.

Ҳар бир фан бўйича талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади: *жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат.*

Жорий назорат – бу ўрганилаётган мавзуларни талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс

жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқлаиб боришни кўзда тутади. Бу эса талабанинг узлуксиз билим олишини ва натижасини муттасил назорат қилиб боришини назарда тутади.

Оралиқ назорат – бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлим ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш демакдир. Оралиқ назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат – бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитилиб бўлингач, ўтилган мавзулар бўйича олинади. Семестрдаги рейтинг баҳоси жорий, оралиқ ва якуний назоратларда тупланган баллари бўйича аниқланади.

Ҳар бир фан бўйича максимал рейтинг бали шу фан учун ўқув режасида ажратилган умумий дарс соатлари миқдорига тенг деб ҳисобланади.

Максимал баллнинг 70% миқдори жорий ва оралиқ назорат жараёнида 30% миқдори якуний назоратда тупланиши тавсия этилади.

Семестр давомида мазкур фан бўйича тупланган балларнинг нисбатан талаба билими қуйидагича баҳоланади:

86 – 100% “аъло”

71 – 85% “яхши”

36 – 70% “қониқарли”

55 ва ундан камини “қониқарсиз”.

Шундай қилиб, баҳолаш шундай бўлмоғи керакки, у талабани ўқишга бўлган қизиқишини, хоҳиш-истакларини ривожлантиришга ўқишга бўлган мотивини оширишга хизмат қилсин.

Ўқувчи-талабаларнинг пировард ўзига ишониши — ўқувчи-талаба шахсининг ривожланишини кафолатлайди, ўз-ўзини англаш – таълим-тарбияда пировард мақсадга эришиш йўлидир. Зеро, дарснинг бош мақсади – ҳар бир ўқувчи-талабада мавжуд бўлган ижодкорликка туртки беришдан иборатдир. Яъни, ҳар бир ўқувчи-талабада билим олишга чанқоқликни тарбиялаш бош масаладир.

Дарс жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ижодкор, ташаббускор бўлишини ташкил этиши

Ўқувчи-талабаларнинг ижодкор, ташаббускор бўлишларида куйидаги омилларга суяниш яхши натижалар беради.

1. Дарсда самара берувчи инновация ва технологияларни қўллаш;
2. Ўқувчи-талабалар кўз ўнгида билимдон, ижодкор бўлиб кўрина олиш;
3. Бошқа ўқитувчилар, раҳбарлар орасида обрўга эга бўлиш;
4. Ўқитувчилар ва ўқувчи-талабалар билан ижодий ҳамкорликда бўлиш;
5. Раҳбарият билан самимий муносабатда бўла олиш;
6. Ижодий муҳитни ташкил эта олиш;
7. Ҳар бир ижобий натижани рағбатлантириш;
8. Иш фаолиятида илғор тажриба ва янгиликлардан ижодий фойдаланиш;
9. Ўз малакасини узлуксиз ошириб бориш;
10. Зарур ҳолларда маънавий, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
11. Методик ишларни ташкил этишда фаоллик ва фидоийлик кўрсатиш;
12. Шахсий ижодкорлик ишлари, ижобий фикрларни амалга ошириб бориш;
13. Очиқ дарсларни тизимли ўтказишга эришиш;
14. Ижодкорликдаги ютуқларни ижодий кечалар ташкил этиш орқали тарғиб қилиш.

Ўқувчи-талабаларда ўқув предметини мустақил ўзлаштиришни шакллантириш

- бунда ҳар бир ўқувчи-талаба ўқитишдан мустақил ўқишга ўргатилади.,
- ўқув жараёнида ўз-ўзини англаш орқали тарбияланиш, ўқиб ўрганиш устуворлик қилади.,
- ўқувчи-талабаларда ички мотивация ривож топади. Ўқиш-ўрганишга қизиқиш ҳисси ўсиб боради.
- ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижод қилишига суянилади.
- билим олиш онгли равишда ички интилиш ва хоҳиш асосида амалга оширилади.,

- дарс жарёни марказида ўқувчи-талаба, унинг фикрлари, қизиқишлари, ўз-ўзини бошқариш туради.

- ўқув жараёнида билим, малака, тушунча, кўникмаларни эгаллаш талаб этилади.,

- юкоридагилар ўқувчи-талабаларда мустақил ўқиш, ўрганиш, ўз-ўзини тарбиялашни шакллантиришни кафолатлайди.

Шундан хулоса чиқариш мумкинки, ўқувчи-талаба шахсини ривожлантиришни ўзига замин яратишдан бошлаш керак. Яъни ўқувчи-талабада:

- ўзи мустақил мутолаа асосида билим олишга;

- ўз-ўзини англаб, тарбия топишга;

- ўз кучи ва имкониятига ишонч билан қарашга;

- масъулиятни ҳис қилишга;

- ўз фаолиятини мустақил ташкил эта олишга;

- ўқув меҳнатига хоҳиш уйғота олишга;

- фаоллигини оширишга;

- ахборот манбаларидан унумли фойдалана олишга эришиш асосий ва бош мақсадга айланмоғи керак.

Ўқувчи-талаба шахсида ўз-ўзини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогика назарияси фани олдида турган долзарб муаммолардандир.

Замонавий дарс самарадорлигини таъминловчи омиллар

Замонавий дарс жараёнини ташкил этишда қуйидаги омилларга эътиборни қаратиш зарур:

1. Дарснинг ўқув техникаси ва мақсадини аниқлаш;

2. Дарсдан кутилаётган пировард натижани белгилаш;

3. Дарсда кўзда тутилган билим, кўникма, малака;

4. Кўзланаётган мазмун, мантиқий кетма-кетлик баёни;

5. Мақсадга олиб борувчи баённи матн, дарслик ва тарқатма материаллар асосида кичик гуруҳларда ишлаш орқали ёки ўқитувчи томонидан тушунтириш;

6. Ўқувчи-талабаларнинг таълим мазмуни, мақсадларини ўзлаштирганлик даражаси. Тестлар, саволлар тузишга ўргатиш;

7. Янги мазмундаги мавзу, тушунча, кўникма, малакаларни ўзлаштирганлик даражаси;

8. Дарс ўтиш услуби ва воситаларнинг танлаб олинганлиги;

9. Дарсда ўқув жараёнини амалга ошириш учун жиҳоз, техника, тарқатма материаллар.

10. Ҳуқуқчи-талабалар билими баҳолангандан сўнг унинг натижалари бўйича тузатишлар киритиш.

Агар мақсад аввалдан лойиҳаланмас экан, билимнинг эгалланганлигига кафолат бериб бўлмайди. Кузатишларнинг таҳлилидан маълум бўлдики, ўқитувчиларнинг аксарияти дарснинг мақсадини унинг вазифалари билан қориштириб юбордилар.

Дарснинг мақсади — бу бутун дарс давомида эгалланиши керак бўлган билим, тушунча, қўникма, малакалардир.

Дарснинг вазифаси — бу дарснинг босқичларидаги мақсадни амалга ошириш учун қўлланадиган воситалардир.

Мақсадни амалга ошириш учун дарс самарадорлигини таъмин этувчи илмий-методик, технологик йўл танлаб олинади.

Бу ишни амалга ошириш ўқитувчидан ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив ёндашув, инновацион касбий маҳорат, методологик маданиятни талаб этади.

Ҳар бир дарснинг мақсадини аниқлашга тизимли ёндашув — олдинги ва кейинги ўқитилган дастурий билимлар, қўникма ва малакаларнинг узвий боғлиқлигини таъминлайди.

Ҳуқуқчи-талабаларнинг дарс жараёнида таълим дастурини тулақонли ўзлаштириши узвийлик ва узлуксизлик асосида кафолатланади.

Натижада дарс компонентлари ўз ўрнини топади. Яъни:

- мақсад;
- ҳуқуқ материали мазмуни;
- метод ва вазифалари;
- дарснинг ташкилий шакллари;
- ўқитувчининг фаолияти;
- ҳуқуқчи-талабаларнинг фаолияти тулақонли шакл, мазмунга эга бўлади.

Дарсларда белгиланаётган мақсадлар ҳуқуқ мақсадларига мос тушиши ва ҳуқуқчи-талабаларнинг шахсий мақсадига айланиши керак. Зеро дарсда ҳуқуқчи-талабалар ўзлаштириб олиши зарур бўлган компонентлар шахсан унга қаратилган, мақсадлар эса бири-бирига мос тушиши керак. Ана шу мос тушганлик дарс самарадорлигини таъминлайди. Ҳуқуқчи-талабаларнинг чуқур, пухта билим олишини, тарбия топишини кафолатлайди.

Гуруҳларда лойиҳа асосида ўқитиш

Гуруҳларда лойиҳа асосида дарсни ташкил этиш учун куйидаги қатор шароитлар яратилиши кераклиги аниқланган:

1. Ўқитувчининг лойиҳа асосидаги дарсни ташкил эта олиши, касбий маҳорати; ўқувчи-талабаларнинг янгича дарснинг моҳияти, имкониятини тушуниб етишлари.

2. Лойиҳа асосида утиладиган дарс технологиясини, яъни мақсадини, вазифаларини белгилаб олиш, изланишлар йўлини тушуниш, гипотезасини белгилаш.

3. Лойиҳани шакллантириш, қўйилган мақсад ва вазифаларни еча олишда ўқувчи-талабаларнинг истак-хоҳишлари, билим, кўникма ва, малакаларига нечоғлик таянилганлиги.

4. Тайёрланган лойиҳаларни босқичма-босқич охирига етказиш.

5. Малакани маъқуллаш, амалга ошириш бўйича ахборотлар тақдимоти.

Дарс ва мотивация

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мотивация дарс жараёнида ва ижодий педагогик жараёнда муҳим роль ўйнайди. Бу ўқувчи-талабалар ва ўқитувчининг ўзаро ҳамкорлик ҳамда ижодкорлик асосида ўқув жараёнидан қониқиш ҳосил қилишидир. Ўқитувчининг ўқувчи-талабалар фаолиятини ташкил этишда ўзига-ўзи берган баҳосидир.

Айниқса, ўқитувчининг эмоционал нутқи қизиқарли ўйин, мунозара, мушоира, дебатлар орқали ўқув жараёнини ташкил этишда ёрқин номоён бўлади.

Замонавий дарс нима?

Бинобарин, замонавий дарс бу — дарс жараёни марказида ўқувчи-талаба шахси бўлиб, дарс унинг хоҳиши, истаги, талабларига мос бўлишидир. Шу билан бирга улар ўз фаоллиги асосида шахсий ривожланишга йўналтирилади. Ўқувчи-талабалар дарсда фаол иштирокчи, ижрочига айланади. Улар дарсни ўзлаштиришда ўз улуши орқали ўзлаштириш жараёнига ҳисса қўшадилар.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида:

— умумий;

— жамоа;

- гуруҳларда;
- индивидуал жуфтлик;
- индивидуал шаклларда замонавий дарслар ташкил этилмоқда.

Дарс жараёнида қуйидаги методлар ва замонавий педагогик технологияларидан фойдаланилмоқда:

1. Алгоритмлаш (таянч конспектлар, алгоритмлар, қисқа ахборотли блоклар);
2. Ижодий топшириқлар;
3. Моделлаштириш (таҳлил этиш, мукаммал саволлар, қиёсий таққослаш);
4. Ақлий хужум;
5. Креатив метод;
6. Нутқ ўстириш;
7. Эвристик суҳбатлар;
8. Пассив, актив, интерактив яъни интерфаол дарс тизимлари.

Дарсни ислоҳ қилиш нимадан бошланади?

Дарсни ислоҳ қилишда қуйидаги омиллар асосий ўринни эгаллайди:

1. Дарсга муносабатни ўзгартириш, унга янгича ёндашувни йўлга қўйиш;
2. Дарсда янгича ишлаш шрларини (педтехнология, инновация, интерфаоллик) ўзлаштириш;
3. Дарс муҳитини ўзгартириш:
 - ўқув хоналарини номенклатура асосида жиҳозлаш;
 - ўқувчи-талабалар эҳтиёжларига мос қулайликлар яратиш;
 - ишчанлик муҳитини яратиш;
 - ҳамкорлик, ҳамижодкорлик, ҳамдардлик муҳитини яратиш.
 - дарсни янгича ташкил этиш воситаларини топиш ва қўллаш.
 - таълим муассасаларида шахсий, гуруҳ, факультет кутубхоналарини ташкил этиш;
 - техник воситаларни қўллаш;
 - дидактик, тарқатма материаллардан фойдаланиш;
 - индивидуал материаллар тайёрлаш ва тарқатиш.
4. Ўқувчи-талабаларни янгича муҳитда фикрлаш, ишлашга ўргатиш.

5. Дарсда ўқув, билим олиш, мустақил ўрганиш механизмини жорий этиш:

- якка ишлаш;
- жуфт бўлиб ишлаш;
- кичик гуруҳларда ишлаш;
- катта гуруҳларда мунозара, савол-жавоб, дебатлар уюштириш;

6. Таълимнинг мақсади, мазмунини дарс жараёнидаёқ ўзлаштириб олиншини кафолатлаш;

7. Дарсдан кўзда тутилган билим, кўникма, малака ва таянч тушунчаларни ўзлаштириб олиш;

8. Дарс жараёнида ўзлаштириш зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мониторингини ўтказиш орқали сифат кўрсаткичларини таъминлаш.

Агар ўқитувчи юқоридаги талабларни тўлиқ ўзлаштириб, уни дарс жараёнига татбиқ этса, ўқувчи-талабаларнинг Давлат таълим стандартларида белгиланган билимларни тўла ўзлаштириши кафолатланади. Дарсда сифат кўрсаткичига эришилади.

Дарс жараёнида ўқувчи-талабалар ижодкорлигини шакллантириш

- ўқувчи-талабаларни ўтилаётган, ўрганилаётган мавзуга қизиқтира олиш.,
- мавзунини ўзлаштиришда ролли ўйинга асосланиб, ўқувчи-талабаларнинг билим, кўникма, малакаларига суяниш.,
- ўқувчи-талабаларнинг ташаббускорлик, ижодкорлик қобилиятини шакллантириш, қўллаш, қувватлаш.,
- ўқувчи-талабаларнинг қизиқиши ва хоҳишларини фаоллаштириш.,
- ўқувчи-талабаларнинг интеллектуал (диққат, сезги, хотира, фикрлаш) қобилиятларини ишга солиш.,
- мулоқотга киришганда айтилаётган фикр, мулоҳазаларни жамлашга ёрдамлашиш.,
- ўқувчи-талабаларнинг муваффақиятга эришишига қулай вазият яратиб бериш.,
- айниқса, маҳаллий, тарихий фактларга суяниб мисоллар келтиришини қўллаб-қувватлаш.

Лойиҳа – кўпинча иқтисодий-ижтимоий йўналишда, қурилиш, илмий ишларда белгилаш ҳолатларида қўлланилган. Бу термин педагогикага ХХ аср бошларида кириб келган. Бундай йўналишли ўқитиш истиқболли ўқитиш методи деб қаралади. *Лойиҳа асосида ўқитиш ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлаши, фикрлашига асосланган, бу ўқув маҳсулини олишда самарали метод бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этишда кенг тавсия этилади.*

Лойиҳа асосида ўқитиш ҳозирги кунда энг долзарб, юқори самара берувчи метод сифатида тан олинмоқда. Дарсда лойиҳалар устида ишлаш аниқ ижтимоий масалаларни ечишга қаратилади. Жумладан: илмий изланишларни, ахборотномаларни, амалий масалаларни ечиш ва ҳал этишда қулайлик туғдиради.

Лойиҳа асосида ташкил этилган дарсларда ўқувчи-талабалар илмий изланадилар, ечимини қидирадилар, бу унинг асосий талабларидандир. Лойиҳали дарсларнинг бошқа усуллардан фарқи шундаки, ўқувчи-талабалар ахборотларни излаб топиб, қайта ишлаб, умумлаштириб, ўзлари ҳимоя қиладилар.

Дарс лойиҳалари индивидуал ва гуруҳларга мўлжаллаб тузилади. Якка шахсга қаратилган лойиҳаларнинг афзаллиги шундаки: умум ўқув-билув, кўникмаларни эгаллашда ўқувчи-талабаларнинг шахсий масъулияти жуда юқори бўлади. Чунки унинг пировард натижаси ўқувчи-талаба шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлади.

Гуруҳларда лойиҳа асосида дарсни ташкил этишда ўқувчи-талабалар орасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамижодкорлик ҳолатлари вужудга келади ва дарс самарадорлиги кафолатланади. Ҳар бир ўқувчи-талаба ўзининг бор қобилиятини ишга солади, лойиҳа ечимига фаол киришади.

Дарс лойиҳалари ўзининг давомийлигига қараб:

- кичик лойиҳа (бир соатли);
- қисқа муддатли лойиҳилар (4-6 соатга мўлжалланган);
- ҳафтага мўлжалланган лойиҳалар;
- узоқ муддатга мўлжалланган ўқув лойиҳалари (кўпинча

бундай лойиҳалар дарсдан ташқари қўшимча мустақил таълимни амалга оширишга хизмат қилади) бўлиши мумкин.

Лойиҳа асосида ташкил этиладиган дарслар ўқитувчидан дарсни ташкилий жиҳатдан пухта ўйланган, сифатли, ишчанлик муҳотида, ўқувчи-талабаларни жараёнга қизиқтира оладиган тарзда лойиҳалай олишни талаб этади. Дарсни лойиҳа асосида ташкил этишда ўқитувчи фақат фаол ўқитувчигина эмас, балки кенг ихтисосли юксак малакали ва маҳоратли педагог ролини ўташи талаб этилади.

Ўқитувчи лойиҳа раҳбари сифатида юқори маданиятли ижодкор бўлмоғи керак.

Лойиҳа шундай тузилиши керакки у ўқувчи-талабаларнинг шахсий ривожланишига хизмат қилсин.

Аввало ўқитувчи дарсда фидоийлик кўрсатиши, ўқувчи-талабаларни руҳлантириши, қизиқтириш орқали мақсадга эришиши муҳим. Лойиҳа асосида дарс ташкил этилганда унга сарфланадиган вақт, ташкилий ишлар, бориладигани ва тўғри йўлга солувчи саволлар олдиндан режалаштирилиши керак. Ундан ташқари дарс жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган камчилик, хатолар, уларнинг олдини олиш, жараённинг таҳлилий томонлари ҳам олдиндан ҳисобга олиниши керак. Лойиҳа асосида дарсни ташкил этиш мураккаб жараён, бунда ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлашини ташкил этиш муаммоси ётади. Яъни қайси вазифаларни ўқитувчи бажариши керак, қайсиларини ўқувчи-талабаларнинг ўзлари ҳал этишлари керак ва қайсилари ўзаро ҳамкорликда амалга оширилишини олдиндан кўра билиши керак.

Ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлаши кўпгина омиллар-га: ёшга, шахсий хусусияти, характериға, илгари лойиҳа асосида ишлаган-ишламаганлигига, лойиҳа мавзусининг мураккаблигига, гуруҳларда иштирок этувчиларнинг ўзаро муносабатларига ҳам боғлиқ бўлади.

Лойиҳа асосида дарс жараёнини олиб боришда тузилган лойиҳа ўқувчи-талабаларнинг ёшиға, қобилияти, ўзлаштира олишиға мос бўлиши керак.

Лойиҳали ўқитишнинг фаолият мазмуни

Лойиҳали ўқитиш фаолият мазмуни ўқувчи-талабаларнинг фаолиятини ташкил этувчи жараён ҳисобланади.

Бунда:

1. Ўқитувчи томонидан таклиф этилган лойиҳалари, кичик лойиҳаларнинг ўқувчи-талабалар томонидан бажарилиши кўзда тутилади.

2. Ўқув лойиҳалари оддиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида баҳоланади, лойиҳада предметлараро мақсадлар кўзда тутилса, якуний баҳолар ҳам чиқарилиши мумкин.

3. Лойиҳа асосида фаолият ташкил этилганда ўқув-мавзуларда режалаштирилаётган лойиҳани топшириш муддатлари кўзда тутилади.

4. Лойиҳа асосида фаолиятни ташкил этишга ўқитувчи раҳбарлик қилади ва лойиҳанинг координатори ҳисобланади.

5. Лойиҳалар яқка шахсга ва гуруҳларга қаратилган бўлиши мумкин.

6. Лойиҳа топшириқлари аниқ, раво шакллантирилган, унинг мақсад ва вазифалари тушунарли аниқланган, ўқувчи-талабалар билан унинг ижро йўллари ва механизмлари келишилган бўлади.

7. Айрим ҳолларда ўқувчи-талабаларнинг хоҳиш ва истакларига биноан лойиҳаларни шакллантириш лойиҳа раҳбари билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

8. Ўқув йили давомида ўрнатилган тартибда тузилган лойиҳалар тақдимотини илмий конференцияларда ҳимоя қилиш, танловлар ўтказиш мумкин.

Дарс жараёнини лойиҳа асосида ташкил этиш

1. Ўқув предмети мавзуси, мазмунини танлаш.

2. Дарснинг ўқув мавзуси юзасидан ягона умуммақсадни белгилаб олиш.

3. Дарснинг ўқув мазмунини ишлаб чиқиш, бериладиган назарий ва амалий билимларни белгилаш.

4. Ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, билим, кўникма, малакаларни ифода этиш.

5. Дарснинг шакли, методи, воситаларини танлаш.

6. Тушунча, билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш учун таълим олувчи томонидан сарфланадиган вақт бирлиги.

7. Ҳар бир босқич натижаларини олиш учун машқ ва мисоллар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Назорат этиш, тест ва саволлар ишлаб чиқиш.

9. Лойиҳани дарс жараёнига татбиқ этиш.

10. Дарс жараёнини олиб бориш ва якунлаш.

Дарс жараёнида ўқувчи-талабалар:

— эҳтиёжи;

— қизиқиши;

— хоҳиши;

— мақсади;

— қобилияти;

— фаоллиги;

— интеллекти ҳисобга олиниши талаб этилади. Дарсда уларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниши шарт.

Дарсни лойиҳалашга тизимли ёндашув

Ҳар бир ўқитувчи олдида навбатдаги дарсни лойиҳалашда доим бир савол кўндаланг туради.

Дарс мақсадини белгилаш ва уни амалга ошириш. Бу масалада қуйидагича иш тутиш зарур:

— ўқув материални танлаш;

— уни дидактик талаблар асосида ташкил этиш;

— қандай методдан фойдаланишни аниқлаш ва жиҳозлаш;

— ўз фаолиятини ташкил этиш;

— ўқувчи-талабалар фаолиятини ташкил этиш.

Лойиҳаларни амалга оширишда гуруҳ раҳбарининг вазифалари

1. Бирор муаммоли вазиятни, мавзунини танлаш ва шакллантириш, ғояни олдинга суриш, лойиҳа сценарийсини тузиш, вазифаларни белгилаш, тизимга тушириш ва ечимини ҳал этиш.

2. Лойиҳани шакллантириш бўйича ихчамлашган аннотация тузиш, сўнгги эришиладиган маҳсулни ва унинг заруриятини аниқлаш.

3. Тўпланган мавзунини деталлаштириш, лойиҳа материали структурасини белгилаш, лойиҳа ҳажминини аниқлаш, лойиҳа ечимида ҳар бир ўқувчи-талабанинг изланиш олиб боришдаги роли, ўрнини белгилаш.

4. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, иш жараёнини олиб бориш ва муддатларни доимий назоратга олиш.

5. Лойиҳани шакллантиришда, унинг мазмунини баён қилишда, камчиликларни аниқлаш ва ҳужжатлаштиришда доимий маслаҳатлар бериб бориш.

Демак, ўқув фаолияти яхши лойиҳа асосида ташкил этилса, ҳар бир ўқувчи-талаба унинг ечимида фаол иштирок этса, ўқув жараёни самарали кечади. Ўқув материаллини онгли равишда тула ўзлаштириш кафолатланади.¹

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги фикр билдирилган замонавий дарс турли кўринишда бўлса-да, шу дарсда янги билимни баён қилиш билан уни мустақкамлаш (иккинчи бир дарс тури элементи – савол-жавоб ўтказиш), янги билимлар устида машқ ўтказиш (учинчи бир дарс тури элементи – масала, машқ ва тестлар ечдириш, грамматик ёки иқтисодий таҳлил, график ишлар олиб бориш), уйга вазифа (бошқа бир дарс элементи – тушуштириш, йўл-йўриқлар кўрсатиш ва ҳаказо) каби бошқа элементларнинг ҳам бўлиши мумкин. Шунга қарамай ҳар бир дарсдан кўзланган мақсад ўқувчи-талабаларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар шунга бўйсундирилади.

Маълум замонавий дарс тури билан иш олиб борилаётганда бошқа бир дарс элементлари асосий дарс туридан ўрин олиши ва айни пайтда асосий дарс турининг тузилишини ташкил қилиш мумкин.

Демак, замонавий дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг қисм (элемент)ларини англади. Бироқ, замонавий дарс тузилишидаги ҳар қандай қисм – дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитиш усули билан узвий боғлангандагина замонавий дарс тузилишини ташкил қила олади. Яъни дарс тузилишини ўзгариши биланоқ дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради. Дарснинг шу қисмига келиб, дарснинг шакли ҳам, усули ҳам ўзгаради ва янгиланади. Бу билан дарснинг янги босқичи бошланади.

Умуман, ҳар бир замонавий дарсда юқори сифат ва самарадорликка эришиш учун замонавий дарсларнинг турларинигина билиш камлик қилади. Бунинг учун ўқитувчидан қандай замонавий дарслардан қачон фойдаланиш мумкинлигини ҳам билиш талаб этилади.

¹ Ж Йулдошев. Замонавий дарс. – Т.: 2007 5-45-бетлар; Х.Ибрагимов, Ш.Абдуллоева. Педагогика назарияси Darslik. – Т.: 2008, 233-245-бетлар; R Mavlonova, N Voxidova, N Raxmonqulova. Pedagogika nazariyasi va tarixi Darslik. – Т.: 2010, 173-194-бетлар.

4.4. ҲАҚИҚАТИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИГИ

Маълумки, *устоз, мураббий, ўқитувчи-педагогининг* ижтимоий сифатларига ва касбий омилкорлигига, дарсга тайёргарлигига қадим замонлардан эътибор қаратилиб келинган ва ҳар бир замон талабларидан келиб чиқиб унга қўйиладиган талаблар, вазифалар ҳам такомиллашиб, мураккаблашиб бораверган.

Сипийтмон Зардушт таълимотида, *«муаллим-коҳинларнинг бурчлари ёшларга билимларни яхшилик йўсинда ургатиб, яхши билан ёмонни ажрата оладиган қилиш, тўғри йўлга ҳидоят этишидир. Кимда-ким, ақлу фаросат билан ёмонликка қарши курашса, у Аҳура-Мазда йўлини тутган бўлади»*, – дейилган. «Авесто»нинг «Яшт»ларида “*эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал*” каби ёшлар руҳиятига *рост сўз, пок ақида, ҳалол ниятни* сингдира-диган устоз-муаллимлар пешвоси мадҳ қилинади.

Шунингдек, «Авесто»нинг «Яшт»ларида танбаллиги, бефарқлиги, маъсулиятсизлиги, лоқайдлиги, фаросатсизлиги, укувсизлиги, билимини ва малакасини такомиллаштирмаслиги оқибатида ёшлар зехнини, уларнинг мустақил тафаккурини ўтмаслаштирадиган, айна чоғда, ёшларнинг ақлини занглатадиган, ҳаётга, меҳнатга муносабатларини сусайтирадиган, имон-эътиқодини заифлаштириб, маънавий жиҳатдан қашшоқлаштирадиган «*ёмон устозлар*» қаттиқ қораланади.

Зардуштнинг Олий Тангри Аҳура-Мазда билан мулоқотида ҳам яхши ва ёмон устозлар ҳақида шундай дейилади: *«Нoшуд ёмон муаллим таълим олувчилар яъни ёшлар қалбидан ҳунармандчиликни йўқотар экан, эй Яздон, ёмон устоздан ўзинг асра»*.

Абу Наср Форобий (873-930) устознинг жамиятда тутган ўрнига тўхталиб, қуйидаги талабларни қўяди: *“..устоз шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки ортиқча зулм, шогирд дилида устозга нисбатан нафрат уйғотади, борди-ю устоз жуда ҳам юмшоқ кўнгилли бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб қолади. Шунинг учун ўқитувчи болаларнинг феъл-атворида қараб таълим-тарбиянинг “қаттиқ” ёки “юмшоқ” усулларидан фойдаланиши мумкин”*.

Абу Али ибн Сино (980-1037) таълим берувчи устознинг шахсияти ва интеллектуал салоҳиятига қуйидаги талабларни қўяди:

1. Талаба билан муомалада таълим берувчи ниҳоятда босиқ ва жиддий бўлмоғи лозим;

2. Талабаларга берилаётган билимларни таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориши керак.

3. Талабаларни зериктириб қўймаслик мақсадида таълим беришда мавзуга мос турли хил метод ва шакллардан фойдаланиш лозим.

4. Таълим берувчи ўз талабалари хотираси, зехни ва улар асосида берилаётган билимларни қай даражада қабул қила олаётганлиги ҳақида доимий тасаввурга эга бўлиши зарур.

5. Таълим берувчи ўз талабаларини ўзи таълим бераётган фанга қизиқтира олсин, энг аввало, улардаги фанни урганишга нисбатан майл ва қизиқишни уйғота олиш даражасида бўлиши лозим.

6. Таълим берувчи ўзи таълим бераётган мавзу (фан) бўйича мустаҳкам эсда сақлаб қолиш лозим бўлган материалларга эътиборни қарата олсин ва булардан таълим беришнинг кейинги босқичида янги билимларни эгаллашда фойдаланишни ҳам эътиборга олсин.

7. Таълим берувчи талабаларга таълим беришда маълумотларни тушунарли қилиб етказа олсин, шунингдек, таълимда талабаларнинг ёши ва уларнинг ақлий даражаси ҳамда фикрлаш доираси кенглиги эътиборга олиниши лозим.

Абу Райҳон Бериий (973-1048) ҳам таълим жараёнида устознинг ролига алоҳида аҳамият беради:

– таълим берувчи илм-маърифатли ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши лозим;

– талабаларнинг билим олишида уларнинг илмларни эгаллашига тушуниб ҳаракат қилишини, яъни ижодий интилишига ва қизиқишига эътибор доимо таълим берувчининг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Унсурол Маолий Кайковус (XI аср) “Қобуснома” асарида муддарисларнинг билимли ва ахлоқли эканлигининг биринчи белгиси, унинг суҳандонлигида деб билади ва “*Ҳамма қобилиятлардан энг яхисиси нутқ қобилиятидир*”, дейди. У ота-онанинг ва муаллимларнинг болага муомала маданиятига тўхталиб шундай дейди: “...*Ва ҳар илмни ургатувчи муаллимлар таълим учун (болани урсалар, сен (ота) шафқат кўргазил, майли урсунлар,*

недимким ёш ўзлон илм ва адабни таёқ билан ўрганур ва ўз ихтиёри билан урганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг билан урмагил, муаллимларнинг таёғи билан қўрқитгил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сендан ўзингнинг кўнглидагина қолмасун”.

Бурхониддин Зарнуджи (XII аср) “Ўқувчига таълим йўлида қўлланма” номли асарида ахлоқ-одоб хислатларини эгаллаши хусусида фикр юритади:

– таълим берувчи ўрганиш учун фанлар орасидан энг муҳимларини танлаши, таълим олувчилар нимага кизиқиши, нимага ўрганмоқчи эканлигини ва келгусида ҳаётда қайсисига эҳтиёж туғилишини ҳисобга олиши лозим;

– ёшларга таълим беришга энг аввало билимли, олижаноб муаллим танлаш керак;

– ҳар бир таълим олувчи мурувватпешалик фазилаглларини эгаллашга интилиши зарур;

– таълим олувчи муаллимдан, ўрганаётган фанидан, танланган касбидан тўла қаноат ҳосил қилиши лозим;

– таълим олувчининг муаллимга, устозига ҳурматли – ундан олдин юрмаслик, унинг ўрнига бориб ўтирмаслик, машғулотлар пайтида унга яқинроқ жойда ўлтиришида билинади.¹

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (XIII аср) “Гулистон” асарида ўз даври мударрис (ўқитувчи)ларини турли тоифага бўлиб, қаттиққўл ўқитувчиларни: “...башараси тиришган, тили заҳар, ёмон ҳулқли, талабаларни ранжитадиган, гадоёй табиатлик, очкўз, уни кўриши билан шогирдларининг кайфияти учар” шогирдлар ундан билим ва тарбия ололмайдилар. Яна бир тоифадаги ўқитувчилар “...содда, яхши ва юмшоқ кўнгилли одам. Унар-унмасга сўзламас эди ва болаларни (таълим олувчиларни) ранжитадиган сўзлар оғзидан чиқмас эди. Унинг фариштадек ахлоқлиги ва меҳрибонлигини кўрган болалар шогирдлар, мураббийни менсимай қўйдилар. Унинг юмшоқ табиатлик эканлигини билишиб, илми ҳам ўрганмайдилар. Алқисса болалар ўйин ва тўпалонга берилиб вақтни бекорга ўтказдилар.

Байт: Устод муаллим бўлса беозор,

Гудак эли бозорда харсанг ўйпар.

Ёки: Агарда муаллим бўлса беозор,

Болалар синфни қилишар бозор.

¹ Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995, 206-209-бетлар.

Кумуш ул тахтага зардин битиб ёд:

“Ота мехридин афзал жабри устод”¹

Абу Носир Тусий (XIV) *“Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида”* номли асарида устозлар ҳақида қуйидагиларни ёзади: *“Мураббий мунозараларни тўғри олиб бориш, рад этиб бўлмайдиган даражада исбот қилиши, ўз фикрларини тўғрилигига ишониши, нутқи мутлақо соф ва равон бўлиши лозим. Мураббий нутқи ҳеч қачон заҳархандали, қўпол ва қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўзини тута олмаслиги дарсни бузади”*.

Абдурахмон Жомий (1414-1492) *“Искандар хиродномаси”* асарида устоз-муаллимлар ҳақида шундай деб ёзади: *“Муаллим ақлли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номуносиб тутган мураббий ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди”*. У муаллимнинг жамиятдаги ўрнини қуйидаги байтида баён қилади:

Устод, муаллимсиз қолганда замон,

Нодонликдан қора бўлурди жаҳон.

Алишер Навоий (1441-1501) ҳар бир инсон ўзига таълим-тарбия берган устозини, ўқитувчисини умрбод ҳурмат қилиши ва уни эъзозлаши керак, дейди:

Ҳақ йўлинда ким сенга, бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо, аннинг ҳаққин юз ганж ила.

Буюк аллома ўзининг *“Маҳбуб-ул қулуб”* асарида мадрасаларда таълим-тарбия билан шуғулланувчи муддарисларга жиддий талабларни қўяди: *“Муддарис керакки, гарази мансаб бўлмаса ва билмас илми айтишига уринмаса, манманлик учун дарс беришига ҳавас кўрғазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва гавго юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони унга бош урин бўлмаса, ярамасликлардан қўрқса ва нопокликдан қочса... наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фиксқ ишларни қилиш мумкин, балки ҳалола деса, қилмас ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса, бу муддарис эмас, ёмон одатни тарқатгувчидир”*.

Демак, мударрис билимли, фозил ва донишманд бўлиши, инсоний фазилатларнинг энг яхшисини ўзида мужассамлаштирган, олижаноб ва камтарин бўлиши, ҳар қандай ярамас ишлардан ҳоли ва пок бўлиши, ўз хулқи ва одоби билан бошқаларга намуна бўлиши лозим.

¹ Саъдий. “Гулистон”. – Т.: 1968. 146-159-бетлар.

Буюк мутафаккир Уқитувчи меҳнатини энг мураккаб ва миншакқатли иш эканлигини холисона баҳолайди: *“Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашдан ожизлик қиларди. У эса бир тудда бошлага илм ва адаб ўргатади, кўркин бунга нима етсин. Шуниси ҳам борким, у туддада фаҳм-фаросати озлар ҳам бўлади, ундай кишига юзларча машаққат қилса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларда унинг ҳаққи кўндир. Агар шогирд подшоҳликка эришса унга (муаллимга) қуллук қилса арзийдир”*.

Камолиддин Ҳусайн Кошифий (1440-1505) **“Футув-вятномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”** асарида устоз-шогирд муносабатларига ва устозлик шартларига тўхталиб: *“Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмайди ва кимки устозсиз бир ишни қилур эрса, ул ишнинг асоси мустаҳкам бўлмайди. Кимки, устозсиз иш бошлаган бўлса, иши ва амали самара қозонмайди, устознинг этагини тутиб шод бўл, бир муддат устозга хизмат қилгинда, сунгра ўзинг устоз бўл. ...Агар устоз тарбиясини олган комил инсон ким деб сўрасалар, у пок мазҳабли ўз айбини кўрадиган, доно ва тизимли кишидир деб сўтгил. Унда ҳасад, гина ва бахилликдан асар бўлмайди”*.

Аллома **“Ахлоқи Муҳсиний”** асарида ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи устоз-муаллимлар доно, билимли, шинисухан, адолатли бўлиши зарур, деб ҳисоблайди: *“Мураббий болага (таълим олувчига) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапирши зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулоимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамизда мулоим ва хушфеъл бўлиши мақсадга мувофиқдир”*.¹

Европа мамлакатларида XVI-XX асрда яшаган педагог олимлари ўқитувчининг касбий фаолияти ва маҳорати ҳамда ахлоқий фазилатлари ҳақида ўз қарашларини баён этганлар, педагогик таълимот яратганлар.

Чех педагоги **Ян Амос Коменский** (1592-1670) ўз даврида ўқитувчилик *“...ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб”* деб таъкидлаган эди.

¹ Педагогика тарихидан хрестоматия – Т.: “Ўқитувчи”, 1993, 31-60-бетлар; Ўзбек педагогикаси антологияси – Т.: “Ўқитувчи”, 1995, 101-253-бетлар.

Швейцариялик педагог **Иоганн Генрих Песталоцци** (1746-1827) ўқитувчининг касбий сифатларига баҳо бериш билан бирга, асосан, унинг болаларни севиши, юксак ахлоқи, билимдонлиги, иқтидори, қобилияти кабиларга тўхталиб ўтади.

Атоқли немис педагоги **Фридрих Вильгельм Адольф Дистервег** (1790-1866) ўқитувчининг таълимдаги ролига баҳо бериб, у ўз фаолиятини чуқур билиб, педагогик маҳоратини ошириб бориши таълим олувчиларни қалбдан ёқтириши натижасида юзага келади деб ўқтиради. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг индивидуал хусусиятларини, қобилиятини, фаолиятини мукамал билиши учун муайян даражада психологик билимларга ҳам эга бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Таниқли рус педагоги **Константин Дмитриевич Ушинский** (1824-1870) ўқитувчини касбий фаолиятига юксак баҳо бериб, унинг машаққатли меҳнатини таърифлаб шундай дейди: “*Ҳали етилмаган ва фикри хаёли тарқоқ бўлган ўттиз ёки қирқта ўқувчининг онгини бутун дарс давомида машғул қилиб туриш учун ўқитувчи ўз сўзлари ва берган масалалари тўғрисида кўп бош қотириши, сердиққат бўлиши керак. Мана шу сабабдан билими бўлган ҳар бир киши ўқитувчи бўлишга лаёқатли бўлавермайди. Жамият томонидан ҳамма вақт ҳам етарлича таъриф қилинмайдиган бу вазифани инсоф билан адо қилмоқ учун зарур матонат ва маҳорат талаб қилинади*”.

Буюк рус адиби **Лев Николаевич Толстой** (1828-1910) ўқитувчи фаолияти ва фазилатини кўйидагича таъкидлайди: “*...агар ўқитувчи фақат ишига ҳавас қўйган бўлса, у яхши ўқитувчи бўлади. Агар ўқитувчи болага фақат отаси ва онаси каби ҳавас қўйган бўлса, у олдинги ўқитувчидан яхшироқ бўлади. Бордию, иккала хислатни ҳам мужассамлаштирса у ҳолда у мукамал ва маҳоратли ўқитувчи бўлади*”.

Таниқли рус педагоги **Антон Семенович Макаренко** (1888-1939) ўз асарларида ўқитувчининг касбий фаолияти ва фазилати ҳақида кўйидаги фикрларни баён қилган: “*Педагог дарсда маълум бир ўзига хос ролни ўйнамаслиги мумкин эмас. Синф саҳнасида роль ўйнашни билмайдиган ўқитувчи касбий фаолият олиб боролмайди. У маълум маънода актёр. Бизнинг ҳулқ-атворимиз, феълимиз, характеримиз биз учун педагогик қурол бўлиши ҳам асло мумкин эмас. Болаларни қалб ва кўнгил азоблари билан, ҳижронли ҳистуйғуларимиз ёрдамида тарбиялашга умуман йўл қўйиб бўлмайди.*”

Асир биз инсонмиз. Ҳар қандай бошқа касб эгаларида кунгил шукратисизлиши битириши мумкин бўлса, педагог ҳам кунгил азобисиз фаолият олиб бориши лозим булади. Уқувчига баъзан мулоқотда кунгил азобини намойиш этишга тўғри келади. Бунинг учун педагог сахнадаги актёрдек ижобий роль уйнашни ҳам билиши керак. Тасодифий педагогик вазиятларда уқитувчи газабланганда, қўтонганда, хафа бўлганда, тушкун бир аҳволга тушганда ички ҳис-туйғуларини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир шаклдан бошқа шаклга актёрларга хос иқтидор билан ўтказишни ҳам билиши керак. Бу сахнадаги ўйин улик бир ҳолат ёки техника эмас, балки қалббингиздаги яширин ҳис-туйғуларингизни, меҳрингизни намоён қиливчи ҳақиқий жараёндир.

Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ ва жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, кийиниши болаларни тарбияласин”.¹

Шундай қилиб, Шарқ мутафаккирлари ва Европа педагог олимлари ўз асарларида уқитувчилик касби, шу касб эгасининг бир қатор муҳим фазилатлари ва педагог маҳоратини такомиллаштириш ҳақида фикр юритганлар. Шунини таъкидлаш жоизки, Шарқ мутафаккирлари ва Ғарб педагог олимлари томонидан уқитувчининг касбий фазилати, таълим жараёнидаги фаолияти ва дарсга тайёрланиши ҳақидаги кўпгина мулоҳазалари ҳозирги кунгача, ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Демак, миллати ва келиб чиқишидан қатъий назар аجدодлар ғоясини такомиллаштириш эвазига таълим назариясини юксак босқичларга кўтариш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да чуқур билимга эга бўлган, замонавий уқитувчи-кадрлар тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида таъкидланади. Шу сабабли, ҳозирги шароитда жамиятнинг уқитувчи-кадрларга ва таълим жараёнини ташкил этиш, бошқаришга қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда.

Ҳар қандай таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда уқувчи-талабаларнинг фаолияти уқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида кечади. Шундай экан, уқитувчи томонидан таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш қуйидаги босқичлардан иборат:

¹ А. Ҳоликов Педагогик маҳорат. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009, 34-38-бетлар.

1. Лойиҳалаш ёки режалаштириш;
2. Ташкил этиш;
3. Ўқув ҳаракатлари;
4. Натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Ўқитувчи фаолиятида лойиҳалаш, яъни режалаштириш босқичида календар-тематик ёки дарсларнинг режаларини тузиш билан якунланади. Режалар, режа-конспектлар ёки конспектларни тузиш учун узок, жиддий ижодий фаолият лозим бўлади. Ўқитувчи мустақил равишда ўқувчи-талабаларнинг тайёргарликлари даражасини, уларнинг ўқув имкониятларини ўрганиб чиқиши, ўқув материали мазмунини танлаб олиши, дарс олиб бориш шакли ва методини ишлаб чиқиши керак.

Дарс ўтиш фаолиятини ташкил этиш учун ўқитувчи ўқувчи-талабалар олдида ўрганилган мавзу асосида ўқув масалаларини қўйиши ва уни бажариши учун имкониятлар яратиши лозим. Бунда ўқувчи-талабаларнинг фаолияти билим олишдан иборат бўлади. Билим олиш борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажрибалар асосида хулқ-атвор ва кўникма ҳамда малакаларнинг мустаҳкамланиб бориши, мавжуд билимларнинг такомиллашиб бориши жараёнидир. Билим олишнинг ушбу компоненти таълимий характерга эга бўлган фаолият натижасида рағбатни ҳис этиш, эҳтиёжнинг юзага келишидир.

Билим олишнинг яна бир компоненти ўқув ҳаракатлари бўлиб, улар белгиланган мақсадга биноан амалга оширилади. Ўқув ҳаракатлари таълим жараёнини ташкил этишнинг барча босқичларида намоён бўлади. Ҳаракатлар ташқи (*кузатиладиган*) ва ички (*кузатилмайдиган*) кўринишда бўлади.

Ташқи ўқув ҳаракатларига предметли ҳаракатлар (*ёзиш, расм чизиш, тажрибалар ўтказиш*); перцептив ҳаракатлар (*тинглаш, фикрлаш, кузатиш, сезиш*) ҳамда нутқдан фойдаланиш киради.

Ички, яъни мнемоник (*юнонча "тнемоникон" – эслаб қолиш маданияти*) ҳаракатларга материални эслаб қолиш, уни тартибга солиш ва ташкил этиш, тасаввур ва фикрлаш ҳаракатлари киради.

Натижаларни баҳолаш ва таҳлил этиш ўқув ҳаракатларининг ажралмас қисмлари ҳисобланади. Таълим жараёнида ўқувчи-талабалар ўзини назорат қилиш, ўзини баҳолаш ва ўзини таҳлил қилишни амалга ошириш ўқитувчининг ўргатувчи ҳаракатлари асосида шаклланади. Бу ҳаракатларни шакллантириш ўқувчи-талабаларни ўз тенгдошлари фаолиятини кузатишга жалб этиш, ўзаро

нижоратни ташкил этиш, ўрнатилган мезонлар асосида ўз фаолияти натижаларини ўзаро баҳолаш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.¹

Ўқитувчининг таълим жараёнидаги фаолияти ва дарснинг самарадорлиги унинг самарали ташкил этилганлигига боғлиқдир. Яхши режалаштирилмаган етарлича ўйлаб чиқилмаган, шошилишч лойиҳаланган, ўқувчи-талабалар имкониятлари уйғунлашмаган дарс сифатли бўла олмайди. Энг юқори якуний натижага эришишни таъминловчи таълим-тарбиявий жараёни ташкил этувчи тадбирларни ишлаб чиқиш дарс самарадорлигини таъминлайди. *“Дарс самарадорлиги”* деганда икки таркибий қисмни кўриш мумкин, булар: *дарсга тайёргарлик кўриш ва дарсни ўтиш маҳоратидан иборат.*

Дарсга тайёрланиш – бу бутун бир тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, айти пайтда пировард натижани таъминлайдиган ўқув-тарбия жараёнини танлашдир.

Ўқитувчининг маълум бир фан асосида дарсга тайёргарлик кўришида куйидаги уч босқич муҳим аҳамиятга эга: *аниқлаш, яъни ташхислаш, олдиндан айтиб бериш, яъни башоратлаш; лойиҳалаш, яъни режалаштириш.* Бу ўринда ўқитувчининг материални яхши билиши, ўз фани доирасида эркин фикрлай олиши кўзда тутилади. У ўз шахсий мавзуга оид папкасини ёки ўқув комплексини (мажмуасини) юритиб, унга ўзи дарс ўтадиган фан соҳасидаги энг янги маълумотларни тўплайди, муаммоли масала ва топшириқларни, тест материалларини жамлайди. Умуман, муваффақиятли дарс ўтиш учун ўқитувчи амалий ва ўқув материални ишонч билан пухта эгаллаган бўлиши зарур.

Дарсга пухта тайёргарлик кўриш ишлари ўқув ахборотларини синф ёки гуруҳ ўқувчи-талабалари имкониятларига, юқори самара берадиган билиш меҳнати ва жамоа ҳамкорлигини ташкил этишда қулай шарт-шароит (шакл)ни баҳолаш ва танлашга *“мослашишга”* олиб келади. Дарс беришнинг оқилона шаклини танлаш учун ўқув машғулотини қатъий равишда режалаштириш зарур.

Унинг асосида дарсни тайёрлаш алгоритми (қоидалар мажмуи), барча муҳим омиллар ва ҳолатларни ҳисобга олишни кафолатлайдиган изчил тадбирлар бўлиши зарур.

Дарсга тайёрланиш алгоритми, яъни қоидалар мажмуини амалга ошириш муайян шарт-шароитларни *аниқлаш, яъни ташхислаш* билан бошланади. *Аниқлаш (диагностика яъни ташхислаш)* бу таълим-тарбиявий ишларни лойиҳалаш муносабати билан дарс

¹ А Холиков. Педагогик маҳорат. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009. 171-172-бетлар.

ўтишдаги барча вазиятларни **“очиб”** бериш билан – ўқувчи-талабаларнинг имконияти, уларнинг фаолияти ва ҳулқ-атвори мотивлари, ўқитиш даражаси талаб қиладиган эҳтиёжлар ва иштиёқлари, қизиқиш ва қобилиятлари, ўқув материалининг хусусияти, унинг амалий аҳамияти, дарснинг тузилиши, шунингдек, ўқув жараёнида бутун вақтни қандай сарфланишини – таянч билимларни такрорлаш (фаоллаштириш)га, янги ахборотларни ўзлаштиришга, мустаҳкамлаш ва системалаштиришга, билим, малакани текшириш ва хатоларни тўғрилашга кетган вақтни чуқур таҳлил этиш билан ифодаланadi. Ушбу босқич машғулотлар самарадорлигини белгиловчи омилларнинг таъсирини ёрқин тасаввур этиладиган **дарснинг диагностика картасини** вужудга келтириш билан яқунланади.

Демак, дарсга тайёрланишни таъхислашда ўқитувчи дидактик жараён кечадиган барча шарт-шароитларни ойдинлаштиради, унинг мақсад ва натижаларини белгилайди. Ўқитувчининг таъхислашда ўқувчи-талабаларнинг билимларни ўзлаштириш имкониятлари, уларнинг фаолиятлари ва ҳулқлари, мотивлари, талаб ва лаёқатлари, қизиқиш ва қобилиятлари, билимдонлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда тузатиш каби ҳолатлар намоён бўлади.

Олдиндан айтиб бериш (башоратлаш) бўлажак дарсни ўтишдаги турли вариантларни баҳолаш ва қабул қилинган мезонларга мувофиқ дарсни ташкил этишнинг энг маъқул вариантини танлашга қаратилган. Олдиндан айтиб беришнинг замонавий технологияси дарс самарадорлиги миқдорий кўрсаткичларини қуйидаги йўллар билан чиқаришга ёрдам беради. Дарснинг асл мақсади бўлган билим (кўникма ва малакалар) ҳажмини шакллантириш 100% деб қабул қилинади. Унга тўсқинлик қилувчи омиллар, табиий равишда бу кўрсаткични пасайтиради, йўқотишлар катталиги (у махсус методика орқали аниқланади) ва у идеал натижада чегириб ташланади, шундай қилиб, педагог ўйлаган (схема) шакл бўйича дарс самарадорлигининг эришиши мумкин бўлган аниқ кўрсаткичи аниқланади. Агарда бу кўрсаткич ўқитувчини қониқтирадиган бўлса, у дарсга тайёрланишнинг яқунловчи босқичини режалаштиришга ўтади. Қониқтирмаса – ўзгартириш мумкин бўлган омиллар воситасида дарсни ташкил этишнинг янада мукамал (схемаси) шаклини излашга мажбур бўлади.

“Лойиҳалаш” атамаси педагогика назариясига техника соҳасидан кириб келган бўлиб, **режа тузиш** маъносини англатади. **Лойиҳалаш (режалаштириш)** – дарсга тайёланишнинг яқунловчи

босқичи бўлиб, ўқувчи-талабалар билиш фаолиятини бошқариш дастурини тузиш билан тугайди. Бошқариш дастури бу – қисқа ва аниқ, эркин тузилган ҳужжат бўлиб, унда ўқитувчи таълим жараёнини бошқаришнинг ўзи учун зарур ўринларини қайд қилади, кимдан ва қачон сўраш, қаердан муаммони юзага келтириш, машғулотнинг кейинги босқичига қандай ўтиш кераклиги, олдиндан кўзланган қийинчиликлар пайдо бўлганда таълим жараёнини қандай шакл қайта қуриш яъни ўзгартиришни белгилаб олишга имкон берувчи фаолиятдир. Бошқариш дастури дарснинг аъъанавий режасида бошқариш таъсирини аниқ, равшан белгилаш билан фарк қилади. Бунда бошқарув қанчалик ўйлаб, синчковлик билан амалга оширилса, натижада юқори самарадорликка эришилади.

Ўқитувчининг биринчи вазифаси лойиҳалашни шакллантириш давриданоқ пайдо бўлади ва у маълум ўқув мақсадини кўзда тутати. Маълумки, ўқув мақсадлари педагогик фаолиятда муҳим омил, бу жараён иштирокчиларини маълум маънода ҳамкорликдан умумий натижага чорлайди ва йўналтиради.

Бошқариш жараёнининг моҳияти иштирокчилар хатти-ҳаракатларини ўқув мақсадига эришиш йўлида мувофиқлаштириш минимум фарқларга йўл қўйган ҳолда максимал натижага эришишдан иборат.

Таълим жараёнини бошқариш, энг аввало, ўқувчи-талабаларнинг билимларига асосланади: уларнинг тайёргарлик даражаси, имкониятлари, тарбияланганлиги, ривожланишга ташхислаш асосида эришилади. Ўқувчи-талабаларнинг жисмоний ўзига хос жиҳатлари ва руҳий ривожланганлиги уларнинг ақлий ва ахлоқий тарбияланганлик даражаси, яшаш шарт-шароитлари кабиларни билмасдан туриб, туғри мақсад қўйиб ҳам, унга эришиш воситаларини танлаб ҳам бўлмайди.

Ташхислаш, башорат этиш, лойиҳалаш, ривожлантириш ҳар қандай таълим-тарбия ишида ўқитувчининг тайёргарлик кўриш босқичидаги асосий вазифаларни қамраб олади.

Таълим-тарбиявий жараённинг иккинчи босқичида ўқитувчи ташкилотчилик, ахборотчилик, назоратчилик, баҳоловчилик ва ўзгартиришлар киритувчилик вазифаларини бажаради.



Учинчи босқичда йиғилган ахборотлар ўқитувчининг истиқ-
болдаги фаолиятини режалаштириш, такомиллаштириш, мақбул-
лаштириш учун асос бўлади.


10-шакл

Бошқариш жараёнининг моҳияти

Босқичлар	Фаолият натижалари	Вазифалари
	Мақсадни белгилаш	– мақсадни белгилаб олиш;
	↓	
	Ташхислаш	– ташхислаш;
	↓	
Тайёргарлик кўриш	Башорат этиш	– башорат этиш;
↓	↓	– лойиҳалаштириш;
Амалга ошириш	Лойиҳалаштириш	– режалаштириш;
↓	↓	– ахборотлар йиғиш;
Якунлаш	Ахборотларни йиғиш	– ташкил этиш;
	↓	– баҳолаш;
	Ташкил этиш	– назорат қилиш;
	↓	– ўзгартиришлар киритиш;
	Амалга ошириш	
	↓	
	Натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш	– аналитик таҳлил этиш.

Педагогик лойиҳалаштириш ўқитувчининг касбий фаоли-
ятида муҳим аҳамият касб этади, у ташкилотчилик, билиш, му-
лоқот ва бошқа вазифалар билан боғлиқ. Лойиҳалаштириш вазифа-
ларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ



Педагогик лойиҳалаштириш таълим-тарбия жараёнининг барча таркибий компонентларидан, шу жумладан, ўқитувчининг интеллектуал имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради. Педагогика назарияси педагогик лойиҳалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Умуман, таълим жараёни марказида унинг иштирокчилари, мақсад, вазифалари, мазмуни, методлари, ташкил этиш шакллари, воситалари яхлит ҳолда мужассамлаштирилиб, у иштирокчиларнинг бевосита ўзаро боғлиқ таъсири натижасида таҳсил олувчиларни ривожлантириш мақсадида лойиҳалаш (режалаш)-тирилади.

Ўқитувчининг ўз фани юзасидан умумий тайёргарлиги ҳар бир ўқув йили олдидан ва йиллар давомида олиб борилади. Бу тайёргарлик: а) *ўқиш йили бошланишига қадар маълум фан асосида ўзи дарс олиб борадиган синфлар ёки гуруҳлар ўқув режаси дастурини синчиклаб таҳлил қилиб чиқишдан*; б) *ўқитадиган фани бўйича умуман ва алоҳида мавзуларга оид дарслик, ўқув материаллари, илмий-оммабон адабиётларни ўрганиб чиқишдан*; в) *ўқитадиган фан ва умуман таълим-тарбия масалаларига оид методик адабиётлар билан танишиб чиқишдан*; г) *шу фан бўйича ва умуман алоҳида мавзулар бўйича янги нашр этилган тасвирий кўرғазма материаллари, шунингдек, янгидан жорий қилинган ўқув-тажриба асбоб-ускуна ва аппаратларини ўрганиш ва таҳлил қилиб чиқишдан иборат.*

Ўқитувчининг кундалик дарсга тайёргарлиги куйидагиларни ўз ичига олади:

а) синфлар ёки гуруҳлар ўқув дастурида кўрсатилган мавзунинг мазмуни ўқувчи-талабаларни қай даражада билим,

қўшиқма ва малакалар билан куроллантиришни талаб қилишини аниқлаш;

б) мавжуд дарслик ёки адабиётлар, шунингдек, кўргазмалар ўқув материаллари ўқув дастури талабига қанчалик жавоб бера олиншини ўрганиб, амалда қўлланиб келинаётган дарслик, машқ ва масалалар, тестлар, интеллектуал тренинглар тўпламининг параграфлари, бўлимлари ва қисмларига фан-техника тараққиёти ва ўқув дастури талабига кўра қандай тузатиш, ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш лозимлигини белгилаш;

в) ўтилажак дарсга материаллар киритиш лозимлигини белгилаш;

г) ўтилажак дарсга материаллар танлаш, ўқувчи-талабаларнинг амалий машқ қилишлари учун мисол ва масалалар тайёрлаш, мавзу юзасидан хулоса чиқариш, қонун-қоидаларнинг таърифини белгилаш. Ўқувчи-талабаларнинг мустақил таълими учун вазифалар тайёрлаш.

д) ўтиладиган мавзуга оид кўргазмалар ва тажриба асбоб-ускуналарини аниқлаш;

е) машғулот қандай дарс типи структураси ва ўқитиш методи билан олиб борилишини белгилаш. Бунда ўтилган мавзунинг ҳозирги мавзуга боғланиши ва кейинги мавзулар учун замин тайёрланиши, шунингдек, синф ёки гуруҳдаги айрим ўқувчи-талабалар билан олиб бориладиган индивидуал иш шакли назарда тутилиши;

ё) ўтилаётган дарснинг атрофлича пухта ишланган режасини тузиш.

Ўқитувчининг ўз дарсини таҳлил қилиши. Ўқитувчи ўз фаолиятини ҳамкасблари таҳлил қила олганидек, ўз дарсини таҳлил қилиши зарур. Бусиз ўқитувчилик касбида ривожланишга эришиб бўлмайди. *Хўш, ўқитувчининг ўз дарсини таҳлил қилишининг ўзинималардан иборат? У қандай таълим принципларига асосланади?*

Бизнингча, таълим жараёнида ўқитувчи ўзининг педагогик фаолияти, яъни дарсини, таҳлил қилганда, унинг барча таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш, уларнинг узвий боғлиқлигини чуқур тушуниш, ўқитувчи қўйган масалалар, уни ечиш йўллари ва кўзланган мақсадлар қанчалик уйғунлашиб кетишини ҳис этиши лозим. Бунда:

- биринчидан, биз ҳамкасбимиз дарсини ташқаридан кузатишимиз ва фаолиятини таҳлил қилишимиз;

- иккинчидан, ўзимиз учун алоҳида аҳамиятга молик бўлган ўз ҳаракатларимизни таҳлил қилишимиз керак.

Бундай таҳлил (анализ) йўлларини эгаллаш учун муайян босқичдаги ишларни бажармоқ зарур.

Биринчи босқич – педагогика фанининг янги ғоялари, педагогик фаолиятнинг тузилиши, унинг асосий таркиби, унинг бошқа фанлар билан ўзаро таъсири ва ўзаро алоқаси билан танишиш.

Иккинчи босқич – таҳлил, қайд этиш, рўйхатга олиш, хронометрлаш йўлларини ўрганиш.

Ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятини таҳлил (анализ) қилиш шакли тузилиши куйидагича:

Педагогик топшириқлар:

– дарс (мавзу)га қандай аниқ вазифалар кўйилган:
а) ривожлантирувчи; б) тарбияловчи; в) таълим берувчи.

– улар қайси умумий вазифанинг бир қисми бўлиб ҳисобланади?

– Дарсда барча топшириқлар бажариладими?

– Дарс давомида вазифалар ўзгарадими? Ўзгарган бўлса, нима учун?

Педагогик восита ва усуллар:

– Мазкур синф ёки гуруҳни алоҳида ўқувчи-талабаларининг хусусиятлари эътиборга олиними?

а) уларнинг ақлий ва психик ўсиш даражаси; б) потенциал имкониятлари; в) фанни билиш даражаси; г) ҳиссий ҳолатлар ва дарсга тайёргарлиги; д) қандай ҳисобга олинади? Агар ҳисобга олинмаган бўлса, нима учун?

Мазкур синф ёки гуруҳ билан ишлашга ўқитувчининг хоҳиши қандай эди? Дарсга тайёргарлик даражаси-чи?

– Дарсга тайёргарликда қандай усул ва йўллардан фойдаланилади? Дарсда вақт тақсмоти қандай бўлади? У мақсадга мувофиқми? Педагогик масалаларни ҳал қилиш учун қўшимча материалдан фойдаланилдими? Қандай мақсадда?

– Мавзуга оид мажбурий материал қайта кўрилди? Бу ижобий натижага олиб келди? Агар олиб келмаган бўлса, нима учун? Дарсда қўтилмаган вазиятлар юз берди? Қандай? У қандай ҳал этилди?

ДАРСНИНГ УМУМИЙ БАҲОСИ (БАҲОЛАШ)

– Ўқитувчи ўқувчи-талабалар билан ишлашдан қониқиш ҳосил қилди?

– Уқувчи-талабалар қандай ишлашди? Ижодий муҳит вужудга келтирилдими?

– Айрим уқувчи-талабаларда ва бутун синф ёки гуруҳда қандай қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлди? Режалаштирилган масалалардан нима амалга оширилди? Нима амалга оширилмади? Нима учун?

– Педагогик топшириқларни бажариш воситаларини тўғри (нотўғри) танлашда муваффақиятсиз (омадсиз)лик сабаб бўлдими? Улар қандай воситалар эди? Ёки бошқа сабаблар борми?

Келгусида ушбу дарс тажрибасини ҳисобга олса бўладими?

Оддий ўқитувчи ва тажрибали ўқитувчининг бирор масалага ёндашувларидаги фарққа эътибор қилинг-а! Масалан, қаршимизда икки параллел синф ёки гуруҳ турибди, уларнинг назарий тайёргарлиги ҳам, эмоционал етуклиги ҳам деярли бир хил воситалар ёрдамида бажариш мумкин. Афсуски, кўп ўқитувчилар худди шундай қилади. Бироқ тажрибали устоз-ўқитувчи бошқача йўл тутади. Бир синф ёки гуруҳда у воқеаларнинг ташқи таъсирига урғу беради, бошқа синф ва гуруҳда таълим жараёнлари кечиши мантиқига эътибор қилади.

Бирода дарс вақтини шундай тақсимлайдики, янги материални тушунтириш давомида мавзунинг асосий ўринларига диққатни алоҳид қаратиб, уни бир неча марта такрорлайди, иккинчисида эса дарс охирида қисқача баён этади, холос. Шу тарзда бир масалани икки хил кўринишда ҳал қилади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ўқитувчи таълим жараёнида дарсга тайёргарлик куриши натижаларини англаб етиши унинг педагогик фаолиятни амалга оширишини янада такомиллашган усуллари излаш ва уларни ўзлаштириш заруриятини таъминлайди. Таълим жараёнида ўқитувчи эришиши лозим бўлган ютуқлар кўп жиҳатдан ҳар бир дарсни пухта лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкил этиш, натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилишига боғлиқдир.

4.5. ДАРС ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ДИДАКТИК ВАЗИФАЛАРИ

Таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқдир.

Таълим жараёнини амалга оширишга ёрдам берувчи воситалар таълим воситалари деб аталади.

Умуман, таълим воситалари ўқувчи-талабалар учун таълим жараёнида атроф-муҳитни ва ўрганилаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини чуқур англашга ёрдам беради. Ўқитувчи учун, ахборот негизи сифатида, таълим жараёнини ташкил қилишда ва билимни назорат қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Таълим воситаларини фойдаланилиши жиҳатидан қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

12-шакл




Таълим берувчи учун воситалар: ўқув-методик қўлланмалар, методик тавсиялар, методик ишланмалар, ўқув дастурлари, дарс режаси, маъруза матни.

Таълим оловчи учун воситалар: дарсликлар, ўқув қўлланма, жадваллар, йўл-йўриқ хариталар, технологик хариталар, топшириқ варақалари ва ҳаказолар.

Дарс ўтказиш учун воситалар: плакатлар, моделлар, макетлар, жиҳозлар, аудиовизуал воситалар, техник воситалар, реал воситалар.

Баъзи ҳолларда таълим олувчи учун мўлжалланган таълим воситаси таълим берувчи учун ҳам, дарс ўтказиш учун ҳам талаб этилади. Танлаб олинган метод, шакл ва воситалар бир-бирини тўлдириши керак. Бундан ташқари таълим воситаларини хусусиятларига кўра қуйидаги 3 турга ажратиш мумкин:

13-шакл



Таълим воситаларини ўқув мақсадлари жиҳатдан визуаллаштириш воситаларининг турларини функцияси хусусиятларига кўра қуйидаги олти турга ажратиш мумкин:

Ўқув мақсадлари жиҳатидан визуаллаштириш воситаларининг функцияси ва турлари

**Матн-
визуал
воситалар**

Маълумот олиш ва маълумотларни қайта ишлаш учун:

- Ўқув дастурлари.,
- Махсус адабиётлар: дарслик ва ўқув қўлланмалари маъруза матилари.,
- Ўқув-дидактик материаллар, таркатма материаллар.,
- Имтихон ва назорат варакалари.,
- Ксерокучирма ўқув материаллари.



**Тасвири-
визуал
воситалар**

Умумий тасаввурни вужудга келтириш учун:

- Фотосуратлар ва тасвирлар.,
- Эскиз, чизма ва шакл (схема)лар.,
- Рамзий тасвирлар, режа-жадваллар, символлар, географик хариталар.,
- Диаграмма ва графикалар, плакатлар.



**Аудио-
визуал
воситалар**

Жараёнлар ва ишлаш механизмлари тўғрисида тасвир ва овоз орқали ҳақиқий тасаввурларни вужудга келтириш учун:

- Видеофильмлар.,
- Фильмлар.,
- Диа-товушли махсулотлар, Power Point материаллари.,
- Компакт дисклар (CD-Rom), аудиокассеталар.,
- Электрон дарсликлар.



**Ёрдамчи
(жихозли)
-визуал
воситалар**

Тасвир ва матнни ёзиш ҳамда сақлаш учун:

- Доскалар (бўр доска, оқ доска, магнит доска),
- “Пинборд” доскаси.,
- Видеопроектор, видеопроектор экранни.,
- Кодоскоп.,
- Компьютер.,
- Флипчарт.,
- Аудиомагнитофон, видеомагнитофон.,
- Телевизор, видеофильмлар, мультимедиа.



**Моделли-
визуал
воситалар**

Ўрганилаётган объектнинг модели орқали у ҳақда тасаввур ҳосил қилиш учун:

- Моделлар.,
- Макетлар.,
- Тренажерлар.,
- Муляжлар.



**Ҳақиқий-
визуал
воситалар**

Ўрганилаётган объектлар ҳақида ҳақиқий тасаввурни вужудга келтириш учун:

- Асбоб-ускуналар, жихозлар, дастгоҳлар, машиналар, тракторлар.,
- Станоклар.,
- Ярим тайёр ва тайёр махсулотлар.,
- Хом ашёлар.



Назарий дарсларда таълим берувчилар асосан матнли ва ёрдамчи воситалардан мисол учун дарслик ва тарқатма материаллардан ва техник воситалардан фойдаланадилар.

Ўқитувчи амалий машғулотларда кўпроқ тасвири ва реал воситалардан, яъни эскиз, чизмалар (шакллар), асбоб-ускуналардан фойдаланадилар.

Овоз ва товушли (аудио), шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган аудиовизуал воситалар – жараёнлар ва вазифалар тўғрисидаги кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Ишлаб чиқариш соҳасига тегишли реал нарсалар, яъни ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар, хом ашёлар, асбоб-ускуналар, машиналар, тракторлар, станоклар ва бошқалар дарс жараёнида дидактик вазифага эга бўлса, ўқув воситаси сифатида қўлланиши мумкин.

Таълим жараёнида ёрдамчи, яъни техник воситалардан фойдаланиш жуда муҳим ўрин эгаллайди. Улар доска, флипчарт, пинборд доскаси, кодоскоп, видеопроектор кабилардир. Ушбу техник ёрдамида машғулотларни замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда олиб бориш ҳамда таълим олувчиларнинг диққатини жалб этишда фойдаланиш мумкин. Техник воситалар маълумотларни визуаллаштиришга ёрдам бериб, керакли тасвир ва матнларни ёзиб олиш ва сақлаш имконини беради. Таълим берувчилар доска тасвирлари, флипчарт тасвирлари ва кодоскоп слайдлари каби визуал воситаларни ўзлари ишлаб чиқарадилар. Шу сабабли ўқитувчи техник воситалардан фойдаланиш қоидаларини билиши, уларнинг афзалликлари ва камчиликларини ҳисобга олиши лозим. Қуйида *бўр доска, флипчарт, кодоскоп, пинборд доскаси ва видеопроектор* каби техник воситалардан фойдаланиш бўйича йўл-йўриқлар беришга ҳаракат қиламиз.

Бўр доска назарий ва амалий (семинар) дарсларида энг кўп қўлланиладиган ўқув воситаси ҳисобланади.

Доскадан фойдаланишни аввал пухта режалаштириб олиш зарур. Бунинг учун утиладиган мавзу бўйича доскага ёзиладиган матн ва чизмалар тартиб билан режалаштирилиб, қоғозга хомаки варианты ишлаб чиқилади.

Доскадан фойдаланишнинг асосий қоидалари:

- барча ёрдамчи воситаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш;
- доскага аниқ ва орфографик хатоларсиз ёзиш;

- матн ёки чизмалар ораликларини бир хил тақсимлаш;
- рангли бурларни дидактик талабларга мос келган ҳолатда ишлатиш;
- таълим олувчилар билан “кўз алоқаси”ни сақлаб туриш;
- фақат бир томоига эмас, барча таълим олувчиларга қараб гапириш;
- ўзлаштириш натижаларини текшириб туриш;
- муҳим бўлган маълумотларга алоҳида эътиборни ёрдамчи воситалар ёрдамида киритиш.

Досканинг афзалликлари:

- арзонлиги;
- маълумотларни тақдимот қилиш учун қулайлиги;
- ёзувлар ёзиш учун ишлатилиши;
- асосий пунктларни тушунтириш учун фойдаланиш мумкинлиги;
- чизма ва графикларни чизиб кўрсатиш мумкинлиги;
- диққатни жалб қилиш учун фойдаланилиши.

Доскадан фойдаланишдаги камчиликлар:

- доскага диққат билан ёзиш таълим берувчидан доскага қарашини талаб қилади, бунинг учун у таълим олувчиларга тесқари ўгирилишга мажбур бўлади;
- доскадаги ёзув (тасвир) сақланиши мумкин эмас, шунинг учун уни қайта қўллаб бўлмайди;
- доскага ёзиш кўп вақтни талаб қилади.

Флипчарт доскасининг асосий қулайлиги шундаки – бу матнни ўчирмасдан ёзиб кетавериш имкониятининг борлиги, яъни жой этишмаслигидан ёзилган ёзувларни ўчиришга ҳожат йўқ, фақат етарлича қоғоз бўлиши талаб этилади. Шундай қилиб, барча фикр-мулоҳазаларни сақлаш мумкин, ҳатто бир неча кундан сўнг бу қоғозни яна доскага осиб қўйиш ва мунозарани давом эттириш мумкин. Флипчарт бошқа қулайлиги синф хонаси ёки аудиториядаги девор ёки доскага бирин-кетин ҳамма варақларини ёпиштириш имконияти ҳисобланади. Бир гуруҳ ишининг натижаларини бир пайтда кўриш, таққослаш ва сақлаб қолишнинг бунга тенг бошқа имконияти йўқ.

Флипчарт доскадан нима мақсадда фойдаланлади?

- гуруҳий баҳс-мунозараларнинг натижаларини сақлаш ва уларни келажакдаги тadbирларда ишлатиш учун;
- жараённинг босқичларини кўрсатиш учун;

- тақдимотни ташкиллаштириш учун;
- турли масалалар бўйича асосий қисмларини ажратиб кўрсатиш учун.

Флипчарт досканинг афзалликлари:

- флипчарт доскани керакли жойга силжитиш мумкинлиги;
- фойдаланишнинг қулайлиги;
- тақдимот учун фойдаланиш мумкинлиги;
- варақаларни сақлаб қўйиб, керакли вақтда ундаги маълумотлардан такрор фойдаланиш мумкинлиги;
- турли рангли маркерлардан фойдаланиш имконияти;
- ўқувчи-талабаларнинг диққатини жалб этиш учун фойдаланиш мумкинлиги.

Флипчарт досканинг камчиликлари:

- ёзув тушунарли бўлиши керак, акс ҳолда уни ўқиш қийин бўлади;
- хато ёзмастикка ҳаракат қилиш керак, акс ҳолда ҳамма тўғриланган жойлар доим кўриниб туради;
- варақларни нусхалаштириш фақат фотосурат ёки кўчириб ёзиш орқали мумкин эмас халос;
- кўп флипчарт қоғозлари талаб этилади.

Кодоскоп таълим берувчи учун сатҳ (экран), шунингдек, плёнка-слайдлар ўқув материални энг юқори даражадаги тақдимот қилиш имкониятини беради. Кодоскопнинг асосий қулайлиги шундаки, плёнка-слайдларни компьютерда ёки қўлда профессионал даражада тайёрлаш мумкин. Улардан исталган вақтда фойдаланиш ва иш ўрни ўзгарганида бошқа жойга ўтказиш мумкин. Аммо кодоскопнинг фақат сифати эмас (ёруғлик кучи), балки ишлаб чиқилган слайдларнинг сифати ҳам муҳимдир.

Слайдларни тайёрлаш учун қуйидаги материаллар керак бўлади:

- аудетатли қоғоз – сунъий толадан қилинган тиниқ қоғоз;
- алоҳида қопламага эга, нусхалаштириш мумкин бўлган слайдлар;
- слайдларга ёзиш учун фломастерлар (доимий ёки сув билан ўчириш мумкин бўлган);
- слайдларни тозалаш учун спирт;
- символли асбоблар (шаблонлар, чизғич ва шу кабилар).

Кодоскопдан фойдаланишдан олдин унинг беҳато ишлашини ва тозалигини текшириш лозим. Слайдлар тақдимот қилинишидан аввал тартиб билан мантиқий кетма-кетликда тайёрлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Тақдимот давомида экранга эмас, балки таълим олувчиларга қараб нутқ тезлигига эътибор берган ҳолда гапириш керак. Таълим олувчилар билан доим “қўз алоқаси”ни сақлаб туриш ва барча таълим олувчиларга қараб гапириш лозим.

Слайдларга ишлов беришда шрифт (ҳарф) тури ва шрифт катталиги бўйича қоидаларга риоя қилиб, яхши ўқилиши мумкин бўлган слайдларни ишлаб чиқиш керак. Бундан ташқари слайдларни тайёрлашда уларнинг дизайнига ҳам катта эътибор бериш, ранглари ҳаддан ташқари кўп ишлатмаслик лозим.

Кодоскопнинг қулайликлари:

- кодоскопни бошқа жойга силжитиш мумкинлиги;
- фойдаланишнинг қулайлиги;
- слайдларни қўлда, фотонусха ва компьютер ёрдамида тайёрлаш мумкин;
- слайдларнинг катта гуруҳга кўринарли бўлиши;
- бир марта тайёрланиб, улардан бир неча бор фойдаланиш мумкинлиги;
- рангли тасвирни қўллаш мумкинлиги;
- таълим берувчи таълим олувчилар билан “қўз алоқаси”ни доимо сақлаб туриши мумкинлиги.

Кодоскопнинг камчиликлари:

- кодоскоп бўр доска ёки флипчарт доскага қараганда қимматроқ;
- кўпинча такрорланадиган хато: бир слайдга ҳаддан ташқари кўп маълумот ёзилади;
- слайд устида тўғрилаш кўпинча мураккаб (кодоскоп нуридан доимо кўринади);
- ранглardan ташқари кўп фойдаланиш;
- кўп электр энергиясини талаб қилади.

Пинборд инглизча сўз бўлиб, (“пин” – маҳкамлаш, “борд” – доска) доскага мустаҳкамлаш деган маънони англатади.

Қоидага кўра, пинборд доскаси устига ўраш учун қоғоз тортилади ва кўшимча керакли материал сифатида турли ранг ва шаклдаги карточкалар бўлишини талаб қилади. Улар пинборд доскасига игналар билан мустаҳкамланади. Ишни тугатганда сўнг

карточкаларни ўраш қоғозига ёпиштириш ва уларни навбатдаги тadbирлар учун қўллаш мумкин. Карточкалар махсус рангли фломастерлар ёки маркерлар билан ёзилади. Бу восита асосан йиғилишларда муҳим ўрин эгаллайди, чунки бу восита ёрдамида қарорлар, муаммоларни ишлаб чиқиш ва гуруҳий баҳс-мунозараларни бошқаришни кўргазмали қилиш мумкин.

Пинборд доскасининг афзалликлари:

- пинборд доскани силжитиш мумкинлиги;
- маълумотларни доскага мустаҳкамлаш имконияти;
- карточкаларни гуруҳлаш имконияти;
- турли рангли қоғозлардан фойдаланиш мумкинлиги.

Пинборд доскасининг камчилиги:

- кўп қоғоз талаб этилиши;
- карточкадаги ёзувларнинг турли-туманлиги.

Видеопроектор ўқув жараёнида қўлланиладиган замонавий воситалардан бири ҳисобланади. Видеопроектордан фойдаланиш учун компьютер қурилмалари талаб этилади. Олдиндан тайёрланган ўқув материалларини компьютерга уланган видеопроектор орқали махсус экранга тақдимот этиш мумкин. Компьютер хотирасида ёки компакт диск ва оддий дискетдаги материалларни видеопроектор орқали таълим олувчиларга намойиш қилиш мумкин. Видеопроектор кодоскоп каби таълим берувчи учун энг юқори даражадаги тақдимот имкониятини беради. Асосий материалларни компьютерда таълим берувчи ўзи тайёрлаши мумкин ёки профессионал даражада тайёрланган электрон дарсликлардан фойдаланиш мумкин. Ўқув материалларини турли компьютер дастурларида, жумладан, **Word, Excel, Power Point, Corel Draw** дастурларида тайёрланиши мумкин.

Видеопроектордан фойдаланишдан олдин унинг беҳато ишлашини текшириш лозим. Тақдимот давомида экранга эмас, балки таълим олувчиларга қараб нутқ тезлигига эътибор берган ҳолда гапириш керак. Таълим олувчилар билан доим “**кўз алоқаси**”ни сақлаб туриш ва барча таълим олувчиларга қараб гапириш лозим.

Видеопроекторнинг қулайликлари:

- видеопроекторни бошқа жойга силжитиш мумкинлиги;
- ўқув материалларини компьютер ёрдамида турли кўринишда тайёрлаш мумкинлиги;

- ўқув материалидаги камчиликларни тезда тузатиш ва такомиллаштириб бориш имкониятининг мавжудлиги;
- анимациялар орқали тасвирларни “жонлантириш” ва ҳаракатлантириш имконияти;
- ўқув материалларининг катта гуруҳга кўринарли бўлиши;
- бир марта тайёрлаб, улардан бир неча бор фойдаланиш мумкинлиги;
- рангли тасвирни қўллаш мумкинлиги;
- таълим берувчи таълим олувчилар билан “кўз алоқаси”ни доимо сақлаб туриши мумкинлиги.

Видеопроекторнинг камчиликлари:

- видеопроектор бошқа техник воситаларга нисбатан қимматроқ;
- таълим берувчидан компьютер ва видеопроектордан фойдаланиш кўникмасининг талаб этилиши;
- фонни ва ранглари нотўғри танлаш оқибатида кўзнинг толиқиши;
- анимациядан нотўғри фойдаланиш оқибатида берилаётган мазмуннинг иккинчи даражали бўлиб қолиши ва “шоу” (*тамоша*)га айланиб кетишига олиб келиши;
- кўп электр энергиясининг талаб этилиши.

Шунингдек, техник воситаларни дарс жараёнида ўз ўрнида ва самарали фойдаланилса, таълим жараёнида ўқув материали мазмунини ўзлаштиришга катта ёрдам беради. Юқорида таъриф берилган таълим ва техник воситалар дарс жараёнини кўргазмали қилишга, ўқув материалларининг ўзлаштирилишини енгиллаштиришга ва таълим олувчиларнинг мотивациясини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, кўргазмалилик, тушунарлилик ва мисол-намуналар каби дидактик тамойиллардан самарали фойдаланишга имконият яратади. Чунки таълим ва техник воситалардан фойдаланишнинг моҳияти, таълим олувчиларда билимларни кўргазмали ва имкон қадар реал ҳаётга яқин ҳолда шакллантиришдан иборатдир.¹

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дарс жараёнида таълим ва техник воситалардан фойдаланишнинг дидактик вазифалари қуйидагилардан иборат:

¹ Х.Рашидов, Х.Ҳабиб, Г.Елдашева, А.Закиров. Касбий педагогика. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: 2007, 93-98, 109-112-бетлар.

– урганиладиган ҳодиса ёки объект ҳақида тўлиқ ва аниқ ахборот бериш, шу билан таълим сифатини оширишга имконият яратиш;

– ўқувчи-талабаларнинг англашга бўлган қизиқиши юқори даражада ривожланишига ёрдам бериш;

– таълимнинг кўргазмали бўлишини кўтариш, ўқувчи-талабалар учун қийин бўлган материалларни тушунишини таъминлаш;

– ўқувчи-талабалар меҳнатини унумли қилиш, шу асосда ўқув материалларини ўрганишни тезлаштириш;

– дарсда ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишларини кўпроқ уюштириш ва ҳаказолар.¹

4.6. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Ахборот объектлар, ҳодисалар, жараёнлар ҳақидаги хабарлар тўпламидир. Олинган ахборотлар белгили, матнли ва графикали кўринишда фйдаланади. Белгили кўринишдаги ахборот асосан ҳарфлар, рақамлар, белгилар ва шу каби белгилар кўринишдан иборат бўлади. Ундан турли ҳодисалар ҳақида мураккаб бўлмаган сигналларни узатиш учун фйдаланилади. Масалан, кўчадаги светофорнинг яшил чирोगи транспорт ва йўловчи одамларнинг ҳаракатланишини билдирса, қизил чироқ эса, аксинча, ҳаракатланишни тақиқлайди. Сарик чироқ эса кўча ҳаракатини алмашилиши ҳақида хабар беради. Матнли кўриниш ахборотни тасвирлашнинг деярли мураккаб кўринишидир. Бунда ҳам юқорида келтирилганидек ҳарфлар, рақамлар, математик белгилардан фйдаланилади. Лекин, ахборотни тасвирлашда нафақат мазкур белгилардан фйдаланамиз, балки уларни тутган ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, *"нок"* ва *"кон"* сўзлари бир хил ҳарфлардан иборат бўлсада, лекин турли хил ахборотни билдиради. Матнли белгилардан амалда жуда кенг фйдаланилади. Жаҳонда жуда кўплаб китоблар, ойномалар, кўчаник рўзномалар ва ҳаказолар матнли кўринишда чоп этилмоқда. Ахборотни тасвирлашнинг жуда катта ва мураккабли кўриниши графикали кўриниш ҳисобланади. Бунга турли хил шаклларнинг табиий кўриниши, фотография, чизмалар, схемалар ва расмлар киради.

¹ А. Зуннунов, У. Маҳмамов. Дидактика. Ўқув қўлла: ма. – Т. "Шарк" ЎзАКБТ, 2006, 72-23-бетлар.

Бир-биримиз билан ўзаро алмашинаётган ахборотлар нутқ ёки ёзма шаклда бўлиб, белгили ахборотлар деб аталади. Улар ёзма матнлар, ҳарфлар, тиниш белгилар, рақамлар ва бошқа белгилардан иборат бўлади.

Оғзаки нутқ ҳам белгилардан иборат, лекин бу белгилар ёзма эмас, балки овозлидир. Тилшунослар буни фонемлар деб атайдилар. Фонемлардан сўзлар йигилади, сўзлардан эса иборалар ҳосил бўлади. Ёзма белгилар ва овозлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжуд. Дастлаб овоз, сўнгра ёзув пайдо бўлган. Инсон нутқини қоғозга туширишнинг зарурати туфайли, ёзувга эҳтиёж пайдо бўлган. Алоҳида ҳарфлар ёки ҳарфлар бирикмаси нутқ овозини; тиниш белгилар эса паузаларни, интонацияларни ифодалайди.

XX асрнинг 70-йилларида микропроцессор технологиясининг кашф этилиши ва шахсий компьютерларнинг ҳаётимизга кенг кириб келиши, янги “*ахборот инқилобини*” вужудга келтирди. Бу инқилоб янги соҳа ҳисобланмиш, яъни билимларни ишлаб чиқиш учун янги технологиялар, услублар, техник воситаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ахборот саноатини ривожланишини илгари сурмоқда. Ахборот технологиялари, хусусан, телекоммуникациянинг барча турлари ахборот саноатининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Ахборот технологияси – объект, жараён ёки ҳодисанинг ҳолати ҳақида янги сифат ахбороти олиш учун маълумотлар йиғиш, ишлов бериш ва узатишнинг восита ва услубларининг жамлан-масидан фойдаланадиган жараёндир.

Телекоммуникация – компьютер тармоқлари ва замонавий техник алоқа воситалари негизида маълумотларни масофадан узатишдир.

Замонавий ахборот технологияси компьютер техникаси ва алоқа воситалари соҳасидаги ютуқларга таянади. Ҳозирда компьютер техникаси ва ахборот технологияларининг гуркираб ривожланиши турли хил ахборотдан самарали фойдаланишга қаратилган ахборот жамиятининг ривожланишига тўртки бўлди. Бу жамиятда кўпчилик ишловчилар ахборот, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқиш, сақлаш, ишлов бериш ва амалга ошириш билан банд бўладилар. Ахборот жамиятида компьютерлаштириш жараёни одамларга ишончли ахборот манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборотга ишлов беришни автоматлаштиришнинг юқори даражасини таъминлашга имкон

берилади. Бу жамиятда нафақат ишлаб чиқариш, балки бутун турмуш тирчи, қадриятлар тизими ҳам ўзгаради. Жами фаолият миқсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол этишга йўналтирилган саноат жамиятига нисбатан ахборот жамиятида тафаккур, билимлар ишлаб чиқарилади ва истеъмол этиладики, бу ҳолатлар аклий меҳнат улушининг ошишига олиб келади. Ҳар бир инсондан ижодиётга қобилият талаб этиладики, натижада билимларга бўлган эҳтиёж янада ошади. Ушбу жамиятнинг моддий ва технологик негизини компьютер техникаси ва компьютер тармоқлари, ахборот технологиялари, телекоммуникация алоқалари асосидаги турли хил тизимлар ташкил этади. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнида энг муҳим тушунчалардан бири ахборот заҳиралари ҳисобланади. Ахборот заҳиралари-алоҳида ҳужжатлар, ахборот тизимлари, яъни кутубхона, архив фонди, маълумотлар банклари, шунингдек, бошқа ахборот тизимларидаги ҳужжатлар тўпламидир.

Ҳозирда мультимедиа таълим жараёнида жуда кўп ишлатилмоқда. Таълимда мультимедиа технологиясини тадбиқ этиш учун дастлаб, *“Мультимедиа нима ўзи?” деган саволга жавоб берайлик. Мультимедиа- тасвири маълумотлар билан ишлашга қодир бўлган восита ҳисобланади. «Мультимедиа» сўзи латинча «медиа» сўзидан олинган бўлиб, «маълумот ташувчи восита» деган маънони англатади.* Мультимедиа компютерлар сўз, мусиқа ва бошқа овозли маълумотлар, видео маълумотларни қабул қилади ва улар устида ишлайди. Мультимедиа тушунчаси ҳаётимизга 90-йилларнинг бошларида кириб келди. Кўпгина мутахассислар бу атамани турли хил изоҳламоқдалар. Уларнинг фикрларини умумлаштириб мультимедиага шундай таъриф бериш мумкин: **мультимедиа – бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида ахборотнинг анъанавий ва оригинал турлари аудио, видео, матн, графика ва анимация объектларнинг фазодаги ҳаракати самарадорлиги асосида ўқув материалларини ўқувчи-талабаларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўринишидир.**



Мультимедиа ҳозирда жуда тез гуркираб ривожланаётган замонавий ахборот технологияси бўлиб, у куйидагиларни ўз ичига олади:

- анъанавий ахборот турлари, яъни матн, жадвал, турли хил безаклар ва оригинал ахборот турлари – нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) кўринишидаги ахборот турларини бир дастурий маҳсулотда мужассамлаштирилганлиги;

- видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий процессор тез ҳаракатчанлиги, маълумотларни узатиш шинасининг ўтказиш қобилияти, оператив ва видео-хотира, катта сизимли ташқи хотира, ҳажм ва компьютер кириш-чиқиш каналлари бўйича алмашуви тезлигини тахминан икки барабар оширилиши талаб этилади;

- "инсон-компьютер" интерактив мулоқотининг янги даражасини таъминланиши. Бунда мулоқот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни оладиги, мазкур ҳолат таълим, ишлаш ёки дам олиш шароитларини яхшилашга имкон беради.

Таълим жараёнида мультимедиа воситалари ёрдамида дарсларнинг самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб

мислаларидандир. Ривожланган ҳорижий давлатларда ўқитишнинг бу усули таълим соҳасининг барча йўналишлари бўйича тадбиқ қилинмоқда. Ҳозирда амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, мультимедиа воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларни ўқитиш икки баробар самарали бўлмоқда. Мазкур восита ёрдамида ўқитишда анъанавий таълим усуллариغا нисбатан ўртача 30 фоизгача вақтни тежаш мумкин ҳамда олинган билимлар ўқувчи-талабалар хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади. *Маълумки, эшитган материалнинг тўртдан бир қисми хотирада қоладиган бўлса, ўқувчи-талабаларга берилаётган материалларни видео (кўриш) орқали амалга оширсак, ахборотни хотирада сақланиб қолиши ва тасаввур қилиш имконияти 25-30 фоизгача ошади. Шунингдек, мазкур ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлаштирилган ҳолатда ўқувчи-талабаларга берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 75 фоизга ошиши кузатишмоқда.*

Таълим соҳасида мультимедиа воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларга билим бериш қуйидаги афзалликларга эга:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги;
- маълумотларни визуаллаштириш имконияти;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имкониятига эришуви;
- олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришуви.

Лекин, мазкур воситани таълим жараёнига қўллашнинг айрим муаммолари ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

- таълим учун зарур бўлган ўқув материалларини ҳамда бошқа зарурий кўрсатмаларни қўлланма шаклида компьютер дастурлари кўринишида ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган компьютер дастурлари учун мультимедиа элементларини қўллаш.

Ўқув материалларини яратиш бўйича ҳозирда Республика-мизда катта ишлар қилинмоқда. Бунга етакчи методист мутахассислар жалб қилинган бўлиб, ўқув ва дидактик материаллари таълим йўналишлари бўйича яратилмоқда.

Компьютер ёрдамида ўқув ва дидактик материаллар деярли профессионал даражада ишлаб чиқилиши мумкин. Матнни кўлзма шаклида тайёрлаб олиш керак. Матн тайёр бўлгач, уни қайта ишловчи дастур, мисол учун **Word** дастури орқали компьютерга

киритиш мумкин. Графикларни киритиш учун **Power Point** тақдимот дастуридан фойдаланилади. Иккала дастур бирга матн ва график комбинациясини амалга оширишга ёрдам беради.

Microsoft Power Point – универсал, имкониятлари кенг булган, кўргазмали графика амалий дастурлари сирасига киради ва матн, расм, чизма, графиклар, анимация эффектлари, овоз, видеоролик ва бошқалардан ташкил топган слайдларни яратиш имконини беради.

Слайд – маълум бир ўлчамга эга булган мулоқот варақлари ҳисобланади. Унда бирор мақсад билан яратилаётган намоиш элементлари жойланади.

Слайдлар кетма-кетлигидан иборат тайёр тақдимотни компьютер экранида, видеопроектор ёрдамида катта экранда намоиш қилиш мумкин. Тақдимотни ташкил қилиш — слайдлар кетма-кетлигини лойиҳалаш ва жиҳозлаш демақдир.

Тақдимот ахборот технологиясининг самарадорлиги кўп жиҳатдан тақдим этувчи шахсга, унинг умумий маданияти, нутқ маданияти ва ҳаказоларга боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Power Point дастури **Microsoft** фирмасининг **Windows** қобиғи остида яратилган бўлиб, ушбу дастур презентациялар (тақдимот қилиш, яъни таништириш) билан ишлаш учун энг қулай булган дастурий воситалардан биридир. Бу дастур орқали барча кўргазмали қуроолларни яратиш ва баъзи жойларда эса маълумотлар базаси сифатида ҳам қўллаш мумкин. Айрим ҳолларда, бу дастурдан мультимедиа воситаларини бошқариш ва уларни қўллаб, намоиш этувчи қурилмаларга юбориш вазибаларини ҳам бажариш мумкин.

Power Point дастурида тақдимот материалларини тайёрлаш қуйидаги босқичлардан иборат:

- гоаянинг шаклланиши;
- маълумот йиғиш;
- режа тузиш;
- матн танлаш;
- дизайн танлаш;
- анимация танлаш.



Юқоридаги 16-шаклдан кўриниб турибдики, тақдимот материалларини тайёрлашнинг *биринчи босқичи* тайёрланадиган материал бўйича гоёнинг шаклланишидир. Яъни материал кимлар учун мўлжалланган ва қандай кўринишда бўлиши тўғрисида яратувчида бир неча гоёлар шаклланади. *Иккинчи босқичда* материал бўйича керакли маълумот йиғилади. Ушбу маълумотлар мавзуға тааллуқли ва аниқ мақсадга қаратилган бўлиши лозим. Акс ҳолда кераксиз ва фойдасиз маълумотлар йиғилишига ҳамда вақтнинг беҳуда сарфланишига олиб келади. *Учинчи босқич*-режа тузиш босқичи ҳисобланиб, унда материаллар сараланиб олинади ва мантикий кетма-кетликда жойлаштириш режалаштирилади. *Тўртинчи босқичда* саралаб олинган материаллар ичидан слайдга бериладиган матн танлаб олинади. Слайдлардаги матнлар жуда кўп бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Матнлар қисқартирилган кўринишда танлаб олинади. Бир слайддаги матнлар 7-8 қатордан ошмаслиги лозим. Таълим берувчи дарс жараёнида қисқартирилган матнларни оғзаки тўлдирилган ҳолда тушунтириб беради. *Дизайн танлаш босқичида* матннинг шрифти, матнга қўшимча расм, чизма, графика ва ранглар танлаб олинади. Шундан сўнг, яъни *олтинчи босқичда* барча танлаб олинган материалларга анимация қўйилади. **Анимацияда** матн ва тасвирларни ҳаракатлантириш, унга овоз

бериш имкониятлари мавжуд. Анимациядан фойдаланиш материални янада жонлироқ ва қизиқарли бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида таълим олувчига берилган материалнинг узок вақт хотирасида сақланиб қолишига ва уларнинг мотивациясининг ошишига ёрдам беради.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Таълим – таълим олувчига махсус тайёрланган мутахассислар ёрдамида билим бериш ва улардаги кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш жараёни бўлиб, кишининг шахс сифатида ҳаётга ва меҳнатга онгли равишда тайёрлаш воситаси.

Таълим бериш – таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган педагогик фаолият бўлиб, шахснинг ақлий фаолиятини ривожлантириш жараёнидир.

Таълим жараёни – билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг йиғиндисини фаолият ва муносабатларнинг тегишли тажрибаларини ўтказишга қаратилган махсус ишларнинг ташкил қилинишидир.

Таълим мазмуни – шахсни ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ҳамда характери. У тегишли меъёрий ҳужжатлар: Давлат таълим стандартлари, ўқув режа, дастурлар шаклида расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Таълим мақсади – ҳар бир педагогик технологияни яратишга асос бўлиб ҳисобланади.

Таълимий мақсад – ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қилишни кўзлашдир.

Индивидуаллаштирилган таълим – шахсга йўналтирилган таълим бўлиб, унда ҳар бир ўқувчи-талаба (таълим олувчи) ўқув жараёнида фаол иштирок этиши, ўқув-билув жараёнига шахсий ҳисса қўшиши ва таълим жараёнида ўқитувчининг услубий ёндашуви: ўқув-методик, психологик, педагогик-ташкилий-бошқарув ишларини олиб боришда ўқувчи-талаба шахси ўқув-билув марказида бўлган жараёнда ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари ҳисобга олиниш жараёни асос бўлади.

Синф-дарс тизими – ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган муайян ўқувчи-талабалар гуруҳи билан, бевосита

Ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида олиб бориладиган таълим жараёнидир.

Якка тартибдаги (индивидуал гуруҳли) таълим – кичик гуруҳлар шаклида ўқитиш.

Таълимнинг анъанавий синф-дарс шакли – янги материални ўрганиш дарси, ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси, ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш дарслари, кириш, умумлаштириш дарслари, аралаш дарс.

Таълимнинг ноанъанавий шакллари – маъруза, семинар, факультатив, лаборатория машғулоти, экскурсия, ролли ўйин, ақлий ҳужум, ўргимчак тўри, баҳс-мунозара, давра суҳбати, викторина, матбуот конференцияси, мўъжизалар майдони ва ҳаказолар.

Дарс – ўзининг аниқ мақсади, мазмуни вақти ва иштирокчилари таркиби билан чегараланган, ўқув муассасаларида ташкил этилиб, ўтказиладиган таълим-тарбия жараёнининг бир қисмидир. Дарс таълим-тарбия жараёнининг асосий шакли бўлиб, у аниқ мақсад, тугал мазмунга эга бўлиш билан бирга, ўздан олдинги ва кейинги дарслар билан узвий боғланган бўлиши зарур.

Дарснинг мақсади ва мазмуни – ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларига мос белгиланганлиги, тузилмаси, қатъий дарс жадвалига мувофиқлиги, ўқитувчи раҳбарлиги ёки назорати асосида ўтказилиши, синф ўқувчилари ва гуруҳ талабаларининг барчаси билан ёки ҳар бири билан алоҳида яккама-якка ўтказилиши билан тавсифланади.

Дарс турлари (типлари) – дарснинг моҳияти, асосий мақсади, мазмуни ва ажратилган вақти, иштирокчиларининг ўзаро муносабати ва мулоқоти кабиларга кўра турланади (яъни типларга бўлинади).

Шакл – дарс жараёнини амалга оширишнинг энг қулай усуллари, воситалари, кетма-кетлиги, ўқитишдаги ўқувчи-талабалар сони, сарфланган вақт, жой қулайликлари.

Восита – ўқув жараёнини олиб боришда ёрдам берувчи воситалар: ўқитувчи овози, маҳорати, ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув кўлланмалар, дидактик тарқатма материаллар, синф ва аудитория жиҳозлари, ИТК ва бошқалар.

Натижа – ўқув жараёнида кутилган пировард натижалар,

Замонавий дарс – ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг мавжуд имкониятларидан уддабуронлик билан фойдаланиб, уларнинг

ақлий лаёқатини ишга солиб, ўсиб боришини таъминлайди. Ўқувчи-талабалар ўз навбатида билимларни тушуниб чуқур ўзлаштирадилар ва у борган сари маънавий етуклик сари қадам қўяди.

Замонавий дарс уч ягона характердаги мақсадга эришишни таъмин этади: *қизиқтира олиш, тарбиялаш, ривожлантириш*.

“Эзгу калом, эзгу ният, эзгу амал” – рост сўз, пок ақида, ҳалол ният, яъни ширин сўз, яхшилик ва эзгулик, берган (лабзга) ваъдага риоя этишдир.

Ташқи ўқув ҳаракатлари – предметли ҳаракатлар (ёзиш, расм чизиш, тажрибалар ўтказиш); перцептив ҳаракатлар (тинглаш, фикрлаш, кузатиш, сезиш) ҳамда нутқдан фойдаланишдир.

Ички, яъни мнемоник (юнонча “mnemonikon” – эслаб қолиш маданияти) ҳаракатлар материални эслаб қолиш, уни тартибга солиш ва ташкил этиш, тасаввур ва фикрлашдан иборат.

Таълим воситалари – таълим жараёнини амалга оширишга ёрдам берувчи воситалардир.

Таълим воситалари турлари – босма воситалар, техник воситалар, реал воситалар.

Ўқув мақсадлари жиҳатидан визуаллаштириш воситаларининг турлари – матнли-визуал воситалар, тасвирли-визуал воситалар, аудио-визуал воситалар, ёрдамчи (жиҳозли)-визуал воситалар, модели-визуал воситалар, ҳақиқий-визуал воситалар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълим жараёни деганда нимани тушунасиз?
2. Таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларини тушунтириб беринг.
3. Индивидуал таълим шаклини баён этинг.
4. Шарқ мутафаккирларининг таълим жараёнини ташкил этиш шакллари, таълим-тарбия мақсади, принциплари, мазмуни ва услубларига оид гояларининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Таълимнинг индивидуал-гуруҳли шаклининг мазмунини баён этинг.
6. Синф-дарс тизимининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.
7. Трамк режасини қайси олим ишлаб чиққан ва ўқитишнинг бу шакли моҳиятини баён этинг.

8. Таълим-тарбия жараёнини яхлит бир бутунлик қилиб турувчи қисмларини тушунтириб беринг.
9. Дарс тушунчасига изоҳ бериб, турланиш асосларини баён қилинг.
10. Дарснинг турларини изоҳлаб тушунтиринг.
11. Дарсни мазмунини ташкил қилувчи асосий қисмлари (элементлари) нима ва унинг вазифалари нимадан иборат?
12. Анъанавий дарсларнинг афзаллиги ва камчиликлари нимадан иборат?
13. Ноанъанавий дарслардан кузланган асосий мақсадлар нимадан иборатлигини тушунтириб беринг.
14. Замонавий дарс деганда қандай дарсни тушунасиз?
15. Дарс жараёнида таълим воситаларидан фойдаланишнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Таълим (ўқитиш) жараёнининг моҳияти.
2. Таълим (ўқитиш) жараёнини ташкил этишнинг асосий шакллари.
3. Ҳозирги таълим (ўқитиш) жараёнига қўйилган дидактик талаблар.
4. Таълим (ўқитиш) жараёнига ноанъанавий ёндашув.
5. Таълим (ўқитиш)нинг таълим-тарбиявий ва шахсни камол топтириш борасидаги вазифалари.
6. Таълим мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар.
7. Таълим (ўқитиш)нинг моҳияти ва таркибий элементлари.
8. Таълимнинг асосий шакли – дарс тузилиши ва турлари.
9. Замонавий дарснинг белгилари, мезонлари, шакллари, усул ва услублари ҳамда дидактик талаблари.
10. Ўқувчи ва талабаларнинг билими баҳоси.
11. Таълим воситаларининг дидактик вазифалари.
12. Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши, тақвим ва кундалик режаси ҳамда дарс ишланмасини тузиш тартиби.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- 1. Таълимнинг индивидуал шакли деганда нимани тушунасиз?**
 - а) якка тартибда ўқитиш;
 - б) ҳамкорликда ўқитиш;
 - в) жамоа бўлиб ўқитиш;
 - д) фаол ўқитиш;
 - е) муаммоли ўқитиш.
- 2. Ал-Хоразмий ўқитиш жараёнида билим беришнинг қандай усулларидадан фойдаланган?**
 - а) кўргазмали;
 - б) тажриба;
 - в) савол-жавоб ва синаш;
 - д) малака ва кўникмаларни шакллантириш;
 - е) барча жавоблар тўғри.
- 3. Абу Наср Форобий шахсни камол топтиришда таълим-тарбиянинг ўрни ва хусусиятини ҳамда қандай усуллари таърифлаган?**
 - а) таълим-тарбияни узвий бирликда олиб бориш;
 - б) ишонтириш;
 - в) мажбур этиш;
 - д) кузатиш, тажриба, кўргазмали;
 - е) барча жавоблар тўғри.
- 4. Ибн Сино қайси асарида толиби илмларни жамоа, яъни синф-дарс шаклида ўқитиш зарурлигини таъкидлайди?**
 - а) “Донишнома”;
 - б) “Тадбири манзил”;
 - в) “Тиб илми қонуни”;
 - д) “Нажот китоби”;
 - е) “Инсоф китоби”.
- 5. Синф-дарс тизимининг мазмуни ва ўзига хослиги нимадан иборат?**
 - а) бир хил ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчи-талабалар гуруҳини ташкил этади;
 - б) синф ёки гуруҳ ўқиш фаолияти ягона йиллик ўқув режаси ва дастури асосида, доимий дарс жадвали бўйича ташкил этилади;

- с) дарс одатда битта фанга ёки мавзуга бағишланган бўлади;
- д) дарсда ўқувчи-талабаларнинг ўқиш фаолиятига ўқитувчи раҳбарлик қилади ва ўз фани бўйича ҳар бир таълим олувчини алоҳида билимини баҳолайди;
- е) барча жавоблар тўғри.

6. Таълим жараёнини ташкил этиш шакллари қайсилар?

- а) якка тартибдаги (индивидуал гуруҳли) таълим шакли;
- б) анъанавий синф-дарс шакли;
- с) таълимнинг ноанъанавий шакллари;
- д) интерфаол таълим шакллари;
- е) барча жавоблар тўғри.

7. Таълим жараёнининг ташкилий дарс ўтказиш жойига ва ажратилган вақтига кўра шакллари қайсилар?

- а) ташкилий шаклига кўра: якка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳда, гуруҳлараро, синфда, аудиторияда; таълим муассасасида;
- б) дарс ўтказиш жойига кўра: ўқув хоналарида, ўқув хонасидан ташқарида;
- с) ажратилган вақтига кўра: бир соатлик дарслар, қўшма дарслар, модулли дарслар, кўнғироқсиз дарслар;
- д) таълимий шаклига кўра: ўқитувчи, дарслик, ўқув қўлланмаси, таълим воситалари;
- е) а, б, с.

8. Таълим жараёни моҳияти ва дарснинг таркибий қисмлари қайсилар?

- а) таълимнинг ташкилий жиҳатлари;
- б) таълимнинг назарий методологик асослари;
- с) ўқитишнинг таълимий вазибалари;
- д) таълимнинг тарбиявий вазибалари;
- е) а, б.

9. Даре деганда нималарни тушунасиз?

- а) дарс – ўзининг аниқ мақсади, мазмуни, вақти ва иштирокчилари таркиби билан чегараланган, ўқув муассасаларида ташкил этилиб, ўтказиладиган таълим-тарбия жараёнидир;
- б) дарснинг мақсади ва мазмуни ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларига мос белгиланганлиги, тузилмаси, қатъий дарс жадвалига мувофиқлиги, ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида

ўтказилиши, синф ўқувчилари ва гуруҳ талабаларининг барчаси иштирокида ёки яккама-якка ўтказилиши билан тавсифланади;

с) дарс аниқ мақсад, тугал мазмунига эга бўлиш билан бирга, ўзидан олдинги ва кейинги дарслар билан узвий боғланган таълим-тарбия жараёнининг асосий шаклидир;

д) дарс ўз моҳияти, мақсади, мазмуни ва ажратилган вақти, иштирокчиларнинг мулоқоти кабилар билан боғлиқ таълим-тарбия жараёнидир;

е) а, б, с.

10. Замонавий дарснинг уч ягона мақсади нима?

а) қизиқтира олиш;

б) тарбиялаш;

с) ривожлантириш;

д) қўтилган натижа;

е) а, б, с.

11. Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш нечта босқичдан иборат?

а) лойиҳалаш (режалаштириш);

б) ташкил этиш;

с) ўқув ҳаракатлари;

д) натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш;

е) барча жавоблар тўғри.

12. Даре самарадорлиги нечта таркибий қисмдан иборат?

а) дарсга тайёргарлик кўриш;

б) дарсни ўтиш маҳорати;

с) лойиҳалаш;

д) ташкиллаштириш;

е) а, б.

13. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриши нечта босқичдан иборат?

а) аниқлаш (ташхислаш яъни диагностика қилиш);

б) олдиндан айтиб бериш (башоратлаш);

с) лойиҳалаш (режалаштириш);

д) мотивлаш;

е) а, б, с.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакллари тушунтириб беринг.

№	ТЖТЭАШ	Тушунча

2. Таълим жараёнининг ташкилий, дарё ўтказиш жойига ва ажратилган вақтига кўра шакллари бирма-бир баён этинг.

№	ТЖТ, ДУЖ ва АВКШ	Тушунча

3. Таълимнинг асосий шакли – дарё ва унга қўйиладиган дидактик талабларни баён этинг.

№	ТАШД ва УҚДТ	Тушунча

4. Замонавий дарё турлари (типлари)ни изоҳлаб тушунтириб беринг.

№	ЗДТ (Т) И	Тушунча

5. **Замонавий дарсни ташкил этишнинг шаклларини тушунтириб беринг.**

№	ЗДТЭШ	Тушунча

6. **Ўқитувчининг дарс тайёрланиш босқичларини тушунтириб беринг.**

№	УДТБТ	Тушунча

7. **Ўқув мақсадларига эришиш учун тавсия этиладиган омилларни тушунтириб беринг.**

№	УМЭУТЭО	Тушунча

8. **Бошқариш жараёни моҳиятини тушунтириб беринг.**

№	БЖМ	Тушунча

9. Педагогик лойihalаштириш вазифаларини тушунтириб беринг.

№	ПЛВ	Тушунча

10. Таълим воситаларини нечта турга ажратиш мумкин?

№	ТВ	Тушунча

11. Техник воситаларидан фойдаланишнинг афзаллик-лари нимадан иборат?

№	ТВФА	Тушунча

У Боб. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

5.1. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ТАВСИФИ

Ўзбекистон Республикасининг “*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури*” да таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот-ресурс базасини мустақкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланади. Ҳозирги кунда педагогик адабиётлар, таълим муаммоларига оид маърузалар ва расмий ҳужжатларда “**янги педагогик технология**”, “**илғор педагогик технология**”, “**таълим технологияси**”, “**замонавий педагогик технология**” иборалари кенг қўлланилмоқда.

Педагогик технология нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади? Айнан таълимга тизимли ёндашув педагогик технология асосида ўқитишни бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш – кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган жиҳатлардир. Масалан, кўп ҳолларда таълим, асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади. Аслини олганда, педагогик технология – бу ўқитишнинг янгича, ўзига хос (инновацион) ёндашувдир. У педагогикадаги таълимни технологик ташкил этиш тафаккурининг ўзига хос ифодаланиши, технократик онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади.

“Технология” тушунчаси юнонча икки сўздан “технос” (“*techne*”) – маҳорат, санъат, тушунча, ўрганиш, “логос” – (*logos*) – фан, таълимот сўзларидан ташкил топган. Технология тушунчаси ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик операциялар

на маҳсулотни тайёрлаш мазмуни (сирлари) билан боғланган. “Технология” атамаси замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақида билимлар йиғиндиси, шунингдек, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлари тушунилади.

Педагогик технология деганда, технологик (ишлаб чиқаришдаги) ёндашувларга айнан ухшаш бўлган таълимда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатланган (якуний натижани олиш) таълим жараёни тушунилади. Бундай таълим технологиялаштирилган ҳисобланади. Технологиялаштирилган таълим ўқитувчи шахсига боғлиқ бўлмаган, фақат ўқувчи-талабанинг шахсий эҳтиёжлари, талаблари ва ҳислатларига асосланган таълим жараёнидир. Ўқувчи-талаба таълим жараёни марказида туради, ўқитувчи эса фақат ижрочи вазифасини бажаради.

Педагогик технология ижтимоий зарурият бўлгани боис даставвал XX асрнинг 30-йилларида АҚШда “**таълим технологияси**” сифатида қўлланиб, ўқув жараёнида аудиовизуал техника воситаларидан фойдаланишни ифодалаган.

Бунда “**таълим технологияси**” тушунчаси инглизча “**an educational technology**” – *таълим (ўқитиш) жараёнини юксак назорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан ёки таълимот маъносини англатади.*

Фан-техника ва таълим тизими тараққиёти туфайли таълим технологияси тушунчаси ҳам такомиллашиб ва мазмунан чуқурлашиб борган. Педагогик технология тушунчаси мазмунининг тадрижий ўзгариши тахминан тўрт даврни ўз ичига олади.

Биринчи давр (50-йилларнинг боши ва ўрталари) таълим муассасаларида ахборотларни тақдим этишнинг техник воситалари – товушни ёзиб олиш ва қайта эшиттириш воситалари, бошқача айтганда “*аудиовизуал воситалар*”нинг пайдо бўлиши билан характерланади.

Иккинчи давр (50-60-йилларнинг ўрталари) ўқитиш жараёнига технологик ёндашувнинг татбиқ этилиши билан характерланади. Бу ёндашувнинг назарий асоси дастурли ғояси ҳисобланади. Унинг технологик асосини ўқув мақсадлари учун мўлжалланган аудиовизуал воситалар (*тескари боғланиш воситалари, электрон синфлар, ўқитиш машиналари, лингафон хоналар, тренажёрлар ва бошқалар*) ташкил этади.

Учинчи давр (70-80-йиллар) педагогик технология асосини яратишда информатика, телекоммуникация назарияси, педагогик

квалиметрия, тизимли таҳлил ва педагогика фанлари ютуқларига таянилди. Педагогик технологиянинг методологик асоси ўзгарди, озгаки ўқитишдан аудиовизуал ўқитишга ўтилди. Компьютер лабораториялари ва дисней синфларнинг яратилиши, педагогик дастурий воситалар сони ва сифатининг ортиши, интерфаол видеотизимлардан фойдаланиш билан характерланади.

Ҳозирги кунда педагогик технологияларни эътироф этилишининг **тўртинчи даври** давом этмоқда. Педагогик технологиялар фанлараро бирикиш сифатида тан олинмоқда. У педагогик билимларнинг маълум бўлган барча тармоқлари базасида амал қилади ва ўзининг илмий тушунчаларини бойитишда бошқа фанлар ютуқларидан фойдаланади.

Юқоридаги фикрлар асосида педагогик технология тушунчасини икки хил изоҳлаш мумкин: **биринчидан**, унинг ўқув жараёнида техника воситаларидан фойдаланишнинг кенгайиб боришни ифодалаши назарда тутилиб, таълимдаги, ўқитишдаги технология деб номлаш мумкин бўлса, **иккинчидан**, бу тушунча ўқув жараёнининг ўзини қуриш технологиясидан билдиради деб хулоса чиқариш мумкин.

Педагогик технологиялар тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритувчи турли таърифлар мавжуд бўлиб, қуйида уларнинг айримларини келтираемиз:¹

1-шакл

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Педагогик технология – ўқитишнинг, таълимнинг шакллари, методлари, усуллари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғиндисидан ташкил топган (жойлашувини) белгиловчи психологик тартиблар (установкалар) мажмуаси. У педагогик жараёнининг ташкилий-услубий воситаларидан иборат.

Б.Т.Лихачев

¹ Қаранг: Ж.Йўлдошев, С.Ҳасанов. Педагогик технологиялар ўқув қўлланма. – Т.: "ИQTISOD-MOLIYA", 2009, 6-79-бетлар.

Педагогик технология – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўқувчи-талаба шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир.

В.П.Беспалько

Педагогик технология – таълимнинг ривожлантириладиган натижаларига эришиш жараёни тафсилоти.

И.П.Волков

Педагогик технология – ўқув жараёнининг ўқувчи-талабалар аа ўқитувчи учун сўзсиз қулай шароитлар таъминлашни лойиҳалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳамма деталларни ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият модели.

В.М.Монахов

Педагогик технология – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажмуали ёндашув усулидан фойдаланишдир.

ЮНЕСКО

Педагогик технология, бу – сўзсиз ривож қилиш энг юқори натижани кафолатлайдиган кўрсатмалар эмас, балки қонуниятлар бўлиб, уларнинг амалий аҳамиятидан иборат.

В.Ю.Питюков

Педагогик технология – педагогик макссадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, усқунали ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндисини ва уларнинг амал қилиш тартибини билдиради.

М.В.Кларин

Педагогик технология – бу ўқитишга ўзига хос янги (инновацион) ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий оғнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади.

Б.Л.Фарберман

Педагогик технология – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларга муайян шароит ва кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларни олдиндан белгиланган сифатларини шакллантириш жараёнидир.

Н.Саидлахмедов

Педагогик технология бу – объектив, моддий жараён. Агар биз ўқув-тарбия жараёнидан унинг объектив, моддий (субстанциялик) жиҳатини ажрата олсак, шунда биз технологияга, энг камида, унинг тафсилотига эга бўламиз.

В.К.Дьяченко

Педагогик технология – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, шахснинг олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнига тизим сифатида қараб, уни ташкил этувчилар, яъни ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида тахсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Б.Зиёмуҳаммадов

Муайян вазиятларда педагогик масалаларни ечишнинг оптимал усули.

А.Кушнир

Аниқ натижани қўлга киритишга йўналтирилган аниқ фаолият.

В.В.Юдин

Педагогик технология – таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалари йиғиндиси, у педагогик жараёнинг ташкилий-услубий воситалари мажмуасидир.

Ж.Йўлдошев, С.Усмонов, С Ҳасанов


Педагогик технология муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси – ўқитувчи-талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Ў.Толипов, М.Усмонбоева

Умуман, замонавий педагогик технологияларнинг ҳозирги кунда юқоридагидай турли-туман таърифлари мавжуд бўлиб, унга ижтимоий-иқтисодий, педагогик, психологик, дидактик, ташкилий ва бошқа нуқтаи назарлардан ёндашиш мумкин.


Замонавий педагогик технологияларнинг турлари



5. Тажрибани ўзлаштириш ва узатишдаги илмий концепциясига (механизмига) кўра




6. Шахсга йўналганлик ва лавқатлилик соҳаларига кўра




7. Мазмуни ва тузилмасининг тавсифига кўра




8. Ижтимоий-педагогик фаолият кўринишига кўра




9 Ижтимоий укув-гарбия жараёнларни бошқариш турига кура



10 Етакчи (кўлланадиган мухим) таълим методларига кура




11. Ташкил этиш шаклларига кура




12. Устувор ўқитиш воситаларига кўра




13. Уқувчи-талабага ёндашиш ва педагогик ўзаро таъсирлашнинг йўналишига кўра



14. Анаънавий таълим тизимига муносабат ва уни модернизациялаш йўналишига кўра



15. Педагогик таъсир объектларининг категория (тушунча) ларига кўра



Умуман, замонавий педагогик технологиялар назарий фан сифатида педагогика фанининг алоҳида йўналишларини ташкил этиб, ўз мақсади, вазибалари, муаммолари, методологияси ва бошқа назарий асосларига, ўз муаммоларини ҳал қилишда бошқа фанлар билан боғлиқликларга эга.

Ҳозирда мавжуд бўлган замонавий педагогик технологиялар бир қанча белгиларига қараб қуйидаги турларга ажаратилади. Бу белгилар ҳақида гапиришдан олдин шуни эслатиб ўтишимиз керакки, педагогик технология доимо комплекс характерга эга бўлиб, у фақат биттагина омилдан, методдан, тамойилдан фойдаланмайди, яъни қуйида келтириладиган турларгагина хос бўлган монотехнологиялар аслида мавжуд эмас. Лекин ҳар бир педагогик технологияда асосий эътибор таълим жараёнининг у ёки бу томониға қаратилиши натижасида уларни шу белгилари бўйича турларга ажратилади. Бу масалага турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.¹

Шундай қилиб, замонавий педагогик технологияларнинг турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ.

5.2. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишдаги асосий тамойиллардан бири – бу таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш, юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш, замонавий педагогик технологияларни, педагогик инновацияларни таълим жараёнига киритиш ҳисобланади.

Аммо замонавий педагогик технологиялар ва инновациялар ўз-ўзидан таълим тизимиға кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг мотивациясига боғлиқ жараён. Ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб, унинг масъулияти ва фаоллигини оширмасдан таълимда бир қадам олдинга силжиб бўлмайди. Академик А.Н. Леонтьев «Дунёни идрок қилишнинг биринчи шартини – фаолият, иккинчи шартини – тарбиядир. Фаолият жараёнида кишиларнинг қобилияти, билим ва малакалари шаклланади, демак, фаолият-

¹ О.Абадуқудусов, Ҳ.Рашидов. Касб-хунар педагогикаси. – Т.: 2009, 138-139-бетлар.

ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳаётий курашнинг асосий шартидир»¹, – деб таъкидлайди. Яъни фаолият ижтимоий ҳодиса бўлиб, шахсий, гуруҳий, миллий ёки умуминсоний эҳтиёжларга жавоб берувчи мақсадлар сари йўналтирилган ҳаракат ҳисобланади.

Инсон фаолияти ўз олдига қўйган мақсадларига кўра бири-биридан фарқ қилади. Масалан, ижодий фаолият, илмий фаолият, педагогик фаолият, тадбиркорлик фаолияти, ўқув-билув фаолияти, бошқарув фаолияти ва инновацион фаолият кабилар. Фаолиятнинг мазмуни, шарт-шароитлари, воситалари ўзгариб бориши натижасида инсоннинг ахлоқий маданияти такомиллашиб боради.

“Педагогик фаолият – жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини кондирши мақсадида умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланган режа-дастурга мувофиқ амалга ошириш, яъни ёш авлодни ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий зарур фаолият”², – дея таърифлайди Б.Зиёмуҳаммедов.

Педагогик фаолият, унинг тузилиши ва таркибий қисмлари ҳақида жуда кўп олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, Н.В.Кузьмина ўз тадқиқотларида педагогик фаолиятнинг гнесеологик (билиш), лойиҳалаш, ташкилотчилик, коммуникатив таркибий қисмлари мавжуд эканлигини баён этиб ўтган.³

Бугунги кунда педагогика соҳасида янги илмий йўналиш – педагогик инновация ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш “**ўқитувчининг инновацион фаолияти**” тушунчаси пайдо бўлди.

Педагогикада **инновация, инновацион фаолият, инновацион педагогика, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш** каби тушунчалар XX асрнинг 60-йилларида дастлаб, АКШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида “**таълим технологияси**” тушунчаси эътироф этилган вақтда пайдо бўлди. Ўша вақтдаёқ Европада педагогик инновациялар маркази ва институти ташкил этилди. Бу тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва инновацион таълим назариясининг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбалар тахлили шуни кўрсатадики, бу тушунчалар таълим тизимини технологиялаштириш, педагогик технологияларни таълим тизимига

¹ Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: 1977, с. 30.

² Зиёмуҳаммедов Б. Педагогика. – Т.: 2001, 47-бет.

³ Кузьмина Н.В. Методы системного педагогического исследования. Ленинград: ЛГУ, 2008, с. 16.

киритиш орқали таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш, бу борада муайян муваффақиятларга эришиш учун таълим жараёнида ўқувчи-талабага дўстона муносабатларни шакллантиришга уриниш натижасида вужудга келди. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида педагогик фаолият бу – ижодий жараён ва педагогик инновациялар бирлашмаси, деган янги илмий йўналиш таркиб топди. Бу эса ўқитувчининг инновацион педагогик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш имконини берди.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг умумий ва алоҳида жиҳатларини К.Ангеловский, Г.И.Горская, В.А.Кан-Калик, С.Л.Кузьмина, В.А.Сластенин, Л.М.Фридман каби олимлар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида ёритиб бердилар. Мамлакатимизда педагогик инновацияни ривожлантириш муаммолари устида педагог олимлардан Ж.Йўлдошев, Н.Азизхўжаева, Б.Фарберман, У.Толипов, Ҳ.Омонов, М.Очилов, М.Жуманиёзова, С.Ҳасанов, С.Усмонов ва бошқалар илмий изланишлар олиб бердилар.

И.Шумпатер ва Н.Кондратевлар «**Инновация**» тушунчасининг илк ва улкан назариячилари ҳисоблансалар, К.Ангеловский, В.А.Сластенин ва В.И.Слобадчиковлар ўз илмий тадқиқотларида инновацион фаолият педагогик фаолиятнинг алоҳида шакли эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар ҳамда бу борада муайян натижаларга эришган олимлар, деб тан олинадилар. Жумладан, В.И.Слобадчиков шундай ёзади: *«Аввало, инновацион фаолиятни илмий ижодиёт соҳасидаги фаолиятга ўхшатиб бўлмайди, чунки бундай ўхшатиш «Инновацион фаолият» термини маъносини саёзлаштириб юборади. Чунки ҳар қандай илмий-техникавий фаолият ўз табиатида кўра инновацион ҳисобланади. Шунинг учун инновацион фаолиятни маълум бир ижтимоий амалиёт майдонида кўриб чиқиш зарур. Бу амалиётни конкрет субъект нуқтаи назаридан ва амалдаги анъанага нисбатан жиддий ўзгаришларга олиб келадиган ҳар қандай фаолиятни инновацион деб ҳисоблаш мумкин».*

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, 80-йилларда педагогик фаолиятни аввалдан пухта ишлаб чиқилган дастур ғояларига мувофиқ амалга ошириш ва дастурлаштирилган мустақил малака оширишни ташкил этиш ташаббуси кўтарилди. Натижада,

Ўқитувчиларнинг масофадан малака ошириш тизимини яратиш кун тартибидаги асосий масалага айланди.

«Инновацион фаолият» тушунчасини таҳлил қилар эканмиз: Г.А.Мкритичяннинг бу ҳақдаги фикри диққатга сазовар: – «Педагогик тажриба-синов фаолиятининг 3 та асосий шаклини ажратиш мумкин: хусусий тажриба, тажриба-синов иши, ўқитувчининг инновацион фаолияти. Педагогик фаолиятда инновациялар қанча кўп бўлса, ўқитувчи хусусий экспериментни шунча яхши тушунади».¹

Инновацион фаолият-педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутди. Таълимдаги инновациялар ва инновацион педагогик фаолият ҳақида барқарор ва ҳаммага маъқул бўлган илмий тасаввурлар ва таснифлар шу пайтгача мукамал таркиб топган эмаслигини ҳам эътироф этиш лозим. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири таълимга йўналтирилган илмий билимлар тизимлари ўртасидаги қийинчилик билан енгиб утиладиган узилишлардир. Яна муҳимроқ сабаб эса таълимий билим ва амалий педагогик фаолият ўртасидаги узилишдир. Ўқитувчи инновацион фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади. У фандаги билим, анъаналардаги ўзгаришлар мазмунини ва моҳиятини таҳлил эта билиши керак.

Инновацион фаолият тушунчаси инновация, инновацион жараён каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли бу тушунчалар мазмунини изоҳламасдан туриб, инновацион фаолият мазмунини англаш мумкин эмас.

Инновация (инг. *Innovatsion* – *янгилик киритиш*) – *тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади.* Демак, инновация ўқув жараёнига янгилик олиб кириш, ўқув жараёнини талаба эҳтиёжи, хоҳиши ва истакларига мослаштириш, ўқувчи-талабани мустақил мутолаага ўргатиш, билимларни тайёр ҳолда бериш эмас, ўқувчи-талабаларнинг билим олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга ҳаракат қилиш демақдир. Инновация – амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Бу гоё назарияси моҳиятининг яратилишига нисбатан турли ёндашувлар ва фикрлар

¹ Ёулдошев Ж., Ёулдошева Ф., Ёулдошева Г. Интерфасл таълим сифат кафолати. – Т.: 2008, 108-бет.

мавжуд бўлиб, унинг моҳияти борасида фанда ягона фикр мавжуд эмас.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлар. Улар ташаббуслар ва янгилликлар асосида тугилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараёнини қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир. Демак, инновацион технологияларнинг асосий негизи – бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун олдиндан таълим жараёнини лойиҳалашдир.

Бугун таълим тизимидаги инновацияларни қуйидагича таснифлаш маъқулланмоқда:

- фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги).
- киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (радикал, модификацияланган, комбинацияланган).
- ўзгаришлар кўламига кўра (локаль, модулли, тизимли).
- келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган).

Инновациянинг мақсади – сарфланган маблағ ёки кучдан энг юқори натижа олишдан иборат. Бошқа турли-туман ўз-ўзидан пайдо бўладиган янгилликлардан фарқли ўлароқ, инновация бошқарилувчи ва назорат қилинувчи ўзгаришлар механизмини ташкил этади.

Таълим тизимидаги ҳар қандай янгиллик инновация бўла олмайди. Шу сабабли «**новация**» ва «**инновация**» тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. *Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз **новация** билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга ошириляётган бўлса ва унинг натижаси уша тизим*

ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келсагина **инновация** дея оламиз.

Ҳар иккала тушунча мезонлари куйидагича: **новация** амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. **Инновация** эса тизимли, яхлит ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. **Инновацион жараён** деб – инновацион ўзгаришларга тайёгарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнига айтилади.

Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, таълим тизимида ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган.

Таълим тизимидаги инновациялар, уларни амалиётга киритиш, инновацион жараёнларни бошқаришни таҳлил қилиш орқали инновацион фаолият тушунчасини таърифлаш имконияти пайдо бўлди. Инновацион фаолият – педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олга бошловчи, тараққий эттирувчи кучдир. «**Инновацион фаолият** – бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги, ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашувини натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятдир»,–деб таъкидлайди В.И.Слободчиков. Инновацион фаолият бу амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга қаратилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизими бўлиб, у маълум доирадаги муаммоларни ечиш қобилиятигига эмас, балки ҳар қандай вазиятдаги муаммоларни ечиш учун мотивацион тайёргарликка эга бўлишидир. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг марказий масаласи ўқув жараёнини самарали ташкил этишдан иборат.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охирларида А.М.Арсеньева, К.Н.Вольков, М.Н.Скаткин ва ўзбекистонлик педагог олимлардан

Ж.Йулдошев, М.Очилов, Н.Саидахмедов, У.Нишонов, С.Усмонов, М.Жуманиёзова, Ш.Зуфаров ва бошқалар педагогика фани ва амалиётида муваффақиятга эришиш муаммосини ҳал қилиш борасида самарали ғояларни илгари сурдилар ва таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитувчининг таълим жараёнига янгиликларни киритишга тайёргарлик даражаси асосий ўрин эгаллашини асослаб бердилар.

Инновацион фаолият – узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи - педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам курсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосига муружаат этиш жамиятда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиб бораётганлигини тушуниш натижасида вужудга келди. Унинг таҳлили фақат фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишни ўз ичига олмасдан, балки янгиликларни излаш, яратиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва олинган натижаларни қайта текшириш каби жараёнларни ҳам қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг тузилиши – ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш, муомала маданияти. Инновацион фаолиятнинг даражалари: **репродуктив, эвристик, креатив** бўлиши мумкин.

Инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар, том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли таълим

тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнга киритиш 4
босқичда амалга оширилади:

1. Муаммони таҳлил асосида аниқлаш.
2. Муължалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.
3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад – ўқитувчининг янгиликка интилувчанлигини, мустақил ўз устида ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш, замонавий педагогик технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш малакасини такомиллаштиришдан иборат.

Инновацион фаолият – бу илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш ёки бошқа фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратиш бўлиб, унинг прогматик хусусияти шундаки, у гоёлар майдонида ҳам ва алоҳида бир субъектнинг ҳаракат майдонида ҳам амалга оширилмайди, балки бу фаолиятни амалга ошириш тажрибаси кишилар ҳаётида ҳаммабоп бўладиган ҳолдагина ҳақиқий инновацион ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг асл мазмуни амалда янги технологиянинг шаклланиши бўлиб, унинг натижаси инновация сифатида юзага келган ихтирони-лойиҳага, лойиҳани-технологияга айлантиришга йўналтирилган фаолиятдир. Инновацион фаолиятда илмий тасавурлар академик илм мантиқи бўйича туғилмайди, балки ривожланиш жараёнининг модификациялари қўллаб-қуватланиши натижасида ривожланаётган амалиёт мулоҳазасидан пайдо бўлади.

*«Инновацион фаолият ўқитувчининг ўз фаолиятидан қониқ-маслигидан келиб чиқади. У ўқитувчи томонидан у ёки бу педагогик вазифани ҳал қилишда қандайдир тўсиққа дуч келиниб, уни муваффақиятли ҳал этишга интилиш асосида юзага келади».*¹
Инновацион фаолият янги гоёни излашдан бошланади. Педагогик инновация таълим-тарбия жараёнидаги муҳим ва мураккаб масала ечимига йўналтирилганлиги сабабли ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб қилади.

Ўқитувчи инновацион фаолияти тузилишини таҳлил қилишга турли хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, А.Никольскаянинг фикри-

¹ Йулдошев Ж., Йулдошева Ф., Йулдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати. – Т.: 2008, 111-бет.

ча, фаолиятни янгилаш 3 босқичда, яъни тайёргарлик, режалаштириш ва жорий этиш босқичларида амалга оширилади.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда бир қатор психологик тўсиқлар мавжуд. Буларнинг биринчиси ўқитувчининг ўзи кўниккан фаолият чегарасидан ташқарига чиқиши жуда қийинлиги, яъни ўқитувчиларда ижодкорликнинг етарли эмаслиги бўлса, яна бир сабаб янги ва номаълум нарсалар ҳар доим одамларда чўчиш ва хавфсирашни келтириб чиқаришидир.

*А.М.Хон ўқитувчиларда инновацион фаолиятни шакллантиришда учрайдиган психологик тўсиқларнинг икки турини ажратади: когнитив психологик тўсиқлар ва мунтазам пайдо бўладиган тўсиқлар. Когнитив психологик тўсиқлар янгилик ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги, янгиликни ҳис қилмаслик ва нофаол хатти-ҳаракатлар ҳисобланса, мунтазам психологик тўсиқлар янгиликка нисбатан ишончсизлик, раҳбариятга ишонмаслик, ташаббускорларни қўллаб-қувватламаслик ва одатда янгилик киритувчиларга қарши курашиш каби кўринишларда намоён бўлади.*¹

Замон шиддат билан ўзгариб борар экан, таълим соҳаси ҳам у билан баробар ўзгаради ва ўқитувчидан ўз фаолиятини ўзгартиришни талаб этади. Бугун ўқитувчининг асосий вазифаси фақат таълим беришгина эмас, балки бошқарувчиликдан иборат бўлиб, у таълим жараёнини тўғри ташкил қилиши ва бошқариши талаб этилмоқда.

Инновацион фаолият ўқитувчининг ҳамма муваффақиятини белгилловчи асосий фаолият бўлиб, у шахснинг касбий, методик маҳоратини сифатли қайта куриш демакдир.

Бизнинг фикримизча, ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигини таҳлил қилишни 3 босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Янгиликни педагогик фаолиятда қўллашдан олдинги даврдаги ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш.

2. Инновацион фаолиятнинг фаол шаклланиш даврини таҳлил қилиш.

3. Педагогик жараёнга янгилик киритилиб бўлгандан кейинги даврдаги фаолиятни таҳлил қилиш.

Маълумки, шахснинг ҳислат ва фазилатлари фаолият кўрса-тиш жараёнида шаклланади ва фаолиятнинг натижаси ҳисобланади.

¹ Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати. – Т.: 2008. 112-бет.

Шу сабабли ўқитувчиларда янгиликка интилувчанлик ва мустақил мутолаа қилишга доимо зарурият сезиш психологиясини сингдириш лозим. Чунки янгилик – инсонга улуғворликдан кўра кўпроқ завқ бағишлайди.

Агар ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш вазифалари малака ошириш жараёнида амалга оширилса, амалиётда таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш ишлари анча самарали бўлади ҳамда масофадан ўқитиш тизими кутилган натижаларга олиб келади.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин. Ўрганиб чиқилган илмий ишларнинг аксариятида «*инновацион фаолият*» тушунчасига таъриф берилган бўлсада, бу соҳада ҳаммага маъқул келадиган ва инновацион фаолиятнинг тулиқ мазмунини очиб берадиган ягона таъриф яратилмаган, шунингдек, бу фаолиятни шакллантириш жараёнига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас.

Мавжуд педагогик ва психологик адабиётларда асосий урғу иқтисодий соҳадаги инновацияларга бағишланган бўлиб, уларда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш масалалари, мазкур жараён моҳияти очиб берилмаган. Республикамизда эса юқоридаги муаммо доирасида айрим элементларгина тадқиқ қилинган, холос.

“*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури*”да “*Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади*”,¹ – деб таъкидлаб ўтилган. Рақобатга асослаган меҳнат муҳитини вужудга келтиришнинг асосий омилларидан бири ўқитувчиларни инновацион фаолиятга йўналтириш ва бу фаолиятга тайёрлаш орқали таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш, ўқувчи-талабаларга билим беришни кафолатлаш ҳамда таълим самарадорлигига эришишдан иборат.

Таълим тизимини мазмунан ислоҳ қилиш жараёнида педагог кадрлар обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадамлик билан давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бу борада ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва инновацияларни таълим жараёнига киритиш асосий вазифа ҳисобланади. Ҳар қандай

¹ Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарк” НМК, 1999, 50-бет

бошқа соҳа мутахассислари каби ўқитувчиларнинг ҳам касбий тайёргарлик даражаси уларнинг билим, куникма ва малакалари, ижодий салоҳияти ҳамда ностандарт тафаккурларида ўз аксини топувчи касбий лаёқати билан баҳоланади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятини ташкил этиб, унинг шаклланиш босқичларини қуйидагича белгилаши мумкин:

Биринчи босқичда – тайёр методик тавсияномалар аниқ қилиб кўчирилади.

Иккинчи босқичда – мавжуд тизимга айрим янги мослама (модификация)лар, методлар киритилади.

Учинчи босқичда – янги ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари ва шакли тўла ишлаб чиқилади.

Тўртинчи босқичда – ўқитувчи ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз концепциясини ва методикасини ишлаб чиқади.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда жамоадаги психологик муҳит, жамоа аъзоларининг канчалик даражада дунё таълим бозоридаги янгиликлардан хабардор эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг шаклланишида педагогик жамоанинг алоҳида ўрни борлигини кўпчилик олимлар таъкидлаб ўтадилар. *Ўқитувчиларнинг новаторлик хусусиятлари ва таълим жараёнидаги янгиликларга бўлган муносабатига қараб, К.Роджерс ва К.Ангеловский педагогик жамоа аъзоларини 5 та гуруҳга ажратишни таклиф этади: 1. Новаторлар. 2. Олдинги реализаторлар, 3. Олдинги кўпчилик. 4. Кейинги кўпчилик. 5. Иккиланувчилар.¹*

Таълим сифатини ошириш жамиятнинг барча жабҳаларида ҳаётни яхшилашга олиб келади. Янгилик киритиш таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам ривожланган давлатлар таълим жараёнига узлуксиз янгилик киритишга ҳаракат қиладилар. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацион жараёнларда таълим тизимидаги барча бўғинлар иштирок этиши лозим. Аммо инновацион жараёнлар юқоридан пастга қараб ҳаракатланса ва бунда ўқитувчи бўйсунувчи, яъни янгиликнинг фақат истеъмолчиси бўлиб қолса, у ҳолда бу жараён бюрократик тус олади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқитувчи инновацион фаолиятга тайёр бўлиб, дарсга энг сўнги янгиликларни олиб

¹ Роджерс К., Ангеловский К. Учитель и инновация. – Киев, 1992, с. 24.

кириб, ўқувчи-талабаларга қизиқарли ва уни эҳтиёжига мос равишда ташкил этсагина, сифат ва самарадорликни кафолатлаши мумкин.

5.3. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар **интерфаол методлар** номи билан юритилмоқда. Лекин **“Интерактив”** дарс методини **“интерфаол”** деб чала таржимасини амалиётда қўллаш мазмунан на мантиқан хатодир. Чунки **“Интерактив”** атамаси инглизча **“Interactive”** – **“ўзаро ҳаракат ва таъсирланиш”** деган қўшма сўздан иборат, агар таржима қилиш зарур бўлса, унда ҳар бир сўзни таржима қилиш керак.

Интерактив таълим методлари ўқувчи-талабаларнинг мулоқот ва ўзаро баҳс-мунозарада фикрлашиш асносида, дарс жараёнини амалга оширишдир. **“Интерактив”** атамаси инглизча **“Interakt”**, яъни **“Inter”** – **“ўзаро”**, **“akt”** – **“ҳаракат, таъсир, фаоллик”** деган маъноларни англатади.¹

Интерактив таълим методларидаги дарслар ўқувчи-талабаларни ижодий фикрлашга, олинган ахборотларни фаолликда ҳал этишга, фикрни эркин баён этишга, ташаббускорликка, гуруҳларда масалалар ечимини топишга, ҳамкорликда иш юритишга, фикрни ёзма равишда баён этишга чорлайди.

Дарсни интерактив методларда ташкил этиш, анъанавий усуллардан воз кечиш дегани эмас. Балки мазмунни ўзаро фаолликда ҳал эта олиш демақдир. Интерактив таълим шакли қуйидагича намоён бўлади:

¹ Муаллифлар V босни ёзишда Ж.Йўлдошев, Ф.Йўлдошева, Г.Йўлдошева, У.Толипов, М.Усмонбоева, О.Қуддусов, Х.Ҳабиб, Г.Елдатеева, А.Зокиров, Ё.Раҳмонова, Д.Раззоқовларнинг материалларидан фойдаланганимиз учун алоҳида миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.



Интерактив метод – ўзаро фаоллик, ҳаракат, таъсирчанлик, у ўқувчи-талабаларнинг мулоқотларида содир бўлади. Интерактив таълимнинг бош мақсади ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчи-талабаларнинг фаол, эркин, мустақил фикр юритишига муҳит яратишдир. Ўқувчи-талабалар ўзларини интеллектуал салоҳиятини, имкониятларини намоён этади ва ўқув сифати ва самарадорлигини оширади, таъмин этади.

Интерактив метод асосида ўтган дарсни ташиқил этиш шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ҳам ўқувчи-талаба четда қолмайди, яъни улар кўрган, билган, ўйлаган фикрларини очиқ-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар.

Ўқувчи-талабалар ҳамкорликда ишлашда мавзу мазмунини билиш ўзлаштиришда ўзларининг шахсий ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзаро билимлар, ғоялар, фикрларни алмашиш жараёни содир бўлади. Бундай ҳолатлар ўзаро самимийликни таъминлайди, янги билимларни олиш, ўзлаштиришга ҳавас ортади, шу жараёнда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар вужудга келади. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта.

Диалог асосида кечган ўқув жараёнларида ўқувчи-талабалар танқидий фикрлашга, мураккаб масалаларни таҳлил асосда ечимини топишга, шунга яраша ахборотни излаш, айрим альтернатив фикрларни ўзаро мунозараларда эркин баён қилишга ўрганади ва шундай кўникмалар шаклланади.

Интерактив метод асосида дарсларни ташкил этишда ўқув жараёнида яқка тартибда, жуфт бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш, изланишга асосланган лойиҳалар, ролли ўйинлар, ҳужжатлар билан ишлаш, ахборот манбалари билан ишлаш, ижодий ишлашдан фойдаланиш мумкин.

Интерактив метод нималарни ўз ичига олади? Ҳозирги кунда методистлар, амалиётчи ўқитувчилар томонидан қуйидаги турли методлар таклиф этилган:

- жуфтликда ишлаш;
- тарози;
- корусель;
- елпигич;
- кичик гуруҳларда ишлаш;
- қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш;
- аквариум;
- нуктаи назаринг бўлсин;
- тугалланмаган гаплар;
- ақлий ҳужум;
- янги фикрий ҳужум;
- фикрларнинг шиддатли ҳужуми;
- 6 x 6 x 6;
- кластер;
- қарорлар шажараси;
- тажриба воситасида ўқитиш цикли;
- броун ҳаракати;
- йўналтирувчи матн;
- дарахт ечими;
- бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ортиқча);
- ўз номидан сўзлайман;
- 3 x 3; (4 x 4; 5/5, ...);
- фуқаролар эшитуви;
- ролли ўйинлар;
- ишбоп ўйин;
- пресс метод;
- ўз позициясини эгаллаш;
- баҳс-мунозара;
- муаммоли вазият;
- дебатлар;
- давра суҳбати;

– лойиҳа ва ҳаказолар.

Юқоридаги интерактив методлардан фойдаланишда қандайдир бир мақсадни кўзда тутиб, муаммони келтириб, ўқувчи-талабаларни шу жараёнда ишлашга тайёрлаб, уни маълум малакаларга эга бўлган ҳолатларда қўлланилса кутилган натижаларни олиш мумкин.

Умуман юқорида баён этилган интерактив методлар асосида дарсни ташкил этиш учун ҳар бир машғулотнинг концепцияси яратилиши, шу асосда унинг кетма-кетлиги, регламенти, иш тартиби, мақсад, вазифалари, кутилаётган натижалар олдиндан белгилаб олиниши ва ундан ўқувчи-талабалар бохабар этилиши керак.

Интерактив методда ўқувчи-талабаларни ўқитишда ўқитиш муҳити ташкил этилади, қулай муҳит яратилади, бу эса:

- ўқиш ва тадқиқотларга кўмаклашади;
- турли тадқиқотлар олиб бориш учун материалларга эга бўлади;
- ижодкорлик қобилиятларига рағбат беради;
- ижтимоий ва коммуникатив кўникмаларни ривожлантиради;
- фикрлар ва ахборотлар алмашинувиға имкон яратади;
- нутқий ривожлантиришни рағбатлантиради;
- маълумотларни мустақил олиш кўникмаларини

шакллантиради;

- узлуксиз таълим олиш кўникмаларини ривожлантиради;
- турли усуллар билан маълумот олиш учун ресурсларни ўз

ичига олади;

- маълумотномалар, луғатлар, энциклопедиялар, географик хариталар, компьютер, тажриба ўтказиш учун турли асбоблар, материаллар билан ишлаш имкониятига эга бўлади.

Ўқув материали мазмуни, нимага ўргатилиши, таҳлили, мотивацияси, ўқитувчи, ўқувчи-талабаларни кетма-кетликдаги ҳаракатлари кўзда тутилади.

Интерактив дарсларни ташкил этиш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Ориентир. Ўйин иштирокчилари ва экспертларни тайёрлаш босқичи. Ўқув жараёнининг иш режаси ўқитувчи томонидан тақлиф этилади. Ўқувчи-талабалар билан ҳамкорликда машғулотнинг мақсад ва вазифалари аниқланади. Ўқув жараёни муаммоси шакллантирилади. Ўқув жараёнида кечадиган иммита-

ция, ўйин қоидалари, умумишнинг бориши айтилади, ўқувчи-талабаларга ўқув жараёни материали пакети тарқатилади.

2. Ўқув жараёнига боришга тайёргарлик. Ўқув материаллари, вазиятлар, инструкция ва бошқа пакет ҳужжатлари билан танишиш. Ўйин қоидалари таблоси тузилади. Унга ўйин сценарийси, ўйин вазифалари, қоидалари, ўйин кетма-кетлиги, олинадиган натижалар акс эттирилади.

Ўйиннинг бориш жараёни акс эттирилади. Ўйин жараёнини ўзгартириш, унга четдан аралаштириш ман этилади. Фақатгина жараёни олиш боришгина айрим тузатишларни киритиш мумкин. Ўйин белгиланганда ўқитувчи унга аралашмай, уни кузатиб, бошқариб боради.

Унинг асосий вазифаси муҳокамани ташкил этиш, ўйинни кузатиб туриш, натижаларни, олинаётган фикр-мулоҳазаларни ҳисоблаш, иштирокчиларнинг саволларига жавоб бериш.

3. Ўтказилган ўйин муҳокамаси – Ўтказилган ўйин жараёнини таҳлил этиш, муҳокама этиш, баҳолашдан иборат. Ўқитувчи якуний муҳокамани ўтказиши. Муҳокамада иштирокчи ва экспертлар фикр алмашадилар, ўз позицияларини ҳимоя қиладилар, таассуротларни туғилган муаммо ва фикрларни билдирадилар.

Юқоридаги ахборотлардан маълум бўладики, интерактив ҳолатда кечган ишчилик ўйинларида; *ўқитувчи-ўқувчи-талаба, ўқитувчи-синф-аудитория, ўқувчи-талаба-синф, ўқувчи-ўқувчи-талаба-талаба, гуруҳ-гуруҳлар орасида ўзаро мулоқотлар бўлиб ўтиши орқали ўқув мазмуни ўзлаштирилади.*

Интерактив усулда дарс ўтмоқчи бўлган ўқитувчиларга шуни эслатиш керакки, янгича ишлаш учун фақатгина мақола, адабиётлар ўқишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун, яъни ўқитувчи ўз фаолиятида интерактив методларни қўллаши учун, у шахсан ўзи ишчанлик ўйинлари, ақлий ҳужум, мунозара, дебатларда қатнашиб, ўзи тажрибадан ўтказиши, бу ишга шахсий ҳиссасини қўшиб боради.

Бунинг учун у интерактив дарсларни ўтказишнинг қуйидаги қоидаларини билиб, ўзлаштириб, амалга киритиши керак:

– **биринчидан**, интерактив машғулотларга барча иштирокчилар (ўқувчи-талабалар) жалб этилиши талаб этилади. Бунда шундай интерактив технологиялар танланиши керакки, иш жараёнида барча иштирокчиларнинг иштироки ёки муҳокамаси таъминлансин;

– **иккинчидан**, машғулотга иштирок этишни психологик тайёрлаш зарур. Дарсда иштирок этувчилар жараёнга киришиб кетишга тайёр эмаслигини ҳисобга олмоқ керак. Янги ташкил этилаётган интерактив дарсларда улардаги ҳадиксираш, тортинчоқлик, индамаслик ҳолатлари дарснинг фаол кечиши, ички имкониятларни ишга солишга тўсқинлик қилиши кузатилади;

– **учинчидан**, ўқувчи-талабаларни замонавий педагогик технологияларни қўллаб жорий этиш билан толиқтирмаслик. Иштирокчилар имконияти, замонавий технология сифати бир-бирига мос келгани маъқул. Бир гуруҳда иштирокчилар сони 30 кишидан ошиб кетмаслиги керак. Шундай шароитдагина кичик гуруҳларда ишлаш, фикрни эркин баён этиш, муаммолар ечимини топиш осон кечади;

– **тўртинчидан**, машғулот олиб бориладиган хоналарни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Синф ёки аудитория шундай тайёрланиши керакки, кичик ва катта гуруҳ билан ишланганда, улар эркин ҳаракатлансинлар. Бошқача айтганда ўқувчи-талабага қулай муҳит яратилиши керак. Айниқса, ўқувчи-талабаларнинг бир-бири билан мулоқотда бўйин эгиб ўтириши ноқулайлик келтириб чиқаради. Столларни 4-6 кишилик қилиб қўйиш, гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига қараб ўтириши, кўриб, фикрлашувга қулай муҳит яратилиши яхши натижалар беради;

– **бешинчидан**, ишчанлик ўйинларини олиб боришдан олдиндан унинг регламенти, кетма-кетлигига риоя қилиш керак. Унга қатъий риоя қилишни олдиндан келишиб олган маъқул, Ҳар бир иштирокчи ҳар қандай фикрлаш, нуқтаи назарга чидамли бўлиши, охиригача эшитиши, танқид қилмаслиги керак.

Ҳар бир иштирокчининг сўз эркинлигига ҳурмат билан қараш, шахс ҳурматини сақлаш;

– **олтинчидан**, иштирокчиларнинг гуруҳларга бўлинишларига диққат-эътибор билан қараш. Аввало гуруҳларни шакллантириш эркин, хоҳиш-истаклар асосида кечгани маъқул. Кейинчалик гуруҳларни тасодифий шакллантиришга ўтилгани маъқул.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, интерактив усуллар бирданига қўпгина вазифаларни бажара олишга имкон беради. Энг муҳими у ўқувчи-талабаларнинг коммуникатив билим, тушунча, малакаларини оширади. Уларни ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатларда ишлашини таъминлайди. Айниқса бир-бирларини эшитиш, фикрини баён этиш, ўзаро ҳурматга ундайди.

Бу усулда ишлаш ўқувчи-талабалардаги руҳий ҳолатни, юкламаларни енгиллаштиради. Машғулот шаклларини, фаолиятларини ўзгартириб туриш асосида муҳим муаммолар ечимини топишга ўрганиб борадилар.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ўқитувчи дарс берувчи эмас, балки ўқувчи-талабаларни муаммога йўналтирувчи, тадқиқот фаолияти маслаҳатчиси, ташкилотчиси ва мувофиқлаштирувчиси дир. У ўқувчи-талабаларнинг мустақил фикрлаши учун шароит яратади ва уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Ўз навбатида, ўқувчи-талабалар ўқитувчи билан биргаликда ўқитиш жараёни ва унинг натижалари учун масъулиятни тақсимлаш орқали ўқиш жараёнининг тўлақонли иштирокчиларига айланади. Демак, интерактив методлар асосида ташкил этилган машғулотларда таълим берувчи, яъни ўқитувчи таълим олувчиларни фаолликка ва мустақил фикрлашга чорлайди. Таълим олувчи бутун дарс жараёнида фаол иштирок этади. Бундай ёндашувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагича:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасида эркин фикрмулоҳазаларга шарт-шароит яратилиши.

4-шакл



Ҳозирги кунда интерактив методларинг 100 дан зиёд турлари мавжуд бўлиб қуйида ўқитишнинг интерактив методларининг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз:

“АҚЛИЙ ХУЖУМ” МЕТОДИ

Кейинги пайтда мия иш фаолиятининг фойдали иш коэффицентини оширишга мўлжалланган турли хил методлар ишлаб чиқилмоқда. Ваҳоланки, мутахассисларнинг фикрича, миянинг бор-йўғи 7% игина ишлар экан, холос. Мия фаолиятини фаоллаштирадиган таълим усулларига ижтимоий-психологик тренинг, синектика, аутоген машқ, морфологик таҳлил, ролли ўйин, «Ақлий ҳужум» ва бошқалар киради.

«Ақлий ҳужум» – «брейнсторминг» (brain storming) *инглизча сўздан олинган бўлиб, фаол таълимнинг, бошқарувнинг ва тадқиқотнинг методларидан бири ҳисобланади. Бу метод ақлий фаолликни қўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.*

Бу методнинг пайдо бўлиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизида хизмат қилган америкалик мутахассис А.Осборн билан боғлиқ бўлиб, у бошчилигида ҳарбий кемани қандай қилиб торпедолардан ҳимоя қилиш мумкинлиги масаласида кема Кенгаши ўтказилади. Кенгаш қондасига кўра ҳамма – юнгадан тортиб капитангача ҳар қандай ҳатто ҳаёлий ва амалага ошириб бўлмайдиган ғояларни ҳам айтаверса бўларди, ҳар қандай таклифлар ёзилиб борилди. Матрослардан бири шундай фикрни илгари сурди: *«Торпедони сезиб қолсам, мен бутун командани бортга тизардимда, торпедога қараб пуфлашни буюрардим».* Ғояни эшитиб ҳамма кулиб юборди, ҳатто шу ғоя ҳам ёзилди. Муҳокама пайтида бу ғоя қайтадан ишлаб чиқилди ва сувнинг кучли оқимидан фойдаланишга қарор қилинди. Сув насосидан отилаётган сув оқими ёрдамида торпедога урилди ва у тўхтатилди. Бир қарашда кулгили туюлган ғоя масалани ҳал қилди-қўйди.

50-йилларнинг охирига келиб америкалик психолог А.Осборн ўзи ишлаётган университетда *«Ақлий ҳужум»* методини кутилмаган ғоя ва таклифлар тўплаш ва мураккаб бўлган масалаларни ечиш усули сифатида тарғиб қила бошлади.

Ижодий фаолликнинг ва маҳсулдорликнинг стимулятори ҳисобланган *«Ақлий ҳужум»* методи асосан янги оригинал фикрларнинг туғилишига қаршилик кўрсатувчи танқидий

мухитнинг йўқлиги деб аталган психологик механизмга таянади. Бундай мухитда ҳеч қандай фикр танқид қилинмайди, нотўғри фикр айтишдан қўрқилмайди, ҳеч кимнинг устидан қўлинмайди.

Шундай қилиб, «Ақлий ҳужум» методи дастлаб АҚШ, Англия, Францияда сўнгра Японияда ишлатилди. 70-йиллардан бошлаб Россияда, 90-йиллардан бошлаб эса Ўзбекистонда ишлатила бошланди.

“Ақлий ҳужум” методи – бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар, Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага қўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки “Пинборд” доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:


1. Таълим олувчининг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзунинг такрорлаш ёки бир мавзунинг кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзунинг мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда мавзудан сўнгра, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий хужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар қуйидагича:

“Ақлий хужум” методи



“Ақлий ҳужум” методи беш босқичдан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;

2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз мулоҳазаларини билдиришади;

3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофон, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланadi;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади.

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

Шундай қилиб, *“Ақлий ҳужум” методи*дан фойдаланилган таълим олувчиларнинг (ўқувчи-талабаларнинг) барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, ўқувчи-талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчиларда ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда баён этиш малака ва қўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Демак, *“Ақлий ҳужум” методи* таълим олувчиларда ижодий тафаккур ва эркин фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади.

“ЯНГИ ФИКРИЙ ҲУЖУМ” МЕТОДИ

“Янги фикрий ҳужум” методи Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бир неча ўн (20-60) нафар ўқувчи-талабалардан иборат гуруҳларда қўллаш мумкин.

Метод ўқувчи-талабалар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади. Ҳар бири 5 ёки 6 нафар ўқувчи-талабаларни ўз ичига олган гуруҳларга 15 дақиқа ичида ижодий вазифалар берилади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичида ижобий ҳал этилгач, бу ҳақида гуруҳ аъзоларидан бири ахборот беради.

Гуруҳ томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва бошқа гуруҳлар аъзолари томонидан муҳокама қилинади ва унга баҳо берилади. Машғулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машғулот жараёнида гуруҳ аъзоларининг

фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра баҳолаб борилади.

“ФИКРЛАРНИНГ ШИДДАТЛИ ҲУЖУМИ” МЕТОДИ

“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми” методи Е.А.Александров томонидан асосланган ҳамда Г.Я.Буш томонидан қайта ишланган. «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методининг моҳияти қуйидагичадир:

– жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган ҳар бир ўқувчи-талабанинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

– ўқувчи-талабаларда маълум жамоа (гурух) томонидан билдирилган фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришдан иборатдир.

“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми” методини ижтимоий, гуманитар ва табиий йўналишлардаги фанлар юзасидан ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида бирдек муваффақиятли қўллаш мумкин.

Ушбу методдан фойдаланишга асосланган машғулот қуйидаги бир неча босқичда ташкил этилади.

“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми” методини қўллаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

– ўқувчи-талабалар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш;

– вақтни иқтисод қилиш;

– ҳар бир ўқувчи-талабани фаолликка ундаш;

– уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантириш ва ҳ.к.



“6X6X6” МЕТОДИ

«6x6x6» методи ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчи-талабани фаолиятига жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. «6x6x6» методи асосида ташкил этилаётган машғулотда бир-бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади.

Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

«бхбхб» методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

- гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси фаол бўлишига ундайди;
- улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;
- илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу методни 5,6,7 ва ҳатто 8 нафар ўқувчи ёки талабадан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида *«бхбхб» методи* қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бир мунча кўп вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо)ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.

«бхбхб» методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишини талаб этади. Гуруҳларнинг тўғри шакллантирилмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. *«бхбхб» методи* ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқади.

2. Ўқувчи-талабалар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема,

тўқини, балиқ, дельфин, кит ҳамда аюла сурати тасвирланган (жамми 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи ёки талаба ўзи танлаган варақчадан тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Ўқувчи-талабалар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машгулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларни тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни яқунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчи ёки талаба ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ, ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

«КЛАСТЕР» МЕТОДИ

«Кластер» (*гунча, боғлам*) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муйян шакли бўлиб, у ўқувчи-талабаларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил гоаялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли синалади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчи-талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Кластер» методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчи-талабалар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиши мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчи-талабалар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

«Кластер» методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

7-шакл




«ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ» («ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ») МЕТОДИ

«Қарорлар шажараси» методи муайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларда ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдириладиган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда туғриси топишга йўналтирилган техник ёндашувлар. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бор таҳлил этиш ва уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Гуруҳ ўқувчи-талабалари иштирокида қўлланиладиган «Қарорлар шажараси» бир неча ўн нафар ўқувчи-талабаларнинг билимларини даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да ўқувчи-талабалар томонидан билидириладиган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жаҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида ўқувчи-талабалар қуйидаги шакл асосида тузилган жадвални тўлдирадилар (ёки ушбу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув доскасидан фойдаланадилар):

8-шакл



“Қарорлар шажараси” методи қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

1. Ҳаётини яхшироқ қилишнинг асосидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Ҳаётини яхшироқ қилишнинг асосидан 4 ёки 6 нафар кишилардан иборат гуруҳларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.

3. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билидириладиган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва ноафзаллик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.

4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори борасида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда ҳаётини яхшироқ қилишнинг асосидан раҳбарлигида барча ҳаётини яхшироқ қилишнинг асосидан билдирилган хулоса (қарор)ларни бир-бири билан қиёслайдилар.


Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ҳаётини яхшироқ қилишнинг асосидан бунинг сабабини изоҳлайди.

“Қарорлар шажараси” методининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу метод бевосита маълум лойиҳа асосида қўлланилади. Мазкур лойиҳа қуйидаги кўринишга эга:

«ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ» МЕТОДИ					
УМУМИЙ МУАММО					
1-қарор варианты		2-қарор варианты		3-қарор варианты	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
Қарор:					

“ТАЖРИБА АСОСИДА ЎҚИТИШ ЦИКЛИ” (Д.КОЛЬ ҒОЯСИ) МЕТОДИ

Мазкур метод куйидаги тўрт омил асосида курилади:



10) қорида қайд этилган омилларнинг ҳар бири муайян шиор (тоғ)га асосланади. Чунончи:

1. Ўқувчи-талабалар учун машқ (топширик)лар мазмунини таъкидлий ўрганиш ва улар устида фикр юритиш имконини берувчи широнини ярат (рефлексив кузатиш);

2. Ўқувчи-талабаларга зарур назарий билимларни бер;

3. Муаммо юзасидан билдирилган фикрларни умулаштириш ни хулосалаш учун шароит ярат (абстракт хулосалаш концептуаллаш);

4. Ўқувчи-талабаларга мукамал шаклланган, айна вақтда яна бир бор текшириб чиқилиши лозим бўлган машқ (топширик)ларни ишлаб чиқиш имконини бер (фаол тажриба олиб боришга тийёрланиш);

5. Якуний хулосани шахсий тажрибадан ўтказ ва фаолиятда ундан фойдалан (аниқ тажриба ўтказиш).

«ҚОРА ҚУТИ» МЕТОДИ

Таълим жараёнида мазкур методни қўллашдан мақсад ўқувчи-талабалар томонидан мавзунини пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, уларда ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Методдан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

– ўқувчи-талабалар жуфтликка бириктириладилар;

– жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи асосий тушунчалар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар ва ҳ.к.)ни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади;

– ўқитувчи ўқувчи-талабалар билан ҳамкорликда гуруҳлар томонидан

топшириқнинг бажарилишини текширадилар;

– топшириқни тўғри бажарган гуруҳнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва топшириқнинг ечимини ёзув тахтасига ёзади;

– ўқувчи-талабалар ёзув тахтасида қайд этилган фикрларни шарҳлайдилар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар қандай маънони англатишини айтадилар);

– тўғри жавоб берган ўқувчи-талаба ўқитувчи ролни бажариб, жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи шакл, жадвал ёки тасвир яратишни топширади ва ўқитувчи ёрдамида топшириқнинг бажарилишини текширади.

«БЕШИНЧИСИ (ОЛТИНЧИСИ, ЕТТИНЧИСИ,...) ОРТИҚЧА» МЕТОДИ

Ўқувчи-талабаларнинг мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида ушбу метод алоҳида аҳамиятга эга. Уни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантириш;
- ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллуқли бўлган тўртта (бешта, олтита,...) тушунчанинг ўрин олишига эришиш;
- ўқувчи-талабаларга мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш;
- ўқувчи-талабаларни ўз ҳаракатлари моҳиятини шарҳлашга ундаш (мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида, ўқувчилардан тизимда сақланиб қолган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтишлари ҳамда улар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни асослашларини талаб этиш лозим).

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни кўрсата ва асослай олиш ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлаш, шахсий ёндашувларини асослай олиш, шунингдек, тенгдошларининг фикрлари билан шахсий мулоҳазаларини ўзаро таққослаш кўникмаларини ҳам шакллантиради.

«3/3» («4/4», «5/5»,...) МЕТОДИ

Мазкур метод ҳам юқорида қайд этилган методларнинг муқобили ҳисобланиб, ўқувчи-талабалардан ўрганилаётган мавзу (ёки бўлим, боб) юзасидан таҳлилий мулоҳаза юритиш, шунингдек, энг муҳим таянч тушунчаларни ифодалай олишни талаб этади. Унга кўра ўқитувчи мавзу (ёки бўлим, боб) юзасидан учта (тўртта, бешта,...) бўлган ва ноўрин қўлланилган тушунчалар (сўзлар, белгилар, тасвирлар ва бошқалар)дан иборат тизимни шакллантиради. Ўқувчи-талабалар ушбу тизимдан мавзу (бўлим, боб)га тааллуқли бўлмаган тушунчаларни ажратадилар ва ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.

Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

- ўқитувчи ўзаро тенг нисбатда мавзу (бўлим, боб)га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчалар тизимини яратади;

– ўқувчи-талабалар мавзу (булим, боб)га оид бўлган ва оид бўлмаган асосий тушунчаларни аниқлайдилар ва дахлдор бўлмаган асосий тушунчаларни тизимдан чиқарадилар;

– ўқувчи-талабалар ўз ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.

Методдан индивидуал, гуруҳли ва оммавий шаклда ўқувчи-талабалар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда уларнинг билимларини аниқлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

«ҚИЗИЛ ВА ЯШИЛ РАНГЛИ КАРТОЧКАЛАР БИЛАН ИШЛАШ» МЕТОДИ

Ўқувчи-талабалар билан оммавий ва гуруҳ шаклида ишлашда ушбу методни қўллаш ниҳоятда қулай. Методдан машғулотлар сўнгида мавзунинг мустаҳкамлашга оид тезкор савол-жавобни ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Метод қуйидаги ҳаракатларни ташкил этиш асосида қўлланилади:

– ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзунинг моҳиятни мантикий кетма-кетликда ёритишга хизмат қилувчи тушунчаларни ифода этган махсус карточкалар мажмуи тайёрланади (ҳар бир карточканинг орқа томонига мавзу моҳиятини ёритувчи «ядро» тушунчанинг биттадан ҳарфи жойлаштирилади ва махсус қоплама билан беркитилади);

– ҳар бир гуруҳга махсус карточкаларнинг алоҳида мажмуаси топширилади ва карточкаларни улардаги тушунчаларга асосан мантикий кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси юкланади;

– гуруҳлар томонидан топшириқ бажарилиб бўлингач, карточкаларнинг орқа томони ўгирилади ва махсус қоплама очилиб, топшириқнинг қай даражада туғри бажарилганлиги аниқланади.

Юқорида баён этилган интерактив методлар ўқувчи-талабани яқка тартибда, жусфликда, кичик гуруҳларда, катта гуруҳларда ишлаш, фикр юритиш, ўз қарашларини химоя қила олиш, танқидий фикрлаш, куникма ва малакаларини ошириш имконига эга бўладилар.

«КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ» МЕТОДИ

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методи – таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда

уқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим оловчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишига, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи-назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерактив методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган:

11-шакл



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари куйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ курсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.


“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўргатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлгандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчининг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида (12-шакл) ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини берали ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конверт-ни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.


Давра столининг тузилмаси



Белгилар:
1-таълим олувчилар
2-айлана стол

Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган:

13-шакл



“Давра сўҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.


“ИШБОП ҲЙИН” МЕТОДИ

“Ишбоп ҳйин” методи – берилган топшириқларга кўра ёки ҳйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ҳйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ҳйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ҳйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ҳйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ҳйинда ҳар бир

иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гуруҳли характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади. Қуйида “Ишбop ўйин” методининг тузилмаси келтирилган:

14-шакл



“Ишбop ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолaш мезонларини ишлаб чиқади.

2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолaш мезонлари билан таништиради.

3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.

4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.

5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.

6. Ҳайин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.

7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини туғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

“РОЛЛИ ҲЙИН” МЕТОДИ

“Ролли Ҳйин” методи – таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли Ҳйинларнинг ишбоп Ҳйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли Ҳйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценаридаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп Ҳйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар

«Ролли Ҳйин»да ҳам «ишбоп Ҳйин» каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли Ҳйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли Ҳйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни Ҳйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, ҳуққатвори муҳим аҳамият касб этадиҳ. Танланган мавзулар таълим олувчилярнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли Ҳйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради.

“Ролли Ҳйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича Ҳйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли Ҳйин сценарийсини ишлаб чиқади.

2. Ҳйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.


3. Ҳйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.

4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.

5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

“Ролли ўйин” методини қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим. Куйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган:

15-шакл



“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

“Баҳс-мунозара” методи – бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим


берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг кўл” қоидаси (кўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)ги риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган:

16-шакл



“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини тинглайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ

“Муаммоли вазият” методи – таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, узларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. *“Муаммоли вазият” методи* қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.


5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган:

17-шакл



“ЛОЙИҲА” МЕТОДИ

“Лойиҳа” методи – бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчи-

нинг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим оловчилар нуктаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим оловчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим оловчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган:

18-шакл



“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим оловчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғади.

2. Таълим оловчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқади. Иш режасида таълим оловчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим оловчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим оловчилар педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Педагог таълим оловчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топширикни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот, лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалчегги машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Педагог “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топширикни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топширикни мустақил бажара олишларини таъминлаши лозим.

“Лойиҳа” методи қуйидагича амалга оширилади:

- якка тартибда;
- кичик гуруҳда;
- жамоада.

“ЙУНАЛТИРУВЧИ МАТН” МЕТОДИ

“Йўналтирувчи матн” методи – таълим олувчилар мустақил равишда йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш вазифаларини бажарадиган методдир.

“Йўналтирувчи матн” методининг барча босқичларида педагог фаолияти “пассив”, таълим олувчи фаолияти эса “актив” бўлади. Чунки таълим олувчилар томонидан олдиндан тайёрланган материаллар асосида мустақил равишда фаолият кўрсатадилар. “Йўналтирувчи матн” методидан ўқув амалиёт дарсларида фойдаланилади. Ушбу методни ўтказиш босқичлари “Лойиҳа

методи”нинг босқичлари билан бирхилдир. Маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш босқичларида таълим олувчи мустақил ишлайдилар. Қарор қабул қилиш ва хулоса қилиш босқичларида таълим олувчи ва педагог орасида “қайтар алоқа” ўрнатилиб, биргаликда муҳокама қиладилар. Таълим олувчиларга бошланғич босқичларда педагог томонидан тузилган ёзма ҳужжатлар берилади. Бундай ҳужжатларга чизмалар, жадваллар, йўналтирувчи саволлар, тестлар, тарқатма материаллар, топшириқлар варақаси, баҳолаш варақаси ва бошқалар киради.

Қуйида “Йўналтирувчи матн” методида педагог ва таълим олувчиларнинг фаолияти келтирилган:

19-шакл



1. Таълим оловчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар, йўналтирувчи саволлар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар ва “Йўналтирувчи матн” тузадилар.

2. Сўнгра таълим оловчилар мустақил равишда “Йўналтирувчи матн” асосида иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим оловчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, таълим воситалари ва техник воситалар режалаштирилиши лозим.

ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН:

ИШ РЕЖАСИ

№	Иш тартиби	Зарур бўлган таълим воситалари	Вақт

3. Таълим оловчилар педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Таълим оловчилар бажариладиган ишлар кетма-кетлиги бўйича қарор қабул қиладилар, педагог эса фақат маслаҳатчи сифатида иштирок этади.

4. Таълим оловчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда якка тартибда ёки гуруҳларда амалга оширадилар. Бу босқичда таълим оловчиларнинг амалий кўникмалари шаклланади. Педагог топшириқнинг бажарилишини “Баҳолаш варақаси”га қайд қилиб боради.

БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ

№	Мезонлар	Уқувчи-талабанинг Ф.И.Ш

БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ

№	Уқувчи-талабанинг Ф.И.Ш	Мезонлар

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзлари текширадилар ва “Баҳолаш варақаси”да сифат мезонлари, яъни талаб этилган меъёрлар берилади ва улар эришилган натижа билан таққосланади.

6. Педагог ва таълим олувчилар биргаликда иш жараёнини ва эришилган натижаларни якуний суҳбат давомида таҳлил қиладилар. Ушбу суҳбатда барча таълим олувчиларнинг натижалари баҳоланади ва келажакда иш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги таъкидланади.

“Йўналтирувчи матн” методи “Лойиҳа” методи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу икки методни бир-биридан қуйидаги нуқтаи назар бўйича фарқлаш мумкин:

- “Йўналтирувчи матн” методи таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишига қаратилган;
- “Лойиҳа” методи эса таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишидан ташқари, эътиборни касб ўрганишда керак бўладиган шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Шундай қилиб, таълим жараёнида интерактив методларнинг юқорида қараб ўтилган шаклларида фойдаланиш ўқитувчидан катта педагогик маҳорат талаб этади. Интерактив методлар нафақат ўқувчи-талабаларга билим бериш, балки уларда ижодий фикр юритиш, мустақил билим олиш, касбий малака ва кўникмаларини шакллантириш имкониятини яратади. Бунга эса таълим берувчи билан таълим олувчининг бир-бирига ўзаро ишончи, ҳамкорлиги ва жонли мулоқоти орқали эришилади.

Демак, таълим жараёнида интерактив методлардан фойдаланишда ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Ана шу ҳамкорлик натижасида ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлаш, ўз-ўзини фаоллаштириш ва намоён этиш хусусиятлари шаклланади ва ривожланади.

5.4. ЛОЙИҲАЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДИ

Лойиҳа – кўпинча иқтисодий-ижтимоий йўналишда, қурилиш, илмий ишларни амалга ошириш ҳолатларида қўлланилган. Бу атама педагогикага XX аср бошларида кириб келган. Бундай йўналишдаги ўқитиш лойиҳа асосида истиқболли ўқитиш методи деб қаралади.

Лойиҳали метод асосида ўқитиш ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлаши, фикр юритиши, ўзи ўзлаштириб олишини кафолатлайди. Бу метод ўқув маҳсулини олишда самарали бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этишда кенг тавсия этилади.

Дарсни интерактив лойиҳа асосида ташкил этиш ҳозирги кунда энг долзарб, юқори самара берувчи метод сифатида тан олинмоқда. Дарс жараёнида лойиҳалар устида ишлаш аниқ-ижтимоий масалалар ечимига қаратилади.

Жумладан, илмий изланишларни, ижодкорликни, ахборотларни, амалий масалаларни ечиш ва ҳал этишда қулайлик туғдиради.

Лойиҳали метод асосида ташкил этилган дарсларда ўқувчи-талабалар фикр алмашадилар, изланадилар, ҳамкорликда ечимини топадилар. Лойиҳали метод асосидаги дарсларнинг бошқа метод (усул)лардан фарқи шундаки, ўқувчи-талабалар ахборотларни излаб топиб, қайта ишлаб, умумлаштириб ўзлари ҳимоя қиладилар.

Дарс лойиҳалари индивидуал ва гуруҳларга мўлжаллаб тузилади. Якка шахсга қаратилган лойиҳаларнинг афзаллиги шундаки: умумўқув-билув кўникмаларини эгаллашда ўқувчи-талабаларнинг ўқув меҳнатига шахсий масъулияти жуда юқори бўлади. Чунки унинг пировард натижаси ўқувчи-талаба шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлади.

Лойиҳали метод асосида гуруҳларга бўлиниб дарсни ташкил этишда ўқувчи-талабалар орасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамижодкорлик ҳолатлари асосида иш юритилади ва ишни бундай асосда ташкил этишда дарс самарадорлиги кафолатланади.

Ҳар бир ўқувчи-талаба ўзининг бор қобилиятини ишга солади. Лойиҳа ечимини топишга фаол киришади.

Дарс лойиҳалари ўзининг давомийлигига қараб:

- кичик лойиҳалар (бир соатли);
- қисқа муддатли лойиҳалар (4 соатга мўлжалланган);
- ҳафтага мўлжалланган лойиҳалар;
- узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳалар (кўпинча бундай

лойиҳалар дарсдан ташқари қўшимча таълимни амалга оширишга хизмат қилади) бўлиши мумкин.

Лойиҳали метод асосида ташкил этиладиган дарслар ўқитувчидан дарсни ташкилий жиҳатидан пухта ўйланган, сифатли, ишчанлик муҳитида, ўқувчи-талабаларни жараёнга қизиқтира оладиган тарзда лойиҳалай олишни талаб этади. Ўқув жараёнини

лойиҳали метод асосида ташкил этишда ўқитувчи фаолликда иш юритувчи эмас, балки кенг қамровли ижодкор педагог ролини ўташи талаб этилади.

Ўқитувчилар лойиҳа раҳбари сифатида юқори маданиятли, ижодкор, изланувчан, ташкилотчи бўлмоғи керак.

Лойиҳа шундай тузилиши керакки, у ўқувчи-талаба шахсига қаратилиб, унинг шахсий ривожланишига хизмат этиши керак.

Лойиҳали методлар асосида ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитувчи фидойилик кўрсатиши, ўқувчи-талабани руҳлантириши, уларни қизиқтириш орқали пировард мақсадга эришиши талаб этилади.

Лойиҳали метод асосида ташкил этиладиган дарслар ва унга сарф этиладиган вақт, ташкилий ишлар, бериладиган ва тўғри йўлга солувчи саволлар олдиндан режалаштирилиши керак.

Бундан ташқари дарс жараёнидан содир бўлиши мумкин бўлган камчилик, хатолар, уларнинг олдини олиш, жараённинг таҳлилий томонлари ҳам олдиндан ҳисобга олиниши керак.

Лойиҳали метод асосида дарсларни ташкил этиш жуда мураккаб жараён, бунда ҳар бир ўқувчи-талабанинг мустақил ишлашини ташкил этиш муаммоси ётади. Яъни қайси вазифаларни ўқитувчи бажариши керак. Қайсиларини ўқувчи-талабаларнинг ўзлари ҳал этишлари керак ва қайсиларини ўзаро ҳамкорликда амалга оширишни олдиндан кўра билиш керак, буларнинг ҳаммаси лойиҳада кўзда тутилмоғи талаб этилади.

Ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлаши кўпгина омилларга жумладан: ёшига, шахсий характериға, мойиллигига, истак-хоҳишларига, илгари лойиҳали метод асосида ишлаган-ишламаганлигига, лойиҳа мазмунининг мураккаблигига, гуруҳларда иштирок этувчиларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади. Лойиҳали метод асосида дарс жараёнини олиб боришда ўқувчи-талабаларнинг имконияти, қобилияти, умумтайёргарлик даражалари ҳисобга олинмоғи лозим.

Лойиҳали метод асосида ўқитиш фаолияти мазмуни ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этувчи жараён ҳисобланади.

Бунда:

1. Ўқитувчи томонидан таклиф этилган ўқув лойиҳалари, кичик лойиҳаларнинг ўқувчи-талабалар томонидан бажарилиши кўзда тутилади.

2. Ўқув лойиҳалари олдиндан ишлаб чиқилган мезон курсаткичлари асосида баҳоланади, лойиҳада предметлараро мақсадлар кўзда тутилса, яқуний баҳолар ҳам чиқарилиши мумкин.

3. Лойиҳали метод асосида фаолият ташкил этилганда ўқув-мавзуларда режалаштирилаётган лойиҳани топшириш муддатлари кўзда тутилади.

4. Лойиҳали метод асосида ўқув фаолиятини ташкил этишга ўқитувчи раҳбарлик қилади ва у лойиҳанинг координатори ҳисобланади.

5. Лойиҳалар яқка шахсларга ва гуруҳларга қаратилган бўлади.

6. Лойиҳа топшириқлари аниқ, равон шакллантирилган, унинг мақсад ва вазифалари тушунарли аниқланган, ўқувчи-талабалар билан унинг ижро йўллари ва механизмлари келишилган бўлади.

7. Айрим ҳолларда ўқувчи-талабаларнинг хоҳиш ва истакларига биноан лойиҳаларни шакллантириш лойиҳа раҳбари билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

8. Ўқув йили давомида ўрнатилган тартибда тузилган лойиҳалар тақдимотини илмий конференцияларда, педагогик кенгашларда, метод-бирлашмаларда ўтказиш, ҳимоя қилиш ёки танловлар тариқасида ўтказиш мумкин.

Дарс жараёнини лойиҳали метод асосида ташкил этиш босқичлари қуйидагича:

1. Ўқув предмети мавзусини ва мазмунини танлаш.

2. Дарснинг ўқув мавзуси юзасидан ягона умуммақсадни белгилаб олиш.

3. Дарснинг ўқув мазмунини ишлаб чиқиш, бериладиган назарий ва амалий билимларни белгилаш.

4. Ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, билим, кўникма, малакаларни ифода этиш.

5. Дарснинг шакли, метод, воситаларини танлаш.

6. Тушунча, билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш учун таълим олувчи томонидан сарфланадиган вақт бирлиги ҳисобини олиш.

7. Ҳар бир босқич натижаларини олиш учун машқ ва мисоллар тизимини яратиш.

8. Назарий жиҳатдан олиб бориш, тестлар ва интеллектуал тренинг саволларини ишлаб чиқиш.

9. Лойиҳали методни дарс жараёнига татбиқ этиш.

10. Дарс жараёнини олиб бориш ва яқунлаш механизмини яратиш.

Лойиҳали метод асосида ташкил этилган дарс жараёнида ўқувчи-талабаларнинг:

- эҳтиёжи;
- қизиқиши;
- хоҳиши;
- мақсади;
- қобилияти;
- фаолияти;
- интеллекти

ҳисобга олиниши талаб этилади. Дарс жараёнида ўқувчи-талабани индивидуал хусусияти ва имкониятлари ҳисобга олиниши зарур.

Навбатдаги дарсни лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи олдида доим бир савол кўндаланг туради, яъни дарснинг мақсади, вазифаси, кетма-кетлиги, изчиллиги, яхшилаш ҳолатларини қандай ташкил қилиш керак?

Дарс мақсадини белгилаш ва уни амалга оширишда қуйидагича иш юритиш мақсадга мувофиқ:

- ўқув материални танлаш;
- уни дидактик талаблар асосида ташкил этиш;
- фойдаланиладиган метод ва жараёни жиҳозлаш;
- ўз фаолиятини функционал ташкил эта олиш;
- ўқувчи-талаба шахси ва гуруҳларда иш фаолиятини ташкил этиш.

Лойиҳали метод асосида дарсларни амалга оширишда гуруҳ раҳбари-нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Бирор муаммоли вазиятни, мавзунини танлаш ва шакллантириш, ғояни олдинга суриш, лойиҳа сценарийсини тузиш, вазифаларни белгилаш, тизимга тушириш ва ечимини ҳал этиш.

2. Лойиҳани шакллантириш бўйича ихчамлашган аннотация тузиш, сўнги эришиладиган маҳсулни ва унинг заруриятини аниқлаш.

3. Тўпланган мавзунини аниқлаштириш, лойиҳа материали, структурасини белгилаш, лойиҳа ҳажминини аниқлаш, лойиҳа ечимида ҳар бир иштирокчининг изланиш олиб боришдаги роли, ўрнини белгилаш.

4. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, иш жараёнини олиб бориш ва муддатларини доимий назоратга олиш.

5. Лойиҳани шакллантиришда, унинг мазмунини баён қилишда камчиликларни аниқлаш ва хужжатлаштиришда доимий маслаҳатлар бериб бориш.

Хулоса қилиб айтганда, ўқув фаолияти пухта ўйланган лойиҳали метод асосида ташкил этилса, ҳар бир ўқувчи-талаба унинг ечимида фаол иштирок эта олса, ўқув жараёни самарали кечади. Ўқув жараёнини дарс жараёнидаёқ онгли равишда тўла ўзлаштириш кафолатланади.

5.5. МУАММОЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДИ

Таълим мақсад ва вазифаларига кўра муаммоли ва анъанавий бўлиши мумкин.

Агар таълим муассасаси ўз олдига ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш қобилиятлари, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришни бош мақсад қилиб олса, унда педагогик жамоанинг муаммоли таълим методи асосида фаолият юритиши ва малакаларини шакллантириши зарур. Шунингдек, ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, таълим жараёнига ва ўқув-билув жараёнига «муаммоли ўқитиш» дидактикасини жорий этиб бориш асосий иш жараёнига айланмоғи керак.

Муаммоли таълим методи таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш, ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билув жараёнига эҳтиёжи қизиқиши, хоҳишини орттиришга сабаб бўлади.

Агар ўқитувчи муаммоли таълим методининг мазмун - моҳиятини яхши ўзлаштириб олса, ўқув жараёнининг шакли ва методларини, техник жиҳатдан жиҳозланишни амалда қўллай олса у ўз-ўзидан муваффақият келтиради.

Ўқитувчининг дидактик жиҳатдан яхши тайёргарлиги жуда муҳимдир. Чунки муаммоли таълим методининг назарий ва амалий жиҳат-ларини атрофлича ўрганиш – ўқув жараёнини санъат даражасига олиб чиқиш демакдир, у ўз навбатида ўқувчи-талабаларнинг таълим мазмунини тўла ўзлаштириб олишига кафолатдир.

Муаммоли таълим методини муваффақиятли кечиш шартлари куйидагилардан иборат:

1. Ўқув материални муаммоллаштириш.

2. Ҳуқуқчи-талабаларнинг фаоллигини ташкил этиш.
3. Ҳуқуқчи-талабалар ҳаёти, турмуш тарзи, меҳнати унинг билан алоқаси.

Муаммоли вазиятларни яратиш усуллари:

1. Ҳуқуқчи-талабаларни зиддият ҳолатига келтиради ва уларича ечимини топишни таклиф қилади.

2. Амалий фаолиятдаги зиддиятлар тўқнашувини вужудга келтиради.

3. Бир саволнинг ўзига ҳар хил фикрларни билдиради.

4. Ҳодисани ҳар хил позициядан кўриб чиқишни таклиф қилади.

5. Таққослашга, умумлаштиришга, хулосалар чиқаришга ундайди.

6. Аниқ саволлар қўяди, ечимини сўрайди.

7. Муаммоли топшириқларни қўйиб, ечимини сўрайди.

Муаммоли таълим методининг назарий асослари шуни кўрсатадики, таълим муассасалари олдида турган бош мақсад ҳуқуқчи-талабаларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ривожланишини таъминлашдан иборат. Ҳуқуқчи-талаба шахсини ҳар томонлама баркамол ривожланишини кўрсатувчи асосий омил унинг юқори даражада мустақил фикрлай олишида намоён бўлади.

Агар муаммоли таълим методи ҳуқуқчи-талабаларни мустақил фикр юрита олишга ўргатса, ундай таълимни ривожлантиришга асосланган ҳуқуқ-билув жараёни деб қабул қилиш мумкин.

Ҳуқуқчи-талабаларни мустақил фикрлашга йўналтирилган махсус воситаларни қўллаб, уни фанга қизиқтириш, эркин фикрлашга ўргатиш, ривожлантириш тизими яратиб борилса, бунини муаммоли таълим дейиш мумкин.

Ҳуқуқчи-талабаларни фаоллаштиришда самарали метод, усулларни анъанавий таълимни амалга оширишда дидактик ёндашув асосида олиб борилиши деб тушунтирилади.

Ҳуқуқчи-талабаларнинг ақлий фикрлашларини тайёр мавжуд бўлган йўллар билан ўстириш мақсадга эришишнинг оддий усули бўлиб, у ижодкорликка, изланувчанликка олиб келмайди.

Муаммоли таълим жараёнида ҳуқуқчи-талабалар таҳлиллар асосида қўллаш, синтез қилиш, умумлаштириш, фактик материални аниқлаштириш, ўзи мустақил янги ахборотни олади. Бошқача

айтганда, бу билимни кенгайтириш, чуқурлаштиришни илгариги олган, ўзлаштирган билимлари асосида ўзлаштириш, қўллай билишдан иборат.

Олган билимларини янгича қўллашда ўқитувчи қўлланма, дарслиқдан тайёр холда бермайди, у ўқувчи-талабалар томонидан мустақил излаб топилади. Мана шу ҳолат изланувчанлик, синчковлик методида ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

Ақлий изланиш – жуда мураккаб жараён, у асосан муаммоли вазият вужудга келтирилганда, аниқ муаммолар кучайгандагина вужудга келади. Агар ўқитувчи топшириқ бериб, уни қандай бажариш йўлини айтиб, уни бажаришга ундаса, бу муаммони ечишга кирмайди. Бу ўқувчи-талабаларни танҳо ечимга ўргатади холос.

Ўқувчи-талабаларни ҳақиқий фаоллаштириш, уларни муаммони мустақил фикрлаш, назарий, амалий томонларини ҳисобга олиш, таҳлил орқали муаммо ечимини ўзи ўйлагандек яқун топтиришга олиб келиши керак.

Муаммоли таълим методи анъанавий таълимдан ўзининг мақсад, принцип, методлари, вазифалари жиҳатдан кескин фарқ қилади. Анъанавий таълимнинг бош мақсади илгаритдан фанга маълум билимларни ўзлаштириш, ўқувчи-талабаларни фан ҳақида маълум маълумот билан қуроллантириш, уларда тушунча ва малакалар ҳосил қилишдан иборат.

Муаммоли таълим методи даражалари босқичлари:

Биринчи босқич – ўқитувчи муаммони тўлиқ ёритади ва уни ечимини топиб беради, қарши саволлар ёрдамида ўқувчи-талабаларни фикрлашга ихтиёрий мажбур этади.

Иккинчи босқич – ўқитувчи муаммони кўйиб, унинг мазмунини ифодалайди. Кейин ўқувчи-талабаларни муаммо ечимини мустақил изоҳлашга йўналтиради.

Учинчи босқич. Ўқитувчи муаммони баён этмайди, балки муаммоли вазият яратади. Ўқувчи-талабалар мустақил фикр юритиб, муаммоли вазиятдан чиқиш йўлларини излаб топадилар.

Тўртинчи босқич – бунда ўқитувчи изланиш соҳасини белгилайди холос, муаммога яқинлашиб боради, лекин унинг мазмуни ва ечимини кўрсатмайди. Ўқувчи-талабалар мустақил фаолиятга йўналтирилади.

Муаммоли таълим методидида ўқитувчи ўқувчи-талабаларни мураккаб тушунчалар мазмуни билан таништириш жараёнида системали равишда муаммолар қўйиб беради, ўқувчи-талабаларга ихборот беради, ўқувчи-талабалар мустақил равишда хулосалар чиқаради, умумлаштиради ва ўқитувчи ёрдамида маълум тушунчалар, қондалар, хулосалар чиқарадилар.

Ўқитиш – шундай ҳолатки, ўқитувчи ўз фаолиятида таълим мазмунини баён қилишда қатор муаммоли вазиятларни юзага келтиради. Бир вақтда шу янги билимларни ўзлаштириш жараёнида муаммони ҳал этишга ундайди.

Муаммо – илмий билишни ривожлантириш зарурлигини ифодалашнинг субъектив шаклидир. У муаммоли вазиятда, яъни жамият ривожланиш жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган вазият.

Муаммоли ўқиш – ўқувчи-талабалар ўқув-билув жараёнида муаммоли вазиятни таҳлил этиш, синтез қилиш, умумлаштириш асосида унинг ечими бўйича таклифлар, гипотезалар келтирадидлар, қарашларининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қиладидлар.

Муаммоли вазият – бу инсоннинг интеллектуал қийинчиликда пайдо бўлган вазиятдан чиқиш жараёни, бунда маълум ва номаълум фактларга суяниб, мақсад сари интилиш, вазиятдан чиқа олишга интилиш, қизиқишлар орқали ижодкорликка, маҳсулот олишга йўл очади.

Психологлар томонидан муаммоли вазиятдан чиқишда сермаҳсул ишлай олиш, чиқа олиш кетма-кетлиги аниқланган. У қуйидагича кўринишга эга:

Муаммоли вазият-----муаммо-----унинг ечимини излаб топиш-----муаммонинг ечими.

Муаммоли вазиятлардан ақлий ҳаракат орқали чиқиш кетма-кетлиги бир қанча босқичлардан иборат:

- муаммонинг вужудга келиши;
- қийинчилик нимадан иборатлигини тушуниб олиш;
- унинг ечими йўлларини қидириб топиш, бунда ечим бўйича фикр, таклифларни келтириш, исботлаш;
- тахминларни исботлаш;
- муаммо ечимининг тўғрилигини текшириш.



Муаммоли таълимнинг умумфункциялари:

- билимлар тизимининг ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштириб олиниши ва ақлий-амалий, ижодий ечимлар фаолияти;
- мустақил равишда билимга бўлган қизиқишларининг ортиши, ўқувчи-талабаларнинг ижодий қобилиятлари ўсиши;
- ўқувчи-талабаларда дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Муаммоли таълимнинг ўзига хос функциялари:

- таълим олувчиларнинг ижодий фикрлаши орқали билимларни ўзлаштириши шаклланади (айрим мантиқий ва ижодий фикрлаш фаолиятларининг шаклланиши);
- олган билим, малакаларини ҳаётда қўллай олишлари шаклланади (олган билимларини янги шароитда қўллай олишлари), ўқув муаммоларига мустақил йўл очиш кўникмалари ҳосил бўлади.
- ижодий фикрлаш тажрибалари шаклланади, илмий методлар

асосида изланишга ўрганадилар, уларни амалда қўллайдилар.

Илмий изланиш тажриба-синовлар, педагогик амалиётлар шуни кўрсатадики, муаммоли вазиятларни ҳамма ўқув фаолиятларига нисбатан қуйидаги типларга бўлиш мумкин:

Биринчи тип.

Агар ўқувчи-талабалар олдига вазифалар қўйилиб, қўйилган масалаларга ҳаётдан ўқув материали асосида жавоб талаб қилинса, муаммоли вазият келиб чиқади.

Иккинчи тип.

Ўқувчи-талабалар илгариги дарсларда олган билимларини янги мавзунини ўзлаштириш вақтида қўллаш зарурлигига учраб қолсалар. Янги мавзунинг ечими илгариги олган билимларини ўзлаштирганликларини талаб этиб, вазиятдан чиқа олмай қолсалар.

Учинчи тип.

Муаммоли вазиятларни шундай ҳолатларда ҳам учратиш мумкинки, ўрганилган назарий билимлар ечимида мавзунини ўрганиш амалий ечимларга мос келмаса.

Тўртинчи тип.

Муаммоли вазият шундай ҳолларда ҳам учраши мумкинки, ўқув топшириғини амалда бажариш учун ўқитувчида исбот, назарий асос бўлмаса.

Муаммоли ўқитиш методлари:

1. Мавзунини муаммоли баён этиш жараёнида педагог мустақил равишда муаммоли вазиятни вужудга келтиради ва унинг мустақил ечимини қидиради, топади.

2. Педагог мустақил равишда муаммони кўяди, аммо унинг ечимини ўқувчи-талабаларни жалб қилган ҳолда ҳамкорликда излайдилар, ечимини топадилар, хулосалайдилар.

3. Педагог ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар олдида муаммони кўяди. Ўқувчи-талабалар уни излайдилар, ахборот алмашадилар, қайта ишлаб, ўзларининг иштирокларидagina ечимини топадилар.

4. Муаммоли вазият ўқувчи-талабаларнинг ўзлари томонидан вужудга келтирилади. Унинг ечимини бошқа ўқувчи-талабалар изланиш, янгича фикрлаш орқали топадилар, ўзаро ечим қидирадилар. Ўқитувчи йўлланма, маъқуллаш орқали пассив иштирок этади.

Муаммоли таълим соҳасида илмий-тадқиқот олиб борган М.И.Махмудов, М.Н.Скаткин, А.М.Матюгиквен, И.Я.Ларнер,

Ж.Йулдошев каби олимларнинг хулосаларига кўра қуйидаги методларни келтириш мумкин:

- тушунтириш, намоёиш этиш;
- репродуктив;
- муаммоли баён қилиш;
- илмий-изланишли методлари мавжуд.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муаммоли ўқитиш методлари жуда зарур ва керак. Чунки муаммоли таълим методи ўқувчи-талабаларни изланишга, ижодкорликка, эркин фикрлашга ўргатади. Ўқувчи-талабаларда бундай сифатларнинг шаклланиши, ўқув-билув масъулиятини оширади, мустақил билим олиш унинг кундалик одатий ҳолатига айланади. Бу эса таълим мазмунини, янги дастур ва Давлат таълим стандартлари (ДТС)ни ўзлаштириб олишга кафолат бўлади.

5.6. КРЕАТИВ ТАЪЛИМ МЕТОДИ

Креатив таълим методи ўқувчи-талабаларнинг ижодий қобилиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлади. Айниқса муаммоли, лойиҳалаштирилган ва жадаллаштирилган таълимларнинг кўлланиши ўқувчи-талабаларда яратувчанлик, бунёдкорлик қобилиятларини ўсишига олиб келади.

Анъанавий шаклда олиб бориладиган таълим ўқувчи-талабаларга илгаритдан маълум ахборот, билим, тушунча, кўникма ва малакаларни бериш билан чегарланади.

Лекин креатив таълим методи асосида ташкил этилган ориентациядаги дарслар жараёнида қабул қилувчи объектдан ижодкор (креатив) субъектга айланади. Пред-метни (томони, мазмуни) ўзлаштирувчи ўзига нисбатан яратув-чанлик билан ёндошиш асосида ўзлаштириб олади. Ҳар бир фактик материалга ижодий ва танқидий қарай олади. Олинаётган ўқув материали унга янгича қараш, қўшимча материалларни олиш, ўзлаштиришга йўл очади. Кўпинча бундай ҳоллар ўзлаштиришга эвристик ёндашувни шакллантиради.

Бу эса малакали мутахассисларни келажакда олган билим, кўникмасининг фақат ижрочисигина бўлиб қолмай, балки ўз касбий фаолиятига ижодкорлик, яратувчанлик асосида қарашга олиб келади.

Ҳозирги кун таълим тизимининг бош ва асосий мақсади ҳам ижодий фикрлайдиган малакали мутахассисларни ва юксак даражадаги фикр юритувчи шахсни тарбиялаш ва тайёрлашдан иборат.

Сир эмаски, мамлакат тараққиётида технология, хом ашё, жиҳозлар, энерго ресурслар, экологик ўзгаришлар борган сари глобаллашиб, унинг бошқарувчисидан юксак маҳорат эгаси бўлишни талаб этмоқда. Умуман, таълим тизимида ҳам унинг дастурлари, мазмуни, **Давлат таълим стандартлари (ДТС)** такомиллашиб бормоқда. Бундай тезкор ўзгаришлар билим олишнинг замонавий технологиялари, *масофавий, лойиҳаланган таълим, медиа таълимини*, яъни шахсий ижодкорликка асосланган таълимни жорий қилиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда.

Креатив таълим методининг мақсад ва вазифалари ҳозирги мавжуд таълим асосан илгаридан мавжуд бўлган анъанавий дидактикага асосланган, яъни ўқув жараёнида илгаридан фанга маълум бўлган билимларни ўқитиш, ўргатиш, етказиш билан характерланади. Ўқитувчи илгаридан маълум репродуктив фаолиятни олиб боради. Бу эса асосан ўқувчи-талабаларнинг таълим мазмунини ёдлаб олиши, қайта такрорлаб бериши билан чекланади. Яъни, таълим илгаридан маълум предмет *«аввал ҳунар ўргат, кейин шогирд уз хоҳишича нимани ижод қилса – қилаверсин»* йўсинида иш тутиш расм бўлган.

Бундай ҳолда билим олиш концепцияси тўрт босқичда амалга оширилади:

- билим билан танишиш, маълум ахборотни тушуниб олиш, воқеаларни бир-биридан ажрата олиш;
- билимдан нусха олиш, олган билимларини такрорлаш;
- билим - малака, олган билимларини амалий фаолиятда қўлай олиш;
- билим-трансформация, олган билимларини, кейинги янги билимларни, янги вазифаларни бажаришда қўллаш (яъни ижодий фойдалана олиш даражаси)дир.

Агар умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари биринчи, иккинчи даражадаги билимларни ўргатса, олий таълим учинчи, олий таълимдан кейинги таълим тўртинчи даражадаги, яъни илмий изланиш, стажер-тадқиқотчилар томонидан билимни эгаллаш ва давом эттирилади. Ундан кейинги таълим эса *«бешикдан қабргача»*, яъни *«умр буйи узлуксиз»* таълим давом этади.

Шуни ёдда сақлаш керакки, ижодкор яратувчи шахсни, малакали мутахассисни тарбиялаш – фанга маълум бўлган билимларнинг ўзинигина ўзлаштириш билан кифояланмай, олинган билимлар замирида янги билимларни кашф этишлари билан муҳимдир.

Бунга ёрқин мисол, улуғ алломаларимиз Мусо ал-Хоразмий математика фанининг асосчиси, ал-Фарғонийнинг турли фанларга тегишли буюк кашфиётлари, ал-Форобийнинг (70 дан ортиқ тилларда эркин сўзлашган), товуш тезлиги, частотаси, моддият, иссиқлик, ҳаракат, оптикага оид кашфиётлари, Абу Райҳон Берунийнинг (қомусий олим) минералогия, геодезия, жўгрофия, фалакиёт (астрономия), тарих, тилшунослик, фалсафа ва бошқа фанлар ривожига қўшган катта хиссаси, Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» ва бошқа асарлари, Улуғбекнинг «Зиҷжи Кўрагоний», «Тарихи арба улус» («Турт улус тарихи») асарлари ҳозирда ҳам мамлакатимизда ва қўлаб Европа мамлакатларида ўқиб ўрганилмоқда. Уларнинг кашфиётлари бутун жаҳон халқларининг умуммулкига айланган. Бу шундан дарак берадики, алломаларимиз ўз даврида мавжуд билимларни чуқур ва пухта ўрганиб, ўзлаштириб қолмай, улар ўз ишларига изланувчанлик ва ижодкорлик билан ёндошиб, жуда қўлаб кашфиётлар қилганлар. Шунинг учун янгиланган дидактиканинг вазифаси фақатгина фанга маълум бўлган билимларнинг ўзини ўргатиш, уни такрорлаш билан чекланмай, уларнинг ижодий, танқидий ва яратувчанлик руҳида иш юритишларига замин яратиб бормоқдан иборат.

Ҳозирги замон таълимининг бош ва асосий вазифаси – ўқувчи-талабаларнинг интеллектуал даражасини, яратувчанлигини, ижодкорлигини, изланувчанлигини такомиллаштириш орқали уларни янги билимларни олиш, яратишга руҳлантиришга қаратилмоғи керак.

Маълумотларга қараганда (ёшлар психологиясига кўра) олти ёшгача бўлган болалар 40 % истеъдод потенциалига эга эканлар. Болалар энг кичик ёшданок ижодкорлик, яратувчанликка жуда мойил бўлар экан. Агар шу даврда у билан олиб борилаётган таълим жараёнига фақат анъанавий таълим асосида ёндошилса, ундаги ижодкорликка мойиллик сўн юборади.

Ўқув-билув ижодкорликка йўналтирилса – унинг фаоллиги, яратувчанлик қобилияти ошиб боради. Масалан:

1. Ижодкорлик асосида иш юритишда фақатгина объектнинг ўзи билангина чекланмай, яъни субъект (ўқувчи-талаба)нинг ижодкорлиги, мойиллиги, эҳтиёжига қараб иш тутилса, ижобий натижалар беради, яъни ижодкорликка ёшлиқдан ўргатиш мумкин ва зарур;

2. Умуман улуғ кашфиёт намоёндалари фикрлаш алгоритмини яхши ўзлаштирганлар, чуқур, атрофлича билимга эга бўлганлар. Улар асосан эвристик метод ва усулларни яратганлар, шулар асосида ижодкорлик намуналарини намоён қилганлар.

Create – лотинча сўз бўлиб – яратувчанлик, ижодкорлик деган маънони беради.

Яратувчанлик ва ижодкорлик методларини яратишни, ўргатишни креатив педагогика ўргатади.

Агар таълим жараёни ўқувчи-талабалар фаоллигига асосланган муаммоли, дастурланган, лойиҳалар жадаллаштирилган ҳолда кечса, у ҳолда креатив йўналишга эга бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг фаоллиги туфайли у янгилик, ижодкорлик сари етаклайди.

Ижодкорлик ва маданиятлилик ўқув фаолиятида доимий тизимли кечса, у ижодкорлик сари боради. Шунинг учун ҳам ўқув жараёнидан ташқари вақтда «илмий-техник ижодкорлик асослари» ёки «техник лойиҳалаш ижодий асослари» ва бошқа илмий изланиш йўналишидаги тўғарақлар ташкил этилса, ўқувчи-талабаларнинг лойиҳалаш ижодкорлиги ошиб боради. Шунинг учун ҳам ўқувчи-талабаларнинг буш вақтини мазмунли ва мақсадли йўналтириш, уларнинг келгусида касбий махоратли, ижодкор бўлиб етишишига сабаб бўлади. Тарихан таълим икки маданият йўналишида ривожланган, тараққий этган. Биринчиси, гуманитар – бадиий йўналишда бўлса, иккинчиси илмий ва техника йўналиши. Шу сабабли техник ижодий ривожланиш концепциясида техника таълимини инсонпарварлаштириш ва назарий муҳитда ривожланишнинг асоси қилиб олинган. Аниқ фанларнинг ҳам ривожланишини техника тараққиёти ва ахборот-информацион технологиялар билан чамбарчас боғлаш яхши натижалар бермоқда. Таълим билан боғлиқ ҳар қандай фаолият лойиҳалаштириш асосида кечса:

3. Дизайн билан боғлашда яхши натижаларга олиб келади. Шунинг учун креатив педагогика шу лойиҳалаштиришга асосланган бўлади. Ҳозир техник жиҳатдан катта ўсиш, ўзгаришлар даври;

4. Ўз навбатида таълим жараёни олдида вазифалар қўймоқда, таълим олувчи олган билимларини ўзлаштириб, қўпайтириб

боришдан ташқари, ўқув-билув жараёнида қўшимча билимлар бериш орқали ижодий ёндашувга мойилликлари ортиб боради;

5. Таълимни олиб борувчи - ўқув жараёнини олиб борувчи, ўқувчи-талабалар ўқув жараёнининг фаол иштирокчиси ўқув-билув масъулиятини ўз бўйнига олувчи ҳамдир;

6. Таълим жараёнини технологиялаштириш, инновациялар, илғор технологиялар, янги ўқув объектлари ўқувчи-талабаларнинг тафак-қурини абстракт фикрлаш, ижодий фикрлар юритишга олиб келади.

7. Ўқув жараёнини алгоритмлаш, лойиҳалаш, модуллаштириш ўқувчи-талабаларнинг ўқув жараёнига бўлган шахсий масъулиятини оширади.

Уларда мотивациянинг кучайиши орқали қўшимча маълумотлар олиш асосида ўз билимини бойитиб бориш эҳтиёжини тугдиради.

Хуллас, ўқув жараёнини креатив йўналтириш учун:

1. Ўқув жараёни ўқув материални бериб бориш, бошқа қизиқарли қўшимча материалларни таклиф этиш ва ўқувчи-талабаларни изланишга, ижодкорликка йўналтирувчи материал асосида уларни ўз эҳтиёжи, хоҳиши билан янгилик сари етаклаш.

2. Ўқув жараёнини ҳам шундай ўзгартириш керакки, ўқувчи-талабалар ўқув материалларининг яратувчисига айланиб, берилган ўқув материали ўша яратувчиликка хизмат қилсин.

3. Ўқув материалларига янги қўшимчалар киритиш орқали эвристик стратегия, тактика, метод ва усуллар таклиф этиш орқали ўқувчи-талабаларнинг ижодий фикрлашга бўлган қизиқишини ошириш керак.

Умуман, ўқувчи-талабалар фаолиятида яратувчанлик, ижодий фикрлаш ҳар қандай муаммони, вазифани, лойиҳани ечишда сермахсул жараён ҳисобланади. Шундай экан, ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар мустақил равишда масаланинг ечимига интилса, ўқитувчи муаммоли вазиятни ўз вақтида ташкил этса, ўқувчи-талабаларда секин-аста кўникма ва малака шакллана боради.

5.7. ЭВРИСТИК ТАЪЛИМ МЕТОДИ

Ўқувчи-талабаларнинг мустақил, фаол, ижодий фаолиятини ташкил этишда *эвристик методлар* асосидаги таълим алоҳида ўрин тутади.

«Эвристика» – грекча сўз бўлиб, «heurist» сўзни, «инлайман», «топаман», «очдим» маъноларини беради. Умуман, эвристик таълим методи жуда узоқ антик замонлардан бери қўлланилиб келинади. Биринчи бора таълим жараёнида қўлланилганда – эвристик суҳбатлар йўналтирилган, кетма-кет берилган саволларга жавоб бериш жараёнида шаклланган, саволларга жавоб беришда жавоблар ўқувчи-талабалар томонидан муаммолар ечимига қатнашиш жараёнида ривожлантирилган.¹

Педагогикада ўқувчи-талабалар фикрини ривожлантирувчи, мақсадли, сермаҳсул изланишлар асосида қўллана бошлаган.

Кўпроқ бу усулни биринчилардан бўлиб математик олимлар, ўқитувчилар истеъмолга киритганлар. Кўпинча уни «*математик ечим санъати*» методлари шаклида қўллаш маъқул қўрилган.

Кейинчалик уни бошқа ўқув предметларини ўқитиш жараёнида илғор универсал методлар сифатида ҳам қўллашга ҳаракатлар - ўрганишлар бўлган.

Бу муаммо билан ўз даврида философ ва грек математиги Папп Александрийский, кейинчалик француз философ ва математиги Р.Дехретлар шуғулланиб, *эвристик таълим универсал методдир* деган фикрга келганлар.

Илғор метод сифатида уни Ян Амос Коменский таълим тизимига киритиш зарурлигини уқтирган. У эвристик методдан таълим жараёнида фойдаланишда шахснинг ўйлаши, «*ижодий фикр юритиши замирида турли янгиликларни яратувчи шахс тарбияланади*», деб таъриф беради.

Рус педагоги П.К.Коптерев – халқ мактабларида эвристик таълим методларини кенг қўллаш ижодий фикрни юритувчи шахснинг шаклланишига замин яратади, деган фикр билдиради.

Эвристик таълим методи педагогика назариясига XX асрнинг иккинчи ярмидан кириб кела бошлади. Айниқса, ўқув жараёнига кибернетиканинг кириб келиши, илмий изланувчанлик, ижодкорлик, янгиликлар яратишга эҳтиёжнинг ошиши муносабати билан таълим жараёнида кенг қўллашни тақазо эта бошлади.

Ҳозир фанда эвристика йўналиши мустақил ривожланмоқда. Бирор янгиликни яратиш ғояси илгари сурилгандан кейин янги ихтиёрий ҳаракат дастури тузилади, шу вазиятдан чиқиш ёки

¹ Сайтлар: <http://evrika.tsi.lv/center.php> – Эврика – научный портал.

http://msk.treko.ru/show_dict_205 – Эвристика.

http://www.eduhmao.ru/portal/di?last=false&provider=HMAOArticlePageContainer&HmaoArticleId=ARTICLE_47714&hMAOseCSId=SECTION_29973 – Развивающее и эвристическое обучение.

жаддаллаштириш учун янгича ижодий, ностандарт фикрлаш орқали янгилик яратилади.

Фикрлаш жараёни (анализ, синтез, умумлаштириш) орқали айрим операциялар кетма-кетликда янгича ёндашув орқали ечилади, ҳал этилади.

Эвристиканинг фан сифатидаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хосила берувчи жараёнларни ўрганиш. Унда кечадиган ўзига хос психологик кечинмаларни ўрганиш ва билиш. Инсоннинг эвристик фаолияти ёки элементлари орқали реал вазиятни ажрата олиш ва уни хотирада сақлаш;

- эвристик фаолиятни юритиш учун (модел) шароитни яратиш принципларини ўрганиш;

- эвристик фаолиятни юритиш, ташкил этиш учун вазиятни моделлаштириш;

- эвристик фаолиятни юритиш учун мақсадга йўналган эвристик тизимни, қонуниятларини шакллантириш ва яратиш;

- эвристик фаолиятни жорий этиш қонуниятларини амалга ошириш учун техник жиҳозлар конструкциясини яратиш.

Эвристика фан сифатида ўз категорияси, эвристик фаолият, эвристик элементлар аппарати, эвристик тизим, эвристик стратегия, эвристик метод, эвристик қоида, эвристик йўл кабиларни ўз ичига олади.

Эвристик методлар ва улардан фойдаланиш йўналишлари:

- маълум қонуният ва принципларга суянади.

- гоёни муаммолилиги ва оптималлиги (масаланинг ечимидаги бош, оптимал гоё);

- ахборотни бўлим, блокларга тақсимлаш (мақсад, вазифалар ечимидаги кетма-кет, кичик йўналишларни ечишга йўналтирилганлик).

Бундай методларда ташкил этилган машғулотлар шу билан ажралиб турадики, у исталган муаммони ечишда шахсни ижодий ёндашувга, интуитив фикрлашга олиб келади. Лекин бу метод ҳар доим ҳам гоёлар ечимида абсолют ютуқларни олиб келавермайди.

Эвристик методларнинг турлари қуйидагилар:

КУП ЎЛЧАМ-МАТРИЦА МЕТОДИ

Бу метод илмий изланувчи ва яратувчининг морфологик-тактик муаммоларига суянади:

- ечилаётган ғоянинг айрим элементлари маълум даражада илҳаритдан маълум;
- ғоянинг ечимида унинг айрим қирралари ва элементлари номисълум;
- муаммо ечими маълум эмас.

Кўп ўлчамли матрица методи системали янги таҳлилга суянади, муаммони ҳал этишда маълум принципларни ўз ичига олганлиги учун кўпгина хатоликларнинг олдини олиш имконини беради.

Бу метод кўпгина мураккаб бўлган ижодий муаммоларни ҳал этиб қолмай, кўпгина янги-янги ғояларнинг туғилишига сабаб бўлади. Кўп ўлчамли матрица методининг ўзига хос камчилиги ҳам мавжуд. У шундан иборатки, ўртача қийинчиликдаги вазифалар ечимида, жуда кўплаб вариантдаги жавоб вариантларини келтириб чиқаради. Бу ўз ўрнида улар ичидан энг оптималини танлашга қийинчилик тугдиради.

Бу метод изланаётган муаммонинг ҳамма параметрларини очиб бериш кафолатини бера олмайди. Кўп ўлчамли матрица методи асосида ишлаш жуда катта кўникма ва маҳорат талаб этади.

ЭРКИН АССОЦИАЦИЯЛИ МЕТОД

Эвристик фаолиятни юритиш – бу метод юқори даражадаги ижодий фаолиятни баҳолашда, ғояларни илгари суришда янги-янги ассоциацияларни излаб топиш имконини яратади. Бу муаммо ўз ечимида янги ғояларни келтириб чиқаради, муаммонинг ечимини топиш жадаллашади.

Бу методда ассоциациянинг вужудга келиши туфайли ечилиши зарур бўлган муаммо компонентларининг, ташқи муҳитнинг ўзаро боғланишлари рўёбга чиқади. Ташқи муҳит билан ижодий жамоанинг ижодкорона фикрлари тўқнашуви имконини тугдиради.

Бу методда ишни ташкил этишда ўқувчи-талабалар жамоасининг ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши, иштирокчи ўз ассоциациясини ёки фикрини таклиф этиши керак. Уларнинг фикрларини мужассамлаштириш орқали муаммонинг ечимида – янги ғоялар учрашувида муаммо ўз ечимини топади.

Бу методни қўллашда эмин-эркин ўз ассоциациясини, фикрини айтиш, танқидий фикрлар билдиришдан ҳоли бўлган маъқул.

ИНВЕРЦИЯ МЕТОДИ

Бу ижодий вазифаларни ечимини излаб топишга қутилмаган, янги ҳолатларда ғояларни ечимини топишга қаратилган. Бу метод муаммолар ечимига янгича ёндашиш, эски қолиплардаги фикрлашлардан ҳоли равишдаги инсонни талаб этади. Янгича шароитда мантиқий фикр юритиш. Янгича ечим топиш, муаммолар ечимини топишга, ғоялар туғилишига сабаб бўлади. Эскича фикр юритишлар муаммо ўз ечимини топмайди. Анъанавий метод муаммонинг ечимини топиш вазиятдан чиқишда ташқи томондан қарашни тақазо қилади.

Инверция методи дуализм принципига ёки қонуниятига асосланади. Фикр юритишда қарши (тўғри ва тесқари) томондан ёндашувни талаб этади. Тўғрироғи ижодий фикр юритишни.

Текширилаётган объектга анализ ва синтез, мантиқий ва интуитив, синтетик ва динамик характеристик томондан, объектга ички ва ташқи томондан ёндашувни талаб этади. Масала ечимига конкрет ёки абстракт, реал ва фантастик, ажратиб ёки бирлаштириб солиштириш орқали ечимлар топилади. Айрим масалалар, муаммолар ечимида қуйидан юқорига қараб ечим қидиришга тўғри келади.

ЭМПОТИК МЕТОД

Эмпотия (грекча сўз бўлиб (empateia – қайғуриш) кўпинча шахсий аналог методи ҳам дейилади. Аналог усулининг ўзига хослиғи шундаки бунда интуитив ва мантиқий фикрларнинг ўзаро учрашуви (туқнашуви)да масала ўз ечимини топади. Аналог кенг маънони ўз ичига олади. Аналоглар ўз навбатида бошқа аналогларни аниқлаши мумкин; улар шакл, структура, функция, жараёнларни ўз ичига олади.

Аналогларни аниқлашда ёки топишда айрим ҳолларда гиперболитик усул қўлланилади. Мисалан, ўрганилаётган объектларни, мактабни катталаштириш, ёки кичиклаштириш, уларни қисмларга бўлиш мумкин. Ижодий вазифалар ечимини топишда шахсий аналогиялар анча қулай ва яхши нағижалар беради. Унинг

ечимида шахсий сезгирлик, ҳис-туйғулар жараён ечимини тезлаштиради. Демак, эмпотик метод ижодий фаолиятга суянади, ўрганишган объектга нисбатан шахсий қайғуриш, ижодий ёндашиш орқали муаммо ечимини топишга олиб келади. Айниқса, бу метод ўқувчи-талабалар шахси тассавурининг ривожланишига сабаб бўлади. Шу орқали ихтиро қилишга ёки айрим ҳолда ўзига хос оригинал ечимлар топишга олиб келади.

СИНЕТИК МЕТОД

Синетика – (турли элементларни бирлаштируви) *методи ижодкорлик фаолиятини рағбатлантириш учун алоҳида шароит, муҳит яратади, кутилмаганда янги аналогларнинг ва ассоциациянинг тугилиши ёки яратилишига сабаб бўлади.*

Синетик метод иштирокчилари муаммо билан таништиралади ва жамоа бўлиб ижодий ечим топиш механизми тушунтирилади. Унинг ечими бўйича ўқув ташкил этилади. Уни кўпинча «*операция механизми*» деб ҳам аталади. Унга тўғридан-тўғри, шахсий ва символик аналоглар киради. Интуиция: тассавур этиш, ассоциатив фикрлаш, оригинал методларни қўллаш ва ўйинли элементлар тушунтирилади. Ўқитилади ва уларда фикрларни уйғотишга муҳит тугдирилади.

Синетик метод қўллашда аввалдан муаммони аниқ (ижодий топширик) беришдан чекинишга тўғри келади. Чунки бундай ҳолда масаланинг ечими бироз нейтралланиши кузатилади.

Шу сабабали муаммонинг айрим белгилари таҳлил этилиб, асосий муаммо ечими томон борилади. Яъни муаммони қайта шакллантириб, қидириш, излаш, муаммонинг ечимига киритилади.

Муаммони ҳамкорлик асосида қайта шакллантириш яхши натижалар беради.

Яъни ечим учун танланаётган муаммо ва гоё ижодий гуруҳ раҳбарининг шахсий сифати ва касбий маҳоратига боғлиқ. Раҳбар яъни ўқитувчи саволни усталик билан кетма-кет бера олиши, репликалар қилиши, аниқликлар ва тушунчалар бериб бориши керак.

Қисқа қилиб айтганда, ўқитувчининг вазифаси – иштирокчиларнинг фаол қатнашиши, ўйлашларига, уларни кўзгата олишга ижодий, қулай шароит яратиш.

Умуман олганда, эвристик методлар ва усуллар нима? Нима берилган? Нимани излаб топиш керак? Шу изланишда нима

маълум? Ҳуқуқ-билув даврида иштирокчилар берилган топширик, масала, муаммо ечим топа олдими, топилган аналоглардан қерда фойдаланиш мумкин? – деган саволларга жавоб ола билишлари керак.

Хуллас, эвристик таълим методини ҳуқуқ жараёнига татбиқ этиш орқали дарс сифати ва самарадорлигини оширишда нималарга эришиш мумкин.

- Эвристика асосидаги таълим ҳуқуқчи-талабалар шахсига йўналтирилган, ҳуқуқчи-талабаларнинг ўзини шахсан изланиши, ўрганиши, ўйлантиришига асосланган, унда қидириш орқали онгли ўзлаштиришга олиб келади.

- Ҳуқуқчи-талабаларни ижодий фикрлашга, муаммоларни топиш орқали интеллектуал салоҳиятини оширишга олиб келади.

- Ҳуқуқ фанидаги тайёр маълумотларни олиб қолмай, уни индивидуал ишлаш орқали ҳуқуқ материали (маҳсулот)ни олиш ва ўз кучига суяниб иш тутишни шакллантиради.

- Олаётган билимлари, тушунча, малакалари даражаси юқори сифатга эга бўлади. Дастур ва Давлат таълим стандартларини тўла ўзлаштириши кафолатланади.

- Ҳуқуқ жараёни ҳуқуқчи-талабаларни шахсан ўзи қатнашиш, ўз кучига ишонч, ўз-ўзини реализация қилиш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўз ҳуқуқ фаолиятига танқидий ёндашишга ўргатади.

- Илмий изланишга, мустақил фикр юритишга, ўзининг мустақил позициясига эга шахс сифатида шаклланишга олиб келади.

5.8. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Ҳозирги кунда таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш долзарб масалалардандир.¹ Буни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Компьютер техникасининг таълим жараёнига кириб келиши билан «Инсон компьютер» муаммоси марказий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммо глобал ва серқирра йўналишларда бўлиб, компьютер билан турли хил кўринишдаги алоқа ва муносабатлар асосида инсоннинг билим олиш ва дунёқарашлари шаклла-

¹ Сайтлар: <http://edunet.zn.uz/2007/09/27/mediaobrazovanie> – Самообразование учителя.
http://www.ucheba.com/ur_rus/k_metodkopilka/fedorov.htm – образовательный портал.
<http://ru.wikipedia.org> – Википедия – свободная энциклопедия.



Бу жараённинг туғри, мақсадли томонга қаратилган йўналиш, имкониятларини топишга туғри келади.

Ўқув – ахборотни тақдим қилишдек алоҳида ёрдам функцияларини бажариши лозим. Бундай ахборотлар ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларга таълимнинг мақсади ва вазифалари ҳамда қадриятлари асосида маданиятимиз, менталитетимиз асосида ташкил этилиши керак.

Бинобарин, ҳар қандай, ҳаттоки вазифали, фақат ўқитишдан иборат бўлган маҳсул, шунингдек, ахборот маълумотнома характеридаги компьютерли ўқитиш дастурларининг ҳам мажбурий равишда педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги текширилиши зарур. У шахсни – ривожлантириш предмети бўлиши ва умуминсоний, миллий қадриятларимиз мезонларининг маънавий жиҳатдан миллий руҳиятимизга мос бўлиши ҳисобга олинмоғи талаб этилади.

Компьютерли дарсларни ташкил этувчи, уни амалга оширувчи ўқитувчи:

1. Компьютернинг тузилиши, имконияти, бошқариш малакасини, компьютер саводхонлигини эгаллаши керак.
2. Таълим мазмунини дастурлаш, лойиҳалаш, модуллаш, алгоритмлаш, дастурлай олиши керак.
3. Компьютерда ўқувчи-талабаларни индивидуал ишлай олиш, бошқариш малакасини шакллантириши талаб этилади.
4. Ўқув жараёнида ўқитувчи дастур-компьютер-ўқувчи-талаба муносабатлари ўрнатилиши тақозо этилади.

Шунинг учун ҳам интерактив методларда ташкил этиладиган компьютерли дарслар дидактиканинг замонавий технологиялари асосида ташкил этилиши талаб этилади.

Бундай дарслар ўқув материалларини ўқувчи-талабалар томонидан шахсий хатти-ҳаракатлари орқали тез ва соз ўзлаштиришларига кафолат ҳисобланади.

Агар ахборот технологияси компьютер асосидаги дарслар махсус илгаритдан тайёрланган дастур, лойиҳалар, модуллар билан таъмин этилса, ўқув-билув жараёни самарали кечади.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш асосида олиб бориш, назорат этиш, олинаётган натижаларни коррекция қилиш, уни бошқариш, керакли маълумотларни тўплаб бориш имконини яратади.

Ахборот технологияси, компьютерлар ёрдамида таълим мазмунини алгоритмлаш, уни модулларга ажратиш, кетма-кетлигини ишлаб чиқиш, дастурлаб олиш, пировард ўқув мақсадига эришиш йўлларини илгаритдан режалаштириш имконини беради. Ахборот технологияси, компьютерлар ёрдамидаги дарсларнинг сифат кўрсаткичлари қуйидаги асосий факторлар билан аниқланади:

5. Ўқув дастурининг сифатли шаклантирилганлиги;
6. Компьютер техникасининг сифати ва унинг имкониятлари;
7. Шахснинг компьютер имкониятларини ўзлаштириб олиш малакаларининг шаклланиши.

Шунинг учун ҳам ахборот технологияси компьютер ёрдамидаги дарслар дастурланган ва лойиҳаланган ҳолларда амалга ошириш учун қулай вазият яратади.

Зарур билимларни мустақил эгаллашни, уларни турли муаммоларни ечишда амалда маҳорат билан қўллашни:

- ахборотлар билан саводли ишлашни (маълум масалани тадқиқ қилиш учун зарур фактларни йиғишни) билиш, уларни таҳлил қилиш, муаммолар ечиш гипотезаларни таклиф қилиш, зарур умумлашмалар қилиш, қонуниятларни аниқлаш, янги муаммоларни ечиш ва аниқлаш;

- олинган билим қаерда ва қандай қўлланиши мумкинлигини тўғри аниқлаш (қўллаш соҳасини аниқлаш);

- мустақил танқидий фикрлаш, реал дунёда пайдо бўлаётган қийинчиликларни кўра билиш ва уларни бартараф этишнинг самарали йўлларини излаш;

- ижодий фикрлаш, янги ғоялар яратиш қобилиятига эга бўлиш.

- ўзининг маънавияти, интеллект ва маданий салоҳияти устида мустақил ишлай олиш.

Бундай дарсларнинг самарали кечишида шахснинг маълум сифатларга эга бўлиши талаб этилади.

Ахборот – коммуникация технологиялари асосида лойиҳалаштирилган, дастурлаштирилган ахборот технологиялари ва компьютерли дарсларнинг қулайлиги шундаки, унда таълим олувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириб олаётганлигини доимий кетма-кет кузатишга, назорат олиб боришга интилиш дарс охиригача сиқланиб қолади. Бундай дарсларда ўқувчи-талабаларнинг билим олиш мотивацияси ошиб боради.

Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш асосидаги дарсларнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув материаллари алоҳида-алоҳида бўлак (блок)ларга бўлинади;

- ўқув жараёни кетма-кет олиб борилади. Ўқув материаллари маълум бўлакларда фикр юритиб ўзлаштиришга мослаштирилади;

- ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштиришдаги ҳар бир ҳаракати назоратга олиниб мониторинги йўлга қўйилади;

- ўқув-вазифани бажариб бўлиши билан ҳар бир ўқувчи-талабани ўзлаштириши учун навбатдаги вазифа бериб борилади. Шу тариқа босқичма-босқич ўзлаштиришга муҳит яратиш борилади;

- вазифаларни бажаришда ўқувчи-талаба нотўғри жавоб килса, унга шу заҳотиёқ ёрдам кўрсатилади;

- бундай таҳлил этилганда дарсларда ҳар бир ўқувчи-талаба алоҳида-алоҳида таълим олувчи ўқув материаллари ва мазмунини ўз имконияти даражасида ўзлаштиради;

- берилган мавзу материаллари мазмуни, бажариладиган натижалар ўқувчи-талабага ҳам, ўқитувчига ҳам аён бўлади.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчи ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида раҳбарлик қилади, ёрдам беради, маслаҳатчига айланади. Ўқувчи-талаба эса индивидуал, яъни якка тартибда мустақил ишлайди, натижада у ўзи олган натижасидан маънавий, руҳий озуқа олади. Ижодкорлик, яратувчанлик, ўз кучига ишонч пайдо бўлади. бу эса таълимнинг сифатли ва самарали бўлишини кафолатлайди.

Шундай қилиб, таълим муассасаларини замонавий компьютер техникалари билан жиҳозлаш ва таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласи энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир фан ўқитувчисидан ахборот-коммуникация технологияларидан бохабар бўлиш, улардан таълим жараёнида унумли ва мақсадли фойдалана олиш кўникма ва малакаларга эга бўлиш талаб этилади.

Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда қуйидаги босқичларга эътиборни қаратиш керак:

– таълим оловчиларга ўқув материалларини **тақдим этиш ва тушунтириш босқичи**;

– компьютер билан ўзаро мулоқот жараёнида ўқув материалларини **ўзлаштириш босқичи**;

– ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни тақрорлаш ҳамда **мустаҳкамлаш босқичи**;

– эришилган ютуқ ва натижаларни ўзини-ўзи текшириш орқали, **назорат қилиш босқичи**;

– оралиқ ва якуний **назорат босқичи**;

– ўзини-ўзи, шунингдек, оралиқ ва якуний назорат босқичлари натижа ва хулосаларига кўра ўқув материалларининг тақсимланишини, таснифланишини, тизимга солинишини **коррекциялаш, тузатишлар киритиш босқичи**.

Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича яратилаётган ўқув режа ва дастурларни яратиш, тузиш, юқорида келтирилган босқич-йўналишларни алоҳида-алоҳида модуллаштириш, лойиҳа сифатида киритиш яхши натижаларга олиб келади. Энди таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга батафсил тўхталамиз.

5.9. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИ

Дунё таълими тизимида масофавий таълим методи ўқитишнинг алоҳида шакли сифатида жадаллик билан кириб келмоқда, *интерактив таълим методи* сифатида жорий этилмоқда.

Масофавий таълим методи ахборот технологиялари, телекоммуникациялар асосида кечадиган педагогик жараёндр.

Масофавий таълим методида ўқитиш ўқув ахборот-ресурс марказлари, интернет, почта алоқалари орқали амалга оширилади.

Масофавий таълим асосан виртуал слайдлар орқали берилади, агар ўқувчи-талабалар пара орқали виртуал синфга кирса жараёнга катнашиш имкониятига эга бўлади.

Масофавий ўқитиш бу, махсус психологик-педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар муҳитида, бир-биридан узоқда бўлган қатнашчиларнинг билвосита алоқасига асосланган ҳолда билим, малака, кўникма ва уларни эгаллаш усулларини ўқитиш ва ўзлаштириш жараёнидир.¹

Масофавий таълим методининг ўзига хос муҳим жиҳатлари:

- таълим олувчининг ахборотни яратувчи ва уни етказувчи манбаадан узоқлиги;
- технологик жиҳатдан мулоқот муҳитининг, шунингдек, психологик ва педагогик жараён муҳитларининг ўзига хослиги;
- масофавий ўқитиш жараёни қатнашчиларининг ахборот технологиялари воситалари ёрдамидаги синхрон ва асинхрон мулоқотига асосланганлиги;
- таълим олувчиларнинг таълим дастурларини ташлаш ва ўқиш траекторияларини белгилашларидаги эркинликлари;
- таълим олувчининг: асосан мустақил равишда, компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз устида астойдил ишлашни назарда тутилган.

Масофавий таълим методи шахсни ўз-ўзини ривожлантиришга, келажакда зарур мутахассис бўлишга йўналтиради. Масофавий таълим методини жорий қилишнинг моделини белгилаб олиш стратегик режалаштириш нуқтаи назаридан муҳим, масофавий ўқитишнинг ўқув, ўқув-услугий, ўқув меъёрий ва дидактик материалларини тайёрлаш, уларни оптималлаштириш, системалаштириш, дизайн, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил қилиш ишлари илгаритдан танланган модел лойиҳалар асосида амалга оширилади.

¹ Сайтлар: <http://www.specialist.ru/eLearning/> – Дистанционное обучение
<http://textbook.keldysh.ru/courses/2002mm-www/part1/distant.htm> – Перспективы обучение
<http://www.users.kpi.kharkov.ua/re/bde/dopol/Russia/concep.html> – Концепция дистанционного образования

<http://eidos.ru/journal/heuristic.htm> – Центр дистанционного образования (“Эйдос”).
<http://www.e-ilm.uz/> – Масофавий таълим
<http://de.unicor.ru/> – Дистанционное обучение: состояние и развитие.
<http://dl.iapm.edu.ua/webpage.nsf?open> – Дистанционное образование.
<http://science.kharkov.ua/> – Дистанционное обучение.
<http://www.pvutye.ru/> – Глобальная сеть дистанционного образования.

Масофавий ўқитиш жараёни таълим соҳасига нафақат замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, балки бир қатор янги тушунча ва атамаларни олиб кирди:

- виртуал синф (гуруҳ);
- ўқитишнинг таъминоти;
- ўқув телекоммуникация лойиҳалари;
- тескари алоқа;
- диалогли технология;
- компьютер алоқаси;
- телеконференция;
- координатор, модератор, телеконференция фасилитаторлари,

тьютор.

Юқоридаги мақсадларни амалга оширишда ўқитувчи шахсидан, таълимда замонавий ахборот-коммуникацияларидан унумли фойдаланиш, масофавий таълимни ўқув жараёнига киритишда куйидаги ахборот коммуникацияси технологияларидан кенг фойдаланиш ва амалда жорий этиш талаб этилади:

- электрон дарсликлар, тьюторлар, тренажёрлар, лаборатория амалиётлари, тест тизимларидан иборат компьютерли ўқиш дастурлари;

- персонал компьютерлар, видеотехника, оптик диски ахборот тўплагичлардан фойдаланиш асосида яратилган мультимедиа технологиялари асосидаги ўқитиш тизимлари;

- турли ўқув фани, предметлари соҳаларида фойдаланиладиган интеллектуал ва эксперт ўқитиш тизимлари;

- фан, ўқув предмети соҳалари бўйича маълумот базалари;

- электрон почта, телеконференциялар, локал ва алоқа тармоқлари, маълумотлар алмашинуви тармоқлари;

- электрон кутубхоналар, марказлашган ва тарқоқ, тармоқ ҳолдаги нашриёт тизимларини ўз ичига олади.

Бу мақсадларни амалга ошириш мақсадида ва лойиҳа дастурларни яратиш, тарқатиш мақсадида мультимедиа таълими дастурларини ривожлантириш маркази ишлаб турибди. Марказ буюртмачи сифатида иш юритади, мувофиқлаштириш ишларини олиб боради.

Масофавий таълимнинг ўқув жараёнига киритилиши билан ўқувчи-талабаларда ахборот билан ишлаш маданиятини шаклландиради.

Ахборот маданияти – ўқувчи-талабаларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида ахборот технологияларининг барча турларидан тегишли, ўқув билув жараёнида фойдалана олиш кўникма ва малакаси.

Таълим тизими олдида кенг ўқувчи-талабалар оммасини ахборот олиш ва қайта ишлаш маданиятини ўстириш ва шакллантиришдек вазифалар турибди. Бу жараённинг муваффақиятли кечишида ўқитувчининг ўзи тобора маслаҳатчига, йўл-йўриқ кўрсатувчига, ўқув жараёнининг бошқарувчисига айланиб боради. Ўқитувчи ахборот эгаси, тарқатувчи функцияларини ахборот-коммуникацион технологиялари зиммасига юклай боради.

Бунда бош масала билимлар ва билимлар оламига кириш, у бу оламнинг ресурсларидан қандай фойдалана олиш ва ўзлаштира олишига боғланиб қолади.

Ўқувчи-талабалар ахборот технологияларида янгича қоидаларни ўрганиши, барча ўқув фанлари кесимида ахборот билиши, уни қайта ишлай олиши зарур бўлади.

Таълимда ўқитишнинг ва билимларни ўзлаштиришнинг нутқ, суз, товуш билан боғланган усуллари иккинчи навбатга ўтиб, ўқитишнинг тасаввурлар, шакллар, ранг, тасвирий кўрсатувлар билан боғлиқ усуллари биринчи ўринга ўта бошлайди.

Глобал компьютер тармоқларининг пайдо бўлиши кишилар мулоқотининг китоб, газета ва телевидениедан фарқ қилувчи янги ўзига хос усул ва шакллари вужудга келтирмоқда.

Бу усуллар энди кишилик муносабатларининг янги шакллари, фаолиятларининг янгича турлари, тафаккур қилиш ва ўзини-ўзи англашнинг ўзгача тарзи билан характерланади.

Масофавий таълимга компьютер техникасининг кириб келиши янги муаммони – «*инсон-компьютер*» муносабатларини келтириб чиқаради. *Ҳозирги кунда бир қатор мамлакатлар масофавий таълим амалиётида қўлланаётган масофавий таълимнинг куйидаги икки модели: қисқача таҳлил ва изоҳлаш орқали масофавий таълим методи мазмуни ва моҳиятига тўхталамиз:*

1. Ўқитишнинг кундузги – синф – дарс ва масофавий интеграциясига асосланган модел. Бу модел асосидаги масофавий таълимда ягона ўқув жараёнининг бир қисми синф-дарс шаклида, қолган бошқа қисми эса масофавий шаклда ўтказилади.

Ўқитувчи бу жараёни самарали ташкил қилишдан олдин уни лойиҳалайди – ўқув предметининг қайси қисмини синф-дарс

шаклида, қайси қисмини масофавий олиб боришни режалаштиради. Бу ўқитувчи раҳбарлигида ва унинг сценарийси асосида ўтади. Бунда таълим олувчининг ўқув жараёнига таъсир этиши назарда тутилмайди. Бу модел икки вариантга ажратилади.

Биринчи вариантда асосий (базавий) таълим олувчилар синфдарс шаклида, ўқувчи-талабаларнинг бир қисми эса масофавий шаклда олиб борилади. Ўқувчи-талабаларнинг бу қисмини таъминлаш ва моделни амалга ошириш учун махсус сайт очилиб, унга керакли материаллар жойлаштирилади.

Иккинчи бир вариантда эса асосий ўқув машғулотлари масофавий асосда олиб борилади. Таълим олувчилар вақти-вақти билан таълим муассасасида обзор маърузалар, семинарлар, амалий ва лаборатория машғулотларини бажариш, масофадан эгаллаган билим ва малакалари буйича муҳокама ва мунозараларга қатнашадилар.

II. Компьютер алоқа тармоғида ўқитишга асосланган модел (сетевое обучение). Бу модел қуйидаги 3 вариантда амалга оширилиши назарда тутилади.

Биринчи вариант. Тармоқ орқали автоном курсларни ўқитиш (айрим фактлар буйича махсус курс профилли йуналиш, тил ўрганиш ва ҳаказо). Моделнинг бу вариантини амалга оширишда таълим олувчиларга керак бўладиган барча материаллар (ўқув-тематик режалар, модуллар, қушимча материаллар, турли хил WEB-саҳифалар тестлар ва ҳ.к.) таълим муассасасининг сайтида жойлаштирилади. Бу вариантда ўқитувчи билан юзма-юз учрашув назарда тутилмайди. Барча жараёнлар тартиб билан амалга оширилади.

Иккинчи вариант: ахборот-таълим муҳити.

Бундай ҳолда барча материаллар виртуал муассасанинг ичида жойлаштирилади. Таълим олувчи учун бўладиган барча материаллар (шу жумладан, назорат материаллари ва назорат ўтказиш механизми) шу порталнинг у ёки бу қисмида жойлашади. Бир қатор чет мамлакатларнинг «очиқ университетларида масофавий таълим айнан шу модел асосида олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин.

Учинчи вариант: Кейс-технологияга асосланган тармоқ ўқувчи-талабалари. Бу модел масофадан ўқитишни ташкил қилувчи таълим муассасаси томонидан ўқитиш воситаларининг комплекси сифатида тайёрланадиган масофадан ўқитишнинг барча

материаллари, вазифалар, тавсия ҳамда курсатмалар ва бошқалардан иборат мажмуани (кейин) почта орқали таълим олувчига етказишни назарда тутди. Қозоғга туширилган, шунингдек, электрон ахборот ташувчи воситаларга киритилган материаллардан иборат бўлади. **Кейс-технология**да дискларга ёзилган ёки видеокассеталарга туширилган видеоматериаллар, сиди-маърузалар, видеоклиплар, иллюстратив-изоҳли маърузалар кенг ўрин олади.

Масофавий таълим жараёнини бошқариш ва назорат қилиш асосан интернет технологиялари ёрдамида амалга оширилади. Ҳукумат билан таълим олувчилар орасидаги ўзаро алоқалар, таълим олувчиларнинг ўзаро алоқалари электрон почта, интернет алоқаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бундай таълимни амалга оширишда таълим муассасасининг сайтида **Кейс-технология**га илова сифатида:

- турли хил қўшимча материаллар, маълумот-ахборот воситалари, шунингдек, бошқа сайтларга мурожаатлар;
- автоматик бошқарувни назарда тутувчи назарий ишлар, тестлар;
- маълум бир масала ёки муаммони жамоа равишда муҳокама қилиш учун телеконференция **Web-саҳифаси**;
- махсус хоналар, шунингдек, пайдо бўладиган муассасалар саволларига жавоб топиш ҳамда ўқитувчиларнинг консултациясидан фойдаланиш учун форум;
- Видеоконференция (имкон даражасида) жойлаштирилади.

Бу моделда ўқув материали таълим олувчи томонидан асосан мустақил ўзлаштирилиши, лекин **Кейс-технология**да курсатилган баъзи вазифаларни бажаришда ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар, шу билан бирга ўқувчи-талабалар ўртасида виртуал ҳамкорлик назарда тутилади.

Энди лойиҳа гоёларига мос моделни аниқлаш ёки бошқача қилиб айтганда бу гоёларнинг юқорида кўриб чиқилган моделларнинг қайси бирини танлаб олиш кераклигини кўриб чиқамиз.

Юқорида шарҳланган моделларга яна бир назар ташласак., масофадан ўқитиш методининг «*интеграциясига*» асосланган моделда ўқувчи-талабаларнинг қайсидир бир қисми бари бир синф – дарс шаклида ўтказилишини назарда тутилиши билан масофадан ўқитишнинг «*сайтли ўқитиш*» моделининг «**Кейс-технология**» вариантыда ҳам гарчи таълим олувчилар билан ўқитувчиларнинг

юзма-юз рўпара бўлишлари инкор қилиниши билан баъзи бир жиҳатлар билан мос келмайди.

Масофавий таълим методи ўзига хос қуйидаги хусусиятларга эга:

- эгилувчанлик жадвал асосида ўқитиш ҳар бир ўқувчи-талаба танлаган мутахассислиги бўйича курсни ўзлаштириш учун зарур бўлган ихтиёрий муддатда ўқийди;

- параллел ўқиш имкониятининг мавжудлиги. Ўқиш ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилади;

- ўқувчи-талабалар ва тьюторнинг таълим муассасасининг қаерда жойланганлигига боғлиқ эмаслиги. Таълим хизмат қилиш марказлари ва муассасаларига қатнашмасдан, яъни йўл, турар жой, овқатланиш ва хоналарни ижарасига кетадиган харажатларсиз амалга оширилади;

- билимларни сиртдан назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги;

- объектив назоратнинг қийинлиги ва ўқувчи-талабаларда тўғри фикр бўлса, таълим олишни суиистеъмом қила олади;

- ўқув-методик материалларни тақдим қилишнинг махсус шаклининг устунлиги;

- ўқувчи-талабаларнинг таълим муҳитида мустақил ишлаш малака ва кўникмаларини жадаллаштириш имконияти борлиги.

Масофавий ўқитишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Старт билимлари тамойили. Масофавий ўқитиш методининг муваффақиятли амалга оширилиши учун масофадан ўқитиш талабгори масофавий ўқитиш технологияси ва воситаларидан фойдаланиш ва уларни ишлатиш бўйича маълум бошланғич билим ва малакага эга бўлиши керак. Чунончи масофавий таълим олувчининг компьютер ва компьютер жиҳозларини (*принтер, сканер, нусха кўчирувчи ва кўпайтирувчи аппаратлар ва турли мосламалар*) мустақил ишлатишига, локал ва глобал алоқа тармоқлари орқали тегишли маълумотларни олишига ёки юборишига, бундай маълумотлар билан ишлашига, бундай тармоқлар орқали мулоқотга киришишига тўғри келади. Бунинг учун эса ундан маълум даражадаги компьютер саводхонлиги, шунингдек, локал ва глобал алоқа тармоқларида ахборот

шамашувини амалга ошириш малакаларига эга бўлиш талаб қилинади. Масофавий таълим олиш талабгорининг бундай малакаларга ёки даражаларга, бошқача айтганда, дастлабки тайёргарликка эга ёки эга эмаслиги масофавий ўқитишнинг самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

2. Ўқитишда индивидуаллик тамойили. Маълумки, ўқитишни индивидуаллаштириш, бу, уни ҳар бир ўқувчи-талабанинг ўз индивидуал хусусиятларига мослаб ташкил этишдан иборатдир.

Масофавий ўқитиш методи, ўқитишнинг анъанавий методидан ўзининг индивидуаллашганлиги билан кескин фарқ қилади. Ўқув жараёнини ўқув-методик ва ўқув-моддий жиҳатдан таъминлаш, ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг фаолияти индивидуал характерга эга. Бу тамойил кириш ва жорий назоратлар асосида амалга оширилади. Жумладан, кириш назорати нафақат таълим олувчининг индивидуал иш (ўқиш) режасини тузиш учун, балки, зарур бўлса унинг муваффақиятли ўқиши учун дастлабки билим ва малакасидаги етишмайдиган қисмларни тўлдиришни назарда тутиш учун ўтказилади. Жорий назорат эса, жумладан, таълим олувчининг ўқиш траекториясини коррекция қилиб боришга хизмат қилади.

3. Интерфаоллик тамойили. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, биринчидан у янги ахборот – коммуникацион технологиялари муҳитида нафақат ўқитувчи билан таълим олувчилар, балки ўқувчи-талабаларнинг бир-бирлари билан ўзаро мулоқотлари ва алоқа (контакт)лари қонуниятларини ифодалайди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, масофавий ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабалар ўртасидаги ахборот алмашуви интенсивлигидан юқори экан. Бинобарин, бу тамойил, масофавий ўқитишда, жараён қатнашчиларининг электрон адресларини барча қатнашчиларда бўлиш мақсадга мувофиқлигини назарда тутди.

4. Идентификация тамойили. Ўқитишнинг анъанавий шаклига нисбатан ўқитишнинг масофавий таълим методида ўқиш-ўқитиш ишларини қалбакилаштириш, ўзгалар ўқув фаолияти ва унинг натижаларини ўзиники қилиб кўрсатиш имкони кўп. Бунда негатив ҳолат ва ҳаракатларга йўл қўймаслик учун мазкур тамойил амал қилади. Масофадан тест, реферат ва бошқа назорат ишларини ўқувчи-талабанинг айнан ўзи томонидан бажарилиши унинг бармоқ излари, товуши ёки кўз қорачиқлари бўйича турли техник воситалар ёрдамида идентификация қилиб борилади.

5. **Ўқитишнинг регламентлик тамойили.** Гарчи масофавий таълим методи асосида ўқитишда ўқиш муддати умумий ҳолда катъий равишда чегараланмаган бўлса ҳам, масофадан ўқийдиган ўқувчи-талабалар тоифалари хусусиятларини ҳамда уларга ўқишларида максимал қулайликни ҳисобга олиб, қабул қилинган ўқитиш муддати амал қилади. Бу муддат доирасида ўқув жараёнининг барча жиҳат ва тадбирларини кўзда тутувчи индивидуал характерга эга бўлган ўқув жараёни жадвали жорий этилади.

6. **Янги ахборот технологиялари воситаларини қўллашнинг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлик тамойили.** Масофавий таълим методи асосида ўқитишни ташкил қилишда бу тамойилга амал қилиш муҳим ҳисобланади. Чунончи, масалан, Санкт-Петербург очик университетининг тажрибасига қараганда масофавий ўқитишда ўқитишнинг турли воситаларини қўллашнинг энг мақбул (оптимал) нисбатан қуйидагича эканлиги маълум бўлган: қоғозга печать қилинган материаллар – 40:50%, *WWW-серверлардаги материаллар* – 30:35%, *компьютерли видеоконференцалоқалар* – 10:15%, *бошқа воситалар*–5:20%. Бинобарин, гарчи, янги ахборот технологиялари воситалари, жумладан, **интернет** жуда жозибали ва ўзига тортувчи дидактик хусусиятларга эга бўлсада, улар билан ортиқча қизиқиш ёки уларга ортиқча аҳамият бериш **фетишлашишга**, бу эса ўз навбатида қайсидир ўқитиш воситасини бошқа ҳаммасидан афзал қуришдек нотўғри тасаввур ва хулосага олиб келиши мумкин.

Албатта юқорида келтирилган нисбат абсолют эмас. Лекин у масофавий таълим методи асосида ўқитишда замонавий ахборот технологиялари воситаларини қўллашнинг замонавий педагогик технологиялар жиҳатдан мақсадга мувофиқ нисбатига риоя қилиш кераклигига амалиёт натижаларидан келиб чиқиб қилинган ишорадир.

7. **Ўқитишнинг очиклиги ва мослашувчанлигини таъминлаш тамойили.** Масофавий таълим методи асосида ўқитишни очиклиги тамойили масофадан ўқишга талабгорнинг ёшига, унинг старт (дастлабки) билими ва малакаси даражасига ҳамда масофадан ўқишга киришидаги суҳбат, имтиҳон, тест ва шунга ўхшаш, назорат ишларига бўлган талабларнинг «юмшоқлиги» билан ифодаланади. Бу тамойил замирида инсонпарварлик жиҳатлар ётган бўлиб, масофавий ўқитишда айниқса катта аҳамият ва қўлам касб этади.

Бу таъмоий таълим ва ўқитиш жараёнини тўлалигича инсонга қаратилиши, унинг жамиятда ўзини ижтимоий ҳимояланган, беҳавотир қулай ҳис қилиш ва яшаши учун таълим олишида унга максимал қулай шароит ва имконият тугдирилиши билан характерланади. Дарҳақиқат, ўқитишнинг бу шакли:

- таълим олувчи унинг ижтимоий шароитидан қатъий назар (ногиронлик, яшаш ва оилавий шароити) таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятини яратилганлиги;

- масофавий ўқишга кирувчилар учун кириш суҳбати, имтиҳон ёки тестларга қўйиладиган талабларнинг «юмшоқлиги»;

- ўқитиш даври рамкаларининг қатъий чегараланмаганлиги;

- таълим олувчи ўзига қулай бўлган шароит ва вақтда шуғулланиши мумкинлиги;

- ўқишни ишдан ажралмаган ҳолда олиб бориш мумкинлиги;

- таълим олувчи томонидан ўқиш траекторияларини танлаш эркинлигининг мавжудлиги каби, инсоннинг ижтимоий манфаатини кўзловчи жиҳатлари билан ажралиб туради.

Бу вариант айниқса, ўқув, ўқув-услугий, ўқув-меъёрий ва дидактик материалларни тақдим этиш шакли ва усули билан лойиҳа гоёларига яқин туришини кўриш мумкин.

Масофавий таълим методи асосида ўқишни ташкил этишда:

• масофавий ўқитиш курси ҳақидаги умумий маълумотлар, унинг мақсади ва вазифалари, мазмуни (структураси), ўқув гуруҳларига қабул шартлари ва бошқа шартлар бўйича тегишли маълумотлар;

• курснинг фанга тегишли соҳаси бўйича маълумот материаллари (маълумотлар базаси сифатида);

• фойдаланувчилар билан мулоқот ўрнатиш, керакли маълумотларни олиш имкониятини берадиган алоқа адреслари (электрон почта ёки бошқа адреслар, телефонлар);

• муайян модулларга бўлиб чиқилган, яъни структураланган ўқитиш курси (электрон дарслик);

• ўқув материалларини ўзлаштиришга, олинаётган билимларни текширишга, рейтинг назоратини ўтказишга мўлжалланган топшириқлар тўплами;

• ўзлаштирилган билимларни ва кўникмаларни мустақил тарзда қўллашга, фойдаланишга, конкрет олинган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ижодий ёндошиш масалалари ва топшириқларининг, индивидуал ёки биргаликда ўтказиладиган амалий ишлар

туплами;

- ўқувчи-талабаларнинг мустақил фаолиятларини қай даражада боришини узлуксиз равишда баҳолаб боришга қаратилган мониторинг блоки.

Бу эса ўқувчи-талабаларни мустақил ўқиш, ўрганиш, ўзлаштириш жараёнида фаол позицияда туриш муҳитини яратади.

Масофавий ўқитишнинг функционал йўналишлари қуйидагилар:

1. **Бошқарув блоки:** - турли категорияда фойдаланувчиларнинг, ўқув жараёнига кира олишини, ҳамда кира олиш ва фойдаланиш жараёнини бошқариш.

2. **Ўқитиш блоки:** - ўқув материалларини комплекс узатишни амалга оширишни йўлга қўйиш.

3. **Назоратни амалга ошириш блоки:** - ўзи-ўзини, ўқув жараёнини ташкил этувчилар томонидан ўзлаштириш жараёнини назорат этишни олиб бориш.

4. **Коммуникатив блок:** - бунда ўқув жараёнида иштирок этувчиларнинг ўзаро алоқаларини, электрон почта, тестлар ўтказиш режимида иш олиб боришни ташкил этишни ўрганиш.

5. **Ахборот блоки:** - масофавий таълим жараёнида иштирок этувчилар, ўқув жараёнида уларнинг эришган натижалари ҳақида анкеталар, статистик маълумотларни тўплаш.

Изоҳ ўрнида шуни эслатиб ўтиш керакки, масофадан ўқитиш имконияти чекланган бўлиб, фақат ёшлар билан уй шароитида ўзига қулай вақтда амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари узоқ туман-қишлоқларда яшовчилар учун юқори малакали ўқитувчилар етишмаслик ҳолларида жуда мос келади. Айниқса, масофадан таълим катталар таълимини амалга оширишда, шахсий дастур асосида малака оширувчилар учун жуда иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ўзини тўла оқлайди. Айниқса, ёш болали, касаллиги туфайли уйдан ташқарига чиқиш имконияти йўқ шахслар ҳамда ишлайдиганлар иш жойидан ажралмаган ҳолларда жуда қулай шарт-шароит туғдиради.

Агар масофадан таълим методини қўллаш жараёнида:

- юқори малакали мутахассисларнинг видеокассеталарга ёзилган маърузаларидан фойдаланилса;

- видеоконференциялар, анимацияли роликлардан фойдаланилса;

- ўқитувчининг янги ўқув материалларини баён этувчи инновацияланган ҳолатдаги моделлари бериб борилса масофавий таълим сифати ва самарадорлиги янада ошади.

Юқориди баён этилганлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, анъанавий таълим жараёнида ўқитувчи бош ва асосий фигура сифатида хизмат қилса, масофавий таълим методи асосида ўқувчи-талабаларга янги билимлар берувчи асосий манба электрон ўқитиш воситаларидир.

Шунинг учун ҳам келажакда масофавий таълим сиртдан таълим олувчилар учун энг тезкор, энг қулай имкониятдир. Компьютер асосидаги масофавий таълим методининг ўзига хос афзалликлари нимада деган саволга жавоб бериш вақти келди. Унда:

- ишлаб чиқаришдан, оиладан ажралмаган ҳолда жадаллаштирилган таълим олинади;

- малака ошириш ва қайта тайёрлашда ўзи хоҳлаган усул-шакллардан кенг фойдаланиш имконини яратади;

- ўз қобилият ва қизиқиш, эҳтиёжлари асосида шахсий режа, дастурларини шакллантиришга имкон яратади;

- таълим олувчи мустақил фикрлай олиш доирасида ўқув жараёнига ёндашади, ортиқча психологик юкламалардан ҳоли бўлиб ўз ишини ташкил қилади.

- ўқувчи-талаба ўзи билан ўзи ҳоли равишда ўз имкониятлари даражасида дастур ва янги ахборотларни қабул қилади. У билими кучли ва кучсиз деган гаплардан қутулади. Ўзига-ўзи баҳо беради. Ўқув-билув инсонпарварлик руҳида кечади.

- ўқув материални ўзлаштириш ҳам катъий, ҳолисона амалга ошади. У ўз билимини тестлар воситасида аниқ билади ва ўз истиқболига ўзи баҳо беради;

- ўқув билув – даврида янги-ахборотлар, замонавий технологиялар, интернет хабарларидан тез фойдалана олиш малакалари шаклланади.

Шунингдек, аудио, видео, график, электрон библиотекалардан фойдаланиб ўз билимини ошириш имконияти тугилади.

Масофавий таълим методидида ўқиш жараёнининг муваффақиятли кечишида, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бу жараённинг асосий иштирокчиларидан бири бўлмиш консультант ўқитувчилар – тьюторларнинг қай даражада тайёргарлигига боғлиқдир.

Тьюторлар ўзи ким? Масофавий таълимда тьюторларнинг функциялари нимадан иборат?

Тьютор сўзи лотинча «tutor», инглизча «tutor» (русча таржимаси –домашний учитель, репетитор, наставник) сўзларидан олинган бўлиб, ўзбек тилида **консультант-ўқитувчи, устоз** маъносига тушунилади.

Анъанавий таълим жараёнида ўқув – билув қатнашчилари ўқувчи-талаба ва ўқитувчининг функциялари аниқ бўлиб, бу тизимда тьютор деган тушунча ҳам, мутахассис ҳам йўқ.

Агар анъанавий таълим тизимида ўқитувчи билимлар манбаи, ахборот эгаси, ўқув жараёнини ташкил этувчиси ва ўқувчи-талабалар билимини баҳоловчи–назоратчи функцияларига эга бўлса, масофавий ўқитишда ўқитувчининг функцияси янада кенгайиб, ўқув жараёни асосан *виртуал характерда* кечади ва ўқувчи-талабалар мулоқотнинг принципиал характерида таълим оладилар. Шунингдек, масофавий таълим ҳозирги кунда педагогик жамоачилик ўртасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда дидактик принциплар асосида ўқитиш индивидуаллик, интерфаоллик, ўқитишнинг регламентланганлиги, замонавий ахборот технологиялари воситаларини қўллашнинг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, ўқитишнинг очиклиги ва мослашувчанлигини таъминлаш принциплари билан белгиланади.

Тьюторнинг масофадан ўқитишнинг сифат ва самардорлигини таъмин этишга қаратилган функциялар қуйидагилар:

1. Мақсадга йўналтириш функцияси.

Бу функция таълим олувчилар ва тьюторларнинг эҳтиёжини, шунингдек, ижтимоий буюртмани мақсадга қарата ифодалаш ва шаклантиришни назарда тутди.

Мақсадлар тьютор томонидан таълим олувчилар билан келишиб белгиланадиган қисқа ва узоқ муддатли мақсадларни кўзда тутди. Мақсадга йўналтириш, таълим жараёнининг бошлангич палласи ҳисобланади.

2. Диагностик функцияси. Бу функция ўқув даври жараёни давомида таълим олувчилар шахсинч ўрганиб боришни, уларнинг билим, малака ва кўникмаларини, мотивлари заминини ҳамда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб ва таҳлил қилиб боришдан иборат.

Диагностика натижалари бир томондан тўторга таълим олувчи тўғрисида ва у билан самарали мулоқот ўрганишга ёрдам берувчи ахборотга эга бўлиш имконини берса, иккинчи томондан шунга яраша ўқитишнинг адекват шакл ва усуллари танлаш асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

3. Мотивлаштириш функцияси. Бу функция ўқитиш самарадорлиги ортиши, таълим олувчилардаги мотивациянинг юқори ва кучлилигига боғлиқлиги билан характерланади. Тўтор таълим олувчиларга ўқиш-билиш фаолиятлари юзасидан қарашларини шакллантириш, эҳтиёжларини, шунингдек, мотивлари негизларини аниқлай олишларида ёрдам беради. Шунини таъкидлаш жоизки, айниқса, катталар ўқишида мотивациянинг аҳамияти жуда муҳимлиги билан бир қаторда, бу тобора ўқитувчиларнинг ижтимоий шарт-шароитлари (оиладаги, ишдаги аҳвол ва ҳолатлар), етарли даражада компьютер саводхонлигига эга эмасликлари оқибатида қўйилган натижаларга эриша олмаётган-ликлари, ўз кучларига ишончсизлик билан баҳо бера бошлашлари, улардаги мотивларни сусайтириб қўйиши мумкин. Бинобарин, тўтор, мотивларни сусайишига олиб келувчи факторларни олдиндан кўра билиши ва тегишлича уларнинг олдини ола билиши керак бўлади. Тўторнинг таълим олувчига ва унинг олдида пайдо бўлаётган қийинчилик ва муаммоларга эътиборлилигида ҳамда таълим олувчини ўз вақтида қўллаб-қувватлаши ва тўғри маслаҳатлар бериб боришида намоён бўладиган мотивлаштириш функцияси ўқув-билув жараёни самарали кечишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

4. Лойиҳалаш функцияси.

Бу функция:

- ўз фаолияти натижаларини олдиндан кўра билиш;
- мақсад томон боришда амаллар кетма-кетлигини белгилаб олиш;
- таълим жараёнини тактикаси ва стратегиясини тузиб олишни ўз ичига олади.

Лойиҳалаш, таълим мазмуни ва жараёнини тўлиқ тасаввур қилиши, амалга оширилиши назарда тутилади.

5. Технологик функцияси. Бу функция бевосита лойиҳалаш функциясига туташ бўлиб, ўқув-билиш фаолияти технологиясини ишлаб чиқишни, ўқув жараёнида қўлланадиган ва таълим мазмунининг, таълим олувчиларнинг, тўторнинг ва техникавий

имкониятларнинг хусусият ва тавсиф (характеристика)ларини ҳисобга олувчи асосли ва мақсадга энг мувофиқ усул ва шакллар танлашни назарда тутати.

6. Ташкилотчилик функцияси. Бу функция бевосита ўқув-педагогик фаолиятда амалга оширилади.

У таълим жараёни қатнашчиларининг бу жараёни сифат ва самарадорлигини таъминлашдаги маъсулиятини белгилашни, шунингдек, уларнинг куч ва вақтларини тегишлигича тақсимлашни назарда тутати. Бу функция доирасига, шунингдек, таълим олувчиларнинг ҳар бирининг фаолиятини ошқор этилмасликни таъминлаш, таълим олувчиларнинг мулоқотларида ўзаро самимийликни ва ҳурматни сақлаш, этика нормаларига риоя қилиш юзасидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар киради.

7. Фаоллик функцияси. Бу функция ўқув жараёнини ташкил қилиш таълим олувчиларда бошқарув фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва бундай фаолиятни таҳлил қилишни ўз ичига олади.

8. Мулоқотга оид функцияси. Бу функция виртуал гуруҳларни шакллантириш ва таълим олувчиларнинг тўйиб ва бир-бирлари билан ўқиш ва иш юзасидан муносабатлари, шунингдек, ҳамкасблик ва дўстона алоқаларни ўрнатишга қаратилади. Шунингдек, бу функция таълим олувчиларни «*контакт сессиялар*», «*кучли курслар*» шароитида гуруҳларда ишлаш, смарали мулоқот кўникмаларини эгаллашларида ҳам амалга ошади.

9. Ахборотга оид функцияси. Бу функция тўйибнинг ўқув модуллари орқали ёки бошқача планда тақдим қилинган назарий ва ахборот сифатидаги маълумотни таълим олувчилар томонидан тушуниб етишлари ва талқин қилишларида ёрдам бериш, шунингдек, уларга мустақил ўқишларини ташкиллаштириш масалаларида йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш билан характерланади. Масофадан ўқитишда тўйибнинг ахборотга оид функцияларининг аҳамияти анъанавий ўқитишда ўқитувчининг шундай функциясидагига нисбатан пастроқ ҳисобланади. Таълим олувчилар томонидан назарий билимлар ва ахборот сифатидаги материалларни тушуниб етишлари ва талқин-идрок қилишларига тўйиб ўзини билим ва ахборотлар манбаи сифатида «*саралаб*» эмас, балки интерфаол фаолиятлилик, амалиётга йўғрилган, муаммоли йўналишлардаги ўқув фаолияти орқали эришади.

10. Инденфикациялаш функцияси. Бу кишининг бошқа киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши механизмига оид категория бўлиб, хусусан, тьюторнинг хаёлан ўзини таълим олувчининг ўрнига қўйиб куриш орқали унинг ички ҳолати, ниятлари, ўй-фикрлари, мойилликлари ва ҳис-туйғулари ҳақида тахмин қилиш орқали уни тушуниши, идрок қилишидир.

Тьюторнинг бу функцияси унга ўзи билан мулоқотга киришган таълим олувчилар тўғрисида тулиқ ахборотга эга бўлишида ердан беради. Агар тьютор ўзи билан мулоқотга киришадиган таълим олувчилар тўғрисида доимо тулиқ, илмий жиҳатдан асосланган ахборотга эга бўлганда эди, у улар билан бўладиган ўзаро тактикасини беҳато ва аниқ ишлаб чиқиши мумкин бўлар эди.

11. Рефлексив функцияси. Бу функция ҳам тьютор томонидан таълим олувчиларнинг идрок этилишига оид категория бўлиб, у инденфикациялаш функциясига туташдир. Тьюторнинг бу функцияси у билан мулоқотга киришган таълим олувчи томонидан, кенг маънода, унинг ўзини, хусусан, ўзи томонидан тақдим қилинган ахборотни (ёки умуман, ахборотни) қай тарзда идрок этилишини тушуниб етганлигини англаб етиши билан боғлиқ.

Ўқув-билиш фаолияти учун бу функция тьюторга нисбатан ҳоли таълим олувчига нисбатан ҳам аҳамиятлидир. Бу функция таълим олувчиларнинг ўқиш жараёни давомида эга бўлаётган ахборотларга нисбатан «реакцияси» сифатидаги фаолиятлари ва эришаётган натижалари бўйича тескари алоқа ўрнатилиши таъминлашни ва шу билан бир қаторда таълим олувчиларда ўз фаолиятларига нисбатан танқидий қараш ва баҳо бериш кўникмаларини ривожлантиришни ҳамда улар билан биргаликда бундай сифатларни тобора ривожлантириб ва ошириб бориш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишни назарда тутати.

Рефлексив функциянинг роли шахсни ўзига бошқаришдан ташқари қараш, ўз фаолиятини таҳлил қилиб ва баҳолаб бориши, бунинг оқибати ўлароқ маънавий ва интеллектуал камол топишида намоён бўлади.

Тьюторнинг шахсий рефлексияси эса уни ўзини-ўзи ривожлантириши ва камолга эришишида стимул рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

12. Баҳолаш ва назорат функцияси. Бу функция таълим олувчиларнинг эгаллаётган янги билим, малака ва кўникмаларини текшириб ва баҳолаб боришни кўзда тутати. Назорат қилиб ва

баҳолаб бориш тьюторга таълим олувчилар фаолиятидаги, шунингдек, ўзининг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини аниқлаб бориш ва керак бўлса ўз фаолиятига, тингловчилар фаолиятига ҳам ўз вақтида тегишли ўзгартириш-қўшимчалар киритиш ва камчиликларни тузатиб бориш имконини беради.

13. Ўз-ўзини ривожлантириб бориш функцияси. Бу функция тьюторнинг шахсий фазиятларини, шунингдек, унинг ўз билими, малака ва кўникмаларини ривожлантириб ва такомиллаштириб боришга бўлган эҳтиёжларига тааллуқли бўлиб, бу ортиқча изоҳни талаб қилмайди.

Тьюторнинг юқорида келтирилган функциялари ва уларнинг қисқача изоҳидан келиб чиқиб, тьюторни қуйидагича таърифлаш мумкин.

Тьютор – махсус психологик-педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида таълим олувчиларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этувчиси, уларнинг шахсий-касбий ривожланишидаги-маслаҳатчи устоз.

Шундай қилиб, амалиётда тьютор фаолиятини меъёрловчи, «тьютор мутахассислигининг таснифи», «Тьюторга қўйиладиган малакавий талаблар» каби ҳужжатларни юқорида санаб ўтилган изоҳ ва функциялари асосида ишлаб чиқиш, шакллантириш мумкин.

5.10. МЕДИА ТАЪЛИМ МЕТОДИ

Медиа таълим интерактив, ўқувчи-талабаларга индивидуал таъсир этадиган метод сифатида таълим жараёнига жадал суръатлар билан кириб келмоқда. *Медиа таълим методи ўқувчи-талабаларни шахсий фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш уни қайта ишлаш, анализ ва синтез қилиш, шахсий хулосалар чиқаришга ургатади.*¹

Синф хоналарига ва аудиторияларга матбуот, телевидение, радио, кино, видео ва интернетлар олиб кирилмоқда. Буларнинг барчаси **медиа дарслар** номи билан таълим жараёнини ташкил этишга ёрдам бермоқда.

¹ Сайтлар: <http://www.mediaeducation.ru/> – медиаобразование.
<http://www.medialiteracy.boom.ru/> – мир медиаобразования и медиаграмотности.
<http://www.mcc.tgl.ru/> – Центр медиаобразования.

Медиа дарслари қуйидаги методик имкониятлар ва афзалликларга эга:

- ўқув жараёнида дарс сифати, самарадорлигини оширишга эрдам беради. Бундай жараёнда бир вақтни ўзида ўқитувчи назарий ахборотларни бериш билан материалларни юқори даражадаги замонавий техника таълим воситаларида намойиш этиш имкониятига эга бўлади. Ўқув объектларини ва воқеаларини моделлаштиради, уни автоматик равишда тест кетма-кетлигида намойиш этади. Тасвирини туширади;

- ўқув меҳнат фаолиятларини ташкил этишда компьютер техникаларини қўллаш, фойдаланиш имкониятини туғдиради. Шахсан ўзлари ўқув материални амалиётда синаб, бажариб бориш имкониятига эга бўладилар;

- ўқувчи-талабанинг яқка тартибда ишлаган ҳолда қизиқиш ва ижодий ишларини такомиллаштириш имконияти яратилади;

- мультимедиа техникаси уларнинг ўқув мазмунини ўзлаштиришларига қизиқишини янада оширади;

- ўқувчи-талабаларда кўргазмали ва образли таъсирда фикр юритишга, моторик ва вербал коммуникатив кўникмаларнинг шаклланишига олиб келади;

- ахборот билан ишлаш, (ахборот қидириш, зарурларини ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш. Ахборотлардан мазмунни тушуниш, мантиқий яқинларини ажратишга ўрганади. Шулар асосида ахборотни олиш маданияти шаклланади.

Медиа таълим методининг бош мақсади – асосий қонунларни тушунишга ёрдам бериш, оддий йўналишлардаги медиа ахборотлар тилини ўрганиш; ўқувчи-талабани бадиий ўсиши, ривожланишига ҳисса қўшиш, медиа матн (текст)ларни малакали таҳлил эта олиш, ўргатиш ва қабул қилиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Медиа таълимнинг асосий мазмуни медиа маданият тилини, унинг тарихини билиш (кино санъати, бадиий телевидение ва бадиий медиа) материал текстларини тушунишдир.

Унинг педагогик стратегияси медиа матнларни бадиий таҳлил қила олиш, унга интерпретация асосида баҳо бера олишдан иборатдир. Шуни айтиш керакки, медиа таълим қандай шаклланади, у бир ҳақиқатни ифодалайдими, кимнинг манфаатини кўзлайди, унинг мазмуни нималардан иборат ва ўқувчи-талабалар уни қандай қабул қиладилар?

Лекин шуни ёдда тутуш керакки, медиа таълим методининг марказида ўқувчи-талаба шахси туради, унинг қизиқиши, хоҳиши, истаклари ҳисобга олинishi, олинган ахборотларга танқидий кўз билан қараб, уларни танқидий фикрлашга ўргатиш керак.

Медиа таълим методи ҳақидаги Россия ва чет эллик олимлар фикрига кўра, медиа таълим ҳам тарбиявий, ҳам таълимий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчи-талабаларни ўқув-билиш жараёнида креатив фикрлашга ўргатади.

Медиа таълим методининг ўқув-билиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- медиа таълим тарихи ҳақидаги билимлар, унинг тузилиш назариясини ўрганиш-ўзлаштириш;
- медиа матн (текст)ларни онгли қабул қила олиш, унинг тилини билиш ва «ўқита олиш» шу ҳақида тасаввурларини кенгайтириш, кўриш орқали хотирасини мустаҳкамлаш, танқидий, мантикий, ижодий, образли, муаммоли фикр юритишни ўрганиш;
- медиа таълим материалларини креатив фикрлаш орқали амалиётда фойдаланишдан иборат.

Медиа таълим методининг энг муҳим вазифаларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодни тобора жадаллашиб бораётган ахборотлар оқимида ҳар хил ахборотларни олиш, тушуниб етиш, уни инсон психикасига таъсирини билиш ва ундан тўғри, мақсадли фойдаланишга олиб келади.

Медиа таълим методи орқали олинган ахборотларни интеграция қилиш шу асосида шахсий фикрини билдириш ва қайта олишга чорлайди. Ўз фикрини эркин билдириш, шахсий ривожланиш, турли информацион хуружларга қарши фикр билдириш орқали унинг ижтимоий жамиятдаги фаоллиги ошади. Медиа таълим методи ўқувчи-талабаларда ахборотлардан фаол ва тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантиради. Ўқувчи-талабалар шу орқали берилаётган ахборот ҳақида эркин ва фозл фикр юрита бошлайдилар.

Медиа таълим методида ўқувчи-талабалар креатив фикр юритадилар, яъни янги тушунчаларни ўзлаштира бошлайдилар. Жумаладан, улар «*фабула*», «*сюжет*», «*мавзу*», «*конфликт*», «*композиция*», «*кадр*», «*план*», «*мнотаж*» каби тушунчаларни ўқув жараёнига алоқадорликда тушуниб, амалда қўллаб, ўзлаштириб борадилар.

Шунинг учун ҳам медиа-дарслар:

- «Бадиий-иммитацияли» — кичик сценариялар, минисценария, медиа-матнлар тузиш, уни интерактив таълим методадида намойиш этиш;

- **Театрлашган вазият ҳосил қилиш**, (медиа матн асосида айрим эпизодларни инсценировка қилиш, медиа матн жараёнини намойиш этиш);

- **Тасвирий-иммитация тайёрлаш** (афишалар яратиш, фотоқурғазма, маълум мавзуда асарлардаги расмларни намойиш этиш) кабиларни тушуниш, қўллай олиш кўникмасини ҳосил қилади.

Юқоридаги дидактик материалларни тайёрлаш, намойиш этиш, таҳлил асосида хулоса қилиш, ўқувчи-талабаларни эмоционал қабул қилиш орқали нафис санъатни тушунишга олиб келади. Бу ҳолат ўқувчи-талабаларни умуминтеллектуал ривожланишида, билим олиши, тарбия топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Медиа таълим методлари асосидаги дарслар берилаётган ахборотларни қабул қилиш ва ўзлаштириб олиш жараёнида қуйидаги икки компонентлар иштирокини таъминлайди.

1. Медиа таълим дарсларида компьютерлар универсал ҳолда қўлланиши ва иштироки билан характерланади.

2. Анъанавий технологиялар воситалари ёнига дастурли воситалар тўлдирувчи бўлиб киради. У ҳолда айрим предметлар, мавзуларни ўқитишга, ўзлаштиришга қулай муҳит яратади. Унда таълим мазмуни матни аниқ, раво шакллантирилган бўлади. У таълим мазмуни тасвирланган ҳолда схема, расмлар, таблицалар, видеофрагментлар, овозли, анимацион таъминотлар билан намойиш этилади.

Юқоридаги фаолиятни амалга оширишда компьютер ва дастурлар бир-бири билан уйғунлашган, мослашган ҳолда бир-бирини тўлдириши керак; таълим мақсади, мазмуни, шакли, ўқитиш методлари, ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар фаолияти мувофиқлаштирилади.

Бундай ҳолда ташкил этилган медиа таълимнинг дидактик принциплари, имкониятлари кенгайди, бойиб боради. Бу эса таълимни янги принцип — индивидуаллаштирилган, фаоллаштирилган ҳолда ташкил этишни таъминлайди.

Медиа таълим методи асосидаги дарсларнинг энг афзаллик томони шундаки, таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ҳозирги ахборот оқимлари жадаллашаётган бир вақтда мустақил ижод қили

олиш имкониятлари, қобилиятларини ривожлантириб боради. Шу муносабат билан медиа таълим методи асосидаги дарслар мазмунини белгилаш, ташкил этишда фақатгина предмет ёки мавзу мазмунига қараб қолмай, балки унинг таълимий, тарбиявий, умумривожлантирувчи томонларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Улар ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга йўғрилган бўлмоғи, яъни, керакли ахборотни олиш қобилиятини, уларни янги техникалар ёрдамида қайта ишлаш, амалиётда қўллаш кўникма-ларини ривожлантиришга қаратилиши талаб этилади.

Медиа таълим методи асосидаги дарслар компьютерлаштирилган синфларда, мультимедиани проекторлар билан жиҳозлашда ўтказилади.

Компьютерлашган синфларда ўқув фаолиятининг намунали-самарали кечиши учун у ерда қўшимча жойлаштирилган ўқув столларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат санитар-гигиеник меъёрларга риоя этиш, ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқа жойда ташкил этиш имкониятини яратади.

Агар ўқитувчи кўргазмали тасвирлардангина фойдаланса, уларни бир комплект компьютерда экранга намойиш этиш билан чекланади. Синфда ёки аудиторияда ўқувчи-талабалар билан ишлашни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

- видео фрагментларни фронтал кўриш;
- топшириқ, машқларни бажаришда амалий машғулотларни индивидуал ишлаш;
- умумий ўқув лойиҳаларини модели экспериментни бажаришда кичик гуруҳларда ишлаш;
- медиа таълим методи асосида дарсларни ташкил этишда ҳам ўқув жараёнининг ҳамма компонентлари ўз аксини топиши, фаолият компьютер ва компьютерсиз алмашилиб туриши мумкин;
- фаоллаштириш (ўқув материални такрорлаш, материални биринчи бора ўзлаштириш, компьютерда ёки компьютерсиз;
- билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, ўқув ахборотлари блокининг моҳиятини билиб, тушуниб олиш ва уни мустақкамлаш) компьютерда ёки унинг иштирокисиз;
- ўқув материалларини ам.лда қўллай олиш, ўқув материални ўзлаштирганлигини назорат қилиш: компьютер ва компьютерсиз вариантда;

Юқоридагилардан хулоса шуки, медиа таълим методи асосида директорларни тайёрлаш, самарали ўтказиш ўқитувчилардан қуйидагиларни талаб этади.

- юқори даражадаги касбий маҳоратга эга бўлиш;
- замонавий методик тайёргарликка эга бўлиш;
- ўқувчи-талабалар билан мулоқотга киришиш, чуқур психологик ва педагогик билимларга эга бўлиш;
- юксак-маънавий ва маърифий маданиятга эга бўлиш;
- замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини ўзлаштириб олиш ва Интернетдан фойдаланиш;
- ўқув фаолиятига инновация, педтехнология, интерактив (яъни интерфаол) методларни ўзлаштириш орқали ўқув жараёнини ташкил эта билиши талаб этилади.

5.11. ОН–ЛАЙН ЛОЙИҲАЛИ МЕТОДЛАРИДАН ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши ўқув жараёнига кетган вақт ва масофани қисқартиради. Бу эса таълим мазмунини тингловчига етказишда жуда муҳим роль ўйнайди. Сир эмаски, ўқув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ўқув-билиш жараёни сифат-самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу ўз навбатида таълим олишга қулай муҳит, имконият яратади. Шунинг учун ҳам ахборот-коммуникациялари асосидаги ўқув жараёнини ташкил этиш кенг қулоч ёзиб бормоқда. Булар ичида **он-лайн лойиҳали методлари** ўқув жараёнига интенсив кириб келмоқда.

Он-лайн лойиҳали методлар – шундай педагогик технологияси, ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билув жараёнларини амалга оширишда жуда қулай ва самаралидир.

Бу зайддаги технологиялар ўқувчи-талабаларнинг билим олишида уни изланишга, таҳлил этишга ундайди, ижодий ва амалий малакаларининг ривожланишига жуда катта таъсир қилади.

Он-лайн лойиҳали – ўқув дастур лойиҳалари қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ўқувчи-талабаларга ечиш учун бирор муаммони ёки саволни қўядики, у ўқувчи-талабадаги қизиқишни орттиради.

2. Муаммонинг ечимини топиш учун ўқувчи-талабалар бирор гипотезани мустақил ишлаб чиқади ёки ечимини топиш учун мантиқий фикр юритадилар.

3. Ўқувчи-талабалар муаммони ечиш давомида, турли манбалардан (адабиёт, қўлланма, таблица, график, карта, Интернетдан) ахборотларни тўплайдилар.

4. Тўпланган ахборотларни ўрганадилар, қайта ишлайдилар, қўйилган муаммони ечиш бўйича хулосалар чиқарадилар. Бошқача айтганда муаммо устида мушоҳада юритадилар, ечим топадилар.

5. Ўқувчи-талабалар якуний хулосага келгач, ечимини текширади ва янги гипотезаларни кўз олдига келтириб, шакллантиради.

Шундай қилиб, ўқувчи-талабаларнинг Интернетда ишлай олиши ўқув дастурларини ўзлаштиришда янги ресурсларидан фойдаланиш малака ва кўникмасини ҳосил қилади. Бу ҳолат ўқув дастурини Интернетдан топиш, электрон почталар билан ва форум муҳитида ишлаш малака ва кўникмаларини шакллантиришни талаб этади.

Шу ўринда форум нима? Форум шароитида ишлаш қоидалари, унинг иш режими ва унинг имкониятлари ҳақида фикр юритамиз.

Форум – сайтда мулоқот юритиш шаклидир. Форумда ахборот берувчининг ўз муаммолари бўлиб, у ахборот мазмунини белгилайди. Форумлар маълум мавзуларга эга бўлади. Унда иштирок этувчи маълум томон мазмунини очишга ҳаракат қилади. Форум мазмуни, мавзулари Интернетда узоқ вақт сақланиши мумкин.

Форум – шундай имкониятга эгаки, мавзу ёки муаммоларнинг ечимини ҳамкорликда муҳокама этиш мумкин. Қисқача қилиб айтсак, **Форум** – бу Интернет имкониятларидан биридир.

Форум қуйидаги имкониятларни яратиш беради:

- тезкорликда муҳокама эта олиш. Унда тезликда ахборотни ўқиш, жавоб бериш ёки ўз шахсий фикрини билдириш, ёки савол бериш, берган саволига маълум вақт ўтиши билан жавоб олиш имконини беради;

- бирор лойиҳа ёки ҳужжатларни яратишда ҳамкорликда ишлаш. Форумда ҳужжатларни, расм, схемаларни намоиш этиш, муҳокама этиш, таҳрир қилиш мумкин. Бу ўз навбатида ғоялар, ҳужжатларни иштирокчилар фикрини ҳисобга олиб яратиш имконини яратади;

- иштирокчи ўзига қулай вазиятда мурожаат этиши, материаллар билан танишиши, шулар асосида жавобларини ёзиб юбориши мумкин;

- узаро тажриба алмашиш, маълум мавзулар бўйича билим ва ахборотларни олиш – бериш мумкин. Иштирокчи пассив ҳолда фақат мавзу мазмунини эркин олиши мумкин. Зарур мавзулардаги маълумотларни олиш орқали касбий, методик маҳоратларини ривожлантириш имконига эга бўлади;

- Форумда ўз ҳамкасбларингиз, дўстларни кидириб топиш имконияти туғилади. Қатнашчилар ўз касбий ва ижодий ишларини намойиш этиши ва аксинча ахборотларни **Он-лайн** хабарлар орқали олиши мумкин.

Электрон форумлар – Интернет ва электрон почталардан фойдаланиб ўтказиладиган семинардир.

Семинарнинг модератори иштирокчиларга материалларни беради. Унинг мазмун-моҳиятини тушунтиради, сўнг савол беради ёки мавзу мазмунини муҳокама эттиради. Семинар иштирокчиларини материал билан таништиради, саволларга жавоб беради, ўз хулосаларини чиқаради. Ҳар бир иштирокчи муҳокамада иштирок этади. Музокара натижалари асосида хулосалар чиқарилади.

Хулосалар асосида семинар қатнашчиси тўғри, яқуний жавобни олади. Бу эса олган билимларини мустаҳкамлашга таъсир этади.

Модератор – *форумга* бошчилик қилади, мунозаранинг тўғри боришини таъмин этади, керакли жойда уни йўналтиради. Зарур ҳолларда тузатишлар, таклифлар киритади. **Форум** қатнашчилари саволлар бериш, айрим нарсаларни англаб олиш орқали, иштирок этишлари керак. Мунозара қатнашчилари бошқалар савол-жавобларини эшитган ҳолда ўзлари ҳам фаол иштирок этишлари мақсадга мувофиқ.

Форумларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- умумқатнашчилар иштироки – барча типдаги қатнашчилар учун очик *форумлар*;

- мақсадли – мақсадли аудитор иштирокчилари учунгина мўлжалланган.

У ҳолда уларнинг ўзларигина материални ўқиши, ахборот йўллаши мумкин. Бундай *форумларда* парол орқали иштирок этилади;

• модерлаштирилган – бунда барча типдаги катнашчилар иштирок этадилар. Форум катнашчилари ахборотни ўқишлари ва хабар юборишлари мумкин. Форум хабарлари модераторнинг рухсати билан нашр этилиши мумкин. Форумда иштирок этувчилар модератор ва унинг иштирокчиларидир.

Модератор ким?

Модератор – форумнинг ташкилотчилиқ, яъни администраторлик ҳуқуқига эга шахс – у маълум тажрибага эга, муҳокама этилаётган мавзу мазмунини чуқур, пухта ўзлаштириб олган шахс. Аудиторияда форум катнашчилари айрим тажрибаларга эга бўлиши, уларни қизиқиш, хоҳишлари ҳисобга олиниши керак.

Модератор форумни бошқаради, консультациялар беради, саволларга жавоб беради, (зарур пайтларда иштирокчилар жавобини зарур зояларда тузатади, қўшимча материаллар такдим этади, яъни форум ишини тўғри ва мақсад сари бошлайди.

Модератор форумда фаол иштирок этиш, мулоқот қилиш муҳитини яратади. Бундай фаолиятни олиб бориш учун модератор ўз билимини ва малакасини доим ошириб бориши зарур.

Модераторлик ролини раҳбар ходимлар, администраторлар, ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар ва Интернетдан фойдалана оладиган бошқа шахслар олиб бориши мумкин.

Форум катнашчилари – катнашчи – бу шундай шахски, маълум мавзу бўйича ўз билимини ошириши ёки эгаллаган билимини бериши мумкин. Муҳит интерфаол, индивидуал ҳолда кетгани сабабли ўқув предметини чуқур, ўз эҳтиёжига мос ўзлаштириши мумкин.

Ўқув материалнинг очиклиги, қулайлиги, кўрсатма-кўргазмалилиги, олаётган билимини мустаҳкам эгаллайди. Ўзига ишонч хисси ортади ва унинг тингловчидан фаол иштирокчига айланишига шароит яртилади. Ўқув-билиш жараёнига, ўқув меҳнатига шахсий масъулияти ортади. Форум иштирокчилари администрация, яъни маъмурият, ўқитувчи, ўқувчилар, талабалар ва бошқа Интернет иштирокчилари бўлиши мумкин.

Форумда рўйхатдан ўтган, ҳатто ўтмаганлар ҳам катнашиши мумкин.

Форумда ишлаш қондалари қуйидагича:

1. Форумга кириш;
2. Форумга кириш учун рўйхатга ёзилиш;
3. Форумда иштирок этиш;

4. Форумда ахборот олиш, ахборот юбориш.

Хулоса қилиб айтганда, ўқув жараёнига Форумнинг кириб бориши ўқувчи-талабаларга таълим олишда энг қулай муҳит яратади. Уларнинг шахсий қизиқиши ва эҳтиёжлари қондирилади. Ўқув фанига ва билимни эгаллашга ўқувчи-талабаларнинг масъулияти ошади. Натижада мақсад таълим сифати ва самарадорлигини оширишга олиб келади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Технология – юнонча икки сўздан “технос” (techne) – *маҳорат, санъат* ва “логос” (logos) *фан, таълимот* сўзларидан ташкил топган. Технологияларни барча, бошқа тушунчаларни белгилаш учун, синоним сифатида – педагогик технология, ўқитиш технологияси, таълим технологияси деб ишлатиш мумкин.

Педагогик технология – ўз олдида таълим шакллари муқобиллаштириш вазифасини қўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро фаолиятини ҳисобга олиб, таълим бериш ва таҳсил олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир.

Ўқитиш технологияси – биринчидан, педагогик технологияни жараёнли – ҳаракат аспектини англатади. Бу таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда ажратилган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларига кафолатли эришишга ва конкрет таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни таъминловчи, усул ва воситалар (технологик операциялар)нинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирган таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёнидир.

Иккинчидан, педагогик технологиянинг жараёнли-баёнли аспектини ифодалайди. Бу мақсадни амалга ошириш ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича педагогик ҳамда ўқув фаолиятини лойиҳасини бажаришни баёнидир (*технологик харита*).

Таълим технологияси – педагогик технологиянинг илмий аспекти белгилаш учун ишлатилади. Бу техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларни, ўз олдида таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули.

Замонавий педагогик технология – вақт тақсимотида мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда қутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараёнинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизимдир.

Замонавий педагогик технологиялар – жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган шахс ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажмуа сифатида қўриб, уни ташкил қилувчи қисмлар бўлган ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида таълим олувчиларга маълум кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назарда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Инновация – инглизча атама бўлиб, “*innovation*” – янгилик киритиш, янгиликни қўллаш, татбиқ этиш жараёни ва фаолиятини англатади.

Инновацион усул (метод)лар – “Ақлий хужум”, “Дебат”, “Турухларда ишлаш”, “Модификациялашган таълим”, “Импровизация”, “Мультимедиа”, “Кластер”, “Бумеранг технологияси”, “Скорбей технологияси”, “Тарози технологияси”, “Елпиғич технологияси”, “Муаммоли вазият”, “Танқидий тафаккур” ва ҳаказолар.

Интерактив (инглизча «*Interakt*» яъни «*Inter*» - ўзаро «*akt*» - ҳаракат, фаоллик) метод – таълим олувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида тажриба асосларини ташкил этувчи методдир.

Муаммоли ўқитиш – дарсда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.

Масофадан ўқитиш – таълим олувчиларни мустақил билим эгаллашига асосланган таълим жараёнини янгича ташкил этиш бўлиб, кўпинча ёки доимо ўқитувчидан вақт ва масофа жиҳатидан ажралган ҳолда, ўқув материални хатлар, топшириқлар ёки аудиовизуал воситалар орқали мустақил ўрганишдир.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагогик технология, ўқитиш технологияси, таълим технологияларини изоҳлаб тушунтириб беринг.

2. Педагогик технологиялар туғрисида қандай қарашлар ва таърифлар мавжуд?
3. “Инновация” атамаси нимани англатади?
4. Интерактив ёки интерфаол таълим деганда нимани тушунаси?
5. “Ақлий хужум” методи ҳақида сиз нимани тушунаси?
6. “6X6X6” методи ҳақида нимани биласиз?
7. “Кластер” методи ҳақида нимани биласиз?
8. “Қарорлар шажараси” методи ҳақида нимани биласиз?
9. “Тажриба асосида ўқитиш” методи ҳақида нимани биласиз?
10. “Қора кути” методи ҳақида нимани биласиз?
11. “Бешинчиси, олтинчиси, еттинчиси, ...” методи ҳақида нимани биласиз?
12. “3/3, 4/4, 5/5, ...” методи ҳақида тушунча беринг.
13. Давра суҳбати қандай ташкил этилади?
14. Лойиҳа асосидаги машғулот, уларнинг турлари, босқичлари ҳақида нималарни биласиз?
15. Муаммоли таълим деганда сиз нимани тушунаси?
16. Муаммоли вазият қандай ташкил этилади?
17. Креатив таълим методи ҳақида нимани биласиз?
18. Эвристик таълим деганда сиз нимани тушунаси?
19. Эвристик таълим методларини сананг.
20. Масофавий таълим методи нима?
21. Медиа таълим методи ҳақида нимани биласиз?
22. Медиа педагог ким? Унинг функциялари нимадан иборат?
23. Таълимда инновация деганда нимани тушунаси?
24. Инновацион жараён, инновацион фаолият деганда нимани тушунаси?

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Замонавий педагогик технологияларнинг таърифлари ва турлари.
2. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш.
3. Таълим жараёнида интерактив (интерфаол) методлардан фойдаланиш.
4. Дарсни лойиҳаланган таълим методи асосида ташкил этиш.
5. Муаммоли таълим технологияси.

6. Креатив таълим методининг мақсад ва вазифалари.
7. Эвристик таълим методи
8. Масофавий таълим методи.
9. Медиа таълим методи.
10. Шахсни фаоллаштиришга йўналтирилган таълим технологиялари.
11. Замонавий педагогик технологиялар асосида талабаларда билим мустақиллигини шакллантириш.
12. Инновацион таълим технологиясида лойиҳалаш методи.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. “Технология” сўзининг луғавий маъноси нима?

- а) технология юнонча сўз бўлиб, “*techne*” - маҳорат, санъат;
- б) “*logos*” – тушунча, таълимот;
- в) ишлаб чиқариш усули;
- д) педагогик фаолият ва унинг методакаллари;
- е) а ва б.

2. “Таълим технологияси” сўзининг луғавий маъноси нима?

- а) технология инглизча “*in educational technology*” таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади;
- б) аудиовизуал техника воситаларидан фойдаланиш;
- в) техника воситалари ёрдамида ўқитиш;
- д) дастурлаштирилган таълим, лойиҳалаштирилган ва аниқ белгиланган мақсадларга эришишни кафолатловчи ўқув жараёни;
- е) компьютерли ва ахборот технологияларидан фойдаланиш технологияси.

3. “Таълим технологияси”нинг кенг маънодаги тушунчаси қандай?

- а) таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян методи (усул)лардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бажаришни ифодалайди;
- б) таълим технологияси – қўйилган мақсадга эришиш йўлида қўлланилувчи усул, услуб ва таъсирлар мажмуаси;
- в) таълим технологияси – муайян вазиятларда педагогик масалаларни ечишнинг оптимал усули;
- д) таълим технологияси – таълим вазифаларини бажаришга йўналтирилган ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи – талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули.
- е) барча жавоблар тўғри.

4. “Инновация” атамасн қандай маънони англатади?

- а) инновация инглизча «innovatsion» янгилик киритиш, қўллаш, татбиқ этиш;
- б) “ аклий хужум ”
- с) муайян ҳолат, вазиятни урганиш;
- д) гуруҳларда ишлаш;
- е) нуктаи назаринг бўлсин.

5. Уқитувчининг инновацион фаолияти таҳлилини белгиловчи қандай меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади?

- а) янгилик;
- б) мақбуллик;
- с) юқори натижалилик;
- д) педагогик янгилик;
- е) барча жавоблар тўғри.

6. Замонавий педагогик технологияларни қўллаш жараёнида қандай вазифалар ҳал этилади?

а) таълим (тарбия) жараёнинг умумий яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда унда ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш;

б) таълим (тарбия) жараёни моҳиятини башоратлаш ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш ҳамда унинг самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул, шакл, метод, усул ҳамда техник воситаларни танлаш;

с) таълим жараёнида таълим олувчиларнинг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шарт-шароитларни яратиш, уларда маълум кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташхислаш;

д) таълим олувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ҳамда баҳолашни ташкил этиш, ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини жамоада синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил қилиш;

- е) а, б, с ва д,

7. Муаммоли вазият деганда нимани тушунаси?

а) ўқув материални таълим олувчилар онгида вужудга келтирадиган йўсиндаги фаолиятдир;

- b) мантиқий ва тўғри хулоса чиқариш;
- c) ижодий ва илмий фикрлашни шакллантириш;
- d) таълим олувчиларнинг маълум психик ҳолатидир;
- e) таълим олувчилар ҳамкорлигида онгли, маълум мақсадга йўналтирилган фаолиятдир.

8. Масофавий ўқитиш нима?

- a) масофавий ўқитиш – махсус педагогик – психологик ва ахборот коммуникацион технологиялар муҳитида, бир-бирдан узоқда бўлган таълим олувчиларнинг билвосита алоқаси;
- b) технологик жиҳатдан мулоқот қилувчи ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг алоқа жараёни;
- c) масофавий ўқитиш жараёни қатнашчиларининг ахборот технологиялари ёрдамида синхрон ва асинхрон мулоқоти;
- d) таълим олувчиларнинг мустақил равишда компьютер-технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз устида ишлаши;
- e) таълим олувчиларнинг таълим дастурларини тиклаш ва ўқитиш траекторияларини белгилашларидаги эркинлиги.

9. “Интерактив диалог” нима?

- a) замонавий ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишга шарт-шароит яратиш;
- b) фойдаланувчининг матнли буйруқларни (сўровларни), жавобларни (таклифларни) кўзда тутувчи диалог;
- c) юқори даражада, дастурий (дастурий аппарат тузилмалари) тизими билан ўзаро, икки ёқлама муносабат асосида диалог ўрнатишдир;
- d) структура лингвистикасида амалда қўллашдаги асосий белгиларнинг мажмуини ва уларни бирлаштирувчи мавзуларга эга бўлган тилнинг абстракт бирлигини билдиради;
- e) муайян катталиқнинг физикавий шароитлар ўзгарганда ёки турли ўзгартиришларга нисбатан бир хилда, ўзгармай қолиши тушунилади.

10. Медиа таълим методи нима?

- a) медиа таълим методи ўқувчи-талабаларни шахсий фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш ва уни қайта ишлаш, синтез қилиш, шахсий хулосалар чиқаришга ўргатади;

б) уквчи – талабаларнинг вербал коммуникатив кўникмаларини шакллантиради;

с) ахборотлар мазмунини тушуниш ва ахборот олиш маданияти шаклланади;

д) медиа таълим уквчи – талабаларга индивидуал таъсир этадиган метод;

е) медиа таълим методи ахборотлардан фаол ва тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантиради.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. “Технология” тушунчасининг моҳиятини ёритувчи қарашларни изоҳланг.

№	“Технология” тушунчаси	Изоҳ
1	2	3

2. “Таълим технологияси” тушунчасини таърифлаб бering.

№	“Таълим технологияси”	Таъриф
1	2	3

3. “Педагогик технология”нинг мазмун-моҳиятини ёритувчи қарашлар ва таърифларни тушунтириб бering.

№	ПТ	Тушунча

4. Замонавий педагогик технологиянинг турларини тавсифлаб беринг.

№	ЗПТТ	Тавсиф

5. Инновация нима?

№	Инновация	Тушунча

6. Интерактив методларни таърифлаб беринг.

№	Интерактив методлар	Таъриф

7. Муаммоли таълим методининг асосий мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	М мақсади ва вазифалари	Тушунча

8. Дарсда баҳс-мунозара, брейнсторминг технологиясининг тутган ўрнини тушунтириб бering.

№	БМБТ	Тушунча

9. Масофавий таълим методи қандай ўзига хос хусусиятларга эга?

№	МТМнинг ўзига хос хусусиятлари	Тушунча

10. Креатив, эвристик, медиа таълим методларининг мазмун-моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини тушунтириб бering.

№	КЭМТМММ ва УХХ	Тушунча

IV БЎЛИМ. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

VI Боб. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, ҚОНУНИЯТЛАРИ, ҚОИДАЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ (ПРИНЦИПЛАРИ)

6.1. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ТАСНИФИ

Тарбия назарияси «Умумий педагогика» фанининг бир қисми бўлиб. тарбия жараёнининг мазмуни, методлари ва ташкил этилиши масалаларини ўргатади. Ҳаётга янгича ижтимоий сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараён мазмунини ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақазо этмоқда.

Тарбия назарияси халқ педагогикаси ва Марказий Осиё мутафаккирларининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, этика, эстетика, физиология, психология каби фанлар маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси ҳамда мактабшунослик ва олий таълим педагогикаси билан узвий боғлиқ.

Тарбия жараёни шахснинг муайян мақсад асосида ижтимоий ҳаётга тайёрловчи тарихий-ижтимоий тажрибага суянган ҳолда олиб боровчи фаолият жараёнидир. Бошқача талқин этилганда, *тарбия жараёни ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва ҳуқ-атвори таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир.* Маълумки, турли макон ва замонда ижтимоий тарбия моҳияти турлича бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган. Турли макон ва замонда тарбия гоёси турлича ифодаланган бўлсада, аммо йўналтирувчанлик хусусияти ҳамда объектига кўра яқдилликни ифода этади. Тарбия жараёни моҳияти, мазмуни хусусида “Авесто”да, Куръони Карим ва Ҳадисларда, шунингдек, халқ педагогикаси, машхур алломалардан Хазрат Абу Ҳамид ал-Ғаззолий, Аттор, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин

Нақшбанд, Нажмиддин Кубронинг таълим-тарбияга оид қарашлари, Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шахри», «Китоб ал Мусиқи ал-Кабир», «Катта мусиқа», «Ритмлар тартиби ҳақида»; Берунийнинг «Масъуд қонуни», «Ҳиндистон», «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар», «Сайдона», «Ахлоқ ҳақида рисола»сидаги маънавий-маърифий масалалар; Абу Али ибн Синонинг «Тадбири манозил», «Ахлоқ ҳақида рисола», «Донишнома», «Саламон ва Ибсол», «Хай ибн Яқзон», «Тиб қонунлари»; Алишер Навоийнинг: «Макорим ул-ахлоқ», («Муқаррам хулқлар»), «Бадодий ул-бидоя» («Гўзалликнинг бошланиши»), «Наводир ун-Ниҳоя», («Нодирликлар ниҳояси»), «Хазойин ул-Маоний», («Маънолар хазинаси») асарларида инсонни тарбиялаш ғоялари ҳозирги замон билан ҳамоҳангдир.

Абдулла Авлоний, Маҳмудхужа Бехбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирӣ, Абдурауф Фитрат, Чўлпон асарларидаги маънавий-маърифий қарашлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. Буюк маърифатпарвар зиёлиларнинг маънавий-маърифий ғоялари миллий ғоя ва истиқлол мафкура-сининг теран томирлари бўлиб қолаверади.

Инсон тарбияси ва унинг тарбияланганлик даражаси ўз даврининг илмий-амалий мезонлари бўйича тадқиқ этишлик қўп асрлик фан тарихига эга. Инсониятнинг ер юзига келишидан эътиборан кишилар муайян социумнинг аъзоси тариқасида шахслараро муносабатга киришиши, мулоқот ўрнатиши, муомала маромига риоя қилиши лозим, деб белгиланиши тарбияланганлик ўлчовларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Тараққиёт, ижтимоий онг, ақл-заковат, эзгуликка интилиш ҳисси тарбияланганликнинг ҳам ҳаракат-лантирувчиси, ҳам механизми, ҳам зарурат эканлигини таъкидловчи омил бўлиб хизмат қилган ва бундан кейин ҳам қўп функционал вазифани адо этаверади.

Тарбияланганликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблайди мутафаккир Алишер Навоий:

- жаҳл чиққанда ўзини боса олиш; ҳар бир ишни қилганда «етти ўлчаб бир кесиш», сир сақлай олиш, мулоҳаза қилиб, айрим гапларни ичга ютиш;

- доимо ишонч билан яшаш ва олга интилиш; андиша чегарасидан чиқмаган ҳолда дадил бўлиш;

- бир ишни бошлагандан кейин уни охирига етказмай қўймаслик;

-топган-тутганини тежаб-тергаб сарфлаш ва ҳаказолар.

Аз-Замахшарийнинг фикрича, тарбияланганликнинг ўнта нишонаси фарқланади:

- биринчиси – халқ тўғри деб топган нарсани нотўғри деб қарамаслик;

- иккинчиси – ўз нафсига эрк бермаслик;

- учинчиси – бировдан айб қидирмаслик;

- тўртинчиси – ёмонликни яхшиликка йўйишлик;

- бешинчиси – агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш;

- олтинчиси – муҳожирлар ҳожатини чиқариш;

- еттинчиси – эл ғамини ейиш;

- саккизинчиси – ўз айбини тан олиш;

- тўққизинчиси – эл билан очиқ юзли бўлиш;

- унинчиси – одамлар билан ширин муомалада бўлиш.

Абдулла Авлонийнинг фикрича: “Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир. ...хулқ – нафснинг суврати” бўлса, Ҳамза Ҳакимзоданинг таърифлашича: “Ахлоқ хулқни жаъмидур. Ахлоқ икки қисм бўлур. Бири ахлоқи хусния (яхши хулқлар), иккинчиси ахлоқи замима (ёмон хулқлар)дур. Ахлоқи хусния инсоният оламининг бир гулшанидирки, анда ҳаё, қилм, саҳо, қаноат, ризо, шукр, сабр, тавба, сидх, тавозъу, ажз, факрға ўхшаш адолат гуллари била музайян ва муаттар ўлур. Ахлоқи замима бир шўразордурки, они аксинча жафо, зулм, ҳасад, кибр, куфр, тамаъ, ғзаб, нифоқ, ғасб, намима, қизб, бухтон, ғийбат, бухл, ҳнёнат, исроф, кирс, пойрик, таъжил, фитна, ҳосил; бунга ўхшаш турлу кабоҳат нимарсадан бошқа шайлар кўкармасдан”. Демак, тарбияланганлик барча ижобий хулқларни ўзида мужассамлаштириб, салбий хулқлардан фориг бўлиш демакдир. Ёшларда ахлоқий хислатлар билан бирга, умуминсоний фазилатларни, маънавий сифатларни тарбиялашда педагогик диагностика ва педагогик коррекциялаш фаолиятига мурожаат этиш зарур. Бунинг учун, энг аввало, инсон фазилатларининг ўзаро муносабатларини ва ўрнини аниқлаб олмоқ лозим. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иктисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади.

Режали ва мақсадли ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида натижаларни аниқлаш зарурияти педагогик диагностикани вужудга келтирган. Ўз ибтидосида бу натижалар оддий педагогик методлар орқали аниқланган.

Тарбия жараёнида: сўз орқали ифодалаш, кўргазмалилик, амалий намуна, рағбатлантириш, жазолаш каби методлари қўлланади. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз.

Тарбия жараёнида анъаналар, удумлар, расм-русумларнинг роли каттадир. Ватан туйғусини шакллантириш, она тилимизга муҳаббат уйғотиш, миллий кадриятларга ҳурматни кучайтириш, эзгулик тимсоли бўлган инсонийликни улуғлаш, умуминсоний кадриятларга, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илгор маданиятни шакллантириш, диннинг дунёвийлик билан қарама-қарши эмаслигини англаш, ҳуқуқий маданият-соғлом дунёқарашнинг муҳим омили экани тўғрисидаги билимларни бойитиш, маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботлаш каби тамойиллари тўғрисидаги тушунча буларнинг барчасига тарбия методлари орқали эришилади. Ҳар томонлама баркамол, билимли, малакали ёшларни вояга етказишда қуйидаги тарбия турларининг аҳамияти салмоқлидир:

1. Ақлий тарбия – билим, илм, малака, кўникма; ақл, онг, фаҳм, фаросат;

2. Ахлоқий тарбия – ахлоқ, одоб, ҳулқ, яхшилик, эзгулик, адолат, инсоф, диёнат, шарм, ҳаё, ватанпарварлик ва ҳ.к.;

3. Меҳнат тарбияси – фаоллик, ишчанлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, ақлий иш, жисмоний меҳнат, манфаат, фойда, маош ва ҳ.к.;

4. Жисмоний тарбия – чиниқиш, спорт, ўйинлар, соғлом тан ва ҳ.к.;

5. Эстетик тарбия – гузаллик, кийиниш, тозалик, юриштириш, саранжом-саришталик ва ҳ.к.;

6. Экологик тарбия – табиат, атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига онгли муносабатда бўлиш ва ҳ.к.;

7. Иқтисодий тарбия – бозор иқтисодиёти, тежамкорлик, сарф-харажат, исроф; фойда, мулк, мулкка эғалик ва ҳ.к.;

8. Ҳуқуқий тарбия: фуқаро, тенглик, тўғрилиқ, ҳалоллик, жиноят, жазо, ҳуқуқ, бурч каби тушунчаларни қамраб олади.

Юқоридаги фикрлардан ҳулса шуки, ўқувчи-талаба шахси тарбияси хусусий эмас, балки ижтимоий тарбия жараёни миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А.Каримовнинг қатор фундаментал асарлари ва нутқларида мустақил Ўзбекистон Республикасида ижтимоий тарбияни йўлга қўйишнинг мақсади ва вазифалари, уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари белгилаб берилган.

Умуман, тарбия жараёнини ижтимоий ҳодиса сифатида куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Тарбия – жамиятдаги ҳодиса сифатида ўсиб келаётган авлоднинг жамият ҳаётида, турмуши, ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти, ижоди ва маънавийлигида иштирок этиши мураккаб қарама-қарши ижтимоий-тарихий жараён ҳисобланади.

2. Тарбия жараёни – шахсни мақсадга мувофиқ такомиллантириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради.

3. Шахс тарбияси – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган ҳиссиётларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Демак, тарбия ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоннинг шахс бўлиб шаклланишини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий маънавий қадриятдир. Тарбия жараёни инсоният пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлган бўлиб, усиз алоҳида шахс ҳам, кишилик жамияти ҳам фаолият кўрсата олмайди. Чунки, тарбия жараёни инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадрият бўлиб, у авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

Тарбия ёрдамида инсон шахсининг маънавий жиҳатларини қарор топтириш кўзда тутилади. Дунёқараш, эътиқод эзгулик, гузаллик, яхшилик, ҳулқий одатлилик ва кўникмаларнинг шахс сифатига айлантрилиши тарбия ёрдамида амалга оширилади.

Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки фаолиятни – ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар фаолиятини ўз ичига олади. Тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий онги шаклланиб боради. Ҳис-туйғулари ва турли қобилиятлари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик ҳислатлари ва жамиятнинг шахсга кўядиган ахлоқий талабларига мос келадиган ҳулқий одатлар ҳосил бўлади. Тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан

туғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида ўқувчи-талабалар ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат ўқувчи-талабалар шахсининг ички эҳтиёж ва хоҳишларини ифодалайди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари ўқувчи-талабалар шахсига ташқи омилларнинг (хоҳ салбий, хоҳ ижобий) таъсири тарбияланувчининг уларга муносабати, боғлиқлигини кўрсатади. Ўқувчи-талабалар фаолиятини уюштириш эмас, балки тарбияланувчиларнинг бу фаолиятга нисбатан қандай англашни баҳолаши, ҳис қилишни англаши эътиборга моликдир. Улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиб олаётганлигини билиши зарур. Буларнинг барчаси турли кишилар билан алоқа қилиш, жамоадаги муносабатлар жараёнида мураккаблашиб боради. Тарбия жараёни ўқувчи-талабаларнинг онгини эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориши, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган ҳуқуқий малака ва ҳулқий одатларни ҳосил қилиши лозим. Бунга эришиш учун ўқувчи-талабаларнинг онгига, ҳиссиётига ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қилади. Ўқувчи-талабалар фаолиятини белгилайди, уларни ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади.

Тарбияни самарали йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини – тарбия жараёнининг манбасини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бир сўз билан айтганда тарбия жараёни – ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаш (умумий фаолият, таълим, тарбия) жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий қўникмасини ўзида шакллантириш ва ўзгаларга бериш жараёнидир. Тарбия жараёнида ички ва ташқи қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлиб, у бевосита тарбияланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Тарбияда ўқувчи-талабаларнинг тарбияланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бу жиҳат унутилса, қарама-қаршилиқлар кучаяди.

Демак, ўқитувчи-тарбиячи ўқувчи-талабалар шахсининг тез ривожланидиган даври – ўқувчилик ва талабалик йилларида унинг онгига турли-туман фаолият (ўқиш, меҳнат, уйин спорт, бадий ҳаваскорлик) ёрдами билан махсус таъсир этиши мумкин. Тарбия яхлит жараёнда амалга оширилади, унинг таркибий қисмлари ҳам айна бир вақтда фаолиятнинг бирор тури асосида амалга оширилади.


Умумий педагогик жараёнда тарбия муҳим урин тутади. Уқувчи-талабалар шахсини шакллантириш бошқарув, назорат тавсифига эга бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий ҳаракатлар орқали эмас, балки олдиндан белгиланган ва пухта уйланган режалар асосида ҳал этиб борилади. Тарбия жараёнида унинг мақсади, шакли, воситалари, уқувчи-талабалар шахсининг ўзини-ўзи тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жихатлари муҳим урин тутади.

Дарҳаққат, тарбия жараёни мазмуни ижтимоий тузум буюртмаси асосида белгиланиб, унинг амалга ошиши учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги талаб этилади. Ушбу ғоялар яхлит тарзда қуйидагича акс этади (2 ва 3-шаклда).

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли бекиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатни секин-аста кўникмага айлантириб бориш лозим. Инсонни мушоҳада қилиш қобилятини тарбиялаш ақлни пешлаш демакдир. Бу эса истеъдодларни юзага чиқаришга асос ҳамдир. Ақл онгни сақлайди, онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Бунга мос тарбия лозимлиги ҳар қандай онгли инсонга маълумдир.


Маълумки, ҳар қандай кишида муҳим бир безак бор. У инсондаги ақл ва одоб гўзаллигидир. Ушбу гўзаллик кишига ҳаётда ўз ўрнини топишда муҳим маънавий асосдир. Бу эса уларнинг ўзлари ҳам тарбияда ибрат-намуна оладиган шахслар бўлишига катта имкониятдир. Шу тариқа инсон секин-аста такомиллашиб, комилликка эришиб боради. **Комил инсон** – *етук, тўлиқ, мукамал, бакаму куст, баркамол, олиму доно, уста, моҳир, қули гул, ақли теран, яхши тарбия кўрган, ахлоқ-одобли кишининг қадр-қимматини унинг ўзига ўхшаган кишилар эканини яхши англаган инсон. Тарихдан бунга қўлаб мисоллар келтириш мумкин.*

Шахс тарбияси ҳар қандай жамиятда долзарб масала бўлиб келган ва унинг ечимлари ҳақида ўша жамият онгли аҳолиси (интеллектуал салоҳиятли авлоди) қайғуриб келган. Улар буйича олинган истиқболли ечимлар авлоддан-авлодга ўтиб келаверган ва улардан баъзи ўғит, ҳикмат ҳамда панд-насиҳат кўринишини ҳам олган. Айниқса, бу борада алломаларимиздаги қобиляят ва истеъдодларини ёшлар тарбиясида ибрат-намуна қилиш кўрсатилса баркамол шахс тарбияси янада таъсирчан бўлар эди.





Тарбия – тарбиячи томонидан тарбияланувчида маълум бир мақсадга эришиш йўлида шу мақсад талаб этган мазмуни, у ёки бу метод ва воситалар ёрдамида шакллантириладиган, натижага эга бўладиган жараёндир



Хуллас, ҳар бир жамият, жамоа, оила ва ҳаттоки айрим инсонлар юксак орзулар амалга ошишида ибрат-намунадан фойдаланиш ижобий натижаларнинг қўлга киритилишига шубҳа қолмайди. Бу жараён нафақат ёшларга, балки катталарга ҳам қаратилган бўлади. Чунки тарбия жараёни инсоннинг пайдо бўлганидан бошлаб, то умрининг охиригача зарур бўлган кадриятдир.¹

6.2. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Тарбия жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради.

Тарбия жараёнининг моҳиятини тарбияга ҳар томонлама ёндошиш билан муваффақиятли тарзда илмий таҳлил қилиш мумкин. Шахснинг хислатлари бир-биридан ажратилган эмас, балки ўзаро мустақкам боғланган. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг шахсияти айрим-айрим эмас, балки яхлит тарзда ривожланади. Ўқувчи-талабалар ўсиб ва ривожланиб борган сари тарбиянинг мақсади ва вазифалари мураккаблашиб, чуқурлашиб, табақалашиб боради.

Яхлит ёндашиш объектив равишда ақлий, ғоявий, мафкураравий, ахлоқий, меҳнатсеварлик, эстетик, жисмоний, экологик, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий тарбия бирлигини ўқувчи-талабаларнинг онги, ҳулқ-атвори билан қўшиб олиб борилишини таъминлайдиган педагогик жараёни вужудга келишини ва бу жараён талабларига амал қилишни талаб қилади. Ижтимоий тарбия жараёни ўқувчи-талабалар шахсининг ижтимоий фазилатларини шакллантиришга, уларнинг теварак-атрофга, жамиятга, одамларга ва ўзига нисбатан муносабатлар доирасини вужудга келтиришга, кенгайтиришга қаратилган. Ўқувчи-талабалар иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар тизими қанчалик кенг ва хилма-хил бўлса, унинг маънавий дунёси шунчалик бой бўлади.

¹ Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Алқаров И., Усманов Н. Педагогика. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2010, 133-135-бетлар. Ibragimov X., Abdullayeva Sh. Pedagogika nazariyasi. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008, 79-81-бетлар.



**ТАРБИЯ
ЖАРАËНИНИНГ
МОЊИЯТИ**

**ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАР
ШАХСИНИ МУАЙЯН МАҚСАД
ЙЎЛИДА АР ТОМОНЛАМА
ВОЯГА ЕТИШИ УЧУН
ИЖТИМОИЙ ОНГ ВА УЛ-
АТВОРНИ ТАРКИБ
ТОПТИРИШДАН ИБОРАТ**

**ТАРБИЯ
ЖАРАЁНИНИНГ
МАЗМУНИ**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ
ПЕДАГОГИКАСИ,
“АВЕСТО”ДАГИ, ҚУРЪОНИ
КАРИМ ОЯТЛАРИ,
ПАЙҒАМБАРИМИЗ
МУҲАММАД ҲАДИСЛАРИ,
МИЛЛИЙ ВА МАДАНИЙ
ҚАДРИЯТЛАР, МУТАФАККИР
ВА ОЛИМЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-
ТАРБИЯГА ОИД
АСАРЛАРИДАГИ ҒОЯЛАР**



**ТАРБИЯ
ВОСИТАЛАРИ**

**ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАР ЖАЛБ
ҚИЛИНАДИГАН ФАОЛИЯТ
ТУРЛАРИ:**

**ҲАШАРЛАР, ТЎГАРАКЛАР,
БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК,
СПОРТ ЎЙИНЛАРИ,
КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ,
УЧРАШУВЛАР, САЁҲАТЛАР,
КИНО, ТЕАТР, РАДИО,
ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР,
САНЪАТ АСАРЛАРИ ВА Ҳ.К.**

Тарбия мазмунида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар шахс ҳулқ-атвори ҳамда сифатларнинг моҳиятини акс эттиради. Тарбия мазмуни ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, кишилиқ муносабатлари моҳияти ва даражаси, шунингдек, жамият мафқураси ва ғояларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Замонавий тарбия мазмунида қуйидаги ғоялар ётади:

1. **Тарбия мақсадининг аниқлиги.** Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ республикада амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, тарбия мақсади аниқ белгилаб олинган эди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларига кўра, ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлган комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий восита бу – шахсда умумий маданиятни таркиб топтиришдир, яъни шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, мафқуравий ҳамда меҳнат маданиятини тарбиялаш тарбиянинг бош мақсадини амалга ошириш имкониятини яратиш кўзда тутилади.

2. **Ёшлар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти.** Ўқитувчининг ёшлар билан маънавий маданиятининг энг яхши намунасини излаши, шу асосида тарбиячи инсоннинг ҳаётий меъёр ва қадриятларини ишлаб чиқиши, ўқувчи-талабаларнинг тарбия жараёнида фаоллигини таъминлашга олиб келади. Дунёқараши ҳали тўла-тўқис шаклланмаган ўқувчи-талабалар учун катталарнинг ҳаётий тажрибалари ҳамда уларнинг шахсий намуналари катта тарбиявий таъсирга эга.

3. **Ўз-ўзини англаш.** Тарбия инсонда эътиқод, демократик қарашлар ва ҳаётий позициянинг шаклланишига олиб келади. Тарбия мазмунининг энг муҳим жиҳатларидан бири – бу инсоннинг ҳаётида ўз-ўзини англаши, инсон ўз шахсий ҳаёти ва бахтининг субъекти сифатида эътироф этилиши билан тавсифланади. Инсон камолотда фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўз-ўзини англаш ғояларига таяниб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

4. **Тарбиянинг йўналтирувчилиги.** Мазкур ғоя мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари амалиётининг марказида тарбиявий ишлар дастури, тадбирлари, шакл, метод ва воситалари эмас, балки ўқувчи-

талабалар турганлигини англашига хизмат қилади. Тарбия жараёнида унинг шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, ўзига хос тавсифи ўз кадр-қимматини англаш туйғулари ривожлантирилиб борилиши зарур.

5. **Ихтиёрийлик.** Тарбияланувчиларнинг ирода эркинлигисиз тарбия гоёлари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. Тарбия жараёни, агар у оқилна ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар маънавиятининг бойитилишига хизмат қилади. Агар тарбиячи (ўқитувчи) ўқувчи-талабаларнинг қизиқиши, фаолияти ўртқлик ва фуқаролик бурчини англаши, мустақилликка интилиш туйғуларини кўриб ва англай олсагина унинг шахсига таъсир кўрсатишга йўналтирилган фаолиятда самарага эришади.

6. **Жамоа йўналиши.** Тарбиявий ишлар мазмунида жамоага нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириш ётади. Жамоа ёрдамида ўқувчи-талабалар шахсининг ҳар томонлама тараққиёти, уларда дунёни англаш ва уни тўлақонли талқин этиш, инсонпарварлик ва ҳамкорлик туйғуларининг юзага келиши ва ривожланиб бориши амалга оширилади.

Замонавий педагогик жараёнда тарбияланувчиларга ақлий, эстетик, ахлоқий, жисмоний, сиёсий, иқтисодий, экологик ҳамда диний тарбия олиш лозимлигини ўқитиришнинг ўзи ҳам самара беради. Замонавий тарбия мазмуни, гоёлари яхлит тарзда қуйидаги кўринишга эга бўлади.



6.3. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тарбия жараёнининг мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, ривожланиши, йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. *Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган тарбия жараёнининг асосий мақсади баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Чунки, кадрлар тайёрлаш миллий моделимизнинг бош муддаоиси баркамол шахс ва интеллектуал салоҳиятли мутахассис тайёрлашдан иборат бўлиб, Ўзбекистоннинг халқаро андозалардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган, мустақил фикр юритадиган, кенг тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, аynи пайтда инсоннинг ички сифатлари барқ уриб камолотга етган ракобатбардош ва юксак малакали кадрларни тайёрлашни кузлайди.* Мазкур мақсадни амалга оширувчи асосий омиллардан бири тарбия жараёнидир. Тарбия жараёнининг мақсади натижаси баркамол авлодни шакллантиришдир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, уюштириш ва раҳбарликни, шунингдек, ўқувчи-талабалар шахсининг ўзи томонидан фаоллик кўрсатишни тақазо этади. Бу жараёнда педагог етакчи вазифани бажаради. Чунки ижтимоий тарбиянинг умумий мақсадлари, моҳиятини тушунади, мақсад йўлида амалга оширилаётган вазифалар тизимидан яхши хабардор, тарбия шакллари, методлар ва воситаларни асосли, илмий тарзда танлаб олади ва тарбияга тадбиқ этади.

Ўз табиатига кўра тарбия кўп омилли характерга эга, яъни ўқувчи-талаба шахсининг қарор топишига оила, таълим муассасалари, мактаб, жамоатчилик, ижтимоий муҳит, шунингдек, вазиятлар хилма-хиллиги бевосита ва билвосита таъсир этади. Тарбиянинг натижалари бир хил тавсифда бўлмайди. Бу ўқувчи-талабаларнинг психологик (индивидуал типологик), физиологик ва жисмоний хусусиятларига, уларнинг ҳаётий ва маънавий киффасига, шахсий жиҳатларига боғлиқ. Тарбия одатда, ўз ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш, тарбияланувчининг атроф-муҳитдаги у ёки бу ходисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва ўқувчи-талабалар шахси хусусиятларини шакллантириш билан қўшиб олиб баъзида ўз-ўзини тарбиялаш шахсининг ўзида ижтимоий кадриятнинг умумий асосий фазилатларни ҳосил қилиш ва такомиллаштириш билан

салбий ҳислатларни бартараф эттиришга қаратилган ички фаолият сифатида таърифланади. Уз-ўзини қайта тарбиялаш ўқувчи-талабалар шахсининг ўзидаги салбий одатларни, зарарли сифатларни йўқотишга, бартараф этишга қаратилган ички фаолият мазмунидир. Ўқувчи-талабалар ҳулқидаги носоғлом муҳит, ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатолари, ўқитувчининг таълим-тарбия фаолиятидаги камчиликлар асосида вужудга келади. Қайта тарбиялаш жараёнида салбий ҳулқ, ҳосил қилинган зарарли сифатлар ўзгартирилади, қайта тарбиялашда таълим муассасалари, оила, ота-онанинг ҳамкорлиги лозим бўлади. Демак, қайта тарбиялаш ўқувчи-талабаларнинг ўзигагина эмас, балки унинг ота-онасига ҳам қаратилиши лозим.

Шарқ мутафаккирлари таълимни ҳеч қачон тарбиядан ажратиб кўришмаган. Шарқ халқ педагогикасининг жумладан, этнопедагогикасининг ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, нафақат тарбия таълимдан ажратилмаган, балки таълимда шахс ривожланишда миллий ўзига хослик алоҳида кўрилмаган. Миллий ўзига хослик фақат бирор бир тилни (масалан: русча, арабча, ўзбекча, форсча) ўрганилганда эътиборга олинган. Албатта, ўқув-тарбия жараёнини ривожлантиришни айрича кўриб бўлмайди. Аммо, кўпгина нақллар моҳиятидан маълумки, тарбия алоҳида қирралар сифатида ҳам эътироф этилган. Масалан, «Олим, бўлиш осон, одам бўлиш қийин» мақолини олиб кўрайлик. Яъни одам бир қанча билимлар, кўникмалар ва малакалар соҳиби бўлгани билан ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслиги, шахс сифатида шакллана билмаслиги мумкин.

Ҳозирги кунда таълим жараёни ўқитувчилар томонидан шахснинг билим, иқтидор, малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилади. Тарбия эса шахс тарбияланганлигининг мезони сифатида шахсий ҳислатларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, бугунги кунда бу ҳислатларни маънавий қадриятлар асосида шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таълим муассасаларида маънавий қадриятларнинг моҳиятини ўрганиш, тарбиявий имкониятлардан кенг фойдаланиш, асосан дарс жараёнини ташкил этиш, унинг асосий қисмларига қўйиладиган талабларга ижодий ёндошишга боғлиқ.

Маънавий қадриятларни бой тарихий-маданий мерос сифатида ўрганишнинг самарали андозаси қатор педагогик

шартларга таянган ҳолда яратилади. Бу ўринда таълим муассасаларида ўрганиладиган фанларнинг умумий характери (табiiй математик, ижтимоий-гуманитар ва махсус фанлар, одобнома, турмуш одоби, дин тарихи ҳамда илмий-маданий мерос каби факультатив машғулотлар); дарс жараёнида ўрганиладиган мавзунинг маънавий қадриятларни ўрганишдаги имкониятлари; ўқувчи-талабаларнинг маънавий талаби, қизиқиши ва маънавий маданият даражаси; ўқувчи-талабалар маънавий эҳтиёжи ва ўқитувчи савияси; таълим мазмунида дарс таълимининг тарбиявий ва ривожлантирувчилик хусусиятларига яхлит жараён сифатида муносабат; дарс шакллари, усул ва воситаларнинг ўқувчи-талабалар маънавий маданиятини тарбиялаш самарадорлигини таъминлашга хизмат қила олиш даражаси; умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги асосида ўқувчи-талабалар маънавий маданиятини шакллантириш; ўқувчи-талабаларнинг ёш ва руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш; турмуш тарзи (оила муҳити, савияси, ҳудудий яшаш жойи ва ҳ.к.) таълим-тарбия мазмунининг ўзаро давр талабига мослик даражаси ҳисобга олинади. Юқорида келтирилган барча омиллар тарбия мақсади таълим жараёни билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Акс ҳолда тарбия самарадорлиги талаб даражасида бўлмаслиги аниқ.

Шундай қилиб, тарбия назариясидаги асосий муаммоларни аниқлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- тарбиявий иш маъносини аниқлаш;
- тарбия истакларини таснифлаш;
- ўқувчи-талабаларнинг маънавий эҳтиёжи ва талаби;
- ўқувчи-талабаларнинг ёши, умумий савиясини инобатга олиш;
- ўқувчи-талабалар билим савияси, мантиқий фикр доирасининг ўсиши, тарбиясига таъсирини аниқлаш;
- ўқитувчининг шахсий ҳислатларини шакллантириш, олиб бориладиган тарбиявий ишларни тадқиқ этиш.

Буни ўрганиш давомида таълим ва тарбиянинг бир-бирига уйғунлашиб кетганлигини эсда тутиш керак.

Таълим ва тарбия жараёнларининг ажралмас қисмларидан бири таълим мазмунини шахсий ҳислатларни тарбиялашнинг катта имкониятларига эғалигидадир. Айниқса, бу мазмун ўқувчи-талабалар шахсини шаклланиши тафаккурини янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда уйғунлаштириш ва юқори босқичларда

ривожлантириш, ахлоқий ҳислатларни шакллантириш имконини беради. Булардан ташқари ўқув-тарбия тизимидаги ўқув, ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат, эстетика, таълим воситалари, меҳнат ва эстетик ва жисмоний тарбияни амалга ошириш имкониятларини беришини ҳам қайд этиш жоиздир. Ўқитувчининг ўқувчи-талабалар билан мулоқоти, ўқувчи-талабаларнинг дарс жараёнида субъектив сифатидаги актив фаолияти, ўқитувчининг ўқувчи-талабалар шахсини шаклланишига ижобий таъсир эта олиши бундай имкониятларнинг яна бир қиррасидир.

Шакл ва мазмун жиҳатдан таълим ва тарбия бир-бири чамбарчас боғланиб кетган. Юқорида келтирилган далиллар яна бир маротаба таълим билан тарбиянинг ажралмас жараён эканлигини, ўқувчи-талабаларнинг атроф-муҳитга, фан қонуниятларига, ахлоқ, одоб қирраларига муносабати бевосита ўқув жараёнида бошланиб, дарсдан ва аудиториядан ташқари фаолиятларда давом этишини кўрсатади. Тарбия мақсади ўзига хос хилма-хилликка эга. Унинг энг муҳим хусусияти аниқ мақсадга йўналтирилганлигидир. Замонавий талқинда тарбия мақсади ўқитувчи ва ўқувчи-талаба (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида муайян мақсадга эришишга қаратилган самарали ҳамкорлик демакдир. Зеро, тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликдаги фаолиятлари ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади. Ягона мақсад ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашнинг замонавий усул ва воситалари фойдаланиш имкониятини излаб топишдир. Тарбия мақсадини амалга ошириш жараёнида миллийликка, миллий урф-одатлар, анъаналарга эътиборни қаратиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Демак, **миллий менталитетимизга** кўра, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айрича тасаввур этиш мумкин эмас.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш асосида тарбиянинг мақсади белгилаб олинади. *Улар: мустақиллик маънавиятини тарбиялаш, тарихий-маданий бойликларнинг асосий томонларини ўрганиш, миллий маданиятимиз ривожини, тараққиёт қонунлари, буюк сиймолар меросини ўзлаштириш, ривожланган мамлакатлар маданияти ютуқларини ўрганиш, алломаларимизнинг комил инсон ҳақидаги таълимотларидан самарали фойдаланиш.*

Республикада таълим муассасаларида олиб борилаётган ижтимоий тарбиянинг умумий вазифаси шулардан иборат. Шу билан бирга тарбия турлари – ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва мафкуравий тарбия ўзининг хусусий мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга оширади.

1. **Ахлоқий тарбияни** ташкил этиш жараёнида ўқувчи-талабаларни ижтимоий ахлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор этиш, уларга ахлоқий меъёрларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тушунтириш, улардан ижтимоий ахлоқий меъёрлар (талаб ва таъқиқлар)га нисбатан ҳурмат ҳиссини қарор топтириш асосида ақлий онг маданиятини шакллантириш.

2. **Ақлий тарбияни** йўлга қўйиш чоғида ўқувчи-талабаларни илм-фан, техника ва технология борасида қўлга киритилаётган ютуқлардан, янгилик ва кашфиётлардан бохабар этиш, уларга ижтимоий-гуманитар фанлар асослари хусусидаги билимларни бериш тарзида уларда тафаккур қобилиятини қарор топтириш, дунёқарашини шакллантириш.

3. **Жисмоний тарбияни** ташкил этиш жараёнида ўқувчи-талабаларда ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишни ҳамда унинг ишлаш қобилиятини ошириш борасида ғамхўрлик қилиш тўғрисида юзага келтириш, уларда янги ҳаракат турлари борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан қуроллантириш, ўқувчи-талабаларнинг ёшига ва жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, сабот-матонат, чидам, ирода ва тавсифни қарор топтириш) асосий ҳаракат сифатларини ривожлантириш, уларда шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатларни тарбиялаш.

4. **Эстетик тарбияни** олиб бориш жараёнида ўқувчи-талабаларда эстетик ҳис-туйғу, эстетик дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятларини тараққий эттириш, эстетик маданиятни шакллантириш.

5. **Экологик тарбияни** олиб бориш чоғида ўқувчи-талабаларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини ўқувчи-талабаларга тушунтириш, уларда экологиянинг инсон, инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ва аҳамияти борасида тушунчаларни қарор топтириш, шунингдек, экологик маданиятни шакллантириш.

6. **Иқтисодий тарбияни** ташкил этиш жараёнида ўқувчи-талабаларга иқтисодий билимларни бериш асосида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бозор инфраструктураси қоидаларига амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнесни яратиш борасидаги фаолият жараёнида иштирок этиш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, инсон меҳнати билан бунёд этилган моддий бойликларни асраш, уларни кўпайтириш борасидаги қайғуриш туйғуларини қарор топтириш, иқтисодий маданиятни шакллантириш.

7. **Ҳуқуқий тарбияни** ташкил этиш жараёнида ўқувчи-талабаларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳақидаги таълимотни, чунончи, фуқаролик, оила, меҳнат, ҳужалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтириш, улар онгига ижтимоий ҳуқуқий меъёрларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш, уларда ҳуқуқий онг, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш.


8. **Ижтимоий-сиёсий тарбияни** ташкил этиш жараёнида ғоявий ва мафкуравий билимларни бериш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий давлат тузилиши, фуқаролик жамияти асослари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи мафкураси мазмунини ўрганишни таъминлаш асосида ўқувчи-талабаларда мафкуравий фаолият кўникма ва малакаларни қарор топтириш, мафкуравий маданиятни шакллантириш ва ҳаказолар.

Демак, тарбия мазмунида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар шахс хулқ-атвори ҳамда сифатларнинг моҳиятини акс эттиради.

Ижтимоий тарбия мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун тарбия жараёнининг хусусиятларини аниқлаб олиши муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёни хусусияти кўп қиррали жараён бўлиб, унга тарбия моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташқи (*субъектив ва объектив*) омиллар кўзга ташланади. Субъектив омиллар ўқувчи-талабалар шахсининг ички эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳаётий муносабатларини англаштига ёрдам берса, объектив омиллар шахснинг ҳаёт кечириши, шаклланиши, ҳаётий муаммоларни ижобий ҳал этиш учун шароит яратади.








Тарбия:

◆ бу шахслар орасида ўзаро муносабатлар тизимини ҳосил қилиш. Яъни одамни бошқа шахсларга, меҳнатга, жамиятга, дунёга, ўзига бўлган муносабатларни шакллантиришдир.

◆ Шахсни ижтимоий ривожланиши унинг фикрига таяниш, бу таяниш шахс эҳтиёжларида ифодаланади.





Шундай қилиб, тарбия жараёнининг вазифалари – ижтимоий тарбия мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида айтилган вақтда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган жараёнда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда:

а) ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларда кенг дунёқарашни таркиб топтириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашиш, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

б) ўқувчи-талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлардан огоҳ этиш, чуқур билимга, тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш, малакаларни тобора бойитиш;

в) умуминсоний ахлоқ меъёрларини англашни (одамийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам, меҳр-муҳаббат, мурувват, адолатни ёқлаш, ахлоқсизликка қарши нафрат ва ҳ.к.), муомала одоби, юксак маданиятни ўқувчи-талабаларда қарор топтиришга эришиш;

г) ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат руҳида ёндашиш, ўқувчи-талабаларда фуқаролик туйғусини, ижтимоий бурчга масъулликни қарор топтириш;

д) тарбияни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни юзага келтириш борасидаги масъулиятни таркиб топтириш;

е) ватанпарварлик ва байналминаллик туйғусини шакллантириш, ўзга миллат ва халқлар қарашларига ҳурматни, ҳуқуқ ва бурчларни камситмаслик туйғусини қарор топтириш;

з) мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришга ўргатиш;

и) инсонни олий қадрият сифатида қадрлаш, унинг шаъни, орномуси, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилишга ўргатиш ва ҳақозолар.

Тарбия фаолиятининг мазмуни, йўналиши ва шакли объектив шароитлар билан қанчалик мутаносиб келса, ўқувчи-талабалар шахсини шакллантириш борасида шунчалик муваффақиятга эришилади. Бунда оила, таълим муассасалари, ўқувчи-талабалар ташкилотлари, маҳалла, кенг жамоатчилик, кинотеатр, телевидение, адабиёт ва санъат иштирок этади. Тарбия жараёнининг бундай ташкил этилиши ва бошқарилишида нафақат ўқитувчи фаолияти, балки ўқувчи-талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, ўй-фикрлари, ҳаётий қарашлари ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Тарбия жараёнининг бир хусусияти унинг узоқ муддат давом этишидир. Тарбия натижалари тез суратда яққол кўзга ташланмайди. Ўзида инсоний сифатларни намоён эта олган ўқувчи-

талабалар шахсини тарбиялаб воёга етказишда узоқ муддатли давр талаб этилади. Ўқувчи-талабалар шахсини муайян вақтнинг ўзида турли-туман қарашлари мавжуд шароитда ҳаракат қилиши тарбия жараёнини мураккаблаштиради. Таълим муассасаларидаги тарбия жараёни ўқувчи-талабаларнинг онгини, дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Чунки ёшлик йилларида инсонда одоб тизими юқори даражада таъсирчан ҳамда беқарор бўлади. Шу боис тарбия муваффақияти айна ўқувчи-талабалик йилларида шахсга тўғри тарбия беришни талаб этади. Демак, тарбия шахснинг бутун умр бўйи давом этади.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти – бу унинг яхлит тарзда тизимли ташкил этилишидир. Яхлитлик шундан иборатки, тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, вазифалари ва методларининг бирлиги шахсни шакллантириш ғоясини амалга ошириш учун хизмат қилади. Бизга маълумки, шахс сифатлари навбатма-навбат эмас, балки яхлит тарзда ўзлаштирила борилади, шу боис педагогик таъсир ҳам яхлитлик, тизимлилик тавсифига эга бўлиши лозим.

Тарбия жараёнининг яхлитлик, тизимлилик хусусияти бир қатор муҳим педагогик талабларга амал қилиши, ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар ўртасидаги ҳамкорликни эҳтиёткорлик билан қарор топтиришни талаб этади.

Икки томонлама алоқа икки йўналишда, яъни ўқитувчининг ўқувчи-талабаларга нисбатан кўрсатадиган таъсири (тўғри алоқа) ҳамда ўқувчи-талабаларнинг ўқитувчига нисбатан муносабати (тесқари алоқа) тарзида ташкил этилади.

Тарбиянинг педагогик технологияси назарияси ғоясига мувофиқ, эндиликда ўқувчи-талабалар тарбия жараёнининг объекти бўлиб қолмасдан, балки субъекти сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг ички имкониятларини, уларга нисбатан бўлаётган ташқи таъсирларни, ахборот манбаларини инобатга олиши зарур. Агарда мазкур талаб унутилса, ўқувчи-талабалар шахсини тарбиялаш қийинлашади ёки барча уринишлар самарасиз яқун топади. **Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти** – тарбияда қарама-қаршилиқларнинг ғоят кўплиги келиб чиқади. Ушбу қарама-қаршилиқлар ўқувчи-талабаларда ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган дастлабки сифатлар билан ўқитувчи томонидан тарқиб топтириладиган сифатлар ўртасида ёки ўқувчи-талабаларга қўйиладиган талаблар билан уларни бажариш

имкониятлари ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқиши учун замин яратади.

Бундан ташқари бу қарама-қаршиликлар кўпинча ўқувчи-талабаларнинг онги билан ҳулки бир-бирига мувофиқ бўлмаслигидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўқувчи-талабаларнинг алоҳида ёш хусусиятларини (фёъл-атвори, характери, қизиқишлари, жисмоний, рухий ҳамда физиологик соғломлигини) яхши билмасликлари оқибатида келиб чиқади.

Умуман, тарбия жараёни ўзида куйидаги ўзига хос хусусиятларни мужассам этади:

12-шакл



Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидаги умумий хулосани чиқариш мумкин:

– биринчидан, тарбия – ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва ҳуқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёни бўлиб, ҳар қандай ижтимоий тузум ва замонда ижтимоий муносабатлар мазмунини аниқлаш, уларни ташкил этиш асосий бўлиб келган;

– иккинчидан, ёш авлод тарбияси турли макон ва замонда муайян мақсад асосида ташкил этилади. Ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш жараёнида қатор вазифалар ҳал этилади. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари ижтимоий тузум моҳияти, тараққиёт даражаси, ижтимоий муносабатлар мазмуни, шунингдек, жамият фуқароларининг дунёқараши, интилишлари, орзу-ниятлари асосида белгиланади;

– учинчидан, тарбия жараёнининг хусусиятларини чуқур англаш ва уларни инобатга олган ҳолда тарбияни ташкил этиш қўзланган мақсад ва вазифаларнинг асосий омилларида:з бири ҳисобланади.

6.4. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ, ҚОЙДАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ (ПРИНЦИПЛАРИ)

Тарбия жараёнини илмий асосланган тарзда олиб бориш унинг қонуниятларини чуқур ўрганишни талаб қилади. Бу қонуниятлар воқеаларнинг муайян ривожланиши учун шароит яратувчи сабаб ва оқибат ўртасидаги муҳим, зарур ички алоқаларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Тарбия жараёнининг асосини ижтимоий ҳаётнинг объектив талаблари инсоннинг ижтимоий моҳиятини ва табиатини акс эттирувчи қонуниятлар ташкил этади.

Табиат ёки жамиятдаги ҳар қандай мураккаб ҳодисада объектив равишда мавжуд бўладиган барқарор алоқалар қузатилади. Бундай алоқалар қонуният деб аталади. Бундай қонуниятга тарбия жараёнида ҳам амал қилинади. Тарбия қонуниятлари моҳияти бир томондан, ижтимоий ҳодиса сифатида тарбиянинг узига хос хусусиятлари, иккинчи томондан, шахснинг ривожланиши билан боғлиқдир.

Тарбиянинг биринчи ва энг муҳим қонуниятининг унинг ижтимоий муҳитнинг объектив ва субъектив омилларига боғлиқлигидир.

Ижтимоий тарбия мазмуни моддий ишлаб чиқариш усули, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, сиёсий тузум ҳамда миллий мафкура гоёлари асосида қарор топади. Ижтимоий жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ғоявий асосларини ташкил қиладиган ҳамда тарбиянинг мазмуни ва унинг олиб борилишига кучли таъсир кўрсатадиган ижтимоий жараёнлар тарбиянинг субъектив омиллари сирасига (таълим-тарбия муассасалари, жамоат ташкилотлари, ўқитувчилар, тарбиячилар, оила муҳити, жамоатчилик дунёқараши, мафкура гоёлари, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга оид фаолият кабилар) киради. Демократик тамойиллар ҳамда қонун устуворлиги таъминланган шароитда тарбиявий жараённинг ижтимоий муҳит билан ўргатиладиган алоқалари шахс шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.


Тарбиянинг иккинчи муҳим қонуниятининг унинг шахс ривожланиши билан бирлиги, ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигидир.

Шахс ривожланиши тарбиянинг ғоявий мазмуни ва сифат даражасига боғлиқдир. Айни чоғда тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари шахснинг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Тарбия жараёни психология фани асосларини, шахснинг психологик ва физиологик ривожланиш қонуниятларини билишни талаб қиладди. Тарбиячи (ўқитувчи) тарбияланувчи (ўқувчи-талаба)лар шахсини ҳар томонлама ўрганиши ва шу асосида унга тўғри психологик тавсиф бериши ҳамда таъсир кўрсатиши лозим. Тарбияланувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва имкониятлари ҳисобга олинмас экан, уларга ҳар қандай тарбиявий таъсир бир томонлама ёки тасодифий бўлиб қолади. Шунингдек, улар бошқа тарбиявий таъсирларга мос бўлмай қолади.

Тарбиянинг учинчи қонуниятининг фаолият ва муносабат бирлигини эътироф этиш, шахснинг ижтимоий ижобий фазилатларини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиладди. Тарбияланувчиларнинг фаолияти жамият учун қанчалик фойдали, мақсадга мувофиқ ташкил этилса, шахс ва жамият ўртасидаги муносабат оқилона бўлса, тарбия жараёни шунчалик самарали бўлади.

Субъект (шахс) – объект (ижтимоий борлиқ) ижтимоий муносабатлари тўғри ташкил этиладиган алоқа жараёни шахс фаолияти мазмуни ва йўналишини ҳам белгилаши мумкин. Ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида шахсда борлиқни ҳис этиш, ўз-ўзини англаш, алоқа, аралашув ва мулоқотни ташкил этиш эҳтиёжини юзага келтиради. Эҳтиёжни қондириш йўлидаги дастлабки уриниш ижтимоий муносабатлар мазмунини ўрганиш ва ўзлаштириш саналади. Ижтимоий муносабатлар моҳиятини англаш эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолият жараёнида ижтимоий билимларни ўзлаштиришга нисбатан қизиқиш ҳосил бўлади. Қизиқиш ўз навбатида шахсда муайян ҳаётий мақсадни қарор топишига олиб келади. Мақсад асосида шахс нафақат ижтимоий билимларни эгаллашга интилиши, балки ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш лаёқатини ҳам намоён эта бориши мақсадга мувофиқдир. Мақсад мазмунини ифода этувчи зоялар амалий ҳаракатларини ташкил этиш борасидаги рағбатларни юзага келиши учун замин ҳозирлайди. Рағбатлар ўзида қуйидаги хусусиятларни акс эттиради: **фуқаролик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмий англаш, ахлоқийлик, иқтисодий, экологик, жисмоний, эстетик, ҳуқуқий ва ҳаказолар.**

Қайд этилган рағбатлар амалий ҳаракатнинг ташкил этилиши учун туртки беради. Ижтимоий муносабатлар жараёнида шахс фаолияти мазмунини таҳлил этиш, уларда ўз фаолиятларига нисбатан танқидий ёндашувни қарор топтириш, шунингдек, ўз фаолиятини бошқариш талаб этилади. Ўқувчи-талабалар шахсида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар жараёнида шахс фаолияти моҳиятини англаш эҳтиёжи ва инсоний сифатлар қуйидаги тизим асосида кечади:



Юқорида баён этилган фикрлардан англашиладики, шахснинг шаклланишига – унинг асосий муносабатларининг яхлит тизимида тарбиячи, ўқитувчи, ўқувчи-талабалар ва шахс билан бўладиган ўзаро таъсири жараёнида келиб чиқадиган тарбияловчи муносабатлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу муносабатлар доирасида ижтимоий тарбиянинг мақсадлари амалга оширилади.

Тарбиянинг тўртинчи қонунияти тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсирга эга эканликлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда фаол фаолиятлари ўртасидаги боғланишнинг мавжудлиги саналади.

Тарбиячи (ўқитувчи)ларнинг ва ўқувчи-талабалар жамоасининг тарбияланувчиларга педагогик таъсири, улар фаолияти ва муносабатларини тизимли ҳамда режали тарзда мақсадга мувофиқ ташкил қилишни назарда тутати. Тарбия жараёнида тарбиячи (ўқитувчи) ва тарбияланувчи (ўқувчи-талаба)ларнинг ижтимоий роли бир хил эмас. Тарбиячи учун тарбияланувчи ҳар вақт тарбиявий объект ҳисобланади. Бироқ, тарбияланувчи тарбиячи билан онгли равишда ўзаро муносабатда бўлишга эришса, тарбиявий муносабатлар фаол характер касб этади.

Ривожланувчи (шахсни ривожлантириш), тарбияловчи (тарбия мақсадларини амалга ошириш) ва ташкилотчилик (фаолият ва муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш) вазифалари тарбия жараёнида (тарбияланувчиларнинг) асосий вазифалари саналади.

Тарбияловчига кўрсатиладиган таъсирлар муайян шахсларга турлича таъсир кўрсатади. Шу боис, тарбиячи ҳар бир тарбияланувчининг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб, таъсир кўрсатишнинг алоҳида йўлларини қидириб топиши лозим. Тарбиядаги муваффақият, аксарият ҳолларда педагогнинг ўз ўқувчи-талабаларининг тарбияланганлик даражасини, яъни уларнинг онглилиги, ахлоқий сифатларига эгаллиги, одиллиги, қатъиятлилиги ва бошқаларни билишига боғлиқ. Демак, тарбия жараёнининг қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

**ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

Тарбиянинг, ижтимоий муҳитнинг объектив омилларга
боғлиқлиги

Тарбиянинг шахс тараққиёти (ривожланиши) билан
бирлиги ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги


Фаолият ва муносабат бирлигининг ижтимоий ижобий
фазилатларини шакллантириш негизи ва асосий
манбаи эканлиги

Тарбияланувчининг ўзаро тарбиявий таъсирига эга
эканликлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда
фаол фаолиятлари ўртасидаги боғлиқлиги

Тарбия жараёнининг қонуниятлари билан бирга ўқувчи-талабалар тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим қондалари бўлиб, улар қуйидагилар:

- тарбиянинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбияда инсонпарварлик ва демократия;
- тарбияни ҳаётини фаолият билан боғлиқ ҳодиса деб билиш;
- тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги;
- ўқувчи-талабалар шахсини жамоада тарбиялашга оид ўрни;
- тарбияланувчи шахсига нисбатан талабчан бўлиш ва унинг шахсини ҳурмат қилиш;
- тарбияланувчи (ўқувчи-талаба)ларнинг тарбия жараёнида ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва мунтазам олиб борилишига эътибор.

15-шакл




- Тарбиянинг жамият эҳтиёжига боғлиқлиги қонунияти
- Тарбияда мақсад – метод – шакл бирлиги қонунияти
- Таълим–тарбия ривожланишининг бирлиги қонунияти
- Тарбияни фаолиятда мавжудлиги қонунияти
- Тарбияланувчининг фаоллиги қонунияти
- Тарбия ва мулоқот бирлиги қонунияти
- Тарбиянинг жамоада шакллантириш
- Тарбияни ёш индивидуал хусусиятларга боғлиқлиги қонунияти

Тарбия жараёнининг муваффақияти уни ташкил этишда қандай тамойил- (принцип)ларга амал қилинаётганлигига боғлиқ.

Тарбия тамойил (принцип)лари деб ёш авлодни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқадиган ва баркамол авлодни тарбиялашнинг мазмуни ва йўналишига қўйиладиган энг муҳим талабларни белгилаб берувчи асосий ғоя ва қоидалар йиғиндисига айтилади.

Тарбия тамойил (принцип)лари ўқитувчи ва тарбияланувчиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар бўлиб, ёш авлодни тарбиялаш, баркамол инсонни шакллантириш вазифаларига мувофиқ белгиланади, шунингдек, улар шахс тарбияси борасидаги илғор таълимотлар ғояларига ҳамда педагогика фанида эришилган ютуқларга асосланади.

16-шакл



- Тарбия жараёнини мақсадга йўналтирилганлик принципи
- Тарбияланувчини индивидуал ёш хусусиятларни инобатга олиш принципи
- Тарбияланувчининг мустақиллигини таъминлаш принципи
- Тарбия жамоада ва жамоа ташкил этиш принципи
- Тарбияланувчилигининг ижодий томонларига таяниш принципи

Тарбия тамойил (принцип)лари тарбия жараёни қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнда илғор тамойилларга амал қилиниши тарбия самарасини таъминлайди. Тарбия жараёнининг тамойил (принцип)лари қуйидагилардан иборат:

17-шакл



1. Тарбиянинг мақсадга йўналтирилганлиги ва ғоявийлиги;
2. Тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуңлиги;
3. Тарбияда миллий, умумбашарий қадриятларнинг устуңлиги;
4. Тарбияда изчиллик ва тизимлилик;

5. Тарбиянинг ижтимоий ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги;
6. Тарбияланувчи шахсини хурмат қилиш;
7. Тарбияда ўқувчи-талабаларнинг ёш ва алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш;
8. Жамоа ва жамоа ёрдамида тарбиялаш;
9. Тарбияда тарбияланувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб, салбий томонларни йўқотиш.

1. Тарбиянинг мақсадга йўналтирилганлиги ва гоёвийлиги – ўқитувчи ижтимоий тарбия мақсади ва вазифасини аниқ тасаввур этиши ҳамда пухта англаб олиши зарур.

Ёш авлодни юксак гоёвийлик руҳида тарбиялаш – уларнинг онгига халқ, миллат, юрт, жамият манфаатларидан юқорирок манфаат бўлиши мумкин эмаслигини сингдириш, уларни ватанга, халққа муҳаббат руҳида ва садоқатли қилиб тарбиялаш демакдир. Бу соҳада мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ходимларининг асосий вазифаси эркин, ижодкор, мустақил фикрлаш қобилиятига эга, етук мутахассис комил шахсни тарбиялашдан иборатдир. Таълим муассасаларида ва улардан ташқарида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг барчаси ижтимоий тарбиянинг мақсадини руёбга чиқаришга йўналтирилиши зарур.

Ўқитувчи (тарбиячи)лар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи тарбиянинг мақсади ҳар томонлама камол топган мукамал инсон шахсини тарбиялашдан иборат бўлиши лозим. Ана шунда мазкур тамойил ўз вазифасини бажарган бўлади.

2. Тарбияда демократик ва инсонпарварлик гоёларининг устунлиги – тарбияда инсон шахсини ижтимоий қадрият деб тан олиш ҳар бир бола, ўсмир ва ўспириннинг бетакрор ва ўзига хослигини хурматлаш, унинг ижтимоий хулқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим. Тарбияни демократиялаш бу – тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишларидан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларга аввалгидек тарбия объекти эмас, балки ўзи каби субъект деб қараши даркор. Яъни ўқувчи-талабаларга тенг ҳуқуқли ҳамкор, ҳамфикр деб қараши лозим.

Умуман, таълим ва тарбияни инсонпарварлаштиришнинг диққат марказида инсоннинг муҳим масаласи ва муддаоси, яъни ўқувчи-талабаларда инсон шахсига дунёдаги энг юқори, бебаҳо бойлик сифатидаги муносабатини шакллантиришдек фаолият ётади.

3. Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар устунлиги – халқнинг кўп асрлик қадриятларини, улкан ва бой меросини чуқур билмасдан миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас. Шу боис, халқ анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, халқ оғзаки ижоди, миллий ўйинлар ва уларда ифодаланган ғояларни ўқувчи-талабалар онига сингдириш, уларда ушбу ғояга нисбатан хурматни қарор топтириш лозим.

Умумбашарият учун қадрли, ардокли бўлган, инсоният ўтмиши, бугуни ҳамда келажаги учун даҳлдор кадр-қимматга эга бўлган анъаналар, урф-одатлар ҳақида маълумотлар бериш, ўқувчи-талабаларда меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотиш, уларни қўллаб-қувватлаш, эзгу ғоялар учун курашиш ҳиссини қарор топтириш тарбия жараёнида амалга оширилиши лозим.

4. Тарбияда изчиллик ва тизимлилик – тарбияга яхлит тизимли ёндошиш педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бундай педагогик мақсад ва вазифалар, уларнинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашувчилари томонидан тан олиниши шарт.

Тарбияда изчиллик жуда муҳимдир. Ўқувчи-талабаларга бирданига кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Ўқитувчилар ўқувчи-талабаларга бўлган муносабат жараёнида ўзаро бир-бирига зид ҳаракатда бўлмасликлари, ягона талаб қўйишлари лозим.

5. Тарбияни ижтимоий ҳаёт ва меҳнат билан қўшиб олиб бориш. Тарбияда ижтимоий ҳаёт тажрибаси ва меҳнатнинг тарбиявий таъсири ғоят каттадир. Меҳнатда иштирок этиш ва унумли меҳнат қилиш билан шахс ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қилади ва камолга етади. Меҳнат ёш авлоднинг тарбияси учун жуда катта воситадир. Ўқув меҳнати ва ижтимоий фойдали меҳнат ўқувчи-талабалар шахсига ижобий таъсир этади, бу икки фаолият бирлиги шахсни фаоллаштиради, ҳуққ бирлигини тامينлайди, ташаббускор ва изланувчан қилади. Меҳнат ўқувчи-талабаларга сиёсий-маънавий тарбия бериш учун замин

ҳозирлайди. Шунинг учун оила ва таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ёшлигидан бошлаб меҳнатсеварлик руҳида, меҳнатга муҳаббат ва меҳнат кишиларига ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади.

6. Тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш – ўқувчи-талабаларни ижтимоий тарбиялашнинг муҳим тамойилларидан бири уларнинг шахсини ҳурмат қилишдир. Бу тамойил инсонпарварлик муносабатидан келиб чиқади. Ўқувчи-талабалар шахсини ҳурмат қилиш, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва ишониш шарт. Тажрибаларнинг кўрсатишича, қаердаки ўқувчи-талабаларга ҳурмат, муҳаббат, ишонч бўлса, шу ерда тарбиянинг таъсири самарали бўлади. Ўқувчи-талабалар шахсига ҳурмат ва муҳаббат улар кучига-куч кўшади, ўқитувчига нисбатан ҳурматни уйғотади.

7. Тарбияда ўқувчи-талабаларнинг ёш ва алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш – тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари ўқувчи-талабаларнинг ёш ва савиясига қараб турли синфларда ва гуруҳларда турлича бўлади. Ўқувчи-талабалар таълим муассасаларида ривожланишининг турли даврларини болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик босқичларини босиб ўтадилар. Шу даврлар ичида ўқувчи-талабаларнинг ахлоқий турғунлиги ривожланади, ҳулқи ва онги ўртасидаги уйғунлик вужудга келади. Тарбия беришда ҳар бир ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Ўқувчи-талабаларнинг жисмоний ва маънавий ўсишида бир қадар умумийлик бор, бироқ уларнинг тавсиф-ҳислатлари, қобилият ва майллари, қизиқишлари, иродавий сифатлари ҳар хил бўлади. Бу фарқлар уларнинг ҳулқида, ўқиши ва меҳнатида акс этади. Бир ўқувчи-талабага нисбатан фойдали методни бошқа ўқувчи-талабага нисбатан қўллаганда натижасиз бўлиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ўқувчи-талабани ўзига хос хусусиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

8. Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш – тарбия жараёни ўқувчи-талабаларнинг жамоа бўлиб бирлашишлари, уларда манфаатдорлик бирлиги, ўзаро ёрдам туйғусини ўстиришга хизмат қилиши лозим. Туйғу ташкил этилган жамоа аъзоларининг қобилият ва истеъдодини ривожлантириш учун кенг йўл очади. Жамоада ҳар бир ўқувчи-талаба ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятга эга бўлади. Ўқувчи-талабалар аҳил жамоа бўлиб уюшганларидагина тарбиявий ишларини амалга ошириш анча энгил ва муваффақиятли бўлади, ҳар бир шахсга таъсир этади. Ўз

манфаатини жамият манфааати билан қўшиб олиб бориш, ўзаро ёрдам каби фазилатлар, аввало, жамоада шаклланади. Ўқитувчи ҳамма вақт ўқувчи-талабалар жамоасига таянмоғи, уларни жамоа бўлиб турли ишларни бажаришга одатлантириб, жамоада яшаш ва ишлашга ўргатиб бориши лозим.

Шундай қилиб тарбияда тарбияланувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб, салбий ҳислатларини йўқотиш учун маҳоратли педагоглар ўз ўқувчи-талабаларининг шахсий фазилатларини яхши билишлари лозим. *Тарбия мақсадини амалга ошириш учун ўқувчи-талабалар хулқидаги ижобий сифатларга суяниб иш кўрадилар. Ўқувчи-талабалардаги ижобий сифатларга таяниш унинг салбий сифатларини йўқотиш, ёмон одатлардан қайтаришнинг энг яхши воситасидир. Тарбия муваффақияти мазкур масаланинг тўғри ҳал этилишига ва ўқитувчи (тарбиячи) томонидан қўлланиладиган методларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.*

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Тарбия – ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етиши учун ижтимоий онг ва хулқ-атвори таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият бўлиб, инсоннинг жамиятда муайян сифатларини (жисмоний, маънавий, руҳий, ақлий) таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Тарбия жараёни – ҳар бир инсоннинг ҳаёт учун яшаши жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятини ўзида шакллантириш ҳамда ўзгаларга бериш жараёнидир.

Тарбия мақсадининг аниқлиги – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг ғояларини эътиборга олган ҳолда эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлган баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий восита бу шахсда умумий маданиятни таркиб топтириш, яъни, шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, мафкуравий ҳамда меҳнат маданиятини шакллантириш каби тарбиянинг бош мақсадини амалга ошириш имкониятини яратишдир.

Тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устувлиги – тарбияда инсон шахсини ижтимоий қадрият деб тан

олиниши, ҳар бир ўқувчи-талабанинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳулки ва эркинлигини ҳисобга олишдир.

Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар устувлиги– халқнинг кўп асрлик қадриятларини ва улкан ҳамда бой меросини чуқур билиш, миллий ўзликни англаш, миллат ғурур туйғусини қарор топтиришларга қаратилган фаолиятдаги асос. Бунда халқ анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, халқ оғзаки ижоди, миллий ўйинлар ва уларда ифодаланган ғояларни таълим олувчилар онгига сингдириш, уларда ушбу ғояга нисбатан ҳурматини қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Тарбия қонуниятлари – табиат ёки миллатдаги ҳар қандай мураккаб ҳодиса объектив равишда мавжуд бўладиган барқарор алоқалар тизимидир.

Тарбия вазифаси – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ҳамда эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўқитувчининг ўқувчи-талабалар билан аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлигини қандай методлардан фойдаланишга боғлиқлиги.

Тарбияланганлик – миллий урф-одатларга, қадриятларга эътиқод билан риоя қиладиган, ноқонуний ишлардан ўзини тия оладиган, ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзгалар нафратини кўзгамайдиган ҳулқ-атвордир.

Тарбия тамойиллари – ёш авлодни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқадиган ва комил инсонни тарбиялашнинг мазмуни, методлари ва йўналишига қўйиладиган энг муҳим талабларни белгилаб берувчи асосий ғоя ва қоидалар йиғиндиси.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тарбия деганда нимани тушунасиз?
2. Тарбиянинг мақсади нимадан иборат?
3. Тарбия туғрисида таниқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний нима деган?
4. Тарбиявий ишларни демократлаштириш деганда нимани тушунасиз?
5. Тарбиявий ишларни инсонпарварлаштириш нимадан иборат?
6. Олий ўқув юртларида маънавий-маърифий ишлар қандай ташкил этилади?

7. Баркамол инсон ўзида қандай хусусиятларни мужассам қилади?
8. Тарбия жараёнининг асосий қонуниятларини айтиб беринг.
9. Тарбия жараёнининг тамойиллари деганда нимани тушунасиз?
10. Тарбия тамойиллари қандай қисмлардан ташкил топган?
11. Тарбия жараёнида изчиллик ва тизимлилик деганда нимани тушунасиз?
12. Тарбия жараёнининг ташкилий тузилмасини тушунтириб беринг.
13. Комил инсон тарбияси деганда нимани тушунасиз?
14. Тарбиянинг асосий вазифаси нимадан иборат?
15. Замонавий тарбия деганда нима назарда тутилади?
16. Тарбия жараёнига таъсир этадиган ички ва ташқи омилларни изоҳланг.
17. Тарбия ва таълимнинг ўзаро муштараклигини тушунтириб беринг.
18. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
19. Шахснинг тарбияланганлик даражасини тушунтириб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Шахс тарбия объекти ва субъекти сифатида ҳамда шахсни шакллантирувчи омиллар.
2. Баркамол шахс тарбиясининг маънавий-маърифий асослари.
3. Тарбиянинг мақсади ва вазифалари.
4. Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни.
5. Тарбия жараёнининг қонуниятлари ва қоидалари.
6. Тарбия тамойиллари.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. “Ал ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган фикр қайси атоқли ўзбек педагог олимга тегишли?
 - а) Алишер Навоий;
 - б) Маҳмуд Қошғарий;

- с) Юсуф Хос Хожиб;
- д) Абдулла Авлоний;
- е) Маҳмудхужа Беҳбудий.

2. Тарбия деганда нимани тушунасиз?

- а) ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етиши учун ижтимоий онг ва ҳуққ-атворини таркиб топтиришга йўналтирилган фаолиятдир;
- б) инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган кадрятдир;
- с) дунёқараш, эътиқод, эзгулик, гўзаллик, яхшилик, одатлилик ва кўникмаларнинг шахс сифатига айлантирилиши тарбия ёрдамида амалга оширилади;
- д) шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён;
- е) барча жавоблар тўғри.

3. Тарбия жараёнининг моҳияти деганда нимани тушунасиз?

- а) тарбия жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради;
- б) тарбия жараёнининг моҳияти тарбияга ҳар томонлама ёндошишдан иборат;
- с) тарбия жараёнининг моҳияти шахснинг ижтимоий фазилатларини шакллантиришга қаратилган;
- д) тарбия жараёнининг моҳияти ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат;
- е) барча жавоблар тўғри.

4. Замонавий тарбия мазмунида қандай ғоялар ётади?

- а) тарбия мақсадининг аниқлиги ва тарбиянинг йўналтирилганлиги;
- б) ёшлар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти;
- с) инсоннинг ҳаётида ўз-ўзини англаши;
- д) тарбияланувчиларнинг ихтиёрийлиги ва тарбиявий ишларда жамoa йўналишини устуворлиги;
- е) барча жавоблар тўғри.

5. Тарбиянинг мақсади нимадан иборат?

а) мустақиллик маънавиятини тарбиялаш;

б) тарихий-маданий бойликларнинг асосий томонларини ўрганиш;

с) миллий маданиятимиз ривожини, тараққиёт қонунлари, буюк сиймолар меросини ўзлаштириш;

д) ривожланган мамлакатлар маданияти ютуқларини ўрганиш, алломаларимизнинг қомил инсон ҳақидаги таълимотларидан фойдаланиш;

е) барча жавоблар тўғри.

6. Тарбия жараёни ўзида қандай хусусиятларни мужассам қилади?

а) аниқ мақсадга йўналтирилган жараён;

б) кўп қиррали жараён;

с) узоқ муддатли ва яхлит тизимлилик жараёни;

д) икки томонлама алоқа ва қарама-қаршиликлардан иборат жараён;

е) барча жавоблар тўғри.

7. Тарбия жараёнининг таркибий қисмлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) ақлий ва ахлокий тарбия;

б) жисмоний ва эстетик (нафосат) тарбия;

с) экологик ва иқтисодий тарбия;

д) ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий тарбия;

е) барча жавоблар тўғри.

8. Тарбия қонуниятлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) тарбиянинг, ижтимоий муҳитнинг объектив ва субъектив омилларга боғлиқлиги;

б) тарбиянинг шахс тараққиёти (ривожланиши) билан бирлиги ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги;

с) фаолият ва муносабат бирлигининг ижтимоий ижобий фазилатларини шакллантириш негизи ва асосий манбаи эканлиги;

д) тарбияланувчининг ўзаро тарбиявий таъсирига эга эканликлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда фаол фаолиятлари ўртасидаги боғланиш;

е) барча жавоблар тўғри.

9. Тарбия жараёнининг муҳим қондалари қайси қаторда тўғри курсатилган?

а) тарбияда инсонпарварлик ва демократия ҳамда тарбиянинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги ;

б) тарбиянинг ҳаётий фаолият билан боғлиқлиги, тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги;

с) шахсни жамоада тарбиялашнинг ўрни ва тарбияланувчи шахсига нисбатан талабчан бўлиш ҳамда унинг шахсини ҳурмат қилиш;

д) тарбия жараёнида тарбияланувчининг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва мунтазамлигига эътибор бериш;

е) барча жавоблар тўғри.

10. Тарбия тамойиллари қайси қаторда тўғри курсатилган?

а) тарбиянинг мақсадга йўналтирилганлиги ва ғоявийлиги ҳамда тарбияда инсонпарварлик демократик ғояларнинг устуворлиги;

б) тарбияда миллий, умумбашарий қадриятларнинг устунлиги, изчиллик ва тизимлилик;

с) тарбиянинг ижтимоий ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги ҳамда тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш;

д) тарбия жараёнида ҳар бир шахснинг ёши ва алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш, шахсни жамоа ёрдамида тарбиялаш ва ҳоказолар;

е) барча жавоблар тўғри.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Тарбия деганда нимани тушунасиз?

№	ТАРБИЯ	Тушунча

2. Тарбия жараёнининг моҳиятини тушунтириб беринг.

№	ТЖМ	Тушунча

3. Тарбия жараёнининг мазмуни деганда нимани тушунасиш?

№	ТЖМ	Тушунча

4. Тарбиянинг мақсади ва вазифалари нимадан иборат?

№	ТМ ва В	Тушунча

5. Тарбия жараёнининг узига хос хусусиятлари нимадан иборат?

№	ТЖУХХ	Тушунча

6. Тарбия жараёнининг асосий қонуниятларини тушунтириб беринг.

№	ТЖАҚ	Тушунча

7. Тарбия жараёнининг тамойилларини тушунтириб беринг.

№	ТЖТ	Тушунча

8. Тарбия жараёнига таъсир этадиган ички ва ташқи омилларни изоҳланг.

№	ТЖТЭИ ва ТО	Изоҳ

9. Тарбия жараёнининг асосий қондаларини тушунтириб беринг.

№	ТЖАҚ	Тушунча

10. Тарбияда изчиллик ва тизимлилик деганда нимани тушунасиз?

№	ТИ ва Т	Тушунча

VII Боб. ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ МЕТОДЛАРИ

7.1. ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Тарбия методлари деганда шахсни ҳар томонлама шакллантириш мақсадида, шахснинг онги, ҳис-туйғуси, иродаси ва муносабатлар тизимига таъсир кўрсатиш тушунилади.

Тарбия методлари турли элат, миллат ва давлатларда турли-туманлиги билан фарқ қилади. Европада тарбия методларининг бир тизими қабул қилинган бўлса, Марказий Осиёда бошқа тизим амалда қўлланилади. *Европа мамлакатлари учун “Очиқ тарбия” кўпроқ қўл келади. Яъни бола нима хоҳласа шуни қилиши, катта-кичик олдида нимани хоҳласа шуни гапириши, хоҳ узидан каттани, хоҳ ота-онасини хоҳлаган жойида танқид қилиши мумкин.*

Марказий Осиё мамлакатларида, хусусан, *Ўзбекистонда кўпроқ патерналистик тарбия элементлари қўлланилади. Бундай тарбия тизимининг ўзига хослиги умуминсоний қадриятларини шакллантириш билан бирга узидан каттага алоҳида ҳурмат, катталар гапига қулоқ осишлик, раҳбариятнинг фикрини ва вазифасини сўзсиз бажариш, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ётади.*¹

Маълумки, аجدодларимиз давр синовидан ўтган ажойиб инсоний фазилатлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситаларини яратганлар, шу асосда ёшлармизни ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб берадиган кишилар қилиб тарбиялаб келганлар. Ёш авлодда инсоний ҳис-туйғуларни тарбиялашнинг асоси – кишиларга меҳр-муҳаббат қўйиш, иззат-ҳурмат билан муомала қилиш, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кадрлаш, кишилар олдидаги ўз бурчини англаш, одамларга нисбатан самимий, ҳалол, ростгўй бўлиш каби одоб ва ахлоқ қоидаларини ўз ичига олади.

Ўзбек халқ педагогикасининг муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятларидан яна бири халқ оғзаки ижоди материалларида халқ педагогикасида қўлланиладиган тарбия йўллари, усули ва воситаларининг ёритилишидир. Меҳнаткаш халқ оммаси, юқорида

¹ Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. Дарслик. – Т. “Ўқитувчи”, 1997, 176-бет.

қайд қилиб утилганидек, узоқ даврлар давомида вужудга келган тарбия усуллари ва воситаларидан фойдаланган. *Чунончи, тушунтириш, одатлантириш (урғатиш ва машқ қилдириш), болаларнинг кундалик ҳаёт тартиби, ибрат кўрсатиш, маслаҳат бериш, ўғит-насихат, ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, макташ, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш, таъқиқ қилиш, ман этиш, таъна, гина қилиш, қоралаш. Аллоҳдан кўрқишга ундаш, танбеҳ бериш, узр сўраш, мажбур қилиш, масхара-мазах қилиш, захархандалик, айблаш, уялтириш, койиш, қарғаш, кўрқитиш, нафрат билдириш, айбига иқфор қилдириш, онт-қасам ичириш, лаънатлаш, сўқиш, уриш-калтаклаш; жамоа ҳукмига ҳавола қилиш каби усуллар тарбияда қўл келганлиги таъкидланади.*

Тарбия жараёни мураккаб бўлиб, ўқувчи-талабалар ҳулқидаги ижобий фазилатларни таркиб топтириб бориш билан бирга, салбий ҳислатларни ва одатларни йўқотиб боришни тақазо этади. Маҳоратли ўқитувчи-педагоглар ўқувчи-талабалардаги бу фазилатларни ҳисобга олиб, тарбиялашда турли хил усул ва воситалардан фойдаланади. Тарбия жараёнини муваффақиятли амалга оширишда ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячилар томонидан қўлланиладиган методлар муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия методлари – ўқитувчи-педагогларнинг ўқувчи-талабаларга таъсир кўрсатиш усуллари, воситалари, тарбияланувчиларга баркамол шахс ҳислатларини сингдириш мақсадида тарбия жараёнини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этиш йўллари дир. Айни вақтда тарбия мазмунини кўп қирралилиги туфайли тарбия методлари ҳам хилма-хил бўлиб, улардан қайси бирини танлаш тарбиянинг қайси жиҳатлари олиб борилаётганлигига боғлиқ. Албатта, тарбия жараёнининг қандайдир босқичида метод баъзан ажратиб олинган ҳолда алоҳида қўлланилиши мумкин. Бирон-бир тарбия методидан фойдаланиш аниқ педагогик шароитга ҳамда ўқувчи-талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларига ҳам боғлиқ.

Тарбия методлари ўқувчи-талабалар шахсини ҳар томонлама камол топтириш мақсади билан белгиланади ва тарбия жараёнига тааллуқли кўпгина тарбиявий таъсирларни ўз ичига олади. Тарбия методлари ижтимоий жамият томонидан таълим муассасалари олдида ҳар томонлама баркамол, эркин, ижодкор, мустақил

фикр эгаси бўлган шахсни тарбиялаш вазифалари билан белгиланади.

Бу борадаги вазифалар ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустақкамлаш, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фаолият олиб боровчи фаол ва баркамол шахс қилиб тарбиялаш, уларни бу курашга жалб эттириш орқали амалга оширилади. Ушбу ғояга таянган ҳолда, тарбия жараёнида унинг қонуниятларига мувофиқ тарбия методларидан фойдаланиб иш қўриш лозим бўлади.

Тарбия методлари бу ўқитувчи-педагоглар, тарбиячилар ва жамоа томонидан ғоявий ва маънавий эътиқодларини, маънавий ҳис-туйғу ва одатларни таркиб топтириш мақсадида қўлланиладиган шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари демакдир. Тарбия методлари ўқувчи-талаба (тарбияланувчи)ларнинг ўз шахсини такомиллаштириш борасидаги ҳаракатни ҳам ташкил этишни назарда тутди. Шу боис ҳозирги замон педагогикасида тарбия методлари ўқитувчи-педагоглар ва ўқувчи-талабаларнинг тарбиявий вазифаларини ҳал қилишга қаратилган ўзаро боғланган биргаликдаги фаолияти сифатида қараб чиқилади. Демак, тарбия икки томонлама жараён бўлиб ўқитувчи-педагоглар (тарбиячилар) фаолияти билан ўқувчи-талабаларнинг фаолиятини бирлаштиради.

Ўқувчи-талабаларнинг тарбиявий таъсирга фаол тайёр бўлишига эришиш учун буни муайян шароитга қўйиш, унинг фаол фаолиятини ташкил этиш лозим. У ёки бу тарбиявий вазифаларни ҳал этишнинг мувофиқ ташкил этилган методик йўллари тарбия воситалари деб юритилади. Ўқувчи-талабалар билан тарбиявий ишларда фойдаланиладиган телевидение, радио, китоблар, газета-журналлар ва ҳаказолар тарбияланувчи шахслар жалб қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари ҳисобланади.

Ўқитувчи-педагогларнинг жонли нутқи, шахсларнинг ўйинлари, жамоатчилик, ҳаваскорлик ва техник тўғарақлари тарбия воситаси вазифасини бажаради. Аммо тегишли тарбиявий жараённи ташкил этиш учун уларни албатта мураббий-педагог ишининг муайян тизимига киритиш керак. Тарбия натижасининг самарали бўлиши тарбиявий жараённи ташкил этиш тарбия методлари, воситалари ва шаклларидадан моҳирона фойдаланишга ва уларни қўшиб олиб боришга боғлиқдир. Зеро, тарбия методлари, воситалари ва шаклларидадан фойдаланишнинг мақсади ва мазмуни

баркамол шахс фазилатларини таркиб топтиришга қаратилган бўлади. Шунинг учун тарбияланувчиларнинг ривожланганлик даражасини ҳисобга олиш тарбия методларидан самарали фойдаланишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ўқувчи-талабалар у ёки бу тарбиявий таъсирга турлича муносабатда бўлади. Бу уларнинг алоҳида хусусиятларига, тарбияланганлик даражасига, тарбия методларининг қай даражада ўринли ва самарали танланганлигига ҳамда моҳирона қўлланганига боғлиқ. Тарбия методларини тўғри танлаш тарбия вазифаларини ижобий ҳал қилишда ўқувчи-талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш фаоллигини оширишга ёрдам беради. Масалан, ўқитувчи-педагоглар ўқувчи-талабалар билан ишлаш жараёнида ўқувчи-талабаларни меҳнат фаолиятига, ҳулқ-атвор қоидаларига ўргатишда, уларда кун тартиби аниқ бўлиши муҳимлигини, тарбияланувчиларга қатъий тартибга амал қилиши зарурлигини тушунтириш методидан фойдаланади. Тушунтириш билан бир қаторда дарс хонасига тўғри кириб келишга, уларни ўқитувчи-педагоглар ва ўқувчи-талабалар билан саломлашишга, тартиб-интизомни сақлашга машқ қилдириб боради. Шунинг билан биргаликда ўқувчи-талабаларни юқоридаги жараёнларга дарс вақтида одатлантириши лозим. Бу жараёнда уларнинг амалга оширган ижобий ишлари, ўқув иши натижалари рағбатлантириб боришни тақазо этади. Ўқувчи-талабалар топшириқларни тўғри бажарганда маъқуллаш, мақташ каби таъсир воситаларидан, топшириқларни бажармаганларга, бепарволик қилган, ишламаган ва уларни охирига етказмаганларга эса танбеҳ бериш методларини қўллай бошлайди.

Кўриниб турибдики, ўқитувчи-педагоглар ўқувчи-талабалар билан тарбия жараёнини олиб борганда турли хил усул ва методларни қўллайди. Тарбия методларининг хилма-хиллиги уларни турларга ажратиш, тасниф қилиш зарурлигини кўрсатади. Шунинг учун уларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиб гуруҳларга ажратиш мумкин (1-шакл). Тарбиявий натижаларга эришишни истаган ҳар бир ўқитувчи-педагог ва тарбиячи тарбия методлари ва уларнинг моҳиятини пухта ўзлаштириб олиши мақсадга мувофиқдир.

**ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
ХАРАКТЕРИГА КЎРА
ГУРУҲЛАРГА АЖРАТИШ**

Ижтимоий онгни
шакллантиришга
хизмат қилувчи
методлар

Одатлантириш ва
фаолиятда машқ
қилиш методлари

Тарбияда
рағбатлантириш ва
жазолаш методлари

Ҳикоя,
тушунтириш,
ўқитиш, маъруза,
ахлоқий (маънавий)
суҳбат ва баҳс

Педагогик талаб,
ўргатиш, машқ,
тарбияловчи
вазифалар,
мусобақа,
жамоатчилик
фикри, намуна
кўрсатиш

Рағбатлантириш:
маъқуллаш, қўнғил-
ни кўтариш, далда
бериш, ишонч билди-
риш, қайд қилиш,
огзаки ёки ёзма
ташақкур билдириш,
мукофотлаш;
жазолаш; танбех
бериш

Биринчи гуруҳ методларининг вазифаси ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий онгида ҳаёт, ахлоқ, меҳнат қилиш муносабатлари қоида ва меъёрлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш ва билим беришдан иборат. Тарбия жараёнида ушбу қоида ва меъёрлар ўқувчи-талабалар шахсининг эътиқоди, ишончи, ҳаётий қарашлари ва тажрибасига айланади. *Ушбу гуруҳга маънавий, ахлоқий, эстетик, мафкуравий, ҳуқуқий, жисмоний, экологик, иқтисодий ва ҳ.к. мазмундаги суҳбатлар ҳамда намуна кўрсатиш методларини қиритиш мумкин.*

Иккинчи гуруҳ методларининг ёрдамида ўқувчи-талабаларда маънавий мазмунга оид одатлар ҳосил қилинади. Ўқувчи-талабалар ҳулқида ижтимоий тарбиянинг мазмунига мувофиқ маънавий одатлар асосида, фаолият заминида таркиб топади.

Фаолият ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий муносабат ва ижтимоий ҳулқ-атвор тажрибаси билан бойитувчи муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Иккинчи гуруҳ методлари орасида *педагогик*

талаб методи аҳамиятлидир. Педагогик талаб турли вазифаларни бажарилиши, яъни ижтимоий хулқ-атвор меъерини ифодалаш, у ёки бу фаолиятда қатнашиб бажарилиши зарур бўлган аниқ бир вазифани амалга ошириш, у ёки бу ҳаракатни олиб боришга ундовчи бўлиши мумкин.

Талаблар бевосита ёки билвосита қўйилиши мумкин. Бевосита талаблар қатъий буйруқ ёки кўрсатма, ишчанлик, йўл-йўриқ берувчи тавсифдаги кўринишда бўлади. Билвосита талаблар кечинма, интилиш туйғусини уйғотиши кўзда тутилган ҳолда маслаҳат, илтимос, таъна қилиш, фаолиятига нисбатан қизиқиш уйғотиш тарзида намоён бўлади. Талаблар ўқувчи-талабаларда у ёки бу даража онг, асос, мақсад ҳамда эътиқод мавжудлигини назарда тутати. Аини вақтда ўқитувчи-педагоглар ўқувчи-талабаларга нисбатан қўйиладиган талабларнинг меъерида бўлишига қатъий аҳамият бериши лозим.

Ўқитувчи-педагоглар томонидан қўлланилаётган талаблар бора-бора жамоат талабига айланади. Жамоат талаби ижтимоий фикр тарзида намоён бўлади. Жамоа (жамоатчилик) фикри ўзида жамоанинг муайян фаолияти, воқеа-ҳодисага нисбатан бериладиган баҳона ёки муҳокама натижасини ифодалайди ва фаол таъсир кучи бўлиб қолади.

Фойдали фаолият ва махсус ташкил қилинадиган вазифалар жараёнида ижобий хулқ-атвор ва характерларга ўргатиб борилади.

Ўргатиш – бу ижтимоий хулқ-атворни одатий шаклга айлантириш мақсадида ўқувчи-талабалар томонидан режалар ва тизимли тарзда ташкил этиладиган турли ҳаракатлар, ташкил этиладиган амалий ишларга ундовчи фаолиятдир.

Ўргатиш ўқувчи-талабаларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг барча босқичларида самарали восита саналади. Фаолиятда машқлар меҳнат, ижтимоий фаолият, жамоа фаолияти ҳамда ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қаратилганлигидир. Машқ қилиш ўргатиш билан яқин алоқада бўлади. Агар ўргатиб бориш негизида ўқувчи-талабаларнинг фаолият жараёнини эгаллаши ётса, у ҳолда машқ қилиш фаолияти шахс учун алоҳида аҳамият касб этади. Машқларни ўргатиб боришга суянган ҳолда кўп бора такрорлашни, мустаҳкамлашни ва такомиллаштириб боришни назорат қилади, булар эса бора-бора ижтимоий хулқ-атворнинг асоси бўлиб қолади.

Тарбиявий амалиётда кўпинча махсус педагогик вазиятларни юзага келтириш зарурияти туғилади, бунда мустақил танлаш учун имкон бўлади. Педагогик вазиятларда ўқувчи-талабалар ўз фикри ва хулқ-атворини қайта ўзгартириши лозим бўлган шароит яратилади.

Иккинчи гуруҳ методлари орасида мусобақа ўқувчи-талабалар амалий фаолиятларини ташкил қилиш методлари самарадорлигини оширишнинг зарур ва муҳим сифати ҳисобланади. Мусобақа фаолиятининг барча соҳаларида ўқувчи-талабаларнинг фаоллиги ва ижодкорлигини ривожлантиришга, ўқувчи-талабалар жамоаси фаолиятини муайян мақсадга йўналтиришга кўмаклашади. Мусобақа тўғри ташкил қилинганда жамоа ҳисси муваффақиятли шаклланади, интизом ва ўқувчи-талабаларнинг уюшқоқлиги мустаҳкамланади.

Мусобақанинг алоҳида тури бўйича, шунингдек, тизимли тарзда ҳам уюштирилади: чунончи, энг яхши синф, энг яхши гуруҳ, энг яхши жамоа, энг яхши мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юрти ва ҳ.к.

Тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ўзлари ташаббус ва ғайрат кўрсатиши асосида мусобақани ташкил этишларига, унинг шarti ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишларига эришиш муҳимдир. Шунингдек, жамоанинг умумий муваффақияти, қабул қилинган мажбуриятнинг бажарилиши, мусобақа натижаларини стендларда акс этишини таъминлаш туғрисида ғамхўрлик қилиш зарур. Жамоат ҶФчилик фикри мусобақа фаолиятининг муҳим асоси бўлиб қолиши лозим.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ методларини ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланиши орқали онг ва хулқ бирлиги юзага келади, аммо бу ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки ўқитувчи-педагогларнинг ташкилотчилик маҳорати ҳамда унинг ўқувчи-талабаларнинг онги, хулқига таъсир этадиган воситалар хусусиятлари, аҳамиятини кўра олишига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда бугунги ўқувчи-талабалар тарбия натижасида комил инсон даражасига, яъни жамиятнинг баркамол аъзосига айланади. Бунинг учун унинг онги ва тафаккури ривожланиб, ижобий фазилатларни ўзида шакллантириб бориши лозим.


Учинчи гуруҳ методларига шундай методлар кирадики, буларда тарбияланувчилардаги ижобий хулқ-атворни рағбатлантириш, жазо бериш ва салбий ҳислатларни тузатиш ёки олдини олиш, уларнинг ҳис-туйғулари ва мақсадларига бевосита таъсир кўрсатишда фойдаланилади.

7.2. ИЖТИМОЙ ОНГНИ ВА ИЖТИМОЙ АХЛОҚНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Тарбиянинг умумий методлари ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий онгни ва ижтимоий ахлоқини шакллантиришга ҳар томонлама таъсир кўрсатишни ўз ичига қамраб олади.

2-шакл

Тарбиянинг умумий методлари



Ижтимоий онгни ва ахлоқни шакллантириш методлари – тушунтириш, уқтириш, ишонтириш, ўғит-насихат, маслаҳат бериш, илтимос ва истак, буйруқ ва талаб, суҳбат ва ҳикоя шаклларида иборатдир.

Тушунтириш методидан кўзланган асосий мақсад – ўқувчи-талабаларга воқеа-ҳодисалар моҳиятини ва шахс хатти-ҳаракатлари, у ёки бу талабларнинг маънавий-ахлоқий ва эстетик мазмунини очиб бериш, уларда шахс ҳуққ-атвориға, одоб-ахлоқига ва инсоний муносабатларға тўғри баҳо беришни шакллантиришдир. Масалан, ота-оналарни ва катталарни ҳурмат қилиш, уларға хушмуомалада бўлиш, кўчада ва жамоат жойларида юрганда тартиб-қоидаларға бўйсунуш ҳамда жамоат тартиби сақлаш қандай бажарилиши ҳам аниқ қилиб тушунтирилиши лозим.

Уқтириш методи бирор ахлоқий фазилатни тарбияланувчилар онгига сингдириш ва улар томонидан уқиб олинишни таъминлашға асосланади. Шунинг учун ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячилар ўқувчи-талабаларни тарбиялаганда ва уларға ахлоқий фазилатларни тушунтирганда унинг афзалликларини ва зарур эканини кўрсатувчи далиллар келтириши, исботлаши, ишонтириши лозим. «*Ўқигандан уққан яхши*» деган халқ мақолида илгари сурилган фазилатни тарбияланувчилар онгига ёшлиқдан сингдириш лозим.

Ишонтириш методи. Ўқувчи-талабаларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашда энг кўп қўлланиладиган асосий методлардан бири ишонтириш методидир.

Ишонтириш деб, ўқувчи-талабаларда маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш ва мустаҳкамлаш, характер ва ҳуққ-ларидаги салбий томонларни йўқотиш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси ва иродасига таъсир кўрсатишға айтилади.

Ишонтириш методи ўқувчи-талабаларни маънавий-ахлоқий, ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда ва уларнинг характерини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи ишонтириш методини биргина ўқувчи-талабаларғагина эмас, балки бутун жамоаға ҳам қўллаши мумкин.

Ишонтириш методи ўқувчи-талабалар жамоасида соғлом жамоатчилик фикрини вужудға келтиришға ёрдам беради, ахлоқ нормаларига, ахлоқ қонун-қоидаларига ва айрим ўқувчи-талабаларнинг хатти-ҳаракатларига тенгдошлари томонидан тўғри баҳо бера билишни тарбиялайди.

Ишонтириш методи



- Тарбияни бош методи
- Ўзига таъсир этиш
- Танқидий фикрлашга таяниш
- Ишонтириш орқали таъсир этиш

- Сухбат
- Мунозара
- Ҳикоя
- Изоҳлаш

Шароит яратиш

Усулларни танлаш

Масала қўйиш, мазмунни танлаш

Ахборотни бериш

Ахборотни амалиётга йўналтириш

Ишонтириш натижаларини қайд этиш

- Ўқитувчи-педагогнинг шахсий ишончи.
- Ўқитувчини илмий тайёргарлиги.
- Ҳақиқат ва чин қўнгиллилик.
- Ўқитувчи-педагог одоби.
- Ўқувчи-талабаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.
- Ижтимоий фикрга таяниш.
- Бошқа методлар билан алоқадорлик.



- Тарбияланувчиларга мулоқот ва фаолиятнинг меъёр ва қондаларини бажаришни ўргатиш
- Фаолиятни бажаришни намуна бўйича такрорлаш ва мустаҳкамлаш
- Тартиб
- Топширик
- Хулқ-атвор бўйича амалий машғулот
- Ижобий хатти-ҳаракат учун вазиятни яратиш

Аниқ дастурни ишлаб чиқиш

Хулқ-атвор намунасини намойиш қилиш

Ҳаракатларни бажаришни синаб куриш

Ҳаракатларни бажариш тартибини мустаҳкамлаш

Олинган натижаларни таҳлил қилиш

- Тарбияланувчилар сифат ва фазилатни ижтимоий аҳамиятини англаш.
- Ўқувчи-талабалар машқ натижасини аниқ таъсаввур этиши.
- Машқни системали ва изчил ташкил этиш.
- Машқни аста-секинлик билан мураккаб-лаштириб бориш.
- Бошқа методлар билан алоқадорлик.

ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ МЕТОДЛАРИ

ТА
Р
Б
И
Я
Н
И
Н
Г

У
М
У
М
И
Й

М
Е
Т
О
Д
Л
А
Р
И

ТУШУНТИРИШ

ҲИКОЯ

СУҲБАТ

УҚТИРИШ, УЎГИТ-НАСИҲАТ,
МАСЛАҲАТ БЕРИШ

ИЛТИМОС ҚИЛИШ ВА ИСТАК
БИЛДИРИШ

НАМУНА (ЎРНАК) ВА ИБРАТ КЎРСАТИШ

ИШОНТИРИШ, ИШОНЧ БИЛДИРИШ

УНДАШ, КЎНДИРИШ, БУЙРУҚ
БЕРИШ ВА ТАЛАБ ҚИЛИШ

МАШҚ ҚИЛДИРИШ, МАЪҚУЛЛАШ,
КЎНГИЛ КЎТАРИШ, ДАЛДА БЕРИШ

РАҒБАТЛАНТИРИШ, МАЪҚУЛЛАШ,
МАҚТАШ ВА ҲАКАЗОЛАР

ДУО ҚИЛИШ, УЗР СЎРАШ

ЖАЗОЛАШ, КОЙИШ, ПУПИСА ҚИЛИШ,
ҚИЗАРТИРИШ, УЯЛТИРИШ, ТАНБЕҲ БЕРИШ

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ

Демак, ишонтириш методиди ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячилар ўқувчи-талабалар онгига, рухига, ориятига, иродасига таъсир этиш йўли билан уларнинг характеридаги ахлоқий, интеллектуал ва бошқа ижобий ҳислатларни шакллантиради, салбий иллатларни камайтиради, йўқотади.

Ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячилар ўзи айтаётган, ўзи узатаётган ахборотга ўқувчи-талабаларни ишонтира олсагина, ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчи-талабаларни билим олишга, ақлий фаолиятга чорлай олади. Ўқитувчи-педагоглар, тарбиячилар ўқувчи-талабаларни ишонтириш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиши мумкин. Жумладан, *ишонтириш методи қўлланилганда тушунтириши, ўқтириши, ўғит-насиҳат, маслаҳат бериши, илтимос ва истак, буйруқ ва талаб, суҳбат, маъруза ва мунозаралар каби шакллардан фойдаланилади.*

Ўғит-насиҳат. Ўғит келаётган ёш авлодни тарбиялашда тажрибада синалган ва халқимиз томонидан доим қўлланиб келинган ўғит-насиҳатдан ҳам фойдаланмоқ керак.

Ўқитувчи-педагогларнинг ёшларга ўз тажрибалари, кўрган-билганлари ва ўқиганларини далиллар, конкрет мисоллар билан ишонарли қилиб айтиб беришлари, яхши феъл-атворга, одобга ва ахлоқ қонун-қоидаларини бажаришга даъват этиш, йўл-йўриқлар кўрсатишга ўғит-насиҳат дейилади.

Насиҳат қилмоқ ўқувчи-талабаларни яхшилик томон йўлламоқ, яхши фазилатларни эгаллашда уларга йўл-йўриқ кўрсатмоқ демакдир.

Ўғит-насиҳат ўқувчи-талабаларга якка ҳолда ва гуруҳ-гуруҳ қилиб берилиши мумкин.

Маслаҳат бериш. *Маслаҳат – бирор воқеа-ҳодиса рўй берганида, ишда, шахсни хатти-ҳаракатида, ҳулқ-атворида қандай қилса яхши бўлиши ҳақида фикр бериш демакдир.* Ҳар бир шахс, айниқса, ўқувчи-талабалар бир ишни бошлашдан аввал бу иш ҳақида катталарнинг, айниқса, ўқитувчи-педагогларнинг фикрини билишни истади. Ёки бирор ишда, ҳаракатда қийинчилик туғилиб қолса, шу қийинчиликни енгиш йўлини топиш мақсадида ўқитувчи-педагоглардан маслаҳат сўрайди. Бундай маслаҳат олиш ўқувчи-талабалар ҳаётида тез-тез учраб туради. Шунинг учун ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячилар ўқувчи-талабалардаги бу хусусиятдан тарбия мақсадида моҳирлик билан фойдаланишлари керак. Шунини ҳам айтиш керакки, ўқувчи-талабаларнинг ҳаммаси

ҳам бирор иш қилганда ёки бирор ишни бошлашдан олдин ҳамма вақт ҳам маслаҳат олишга журъат этмайди. Бундай вақтларда ўқитувчи-педагоглар ёки тарбиячилар ўқувчи-талабаларни маслаҳат олишга рағбатлантирмоғи керак. Маслаҳатни ҳам ўқувчи-талабаларнинг мустақил бўлишларига ёрдам берадиган қилиб бериш керак.

Илтимос ва истак. *Илтимос, ўтинч, сўров билан ўқувчи-талабаларга мурожаат этиш, уларга ва улар кучига бўлган ишончни ифодалайди. Шунинг учун ҳам синфга, гуруҳга ёки айрим ўқувчи-талабага бирор ишда ёрдам беришларини илтимос қилинганда уларга маъқул тушади, уларнинг фаоллигини сафарбар қилади ва буни ёшлар бажонидил бажарадилар. Илтимос ўқувчи-талабаларнинг кучига ишониниш ва ҳурмат этишга асосланади. Илтимос ёки сўраш хушмуомалалик ва назокат билан амалга оширилади. Масалан, «Акбархон, шу китобни Бурхонга элтиб беришингни сўрайман», «Эркин, Вали билан дарс тайёрлаб унга ёрдам беришингни илтимос қиламан». Булардан ташқари, илтимосни истак билан қўшиб муомала қилиши мумкин. Масалан, «Умаржон, китобингизнинг муқовасига қоғоз ўраб олсангиз яхши бўлар эди», ёки «Дустлар, ҳозир дам олсак қандай бўлар экан?», «Қарияларга ёрдам берсангиз, улар хурсанд бўладилар», «Мен шу китобни ўқиб чиқишингизни истар эдим». Истак, хоҳиш билдириш ўқитувчи-педагогларнинг ўқувчи-талабаларга нисбатан муҳаббати ва ишончини билдиради. Бундай муомалани кўрган ўқувчи-талабалар ҳам ўқитувчи-педагоглар ёки тарбиячиларга нисбатан ҳурмат ва ишонч ортади. Шу билан бирга бундай муомала, ўқувчи-талабаларни назокатли, бир-бирини ҳурмат қиладиган, хушмуомала бўлишга ўргатади.*

Буйруқ ва талаб. *Буйруқ – қатъий амр-фармон шаклида ифодаланган талабдир.*

Тарбия жараёнида ўқувчи-талабалар олдига давлатимиз ҳамда ота-оналар томонидан қўйилган муайян мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришмоқ учун талаб этиш ва буйруқ бериш каби воситалардан ҳам фойдаланилади. Ўқувчи-талабалардан талаб қилинадиган талаблар ҳамда уларга бериладиган амр-фармон ва буйруқлар аниқ, равшан, тушунарли, муайян ҳам қатъий бўлиши керак.

Ҳар бир буйруқ ёки талабнинг мақсади ўқувчи-талабаларга тушунарли бўлсин. Ўқувчи-талабалар бу буйруқ ёки талабни нима

учун бажаришлари зарурлигини яхши англашлари лозим. Шу билан бирга, улар яхши ва пухта ўйлаб берилиши лозим. Ўқувчи-талабалар олдига қўйилган буйруқ ва талабнинг албатта бажарилишига эришиш керак. Агарда қўйилган талаблар ва бериладиган буйруқлар қатъий бўлмаса, ўқувчи-талабаларнинг бажариш имконияти сусаяди. Бундай буйруқлар бажарилмай қолади. Шунинг учун буйруқ ва талаб қатъий бўлиши лозим.

Агарда буйруқ ёки талабни ўқувчи-талабалар бажармасалар, дархол тегишли тадбирлар кўриш керак. Ўқитувчи-педагоглар, тарбиячилар ва ота-оналар ўз буйруқ ва талабларининг ўқувчи-талабалар томонидан бажарилмай қолишига бефарқ қарасалар, улар кейинги талаб ва буйруқларни ҳам бажармайдилар, оқибатда ўқувчи-талабалар масъулиятсизлик, интизомсизлик ва тартибсизликка ўрганадилар.

Оилада ва таълим муассасаларида ёшларга бериладган ҳар бир буйруқ ёки талаб ўқувчи-талабалар шахсининг ёши, имконияти, кучига қараб берилиши ҳамда шу буйруқ ва талаблар ўқувчи-талабаларнинг тарбиясига ёрдам бериши керак.

Буйруқ ёки талабнинг ўқувчи-ёшларга тушунтириб берилиши ва ҳар бир ўқувчи-талаба томонидан пухта англаб олинишига эришиш лозим.

Бериладиган буйруқ ва қўйилган талабнинг албатта бажарилишига эришиш керак; буйруқ асоссиз бўлганда ёки буйруқни бажарувчининг узрли сабаблари бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Ҳикоя – суҳбат. *Ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячиларнинг жонли сўзи асосида ўқувчи-талабалар шахсини гоёвий ва маънавий-ахлоқий шакллантиришнинг таъсирчан методи ҳисобланади.*

Ҳикоя қилинадиган мавзу ўқувчи-талабалар учун долзарб, шахсни маънавий ишонч, ижобий ҳис-туйғулар вужудга келтиришга олиб келиши керак. Масалан, ўқитувчи-педагоглар бошқа синф ёки гуруҳ жамоаси барча фанлардан “аъло” баҳоларга ўқиётганлигини ва тартиб-интизومي яхшилигини мароқ билан гапириб берса, бунинг самарадорлиги ўқувчи-талабаларнинг қандай кулоқ солишига қараб текшириш мумкин. Агар ўқувчи-талабалар **“Биз ҳам ўқишда ва интизомда намуна-ибрат бўламиз!”** – деган умумий истак билдирса, демак, ўқитувчи-педагогларнинг ҳикояси ўқувчи-талабалар онгига етиб борган ва

бунга жавобан ўқиш ва интизомда мақсад йўлида фаолият кўрсатишга тайёргарлик туйғусини келтириб чиқаради.

Сухбат – ўқувчи-талабаларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда кенг қўлланиб келинмоқда. Сухбат вақтида ўқувчи-талабалар пассив тингловчилар эмас, балки муҳокама қилинаётган мавзулар бўйича фаол иштирокчиларга айланади. Сухбат вақтида ўқитувчи-педагоглар, тарбиячилар тарбияланувчиларнинг шахсига хос хусусиятига, тажрибасига, уларнинг билимига таяниши лозим. Ўтказилаётган сухбат ўқувчи-талабалар учун аҳамиятлилигини ҳисобга олиниши зарурдир. Янги материалларни танлаш, тарбияланувчиларни ўйлашга, мазкур масала бўйича бўйича ўз билимларини орттиришга ёрдам беради. Ўқитувчи-педагогларнинг ўзи қанчалик кам гапирса, ўқувчи-талабалар дунёсига шунчалик яхшироқ кириб бориши, улар билан ажабланиши, қувониши лозим, шунда сухбат муваффақиятли олиб борилади.

Сухбат натижасида қабул қилинган ахлоқий меъёр кейинчалик ўқувчи-талабалар ҳулқ-атвори ва фаолиятида амалга оширилиши лозим. Ва кейинги даврга мўлжалланган ўз ҳулқ-атворини кузатишлар билан боғлиқ бўлган топшириқлар бериш имконияти туғилади.

Ўқувчи-талабаларда яхши одоб-ахлоқ кўникмаларини шакллантиришда машқ қилдириш методининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчи-талабалар маълум бир фаолият бўйича бирон бир вазиятга қўйилиб, айрим ҳаракатларни такроран бажарадилар. Машқ ҳаракатлари такрорлаш бўлиб, ахлоқий кўникма, малака ва одат ҳосил қилиш мақсадида ўқувчи-талабаларнинг махсус уюштирилган фаолиятидир. Машқ қилдириш методи таълим жараёнида ҳам ишлатилади, аммо тарбиядаги машқ таълимдаги машқдан биров фарқ қилади. Тарбиядаги машқда ўқувчи-талабалар бир хил машқни турли шароитларда қўллайди. Масалан, маънавий-ахлоқий машқлар ҳаётнинг турли вазиятларида қўлланилади, интизомчилар дарс пайтида ҳам, танаффусда ҳам, ижтимоий ахлоқни шакллантиришда ҳам бир хилда талаб этилади.

Маънавий-ахлоқий машқлар кенг маънода турмушни баҳолар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ равишда ва ҳар томонлама ташкил этиш жараёнидир. Машқ ва одатлантириш тарбияланувчилар учун онгли, ижодий жараёндир. Машқ қилдириш натижасида ўқувчи-талабаларнинг ўқув малака ва кўникмалари, ақлий қобилияти ривожланади, маънавий-ахлоқий қарашлари бойийди.

Машқ қилдиришнинг асосий методи фаолиятда машқ қилдиришдир. Бундай машқларнинг моҳияти, ўқувчи-талабалар учун аниқ ўқув фаолиятини ташкиллаштиради ва шу фаолиятда иштирок этиш орқали ўқувчи-талабаларда ҳуқ-атвор нормалари ва қоидаларига мувофиқ равишда одоб-ахлоқ нормалари шакллана боради.

Ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабаларни ўқитилаётган фан бўйича биринчи дарсданоқ янги фан оламига олиб киради. Ўқув фаолияти фан тўғрисидаги тушунчадан бошлаб асосий қонуниятлар, иқтисод ва ишлаб чиқариш жараёни тўғрисидаги маълумотлар билан аста-секин кенгайиб боради. Бу фаолият уларнинг ўсиб боровчи қизиқишларини қаноатлантириши, ижтимоий фойдали характерда бўлиши билан тарбия вазибаларини бажариш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Машқ қилишнинг яна бир кўриниши бу мунтазам равишда ўқувчи-талабаларни тарбияга ўргатиш машқлари ҳисобланади. Тарбия ўқувчи-талабаларни фақатгина ўқув меҳнатини бажаришгагина қаратилмай, балки уларда уюшқоқлик, интизом, сабот, ирода, одат кўникмаларини ҳосил қилишга кўмаклашади.

Ўқув-тарбия жараёнида топшириқлар тизими алоҳида ўрин тутди. Топшириқлар тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши учун ўқувчи-талабалар топшириқларнинг ижтимоий аҳамиятини, муҳимлигини, зарурлигини тушунишлари керак.

Шундай қилиб, ўқувчи-талабаларда ижтимоий онгни ва ижтимоий ахлоқни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳистуйғулари ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатишда қўлланиладиган тарбия методларининг роли каттадир.

7.3. ТАРБИЯДА ИЖОБИЙ НАМУНА ВА ИБРАТ КўРСАТИШ МЕТОДЛАРИДАН ФойДАЛанишнинг аҳамияти

Ўқувчи-талабаларнинг баркамол инсон бўлиб ривожланишида турли таъсирлар, ўқув жараёни ва бошқа воситалардан ташқари ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячиларнинг ҳамда кўпчиликнинг ҳурматиға сазовор бўлган кишиларнинг шахсий ибрат-намунаси катта аҳамиятға эга. Ёшлар то балоғат ёшиға етиб, мустақил ҳаётни бошлагунларига қадар кўпчилик шароитларда билиши, ўрганиш жараёнида асосан, ўқитувчи-педагогларға, ота-оналар ва кўни-

қушниларга, катталарга, бадий асарларнинг қаҳрамонларига тақлид қилишади.

Ўқувчи-талабалар катталар тажрибасини ўзлаштира борар экан, кўпинча ўзи ҳурмат қиладиган, ўзи ёқтирадиган ўқитувчи-педагогнинг талаффузига, одоб-ахлоқига, ўзини тутишига тақлид қилади. Тақлид уларда бир мунча танлаш характериға эға бўлиб, уларни бошқа кишиларнинг хулқ-атворидаги маълум ижобий ҳислатлари ўзига жалб қилади.

Ёшликдаги тақлид ва иштиёқ доираси намуна-ибрат ёрдамида кенгайиб боради. Тақлид қилиш учун ижобий намуна-ибратларни танлашда ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий омилларнинг аҳамияти каттадир.

Ўқувчи-талабалар шахсининг рухий ва маънавий-ахлоқий ривожланиши учун “улкан мақсад” билан бирға “ижобий шахсий намуна” керак бўлади. тарбияланувчи шахсига таъсир этишнинг объектив йўли шахсға шахс орқали, яъни ўқитувчи-педагогнинг ижобий шахсий намунаси орқали таъсир этишдир.

Ўқувчи-талабалар ўзлари ёқтирадиган шахсға тақлид қилиш натижасида ўзларини мағрур тутадилар, хатти-ҳаракатлари худди катталарникидай туюлади.

Тақлид қилишни мослашиш (*адаптация*) тушунчаси билан аралаштириш ярамайди. Ўқувчи-талабалар кимларгадир тақлид қилиши ва ҳавас қилиши мумкин, бу ижобий ҳислат. Биринчидан, тақлид қилиш орқали ўқувчи-талабаларнинг ўз тажрибаси қўшилиб кетиб уларда янги шахсий ҳислатлар пайдо бўла бошлайди. Иккинчидан, ёшлар етуклаша бориши билан тақлид қилиш жараёни ҳам ўзгара боради. Энди тақлид қилинаётган ҳислатлар танланади.

Тарбия жараёнида бевосита синф ёки гуруҳда таълим олаётганларнинг ичида фанлардан яхши ва аъло ўзлаштирувчилар, одобли ва интизомли ўқувчи-талабалар намуна сифатида ибрат қилиб кўрсатилиши мумкин. Бунда жуда ҳам эҳтиёткорлик билан иш тутиш талаб этилади. Ўқувчи-талабалар исми, шарифи (фамилияси)дан кўра кўпроқ ибратли хулқ-одоби, ибратли ишларига эътибор қаратилиши яхши натижаларға олиб келади. Акс ҳолда синф ёки гуруҳдаги ўқувчи-талабаларни бир-бириға қарама-қарши қилиб қўйилиши гуруҳбозликни бошланишиға сабаб бўлиши мумкин.

Ўқувчи-талабаларнинг тақлид қилишға мойиллиги кўпинча салбий одатларни ҳам ўзлаштириш имкониятини беради. Баъзан

Ўқувчи-талабаларни ўқув муассасаси ички тартибини бузувчилар, уларнинг кўполлиги, сохта жасурлиги жалб қилади. Ота-оналар ва ўқитувчи-педагоглар ёшларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўртоқлари билан алоқа қилишини таъқиқласа бу аксинча тарбияланувчининг ҳали ўртоқлари билан бирга бўлиш истагини янада кучайтиради. Энг муҳими, ёмон одатлар таъсирига ижобий намуна-ибратни қарама-қарши қўйиш, оила ва таълим муассасаси муҳитида тарбиявий ишларни шундай ташкил этиш керакки, токи бу фаолият тарбияланувчига зерикарли, мазмунсиз мажбурий бир нарса бўлиб туюлмасин.

Шундай қилиб, тарбияда ижобий намуна ва ибрат методларидан самарали фойдалангандагина ҳар бир ўқувчи-талабаларни баркамол шахс қилиб тарбиялашга эришсак бўлади. Кичик ёшдаги тарбияланувчилар учун оилада ота-оналар, ўқувчи-талабалар учун таълим муассасаларида сеvimли ўқитувчи-педагоглар намуна бўла олиши мумкин.

7.4. ТАРБИЯДА РАЎБАТЛАНТИРИШ, ЖАЗОЛАШ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ МЕТОДЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Рағбатлантириш методи бирон-бир омининг тарбияланувчига таъсирини кучайтириш ҳамда ўқувчи-талабаларнинг шахсини ривожлантириш ва ижобий хатти-ҳаракатларини фаоллаштириш ва баҳолаш мақсадида қўлланилади. Масалан, мустақил Ўзбекистон Республикасида миллий мафқуранинг ғоявий маъноси сифатида ўқувчи-талабалар шахсида умуминсоний қадриятларни шакллантириш мақсад қилиб қўйилган. Шунинг учун ҳам тарбиядаги рағбатлантириш ва жазолаш методи ўқувчи-талабалардаги ижобий хислатларни ривожлантиришда, уларнинг ижобий фазилатларини такомиллаштиришда восита бўлмоғи лозим.

Рағбатлантириш ва жазолаш методида ўқувчи-талабалар шахси эмас, балки айна вақтдаги хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, тарбияланувчининг индивидуал хусусияти, ҳодиса юз бераётган вазият, сабаб-оқибатлар назарда тутилади. Рағбатлантириш тарбияланувчиларга қувонч, қониқиш, қаноатланиш кечинмаларини пайдо қилади, тетиклик ва ғайрат бағишлайди, ўз кучига ишончни мустаҳкамлайди, ўз фаолияти ва ҳулқига масъулиятини оширади.

Рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланиши лозим. Ҳар қандай рағбатлантириш ўқувчи-

талабаларнинг жамоа олдидаги чинакам хизматларига мувофик бўлиши лозим. Рағбатлантириш вақтида ўқувчи-талабаларнинг жамоада тутган ўрнини ҳисобга олиш ва у кетма-кет бўлмаслиги керак. Ҳаддан ошириб мақташ жамоага нисбатан таққослаш талабчанликни бушаштириб юборишга, ўқувчи-талабаларда манманлик, худбинлик сифатларининг юзага келишига сабаб бўлади. Рағбатлантиришда ҳар бир ўқувчи-талабанинг муваффақияти билан бирга унинг жамоадаги ўрни, ахлокий қиёфаси, шунингдек, меҳнатга, жамоа топшириқ-ларига, жамоанинг ўзига муносабати борасидаги жамоа фикрини инobatга олиш ҳам талаб этилади.

Оила, таълим муассасаси ва ўқитувчи-педагоглар жамоаси ўртасида ўқувчи-талабалар шахсига ва уларнинг ҳулқига баҳо беришда бир хил талаб бўлиши ниҳоятда зарурдир. Зеро, тарбияланувчининг ҳулқига баҳо беришда норозилик, келишмовчилик чиқмаслиги учун ўқитувчи-педагог ва тарбиячилар ҳаққоний баҳо бериши керак.

Рағбатлантириш ёшларнинг ахлоқий тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Рағбатлантириш ўқувчи-талабаларнинг руҳини кўтарди, уларни тетиклантиради, ғайратига-ғайрат кўшади, ҳулқи ва хатти-ҳаракатида янгидан-янги муваффақиятларга эришишга отлантиради ва уларга маънавий озиқ беради. Ўқувчи-талабаларнинг ҳар бир яхши ҳулқини ўз вақтида рағбатлантириш катта аҳамиятга эгадир. Ўз ҳулқига ижобий баҳо берилганини ва маъқулланганини кўрган ўқувчи-талабалар қувонади, яна ҳам яхши ҳулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлар сари интилади.

Рағбатлантиришнинг шаклларига маъқуллаш, кўнглини кўтариш, ишонч билдириш, мақташ, мукофотлаш, қайд қилиш, оғзаки ва ёзма ташаккур билдириш кабиларни киритиш мумкин.

Маъқуллаш. Рағбатлантиришнинг энг кўп тарқалган шакллари дан бири ўқувчи-талабаларнинг муваффақияти ва яхши ҳулқ-атворини маъқуллашдир. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг ҳулқини маъқуллаганда бу ҳулқ ва характерни янада такомиллаштириш йўллари кўрсатиб бермоғи керак.

Бош қимирлатиш, табассум, юз ва қўл ҳаракатлари, «балли», «баракалла» каби сўз ва имо-ишоралар билан ўқувчи-талабалар хатти-ҳаракатлари маъқулланади.

Кўнгил кўтариш, далда бериш. Ўқиш ва интизомда яхши натижаларга эришмаган, лекин бунга интилайётган, ҳаракат

қилаётган ўқувчи-талабаларнинг кўнглини кўтариш катта аҳамиятга эгадир. Кўнгил кўтариш тарбияланувчиларга куч багишлайди ва уларда оптимизмни ўстиради ва уларнинг кучини куч, ғайратига-ғайрат қўшади.

Ўқувчи-талабалар ўзларининг кундалик жўшқин ҳаётларида хилма-хил қулай, ноқулай воқеаларга дуч келадилар. Баъзан ҳар бир иш ва ҳаракатларида муваффақият қозонаверадилар, бу уларни қувонтиради ва ғайратларини орттиради. Баъзан муваффақиятсизликка учрайдилар. Бундай вақтда уларга далда бериш, кўнглини кўтариш зарурдир. Кўнгил кўтарилган ўқувчи-талабалар тетиклашади, унда оптимистик кайфият ўсади.


Ишонч билдириш, ишониш. *Ўқувчи-талабалар меҳрибон ва билимли ўқитувчиларини пок қалб билан самимий севадилар ва уларга қаттиқ ишонадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчи-талабалар олдида бундай ўқитувчининг ҳурмати ва обрўси гоаят каттадир. У навбатида, ўқувчи-талабалар ўқитувчидан ўзига ишонишни талаб этади. Ўқувчи-талабаларга ишониш, ишонч билдириш унга катта мукофотдир. Ўқувчи-талабалардаги бундай ҳолатни ўқитувчи яхши билиши ва уларга ишонч билан қарамоғи лозим.*

Қайд этиш. Ўқувчи-талабалар хулқ-атворининг яхшиланиб бораётганини қайд этиш, айниқса, ўқувчи-талабалар жамоаси олдида қайд қилиш, руҳини кўтариш ўқувчи-талабаларни тетиклантиради ва уни яхши интизомга йўллайди.

Мақташ ва танбеҳ. Ўқувчи-талабаларни бирор яхши иши шундоқиб одоблилиги учун синфдошлари ва гуруҳдошлари олдида, умуммажлисида, деворий газетада, ота-оналарга хат ёзиш орқали мақташ катта ижобий натижа беради. Шунингдек, танбеҳнинг ҳам таъсири катта бўлади.

Мукофотлаш. Мактаб ва академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида юксак муваффақиятлари учун ўқувчи-талабалар мукофотланадилар.

Мукофотнинг моддий шакллари: китоб, ўқув қуроллари, театр ва кино билет, дам олиш уйларига, саёҳатларга йўлланмалар, пул мукофоти, мақтов ёрлиғи, мукофотлар ва ҳаказолар ўқувчи-талабалар ўқитувчи-педагоглар ва ота-оналар иштирокида тантанали вазиятда топширилади.



Педагогикада ёшларни рағбатлантириш билан бир қаторда жазолаш методлари ҳам қўлланилади.

Жазолаш методлари – бу ўқувчи-талабаларнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятига салбий баҳо беришдир. Жазо бериш ахлоқ меъёрларига қарама-қарши фаолият ва хатти-ҳаракатларни муҳокама этишни ифодалайди. Жазо бериш номаъқул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ахлоқни тузатиш, жамоа олдида уялиши, ўзини гуноҳкор деб билиш ҳиссини уйғотиши мумкин. Жамоа томонидан ёки уни қўллаб-қувватлаши асосида жазолаш методлари ҳам хилма-хил бўлиб, улар жумласига танбеҳ бериш, койиш, уялтириш, қизартириш, хатти-ҳаракатларни жамоа ўртасида муҳокама қилиш, муайян фаолиятдан четлашиш ва бошқалар кирди.

Жазо – бу ўқувчи-талабаларнинг ўз ҳулқи ва ҳаракатидаги ноҳўялик ҳамда камчиликларни англашига, тугатишига, ярамас ҳаракатлардан, шўхликлардан ўзларини тийишига ёрдам беради. Ўқувчи-талабаларнинг хатти-ҳаракатидаги ёмон томонларни ўз вақтида қоралаш ва таъқиқлаш, уларни иккинчи маротаба шу ноҳўя ҳаракатларни қилмасликка, ўз ҳулқ-атворини тузатишга йўллайди. Лекин булар-булмасга жазолайвериш ҳам зарарлидир. Унинг ўрнига бир маротаба ўринли жазолаш яхши натижа беради. Шу билан бирга ўқувчи-талабаларга ҳулқининг номаъкул эканлигини асосли равишда тушунтириш, унинг онгига етказиш, ўз хатосини тўғрилашга имкон беради.

Ўқитувчи-педагог ва тарбиячилар ўқувчи-талабалардаги ёмон ҳулқ-атворларни қоралаш билан бирга унинг ёмон эмаслигини, унда яхши ҳислатлар ҳам борлигини, агар истаса ўз ҳулқидаги камчиликларни йўқота олиши ва синф ёки гуруҳ жамоасининг энг яхши, намунали ўқувчиси ёки талабаси бўлиши мумкин эканини қайд қилиб ўтиши керак. Мана бундай насихат ёшларда ўз камчиликларини тузатиш ва яхши фазилатлар ҳосил этиш истагини уйғотади.

Ўқувчи-талабаларга нисбатан жазо чораларини қўллашда қуйидаги педагогик талабларга амал қилиш керак:

- а) жазонинг ҳаққонийлиги;
- б) жазо айбдорни тарбиялаши;
- в) айбдор нима учун жазо олаётганини билиши лозим.

Асосан қуйидаги жазо чоралари қўлланиши мумкин: ўқитувчи – педагогнинг, синф ёки гуруҳ раҳбарининг, таълим муассасаларининг ўқув ёки маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг танбеҳи; парта, синф доскаси ёки ўқитувчи-педагог столи ёнида тикка турғазиб қўйиш; синф ўқувчилари ва гуруҳ талабалари олдида огоҳлантириш бериш; бажарилмай қолган синф-аудитория ёки уй вазифасини бажариш учун дарсдан кейин олиб қолиш; таъсир кўрсатиш учун педагоглар кенгашига чақириш; таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан огоҳлантириш, эълон этиш; ҳулқига қўйилган баҳони пасайтириш; санаб ўтилган жазо чораларини қўлланганда ўқитувчи-педагог ҳар бир ўқувчи-талабанинг шахсий ва ёш хусусиятларини, синф ёки гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмоғи керак.

Пўписа. Пўписа - ман этилган ва беъмани хатти-ҳаракатларни тўхтатишга ва олдини олишга ёрдам беради. «Аббос, сўкишни

ташламасанг, синфга киргизмайман» ёки «Вали, келгуси дарсга ёзиб келмасанг, шу ерда олиб қолиб ёздираман». Мана бундай пўписа кичик ўқувчи-талабалар учун мос ҳамда ишонарли бўлади. Шунинг учун айтиш керакки, пўписа қилган билан айтганини қилдирилмаган ўқитувчи-педагогнинг обрўси тушиб кетади. Шунинг учун ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабаларга оқилона, онда-сонда пўписа қилиши ва ҳар бир буюрилган ишнинг қатъият билан амалга оширилишига эришиши керак.

Койиш. *Койиш - бемаъни қилиқларнинг ярамаслигини айтиш ва огоҳлантириш шаклларида биридир.* Ўқувчи-талабаларнинг салбий ҳаракатлари, қилиқлари ва тартибни бузганликлари учун уларни койиб қўйиш зарур. Койиш ўғит-насихат билан бирга қўшилган ҳолда қўлланади. Яъни ўқувчи-талабаларга қилган гуноҳининг ярамас эканлиги, бу гуноҳнинг оқибати хайрли эмаслиги ётиги билан тушунтирилади ва уни тузатиш йўллари кўрсатилади ва яна қайтармаслиги ўқитирилади.

Ўқувчи-талабаларни койиганда уларни тўғри йўлга солиб юбориш кўзда тутилади. Шунинг учун ҳар бир қилинган айбнинг ўз даражасига қараб тарбияланувчига шу айбнинг ярамаслиги тушунтирилади. Койиш пайтида ниҳоятда осойишта ҳамда мулойимлик билан гапирилиши лозим.

Уялтириш, кизартириш. *Шахснинг энг нозик ҳис-сезгиларидан бири уят, ор-номус, шарм-ҳаё ҳиссидир. Шахс ўз «шахси»нинг бошқалар кузи олдида қадрсизланишини, яъни белгиланган қоидаларни бузганини ёки билиши керак бўлганини билмай қолганини англаган тақдирда кизаради, уялади.*

Ўқувчи-талабаларни тарбиялашда уларнинг уят, шарм-ҳаё ҳиссига эҳтиётлик билан таъсир этиш керак. Ўқувчи-талабаларнинг уялиши ва кизариши уни шу айб-хатони қайтармасликка олиб келиши, у тавба қилиши мумкин. Лекин уялиш-кизариш натижаси ҳамма вақт ҳам тарбияланувчини тавба қилишга олиб бормайди. Бола бошқалар олдида шарманда бўлиш, кизаришни истамагани учун нотўғри хатти-ҳаракатларни яширинча қилишга интилади. Мана бундай ҳолда уят икки юзламалик, мунофиқликни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ёшларни ҳадеб уялтиравериш ва кизартиравериш ярамайди. Ўқувчи-талабани ёлғиз эканида ёки тенгдошлари ўртасида камроқ уялтириш керак.

Юқорида айтиб ўтилган методлардан ташқари кун тартиби, одатлантириш ва ўйин ҳамда спорт воситаларидан

фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари тарбия жараёнида турли предметлар, моддий ва маънавий маданият намуналари, кўргазмалари, ўқув қуроли, бадиий-илмий адабиётлар, санъат асарлари, радио, телевидение, компьютер, магнитофон, слайд каби ахборот ва техник воситалардан ҳам тарбия воситаси сифатида фойдаланилади. Улардан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш учун ўқувчи-талабаларнинг онги, ҳис-туйғуси ва ҳуққ-атворини таркиб топтиришга кўмаклашади.

Шундай қилиб, рағбатлантириш ва жазолаш даставвал ўқувчи-талабаларнинг характери ва ҳуққида ижобий ҳислатларни тарбиялашга ёрдам беради, уларнинг хатти-ҳаракати ва ҳуққини тўғри йўлга солиб юборади ҳамда пайдо бўлган ижобий фазилатларни мустаҳкамлашга даъват этади.

Рағбатлантириш ва жазолаш методларини моҳирлик билан қўллаш орқали ўқувчи-талабаларни тарбиялашда гоят катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳар қандай маъқуллаш ҳам, қоралаш ҳам ўқувчи-талабаларга ижобий таъсир кўрсатавермайди, балки аксинча салбий натижа бериши мумкин.

Ўқувчи-талабаларни тарбиялашда рағбатлантириш ва жазолашнинг самарали натижа бериши учун куйидаги қоидаларга амал қилиш керак.

Тарбиячининг обрўси. Агарда ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабалар олдида обрўга эга бўлса, ўқувчи-талабалар уни севсалар, унинг ҳар бир сўзи тарбияланувчиларда чуқур таассурот қолдиради, ўқувчи-талабалар унинг айтганларини мамнуният билан бажарадилар. Акс ҳолда ўқитувчи-педагог ҳам ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди ёки таъсири жуда заиф бўлади.

Рағбатлантириш ҳам, жазолаш ҳам ҳаққоний бўлиши керак. Бу масала алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқитувчи-педагог томонидан ўқувчи-талабаларнинг хатти-ҳаракати ва қилиғига бериладиган баҳонинг ҳаққоний, адолатли эканига ўқувчи-талабаларнинг ўзи ва унинг урқоқлари ишонч ҳосил қилишлари лозим. Шунинг учун ўқитувчи-педагоглар аччиқ устида ёки жаҳл билан ўқувчи-талабаларнинг ҳуққида баҳо беришдан ўзларини тиймоқлари керак. Ўқитувчиларнинг асабийлашиши, ўқувчи-талабаларнинг айбини ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатиши тарбияланувчилар шахсини ҳақоратлайди ва уларнинг энсасини қотириб юборади. Бу ҳилда қоралаш ўқувчи-талабалар шахсини ҳақоратлайди, уларни ўз

хатосини тузатиш ўрнига чуқурлатишга, ғазабини қўзғатишга олиб боради, ҳатто ўқувчи-талабаларда ўқитувчи-педагогга нисбатан норозилик ҳиссини туғдиради ва тарбияланувчилар уни ёмон куриб қолади.

Тарбия ишидаги энг муҳим шартлардан бири ўқувчи-талабалар хулкига берилган баҳо ёлғиз бир ўқитувчи-педагогнинггина фикри бўлиб қолмай, балки буни бутун таълим муассасаси педагогик жамоаси ҳам қўллаб-қувватламоғи лозим. Бу эса тарбия жараёнида қўлланиладиган рағбатлантириш ва жазолаш методлари аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари. Ҳар бир ўқувчи-талабанинг имкониятларини кўра олиш ва баҳолашда кучи етадиган истиқболни белгилашда, ирода ва характерни тарбиялашда ёрдам беради.

Ўқувчи-талабалар ўз-ўзини тарбиялаш борасида истиқболини яратишга интилиши ҳаётда маълум мустақилликка интилишда намоён бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш оилада ва ўқув муассасасидаги тарбиявий ишларнинг таъсири остида рўй беради. Ўз-ўзини тарбиялаш жамоадаги шахсларда фаолроқ амалга ошириш мумкинлиги уларда ирода, тиришқоқлик интизомини тарбиялайди. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқитувчи-талабаларнинг ўз олдида муайян вазифа қўя олишини, уни бажаришда ички иштиёқ билан бажариш жараёнида шу вазифани бажариши мумкинлигини англашни. Нима қилганлиги ҳақида ҳисобот берилишини назорат қилишни ва тўпланган вазифаларни аниқ натижаларга қараб баҳо беришни ўз ичига олади. Ўз-ўзини тарбиялаш шахсий мажбурияти, ўз иши ҳақида ҳисоботларни таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларида ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзига баҳо бериш методларига бўлинади.

Ўқитувчи-педагоглар қўллаётган тарбия методлари ва воситалари таъсирида ўқувчи-талабаларнинг онгида ва хулқида, ўз шахсини ўзгартириш, кундалик фаолиятида ўз-ўзини тарбиялаш шахсий мажбурияти, ўз иши ҳақида ҳисоботларни таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларида ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзига баҳо бериш истаги вужудга келади. Ҳар бир ўқувчи-талаба ўзини-ўзи тарбияласа, ақл-фаросатни ишга солмаса тарбиядан кўзланган мақсад ва натижага эришиб бўлмайди. Ҳар бир ўқувчи-талаба ўзининг хулқ-атворига талабчан бўлиши ва ўзида энг яхши инсоний фазилатларнинг таркиб топиши учун фаол бўлиб астойдил тиришмоғи лозим. Ўқитувчи-педагоглар ёшларда уқувли ўзини тута билиш, одамлар билан қай йусинда муомала қилиш, рост

сўзлаш, катталарга хурматда бўлиш, ўзидан кичикларга меҳрибонлик кўрсатиш каби ахлоқий баркамоллик фазилатларини шакллантиришлари лозим.

Умуман, ўқувчи-талабалар шахсини ўз-ўзини тарбиялаш ахлоқий баркамолликка иштиёқ туғдиришдир. Зеро, ўз-ўзини тарбиялаш шахсни ўз кучи, лаёқати ва қобилиятини ишга солишга ундайди, унинг идеалларини, шахсий мулоҳазаларини, эътиқодини таркиб топтиради. Натижада, ўқувчи-талабалар шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тарбиявий жараён ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига айланади.

Ўз-ўзини тарбиялаш – бу ўз иродасини, ҳис-туйғусини, кайфиятини бошқаришга, ноҳўя ҳаракатлардан ўзини тийишга ёки тўғри ҳаракатни ҳар қандай шароитларда ҳам давом эттиришга қаратиш демакдир. Теварак-атрофидаги муҳит билан шахс ўртасида ихтилофлар ва ўзаро келишмовчиликлар чиқишига, ўзаро тушунмовчиликларга, яккаланиб қолишга кўпинча сабабчи бўладиган жиззакилик, бепарволик каби салбий ҳислатлар ахлоқий нуқсонларгина бўлмай, балки иродавий нуқсонлар ҳамдир.

Ўз-ўзини тарбиялаш методларини қадимги юнон (грек)лар қўллаган, у аслида «оддий керак, хоҳлайман ва бажараман» деган маънони билдиради. Айтайлик, сержаҳл шахс вазмин бўлиш кераклигини, одатланганидек эмас, бошқача яшаш, иш юриштиш зарурлигини тушуниш – бу ўз-ўзини ишонтиришнинг бошланиш даври ҳисобланади. Кейинчалик шахс у ёки бу ҳолатларда ўзини қандай тутишни яқин кишилари, қариндошлари, шунингдек, ўқитувчи-педагоглар, иш жойидаги ҳамкасбларининг ўзига, таълим муассасасидаги ўқувчи-талабаларга нисбатан муносабатини кўз олдида келтиради, ўзи кутаётган ҳурсандчиликларни ёки кўнгилсизликларни фикран бошдан кечиради. Натижада, ижобий томонга ўзгаришга бўлган зарурият **«Шундай бўлишни хоҳлайман»** деган топшириққа айланади, ўз-ўзини ишонтиришнинг учинчи даврида ўз истагига эриша олиш мумкинлигига ишонч ҳосил бўлади. Шахс қийин аҳволдан қандай қутилганини, мураккаб вазиятдан чиқиб кетаолганини эслайди, ўз кучи, иродасини анализ яъни таҳлил қилади, ўзини **«ҳаракат қилишга, бошқача одам бўлишга»** ундайди. Ўз-ўзини ишонтиришга охириги якуний даврида шахс ўзини худди бошқача шахс бўлиб қолгандек ҳис этади. Огир дамларда у ўзига **«Сен ўзингни тута биладиган одамсан, ўйлаб кўр-чи, шу арзимаган**

нарсa учун ўзингни ва бошқаларнинг асабини бузиш яхшими? Ҳа баракалла! Мана сен ўзингни қўлга олднинг, энди нима дейиш, қандай жавоб бериш қолди. Ўйлаб кўр, сен эслик одамсан-ку! Йўқ бу бўлмайди. Мана бу яхшига ўхшайди. Кўрайликчи, бундан нима чиқади. Мана ҳаммаси тўғри. Қани бошла, ишга қяриш» каби ўз-ўзини ишонтириш, ўз-ўзига буйруқ беришга айланади.

Ўз-ўзини ишонтириш – *изчилликни махсус психологик (руҳий) машқ қилишни талаб этади. Масалан, киши эрталаб уйзонгандан кейин: «Рохат қилиб ухладим, бугун бажарадиган ишларим, борадиган жойларим кўп, тетик ва дадил бўлиши керак. Бунинг бирдан-бир йўли эрталабки гимнастика. Қани тур ўрнингдан, машқни бошла!»* дейди ва дарҳол гимнастика машқларини бажаришга киришади. Икки-уч ҳафта давом эттирилган машқлардан кейин киши ҳамма вақт руҳан тетик, жисмонан соғлом, меҳнат фаолиятига осонгина ва кайфияти чоғ киришадиган бўлиб қолади. Ҳар бир иш учун мана шундай ўз-ўзини ишонтириш шаклларини тайёрлаш ва қўллаш мумкин.

Ўз-ўзига буйруқ бериш – ўзини мажбур этиш кучли иродани талаб қилади. Бундай фаолият қабул қилинган қарорни бажариш учун барча кучларини тўплаш, ўзини фаол ишлашга, ҳаракат қилишга мажбур этишдан иборатдир. Ўзини мажбур этиш айниқса, ўз камчиликлари ва нуқсонларини билганда ва уларни бартараф этишда қўлланилади. Бунинг учун эса шахс ўз иродасини ишга солиш, ўзини қатъий интизомга бўйсунтиришга одатлантириши зарур. Ўзида кучли иродани тарбиялашни хоҳлаган шахс биринчи навбатда бошлаган ишини охирига етказиши, бир йўла кўп ишга қўл урмасдан, олдин биттасини, кейин иккинчисини бажариши, виждонан ишлаши, вақтинча юз берган муваффақиятсизликлардан эсанкирамаслиги (биринчи марта ва такрор бажаришга) ўз инжиқликларини жиловлаши, ўз хато ва камчиликларини бартараф этиш устида ишлаши, ҳаттоки ўзи учун қизиқарли нарсалардан ҳам керак бўлганда воз кеча билиши керак.

Ўз-ўзини тарбиялашни фаоллаштириш, ўз устида ишлашда йўл қўйилган хатоларни тузатишда ўзини рағбатлантириш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Булар ўз-ўзини маъқуллаш, руҳлантириш, қоралаш, текшириш, ўз-ўзига ҳисобот беришдан иборатдир. “Тўғри, баракалла, ишни шундай давом эттиравер” деб, ўз-ўзини маъқуллаш ўқувчи-талабаларни руҳлантиради, уларда

янада муваффақият қозониш истагини уйғотади. Ўз-ўзини маъқуллашни ўз фаолияти натижаларига танқидий қарамаслик натижасида пайдо бўладиган ўз-ўзини севишдан фарқ қилмоқ лозим. Ўз-ўзини маъқуллаш ўз-ўзини танқид билан биргаликда намоён бўлади.

Ўз-ўзини руҳлантириш – ўзини тарбиялашнинг бошланиш даврида қўлланилади. Бу даврда ўз куч ва қобилиятларини синаб кўриш мақсадида фойдаланилади ва у ҳам шахснинг ўз-ўзини билиши билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Масалан, спорт, маданий ёки ўткир зеҳнлилар заковат клубларига, хаваскорлик ва турли фан тўғараклари қатнашчилари — ўқувчи-талабалар ўзлари бошлаган ишларда, машқлар ва топшириқларни бажаришда қийинчиликларга дуч келганда, бирор иши юришмаётган, машқий ҳаракатлари қовушмаётган ёки топшириқларни бажараолмаётган бўлсада: “Ёмон эмас, яхши бўлиши керак!”, «Энди анча дуруст! Яна бир оз зўр бергин!» – деб ўзини руҳлантиради. Ўз-ўзини руҳлантириш, айниқса, ҳар бир шахс ижобий намунага интилганда кучли таъсир этади. Ўз-ўзига талабчан бўлиб «Бошқалар қила олади-ку демак, уни мен ҳам қила оламан» – дейди.

Ўз-ўзини руҳлантиришни ўзига ортиқча ишониш, катта кетиш, мақтанишдан фарқ қилиши лозим. Баъзан айрим ўқувчи-талабалар “Нима, агар ўзим хоҳласам, бунини мен ҳам бажаришим мумкин” деб мақтанадилар. Лекин улар ундай ёки бундай ҳаракатни бажариш учун уни билиш, малакага эга бўлиш зарурлигини кўпинча тушуниб етмайдилар.

Ўз-ўзини руҳлантириш ўзини анализ, яъни таҳлил қилиш билан бирга намоён бўлади. Ҳар бир ўқувчи-талаба ўзи, ўз кучи ва қобилиятлари ҳақида қачонки тўғри ва аниқ тасаввурга эга бўлса, унда ўз-ўзини руҳлантириш шунча самарали бўлади.

Ўз-ўзини қоралаш шахсда ирода, куч етишмаганда, эринчоқлик ва сусткашликни енгиш истаги пайдо бўлганда қўлланилади. Бунинг туб моҳиятини нотўғри тушуниш натижасида ўзини қоралаш ўрнига ўзини ерга уриш, ўз кучи ва қобилиятларини камситиб баҳолаш ҳолларида учрайди. Масалан, айрим ҳолларда баъзи бир шахслар “Бари бир мендан ҳеч ким чиқмайди”, “бунга қурбим етмайди” деб лоқайд бўлиб қолишади, ўзларининг ички кечинмаларига берилиб, теварак-атрофдаги, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар билан қизиқмай қўяди. Шундай экан, ўз-

ўзини қоралаш, одилона ўз-ўзини маъқуллаш ва руҳлантириш билан боғланган бўлсагина ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини фаоллаштира олади.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва ҳисобот бериш, ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб боришни, бугун қилинган ишларни умумлаштиришни, ўз ҳулқига баҳо бериш ва уни анализ, яъни таҳлил қилишни талаб этади ва ўз-ўзини тарбиялашнинг мақсади, вазифаларини қайтадан куриб чиқиш, ўз устида ишлашнинг янги дастурини тузиб чиқиш билан тугалланиши керак. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларида биринчи навбатда, ўқувчи-талабаларни ўз-ўзини текшириш юзасидан ҳисобот тайёрлашга одатлантириш, уларнинг ҳисобот беришининг муҳим шарти ўқувчи-талабалар жамоасида соғлом танқид ва ўз-ўзини танқиднинг бўлишидир, акс ҳолда ҳисобот мақтанчоқликка, ўз-ўзини таърифлашга айланиб кетиши мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида қўлланиладиган методлар ўқувчи-талабалар шахсининг идеаллари, ҳаётий мақсадлари, тутган йўли, асосий эҳтиёжлари ва қизиқишлари билан боғлиқдир. Улар тарбия жараёнидаги ишонтириш методларига қўшимча бўлади.

Айниқса, тарбияси қийин шахсни қайта тарбиялаш ниҳоят-да мураккаб жараён бўлиб, у тарбиячидан юксак педагогик маҳоратга эга бўлишни, тарбиявий таъсир воситалари ва методларини самарали қўллашни тақазо этади.

Тарбияси қийин бўлган ёшларга тарбиявий таъсир ўтказишда қайта ишонтириш методи муҳим роль ўйнайди. Қайта ишонтириш методини вазифаси фақат одоб-ахлоқни ўргатиш, насиҳат қилишдан иборат бўлмай, балки ҳар бир ўсмирдаги шахсий нуқсонлар унинг ҳаётини қандай бузаётганини, ялқовлик нималарга олиб келиши мумкинлигини тарбияси қийин ёшларга очиқ-ойдин кўрсатишдир.

Қайта ишонтириш методида ҳикоя, одоб-ахлоқ ҳақида маъруза, бахс-мунозара, давра суҳбати ва ҳаказолардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай тарбиявий тадбирлар эркин фикр алмашиш, баҳслашиш шаклида, обрӯ-эътиборли кишилар, профессор-ўқитувчилар иштирокида ўтказилса самаралироқ бўлади.

Шахсни қайта тарбиялаш тарбияси қийин ёшларнинг тушунчалари, тутган йўли нотўғрилигини кўрсатадиган, уларни ўз ҳулқ-атвори ҳақида ўйлашга мажбур этадиган амалий иш тажрибадан бошланиши керак. Чунки тарбияси қийин бўлган шахс ўз

атрофидаги одамлар, гуруҳдошлари, ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячилар ҳақида нотўғри фикрда бўлади, уларнинг сўзига ишонмайди. Улардаги бундай фикр муносабатни, ишончсизликни фақат факт, намуна, шахсий тажрибагина ўзгартира олади.

Тарбияси қийин шахснинг ўз атрофидаги одамлар, ҳамгуруҳлари, ўқитувчи-педагог ва тарбиячилар ҳақидаги фикри, ўз хатти-ҳаракатларига бўлган муносабати ўзгара бошлагандан кейин уларга хатоларини, қарашларини нотўғрилигини, муваффақиятсизлик ва ёқимсиз кечинмаларининг сабабларини тушунтириш фойдали бўлади. Демак, қайта ишонтиришда сўз воситаси тарбияланувчи ҳосил булаётган ахлоқий тажриба билан бирга ёки ундан кейин ишлатилади.

Тарбияси қийин шахсни қайта тарбиялашда жазолаш ва рағбатлантириш методлари ҳам қўлланилади. Тарбияси қийин бўлган шахсга жазонинг таъсири ижобий бўлиши учун тегишли педагогик шарт-шароитлар: жазо жамоа томонидан ёки жамоа манфаатларини кўзлаган ҳолда, ўқитувчи-педагоглар, мураббий-тарбиячилар, гуруҳ раҳбарлари томонидан берилиши, жазо жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши, адолатли ва тарбияланувчи шахсини камситмайдиган бўлиши, унинг адолатли ва принципал эканини гуноҳ қилган шахснинг ўзи англаши, жазони жамоада тарбияланувчининг ҳулқига бўлган ижтимоий талабларнинг ўзига хос махсус шакли деб тушуниши, жазони қўллашда тарбияланувчиларнинг келиб чиқиш – сабаблари ҳисобга олинishi керак. Қайта тарбиялашдаги жазо тарбияланувчига ўз нуқсонларини англашда, уларни йўқотиш зарурлигини тушунишда, ўз ҳулқини назорат қилишни ўрганишида ёрдам беради.

Тарбияси қийин шахсни қайта тарбиялашда рағбатлантириш методи ҳам катта аҳамият касб этади. Қайта тарбиялашда рағбатлантиришнинг ташаккур билдириш, мақтов ёрлиги, қимматли совғалар билан мукофотлаш, яхши сўз, самимий табассум, мақтаб қўйиш, эришган муваффақиятлари учун миннатдорчилик билдириш ва бошқа оддий шакллари ҳам кенг қўлланилади. Яхши сўзни кам эшитмайдиган, ёмон сўздан қўлоғи бўшамайдиган шахсларга рағбатлантириш жуда кучли таъсир қилади ёки димоғдор, эгоист, мақтанчоқларга деярли таъсир этмайди. Шунинг учун рағбатлантириш индивидуаллаштирилган бўлиши, яъни ҳар бир тарбияланувчи кўрсатган хизмати ва шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда алоҳида тақдирланиши керак.

Рағбатлантириш ташаббуси ва уни амалга ошириш ўқувчи-талабалар жамоаси ёки тарбияланувчилар учун обрўли бўлган ўқитувчи-педагоглар, мураббий-тарбиячиларнинг ҳар қандай шаклда билдирган мақтовини уни сотиб олишга, унинг кўнглини кўтаришга бўлган интилиш деб қабул қилади. Шу сабабдан ўсмирларни рағбатлантиришда жамоат ташкилотларининг вақиллари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, обрў-эътиборга эга ўқитувчи-педагоглар ва мураббий-тарбиячилар қатнашиб, улар тақдирласалар самаралироқ бўлади. Зеро, ўсмирлар хизматининг катталар томонидан тан олинishi яхши из қолдиради.

Рағбатлантириш тарбияси қийин ҳар бир ўсмирга ўзининг ижобий фазилатларини англашга, ҳақиқатни тушунишига ёрдам бериши ва унда яхши одам бўлиш истагини уйғотиши керак. Агар тақдирлаш бундай вазифани бажармай шахсда ўзини катта олиш, манманлик, ўзига ортикча ишониш каби салбий сифатларни ривожлантирадиган бўлса, ундан тарбия методи сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Тарбияси қийин шахсни қайта тарбиялашда биринчи марта машҳур педагог А.С. Макаренко ўз тажрибасида қўллаган «портлаш» методидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу методдан одатда бошқа тарбия методлари натижа бермаганда, энг охириги чора тариқасида фойдаланилади.

“Портлаш” методининг моҳияти шундан иборатки, тарбияси қийин шахс кутилмаганда юз берган вазият натижасида илтифотлар ниҳоятда кескинлашиб, шахс олдида ҳал этилиши кечиктириб бўлмайдиган, **“энди нима қилиш керак”** деган савол кўндаланг бўлиб, мушкул аҳволга тушиб қолади. Шундай вазиятда шахсдаги ижобий асослар нуқсонларга қарши стихияли равишда исён кўтаргандек бўлади. Бундай ошкоралик вазиятида шахс ўз ҳулқ-атворини кўради, унда ўзидан норозилик, ўз турмуш тарзига, нуқсонларига нафрат, яхши бўлишга эҳтиёж пайдо бўлади. Ана шундай табиий **“портлаш”** шахс онгини нотўғри тасаввурлардан тозалайди, ёмон ҳулқни йўқотади. Шу вақтдан бошлаб яхши одатларни, ижобий фазилатларни тарбиялаш юзасидан тизимли тарбиявий ишлар амалга оширилиши зарур. **“Портлаш”**дан кейин шахснинг ҳаёти ва фаолияти янги асосларда ташкил қилинса ижобий фазилатлар мустаҳкамланиб боради.

Тарбияси қийин бўлган ёшларнинг ўзларини ҳулқ-атвори яхши томонга ўзгаришини хоҳламаса, ўз нуқсонлари билан фаол

курашмаса, уларни қайта тарбиялашда самара ва натижа бўлмайди. Қайта тарбиялашда тарбияланувчиларни ўз ҳулқ-атворини кузатиш, ўзига топшириқ бериш, ўзини назорат қилиш методларидан фойдаланишга ўргатиш керак.

Демак, тарбияси қийин шахсни тарбиялаш узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, педагогик методларнинг мажмуини навбатма-навбат ёки бир йўла қўллашни талаб этиши мумкин. Бироқ ҳар бир тарбия методи шахснинг тарбия даражаси, индивидуал хусусиятларига мувофиқ равишда танланиши керак.

Хуллас, тарбиянинг умумий методлари тўғрисидаги фикрларни яқунлар эканмиз, тарбиянинг бу методлари ўқувчи-талабаларга педагогик таъсир кўрсатиш методларининг барчасини қамраб олмаслигини унутмаслик керак. Ҳозирги кунда педагогика назарияси ва амалиёти тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг янги методлари ва истиқболли йўллари изламоқда.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Тарбия методлари – метод латинча «*metodos*-йўл» сўзидан олинган бўлиб, тадқиқот йўли, назария, таълимот маъноларини билдиради. Илмий тушунча сифатида «*method*» деганда кенг маънода муайян эришиш йўли тушунилади.

Ишонтириш методлари – ўқувчи-талабаларда илмий дунёқараш ва ишонч-эътиқодни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатишдан иборатдир.

Тушунтириш – жамиятнинг маънавий ва моддий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар тўғрисида ахборот бериш асосида ўқувчи-талабалар диққатини теварак-атрофидаги воқеликка онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Уқтириш – бирор ахлоқий фазилатни ўқувчи-талабалар онгига сингдириш ва улар томонидан ўқиб олишини таъминлашга асосланади.

Ибрат-намуна методи – ўқувчи-талабалардаги тақлидчиликка асосланади. Тақлид бошқаларнинг ҳулқ-атворини, юриш-туришини онгли ёки ихтиёрсиз равишда такрорлаш демакдир.

Рағбатлантириш – ўқувчи-талабаларнинг намунали ҳулқи учун бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш, деворий газетада ўқувчи-талабалар тўғрисида кичик

маълумотнома бериш, унинг суратини махсус доскага қўйиш, ота-онасининг номига ташаккурнома юбориш ва ҳ.к.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тарбия методлари деганда нимани тушунасиш?
2. Тарбиянинг қандай методлари бор?
3. Тарбияда ибрат-намуна кўрсатиш методининг тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг.
4. Рағбатлантириш методи нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
5. Жазолаш методи ва унинг турларини тушунтириб беринг.
6. Тарбия жараёнида нима учун методлар қўлланилади?
7. Ишонтириш методига мисол келтиринг.
8. Тарбия методлари юзасидан «кластер» тузинг.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Тарбия методлари ҳақда умумий тушунча.
2. Тарбия методларининг мақсади, мазмуни ва уларнинг таснифи.
3. Тарбияда ижтимоий онгни ва ижтимоий ахлоқни шакллантириш методлари.
4. Тарбияда ибрат-намуна кўрсатиш методининг тутган ўрни ва аҳамияти.
5. Тарбияда рағбатлантириш ва жазолаш методлари.
6. Шахсни ўз-ўзини ва тарбияси қийин шахсни тарбиялаш методлари.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Тарбиянинг методлари деганда нимани тушунасиш?
 - а) маслаҳат, тушунтириш;
 - б) уқтириш, ишонтириш;
 - с) ўғит-насиҳат, илтимос-истак;
 - д) рағбатлантириш, жазолаш ва ўзини-ўзи тарбиялаш;
 - е) а, б, с, д.

2. Тарбиядан кўзланган асосий мақсад нима?

- a) маъмурий эҳтиёж ва қизиқтириш;
- b) инсоний фазилатларни таркиб топтириш;
- c) ҳар томонлама маънавий-ахлоқий ривожланганлик;
- d) ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантириш;
- e) b ва d.

3. «Метод» сўзининг луғувий маъноси нима?

- a) лотинча сўз бўлиб, «йўл» сўздан олинган;
- b) тадқиқот йўли;
- c) таълимот;
- d) назария;
- e) мақсадга эришиш йўли.

4. Ишонтириш тарбия методи сифатида қандай аҳамиятга эга?

- a) ўқувчи-талабаларнинг дунёқарашини ва ахлоқини шакллантириш;
- b) ўқувчи-талабалар онгига, руҳига, ориятига, иродасига таъсир этиш йўли билан уларнинг характеридаги ахлоқий интеллектуал ва бошқа ижобий ҳислатларни шакллантириш;
- c) ўқувчи-талабалар онгида келгуси хатти-ҳаракати ва одатини олдини олиш принципини шакллантириш;
- d) тарбияланувчи шахсга умуминсоний қадриятларга асосланиб, руҳий ва ижтимоий муносабатларнинг туб моҳиятини чуқур тушунтириш;
- e) ишонтириш орқали ўқувчи-талабаларда ҳар томонлама комплекс тарбияни амалга ошириш.

5. Тарбияда ижобий шахсий намуна-ибрат кўрсатиш методларидан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти қандай?

- a) намуна-ибрат онглиликни, ижобий фаолликни ва мустақилликни рағбатлантиришдир;
- b) одоб-ахлоқ қоидаларини ўзлаштириш;
- c) ахлоқий ҳислатларни ҳосил қилиш;
- d) тақлидчилик;
- e) b, d.

7. Тақлид нима?

- а) теварак-атрофидаги киши ҳулқ-атворини, юриш туришларини онгли ёки ихтиёрсиз равишда такрорлаш демакдир;
б) одоб-ахлоқсиз қоидаларини ўзлаштириш;
с) ахлоқий тасаввурларни ҳосил қилиш;
д) ижобий ҳулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларга тақлид қилиш;
е) а, б, с, д.

8. Рағбатлантириш методининг қандай турлари мавжуд?

- а) маъқуллаш;
б) кўнглини кўтариш ва далда бериш;
с) ишонч билдириш ва ишонч;
д) қайд этиш, мақташ, мукофотлаш;
е) а, б, с, д.

**9. Ўқувчи-талабаларга нисбатан жазо чораларини қўл-
лашда қандай педагогик талабларга амал қилиш керак?**

- а) жазонинг ҳаққонийлиги;
б) жазо айбдорни тарбиялаши;
с) айбдор нима учун жазо олаётганини билиши;
д) пўписа ва койишнинг сабабини билиши;
е) а, б, с.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Тарбия методларининг мақсади ва мазмуни тўғрисида умумий тушунча беринг?

№	ТММ ва МТУТ	Тушунча

2. Ижтимоий онғни ва ижтимоий ахлоқни шакллантириш методларини тушунтириб беринг.

№	ИО ва ИАГИМ	Тушунча

3. Тарбияда намуна-ибрат методининг тутган ўрнини тушунтириб беринг.

№	ТНИМТУ	Тушунча

4. Рағбатлантириш методининг қандай турлари мавжуд?

№	РМҚТМ	Тушунча

5. Жазолаш методи ва унинг турларини тушунтириб беринг?

№	ЖМ ва УТ	Тушунча

6. Ўз-ўзини тарбиялаш методларини тушунтириб беринг.

№	УУТМ	Тушунча

VIII Боб. ТАРБИЯ ТУРЛАРИ (ШАКЛЛАРИ)ГА УМУМИЙ ТАСНИФ

Баркамол шахс тарбияси узоқ ва узлуксиз давом этадиган мураккаб жараёндир. Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида шахс тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилганлиги тарихдан маълум ва бугунги кунда ҳам бу масала мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кутарилган бўлиб, улар ёшларнинг фаровон ҳаёти ва турмуш тарзи, озодлиги, саломатлигига ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳиятининг юксалишига қаратилган. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб то ҳозирги кунгача *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов бир қатор асарларида ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслиги ва Ўзбекистоннинг келажаги буюклиги ҳамда жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгилашиши ва ривожланишининг асосий негизларини, кенг ёритиб берар экан, энг асосий вазифа қилиб миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, ёш авлоднинг маънавиятини ва дунёқарашини миллий қадриятлар орқали шакллантириш лозимлигини алоҳида таъкидлайди:* “Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!

Маънавий ва ахлоқий юксалиш, ишонч, инсоф, диёнат, орномус, меҳр-оқибат ва шу каби чннакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминиди тарбия ётади....

Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади”¹.

Демак, жамият тараққиётида тарбия масаласи энг муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этилади. Бунга бизнинг маънавий ва маърифий асосларимиз ҳам етарли. Фикримизнинг исботи сифатида турли даврлардаги халқимиз буюк сиймоларининг тарбия хусусиядаги пурмаъно фикрларидан мисоллар келтириб утамиз:

¹ И. А. Каримов. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Т.: «Шарқ», 1998, 15-бет; Баркамол авлод орзуси. Т.: «Шарқ» НМКБТ. 1999й. 40-81-бетлар.

Абу Наср Форобий: «Инсоннинг ахлоқий ҳислатларини шакллантириш асосан тарбия ва тарбиячининг, билимдон муаллимнинг вазифасидир».

Абдулла Авлоний: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир».

Албатта билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда биз тарбиянинг мақсади – ўсиб-улғайиб келаётган ёш авлодни бунёдкор, баркамол шахс қилиб вояга етказишдир. Бундай умуминсоний ғоялар асосида бугунги кунда Ўзбекистонда миллий истиқлол руҳида баркамол шахсни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг замон талабларига мос баркамол инсон бўлиб шаклланишлари учун ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий турлари (шакллари) – *ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий тарбия* ва бошқа тарбия турларини ташкил этишга нисбатан янгича нуқтаи назардан ёндашиш, уларнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш энг муҳим ва долзарб вазифалардир. Қуйида биз тарбия турларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

* * *

8.1. ОИЛА ТАРБИЯСИ

Инсоният тарихида оиланинг ўрни қанчалик аҳамиятли бўлса, миллатимизнинг асл қадриятлари қарор топиши, такомиллашуви ва сақланиб қолишида ота-она, фарзандлардан иборат ўзига хос жамоанинг таъсири бундан ҳам муҳимроқ.

Шу ўринда бу жараён тўғрисида Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 29 августда) сўзлаган нутқидаги ибратли фикрларини келтириш жоиздир: “Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оиллага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади”¹.

Зеро, ҳар қандай жамиятда оила бирламчи ижтимоий бугин ҳисобланади. Бинобарин, ана шу жамиятдаги барча муносабатлар, қадриятлар ва анъаналар муайян даражада оиллага бориб боғланади. *Оила индивидни, яъни янги инсонни вояга етказадиган*

¹ Баркамол авлод орзуси. Т: «Шарқ». НМКБТ. 1999. 8-бет

муқаддас қўрғон бўлганлиги учун жамиятдаги маънавий-ахлоқий мафкуравий муҳитнинг соғломлигида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун миллий мафкурамиз асосини белгилаб берган Президентимиз асарлари асосида тайёрланган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида берилган таърифда оиланинг ижтимоий аҳамияти бекиёс экани таъкидланади: “Оила мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила-жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади”¹.

Кишилиқ тарихи шундан далолат берадики, халқнинг юксак маънавиятини белгилайдиган, маънавиятнинг гуллаб-яшнаб, жамиятда сиёсий барқарорлик мустаҳкамланишига хизмат қиладиган ғоя ва қарашлар, ахлоқий меъёрлар, аввало, оилада шакллана бошлайди. Улар таъсирида инсон жамият билан фаол муносабатга киришади, одамлар билан ўзаро ёрдам, ҳамжихатлик муносабатларини ўрнатади. Шу боис замонавий оила жамият гуллаб-яшнашининг субъекти сифатида баҳоланиши лозим. Бунинг учун юқорида зикр этилган рисолада “халқимиз учун муқаддас бўлган қўрғон, маънавийт бешиги бўлган оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш”² зарурлиги таъкидланади. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароитида оила имкониятларини миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантиришга, айниқса, ёш авлодни юксак маънавият, ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига сафарбар этиш жуда муҳимдир.

Демак, оилада инсон камолоти учун энг муҳим бўлган омилларнинг барчаси мавжуд. Яъни оилада соғлом муҳит бор, у ўзининг маънавий таянчларига эга, бошқача айтганда, яхшилиқ ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузликнинг фарқини англатиб турадиган қадриятлар мавжуд. Шунингдек, оилада дўстлик, иноқлик, меҳроқибат, устоз-шогирдлик муҳити бор. Бу ерда ҳамма бир-бирига таянч ва суянч бўлади. Ҳамма бир-бирини қадрлайди. Жамиятдаги анъанавийлик ва ворисийлик тамойиллари ҳам, аввало, оиладаги анъанавийлик ва ворисийлик тамойиллари негизида ривожланади.

¹ Миллий истиқлол ғояси. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 66-бет.

² Миллий истиқлол ғояси. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 33-бет.



Умуман айтганда, Ўз келажагини ўйлаган, улкан мақсадлар сари интилиб яшайдиган ҳар қандай жамият оила мустақкамлигига эътибор беради, оила ҳақида қайғуради. Шунинг учун истиқлол йилларида Президентимиз томонидан ҳар йили ҳаётимизнинг устувор йўналиши белгиланиб, унга махсус ном берилиши, алоҳида давлат дастурлари қабул қилиниб, амалга оширилаётгани оиланинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Чунончи, 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили», 2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили”, 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили», 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши ҳамда бу йилларнинг ҳар бири бўйича махсус давлат дастурларининг қабул қилиниб, оила, соғлом ва баркамол авлод, оиланинг мустақкам ва барқарор бўлиши тўғрисида амалга оширилаётган тадбирлар ғамхўрликнинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, оила жамиятнинг кичик ячейкаси сифатида соғлом ва барқарор бўлса, жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. *Юртбошимиз ибораси билан айтганда: «Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустақкам экан – мамлакат барқарордир».*

Зеро, ҳар қандай давлатнинг мустақкам бўлиши ва тараққиёт этишининг биринчи шarti – ақл-идроки мукамал, маънавий-ахлоқий жиҳатидан етук, руҳи тетик, ўзининг фуқаролик бурчи ва масъулиятини тула англаб етган соғлом авлодни шакллантириш билан боғлиқдир. Чунки инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни ва кучли фуқаролик жамиятини фақат соғлом насл, жисмонан бақувват, мард, жасур, руҳан ва фикран соғлом авлодгина қура олади.

Маълумки миллий истиқлол ғояси ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашни назарда тутди. Шунинг учун қарамлик ва мутелик туйғуларидан ҳоли бўлган. Ҳар хил шаклдаги ақидапарастлик оқимларига учрамайдиган баркамол инсонни тарбиялашни бош вазифа қилиб қўяди. Шу маънода миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойилларини оила муҳитида ёшлар қалби ва онгига сингдириш инсонни, баркамол авлодни вояга етказиш тарзида амалга ошади. Чунки инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этадиган илк тасаввур ҳам, илк ҳаётий қуникмалар ҳам, дунёқараш ва эътиқод ҳам, маънавият ва мафкура

асослари ҳам оилада шаклланади. Шу боис, ҳар бир усиб келаётган ёш авлод комил инсон деганда, аввало, ўзининг ота-онасини тушунади. Чунки ота-она фарзанд учун яхшилик ва эзгулик рамзи бўлиб қолади. Ҳар қандай ғоя ва мафқуранинг вазифаси эса ёшларни бирор бир мақсад замиридаги яхшилик ва эзгуликка ишонтириш орқали фаол ҳаракатга келтиришдир. Бундан ташқари, миллий истиқлол ғояси тизимидаги энг муқаддас тушунчалар ҳам аввало оилада шаклланади. Бу жиҳатдан айниқса, Президентимизнинг куйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: “Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафқура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафқура ярата олмаймиз”¹.

Чунки оилада аҳиллик, тотувлик, файз-барака устувор бўлса, жамиятда ҳам тинчлик хотиржамликка ва фаровонликка эришилади, шу боис бизда оила устуни-аёлга бўлган буюк эътибор қадим-қадимдан ўзига хос анъана саналган. Шунинг учун муқаддас ҳадисларда “Жаннат-оналар оёғи остидадир” дейилган. Халқимиз бу фикрни янада ривожлантириб, “Она рози-худо рози” дея онани улуғлаши бежиз эмас. Чунки “Она” эндигина тилга кира бошлаган гўдакнинг илк сўзи. Бу сўз умрбод унинг тилидан ва дилидан тушмайди. Инсоннинг бошига қайғу-ғам, азоб-уқубат тушган ночор аҳволда қолган чоғларида унинг лаблари беихтиёр: “Она! Онажон!” дея шивирлайди. Мурғак инсон қалбини ёритувчи нур онанинг меҳр-муҳаббати тўла кўзидан болага ўтади.

Халқимиз инсон қалбига энг яқин бўлган нарсаларни «Она» номи билан боғлаган. Биз Ватанга бўлган самимий олийжаноб туйғумизни ифодалаганда, “Она – Ватан”, деймиз. Халқ шоирона тўкилган ёрқин ибораларда онани барча эзгуликларнинг, болалар қувончи ва бахтининг манбаи деб атайди.

“Кўёш танни иситар, она қалбни”, “Она қалби офтобдан ҳам иссиқ”, “Халқ онани табиатнинг баҳор фаслига ўхшатади”, “Баҳор келса қушлар сайрар, бола билан она яйрар”, “Она билан бола-гул билан лола”. Фарзанднинг дунёга келиши она ҳаётида бамисоли баҳорнинг юз очишидир.

¹ Ислоҳ Қаримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т: «Ўзбекистон», 2000, 502-бет.

Халқ онани ҳақиқат тимсоли деб баҳолаган. Ҳақиқат она номи билан ифодаланади. Чинакам меҳр-оқибат, меҳрибонлик шу муқаддас сўз билан ҳамоҳангдир. “**Онани кўрғонинг**”, “**Онани бахт, саодатинг**”. Ҳа, она бола учун чинакам меҳр-оқибат, меҳрибонлик ижодкори ўз боласи учун ҳавф-хатардан асровчи чинакам кўрғон, фалокат, кўнгулсиз ҳодисалардан асровчи қалқон. Бу каби нозик, инсонийликнинг асосини ташкил этувчи ҳислар она сути, алласи ва меҳри орқали болага, бола орқали одамга, жамиятга сингади.

Таниқли шоир Собир Абдулла ёзганидек:

Она алласидек сермазмун дoston,

Шoир кўлидан келмас мутлақo.

Алла орқали ёш гўдак жисмига сингадиган меҳр энг гўзал инсоний туйғу ҳисобланади. Она олам куёшидек, она меҳри гўдак қалбини иситади, фикр ва ҳис уйғотади. Илк ахлоқий хатти-ҳаракатлар ҳосил қилади. Ёш гўдак тетапоя қадамлар ташлаб юра бошлаганда, она уни биринчи марта бой табиат оламига етаклаб, унга дастлабки ҳаёт сабоғини беради. Болани гўзалликни севишга, ёмон нарсалардан нафратланишга ўргатади. Она фақат гўдаклик даврида эмас, балки ўз фарзандини бутун ҳаёт йўлини белгилайди. Унинг ҳаёт сўқмоқларидан ташлайдиган ҳар бир қадамини чин қалбдан қувонч ва ташвишлар билан тўлқинлантиради. Улуғ шоир Ғафур Ғуломнинг ушбу сатрлари онага юксак эҳтиром тарзида пайдо бўлгани бежиз эмас:

Онам деганимда, оқ соч, жафокаш

Мунис ва меҳрибон чехранг намоён.

Оилада кишилар, энг аввало, маънавий бир-бирларига яқинлик, руҳий ҳимоя, энг эзгу туйғулар асосида бирлашадиларки, булар инсон ҳаётининг маъносини ташкил этади. Оила кишининг шахсий бахти, уни ўз-ўзидан кўпайиши ва тарбиясини таъминлаш билан бирга, ўзаро ёрдам ҳамда ахлоқий масъулият воситасида ўз мақсадини амалга оширади. Бу муносабатлар тор оила муносабатлари доирасидан чиқиб, жамият, қолаверса, инсоният учун ижтимоий, нафақат ижтимоий, балки иқтисодий, сиёсий моҳият касб этади.

Халқимиз отани надари бузруквор, онани эса волидан муҳтарама деб эъзозлайди. Бунинг боиси шуки, ҳар бир инсон учун отадан улуғ ва қадрли, онадек меҳрибон ва яқин киши йўқ. Улар фарзандни дунёга келтириб, асраб, вояга етказишдан

ташқари, ҳамма вақт куёш каби ҳаётимизда нур сочиб турадилар.
Ҳазрат Алишер Навоий ёзганларидек:

**Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.
Туну кунингга айлагали нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин куёш.**

Шу боисдан ота-онага ҳурматдек муқаддас туйғу бизнинг жисми қонимизга ота меҳри ва она сути билан сингади. Буни назарда тутиб, Президентимиз Ислоҳ Каримов “Агар дунёда энг мураккаб шу билан бирга энг масъулиятли касб нима деб сўрашса ота-оналик, мураббийлик, деб айтган булардим. Мендан энг катта бойлик нима, деб сўрашса, билимли, ақлли, одобли, эртанги кунини ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги, деб айтган бўлур эдим” деб таъкидлаганлар.

Миллий қадриятларимиз бўлиши Куръоннинг 16 сураси, 72 оятида, шунингдек, жуда кўп Ҳадиси шарифларда, оила, она-бола, оилада бола тарбияси, никоҳ ва эр-хотин муносабатлари, оилада ота-онанинг ўрни, ота-она билан фарзанд муносабатлари ҳақида жуда қимматли фикрлар баён қилинган.

Ҳадисларда “Отага итоат қилиш- Оллоҳга итоат қилишдир. Отага осий бўлиш-Оллоҳга осий бўлишдир”, дейилади. Бунинг маъноси шуки, фарзанд нафақат ота-она ҳурматини бажо келтириши, балки бошқалар билан ҳам иззат-ҳурматда бўлиши лозим. Фарзанд ота-она ҳурматини бошқалар билан тенг тутиши лозим. Шу боис, Ҳадисда: “Одамлар билан мурося қилиш садақа” сифатида талқин қилиниши бежиз эмас.

Инсоннинг одоби ақл заковати ахлоқининг ажралмас қисми сифатида эзгулик, яхшиликка хизмат қилиши лозим. Фарзандга бу ҳислатлар ота-онадан ўтади. Шунинг учун ота-она фарзандини баркамол инсон қилиб тарбиялаши унинг мусулмонлик бурчи сифатида фарз қилингандир. Бунда баркамоллик тимсолини фарзанд, энг аввало, ўз ота-онасида куриши керак. Ота-онанинг ибрат намунаси жуда кучли тарбиявий таъсирга эгаки, уни бошқа тар-биявий тадбирлар, усул ва воситалар билан алмаштириб бўлмайди. Ота-она ўз фарзандига яхши хулқдан қимматли мерос қолдира олмайди, деганлар пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи вассаллам, одоб кишига қониқиш келтиради. Бу эса фарзандининг бахтли бўлиши учун заминдир. Бахтли бўлиш учун яхши кишилардан иборат, намуна олиш керак. Бахтли фарзанд ота-

онасига, умуман кишиларга маънавий, рухий жиҳатида қониқиш келтиради, ўзининг яхши ҳулқ-одоби билан яхши амаллар қилади. Кишиларга яхши-лик қилган мўмин худонинг севимли бандаси ҳисобланади. **“Оллоҳ таолло бандалари ичида севимлиси онла аъзоларига манфаати кўп тегадиган кишидир”, дейилади Ҳадисда.**

Ислом таълимотида раҳмдиллик, меҳрибонлик, шафқат, ғамхўрлик, мурувват, саҳийлик каби инсоний сифатлар, ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Инсон ўзининг намунали ҳулқ-одоби билан гўзалдир. Бунинг учун у, энг аввало, ўзига талабчан бўлиши керак. Ўзининг яшаши, хуш ҳулқи билан атрофдагиларга қулайлик яратиши лозим.

Яхши ҳулқ-одоб, яхшилик бахт келтиради. Шунинг учун кишилар яшашда ўзаро кечиримли бўлишлари, чақимчиликдан йироқ бўлишлари лозим. *Қуръоннинг “Ан Кабут” сураси 8-оятда:* **“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. (яъни, ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир)”**, дейилган. Жуда кўп Ҳадисларда ҳам ота-онанинг фарзанд учун қолдирадиган энг катта мероси яхши ҳулқ-одоби эканлиги бот-бот айтилган. Бундан кўринадики, фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши, ҳам қарз, ҳам фарз экан.

Айниқса, онага ҳурмат, унга яхшилик қилиш кўп чандондир. Имом Исмоил ал-Бухорий ёзадилар: *“Бир одам Расулulloҳ Саллоллоҳу алайҳи вассалам ҳузурига келиб: Ё Расулulloҳ менинг яхши муомала қилмогимга ким ҳаққидир?” деб тўрт марта такрор ва такрор сўради. Шунда Жаноби Расулulloҳ тўрт марта “Онанг!” деб айтдилар. У бешинчи марта “Яна ким?” деб сўради? Жаноби Расулulloҳ: “Отанг” деб жавоб қилдилар*. Демак, ҳар бир фарзанд ўз ота-онасини ҳурмат қилиши орқали бошқаларни, қавм, қариндошларини ва умуман, инсонларни иззат-ҳурмат қилиб, хушҳулқ, хушодоб бўлиб яшамоғи лозим.

Ўз навбатида ота-она ҳам, фарзанд олдида жуда катта масъулиятга эга. Фарзандни дунёга келтириш кифоя эмас, балки унинг тарбияси билан шуғулланиши шарт. Ота-она, катталар бола тарбиясига масъул эканлар, бунда улар болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олишлари лозим. Кимнингки, ёш боласи бўлса, унга болаларча муомала қилсин дейдилар Пайғамбаримиз ўз Ҳадисларида. Бунда кўпроқ масъулият онага юклангандир. Бунинг сабаби

шуки, ота кўпроқ оилани моддий жиҳатдан таъминлаш, яхши ибрат намунаси, хушхулқи билан таъсир кўрсатса, она доимо бола билан бирга бўлиб, унинг тарбияси билан кўпроқ машғул бўлади. Дунёдаги яхшилик, диёнат, хушхулқ кўп жиҳатдан она ва бола тарбиясига боғлиқдир.

Демак, оналар оилада интизомни таъминлайдилар. Улар сабр-тоқатли, ифбатли, назорату қаноатли, хусну тароватли, меҳру мурувватли, садоқатли, вафодор бўлишлари лозим. Бу фазилатларга эга бўлган ақлли она оила тинчлигини таъминлаб ҳар жиҳатдан жаҳлдор эрни ҳам инсофга келтира олади. Она оила тинчлигини, сарамжонлигининг таянчидир. Зеро, оналарнинг жамият олдидаги буюк хизматлари ўз фарзандларини тўғри, яхши одоб-ахлоқли, оқилона тарбия қилишдир.

Юқоридагилардан аён бўладики, оила тарбия ўчоғи ва жамият негизи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам “жамият” ва “оила” тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик жамиятнинг оилаларсиз мавжуд бўлмаслиги ҳамда ўз навбатида оиланинг маълум бир жамиятда вужудга келиши ва яшовчанлигида кўринади. Ўзбек оиласи ўзида кўп асрлик мустаҳкам маънавий қадриятларимиз равнақ топадиган шундай масканки, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги жамиятимиз ривожининг муҳим омилларидан биридир. Бу ҳақда Юртбошимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай ёзади: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оилада шаклланади”¹.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан “Оила” концепциясини яратилиши, “Она ва бола” Давлат дастурининг қабул қилиниши, 1998 йил “Оила йили” деб эълон қилиниши ва шу йилнинг ўзида Оила кодексининг қабул қилиниши, мамлакатимизда илк бор “Оила” илмий-амалий марказининг ташкил этилиши оилани, оила ва никоҳни қадрият сифатида муқаддаслигини эъзозлашга, она ва болани ижтимоий муҳофаза қилишга, оилани мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлашга, оила аъзоларининг иқтисодий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар

¹ Ислам Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: «Маънавият», 2008, 52-бет.

том маънода юртимизда оила ва фарзандлар камолоти ҳукуматнинг доимий ғамхўрлигида эканлигидан далолатдир.

Демак, оила ва жамият – моҳиятан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, оилада жамиятнинг туб моҳияти ва муаммолари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам оилани кичик жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни узлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Баркамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади.

Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавий соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар аввало, оила қадриятларини энг илгор анъаналарини тиклашга қаратилгандир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 63-моддасидаги “**Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга**”¹ деган қоидада давлатнинг оилага муносабати ўз ифодасини топган.

Оила ва жамиятда оилавий тарбиянинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат: *оила, маҳалла ва тарбиявий муассасалар билан ҳамкорликда болани ҳаётга, жамиятдаги фаол меҳнатга тайёрлаш, унга ақлий, ахлоқий, меҳнат, жисмоний, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий, ватанпарварлик тарбияси бериш.*

Бинобарин, боғча ва мактаб давлатнинг таълим –тарбия муассасаси сифатида оилавий тарбияга катта таъсир кўрсатади. Шунга кўра ҳар бир ота-она маҳалла, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда болаларининг таълим-тарбияси билан шуғулланишлари шарт. Жамият тараққиётининг ривожини ва оила барқарорлигини ота-оналар ва болаларнинг ўзаро меҳр-муҳаббатига асосланган муносабатлар бола шахси тарбиясида муҳим омилдир. Зеро, бола шахси, табиати, ҳулқ-атвори, одати, иродаси, тасаввури ва дунёқарашининг таркиб топиши оила ва жамият талабларидан бошланади.

Шундай экан, бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини кўради, жамият талабларини дастлаб шу кичик жамоа орасида англайди. Мана шунинг учун ҳам ёш авлодни тарбиялаш ишида мактабгача таълим муассасаси

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т.: «Ўзбекистон», 2008, 244-бет.

тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари, маҳалла ва жамоатчилик оилага суянмаслиги мумкин эмас.

Оилавий тарбияга комплекс ёндашишни ҳисобга олиб оилада асосий эътиборни ахлоқий ва меҳнат тарбияси, болаларни эстетик ва жисмоний ривожлантириш масалаларини ҳал қилишга қаратиш лозим.

Оилавий тарбияда мазмунли суҳбатлар, мулоқот, баҳс-мунозара, эртақлар ва ҳикоялар айтиб бериш услубларидан фойдаланиш болаларда инсонпарварлик, раҳмдиллик эътиборлилик, ҳамдардлик, қайғудошлик, мулоқот маданияти, назокат, лабз, яъни сўзнинг устидан чиқиш, ҳозиржавоблик, миннатдорчилик туйғулари шаклланади. Ва аксинча, худди шу оилавий муносабатларда уларнинг услублари ва анъаналарига боғлиқ равишда худбинлик, тошюрақлик, катталарга ҳурматсизлик, атрофдагилар эҳтиёжига эътиборсизлик, ўсмирнинг масъулиятсизлиги, бераҳмлик, сурбетлик, кўполлик, худбинлик, индивидуализм, ётсираш, одамовилик ва бошқа салбий хусусиятлар ривожланади. Бироқ оилада болаларнинг кўпчилик бўлиши эса уларнинг ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб шаклланишларига яхши шарт-шароит яратади ва одоб-ахлоқида салбий хусусиятларнинг пайдо бўлишига имконият қолдирмайди. Оила шарт-шароитида ва муҳитида буларнинг ҳаммаси ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзоларининг шахсий намунаси таъсири билан боғлиқдир.

Оилада болалар билан биргаликда мусиқа тинглаш, ашула айтиш, расм чизиш, рақсга тушиш, бадиий адабиётларни ўқиш, спектакль ва кинофильмларни кўриб муҳокама этиш уларнинг эстетик дидини, тасаввурлари, ҳиссиёти ва идеалларини, ҳуқуқи ва кўникмаларини ривожланишига ёрдам беради.

Оилада тарбиянинг энг муҳим йўналишларидан бири болаларнинг жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиб вояга етишида меҳнат тарбиясининг аҳамияти каттадир. Меҳнат тарбиясида ота-оналарнинг ўзларининг ва оиланинг бошқа аъзоларининг меҳнатга ҳалол ва виждонан ёндашишлари катта тарбиявий таъсир кўрсатади. Шу боис оилада мустақил равишда айрим юмушларнинг ҳамжиҳатликка асосланган ҳолда бажарилишига эришиш катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Ҳақиқатан ҳам оилада ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил этишда ота-оналарнинг шахсий намунаси, ака-опалар ва укалар ибрати, шунингдек, уларнинг ҳамжиҳатликда ишлашлари катта

тарбиявий кучга эгадир. Бунда болаларнинг ёши, ривожланиш даражаси, жисмоний қувватига мувофиқ юмушларни тақсимлаб берилиши, берилган топшириқларнинг бажарилишини, уларнинг сифатини катталар томонидан назорат қилиб туриш, бажарилган топшириқларнинг ҳаққоний рағбатлантирилиши ёшларнинг меҳнатга бўлган ҳавасини оширади, уларда ўз кучига ишончини юзага келтиради.

Таъкидлаш лозимки, миллий тарбия ошадан бошланади. Маҳалла ва узлуксиз таълим тизимида эса у давом эттирилади. Миллий тарбия - Ўзбекистон мустақиллигининг педагогик мақсади ва шартидир. Бунинг мазмун-моҳияти қуйдагилардан иборатдир:

- миллий қадриятлар асосида олиб борилувчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият;

- умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетақрор шакли;

- халқ ва унинг маданиятини сақлаб қолиш, тиклаш ва ривожлантириш (ЮНЕСКО тамойили) воситаси;

- Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мақсад, вазифа ва тамойилларининг таркибий қисми;

- турли миллатлар болаларини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнининг хусусий, маънавий манбаи;

- ўқувчи-талабаларни ахлоқий, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, гўзаллик, иқтисодий экологик ва бошқа йўналишларда тарбиялашнинг бош тамойили;

- миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялаш ва бунинг натижасида Ўзбекистонда умумфуқаровий тотувликка эришишнинг инсонпарварлик йўли ва воситаси;

- ижтимоий тарбия ва узлуксиз таълим - тарбия уйғунлигининг педагогик шarti;

- инсониятни умумбашарий уйғунликка олиб боришнинг педагогик йўли;

- ижтимоий-маънавий жабҳада миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик объекти ва воситаси;

- ўқувчи-талабаларда миллий (авто ва гетеро) стеротипларни мақсадли шакллантириш, маънавий, бойитиш жараёни эканлиги шундан далолат беради.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилувчи миллий тарбиянинг мақсади - халқимиз, Президентимиз, миллий истиқлол

мафкурасининг ёш авлод муайян фазилатларни шакллантиришга қаратилган ижтимоий буюртмасини ўрганиш, аниқлаш ва амалга оширишни илмий-педагогик жиҳатдан таъминлашдир. Миллий истиқлол шароитида ижтимоий ҳаётни, мафкуравий педагогик заруратни, Ўзбекистон ҳукумати, Президенти томонидан миллий тараққиёт учун долзарблиги эътироф қилинаётган инсоний фазилатларни ўрганиб умумлаштириш миллий тарбиянинг асосий йўналишларини белгилаш имконини беради. Натижада, Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-талабаларнинг миллий туйғуларига ўзбек халқининг миллий удум ва одатларига боғлиқ бўлган миллий ғурур ва ифтихорни, миллатлараро мулоқот маданиятини, ватанпарварликни, иймон-этиқодни, виждонийликни, миллий одобни ва миллий мафкуравий онглиликни шакллантириш; шунингдек, буларнинг акси бўлган салбий сифатлар: миллий бепарқлик, ватанфурушлик, хонлик, манқуртлик, миллатчилик, маҳаллийчилик, виждонсизлик, мафкурасизликка нафрат уйғотиш каби вазифа (тарбиявий иш)ларни бир-бир билан узвий боғлаб олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Миллий тарбия ўқувчи – талабалар шахсини шакллантиришда миллий маданий мерос ва қадриятлардан фойдаланиш асосида ҳар бир шахснинг маънавиятига ўзига хос миллий йўналиш беришга ҳаракат қилишдир.

Жамият тараққиётининг барча даврларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида белгиланади. “Биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак, - деб таъкидлайди Ислом Каримов, - соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломлик эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий гоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз”. (“Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”.-Т.; “Ўзбекистон”, 1992, 28-бет).

Шундай қилиб, соғлом ва одоб-ахлоқли, руҳий етук, маънавиятли, маърифатли ёшларсиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишни тасаввур қилиш қийин. Бундай баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиш эса фақатгина оиладаги муносабатлар ва тарбиянинг тўғри шакллانганлиги билан эришиш мумкин. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, оила тарбиясини ташкил этиш ва баркамол шахсни тарбиялашда оилада ота-оналар, маҳалла ва

таълим муассасалари ўртасида ташкил этилган ҳамкорлик ниҳоятда муҳимдир. Шундагина Ватанга фидойи, содиқ, эътиқоди мустаҳкам, жамият олдидаги масъулиятни ҳис этадиган, мустақил фикрга эга шахсни камолга етказиш мумкин.

8.2. АҚЛИЙ ТАРБИЯ

Бинобарин, фарзанд дунёга келар экан, унинг ҳар томонлама камол топиши, камолот пиллаояларига қадам қўя билиши учун бирламчи ва асосий заминга илк гиштлар айнан оилада қўйилади¹.

Хуш боланинг интеллекти, яъни ақлий ривожланишида, унинг ақлий тарбиясида оиланинг, оиладаги муҳитнинг ўрни ва таъсири қандай?

Маълумки, бола интеллектининг жадал ривожланиши унинг 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврига тўғри келади, ирсий кўникмаларининг ривожланиши 4-6 ёшда сезиларли бўлади. Айнан шу даврда болага бўлган муносабат бирмунча алоҳида бўлши, унинг ҳар бир ижодий ҳаракати рағбатлантирилиши, саволларига батафсил ва қониқарли жавоб олиши, мулоқотнинг бирмунча чуқурлашиши бевосита бола тафаккурининг ривожланишига ижобий таъсир қилиши, бунинг оқибатида унда ижобий ва салбий кўникма ва малакалар шаклланиб бориши сезилади. Бу даврда болада тақлид қилишга мойиллик жуда кучли бўлиб боради. Албатта, бола интеллекти ривожда бола ва катталарнинг мулоқоти ҳамда биргаликдаги фаолиятида амалга ошириладиган “**руҳий рағбатлантириш**” ҳал қилувчи омил бўлиши педагог ва психологлар томонидан тан олинади.

Сир эмаски, асосий ҳолларда 4-6 ёшдаги болалар деярли кўп вақтларини боғчада ўтказадилар. Боғчада 10 дан ортиқ бола билан катталар ўртасидаги мулоқотнинг минимал даражасига тушишига олиб келади. Натижада, боғча болалари бевосита, доимий оилада тарбияланаётган тенгдошларидан ақлий ва сезги – ҳаракатлар ривожланиши жиҳатидан бирмунча қолақроқ бўлишини мангикан англаш қийин эмас. Бу фикр билан боғча тарбиячисини мутлақо инкор этмоқчи ёки уни бирор даражада бўлсин, танқид қилмоқчи эмасмиз. Холис мақсадимиз шуки, боланинг айни тақлидчиликка бениҳоя мойил бўлган, шу йўл билан дунёни билишдан ҳузурланадиган бу даврида боғчадан ташқари вақтларида у билан ота-она

¹ Баркамол авлод орзуси. «Шарк» НМКБТ, 1999. 8-бет.

ва ака-опалар мулоқотини максимал даражага кутариш, мунтазам-лаштириш ҳар бир оила учун зарур эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Масаланинг кейинги бир томони ҳам мавжудки, у ҳам бўлса, бола туғма ақли, иқтидорли, тафаккури кенг, ўткир бўлиши ҳам мумкин. Аммо, бу боланинг етук комиллик сари кутарилишига кафолот бўла олмайди, чунки оиладаги номуносиб муҳит бу туғма иқтидорнинг ривожланмасдан қолиб кетишига олиб келади. Болани етук инсон даражасига кутариш учун бу унинг ақлини, салоҳиятини, иқтидорини ва тафаккурини тарбиялаш ва ривожлантириш зарур. Шундан бола шахс сифатида теран фикрлаши ва албатта, тафаккури мустақил, ижодкор шахс бўлиб етишиши мумкин.

Психолог олим В.Н.Дружининнинг таъкидлашича, АҚШ олимларининг тадқиқот натижаларига кўра, ота-оналарнинг билим доираси, уларнинг фикрлаш даражаси боланинг ақлий қобилятининг ўсиши ёки пасайишини белгиловчи омиллардан биридир¹. Оиланинг ҳар бир аъзоси, ота-оналар ҳам, болалар ҳам, муайян интеллектуал савияга эга. Ҳар бир оила аъзоси бутун оилага ва оила ўзининг ҳар бир аъзосига таъсир этади. Айтиш мумкинки, фарзандларнинг ақлий тарбиясида оиладаги умумий интеллектуал савиянинг юксалиши учун зарурий шароитларни юзага келтириш бениҳоя муҳим.

Боланинг тўқис ақлий ривожланиши учун зарур бўлган оилавий муҳитни маънавий-маърифий савия ва тегишли тажрибага эга, мустақил фикрли, дунёқараши кенг, миллий анъана ва қадриятлардан бохабар ота-оналаргина яратиб бера оладилар.

Руҳият билимдонларидан бири **“Агар болангиз сиз билан сирлашса, бу сизнинг бахтингиз ва ютуғингиз мевасидир”**, - деб бежиз таъкидламаган. Бола ҳар қандай мавзуда ўз фикри, таассуротлари билан ўртоқлашар экан, ота-оналар бу фикрларга бефарқ бўлмасдан, унга тўғри йўл кўрсатган ҳолда, асосли фикр билан жавоб қайтариши керак. Бу билан биз боланинг носоглом муҳитга кириб қолишидан асраймиз, чунки оилавий муҳитдан қониққан бола кейинги пайдо бўлган ҳар қандай саволига жавоб топши учун яна ўша оилага, яъни ота-онага мурожаат қилади. Ота-она билан ўз муаммолари, ютуқлари ҳақида эркин фикрлаша оладиган, ўртоқлаша оладиган боладагина мустақил фикрлаш

¹ Дружинин В.Н. Психология общих способностей. СПб.: Питер, 1999, 96-бет.

шакллана боради. Бу эса бевосита унинг интеллектуал ўсишига хизмат қилади. Акс ҳолда, ўсиб, ривожланиб келаётган болада ҳаётдан қониқмасдан, турли жамият манфаатларига зид бўлган оқимларга қўшилиб қолиши эҳтимоли ортади.

Оилада боланинг интеллекти, яъни ақлий ривожланишига таъсир қилувчи омиллардан яна бири сифатида фарзандлар ёши ўртасидаги фарқ даражасига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Зеро, оилада болаларнинг эрта, яъни уч ёшгача бўлган ораликда туғилиши улар интеллекти ривожига салбий 4 ёшдан 9 ёшгача ораликда туғилиши ижобий таъсир қилади.

Одатда, оилада кейинги (иккинчи) фарзанд дунёга келганда, олдинги (биринчи) “*эркатой*”га бўлган эътибор бирмунча пасаяди. Бунда эътибордан четда қолган боланинг ақлий ривожланиш суръати сусаяди. Бола 3 ёшгача бўлган даврда ўзига бўлган эътиборнинг бўлинишини огир “*ҳазм қилади*”, 4-9 ёшларга ўтганда эса мазкур эътибор “*тақчиллиги*” ни анчайин энгил қабул қилиши мумкин. Ота-онанинг педагогик-психологик билимларга эга бўлиши ва фарзандларига “*педагогик-психологик жиҳатдан тўғри ёндашиши*” бола характерида салбий (*худбинлик, қизганиш ва инжиқлик, ўжарлик, қайсарлик, рашк ва ҳаказо*) сифатларнинг шаклланишини олдини олади. Фарзандларнинг барчасини тенг кўриш, бир-биридан ажратмаслик борасида Пайгамбаримиз саллалоҳу алайҳи вассаллам “*Фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар*” деган Ҳадислари ҳам бежиз эмас. Ушбу Ҳадисда кийим ва таомларнинг баробар тақсимланиши билан бирга оила фарзандларининг турли феъл-атворга эга бўлиши ва шу сабабли уларга мувофиқ келадиган эътибор, меҳр ва ақлий тарбия бериш кераклиги ҳам назарда тутилган.

Биз учун аҳамиятсиздек бўлиб туюлган ушбу омиллар, аслида бола тарбиясида, унинг ақлий ривожланишида кўп нарсани белгилайди ва муҳим роль ўйнайди.

Ўсмирлик ўғил ва қиз болаларнинг (11-15 ёшида) балагатга етиш даври бўлиб, ўзига хос хусусияти билан шахс камолотининг бошқа погоналаридан кескин фарқланади. Зеро, ўсмирлик ёши тафаккури, дунёқараши, эътикод, нуқтаи назар, принцип ўзлигини англаш, баҳолаш ва ҳаказолар шаклланадиган давр ҳисобланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи-ёшлар катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасодифий, ихтиёрсиз орзу-истаклари билан ҳаракат

қилса, ўсмирлар ўз ақлий фаолиятини принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи-ёшларда эндигина ривожланиш босқичига кўтарилган *интеллект, яъни ақлий ўсиши* ўсмирлик даврида яна такомиллашади. Чунки ўқув фанларининг кўпайиши, ахборотлар тармоғининг кенгайиши уларнинг фикр юритишини жадаллаштиради. Таълим ва тарбия жараёнида уларда ўқув материалларини таҳлил (анализ) ва синтез қилиш, муаммоларнинг моҳиятига тушуниш жадал суръатлар билан ривожланади. Тафаккур ва илмий тушунчаларнинг кенгайиши интеллектуал кўшимча маълумотлар ва умумлаштиришлар билан бойитади.

Маълумки, ўсмир ўқувчи-ёшларнинг арифметикадан алгебрагача ўтиши умумлаштиришнинг юқори босқичига кўтарилганлигини билдиради. Бинобарин, мазкур ҳолатда мужассамлашган сонлар қайтадан мавҳумлаштирилади, олдин умумлаштирилган ва натижада *“мавҳумни мавҳумлаш”, “умумлашмани умумлаштириш”* деган илмий тушунчалар вужудга келади.

Ўсмир ўқувчи-ёшлар ўрганаётган фан асослари, аввало уларнинг *мавҳум тафаккурини, яъни ақлий фаолиятини ўстиришга қаратилади. Уларнинг ақлий фаолияти хусусиятларидан бири – мавҳум тафаккурнинг ривожланишидир. Таълим жараёнида анчагина мавҳум тушунчалар, масалан, математикада – нуқта, чизиқ, тенглик, икс, квадрат..., физикада – куч, солиштирма оғирлик, тезлик, ампер, вольт..., географияда – экватор, қутб, кенглик, узунлик..., тарихда – тоғ, тахт, ҳукмронлик, қул, давр, шахсий мулк, бойлик, фуқаролар, зодагонлар ва ҳаказолар вужудга келади.*

Ўсмирларнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири мустақил фикрлаш, *ақлнинг танқидийлиги* тез ривожланишидир. Бу эса кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардан фарқли ўларок, ўсмирларнинг ақлий фаолиятида янги давр бошланишини билдиради. *Ақлнинг танқидийлиги* айрим ҳолларда ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида *“англашилмовчилик ғови”* ни вужудга келтиради. Ақлнинг *“танқидийлиги”* ўсмир ўқувчи-ёшларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, кўпинча улар ўқитувчи ва ота-онанинг айрим айтганларига эътироз билдиришга, баҳоланишига, хато ва камчиликлар топишга интилиб, ўзгалар фикрини турли хил баҳоналар, сабаблар билан йўққа чиқаришга қаратилган бўлади.

Шу боис дастлабки даврда ўсмирларнинг нуқтаи назарини, мулоҳазаларидаги хатоларини, муваффақиятсизликларини ёмон-

лаш, иззат-нафсига тегиш мутлақо мумкин эмас. Акс ҳолда ўсмирларнинг *ақлий ўсишининг* ажойиб сифатлари барбод бўлади ва уларнинг ўзи жамият ҳамда табиат қонунларига, ҳолатларига бефарқ қарайдиган шахсга айланиб қолади.

Шунинг учун ўқитувчи ўсмир ўқувчи-ёшларнинг *ақлий-заковатини* тўғри ривожлантириш учун қуйидаги имкониятларни тўла ишга солиши лозим:

- ўсмирларга воқе-ҳодисалар моҳиятини тўғри таърифлашни, таҳлил қилишни, таққослашни, материалларни мавҳумлаштириш ва умумлаштиришни ўргатиш;

- мустақил равишда ҳукм ва хулоса чиқариш, мулоҳаза юритиш каби ақлнинг турли шаклларида фойдаланиш ўсмирларда ақлий фаолият кўникма ва малакаларини ўстиради;

- юқоридаги вазифаларни бажариш учун ўсмирлар олдида турли объектларни мустақил ҳолда таққослаш, улардаги ўхшаш ва тафовутли жиҳатларни топишни юклаш;

- ўсмирларнинг диққатини қуйидаги саволларга жавоб беришга қаратиш мақсадга мувофиқдир: *“Бу ҳолатда қандай умумийлик мавжуд?”*, *“ Ушбу нарсалар қайси белги ва жиҳатлари билан бири-биридан фарқланади?”*, *“Мазкур нарсалар ва ҳодисалар ўртасида қандай ўхшашлик белгиси бор?”* ва ҳаказолар.

Умуман, ўсмирларни ақлий жиҳатдан камол топтириш учун уларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш зарур. Ўсмирларда тўғри мантиқий фикрларни ривожлантиришда она тили ва адабиёт фани ўқитувчисининг роли жуда муҳимдир. Ўқитувчи ўқувчи-ёшларга тўғри жумла тузишни, раван мулоҳаза юритишни, мантиқий фикрлашни, ёзишни, оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ўргатиб бориши фойдалидир.

Илк ўспиринлик даврида (15-16 ёшларда) эса мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни тугатгач, ўспирин-ёшларда ўзининг дунёқарashi, шахсий фазилатларини такомиллаштириш ва ақл-заковатини бойитиш ҳамда билим ва ақлий қобилиятини олий ўқув юртига ўқишга кириб синаб кўриш имкониятини аниқлашга интилиш кучаяди. Ўқитувчининг айна шу пайтдаги асосий вазифаси-ўспиринлар тафаккуридаги ёки ақлидаги танқидий хусусиятларни ҳаққонийлик даражасига кўтаришдан, уларга воқе-ҳодисаларга одилонга, оқилонга, танқидий нуктаи назардан қарашни ўргатишдан иборатдир. Ақл танқидийлигини тарбиялаш-да ўқитувчи ўспиринларнинг ўзига хос хусусиятига,

мулохаза доирасининг кенглигига, нутқ қобилиятига, шахсий нуқтаи назарига, ўқишга нисбатан муносабатига, ақлий фаолиятига, ўқув материалларини ўзлаштиришга, таълим жараёнидаги ташаббускор-лигига, моддий дунё ва ўрганилаётган ҳодиса тўғрисида мантикий ҳукм ва хулоса чиқаришига ёки тасдиқлаш ва инкор қилиш қобилиятини ривожланганлигига, мавжуд ўқиш куникмаси ва малакаларига алоҳида эътибор бериши лозим.

Талабалик даврида ўспиринликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб (17-22-25 ёшни ўз ичига олади), ўзининг бетакрор хусусиятлари ва қарама-қаршиликлари билан характерланади. Бу даврда ўспиринда ақлий, ахлоқий, эстетик ва гоаявий-сиёсий жиҳатдан муайян даражада ўсиш рўй беради. Шунга қарамай, улар олдидан олий ўқув юртида мутахассисликни эгаллаш, ижтимоий етуклик, (баркамоллик) ва ақлий қобилиятни, ривожлантириш билан боғлиқ ҳамда турмушда бажариладиган (оила қуриш, фарзандларни тарбиялаш, масъул вазифада ишлаш ва бошқа) турли вазифалар пайдо бўлади¹.

Шундай қилиб, ақлий тарбия – ўқувчи – талаба ёшларга моддий дунё ва атроф-муҳитни ўрганиш, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги билим асосларини бериш, ўспиринларнинг ақлий (билиш) қобилиятини, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, ёш авлод томонидан табиат ва жамият, шунингдек, инсон тафаккури ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, ўқувчи-талабаларда илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборатдир. Зеро, ҳозирги кунда тарбияланаётган ўқувчи-талаба ёшларимиз баркамол шахс бўлиб етишишлари учун уларнинг илмий дунёқарашни кенг бўлиши лозим. Бунинг учун улар ижтимоий, ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, руҳий томондан етук бўлмоғи лозим.

Маълумки, фикр ақлдан қувват олади. Ақлнинг далили фикрдир. Шундай экан, ақл шахс дунёқарашини кенгайтиришда ва унинг ақлий камолотида муҳим асос-заминдир. Ақл-шахснинг ўз идроки, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи-назардан амал қилишдир. Зеро, ақл-инсон камолотининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, унинг ёрдамида одам ҳаётда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлади. Демак, ақл ёрдамида онг, фикр, қараш, гоя ва таълимотлар пайдо бўлади ва бунда энг олий мавжудот одам ҳамда уни ўраб

¹ Э.Ғезиев. Психология. Ўқув қўлланма. –Т «Ўқитувчи». 1994, 148-180-бетлар

турган моддий борлиқнинг аҳамияти катта бўлиб, буларнинг ҳаммаси инсон дунёқараши билан боғлиқ ва бу дунёқараш орқали амалга оширилади.

Дунёқарашининг турлари - эътиқод, эзгулик, гўзаллик, яхшилик, адолатлилик каби малака ва кўникмаларнинг шахс сифатига айлантирилиши ҳам ақлий тарбия ёрдамида амалга оширилади.

Шундай қилиб, ўқувчи-талабалар ақлий тарбиясидан асосий мақсад инсон шахсининг маънавий ва интеллектуал салоҳияти негизда уларнинг дунёқарашини юксалтириш, эътиқодини мустаҳкамлаш ва эзгулик ҳамда ақлий гўзаллиги каби малака ва кўникмаларини шахс сифатига айлантиришдан иборатдир.

Ўқувчи - талабалар ақлий тарбияси билан боғлиқ ушбу асосий мақсадни амалга оширишда қуйидаги долзарб вазифаларни бажаришга тўғри келади:

1. Шахс тарбиясидаги истеъдодни юксалтиришга эътиборни қаратиш.

2. Шахс тарбиясида маънавий қадриятлардан фойдаланиш.

3. Ақлий тарбияда интеллектуал салоҳиятга эътибор бериш.

4. Ўқувчи – талабаларга ақлий тарбия беришда интеллектуал мулкка тегишли тушунчалардан фойдаланишга эътиборни қаратиш.

5. Ўқувчи-талабалар ақлий тарбиясида уларнинг дунёқарашини юксалтиришга эътибор бериш ва ҳаказолар.

Хулоса қилиб айтганда, ақлий тарбия – табиатан берилган ақлий куч, рухий ҳолат, билувчанлик ва фаолият эркинлигини ривожлантириш натижасида инсонда мустақил фикр юритиб, олдига мақсад қўя олиш ҳамда қўзлаган мақсадига етиш қобилиятини шакллантиришдир. Ақлий тарбия ўқувчи-талабаларга билимлар тизимини онгли равишда ўзлаштиришга, мантиқий фикрлаш, хотира, диққат, идрок этиш, ақлий қобилиятга мойиллик ва иқтидорини ривожлантиришга ёрдам беради. Шу боис ақлий тарбиянинг асосий мақсади билимдон, маънавий-ахлоқий сифатларга эга баркамол шахсни тарбиялашдан иборатдир.

8.3. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Ахлоқий тарбия - ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, унинг моҳияти, шахс хатти-ҳаракатлари, юриши-туриши, турмуши


тарзи, маънавий-руҳий ҳаёт кечириш тамойиллари, қоидалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодалайди.

2-шакл

Ахлоқий тарбия



Муносабат шакллари	Муносабатлар мазмуни
<i>Ватанга</i>	Ватанпарварлик, миллий ғурур, ватанга муҳаббат
<i>Жамиятга</i>	Ижтимоий турмушга хурмат, жамиятни ҳуқуқий асосларини хурмат қилиш, миллатлараро тотувлик
<i>Меҳнатга</i>	Интизомлилик, ташаббускор, мустақиллик, меҳнатга лаёқат
<i>Одамларга</i>	Адолатли, ҳалоллик, очик кўнгиллик, сабрли
<i>Ўзига</i>	Ғурур, ўз-ўзини танқид, босиқлик, ўзини қадрлаш



Ахлоқ кишилик жамияти тарихий тараққиёти давомида вужудга келиб, таркиб топган, такомиллашиб келган меъёр ва қоидалардан иборат бўлиб, улар шахсларнинг жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солади. Бу меъёр ва тартиб-қоидалар шахслардан жамият учун зарур бўлган ахлоққа эга бўлишликни талаб қилади. Шунга мувофиқ, бирор шахснинг ҳулқ-атвори, юриш-туришини ахлоқли ёки ахлоқсиз деб баҳолашга имкон беради.

Ўзбек миллий педагоги Абдулла Авлоний ахлоққа қуйидагича таъриф беради: **“Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдур. Яхши ҳулқларнинг яхшилигини, ёмон ҳулқларнинг ёмонлигини далил ва исботлар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур”¹**. Ахлоқ-инсон ҳаётида ўз-ўзини идора қилиш меъёрларини, бошқалар билан муносабатда бўлиш маданиятини, ҳалол ишлаб туғри ҳаёт кечириш мезонларини ўргатади. Ибн Сино: **“Ахлоқ ҳар бир киши учун ўз-ўзини идора қилиш илмидур”**, деб унинг мазмунини ифодалаб берган эди. Ахлоқ меъёри ва қоидалари тарихий тараққиёт давомида таркиб топиб, такомиллашиб борган ва кишиларда биргаликда яшаш шароитидан, табиий эҳтиёжидан, ижтимоий манфаатлари ва ҳаётий талабларидан келиб чиққан ва улар муайян тарихий даврдаги кишиларнинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши ва бошқаларга бўлган муносабатларида намоён бўлган. Ана шу тартиб-қоидаларсиз бирон-бир жамият бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Ахлоқий фазилатлар ҳеч қачон ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки уларнинг келиб чиқишининг ҳақиқий манбаи, уларни келтириб чиқарган сабаблар ва ҳаракатга келтирадиган кучлар мавжуддир. Зеро, ҳар қандай ахлоқий қоидалар муайян тарихий зарурият натижасида вужудга келади ва муайян қонуният асосида ривожланиб боради. Демак, ахлоқнинг ривожланиши объектив шарт-шароитлари билан субъектив омилларнинг ўзаро муносабати қай даражада эканлиги билан боғлиқдир.

Инсон ижтимоий ҳаётга аралашар экан, ижтимоий муносабатлар таъсирига тушади. *Ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан шахснинг маънавий қиёфаси, янги дунёқараш, ғоя ва тасаввурлари, жумладан, ахлоқи ҳам, шунингдек, унга бўлган қарашлари ҳам ўзгариб боради.* Ҳар қандай шахс ўз дунёқарашини,

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ехуд ахлоқ. - Т.: “Ўқитувчи”, 1992., 11-бет.


ахлоқий қоидаларини ва улар таъсирида шаклланган одат ва қўникмаларини ўзлаштириб бориши билан бирга, аниқ ижтимоий воқеаларга, ўзини ўраб олган нарса ва ҳодисаларга, кишиларнинг хатти-ҳаракатларига, юриш-туришларига ва муомалаларига муайян ҳаётий мавқеда туриб, мақсадга мувофиқ тарзда баҳо беради.

Ахлоқ-тарихий ҳодиса. Ахлоқ норма-қоидалари барча замонлар учун бир хил, ўзгармас бўлиши мумкин эмас. Муайян жамият учун айрим ахлоқий қоидалар тўғри бўлса, бошқа даврларга келиб, нотўғри бўлиб қолиши мумкин.

Шунингдек, у ёки бу мамлакатлар, миллат ва элатлар учун одатлар, расм-русумлар, ахлоқий қоидалар бир хил бўлиши мумкин эмас. Бу қоидалар тарихан таркиб топган бўлиб, иқлим ва жой, анъана ва шарт-шароит таъсирида ўзгариб, ривожланиб боради. Ана шуларнинг ҳаммасини билиб, уларни ўз ўрнида тўғри тушуниш ҳам тарбияланганлик белгиси ҳисобланади.

Айни пайтда, минтақавий ҳудудни ўз ичига оладиган бир қатор халқларнинг турмуш тарзидан, яшаш шароитларидан келиб чиқадиган қоидалар ҳам мавжуддир. Масалан, шу маънода **шарқона ёхуд ўзбекона** деган иборани ишлатамиз.

Ўзбекона, миллий ахлоқда ота-боболаримизнинг тарихий тажрибалари, даврлар синовидан ўтган сабоқлари ва бизга доимо мадад бўлиб турган руҳий қувватлари жамулжамдир. Уларнинг шарофатлари туфайли миллий-ахлоқий қадриятларимиз асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Чунки бир томчи бўлса ҳам уларнинг қони томиримизда оқаётир. Ана шу қонни жўш урдирмоқ билан юракларимиз уйғоқ, дилимиз равшан, тафаккуримиз мунаввар. Ана шундай кайфият бизнинг дилимизда кўп йиллардан бери яшириниб келинар эди. Эндиликда миллий истиқлол туфайли миллий-ахлоқий қадриятларимиз ва маънавий – ахлоқий тарбия асослари қайтадан тикланди. Улардан ёшларни ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар асосида тарбиялашда фойдаланиш миллий тарбиямиз учун объектив педагогик заруриятга айланди. Буни қуйидагича ифодалашимиз мумкин:



Турон заминимиз халқлари ахлоқий тарбия соҳасида бой анъаналарга эга. Ахлоққа оид дастлабки фикрлар муқаддас “Авесто” китобида, қадимги битиклар ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари, ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган пандномалар, ўғитлар ва одобномаларда, халқ педагогикасида шунингдек, Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” ва “Бахт-саодатга эришув тўғрисида”, Берунийнинг “Ҳиндистон”, “Минералогия” ва “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдғорликлар”, Ибн Синонинг “Рисолат ат-тайр”, “Тадбири манзил” ва “Ҳай ибн Яқзон”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”; Кайковуснинг “Қобуснома”; Аз-Замашхарийнинг “Атвоқ ўз-заҳаб фи-л мавеъу вал-л-хутаб”; Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул -хақоинк”; Шайх Нажмиддин Кубронинг “Фи ал-адаб”; Сулаймон Боқирғонийнинг “Боқирғон китоби”; Муслиҳиддин Саъдийнинг “Тулистон” ва “Бўстон”; Амир Темурнинг “Темур тузуклари”; Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” ва “Назмул-жавоҳир”; Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, “Силатус-заҳаб” ва “Искандар Хирадномаси”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқий Муҳсиний” ва бошқа алломаларнинг асарларида ахлоқий тарбия масалаларга кенг ўрин берилган.

Мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. *Шунинг учун ҳам Юртбошимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” деган асарида бу ҳикматли шиорни янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолади.* Зеро, баркамол инсон Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз эътиқоди, ғайрат-шижоати, маданияти билан билими ва уларни татбиқ этиш маҳорати билан ажралиб туради. У жамиятда, жамоада халқлар ва миллатлар ўртасида дўстлик, соғлом турмуш тарзини яхшилашга қаратилган муҳитни вужудга келтиришга интилади. Чунки соғлом муҳит натижасидагина ахлоқий фазилатлар таркиб топади ва маънавий – ахлоқий камолотга эришади.

Ахлоқ-одоб инсоннинг жамиятга бўлган муносабатининг негизини ташкил этади. шунинг учун ҳам ўқувчи-талабаларда жамиятга бўлган ҳурматни юксалтириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ахлоқий маданият эгаси бўлишга, ахлоқий онгни, ўзини-ўзи англаб етишга, яхши инсонларга бўлган эътиқодни ривожлантиришга олиб келади. Таълим муассасалари ўқитувчи-педагоглари ва тарбиячилари дарс ва

дарсдан ташқари жараёнларда дўстлик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бировнинг дардига дармон бўлиш каби фазилатлар халқимиз ва миллатимиз куч-қудратининг асоси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-тарбиявий тараққиётининг негизи эканлигини тарбияланувчиларга тушунтиришлари даркор.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбия тизимини таркиб топиши қуйидаги умумий мазмун асосида рўй беради.

4-шакл



Маънавий-ахлоқий тарбия-маънавий онгни бир мақсадни кўзлаб таркиб топтириш, ахлоқий туйғуларни ривожлантириш ҳамда хулқ-атвор қўниқмалари ва одатларини ҳосил қилишдан иборат.

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсади жамият талабларига боғлиқ бўлиб, бу талаблар ўз навбатида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, жамиятда ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш

ишларининг ҳаммаси ёш авлодда маънавий ахлоқий ва эътиқодни шакллантиришга, уларни Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Шахснинг жамиятга бўлган муносабатини шакллантириш, салбий иллатларга қарши нафрат уйғотиш, онгли интизомни тарбиялаш, комил инсонни вояга етказиш қабилар ахлоқий тарбиянинг вазифаларидир. Маънавий-ахлоқий тарбия вазифаларидан яна бири инсоннинг жамиятга бўлган муносабатини юқори поғонага кўтаришдир.

Иймон ва инсоф, сўз ва иш бирлиги, инсонпарварлик – барпо этилаётган кучли фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятлари бўлиб қолади. Шундай экан, жамият ва халқ манфаати, унинг бахт-саодати учун курашиш масъулиятини ҳар бир ўқувчи - талаба теран ҳис этиши ва унга амал қилиши лозим. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда шарқона ва миллий ахлоқ-одоб меъёрлари асосида иш юритиш билан бирга жамиятга ва қонунларимизга ҳурмат, мустақилликни мустаҳкамлаш, кичик ва катталарга меҳр-мурувватли ва инсоний муносабатда бўлиш каби фазилатларни сингдириш тақазо этилади. Бу вазифаларни амалга ошириш ўқувчи-талабаларнинг жамиятга бўлган муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчи-талабаларнинг жамият манфаати учун қилинадиган меҳнатга илҳомлантириш ўқитувчи-педагогларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ўқувчи-талабаларнинг жамиятга бўлган муносабатида миллий бирлик, фахр ва ифтихор, бирдамлик ва ҳамкорлик туйғулари, турли халқларга бўлган ҳурмат қабилар яққол намоён бўлиши зарур.

Ахлоқ-одоб инсоннинг жамиятга бўлган муносабатининг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчи- талабада жамиятга бўлган ҳурматни юксалтириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ахлоқий маданият эгаси бўлишга, ахлоқий онгни, ўзини-ўзи англаб етишга, яхши инсонларга бўлган эътиқодни ривожлантиришга олиб келади. Таълим муассасалари ўқитувчи ва педагоглари дарсдан ташқари жараёнларда дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бировнинг дардига дармон бўлиш каби ахлоқий фазилатлар ва маънавий сифатлар халқимиз ва миллатимиз куч-қудратининг асоси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг негизи эканлигини ўқувчи-талабаларга тушунтиришлари даркор.

Ахлоқий тарбия - таълим ва тарбия бериш билан боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз хусусиятларига, ўзига хос вазифалари ва воситалари уни ташкил этиш шакл ва меъёрларига эга бўлиб, маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим шарти сифатида улар дарс ва дарсдан ташқари хилма-хил таълим-тарбиявий фаолиятларнинг бирлиги туғрисидаги тушунчалар билан боғлиқдир. Дарс ва дарсдан ташқари маънавий-ахлоқий тарбия фаолияти бир-бирларини тўлдириши лозим. Буни қуйидагича ифода этиш мумкин:

5-шакл



Ўқувчи-талабаларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказишда ахлоқий тарбиянинг қуйидаги ўзига хос воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Тарбияланувчини тийиб туриш (ўқувчи-талабаларни бошқариш, уни итбаткор бўлишга ўргатиш-бу воситага хизмат қилади). Ўқувчи-талабалар учун хатти-ҳаракат чегараларини белгилаб қўйиш керак.

2. Ўқувчи-талабаларни ўзига хос хусусиятларини белгилаб олиш, яъни уларни шундай шарт-шароитга қўйиш керакки, бу шарт-шароитда у “қулоқ солмаслик оғир кечинмаларга олиб келишини” фақат ўқитувчи-педагог ёки тарбиячиларнинг кўрсатмаларигагина эмас, балки шу билан бирга ўз онги ва тажрибасидан ҳам тушуниб оладиган бўлсин.

3. Хулқнинг аниқ қоидаларини белгилаб қўйиш.

4. Тарбияланувчининг кўнглида “осойишталик ва равшанлик” бўлишини таъминлаб туриш, яъни “тарбияланувчида ҳақиқатга нисбатан шубҳа туғилиши” учун асос бўлмаслик.

5. Маъқуллаш ва жазо бериб туриш йўли билан ўқувчи-талабаларнинг кўнглини “тўлқинлантириб” туриш.

6. Ўқувчи-талабаларни нотўғри хатти-ҳаракатларидан “хабардор” қилиб туриш, яъни уларнинг нуқсонларини кўрсатиб ва тузатиб туриш.

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий томонларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ҳис - туйғуларини барқарор бўлишига ўзаро муомала-муносабатда ўрнак, мойиллик, диёнат, одиллик, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилиш каби ахлоқий сифатлар фақат ахлоқий тарбия жараёнидагина ёшлар онгига сингдирилиши мумкин. Ана шу нуқтаи-назардан ҳам маънавий-ахлоқий тарбия шахсни ривожлантириш ва шакллантиришда маърифий-педагогик таъсир кучига эгадир.


8.4. МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни шакллантиришда меҳнат тарбиясининг ўрни ҳамда ижтимоий - ахлоқий аҳамияти беқиёсдир. Бўлажак кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий ва касбий малакавий ривожланишининг асосий вазифаларидан бири таълим

муассасаларида ўқувчи-талабаларни касб танлаш, мустақил ҳаётга амалий ва фан-техника инновациялари талаблари даражасига мувофиқ тайёрлашни тақазо этади. Чунки, ўқувчи-талабалар таълим муассасаларини тамомлаганидан кейин ишлаб чиқаришнинг бутун тизимини бемалол бошқаришни билишлари ва шу соҳада рўй бераётган фан-техника ўзгаришларини тезда пайқаб олишлари керак.

Ҳар бир инсоннинг кундалик турмуш тарзи меҳнат ва фаолият билан боғлиқдир. Меҳнат фаолияти жараёнида инсон ҳулқ-атворини ўзгартирибгина қолмай, шу билан бирга ўзи ҳам ўзгаради. Меҳнат фаолияти шахснинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга, унинг табиат ва жамиятга қарашли тизимига жиддий таъсир кўрсатади. Меҳнат шахснинг ақлий қобилияти жараёнини, ўз ижодий фаоллигини намоён қилиб ижодий қобилиятини ривожлантиради ва такомиллаштиради. Меҳнат туфайли шахснинг маънавий муносабатлари, муомала маданияти ва ҳулқ-атвори шаклланиб, жисмоний жиҳатдан камол топиб ўз меҳнат кўникмалари ва малакаларини ривожлантира боради.

6-шакл



Ўқувчи-талабаларнинг ташкил этилаётган меҳнат фаолияти бўйича билим, тушунча, тасавурларининг шаклланишлик даражасини эътиборга олиш - *теварак-атрофдаги муҳитни, реал буюмларни англаб олишнинг мустаҳкам воситаси бўлиб, унга назарий билимларни қўллаш, тушунчага таяниш имкониятини яратиб беради, тарбияланувчиларнинг онгини ҳиссий тасавурлар билан бойитади.*

Ўқувчи - талабаларда меҳнат фаолиятининг маънавий – ахлоқий асосда, ижтимоий-ғоявий мазмунига эга бўлиши - ўқувчи-талабаларда Ватан равнақи, халқ бахт-саодати йўлида меҳнат қилаётганликлари, меҳнат фаолиятини ташкил этиш жараёнида манфаатларидан устун бўлишига ҳаракат қилаётганликларида намоён бўлади. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш жараёнида ўқувчи-талабаларда фидоийлик, чидамлилик, сабр-тоқатга эга бўлиш, онглилик, тўғрилик, ҳалоллик, меҳнатга нисбатан виждонан ёндашиш каби ахлоқий ҳислатлар шаклланади.

Меҳнат топшириқларини бажаришда ўқувчи-талабаларнинг ёши, ҳаёт тажрибаси ва имкониятларини ҳисобга олиши - меҳнат топшириқларини алмаштириб туриш, жисмоний меҳнатни ақлий меҳнат билан ёки мароқли дам олиш билан қўшиб олиб бориш, меҳнатни ташкил этиш чоғида ўқувчи-талабаларнинг ёши, орттирилган ҳаётий тажрибаси ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни кучли зўриқтирмаслик ва толиқтирмаслик зарур.

Меҳнат фаолиятининг тизимли ва режали бўлиши – ижтимоий фойдали меҳнатнинг ўқувчи-талабалар томонидан ҳаётий эҳтиёжи, зарурат сифатида оддий меҳнат туридан мураккаброк меҳнат турига ўтиш тарзида олиб борилиши тарбияланувчиларда меҳнат кўникмаси ва малакасини ҳосил қилади.

Меҳнат фаолиятининг ижобий хусусият касб этиши – ўқувчи-талабалар меҳнати орттирилган тажриба асосида, шунингдек, тадқиқотчилик вазифаларини ҳал этиш асосида бажарилганда, уларда меҳнатга нисбатан муҳаббат ижодий муносабатни қарор топтириши мумкин.

Ўқувчи-талабаларни меҳнатга руҳий, ахлоқий ва амалий тайёрлаш жараёнида бугунги кунда меҳнат, тарбиясининг қуйидаги воситаларидан фойдаланилмоқда:

1. Ижтимоий фойдали меҳнат.

2. Оилавий меҳнат

3. Меҳнат фахрийлари ва турли меҳнат вакиллари билан учрашув.

Меҳнат икки хил бўлади:

Ақлий меҳнат

Жисмоний меҳнат.

Ақлий меҳнат - шахс учун оғир меҳнатдир. Бу меҳнат ақлий зўр беришни талаб қилади, узоқ вақт давом этади ва қунт билан шуғулланишни талаб қилади. Бу меҳнатнинг мураккаблиги яна шундаки, бундаги натижаларнинг намоён бўлиши қийинроқ бўлади, бу натижаларни шахс деярли тушунмайди.

Ақлий меҳнат жараёнида ўқувчи-талабалар турли даражада мураккабликка эга бўлган ва мустақилликни турли даражада талаб қиладиган бир қатор ақлий, ҳамда амалий характерларни эгаллайдилар. Бу эса уларда билимга қизиқиши, ақлий фаолиятини самарали турларини шакллантиради.

Ақлий меҳнат ўқувчи - талабаларнинг қурби етадиган даражада бўлиши керак. Ўқувчи - талабаларнинг қурби етмайдиган меҳнат инсон организмига зиён етказди. Ўқишдан кўнгини совитиши мумкин. Шу сабабли педагог ҳар бир ўқувчи – талабанинг ёш хусусиятини ва таълим олишга индивидуал тайёрлигини аниқлаш, шахснинг эътибори ва тафаккуридаги хусусиятларини билиши, меҳнат ва дам олиш режимига риоя қилиши муҳимдир. Ўқув меҳнатининг бош вазифаси – шахсни ўқишга ўргатишдан уни ўқув меҳнати методикаси ва техникаси билан қуроллантиришдан, ўзи мустақил билим оладиган бўлиш имкониятини яратиб беришдан иборат. Ўқув меҳнати жараёнида таъсир қиладиган кўникма ва малакалар ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий фойдали унумли меҳнатга қатнашишга тайёргарлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқувчи-талабаларни бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлаш учун яхши пойдевор бўлади. Педагогнинг ўқув муассасаси тарбияланувчиларида дарсликлар, компьютер техникаси билан ишлаш кўникмасини шакллантиришда меҳнат тарбиясига доир иш режаси айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ўқув меҳнати жараёнида ақлий меҳнат маданияти ҳосил қилинади. Ўртоқлик, хайрихоҳлик, интизомлилик, уюшқоқлик сингари фазилатлар тарбияланади. Бинобарин, буларнинг бари меҳнат тарбиясини энг самарали ҳал қилиш учун хизмат қилади.

Юқоридаги билдирилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда шундай умумий хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, мажбурлаш ва зўравонликдан ҳоли бўлган ижодий меҳнатгина ўқувчи-талабаларга тарбияловчи омил сифатида таъсир кўрсатади. Зеро, ақлий меҳнат соҳасида ҳам, жисмоний меҳнат соҳасида ҳам онгли ва ижодий меҳнат қилиш туфайли эришилган муваффақиятлар шахсда зўр қониқиш ва қувонч ҳисларини тугдиради, унинг ақлини, иродасини, ҳиссиётини, ҳуққатворини ривожлантиради.

Иккинчидан, шундай ижодий ва уюшқоқлик билан самарали меҳнат қилингандан кейин дам олишни ҳам туғри режалаштириш ва ташкил этиш ҳар қандай кишига алоҳида завқ бағишлайди, бундай дам олиш меҳнат ва фаолият сари янги интилишнинг манбаига айланади. Шу тариқа шахсни дангасаликка олиб келадиган пассивликнинг олди олинади.

Учинчидан, меҳнат ҳар қандай шахсни маънавий – ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонга айлантиради, бошқаларнинг касб-коридан қатъий назар, меҳнат самараларини, меҳнат аҳлини ҳурмат қилиш, дангаса ва ишқмаслардан нафратланиш руҳида тарбиялайди. Ёшлар меҳнат тарбиясини туғри ташкил этиш уларнинг жамоа мулкни ва шахсий мулкни эҳтиёт қилишга, меҳнати орқали яратилган моддий ва маънавий неъматларни асраб-авайлашга ўргатади.

Тўртинчидан, меҳнат тарбиясини ташкил этишда жамоа асосидаги меҳнатни уюштириш ўқувчи-талабаларда аҳиллик ва ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, жамоа меҳнат самарадорлигидан қувониш каби ҳислатлар тарбияланиб боради. Шунингдек, уларда жамоатчилик хусусиятлари – ирода, характер, малака ва кўникмалар мустаҳкамланади ва ниҳоят, ташаббускорлик, ташкилотчилик, меҳнатга ижодий ёндашиш, жамоа манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш, ватанпарвалик, юртпарастлик, меҳнатсеварлик сингари маънавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланишига пойдевор қўйилади ва мустаҳкамланади.

Бешинчидан, меҳнат тарбиясининг асосий мазмуни ва бош ғояси ўқувчи-талабалар шахсида меҳнат фаолиятини ҳосил қилиш, ижтимоий меҳнатни кадрлаш, меҳнатсеварлик ҳислатини тарбиялашдан иборатир.

Олтинчидан, меҳнат тарбияси ўқувчи-талабаларда меҳнатга нисбатан муҳим ижтимоий бурч сифатида ёндашиш, ҳар қандай

меҳнат фаолиятига нисбатан виждонан муносабатда бўлиш, меҳнат ва унинг маҳсулини кадрлаш, меҳнатни ташкил этишга жамоа усулида ёндашиш; доимий равишда ташаббуслар билан чиқиш; меҳнатни фаол, ижтимоий ташкил этиш; ақлий ва жисмоний қувватга таянган ҳолда меҳнат қилиш иштиёқининг ички эҳтиёжга айланиши, меҳнатни илмий асосида ташкил этиш; меҳнатга нисбатан асосий ҳаётий зарурат сифатида муносабатда бўлиш жараёнини ўз ичига олади.

Еттинчидан, меҳнат тарбиясининг асосий мақсади, таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларда меҳнатга ва касб-ҳунар эгаллашга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Меҳнатнинг моҳиятини англашиш орқали ўқувчи-талабаларга меҳнатнинг шахс - камолоти ва жамият тараққиётидаги ролини тушунтириб бериш;

2. Инсон меҳнати ҳамда меҳнат маҳсули бўлган моддий ва маънавий неъматларни кадрлаш, асраб-авайлашга ургатиш;

3. Ўқувчи-талабаларда меҳнат қилишга нисбатан муҳаббатни уйғотиш ва рағбатлантиришга одатлантириш;

4. Ўқувчи-талабаларнинг меҳнатга ижтимоий бурч сифатида масъулият билан ёндашувларини юзага келтириш;

5. Ўқувчи-талабалар меҳнат фаолиятини ташкил этишга онгли равишда, виждонан ёндашишни одатлантириш;

6. Ўқувчи-талабаларнинг меҳнат фаолиятини жамоа асосида ташкил этиш;

7. Ўқувчи-талабаларда меҳнат ҳаётий инсон фаолиятининг асоси сифатида муносабатда бўлиш ҳислатини шакллантириш;

8. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиб, ўқувчи-талабаларда меҳнат кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;

9. Ўқувчи-талабаларда меҳнатсеварлик ҳислатини тарбиялаш ва ўзларининг меҳнати самарасидан гурурланиш туйғусини шакллантириш;

10. Ўқувчи-талабаларга бўлажак касб-ҳунар сирларини ўзлаштиришга қизиқишни юзага келтириш ва онгли танлашда ёрдам бериш;

11. *Ўқувчи-талабаларда меҳнат маданияти асосларини тарбиялаш билан бирга, уларга меҳнат тарбияси жисмоний ва иқтисодий тарбия билан чамбарчас боғлиқлигини тушунтириш;*

12. *Ўқувчи-талабаларни меҳнат фаолиятининг турлари - маиший меҳнат, ўқувчи - талабалар меҳнати, ишлаб чиқариш меҳнати, техник меҳнат, ижтимоий-унумли меҳнат ва бошқалар билан таништиришдан иборатдир.*

Бу вазифалар изчил равишда педагогик ва методик талаблар асосида бажарилса, у ҳолда ўқувчи - талаба ёшлардаги меҳнат тарбияси натижаси самарали бўлади.

8.5. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Жисмоний тарбия деганда шундай педагогик жараён тушуниладики, унинг моҳияти шахснинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний таълим-тарбияни бошқаришдан иборатдир. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган туб ислохотлар мазмуни ва жисмоний тарбиянинг пировард мақсади - жамият ривожининг ҳозирги босқичида ёш авлодни маънавий ва жисмоний соғлом, интеллектуал салоҳиятли баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъбири билан айтганда:

“Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш деганидир...

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”. Шу боисдан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатимизда, кучли фуқаролик жамиятининг ҳозирги босқичида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналмиш ёшларнинг таълим-тарбиясига ва жисмоний камолотига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Чунки ҳаёт тажрибаси *“Соғлом танда - соғлом ақл”* бўлиши аллақачон исботланган. Жумладан, *“Умид ниҳоллари”* (*ўрта умумтаълим ўқув муассасалари ўқувчилари учун*); *“Баркамол авлод”* (*ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари ўқувчилари учун*); *“Универсиада”* (*олий ўқув юртлари талабалари учун*) каби республика миқёсидаги мусобақалар давлатимиз томонидан ўқувчи-талабаларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий-ахлоқий етуқлигини ўйлаб қилинаётган тадбирлардир. Бу

¹ Баркамол авлод арзуси – Т.: «Шарқ» НМКБТ, 1999, 55-бет.

тадбирлар орқали ёшларимизни жисмоний жиҳатдан соғлом ва бакуват ҳамда иродали қилиб тарбиялашга эришамиз.

Демак, жисмоний тарбиянинг мақсади ўқувчи-талаба ёшларни ҳар томонлама жиҳатдан чиниққан, мустаҳкам иродали, қатъиятли ва Ватанни ҳимоя қила оладиган сабот-матонатли қилиб таркиб топтиришдир.

Булар жисмоний тарбиянинг қуйидаги умумий вазифаларини белгилаб беради:

1. Ҳар томонлама гармоник ривожланган, яъни ҳам жисмонан, ҳам маънавий – ахлоқий жиҳатдан ривожланган баркамол шахсни шакллантиришга, улардаги озодлик, покизалик, иродалилик, сабр - бардошлилик кўникмаларини таркиб топтиришга, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга, узоқ умр кўришга ёрдам бериш;

2. Ўқувчи-талабаларни жисмоний тарбия ва спорт шахсининг соғлигини мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний баркамоллашувга асос яратиши билан боғлиқ билимлар билан қуроллантириш;

3. Ўқувчи-талабалар онгида ҳаракат фаолият (тур)лари билан боғлиқ бўлган ижобий ҳис-туйғу ва кечинмалар туғрисида тасаввур ҳосил қилиш, ҳамда шу асосда жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишга қизиқиш, истак ва эҳтиёжни, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

4. Ўқувчи-талабаларнинг ёшига, жинсига мос келадиган жисмоний машқлар тизимини аниқлаш ва уларнинг асосий ҳаракат фаолиятининг ривожлантирувчи технологияларини ишлаб чиқиш;

5. Ўқувчи-талабаларга жисмоний тарбия ва спорт, жисмоний маданият ва жисмоний машқларни бажариш билан боғлиқ билимларни баён қилишда ёшларнинг спортга бўлган мойиллигини ҳосил қилиш, энг муҳими ахлоқий-иродавий сифатларни тарбиялаш ва ҳаракат фаолиятининг тулақонли характерини таъминловчи жисмонан ҳулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутади.

6. Ўқувчи-талабаларни жисмоний тарбияга, яъни ўз соғлигига онгли муносабатда бўлишни шакллантириш орқали уларни шахсий гигиена ва эрталабки бадантарбия билан шуғулланишга, жисмоний машқларни бажаришга, маданий ва жисмоний яёв юришлар ва сайр қилишларга одатлантириш лозим.

Жисмоний тарбия қонуниятларига мувофиқ онгли равишда бажариладиган жисмоний машқлар-ҳаракат фаолиятлари жисмоний тарбиянинг асосий воситалари ҳисобланади. Бунда гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва спорт машғулотлари етакчи ўринни эгаллайди.

Атроф-муҳит (ижтимоий, географик иқлим шароитлари); табиатнинг табиий кучлари (қуёш, ҳаво, сув, ер) ва бир қатор гигиеник омиллар (шахсий гигиена, овқатланиш, режим) ва ҳаказолар ёрдамчи воситалар жисмоний тарбиянинг зарурий воситалари бўлиб ҳисобланади.

Ёрдамчи, яъни зарурий воситалар қуйидаги хусусиятларга эга:

- ёрдамчи жисмоний машқлар организмга бевосита таъсирни аниқловчи омил сифатида юзага чиқади, бунга машқлар бажариладиган иқлимий ва географик шароитларни ўзгартириш ёрдамида эришилади;

- жисмоний машқ машғулотлари билан биргаликда улар организмга умумий ижобий таъсирни кучайтиради (қатъий режим, овқатланиш, машғулот ўтказиладиган жойнинг озодалиги ва ҳаказолар);

- соғлиқни мустаҳкамлаш учун нисбатан мустақил аҳамиятга эга (чиникиш мақсадида фойдаланиладиган табиатнинг табиий кучлари: қуёш ва ҳаво ваннаси, сувга чўмилиш ва ҳаказолар).

Шундай қилиб, педагогик жиҳатдан мос келадиган шароитда жисмоний тарбия воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларда матонатлилик, жасурлик, журъатлилик, сабр-тоқатлилик, ҳаққонийлик, виждонлилик, меҳнатсеварлик, ўз имкониятларига ишонч каби маънавий - ахлоқий ҳислатлар таркиби киради.

Жисмоний тарбия



8.6. ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Эстетик тарбия - бу ҳаётга, меҳнатга, ижтимоий фаолиятга, табиатга, санъатга, шахсий хулқ-атворга эстетик, яъни гўзал муносабатни мақсадга йўналтирилган ҳолда шакллантиришдир.

Эстетик тарбиянинг асосий мақсади – ўқувчи-талабаларда маънавий жиҳатдан гўзалликни ҳис қилишни тарбиялаш, юксак эстетик дидни ва санъат асарларини севишни шакллантириш, тарихий ва меъморий ёдгорликларга нисбатан ҳурматни уйғотиш, табиатга онгли муносабатда бўлишга оид тасаввурларни юксалтириш, табиат ва жамият бойликларини қадрлай билиш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ёш авлоднинг бадиий ижодий қобилиятларини юксалтиришдан иборатдир.

Эстетик тарбиянинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш керакки, унинг ёрдамида ўқувчи-талабаларни Ватанамиз табиати гўзаллиги, тарихий ва меъморий ёдгорликларимиз ва жаҳон бадиий маданиятининг энг яхши намуналаридан завқлана оладиган ижтимоий фаол шахс қилиб тарбиялашга эришиш лозим. Бу борада эстетик завқланиш ўқувчи-талабаларнинг онгли-интизомли ва маданиятли турмуш тарзининг, яъни ўқиш фаолиятининг асосларидан бирини ташкил этади. Бунга сабаб улар ҳар томонлама етук ривожланиш учун маълум мақсадни кўзлаган ҳолда тежамли ҳаракат қилиши, табиат қўйнида сайр қилиши ёки озода-шинам спорт залида ҳаракатли машқлар билан шуғулланиши, ўзи ёқтирган мусиқаларни тинглаши, театр ва музейлар, кутубхоналар, клублар, кинотеатрлар, галереялар, қадимий тарихий меъморчилик обидалари, санъат асарлари ва тарихий-маданий жойларни томоша қилиши - буларнинг ҳаммаси ёшларда эстетик, яъни нафосат ҳис-туйғусини, ақлий тушунчасини, воқеликка бўлган эстетик муносабатини ва дидини тарбиялайди. Шубҳа йўқки, воқеликка ва табиат гўзаллигига бўлган муносабат, тушунчалар, эстетик кечинма ва ҳис-туйғуларни юзага келтиради, бу мақсадининг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бир-бирига мос келиши эса унинг гўзаллигини таъминлайди.

Демак, эстетик тарбия кенг қамровли фаолият бўлиб, унда табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабатларда натижалар яққол сезилади. Эстетик тарбия ақлий ва жисмоний меҳнатдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга,

шунингдек, эстетик фаолиятга, воқеликни гўзаллик қонун-қоидалари асосида ўзгартиришга қодир шахсни тарбиялашга қаратилгандир. Бунда эстетик тарбияни ақлий, ахлоқий, меҳнат каби бошқа тарбия турлари билан муштаракликда олиб борилса, ўқувчи-талаба ёшларда эстетик мулоҳаза ва қизиқиш, гўзалликни ҳис қилиш юксалиши юзага келади.

Эстетик тарбиянинг вазифалари унинг асосий мақсадини амалга оширишдан иборат бўлиб, булар қуйидагилар:

1. **Ўқувчи-талабаларнинг эстетик эҳтиёжларини, яъни гўзалликка онгли равишда интилишини тарбиялаш;**

2. **Ўқувчи-талабаларнинг эстетик идрок ва ҳис этиш, яъни гўзалликни бевосита идрок этиш ва ҳис этиш қобилиятини тарбиялаш.** Эстетик идрок - бу атрофимиздаги оламни, яъни воқеликни ўзига хос тарзда "жонли кўра олиш"дир. У атроф-муҳитдаги предмет ва ҳодисалар билан сезги орқали алоқада бўлишни талаб қилади.

3. **Ўқувчи-талабаларнинг эстетик тушунчалар, дидлар, предмет ва ҳодисани эстетик баҳолаш ва у ҳақда фикр юрнта билишни тарбиялаш, яъни гўзалликни фақат идрок этиш нуқтаи-назаридангина эмас, балки уни баҳолаш ва тушуниш ҳам демакдир.** Эстетик дид ўқувчи-талабаларнинг гўзаллик ҳақида тўғри фикр юртишини шакллантиришигина эмас, балки гўзалликни аниқ ҳис қилиш ва уни яратиб қобилиятини ривожлантиришни ҳам кўзда тутади.

4. **Ўқувчи-талабаларнинг эстетик тарбиясини миллий-маънавий қадриятлар асосида ташкил этиш.** Бунда ўзбек халқининг ўтмишдан бизга қолдирган тарихий ва меъморий ёдгорликлари, шунингдек, қомусий олимлар, шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, давлат арбоблари, халқ қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолиятидаги эстетикага оид материаллар ёшларга эстетик тарбия беришда кенг имкониятлар яратади.

5. **Ўқувчи-талабаларнинг эстетик ва бадий - ижодий қобилиятларини ривожлантириш.** Бунда ўзбек халқининг ўтмишдаги бой миллий-маънавий меросига, хусусан, бадий бойликларга ва санъатига эгаллиги муҳим дидактик асос бўлади ва ўқитувчидан ҳар бир ўқувчи - талабада умумий ва индивидуал бадий - ижодий қобилиятларнинг ривожланишини, ҳиссий ҳозиржавоблик қобилиятини ҳамда фазовий тафаккурни юксалтиришни ҳисобга олиб педагогик фаолият юртишини талаб этади.

Эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини тула - тукис равишда ҳал этилиши ўқувчи-талабалардаги ташаббускорлик,

ижодкорлик, санъаткорлик, яхшиликка ва гузалликка интилув-
чанлик, келажакни олдиндан кура билишлик, миллий-маънавий
қадриятларни улуғловчи, орзу қила билишлик, маънавий юксаклик,
маърифатлилик, маданиятлилик каби ижобий ҳислатларни узида
муҳассам қилган ижтимоий фаол шахсни тарбиялашда муҳим
аҳамият касб этади.

8-шакл

Эстетик тарбиянинг мақсади, воситалари, методлари, шакллари, вазифалари



Эстетик тарбияни самарали амалга оширишда оила аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги гўзал ва мазмунли мулоқот, уй жиҳозларининг тартибли, мазмуни чиройли қилиб жойлаштирилиши, оиладаги саранжом-саришталик ва уйнинг барча нарсаларининг дид билан жойлаштирилиши, музейлар, театрлар, кутубхоналар, клублар, кинотеатрлар, галереялар, тарихий ва меъморий обидалар, турли санъат асарлари, тарихий маданий жойлар, мусиқа, ашула, бадиий чиқишлар, оммавий - тарбиявий тадбирлар, ҳаёт тарзимиздаги борлигимиз ҳамда улардаги гўзалликлар ўқувчи-талабаларни эстетик руҳда тарбиялаш ва камол топтиришга эстетик-дидактик асослар вазифасини бажаради.

Умуман, ўқувчи-талабаларни маънавий - эстетик тарбиялашда юқорида қайд этилган эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари, воситалари уйғун ҳолатда олиб борилса касбий етук, эстетик диди юксак баркамол авлодни шакллантиришга эришилади.

8.7. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

“Шахс” тушунчаси кўп қўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишдан ҳосил бўлган образ – “мен” образи деб аталиб, унинг қанчалик фаоллиги ва реалликка яқинлиги шахс баркамоллигининг мезонларидан ҳисобланади. Шахс шаклланишида иқтисодий тарбиянинг ўз ўрни бўлиб, жамиятга муносиб киши бўлиш учун ёрдам беришда муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий тарбиянинг дастлабки кўникма ва малакалари ҳали бола ёшлигида, оилада шаклланади ва унинг шахс сифатида камол топишига ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, америкалик машҳур иқтисодчи олим, Нобель мукофоти лауреати П.Самуэльсон “иқтисодий назария - бу фанларнинг қироли”, деб атаган эди. Шунингдек, у иқтисодий назарияни узлуксиз равишда ўрганмайдиган одам, мусиқа асарларига баҳо беришга интилувчи қар одамга ўхшайди - деган эди.

Ҳозирги кунда ҳар бир шахс олдида бозор иқтисодиёти қонунларини қандай амалга оширилаётганлигини, бу қонуниятларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни, пировард талаб даражасида

хизмат кўрсатиш ва товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш сирларини билиб олиш вазибалари туради.

Ушбу ҳаётий зарурият таълим муассасалари, шу жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицейларда, касб-хунар коллежларида “Иқтисодий билим асослари”, “Иқтисодий бизнес асослари” каби иқтисод фанларининг ўқитилишини йўлга қўйишни тақазо этди. Бунда иқтисодиёт оламига илк қадам тарзида иқтисодий тушунча ва қонуниятларнинг асослари ўрганилади. Олий таълим тизимида эса замонавий иқтисодиёт назарияси ва бошқа иқтисодий фанларни ўрганиш нуқтаи назаридан иқтисодий билимларнинг узлуксизлигини таъмин этади.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқувчиларига иқтисодий билимларни бериш шахс иқтисодий саводхонлигини шакллантиришнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Бинобарин, мазкур босқичда ўқувчилар томонидан иқтисодий билимларни таянч асослари ўзлаштирилиб, бозор иқтисодиёти шароитида олди-сотти муносабатларини ташкил этиш қонун-қоидалари билан яқиндан танишиш, ушбу жағраёнинг иштирокчиси сифатида фаолият юритиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароит мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, олий таълимгача бўлган узлуксиз иқтисодий таълимда иқтисодий билимларни ўрганиш мантикий қурилиши, тузилмаси ўзига хос яхлитликка эга. Бунда оддий иқтисодий тушунчалардан тортиб, мамлакат, ҳатто жаҳон миқёсида ёки нисбатан кичик тармоқ хўжалиқларини юритишнинг яъни кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг алоҳида турларига тааллуқли мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўрганилади. “Иқтисодий билим асослари” ҳамда “Иқтисодий бизнес асослари” каби ўқув фанлари доирасидаги билимларни ўзлаштириш натижасида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари мустақил Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий асосини давлатнинг мафкуравий тайзиқидан ҳоли бозор муносабатлари ва рақобат ташкил этган янги таълим ижтимоий-иқтисодий тафаккурни ва иқтисодий маданиятни эгаллаш имкониятига эга бўладилар, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий воқеа-ҳодисани таҳлил қилиш, муаммони кўра олиш ва ҳал қилиш йўллари ахтариш, назарда тутилаётган муаммони ҳал этишнинг энг қулай усуллари танлаш

ва ҳал эта олиш, баркамол бўлиши зарур бўлган батартиблик, жавобгарлик, масъулият, қатъий мақсадга эғалик, ўзаро мулоқотда уқувлилик, иқтисодий-маданий каби малака ва кўникмаларини эғаллай борадилар. Бунда уқувчилар:

- асосий иқтисодий тушунча, фактларни чуқурроқ билиш;
- замонавий иқтисодиёт ва унинг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари ва муаммоларининг моҳиятини тушуниш ва баҳолаш;
- давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларини тушуниш ва баҳолаш;
- давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларини тушуниш ва баҳолай олиш ҳақида тасаввурга;
- тадбиркорлик фаолиятининг амалий асосларини билиш, амалда қўллай олиш малакасига;
- иқтисодий маълумот ва ахборотларни таҳлил қила олиш каби билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш;
- мавжуд иқтисодий - назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакасига;
- иқтисодий тафаккурни шакллантириш ва тежамкорлик сифатига эға бўладилар.

Иқтисодий тарбияни амалга оширишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш унинг самарадорлигини оширувчи омиллардан бири ҳисобланади: мамлакат иқтисодий тараққиёти замонавий босқичининг ўзига хос хусусиятлари ва халқ хўжалигини юксалтиришни таъминлаш, ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмаларини бажаришнинг моҳияти, ишлаб чиқариш меҳнати самарадорлигини ошириш ҳамда ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сифатли тайёрлаш йўллари, замонавий ишлаб чиқаришнинг самарадорлик курсаткичлари, меҳнатни ташкил этишнинг асосий тушунчалари, моҳияти, хўжалик ҳисоб-китоблари ва бошқалар; меҳнат мусобақаларининг роли; ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш борасидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ва бошқалар.

Демак, уқувчиларнинг уй-рузғор, оила хўжалигини юритиш, имкон қадар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда бошлангич иқтисодий билим, кўникма ва малакаларга эға бўлишлари уларнинг келгусида мамлакат иқтисодиёти равнақиға муносиб ҳисса қўша олувчи мутахассислар бўлиб етишишларида дастлабки қадам бўлиб хизмат қилади. *Иқтисодий билимларга эға бўлиш, шунингдек,*

ўқувчиларнинг келгусида юксак малакали мутахассис; масъулиятли фуқаро; билимдон истеъмолчи; эҳтиёткор жамгарувчи ва уддабуррон тадбиркор, сармойдор, глобал иқтисодиёт иштирокчилари ҳамда савдо-сотиқ, оила хўжалиги, ижтимоий бошқарув, моддий бойликларга нисбатан муносабатда тадбирли шахс бўлиш имкониятини яратади.

Умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицейларида, касб-хунар коллежларида ва олий ўқув юртларида иқтисодий таълим ва тарбияни йўлга қўйишда фанлараро алоқадорлик ва боғлиқликдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. **Ўқувчи-талабаларга иқтисодий билимларни беришда математика** (талаб ва таклифни аниқлаш, валюта курсларидан хабардор бўлиш, қимматбаҳо қозғолар бозорида фаолият юритиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш, давлат (ёки оила) бюджети, захира ҳамда эҳтиёжлар миқдорини аниқлаш, мулкий муносабатларни тартибга олиш, мавжуд бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш ва ҳаказоларни амалга оширишда), **тарих** (натурал хўжалик, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, пул ҳамда бозор муносабатлари кабиларнинг ривожланиши, шунингдек, турли иқтисодий тизимларнинг шаклланиши ва иқтисодий ташкилотларнинг ташкил топиш тарихи), **география ёки иқтисодий география, минтақа иқтисодиёти** (иқтисодий ҳудудлар, меҳнат тақсимооти, иқтисодий интеграция, ижтимоий-иқтисодий ҳудудлар, меҳнат тақсимооти, ижтимоий-иқтисодий объектлар иқтисодий кўрсаткичлар, хўжалик юритиш фаолияти шакллари ва ҳаказолар тўғрисида маълумотларга эга бўлиш), **меҳнат** (ишсизлик, меҳнат шартномалари, меҳнат бозори, меҳнатга ҳақ тўлаш, рақобат, тадбиркорлик кабиларнинг моҳиятини тушуниш) ва **ҳуқуқишунослик** (мулкий муносабатлар, хўжалик юритиш, фирмалар очиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, солиқ сиёсати, кредит, маҳсулотларни айирбошлаш, захиралар ва бошқаларнинг моҳиятини англаш) каби фанлар муайян имкониятларга эга. Шу боис ушбу имкониятлардан иқтисодий таълим-тарбияда фойдаланиши муваффақиятга эришишни кафолатлайди.

Ушбу жараёни амалга ошириш ўзига хос педагогик ёндашувни тақозо этади. Иқтисодий таълим-тарбияни ташкил этиш чоғида фанлараро ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликка эришиш ўқувчи-талабалар томонидан иқтисодий билимларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминлайди.

Умуман олганда, иқтисодий таълим-тарбия жараёнида фанлараро алоқадорлик ва боғлиқликдан фойдаланиш ўқувчи – талабалар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши (иқтисодий қонунчилик, жамият тараққиёти, мулкка эгалик тамойиллари ва методлари, ҳукумат томонидан иқтисодий соҳада олиб борилаётган сиёсат, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнат ресурсларини тежаш, меҳнат тақсимоти, ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжи ва маҳсулотларни айирбошлаш, иқтисодий таҳлил кўникмасига эга бўлиш, ишлаб чиқариш хўжалигини оқилона юритиш ва ҳаказолар тўғрисидаги назарий билимларни бериш); мақсадга мувофиқ, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан самарали саналган ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий-фойдали ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил этиш; вақтдан оқилона фойдаланиш, моддий бойликлар, табиат ҳамда пулга нисбатан эҳтиёткорона ва иқтисодий онглилик асосида ёндашиш кўникмаларини қарор топтиришга хизмат қилувчи дарсдан ташқари ишлар, шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини касбга йўналтириш каби педагогик ҳаракатлар иқтисодий таълим-тарбия самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, меҳнат жамоаси, ота-оналар ва микромуҳит (микрорайон)ларда истиқомат қилувчи жамоатчиликнинг иқтисодий билимлар самарадорлигини таъминлашдаги аҳамиятга алоҳида урғу берилади.

Ўқувчи-талабаларда тежамкорлик сифати ва масъулиятини тарбиялаш иқти-содий таълим ва тарбиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланиши зарур. Зеро, тежамкорлик иқтисодий ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб, у ўқувчи-талабаларда мавжуд табиий бойликлардан мақсади ва нес-нобуд қилмай фойдаланиш, уларни кўпайтиришга нисбатан масъулиятли ёндашувни қарор топтиради.

Ўқувчи-талабаларнинг иқтисодий тайёргарликка эга бўлишлари ижтимоий-педагогик аҳамиятга эгадирлар. Ўқувчи-талабаларнинг иқтисодий тайёргарлиги улар томонидан иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, шахсда моддий неъматларни ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, уларни тақсимлаш, айирбошлаш ва эҳтиёжни қондириш борасидаги иқтисодий аҳамиятга эга сифатлар, яъни, иқтисодий тафаккур ва хулқ-атворнинг шаклланиши, замонавий ҳамда истиқбол ишлаб

чиқаришда шахсий, шунингдек, ижтимоий манфаатларини уйғунлаштира олиш жараёнини англатади.

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбияни амалга оширмак учун аввало, ўқувчи-талабаларга қуйидаги иқтисодий атамалар (тушунчалар)нинг маъносини англатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки элементар иқтисодий билим беришдан, то иқтисодий маданият-лилик даражасигача бўлган жараён ҳар бир шахснинг ҳаётий эҳтиёжини қондиришда алоҳида аҳамият касб этади. Масалан:

Иқтисодий тарбия — жамиятнинг шахсга, мустақил фаолияти-да самарали курсаткичларни таъминловчи аниқ иқтисодий, тушун-чалар иқтисодга боғланган сиёсат, қонунлар, қонуният асослари ва уларнинг амалда фойдаланиш йўл-йўриқларининг йигиндисини ушлаштиришга имкон берувчи изчил, мақсадга мувофиқ, таъсири.

Иқтисодий таълим — ижодкор шахснинг шаклланишига тасъир этувчи иқтисодий билимлар, кўникма, малака йигиндисини, узлуксиз, изчил, мақсадга кўра шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, турли услуб, аниқ дастурлар, методикалар билан етказиш жараёни.

Иқтисодий саводхонлик — мустақил фаолият кўрсатишга зарур бўлган барча иқтисодий билим, кўникма ва малакалар йигиндисини таркиб топтириш, ҳар бир шахс жамиятда бўлган иқтисодий сиёсатни англаш, шунга кўра турмуш даражасини оширишга, шахсий эҳтиёжини қондиришга ёрдам берувчи самарали фаолият билан шугулланишини таъминловчи иқтисодий билим, кўникма, малака, йўналтирувчи қоида, усул, услубиятлар мажмуидир.

Иқтисодий тайёргарлик — шахс шаклланишида талаб-эҳтиёж ва имкониятига кўра танланган соҳалар, касблар, мутахассисликлар бўйича махсус иқтисодий, назарий ва амалий билимлар йигиндисини таркиб топтириш.

Ушлаштирилган аниқ иқтисодий назарий ва амалий билимлар, мустақил фаолиятда самара беришга кафолатлар, яъни аниқ иқтисодий маълумотлар умумий урта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлири, малака ошириш институтлари ва бошқалар.

Иқтисодий тафаккур — иқтисодий билимлар туплаш жараёни бўлиб, ўқувчи – талабалар томонидан уларга қулай, мос бўлган даражада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тушунчалар

тарзидаги муайян тизимидаги қонуниятларнинг акс этиши, иқтисодий онгдаги конструкция қисмини тутиб турувчи мантиқий алоқадир. Бу тизим ва мантиқий алоқадаги ахборотлардан олинadиган билимлар ҳажми яхлит, узаро боғланган фикрлар ҳосил қилиб, бу фикрлар кенгайдиган ана шу конструкция материалларидир.

Иқтисодий тарбияланганлик — шахс баркамоллигини белгилувчи ахлоқий сифатлардан бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг фаолиятига иқтисодий саводхонлигини амалдаги ижроси жамият ва давлат иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати асосида намоён этилиши. Иқтисодий тарбияланганлик даражаси шахс хатти-ҳаракатидаги самарали, ижтимоий-фойдали, ижобий фаолият натижалари ҳаёт талаби эканлигини англаш билан белгиланади.

Иқтисодий фикрга эгаллик — иқтисодий ҳодисаларни ўқувчи - талабалар томонидан қулай, мос бўлган даражада бўлиши, таҳлил қилиши, иқтисодий тушунчалар, категорияларни ўзлаштириши, билимларни тўплаш ва иқтисодий муносабатда тўғри мулжал олиши.

Иқтисодий онг — субъект томонидан иқтисодий муносабатларни объектив тушуниш натижаси ҳамда содир бўлаётган иқтисодий ҳодисаларга ўз фикрини билдириш ва уни ҳимоя қилиб, амалга ошириш.

Иқтисодий маданият — ўқувчи - талабаларнинг фаолиятларида жамият, давлат ва алоҳида ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсат асосида унинг вазифаларини ҳал этишдаги иштирокининг сифатий таърифи ва шахснинг хўжалик юритишдаги иқтисодий билим, кўникма, малакалар, шунингдек, иқтисодий тафаккур ва онгинг ривожланиш даражаси.

Иқтисодий фикрлаш ва саводхонликни ошириш маълум мезонда, яъни мустақил Ўзбекистон Республикасини иқтисодий фаолиятга тайёрлаш, шунингдек, шахс шаклланишидаги жаҳон талаб этаётган иқтисодий маданиятлик даражасини таркиб топтириш деб қараш лозим.

Хусусий мулк – воситасида тадбиркорлик, фермерлик, деҳқончилик қилиб, ўз меҳнати ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳисобига даромад олиш мумкин. Шахсий мулкни хусусий мулк билан аралаштириб юбормаслик керак. Шахсий мулк хонадоннинг ёки шахснинг энг зарур турмуш воситаларидир.

Лизинг – машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага олиш ҳисобланади. Лизинг компанияси-мана шу юқорида санаб утилганларни ижарага бериш компанияси ҳисобланади.

Қўшма корхоналар – хорижий сармоялар ва асбоб-ускуналар, мутахассислар ва ишчилар кўмагида қурилган корхоналар. Бозор иқтисодиёти шароитида бозорни турли молларга тўлдириш, аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, хорижга чиқариб валютага сотишга ярайдиган, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадларида тузилади.

Эркин нарх – бозор баҳоси. Давлат ёки бирор ташкилот томонидан чеклаб қўйилмаган, бозор қонуниятлари асосида пайдо бўладиган баҳо.

Юридик шахс — мустақил иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган, шахс корхона, ташкилот муассаса. **Юридик шахс** банкда ўз ҳисоб-китоб варақасига эга.

Электрон пул – ҳисоб-китоб ишларини электрон ҳисоблаш воситасида бажаришни осонлаштириш учун қўлланиладиган махсус карточкалар.

Эмиссия — (лат.) пул ва қимматбаҳо қозғоларни ишлаб чиқариш йўли билан давлат бюджетидagi камомад қопланади. Эмиссия миқдори ёки фоизи давлат органлари томонидан белгиланади.

Фойда — корхонанинг соф даромади, корхона томонидан реализация қилинадиган маҳсулотнинг улгуржи баҳоси (оборот солигисиз) билан унинг таннархи ўртасидаги фарқ.

Фойданинг бир қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва коллективни, яъни жамоани рағбатлантириш учун корхона ихтиёрида қолдирилади, қолган қисми давлат бюджетига тушади.

Дилер — ишбилармон савдогар ўз ҳисобига биржа ва савдо воситачилиги билан шуғулланади.

Эмбарго — (исп.) ман этиш, таъқиқлаш, бирор чет мамлакатга мол ёки бирор турдаги маҳсулотни чиқариш ва уни келтиришнинг таъқиқлаб қўйилиши.

Делепинг — товарларни ташқи бозорда, ички бозорга нисбатан арзон баҳога сотиш.

Бартер — пулсиз, валютасиз бевосита товар айирбошлаш.

Дивидент — акционерлик жамияти фойдасининг акция эгасининг даромадига айланган қисми.

Менежер — ёлланма профессионал бошқарувчи.

Биржа — стандартлар ёки намуналар асосида савдо қилинадиган оммавий товарларнинг мунтазам улгуржи бозори.

Таннарх — маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг мулки ҳисобланади.

Маҳсулот сифати — маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари, халқ хўжалиги ёки аҳолининг маълум эҳтиёжларини қондириши-даги унинг фойдалилиги йигиндиси. Маҳсулот сифатини ошириш-ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш йўлларида биридир.

Дебитор — корхона, ташкилот ёхуд маҳкамасидан қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

Меҳнат унумдорлиги — ишчи томонидан маълум вақт бирлигида ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан белгиланадиган меҳнат сарфининг самарадорлигидир. Меҳнат унумдорлигини ошириш — ижтимоий маҳсулотни кўпайтириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилidir.

Ушбу юқорида таъкидлаб утилган атама (тушунча)лар ва шунга ўхшаш кундалик эҳтиёжга айланиб бораётган иқтисодий атамаларнинг мазмун ҳамда моҳиятини ҳар бир дарсда у ёки бу даражада очиб бериш, яъни ўқувчи-талабаларда ана шу тушунчаларни шакллантириб бориш имкониятлари катта. Жумладан, касб-ҳунар коллежларида ва олий ўқув юртларида йўналишларга қараб, ишлаб чиқариш билан боглиқ маҳсулотнинг сифати, таннарх, фойда, меҳнат унумдорлиги каби тушунчаларни шакллантириш бевосита зарур ҳисобланади.

Шундай қилиб, узлуксиз таълим тизимнинг қарча бўғин-ларида ўқувчи - талабаларда бозор иқтисодиёти шаронтида иқтисодий билим ва тушунчаларни шакллантириш, уларни иқтисодий тарбиялаш ва иқтисодий фаолликларини ошириш ҳисобига уларда иқтисодий маданиятни шакллантириш давр талабидир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан англанадики, иқтисодий тарбия асосан уч босқичда олиб борилади: ўқувчи - талабаларда дастлабки иқтисодий тушунчалар кўникма ва малакалар оила ва мактабда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида шакллантирилади; маҳсулот ишлаб чиқариш мутахассислигини олиб учун

олий таълим муассасаларида (институт, университет, академияларда) касб соҳасида олинган билим, эгалланган куникма ва малакаларни бўлажак иқтисодчи кадрларнинг баркамол шахс сифатида камол топишига ёрдам беради.

Умуман, иқтисодий таълим-тарбиянинг асосий мақсади ўқув машғулотларини олиб боришда ўқувчи - талабаларнинг иқтисодий тафаккурини юксалтириш, шунингдек, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, тежамкорлик, ишбилармонлик, тadbиркорлик, иқтисодий ҳисоб-китобга, оила бюджети ва бойликка масъулият билан қараш каби иқтисодий сифатларни шакллантиришдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга оширишда иқтисодий тарбиянинг қуйидаги муҳим вазифаларини ажратиш мумкин:

- жамиятнинг ҳар бир аъзоси булган шахс ўз муқаддас бурчи ва шарафли булган меҳнатга онгли ва ижодий муносабатини тарбиялаш;

- бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларини тезда ўзлаштириб, ўз кундалик иш фаолиятларига татбиқ этиш куникма ва малакаларини шакллантириш;

- иқтисодий тарбия шахсни ижтимоий ташаббускорлигини ривожлантиришга, ишлаб чиқариш ва корхоналар фаолиятида иштирок этишга кумаклашади;

- жамият аъзолари булган ҳар бир шахсдан ўз кичик бизнесларини ташкил этиш билан боғлиқ булган тadbиркорлик, ишбилармонлик каби ҳислатларни шакллантириши лозим;

- энг муҳими иқтисодий тарбиянинг вазифаси ўқувчи-талабаларда мустақил Ўзбекистон Республикасининг масъулиятли аъзоси ҳамда ишлаб чиқариш жабҳасининг ҳужайини туйғусини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Хуллас, ўқувчи-талабаларга иқтисодий билимларни бериш ва тарбия самарадорлигини ошириш йўллари қуйидаги-лардир:

1. Иқтисодий таълим-тарбияни мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли амалга ошириш;

2. Иқтисодий таълим ва тарбия ўртасида, шунингдек, фанлараро узаро алоқадорликка эришиш;

3. Иқтисодий таълим ва тарбияни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувни қарор топтириш (муаммоли вазиятларни яратиш, экскурсиялар, интерфаол методлар ва ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш);

4. *Ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилган назарий иқтисодий билимларни амалиётга жорий этилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;*

5. *Ўқувчи-талабаларни ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш (тўғарақлар, ўқувчи-талабалар ишлаб чиқариш бригадалари ёки жамоаларини шакллантириш асосида);*

6. *Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамда жамоатчилик ҳамкорлиги асосида ўқувчи-талабаларда иқтисодий кўникма ва малакаларни тарбиялаш;*

7. *Ўқувчи-талабаларда тежамкорлик сифати, шунингдек, олди-сотти муносабатларини самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларининг тарбияланишига жиддий эътибор қаратиш;*

8. *Ўқувчи-талабаларда меҳнат фаолиятининг маҳсули бўлган пул (моддий бойлик)га нисбатан тўғри муносабатни қарор топтириш ҳамда оила бюджетини оқилона юритиш малакасини шакллантириш ва ҳаказолар.*

8.8. ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Фан-техника тараққиёти шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда ҳар бир инсон табиатни асраш, авайлаш учун масъулдир. Бу борада педагогика фани олдида турган муҳим ва ечимини кутаётган муаммолардан бири **ўқувчи-талабаларга экологик таълим ва тарбия бериш ҳамда уларнинг экологик маданиятини шакллантиришдан иборат.**

Экологик таълим – деганда ўқувчи-талабаларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади.

Экологик тарбия – эса инсоннинг теварак-атрофдаги муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир.

Экологик тарбиянинг бош мақсади – ўқувчи-талабаларга экологик билимларни бериш, уларда теварак-атроф муҳити ва вужуд орасида боғлиқлик мавжудлигини ҳис эттириш, табиатга нисбатан оқилона муносабатни ва экологик маданиятни ҳамда экологик муаммоларнинг ечимларини оптимал ечимларини топиш тўғрисидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ушбу **вазифаларни** ҳал қилишга тўғри келади:

1. **Ўқувчи-талабалар онгига қуйидаги айрим экологик тушунча ва атамаларнинг мазмун-моҳияти сингдирилса экологик тарбия борасидаги ишларимиз самарали кечади:**

- **экология** - юнонча сўз бўлиб, *Coikos* – уй, турар жой ва логия-(таълимот) тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак - атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир. Бу атамани 1866 йилда немис зоолог олими Э.Геккел илк бор фанга илмий-педагогик муомалага киритган;

- **эко муҳит (экологик жой)** - табиатда барча турдаги мавжудотларнинг яшаши мумкин бўлган муҳит омиллари мажмуи.

- **экологик кризис, яъни экологик танглик** - экологик системалар, алоҳида ҳудудлар ёки биосфера миқёсидаги табиий офатлар: тошқин; ер силкиниши; вулқонлар отилиши; қургоқчилик; довул; чигирткалар офати; ёнгин ва бошқа офатлар оқибатида юз берадиган экологик вазият;

- **экологик мувозанат** - инсон, ўсимлик ва ҳайвонлар учун зарур бўлган табиий шароитлар мувозанати;

- **экологик омиллар** - атроф-муҳитнинг организмлар фаолиятига ўзига хос таъсир этувчи маълум шароитлар ва элементлари мажмуи;

- **экологик маданият** - касбий фаолиятда қарор қабул қилиш учун экологик жавобгарликни қабул қилиш табиат муҳофазаси соҳасидаги билимларга эгаллиги жаҳон ва ҳудудий даражада экологик муаммоларни очишда қатнашишга тайёрлиги ва бошқалар;

- **экологик танглик хавфи** - XX аср давомида фан-техниканинг ривожини, халқ хўжалигини ва кундалик турмушини кимёлаштириш ер юзида аҳоли сонининг кескин кўпайиши оқибатида табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, ер, сув, ҳавонинг инсон ҳаётига зарарли даражада ифлосланиши натижасида пайдо бўлган ҳолат.

2. **Экологик саводхонликни шакллантириш – ўқувчи - талабаларнинг экологик саводхонлигини шакллантиришда қуйидаги ҳаётий мисоллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади:**

- табиатни хушманзара жойларига дам олишга чиқилганда ўт-ўланларнинг пайҳон қилиниши ва бу жойларда шиша синиқлари, бакалашкалар ҳамда бошқа нарсаларнинг сочилиб ётиши жамият,

табиат ва кишилар саломатлигига таъсири оқибатлари ҳақида ўқувчи-талабаларнинг экологик тасаввурини шакллантириш;

- дарахтлар, ўсимликлар оламига ва ҳайвонларга муросасизлик билан муносабатда бўлиш оқибатларининг табиат, жамият ва инсониятга зарарли таъсирини, ўқувчи-талабалар онгига сингдириш;

- ўқувчи-талабаларда табиатга эҳтиром ҳиссини шакллантиришдан олдин ишни табиатни тириклик манба эканлиги, унинг бойликлари-ю, муъжизаларидан биздан кейинги авлодлар ёппасига тугаб битишдек хавф-хатар борасида уларни жиддийроқ ўйлаб кўришга ундашдан бошлаш лозим;

- экскурсиялар-саёҳатлар ўқувчи-талабаларнинг экологик масалаларни идрок этишлари учун қулай бўлган тарбия усулидир. Бунда ўқувчи-талабалар табиат музейларига, шифохоналарга ишлаб чиқариш корхоналарига (завод ва фабрикаларга) ташриф буюриши, завод ва фабрикалардаги ижтимоий-экологик аҳволни, завод ва фабрикалардаги зарарли чиқиндиларнинг инсоният тараққиётига таъсирини тушунтиришга эришиш;

- саёҳатлар давомида ўқувчи-талабалар ўзлари гувоҳ бўлган экологик масалалар бўйича мунозарали суҳбатларга тайёрланиш учун замин ҳозирловчи восита сифатда қаралмоғи лозим. Чунки, айнан саёҳатлар мунозарали суҳбатлар учун далиллар тўплаш имкониятидир. Бундан ташқари ўқувчи-талабалар онгида табиат, унинг моҳияти, гўзаллиги ва фожеалари борасида ёрқин таассуротлар ҳосил қилиш воситаси ҳамдир. Саёҳат ва мунозарали суҳбатлар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир;

- ўқувчи-талабаларнинг экологик саводхонлигини шакллантиришда энг самарали усуллардан бири улар билан олиб бориладиган дарсдан ва аудиториядан ташқари машғулотлардир.

3. Ўқувчи-талабаларга экология ҳақидаги тушунчалар ва қонуниятлар тўғрисида билим бериш. Бунда меҳнат муҳофазаси, табиатни асраш, ноёб жонзотлар рўйхати, табиат ва атмосферадаги инкирозлар олдини олишга оид тушунчалар ва қонуниятларга эътибор берилади. Демак, экологик тарбиянинг мазмуни экологик онглилик, экологик ҳис-туйғулар (табиатга, инсонларга, ҳаётга нисбатан муносабатлар)дан иборат. Булар ўқувчи - талабаларда қуйидаги экологик тушунчалар ва қонуниятларни онгли равишда англашни кафолатлайди:

- табиат ҳақидаги тушунча, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланиш;

- табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;

- атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш;

- табиатни келажак авлодлар учун қандай бўлса, шундайлигича қолдиришга интилиш ва шу қабилар¹.

4. Экологик маданиятни шакллантириш. Экологик тарбия ўз олдига экологик маданиятни шакллантиришдек мақсадни қўяди. Экологик маданиятнинг моҳияти, шаклланиш йўллари ҳақидаги қарашлар ва амалий чора-тадбирлар XX асрнинг энг долзарб ва мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолди. Бу муаммо ўзининг бутун кўлами, долзарблиги, мураккаблиги билан XXI аср муаммоси бўлиб қолади, чунки XX аср бу муаммони келтириб чиқарди, аммо уни охиригача ҳал қилиб бераолмади.

Экологик маданият, биринчи навбатда, инсон ҳаёти билан, унинг саломатлиги, фаровон яшаши, қобилият ва истеъдодини тулароқ намоиш этиши билан бевосита боғлиқ. Экологик маданият бошқа маданият шакллариининг, чунончи, оилавий, ақлий, ахлоқий, жисмоний, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик маданиятларнинг ривожланиши учун таянч бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун экологик маданиятнинг издан чиқиши, бир томонлама шаклланиши ёки шаклланмай қолиб кетиши умуман маданиятга ва маънавиятга жуда катта зарба бўлиб тушди.

Экологик маданиятнинг мазмуни, моҳияти ва ички таркибий тузилиши нимада?

Бунинг учун биринчи навбатда инсоннинг шаклланиши ва тобора ривожланиб боришининг асл моҳиятига разм солиш керак. Бир кўришда ташқи муҳит ўзича инсон ҳаёти ўзича ривожланаётганга ўхшайди. Тўғри, инсон ҳаёти билан ташқи муҳит ўртасидаги боғлиқликқи ҳеч ким инкор этмайди, аммо бу боғлиқлик бу алоқани кўпинча юзаки тушунамиз, унинг ривожланиш имкониятларини алоҳида мустақил бир олам деб қараймиз. Аслида мана шу нуқтаи назар, юзаки тасаввур инсонни муҳитдан, ташқи оламдан ажратиб қарашга олиб келди. Экологик маданиятнинг издан чиқиши худди шу тасаввур билан бевосита боғлиқдир.

Экологик маданиятнинг мазмуни инсон оилада табиатнинг бирлигини чуқур ҳис қилиш, инсон ҳаёти билан ташқи муҳит қонуниятлари ўртасидаги ички боғланишларнинг асл моҳиятини яхши тушуниб олиш ва ҳаётда унга амал қилишда намоён бўлади.

Экологик маданиятнинг юксаклиги чинакам инсонийлик белгисидир, экологик маданиятнинг емирилиши инсонийликнинг емирилишидир.

Инсоннинг биологик, физиологик ва руҳий ҳолатларига бир-разм солайлик. Инсон организмидаги ҳар бир жараён шунчалик динамик тарзда ўзаро боғланган ҳолда рўй берадики, бу ҳақда ҳеч ким уйлаб кўрмайди.

Қон айланиш системаси, асаб системаси, овқат ҳазм қилиш системаси шунчалик пухта, изчил яратилганки, бирорта робот, бирорта компьютер унга тенглашолмайди. Инсон мияси фаолиятига тенг келадиган техника ихтироси яратилгани йўқ, яратилишининг иложи ҳам йўқ.

Экологик маданият, энг аввало, инсоннинг ўз-ўзини билишдан бошланади. Агар инсон ўз организмнинг ички тузилиш таркибини, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, ишлаш, фаолият хусусиятларини яхши билса ва уни нормал ишлаш учун шароит яратса ва бу ҳақда чинакам, юксак даражада ғамхўрлик қилиб борса бу билан учта муҳим вазифани бажарган бўлади.

Биринчидан, ўз саломатлигини сақлаш йўлини таъминлайди, касалликка камроқ чалинади, доимо тетик, бардам юради ва шу йўл билан у ўз умрини анча узайтиришга эришади, Саломатлик энг катта бойлик, энг катта бахт-саодат, бу инсон умрининг асл моҳияти ва мақсадига мос келади. Бу экологик маданият шаклланишининг биринчи, ҳал қилувчи босқичидир. Экологик маданиятнинг шаклланишидаги бу биринчи асосий босқич инсон тарбиясида муҳим омил ҳисобланиши керак. Бу масала бутун тарбия тизимининг марказида туриши, гўдак қалбида экологик тушунчаларнинг барқарорлашиб боришига қаратилиши зарур.

Иккинчидан, инсон ўзини табиатнинг, бу чексиз оламнинг ажралмас бир бўлаги деб билса ва ўз организмнинг ички моҳиятини, яшаш тартибларини яхши тасаввур қила олса, унда у бутун табиатнинг, коинотнинг ички моҳиятини, яшаш тартибларини тўғри тушуна олади.

Табиатнинг ички моҳияти, яшаши, ўзгариши ва ривожланиши қонуниятлари инсон организмнинг ички моҳиятига, унинг яшаш,

ўзгариш ва ривожланиш қонуниятларига тўла мос келади. Инсон ўзини билиш орқали табиатни билишга ўтади, ўзини ҳурмат қилиш ва асраш орқали табиатни ҳурмат қилиш, уни асрашга ўтади. Ўзини билмаган одам ҳеч қачон табиатни билолмайди, натижада ўзига ҳам, табиатга ҳам озор етказиб, ўз организмни ҳам, табиат ҳодисаларини ҳам издан чиқаради.

Учинчидан, инсон ўзини билиш ва асраш орқали табиатни билиш ва асрашга ўтади, ўзини билиш табиатни билиш, ўзини асраш ва табиатни асраш орқали у ниҳоят жамиятни билиш ва уни асрашга ўтади.

Инсоннинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топа билиши жамиятнинг ички моҳияти, ривожланиш қонуниятларини туғри тушуниши ва бу қонуниятларга амал қилиб яшашга ўрганиши фақат ўзини ва табиатни билиш орқали амалга ошади. **Инсон табиат жамият ягона бир жараён, аниқроғи, ягона бир жараённинг турли кўринишларидир.** *Мана шу яхлитликни чуқур ҳис қилган, унинг моҳиятига етаолган, бу узлуксиз ва изчил жараёнларга итоат қилиб яшашга урганган одамда албатта экологик маданият шаклланган бўлади; бу нарса инсонда ўзига нисбатан эҳтиёткорлик, табиатга нисбатан саҳийликни келтириб чиқаради; ўзига бўлган эҳтиёткорлик, табиатга бўлган саҳийлик эса ўз навбатида жамиятга бўлган инсофлиликни юзага келтиради. Бу қонуний жараён бузилса, албатта, экологик маданият издан чиқади.* Биз юқоридаги фикрларимизни яқунлаб шундай умумий хулосага келамиз.

Биринчидан, XX асрда жуда кўп экологик фалокатлар рўй берди. Сув тошқинлари, тўфонлар, ер қимирлашлар, иқлимнинг ўзгариши ва бошқалар табиат ривожланишидаги мувозанатнинг бузилишидан далолатдир. Яна табиат неъматлари, ер ва сув захираларидан нотўғри фойдаланиш сингари ижтимоий ҳодисалар ҳам рўй бердики, булар биринчи навбатда инсоннинг табиатга нисбатан нотўғри муносабатлари натижасидир.

Иккинчидан, экологик фожиаларнинг келиб чиқишига асосий сабаб экологик маданиятнинг пасайиб кетганидир. Агар биз экологик маданиятнинг моҳиятини туғри тушунган ҳолда бутун эътиборни ўқувчи-талаба ёшларимизда экологик маданият асосларини шакллантиришга қаратсак, бунинг учун барча чораталбирларни изчиллик ва қатъият билан олиб борсак, XXI асрда ўз

мамлакатимиз худудида экологик вазиятни соғломлаштиришга эришган буламиз.

Учинчидан, биз маънавият ҳақида гапирганимизда, маънавиятни поклаш ва уни ривожлантириш ҳақида фикр юритганимизда бевосита экологик маданиятни шакллантиришни ҳам кўзда тутишимиз керак. Чунки, экологик маданият чинакам инсонийлик белгиси, тўғри яшаш, умрини савоб ишларга бағишлашнинг, олижаноб ва мурувватли бўлишнинг асосидир.

Туртинчидан, узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-талабаларда экологик маданиятни шакллантириш маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш билан узвий алоқада бўлиш.

Бешинчидан, ўқувчи-талабаларда экологик маданиятни шакллантиришда халқимизнинг миллий, маънавий мероси, турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатларидан кенг фойдаланиш.

Олтинчидан, экологик маданиятни шакллантиришда табиий фанларни ўқитиш жараёнида ижтимоий-гуманитар фанлараро алоқадорлик ва боғлиқликдан фойдаланиб дунёқараши кенг, иродаси бақувват, ўз кадр-қимматини англайдиган, ҳаётда ўз нуқтаи назарига эга бўлган шахсни тарбиялаш.

Еттинчидан, ўқувчи-талабаларда экологик маданиятни шакллантиришда маънавий-маърифий ишларнинг энг мақбул йўналишларини белгилаш ва мазмунини бойитиш, энг илғор шакл ва методларни танлаш, бу борада энг илғор инновацион технологияларни қўллаш.

Саккизинчидан, маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишда анъанавий таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва уни ўзгартиришга гехнологик ёндашиш ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, уларда экологик маданиятни шакллантириш.

Тўққизинчидан, узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-талабаларнинг назарий билиминини юксалтириш, мустақил фикрлашга йўллаш орқали экологик маданияти ва маънавиятини шакллаштиришга йўналтириш ва ҳаказолар.

Демак, маънавият экологияси ўқувчи-талабаларнинг экологик тарбияси муҳим асоси ҳисобланади. Маънавият экологияси тушунчаси кенг қамровли бўлиб у ҳақда и тасаввурларни ҳозирги замон фанларининг ўзаро ҳамкорлигисиз асослаб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, *маънавият экологияси тушунчаси жамият маънавий ҳаётининг барча қисмлари, жумладан, фан ва техника, маориф ва*

маданият, таълим ва тарбия, адабиёт ва санъат, фалсафа ҳамда ҳуқуқ, иқтисодиёт барча интеллектуал бойликларнинг экологиялашуви сингари омилларни ўз ичига олади.

Маънавийт экологиясидаги муаммолар бирданига пайдо бўлмай узоқ йиллар давомида туплана борди. Собиқ шўролар тузуми давридаги мафкуравий якка ҳукмронлик табиатга, инсоннинг яшаш муҳитига нисбатан бир томонлама ёндошувларнинг, кишилар фаолиятидаги кўр-кўроналикнинг онглилик устидан ҳукмронлиги, субъективликнинг (инсон фаолияти) - объективлик (табиатдаги жараёнлар) билан номувофиқ ҳолатда муносабатда бўлишига олиб келди.

Ҳозирда мавжуд экологик зиддиятлар маънавийт экологиясининг ўтмишдаги қусурлари билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун бу қусурлардан ҳоли бўлмоқ учун маънавийт экологиясини ҳар томонлама ривожлантириш лозим.

Маънавийт экологиясининг замирида – инсон ва табиат муносабатлари ётганлиги сабабли бу муносабатлар орасида жамият тараққиётининг илк босқичларида барқарорлик ҳолатлари мавжуд эди, аммо кейинчалик табиатга нисбатан антропоген таъсир кучайиб, бу барқарорлик ҳолатлари бузилди. Жумладан, инсон фаолиятининг бевосита натижаси ҳисобланган сунъийлик табиат тараққиёт даражасидан ўзиб кетди. Натижада улар орасидаги мувофиқ ҳолатлар ҳозирга қадар сақланиб келмоқда.

Масалан, муайян сунъий маҳсулотлар-инсон маънавий тараққиётининг, ёки аниқроқ қилиб айтганда, маънавийт экологияси ривожининг бир томонлама шакллана бораётганлиги оқибатидир. Бу нарса маънавийт экологиясидаги хусусий манфаатларнинг умумий манфаатлардан устунлиги натижасидир. Ўтмиш маданий ва илмий меросимизга бир томонлама ёндашувлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши учун мураккабликлар келтириб чиқаради. Маънавийт экологиясида - инсон қолаверса, унинг манфаатлари ётади.

Бир томондан инсоннинг ақл-заковати маънавийт экологияси ҳолатини яхшиласа, иккинчи томондан бу ақл - заковат унинг ҳаётига, маънавийт экологиясига путур етказиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда - инсон тафаккурининг баъзи натижалари, жумладан, турли қуролларнинг яратилиши, айрим ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, маънавийт экологиясининг ажралмас қисми

булган инсон мавжудлиги учун жиддий ҳавф-хатар вужудга келтирмоқда.

Бинобарин, маънавият экологиясини ҳар томонлама шакллантириш бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ўтиш даврида ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Юртбошимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарида таъкидлаганларидек: “Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маънавияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади”¹.

Кўриниб турибдики, инсон билан табиат ўртасида ҳамнафаслик, меъёр даражасидаги муносабатларнинг ўрнатилиши маънавият экологияси учун ниҳоятда зарур. Шунинг билан бирга қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз:

- маънавият тараққиёти асоси – инсон ва табиат муносабатини бир томонлама эмас, балки фақатгина инсон эҳтиёжинигина қондиришдан иборат деб билмасдан, айни пайтда, табиат эҳтиёжини ҳам ҳисобга олмоқ лозим;

- маънавий тарбияни дастлаб экологик билишнинг эмпирик жиҳатларига қаратиш фойдалироқ. Оила, инсон яшаётган муҳит ва теваарак-атрофни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш экологик маънавий тарбияда дастлабки омил бўлмоғи керак;

- ҳозир экологик онг ёки тафаккурни тўла маънода шакллантиришдан ташқари, уларнинг нисбий мустақиллиги масаласи ҳам жуда муҳим. Маънавият экологиясига эътибор қаратилганда табиатдан оқилона фойдаланишнинг методологик жиҳатлари, жумладан, техник, технологик, эстетик, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, фалсафий қарашларнинг узаро бирлиги ва бир бутунлигини назарда тутмоқ лозим;

- объектив жараёнлар (табиат) ва субъектив (инсон) мақсадлари орасидаги амалдаги диалектик бирликни таъминламоқ лозим;

- сунъийлик ва табиийлик орасидаги, номувофиқликни амалда бартараф этиш, сунъийликдаги – табиийлик ҳолатларига чуқур эътибор берилмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда маънавиятда сунъийлик билан табиийлик бир-бирларини истисно этадиган

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998., 59-60 бетлар.

ҳолатларни эмас, балки уларни бир-бирларини тўлдириб турадиган вазиятлар билан боғлиқ дунёқараш орқалигина - маънавий экологиясини қарор топтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, **экологик тарбия, экологик маданият ва экологик маънавий табиатни муҳофаза қилиш** ҳақидаги илмий назарий билимлар мажмуаси, ҳукмрон иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий қарашлардан тартиб, оддий кундалик тасаввурларгача ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида Республикамизда олиб борилаётган экологик сиёсат ва унинг замон талабларига қараб такомиллашиб бораётгани, ёшларга умумий, ижтимоий, умумбашарий экология ҳақидаги билимларни беришга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Экологик тарбия мавзусининг долзарблигини Юртбошимиз “**Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийёт кафолатлари**” (-Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 112-113-бетлар) асарида кенг ёритиб берган эди: “Табиат ва инсон ўзаро муайян қонунга ярашган асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш унглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади”. Шубҳасиз, бу долзарб муаммоларни ҳал этиш ўқувчи-талаба ёшларнинг экологик тарбияси, экологик маданияти ва маънавийтини, экологик билимини юксалтиришга, онги ва ақл-заковатига боғлиқдир.

Шунингдек, И.А.Каримовнинг “**Юксак маънавий-енгилмас куч**” номли асарида ҳам атроф-муҳит, инсон ва табиат, экология ва экологик маънавий ҳақида батафсил фикр юритилади.

Табиатни қўриқлаш ва табиат заҳираларидан тўғри фойдаланиш масалалари иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу муаммо Президентимизнинг “**Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари**” номли асарида атрофлича таҳлил этилган. Демак, бу муҳим экологик масалаларни ҳал қилиш “**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури**” асосида яратилган “**Ўзлуксиз экологик таълим-тарбия концепцияси**”даги ўқувчи-талабаларнинг экологик саводхонлиги даражасини ошириш, ёш авлодда ҳуқуқий-экологик онг ва тафаккурни ҳосил қилиш, бу соҳада барча ўқув предметларининг экологик таълим-тарбия бериш имкониятларини кенгайтиришни тақозо этади.

ЮНЕСКО ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон табиатда ва табиат инсонда” дастурида ўқувчи-талабаларга

ёшликдан экологик таълим-тарбия беришни таъминлаш лозимлиги назарда тутилган бўлиб, экологик тарбия ва экологик маданият ҳамда экологик маънавият кенг маънода куйидагиларни ўз ичига олади:

-ҳар бир инсоннинг табиат учун жавобгарлигини ошириш, уни севишга ўргатиш;

-инсоннинг табиатга муносабати илмий билимларга асосланган бўлиши зарурлигининг аҳамиятини тушунтириш;

-экологик маданият асосида ёшларни табиатдан фойдаланиш ва уни сақлаш руҳида тарбиялаш;

- ёшларга экологик бойликлардан онгли равишда оқилона фойдаланишни ўргатиш;

- табиатдан фойдаланиш жараёнида экологик муаммоларни тўғри ҳал қилиш йўларини ўргатиш.

Буларнинг барчаси узлуксиз экологик таълим тизими асосида изчил амалга оширилиши лозим.

8.9. ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

Мустақил Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги илк сабоқлар давлат қурилишининг тадрижий ривожланиш мақсадларини янада чуқурроқ англаш, ҳаётнинг ўзи долзарб қилиб қўяётган муаммоларни ҳал этишнинг стратегик йўналишларини аниқлаб беради. Дарҳақиқат, мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билим савияси, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий маънавияти қанча юксак бўлса, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти ҳам шунча кучли бўлади, мустақиллигимиз асослари кун сайин мустаҳкамланиб, барқарорлашиб боради. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тарғибот тантана қилмаса, фуқаролар, айниқса, ўқувчи-талаба ёшларимиз қонун-қондалар ва ҳуқуқий нормаларга қонуний актларга, энг муҳими Ўзбекистон Республикаси Конституциясига катта ишонч - ихлос билан муносабатда бўлишга, иймон-этиқодга риояга қилишга одатланмаса, демократик ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти фуқароларнинг айниқса, ўқувчи-талаба ёшларнинг сиёсий онглилиги, сиёсий уюшқоқлиги, ҳамжиҳатлилиги, ҳуқуқий билимдонлиги, маданиятлилиги, ҳушёр ва зийраклиги, ҳар

бир нарса ва ҳодисага кур-курона эмас, балки, ақл - идрок, билим ва тафаккур, фаҳм-фаросат ила ёндашганлиги билан кучли, қудратлидир. Ана шу гоё ва шу назарий йул-йуриқлар, Президент Ислом Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, Фармонлари ва Фармойишларида ўз ифодасини топди. Юртбошимиз бу ҳақда шундай дейди: “Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, аynи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак”¹.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов маънавий баркамол инсон ҳақида фикр билдирганда у биринчи навбатда усиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий маънавиятини шакллантириш ҳамда ривжлантиришни, айнан ўз ҳақ-ҳуқуқларини муайян қонунларга мувофиқ ҳимоя қилиш борасида кўникмалар ҳосил қилиш ва шу асосда ижтимоий фаоллик қилишни назарда тутганлиги ҳам бежиз эмас. Шу боис ҳам ҳозирги кунда ёшларнинг қалби ва вужудига гўдаклик пайтидаёқ одоб-ахлоқ, ҳуқуқий қонун-қоидалар ҳақида илк тасаввур ва тушунчаларни сингдиришда оила ва болалар боғчаларининг роли каттадир. Бунинг учун ота-оналар ва мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий маънавиятдан хабардор бўлишлари лозим.

Демак, фарзанднинг келажакдаги истиқболи билимли, етук обрўли инсон, фаровон ҳаётининг барпо бўлишида бугунги кунда оилада соғлом муҳит, ота-онанинг ўзи маънавий-ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлиши талаб этилади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, ота-оналар ўз фарзандларининг баркамол инсон бўлиб вояга етишларида жамият олдида жавобгардир. Зеро, болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, маънавиятли солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Шундай экан, оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва уни миллий истиқлол гоёлари руҳида мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масаладир. Негаки,

¹ Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кўраимиз. –Т-7. –Т.: «Ўзбекистон» 1999, 381-бет

ижтимоий ҳаётда юз берадиган ўзгаришлар, ундаги ютуқ ва камчиликлар, салбий оқибатлар, мураккабликлар ва зиддиятлар оилада ўз аксини топади. *Оила – жамият негизи, ҳар бир инсонда илк ёшлигидан бошлаб онгида шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу-маслаклар, маънавий – ҳуқуқий қадриятлар такомил топадиган, ҳуқуқий ва маънавий тарбия амалга ошириладиган муҳитдир.* Ўзбек оиласи ўзида кўп асрлик мустаҳкам маънавий-ҳуқуқий қадриятларимиз равнақ топадиган шундай масканки, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги жамиятимиз ривожининг муҳим омилларидандир. Агар оиладаги муҳит соғлом бўлса, унда камол топаётган ёш авлод қалби ва руҳига миллий истиқлол ғояларини, қонун устиворлигини сингдириш учун қулай шарт–шароит яратилган бўлади.

Шунингдек, болалар мактабгача тарбия муассасаларида ҳуқуқ-атвор қоидаларидан хабардор, маънавий-ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчаларга эга бўладилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ёшларининг дунёқараши, миллий маънавий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қиёфасини белгилаб берувчи эътиқод, ҳислат, феъл-атвор ва бошқа фазилатларнинг ҳаммаси умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш жараёнида шаклланади, ривожлана бошлайди.

Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўқиш жараёнида ҳуқуқий билим асосларини ёдлаб олинган сабоқ тарзида эмас, балки ўз қарашлари ва эътиқодларининг тизими тарихида қабул қиладилар. Ҳуқуқий билимлар асосида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиб оладилар, жамият, давлат, халқ ва миллат олдидаги бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлигини чуқур ҳис этиб англай бошлайдилар. “Лўнда қилиб айтганда, - дейди Президентимиз Ислоҳ Каримов, – бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётга янгиликнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”¹.

¹ Ислоҳ Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 325-бет.

Хуқуқий билимларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўргатишни йўлга қўйишда, бу орқали талабаларнинг хуқуқий маданиятининг юксалишига эришишда, бошқача айтганда, том маънодаги хуқуқий онгни шакллантиришда олий ўқув юртлари – университетлар, академиялар ва институтлар нечоғлик катта ўрин тутаётганлигини ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин.

Олий ўқув юртлари илмнинг у ёки бу тармоғи бўйича талабаларга мутахассислик бўйича чуқур махсус билим беради, уларни бирон-бир касбга, фаолиятга тайёрлайди, юқори малакали мутахассислар қилиб етиштиради.

Олий таълим икки босқичга - давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи **бакалаврият ва магистратурага** эга.

Ўзбекистон Республикасининг **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** да белгилаб қўйилганидек, **“Бакалаврият”** мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган **таянч олий таълимдир**.

Бакалаврлик ўқув дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича **“бакалавр”** даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура- аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва илмий амалий билим берадиган, таълим муддати камида икки йил давом этадиган **“олий таълимдир”**.

Етук мутахассис деган юксак даражага эришмоқ осон эмас, албатта. Бунинг учун ҳар бир бакалавр ва магистрант ўзи танлаган ихтисослик бўйича олий ўқув юрти дастурида белгиланган, Давлат таълим стандартларидан кам бўлмаган ҳажмдаги билимларни чуқур эгаллаши, шунингдек, ўз билимини доимо такомиллаштириб бориши, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиши, кенг назарий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, хуқуқий, фалсафий, педагогик ва психологик билимларни эгаллаши лозим.

Дарҳақиқат, замон талабларига жавоб берадиган мутахассис бўлиб етишиш учун ҳар бир бакалавр ва магистрант замонавий билим асосларини, техника ва технологияларни, кўплаб хорижий тилларни эгаллаши, ғоявий-сиёсий етуклиги, хуқуқий билимдонлик ва маданиятлилик даражаси юқорилиги, иродаси мустаҳкам-

лиги ва иймон-эътиқодини бутунлиги, ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўра олиши, элим деб, юртим деб яшаши, фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир

Талаба ёшларимиз баркамол инсон бўлиб етишишлари учун жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунларни, мавжуд ҳуқуқий мезонларни билмасдан, уларга сўзсиз риоя этмасдан туриб маънавий – ахлоқий етукликка эриша олмайди. Бунинг учун ёшлар **ҳуқуқий онгга, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятга ва ҳуқуқий маънавиятга** эга бўлишлари зарур.

Ҳуқуқий билим - деганда, *ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланганлик, ҳуқуқий маданият, маърифат ва маънавият соҳиби бўлиш* Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган фуқаролик ҳуқуқи, шахс эркинликлари ва бурчлари нимадан иборат эканлигини билиш; қонунларимизда кўрсатилган, ҳамма учун мажбурий бўлган ҳуқуқий нормаларга қатъий амал қилиш ва қонунбузарликка мурасасиз бўлиш тушунилади.

Ҳуқуқий билим ўз-ўзидан ҳуқуқий маданиятга айланмайди. Ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий нормалар шахснинг онги ва турмушига сингган, амалий фаолиятларида қўлланила бошлаган тақдирдагина ҳуқуқий маданиятга айланади.

Ҳуқуқий маданият деганда, ҳар бир давлатнинг Конституцияси ва ҳуқуқ нормаларининг мавжудлиги, фуқароларнинг мавжуд қонунларни билиши, жамиятда қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг баробарлиги ҳамда қонунларни ва ҳуқуқий меъёрларни бузган шахс истисносиз жавобгар бўлишини чуқур ҳис этиши тушунилади.

Зеро, ҳуқуқий маданиятли шахс жамиятда қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларга мувофиқ фаолият кўратади, уларга зид ҳаракат қилмайди. Жамиятнинг қонунлари ва ҳуқуқий нормалари шахснинг ҳуқуқий маданияти даражасини белгилайди. Негаки, қонун даражасида устувор бўлолмайди. Қонун – жамият маданиятининг кўзгусидир.

Ҳуқуқий маданият тарбиянинг ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ва ҳуқуқий ўзгаришларининг натижаси ва таркибий қисми ҳисобланади. Ижобий ўзгаришлар шахснинг ҳуқуқий маданияти савиясини оширишга ёрдам берувчи шароитлар яратади. салбий ўзгаришлар эса, аксинча, ҳуқуқий маданият даражасини оширишда маълум даражада тўсқинлик ҳисобланади ва ёшларнинг ҳуқуқий онгига салбий таъсир кўрсатади.

Хуқуқий маданият умумий маданиятнинг мажбурий компоненти (ташқил этувчиси) ҳисобланади. Биз шахснинг хуқуқий маданияти —бу хуқуқий билимлар, малакалар, кўникмалар, ҳис-туйғулар, эътиқодлар, қадриятлар, хуқуқий ҳулқнинг шакллантирилганлик даражаси билан тавсифланувчи интегратив сифат деб ҳисоблаймиз. Шу боис шахс хуқуқий маданиятнинг таркибий тузилишида куйидаги фалсафий, хуқуқий, педагогик ва психологик компонентларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: **когнитив, ҳис-туйғу, қадриятли, ҳулқий, хуқуқий онг, хуқуқий мафкура ва хуқуқий руҳият.**

Хуқуқий маданиятни **ижтимоий онгга** сингдириш жуда мураккаб жараён. Чунки хуқуқий маданиятни шакллантириш барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари баҳамжиҳат маърифий-ташкилий фаолияти натижасида амалга ошадиган ишдир.

Хуқуқ ижтимоий ҳодиса сифатида онгдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. У ҳақиқий воқеликнинг бошқа ҳодисалари каби жамият онгида акс этиб, нафақат унинг инъикосига, балки билиш курули ёки усулига айланади. Ушбу мураккаб руҳий соҳада кечадиган ички фикрлаш жараёни хуқуқий ҳақиқатнинг онгдаги аксини тушуниб етиш ва хуқуқ ҳақидаги билимларни шакллантириш билан боғланган. Хуқуқ ва онг ўртасидаги вужудга келадиган узилмас боғлиқликни кўзда тутиб, аввало хуқуқий онг тушунчасини аниқлаб олиш лозим.

Хуқуқий онг —ижтимоий онгнинг бир шаклидир. Шу боис ҳар бир хуқуқий кўрсатма хуқуқий онг соҳаси орқали ўтгандан сўнггина аниқ феъл-атворда ёки қилмишда амалга оширилади, мақсад кўзланади ва муносабатларга киришилади. Оқибатда мураккаб руҳий ҳодиса бўлмиш **хуқуқий онг** икки қисмга: **хуқуқий мафкура ва хуқуқий руҳиятга** ажратилади. Шу бирликнинг ҳар қайсисида ҳодисалар ўзига хос аксини топади.

Хуқуқий мафкура ва хуқуқий руҳиятнинг ўзига хослиги улардаги умумийликни ва ўзаро таъсирни мутлақо инкор этмайди. Чунки улар бир-бирлари билан чамбарчас боғланган. Бири иккинчисини тўлдиради, бири иккинчисидан келиб чиқади, шу тариқа хуқуқий воқелик тўғрисида илмий асосланган тушунчани ҳосил қилади.

Ҳуқуқий мафкура – ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимида иборатдир. Ҳуқуқий онгнинг мафкура қисмида аксини топган ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ривожлантирилиб, илмий даражада англаб етилади.

Бундан илмий-назарий асарларнинг мазмуни ўқувчи-талабаларнинг маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгига аниқ ҳуқуқий билим, мулоҳаза, эътиқод ва кайфиятни олиб киради. Шахснинг ҳуқуқни билиб олиш жараёни юқорида қайд қилганимиздек ёки шунга яқинроқ тарзда кечади.

Шахснинг ҳуқуқий феъл-атвори қандайлиги унинг маданияти даражасига, ҳуқуқий билимининг кенглиги ва теранлигига боғлиқдир. Ҳуқуқий мафкура шахснинг ҳуқуқий онгини илмий асосда шакллантириб бориб, шахснинг ҳуқуққа бўлган муносабатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда онгда юзага келадиган ва унга сингиб кетган ҳислар, кечинмалар соҳасини ифодалайди. Ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий ҳодисаларни ҳиссиёт билан тиклаш соҳасидир. Шахс ҳиссиз, ўйламасдан фикр қиладиган, машина эмас. У нафақат фикр қиладиган, балки идрок этадиган, сезадиган, тирик зотдир. Шунинг учун у ижтимоий ҳодисаларни, жумладан, ҳуқуқий ҳодисаларни ҳам нафақат ақл, балки сезги билан ҳам тушуниб етади.

Ҳуқуқий маданиятнинг даражасига қараб, ҳуқуқий онг уч турга ажратилади: **оддий, илмий ва касбий.**

1. *Оддий ҳуқуқий онг одатда ўз-ўзидан вужудга келади ва шахснинг эмпирик тажрибаси ва ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ҳаётий вазиятлар ҳақидаги тушунчаси билан белгиланади.*

2. *Илмий ҳуқуқий онг эса ижтимоий ҳуқуқий ҳақиқатни у ёки бу даражада, акс эттирувчи билимлар тизимини ўз ичига олади.*

3. *Касбий ҳуқуқий онг эса юридик олий ўқув юртларида таълим олиш жараёнида шаклланади ва амалиёт натижасида сайқал топади.*

Ҳуқуқий маънавият-шахснинг ижодий кучлари ва қобилиятлари, имкониятлари камол топишига ва қадр-қимматини, шахсий дахлсизлигини, эркин яшашини, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, бахт-саодатга эришиши, эҳтиёжларини қондириш, бахт-саодатга эришиши, ёши ва жинси, ирқи ва миллати, тили

ва динидан қатъий назар бир-бирларини ҳурмат қилиш, ўзгаларнинг тақдирларига бефарқ қарамаслик, инсониятнинг фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилиш, Ватан учун, халқ учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлиш, умуминсоний кадриятларнинг узвий бўлаги сифатида ўсиб, ривожланиб чиққан, миллий, моддий ва маънавий – ҳуқуқий кадриятларнинг ахлоқий, ҳуқуқий ва руҳий сифатларини ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури, маданияти ва маънавиятига сингдиришдан иборат бўлиб, шу йўл билан жамиятда ҳуқуқий кадриятларга, хусусан, Конституцияга ва қонунларимизга нисбатан ҳурмат муҳитини яратиш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маънавиятини юксалтириш шунингдек, ҳар бир фуқаронинг Конституцияда мустақкамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали маънавий-ҳуқуқий ўзлигини мукамал англаб етишишига эришишдир. *Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади”¹-деб кўрсатилган. Шу боис Конституция ва қонунларимизда мустақкамланган ҳуқуқ ва бурчларини билган ҳар бир шахс ўзини эркин ҳис этади, кадр – қимматини ва шаънини ўзи мустақил ҳимоя қила олади.*

Ҳуқуқий кадриятларга садоқатли бўлишнинг пухта омилларидан бири ижтимоий адолатдир. Халқимизнинг умуминсоний кадриятларга, шу жумладан, ҳуқуқий кадриятларга содиқлигининг адолатли ва адолатпарварлигидир. Чунки халқимиз адолат, тинчлик, аҳил қўшничиликни асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда.

Адолатпарварлик ғояси – иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий йўналишларда кенг ўрин олиши учун ёшларимиз Конституция, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиши кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий маънавиятини шакллантириш билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, миллий истиқлолимизнинг барқарорлигини, ижтимоий тараққиётимизнинг тезлашиб бориши, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш ва интеграциялашув жараёнини тезлик билан ўтказиш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ – Т.: «Ўзбекистон», 2008, 60-бет

лантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни инсон омилсиз, маънавий баркамол инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Энг оғир, энг мушкул вазифа ва муаммоларни ҳам жаҳондаги жамики умуминсоний кадриятлар ичра олийси ҳисобланган ҳазрати **Инсон** *ўзининг ақл-идроки, тафаккури, салоҳияти, меҳнати, қадокли қўллари билан ҳал этади.* Президентимиз Ислоом Каримов “Келажақда **Ўзбекистон** юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни койил қилиши лозим. Мамлакатимизнинг мард, фидойи кишилар юртига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланишига аминман”¹, деганда худди шуни назарда тутди.

Модомики, биз мустақил Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, бу улуғвор вазифаларни ҳал этиш ҳам энг аввало баркамол инсон камолотига, ҳуқуқий таълим-тарбиясига, сиёсий онглилик ва етукликка, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий маърифат ва ҳуқуқий маънавият масалаларига бориб тақалади.

Бинобарин, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий маънавиятнинг ўзаги айни пайтда ажралмас қисми бўлган **ҳуқуқий тарбияга** биринчи даражали аҳамият бермасдан туриб, маънавий баркамол инсонни камолотга етказиб бўлмайди.

Ҳуқуқий тарбия – *бу шахсга нисбатан ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий муносабатларни, қонунга итоаткор ҳулқ-атвор қўникмалари ва одатларини шакллантирувчи уюшган, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ифодаланишидир.* Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳуқуқий тарбияни ўсиб келаётган ёш авлоднинг кичик ёшидан амалга ошира бошлаш, ҳуқуқий ахборотларнинг биринчи даражали тус олишига эришиш, шахснинг дунёқараши ва ижтимоий-ҳуқуқий йўналтирилганлигининг таркибий қисми тарзида ҳуқуқий қарашларига асосланиши зарурдир.

Ҳуқуқий тарбия ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, ҳушёр ва зиёрак қилиб камолотга етказишнинг самарали воситаси саналади.

Ҳуқуқий тарбия жараёнида ўсиб келаётган ёш авлодни нафақат Конституция ва қонунларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш ва унга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш муҳим

¹ Ислоом Каримов. Ватан саждағох каби муқаддасдир. Т-3. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 42-бет

аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларда ҳуқуқий нормаларга сўзсиз итоат этиш кераклигига ишончни тарбиялаш, улар онгига демократик қонунчилик принципларига доимо ҳурмат билан қарашни сингдириш муҳимдир.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади – ҳуқуқий таълим ва тарбия воситалари, шакл ва методлари ёрдамида шахснинг онгига таъсир кўрсатиб, унда Конституция ва давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларга итоаткорликни, давлат сиёсатини ижро этиш ҳамда ўз хатти-ҳаракатини давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларга итоаткорликни, давлат сиёсатини ижро этиш ҳамда ўз хатти-ҳаракатини давлат талабига мувофиқ ҳолда танлай олиш қобилиятини шакллантиришдан иборатдир.

Демак, ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади- шахсда ҳуқуқий онгни шакллантириш, яъни ҳуқуқий нормаларга ҳурматни, уларга ихтиёрли, онгли равишда риоя қилишни тарбиялашдир. Ҳуқуқий тарбия шахснинг болалик чоғидан етуқлик давригача ўтказиладиган узлуксиз тарбиявий жараённи ўз ичига олади. Узлуксиз ҳуқуқий тарбиянинг мақсади ёшларнинг ҳуқуқий онгини бевосита кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборатдир.

Ҳуқуқий тарбиянинг умумий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-Конституция ва қонунларимизнинг жамиятдаги тутган ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини ёшлар онгига, тафаккури, маданияти ва маънавиятига сингдириш;

-ёшларнинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқи, эркинликлари ва бурчларини тула идрок этиши орқали ўзлигини мукамал англаб етишишига эришиш;

-шахсга Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқий нормаларга қатъий амал қилиш йўлларини ўргатиш;

-шахсда муайян ҳолатларда зарур ҳуқуқий нормаларни қўллай олиш малака ва кўникмаларини шакллантириш;

-ҳуқуқий таълим ва тарбия воситаларини ҳамда усулларини такомиллаштириш;

-умуминсоний ва миллий анъаналар ҳуқуқий қадриятлар ҳамда жаҳон ҳуқуқий тажрибасидан фойдаланиш асосида ёшларнинг ҳуқуқий онги, билими, маданияти ва маънавиятини шакллантириш;

-шахсда ҳуқуқий нормаларни ўрганишга эҳтиёж уйғотиш, яъни узини-узи мустақил равишда ҳуқуқий тарбиялашга одатлантириш ва ҳаказолар.

Ҳуқуқий тарбиянинг шакллари қуйидагилардан иборат:

-ҳуқуқий билим;

-ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот;

-жамоатчилик томонидан олиб бориладиган маънавий-ҳуқуқий ишлар;

-ҳуқуқий ҳимоя (муҳофаза) қиладиган давлат органларининг ишлари билан танишиш (тергов, суд жараёнида қатнашиш);

-халқ депутатларини номзодликка тавсия қилиш мажлисларида, маҳаллий ҳокимиятлар қошидаги вояга етмаганлар комиссиялари ишларида иштирок этиш;

-ёшларни ҳуқуқий билим эгаллашида, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий маънавият ва ҳуқуқий тарбиясида, дарс жараёнида маърузалар, семинарлар, ўйин дарсларини, викториналар ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи давлат органлари ходимлари билан учрашувлар ўтказилиши, савол-жавоб кечалари ва баҳс-мунозаралар ташкил этилиши ижобий натижа бериши мумкин;

-ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнида шахсга махсус юридик адабиётлар тавсия этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий тарбия методлари – бу бир неча муайян йўл ва усуллар йиғиндиси бўлиб, улар асосида шахснинг онгига, дунёқарашига таъсир қилинади. Бунинг натижасида тарбияланувчиларда қонунга ҳурмат ҳисси уйғотилади ва қонуннинг бузилмаслиги таъминланади.

Энг асосий метод бу – **ишонтириш методи**. *Ишонтириш методи орқали натижага эришилмаса мажбурлаш методи қўлланилади.* Демак, ҳуқуқий тарбияда бу икки методни бирга қўллаш мумкин.

Ишонтириш методи орқали ёшларга ҳуқуқ, қонун, қонун устуворлигининг жамият ҳаётида қанчалик аҳамияти зарурлиги, бу қонун лойҳаларини муҳокама қилишда фуқароларнинг шахсан ўзлари қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги тулароқ тушунтирилади.

Ҳуқуқий тарбиянинг илмий принципларидан бири урганилаётган қонун ёки қарорнинг келиб чиқиш сабабларини, унга объектив зарурат борлигини тушунтириб беришдир. Агар тарбияланувчи қонун, қарор ва қоидаларнинг вужудга келиши, қабул қилинишини умумий асосларини тушуниб олса, ҳозир

ўрганилаётган ҳуқуқий нормаларнинг қабул қилиниши сабабини билса, уни бажаришга онгли равишда ёндашади, ўзида ҳуқуқий нормага нисбатан эҳтиёж сезади.

Ҳуқуқий тарбияга илмий ёндошиш қуйидаги фаолиятлардан ташкил топади:

-ўргатилиши лозим бўлган қонун ёки ҳуқуқий – норматив (меъёрий) ҳужжатларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзлаштириб олиш;

-тарбия объектларини ўрганиш, улар билан ҳуқуқий норма ўртасидаги боғлиқлиқни аниқлаш;

-мазкур минтақадаги ҳуқуқий нормага алоқадор ҳуқуқий ҳолатни (ҳуқуқ-тарғиботни, қонунчиликка муносабат) ўрганиш ва таҳлил қилиш;

-ҳуқуқий нормани тушунтириш шакл ва методларини танлаб олиш;

-ҳуқуқий тарбия воситаларини тайёрлаш;

-тарбияланувчиларнинг фикрини ўрганиш ва савол-жавобга тайёрланиш;

-ҳуқуқий тарбияни шаҳар, туман, вилоят, республика миқёсида ягона шакл ва методлар асосида олиб бориш.

Бу вазифаларнинг юксак даражада амалга оширилиши ўқитувчи билан тарбияланувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқдир. Иккала томоннинг фикр алмашиши, ҳуқуқий тушуналарга аниқлик киритилиши, яқдиллик асосида ҳаётий ҳолатининг белгилаб олиниши таълим-тарбия оловчиларни ҳуқуқий онгига тегишли ўзгартириш киритади, уни бойитади. Ҳуқуқий тарбия ташкилотчиси, ўқитувчи-педагог тарбиячи вазифасини бажарган ҳолда тарбияланувчилар хусусиятини ўрганибгина қолмай, балки уларни тарбия жараёнида ўзи билан ҳамкорлик қилишга ундаши, қизиқтириши, шу йўл билан уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, юқори савияли, билимли шахс даражасига эришиши керак. Ўқитувчи-педагог тарбияланувчилар ҳамкорлиги ҳуқуқий тарбияга кенг ёндашишнинг ташкилий қисмидир холос. Ҳуқуқий тарбияга мазмунан кенг ёндашиш шахс ижтимоий онгининг бошқа масалаларини ҳам тарбия жараёнида ҳисобга олишдир. Масалан тарбияланувчиларнинг ижтимоий онгига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш учун ҳуқуқий тарбия ғоявий, ахлоқий, этик, эстетик тарбия билан ўзвийликда олиб борилади. Иккинчи томондан, ҳуқуқий тарбиянинг ўзи қандай ҳуқуқий ахборот берилаётган-

лигидан қатъий назар, ҳуқуқий онгни шакллантириш учун зарур бўлган барча ҳуқуқий омилларни қамраб олган бўлиши керак. Масалан, ўқитувчи-педагог меҳнат қонунига киритилган ўзгаришлар билан тарбияланувчиларни таништирмакчи дейлик. Мақсад-тарбияланувчиларнинг онгига ягона қонун мазмунини акс эттирган ҳолда меҳнат муносабатларида қонундаги ўзгаришга мувофиқ иш кўра билишни тарбиялашдир. Бунинг учун ўқитувчи-педагог масалага кенг ёндашиб, қонун ўзгариши сабабларини далиллар ёрдамида кўрстиши, янги қонун моҳиятини исботлаши, уни ижро этиш тартибини ўргатиш, кўзда тутилган мақсадни мисоллар ёрдамида тушунтириши керак.

Бинобарин, ҳуқуқий тарбияга алоқадор омиллар икки гуруҳга бўлинади: ўқитувчи (тарбиячи)нинг ахборотли ҳужжатларга (тарбия мазмунига) киритиладиган омиллар ва тарбияланувчилар хусусиятига боғлиқ омиллар.

Ўқитувчи-педагогнинг ахборотли ҳужжатларга киритиладиган омиллари суҳбат мавзусида қандай қонун, қонуний ишларни тушунтирмак, асосий мақсад нимага қаратилганлигини билиб олмак.

Тарбияланувчилар хусусиятига боғлиқ омилларда ўқитувчи-педагог тарбияланувчиларнинг қабул қилиш даражаси, ёшига, маҳоратига ва бошқа хусусиятларга эътибор берган ҳолда тарбия усулини танлашдан иборатдир.

Юқорида билдирилган фикрлар асосида қуйидаги умумий хулосага келиш мумкинки, ўқувчи-талаба ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашнинг мазмуни, асосий йўналишлари, шакл ва методлари кўп қиррали бўлгани билан асосий мақсади битта, у ҳам бўлса ўсиб келаётган ёш авлодга қонун, *жисноят ва жазо нима эканлигини, қонунбузарлик ва жисноят содир этишнинг оқибатлари нималарга олиб келишини содда, ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтиришдан иборатдир. Токи ёшларимиз онгида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган фуқаролик ҳуқуқи, эркинликлари ва бурчларига қонунларимиздаги ҳамма учун мажбурий бўлган ҳуқуқий нормаларга ҳурмат уйғониб, қонунбузарликка мурасасиз бўлиш тўғриси шакллансин. Худди шундай олижаноблик тўғрисида баркамол инсон тарбиясида катта ўрин тутади. Комил инсон гоёси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий маънавияти ва ҳуқуқий тарбиясида узвий бир қисми бўлиб келмоқда. Гоёвий-сиёсий ва маънавий-*

ҳуқуқий жиҳатдан баркамоллик даражасига эришган ёшларимиз ҳар бир нарсани ақл-идрок, мантиқ, тафаккур тарозисига солиб куради, қадамини ўйлаб босади, оқибатини ўйлаб иш қилади, ўлса-ўладаки, Ватанига ва халқига ганимлик, гоясига, иймон-эътиқодига хиёнат қилмайди, элим деб, юртим деб яшайди. Зеро, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий маънавият ва ҳуқуқий тарбия ёшларимиз баркамоллигининг мезони, муҳим курсаткичи, жамият тараққиётининг муҳим омилidir.

8.10. ФУҚАРОЛИК ТАРБИЯСИ

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда барпо этилган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг қонуний заминлари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, онглилик ва билимдонлик даражасига узвий боғлиқдир.

Бунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши ва унинг мазмун-моҳиятини тушуниб олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тасмийли қонун йўли билан белгилаб қўйилган бўлиб, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Унда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳам эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясида дейилган.

Юқорида келтирилган талаб ва вазифаларни амалда жорий қилиш, асосан таълим-тарбия муассасаларидан бошланади. Шу маънода ўқувчи-талаба ёшларда **фуқаролик тарбиясини** шакллантириш учун уларни ўтмиш меросимиз ва халқимизнинг минг йиллик қадриятлари асосида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Биз ўтмиш меросимизга мурожаат қилганимизда миллий қадриятларга асосланиши зарур. Бунга сабаб ўқувчи-талаба ёшларда бу орқали *миллий гурурни ва фидоийлик, эътиқод, интилувчанлик, ташаббускорлик, қатъият, матонат, ватанпарварлик, инсонийлик, уюшқоқлик* каби ҳислатларни шакллантириш самарали

кечади, бу эса баркамол авлод тарбиясининг муҳим таркибий қисмларидан бири **фуқаролик тарбияси** ва унинг асосий компоненти **фуқаролик маданиятини** юксалишига олиб келади. Фуқаролик тарбияси – ёш авлод онгида кишиларнинг муайян мамлакатга, яшаб турган маконга мансублигини акс эттириш ва шу асосда унда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, ўз давлатининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидойи инсонлар, бунёдкорларни тарбиялашни назарда тутати.

Фуқаролик тарбиясининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган **фуқаролик маданияти** эса фуқаролик жамиятининг пойдевори, ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодаси сифатида, фуқароларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўрганиш, ўзлаштириш, уларни асраб-авайлаш, кўпайтириш, ўзи яшаётган мамлакат, жамият равнақи, истикболи учун улардан оқилона фойдаланишга қаратилган шахс инсонпарварлигини тарбияловчи фаолиятдир. Демак, фуқаролик маданияти шаклланган шахс: юксак ақл-заковат эгаси бўлиб, у яратувчанлик, бунёдкорлик, ташаббускорлик, Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат, фахр ва ифтихор туйғулари билан яшайди, ахлоқий–ҳуқуқий бурчни, масъулиятни теран англайди.

Фуқаролик маданияти инсоният маданий тараққиётининг дастлабки босқичларида “**идеал одам**”, “**идеал инсон**”, “**идеал шахс**” тушунчаларининг мазмуни ва негизида таркиб топа бориб, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш жараёнида кишиларнинг жамиятда ўз ўрнини аниқ топши учун восита бўлиб хизмат қилади. Буни биз милоддан олдин VII-VI асрларда вужудга келган зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “**Авесто**”да ифодаланган эзгу **фикр**, **эзгу сўз**, **эзгу амал** уйғунлигини акс эттирувчи ғоявий қарашлар воситасида англаймиз. Фуқаролик маданиятига эгаликка “**Авесто**”да шундай таъриф берилади: *“Инсон фикран ҳам, хаёлан ҳам ҳасадегуй бўлмаслиги лозим. Яхши ниятли киши ҳеч қачон даргазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ножўя ҳаракатлар қилади”*.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишни конституциявий нормалар асосида бош мақсад қилиб белгилади. “**Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон, – деб**

таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов,- бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахе манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни пайтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақазо қилади”¹. Бунинг учун биринчи навбатда мамлакат аҳолисининг, жумладан, ёшларнинг фуқаролик маданиятини юксак даражага кўтариш, уларни гамхур, меҳрибон, инсонпарвар, ўз бурчи ва масъулиятини теран англайдиган қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Зеро, ёшларда фуқаролик маданиятининг шаклланиши уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фаол иштирок этишини таъминлайди.

Бугунги кун фуқаролик маданиятининг мазмунида халқимизнинг ахлоқий-ҳуқуқий бурч тўғрисидаги тасаввурлари, миллий руҳияти, юксак инсоний фазилатлари, маънавияти, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун кураши, холис мақсад-муддаолари, орзу-истаклари мужассамлашган.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, фуқаролик маданияти инсон, айниқса, талаба ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Фуқаролик маданиятининг қуйи даражаси инсон ҳаётининг барча томонларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, баъзи ёшларнинг иқтисодий жиҳатдан кам таъминланганлиги эмас, балки маънавий қашшоқлиги, маданиятсизлиги туфайли турли вайронкор оқимларга қўшилаётгани сир эмас. *Зеро, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга эканлиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас.*

Фуқаролик туйғуларининг пастлиги ва қашшоқлиги, бурч ва масъулият, ўз Ватанидан фахрланиш туйғусини, миллий ифтихорни ҳис қилмаслик ёшларнинг ушбу оқимларга эргашишига сабаб бўлмоқда.

Жамоада у ёки бу даражада ҳурмат ва эътиборга лойиқ бўлиш ҳам фуқаролик маданиятининг бир кўриниши бўлиб, у инсон ҳаётининг иқтисодий ва маънавий томонига у ёки бу йўл билан

¹ Ислом Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 554-бет.

албатта ижобий ёхуд салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, маданиятли, етук бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар қандай инсон муайян вазиятларда ўзини бошқара олиш, қабул қилинган тартиб-интизом, ахлоқий-ҳуқуқий меъёр қоидаларига мувофиқ ёки аксинча, мазкур қонун-қоидаларга хилоф равишда йўл тутишни ўзи мустақил ҳал қилади, ўз хатти-ҳаракати ва қилмишларига шахсий дунёқараши, фуқаролик маданияти нуқтаи – назаридан баҳо беради. Ушбу ўринда шуни ҳам алоҳида эътироф этиш жоизки, ҳар бир инсон шахсий қиёфасининг маънавий шаклланганлиги, жумладан, фуқаролик маданиятининг таркиб топиши ва ривожланишига ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатишини инобатга олиши даркор.

Ҳозир биз бутунлай янги тарихий шароитда, давлат ва халқ эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, инсон орзу-интилишлари эркин ҳал бўлаётган бир даврда яшяпмиз. Бундай шароитда фуқаролик маданиятини шунчаки ахлоқий-ҳуқуқий бурчга муносабат, халқ ва Ватан олдидаги масъулият сифатида содда тушунмаслик керак. Фуқаролик маданиятининг ҳар бир йўналиши ва функцияси янгича хусусият касб этиб, чуқур мазмун билан бойитиб борилиши лозим. Чунончи, фуқаролик маданияти маънавиятли, маърифатли инсонлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб, дунёвий муаммоларни ҳал этишгача бўлган вазифаларни қамраб олмоқда. Ёшларнинг фуқаролик маданияти юксалгани сари уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда фаол иштирок этишлари тезлашиб мукамаллашмоқда.

Маълумки, бир ижтимоий тузумдан бошқа бир ижтимоий-иқтисодий тузумга ўтиш даврида ғоявий-мафкуравий ва маънавий-маърифий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал этиш зарурияти юзага келади. Бу қонуният тоталитар тузумдан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятига ўтилаётган бир шароитда ғоявий-мафкуравий ва маънавий-маданий масалаларни англаш, уларнинг моҳиятини тушуниш ва масъулиятни зиммага олиш анча қийин ишдир. Бунинг учун, аввало, ҳар бир инсон янги тузум, унинг шарт-шароитлари, мазмун-моҳиятини теран англаши, унга ўзи ни тайёрлаб бориши, ахлоқий-ҳуқуқий бурч, фуқаролик масъулияти кўникмаларини ўзида ҳосил қилиши даркор. Ҳар бир фуқаро бунга маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр бўлишга ақл, тафаккур элагидан ўтказиши лозим. Қотиб

колган тушунчалар қобигини сингдириш, танбаллик тубанлик, боқимандалик, маданиятсизлик кайфиятидан бирдан ҳоли бўлиш, албатта осон эмас. Фуқаролик маданияти илғор фикрларни тез англашга асосланиб, доимий ҳаракатдаги жонли педагогик ҳодисадир.

Фуқаролик маданиятининг шаклланиши давр характери, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқ. Биринчидан, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий-сиёсий устқурмасига асосланган ҳолда фуқаролар дунёқарашини, шу жумладан, фуқаролик маданиятининг янги-янги тартиблари, меъёрларини вужудга келтиради. Буларнинг инсонлар томонидан ўзлаштирилиши учун вақт зарур бўлади. Бугунги давр ҳам мураккаб, тўзонли бўлиб, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун ёшларда фуқаролик маданиятининг шаклланиши силлиқ ва осон кечмайди. Бунинг учун вақт ва тарбиявий таъсирлар тизимини яратиш керак бўлади. Аммо, таъкидлаш жоизки, фуқаролик маданияти ва онгни ёшларда шакллантириш бу куннинг кечиктириб бўлмайдиган масаласидир.

Фуқаролик маданиятининг инсон ҳаёти учун муҳимлигининг яна бир томони унинг барча маданият соҳалари учун етакчи эканлигидадир. *Илғор илмий таълимотнинг таъкидлашича, фуқаролик маданияти ахлоқий-ҳуқуқий бурчга муносабатни англашга омил сифатида ақлий тафаккур, ҳаётий тажриба ва руҳий малакаларга асосланади. Кўп даврларда фуқаро ва инсон тушунчаси ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йигиндиси сифатида эътироф этилиб, фуқарога ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бир қуроли сифатида қараб келинган. Унинг маданий дунёси, руҳий олами, тафаккури, яратувчанлик фаолияти эътибордан четда қолган. Бунинг биринчилардан бўлиб аниқлаган ва руҳий-педагогик муаммо тарзида кўриб чиққан австралиялик психолог олим Зигмунд Фрейддир. У инсонни, унинг маънавий ва маданий дунёқарашини “одам, шахс, руҳият, фуқаро” тизимида ўрганиб, руҳиятнинг фуқаро маданиятига, маданиятнинг инсон бунёдкорлиги, яратувчанлиги, ижодий фаолиятига ва ҳақиқий шахс бўлиб шаклланишига таъсирини илмий исботлаб берди. Зигмунд Фрейднинг фикрича, инсоннинг руҳияти унинг маданияти билан боғлиқ ҳолда онг, онг ости ва онгсизлик каби қатламлардан иборат тарзда, инсоннинг ижодкорлигини, яратувчан-*

лигини, рухий энергиясини рўёбга чиқаришга хизмат қилади ва ижобий тус олган тараққиётини таъминлайди. Шунинг учун ҳам маданият ва рухийат фуқаролик ва миллат маданияти ҳамда жамият маданиятининг шаклланишини тезлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида (2002 йил, 29 август) “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги маърузасида Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етакчи йўналишлари хусусида тўхталиб: “Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад, тенгсиз олий неъмат-мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш бўлиб қолаверади”¹, -деган эди.

Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, олий неъмат-мустақилликни мустақамлаш, тақдиримизни ўз қўлимиз билан куриш учун мамлакат меҳнаткашлари, энг аввало, ёшларнинг сиёсий-маънавий фаоллигини ошириш, фуқаролик маданияти мазмунидан ўрин олган Ватан қувончи, Ватан севинчи, Ватан туйғуси, Ватан фахри каби тушунчаларни улар онгига сингдириши лозим. Шунинг учун ҳам бир таълим муассасаси ўқитувчи-педагог ва тарбиячиси ўз ўқувчи – талабаларининг ўқув-билув фаолиятини ташкил этишда мустақиллик ғоясининг моҳият-мазмуни тўғрисида маълумот берар экан, *аввало, ўқувчи – талабаларда бурч, масъулият, фуқаролик туйғуси, фахр, ифтихор бирлигини тарбиялашга ҳаракат қилмоғи зарур*. Шунга асосан ўқитувчи-педагог ва тарбиячилар ўқувчи – талабалар билан ўқув-тарбия фаолиятини ташкил этишда махсус маънавий-маърифий тадбирлар уюштиришлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан оқилона фойдалана олишлари даркор. Чунки ўқувчи-талабаларнинг фаолияти давр ҳаёти, тарихи билан боғлиқ ва у миллий-маданий ҳаракатларга эга. Зеро, ўқув-тарбия жараёни ўқувчи-талаба ёшларни касбий фаолиятга тайёрлаш, ахлоқий-ҳуқуқий дунёқарашини шакллантириш, ривожлантириш жараёнидир.

¹ Ислоом Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакл ва асосий йўналишлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2002, 5-бет.

Шунинг учун ҳам ўқувчи – талабалар шахсини шакллантириш, уларда фуқаролик маданиятини тарбиялаш учун маълум талабларга риоя қилиш, хатти-ҳаракат, тартиб-интизомни мақсадга йўналтириш, ижросини назоратга қилиш, ижтимоий-тарбиявий тадбирлардан ўринли фойдаланиш ва бошқариш ишларини амалга оширмоқ даркор. Ушбу асосда фуқаролик маданияти ўқувчи – талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаши, ўз-ўзини англаши, ўзига нисбатан талабчан бўлиши, ахлоқий-эстетик туйғу, идеалларининг шаклланганлиги, довюраклик ва жасурлик, ташаббускорлик ва бунёдкорликнинг шахсий фазилат таркибида намоён бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ўқитувчи-педагог ва тарбиячилар ҳар бир ўқувчи-талабада фуқаролик маданиятини шакллантириш дастури ва кундалик дафтарларини ташкил этса ҳамда натижаларни уларда қайд этиб борса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фуқаролик маданиятининг моҳияти-мазмуни ва унинг ёшлар ҳаётидаги ўрнини назарда тутиб, таълим муассасалари ўқувчи-талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантиришда қуйидаги вазибаларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- *Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг кучли фуқаролик жамиятини қуриш тўғрисидаги фундаментал асарлари ва маърузалари асосида фуқаролик тарбияси, фуқаролик маданиятини шакллантириш бўйича мулоҳазаларни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини ўрганиш ёрдамида талаба-ёшларда ахлоқий-ҳуқуқий бурч, масъулият, фуқаролик туйғусини шакллантириш;*

- *турли миллатга мансуб бўлган таълим муассасалари ўқувчи-талабаларида миллатидан қатъий назар ўз давлатининг мустақиллиги, унинг рамзлари – герби, байроғи, мадҳиясига ҳурмат билан қараш, улардан фахрланиш ҳис-туйғуларини тарбиялаш;*

- *ҳозирги давр – дунёда гоявий қарама-қаршиликлар кескин тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб бораётган бир вақтда ўқувчи – талабалар мафкурасида ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик масъулияти кўникмаларини ҳосил қилиш ва уларни ривожлантириш;*

- *таълим муассасалари ўқув режасидан ўрин олган ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларда фуқаролик маданияти асосларини тарбиялашга эришиш;*

- фуқаролик маданияти тугрисида талаба-ёшларга маълумот бериб, уларда фуқаролик бурчи, фуқаролик масъулияти, ҳуқуқи, одоби, фаолияти, ҳис-туйғулари ва куникмаларини тарбиялаш;

- уқувчи-талабаларда ўтмиш меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга, анъаналарга ҳурмат, уларни асраб-авайлаш, кўпайтириш ҳамда улар билан фахрланиш, гурурланиш ҳиссини таркиб топтириш;

- ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида уқувчи-талаба ёшларда Ватан, халқ, миллат ишига содиқлик, юрт, меҳнаткашлар манфаатларини ўз шахсий манфаатидан устун қўя олиш ва фидойи, инсонпарвар фуқаро бўлиш иштиёқи ва эҳтиёжини таркиб топтириш ҳамда талаба-ёшларга **“Фаол фуқаро”, “Комил фуқаро”, “Юртпарвар фуқаро”, “Мустақил фуқаро”** каби тушунчалар ҳақида маълумот бериб, бу тушунчаларни улар онгига сингдириш;

- озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни яратувчи, уни эъзозловчи ҳамда турли офатлардан ҳимоя қилувчи фуқаро бўлиш ҳис-туйғусини ҳар бир уқувчи-талаба ёшлар онгига сингдириш;

- фуқаролик маданиятининг миллий гоя ва миллий маънавий қадриятлар билан узвий боғлиқлигини эътироф этган ҳолда уқувчи-талабаларда миллий гоя ва миллий маънавиятга ишонч, эътиқод кўникмаларини ҳосил қилишга эришиш;

- инсоннинг инсонлигини рўёбга чиқаришда фуқаролик маданиятининг етакчи омил эканлигини инobatга олиб, уқувчи-талаба ёшларда фуқаролик маданиятининг инсонпарварлик, ватанпарварлик, ўзлигини англаш, иймон, эътиқод каби сифат кўрсаткичларининг таркиб топшишга амалий ёрдам кўрсатиш¹.

Баркамол авлод тарбиясида эса ёш авлодда **фуқаролик туйғуси** асосларини шакллантириш ва ривожлантириш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу хусусда Юртбошимиз **“Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”** номли асарида : **“Ўқитувчига фуқаро сифатида ўз хулқ-атвори мазмунини таҳлил этиш имконини бериш лозим, яъни бутун халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти учун нима олдим? Зиммадаги бурчини қандай адо этдим?” тарзидаги саволларга жавоб топиш керак, —деб, таъкидлаган эди.**

¹ Б. Хўжаев. Фуқаролик маданиятини эгаллаш зарурий ижтимоий-педагогик муаммо сифатида. «UZLUKSIZ TA'LIM», 2006 йил. 5-сон, 98-бет.

Бинобарин, фуқаролик туйғуси миллий онги, психик оламнинг энг юксак кўринишида бўлиб, ҳар бир ўқувчи-талабада ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳуқуқий қоидалар, тартибли бурчларга онгли муносабатда бўлиш, шунингдек, ҳаётда фаол қатнашиш, маънавий–ахлоқий жиҳатдан етуқлигини ифодалайди. Демак, фуқароликни тарбиялаш ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга онгли муносабатда бўлиши: уларга фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумотлар бериб бориш, фуқаролик фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ҳосил қилиш; ўқувчи–талабаларда халқ ўтмиши, қадриятларга муҳаббат ва улардан гурурланиш, ифтихор ҳисларини пайдо қилиш Ватан, юрт озодлигини эъзозлаш, ардоқлаш ва ҳимоялашни тарбиялаш, давлатимиз рамзларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш; ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Маълумки, ўқувчи–талаба ёшларда фуқаролик ҳисси ва эътиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий-ҳулқий одатларни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириб бўлмайди. Зеро, ўқувчи-талаба ёшларни эътиқодли, фидоий фуқаро этиб тарбиялаш, уларда фуқаролик туйғусини қарор топтириш, маънавий–ахлоқий тушунчаларни шакллантириш билан жамият ривожини таъминланади.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган фуқаролик тарбияси билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш ҳар бир ўқувчи-талабада мустақиллигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларга тўла эришиш ҳис-туйғусини тарбиялаб, уларда фуқаролик маданиятининг муҳим омили – Ватанимиз истиқлолини ҳимоялаш фуқаролик бурчи ва масъулиятининг олий даражаси эканлигини англашларига кўмаклашади. Зеро, бу хусусиятлар ҳар бир мамлакат фуқаросини учун куч-қувват ва руҳий бойлик бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва қафолатига айланади. Ватанимиз тараққиётида ёшларимизнинг фуқаролик маданияти ва фуқаролик тарбияси қудратли куч бўлиб хизмат қилади.

8.11. МУСТАҚИЛЛИК ТАРБИЯСИ

Ўзбекистон Республикасида ёш авлодда иймон, эътиқод, ҳаттолик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ишбилармонлик каби маънавий–ахлоқий ҳислатларни тарбиялаш, таълим-тарбия соҳасида миллий умуминсоний ва ислом анъаналари,

қадриятларидан фойдаланиш, умуман, ўқувчи-талаба ёшларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш узлуксиз таълим тизимининг асосий мақсади ва вазифасидир. Ақлан етук, ахлоқан пок ва жисмонан бақувват, шунингдек, миллий маъсулият туйғусини англаб ёшларни тарбиялаб вояга етказган мамлакатдагина мустақил ва барқарор ривожлана олади.

Миллий истиқлол мафкураси негизида ёшларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш ётади. Мустақиллик руҳида тарбиялаш ўқувчи-талаба ёшларни миллий ғурур, миллий онг, миллий тушунча, миллий тафаккур, миллий ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақазо этади.

Бугунги кунда ёшларимизга қаратилаётган эътиборнинг қадрига етиши ва уни объектив баҳолаши, мустақилликнинг заруриятини тўғри ва ҳаққоний англаши ҳамда келажакка ишонч ҳосил қилиши учун уларнинг мустақиллик тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада, энг аввало, мустақиллик, мустақил давлат, мулкӣ мустақиллик, адолат, анъаналар, умуминсоний анъаналар, миллий анъаналар, Ватан, Ватан туйғуси, Ватанга муҳаббат, ватанпар-варлик, фидоийлик, инсонпарварлик, миллийлик, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, қадриятлар, миллий қадриятлар, манфаатлар, миллий ғурур, урф-одатлар ва расм-русумлар, маънавият, миллий зоя ва бошқа қатор асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ва педагогик асосларини ёритиб бериш зарур.

Шу ўринда, Президентимиз Ислон Каримовнинг “Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуг” номли асарида қайд этилган ёшлар мустақиллик тафаккурини ва мустақиллик тарбиясини ривожлантириш борасидаги “Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқалам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир”, деган фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур фикрга асосланиб айтишимиз мумкинки, шахснинг мустақиллик тарбиясида муҳим аҳамият касб этувчи асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятининг асосли ва аниқ


тарзда ўқувчи-талабаларга тушунтириб берилиши, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг бугунги кундаги ижобий натижалари, яратилаётган янгиликлар ва уларнинг аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, халқимиз турмуш даражасининг ўсиб бориши каби йўналишларда тасаввур ҳосил қилиш асосида дунёқараши ўзгартирилади. *Шунингдек, ўқувчи-талабаларда Ватанга муҳаббат, эътиқод ва садоқат, давлат рамзларига, умуммиллий қадриятлар ва миллий урф-одатларга ҳурмат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, келажакка ишонч туйғуларини, мустақиллик тафаккурини шакллантиради ва мустақиллик тарбиясини ривожлантиради. Буни биз қуйидаги 1-шаклда шахсни мустақиллик тафаккурини ва мустақиллик тарбиясини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг педагогик асослари билан боғлиқ тушунчаларни мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёритилишида куришимиз мумкин.*

Ҳаётда “**мустақиллик**” тушунчаси жуда кенг қўлланилади, масалан, давлат мустақиллиги, мулкӣ мустақиллик, шахс мустақиллиги, фикрлашда мустақиллик, ҳаёт кечиршида мустақиллик, маълум бир вазифани бажаришда мустақиллик, таълим олишда ва ўрганишда мустақиллик (мустақил таълим), тарбияда мустақиллик (ўзини-ўзи тарбия) бошқарувда мустақиллик каби.

Бундай ибораларни яна давом эттириш мумкин бўлса-да, буларнинг барчасига, яъни халқнинг яшashi, ижод қилиши, меҳнат қилиши, ўзлигини англаши, фикрлаши, тафаккури ва эътиқоди каби йўналишларда эркин ва мустақил бўлишига шарт-шароитлар яратиб берувчи мустақиллик, бу бутун бир халқнинг тақдири билан боғлиқ бўлган мамлакат мустақиллиги бўлиб, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва зарурияти тўғрисида қуйидаги фикрларни келтириш мумкин:

МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҚИЛЛИК ТАРБИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

- Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш.
- Ўзининг, ўз халқининг, Ватанининг кадру қиммати, орномусини англаб, уни ҳимоя қилиш.
- Юксак гоёлар, янги фикрий кашфиётларнинг, ниятлар огушида меҳнат қилиб истеъдоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишдир.



«Мустақиллик дегани шуки, биз, асрлар оша бировларнинг озгига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа бу буюк неъматни қўлдан бермаслик»¹.

«Мустақиллик бизни мустабит ва мафқуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, қадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди»².

«Биз учун мустақиллик – ўз эркинлигимизни англашигина эмас, балки, аввало, ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан миллий манфаатларимизни қўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир»³.

Мустақиллик-қадриятларни тиклаш, ривожлантиришнинг асоси. Мустақиллик-халқимизнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий қадриятларини, аввало, аждодларимизнинг тарихига, илму фанига, фалсафасига, маданиятига, маърифатига, тилига доир ноёб меросни тиклаш, асраб-авайлаш, ривожлантириш асосидир.

Мустақиллик-халқ, Ватан ҳар бир йигит ва қизнинг, ҳар бир фуқаронинг жисмоний-руҳий камол топишининг негизидир. Хур улкамизнинг кенг бағрида жисмоний-маънавий покланиш юз бермоқда. Зеро, жисмоний-маънавий поклик инсонни барча жонзотлардан ажратиб турувчи улуғвор сифат ҳисобланади.

Мустақиллик иқтисод билан маърифатни уйғунлаштиради, инсонпарварликни, инсоннинг жисмоний ва маънавий соғломлигининг устуворлигини, комил инсонни шаклланишини, муқаррар мағрур яшашни таъминловчи шароитлар яратиб берди.

Мустақиллик заминда халқимизнинг миллий онги, ғурури, тафаккури-ю, шуури уйғониб, жуш уриб турувчи қудратли куч сифатида намоён бўлмоқда. Меҳнат аҳлининг биллур ақли ва одоби ривожланиб, яшнаб, фаровон ҳаёт қуришга йўналтирилмоқда.

Мустақиллик Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи-халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртақларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш.

Ислом Қаримов Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 175-176-бетлар.

Ислом Қаримов Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли – Т.: «Ўзбекистон», 1992, 33-63-бетлар.

Ислом Қаримов Инсон бахт учун туғилади – Т.: «Шарқ» 1998, 3-6-бетлар.

уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир шахс камол топишига эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Юқорида келтирилган фикрларга эътибор қаратадиган бўлсак, инсон ўз эҳтиёжларини қондириш ва кўзлаган мақсадларига эришиши учун тинчлик, мустақиллик, эркинлик зарур бўлиб, бунинг учун, энг аввало, яшаётган юрт, яъни давлат мустақиллиги муҳим аҳамият касб этишини англашимиз мумкин.

Демак, ўқувчи-талабаларга мамлакат мустақиллиги, унинг мазмун-моҳияти ва зарурияти тўғрисида тушунчалар беришда **“мустақил давлат”** тушунчаси мазмун-моҳиятининг асосланиб берилиши тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ўқувчи-талабаларга мазкур тушунчанинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда **мустақил давлат** (арабча, **“мустақил”-қарам эмас, эркин**) – давлатнинг асосий шакли эканлиги ҳамда давлат тушунчасининг ўзи мустақилликни англатиши, мустақил давлатнинг энг муҳим белгилари, яъни шахсларни фуқароликка қабул қилиш ва уларни фуқароликдан маҳрум этиш; хорижий давлатлар билан мустақил равишда алоқалар ўрнатиш ёки бу алоқаларни узиш; ўз хазинаси ва пул бирлигини – миллий валютасини жорий қилиш; ўз тараққиёт йўлини, ўз номини ўзи белгилай олиш; ўзи маъмурий тизимини ўз белгилаш; сўров (референдум) эълон қилиш ҳамда ҳокимият ва бошқариш органлари тартибини белгилаш; суд тизими, суд тузилиши ва суд ишларини ўзи юритиш ҳуқуқларига, шунингдек, давлат ўз асосий қонунини, ўз Конституциясига; жиноят ва фуқаролик, оила ва никоҳ, уй-жой, ер, сув тўғрисидаги қонунларга; ўз давлат рамзлари: давлат герби, давлат байроғи, давлат мадҳияси ва ўз пойтахтига; ўзининг асосий тили (давлат тили)га (буткул махсус қонун асосида ёки тарихий анъана бўйича аниқланиши); ўз давлат бюджетига, ўз мулкига, молия ва молия тизимига; ўзининг ҳарбий тугъилмасига ва миллий қўшинига дахлсиз ўз ҳудудига ва дахлсиз давлат чегарасига эга эканлиги ҳамда давлат ҳокимияти уч асосий тармоққа қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятига бўлиниши ҳақида маълумотлар берилиши зарур.

Ўқувчи-талабаларга мустақиллик ва унинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда мулкий мустақиллик тушунчаси бўйича маълумотлар бериш ҳам ўзига хос аҳамиятга моликдир.

Мулкый мустақиллик – фуқароларда мулкка эғалик қилиш, бошқариш, фойда олиш ва ҳаказолар учун бериладиган эркинлик ҳуқуқидир. Демократик ҳуқуқий давлат фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири, Ўзбекистоннинг мулк тўғрисидаги қонунда мулкый ҳуқуқларнинг барчаси кўрсатилган. Мазкур қонуннинг биринчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида мол-мулкнинг мавжуд эканлиги ва унга нисбатан эғалик ҳуқуқининг бўлиши тан олинади, ҳар бир мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан ҳуқуққа эга эканлиги инкор этилмайди ва у тегишли қонунлар орқали ҳимоя қилинади. Мулкдор бошқаларнинг эмас, балки ўзининг истаги, розилиги мойиллиги, хоҳишига кўра, ўз мол-мулкига эғалик қилади.

Мустақиллик туфайли мулкый мустақиллик вужудга келди, ҳаётимиз бойиди, халқимизнинг турмуш даражаси ўсди, дунёқараши ўзгарди, ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан бораётган жамиятимиз кун сайин демократлашиб, янгиланиб бормоқда. Давлат, жамият ва шахс муносабатлари тобора кўпроқ адолат тамойилларига асосланмоқда. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгиланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва муассасалар вужудга келиши, инсон манфаатларига эътибор жаҳон ҳуқуқий андозалари ва миллий урф-одатларнинг уйғунлигида шаклланиб бораётганлиги мустақил Ўзбекистонда адолат қоидалари тантана қилаётганлигини ифодалайди, деб айтишимиз мумкин.

Мустақиллик туфайли адолат қарор топди, адолат қоидаларининг тантана қилаётганлигининг умуммиллий қадриятлар, миллий урф-одатлар, тарихий ривожланиш жараёнида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий анъаналарнинг тикланганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Буларни қадрлаш ва асраш мустақилликни мустаҳкамлаш йўналишида қатор вазифаларни белгилайди.

Назаримизда, қадриятлар, умуминсоний ва миллий анъаналар бўйича ўқувчи-талабаларнинг тушунчаларини ривожлантириб бориш мазкур вазифалардан бири ҳисобланади.

Умуминсоний ва миллий анъаналар-жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши аждодлар ҳаёти ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи.

Ватанга муҳаббат, оилага садоқат, ота-онага иззат-ҳурмат, катталарга, қарияларга эҳтиром каби анъаналар умуминсонийдир. Чунки улар ҳар бир миллатда, элатда ва эл-юртда бор. Уларнинг намоён бўлиши эса ҳар бир халқда турлича. Бундай хилма-хиллик халқнинг, элнинг тарихи ва ҳаётий шарт-шароитлари билан муштарак.

Миллий анъаналар – миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, фаолият турлари, одатлар ва ҳислатларнинг авлодда-авлодга ўтиш ҳамда мерос бўлиб қолиш кўриниши. Миллий анъаналар умуминсоний анъаналарнинг бир миллат даражасида намоён бўлишидир. Улар орқали ҳар бир миллат бир даврдаги ўзига хос хусусият, ҳаёт тарзи, маданияти, фани, адабиёти ҳамда бошқа соҳалардаги эришилган натижалар ва ютуқларни бошқа даврда яшаётган авлодларга етказди.

Миллий анъаналарда миллатнинг бетакрорлиги, миллат ҳаётининг ўзига хослиги, ворисликнинг муҳим миллий жиҳатлари намоён бўлади. Миллатнинг ҳар бир авлоди миллий анъаналарни ўтмишдан келажакка етказиб берувчи инсонлар руҳида тарбияланиши керак. Миллатнинг таназзули миллий анъаналарнинг ҳам таназзулидир.

Халқимизнинг тарихий қадриятларидан ҳисобланган **Наврўз байрамини** миллий анъаналардан бири сифатида келтиришимиз мумкин. **Наврўз** (*форсчада, “наврўз”- янги кун маъносини англатади*) – *Турон Мовароуннаҳр, Урта ва Яқин Шарқда яшовчи ўзбек, озарбайжон, тожик, ҳинд, форс ва бошқа халқларнинг қадимий анъанавий Янги йил байрами. Шамси ҳисобида йилнинг биринчи кунини бўлиб, баҳорги тун ва куннинг тенглигига, яъни 21-22 мартга тўғри келади. Тарихий манбаларда келтирилишича, Наврўзни байрам қилиб ўтказиш аҳамонийлар даври (милoddан аввалги VI-V асрлар)дан бошланган.*

Мустақиллик шарофати билан 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди ҳамда 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами ва дам олиш кунини деб эълон қилинди.

Энг қувонарли жойи шундаки, Мустақиллик куни халқимизнинг энг катта байрамига, яъни миллий анъанавий байрамига айланиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқувчи–талаба ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашда миллий маънавият ва кадриятлардан фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан бирга жамиятимиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий салоҳиятини кўтаришга хизмат қилади.

8.12. ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

Маълумки, миллий истиқлол мафқурасининг негизида ёш авлодни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш ётади. *Мустақиллик руҳида тарбиялаш ёшларни миллий гуруҳ, миллий ифтихор, миллий онг, ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақазо қилади. Шу боисдан миллий истиқлол мафқураси негизида ватанпарварлик ғоялари илғари сурилмоқда.*

Президентимиз И.А.Каримов “Мустақилликни мустаҳкамлаш асосан 4 та негизга асосланади”, – деб кўрсатади; яъни:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик¹.

Ватанпарварлик – умуминсоний кадриятларга содиқликнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. “Ватан” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилиди “Она юрт” деган маънони англатади. Ватанга муҳаббат, юртга муҳаббат ҳар бир миллат кишисига хос бўлган муқаддас кадриятдир. Ватанпарварлик ҳар бир кишида ўз оиласига, туғилиб ўсган юртига, ота-она ва опа-укаларига бўлган муносабатни акс эттирди. Ватанпарварлик бу умуминсоний кадриятларга хос бўлиб, у садоқат билан хизмат қилиш, унинг сарҳадларини ташқи душмандан ҳимоя қилиш, унинг мустақиллиги, ободлиги, тинчлиги, осойишталигини сақлашда фаол иштирок қилмоқдир.

Мустақил Ўзбекистон ёшларининг ватанпарварлиги унинг Ватанни ҳис қилишида, Ватанга бўлган ҳис-туйғусида

¹ Ислам Каримов. Ўзбекистон келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 56-бет.

ифодаланади. *Ватан ҳисси – шу Ватаннинг эгаси бўлиш, халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодирлигини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билиш керак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқининг, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак. Бирисиз иккинчисини ҳис қилиш мутлақо мумкин эмас.*

Дарҳақиқат, Ватан туйғусини ўзида мужассам этган шахсгина Мустақил жамият ва халқ манфаати, унинг бахт саодати учун курашади. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро келажаги буюк бўлган мустақил давлатимизнинг умумбашариятга ўзининг фаоллиги билан таништиради ва халқимизнинг ўртасида иноқлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашда ягона мақсад сари интилмоғи керак. Айниқса, ёшларни, ўсиб келаётган ёш авлодни инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятига муносиб қилиб тарбиялаш таълим муассасаларида фаолиятни давр талаблари, мустақиллик руҳи, замонавий педагогик технологиялар, ахборот воситалари асосида ташкил қилишни талаб қилади. Шунинг учун чуқур масъулиятни ҳис қилувчи, мустақил фикрлайдиган Ватан туйғуси билан ҳамнафас бўлиб яшайдиган ёшларни тарбиялаш ўқитувчи –тарбиячиларнинг асосий вазифасидир.

Ватанпарварлик — умуминсоний қадриятларга бўлган содиқликнинг негизи сифатида ҳаётимизни фаровон ва эркин қилиш йўлида, юртимиз учун, халқимиз учун жон фидо этишга тайёр бўлган ёшларни вояга етказишни талаб қилади.

Қадимги юнон адибларидан бири “Ватан шаънига” асарида: “Менинг бу гапларим гоаят эски гапдир, лекин ҳақиқат шундай, ўз отасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қилмайди, ўз Ватанини севмаган киши ўзгалар Ватанини қадрлай олмайди” –деб ёзган эди. Бу гаплар ҳозир нақадар замонавийдир.

Ватан – бу одамлар туғилиб ўсган, тарбияланган, меҳнат қувончини топган, шу одам мансуб бўлган халқ қувончини тотган, шу одам мансуб бўлган халқ тарихи билан боғланган, ҳамда тарихан шакланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳитдир.

Ватанпарварлик – Ватанга муҳаббат, унга содиқлик, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туриш демақдир. Ватанпарварлик ижтимоий, тарихий, ахлоқий ҳис-туйғу сифатида инсоннинг ижтимоий тараққиёти давомида пайдо бўлди.

Ижтимоий жамоа тузумида ватанпарварлик фақат ўз уруғларига, она ерга, она тилига, урф-одатларга боғлиқ ҳис бўлган бўлса, жамият ва синфлар пайдо бўлиши билан ватанпарварлик гоёлари чуқурлашиб, ижтимоий ҳаётнинг тобора кўпроқ соҳаларига чуқурроқ кириб боради. Даврлар ўтиши билан бу туйғу буюк кудратга айланади. Буюк мутафаккирлар: “Биз туғилган юртимиздан узоқ кетсак, бизни тортиб келадурғон қувват ўз Ватанимизнинг, она тупроқнинг меҳр-муҳаббатидир” деб бежиз айтмаганлар.

Биз “Она Ватан”, “Ватан тупроғи”, “Ватан адабиёти”, “Ватан туйғуси”, “Ватан тарихи” деб баралла гапирамиз, чунки буларнинг ҳаммаси инсон учун муқаддасдир. Халқимизда Ватан ҳақида кўплаб нақллар бор. “Булбул чаманни севса, одам Ватанни”, “Онага бўлган муҳаббат Ватанга бўлган муҳаббатни куртаги”, “Ҳар кимнинг ўз элати ўзига ширин” ва ҳаказолар. Бу нақллар Ватан ва унинг заминида ётувчи ватанпарварлик туйғусига хосдир. Ватанпарварлик туйғуфайли Ватанимиз жаҳонга танилмоқда.

Ватанпарварлик туйғуси, тарбияси, ота-онага, ўз маҳалла, қишлоғига, туман, шаҳар, вилоят, республикасига бўлган чексиз муҳаббатдан, унинг тарихи ва маданиятига бўлган мислсиз ва тенгсиз ҳурмат ва садоқатдан бошланади.

Ватан туйғуси кўз ўнгида кураётган нарсадан қойил қолишда, уни ҳайратлантирадиган ва қалбида акс садо берадиган нарсалардан бошланади.

Ўқитувчи-мураббийларнинг вазифаси ёшлар оладиган кўплаб таассуротлардан унга энг тушунарли бўлганларини: энг яхши кишилари, жонажон ўлка табиати ва ҳайвонот дунёси, кишиларнинг халқ фаровонлиги, Ватаннинг гуллаб яшнаши йўлидаги меҳнатни, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва бошқаларни танлаб беришдан иборатдир.

Жонажон она табиат ёшларни Ватанга муҳаббатини тарбиялашнинг кучли омилларидан ҳисобланади. Унинг гўзаллиги билан завқланиш, табиат дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлишдан, инсон меҳнатининг табиатдаги ўзгарувчанлик ролини тушунишигача – жонажон ўлкага муҳаббатни шакллантиришнинг манбаидир.

Болалиқда жонажон табиат ҳақида ҳосил қилинган ёрқин таассуротлар инсон хотирасида бир умрга сақланиб қолади. Чунки

унинг образларида Ватан ўз ифодасини топган бўлади. Одам Ватанга бўлган муҳаббатини ўзи туғилган ва ўсган оиласи, болалар богчаси, мактаби, болалар билан ўйнайдиган ўйинларни ва жойлари билан боғлайди.

Ватанга муҳаббат - энг чуқур ижтимоий ҳислардан биридир. Бу ҳис мактаб ёшидаги болаларда катталар томонидан болаларнинг руҳий тараққиётини ва улар тафаккурининг аниқ ва образлилигини эътиборга олган ҳолда маълум изчиллик билан тарбиялаб бориш лозим. Шунинг учун бу ёшдаги болаларда Ватанга муҳаббат ҳиссини уларга яқин ва таниш бўлган аниқ фактлар, ёрқин мисоллар орқали тарбиялаб борилади.

Кичкина гуруҳда Ватанга муҳаббат ҳисси ўз уйига, боғчасига, тарбиячига муҳаббатни тарбиялашдан иборат бўлади. Болалар ота-оналари ва педагоглар уларга қандай ғамхўрлик қилаётганини кўрадилар ва ҳис этадилар. Натижада болаларда уларга бўлган муҳаббат янада ортади, уларнинг ғамхўрлиги ва ҳимоясига ишонч ҳосил қиладилар.

Ватанпарварлик ва байналминаллик ахлоқий тарбияда алоҳида ўрин тутди. Ҳадиси шарифда «**Ватанни севмоқ иймондан**»дир, деб бежиз айтилмаган.

Ўқитувчи-тарбиячиларда ёшларни Ватанга муҳаббат, фахр-ланиш, халқ ютуқларидан фахрланиш, унинг душманларига нафрат туйғуларини тарбиялашлари мақсадга мувофиқдир.

Ватанпарварлик руҳида тарбиялашда:

1. *Ватанни севмоқ унинг бурчи, виждоний бурчи эканлигини англаб етишга эришмоқ лозим.*

2. *Она-Ватанга муҳаббат, уни севиш, эъозлашга ўргатиш, тугилиб ўсган оиласи, маҳалласи, шаҳри ва ўлкаси билан таништириш орқали унга муҳаббатни шакллантириш.*

3. *Мустақил Ўзбекистон тушунчасининг моҳиятини ўқувчи-талабалар онгига сингдириш.*

4. *Ёшларни халқимиз анъаналарига, удумларига, тили ва маданиятига, руҳиятига ҳурмат билан қарашга ўргатиш.*

5. *Буюк даҳоларимиз қолдирган маънавий меросларни асраб-авайлаш, уларнинг тарихини бугунги кун учун аҳамиятини идрок этиш.*

6. *Ёшларда соғлом куч, соғлом тафаккур, иймон-эътиқодни уйғотиш.*

7. *Ватан олдидаги масъулият, миллий манфаати учун курашинг моҳиятини англаш.*

8. *Ўқувчи-талабаларда униб усган юртга, вояга етказган она-онасига, таълим-тарбия берган устозига таъзим қилиш одобини шакллантириши лозим.*

Шундай қилиб, ўқувчи-талабалар Ватан ва ватанпарварлик эгизак эканлиги ҳақида билимга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тарбияланувчиларда юксак маънавий-сиёсий ғоялар (*Ватанга садоқат, мустақиллик учун кураш*) гўзаллигини тушуниш ва ҳис этиш ҳар бир ўқувчи – талаба шахсий ҳис-туйғулари гўзаллигини англаш ва авайлаш орқали вужудга келади. Шахсий туйғулар мусаффолигисиз фуқаролик туйғуларининг софлигига эришиб бўлмайди.

Хуллас, биз ижтимоий тарбиянинг турли йўналишлари орқали ёшларга оила, ақлий, ахлоқий эстетик, меҳнат, жисмоний, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, фуқаролик, мустақиллик, ватанпарварлик тарбияси бериш; ирода, ҳис-туйғу, тасаввур, идрок, тафаккур, хотира, диққатни такомиллаштиришдан, шунингдек, ҳулқ-атвор, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват, камтарлик, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик, саҳоват, инсонпарварлик, адолат, виждон, ор-номус, ғурур, интизом, ижтимоий бурчини англаш ва гўзалликни ҳис этишни шакллантириш билан боғлиқ педагогик масалаларни атрофлича кўриб чиқдик. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тарбиянинг ҳамма йўналишлари – оила, ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, меҳнат, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, фуқаролик, мустақиллик, ватанпарварлик, баркамол шахсни тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Тарбия индивидуалликни, субъектив оламни тараққий қилдиришга, ижтимоий, ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, меҳнат, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, фуқаролик, мустақиллик, ватанпарварлик ва бошқа тарбия тизимини жамият идеалларига мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

Ўқувчи-талабаларни баркамол инсон қилиб тарбиялашнинг ҳозирги замон умумий тарбия тизими асосида куйидаги таркибий қисмлар ётади: тарбиянинг мақсади, вазифалари ва сабабни англаш; муайян билимларни эгаллаш; шахсда махсус қобилият, ахлоқий сифатларни, малака ва кўникмаларни шакллантириш, уларни амалиётга татбиқ эта олиш.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га таянувчи педагогика назариясида тарбияланувчиларни тарбиялаш биринчи ҳолда куйидаги тамойилларга асосланади: шахснинг эркин ривожланиши; инсонпарварлик-шахснинг мутлақ қадриятлигини тан олиш; демократия - ўқувчилар ва талабалар билан муаллимлар ва педагогларнинг ўзаро муносабатида тенглиги; фуқаровийлик - ижтимоий соҳада ўз ўрни ва қадр-қимматини англаш; рэтроспективлик тарбиялашни халқ педагогикаси анъаналари, Шарқнинг улуг мутафаккирлари гоялари асосида олиб бориш; миллий, умумбашарий ва бошқа меъёрлар ҳамда қадриятлар устуворлиги.

Ўқувчи-талабаларни тарбиялаш тизимининг ташкилий-мазмуний асосларини ўзгартириш ва такомиллаштиришга имкон берувчи куйидаги методологик-педагогик; психологик-педагогик; назарий-педагогик; ҳуқуқий-педагогик устувор талабларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

Биринчидан, ўқувчи-талабаларни тарбиялашнинг методологик-педагогик талабларига куйидагилар киради: шахс, уни шакллантириш, ривожлантириш ва тарбиялашга доир талаблари ҳамда қоидалари; тарбиянинг замонавий мафкураси; тарбияни жамиятимизга хос гоявий тамойиллар, кўрсатмалар, юксак ахлоқ, ижобий манфаат ва эҳтиёжлар асосида фаолият кўрсатувчи ватанпарвар фуқарони шакллантиришга йўналтириш; тарбияланувчиларни фуқаровий, ахлоқий, касбий, ҳаётий жиҳатлардан ўзини-ўзи англашга йўналтириш зарурати; мустақил Ўзбекистон Республикасидаги демократик ўзгаришларга мувофиқ ҳаётий позицияни тарбиялаш эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Иккинчидан, ўқувчи-талабаларни тарбиялашнинг психологик-педагогик талаблари куйидагиларни ҳисобга олишни назарда тутди: шахс ривожланиши қонуниятлари; тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятлари; ўқувчи-талабаларнинг индивидуал ўзига хосликлари; тарбияланувчининг шахсига эътиборни кучайтириш, уни мустақил шахс сифатида ҳурматлаш; тарбия ва таълимнинг сабаб, мавзу асосларини тарбия ҳис-туйғу ва феъл-атворини шакллантиришни аниқ мақсадни кўзлаб бошқариш, яхлит жараён эканлиги; шахс мойиллиги, қобилияти ва қизиқишларини унинг имкониятлари ҳамда хоҳиш-истаги, шунингдек, ижтимоий талабларни ҳисобга олиб ривожлантириш; тарбияланувчининг “ички олами” (ҳис-туйғу,

сезги, мотивлар, кизикишлар ва эҳтиёжлар; интеллект)га таъсир кўрсатишининг интегративлиги; билимларни чуқур англаган эътиқодга айлаштириш, оинги шакллантириш.

Учинчидан, тарбиянинг назарий-педагогик талаблари қуйидагиларни назарда тутади: таълим ва тарбиянинг узвийлиги, назария ва амалиётни мунтазам бойитиб бориш; таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг бирлиги; тарбия жараёнининг мураккаблиги, кўп қирралилиги, ўсиб боровчилиги, ҳаракатчанлиги, ўзгарувчанлиги, унинг давомлилиги, узлуксизлиги ҳамда диалектиклиги, босқичлилиги ва изчиллиги; тарбия жараёнининг бутлиги - тарбия ва шахсни шакллантириш зоясига бўйсундирилган мақсад, вазифа, мазмун, шакл, услублар, воситаларнинг бирлиги; мезонлар ва таълим оловчиларни тарбиялаш ҳамда шахсни ривожлантиришнинг пировард натижалари; таълим оловчиларни эркин тарбиялаш; муайян тушунчалар, тасаввурлар, билимлар тизимини шакллантириш; юксак маданиятлилик, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, меҳнат, экологик ва бошқа фазилатларни шакллантириш; тарбия жараёнининг мазмуни муайян (аниқ)лиги-у қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ фақат билим бериш эмас, айти пайтда эътиқод, кўникма, шахснинг сифат ва фазилатлари, феъл-атворидаги барқарорликни шакллантириш тизими эканлиги; инсондаги, жамиятдаги ижобийликка таяниш; тарбиянинг бой миллий ўзига хослиги; тарбияда халқнинг миллий анъаналари, унинг маданияти, эстетик ва бадиий қадриятларни етказиш; тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашни узвий бирлаштириш орқали таълим оловчиларни тарбиялашни фаоллаштириш; ўқув муҳитини тарбияга ва олижаноб инсоний ҳис-туйғулар, муносабатлар ҳамда феъл-атворни шакллантиришга барқарор таъсир кўрсатувчи омил сифатида нафислаштириш; тарбияга ўқув муассасасининг атроф-муҳит билан ўзаро ҳамкорлигининг турли муқобилларни қамровчи муҳитий ёндошув.

Тўртинчидан, таълим оловчилар тарбиясига ҳуқуқий-педагогик талаблар қуйидагиларни ҳисобга олишни тақазо қилади: тарбия жараёнини демократлаштириш; ўқитувчи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабатларнинг тарбиявий аҳамияти; тарбиявий таъсир сифатни таъминловчи шарт-шароитлар; тарбияловчилар фаолиятини аниқ мақсадни кўзлаб уюштириш; муносабатлар; шахсни, биринчи галда, тарбияланувчининг эмоционал, интеллектуал ва иродавий

соҳаларини қўйилган мақсад ҳамда таълим олувчининг ижтимоий ролига мувофиқ ривожлантириш; аниқ тарбиявий чора-тадбирлар тизими, уларнинг фойдалилиги ва амалга оширилишининг мумкинлиги; ахлоқий-этикавий йўналишдаги тадбирлар; ўқитувчи-мураббийларнинг ва тарбияланувчиларнинг маърифий фаолиятини кучайтириш; шахсни ривожлантириш, уни тарбиялаш, феъл-атвори ва фаолиятида юз берадиган салбий ҳолатларни бартараф этиш.

Бешинчидан, тарбиянинг ижтимоий йўналтирилганлигига талабалар қўйидагиларни ҳисобга олишни назарда тутади: шахсни олий ижтимоий қадрият даражасида ривожланаётган инсон сифатида тан олиш; тарбиянинг махсус ижтимоий йўналтирилганлиги; ҳаёт воқелиги билан алоқалар, мамлакат ижтимоий соҳаси ва иқтисодиётига, касбнинг (мўлжалдаги, танланаётган ёки танланган) ижтимоий аҳамияти; шахсни, унинг тарбиясини ижтимоийлаштириш; ижтимоий тажриба ўтказиш; муайян ижтимоий муҳитда, жамиятда ҳаётнинг, воқеликнинг янги томонларини феъл-атворнинг янги, янада такомиллашган шакллари билан эгаллаш; ижтимоий фаоллик тажрибаси, ижтимоий сифатларни шакллантиришни рағбатлантирадиган кўп қиррали, ижтимоий аҳамиятли феъл-атвори рағбатлантириш; ижтимоий йўналтирилган машғулотлар, ишлар, топшириқлар, амаллар, тадбирлар воситасида ижтимоий тарбиялаш; ижтимоий тарбияда тарбияланувчилар ва ўқитувчи-педагог ҳамда тарбиячилар ҳамкорлиги; ижтимоий-тарбиявий жараёнда шахслараро муносабатлар, ўзаро таъсир, тарбияланувчилар ўртасида ўзаро алоқаларни уюштириш; таълим олувчиларнинг турмуш тарзи, ҳаёти ва фаолиятини уюштиришни тарбия жараёнининг асоси сифатида билиш; ижтимоий-тарбиявий вазифаларни ривожлантирувчи ижтимоий услублар, йўллар, воситалар мажмуасидан фойдаланиш; тарбияланувчиларни ўзга кишилар ҳаёт фаолиятида қатнашишига – баркамол шахс бўлишига эҳтиёжини шакллантириш.

Олтинчидан, тарбия натижаларига талаблар қўйидагилардир: Давлат таълим стандартларида, ўқув дастурлари топшириқларида тарбия мезонларини ҳисобга олиш; тарбияланувчиларнинг асосий ахлоқий ва ижтимоий сифатларига, баркамол шахс сифатидаги такомиллашувига устуворлик; тарбия жараёнини назорат қилиш ва яқунларини чиқаришда олинган ҳамда

мўлжалланган натижалар мутаносиблигини белгилаш; тарбия-лашувчиларга кўрсатилган таъсирнинг ижтимоий амалиёт (тарбия ва ҳаёт) билан мувофиқлигини баҳолаш.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён, инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларига эга бўлишни таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир.

Оила тарбияси – бола шахсини шаклланиши учун энг муҳим тарбиявий муҳит бўлиб, у муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган ҳулқ-атвор, ирода, тасаввур, дунёқараш шаклланади.

Ақлий тарбия – табиатан берилган ақлий куч, руҳий ҳолат, билувчанлик ва фаолият эркинлигини ривожлантириш натижасида инсонда мустақил фикр юритиб, олдига мақсад қўя олиш ҳақида кўзланган мақсадига етиш қобилиятини шакллантириш.

Ахлоқий тарбия – шахсни ахлоқий жиҳатдан етук қилиб шакллантиришдир. Шахснинг муҳим маънавий сифатлари бўлган ахлоқий онг, ҳиссиёт ва ҳулқни шакллантириш; ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, Ўзбекистон герби, байроғи ва мадҳиясига ҳурмат, инсонпарварлик, меҳнатга муносабат, жамоа билан биргаликда қилинадиган ишларга муносабат, онгли интизом ва бошқа туйғуларни камол топтириш ахлоқий тарбиянинг асосий вазибаларидир.

Меҳнат тарбияси–шахсда меҳнат фаолиятини ташкил этиш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ижтимоий меҳнатни қадрлаш, меҳнатсеварлик ҳислатини тарбиялаш демақдир.

Жисмоний тарбия – мунтазам равишдаги жисмоний машқлар орқали киши организмни ҳар қандай муҳитга чидамлилигини оширишга, соғломлигини мустаҳкамлашга, онгли равишда узоқ умр кўриш имкониятларини кучайтиришга қаратилган фаолиятдир.

Жисмоний маданият – кенг тушунча бўлиб, унинг асосини жисмоний тарбия ва жисмоний ривожланиш ҳамда маънавий такомиллашувларнинг уйғунлашган кўринишидир.

Эстетик тарбия – ўқувчи - талабаларни воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, турмушдаги гузалликни идрок қилиш ва

туғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, гузалликка муҳаббат уйғотиш, эстетик тафаккурини шакллантириш.

Иқтисодий тарбия – жамият ва давлат, оиладаги жараёнларга онгли муносабатни шакллантириш билан бир қаторда тежамкорликни, исрофгарчиликка йўл қўймасликни, ишбилармонликни, тadbиркорликни, иқтисодий ҳисоб-китоб каби иқтисодий тушунчаларни қамраб олувчи инсоний фазилатларни юксалтиришга хизмат қилувчи тарбиявий асосдир.

Экологик тарбия – таълим-тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, ўқувчи-талаба ёшларда атрофдаги оламга, атроф-муҳит ва унинг муаммолари ечимига нисбатан онгли муносабатни шакллантириш.

Ҳуқуқий тарбия – ўқувчи-талаба ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларимиздаги фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, пенсия, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтириш борасида улар онгига ижтимоий-ҳуқуқий нормаларни шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш, уларда ҳуқуқий онг, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир.

Фуқаролик тарбияси – фуқаролик тушунчаси моҳиятини англаш орқали ўқувчи-талабаларда юксак даражадаги фуқаролик туйғусини қарор топтириш ва маданиятини шакллантириш, уларни *Халқ, Ватан, Жамият учун фидоий инсонлар қилиб тарбиялашдан иборатдир.*

Мустақиллик тарбияси – мустақиллик мазмун-моҳиятини ва унинг бешта тамойилини турли восита ва омиллар орқали ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Оила тарбияси деганда нимани тушунасиз?
2. Ўқувчи-талабаларни тарбиялашда оила-маҳалла-ўқув муассасаси ҳамкорлигининг мазмун-моҳияти ва вазифалари нимадан иборат?
3. Ақлий тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

4. Ақлий тарбияни амалга ошириш йўллари ва шаклларини тушунтириб беринг.
5. Жисмоний тарбиянинг моҳияти ва вазифаларини тушунтириб беринг.
6. Жисмоний маданият деганда нимани тушунасиз?
7. Эстетик тарбиянинг мазмун-моҳияти ва вазифалари нимадан иборат?
8. Эстетик тарбия беришда асосий воситаларнинг ролини изоҳлаб беринг.
9. Иқтисодий тарбия деганда нимани тушунасиз?
10. Иқтисодий тарбиянинг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.
11. Экологик тарбия деганда нимани тушунасиз?
12. Экологик тарбиянинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
13. Ҳуқуқий тарбиянинг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.
14. Фуқаролик тарбиясининг мазмун-моҳияти ва вазифалари нимадан иборат?
15. Фуқаролик тарбиясини шакллантиришда миллий кадрятларнинг ролини изоҳлаб тушунтириб беринг.
16. Мустақиллик тарбияси деганда нимани тушунасиз?
17. Мустақиллик ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг вазифалари нималардан иборатлигини изоҳлаб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва ўқув муассасаси ҳамкорлиги.
2. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбияси.
3. Шахс маънавий-ахлоқий тарбияси.
4. Ёшлар дунёқараши ва ақлий тарбияси масалалари.
5. Жисмоний тарбия-баркамоллик омили.
6. Ёшларга эстетик тарбия бериш йўллари ва усуллари.
7. Иқтисодий тарбия мазмуни ва уни амалга ошириш йўллари.
8. Ёшларни экологик тарбиясининг долзарб масалалари.
9. Ҳуқуқий таълим-тарбия демократик ҳуқуқий давлатни ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг пойдеворидир.

10. Ўзбекистонда истиқлол тантанаси ва ёшларни мустақиллик тарбияси.

11. Ёшларни фуқаролик тарбиясининг долзарб масалалари.

12. Меҳнат тарбияси ва унинг баркамол авлодни шакллантиришдаги аҳамияти.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Билим, кўникма, малака, ақл, онг, фахм каби тушунчалар қайси тарбия таркибига киради?

- a) ахлоқий тарбия;
- b) ақлий тарбия;
- c) эстетик тарбия;
- d) меҳнат тарбияси;
- e) жисмоний тарбия.

2. Гўзалликка муҳаббат уйғотиш, днд билан кийиниш, тозалик, саранжом-саришталик қайси тарбия турининг таркибий қисми ҳисоблади?

- a) ҳуқуқий тарбия;
- b) ахлоқий тарбия;
- c) экологик тарбия;
- d) эстетик тарбия;
- e) жисмоний тарбия.

3. Ахлоқ, одоб, ҳулқ, яхшилик, адолат, инсоф, диёнат, мардлик, ватанпарварлик қайси тарбия турининг таркибий қисми ҳисобланади?

- a) ақлий тарбия;
- b) ахлоқий тарбия;
- c) ҳуқуқий тарбия;
- d) эстетик тарбия;
- e) меҳнат тарбияси.

4. Ижтимоий тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омил нима?

- a) маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш;
- b) таълим-тарбиянинг алоқадорлиги;
- c) ўқитувчи ўз олдига қўя олган мақсад;
- d) ахлоқий меъёрлар;
- e) ижтимоий онгни шакллантириш.

5. **Фаоллик, тежамкорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик кабилар қайси тарбия турининг таркибига киради?**

- a) ақлий тарбия;
- b) ахлоқий тарбия;
- c) экологик тарбия;
- d) меҳнат тарбияси;
- e) иқтисодий тарбия.

6. **Ишчанлик, барқарорлик, ижодкорлик, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, мустақиллик кабилар қайси тарбия турининг таркибий қисми ҳисобланади?**

- a) ақлий тарбия;
- b) меҳнат тарбияси;
- c) эстетик тарбия;
- d) иқтисодий тарбия;
- e) жисмоний тарбия.

7. **Эстетик тарбиянинг асосий вазифалари нималардан иборат?**

a) ёшларда ахлоқий дид ва онгни, хулқ-атвор куникмалари ва одатларини ривожлантириш, умумий маданият ва миллий кадриятларга ҳурматни тарбиялаш;

b) ёшларда эстетик дидни ривожлантириш;

c) ёшларда эстетик туйғу ва жисмоний баркамолликка эришишни таъминлаш;

d) ёшларда эстетик эҳтиёжни тарбиялаш, эстетик онг ва маданиятни, бадий қобилиятларини ривожлантириш;

e) ёшларни ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги, турмушдаги гузалликни идрок қилишга ўргатиш.

8. **“Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” деган ибора Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида ёзилган?**

- a) 41-модда;
- b) 40-модда;
- c) 39-модда;
- d) 38-модда;
- e) 37-модда.

9. **“Бадантарбия соғлиқни сақлашда улуғвор усулдир”, деган фикр қайси алломага тегишли?**

- a) Абу Райҳон Беруний;
- b) Абу Наср Форобий;

- с) Мирзо Улуғбек;
- д) Амир Темур;
- е) Алишер Навоий.

10. Чинқиш, уйинлар, соғлом тан, ҳаракат тушунчалари тарбиянинг қайси турига тегишли?

- а) меҳнат тарбияси;
- б) жисмоний тарбия;
- с) экологик тарбия;
- д) ахлоқий тарбия;
- е) эстетик тарбия.

11. “Соғлом фикр, ахли ахлоқ ва илм-маърифатга эга бўлмоқ учун баданни тарбия қилиш зарур” деган фикр қайси маърифатпарварга тегишли?

- а) М.Бехбудий;
- б) А.Авлоний;
- с) Фитрат;
- д) Ҳамза;
- е) Садриддин Айний.

12. Фуқаролик тарбиясининг мақсади нимадан иборат?

- а) Миллий ва умуминсоний кадрятлар ғояларини таркиб топтиришдир;
- б) ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ фаолият юритишдир;
- с) чуқур ватанпарварликни таркиб топтириш;
- д) фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англаш орқали ўқувчи-талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият учун фидоий инсонлар этиб тарбиялашдир;
- е) давлат рамзлари ва уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

13. Тежамкорлик, сарф, исроф, фойда, мулк, мулкка эгалик қайси тарбия турига киради?

- а) меҳнат тарбияси;
- б) экологик тарбия;
- с) иқтисодий тарбия;
- д) ҳуқуқий тарбия;
- е) фуқаролик тарбияси.

14. Тарбия жараёнининг таркибий қисмлари қайси қаторда туғри кўрсатилган?

- а) ақлий ва ахлоқий тарбия;
- б) жинсий ва жисмоний тарбия;

- c) меҳнат ва эстетик тарбия;
- d) ҳуқуқий ва иқтисодий тарбия;
- e) a, b, c, d

15. **Оила тарбиясининг асосий йўналишлари бу...**

- a) ақлий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси ҳисобланади;
- b) ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборат;
- c) ватанпарварлик ҳис– туйғуларини шакллантириш ҳисобланади;
- d) инсонпарварлик, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат;
- e) ақлий заковат, инсоний фазилатларни ривожлантиришдан иборат.

16. **Экологик тарбиянинг асосий мақсади ва вазифалари...**

- a) теварак-атрофдаги табиий муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга ўргатиш;
- b) табиатга, инсонга, ҳайвонларга муҳаббатни тарбиялаш;
- c) табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида экологик асосий тушунчаларни билиш;
- d) экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш;
- e) a, b, c, d.

17. **Жисмоний тарбия мазмуни биринчи навбатда қандай тушунчада ўз ифодасини топади ?**

- a) жисмоний маълумот;
- b) спорт ишлари;
- c) жисмоний тарбия маданияти;
- d) жисмоний ҳолат диагностикаси;
- e) жисмоний камолот.

18. **Шахсни табиат ва жамиятдаги гузалликларни идеал нуқтан назардан идрок этишга ўргатадиган тарбия турига қайси бири киради?**

- a) ақлий тарбия;
- b) ахлоқий тарбия;
- c) эстетик тарбия;
- d) экологик тарбия;
- e) меҳнат тарбияси.

19. **Ёшларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик каби ҳислатларни камол топтиришда ёрдам берадиган тарбия турини топиб тўғри белгиланг.**

- a) ахлоқий тарбия;
- b) ҳуқуқий тарбия;

- с) жисмоний тарбия;
- д) аклий тарбия;
- е) иқтисодий тарбия.

20. “Экология” сўзи қандай маънони билдиради?

- а) “Экология” юнонча сўз бўлиб, теварак-атрофдаги муҳит;
- б) тирик мавжудотларнинг яшаш шароити;
- с) теварак-атрофни муҳофаза қилиш;
- д) табиатга эътибор;
- е) табиат бойликларини авайлаб-асраш.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Оила тарбиясининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	ОТ М ва В	Тушунча

2. Тарбияда оила, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги мазмунини тушунтириб беринг.

№	ТОТ М ва ЖХМ	Тушунча

3. Ақлий тарбиянинг мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	АТ М ва В	Тушунча

4. Ахлоқий тарбиянинг мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	АТ М ва В	Тушунча

5. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	ЖТ М ва В	Тушунча

6. Эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	ЭТ М ва В	Тушунча

7. Меҳнат тарбиясининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	МТ М ва В	Тушунча

8. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	ИТ М ва В	Тушунча

9. Экологик тарбиянинг мазмуни, мақсад-вазифаларини тушунтириб беринг.

№	ЭТ М М В	Тушунча

10. Ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни, мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	ҲТМ М ва В	Тушунча

11. Фуқаролик тарбиясининг мазмуни, мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.

№	ФТМ М ва В	Тушунча

12. Ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

№	ЁМҒ ва МРТММ	Тушунча

13. Мустақиллик тарбиясининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

№	МТМ М	Тушунча

14. Жамоатчилик тарбиясининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

№	ЖТМ М	Тушунча

15. Ижтимоий тарбиянинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

№	ИТМ М	Тушунча

· 16. Ватанпарварлик тарбиясининг мазмун-моҳиятини тушунтириб бering.

№	ВТМ М	Тушунча

IX Боб. ТАРБИЯ БИЛАН ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ШАХСНИ ҚАЙТА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИНИ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

9.1. ШАХСНИ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТ

Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш таълим-тарбиянинг долзарб масаласига айланиб бораётганлиги бежиз эмас. Мазкур масалани ижобий ҳал этиш нафақат педагогик-психологик, балки ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга моликдир.

Тарбия жараёнининг самарали бўлиши эса кўп жиҳатдан тарбияланувчиларнинг ўзига, уларнинг ижтимоий фаоллигига, онгли фаолиятнинг муайян мақсадга қаратилганлигига ва шу мақсадга эришиш учун қатъият билан кураш олиб боришига боғлиқдир. Худди шу сабабдан ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини тарбиялаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

“Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш” ибораси педагогик ва психологик адабиётларда асосан XX асрнинг ўрталаридан ишлатила бошланган бўлса-да, шахсни ўз-ўзини такомиллаштириш ҳақида қадим замонлардан буён фикр юритилади. Ўз даврининг кўпгина файласуфлари, педагоглари, психологлари ва социологлари шахсни ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштиришнинг туб моҳиятини, унинг жамиятдаги ролини очиб беришган. Уларнинг фикрича, ўз-ўзини тарбиялаш – шахснинг ижтимоий, ижодий, яратувчанлик, ўзгарувчанлик фаолиятининг ажралмас қисмидир. Тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш теварак-атрофдаги оламни ўзгартиришга қаратилган фаолият жараёнида амалга оширилади.

Шахснинг ҳар томонлама тараққий қилиши теварак-атрофдагилар билан ўзаро муносабатга киришувисиз тасаввур қилиш қийин. Индивид сифатида дунёга келган боланинг ўсиши ҳаёнинг умумий қонуниятлари, биринчи навбатда, ижтимоий муно-

сабатларга киришуви ўз-ўзини бошқариш ва мустақил ривожланиш каби жараёнларга ҳам боғлиқдир.

Мустақил ривожланишни шахс ўзи англаган ёки англамаган бўлиши мумкин. *Шахс ўз ривожланишини англагандагина бу ривожланиш ўз-ўзини ўстиришга айланади. Ўз-ўзини ўстириш ўз навбатида ривожланиб бориб шахсни такомиллаштиришга, бинобарин, ўз-ўзини тарбиялашга айланиши мумкин.*

Шахсни шакллантиришда тарбия мустақил ривожланишнинг анланган (ўз-ўзини ўстириш, такомиллаштириш) ва анланмаган (мослашиш, эргашиш) каби шакллари билан боғлиқдир. Тарбияланувчи ўз шахсининг шаклланиши ва ривожланишида бевосита иштирок этади. Лекин бундай иштирокнинг анланган ва фаоллик даражаси ҳар хил бўлади. Масалан, тарбияланувчи шахс ўзи англамасдан биров қилаётган иш-ҳаракатни унга эргашиб бажаришга киришади. Бундай бировга эргашиш бориб-бориб онгли ҳаракатга, онгли ҳаракат эса ўз навбатида ўз-ўзини тарбиялашга айланади.

Тарбия кучайиб, ўз-ўзини тарбиялашга айланиш учун муайян ички заминлар ва ташқи шароитлар зарур бўлади. Ички заминларга ўз-ўзини англаб-билишнинг юксак даражада бўлишини, ўз-ўзини бошқара олишни тез ривожланишга бўлган эҳтиёжни киритиш мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялашда тарбияланувчи ўз шахсини, шарт-шароитларини, фаолиятининг натижаларини, куч ва қобилиятларини ўстириш жараёнини яхши англайди. Ўз-ўзини тарбиялаш иродавий жараён бўлиб, у тарбияланувчи шахс иродавий сифатларнинг бутун мажмуасидан иборат. Ўзига талабчанлик, ўзида норозилик, машхур бўлишга интилиш, англаш, ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши учун асос бўлади.

Ўз-ўзини тарбиялашнинг бу ички заминлари муайян ижтимоий ва педагогик шароитларда ва асосларда рўёбга чиқади. *Ўз-ўзини тарбиялашнинг педагогик асосларини қуйидаги асосий белгилари мавжуд:*

-ўз-ўзини тарбиялаш-ўзини англаш, ўзини-ўзи бошқариш (иродани) ва ривожланишга бўлган эҳтиёжнинг юксак даражада тараққий этганлиги билан характерланади;

- ўз-ўзини тарбиялашнинг пайдо бўлиши ҳамма вақт муайян ички заминлар ва ташқи шароитлар билан боғлангандир. Ички заминлар билан ташқи шароитлар эса тарбиянинг натижасидир;

- ўз-ўзини тарбиялаш таркиб топишининг ҳал қилувчи шартлари ва асосий йўналишларида тарбияланувчи шахс психикасининг ривожланишини тезлатувчи ўзига хос омилдир;

- ўз устида ишлаш тарбияланувчи шахснинг барча куч ва қобилиятларини жадаллик билан ишлатишни талаб қилади, бу ўз навбатида уларнинг тез ривожланишини таъминлайди.

Ўз-ўзини тарбиялаш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, у тарбияланувчи шахс психикаси ривожланишининг асосий йўналишларини, унинг энг муҳим ҳаётий зарур онги, ўз-ўзини англаши, қизиқиши ва эҳтёжлари, ҳис-туйғулари ва иродасини шакллантириши билан боғлиқ бўлган ижтимоий педагогик-психологик жараёндир. Чунки, ўз-ўзини тарбиялаш тўғри ташкил қилинган тарбиянинг натижаси ҳамда унинг шарти сифатида намоён бўлиб, унда ўз устида муваффақиятли иш олиб борилади, ижтимоий муҳим мақсадларни амалга ошириш учун тегишли қулай шароитлар яратилади.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнининг мураккаблиги, унинг мазмун-моҳияти ҳали тўла, ҳар томонлама ўрганилмаган, шунинг учун ҳам бу тушунчани қисқа ва аниқ таърифлашни қийинлаштиради. Турли педагогик ва психологик адабиётларда ўз-ўзини тарбиялаш тушунчаси турлича изоҳланади. Лекин, улар ўз мазмун-моҳияти билан бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Қуйида шулардан айримларини келтирамиз:

**Ўз-ўзини тарбиялашнинг
мазмун-моҳияти таърифлари**

Ўз-ўзини тарбиялаш — бу шахснинг ўз-ўзини назорат қилишнинг таркибий қисмларидан биридир. Ўз-ўзини тарбиялашда шахс ўзида ахлоқий фаолият қобилиятини мақсадга мувофиқ равишда ривожлантиради, ўзининг ахлоқий онгини шакллантиради, ижобий сифатларини такомиллаштиради, салбийларини енгади

А.И.Кочетов

Ўз-ўзини тарбиялаш тор маънода — бу шахснинг ундай ёки бундай нуқсонларини йўқотиш ва жамиятни ҳамда ўзини ўстириш шахсий режасининг талабларига жавоб берадиган ижобий ҳислатларни шакллантириш мақсадида ўз устида онгли ва тизимли иш олиб боришдир.

А.Г.Ковалев

Ўз-ўзини тарбиялаш — бу мунтазам равишда ўз устида ишлаш, ўз ҳулқини англашга ва танқидий нуқтан назардан таҳлил қилишга муттасил интилиш, ўзида ёмон ҳислат ва одатларни йўқотиш, ўзида ахлоқий фазилатларни тарбиялашдир. Ўз-ўзини тарбиялаш-бу ўз-ўзига талабчанликни доимий ошириб бориш, яхши яшашгагина эмас, балки яхши инсон бўлишга онгли равишда интилишдир.

Э.Л.Васина

Умумий режада олганда ўз-ўзини тарбиялаш бу инсоннинг хилма-хил ижтимоий тажрибани эгаллашга, ўзини шахс сифатида тасдиқлашга, ижтимоий-ахлоқий идеалга мос келадиган ва шунинг билан бирга ҳаётий мақсадларни рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган ахлоқий сифатларнинг шаклланишига қаратилган ҳаракатидир.

Л.Н.Игнатовский

Ўз-ўзини тарбиялаш — инсоннинг ички туйғулари ёрдамида миллий қадриятларини, инсон ҳаётидаги ютуқ ва муаммоларини, тажрибаларини, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнидир.

Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўрақулов,
М.Ҳайдаров, О.Ҳасанбоева, Н.Усмонов

Юқорида келтирилган таърифларда ўз-ўзини тарбиялашнинг мазмун-моҳияти асосан атрофлича, айримларида эса у ёки бу томони кўпроқ ёритилган. Лекин бу таърифларда тарбия билан ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро боғлиқлиги, шахснинг ўзи бошқарадиган жараён экани аниқ ифодаланмаган. Бинобарин, ўз-ўзини тарбиялаш тарбияланувчи ўз шахсини мақсадга мувофиқ шакллантириш жараёни, бу жараён эса тарбиянинг натижаси ва психик, яъни руҳий ривожланиш эҳтиёжларининг акс этиши, тарбиячининг функцияларини тарбияланувчининг ўзи бажарадиган жараёндир. Бу жараён шахсни ўз-ўзини тарбиялашдан олдин олинган тарбия таъсири остида вужудга келадиган эҳтиёжлар бўлиб, шахс бу эҳтиёжларни қондиришга интилади, ўзига нисбатан тарбиянинг ҳам объекти, ҳам субъекти сифатида муносабатда бўлади.

Умуман, ўз-ўзини тарбиялашда шахснинг фазилатлари ва одатларини ўзгартириш ёки ривожлантиришга ундайдиган турли эҳтиёжлар катта роль ўйнайди. Бу эҳтиёжлар ҳақида гапирганда, ўқувчи-талабаларнинг илмий дунёқарашини алоҳида таъкидлаш лозим. Табиийки, ўқувчи-талабалар дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришда узлуксизликда топшириқлар беришда ўтиладиган фанлар мазмунларига ва уларга тегишли фан-техника тараққиёти ютуқларига ҳамда таълим-тарбия эмас, балки замонавий ахборот технологияларидан ва интерактив усуллар, турли ўйинлардан заковат, интеллектуал тренинглардан ўқувчи-талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш ўз бурчини тушунишга, шахсни ўз олдига аниқ мақсад ва вазифалар, фазилатларни шакллантиришга, яъни ўз-ўзини тарбиялашга ундайди. Ўз-ўзини тарбиялаш учун шахснинг истикболни излаб топа олиши, юксак идеалларга фойдали бўлиши зарур. Зеро, жамият учун ётишишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар бир шахсда ахлоқий-маънавий идеалга интилиш пайдо бўлади.

Маънавий-ахлоқий идеалга интилиш табиийки, мунтазам равишда ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланишни, жамиятнинг фақат бугунги манфаатлари ҳақида эмас, балки унинг келажаги тўғрисида ҳам гамхўрлик қилишни назарда тутди.

Шунингдек, ижтимоий бурчни англаш, ахлоқий намуна ва идеалдан ташқари шахсни ўз-ўзини тарбиялашга ундайдиган бошқа эҳтиёжлар ҳам мавжуд: *жисмоний, ақлий, ахлоқий, эстетик ва ҳаказолар.*

Шахс жисмоний, ақлий, ахлоқий, эстетик ривожланган сари унда янги-янги эҳтиёжлар, кизиқишлар, шу билан бирга жамият талабларини, ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган камчиликларни бартараф этиш, ўзини янада ривожлантириш эҳтиёжлари пайдо бўлади. Демак, бу эҳтиёжни қондириш зарурияти шахсни ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланишга ундайди.

Бугунги кунда мустақилликка эришгандан сўнг жамиятда содир бўлган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар ёшларни чуқур ва мустақил билим олишини, ўз-ўзини тарбиялашини, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб ривожланишини объектив тараққиётининг бу талаби биринчи навбатда баркамол шахсни тарбияловчи – ўқитувчи-педагоглар ва мураббийлар ўз устида муттасил ишлашлари, маданий-маънавий ва методик савиясини ошириб боришлари орқали қондирилади. Ўз тажрибасига эга бўлмаган касб эгалари бошқаларни ўз устида ишлашга руҳлантира олмайди.

Ўз-ўзини тарбиялашга ундайдиган иккинчи муҳим эҳтиёж ҳар бир ўқитувчи-педагоглик касби эгасига хос бўлган оилада, ўз ҳамкасблари, ўртоқлари, ўқувчи-талабалар орасидан ўқитувчи-педагог ва мураббийлар жамоасида, умуман, жамиятда ҳурмат қозонишга интилишдир. Демак, обрў-эътиборни қозониш мақсадида ўз-ўзини тарбиялаш бошқа касб эгаларидан кўра, кўпроқ ўқитувчи-педагог ва мураббийларга хос бўлган педагогик фаолиятдир. Чунки таълим-тарбиявий ишда чуқур билим, нозик мулоқот ва юксак педагогик маҳоратсиз обрў ва улкан муваффақият қозониб бўлмайди.

Ҳар бир ўқитувчи-педагог ва мураббийнинг обрўи унинг педагогик маҳоратига, ўз касбига муносабатига, билимдонлик ва тайёргарлик даражасига, фаоллиги ва дарсда қўллайдиган таълим-тарбия методларига, ҳулқ-атвор муомаласига, ўз касбдошлари ва тарбияланувчиларнинг хатоларини кўрсатиб бера олишига боғлиқ бўлади. Бу фазилатлар таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ва мустақил ўқиш, педагогик фаолият жараёнида ҳосил қилинади, ўз-ўзини тарбиялаш йули билан мустақамланади, такомиллаштирилади.

Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш, ўз камчилик ва нуқсонларини тузатиш, ўз шахсини ривожлантиришга ундайдиган энг кучли – омил бу танқид ва ўз-ўзини танқиддир. Танқид ва ўз-ўзини танқиднинг моҳияти шундан иборатки, таълим муассасалари ўқитувчи-мураббийлари фаолиятидаги ва ўқувчи-талабалар хатти-

ҳаракатларидаги мавжуд камчиликларнинг ҳамма томонларига объектив баҳо берилиши, мавжуд камчиликларни тугатиш мақсадида уларни ҳар томонлама таҳлил этиш керак. Шунингдек, мазкур камчиликларга ва уларнинг келиб чиқиши учун айбдор бўлган шахсларга либералларча муносабатда бўлишга йўл қўймаслик лозим. Бунда ўқитувчи-педагог ва мураббий ҳамда ўқувчи-талабаларга ишонч ва ҳурмат топширилган иш, топшириқ учун юксак талабчанлик билан бирга қўшиб олиб борилиши керак.

Бу ўз навбатида ўз-ўзини танқиднинг қадри унинг самимийлиги билан, хато ва нуқсонларни тугатиш учун дарҳол киришишига шай бўлиб туриш масъулияти билан белгиланади.

Танқид қилиш – ўз фаолиятига ва хатти-ҳаракатларига танқидий қараш қобилияти шахснинг ахлоқий-маънавий етуклигининг намоён бўлиш шаклидир. Агар шахс жамият олдидagi ўз бурчини юксак даражада ҳис этмаса, ўз камчиликларини, жамият манфаатларига, Конституция ва қонунларга ҳилоф ишларни қилганлигини, лавозимини суиистеъмол қилиб, ҳуқуқий нормалар ва қонунларни менсимаслик унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук эмаслигини англатади.

Ҳайрихоҳлик руҳида билдирилган адолатли танқид шахснинг ахлоқий поклигига, унинг ижодий имкониятларини кенгайтиришга ва ривожантиришга асос бўлади.

Ўзига танқидий қараш, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни биринчидан, шахс ўз камчилик ва нуқсонларини билиш, шу асосда ўз олдига мақсадлар қўйишга ёрдам беради. Иккинчидан, у ўз-ўзини тарбиялашнинг объекти мақсади бўлиб қолади. Ўқитувчи-педагог ва мураббийлар ва ўқувчи-талабалар ўзига танқидий қарашни билмаса, камчиликларини тан олмаса, унда ўз-ўзини тарбиялаш жараёнининг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ўзига танқидий қараш ҳис-туйғуси, идрок ва қобилиятини ёшлиқдан, муайян типдаги ҳулқ-атвор қарор топмасдан олдин ўстира бошлаш керак. Зеро, ўзига танқидий қараш шахс онгига ўз вақтида сингдирилса, кейинчалик у секин-аста ўзида бундай фазилатларни етарли даражада шакллантириб боради.

Танқидий қараш ҳис-туйғуси, идроки ва қобилиятини аввало ўзида, сўнгра эса ўқувчи-талабаларда шакллантириш ўқитувчи-педагог ва мураббийларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Афсуски, айрим таълим муассасаларида ўқитувчи-педагог ва мураббийлар жамоасида ўз-ўзини танқиднинг йўқлиги туфайли баъзи бир

ўқитувчи-педагог ва тарбиячилар ўзларини тажрибали, юксак педагогик маҳоратга эга ҳисоблаб, манманликка берилиб кетадилар, натижада ўз билими ва педагогик маҳоратларини ошириш билан шугулланишмайди.

Республикадаги таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни ва тажрибали ўқитувчи-педагог ва мураббийларнинг илғор тажрибаларини урганиш, уларнинг раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлар шунини кўрсатадики, юксак маҳоратли ўқитувчи-педагог ва мураббийлар учун ўз педагогик фаолиятига **танқидий қараш** бепарволик ва масъулиятсизлик билан қарайдиган ўқитувчи-педагог ва мураббийлар учун эса ўз иш натижаларини **юксак баҳолаш** хосдир. Бундай ўқитувчи-педагог ва мураббийларнинг одатда ўз касбдошлари, педагогик жамоа, ўқувчи-талабалар ўртасида обрўйи бўлмайди. Мажлисларда унинг камчиликлари танқид қилинса, у танқидни тан олмайди. *Танқид гўё таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчи-педагог ва мураббийлар жамоаси унинг қадр-қимматини камситаётгандек, “обрўйини” тушираётгандек, ғурур ва нафсониятига тегаётгандек, уни “айбсиз, айблаётгандек” бўлиб туюлади.* Бу эса касбий маданияти ва педагогик маҳорати даражасининг пастлигининг, ахлоқий-маънавий фазилатларни танқидий баҳолай олмаслигининг натижасидир.

Ҳар бир ўқитувчи-педагог ва мураббий ва ўқувчи-талаба ўз бурчини виждонан бажаришга ҳалақит берадиган салбий ҳислатлар (*қўполлик, эринчоқлик, лоқайдлик, пала-партишлик, димоғдорлик, ўзига бино қўйишлик*)ни онгли равишда йўқотиш ва ўзида етишмайдиган ижобий фазилатлар (*одамларга ишониш, ўзига танқидий қараш, мулојимлик, ширинсўзлик, ташаббускорлик, тиришқоқлик, талабчанлик ва ҳаказолар*)ни шакллантириш қобилиятига эга.

Ўқитувчи-мураббийлар ва ўқувчи-талабаларнинг ўз одатларини ўзгартира олмайман, деб нолишлари бутунлай нотўғри. Характер шахснинг туғма хусусияти эмас, у тарбиянинг маҳсулидир. **Ўзгартириб бўлмайдиган, қайта тарбияланмайдиган характер йўқ.** “Менинг характерим шунақа. Мен ўзимни бошқача қилаолмайман” деган фикр педагогика ва психология фанлари нуқтаи назаридан бутунлай асоссиздир. Ҳар бир шахс ўз характери учун ўзи жавобгар, уни ўзи ўзгартира олади.

Демак, ўқитувчи-педагог ва мураббийлар ҳам, ўқувчи-талабалар ҳам ўз-ўзини тарбиялашда ўз-ўзини тўғри баҳолай билиши керак.

Ўз-ўзини баҳолаш ўз билимлари ва қобилиятларига, ўзининг жамоадаги ахлоқий мавқеига, одат ва малакаларига баҳо беришни назарда тутди. Ўз-ўзини баҳолаш шахснинг ўз фазилатлари ва нуқсонларини идрок қилишини акс эттиради.

Шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келишининг муҳим эҳтиёжларидан бири намунадир. Унинг моҳияти айрим шахс ёки бир гуруҳ одамларнинг иши, хатти-ҳаракати, ҳулқ-одобини билан ахлоқий таъсир этиши орқали бошқалар учун намуна бўлишидир.

Айниқса, мактабгача тарбия ёшидаги болаларга обрўли тарбиячилар, мактаб, академик лицей, ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида эса ўқувчи-талабаларга талантили ўқитувчи-педагог ва мураббийлар намуна таъсирини ўтказди. Қандай бўлмасин, шахс шаклланишининг ҳар бир босқичида, турли ёшда обрўли тарбиячи, ўқитувчи-педагог ва мураббийлар ўз ҳамкасбининг таъсирини сезди. Энг яхши намуналарга тенглашишни барча тарбияланувчилар хоҳлайди. Бинобарин, ўз-ўзини тарбиялашга қаратилган фаолият рағбатлантирилади ва ўз-ўзини ривожлантиришга ундайдиган эҳтиёжлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шахснинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши ҳам ўз-ўзини тарбиялашга ундайдиган муҳим эҳтиёжлардан биридир. Маънавий эҳтиёж ва қизиқишлар бевосита ҳаётини мақсадларнинг қандай қўйилишига боғлиқ бўлиб, у ақлий, ахлоқий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Одам шахс сифатида шакллана бориши жараёнида моддий фаровонликка, оила қуриш, болаларни тарбиялаш, дам олиш, бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун зарур шароитларни яратишга интилади. Зеро, моддий фаровонликка ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик, ишбилармонлик, ўзининг билимларини тўхтовсиз такомиллаштириб бориш, тажриба ва малакасини ҳамда маданий савиясини ошириб бориш, ахлоқий фазилатларини ривожлантириш асосидагина эришиш мумкин. *Шуни таъкидлаш керакки, педагогик фаолиятда ўқитувчи-педагог ва мураббийлар учун моддий манфаатдорлик йўқ, фақат уларни қизиқарли дарс беришга, касбий педагогик маҳоратини оширишга, ўз устида тинмай ишлашга, асосан маънавий ва педагогик-психологик омиллар ундайди.*

Ўқитувчи-педагог ва мураббийларни ўз-ўзини тарбиялашга ундайдиган омиллардан бири унинг ўқувчи-талабаларга ва ўз касбдошларига қандай муомалада бўлишини белгилайдиган

ўқитувчи-мураббийлик касбий бурчининг талаби бўлиб, унинг педагогик ва тарбиячилик фаолияти таълим муассасаси маъмурияти ва жамоатчилик томонидан назорат қилиб бориш, камчиликларни танқид қилиш, ўз бурчини яхши бажараётганларни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг мазмун-моҳиятини яхши билиш ва улардан амалиётда моҳирона фойдаланишгина баркамол шахсни шакллантириш жараёнини самарали қилади.

9.2. ТАРБИЯ БИЛАН ШАХСНИ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗАРО БОГЛИҚЛИГИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш тарбиянинг натижаси, шу билан бирга тарбиянинг самарали бўлиши шартидир. Ўз-ўзини тарбиялаш учун шахс маълум даражада тарбияланган, шахс сифатида ўзини англаган, ўзини идора қила оладиган бўлиши керак. Бундай ҳислатлар шахс ҳаётининг муайян босқичида ҳосил бўлади, ривожланади, тарбиянинг ўз-ўзини тарбиялаш натижасида шахснинг шаклланиши тезлашади.

Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш шахс ривожланиши учун зарур бўлган барча маънавий кучларнинг жадал ўсишини таъминлайди. Ўз устида ишлаш давомида ўзини идора қилиш ривожланади, онг билан ҳулкнинг бирлиги таъминланади, назария амалий фаолиятга жорий этилади, ҳар бир ишни чуқур англайдиган янги киши шакланади, эътиқодлар мустаҳкамланади. Ўз-ўзини тарбиялаш онгли, юксак ахлоқ ва фаол ижтимоий фойдали фаолият учун зарур бўлган сифатларни шакллантиради.

Шахснинг камол топши ниоятда мураккаб, узоқ ва умр бўйича давом этадиган жараён бўлиб, уни **уч босқичга** ажратиш мумкин.

Шахс ҳаётининг биринчи босқичида у ижтимоий тажрибанинг асосларини ўзлаштиради, меҳнат малакаларини эгаллай бошлайди, оддий ахлоқ нормаларини (яхшилик, ёмонлик, нима фойдали, нима зарарли ва ҳаказоларни) англай боради ва бурч, виждон, қадр-қиммат ҳақида дастлабки тасаввурлар ҳосил бўлиб боради. Буларнинг барчаси шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш тушунчасини ташкил этади. Шахснинг камол топшидаги биринчи босқич асосан оила тарбияси ва мактабгача муассасалардаги тарбия билан боғлиқ жараёндир.

Иккинчи босқичда *ижтимоий тажрибани, табиат ва жамият қонуниятларини ўзлаштириши учун шахс анча куч сарфлайди. Натижада, шахсда ўз-ўзини тарбиялаш бошланади. Шахсда намунали ҳислатлар, энг юксак мақсадлар, эстетик дидлар шаклланиб боради. Бу босқичда тарбия билан ўз-ўзини тарбиялашнинг узвий бир-бирига қушилиб кетиши яққол кўринади. Бу даврда шахсга таълим муассасаларининг ўқитувчи-педагог ва мураббийлар жамоаси, тендош ўсмирлар ва ўстиринлар, яқин дўстлари, ўртоқларининг таъсири анча кучли бўлиб, ошланинг таъсири эса бирмунча камаяди. Демак, бу соҳада шахсга ташқи муҳит таъсири анча кучаяди.*

Шахс ривожланишининг учинчи босқичида *ўз-ўзини тарбиялаш, ахлоқий такомиллашиш жараёни тула амалга ошади. Бу босқичда шахс ўз олдига анча мураккаб ахлоқий вазифаларни, мақсадларни қўяди.*

Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабаларининг характерли хусусияти уларнинг келажакка интилувчанликларидир. Бу эса шахснинг ривожланиши ва ўз-ўзини тарбиялаши учун анча қулай, такрорланмас шарт-шароитини яратиб беради. Келажак билан боғлиқ бўлган сабабларни катта аҳамияти атрофидаги кишилар доирасидан чиқиш, атрофга назар ташлаш, чамалаб кўриш, ўз-ўзини тарбиялашни аниқлашга интилишни вужудга келтиради. **Ўқувчи-талабаларнинг ўз шахсиятига, атрофдаги кишиларга қизиқиши, эгаллайдиган касби ва келажакдаги катта ҳаёти ҳақида ўйлаш, яъни “Ким бўлсам экан?” деган саволга жавоб излаб қолмай, балки “Қандай бўлишим лозим?”, “Ҳаётда менинг қандай ўрним бор?”, “Мен қандай инсонман?” деган масалаларни ҳал қилиш – буларнинг барчаси ўз-ўзини тарбиялашга бўлган қобилиятини шакллантириш учун қулай замин яратади. Ўз-ўзини тарбиялашга бўлган қобилият шахснинг бошқа хусусиятлари даставвал мақсад, характери, ахлоқий ривожланганлик даражаси билан ҳам боғлиқ. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиси (синф ёки гуруҳ раҳбари) олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ёки гуруҳ мураббийлари ўқувчи-талабаларга ўз-ўзини тарбиялаш дастурини тузишда ёрдам бермоғи лозим. Дарс жараёнида йигит-қизларни ўз-ўзини тарбиялаш дастури билан таништириш мумкин, масалан: нимаики ишни муттасил бажариб бориш белгиланган бўлса, ҳар қандай вазиятда талжариш; ишни бажаришда пухта қилиш, агар бирор нарса ни**

унутган бўлсанг, ўзини фикрлаб, эслаб бажаришга ҳаракат қил; бор имконингни ишга солиб, ақлингни пешла ва ҳаказо.

Энг муҳими ҳаётда ялқовлик, жиззакилик ва лақмалиқдан ҳоли бўлишга амал қилишдир.

Ўқувчи-талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш дастури ҳақида яна сўз юритганда ўз-ўзини танқидга, ўз-ўзини четдан кўра олишга, ўз қобилияти ва имкониятини объектив баҳолашга, ўзининг ҳар бир номақбул хатти-ҳаракатини, нотўғри фикри, ҳулқидаги нуқсонини тўғрилашга ҳам тўхтаб ўтиш зарур.

Ўз билим доирасини кенгайтириш, ўзининг интеллектуал ривожланганлик даражасини ошириш, барқарор одат ва меҳнатга бўлган муҳаббатни оширишга доимий интилиш, ўз-ўзини тарбиялаш иши учун муҳимдир. Ўз хатти-ҳаракати ва қилмиши учун масъулият ҳиссини шакллантирмай туриб, ўз-ўзини тарбиялаш мумкин эмас.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида ўз устида ишлаш режасини тузиш гоят таъсирчан усуллардан бири ҳисобланади. Аммо шахсий фаолият ва ўз шахсиятини режалаштириш белгиланган мақсадни, шубҳасиз бажаришдагина маъно касб этади. Бу ерда ўз-ўзини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Етарли даражада ривожланмаган назоратсиз шахсга ўз-ўзини тарбиялаш ҳақида гапириб бўлмайди. Ўз-ўзини тарбиялашда шахс ўз олдига вазифа қўяди, уни ҳал қилишнинг энг яхши йўлини ўзи излайди, уни бажарилишини назорат қилишнинг шаклларида бири шахсий кундалиқдир. Ўқувчи-талабалар шахсий кундалиқ тутиш орқали ўзининг кундалиқ бажариладиган ишларини режалаштиради ва бу режанинг бажарилиши учун ўз-ўзини назорат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш жараёни шахс ҳаётининг сўнги дақиқаларигача давом этади. Ташиқаридан бериладиган тарбия ривожланиб, ички тарбияга, яъни ҳақиқий ўз-ўзини тарбиялашга айланади.

9.3. ШАХСНИ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмларидан бири – бу мустақил таълимдир. Мустақил таълим олиш бугунги кунда таълимнинг муҳим йўналиши сифатида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хусусан, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ўқувчи-талабаларга умумтаълим ва махсус фанларни чуқур ўқитиш билан бирга касбий мутахассислик фанларини ўқитишда ҳам ёшларни ўз устида кўпроқ ишлашлари ва ўзларининг касб маҳоратларини ошириб боришларида мустақил ишларни ташкил этишнинг аҳамияти каттадир. Чунки мустақил таълим ўқувчи-талабаларда кучли ирода, диққат, хотира, тафаккур каби психологик ҳислатларини мустаҳкамлаш билан бирга уларда масъулият, тартиб-интизом, буш вақтдан унумли фойдаланиш каби тарбиявий сифатларни ҳам шакллантиради.

Ўқувчи-талабаларнинг мустақил таълимини қуйидаги кўринишларда ташкил этиш мумкин:

1. Кутубхонадаги қўшимча адабиётлар билан ишлаш;
2. Дарсдан ташқари турли тўгарак машғулотларида иштирок этиш;
3. Турли хил кўрик-танловлар ва фан олимпиадаларига гайёрланиш;
4. Интернет тармоғининг имкониятларидан фойдаланиш ва ҳ.к..

Ҳозирги кунда ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлаши учун ўқитувчи-педагог берилган мустақил иш мавзусига қараб уларни тўғри йўналтира олиши шарт. Чунки ўқувчи-талабалар ҳали тўлиқ мустақил ишлашга ўрганмаган, у қаердан, нимадан, қандай фойдаланиш кераклигини тўлиқ англай олмайди. Бундай пайтда, яъни ўқувчи-талабаларда берилган мавзунини қандай бажариш ҳақида тасаввур пайдо бўлиши ва уларнинг фикрлашини осонлаштириш мақсадида қуйидаги педагогик-методик тавсияларни бериб бориш мақсадга мувофиқдир:

1. Мавзуларни ўқувчи-талабаларнинг қизиқиши ва билим савиясига қараб танлаш;
2. Мавзунини ўрганишга оид керакли адабиётлар рўйхатини аниқ бериш ва улардан қандай фойдаланишни тушунтириш;
3. Интернетда қўшимча маълумотлар олиш учун керакли сайтларнинг аниқ номини белгилаб бериш;
4. Ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишни бажариш жараёнида дуч келган муаммоли саволларга изоҳ бериб бориши керак.

Ўқувчи-талабалар ўзига берилган мавзу бўйича тўпланган материалларни қўлёзма шаклида реферат ёки курс иши лойиҳаси сифатида тайёрласа, ўқувчи-талабаларнинг мазкур мавзу бўйича олган билимлари чуқурлашади, малакаси кенгаяди.

Мустақил ишлаш жараёнида ўқувчи-талабаларда қуйидаги сифатлар таркиб топиб боради:

1. Уларнинг тафаккури, хотираси, диққати ва хаёлини таркиб топтириш жараёни такомиллашади ва фаолият даражаси кенгаяди.

2. Ўқувчи-талабаларнинг фаолиятида ўқув материалларини ўзлаштиришлари билан боғлиқ бўлган ва дарс жараёнида юзага келадиган муаммоли саволлар ечимини тез ҳал қилиш, вақтдан унумли фойдаланиш малака ва кўникмалари ривожланади.

3. Ўқувчи-талабаларни ўз-ўзини назорат қилиш усуллари кенгаяди.

4. Билимларни ўзлаштириш жараёнида жамоа билан ишлаш, ўз фикрини ҳимоя қила олиш хусусиятлари таркиб топади.

Ўқувчи-талабаларга мустақил иш бериш жараёнида мустақил иш мавзуларини таълим муассасаларининг кутубхона фонди, техника воситалари ва мавжуд шарт-шароитларини ҳисобга олиш керак.

Демак, мустақил таълим олишнинг мақсади ва мотивларини шакллантириш ўқувчи-талабаларга чуқур билим беришнинг асоси ҳисобланади. Бунинг учун ўқувчи-талабаларда билишнинг мақсади ва мотивларини шакллантириш, таълим мазмунини янгилаш, унинг дидактик жиҳатларини тушуниб олишларига аҳамият бериш лозим. Биз қуйида мустақил таълимнинг мотивларини шакллантириш, билим бериш мақсадида амал қилишга доир педагогик ва методик (услубий) талабларни тавсия этамиз:

1. **Мустақил таълимнинг ижтимоий мақсадини билиш ва унга ўзини тайёрлаш мотиви.** Бунда ўқувчи-талабалар мустақил таълимнинг ижтимоий моҳиятини тула англаб олишлари, таълим мазмунини ва таълим жараёнининг янгиланиши, ўзгаришнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, мустақил таълимнинг ўқув жараёнларини ўзлаштиришга тайёр бўлишини тушуниб етишлари ўқув вазифаларини амалий жиҳатдан ижодий ёндашув орқали бажаришга тайёрланиш тушунилади. Айниқса, ўқувчи-талабаларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнидаги мустақил фикр юритиши, муаммоли топшириқни бажариши, мавзу юзасидан дарслик, ўқув

қўлланмаси, шунингдек, педагогик ва методик адабиётлардаги янгиликларни англаши, таълимнинг замонавий методлари, замонавий педагогик технологияларни таълимга жорий этишнинг аҳамиятини тушуниб етиши, келажакда ўз тажрибаларида уларни қўллашга интилишларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўқувчи-талабаларда ўқув мақсадига эришишни таъминлайди. Унинг субъектив моҳиятини билишга қизиқади.

2. **Ўқувчи-талабаларда мустақил таълимнинг ижодий фикрлашув, алоқалашув мақсадини тўлиқ англаб етишга тайёрлаш мотиви.** Бунда ўқув материалнинг мазмуни унинг моҳиятини тўлиқ тушуниши ва ижодий фикрлаши орқали ўқув материални қайта ишлаш қобилиятини шакллантириш. Масалан, бирор мавзу юзасидан илмий изланиш олиб бориш, педагогик муаммолар тузиш, танқидий мулоҳаза юритиш, қузатиш ва тажрибалар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай машқларда ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабаларнинг ўз фикрларини бошқаларга етказиши, бошқалар билан фикрлашни, малакаларини оширишга аҳамият беради. Бу эса ўқувчи-талаба ёшларда мустақил таълим олишнинг шакллари билиш, ҳамкорликда ишлаш, ўқув топшириқларини мустақил бажариш ҳиссини шакллантиради. Юқоридаги ишлар мустақил таълимнинг алоқалашув мақсадини ифода этади, ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабаларнинг ўзаро фикрлашуви, муаммоларни ижодий ҳал этишини таъминлайди. Яъни ўқувчи-талабалар мустақил тарзда топшириқларни ечиш йўлларини излайдилар, ўқув фаолиятида ўз фикрига эга бўлади, уни бошқаларга етказишга интилиш мотивларининг шаклланишига эришади.

3. **Мустақил таълимнинг ахлоқий мақсадга йўналтирилиши мотиви.** Бунда билиш мақсади, фанни эгаллаш, мустақил таълим олиш орқали баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилади. Бу эса ҳар бир мутахассисликнинг республикамизда амалга оширилаётган **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”**да белгилаб берилган баркамол авлодни тарбиялашга ўзини тайёрлаши, ўзини-ўзи тарбиялаши, ўз фаолияти ва интилишларини мустақил фаоллаштириш мақсадини ифодалайди, таълим олувчи-ларда ўзини бошқариш мотивларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Мустақил таълимни олишни шакллантиришда мустақил иш машқларини бажариш, ўз билимларини амалда қўллаш, тажрибалар ўтказиш ҳам муҳимдир. Масалан касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрғларида мутахассислик фанларини ўқитишда таълим

методларини такомиллаштириш, инновацион методларни таълим жараёнига жорий этиш, талабаларнинг “Интернет” тармоғидан фойдаланишлари: муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, интернет орқали ўқувчи-талабалар замонавий таълимнинг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиб, уни таълим жараёнига жорий этиш имкониятига эга бўладилар. Буларнинг барчаси мустақил таълимни педагогик-психологик ва методик жиҳатдан таъминлайди, мустақил таълим самарадорлигини оширади.

Демак, ўқувчи-талабалар мустақил таълим орқали ўз билимини оширади, ўзлаштирган билимларини инсоният тўплаган маънавий бойликлардан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланади. Мустақил ўзлаштирилган, чуқур таҳлил қилинган билимлар ўз илмий дунёқарашини шакллантиради, жамият ва табиат тараққиёти қонуниятларини ўрганади, ўзининг миллий мафкуравий – сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий қарашларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмларидан бири ўзини ижтимоий фойдали меҳнат ва касбга тайёрлаш бўлиб, шахс учун зарур бўлган касбни, мутахассисликни эгаллашга, ишлаш ва касбий маҳоратини оширишга, касбга оид билимларни такомиллаштиришга, жамоат ишларида фаол қатнашишга, кўникма ва малакалар ҳосил қилишга қаратилган фаолиятдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларнинг ўқув режасига ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш асосида шундай фанлар киритилганки, уларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга меҳнат таълими ва тарбиясини беришдан иборат. Ўқувчилар умумий ўрта таълим даврида ўқув устахоналарида, ўқув-тажриба майдонларида, оталиқ корхоналарида, фермер хўжаликларида турли материалларни тайёрлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёни билан яқиндан танишадилар. Бу эса ўқувчиларда бажарилаётган ишга онгли муносабатда бўлиш, уни илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши (пўхта режалаштириш, вақтдан унумли фойдаланиш) иш ўрнини озода тутиш, меҳнат (иш) қуролига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, бошланган ишни натижалаш, унинг самарали бўлишига эришишга йўналтирилган фаолият билан шуғулланишга оид кўникмаларни қарор топтириб қолмай, балки ёшларда ишга қўл билан меҳнат қилиш ва бетартибликни тарбиялашга, ўқишга, касб-хўнарс эгаллашга кизиқишни ривожлантиришга қўмаклашади.

Демак, умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларида меҳнат таълими ва касб-хунар ёки мутахассислик тўғрисида маълумотни бериш ишининг муваффақияти ўқувчиларнинг мазкур жараёнга тайёргарлик даражасига, шунингдек, уни ташкил этиш шароитлари билан олдиндан таниш эканлигига, бундай шароит меҳнат қилиш эгалланган назарий билимларни амалиётда қўлай олиш имконияти билан боғлиқдир. Шу боис умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда ўқувчилар ўртасида мавжуд касб-хунар ҳамда мутахассисликлар тўғрисидаги маълумотларни бериб бориш, уларнинг халқ хўжалигидаги тутган ўрни ва аҳамияти борасидаги тарғиботни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таҳсил олувчи ўқувчи-талабалар ишлаб чиқариш жараёнида касб-хунар ва мутахассисликлар билан амалий равишда танишадилар. Уларга меҳнат таълим-тарбиясини беришда ва касбий малакаларини шакллантиришда ишлаб чиқариш усталари ва тажрибали мутахассислар катта роль ўйнайдилар.

Касбий таълимнинг кейинги bosқичларида муайян, яъни мутахассисликни эгаллаш даврида ўқувчи-талабалар ижтимоий фойдали меҳнат, касб-хунар ва мутахассислик (мотиви)нинг ижтимоий-ғоявий асослари ҳамда ижтимоий бурч ва масъулиятни ҳис этиш билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Зеро, жамият ва эл-юрт равнақи, халқ фаровонлиги учун фидокорона меҳнат қилиш, ўқувчи-талаба ёшлар ижтимоий фойдали меҳнати ва эгаллаган мутахассислигининг ижтимоий-ғоявий ва маънавий-ахлоқий асосидир.

Демак, ўзини ижтимоий фойдали меҳнат қилишга ва касб-хунар эгаллашга тайёрлаш билан бирга шахс ўз-ўзини ижтимоий тарбиялаши ҳам зарур. Ўз-ўзини ижтимоий тарбиялаш — бу ўқувчи-талабаларни ижтимоий шахс сифатида шакллантиришга ва такомиллаштиришга, ўтмиш ижтимоий тажрибасини ўзлаштиришга, жамият ва халқимиз анъаналари, турмуш тарзи, фуқаролик ва оила бурчларига бўйсунушга ўргатиш фаолиятидир.

Ўқувчи- талабалар шахсини эстетик ва жисмоний жиҳатдан шакллантириш ҳамда ривожлантириш ҳам ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмларидандир.

Шахснинг эстетик маданиятини, бадий дидини, эстетик эhtiёжларини, бадий-ижодий қобилиятларини юксалтиришга,

қизиқишларини ривожлантиришга қаратилган фаолият ўз-ўзини эстетик жиҳатдан тарбиялашга киради.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқувчиларни ўз-ўзини тарбиялашнинг мақсади, воқелиқдаги, санъатдаги, табиатдаги турли касб эгаларининг ижтимоий-касбий ва меҳнат муносабатларидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиш ҳамда тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадий дидини ўстириш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзалликни олиб кириш қобилиятларини тарбиялашдан иборатдир.

Бугунги кунда ўз-ўзини жисмоний жиҳатдан тарбиялаш шахснинг жисмоний етук организмнинг соғлом ва чиниққан бўлишини назарда тутаяди ва ишлаш қобилиятининг узоқ йилларга сақланишини таъминлашга қаратилгандир.

Ўз-ўзини жисмоний жиҳатдан тарбиялашнинг мақсади ҳар томонлама жисмоний жиҳатдан чиниққан, мустаҳкам иродали, қатъиятли ва Ватанни ҳимоя қила оладиган сабот-матонатли, ҳам жисмонан, ҳам маънан ривожланган баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Ўз-ўзини тарбиялашнинг замини маънавий-ахлоқий тарбиядир. Бу шахснинг юксак маънавий-ахлоқий маданиятга эришишда ўз-ўзига баҳо бериши, ўзини тартибга солиши, покиза ҳулқ кўникмалари ва одатларини ҳосил қилишга қаратилган иродавий фаолиятдир.

Педагогика назариясида ўз-ўзини ахлоқий жиҳатдан такомиллаштириш тушунчаси ҳам ишлагилади. Бу тушунчага кўра шахс шаклланиши ва ривожланиши кўпроқ субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўз-ўзини ахлоқий жиҳатдан такомиллаштиришни шахс ахлоқий баркамоллигининг энг юксак даражаси деб таърифлаш мумкин. Бундай фаолият ўз-ўзини ривожлантиришнинг муайян даврида, шахс илмий дунёқараши шаклланган, катта ижтимоий-фойдали мақсадлар ва истиқболлар билан илҳомланган, қатъий ирода, ўзини назорат қилиш кўникмаларига эга бўлиш, интизомга бўйсунган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, ўз-ўзини такомиллаштириш маънавий-ахлоқий ижтимоий тарбияланган, муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялашни назарда тутаяди. Ўз-ўзини тарбиялаш шахс ривожланиши учун зарур бўлган барча маънавий-ахлоқий сифатларнинг жадал юксалишини таъминлайди. Ўз-ўзини

такомиллаштириш давомида ўзини идора қилиш ривожланади, онг билан ҳуққнинг бирлиги таъминланади, эътиқодлар мустаҳкамланади, маънавий-ахлоқий кўникмалари қарор топади. Умуман, ўз-ўзини тарбиялаш шахсда онгли, юксак ахлоқли ва фаол ижтимоий-фойдали фаолият учун зарур бўлган сифатларни шакллантиради.

9.4. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ШАХС ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МЕЗОНИ СИФАТИ

Мустақиллик йилларида баркамол шахс тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида қуйидагича фикр билдирадилар: “Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади, кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар мавжуд. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, рухий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради”¹.

Шу маънода инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради десак, янглишмаган бўламиз. Ирода шахснинг онгли ҳаракатларида, ўз-ўзини тута билишда, яъни ўз-ўзини назорат қила билишида ифодаланадиган, айниқса, мақсадга эришиш йўлида учрайдиган жисмоний ва рухий қийинчиликларни енгиб чиқишда намоён бўладиган ихтиёрий фаоллигидир.

Ўз-ўзини назорат қилиш бу ўзининг ҳаётий кучини анча юқори даражада англаган ва ижодий изланишдан иборат шахс хусусиятидир.

Ўз-ўзини назорат қилиш шахснинг ўз жисмоний ҳамда рухий фаолиятини ўзи онгли равишда назорат қилиб туришдан иборат ижобий сифати. Бу сифат қуйидагича асосий турларга бўлинади., яъни *сенсор, ўз-ўзини назорат қилиш, идрок қилиш фаолиятини назорат қилиш билан белгиланади. Сенсомотор ўз-ўзини назорат*

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч — Т.: «Маънавият», 2008, 122–123-бетлар.

қилиш идрок билан ҳаракатларнинг биргаликдаги фаолиятни назорат қилиш малакаларининг таркиб топшишида, ҳаракатдаги хатоларни тузатишида яққол намоён бўлади.

Ўз-ўзини назорат қилиш асосан қилинаётган ва қилинган ишларга, шунингдек, ўз мақсад ва қабул қилган қарорига танқидий нуқтаи назардан баҳо бериш демакдир. Киши қилаётган ва қилган ишларига баҳо берар экан, уларни маъқуллайди ёки маъқулламайди, айна вақтда ўз ишларининг қўйилган мақсадга ёки қабул қилинган қарорга мослиги ёки мос эмаслигини назарда тутати. Қилинаётган ва қилинган ишларга баҳо берганда, уларнинг мақсад ва қарорга мос келиш ёки мос келмаслиги, фойдали ёки бефойда эканлиги зарурлиги, ёки кераксизлиги ва шу кабилар назарда тутилиши мумкин.

Шахсда ўз-ўзини назорат қилишни таркиб топтириш учун ҳар қандай вазиятлардан фойдаланиш мумкин. Ўз-ўзини назорат қилиш машғулоти катта фаолият майдонидир. Ва уни қуйидаги ҳолларда амалга ошириш мумкин, яъни таъсирланиш ва ғазаб, тинчликнинг сабрга, ҳасаднинг саҳийликка, айёрликнинг бағрикенгликка, қаттиқ-қўлликнинг раҳмдилликка алмашиши ва бошқаларни назорат қилиш шахс муносабатини ифодалайди. Баъзи инсонлар ўз устиларида тинимсиз ишласалар ҳам, ўз-ўзини назорат қилиш имкониятига эга бўлмайдилар, ахир тақдирда ёзилганидан қочиб қутулиб бўлмайди-ку дейишади. Айримлари эса ўзларини доно ҳисоблаб, ўз-ўзини назорат қилиш кучли деб ўйлашади. Ўзига бўлган ишончсизлик ва ҳаддан ташқари ишонч шахсдаги ҳаракатсизлик ва бушашганликка тенглаштирилади. Шахс кучининг ривожланиши, бу авваламбор, ўзига ишонч етарли даражада қатъийлик ва интилишни кўрсатиб, биринчи қадамни ташласа, ҳамма нарсага эришиш мумкин. Шундагина шахс кучининг ривожланиши кузатилади. *Конфуций шахсда ўз-ўзини назорат қилишининг шаклланиши борасида қуйидаги фикрларни билдиради: "Агар мен ҳар кун и бир саватдан тупроқ олиб келсам, унда тоғ пайдо бўлади. Ўйламасдан, атрофга эътибор бермасдан интилган инсонлар баъзида ўзига ва ўзгаларга чегара тоғини ҳосил қилади. Эски ёмон одатлардан холи бўлиш қийин, аммо янги хулқ-атвор тамойиллари ва меъёрларининг шаклланганлиги асосий биринчи қадамдир. Инсондаги анланган фаол хатти-ҳаракатлар ижодий имкониятлар шахс кучини ривожлантира олади"*.

Шахсда ўз-ўзини назорат қилишга олиб келадиган 3 та мезон мавжуд. Улар қахрамонлик, ҳамдардлик, сабр-тоқатлилик.

Ҳар бири ўзининг таркибида қолган иккаласини ҳам жамлайди. Биринчи мезон “Қаҳрамонлик” сузи “юррак” деган маънони англатади. Қаҳрамонлик юракдан туғилиб, унда яшайди, шу боис, севги, миннатдорчилик, содиқлик, ишонч, дўстлик кабилар уни илҳомлантиради, руҳлантиради. Психологик ва педагогик адабиётларда қаҳрамонлик тушунчасига бир қатор таърифлар келтирилади. Шунга мувофиқ, қаҳрамонлик бу ҳақиқатни англаш ва унинг учун курашиш қобилияти. Қаҳрамонлик – бу кераксиз, эски нарсаларни янги, фойда келтирадиганлари билан алмаштира олишдир. Қаҳрамонлик бу ўзини қатъий ҳаракатлар билан ҳавфга қарши қўя олиш. Қаҳрамонлик – бу келажак билан тўқнашув. Қаҳрамонлик билан зўриққан импульсив ҳисларнинг юракдан туғилиши ва инсонларнинг кейинги фаолиятларида ижодий жиҳатдан ҳаракатлантирадиган шахс кучидир. Рим файласуфи Сенека “Баъзида яшашнинг ўзи ҳам қаҳрамонликдир”, дейди.

Агар сиз ҳаётини қийинчиликлар билан юзма-юз кўришгунча уялиб, ўзингизда куч топа олсангиз, шунда Марк Твеннинг “Қаҳрамонлик” ёки “ботирлик” бу кўркувнинг устидан ғалаба қозонишдир – деган фикрини ёдга олиш муҳимдир. Кўркувни билмагани ботир деб аташ бемаъниликдир, деган иборасини эсга олиш уринлидир. Шахснинг ўз-ўзига муносабатисиз ботирлик бўлмайди. У фақатгина кўркувга тик қарай олгандагина ўзида ботирликни ҳис эта олади.

Ҳамдардлик ўз-ўзини назорат қилишнинг иккинчи мезони ҳисобланади. Инсонларга ва тирикликка ҳамдард бўлиш инсонда шу ҳис-туйғу имкониятини очиб уни ботирлик билан ҳаракатлантиради. Бошқаларга нисбатан ҳамдардлик қилишни ўрганганимизда, ўзимизга нисбатан раҳмимиз камайиб боради. Ўзига нисбатан раҳми енга олиш бу шахс кучининг шаклланишидаги биринчи қадам ҳисобланади. Раҳм қилиш ва ҳамдардлик ўртасида катта фарқ мавжуд. Раҳмлилик борасида Бальзак куйидаги фикрларни илгари суради: “Раҳмга инсон қийинчилик билан чидайди, у ғазабни кўзгатади. Ростдан ҳам агрессияга қарши қурол бўлади”.

Ҳамдардлик ўз-ўзини назорат қилиш жараёнида шахснинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатида эмоционал чидамлик асосида ботирлик ва саҳийликни келтириб чиқаради. Чидамлик эса ҳамдардлик ва тушуниш асосида шаклланади, бу

бошқа инсонларга нисбатан таъсирни назорат қилиш билан бирга, айнан шахснинг кучи мустаҳкамланади.

Ниҳоят, ўз-ўзини назорат қилишнинг *учинчи мезони* бўлган сабр-бардошлилик ва чидамлилиқ ҳисобланади. Ўз-ўзини назорат қилиш секин-аста, нозик ишга ухшаб ўсади ва бу жараёни кўриш қийинчилиқ билан изоҳланади. Табиийки, сабр-тоқатсиз ўз-ўзини назорат қилиш шаклланмайди, аксинча шахснинг асосий мақсади эса ўз кучига нисбатан ишончга эга бўлишидир, ўз-ўзидан, сабр-тоқат ҳам ботирликни, ҳамдардликни талаб этади. Замонавий ҳаётда, ахборотлар оқими муносабатлари ривожланаётган вазиятда, ҳар доимгидек сабр-тоқатли ва чидамли бўлиш шахсдан талаб этилади.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, шахсда ўз-ўзини назорат қилишнинг шаклланиши атроф-муҳитдаги инсонлар жамоасига, шахс хусусиятларининг таркиб топишига, шунингдек, **ўз-ўзини англаш ва “мси” сиймоси билан узвий боғлиқ бўлиши мумкин.** Айнан шахсда ўз-ўзини англаш механизмларини қарор топтириш орқали ўз-ўзини назорат қилиш, бошқариш имкониятларини кучайтириши лозим.

Ўз-ўзини бошқариш кенг маъно касб этади. Ўз-ўзини бошқариш, ўз ҳаракатларини тартибга солиш, инсоннинг ўз-ўзига, ҳаётга ва бошқаларга нисбатан талабчан ва фаол муносабатда бўлиши, ўқувчи-талабалар шахсининг юксак ахлоқий, ижтимоий йўналганлик фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Фаолиятни англаган ўз-ўзини бошқариш қўйидаги компонентларга эга: *фаолият мақсади, иш фаолият режаси, модели, дастури, натижаларни баҳолаш, уларни иш фаолияти жараёнида тузатиш, коррекциялаш шулар жумласидандир.* Тажрибалардан маълумки, комил инсон таълим-тарбия, мукамал ирсий омил бўла туриб, шахсда фаоллиги, ўз-ўзини такомиллаштиришга, ўз интилиш истаги аниқ фаолиятга ундовчи сабаб эҳтиёж бўлмаганлиги учун ҳам мазкур шахс ўртамиёна, ҳатто жуда ҳам оми инсон бўлиб қолиши мумкин. Бу фикрдан мантиқан келиб чиқадиган хулоса шуки, баъзан шахс камолотида юқоридаги омиллардан бири етакчи ва ҳал қилувчи бўлиши мумкин, яъни бу ҳолат шахсни ўз-ўзини бошқариш, ўз фаоллиги, ўз-ўзини тарбиялашда етакчи ва муҳим омил бўлади. Шу омил туфайли баъзан ноқулай ижтимоий муҳит, таълим-тарбия олишга имконсиз бўлган шахслар буюк кўрсаткичларга эга бўлганлар. Масалан,

А.Эйнштейн, Д.Менделеев, Л.Толстой ва бошқалар мактабда ўқувчилик йилларида ва университетда талабалик даврида ўртамиёна ўқувчи-талаба бўлган, буюк нотик Демосфеннинг ёшлигида нутқи нуқсонли бўлган, аммо булар узлуксиз машқ, ўз-ўзини такомиллаштириш каби олий мотивга эга бўлганлиги учун ҳам дунёни лол қолдира олдилар. Бу эса ўз-ўзини тарбиялаш ва назорат қилишнинг имкониятлари чексиз эканлигидан далолат беради. Инсон асаб тизимини имкониятлари шахсга нафақат унинг айрим хусусиятлари, балки унинг анчайин ўзгартириш, ўзини янгилаш имконияти борлигини кўрсатади. Бунга мисол қилиб А.С.Макаренконинг педагогик тажрибалари унинг болалар колониясида ва коммунасида олиб борган ишлари асосида яратилган “Педагогик поэма”, “Минора устидаги байроқлар” асарларида илгари сурилган шахсни қайта тарбиялаш назарияси амалиётини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўз-ўзини бошқариш ва ўз фаолиятини тартибга солиш ғоясини психолог О.А.Конопкин ривожлантирди ва уни онгли ўз-ўзини бошқариш тамойили билан бойитди. Бу тамойилга кўра, фаолият объектида ўқувчи-талабаларда ўз вазифасини фаол ва онгли бошқариш юзага келади ва натижада улар ўз-ўзини онгли бошқара олиш даражасига етади. *Фаолиятни онгли бошқариш тизими қўйидаги таркибий қисмлардан иборат: фаолият мақсади, унга мос шарт-шароитлар, фаолият модели, режаси, дастури, натижаларини баҳолаш, хатоларини тузатиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз натижаларига баҳо бериш билан фаолият яқунланади.* Фаолият давомида унинг шакли, дастури, режаси ўзгариши ва улар бир-бирига мослашиши мумкин. Аммо фаолият мақсади то шахс унга етмагунча, ёки бошқа мақсад учун ундан воз кечмагунча ўзгармайди.

Ўқувчи-талабаларда фаолиятни ўзлаштириш, такомиллаштириш, ўзгартириш уни тузатиш жараёни рўй беради, уларнинг куч ва имкониятлари такомиллашади, ақли ўсади.

Ўқув фаолиятини режалаштириш, уни назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзига баҳо бериш бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ўз-ўзини бошқаришни шаклланишида ўқувчи-талабаларнинг ўзи ҳақидаги тасаввурини, ўз кучи ва имкониятларини билиши ва уларга тўғри баҳо бериши шахс камолотида муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчи-талабалар шу фаолиятни бажарар экан, унинг иш маҳсулини аввал ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячилар, сўнгра

унинг ўртоқлари, ота-оналари ва ниҳоят, унинг ўзи баҳолайди. Бу баҳолар бир-биридан баъзан бир мунча, баъзан эса кескин фарқ қилади. Баҳолар орасидаги кескин ҳар хиллик ишни мураккаблаштиради. *Бошқалар баҳоси билан ўқувчи-талабалар ўзига берган баҳоси унча катта фарқ қилмаса, бу баҳо ҳақиқатга яқиндир. Аммо ўзгаларнинг баҳоси билан ўқувчи-талабаларнинг ўз-ўзига берган баҳоси кескин фарқ қилса, уни суҳбат, анкета, кузатиш, таржимаи ҳол, рейтинг методлари билан бирга тест, эксперимент методи билан ўрганиш мумкин.*

Шахснинг ўз-ўзига, ўз фаолиятига баҳо бериши асосан икки хил: *объектив (тўғри) ёки субъектив (нотўғри) бўлиши мумкин. Объектив баҳо бериш ўқувчи-талабаларга яхши, самарали тарбия берилгани ва яхши намуна кўрсатилганидандир. Аммо субъектив баҳо бериш ортиқ ёки кам баҳо бериш бўлиши ҳам мумкин.*

Ортиқча баҳо беришнинг уч даражаси аниқланган: манманликка мойиллик, манманлик, кибр-ҳаволиликдир; кам баҳо бериши ҳам уч даражада: камтарликка мойиллик, камтарлик, хокисорлик бўлиши мумкин. Ўз-ўзига субъектив баҳо беришни сабр-тоқат билан тарбиялаш лозим.

9.5. ШАХСНИ ҚАЙТА ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, жамиятда ва кундалик ҳаётимизда ахлоқ нормаларини қупол тарзда бузадиган, жамоат жойларида ўзини тута билмайдиган ўсмирлар, ҳатто катта ёшдагилар ҳам гоҳо учраб туради. Бу оила, маҳалла, таълим муассасаларида, жамоат ташкилотларида шахснинг таълим-тарбияси борасида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг оқибатидир.

Тарбия назариясида бундай шахслар билан тарбиявий таъсирга бўлган фаол қаршилигини енгиш, атрофдаги одамларга муносабатини нормаллаштириш жараёни қайта тарбиялаш деб юритилади.

Шахсни қайта тарбиялаш тарбиянинг умумий тизимидан ажралган ўткинчи жараён эмас. У тарбия назариясининг таркибий қисми, умумий тарбия билан чамбарчас боғланган жараёндир.

Қайта тарбиялашнинг мазмун-моҳияти шахснинг нотўғри шаклланган ҳулқ-атворини енгиш, шахсда ижобий ҳислатларни

таркиб топтиришдан иборат бўлмай, балки ёмон тарбияланган шахснинг бутун психик ҳаётини нормаллаштириш, унинг шахсига хос бўлган барча ижобий томонларини тез суръатлар билан ривожлантириш, улардан тарбия мақсадида фойдаланишдан иборатдир. Чунки фақат нормал психик (руҳий) ҳаёт шароитларидагина шахснинг ижобий томонларини рағбатлантириш, уларга таянган ҳолда унинг нуқсонларига қарши муваффақиятли курашиш, ёмон одат ва қилиқларини йўқ қилиб, унда ижтимоий фойдали фазилатларни таркиб топтириш мумкин.

Нотўғри тарбияланган шахсни қайта тарбиялашга киришишдан олдин унинг шахсини ва педагогик вазиятни ўрганиш керак. Шахснинг нуқсонларини имкон борича камайишига ёрдам беради.

Тарбияси қийин шахснинг ўз атрофидаги одамлар ҳақидаги фикри ўз хатти-ҳаракатларига бўлган муносабати ўзгара бошлагандан кейин уларга хатоларини, қарашларининг нотўғрилигини, муваффақиятсизлик ва ёқимсиз кечинмаларнинг сабабларини тушунтириш фойдали бўлади.

Тарбияси қийин шахсни қайта тарбиялашда жамоа, дўстлар ва ўртоқлар давраси катта роль ўйнайди. Зеро, шахс фақат жамоада, ўз дўстлари ва ўртоқларининг ёрдами ва назорати остида ўз-ўзини тарбиялаш билан муваффақиятли шуғуллана олади. Чунки ўз устида ишлаш, ўз нуқсонларини йўқотиш, ўзида ахлоқий фазилатларни шакллантиришга бўлган эҳтиёжнинг пайдо ва уни амалга оширишга киришишда жамоадаги обрўли одамларнинг намунаси, жамоатчиликнинг фикри ҳамда ибратли дўст-у биродарларининг ижобий фазилатлари муҳим роль ўйнайди.

Оила, маҳалла, жамоатчилик, таълим муассасалари ҳамкорликда ўзларининг тарбиявий фаолияти билан шахсни яхши бўлишга ундайди, ахлоқ нормаларига ёт бўлган ҳулқ-атворга ва кидиришдан кўра кўпроқ қайта тарбиялаш учун замин бўладиган унинг яхши томонларини, барча ижобий имкониятларини аниқлаш лозим. Педагогик вазиятни ўрганишда даставвал шахснинг атрофидаги одамлар билан тенгдошлари ва ўзидан кичиклар билан соғлом муносабатини ўрганиш, унга таъсир ўткази оладиган обрўли одамларни топиш, унга ким, нима билан ва қандай таъсир ўтишини белгилаб олиши зарур.

Шахсни қайта тарбиялаш жараёни асосан тўртта-тиклаш, компенсация қилиш, яъни тузатиш ва рағбатлантириш вазифаларини бажаради.

Қайта тарбиялашнинг бошланғич даврида шахснинг олдинги ижобий сифатлари осонлик билан тикланиши мумкин. Лекин унинг барча руҳий кучларини тула тиклашга ҳамма вақт ҳам эришилавермайди. Шунинг учун ҳар бир тарбияси қийин бўлган ўсмир ёки ўспирин ўзи севган ва тезда муваффақият қозониши мумкин бўлган соҳадаги фаолиятни кучайтириш билан уз шахсининг у ёки бу камчилигини компенсация қилишга, яъни тузатишга интилади.

Қайта тарбиялашдаги рағбатлантириш тиклаш ва компенсация қилиш, яъни тузатиш вазифалари билан маҳкам боғланган бўлиб, у шахснинг ижобий сифатлари рўёбга чиқадиган соҳалардаги фаолиятини фаоллаштиришга, нотўғри хатти-ҳаракатларнинг бунёдкор зояларга қарши бўлган бузғунчи ёт зояларга кескин курашади. Ёшларга ёмон ниятдаги одамларнинг таъсир этишига йўл қўймайди, уларнинг эркинлигини “тажовузкор шахслар” дан ҳимоя қилади. Шунингдек, ёшларни ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади, натижада оила, маҳалла, жамоа ва ўқитувчи-педагог ва тарбиячиларнинг ҳамкорлигидаги талаблари, тартиб-қоидалари, режими ва анъаналари орқали баркамол шахс тарбияланади. Бинобарин, қайта тарбиялаш жараёни тезлашади, шахснинг нуқсонлари билан курашиш, ижобий қобилиятларини аниқлаб ривожлантириш осонлашади, оила, маҳалла ва таълим муассасаси педагогик жамоасида шахс ўзининг қизиқиш ва эҳтиёжларини тулароқ қондириш имкониятига эга бўлади.

Шахсни қайта тарбиялашда оила, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари, биринчи навбатда ўқитувчи-мураббийлар жамоаси шахсга ўз кадр-қимматини тўғри баҳолай билишни, унда ўзига танқид нуқтаи назаридан қарашни шакллантиришда ёрдам бериши лозим.

Шундай қилиб, шахсни қайта тарбиялаш жараёни фақат ижобий ҳулқ-атворни шакллантиришдангина иборат бўлмай, балки нотўғри тушунча ва ёмон одатларни ўзгартириш ҳамдир. Шаклланган стереотипни бузиш эса гайри табиий жараён бўлиб, у ўз-ўзини ишонтириш, қоралаш, мажбур этиш каби методлар, ўз шахсий назорати ҳамда жамоатчилик назорати остида ўтаётган, узоқ давом этадиган машқлар ёрдамида амалга оширилади. Бундай фаолиятни ташкил этиш ва назорат қилиш жамоатчилик назоратини таъминлаш — оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари ўқитувчи-педагог ва мураббийларининг ҳамкорликдаги муҳим вазифасидир.

9.6. ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЁШЛАРНИ ХУЛҚ-АТВОРИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Тарбияси қийин ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг муваффақиятлари уларнинг ёш, физиологик ва педагогик-психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат бурилиш ёши ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоҳида хусусияти бўлиб, у кўпроқ шу даврга тааллуқлидир. Ўсмирлик даврини ўтиш, мураккаб ва қийин даври деб юритадилар, чунки ана шу даврда болалиқдан катталиқ ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. У психик жараёнларнинг, ўсмир фаолиятларининг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ўсмирлик ёши ўзаро муносабат шаклларида, фаолиятни ташкил қилишда катталар томонидан раҳбарлик қилишда қатъий ўзгаришларни талаб қилади. Ўсмирларга таълим-тарбия бериш ишларида учрайдиган қийинчиликлар бу ёшдаги ўсмирларнинг психик ривожланиши қонуниятларини ва хусусиятларини баъзан етарли даражада билмаслик ёки инкор қилиш натижасида пайдо бўлади. Бу давр тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Чунки ўсмирнинг балоғатга етиш жараёнининг ўзи қийин, бу жараён психиканинг, одамлар билан бўлган муносабат шакллариининг жиддий равишда қайта ўзгариши ҳамда ҳаёт шароити ва фаолиятининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Агар болалиқ чоғида унга одоб - ахлоқ ўргатишни одатдаги шакл ва усулларидадан фойдаланилган бўлса, энди улар унинг учун яроқсиз бўлиб қолади. Аввал болалар ота – оналари, ўқитувчи ва тарбиячиларининг ахлоқ - одоб ҳақидаги гапларини бажонидил эшитган бўлсалар эндиликда бундай таъсир уларни зериктиради ёки ёқмай қолади.

Натижада, ўсмирларда катталарнинг фикрига қарши чиқиш ёки рад этиш каби ҳислатлар пайдо бўла бошлайди. Бу давр ўсмирлар учун "**қийин**", "**мураккаб**" давр бўлишига сабаб бўлади.

Ўсмирларга таълим-тарбия беришдаги қийинчиликлар шундан иборатки, бунда ўсмирлар билан бўладиган муносабатларда уларнинг ҳаёти ва фаолиятини назорат қилиш шакллариини ўзгартириш муҳимдир. Уларга таъсир қилишнинг қандайдир янги усуллари ва

воситаларини топиш лозим булади. Бунда албатта ҳар бир ёш шахс билан алоҳида муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмирларнинг психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар уларнинг фаолиятлари туғдирган янги эҳтиёжлар билан бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқларнинг юзага келиши ва бартараф қилишдан иборатдир; бу қарама-қаршилиқлар ўсмирларнинг ортиб бораётган жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари билан уларнинг эски илгари таркиб топган олам билан ўзаро муносабат шакллари, улар фаолиятининг эски қарама-қаршилиқлар, жамият, катталар ва жамоа томонидан ўсмирларга нисбатан ортиб бораётган талаблар билан ўсмирлар реал хатти-ҳаракатларининг шакллари ўртасидаги қарама-қаршилиқлардир. Бу қарама-қаршилиқлар анча юксак даражадаги психик тараққиётни анча мураккаб шаклдаги фаолият турларини ва шахснинг қатор янги психологик сифатларини таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Бунинг натижасида ўсмирнинг психик тараққиётини янада юксакроқ босқичга ўтиши амалга оширилади. Вақт ўтиши билан ўсмирларнинг ҳаётида биологик ва ижтимоий ўзгаришлар пайдо булади. Ўсмирлик ёшидаги биологик, яъни жисмоний тараққиётнинг энг муҳим факти жинсий етилиши, яъни жинсий безларнинг ишлай бошлашидир. Натижада кўпчилик ўғил болалар 15–16 ёшда, қиз болалар 13–14 ёшда балоғатга етадилар. Балоғатга етиш ўсмирларда ўзига хос психологик ҳолатни вужудга келтиради, яъни кишиларнинг ички дунёсига, уларнинг ўзаро муносабатларига қизиқиш, уларни ҳис қилиш ва ҳали аниқ тасаввур қилинмаган севгига эҳтиёж пайдо бўла бошлайди. Бу эса шу даврга хос бўлган қийинчиликларни келиб чиқишига сабаб булади. Бу қийинчиликлар айниқса, ўша ёшдаги ўсмирларга ғоявий-сиёсий тарбия бериш ва уларга педагогик-психологик муомала бўлмаган тақдирда кескинлашиб кетиши мумкин. Бу даврни чет эл психологиясида "**кризис**" даври деб ҳам таърифлайдилар. Ўсмирларнинг бундай ўзига хос хусусиятини ижтимоий - тарихий ҳаёт шароитидан ажратиб тушуниш мумкин эмас. Интизомсизлик, ахлоқсизлик ҳукм сурган мамлакатларда, ҳақиқатда ҳам ўсмирларнинг жинсий балоғатга етиши турли ахлоқсизликларга олиб келиши мумкин. Бизда ўсмирларнинг ҳаёт шароити, уларга бериладиган таълим-тарбия ва унинг фаолиятини туғри ташкил қилиш орқали ижтимоий фойдали меҳнат қилишга жалб қилиш орқали қийинчиликлар бартараф қилинади.

Лекин, афсуски, баъзан ёшларимиз орасида тарбияси қийин бўлган, қийин тарбияланувчи ёшлар ҳам учраб туради. Тарбияси қийин бўлишига сабаб нима?

Тарбияси қийин, инжиқ, ҳулқи салбий ўсмирларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари педагогик-психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ёшларда ноҳуя хатти-ҳаракатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари ҳар хиллигидир. Қонунни бузиши ёки қоидага хилоф иш қилиши даражасига қараб тарбияси қийин ўсмирлар жиноий қонунбузар ва оддий қоидабузар гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларининг камчиликлари, ўқишга салбий таъсир этувчи олий асаб фаолияти ва темпраментдаги қусурлар тарбияси қийинларни келтириб чиқаради. Шахснинг психик ўсишидаги камчиликлар; ироданинг бўшлиғи, ақл-идрокнинг заиф ривожлангани, ҳиссиётнинг кучсизлиги, зарур эҳтиёж ва қизиқишларнинг мавжуд имконияти ўртасидаги номутаносиблик каби хатти-ҳаракатларни издан чиқаради. Шахснинг фазилатлари таркиб топшидаги нуқсонлар:

а) ахлоқий хисларнинг етишмаслиги;

б) ўқитувчи-педагог, синф ёки гуруҳ жамоаси, оила аъзолари билан нотўғри мулоқот;

в) иш ёқмаслик;

г) буш вақтни тўғри тақсимламаслик ва ҳаказолар салбий ҳолатларини вужудга келтиради.

Шунингдек, шахснинг, ўқув фаолиятидаги камчиликлари:

1) ақлий фаолият усулларидан кенг фойдалана билмаслик;

2) билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар, таълим муассасаси фаолиятидаги камчиликлари:

1) ўқишдаги нуқсонлар:

2) тарбиявий чора ва тадбирлардаги хатолар ҳам шулар жумласига киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари нуқсонлар, чунончи оилада педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, баълоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири:

Маданий-маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қўриқовидаги камчиликлар ҳам тарбияси қийин ўсмирларнинг сабаб бўлади.

Ўсмирларнинг типологик хусусияларига қараб уларни бир неча шартли гуруҳларга ажратиш мумкин:

Тарбияси қийин Ўсмирларнинг биринчи гуруҳи орсизлар ёки субутсизлар дейилади. Булар ўз хатоларини билиб туриб қонун ва қоидаларни бузадилар, номаъқул ишларни қиладилар. Ўзларининг гуноҳкор эканликларини тан олмайдилар. Лекин ютуқларни эътироф қилишни хоҳламайдилар. Шахсий фикрларини бошқа кишиларга маъқуллашни ва ўз талабларини ўзгалар сўзсиз бажаришини жуда ёқтирадилар. Улар бетга чопар, ўжар, раҳм-шафқатсиз, зўравон бўладилар. Мустақил фикрга эга бўлмаган тенгдошларини ўз атрофларига тўплайдилар ва биргаликда тартиб бузишга ундайдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин Ўсмирлар яхши-ёмонни тушунадилар, бироқ мустақил эътиқодга, барқарор юксак ҳис-туйғуга эга эмасликлари сабабли орқа қанотда туриб қонидани бузадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари тасодифий воқеликка таъсир кучига ва вазият хусусиятига боғлиқдир. Улар ташвиқотга тез бериладилар, барча нарсаларга ишонадилар, қайси йўлга кириб қолганликларини англаб етадилар, бироқ «компания» яъни жамоа фикрига қарши боришга ботина олмай кўнгилсиз ишларга қўл урадилар. Кўпинча тартиббузарлар қилмишларига тавба қилиб, синф ёки гуруҳ жамоаси аъзоларини ишонтирадилар, лекин маълум фурсат ўтгандан сўнг берган ваъдаларини бутунлай унутадилар.

Учинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар шахсият-парастлик туфайли қонунбузарлик йўлига кириб қоладилар. Улар шахсий талаблари ва эҳтиёжларни қондириш учун ҳар қандай ноҳуя хатти-ҳаракатдан қайтмайдилар, ҳамиша одамларга яхшилик қилишни орзу қиладилар. Бироқ ўзларининг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатдан юқори қўядилар. Уларнинг хоҳишларини тақиқланган усуллар билан амалга оширадилар, сўнг қилмишларига афсус-надомат чекадилар, руҳан эзиладилар. Лекин мазкур камчиликларни тез унутадилар. Уларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳар қандай юксак ҳислардан, хоҳишлардан устун туради. Ахлоққа ҳилоф хатти-ҳаракатлар ачиниш ҳисси тарзида намоён бўлади.

Инжик табиатли қийин тарбияланувчилар жамоа ва гуруҳларда ўз ўринларини топа олмайдилар, улар аразчанг, гинахон бўлиб, ўз гуруҳ ва жамоаларига қўшилиб кетавермайдилар, торти-

ниб узларини камситилгандек ҳис қиладилар. Улар ҳам кийин тарбияланувчи ёшларнинг бир туридир. Жамоа ўртасида обрў қозонишни, ҳурматга сазовор бўлишни жуда хоҳлайдилар, лекин улардаги тушкунлик кайфияти, умидсизлик, уз имконияти, ақлий қувватига ишончсизлик бунга имкон бермайди. Улар таълим муассасаси жамоасини қоида ва қонунларини бузишга ҳаракат қилмасалар ҳам, лекин бу жамоанинг иш фаолияти ва муваффақиятида, таълим-тарбия жараёнида етарлича қийинчиликларнинг пайдо бўлишига салбий таъсир кўрсатадилар, жамоа ишини орқага сурадилар ва жамоа кўзлаган мақсадни амалга оширишда кийинчилик туғдирадилар.

Тарбияси кийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар мажмуасига қуйидагилар киради:

Шахснинг биологик нуқсонлари: тарбияси кийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар турли-тумандир. Уларга: болани ота-онасидан ирсий йўл билан ўтувчи сезги органларидаги (кўриш, иштигиш ва ҳаказо) камчиликлар, асаб тизимидаги камчиликлар; боланинг психик томондан ривожланишидаги камчиликлар; яъни ақлий заифлик, билиш, ирода, ҳиссиётдаги заифликлар; қизиқиш, иштигиш билан бола ривожланишидаги имкониятларининг номутаносиблиги сабаб бўлиши мумкин.

Тарбияси кийин бўлишига яна бир сабаб: бу – шахснинг оилавий жамоатчилик тарбиясининг яхши йўлга қўйилмаганидир. Оилада бола тарбиясини яхши йўлга қўймаслик, оилани таълим муассасаси билан ўсмир тарбиясидаги ҳамкорлигининг йўқлиги, меҳнат тарбиясини яхши йўлга қўймаслик, таълим-тарбия жараёнини боланинг ёшлик, индивидуал хусусиятларига қараб ташкил этмаслик, таълим жараёнига ўсмирни қизиқтирмаслик, уларда фикр юритиш жараёнларини фаоллаштиришга эътибор бермаслик кабилар оқибатида келиб чиқадиган қийинчиликлардир.

Оилавий шароит, муҳитнинг салбий таъсири, яъни оиладаги жанжаллар, эр-хотин орасидаги қўйди чиқдилар, ичкиликбозлик, оилани турмушга, ўсмирлар тарбиясига эътиборсизлик, ўсмирларни қўлдан ташқари эркалатиб юбориш, айтганини қилиш, ишқилиқларини кўтариш, хатти-ҳаракатларини назорат қилмаслик, керагидан ортиқ пул билан таъминлаш ҳам унинг ишқилиқ, қайсар ўжар, интизомсиз, ахлоқсиз бўлиб қолиши учун имкон беради. Ўсмирлик ёшида ота-она ҳам, ўқитувчи ҳам, ҳатто миқдони, қўни-қўшнилар ҳам жуда эътиборли бўлишлари лозим.

Тарбияси қийин ўсмирлар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳимдир. Бунда ҳар бир индивидуалликнинг физиологик асосини ва унинг шахс ҳақида маълум даражада маълумот берувчи олий асаб фаолияти типлари ҳақидаги билимларини билиши мақсадга мувофиқдир.

1. Асаб тизимининг кучи асаб хужайраларидаги моддаларнинг запас миқдори билан белгиланади. Кучли типдаги асаб тизимида бундай запас кўп миқдорда бўлиб, кучсиз типда оздир. Асаб тизимининг кучи кўзғалиш жараёнига, шунингдек, тормозланиш қобилиятида акс этади.

2. Асаб тизимининг **кучили тамойилига** мувофиқ кучли типга *сангвиниклар, флегматиклар кучсиз типга эса меланхоликлар киради.*

3. Асаб тизимининг **илдамлиги** мия пўстининг тормозланиши ёки аксинча тормозланишнинг кўзғалиши билан нақадар енгил аламашинувидан иборатдир.

Тарбияси қийин ёшларни тарбиялашда:

1) *ўқитувчи-педагоглар ёшлар асаб тизимининг **пластиклик** хусусиятига эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларга берилувчанлигини назарда тутиб, ўсмирлар шахсидаги салбий ҳислатларни йўқотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилишлари керак;*

2) *шунингдек, ёшларнинг **ғоявий маслагини** ҳисобга олиш муҳимдир. Ёшлар индивидуаллигининг шахс мазмунига, аввало унинг гоявий маслаги, яъни унинг қизиқишлари, идеалларини билиши керак. Ёшларга индивидуал муносабатларда бўлишда ижтимоий маслак сифатида уларнинг ижтимоий қизиқишларини билиш айниқса муҳимдир;*

3) *ёшларни эмоционал - иродавий хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда унинг қанчалик тинч, мўминлиги ёки эмоционаллиги, ҳиссиётчанлигини, яъни теварак-атрофдагилардан фарқ этиши ёки фарқ этмаслигини, **эффектга мойил ёки мойил эмаслигини**, ўз ҳиссиётини тута олиш-олмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳим;*

4) *ёшларнинг ахлоқий ҳислатини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир. Чунки ёшларнинг гоявий маслагининг ахлоқий ҳислатда кўринади. Аммо, баъзан, ахлоқий маслак билан ёшларнинг ҳулқи тулиқ*

қавишда муносиб келмай қолади. Катталар ҳар бир ўсмир ёшнинг қанчалик ҳурмат қилишини, қанчалик тўзрилиги ва виждонлигини, уртоқлик ва ҳамкорликни қанчалик ҳис қилишини кузатиб, олиб бориши зарур;

5) салбий ахлоқий сифатларга эга бўлган ўсмир ёшларда қўполлик, ёлгончилик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармончилик кабилар киради ва бундай ҳислатларга эга бўлган ўсмир ёшларни тарбиялаш қийин кечади. Бундай ёшларни тарбиялаш (жамоа орасида тарбияланган)да фақат уларга **яккама-якка ёндашиш** лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларининг айбларини ошкор бўлишини ёки тарбия танбех бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунини еқтирмайдилар. Улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлишгина талаб қилинади. Тарбияси қийин ўсмир ёшлар билан ишлаш унинг характери, қизиқишларига хос хусусиятларни эътиборга олиш лозим. Кўп насиҳат қилмаслик, уришмаслик, овозни баланд қилмаслик, кўп гапирмаслик мақсадга мувофиқ. Ўзаро самимий муносабат, шахсий намуна (меҳнат, ўқиш жараёнида) оила ва таълим муассасасидаги кишиларнинг ишга ижобий муносабатигина ўсмир ёшларда шундай бўлишга ҳавас туғдиради.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини *ижобий йўналишга* буриб юбориш учун уларда масъулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айти муддаодир. Уларга кичик жамоани, спорт секциясини, тирик бурчакни бошқарши вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий феъл-атворларни камайтириш мумкин.

Хуллас, тарбияси қийин ўсмирларнинг ўзларини қизиққан нўтаракларига жалб қилиш орқали ўқишга салбий муносабатлари asta-секин йўқолиб боради. Яна энг муҳими шундаки, тарбияланувчиларга ишониниш керак. Уларни қўлидан келадиган ишларга эътиборни бериб, уни бажаргандан кейин рағбатлантириш, уни яна ҳам яхши бажаришда ўз фикрларини баён қилиш ҳам муҳимдир.

Тарбияси қийин ёшлар билан ишлашда тарбия беришнинг махсус шароитларини аниқлаш муҳимдир. Улар билан дуч келган шикоятда ёки ҳар доим эмас, балки қулай шарт-шароит яратилганда тарбиявий иш олиб борилса, яъни тарбиявий таъсир кўрсатилса у кўнроқ натижа беради.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ўз-ўзини тарбиялаш — шахснинг ўзини англаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзига талабчанлик, ривожланишга бўлган эҳтиёжини англаш ва ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжининг юксак даражада тараққий этганлиги билан характерланади.

Ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмлари — мустақил таълим, ўзини ижтимоий меҳнат ва касб-ҳунар эгаллашга тайёрлаш, ахлоқий, эстетик, жисмоний жиҳатдан такомиллаштириш ва ҳаказолар.

Ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжлари — ижтимоий бурчни англаш, ахлоқий идеал ва намуна, обрў қозониш, танқид ва ўз-ўзини танқид, ўз моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириш ва ҳ.к.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари — ўз-ўзини анализ (таҳлил) қилиш, ўз-ўзини ишонтириш, ўз-ўзига буйруқ бериш, рағбатлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз устида ишлаш, ўз-ўзини маъқуллаш, руҳлантириш, қоралаш, текшириш, ўз-ўзига ҳисобот бериш ва ҳ.к.

Шахсни қайта тарбиялаш — ёмон тарбияланган шахслар билан тарбиявий иш олиб бориш, уларнинг тарбиявий таъсирга бўлган ҳар қандай қаршилигини енгиш, жамият ва атрофдаги одамларга муносабатини меъёрлаштириш жараёнидир.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш тушунчасининг мазмун-моҳиятини изоҳланг?

2. Тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.

3. Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмларини тушунтириб беринг.

4. Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжлари деганда нимани тушунаси?

5. Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг қандай методларини биласиз?

6. Шахсни қайта тарбиялашнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

1. Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг мазмун-моҳияти ва мақсад-вазифалари.
2. Тарбия билан шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг узаро боғлиқлиги ва унинг таркибий қисмлари.
3. Ўз-ўзини тарбиялашнинг шахсни шакллантиришдаги аҳамияти.
4. Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжлари ва методлари.
5. Шахсни қайта тарбиялашнинг мазмун-моҳияти ва мақсад-вазифалари.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. **Ўз-ўзини тарбиялаш тушунчасининг мазмун-моҳияти нима?**
 - a) ўз-ўзини тарбиялаш-ўз-ўзини такомиллаштиришдир;
 - b) ўз шахсини мақсадга мувофиқ шакллантириш жараёни;
 - c) тарбиянинг натижаси ва руҳий ривожланиш эҳтиёжларининг акс этиши;
 - d) тарбиячининг функцияларини тарбияланувчининг ўзи бажарадиган жараён;
 - e) b, c, d.
2. **Шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёнлари нечта?**
 - a) шахснинг камол топшидаги биринчи босқич оила тарбияси ва мактабгача таълим муассасаларидаги тарбия билан боғлиқдир;
 - b) иккинчи босқичда шахсда намунали ҳислатлар, энг юксак мақсадлар, эстетик дидлар шаклланади;
 - c) учинчи босқичда шахсни ўз-ўзини тарбиялаш, ахлоқий такомиллашиш жараёни тула амалга ошади;
 - d) тўртинчи босқичда тарбия ривожланиб шахсни ўз-ўзини тарбиялашга айланади;
 - e) a, b, c.
3. **Шахснинг ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмлари қайси жавобда ўз аксини топган?**
 - a) мустақил таълим;
 - b) ўз-ўзини ижтимоий меҳнат ва касбга тайёрлаш;

- с) ўз-ўзини ахлоқий жиҳатдан такомиллаштириш;
- д) ўз-ўзини эстетик ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаш;
- е) а, б, с, д.

4. Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжлари қайсилар?

- а) ижтимоий бурчни англаш, ахлоқий намуна;
- б) жамиятда ҳурмат-обрў қозонишга интилиш;
- с) танқид ва ўз-ўзини танқид;
- д) моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш;
- е) а, б, с, д.

5. Шахснинг ўз-ўзини тарбиялашнинг қандай методлари мавжуд?

- а) ўз-ўзини билиш ва кузатиш;
- б) ўз-ўзини анализ (тахлил) қилиш ва ишонтириш;
- с) ўз-ўзини рағбатлантириш, назорат қилиш;
- д) ўз-ўзини маъқллаш, руҳлантириш, қоралаш, текшириши, ўз-ўзига ҳисобот бериш;
- е) а, б, с, д.

6. Шахсни қайта тарбиялаш тушунчасининг мазмун-моҳияти нима?

- а) тарбияси қийиш шахслар билан тарбиявий ишлар олиб бориш;
- б) тарбияси қийин шахсларнинг тарбиявий таъсирга бўлган фаол қаршилигини енгиш ;
- с) тарбияси қийин шахсларни атрофдаги одамларга муносабатини нормаллаштириш жараёнини қайта тарбиялаш деб юритилади;
- д) ёмон тарбияланган ёшларни қайта тарбиялаш;
- е) а, б, с.

7. Шахсни қайта тарбиялаш жараёни нечта вазифани бажаради?

- а) тиклаш;
- б) компенсация қилиш;
- с) тузатиш;

d) рағбатлантириш;

e) a, b, c, d.

8. Шахс қайта тарбиялаш методлари қайси жавобда ифодаланган?

a) қайта ишонтириш;

b) рағбатлантириш;

c) жазолаш;

d) мақташ, ташаккур билдириш;

e) a, b, c.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

№	ШУУТММ	Тушунча

2. Тарбия билан ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.

№	ТБУУТУБ	Тушунча

3. Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмларини тушунтириб беринг.

№	ШУУТТҚ	Тушунча

4. Ўз-ўзини тарбиялашнинг шахсни шакллантиришдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.

№	ЎУТШША	Тушунча

5. Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжларини тушунтириб беринг.

№	ШУУТЭ	Тушунча

6. Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг қандай методлари мавжуд ва улардан фойдаланиш йўлларини тушунтириб беринг.

№	ШУУТҚММ ва УФЙ	Тушунча

7. Шахсни қайта тарбиялашнинг мазмун-моҳияти ва методларини тушунтириб беринг.

№	ШҚТММ ва М	Тушунча

8. Шахсни ўз-ўзини ва қайта тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигининг ролини тушунтириб беринг.

№	ШУУ ва ҚТОМТМХР	Тушунча

Х Боб. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ

10.1. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Дарҳақиқат, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳар томонлама камол топган, жамиятда илғор турмуш тарзига мослашган, таълим, Давлат таълим стандарти талабларини онгли равишда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, педагогик-психологик жиҳатдан пухта ўзлаш-тирган, давлат ва оила олдида жавобгарликни ҳис этадиган, ёшларни тарбияловчи ўқитувчи-педагогга юксак назарий ва методологик тайёргарлик ҳамда юксак **касбий педагогик маҳорат** бўлиши талаб этилади. Шундай экан, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчи-педагогнинг илмий-методик, ижтимоий-сиёсий савиясига, тайёргарлигига ва фидоийлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Ўқитувчи-педагог жамиятнинг ижтимоий топширигини бажаради, шундай экан, ҳар томонлама етук мутахассисларни таёрлашда у муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик-психологик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим.

Шундагина ўқитувчи-педагогнинг педагогик вазиятлар моҳиятини ва диалектикасини, замонавий таълим технологиясини ва профессионал педагогик маҳоратни қай даражада эгаллаганлиги намоён бўлади. Педагогик билим ва юксак педагогик маҳорат эгаси бўлган ўқитувчи-педагог аввало, педагогика фанининг методологик асосларини, шахс ривожланишининг қонуниятлари ва омилларини, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши керак. Ҳозирги кунда таълим тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчи-педагогларнинг кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини чуқур англамоқдалар.

Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Педагогик маҳоратни эгаллаш учун нималарни билиш керак? Ушбу саволларнинг моҳиятидан келиб чиқиб педагогик маҳорат тушунчаси мазмунини “Педагогик энциклопедия” ва педагогик-психологик адабиётларга асосланиб қуйидагича таърифлаш мумкин:

Педагогик маҳорат – ўз касбининг мохир устаси булган юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган ёндаш соҳаларни ихши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукамал эгаллаган ўқитувчи-тарбиячи.

Замонавий педагогик технологиялардан қўзланган мақсад дарсининг сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, ўқитувчининг касбий-ижодий фаолиятдир.

Бунда ўқитувчининг маҳорати таълим олувчилар ичидан кимга нимадир тушунарли бўлганлигини тезда (ўз вақтида) илтай олиш қобилитига боғлиқ бўлади.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг ўз фанларини ўрганишда эришган тажрибаларини ўз фаолиятида ижодий қўлланган ҳолда ўқув-тарбия ишнинг ҳамма қирраларида энг юқори даражада эришилган ютуқлардир.

Педагогик маҳорат – бу ўқитувчи-педагогнинг шундай шахсий ва касбий фазилатларини белгилайдиган хусусиятни, у ўз фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик-психологик ва методик тайёргарлигида ўқувчи-талабаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг мақбул йўллариини излаб топиб амалий фаолиятида қўллашида намоён бўлади.

Педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик-психологик билимларни, касбий малака ва кўникмаларини мукамал эгаллаши, ўз касбига кизикishi, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга ахлоқий-эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр-мулоҳазасига ишончи ва қатъий ифодаси тушунилади.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг устоз-мураббийлик фазилатлари, ўқитувчилик касбининг сирларини чуқур эгаллаганлиги, инсонийлик ва истеъдоди ҳамда интеллектуал салоҳияти ва шу қабилар асосида ундаги касбий билим ва тушунча, кўникма ва малакаларнинг мукамал шаклланган касбий фаолияти.


Педагогик маҳорат – ўқитувчида қуйидаги қобилиятлар мужассам бўлмоғи лозим:

- ўқитувчи дарс материалини аниқ ва равшан баён қила олиши керак;
- ўқитувчи ўз таълим олувчиларини иложи борича ўрганилаётган мавзу бўйича бир хил фикрга келтира олиши керак;
- ўқитувчи мавзу моҳиятини тўла очиб бера олиши керак ва зарурият бўлганда уларга бу мавзунинг ўз касбий фаолиятидаги ўрни ва роли ҳақида тушунча бера олиши керак;
- дарс давомида бошқарқ холда катнашаётган талабани тезда дарс мазмунини ўрганишга жалб қила олиши керак;
- ўқитувчининг дарсини яна давом эттиришини хошловчи таълим олувчиларни сони аудиториядаги жами таълим олувчиларнинг қанча қисмини ташкил этишини баҳолаб бориш ва бу орқали ўз дарс ўтиш технологиясини такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлиш;
- ўқитувчининг дарс мақсадида эришганлигини баҳолай билиши ва ҳулосалаш қобилияти ва шу қабилар.

Ўқитувчининг касбий йўналишидаги энг юқори поғона–педагогик маҳоратини белгилайди. Педагогик маҳорат – ўқитувчи ижодкорлигининг олий намунаси, педагогик маҳорат ўқитувчида йиллар давомида шаклланиб боради. Маҳоратли ўқитувчи ҳамisha илғор тажриба соҳиби бўла олади. Шунинг учун “Педагогик технология” тушунчаси таркибига “янги”, “илғор”, “новаторлик”, “ижодкорлик”, “қасб тафаккури” каби тушунчалар сингдирилади. Бу тушунчаларнинг ривож педагогик маҳоратда намоён бўлади.

Педагогик маҳорат қуйидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган асосий таркибий тузилма (компонент)лардан ибрат:

Педагогик маҳорат ва унинг таркибий тузилмаси



Ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратининг асосий мазму-моҳиятини мезонлари ва кўрсаткичлари–педагогик ижодкорлик, педагогик техника сирларини пухта эгаллаш ва юксак касбий салоҳиятга эга бўлиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабалар билан ўзаро мулоқот олиб бориш тактикасини қўллаш ва уларга муваффақиятли таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардорлиги, педагогик қобилиятларини намоиш эта олиш, нутқининг равонлиги, ташкилотчилик қобилияти, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, педагогик фаолият жараёнида ҳулқ-атворини ва ҳиссиётларини жиловлай олиш ва бошқа хусусиятлардан иборат.

Демак, профессор К.Зариповнинг таъкидлашича, юксак педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўзида ҳам илгорликни, ҳам ижодкорликни, ҳам новаторликни (янгиликка интилишни) тарбиялаши лозим¹. Буни қуйида келтирилаётган ўқитувчининг касбий маҳорати мазмуни ва моҳияти асосида кўришимиз мумкин:

3-шакл

Ўқитувчининг касбий маҳорати мазмуни ва моҳияти мезонлари ва кўрсаткичлари

Илгор ўқитувчи, бошқа ўқитувчиларга қараганда ўз ишига масъулият билан қарайди. Шу соҳадаги ижобий тажрибаларни ўрганиб, ўз дарсларида, таълим муассасасидан ва турухдан ташқари тарбиявий тадбирларда қўллайди. Шу орықли у таълим ва тарбия соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритади.

Ижодкор ўқитувчининг илгор ўқитувчидан фарқи шундаки, илгор ўқитувчи мавжуд манбаларни ўрганиб, шулар асосида таълим-тарбия бўйича муайян ишларни амалга оширса, ижодкор ўқитувчи бу манбаларга танқидий кўз билан қарайди. Кўп ҳолларда мавжуд методик йўл-йўриқларга ўз муносабатини билдириб, шароит ва вазият тақозосига, ўзининг имкониятларига қараб мавжуд тартиблардан фарқли замонавий методик усуллардан фойдаланади.

Новатор ўқитувчи ўзининг яхлит педагогик восита ва усуллари мавжудлиги билан фарқлашиб туради. Шу билан бирга, новатор ўқитувчилар илмий таҳлил, ўзига танқидий кўз билан қарай билиш хусусиятларига ҳам эга бўлади. Уларнинг кўпчилигида гойат мураккаб, бошқалар ўзига ишонмайдиган шарт-шароитларда ҳам ўз ишларининг тўғри эканлигига ишонч бўлади.

¹ К.Зарипов. Ўқитувчилар малакасини оширишда мактаб раҳбарининг роли – Т.: «Ўқитувчи», 1993, 97-бет.

Таъкидлаш жоизки, ўқитувчи касбий маҳоратининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, унинг ўқитувчи шахси ва касби тугрисида мукамал маълумот ва тушунчаларга эга эканлигидадир. Ўқитувчи инсон сифатида шахсий фазилатларга эга бўлиш билан бирга, қуйидаги касбий, яъни ихтисослик фазилатларига ҳам эга бўлиши лозим.

Шахсий сифатлар тизимида: миллий мафқуравий онглилик, ўз касбига садоқат ва олийжаноблик, ташаббускорлик, болажонлик, талабчанлик, ватанпарварлик, педагогик одоб, тадбиркорлик, қатъийлик, ҳар қандай вазиятда ўзини идора қила олиш, миллатлараро мулоқот маданияти, кузатувчанлик, самимийлик, топқирлик, келажакка ишончи, хушмуомалалик каби фазилатларга эга бўлиши керак.

Касбий сифатлар тизимида: педагогик зийраклик, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли моҳияти, бешта иқтисодий тамойил ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизларини билиши, миллий тарбия моҳияти ва мазмунини чуқур англаш, чуқур илмий салоҳияти, педагогик ижод, ўз фанининг тарбиявий имкониятларини мукамал билиш, педагогик билимларни такомиллаштиришга интилиш, мамлакатимиз Президентининг ички ва ташқи сиёсатидан хабардорлик, ўзбек халқининг анъаналари, кадриятлари, урф-одатларини англаши, сиёсат, тарих, маънавит ва санъат, ахлоқшунослик, диншунослик, ҳуқуқшунослик, ўлкашунослик, фан-техникага оид маълумотлардан хабардорлик, Умумий педагогика ва психологияга, этнопедагогика ва этнопсихологияга оид билимларга эга бўлиш ва ҳаказолар.

Хуллас, олий таълим муассасаларида таълим олаётган бўлажак ўқитувчиларда юқорида қайд қилинган ўқитувчилик касбий маҳоратига хос шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш лозим. Педагогик кадрларни тайёрлаш, уларнинг ўқитувчилик касбига мослаша олиши, кенг маънодаги ўқитувчининг педагогик маҳоратини шаклланишига бўлган талабга мувофиқ ҳолда педагогик-психологик билимларнинг назарий ва амалий асосларини эгаллашда акс этмоғи лозим. Шу боисдан ҳам олий ўқув юртларининг касбий таълим йўналишларига ўқитувчи-педагогик касбини севган, унга қизиққан ва мойиллиги бўлган иқтидорли ёшларгина қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

10.2. ПЕДАГОГИК БИЛИМЛАР – ҲИТОВЧИ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСИ

Маълумки, педагогик билимлар ҳитовчининг педагогик маҳорати ва касбий маҳоратининг назарий асоси ҳисобланади.

Педагогикага оид умумий билимлар тизими таълим ва тарбияни ташкил этишининг қонуниятлари, моҳияти ва тамойилларини, педагогик амалиётнинг инъикоси, педагогика назариясининг эмпирик асоси сифатидаги педагогик фактлар ҳақидаги эмпирик билимларнинг диалектик боғланишидан иборатдир.

Педагогика назариясига оид умумий билимлар гуруҳи таркибига қуйидагилар киради:

-педагогиканиннг асосий гоялари, концепциялари ва педагогик ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш;

-педагогиканиннг энг муҳим назарий гоялари, асосий катеориялари (тушунчалари)ни билиш;

-асосий педагогик фактларни билиш;

-таълим-тарбиянинг умумий услуби ҳақидаги амалий билимларни эгаллаш.

Биринчи гуруҳ таркибида қуйидаги асосий методологик қоидаларни билиш зарур:

-таълимнинг ижтимоийлашуви;

-таълим-тарбия мақсадлари, мазмуни ва услублари давлат ва жамият талабларининг ижтимоий-иқтисодий вазифалар билан белгиланиши;

-педагогик жараённинг изчиллиги ва яхлитлиги;

-педагогика назарияси ва амалиётининг диалектик алоқадорлиги;

-таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадлари, мазмуни, услублари ва шаклларининг муштараклиги;

-Давлат таълим стандарти;

-ўқув дастури;

-календарь мавзуси режаси;

-ўқувчи-талабалар учун дарсликлар;

-ўқитувчилар учун маълумотномалар (справочниклар);

-ўқитувчилар учун ўқув-методик қўлланмалар;

Таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашда зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатлар:

-таълим муассасаларидаги кадрлар тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи;

-ихтисосликлар Давлат таълим стандарти;

-мутахассисликлар бўйича намунавий ўқув режаси;

-фанлар бўйича ўқув дастурлари;

-фанлар бўйича ишчи дастурлари;

-фанлар бўйича маъруза матнлари;

-фанлар бўйича дарслик, қўшимча адабиётлар;

-фанлар бўйича ўқув-методик қўлланмалар;

-талабалар учун маълумотномалар.

Юқорида ўқув-методик ҳужжатларнинг қиёсий тавсифномаси таҳлили қуйидагиларни, яъни мактаб, академик лицейларда меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни меҳнатга, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашда таълим мазмунида узвийлик даражасини аниқлашга ҳамда ўқув дастурлари, дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратишда узвийликни таъминлашга олиб келади.

Узвийликни амалга ошириш мактаб, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари ўқув дастурларида айрим мавзуларни чуқурлаштириб, ўқувчи-талабаларнинг касбий мойиллигига ва танлаган мутахассисликлари бўйича билим ва кўникма эгаллашга имконият яратади. Бу таълим муассасаларида Давлат таълим стандартлари ва дастурлари асосида таълим жараёнини изчиллик ва узвийлик принципи асосида амалга оширишга шарт-шароит яратади.

Иккинчи гуруҳ таркибига таълим-тарбиянинг қонуниятлари, тамойиллари, мазмуни, шакл ва услублари, таълим муассасасини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, педагогиканинг назарий ғоялари, маънавий, эстетик, жисмоний тарбия усули кабиларни билиши лозим.

Учинчи гуруҳга ҳар қандай педагогик тажриба мазмунининг ажралмас қисмини ташкил этадиган, назария ва амалиёт ўртасидаги боғловчи бугун ҳисобланадиган педагогик фактларни билиш киради. Таҳлил қилиш, тушуниб етиш ва умумлаштириш назарияни бойитади. Энг ноёб ва муҳим фактлар билан бойиган назария эса янада ривожланади ва педагогик амалиётга ижобий таъсир кўрсатади.

Педагогика назарияси ва амалиётининг диалектик боғланишида бир муҳим ҳолатга тўхталиб ўтиш лозим. Педагогик фактлар

педагогик вазиятларни аниқлаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Билиш соҳасини таснифлашда унинг қуйидаги жиҳатларига, хусусан, фактлар, терминология, фактларни саралаш усуллари, ривожланиш омиллари, таснифлар, текшириш ва баҳолаш мезонлари, тадқиқ қилиш услублари, умумий тушунчалар, ҳодисалар тушунтириш, қоидалар ва башорат қилиш учун зарур назариялар, қоидалар ва қонунларни билиш педагогик вазиятларни аниқлаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Касбий-педагогик билимлар тизимига методологик, назарий ва услубий билимлар киради. Бу билимларни қуйидаги тўрт турга бўлиб ўрганиш мумкин:

- методологик (педагогик ҳодисаларни билиш йўллари ҳақидаги) билимлар;
- назарий (тушунтирувчи ва мўлжал берувчи) билимлар;
- педагогикага оид умумий амалий (педагогик амаллар ва педагогик вазиятларни бажариш усуллари ҳақидаги) билимлар;
- амалий (муайян педагогик жараёнлар учун мўлжалланган) билимлар.

Қайд этилган билимлар гуруҳлари педагогик маданият ва педагогик маҳорат асосларининг шаклланиш эҳтиёжини етарли даражада ақс эттиради, деб ҳисоблаб, ушбу таснифга илмий-педагогик билимнинг асосий таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритиш ва методологик, назарий ва услубий ҳамда технологик билимларни фарқлаш лозим.

Педагогик адабиётлар таҳлилидан кўринадикки, турли билим даражалари фарқланади:

- танишиш даражаси (нарсалар ва ҳодисаларни, уларни хоссаларини таниш, фарқлаш ва таққослаш);
- ифодалаш даражаси;
- билим-қўникма ҳосил қилиш (намуна буйича);
- билиш, ўзгартириш.
- билимлар тизимлилигининг тўрт даражаси мавжуд:
- алоқаларнинг маҳаллий хусусияти (муайян тушунчалар, атамалар ўртасидаги боғланишни кўра олмаслик, масалан, ўқувчи-талабалар қўшимча қиймат ва даромадни ўзаро боғлай олмайдилар);

-қисман тизимли алоқалар (муайян мавзу, масала буйича боғланишлар тизими мавжуд бўлиб, бунда бошқа масалалар билан боғланиш кузатилмайди);

-тизим ичидаги алоқалар (фан буйича билимлар ҳамда қонуниятлар ўртасидаги алоқалар тизими мавжуд);

-фанлараро алоқалар (фанга оид билимлар бир неча фанлар таъсирида шаклланади).

Педагогик билимлар ўқитувчи касбий маҳоратининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шунга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражаси, айниқса, унинг педагогик билимлари ҳозирги давр талабларига мос келмаслигини таъкидлайдилар. Педагогик амалиётдаги кўпгина камчиликлар ўқитувчининг назария билан қизиқмаслиги натижасида рўй беради. Ўқитувчилар билан ўтказилган суҳбатлар уларнинг ўз фаолиятларини психологик ва педагогик жиҳатдан асослаб бера олмасликларини кўрсатади.

Педагогик билимлар педагогик маданият ва педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмига айланмоғи лозим, чунки, уларсиз педагогик кўникмалар шаклланмайди. Маълумки, билим ва кўникмалар ўртасидаги диалектик боғланиш мавжуд. Кўникмалар замирида билимлар ётади, лекин кўникмалар тақлид қилиш, ўрганиш механизми асосида, лозим даражада тушуниб етмасдан шаклланиши ҳам мумкин. Бошқа томондан, кўникмалар билим манбаи ҳисобланади.

Амалий фаолиятда билимлардан самарали фойдаланиш муаммосини ечишга оид муайян умумий ёндашувлар билимларни ўзлаштириш муаммосини умумий тарзда тадқиқ қиладиган семантика асосида белгиланади. Тор маънодаги семантика-бу сўзларнинг маъноси ҳақидаги фан, лекин сўнгги йилларда унинг қамров доираси кенгайиб бормоқда. Кенг маънодаги семантика ўқувчи-талабаларнинг шахс етук мутахассис сифатида шаклланиш жараёнида табиат, жамият, техника билан ўзаро таъсирга киришиши асосида оладиган ахборотлари маъносини ифодаловчи фандир. Дидактиканинг семантик муаммолари педагогика назарияси фани ва педагогик таълимнинг ҳозирги ривожланишида ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Ахборотларнинг маъноси трансформация ва редукция жараёнида кўпинча ўзгариб кетади. Натижада, илмий иш муаллифлари ва тадқиқотчиларига мутлақо тушунарли бўлган ғояларни объектив ифодалаш кўпинча қийин кечади. Бу

педагогика фанининг ўзида ҳам жиддий дидактик ва семантик муаммолар мавжудлигини англатади.

Фикримизча, ушбу муаммоларни ҳал қилишда педагогика фани ва амалиёти ўртасидаги боғловчи ва ўзгартирувчи бугун ҳисобланадиган олий ўқув юртлари ўқитувчи-педагоглари зиммасига муайян вазифалар юкланиши лозим.

Юқоридаги фикрлар педагогик билимларни қабул қилиш ва тушунишга маълум тайёргарлик зарурлигини кўрсатади.

Мутахассисларнинг тадқиқотлари натижасида ўқитувчиларнинг педагогик билимларни қабул қилишга тайёргарлигининг беш даражаси аниқланган: **ахборот, тезарус, услубий, технологик, тадқиқот.**

Ахборот даражасида асосий вазифа мавжуд билим ҳақида ахборот олиш имкониятини таъминлашдан иборат.

Тезарус даражаси фан тили билан боғлиқ. Касбий маҳоратга эга бўлган педагог бу тилни билиши шарт, чунки билимлар уларни лозим даражада қабул қилиш ва тушунишни тақазо этади. Тезарус даражаси билим ва инсон ўртасидаги ахборотга оид тўсиқларни бартараф этиш ва мутахассисларнинг фан тилини эркин ўзлаштиришга имконият яратишни назарда тутаяди.

Услубий даража нафақат илмий билимлар, балки касбий кўникмаларнинг ҳам мавжудлигини, педагогик назариётчилар томонидан ишлаб чиқилган услубларни ўзлаштирилганлигини англатади.

Технологик даража илмий билимларни ва тавсия этилган илгор тажрибани амалиётга жорий этиш мақсадида уларни сифатли ва самарали акс эттиришни назарда тутаяди. Акс эттириш тўғридан-тўғри нусха кўчириш дегани эмас. Бунда муайян услуб қўлланилаётган шарт-шароит, хусусан, ўқувчи-талабаларнинг тайёргарлик даражаси, уларнинг одатлари, ўқитувчи-педагогларнинг технологик маданият ва педагогик маҳорат даражаси ҳисобга олинishi лозим.

Таъкидлаш зарурки, ўқитувчининг технологик маданияти педагогик маданият ва педагогик маҳоратининг таркибий қисми ҳисобланади. Технологик маданиятли ва юкса педагогик маҳоратга эга ўқитувчи педагогика фани ва амалиётини бирлаштиради.

Тадқиқот даражаси шу билан тавсифланадики, ўқитувчи илмий билимдан фойдаланувчидан уни яратувчига айланади. Янгилик яратувчи ўқитувчи-педагоглар амалиётнинг илмий салоҳиятини,

тадқиқот фаолияти учун майдоннинг мавжудлигини намоиш эта оладилар.

Педагогика назарияси фани ва амалиётининг ўзаро уйғунлигини англаб етиш ўқитувчи педагогик маданияти ва педагогик маҳоратининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Педагогика назарияси ва амалиётининг ўзаро таъсирини рўёбга чиқариш имкониятларини аниқлаш учун қуйидаги масалалар ечимини ҳал қилиш зарур: педагогик билимнинг амалиётга таъсири самарадорлигини ошириш, педагогик билимни таълим-тарбия фаолиятига татбиқ этиш жараёнини жадаллаштириш, таълим назариясини ўқитувчи ижодий изланишларининг негизига айланишини таъминлаш, ўқитувчининг илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишга эҳтиёж сезилишини таъминлаш кабилар.

Шундай қилиб, педагогик билимлар ўқитувчи-педагогларнинг кўник-малари таркибига амал қилади ва амалий фаолиятда улар орқали рўёбга чиқади. Педагогик билим ва кўникмалар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли педагогик кўникмалар ўқитувчи педагогик маданияти ва педагогик маҳоратининг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК ПРОФЕССИОНАЛИЗМИ ВА КАСБ МАҲОРАТИ ҲАМДА ҚОБИЛИЯТИ МЕЗОНЛАРИ

Ўқитувчининг касбий фазилатлари (*чуқур билимга эгалиги ва педагогик фаолиятида унга асосланганлиги*) – таълим жараёнини ривожлантириш, ўзгарувчан шароитларда таълим муассасасига мослашуви, инновацион фаолият, ниҳоят таълим жараёнининг самарали кечишига жиддий таъсир этувчи омиллардан биридир. Ўқувчи-талабалар қобилиятларининг қай даражада намоён бўлиши ва имкониятларининг қандай очилишига ўқувчи-талабалар ва ўқитувчи-педагог ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шакллари, умуман олганда ўқитувчининг касбий етуқлигига боғлиқ.

Ҳар қандай фаолиятда профессионализм (*профессионал – бирор касб билан доимий шуғулланадиган одам, профессионализм – ўз касбини моҳирлик билан бажариш*) – стандарт касбий муаммоларни ечишни билишдир.

Ўқитувчи шахсининг педагогик қобилияти ва касбий жиҳатдан шаклланиши муаммолари бўйича ўтказилган педагогик-психологик

тадқиқотларда “профессионализм” тушунчаси “шахснинг касб маҳорати” сифатида урганилади. Унинг таркибига педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида шаклланган муҳим касбий сифатлар ҳамда шахсий касбий салоҳиятни ташкил этган педагогик қобилият ва маҳорат, интеллектуал, мотивацион, коммуникативлик, креативлик-ижодий, перцептив ҳамда шахс динамизми яъни эмоционал-иродавий (иродавий таъсир ўтказиш ва мантиқий ишонтира олиш) қобилиятлар комплекси киради.

Ўқитувчининг профессионаллик даражаси бир неча омиллар билан бевосита боғлиқ.

Биринчидан, педагогик фаолияти жараёнида индивидуал хусусиятларнинг мавжудлиги, уларни тузатиш ва такомиллаштириш, **иккинчидан**, педагогнинг ижтимоий-маданий муҳитга сингиши, таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-маданий меъёрлари ва касбий маҳоратини намоён этиши.

Аслида педагог бўлиш учун кишидаги истеъдоднинг ўзи етарли эмас, педагогга педагогик лаёқат яъни педагогик қобилият керак. Бу масала шакллан оддий туюлса-да, ботинан жиддий.

Барча мутахассисликларда бўлгани каби ўқитувчилик касбида ҳам педагогик қобилият – унинг шахсий истеъдод хусусиятларини белгилаб, касбий фаолият турини муваффақиятли амалга оширишда субъектив шарт-шароитлар яратади.

Таъкидлаш жоизки, педагогик маҳорат ўқитувчининг педагогик қобилияти ва фаолияти замирида такомиллашиб ва ривожланиб боради. *Ўқитувчининг педагогик профессионализи ва ўз касбига “компетентлиги” (лойиқлиги), бинобарин, ўқитувчилик фаолиятининг самарадорлиги, маълум курсаткичларга, масалан, педагогнинг нимага ва қандай қилиб ўргатишини қанчалик тушуниши, ҳам билиши, унинг билим даражаси ва педагогик салоҳияти, замонавий ўқитиш технологиясини қай даражада ўзлаштириб олгани, касбий педагогик маҳорати, таълим бериш ва тарбиялаш ҳамда шахсни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни қанчаллик ҳал эта олиш педагогик қобилияти билан белгиланади.* Шундай экан, **“Ўқитувчи педагогик қобилиятларини қандай баҳолаш мумкин?”** деган саволлар туғилиши табиий ҳол. Бу борада **“Педагогик вазиятлар”** тести ўқитувчининг педагогик қобилиятларини ва педагогик маҳоратини аниқлашга қўл келади деб уйлаймиз. **“Педагогик вазиятлар”** тести ўқитувчининг педагогик қобилияти ва маҳоратини тестда келтирилган

педагогик вазиятлардан келиб чиққан ҳолда қандай чора-тадбирлар қўлланишига қараб баҳолаш имконини беради¹. Ҳаётнинг педагогик қобилияти ва маҳоратини аниқлаш бўйича тадқиқот-текширув ўтказишдан олдин синалувчи ўқитувчига қўйидаги мазмунда йўл-йўриқлар берилади: Сизнинг эътиборингизга тест тарзида ифодаланган педагогик вазиятлар тақдим этилмоқда. Ҳар бир педагогик вазиятнинг мазмунини чуқур ўрганганингиздан кейин сиз тақлиф этилган вариантлардан бирини, яъни айтилган вазиятда тўғри деб ҳисобланган вариантнингизни белгилайсиз. Агар сизнинг танлашингиз учун келтирилган шу вариантларнинг бирортасини ҳам маъқул топмасангиз, у ҳолда сиз охирида ўзингиз тақлиф этган вариантни (педагогик вазият ечимини) ёзиб қўйишингиз мумкин. Одатда, бу педагогик вазият ечими учун келтирилган еттинчи, яъни энг кейинги вариант ҳисобланади.

Қўйида педагогларнинг касбий фаолиятида учраши мумкин бўлган бир неча педагогик вазиятларни келтириб ўтамыз.

Биринчи вазият. Деялик сиз аудиторияда дарс ўтаётир ҳам талабалар тинчланди, аудиторияда жимлик ҳукм сурмоқда, аммо кўп вақт ўтмай талабалардан бири бирдангина қаттиқ кулиб юборди.

Сиз ажабланиб сабабини билиш мақсадида кулган талаба томоннига ташлашингиз биланок, у сизга қараб шундай деди: “Домла, сизга қарасам негадир кулгим келаверади ва шунинг учун ҳам сиз дарс ўтишни бошлашингиз биланок ўзимни тўхтата олмай кулиб юбораман. Ҳозир ҳам худди шундай ҳолат юз берди”.

Бундай вазиятда сиз унга қандай муносабат билдирган бўлардингиз? Қўйида билдирилган муносабатларнинг бир неча варианты сўзлар билан ифодаланган.

Келтирилган вариантлардан бирини танланг ва белгиланг.

1. “Ана холоо...с!”
2. “Хўш, сенга нима кулгили туюляпти?”
3. “Кулгинг келган бўлса, майли хоҳлаганингча кулавер!”
4. “Нима, сен аҳмоқмисан?”
5. “Хушчақчақ инсонларни жуда яхши кўраман-да...”
6. “Агар мен сенга яхши кайфият бағишлаган бўлсам, бундан жуда хурсандман”.
7.

¹ Р.С.Немов Психология. Учебник для студентов, педвузов. (3-х томлик), 3-книга. Экспериментальная педагогическая психология и психодиагностика. – М.: Просвещение: Владос, 1995. с.51

Иккинчи вазият. Биринчи - иккинчи дарсингиз бошиданоқ ёки бир неча машғулот ўтказганингиздан кейин талабалардан бири сизга “Менинг фикримча, сиз педагог сифатида бизга бирор нарса ўргата олмасангиз керак?” деган фикрни билдирди. Сиз унинг бу фикрига қандай муносабат билдирган бўлардингиз?

1. “Сенинг ишинг ўқиш-ўқитувчига ўргатиш эмас”.
2. “Албатта, сенга ўхшаганларга мен ҳеч нарса ўргата олмайман”.
3. “Эҳтимол, яхшиси сенинг бошқа гуруҳга ўтганинг ёки ўзга ўқитувчидан сабоқ олганинг маъқулдир?”
4. “Сен дангасасан, ўзинг ўқишни истамайсан”.
5. “Сенинг нима учун бундай ўйлашинг сабабини билиш-мен учун қизик”.
6. Кел, яхшиси бу ҳақда сен билан батафсил гаплашиб олайлик. Эҳтимол, менинг хулқ-атворимда сенда ана шундай фикр тугдирган бирор камчилик бордир.

7.

Учинчи вазият. Деяйлик, сиз талабага бирор топшириқ бердингиз. У уни бажаришни истамади ва “Мен бу ишни қилишни хоҳламайман” деб сизга эътироз билдирди. Сиз бундай ҳолатда қандай йўл тутган бўлар эдингиз?

1. “Топшириқни бажаришни хоҳламасанг-бажаришга мажбур қиламиз”.
2. “Топшириқни бажаришни хоҳламасанг, сен нима учун ўқишга келдинг”.
3. “Топшириқни бажаришни қанчалик хоҳламасанг, шунчалик ўзингга ёмон бўлади, ўқишни истамасанг баттар бўл. Сенинг феъл-атворинг бамисоли ўзининг хунуқлигини кўриб, бурунини кесмоқчи бўлган одамникига ўхшайди”.
4. “Бу ишнинг оқибати нима билан тугаши ҳақида ўзингга ҳеч ҳисобот бериб кўрганмисан”.
5. “Агар бунинг сабабини сен менга тушунтириб бера олсанг, жуда яхши бўларди”.
6. “Кел, яхшиси бу масалани сен билан биргаликда муҳокама қилиб кўрайлик, балки сен ҳақдирсан”.

7.

Тўртинчи вазият. Деяйлик, талаба ўзининг ўқув фаолиятида жуда катта ютуқларга эришди. У ҳатто бундан ажабланди ҳам ва ўқув вақтинини, ўқув материалларини тўла ўзлаштириб олганига

шубҳаланди. Натижада у сизга шундай сўзлар билан мурожаат қилди:

“Сизнингча, мен аъло баҳоларга ўқий оламанми, гуруҳдаги бошқа талабалардан ўзлаштириш борасида орқада қолиб кетмайманми? Сизнинг бу ҳақдаги фикрингизни билмоқчи эдим”. Сиз куйидаги жавоб вариантларидан қайси бирини танлаган бўлар эдингиз?

1. “Тугрисини айтганда, сенинг яхши ўқиб кетишингга шубҳа билан қарайман”.

2. “Албатта, сен бунга ҳеч шубҳаланмасанг ҳам бўлади”.

3. “Сенинг жуда ажойиб қобилиятинг бор, мен сенга жуда катта умид билан қарайман”.

4. “Сен нима учун ўз қобилиятингга шубҳа билан қарайсан?”

5. “Кел, яхшиси сен билан бу ҳақда батафсил гаплашиб олайлик ва муаммонинг сабабини ойдинлаштирайлик”.

6. “Куп нарса менинг сен билан қандай ишлашимга боғлиқ бўлади”.

7.

Бешинчи вазият. Талаба ўқитувчига дейди: **Сизнинг кейинги дарсингизга мен қатнаша олмасам керак, чунки ёш ижрочилар иштирокида ўтказиладиган концертга бормоқчи эдим (вариантлар: дўстларим билан сайр қилмоқчи эдим, спорт мусобақаларида иштирок этмоқчиман, дарслардан толиқдим, дам олмоқчи эдим)”. Бу гапга сизнинг муносабатингиз қандай бўлади? Қуйида келтирилган вариантлардан бирини танланг:**

1. “Агар сен менинг навбатдаги дарсимга қатнашмасанг, кейинги сафар таълим муассасасига ота-онангни таклиф этамиз”.

2. “Бу сенинг ишинг, имтиҳон (синов) топширадиган сен, мен эмас. Қолдирган дарсларингни бари бир ўзлаштиришинг керак, чунки мен уларни сендан сўрайман”.

3. “Менинг назаримда сен машғулотларга масъулият билан ёндашмайсан”.

4. “Балки сен ўқимасдан институтни умуман ташлаб кетарсан?”

5. “Агар сен ҳозир ўқимай қўйсанг, кейин нима билан машғул бўлмоқчисан?”

6. “Концертга боришинг (дўстларинг билан сайр қилишинг, мусобақани томоша қилишинг) сен учун институтдаги машғулотга қараганда ҳам кизикми? Бунинг сабаби бўлса керак, билсак бўладими?”

7.

Олтинчи вазият. Аудиторияга келганингиздан кейин, талабадан бири сизга қараб шундай дейди: “Домла, бугун негадир сиз анча ҳорғин ва толиққан кўринасиз. Тобингиз йўққа ўхшайди?” Сиз талабанинг бу гапига қандай муносабат билдирган булардингиз?

1. “Менинг назаримда, сенинг менга бундай танбеҳ беришинг одобдан эмас”.

2. “Ҳа, туғри айтасан, мен негадир ўзимни ёмон ҳис қиляпман”.

3. “Мен ҳақимда қайғурмай кўяқол, яхшиси ўзингнинг ахволингга бир назар ташлаб кўр”.

4. “Бугун мен яхши ухлай олмадим, ишларим эса жуда куп”.

5. “Сен ташвиш чекма, менинг бу ҳолатим машғулот утказишимга сира ҳалақит бермайди”.

6. “Сен жуда эътиборли талабасан-да, менга ғамхурлигинг учун сенга раҳмат!”

7.

Еттинчи вазият. Талаба ўқитувчига деди: “Менинг ҳис қилишимча, сиз утказаетган машғулотлардан мен учун бирор фойда бўлмаса керак. Шунинг учун машғулотга умуман қатнашмаганим маъқул деб ўйляпман”. Талабанинг бу фикрига сизнинг муносабатингиз қандай?

1. “Бундай бемаъни гапларни сузлама”.

2. “Сени қара-ю, нималарни ўйламайсан-а!”

3. “Балки сен бошқа ўқитувчидан сабоқ оларсан?”

4. “Мен сенда нима учун бундай истак пайдо бўлгани сабабини батафсил билишни хоҳлайман?”

5. “Сенинг муаммоларингни ҳал этишга иккаламиз биргаликда уриниб кўрсак яхши булармиди?”

6. “Эҳтимол, сенинг муаммоингни бошқа йўл билан ҳал этиш мумкинми?”

7.

Саккизинчи вазият. Талаба ўқитувчига ҳаддан ташқари ишонган ҳолда шундай деди: “Менинг кўлимдан келмайдиган биронга ишнинг ўзи йўқ, фақат менда хоҳиш бўлса бас, ҳамма юмушни уддалайман”. Шу жумладан, сиз сабоқ бераётган ўқув предмети ҳақида ҳам ҳеч қандай қийинчиликсиз ўзлаштира

оламан". Талабанинг бу фикрига сиз қандай муносабат билдирасиз?

1. "Сен ўз имкониятларинг ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисан?"

2. "Сенда бундай қобилият борлигига мен шубҳа билан қарайман!"

3. "Бундай баландпарвоз гапларга қараганда, сен ўзингга ҳаддан ортиқ бино қўйгансан шекилли? Камтарроқ бўлганинг яхши".

4. "Албатта, ҳеч шубҳам йўқ, биламанки, агар сен астойдил ҳаракат қилсанг, ҳамма ишни эплайсан".

5. "Ҳойнаҳой, бу сендан жуда катта куч талаб қилса керак?"

6. "Ўзига ҳаддан ташқари ишониниш –ишга зарар келтиради".

7.

Тўққизинчи вазият. Ўқитувчининг танбеҳларига эътироз билдирган ҳолда талаба ўз предметини яхши ўзлаштириши учун унга ортиқча топшириқларнинг керак эмаслигини айтди: "Мени қобилияти юксак талаба деб ҳисоблашади". Қуйида келтирилган жавоб вариантларидан бирини танланг.

1. "Эҳтимол, бу фикрга сен унчалик муносиб эмасдирсан".

2. "Менинг кузатишимча, шу вақтгача сен дуч келган қийинчиликлар ва бугунги кундаги билиминг даражаси сенинг қобилиятинг юксаклигидан далолат бермайди."

3. "Кўп одамлар ўзини қобилиятли ҳисоблайди, аслида улар қобилиятли бўлмайди".

4. "Мен ўзинг ҳақингда шундай юксак фикрда эканлигингдан хурсандман. Фақат инсон ўз фикрига муносиб бўлиши керак, албатта".

5. "Бу-сендан ўқишингдан янада катта куч сарфлашингни талаб этади".

6. "Бу гап сенинг ўз қобилиятингга ишонмаётганингдан далолат беради".

7.

Ўнинчи вазият. Талаба ўқитувчига деди: "Мен дафтаримни олиб келишни (уй вазифасини бажаришни) яна ёдимдан чиқарибман". Бунга сизнинг муносабатингиз қандай бўлади?

1. "Ана холос, дарс тайёрлаш яна ёдингдан чиқибди-да".

2. "Бу сенга масъулиятсиз эканлигингни намоён этмаяптими?"

3. "Ўйламанки, сен энди бу ишга жиддий муносабатда бўласан".

4. “Мен бунинг сабабини билишни истайман”.

5. “Эҳтимол бунинг учун сенинг имконинг булмагандир”.

6. “Сен ҳеч уйлаб кўрганмисан, нима учун мен бу ҳақда ҳар доим сенга эслатаман?”.

7.

Ун биринчи вазият. Талаба ўқитувчи билан гаплашиш жараёнида унга шундай деди: “Мен бошқа талабага қараганда яхши муносабатда бўлишингизни истайман”. Қуйида келтирилган жавоб вариантларидан бирини танланг ва белгиланг.

1. “Мен учун бошқа талабаларга қараганда сенга мен яхшироқ муносабатда бўлишим керак?”.

2. “Мен талабаларни яхши ва ёмонга ажратмайман, ҳаммага бир хил муносабатда бўламан.”

3. “Мен сенга ўхшаб гап уқтирадиган талабаларни ёқтирмайман”.

4. “Мен нима учун сени бошқа талабалардан кўра кўпроқ яхши кўришим керак? Бунинг сабабини билсам бўладими”.

5. “Агар сен бошқа талабаларга қараганда кўпроқ яхши кўраман деб айтсам, сен ўзингни яхшироқ ҳис қилган булар-мидинг?”.

6. “Сенингча, мен аслида сенга қандай муносабатдаман”.

7.

Ун иккинчи вазият. Талаба ўқитувчи сабоқ бераётган ўқув предметини яхши ўзлаштириш имконияти бўйича ўз фикрини изҳор қилиб, ўзининг қуйидаги мулоҳазаларини билдирди: “Мен сизга илгари нимадан ташвишланаётганим ҳақида айтган эдим. Сиз менга айтинг-чи, бунинг сабаби нимада ва сизнингча, энди мен ўқув предметларини яхши ўзлаштиришим учун нима иш қилишим керак?”. Келтирилган жавоб вариантларидан ўзингизга маъқулани танланг.

1. “Менинг назаримда, сенинг анча-мунча камчиликларинг борга ўхшайди”.

2. “Сенинг ўқув предметларини ўзлаштириш бўйича ташвишланишингга ҳеч қандай асос йўқ деб ўйлайман”.

3. “Мен сенга бирор асосли фикр айтишимдан олдин сенинг муаммонг моҳияти нимада эканини яхши тушунишим керак”.

4. “Майли, бир оз вақт ўтсин, биргаликда ишлаб натижаларни кўрайлик, кейин бу масалани муҳокама қиламиз. Мен ўйлайманки, бу муаммонинг ечимини сен билан биргаликда топа оламиз”.

5. “Мен сенга ҳозир бирор анқ жавоб айтишга тайёр эмасман, мен бу ҳақда ўйлаб кўришим керак шекилли”.

6. “Сен ташвишланма, мен ҳам талаба пайтимда дастлаб ўқув предметларини ўзлаштиришда анча қийналган эдим. Меҳнат қилсанг ҳамма нарсага эришасан”.

7.

Ун учинчи вазият. Талаба ўқитувчисига деди: “Сизнинг машғулотларда кўтарайтган масалангиз менга ёқмайди”. Келтирилган жавоб вариантларидан ўзингизга маъқулини танланг.

1. “Бу - ёмон”.

2. “Сен, эҳтимол, бу масалани яхши тушунмаётгандирсан”.

3. “Мен умид қиламанки, келгусида, бизнинг машғулотларимизда сенинг бу фикринг ўзгаради”.

4. “Нима учун?”.

5. “Сен кўпроқ қайси мавзу ва масала ҳақида маъруза тинглашни хоҳлайсан?”.

6. “Ҳар кимнинг диди ўзгача ва ҳар ким ҳар хил рангни яхши кўради”.

7.

Ун тўртинчи вазият. Талаба ўз курсдошларининг, гуруҳдошларининг бирига нисбатан ёмон муносабатда эканини намоён этиб, ўқитувчига шундай деди: “Мен у билан бирга ўқишни истамайман”. Талабанинг бундай гапига сизнинг муносабатингиз қандай?

1. “Хоҳламасанг нима бўпти?”.

2. “Иложинг қанча, бари бир у билан бирга ўқишингга тўғри келади”.

3. “Бундай қайсарлик қилишинг яхши эмас”.

4. “Нима бўпти, бу гапингни эшитганидан кейин у ҳам сен билан бирга ўқишни хохламайди”.

5. “Нима учун?”.

6. “Мен ўйлайманки, сен ноҳақсан”.

7.

Синалувчи – ўқитувчининг ҳар бир жавоби 1-жадвалда келтирилган “калит”га мувофиқ равишда баҳоланади. Жадвалда чапда вертикал бўйича педагогик вазиятлар тартиб рақамлар билан кўрсатилган, унга юқорида тартиб билан уларнинг бу вазиятлардаги муқобил жавоблари келтирилган.

Жадвалда турли педагогик вазиятлар учун келтирилган жавобларнинг турли вариантлари учун бериладиган баллар кўрсатилган (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Педагогик вазиятлар тартиб рақами	Танланган жавоб вариантлари ва унинг баллардаги баҳоси							
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	4	3	4	2	5	5	-	-
2	2	2	4	3	5	5	-	-
3	2	3	4	4	5	5	-	-
4	2	3	3	4	2	5	-	-
5	2	2	3	3	5	4	5	5
6	2	2	3	4	5	5	-	-
7	2	2	3	4	4	5	-	-
8	2	2	3	5	5	3	-	-
9	2	4	3	4	5	4	-	-
10	2	3	4	4	5	5	-	-
11	2	2	3	4	4	5	-	-
12	2	3	4	5	5	5	-	-
13	3	2	4	4	5	4	5	-
14	2	2	3	4	4	5	-	-

“Педагогик вазиятлар” тести калити.

Эслатма: эркин жавоблар алоҳида баҳоланади ва тегишли балларнинг умумий йиғиндисига қўшилади.

Педагогик вазиятларнинг тўғри ечимини топа билиш қобилияти синалувчи-ўқитувчининг барча педагогик вазиятлар бўйича (ушбу тестда 14 та педагогик вазият келтирилган) тушланган балларини 14 га бўлиш натижасида олинган қиймат билан белгиланади.

Агар синалувчи-ўқитувчи 4,5 баллдан ортиқ ўртача баҳога эга бўлса (айни методика бўйича), унинг педагогик қобилияти ва маҳорати анча ривожланган ҳисобланади.

Агар синалувчи-ўқитувчи олган ўртача 3,5 баллдан то 4,4 баллар оралиғида бўлса у ҳолда бу қиймат шу синалувчи ўқитувчининг педагогик қобилияти ва маҳоратини ривожланиши даражаси ўртача эканини кўрсатади.

Агар ўртача баҳо 3,4 баллдан кичик бўлса, бу ҳол унинг педагогик қобилияти ва маҳорати унчалик ривожланмаганидан яъни паст даражалигидан далолат беради.

Демак, ўқитувчининг профессионализими бу фаолият субъектига берилган сифат тавсифи бўлиб, унинг касбий қобилиятига оид ва педагогик маҳорати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш учун замонавий таълим технологиялари имкониятларидан фойдаланиш даражаси ўқитувчиларда турлича бўлиб, буни юқоридаги “Педагогик вазиятлар” тести жавобларида кўрсатиб ўтганимиздек, ўқитувчининг касбий профессионализими (касбий қобилияти ва маҳорати) юқори, ўрта ва паст даражада бўлиши мумкин. Ўқитувчининг касбий профессионализими ўз фани орқали, таълим ва тарбия жараёнига ажратилган вақт ичида ўқувчи-талабаларда топшириқларни самарали бажаришига тайёрликни шакллантириши санъатини қай даражада эгаллагани билан белгиланади.

Бизнинг назаримизда, ўқитувчининг педагогик профессионализими шаклланишининг муқаддимаси касбда ўзини аниқ англаш, ўз келажагини режалаштириш, маънавий “эталон” намуналарини шакллантиришдан бошланади.

Бу жараённинг хотимаси - “суперпрофессионализм” дейилади (энди ўқитувчи илгор ўқитувчига, ижодкор ўқитувчига, новатор ўқитувчига айланади).

Ўқитувчининг касбий профессионализими – педагогик маҳорати ва ўз касбий фаолиятини юқори савияда ташкил қила олишни таъминловчи, ўқитувчи-педагог шахс хусусиятларини йиғиндисиدير. Шундай муҳим хусусиятларга ўқитувчи фаолиятининг инсонпарварликка йўналтирилганлиги, унинг касбий билимлари, педагогик қобилиятлари ва педагогик маҳорати (ўз-ўзини бошқара олиш кўникмалари ва ўқувчи-талабалар билан ўзаро ҳамкорлик қила олиш малакаси) киради. Бу педагогик маҳорат тизимидаги ўзини ташқи таъсирларсиз ривожлантира олиш хусусиятига эга тўртта ўзаро боғлиқ жиҳатлардир.

Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ўқитувчи профессионализими – бу шахс ва фаолият субъектининг мураккаб ва кўп қиррали интеграл хусусиятлари комплекси бўлиб, унинг тузилмаси куйидагилардан иборат:

а) ўқитувчи профессионализимини ташкил этувчи яхлит компонентлар;

б) ўқитувчи фаолияти ва шахсига қўйилган меъёрий талаблар билан белгиланган умумий ёки типик хусусиятлар (*меъёрий профессионализм*).

в) ўқитувчи субъект сифатида педагогик фаолият ва мулоқотда намоён бўлувчи индивидуал-психологик ва типологик хусусиятлари (*ноёб профессионализм – муаллифлар*).

“*Ноёб профессионализм*”нинг асосий таркибий қисмлари сифатида “*касбий маҳорат*”, “*педагогик фаолият ва мулоқотнинг индивидуал услуги*”, “*педагогик ижодкорлик*”, “*шахсий касбий салоҳият*”ни белгилаш мумкин.

Булар “*Маҳорат – Услуг – Салоҳият*” формуласида ўз аксини топган яхлит тизимни ташкил этади ва “*Ноёб профессионализм*”нинг кўрсаткичлари ҳисобланади.

Ўқитувчининг педагогик профессионализмга доир маълумотлар ва тушунчалар бўйича тизимли ёндашув назарияси нуқтаи назаридан ўтказилган қиёсий таҳлилларимиз профессионализмнинг нафақат мазмун, фаолият ва педагог шахсига тегишли жиҳатлари, балки унинг яхлит (интеграл) компонентларини ҳам белгилаш имкониятини беради.

Мазкур компонентлар қуйидагилар:

- умумий ва махсус қобилиятлар;
- ўқитувчи шахснинг педагогик йўналтирилганлиги;
- касбий-педагогик жиҳатдан компонентлик;
- ўқитувчи-шахснинг касбий муҳим сифатлари;
- педагогик фаолият ва мулоқотдаги индивидуал услубий хусусиятлари;
- педагогик маҳорат;
- касбий-педагогик тажриба;
- касбий-шахсий ва ижодий салоҳият.

Биз ҳар бир компонент ўқитувчи профессионалими шаклланиши ва ривожланишининг индивидуал хусусиятлари билан, яъни ўқитувчининг ўз касбининг устаси бўлиб етишишига бевосита таъсир этади деб, ҳисоблаймиз.

Умуман, бу фикрлар ҳозирги замон педагогика ва психологиясида илгари сурилаётган методологик тамойиллар субъект ёндашуви ғояларига асосланади ва келажакда бу муаммо янада чуқурроқ тадқиқотларни талаб этади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг профессионалими эмпирик маънода ўз касбини пухта эгаллаган, ўз

билим ва тажрибасини ўқувчи-талабалар билан машғулотлар олиб боришда тўлиқ амалга татбиқ қила олиши билан баҳоланади.

Илмий-назарий жиҳатдан эса ўқитувчининг профессионализми, дунёқараши, интилишлари, ижтимоий муҳит ва шахсий педагогик тажриба таъсирида шаклланувчи ноёб индивидуал ҳодисалар сифатида ўрганилади.


Шу нуқтаи назардан, ўқитувчининг профессионализми – бу ўқувчи-талабалар билан мулоқот, ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар жараёнида намоён бўладиган “таълим ва тарбия бериш санъати, педагогик маҳорат ва эркин ижод”дир.


10.4. ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ ВА КАСБИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ ДИАГНОСТИКАЛАШ (ТАШХИСЛАШ) УСУЛЛАРИ

Ўқитувчи педагогик фаолиятини, тажрибасини ва касбий қобилиятини диагностика ўрганиш назарияси ва методикаси ҳар бир педагогик жамоада ва шу педагогик жамоанинг ҳар бир аъзосида педагогик касбий фаолият хусусиятларини ўрганишда ягона мақсад учун ҳаракатланишга имконият беради, бу ўз навбатида ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириш механизмини яратиш учун замин ҳозирлайди.

Шу муносабат билан ўқитувчининг педагогик фаолиятида эришиладиган ютуқларини белгилашда педагогик диагностика муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги 4 ва 5-шаклларда ўқитувчи педагогик фаолиятини диагностикалашнинг энг кўп тарқалган усуллари кўрсатилган бўлиб, уларни танлашда қўлланган мақсад асос қилиб олинган.

Ўқитувчи педагогик фаолиятини диагностикалаш усуллари





Педагогик амалиётда ўқитувчи педагогик фаолиятини ва касбий қобилиятини “диагностикалаш” яъни таъхислаш деганда фақат унинг мутахассис сифатида тайёргарлик даражасини аниқлаш тушунилади. Бундай ҳар бир томонлама ёндашув педагог фаолиятини ва қобилиятининг бошқа қирра (компонент)ларини иккинчи даражадагидай талқин этилишига сабаб бўлмоқда. Аслида эса ўқитувчи педагогик фаолиятини самарадорлиги билан таъминланади. Шу жиҳатдан қараганда педагогик қобилиятлар ва уларнинг намоёнлик даражасини аниқлаш усули муҳим аҳамиятга эга.

Услубий матн орқали педагогик қобилият ва унинг компонентларини изоҳлаш мумкин. Бунинг учун қобилият компонентлари бўйича 0-5 баллгача баҳо қўйилади. Тупланган баллар ҳар компонент доирасида алоҳида ва умумий хулоса чиқариш учун хизмат қилади. Қобилият компонентлари бўйича йиққан умумий балларнинг ярмидан кам бўлса, шу йўналиш ўқитувчи уз устида ишлаши лозимлигини кўрсатади.

Умумпедагогик маҳорат ва қобилиятнинг ривожланганлик даражаси улчови эса қуйидагича бўлиши мумкин:

140-165 балл-юқори даражада ривожланганлик;

115-139 балл-уртадан юқори;

82-114 балл-урта;

66-81 балл-паст;

0-65 балл-жуда паст.

Т-р	Қобилият қирралари	Қобилиятларнинг намоёнлиги (изоҳи)	Баллар
1	2	3	4
1.	Диалектик қобилияти	<p>1. Ҳуқув материалини аниқ, тушу-нарли қилиб ҳуқувчи-талабаларга етказа олиш.</p> <p>2. Ҳуқувчи-талабаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғота олиш, уларнинг мустақил фикрлашларини фаоллаштириш.</p> <p>3. Ҳуқувчи-талабаларни янги тушунчани ўзлаштиришга тайёрлаш, уларнинг ҳар бирининг тайёргарлик даражасини билиш.</p>	

2.	Академик қобилияти	<p>1.Ўзи дарс берадиган фаннинг илмий-назарий асосларини мукамал билиш.</p> <p>2.Мутахассислиги бўйича фан янгиликларини доимий равишда ўзлаштириб, ўзининг назарий тайёргарлик даражасини мунтазам равишда ўстириб бориш.</p> <p>3. Ўз фани бўйича ижодий изланиш, кичик бўлсада, илмий-тадқиқот иши олиб бориш (тажриба-синов, дастур, дарсликлар устида ишлаш).</p>	
3.	Перцептив қобилияти	<p>1.Ўқувчи-талабаларнинг ички ҳис-туйғуларини, рухий ҳолатларини ҳис қилиш, сезиш.</p> <p>2.Психологик кузатувчанлик.</p> <p>3.Ўқувчи-талабаларга ҳамдард бўлиш.</p>	
4.	Нутқий қобилияти	<p>1.Нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғри қурилиши, урғуларнинг тўғри қўйилиши.</p> <p>2.Нутқнинг мазмундорлиги.</p> <p>3.Нутқ компонентларининг мантиқий боғлиқлиги, образлилиги.</p> <p>4.Нутқ техникаси: -товушнинг тиниқлиги, -жарангдорлиги, -дикция (сўзни талаффуз қилиш услуги)нинг аниқлиги; -нутқ темнининг тўғри амалга оширилиши;</p> <p>5.Ўз фикрини аниқ, оддий ва тушунарли қилиб ўқувчи-талабаларга етказа билиши.</p>	
5.	Ташкилотчилик қобилияти	<p>1.Жамоани уюштира олиш, топшириқ ва вазифаларни бажаришда ўқувчи-талабаларни фаоллаштира билиш.</p> <p>2.Ўз фаолиятини тўғри ташкил эта олиш, дарсни режалаштириш, вақтни тўғри тақсимлаш ва унумли фойдаланиш.</p>	

		<p>3.Ўз фаолиятини назорат қилиб бориш, текшира олиш.</p> <p>4.Ўқувчи-талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш, уларда ҳамкорлик, ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини шакллантириш.</p>
6.	<p>Иззат-хурмат қозона олиш қобилияти (авторитар)</p>	<p>1.Ўқувчи-талабаларга бевосита ҳиссий-иродавий таъсир кўрсата олиш, уларни ўзига эргаштира билиш.</p> <p>2.Ўз ҳаракатларида катъийлик, талабчанлик, сабр-тоқатлик объективлик.</p> <p>3.Педагогик масъулиятни ҳис қила билиш, ўқувчи-талаба шахсини ҳурматлаш.</p> <p>4.Таълим-тарбияда рағбатлантириш, мактов, танқид ва танбехдан меъёрида фойдалана олиш, ҳақиқат-парвар бўлиш.</p>
7.	<p>Коммуникатив қобилият</p>	<p>1.Муомала маданияти.</p> <p>2.Педагогик мулоқот восита ва усулларида тўғри фойдалана олиш, педагогик такт.</p> <p>3.Ўқувчи-талабалар билан “тел” тона олиш, ўз суҳбати, сўзлари билан уларни қизиқтириш, жалб эта билиш.</p>
8.	<p>Истиқболни кўра билиш қобилияти (педагогик прогноз)</p>	<p>1.Ўз педагогик ҳаракатлари натижаларини олдиндан тасаввур қилиш, кўра билиш.</p> <p>2.Ҳар бир ўқувчи-талабанинг индивидуал ривожланиш траекториясини тўғри белгилаш, ўқувчи-талаба шахси ривожини истиқболли лойиҳалаш (режалаштириш).</p> <p>3.Ўқувчи-талабаларнинг у ёки бу хусусиятлари, шахсий фазилатларини қай даражада шакллантириш ва уларнинг мақсадга мувофиқлигини олдиндан кўра билиш.</p>

9	Дикқатни тақсимлай олиш қобилияти	1. Педагогнинг дикқати: -ҳажми; -кучли (барқарорлиги); -кўчиши; 2. Кузатувчанлик. 3. Уқувчи-талабалар дикқатини самарали (оптимал) ташкил эта олиш.	
---	--	---	--

Ушбу методика ўқитувчи фаолиятини ва қобилиятини ҳар томонлама “диагностикалаш” комплекси сифатида қўлланилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда тажрибали ўқитувчи-педагоглар, битирувчилар саводхонлигини аниқлаш учун *дихомотик баҳолаш усулидан* фойдаланиши лозим. Бунда “эришди”, “эришмади”, “ўтди”, “ўтмади” ва ҳаказо мезонлар мавжуд. Бундай баҳолашлар таълим стандартида белгиланган билим ва малакаларга бўлган талаблар мазмунидан келиб чиқмоғи лозим. *Дихомотик (иккилик, муқобиллик) шкала усулида* баҳолаш кўпгина мамлакатларда муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Шунингдек, ДТСнинг киритилиши билан боғлиқ Россия таълим тизимида ҳам шу усулни қўллаш тавсия этилган.

ДТСнинг ўлчов бирликларини ишлаб чиқиш қуйидаги талабларни бажариш билан боғлиқ:

-ўлчов тизимларида ДТСнинг талаблари бажарилган ёки бажарилмаганлиги қайд этилиши;

-ўлчов тизимлари барча учун (*ўқитувчи-педагоглар, ота-оналар, ўқувчи-талабалар, текширувчилар ва ҳаказолар*) тушунарли, аниқ бўлиши.

Ўқитувчи учун бу педагогик диагностика бўлиб, бу усул ёрдамида ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш ва ўзлаштирилмаганлиги аниқланади, шунингдек, ўқитувчининг педагогик қобилияти ва маҳоратига баҳо берилади.

ЮНЕСКО материалларига кўра ўлчовлар технологияси, яъни узлуксиз таълимни маълум босқичини яқунлаган ўқувчи-талабалар (маълум бир таълим соҳаси юзасидан) қуйидаги кўникма ва малакаларни эгаллашлари керак: “терминлар” “номма-ном айтиб бериш”, “тушунчага эга бўлишлари”, “нарса ва ҳодисаларнинг сабабини айтиб бера олишлари”, “изоҳлаш”, “шарҳлаш”, “фарқлаш”, “мисолларни келтира олиш”, “аниқ, қисқа таърифлай олиш”, “билимларни амалий қўллай олиш” ёки

шунингдек, ўқув малакаси (билимларни амалий қўллай олиш).,

-ўқитувчи ёрдамида топшириқларни ечиш йўллари ва усулларини аниқлаш;

-ўз фаолиятини баҳолай билиш, таққослай олиш;

-ўз-ўзини назорат қилишда китоблардан фойдалана олиш;

-ўз тенгдошлари ишини объектив баҳолай олиш.

Коммуникатив малака (фарқлаш):

-муҳокама, мунозара:

-фикрлаш, ифодалаш, тасвирларни баён этиш.

Билимларни амалий қўллаш:

-мунозараларда иштирок этиш (бошқаларнинг фикрига диққат қилиш, саволлар қўя олиш, тўлдириш, саволларга жавоб бериш).

Ахлоқий маданият (фарқлаш):

-меҳнатсеварлик-дангасалик, ростгўйлик;

-ёлгончилик, масъулиятлилик, масъулиятсизлик тушунчаларидан мисоллар келтириш зарурдир.

Яхши ўқитувчиларни саралаш бир йиллик эмас, балки икки-уч йил синов матнлари таҳлилига биноан амалга ошириладиган ишдир. Билимдон педагогларни ҳар бир фан ўқитувчисининг таҳминан сўнгги ўн йиллик фаолияти натижасига қўра аниқлаш ҳам мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда фан-техника тараққиётининг шиддатли ривожланиши мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ўқувчи-талабаларга чуқур билим бериш, уларни ҳозирги замон янгиликлари билан мунтазам таништириб бориш ҳар бир ўқитувчи-педагогдан доимий равишда ўз касбий малакаларини ва педагогик маҳоратини ошириб боришни тақазо қилади. Шундай экан, узлуксиз таълим тизимида, хусусан, олий ўқув юртларида ўқитувчи-педагоглар билан шартномалар тузилишида ва лавозимларга қўйилишида педагогик салоҳиятга, ўз малакасини ошириш ва илмий-тадқиқот натижаларига қараб қўйилиши айтиш мумкин.

10.5. ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ — ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СИФАТИ КАФОЛАТИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасида таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни муваффақиятли юқори савиядаги касбий маданият ва педагогик маҳоратга эга, педагогика-психо-

логия ва методология, замонавий ўқитиш технологиялари соҳасида фундаментал билимларни чуқур биладиган, таълим жараёнида педагогик муаммоларни тизимли равишда олиб борувчи маҳоратли ва омилкор ўқитувчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олий ўқув юртларида асосий эътибор бўлажак касбий таълим ўқитувчиларида ижодий педагогик фаолиятнинг узига хос усулларини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган.

Ўқитувчилик касбининг моҳир устаси бўлиш, аввало, бўлажак касб таълими ўқитувчиси шахсининг ўз индивидуал хусусиятларидан юқори савияда фойдаланиш ва ёшлар билан индивидуал олий ўқув юртларида ўқув ва амалий машғулотлар жараёнида шакллантирилади ва келажақда таълим-тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи индивидуал, узига хос усуллар тизимидан иборат бўлади. Олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий маҳорат ва омилкорликни шакллантириш гоёси етакчи ўринда бўлиши керак. Юқори малакали касбий маҳоратни шакллантириш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бўлажак касб таълими ўқитувчиси ўз касбий маҳоратининг шакллантирилганлигини билдирувчи касбий билим, малака ва кўникмалар йиғиндисига, педагогик муомала маданиятига эга бўлиш касбий-педагогик омилкорликнинг асосий пойдевори ҳисобланиб, ўқитувчининг касбига нисбатан шахсий тавсифномаси ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан олий ўқув юртларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларига таълим олиш жараёнида ва амалиётда касб маҳорати ва уни қандай қилиб шакллантириш мумкинлиги туғрисида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир. Маълумки барча соҳаларда бўлганидек, касб маҳорати ҳам ўқитувчида йиллар давомида шаклланиб такомиллашади. Шу нарса алоҳида эътиборга лойиқки, ўқитувчининг касбий маҳорати, амалий ва услубий тажрибага эга бўлиши учун асосий замин педагогик фаолияти жараёнида шаклланади. Чунки касб маҳорати ўта мураккаб ва миллий хусусиятга эга жараён бўлгани боис, уни эгаллаш, ўқитувчининг узоқ йиллар самарали изланишлари, ижодкорлик меҳнати эвазига рўёбга чиқади. Аммо педагогик маҳорат сирларининг илмий ва амалий негизи ўз вақтида берилмас экан, уни олий таълим муассасасидан кейинги касбий фаолияти жараёнида эгаллаш ҳар доим ҳам ўз самарасини бермайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар томонлама камол топган, жамиятда илғор турмуш тарзига мослашган, таълим ва касб-ҳунар

дастурларини, ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан доимо хабардор, онгли равишда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, педагогик-психологик жиҳатдан билимларга эга бўлган, давлат ва оила олдида жавобгарликни ҳис этадиган фуқароларни яъни баркамол шахсни тарбияловчи ўқитувчида юксак назарий ва методологик тайёргарлик бўлиши лозим. Ҳозирги замон талабларига мос, ахборот технологиялари ҳамда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган, миллий ва маънавий кадриятларимизнинг таълим тизимига татбиқ эта оладиган ўқитувчидан юксак касб маҳорати талаб қилинади.

Ўқитувчи ўз касбининг моҳир устаси бўлиши учун аввало, ўзининг индивидуал касбий хусусиятларидан юқори савияда фойдаланиши ва индивидуал ишлай олиш қобилиятининг қандай шаклланганлиги билан боғлиқ. Бу усул олий таълим муассасалари фаолиятида ўқув ва амалий машғулотлар жараёнида шакллантирилади ва келажакда таълим-тарбия самарадорлигини таъминловчи индивидуал, ўзига хос усуллар тизимидан иборат бўлади.

Олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашда касбий маҳорат ва омилкорликни шакллантириш ғояси етакчи ўринда бўлиши керак. Юқори малакали касбий маҳоратни шакллантириш йуллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бўлажак касбий таълим ўқитувчиси ўз касбий маҳоратининг шакллантирилганлигини билдирувчи касбий билим, малака ва кўникмалар йиғиндисига, педагогик муомала маданиятига эга бўлиши касбий-педагогик омилкорликнинг асосий пойдевори ҳисобланиб, касбий таълим ўқитувчисининг педагогик маҳоратини намоён қилувчи асосий восита ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида юксак маҳоратли омилкор ўқитувчи касбий-таълим ўқитувчисини шакллантириш учта йўналиш бўйича амалга оширилади:

-ўз мутахассислиги бўйича базавий пухта тайёргарлик (касбий ва педагогик-психологик билимлар);

-методологик билимларни эгаллаш маданияти;

-педагогик-ижодкорлик ва креативлик.

Олий таълим муассасаларида бўлажак касбий таълим мутахассисини шакллантиради ва уни мураккаб касбий фаолиятга тайёрлайди. Ҳозирги кунда замонавий мутахассис лозим бўлган касбий сифатларнинг мураккаб тўпламини анъанавий таълим жараёнида қисқа фурсатда эгаллаши лозим. Касбий тайёргарлик

жараёнда барча ижобий хусусиятлар амалдаги таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этиб борган ҳолда улар янги замонавий билимлар билан тўлдирилиб борилса, унга рационал ёндашувлар жорий этилган интеграл билимлар тизими бир-бирини тўлдириб қўлланилганда шакллантирилиши мумкин.

Қуйидаги 6-шаклда олий таълим муассасалари талабаларида, яъни бўлажак касбий таълим ўқитувчиларининг касбий маҳоратини белгилаб берувчи юқорида келтирилган учта йўналишдан ҳар бирининг (*базавий, методологик, ижодий*) ташкил этувчи муҳим жиҳатлари кўрсатилган:

6-шакл

БЎЛАЖАК КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ОМИЛҚОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВИ ХУСУСИЯТЛАР

Базавий омилқорлик
Касбий-педагогик тайёргарлик:
 -асосий фанлар;
 -ўқитиш методикаси;
 -фалсафий билимлар;
 -педагогик билимлар;
 -психологик билимлар;
 -педагогик ахлоқ ва ҳаказо.

Методологик омилқорлик:
 Фалсафий, умумий ва аниқ фанлар даражасига мос келувчи методологик билимларни, таълим муаммоларини, интеграл фаолиятга тааллуқли билимларни мустақил ёндашув асосида ўзлаштира олиш қобилияти ва ҳаказо.

Ижодий педагогик маҳорат ва омилқорлик

Касбий маҳоратларга йўналтирилганлик;
 -мотивацион ижодқорликка йўналтирилганлик;
 -таълимда инновационнинг асосий муаммоларини тушуниш;
 -педагогик вазифаларни хал қилишга тизимий ёндашшга қаратилганлик;
 -дастурий мақсадларни режалаштириш қобилияти;
 -илмий-тадқиқот маданияти;
 -технологик маданият;
 -графика маданияти;
 -касб ахлоқи;
 -таълим муаммоларини мустақил аниқлаш қобилияти;
 -коммуникативлик;
 -дилқатлик.

-касбий маслаҳатчилик, қўлланма ҳолатларга тайёр гуриш;
 -киришувчанлик метод ва методикаларни салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи турли ақидапарастликни енгиб чиқишга қодирлик қобилияти,
 -эргономик фикрлаш;
 -касбий фаолиятнинг индивидуал услуби;
 -ўзининг касбий сифатларига баҳо бера олиш, ўз фаолиятини ва унинг натижаларини рефлексия баҳолаш қобилияти, ўз-ўзини танқид қилиш;
 -ўз-ўзини ривожлантириш ва мустақил таълим олиш қобилияти ва ҳаказо.

Дарҳақиқат, ҳар бир бўлажак касбий таълим ўқитувчиси ўз касбий фаолиятининг ихтисослиги ва хусусиятларидан қатъий назар фундаментал билимларга, педагогик маҳорат ва қобилиятга, касбий малака ва кўникмаларга эга бўлиши керак. Ана шу педагогик билим, малака ва кўникмаларни, юксак педагогик маҳоратни эгаллашда, бўлажак мутахассис касбий таълим ўқитувчисига ўз касбига оид у ёки бу муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини аниқлаб олиш имкониятини берувчи ижодкорлик, тадқиқотчилик, мустақил фаолият тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Умуман, таълим муассасасида ўқитиш жараёнидаги ўқитувчининг фаолияти педагогик маҳорат имкониятларидан фойдаланиб, ўқувчи-талабаларни фан асосларини чуқур эгаллашга йўналтириш, билим олишга ва касбий маҳорат сирларини билишга нисбатан қизиқиш уйғотиш, ижтимоий борлиққа эркин ва онгли муносабатни тарбиялашдан иборатдир.

Ўқитувчининг маълум бир фан асосида дарсга тайёргарлик кўринишида ва таълим жараёнида қуйидаги учта босқичда педагогик маҳоратни муҳим аҳамиятга эга: **ташхислаш, башоратлаш, лойиҳалаштириш (режалаштириш).**

- **Ташхислашда** ўқитувчи дидактик жараёнда кечадиган барча шароитларни ойдинлаштиради, унинг натижаларини белгилайди. Ўқитувчининг ташхислашида ўқувчи-талабаларнинг фаолиятлари ва ҳулқлари, мотивлари, билимдонлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда тузатиш ҳолатлари намоён бўлади;

- **башоратлаш** ўқитувчи томонидан бўлажак дарсни самарали ташкил этилишининг турли вариантларини танлаб олиб баҳолаш ва қабул қилинган мезонларга мувофиқ дарсни ташкил этишнинг энг маъқул вариантини танлаб олиш ва қўллашдир;

- **лойиҳалаштириш (режалаштириш)** ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш бўлиб, у дарсга тайёрланишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Шунингдек, ўқитувчининг тарбиячилик фаолияти ва маҳорати мазмунида эса олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс ҳулқ-атвори ҳамда сифатларининг моҳияти акс этади. Ўқитувчи **тарбия-мазмунини** шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳиятидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, кишилик муносабатлари моҳияти ва даражаси, жамият мафқураси гоялари асосида

белгилайди. Шу билан бирга, тарбиявий фаолият аввало ўқитувчилик фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати – ўқувчи-талабалар дунёсига кириб боришида, уларнинг меҳр-муҳаббатига ва ҳурматига сазовор бўлишида, таълим муассасаларидаги педагогик фаолиятни тўғри ва маълум бир мақсадга йўналтира олишида; ўқувчи-талабаларни ҳар тарафлама ривожлантирувчи педагогик вазиятларни тўғри ташкил қила олиш малакасида; ўқувчи-талабалар жамоаси ва алоҳида шахсга муҳитни бир маромда ташкил қилишида; тарбия қонуниятлари ва ўқувчи-талабалар жамоаси ҳаётини ташкил қилиш қонуниятларидан амалиётга ўқувчи-талабалар эгаллаган билим ва ижобий таъбиқ этишида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, унга асосланган кўникма ва малакалар-ўқитувчи-педагог тарбиячилик маҳорати моҳиятининг асоси ҳисобланади. Ўқитувчи-тарбиячи сифатида ўзида юқорида таъкидланган педагогик маҳорат билан боғлиқ қобилиятларни малака ва кўникмаларни йиллар давомида шакллантириб бориши зарур. Ана шундагина таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати кафолатланади ва таълим-тарбия жараёнида юқори самарадорликка эришилади¹.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Педагогик маҳорат – юксак даражада педагогик фаолиятнинг тараккий этилишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси ва касбий мавқеини ифодалайди.

Педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмлари – нутқ малакаси ва техникасини ўзлаштириш; тушунарли, таъсирчан фикр ва ҳис-туйғуларни сўзда аниқ ифодалаш, мимика ва пантомимик ҳаракатларидан ўз ўрнида фойдаланиш; маъноли ва очик чехрали нигоҳ билан қараш; ҳиссий-психик ва тасодифий ҳолатларда ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олиш; турли вазиятларда ўқитувчи-педагог ва тарбиячига хос бўлган ижодий кайфиятни бошқариш; кулги ва табассумла самимийликни эътироф этиш; ўқувчи-талабалар билан доимо яхши кайфият ва рағбатлантирувчи муносабатда бўлиш; саводли ва соф адабий тилда сўзлаш; ижодий педагогик қобилиятини қўллай билиш; ихтисосга доир билимлар мутахассислик фанини, уни ўқитиш методикасини, педагогика ва психологияни чуқур билиш.

“Профессионализм” – шахсни касб маҳорати ва касбий қобилиятини намоён этишидир.

¹ Хелиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: «IQTISOD-MOLLIYA», 2009, 158-173-бетлар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ҳаётда ўқитувчининг педагогик маҳорати қандай намоён бўлиши мумкин?
2. Педагог маҳоратини оширувчи ва такомиллаштирувчи омилларга нималар қиради?
3. Педагогик техника қандай малакаларни ўз ичига олади?
4. Педагогнинг ўз руҳий ҳолатини бошқариш техникаси деганда нимани тушунаси?
5. Педагогнинг нутқ маданияти деганда нимани тушунаси?
6. Педагогик қобилиятнинг қандай турларини биласиз?
7. Педагогик қобилиятларнинг ўқитувчи фаолиятидаги ролини қандай баҳолайсиз?
8. Педагогик қобилият билан педагогик маҳорат қандай боғлиқликда бўлади?
9. Ҳаётда ўқитувчилик касбида коммуникатив қобилият нима учун зарур?
10. Педагогик қобилият ва педагогик маҳоратнинг моҳияти нималардан иборат?
11. Педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмлари нималарни ўз ичига олади?
12. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси эканлигини қандай баҳолайсиз?
13. Ҳаётда ўқитувчининг педагогик “профессионализи” деганда нимани тушунаси?
14. Ҳаётда ўқитувчининг педагогик фаолиятини диагностикалашнинг қандай усулларини биласиз?

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

Педагогик маҳоратнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти.

1. Ҳаётда ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.
2. Ҳаётда ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.
3. Педагогик техника педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатида.
4. Ҳаётда ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати.
5. Ҳаётда ўқитувчининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари ва шарт-шароитлари.

1. Педагогик маҳорат – бу

а) муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда шу мақсадни натижаларини қафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

б) ўқитувчи томонидан педагогик жараёни такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омилidir;

в) дидактик ҳамда тарбиявий жараёнининг ўқитувчи томонидан самарали, маҳоратли тарзда ташкил этишдир;

д) таълим ва тарбиявий фаолиятда юқори даражага эришишни ва уни доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолият бўлиб, ҳар бир ўқитувчи фаолиятида намоён бўлади;

е) a,b,c,d.

2. Таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик маҳоратини намоён этувчи асосий воситаларни белгиланг?

а) таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро фаолияти;

б) стандарт-ностандарт машғулотларни ўтказиш;

в) ўқув материални назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириши;

д) ўқув материалларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириш;

е) a,b,c,d.

3. Педагогик маҳоратга тўғри тавсиф берилган жавобни белгиланг?

а) педагогик –психологик ва методик билимларни мукамал эгаллаш;

б) ўқитувчи шахсий ва касбий ,фазилатларини ривожлантиришни белгилловчи хусусиятлар;

в) ўз касбий билимларини, кўникма ва малакаларни доимий ўзлаштириб бориш;

д) сўнги ахборот технологиялари ва замонавий билимлар қуроллаиған бўлиши;

е) a,b,c,d.

4. Педагогик маҳоратни шакллантиришни таъминловчи омиллар?

а) таълим олувчиларнинг ёш, физиологик –психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, уларнинг фаолиятини объектив назорат қилиш ва баҳолаш.

б) таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш асосида ўз фаолиятини ташкил этиш;

с) фанларни ўқитиш жараёнида техник воситалар имкониятларидан кенг фойдаланиш;

д) эгаллаган билимларини ўзларининг ҳаётий ва амалий фаолиятида қўллай билиши;

е) a,b,c,d.

5. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатларини белгиланг?

а) ўз касбига муҳаббат, ўқитувчи-талабаларни сева олиш, мутахассислиги бўйича пухта билимга эга бўлиши;

б) педагогик такт ва педагогик назоратга эга бўлиш, педагогик техникани қўллай олиш;

с) ўқувчи-талабалар жамоасига сингиб кета олиш;

д) ўқитувчини ўз педагогик фаолиятини мукамал режалаштира олиш;

е) a,b,c,d.

6. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчига зарур бўлган қобилият тизимини аниқланг?

а) билимни тушунтира олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, обрў орттира олиш, мулоқот қилиш, келажакни кура билиш, диққатни тақсимлай олиш;

б) аниқ мақсадни қўллаш, қатъиятглилик, камтарлик, кузатувчанлик, ташкилотчилик, келажакни кура билиш, диққатни тақсимлай олиш;

с) диққатни тақсимлай олиш, янгиликка интилиши, ўзига ва ўзгараларга талабчанлик;

д) тушунарли ва таъсирчан фикрни аниқ ифодалаш, самимийлик, муомала одоби;

е) a,b,c,d.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Педагогик маҳорат ҳақида умумий тушунча беринг.

№	ПМХ	Умумий тушунча

2. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси эканлигини тушунтириб беринг.

№	ПБУКМНА	Тушунча

3. Ўқитувчининг педагогик профессионализи деганда нимани тушунаси?

№	УШ	Тушунча

4. **Ўқитувчининг касбий қобилияти ва педагогик маҳоратини қандай баҳолаш мумкин?**

№	ЎКХ ва ПМ	Тушунча

5. **Ўқитувчи педагогик фаолиятини диагностикалашда қандай усуллардан фойдаланилади?**

№	УПФДУ	Тушунча

6. **Ўқитувчининг педагогик маҳорати – таълим ва тарбия сифати кафолати эканлигини тушунтириб беринг.**

№	УПМТ ва ТСКЭ	Тушунча

XI Боб. МУЛОҚОТ – ПЕДАГОГИК ТАРБИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

11.1. МУЛОҚОТ ЁХУД МУОМАЛА МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Мулоқот (арабча сўз бўлиб – “учрашиш, кўришиш; қабул қилиш маъносини англатади”) инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва фикр алмашув шаклининг бир тури¹.

Шундай экан, инсон мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, таълим-тарбия, турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар, ғоя ва мафкура омиллари таъсирида яшаб ижтимоийлашади ва баркамол шахс сифатида шаклланади ва ривожланади. Тарихий тажриба ва амалий фаолият шундан далолат берадики, инсонни жамиятдан ва шахслараро бўладиган ўзаро мулоқотидан ажратиб қўйиш унинг шахс сифатида шаклланишига имкон берадиган ижтимоий сифат, хусусият ҳамда фазилатлардан маҳрум бўлишига олиб келади. Чунки мулоқот инсон амалий фаолиятининг моддий-маънавий шаклларини ҳамда унинг эҳтиёжларини акс эттиради. “Ҳеч кимга сир эмаски, деб ёзган эди поляк психологи Е.Мелибурд,- шахслараро муносабат биз учун нафас олаётган ҳаводек зарурдир”.

Бу хусусда француз ёзувчиси Антуан де –Сент Экзюперининг “Ягона ҳақиқий бойлик бу инсонлар орасидаги муносабат ва мулоқот бойлигидир” деган фикрлари диққатга сазовордир.

Шу ўринда тарихга бир назар солиб, буюк юнон мутафаккири Аристотель (Арасту)нинг мулоқот маданиятига доир ибратли мактаб–Лицейни эсга олсак бўлади. У Афинада мактаб–Лицей ташкил этиб, бу мактабни 13 йил бошқарган.

Аристотелнинг мактаб – Лицейдаги таълим услуги ва ўқув технологияси ҳақида фикр юритадиган бўлсак, таълим жараёнида кўп сонли тингловчилар орасида ўзаро тенглик, баҳс-мунозара, эркин фикр, ўзаро ҳурмат ҳукм сурган. Яъни мулоқот маданияти, муомала маданияти, баҳс-мунозара юритиш маданияти, музокара маданияти, ниҳоятда кучли, нафис, эҳтиросли бўлганлигидан дарак беради.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том, –Москва, «Рус тили» нашриёти, 1981, 636-бет.

Шу маънода мулоқот ва муомала маданиятининг таркибий қисми нутқ маданиятидир. Чунки нутқ ва унда ифодаланган сўз оҳанги кишига таъсир этувчи қудратли психологик (руҳий) кучга эга, у нафақат сўзнинг мазмуни, балки сўзловчининг айтаётган фикрини ифода қилиш услуби билан ҳам унинг таъсир даражаси ва қудрати янада ортиши мумкин. *Зеро, сўз боши «Ассалому алайкум» каломи ҳаммамизга таниш, қадрдон. Араб тилида бу жумла «Сизга тинчлик ва соғлик бўлсин» деган маънони англатади.* Шу боис барча мусулмон мамлакатларида бошқача айтганда, ер юзидаги 1 млрд. 650 миллион нафар инсонга бу калом бирдек тушунарли ва қадрли. Масалан, “Ассалому алайкум” сўзининг қуйидаги турли оҳангда ифодаланишининг 10 дан зиёд шакли, яъни маъноси борлигини билиш фойдадан ҳоли бўлмайди деган умиддамиз:

1. **Ассалому алайкум!** – “Келинг” деган маънода.
2. **Ассалому алайкум!** – “Хўш, хизмат” деган маънода.
3. **Ассалому алайкум!** – “Яна келдингми?” деган маънода.
4. **Ассалому алайкум!** – “Жуда вақтида келдинг” деган маънода.
5. **Ассалому алайкум?!** – “Мен сизни танимаяпман” деган маънода.
6. **Ассалому алайкум!!!** – “Гап тамом” деган маънода.
7. **Ассалому алайкум!** – “Ҳа, ишинг тушдим!” деган маънода.
8. **Ассалому алайкум!** – “Бир пас кутиб туринг” деган маънода.
9. **Ассалому алайкум!** – “Вақтим йук, кетавер!” деган маънода.
10. **Ассалому алайкум!** – “Мана ишим битди, гапир энди” деган маънода ва ҳаказолар.

Шунингдек, “Ҳа” сўзини ифодалашнинг 50 дан ортиқ шакли бор бўлса, “йук” сўзини айтишнинг ҳам худди шундай оҳангдаги маъноси мавжуд, аммо бир, яъни бу сўзни ёзишнинг фақат бир услуби бор”¹.

Бу фикрнинг замирида мулоқот маданиятига доир жуда нозик қочирим яширинган. Зотан, кишилар мулоқотининг асосида сўз-фикр турар экан, фикрни баён этиш ифодаси ҳар бир кишининг савияси, маънавий дунёси ҳамда маданиятига боғлиқ. Фалсафа,

¹ М. Шаъров. Мулоқот маданияти ҳақида. «Мулоқот», 2000 йил 6-сон, 23-бет

педагогика, психология ва бошқа фанларда кенг қўлланиладиган микдор, сифат, меъёр тушунчалари инсоний мулоқот маданияти учун ҳам тўла мувофиқ келади, бинобарин, муомалада ҳам меъёрни билиш зарур.

Муҳими шундаки, мулоқот жараёнида кишилар ўртасида фикрий муштарақлик, ўзаро таъсир ҳамда ахборот алмашинуви юзага келиши билан бирга, улар ижтимоий маънода бир-бирига тарбиявий таъсир ҳам ўтказадилар. Лекин инсон табиатининг шундай мураккаб қирралари борки, уни мукамал билиш ва ўзлаштириб олиш мумкин эмас. Буюк мутафаккир Аҳмад Дониш таъбири билан айтганда: *Оламдаги жонли нарсаларда ҳайвоний ва шайтоний сифатлар бор. Бу қувватлар бирлаштирилиб «ҳосил бўлган ҳамирдан бир жонли нарса яратилиб, унинг отини инсон деб айтганлар, ҳақиқатдан, – деб давом этади мутафаккир – инсон улуг оламдир»¹. Инсоннинг фазилатлари ҳамда нуқсонни ҳақида у шундай ёзади: «Агар сен тафаккур дарёсига чўмсанг, етти осмонни ҳаёлинг қутичасига жойлайсан: агар қаҳри ғазабинг келса, йўлбарсни мушукдек ҳам кўрмайсан, агар меҳрибонлигинг тутар экан, бечора чумолини кинригинг устида сақлайсан; агар саҳийлигинг жилва қилса, кийган тўнингни муҳтожга бериб, ўзинг яланғоч қоласан; агар бахиллигинг тутса, қумурсқа оғзидаги донни талашасан»².*

Кундалик фаолиятимизда кишилар билан бўлган мулоқот, суҳбат ҳамда музокараларда ҳақиқатни англатадига ягона тушунча бу мантиқийлик деб ҳисобланиб, барча хатти-ҳаракатларимизни мантиқийлик ва мантиқсизлик деган тушунча билан баҳолашга ўрганиб қолган эдик. Мустақиллик даврига келиб эса педагоглар ва психологларнинг концепцияси асосида мулоқот маданиятининг узига хос томонига дахлдор бу тасаввурлар ўзгариб кетди. Уларнинг кўрсатишича, инсоннинг ҳулқ маданияти икки куч-тафаккур ва ҳиссиёт, ақл ва қалб ўртасидаги мусобақа натижаси эмас, балки, бу икки кучнинг қўшилиши ҳамда унга таъсир қилувчи тажриба (жисмоний ва маданий) муҳит каби кўплаб омиллар асосида шаклланади.

Шу ўринда ибратли бир ривоятни эслаш ўринли: «Искандардан сурабдилар: «Озгина сармоя ва оз сонли аскар билан бундай кўп мамлакатни қандай ҳислат билан қўлга кирит-

¹ Аҳмад Дониш. Наводирул вақое – Т.: «Фан», 1964, 325-бет.

² Уша жойда, 325-326-бетлар.

динг?» *Искандар*: «Лутф ва юмшоқ муомала билан душманларни қўлга киритдим. Аҳд-паймон йўли билан дўстларни йўлга солдим, шу жиҳатдан кўп мамлакатни эгалладим», *деб жавоб берди.*

Шундай экан, инсоннинг тили ширин, муомала маданияти юксак бўлса у қисқа вақт ичида халқ орасида катта обрў-эътибор топади.

1-шакл

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

Ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи, шахслараро мулоқот ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Муомала маданияти қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

Коммуни-
катив

Бир томонлама ахборот узатиш
Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолиятининг қатнашчилари билан ўзаро ахборот ал-машинувни қамраб олган бўлиб, коммуникатив жабҳа сифатида тавсифланиши мумкин. Шахслар бир-бирлари билан мулоқотга киришиши жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири тилга ва нутқ фаолиятига бевосита мурожаат қиладилар.

Интерактив

Икки томонлама ахборот узатиш
Мулоқотга киришувчиларни ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида нафақат сўз орқали фикр алмашинуви, балки хатти-ҳаракат ва ҳуққ-атвори билан ўзаро таъсир ўтказиши тушунилади.

Перцептив

Ўзаро бир-бирини идрок қилиши, айглаши
Мулоқотга киришувчилар ўзаро бир-бирларини идрок қилиш жараёнида намоён бўлади, яъни улардан бири иккинчисининг ишончига лойик, ақлли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок қилинади.

Зеро, кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларида ширинсуханлик, гўзаллик, сўзлашув оҳангидаги мулойимлик “**Муошарат одоби**” дейилади. Мушорат одоби, яъни илк муомала маданияти боланинг гўдаклигида ота-она бағрида, оилада шаклланади. Шу боис ҳам халқимиз “**Қуш уясида кўрганини қилади**” деб бежиз айтмаган. Шахс таълим муассасасида, балоғатга етиб улғайгач эса, ижтимоий муҳитда ва жамоада кўникма ҳосил қилиш жараёнида, оиласида ўрганган муошарат одобининг куч-қудратида ёш авлодда муошарат одобини, яъни муомала маданиятини шакллантиришда ўқитувчи-педагогнинг ўзи хушмуомалигини намойиш этиб, ўқувчи-талабалар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, улар билан ҳамдард, ҳамфикр бўлиб, ўрнатқулиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Муомала ва муносабатда ўқувчи-талабалар қалбига йўл топаолган, хушфёъл, ширинсухан, адолатпарвар, муомаласи яхши, тили ширин ўқитувчи-педагог ва тарбиячиларни дилдан ёқтиришади ва ҳурмат-эътибор қилишади, улардан ибрат ҳам олишади.

Дарҳақиқат, ўқитувчи-педагог ва тарбиячиларнинг муомала маданияти, ақл-заковати, фикри, ҳис-туйғулари, билими ва маданий савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. *Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади.* Шундай экан ўқитувчи-педагог ва мураббийлар ўз сўзига, тилига ниҳоятда эҳтиёт бўлмоғи лозим. Энг аввало, ўқувчи-талабаларга муомала маданиятини, ёши катталар олдида ўзини тута билишини, уларнинг гапини бўлмаслик ва ёши улугларга гап қайтармасликни ўргатиши зарур.

Шундай қилиб, бизнинг келажагимиз бўлган ёшларнинг бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишини ҳаёт тақазо этади. Шу боис ўқувчи-талабалар фёъл-атворини ўзгартириш, уларни бир-бирига, қолаверса инсонларга меҳру-муруватли бўлишга ўргатиш диний ақидапарастлик, жаҳолат томир отаётган ҳозирги давр учун жамиятни инсонпарварлаштириш энг муҳим долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Аслида бу вазифа инсон ва жамият пайдо бўлгандан буён кун тартибида турган бўлиб, ҳали-ҳануз мулоқот ва муомала маданиятини такомиллаштириш умуминсоний эҳтиёж сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. *Атоқли адиб Бернард Шоу сузлари билан айтганда:* “**Биз ҳозир ҳавода қуш каби учишни, сувда балиқ каби сузишни ўрганиб олган бўлсак-да, бизга бир нарсаси, ерда инсондек яшашни ўрганиб олиш етишмайди**”.

Шунга кўра, мулоқот ва муомала маданиятига бўлган эҳтиёжни оқилона англаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро,

педагогик мулоқот ва муомала маданияти асосида эришиладиган ютуқлар ўқитувчи-педагогнинг ижодий меҳнати маҳсулидир.

Хуллас, ўқитувчи-педагог ҳар бир вазиятни оқилона баҳолаши, уни тўғри режалаштириши, таълим ва тарбия жараёнларида ақл-идрок билан мулоқот ва муомала маданиятини ташкил этиши лозим.

11.2. ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРДА ШАХСЛАРАРО ИНСОНПАРВАР-АХЛОҚИЙ МУЛОҚОТНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мулоқот — бу бир вақтда бошқа инсонлар билан ҳаракатлар, фикрлар, сезгилар, ҳаяжонлар алмашиш ҳамда инсоннинг ўз қалбига, хотираларига, виждонига, орзуларига мурожаат этишидир¹.

Мулоқот — ижтимоий-фаол, индивидуал-ижодий, амалий-предметли фаолиятдир. Мулоқотда асосийси-бирдамлик, дўстоналик, бағрикенглик, фидокорлик ҳисобланади.

Мулоқот — бу «Шахснинг энг яхши томонларини аниқлаш ва очиб беришга ёрдам берувчи ижодкорлик шаклидир. У бошқа инсоннинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсоният томонидан ишлаб чиқилган ахлоқ, одатларнинг оддий қондаларига амал қилишга асосланишини»² эсда сақлаш зарур. Мулоқотнинг назарий асосларини Л.С.Виготский, В.Н.Леонтьев, М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Ш.К.Мардоновлар ўрганганлар, ушбу тушунчанинг фаолиятдаги мантикий-методологик изоҳларини ишлаб чиққанлар.

Америкалик олимлар маданиятлараро мулоқотлар имкониятларини ўрганишган. Бу тадқиқотлар биз учун маълум аҳамиятга эга бўлиб, айниқса, турли ёшдаги, ижтимоий ва этник гуруҳ вакилларининг биргаликдаги фаолиятлари, ўзаро алоқалари ҳамда мулоқотларини кўзда тутувчи коммуникатив вазиятларда идрок этиш тузилмаларининг шаклланиши ҳамда ривожланиши муаммоси кизиқарлидир.

Шунингдек, Л.А.Радзиховский, А.В.Брушлинский, А.Н.Харитонов ва бошқа олимлар мулоқотда (сўзлашув)нинг ўрни муҳимлигини алоҳида кўрсатиб берганлар. Улар фикрлашнинг ривожланишини ўқитишнинг фаол диалогик методлари, идрок этиш ва ижтимоий ривожланишини бошқариш орқали ўрганганлар.

Шахслараро мулоқот функцияларини амалга ошириш-мулоқот субъектининг маънавий ахлоқий кўрсатмалари, шунингдек, инсон-

¹ Словарь по этике. Под Ред И.С.Кона. — Москва: «Политика», 1983, С.228.

² Уша жойда, 228-бет

парварлик, эмоционал-ижобий, шахсий ёндашув, индивидуаллик ва ўзига хослик каби йўналишлари билан белгиланади.

Мулоқот функцияси фақат мулоқот субъектларининг маънавий-ахлоқий йўналишигина эмас, балки кўп жиҳатдан, унинг инсон-парвар-ахлоқий мазмунига боғлиқ бўлади. Мулоқотнинг шакли, лаҳзали, тасодифий, тематик режалаштирилган – баён этиш, ахборот, хабар, суҳбат, суҳбатлашиш, гаплашиш, мунозара кабилардан иборат.


Эътибор бериш, қизиқиш, маъқуллаш, ҳамдардлик, истиқболни кура билиш ёрдамида таъсир кўрсатиш, тушунилган ва англаб етилган мотивация асосидаги фаолият кабилар мулоқот турига кириб, масалани ҳал этишга йўналтириш, эмоционал муҳит яратиш, рағбатлантириш, йўналтириш билан ҳамкорликдаги ҳаракатлар якунини ясашга йўналтириш, шунингдек, мулоқотнинг самаралилиги, унинг мавзусига ижобий мотивацияси, эътибори, қизиқишига боғлиқ бўлади.

Мотивация мулоқот жараёнининг бошқарувчиси сифатида маъно, онглик, ишонч ва қатъийликни талаб қилади.

Мулоқотнинг маъноли жиҳатларига унинг мақсад ҳамда умумийликка эришишда ўз индивидуаллигини кўрсатиши, шунингдек, мулоқотнинг турли функцияларидан фойдаланиш – қўзғатувчи, экспрессив, ташкилий, информатив, эмоцияли, далилга асосланганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шахслараро юзма-юз мулоқотларда индивиднинг потенциал-шахсий, касбий-эҳтиёжли ҳамда амалий-идрок этиш жараёни содир бўлади.

“Мулоқот ва фаолият” тушунчасига ижтимоий фаолликнинг ўзига хос шакли ва айни бир вақтда индивидуал мустақиллик сифатида қаралади. Бу ерда муаммони қўйиш, унинг мақсади, вазифаси, масалалари, мулоқот вазият-шароит, муҳит омиллари, элементлари, мулоқот субъектига талаб (*бир сўз билан айтганда, бу фаолият субъекти билан шахслараро мулоқотни моделлаштириш*) муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда бошқа инсоннинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсоният томонидан ишлаб чиқилган одоб, ахлоқ, этикет бўйича оддий қоидаларга амал қилиш зарур. Шу билан бирга, эмоционал-ижобий омил, симпатия, эмпатия муҳим ўрин тутаети. Сўз, нутқ, ҳикоя қилиб бериш, хабардор қилиш, гапириш, суҳбатни олиб боришни билиш (*шеригига эътибор, диққат, тушуниш ва ҳурмат билан қараш, сўзсиз-эмоционал тундан моҳирона фойдаланиш*) муҳим аҳамиятга эга. Мулоқот, албатта, маънавий, инсонпарварлик ҳамда юксак одоблилик даражасида бўлиши керак, асосийси-шахслараро мулоқотда ўзини суҳбатдоши ўрнига қўйишни билиши зарур (2-шакл).



Шахслараро мулоқот-ўзаро алоқали, ўзаро бир-бирини тушуниш, идрок этиш, ахборот алмашиш, ургатиш, ривожлантириш, тарбиялаш, ўзини намоён этиш, ўзини долзарблаштириш, ўзини тасдиқлаш, ижтимоий ўзаро алоқалар орқали таъсир курсатиш хусусиятларига эга.

Инсонпарварлик (лотинча *humfnis-инсонийлик*) – инсон ўз ҳуқуқлари ва қадр-қиммати, шахс сифатидаги қимматини ҳурмат қилишни ифода этувчи қарашлар тўплами, унинг фаровонлиги, ҳар томонлама ривожланиши, ҳаёти учун қулай шароитлар яратиш тўғрисидаги гамхўрликдир.

Инсонпарварлик-инсоннинг олий қадрият сифатида эътироф этилишига асосланган қарашлар тўпламидир.

Шахслараро мулоқотни инсонпарварлаштириш жиҳати суҳбатдошларнинг интеллектуал маънавий имкониятларини фаоллаштириш ва шахсий-ижтимоий ўзлигини амалга оширишни кўзда тутди. Мана шундай мулоқотда ўқувчи-талабалар шахси шакллантирилади, чунки бу жараёнда уларнинг ички имкониятлари, шахсий инсонпарварлиги тўла намоён этилади. Бу ерда бўлажак мутахассисларни шахс, инсон ва инсонийлик сифатлари тўғрисидаги билимлари ва мулоқот маданияти намоён бўлади.

Инсонпарварлик асосидаги мулоқот – бўлажак мутахассислар учун шахсий, ижтимоий, ҳаётий ва касбий фаолиятларининг турли соҳаларида инсонпарварлик ғоялари ва қадриятларини амалга оширишнинг муҳим шарт-шароитлари ҳисобланади. Бу давлат таълим сиёсати ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий қоидаларига мос келади.

Мулоқотнинг инсонпарварлик жиҳатлари маънавий-амалий асосга – ахлоқийликка асосланади. Инсон ижтимоий ҳаёти жараёнида ишлаб чиқилган (авлодлар ҳаётий тажрибалари асосида) ва ахлоқий категорияларда акс эттирилган ғоялар, идеаллар, қоидалар – меъёрий ахлоқийликка асосланади.

Шахслараро мулоқотни инсонпарварлаштириш қуйидаги қоидаларга асосланади:

- мулоқотда асосийси-инсондир;
- мулоқотда асосийси-инсонпарварларча мулоқотда бўлиш – дўстоналилиқ, самимийлик, иноқлик, тотувликдир.

Ушбу мулоқотда суҳбатдош ўзини объект сифатида эмас, балки мулоқотда тенг иштироқчи сифатида ҳис этадиган йўл, восита, метод ҳамда шаклларини топиши зарур.

Шундай қилиб, мулоқот жараёни эркин, табиий, қизиқарли, бир-бирини бойитувчи, бир-бирига таъсир курсатувчи, ўзини намоён этувчи бўлиши керак. *Қуйидагилар инсонпарварлик асосига қурилади: суҳбатдоши (шериги) шахсига эътибор, дўстона суҳбат, мулоқот шароитларига мос, суҳбатнинг риторик жиҳати кўзда тутилади. Суҳбатлашувчи одоб, ахлоқ, маънавий сифатларини намоён этади, суҳбатдошида керакли сезгиларни уйғотиб, исталган фикр ва мулоҳазаларни юзага келтиради. Шеригига мақсадли таъсир курсатиш учун мулоқот субъект-объект хусусиятида, инсонпарварлаштирилган мазмунда маҳсулдор-ижодий асосда амалга оширилади. Мулоқотда инсонпарварлик – бу суҳбатдошига ўзаро алоқа объекти сифати эмас, балки ўзини намоён этувчи объект сифатида қарашдир.*

11.3. ЎҚИТУВЧИ-ПЕДАГОГЛАРНИНГ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР БИЛАН ПЕДАГОГИК МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

Ҳозирги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ақл-идрокини ўстириш, илму маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш учун ўқитувчи-педагогнинг билим савияси, касбий маҳорати ва муомала маданият юксак бўлиши ҳаётий эҳтиёждир.

Айниқса, педагог-устоз бўлиш учун педагогик фаолиятда тарбияланувчиларга педагогик ташхис қўя билиш қобилияти муҳим роль ўйнайди. Таълим-тарбияни аниқ мақсадлар асосида амалга ошириш ўқувчи-талабаларнинг ҳолати, ақлий ва жисмоний ривожланиш даражасини аниқлаш ҳамда уларга амалий жиҳатдан кўмак бериш каби бир қатор педагогик талабларга риоя қилишни тақазо этади. Ташхис ҳар бир ўқувчи-талабанинг ички ва ташқи қиёфасини аниқлаш, таълим-тарбиянинг замон талабларига мослигини эътиборга олиш, таълим олувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишига таълим-тарбия методлари самарасини белгилаб олиш, замонавий педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этиш ва ўқувчи-талабалар шахси қобилиятининг ривожланиш даражасини, меъёрларини аниқлаш имконини беради. Ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабалар гуруҳлари билан айрим-айрим гаплаша олиши керак. У дарсни самарали олиб бориш учун гапиришни билиши, суҳбат, маъруза, ҳикоя қилиш каби таълим-тарбия усулларидан фойдаланиши, умуман, бутун

таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабалар билан ҳамкорликни йўлга қўя олиши лозим. **Ўқувчи-талабалар жамоаси билан муомала кўпинча суҳбат, маъруза, ахборот ва ҳаказолар шаклида бўлади.** Биринчи навбатда, суҳбатни қандай бошлаш, қандай қилиб ўқитувчининг гапларига ўқувчи-талабаларнинг диққатини тортиш, уларни қизиқтириш мумкинлиги ҳақида куйидаги фикрларни билдирамиз.

Мавзуга ўқувчи-талабалар диққатини тортишга уриниб кўриш лозим. Бунда мавзуни баён этишни эркин, қизиқарли фактни маълум қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Кейин уни тушунтириш ва таҳлил қилиш эса муомаланинг мазмунини ташкил этади. Суҳбат жараёнида ўқувчи-талабаларда доимий қизиқиш уйғотиши учун бир қатор мураккаб бўлмаган усуллардан фойдаланиш зарур. Энг муҳим сўзлар ва ибораларни интонация билан ажратиб кўрсатиш ва аксинча, интонацияни ўзгартириш, унчалик муҳим бўлмаган материални баён қилиш керак, овоз ва нутқ оҳангини ўзгартириш фойдалидир.

Ҳамкорлик муваффақиятли бўлиши учун ўқитувчи-педагог маълум йўл-йўриқларга эга бўлиши, ўқувчи-талабалар билан ҳамкорликни муайян натижага эришишнинг зарур шarti деб билиши, ҳамкорликка барча ўқувчи-талабаларнинг жалб этилиши, ҳамкорлик жараёнига ўзининг ҳиссий жалб қилинганлиги зарур эканлигини англаб етиши лозим.

Агар ўқувчи-талабаларнинг фаолияти жамоа фаолияти сифатида ташкил этилсагина ўқитувчи-педагогнинг ўқувчи-талабалар билан ҳамкорлиги пайдо бўлади, яъни ҳамкорлик қилишни талаб этади ва бунинг учун шарт-шароит яратади.

Ҳамкорлик вужудга келиши учун жамоада ташкил этилиши лозим бўлган таълим-тарбиявий ишлар долзарб бўлиши ёки ўқувчи-талабаларнинг хусусиятларига мос бўлиши лозим. Ўқувчи-талабаларни бирор фаолият соҳасига, бирор аниқ ишга жалб этар экан, ўқитувчи- педагог уларга психологик ва педагогик жиҳатдан тўғри вазифа қўйиши, яъни тўғри йўл-йўриқ бериши керак.

Ўқувчи-талабалар белгиланган нарсани амалга оширишга киришганларида ўқитувчи-педагог айна бир вақтнинг ўзида ҳам иштирокчи, ҳам кузатувчи, ҳам маслаҳатчи вазифасини бажаради.

Муомала билиш жараёнидир. Билиш ўқувчи-талабаларнинг миқдорлар тизимини ўзлаштириш ва ҳосил қилиш тарзида намён бўлади. У ўқувчи-талабаларга оламни ва унда ўзини тушуниш

имконини беради. Билиш фаолияти ва унинг жараёнидаги муомала ўқувчи-талабаларга ўзларининг билишга доир қизиқишлари ва майлларига тўғарак машғулотларида, илмий жамиятларда, олимпиада ва танловларда рўёбга чиқариш имконини беради. Муомала ҳар қандай ахборотни идрок этишга ва уларнинг ўқувчи-талабалар томонидан талқин қилинишига ҳам таъсир ўтказди. Ўқувчи-талабаларнинг муомаласини ташкил этиш педагогик таъсир кўрсатишнинг шундай гуруҳига кирадики, у фақат алоҳида бир ўқувчи-талабага қаратилиб қолмасдан, балки ўқувчи – талабаларнинг муайян бирлигига-таълим муассасаси жамоасидан тортиб ўртоқлари гуруҳига ҳам мўлжалланган бўлиши лозим. Шу муносабат жараёни ўқувчи-талабалар жамоасининг мазмуни асосига айланади. Жамоада муомалани ташкил этиш бутун таълим-тарбия жараёнидан ва жамоанинг бутун фаолиятини ташкил этишдан ажралиб қолган қандайдир бир нарса эмас.

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигининг энг муҳим шароитларидан бири – бу жараённинг ўқувчи-талабалар муомаласи учун маълум даражада имкон яратиб беришдир.

Таълим муассасасидаги таълим-тарбия ишининг бутун мазмуни амалда ўқувчи-талабалар муомаласи мазмунининг асоси ҳисобланади. Бироқ ўқитувчи-педагоглар ҳар бир ўқувчи-талабани ўз субъектив вазиятига қўйиш учун таълим-тарбия жараёнини ташкил этганларидагина бу имкониятни фаоллаштириш содир бўлади. Бир қатор шарт-шароитлар мавжуд бўлганда, ўқувчи-талабалар жамоа фаолиятининг субъектига айланади. Бу шарт-шароитларнинг энг муҳимлигига тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, жамоанинг фаолияти ўз мазмунига кўра хилма-хил бўлса, **иккинчидан,** бу фаолиятни ўқитувчи-педагоглар бошқариб бориши лозим. **Учинчидан,** ўқувчи-талабалар жамоасида ташкил этиладиган фаолият, уларнинг ижодкорлигига катта имкониятлар яратиб берса, **тўртинчидан,** бу фаолият ўқувчи-талабалар жамоасини уюштиришининг хилма-хил шакллари бирга қўшиб олиб бориши лозим.

Ўқувчи-талабаларнинг жамоа топшириқларини бажаришларининг бошқа **шахслар** – юқори синф ўқувчилари ёки юқори курсдаги талабалар ўз жинсидаги ва бошқа жинсидаги тенгдошлари билан аниқ мақсадга қаратилган муомаласини тақазо этади. Катта ёшдаги ўсмирлар жамоат топшириғини бажарар экан, кўпинча фаолиятнинг ташкилотчиси мақеида бўлади. Уларнинг олдида

биргалиқда бажариладиган ишга ўртоқларини жалб этиш зарурати бўлади. Хилма-хил педагогик вазифалар доимо вужудга келиб турадиган педагогик фаолиятда ҳал қилишнинг мазкур таркибий қисми алоҳида аҳамият касб этади. Чунки у бирор фактга педагогик фаолиятнинг умумий материалларига баҳо бериш имконини беради. *Тасаввур қилинг: сиз дарсда савол бердингиз ва ўқувчи – талабалар қўл кўтардилар. Энди кимдандир сураш керак. Вазифами? Ҳа, анча оддий бўлиб туюлади. Кўндан бери ҳеч кимдан сурамаган бўлса, шунини тургазаман деб ўйлайсиз ёки вақт оз, Жамшиддан ёки Анвардан сурайман уларнинг иккаласи ҳам ҳар гал тўғри-жавоб беради дейсиз.*

Тарбиявий жараёни ёки алоҳида тарбияловчи таъсирни режалаштириш фақат педагогик таъсир курсатишнинг шакллари, усуллари ва йўлларини аниқлашдангина иборат бўлмай, балки педагогик муомала тизимини, албатта, аниқлашни ҳам билдиради.

Аниқ мақсадли вазифа ва тарбия усулини танлаш вазифаси бўлган умумий педагогик вазифани ҳал қилиб бўлгандан кейин улардан бевосита ўзаро алоқани ташкил этиш учун восита бўлган фикр алмашишга доир вазифани вужудга келтириш зарур. Ўзаро фикр алмашишга доир вазифа муаммоли алоқа вазиятида иборат бўлиб, уни ҳал қилиш тарбия усулларини педагогик муомала тизими орқали амалга ошириш учун зарурдир.

Педагогик муомаланинг самарали жараёни учун унинг шарт-шароитларини билиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўқувчи-талабалар билан ўзаро муносабатнинг бошланиши, ўзаро фикр алмашишига доир яна бир муҳим вазифани ҳал қилиш билан муомала объектларининг диққатини ўзига жалб қилиш билан боғлиқдир.

ПЕДАГОГИК МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

Ўқитувчининг ўқувчи-талабаларга таъсир ўтказиш усулларининг муайян тизимлари

- Ҳамкорлик иштирокчиларининг ўзаро ахборот алмашишуви;
- Турлича коммуникатив воситалар ёрдамида ўқитувчи-педагог томонидан ўқувчи-талабалар билан ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни ташкил этиш;
- Муайян мақсадни дастурий асосда амалга оширишни режалаштириш ва ўтказиш функциясини бажаради;
- Ўқув фаолиятини яккаҳол бажаришнинг воситаси;
- Тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоий-психологик тизими;
- Таълим-тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи ўқитувчи-педагог билан ўқувчи-талабаларнинг ўзаро муносабатининг муайян тизимини ташкил қилишнинг усули;
- Ўқувчи-талабалар индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъдодини қарор топтириш имконини берувчи жараён эканлиги;
- Яккаҳол фаолиятнинг субъекти сифатида рўёбга чиқариш асослидир;
- Ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар жамоасининг ўзаро таъсир малакаси, усули, тизими англашининг унинг моҳияти, ўзаро ахборот алмашиши, таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказиш ўзаро тушувишга эришиш ва уни ташкил этиш.

Юқоридаги ўқитувчи-педагоглар ва ўқувчи-талабалар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни вужудга келишини, улар ўртасида руҳан мулоқот пайдо бўлишига етакловчи педагогик фаолият шаклини муомала деб аташ мумкин. Қуйидаги педагогик муомалага қиришмишлик тестида бунинг мазмун-моҳиятини қуришимиз мумкин:

ПЕДАГОГИК МУОМАЛА ТЕСТИ

Педагогик муомала – ўқувчи-талабалар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатилиши ва ҳамкорлик ривожланишидан иборат жараён бўлиб, бу жараён уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишга нисбатан эҳтиёжлари асосида вужудга келувчи қуйидагиларни ўз ичига олувчи фаолиятдир:

- ўзаро тушуниш ва англаш;
- ўзаро бир-бирини идрок қилиш;
- ўзаро ахборот алмашиш;
- ўзаро ҳаракат қилишнинг ягона услубини ишлаб чиқиш.

Муомалавий бошқарув – ходимлар устидан раҳбарлик қилиш мақсадида амалга ошириладиган муомала жараёнидир.

Муомалавий бошқарувнинг мақсади:

- буйруқ ва курсатмалар, тавсияномалар, маслаҳатлар бериш;
- топириқ бажарилганлиги тўғрисида қатнашчилардан ахборот олиш ва уларни таққослаш;
- ижрочилар томонидан бажарилган топириққа баҳо бериш.

Муомалавий бошқарувнинг асосий босқичлари:

а) иштирокчиларга курсатмалар берувчи маълумотларни кузатиш;

б) қайта (иккинчи марта, такроран) маълумот олиш;

в) қатнашчилар томонидан тўпланган маълумотга баҳо бериш.

Курсатмалар берувчи маълумотлар узатишнинг шакллари:

- а) директив-буйруқ курсатма, талабнома;
- б) демократик –тавсия, маслаҳат, илтимос.

Педагогик муомала – ўқувчи-талабаларга таълим ва тарбия бериш мақсадида махсус равишда амалга оширилувчи, педагогик-психологик одоб (такт)га асосланувчи ҳамкорлик негизидан иборат муомала жараёнидан биридир.

Педагогик муомаланing мақсади – ўқувчи-талабалар билан ўзаро самарали ижтимоий ва педагогик-психологик ҳамкорлик қилишга эришиш;

-уқувчи-талабалар билан ўзаро шахсий муносабатларни шакллантириш;

-уқитувчи уқувчи-талабаларнинг бир-бирларини янада чуқурроқ тушунишларига ҳамда англашларига ёрдам бериш.

Агар биз таълимнинг моҳияти уқувчи-талабаларда билиш фаолиятини бевосита бошқариш эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда педагогик муомала билан муомалавий бошқаришнинг кўпгина вазифалари ўртасида ўхшашлик мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Худди шу боисдан ҳам муомалавий бошқариш жараёнига берилган тавсияномалар педагогик муомала фаолиятига бевосита хосдир. Муомаланинг энг муҳим хусусиятлари ўзаро бир-бирини англаш ва ўзаро бир-бирини идрок қилишда ўз ифодасини топади.

Ўзаро бир-бирини англаш қуйидаги омилларга бевосита боғлиқдир:

- адабий тилнинг миллий бирлиги;

- касбий атамалар билан миллий тилнинг ўзаро уйғунлиги;

- маълумотнинг тулаллиги, унинг мантиқий жиҳатдан изчил равишда баён қилиниши;

- суҳбатдошларнинг ақлий даражаси, маданий савияси ва касбий тайёргарлигини ҳисобга олиш;

- шахслараро муносабат қатнашчиси диққатини объектга тўплай олиш имконият уқуви;

- муҳокама қилинаётган масалани ҳал қилишда суҳбатдошларни шахсий қизиқишларининг мутаносиблиги;

- ўзаро идрок қилиш эса ушбу ҳолатлар билан узвий боғлиқдир;

- суҳбатдошнинг нуфузи, обрўси, унинг мутахассислигига оид билими, малака ва кўникмалари;

- ўзаро шахсий муносабатнинг ҳолати, унинг ҳис-ҳаяжонга сероблиги;

- раҳбар ўз суҳбатдошларида қанчалик кўп ижобий ҳиссий ҳолатлар, чуқур кечинмалар уйғота олса, у тақдирда уларнинг ўзаро идрок қилиши тез суръатда (лаҳзада) амалга ошиши мумкин;

- ўзаро шахсий муносабатда ҳиссий ҳолатнинг намоён бўлишида;

- даражасига кўра иштирокчиларда: симпатия, эмпатия, дўстлик ёқтириб қолиш, бефарқлик, нафрат, ёқтирмаслик сингари салбий ҳиссий кечинмалар, туйғулар юзага келади. Шунинг учун ҳам муомалавий бошқарув жараёнидаги энг муҳим қоида ҳар қандай йўл ва усул ёрдами билан бўлса ҳам, энг аввало, суҳбат жараёнида ижобий ҳиссий ҳолатларни вужудга келтиришдан иборатдир.

Мазкур ҳолат қанчалик кучли, юксак кутаринки суръатда намоён бўлса, демак, муомалавий бошқарув шунчалик енгил кечиши мумкин.

ПЕДАГОГИК МУОМАЛА ТЕСТИ

№	Саволлар	Ҳа	Йўқ	Баъзан
1	Сиз иш юзасидан учрашувга боришга шайлавиб турибсиз, кутиб сизни асабингизни бузадими?	2	1	0
2	Сизни бирон йиғилиш, кенгашга ёки шу сизгари йиғилишларда иутк сўзлашга таклиф қилишса норозилик найдо бўладими?	2	1	0
3	Сизни тобингиз бўлмаса охириги дақиқаларгача шифокорни чакришга уринмайсизми?	2	1	0
4	Сизга ҳеч бўлмаган шаҳарга хизмат сафарига боришни таклиф қилишса, сиз бундан узингизни олиб қочасизми?	2	1	0
5	Сиз кечинималарингизни бирор киши билан баҳам куришни хоҳлайсизми?	2	1	0
6	Кўчада нотаниш киши сизга илтимос билан мурожаат қилса (бирор кўчани, уйни кўрсатиб юбориш учун вақт сўраб) асабни-лашасизми?	2	1	0
7	“Ота билан бола” муаммоси ҳар хил авлодларни бир-бирларини тушунамаслиги бонс юз беради, деб ҳисоблайсизми?	2	1	0
8	Сиз танишингизга бир неча ой олдин олган пулни қайтаришни унутганлигини айтишга уялмайсизми?	2	1	0
9	Сизга ошхонада мазасиз таом беришди. Тарелкани жаҳл билан суриб, жимгина ўтирасизми?	2	1	0

10	Сиз нотаниш киши билан ёлғиз қолдингиз, сиз уни биринчи бўлиб гапиришини кутасизми?	2	1	0
11	Сиз кутилмаган навбатга туриб қолдингиз, сиз ўз ниятингиздан воз кечмасдан, навбатни охиригача кутасизми?	2	1	0
12	Низоли вазиятни кўриб чиқувчи комиссия таркибига киритишди, сиз бу ҳолатдан қочинишга уринасизми?	2	1	0
13	Сизда бадий адабиёт, санъат, маданият, бошқалар фикрини номаъқуллигини белгиловчи шахсий индивидуал мезонингиз борми? Шундайми?	2	1	0
14	Сизга ошкор бўлган масала бўйича кимдир нотўғри нуқтаи назар билдиришди. Сиз баҳслашмасдан жим ўлтирасизми?	2	1	0
15	Сизга буш вақтингизда у ёки бу ўқув мавзу ва хизмат вазифалари бўйича мурожаат қилиб туришадими?	2	1	0
16	Сизда ўз фикрингизни оғзаки баён этишдан кура ёзма ифодалаш қулайми?	2	1	0

Эслатма: сизнинг эътиборингизга педагогик муомала тестида бир нечта оддий саволлар ҳавола қилинди. Сиз тез жавоб беришга ҳаракат қилинг “ҳа”, “йўқ”, “баъзан”.

Натижаларга кура, муомалага киришимлилик қобилиятини белгиловчи даражалар қуйидагиларга ажратилади?

30-32 балл. *Сизни мутлақо муомалага киришишингиз қийин. Сиз кўпроқ ўзингизни ички туйғуларингизга берилиб, атрофдагилар билан чиқишишга анча қийналасиз.*

25-29 балл. *Берк, тунд одамсиз.*

19-24 балл. *Сиз маълум даражада муомалага киришиш имкониятига эгасиз.*

14-18 балл. *Нормал.*

9-13 балл. *Муомалага жуда яхши кириша оласиз.*

4-8 балл. *Муомалада етакчилик қилаоласиз, ҳар хил вазиятларда ҳам муомалада мавзу танлай оласиз.*

3 ва ундан кичик балл. *Сизда муомалага киришимлилик юқори, аммо одамлар сиздан қочишга ҳаракат қилишади.*

11.4. ҲУҚИТУВЧИ-ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ

Ҳуқитувчи – педагогнинг энг муҳим сифатларидан бири унинг ҳуқувчи-талабалар билан ўзаро ҳамкорликда таълим-тарбиявий фаолиятни самарали ташкил қилиши, улар билан қизгин мулоқот қила олиши ва уларга жонкуяр, меҳрибон раҳбар бўлишидир. Педагогик-психологик йўналишларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида ҳуқитувчи-педагог сермаҳсул педагогик фаолиятни амалга оширишлари учун зарур бўлган коммуникатив қобилият тўғрисида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган.


Ҳуқитувчи-педагог ўз касбига қизиқмаса, ҳуқувчи-талабаларга нисбатан меҳр-муҳаббати бўлмаса, улар билан қизгин мулоқот қилаолиш қобилияти, яъни коммуникатив хусусиятлари ривожланмайди. Узоқ йиллар давомида педагогика-психология соҳасида олиб борилган тажрибалар шундан далолат берадики, коммуникатив фаолиятда муваффақиятга эришиш учун ҳуқитувчи-педагогнинг интеграл фанлар асосларини ва ҳуқув-тарбиявий ишлар методикасини чуқур билиши етарли эмас. Зероки, у билим ҳамда амалий кўникма ва малакаларни ҳуқувчи-талабаларга фақат жонли ва бевосита мулоқот воситасида бера олади. Ҳуқитувчи-педагог ва ҳуқувчи-талабаларнинг жонли мулоқоти, таълим муассасаларида педагогик фаолиятнинг муҳим шarti ва мазмуни сифатида намоён бўлади.

Инсон ҳаёт тарзида энг муҳим таркибий восита бўлган мулоқот ҳар қандай касбий фаолиятнинг барча турларида мавжуд. Бироқ бир қатор касб эгаларида (чунончи, педагог, шифокор ва ҳ.к.) у касбий меҳнат асосини ташкил этадиган категория саналади. Бу ҳолда мулоқот инсонлар ўртасидаги оддий ўзаро ҳамкорлик шакли эмас, балки касбий фаолиятнинг муваффақиятини таъминловчи категория сифатида мавжуддир. Айниқса, педагогик фаолиятда мулоқот муҳим функционал, ҳуқитувчи-

педагог учун касбий жиҳатдан аҳамиятли восита саналиб, узаро таълим ва тарбиявий таъсир қуроли сифатида намоён бўладики, бунда мулоқотнинг муҳим шартлари ва қонуниятларига, қўшимча вазифаларига риоя қилишга тўғри келади.

Маълум бир мақсадга қаратилган таълим-тарбия жараёнида эса, мулоқотнинг педагогик тизими ижтимоий вазифага айланади, натижада ўқитувчи-педагог педагогик мулоқот қонуниятларини пухта билиши, коммуникатив қобилият ва коммуникатив маданиятга эга бўлиши талаб қилинади.

4-шакл



Тасаввур қилинг, сизга аудиторияда, минбарда туриб, ўқувчи-талабалар олдида чиқиб гапириб бериш таклиф этилди. Сиз коммуникацияни амалга ошириш вазифасини, аввало мулоқотнинг табиий шакллари ўрнига касбий-функционал жавобгарлик ҳиссини, яъни касбий жиҳатдан анчагина мураккаблашган педагогик фаолиятни дарҳол ҳис этасиз.

Касбий-педагогик мулоқот деганда, ўқитувчи-педагог ва таълим-тарбия жараёни субъектларининг узаро ҳамкорлик тизими тушунилади, унинг асосий фаолият мазмуни узаро ахборот алмашиш, шахсни билиш, тарбиявий таъсир утказиш

саналади. *Ўқитувчи-педагоглар бу жараённинг фаоллаштирувчиси сифатида майдонга чиқади, уни ташкил этади ва бошқаради.*

Таниқли психолог А.А.Леонтьев педагогик мулоқотнинг тарбиявий-дидактик аҳамиятини баҳолар Экан, куйидаги фикрларни билдиради: *фаол педагогик мулоқот-ўқитувчи-педагогларнинг, умуман олганда педагогик жамоанинг таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларни билиш ва ўрганиш калити, ўқув фаолиятининг ижодий характери, ўқувчи-талабалар шахсининг шаклланиши учун энг яхши шароит яратадиган, таълим-тарбияда мақбул бўлган эмоционал муҳитни таъминловчи, жумладан, руҳий (психологик) тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини оладиган, ўқувчи-талабалар жамоасида ижтимоий-психологик жараёнларни тўғри йўлга солиб бошқаришни таъминлайдиган ва ўқув-тарбиявий жараёнда ўқитувчи-педагогнинг уз педагогик маҳоратидан оқилона фойдаланиши учун имкониятлар яратадиган муҳим воситадир¹.*

Педагогик фаолиятда мулоқот ўқувчи-талабаларга замон талаблари асосида таълим бериш вазифаларини ҳал қилиш воситаси, тарбиявий жараёнларни ижтимоий педагогик жиҳатдан таъминлаш тизими сифатида намоён бўлади.

Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ҳамда таниқли педагог-психолог олимларнинг педагогик фаолиятини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, айнан ўқувчи-талабалар билан ўқитувчи-педагог мулоқотининг педагогик таъсир воситаси ниҳоятда бекиёс, мулоқотни педагогик маҳоратнинг энг муҳим бирламчи воситаси сифатида чуқур эгаллаганлик таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ҳар томонлама оширишни таъминлайди. Педагогик мулоқот – шунчаки ижтимоий-психологик, педагогик ёки коммуникатив ҳодиса эмас, аввало, ҳар қандай касбий-ахлоқий феномен (ҳодиса). Жамиятда ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш ҳамда педагогик воситаларнинг илғор жараёнларни амалий ҳаётга кенг татбиқ қилиш учун *ўқувчи-талабалар билан узаро ҳамкорлик технологияларини мукамал эгаллаш лозим. Шундай "технология"ларнинг мавжудлигини педагогик тадқиқотлар исботлаб берди.*

Ўқитувчи-педагогнинг коммуникатив фаолият маънавияти, тарбиявий таъминотга нисбатан кўпинча иккиламчи характерга эга бўлади, педагогик меҳнатнинг узига хослиги ҳам, айнан

коммуникатив фаолият унинг асосини ташкил этишидан иборат эканлигида.

Педагогик мулоқот уқитувчи-педагогни педагогик ижодкорлигининг яхлит тизимида қандай аҳамият касб этади? Педагогик фаолиятнинг муҳим микроэлементлари ностандарт ечимлардан иборат, гарчи уқитувчи-педагог фаолиятида педагогик вазиятлар бир қарашда бир-бирига ухшаш куринса-да уқитувчи-педагогнинг ушбу вазиятлардаги ҳар бир хатти-ҳаракати мутлақо ноёб ва бетакрордир. Ижодий педагогик жараён таҳлил қилинганда мулоқот жараёнида педагогик таъсирнинг уч воситасига эътиборимизни қаратамиз: биринчиси – вербал таъсир; иккинчиси – паралингвистик таъсир; учинчиси – новербал таъсир.

5-шакл

**Мулоқот жараёнида
педагогик
таъсирнинг уч
воситаси**

1. Вербал таъсир – бу сўз ва нутқимиз орқали курсатилган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир.

2. Паралингвистик таъсир – бунга нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сустайтирувчи омиллар: товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йутал, тил билан амалга оширилган ҳаракатлар, нидолар кирди.

3. Новербал таъсир – бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қиликлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевоСИТА ҳис қилишлар, ташқи қиёфа ва сигналлар кирди.

Ўқитувчи-педагог ва ўқувчи-талабаларнинг ҳамкорлик асосидаги бевосита таълим-тарбиявий мақсадларига қаратилган ижодкорлигидир.

Ўқитувчи –педагогнинг педагогик мулоқоти жараёнидаги ижодкорлиги бир нечта қўринишда намоён бўлади. Бу ўқитувчи-педагогнинг ўқувчи-талабаларни мукамал билиш жараёнидаги ижодкорлиги, улар билан ўзаро ҳамкорлик тизимидаги ижодкорлиги, ўқувчи-талабаларга бевосита таъсирни ташкил қилишдаги ижодкорлиги, ўз хулқ-атворини бошқара олишда (мулоқотни ўзини-ўзи билган ҳолда бир маромда олиб борриш) ижодкорлик, ўқувчи-талабалар билан ўзаро муносабатларни ташкил қилиш жараёнидаги ижодкорлиги. Модомики, шундай экан, таъкидлашимиз лозимки, ўқитувчи-педагогнинг мулоқоти касбий-ижодий категория бўлиб, педагогик фаолиятда ўқитувчи-педагог томонидан қўлаб коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш жараёни ва ижобий натижалар мажмуасидир.

Ўқитувчи-педагог таълим-тарбия жараёнида мунтазам педагогик таъсир ўтказиш методлари билан ишлайди: масалан, дарс жараёнида янги материални тушунтираётганда, ўқувчи-талабаларга ички тартибни бузганлик айби учун дашном беришда, ўқитувчи-педагог аввало нималарга эътибор бериши керак: *биринчидан, вазият таҳлил қилинади: иккинчидан, мураккаб вазиятдан чиқишнинг мумкин бўлган вариантлари сараланади, бу фаолият, одатда тезкор амалга оширилади (бунда ҳам педагогик коммуникациянинг ўзига хослиги намоён бўлади) ва фақат шундан кейингина педагогик таъсир ўтказишнинг оптимал методлари танланади. Бироқ ҳали танланган таъсир ўтказиш методига адекват бўлган, у орқали педагогик таъсир амалга ошириладиган мулоқот тизими топилмиши керак. Яъни маълум бир мақсадга қаратилган умумий педагогик вазифани ҳал этгандан сўнг, таъсир ўтказиш методини бевосита ташкил қилиш учун асосий вазифа сифатида коммуникатив вазифа белгиланиши керак.*

Коммуникатив вазифа педагогик фаолиятда ишлаб чиқарилувчи характерга эга бўлиб, мураккаб вазифани ҳал этади. Зеро, у педагогик вазифадан келиб чиқиб, вазифанинг асосини акс эттириб унга нисбатан ёрдамчи, инструментал характерга эга бўлган жараёндир.

Педагогик амалиётлар натижаси шундан далолат берадики, ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабалар билан ўзаро ҳамкорликнинг

тўғри методини танлаб ҳамда вазиятни тўғри баҳолаган тақдирда ҳам, кўпинча ўз педагогик таъсирини коммуникатив жиҳатдан таъминлай олмайди, яъни коммуникацияни узаро мулоқотда амалий жиҳатдан татбиқ эта олмайди. Педагогик таъсирнинг ўқитувчи-педагог томонидан танланиб қўлланиладиган методлари бевосита мулоқот орқали амалга оширилади. Шундай экан, мазкур жараёни юксак маҳорат билан, онгли равишда куриш, педагогик фаолиятда олдинда турган ҳар қандай вазиятда бу жараёни таҳлил қилиш зарур. Бунинг учун ўқитувчи-педагог педагогик таъсир этишнинг мантиқий образи(шакли)ни тузиб, ўзи учун керакли хулосаларни ёзиб олиши мумкин (6-шаклга қаранг).

Ҳар хил педагогик фаолиятга (стажга) эга бўлган ўқитувчи-педагоглар билан ўтказилган сўровномалар ва суҳбатлар натижа-сида куйидагилар аниқланди: уларнинг кўпчилиги, коммуникатив вазифани педагогик жараёнинг муҳим зарурий элементи сифатида тўғри англаб етадилар.

6-шакл

Педагогик таъсир этишнинг мантиқий шакли

Педагогик вазифа ва уни ҳал қилиш жараёни	Белгиланган вазифани ҳал қилиш учун танланган педагогик таъсир методлар тизими	Педагогик таъсир методикасини амалга ошириш учун зарур бўлган коммуникатив вазифалар тизими	Педагогик таъсир кўрсатиш

Бунда деярли барча ўқитувчи-педагоглар ўз педагогик вазифаларини доимий амалга ошириш учун танланган таълим ва тарбия методлари тизимини ҳамда педагогик таъсир кўрсатиш каби компонентларни яхши англаб етадилар.

Ушнинг педагогик маҳоратини доимий равишда таҳлил қилинадиган ўқитувчи-педагог коммуникатив вазифаларни ўз фаолиятининг асосий воситаси сифатида англаши қанчалик муҳим

эканлигини, бунда амалга оширилиши лозим бўлган тарбиявий таъсир модели қанчалик ойдинлашишини, таъсирнинг ўзи янада жозибали, аниқ, ёрқин бўлишига ишонч ҳосил қилади.

Шундай қилиб, тажрибали ўқитувчи-педагоглар ўз фаолиятида қўллаган педагогик таъсир кўрсатиш методикасида фойдаланилган методлар, аксарият ҳолларда таълим-тарбияда мулжални аниқ олиб, тарбияланувчилар мулоқотда вазиятни тўғри ташкил қилиш билан белгиланишини кўриш мумкин. Айрим ҳолларда ўзига хос “юзма-юз ҳужум”, баъзан тарбияланувчининг ўқитувчи билан бевосита мулоқотисиз ҳам гап нимада эканлигини тушуниш имкониятини берадиган мулоқот, йиғилишларда расмий суҳбат тизими, синф ёки гуруҳ жамоаси билан турли тадбирларни биргаликда ўтказиш, бунда ҳар бир ўқувчи-талабанинг нималарга қодир эканлигини англаб етиш имконияти пайдо бўлади. Ўқитувчи-педагог таълим-тарбия жараёнида фойдаланадиган таъсир кўрсатиш методлари орасида айнан жамоавий ва яқка тартибдаги суҳбат методлари муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу методлардан фойдаланиш самарадорлиги ва мулоқот жараёнида пайдо бўладиган вазиятлар турлича бўлиши мумкин. Айнан шу методлар таълим-тарбияда таъсир ўтказиш методларининг самарадорлигини таъминлайди.

11.5. ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ – БЎЛАЖАК ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРТИ СИФАТИДА

Маълумки “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий таълим тизимида билимдон, миллий ва умумбашарий кадриятларни эгаллаган, юксак маданиятли, юқори интеллект эгаси бўлган етук мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Албатта, бу ўринда бўлажак мутахассисларда мукамал касбий тайёргарлик, ижодкорлик, сиёсий ва иқтисодий билимдонлик, ҳаётий фаоллик каби сифатлар билан бир қаторда мулоқот қобилиятини ҳам шакллантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Юртбошимизнинг нутқлари ва фундаментал асарларида ҳам ана шундай кенг тафаккурли, онгли, мустақил ва танқидий фикрлайдиган, ҳаётда ўз ўрнини йўқотмайдиган баркамол шахслар етишиб чиқиши бир неча марта қайд этилган.

Педагогик мулоқотга асосан таълим-тарбия жараёнини таъкил қилиш, булажак мутахассислар ўқув-билиш фаолиятини бошқаришда муҳим омил сифатида қаралади. Педагогик-психологик мулоқотни бир неча гуруҳларга бўлиб таснифлашга ҳаракат қилинади. *Педагогика ва илмий-услубий жиҳатдан ўқитувчи-педагоглар ва талабалар ўртасида кечадиган педагогик мулоқотни ўрта асосий гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:*

1) барқарор ижобий, яъни ушбу гуруҳга мансуб ўқитувчи-педагоглар чуқур билимдонлиги, педагогик маҳоратининг юксаклиги, тафаккурининг кенглиги, самимийлиги билан талабаларнинг ҳурматини қозонадилар. Улар талабалар билан дўстона ва ҳамфикрлилик нуқтаи назаридан муносабатга киришадилар, зарур ҳолларда ўз ёрдамларини аямайдилар. Талабалар бундай ўқитувчи-педагогларни хуш кўрадилар ва улар билан мулоқот қилишга ошиқадилар;

2) суст-ижобий бундай ўқитувчи-педагоглар доимо талабалар даврасида, улар қалбини тушунишга ҳаракат қиладилар. Лекин уларнинг бу муносабатлари турғун эмас ва айрим пайтларда бундай ўқитувчи-педагоглар кайфиятга берилувчан бўладилар;

3) салбий – бундай ўқитувчи-педагоглар талабалар билан расмий муносабатда бўладилар ва кўпинча уларга панд-насиҳатлар қилиб туришни ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар. Талабалар бундай ўқитувчи-педагоглардан йироқ бўлишга ҳаракат қиладилар, мулоқот қийинчилик билан амалга ошади ва бу эса улар ўртасида кескин вазиятни келтириб чиқариши мумкин.

Тарбияланувчилар ўз устозларидаги касбий ва назарий билимдонлик билан бир қаторда камтарликни, самимийликни, бағрикенгликни, вазминликни, ҳаққонийликни, адолатпарварликни қадрлайдилар. Бундай ўқитувчи-педагоглар билан тил топишиш осон, чунки улар талабалар шахсига ҳурмат билан қарайдилар, расмиятчиликдан йироқ бўладилар. Ўқув-тарбиявий жараённинг самарали кечиши кўп жиҳатдан педагогик мулоқотнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилишига боғлиқ. Шунинг учун унутмаслик лозимки, ўқитувчи-педагоглар шогирдлари назарида ўзларининг шахсий фазилатлари, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатларини бошқара олишлари, педагогик мулоқот маданияти каби сифатлари билан

ҳаётий намуна бўла олишлари лозим деб ҳисоблаймиз. Педагогик мулоқотда ўқитувчи-педагоглар нутқ техникасига риоя қилиши, оҳангнинг мулойимлиги, бадиий тил ифода усулларининг бойлиги каби қатор омилларга ҳам эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.

Баъзан ўқитувчи-педагогларда айрим талабалар ҳақида нотўғри таассуротлар пайдо бўлиб қолиши мумкинки, бу эса ўз иавбатида педагогик мулоқотда ноҳуш ҳолатларга олиб келади. Бу тасавурлар касбдошларнинг талаба ҳақидаги субъектив фикрлари, бирламчи нотўғри таассуротлари, шогирдларининг индивидуал хусусиятларини эътиборга олмаслик оқибатида юзага келиши мумкин.

Албатта таълим-тарбиянинг ҳар қандай шакллари амалга оширишда педагогик мулоқотни тўғри йўлга қўя билиш жуда аҳамиятлидир. Дарс жараёнида педагогик мулоқот муайян ўқув материали асосида олиб борилади ва талабалар шахсини комплекс ривожлантиришга қаратилган бўлади. Таълимнинг инновацион методларига асосланган ҳамкорлик, ўзаро хайрихоҳлик, толерантлик руҳида олиб борилган мулоқотгина шубҳасиз таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мулоқот жараёнида ўқитувчи-педагог бўлажак мутахассисларнинг қизиқишлари ва улар ўзларини намоён қилишга бўлган интилишларини инobatга олиши лозим. У таълимни инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш принципларига амал қилган ҳолда талабалар шахсининг ривожланиши учун маълум шарт-шарoитларни яратади.

Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида ва амалиётда самарали фойдаланилмоқда. Эндиликда талабалар ўқитувчи-педагоглардан тайёр билимларни қабул қилиб олувчи шахс эмас, балки таълимнинг фаол иштирокчиси сифатида қаралмоқда. Бинобарин, талабалар ўрганилаётган муаммони мустақил тадқиқ қилади, чуқур мушоҳада юритади, масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилади. Бу уринда мулоқот баҳс-мунозаралар, мини-конференциялар, давра суҳбатлари, талабалар минбари каби кўринишларда олиб борилиши мумкин. Дўстона ўзаро ҳурмат руҳида ташкил қилинган мулоқот натижасида талабаларда ўз имкониятларига ишонч пайдо бўлади ва ўзларини шахс сифатида кенгроқ намоён қилишга интиладилар. Улар муайян илмий, маданий ва тарихий жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айланадилар. Назарий

гипотезаларни таҳлил қиладилар ва уларга давр нуқтаи назаридан ганкидий баҳо берадилар. Бунда ўқув фанларининг мантикий тузилиши, билимларни ўзлаштиришда қўлланиладиган методларнинг танланиши, ўқув материални ўрганиш учун ажратилган вақт каби омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур деб ўйлаймиз. Ўқитувчи-педагог ўзи ўқитаётган фаннинг бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги ўрнини доим ҳис қилиб туриши керак.

Шунингдек, ўқитувчи-педагог педагогик мулоқотни ташкил қилар экан, талабаларда нохуш кечинмалар, салбий туйғуларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслиги ва гуруҳда ишчанлик, кутаринкилик, ҳамкорлик ва ижодкорлик вазиятини ярата билиши жуда аҳамиятлидир.

Хуллас, олий ўқув юртларида педагогик мулоқот турли вазиятларда, яъни дарсда ва курс ишлари, рефератлар тайёрлашда ҳамда педагогик амалиёт жараёнида рўй беради ва ҳар бир талабанинг юксак малакали мутахассис сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари талабалар билан ўтказиладиган турли ижтимоий, маданий-маърифий мавзуларга бағишланган мунозаралар ҳам уларнинг маънавий юксалишига хизмат қилади.

Бўлажак мутахассисларнинг эркин мулоҳаза юритиши, хулосаларини аниқ баён қилиши, ўзгалар фикрига эътиборли, сабр-тоқатли бўлиши мулоқотни ташкил қилишнинг муҳим шартларидандир.

Бугуни талаба – эртанги бўлажак юксак малакали мутахассис сифатида шаклланар экан, унинг куз ўнгида унга сабр-тоқат ва меҳр-шафқат билан сабоқ берган устозлари гавдаланади. Ўзгалар билан инсонийлик нуқтаи назаридан муомалада, муносабатда, мулоқотда бўладиган ўқитувчи-педагоглар ўз шогирдлари қалбида мангу сақланиб қоладилар ва йўлчи юлдуздек уларнинг ҳаёт йўлини ёритиб, юксакликка чорлайдилар.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Мулоқот (*арабча сўз бўлиб*) – учрашиш, кўришиш, қабул қилиш маъносини англатади.

Инсонпарварлик (*лотинча humanus-инсонийлик*) – инсон ҳуқуқлари ва қадр-қиммати, шахс сифатидаги қадр-қимматини ҳурмат қилишни ифода этувчи қарашлар мажмуаси, унинг

фаровонлиги, ҳар томонлама ривожланиши, ҳаёти учун қулай шарт-шароитлар яратиш туғрисидаги ғамхўрликдир.

Мулоқотнинг кўринишлари – расмий, норасмий, шахсий, ижтимоий, гуруҳдаги предметга йўналтирилган.

Мулоқотнинг вазифалари – суҳбатдошларининг ўзаро бир-бирини тушунишларини таъминлаш; ижтимоий тажрибага асос солиш; шахсни у ёки бу фаолиятга ҳозирлаш, руҳлантириш.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мулоқот деганда нимани тушунасиз?
2. Шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқотнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
3. “Мулоқот ва фаолият” тушунчасини изоҳланг.
4. Муомала нима?
5. Муомала маданияти нима?
6. Педагогик муомала нима?
7. Педагогик мулоқот юксак малакали мутахассис шахсини шакллантиришда қандай аҳамиятга эга?

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Тарбияланувчиларда шахсларо инсонпарвар-ахлоқий мулоқотларни тарбиялашнинг педагогик-психологик асослари.
2. Ўқитувчи-педагоглар фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси.
3. Мулоқотни ташкил этишда умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги.
4. Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.
5. Ўқитувчи-педагог ва тарбияланувчилар ўртасидаги мулоқотни ташкил этиш усуллари ва мулоқотда тарбиявий жараён тамойиллари.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Педагогик жараённинг ҳаракат воситаси?
 - а) фаолият;
 - б) педагогик ўзаро таъсир;
 - с) педагогик вазият;

- d) педагогик ҳодиса;
- e) a, b, c, d.

2. Ўқувчи-талабаларга “педагогик таъсир кўрсатиш” деганда тушуниладиган ғояни белгиланг?

- a) тарбияланувчига онгли интизом ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш, унга мунтазам ва тизимли таъсир кўрсатиш ;
- b) тарбиявий ва амалий фаолиятни доимий назорат қилиш, ўқувчи-талабалар тафаккурини шакллантириш;
- c) таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг тарбияланувчига нисбатан шахсий муносабатларида намоён бўладиган фаолият;
- d) таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро фаолияти;
- e) педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш.

3. Ўқитувчи-педагогнинг дилкашлиги учта таркибий қисмини бирлаштирувчи жараён бўлиб, у

- a) мулоқотда заруриятнинг мавжудлиги, яхши кайфият, коммуникатив кўникма ва малакаларга эга бўлиш;
- b) ўқитувчилик қобилияти; перцептив қобилият; таълимни оқилона ташкил этиш;
- c) ўқувчи-талабаларни ишонтира олиш; мулоқот маданиятига эришиш; педагогик маҳоратни мукаммал эгаллаш;
- d) ўқувчи-талабалар жамоасини бошқара олиши; ота-оналар билан коммуникатив муносабат; ўз-ўзини доимий назорат қилиши;
- e) a, b, c, d.

4. Касбий педагогик мулоқот деганда.....

- a) педагогик маҳоратни дарс жараёнида мукаммал қўллай олиш ва ютуқларга эришиш;
- b) ўқитувчи ва таълим-тарбия жараёни объектларининг ўзаро ҳамкорлик тизими ўзаро ахборот алмашиш, тарбиявий таъсир ўтказиш;
- c) нотиклик қобилиятини қўллаган ҳолда ўқувчи-талабалар онгига таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказиш;
- d) коммуникатив қобилиятнинг кўникма ва малакаларини мукаммал эгаллаш асосида ўқувчи-талабалар билан суҳбатлашиш;
- e) a, b, c, d.

5. Педагогик таъсир кўрсатишда ўқитувчи-педагогнинг коммуникатив томони нималарда намоён бўлади?

- а) ўқувчи-талабалар ички дунёсини, индивидуал хусусиятларини ўрганишда;
- б) ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларига қараб коммуникатив мулоқот ишлаб чиқилади;
- с) хушмуомалалик билан психологик муҳит ташкил қилинади; объектни психологик жиҳатдан забт этиш амалга оширилади;
- д) мулоқотда демократик тизимдан фойдаланилади, эркин мулоқот қилишга имконият берилади;
- е) а, б, с, д.

6. Ўқитувчи-педагогнинг ўқувчи-талабалар билан мулоқотда ширинсуханлиги, хушмуомалалиги, мулойимлиги....?

- а) коммуникатив қобилиятдир;
- б) педагогик тактнинг юксаклигидир;
- с) индуктив ва дедуктив методлардан фойдаланиши;
- д) суҳбатлашиш ва тушунтириш одобидир;
- е) муошарат одобидир.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Педагогик маҳорат ҳақида умумий тушунча беринг.

№	М ва ММ	Умумий тушунча

2.Шахелараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқотнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

№	ШИАМММ	Тушунча

3.Уқитувчи- педагогларнинг тарбияланувчилар билан муомала маданиятини тушунтириб беринг?

№	УПТБММ	Тушунча

4.Педагогик мулоқот мутахассис шахсини шакллантириш шarti сифатидалигини тушунтириб беринг.

№	УПКФМПТ	Тушунча

5. Педагогик мулоқот мутахассис шахсини шакллантириш шарти сифатидалигини тушунтириб беринг.

№	ПММШШС	Тушунча

ХII Боб. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

12.1. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЯХЛИТ, ТИЗИМЛИ ВА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

Булажак мутахассисларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Талабаларнинг баркамол шахс сифатида шаклланиши яхлит таълим-тарбия ишларини мунтазам ва изчил равишда бажаришни тақозо этади. Тарбиявий таъсир ўтказишнинг аниқ ва мукаммал тизими-гина, яхлит тизимли ва технологик ёндашувгина баркамол шахс маънавий-ахлоқий тарбияси самарадорлигини таъминлайди. Тарбиявий ишда мукаммал тизимнинг мавжудлиги бир хил ишни ортиқча такрорлайвермасликка, талабаларга нисбатан бириккинчисига тўғри келмайдиган қарама-қарши таъсирларнинг олдини олишга, булажак мутахассисларга бир хил талаблар қўйиш ва яхлитлик билан таъсир ўтказишга имкон беради.

Педагогик-психологик адабиётларда тарбия тизими ҳақидаги масалага борган сари кўпроқ эътибор берилмоқда. Педагог олимларнинг асарларида баён этилган назарий қоидалар талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбия тизимини ишлаб чиқишга имкон беради. Таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тарбиялаш тизимини яратиш олий ўқув юртларида амалга ошириладиган барча тарбиявий ишларнинг мақсади, мазмуни, тарбиявий жараён, тарбиячи ва техник воситалар, тарбиянинг шаклу-усулларини белгилашга ёрдам беради. Тарбиявий ишлар тизими гурли курсларнинг талабалари билан ўтказиладиган тадбирларда изчиллик ва кетма-кетликни сақлашга ёрдам беради. Ёшларга ягона педагогик талаблар қўйиш, йигит-қизларнинг индивидуал хусусиятларини ва ахлоқий камолот даражасини эътиборга олишни енгиллаштиради.

Маънавий-ахлоқий тарбия тизими нима? Тизим – қисмлардан тuzилган бир бутун, яъни маълум тартибда жойлашти-

рилган бир-бири билан боғлиқ қисмлардан тузилган яхлит бир нарса ёки ҳодиса деган маънони англатади.

Олий таълим муассасалари талабаларида ахлоқий сифатлар қандайдир бирор универсал шакл, восита ёки усул ёрдамида эмас, балки аниқ мақсад, хилма-хил шакллар, воситалар ва методлар, ҳар хил фаолият турлари таъсирида, яъни тарбия тизими натижасида шаклланади.

Тарбиявий ишлар тизими маълум вазифани бажарадиган, тузилиш жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб қисмларни ўз ичига олади. Тарбиявий тизим баркамол авлодни, юксак ахлоқий фазилатли мутахассисларни шакллантириш мақсадига бўйсундирилган, ўзаро бир-бирига боғлиқ ва мос келадиган шакл, усул ва воситаларнинг яхлит бирлигидан иборат. Тизим тарбия жараёнини бошқариш имкониятини ҳам ўз ичига олади. Тизимнинг қисмлари ўзаро бир-бирига маълум даражада боғлиқ бўлади. Бу қисмлар бири иккинчисидан ажралган ҳолда эмас, балки маълум бир алоқада мавжуд бўлади. Масалан, *яхлит педагогик жараёнда фақат маънавий-ахлоқий тарбиягина эмас, балки ақлий, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, эстетик ва меҳнат тарбияси ҳам амалга оширилади.*

Алоқадорлик (боғланишлар) – тарбиявий мақсад, мазмун, шакллар, воситалар, усулларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида тизим ҳосил бўлади. Алоқалар тўппа-тўғри ёки бевосита бўлади. Маънавий-ахлоқий тарбия тизимининг қисмлари ҳам ўзаро бир-бири билан ана шундай алоқада бўлади. Масалан, меҳнатни биз ақлий тарбия тизимининг таркибий қисми деб ҳисоблаймиз. Меҳнат фаолияти жараёнида ёшлар ахлоқий жиҳатдан ҳам камол топади. Ахлоқий камолат ўз навбатида кишининг меҳнат фаолиятига таъсир этади. Олий ўқув юртида таълим жараёнида талабаларда ахлоқий сифатлар шаклланади, шунингдек, ахлоқий камолот ўз навбатида илмий ва профессионал педагогик билимларни чуқурроқ эгаллашга ёрдам беради.

Олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган маънавий-ахлоқий тарбия тизимининг характерли хусусияти шундан иборатки, бу ерда ахлоқий тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, вазифаларини белгилашда ва уни ташкил этишда педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан, умуминсоний ва миллий ахлоқ талабларидан келиб чиқадиган касб одоби нормаларига асосланилади.

Баркамол шахс тарбиясининг мақсади, мазмуни унга мос келадиган шаклларда намоён бўлади. Тарбия тизими мазмундорлик билан бирга унга мос келадиган ташкилий шаклларнинг хилма-хил, эстетик таъсирли, ихчам бўлишини тақазо қилади. Маълумки, педагогик фаолият ҳамма вақт бир қолипда иш тутишни ёқтирмайди. Тарбиявий ишнинг хилма-хил шакллариغا етарли даражада эътибор бермаслик, бир хил тадбирни ҳадеб такрорлайвериш тарбиявий ишнинг самарасини камайтиради, бундай ҳолларда, ҳатто тадбирнинг мазмуни мафкуравий ва илмий жиҳатдан жуда қимматли бўлса ҳам, у талабаларнинг онгига, ҳис-туғуларига жуда оз таъсир этади. Шуни назарда тутиш лозимки, тарбиявий ишнинг шаклларида бирортаси ҳам универсал бўлиши, яъни ҳамма ҳолатлар ва ҳар қандай шароитда қўлланавериши мумкин эмас.

Талабаларни баркамол шахс сифатида тарбиялашнинг шакллари, усуллари унинг мазмуни билан ўзаро таъсирда бўлиб, касбий педагогик фаолиятнинг мақсади ва қонуниятларини акс эттиради ва олий ўқув юртида амалга ошириладиган таълим-тарбиянинг методлари ва воситалари билан чамбарчас боғлиқдир. Тарбиянинг мазмуни фақат унинг шакли туфайлигина эмас, балки методлар орқали ҳам амалга оширилади. «Шакл» ва «метод» тушунчалари бир хил маънони англатади деб бўлмайди, шунингдек, уларнинг бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиш, улар ўртасидаги бирликни рад этиш ҳам мумкин эмас. Тарбиянинг ташкилий шакллари методлар ва усуллар орқали амалга оширилади. Тарбиянинг шакл ва усуллари бевосита ўзаро бир-бирига ўтиб туради, улар кўпинча, вазифасига қараб ўзгариб туради ва уларнинг бири иккинчисидан, маълум даражада, шартли равишда ажратилади. Шунинг учун ҳам айрим ўқув қўлланмаларида конференция, экскурсия, амалий ишлар, маъруза, мунозара, суҳбат каби тушунчалар баъзан иш шакли дейилса, баъзан метод деб талқин қилинади.

Педагогик адабиётларда тарбиянинг шакл ва методларини тасниф қилишга муаллифлар турлича ёндашадилар. Тарбиявий ишлар одатда, тарбиянинг мақсади ва вазифаларига, унинг характери ва давом этиш вақтига қараб гуруҳларга ажратилади. Масалан, оммавий ишлар, тўгарак ишлари, индивидуал ишлар. Шунингдек, тарбиявий ишларнинг барча шакллари куйидаги уч гуруҳга бирлаштириш ҳам мумкин: 1) *оғзаки баён этиш шакллари:*

маърузалар, докладлар, мунозаралар, маънавият соатлари, конференциялар, учрашувлар ва ҳаказо; 2) амалий ишлар: лаборатория ва амалий машгулотлар, ижтимоий фойдали ишлар, ишлаб чиқариш, педагогик амалиёт, бадий ҳаваскорлик ва илмий тўғарақлар, спорт секциялари, экскурсия қабилар; 3) кўрсатмалли ишлар: музейлар, маънавият хоналари, кўргазма ва стендлар, шон-шуҳрат хоналари ва бошқалар. Тарбиявий ишнинг бу шакллари яхлит тизимли ва ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдирлади.

Тарбия тизими тарбиявий ишларнинг барча турларини юқори даражада самарадор бўлишини талаб этади. Бунинг учун эса қуйидаги педагогик талабларга амал қилиш лозим: тарбиявий ишнинг шакли тарбиянинг мақсади ва мазмунига мос келиши лозим. Шаклнинг тарбиявий кучи унинг чуқур мазмундор-лигидадир, лекин мазмун ўзига мос келадиган ёрқин шаклга эга бўлмаса, у талабаларга кучли таъсир ўтказа олмайди, тарбиявий ишнинг шакли талаба ёшларда илмий дунёқараш, ахлоқий эътиқод, фуқаролик бурчи ва мутахассисликка хос юксак профессионал-ахлоқий сифатларни шакллантиришга максимал даражада ёрдам бериши зарур. У ёки бу тарбиявий ишнинг қиммати талаба ёшларни ижтимоий фаолиятга кўпроқ жалб этиб шу тариха бошқалар билан алоқа, муомала қилишга қанчалик кенг йўл ва имкониятлар очиб беришига ҳам боғлиқ.

Тарбия методлари ўқитувчи-педагог ва тарбиячиларнинг қўлида ўзига хос қурол бўлиб хизмат қилади. Улар ёрдамида талабалар онгига таъсир этилади, бўлажак мутахассисларнинг ҳаёт фаолияти йўналтирилади ва уюштирилади.

Педагогик адабиётларда тарбия методлари қуйидагича тасниф қилинади: **ишонтириш методи; ақлий хатти-ҳаракатларни машқ қилиш методи; намуна, ибрат кўрсатиш методи; рағбатлантириш ва жазолаш методлари.**

Олий ўқув юртларида тарбия методларини қўллашнинг самарадорлиги қуйидаги педагогик талабларга риоя қилишга боғлиқ: тарбиянинг методлари шу пайтда, шу курсда амалга оширилаётган таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак; тарбия методлари талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, шунингдек, уларнинг ҳаётий тажрибасига мос бўлиши лозим; тарбиявий иш жараёнида тарбия методларини бирини иккинчисидан ажратган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда қўллаш зарур.

Ҳар қандай тарбия тизимининг асосий белгиларидан бири изчиллик, кетма-кетликдир. Олий ўқув юртларида амалга ошириладиган тарбиявий ишлар тизими ҳам ана шу қонуниятга бўйсунди. Бу талаб тарбиявий ишнинг мазмунидан келиб чиқади ва тарбияга доир ишларни тартибли, режали уюштиришни тақозо қилади.

Олий ўқув юртларида амалга ошириладиган барча тарбиявий ишларни маълум бир дастурга биноан амалга ошириш, талабаларнинг таълим муассасаларида таълим олиш даврига мўлжалланган тарбиявий ишларнинг истиқболли режасини тузиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Олий ўқув юртларида тарбия жараёнини яхшилаш учун ҳар бир талаба, яъни бўлажак мутахассис эгаллаб олиши зарур бўлган касбий-ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг илмий жиҳатдан асосланган, пухта ўйлаб тузилган дастури керак.

Тарбия тизими бир неча қисмлардан тузилади. Умумий тизимнинг ҳар бир қисми ўзининг ички тизимига ҳам эга бўлади. *Масалан, олий ўқув юртларида талабаларга берилаётган профессионал таълим маълум бир тизим бўлиб, у ёшларга ижтимоий-гуманитар, психологик-педагогик, ихтисосий билимлар ва маънавий-ахлоқий тарбия беришга хизмат қилади. Шу билан бирга олий ўқув юртларида ўқитиладиган ҳар бир предмет тузилиши жиҳатидан ўзининг ички тизимига ҳам эга.*

Маънавий-ахлоқий ва касбий тарбия гуруҳ мураббийлари, жамоат ташкилотлари, талабалар ва профессор-ўқитувчилар жамоаси ишида ҳам *тизим бўлиши* талаб этилади. *Тизим* айрим тарбиявий тадбирлар билан гуруҳ, курс, факультет талабаларининг фаолият турлари ўртасида боғланишлар бўлишини, шунингдек, талабаларга жамоавий таъсир ўтказиш билан индивидуал ишлар ўртасида ҳам боғланишлар бўлишини тақозо этади.

Тизим тушунчасига барча тарбиявий ишларни аниқ уюштириш ҳам киради. Тарбиявий ишлар тизими олий ўқув юртларининг бутун жамоаси, касаба уюшмаси, жамгармалар, камолот ёшлар ташкилотларининг биргаликдаги куч-ғайрат сарфлаши натижасида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам бу ташкилотлар аниқ, яхши ишлаши, талабаларга бир хил таъсир ўтказишлари зарур.

Шундай қилиб, *тарбия тизими* қуйидагиларни тақозо қилади; олий ўқув юртлари маънавий-ахлоқий тарбия вазифаларини изчил

ва мунтазам равишда амалга ошириш; тарбиявий ишларнинг мазмунини ҳар бир курс талабаларининг кучига мос қилиб белгилаш; тарбиявий ишнинг хилма-хил шакллари, воситалари ва усулларини биргаликда, бир-бири билан боғлиқ равишда қўллаш; тарбиявий ишларда узвийлик, изчиллик ва кетма-кетликка амал қилиш; тарбиявий ишларнинг натижаларини мунтазам равишда ҳисобга олиб, таҳлил қилиб, баҳолаб бориш.

Тарбия тизими талабаларнинг олий таълим муассасаларида таълим олиш йиллари давомида деярли ўзгармайди. Фақат унинг мазмунигина янгилана боради. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари ҳамда бу вазифаларни ҳал этишга ёрдам берадиган фаолият турлари, тарбиянинг шакллари, методлари, турли ички ва ташқи таъсирлар натижасида баркамол шахснинг камолотга эришиш боскичлари, даражалари тарбия тизимининг асосий қисмлари ҳисобланади.

Талабалар эгаллаб олиши зарур бўлган касбий, маънавий-ахлоқий фазилатлар тарбиянинг аниқ вазифалари сифатида кун тартибига қўйилади. Тарбия тизимида улар ўзаро боғлиқ бўлиб, яхлит ҳолда шакллана боради. Ўқитувчи-педагог ва мураббий бирор фазилатни шакллантиришга асосий диққатни қаратган пайтда тарбиянинг мақсади, вазифасини ҳам аниқроқ қилиб белгилайди, лекин, одатда, педагогнинг *«бирор фазилатни шакллантириш»* соҳасида амалга оширган тарбиявий ишлари шахснинг бутун маънавий қиёфасини ўзгартиришга хизмат қилади. Баркамол шахс тарбияси соҳасида белгиланган вазифалар бутун педагогик жараёни жонлантиради, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, баркамол шахс тарбияси, аввало, фан асосларини эгаллаш жараёнида амалга оширилади. У талаба ёшларда касбий, ахлоқий тасаввурлар, тушунчалар, одатлар, меҳнат малакалари ва ҳулқни шакллантиришни, шунингдек, шахснинг ташқи оламга, жамиятга, жамоага ва ўз-ўзига бўлган муносабатини назарда тутди. Тарбия тизими талабаларга ахлоқ-одобга доир мунтазам, изчил билимлар беришни тақазо этади.

Ўқув предметларининг тарбиявий имкониятлари уларнинг мазмунида объектив равишда мавжуд. Лекин бу имконияларни юзага чиқариш масаласи педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Олий ўқув юртларининг мавжуд ўқув дастурлари тарбиявий гоаяларга ва уни амалга ошириш учун аниқ материалларга бойдир. Ижтимоий-

гуманитар, ихтисослик ва психологик-педагогик фанларнинг ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликларида булажак мутахассисларни маънавий-ахлоқий ва касбий жиҳатдан ўстиришга ёрдам берадиган факт ва мисоллар етарлича берилган. Уларда, айниқса, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, масъулият, ахлоқий-иродавий, профессионал ва бошқа сифатларни ўстириш учун асос бўладиган материаллар мавжуд.

Ижтимоий-гуманитар, педагогик-психологик ва ихтисослик фанларини ўрганиш жараёнида талабаларда илмий дунёқараш шаклланади. Чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган илмий дунёқараш, булажак мутахассисларда баркамол шахсга мос сифатларни шакллантириш учун замин яратади. Илмий билимлар гоёвий эътиқодларнинг асосидир.

Биринчи курс талабалари илғор идеаллар, умуминсоний ва миллий ахлоқ туғрисидаги малумотларни “Ўзбекистон тарихи” курсини ўрганиш жараёнида билиб оладилар. Профессор-ўқитувчилар дастур материалларининг мазмуни ва шахсий ибрат қўрсатиш йўли билан ёшларга мустақил Ўзбекистон давлатига садоқат, ижтимоий бурчни англаш, ўз хатти-ҳаракатлари ва иши учун масъулиятни сезиш, ўзининг ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш каби маънавий-ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига таъсир утказадилар.

“Ахлоқшунослик”, “Этика”, “Эстетика” фанларини ўрганиш талабаларга бурч, шараф, виждон, бахт сингари ахлоқий тушунчаларни ойдинлаштириш, нафосат ва гўзаликка бўлган қарашини ўстиришга ёрдам беради. Уларнинг амалий фаолиятида бу тушунчалар турмушга татбиқ этилади.

Ўқув машғулотлари жараёнида ва аудиториядан ташқари тарбиявий ишлар пайтида талабалар гуруҳ, курс ва факультет жамоасида мавжуд бўлган муносабатларнинг моҳиятини ва бошқаларга нисбатан ўзининг масъулиятини англайди. Ҳар бир талабадан жамоат топшириқларини бажариш, турар жойларда жорий этилган ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш талаб этилади. Жамоада ишлай олиш малакаси, ўртоқлик ва дўстлик, бошқаларга ёрдам бериш ва ўзаро ҳамкорлик малакалари ҳосил бўлади. Ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, йигитлик гурури, қизлик шаъни, хушмуомалалик ва ўзаро ҳурмат каби ҳис-туйғулар тарбияланади.

Иккинчи ва учинчи курс талабаларида таълим жараёнида умуминсоний ва миллий ахлоққа доир билимлар ва биринчи курсда ҳосил қилинган малакалар такомиллашади. “Фалсафа” ва “Умумий педагогика” фанларини ўрганиш жараёнида талабалар ахлоқнинг илмий асослари ва нормалари ҳақидаги билимларни эгаллайдилар, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ўқувчи-талабаларга бериладиган ижтимоий-ахлоқий тарбиянинг мазмуни ва методларини билиб оладилар. Уларда ўз-ўзини баҳолай олиш малакаси, ўз-ўзини тарбиялашга интилиш ҳислати шаклланади.

Талабалар баркамол шахс ва жамоа манфаатларига зарар етказувчиларга муросасиз бўлишлари, ахлоққа тўғри келмайдиган ва жамоага қарши хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарадиган сабабларни билиб олишлари ва уларнинг олдини олиш учун курашишлари керак. Ҳосил бўлган ахлоқий-касбий кўникма ва малакаларни талабалар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт даврида қўллайдилар.

Табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг объектив қонунларини чуқур ўрганиш асосида юқори курс талабаларида ижтимоий ҳодисаларни ва ўз хатти-ҳаракатларини баҳолай олиш малакаси ҳосил бўлади. “Психология” фанини ўрганиш натижасида ирода, характер, чидамлилик, ботирлик ва қаҳрамонлик, қийинчиликларни енга олиш каби ҳислатларнинг илмий асосларини тушуниб оладилар. Уларда келажаги буюк Ватанамиз – Ўзбекистон билан фахрланиш ҳисси, халқимиз олдидаги юксак бурчни англаш, ўзининг шахсий манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштира олиш малакаси, зарур бўлганда жасорат кўрсатишга тайёр туриш ҳисси такомиллашади. Ёшларда муҳаббат туйғуси асосида қуриладиган ошма, ошлавий ҳаёт ҳақида тасаввурлар ҳосил бўлади, улар бола тарбиясида ота-онанинг бурчи ва масъулиятини тушуниб оладилар.

Малакавий амалиёт ўтаётган талабалар мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида умуминсоний ва миллий ахлоқни тарбиялашга доир ўзлари эгаллаб олган билим, кўникма ва малакаларини педагогик амалиёт даврида амалда қўллайдилар.

Олий ўқув юртларида бўлажак мутахассисларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси уларда профессионал-педагогик сифатларни

шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Таълим муассасаларининг янги ўқув режалари ва дастурларини профессионал ҳамда ахлоқий – касбий тарбия нуқтаи назаридан таҳлил қилиш – уларнинг бу соҳада жуда катта имкониятларга эга эканини кўрсатди.

Барча курсларда талабаларнинг танлаган касбини эгаллашга йўналтирилган фаолияти, уларда профессионал билимлар ва малакалар ҳосил қилишга, шунингдек, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятида юксак мавқеини англаб, бўлажак мутахассис учун зарур бўладиган ахлоқий сифатларни эгаллаб олишга ёрдам беради. Бу вазифани барча кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари ва жамоат ташкилотлари мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда бажарадилар. Шу мақсадда талабаларнинг энг яхши ва тажрибали ўқитувчилар билан, мураббийлар, тарбиявий ишларнинг ташкилот-чилари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг раҳбарлари билан учрашувлари мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Талабалар ва ўш ўқитувчиларнинг илмий-методик конференциялари ташкил этилади.

Олий таълим муассасалари талабаларига ахлоқий-касбий тарбия беришда барча кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этишлари лозим. Факультетда ихтисос фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар ўқув дастурига тез-тез мурожаат этиб, талабалар олган билимларни мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида қайси фанларни ўқитишда қўллаш мумкинлигига эътиборни жалб этадилар. Ахлоқий сифатлар нутқ ва тафаккурни ўстиришга ёрдам берадиган мавзуларда реферат ва маърузалар ўздириб, уларни семинар ва конференцияларда тинглаб, муҳокама қиладилар. Ихтисос фанлари кафедралари талабалар учун турли махсус курс ва семинарлар, тўғарақлар уюштирадилар. Булардан мақсад талабаларга мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқувчилар билан тарбиявий ишларни уюштириш ва доир билим ва малакаларни ўргатишдан иборат.

Олий ўқув юр்தларининг талабалари маърузалар, семинар ва амалий машғулотларда назарий ва методик билимларни эгаллаб оладилар. Шу билан бирга талабалар ўқувчилар билан тарбиявий ишларни бажаришда ҳам бевосита жалб этилади. Шунинг учун талабалари мактабдан ташқари муассасаларда, меҳрибонлик кўчаларида, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари

Ўқувчилари билан тарбиявий тадбирларни бажарадилар; иккинчи (учинчи) курсларда ёзги оромгоҳларда тарбиячи булиб ишлайдилар. Юқори курс талабалари мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида педагогик амалиёт даврида ўқув-тарбия ишларини бажариш соҳасида малака ва куникмалар ҳосил қиладилар.

Талабаларда профессионал-ахлоқий сифатларни ўстириш иккинчи курсдан бошланади. "Педагогика" фанини ўрганиш бунга катта ёрдам беради. Талабалар касбий таълим ўқитувчиси деган шарафли касб ҳақида, ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда унинг роли тўғрисида маърузалар тинглайдилар. Ўзбекистонда таълим тизими, «*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури*» билан танишадилар, таълим, тарбия, маълумот каби тушунчаларни ўрганадилар. «*Педагогика*» фани билан боғлиқ равишда мактаб ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларига, академик лицей ва касб-хунар коллежларига бориб, уларнинг фаолияти билан танишадилар, ўқитувчилар, таълим муассасалари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилади.

Талабалар ўқувчи-талабаларнинг кун тартиби ва таълим муассасалари гигиенаси талабларини билиб оладилар. Меҳнат ва дам олиш тартибига амал қилиш зарурлигини ўқувчи-талабаларга тушунтирадилар, уларни ўз-ўзига хизмат қилишга жалб этадилар. Ёшлар учун шу мавзуларда ёзилган китобларни ўқиб, кинофильм ва спектаклларни куриб, ўқувчилар билан у ҳақда суҳбатлар ўтказадилар.

Олий ўқув юр்தларининг иккинчи курсида ахлоқий-касбий тарбия «Фалсафа», «Педагогика», «Психология» ва бошқа фанларни ўрганиш билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Талабалар «*Фалсафа*»ни ўрганиш жараёнида илмий дунёқараш ва ахлоқ тўғрисидаги билимларни эгаллаб оладилар. Булажак мутахассислар тарбия тўғрисидаги таълимнинг, машҳур алломаларнинг асарларини, Ўзбекистон давлатининг таълим ҳақидаги қонун ҳужжатларини, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи Низомини, ўқувчи-талабалар учун ҳулқ қоидаларини ўрганадилар. Натижада, улар мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг фаолияти ва бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган жамият куришда унинг роли ҳақида кенг тушунчага эга бўладилар.

Талабаларда булажак мутахассисга хос маънавий-ахлоқий фазилатларни ўстириш, вақтли оммабоп адабиётларни ўқишга

қизиқиш уйғотиш мақсадида кафедралар, деканат ва жамоат ташкилотлари олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ахлоқ-одоб масалаларига доир мавзуларда мунозара ва конференциялар уюштирадilar. Талабалар ўзлари эгаллаётган мутахассисликка доир фанларни чуқур ўрганадилар, кафедра ўқитувчилари билан биргаликда ўқувчи-талабалар олимпиадаларини ташкил этиш ва ўтказишда, ҳар хил турнирлар ва конкурсларда, фан олимпиадаларида иштирок этадилар, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги фан тўғаракларига раҳбарлик қиладилар. Талабалар ёзги оромгоҳда амалиёт ўташга пухта ҳозирлик кўрадилар. *“Касб таълими”* кафедраси тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича машғулотлар ташкил этади. Бу тадбирлар натижасида талаба ўсмирлар ва ёшлар ташкилоти, «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятининг мазмуни ва асосий йўналишларини билиб оладилар. Ўқувчи-талабалар билан бажариладиган ишларни режалаштириш, амалга ошириш ва иш натижаларини ҳисобга олишни ўрганадилар. Тарбиявий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш, ҳар турли ўйинларни уюштириш методикасини эгаллайдилар. Педагогик кундалик юритишни, педагогик амалиёт учун керакли хужжатларни тўлдиришни, психологик-педагогик кузатиш материалларини умумлаштириб, ахборот ёки доклад тайёрлашни ўрганадилар.

Учинчи (туртинчи) курс талабалари ўзлари ўқитадиган фанлардан дарс бериш методикасини ўрганадилар, дарс ўтиш малакасини ҳосил қиладилар, ўзлари ва ўртоқлари ўтган дарсни таҳлил этадилар. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчисининг илғор тажрибасини ўрганиб, дастур асосида иш режасини тузадилар, дарслик ва бошқа ўқув куролларини таҳлил қиладилар.

Бўлажак касб таълими ўқитувчилари синф ёки гуруҳ раҳбари ишининг методикасини ўрганиб оладилар, айрим ўқувчи-талабага ва синф-гуруҳ жамоасига психологик-педагогик тавсифнома тузиб, шу асосида жамоа олдида турган вазифаларни белгилайдилар ва маълум вақтга мўлжалланган тарбиявий иш режасини тузадилар ва уни бажаришда қатнашадилар. Дарслардан бўш ўзлаштирадиган ўқувчи-талабалар билан ишлаш йўлларини ўрганиб оладилар.

Талабалар фан тўғараклари, фото ва кино тўғараклари, бадий ҳаваскорлик тўғараклари, спорт секцияларининг ишини уюштирадilar ва уларга раҳбарлик қиладилар. Олий ўқув юртларида эгаллаб олинган билим ва кўникмалар бу ишда жуда қўл

келади. Булажак мутахассислар ўсмирлар ва ёшлар ташкилотлари ишларига педагогик раҳбарлик қиладилар. Ота-оналар билан педагогик мавзуларда суҳбат ўтказиш малакасини эгаллаб оладилар. Улар педагогик амалиёт жараёнида мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларини касб танлашга йўллаш соҳасидаги тажрибаси билан танишадилар.

Битирувчи курсда талабаларнинг профессионал таълими ва ахлоқий тарбияси такомиллаштирилади. Улар ўқувчи-талабаларнинг умуминсоний ва миллий ахлоқ руҳида тарбиялаш соҳасида мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, оила ва жамоатчилик олдида турган вазифаларни тула тасаввур этадилар, таълим муассасалари ва оила бу соҳада ҳамкорлик қилишини, болага бир хил таъсир ўтказиш зарурлигини билиб оладилар.

Битирувчилар ўқитувчи ва синф ёки гуруҳнинг раҳбари сифатида синфда ва гуруҳдаги барча таълим-тарбия ишларини бажаришни ўрганиб оладилар, синф-гуруҳ жамоаси ва айрим ўқувчи-талабалар билан ишлашнинг, педагогик-психологик, ахлоқий мавзуларда доклад ва маърузалар тайёрлаб, ўқувчи-талабалар олдида, ота-оналари ҳамда ўқитувчилар олдида сўзга чиқиш малакасига эга бўладилар.

Битирувчи курс талабалари илгор педагогик тажрибаларни, замонавий педагогик технологияларни ижодий қўллай олишни, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида бажариладиган методик ишлар тизимини билиши лозим. Малакавий педагогик амалиёт даврида улар ҳар бир дарсни илмий жиҳатдан юқори савияда ўтказиш малакасини ва педагогик маҳорат асосларини эгаллайдилар. Вақтли матбуот ва педагогик адабиётлар устида мустақил ишлай олиш малакасини ҳосил қиладилар.

Олий ўқув юртларида таълимнинг профессионал йўналишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, талабаларнинг профессионал фаолияти уларда танлаган касбига хос маънавий-ахлоқий ва касбий фазилатларни шакллантиришни назарда тутди. Талабаларни тарбиялаш вазифалари умуминсоний ва миллий ахлоқнинг моҳиятини англаш, уни қатъий эътиқодга айлантириш, профессионал билим ва малакалар асосида хулқ меъёрларини эгаллаб олиш билан бирга, булажак мутахассиснинг бутун маънавий қиёфасини шакллантиришни назарда тутди.

Булажак мутахассисларга меҳнат тарбияси беришнинг мақсади талабаларда меҳнатга ижодий муносабатни қарор

тоштириш, шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштириб ишлашга интилиш, ақлий ва жисмоний меҳнат маданиятини ҳосил қилишдан иборат. Талабалар олий ўқув юртида таълим олаётган найтларидаёқ ўқувчи-талабаларни ижтимоий фойдали ва ақлий меҳнатини уюштириш малакасини, ўсмир ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш йўлларини ўрганиб оладилар.

Талабаларнинг меҳнати асосан танлаган касбини эгаллаб олишга қаратилган бўлади. Профессионал педагогик иш ёшларда мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг бўлажак ўқитувчиси учун зарур маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Талабалар ўқув жараёнида ва аудиториядан ташқари ишларда меҳнатнинг инсон ҳаётидаги ролини тушуниб оладилар. Факультетда, гуруҳда бажариладиган ишларда фаол иштирок этиб, билимларни кунт билан эгаллайдилар, гуруҳда, факультетда, ўқув биноси ва турар жойларда навбатчилик қилиб, ўқув биносини, аудиторияларни тоза сақлашда қатнашадилар.

Талабаларда ўқув меҳнатига нисбатан масъулият ҳисси; мустақил ишлар режасини тузиш ва уни бажариш малакаси ҳосил бўлади. «*Касбий педагогика ва касбий психология*» фанларини ўрганиш натижасида талабалар меҳнат тарбиясида мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг роли тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар, ўқувчиларнинг ўқув ишлари, синф-гуруҳ, синфдан ва аудиториядан ташқари меҳнат фаолиятининг тарбиявий аҳамиятини, меҳнат тарбияси методларини билиб оладилар. Талабалар бу соҳадаги ўз билимларини педагогик амалиётда қўллайдилар.

Олий ўқув юртларининг ҳар бир талабаси ижтимоий фойдали меҳнатда, соғломлаштириш спорт лагери ва агроучасткада бажариладиган ишларда, турар жойлар атрофини, ўқув юрти ва шаҳар ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш каби ишларни бажаришда қатнашадилар.

Педагогик амалиёт даврида синф-гуруҳ жамоаси ва айрим ўқувчи-талабаларнинг меҳнат тарбиясига раҳбарлик қилиб, ижтимоий фойдали ишларни режасини тузиб чиқадилар ва ўқувчи-талабалар меҳнатини бевосита уюштирадилар. Ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясига доир маъруза ва докладлар матни тайёрлаб, оналар билан суҳбатлар ўтказадилар.

Танлаган касби билан боғлиқ бўлган бундай меҳнат жараёнида талабаларда меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан

муросасизлик, тежамкорлик ҳамда мулкка тўғри муносабат тарбиялана боради. Ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида интизомлилик, ташкилотчилик, масъулият каби муҳим маънавий-ахлоқий сифатлар шаклланади ва мустаҳкамланади.

Олий ўқув юртлари, профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, жамоат ташкилотлари – талаба ёшларнинг ўқитувчи-педагог ва тарбиячиларини тарбиявий ишлари фақат шулардангина иборат эмас. Теварак-атрофдаги муҳит ҳам йигит ва қизларнинг ахлоқий тарбиясига жиддий таъсир этади. Бу ишда кенг жамоатчилик ҳам катта роль ўйнайди. Матбуот, радио, телевидение, бадиий адабиёт, кино, театр, оммавий спорт ишлари ва бошқалар ёшларга тарбиявий таъсир ўтказди.

Олий ўқув юртларининг ўқув режаларида тавсия этилган факультатив машғулотлар, махсус курс ва семинарлар ҳам бу соҳада катта имкониятларга эга. Факультатив машғулотлар, айниқса, маҳаллий шароитни, ҳар бир вилоят, олий ўқув юрти ва факультетнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда талабаларнинг билим савиясини, профессионал-ахлоқий тайёргарлигини оширишга имкон беради.

Талабалар факультатив машғулотларга ихтиёрий равишда қатнашадилар. Бу бўш вақтдан оқилона фойдаланишга, мустақил ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялашга имкон беради. Талабаларнинг қизиқишлари ва интилишларига, шунингдек, эгаллаётган касбига мос келадиган факультатив машғулотлар жараёнида эркин муомала ва фикр олмасув учун қулай имкониятлар вужудга келади. Талабалар у ёки бу масалага доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён этадилар, фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатадилар. Бу бўлажак мутахассисларда ахлоқий қарашлар ва эътиқодни мустаҳкамлашга ёрдам беради, жамоа билан шахе ўртасида тўғри ўзаро муносабатлар вужудга келади ва бу муносабатлар жамоанинг ҳар бир аъзосига ижобий таъсир этади.


Олий ўқув юртларида талабаларнинг профессионал қизиқишлари ва интилишлари билан бевосита боғлиқ равишда амалга оширилаётган клуб ишлари маънавий-ахлоқий тарбияга доир ишлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Хуллас, маънавий-ахлоқий ва касбий тарбия тизимининг барча қисмлари талабаларнинг хилма-хил фаолияти билан бевосита боғлиқ. Бу фаолият жараёнида талабалар жамоасида объектив ахлоқий муносабатлар вужудга келади. Машғулотлар ва фаолият

турларини бажариш натижасида объектив муносабатлар уларнинг шахсий одоб, муомала муносабатига айланади ва шу жараёнда бўлажак мутахассисларнинг маънавий-ахлоқий-касбий фазилатлари камол топа боради.

1-шакл

Тарбияга тизимли ёндашув



Тарбиявий ишларга технологик ёндашув.

Технология – ювонча сўз бўлиб, «*techne*» – санъат, моҳирлик, ўқув ва «*логос*» – илм, таълимот маъноларини англатади. Технология моддий ишлаб чиқариш – саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда маҳсулотлар олиш, уларга ишлов бериш ҳамда уларни қайта ишлаш усуллари тартибга солинган тизим; шу усуллارни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва такомиллаштириш билан шуғулланадиган фан. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос технологияси бўлади: кон ишлари технологияси,

машинасозлик, қурилиш технологияси ва бошқалар.

Масалан, қурилиш ишлари технологияси бир қанча операциялар йиғиндисидан ташкил топган: ер ишлари (ерни текислаш, траншеялар қазиш); пойдевор ётқизиш; девор тиклаш; том ёпиш; электр, газ, сув тармоқларини ўтказиш; пардоз ишлари ва ҳаказо. Ҳар қайси операциянинг ўзига хос бажариш усуллари бор.

Амалда технологик жараёнлар қанчалик пухта ишланган бўлса, тавсия этилаётган усуллар чуқур тажриба ва илмий ёндашувга асосланган бўлса, тайёрланадиган маҳсулот (автомобиль, бино ва бошқалар) шунчалик сифатли бўлади. Технологиянинг фан сифатидаги вазифаси маҳсулот тайёрлашнинг энг замонавий усулларини яратишдан иборат. Фан ва техника ривожланиб борган сари технологиялар ҳам янгиланиб ва ўзгартириб турилади. Ҳар қайси соҳада технологияни ишлаб чиқиш учун технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, типовой технологик жараёнлар, стандартлаштирилган жиҳозлар, ускуналардан фойдаланишнинг ягона тартиби бўлиши лозим.¹

Тарбиявий ишларга технологик ёндашув:

- тарбия жараёнини ўзаро ўзвий боғлиқ босқичлар, фазалар, амалларга ажратишни;

- тарбиядан мўлжалланган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширишни;

- мўлжалланган (лойиҳалаштирилган) ишларнинг барчасини бирдек бажаришни назарда тутати.

Педагогик технология тизимли, технологик ёндашувларга асосланади. Тизим (система) тушунчаси булаклардан ташкил топган яхлит бир нарса ёки ҳодиса, бирикма маъноларини билдиради. Педагогик тизим – таълим-тарбия технологиясининг асоси, замини ҳисобланади: 1) педагогик тизим бир бутун, ҳаракатланувчи яхлит ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб, у, тарбияланувчи; 2) таълим-тарбиянинг мақсади; 3) таълим-тарбиянинг мазмуни; 4) таълим-тарбия жараёни; 5) тарбиячи, техник ва бошқа воситалар; 6) таълим-тарбиянинг шакл-усулларидан тузилади.

Таълим-тарбиянинг мақсади объектив хусусиятига эга. У ҳар бир жамиятнинг моддий-маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқади; ижтимоий буюртма сифатида давлат ҳужжатларида умумий тарзда ифодаланади. Таълим-тарбиянинг мақсади тизим ҳосил қилувчилик

¹ Қаранг: Ўзбек миллий энциклопедияси. 8-жилд, – Т.: 2004, 411-бет.

хусусиятига эга. Педагогик тизимнинг барча компонентлари таълим-тарбиянинг мақсадига боғлиқ бўлади ва мақсадни амалга оширишга хизмат қилади. **Ўзбекистон Республикасида баркамол шахсни, юксак маънавий-ахлоқли, юқори малакали, рақобатбардош мутахассисни тарбиялаш мақсади таълим-тарбия ишларининг мазмунини белгилайди. Таълим-тарбиянинг мақсади ва мазмуни тарбиявий вазифа шаклида ифодаланади, аниқлапади. Тарбиявий жараён, тарбиячи ёки тарбиянинг техник ва бошқа воситалари, таълим-тарбиянинг шакл-усуллари тарбия технологияси деб аталади.** Педагогик амалиётда тарбия технологияси ёрдамида аниқ ифодаланган тарбиявий вазифани тарбияланувчи ўзлаштириб, эгаллаб олади. Тарбиячи бошқарувчилик, йўналтирувчилик ролини бажаради.

2-шакл

Тарбияга технологик ёндашув



Айрим амалиётчи педагоглар «педагогик технология» деганда технологик ёндашувга асосланмаган баъзи фойдали, самарали усулларни ёки таълим-тарбия жараёнида техник воситаларни қўллашни тушунадилар. Ваҳоланки, педагогик технология таълим-тарбия жараёнига янгича, ўзига хос белгилар ва хусусиятларга эга бўлган, тизимли, технологик ёндашувга асосланади. У педагогикада ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг маҳсули, технократик илмий фикр (онг)нинг таълим-тарбия соҳасидаги лойиҳаси, таълим-тарбия жараёнининг натижасини маълум даражада стандартлаштириш, такрорланадиган педагогик циклга айлантиришдир.

Педагогикада қайта такрорланадиган педагогик цикл (жараён)ни яратиш осон иш эмас. Бунга таълим-тарбия вазифаларининг турли-туманлиги, таълим-тарбия мазмуни ва ўқув-билув материалларининг ҳар хиллиги, тарбияланувчиларнинг қобилиятлари, хотира, ирода каби рухий хусусиятлари бир хил эмаслиги каби қатор факторлар сабаб бўлади. Шунга қарамай ривожланган мамлакатларда педагог, психолог олимлар педагогик технологияни ишлаб чиқдилар, улар яратган педагогик технология такрорланадиган педагогик цикл бўлиб, таълим-тарбиявий ишда режалаштирилган (лойиҳалаштирилган) натижаларни кафолатлайди.¹

Олий ўқув юртларининг талабаларида маънавий-ахлоқий ва касбий фазилатларни тарбиялашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бўлажак мутахассисларнинг ўз-ўзини тарбиялашига, ижобий одатлар, яхши фазилатларни ўзида онгли равишда ҳосил қила олишига боғлиқ. Шахсда ўз ҳулқини, хатти-ҳаракатларини, тартибга солиш одати, кўникмаси ҳосил бўлсагина маънавий-ахлоқий ва касбий тарбияни тула амалга ошириш мумкин. Виждон, масъулият ҳисси ўсган бўлиши ижтимоий бурчни юксак даражада англаш кабилар шахсни ўз-ўзини такомиллантиришга ундовчи куч ҳисобланади.

Жаҳон халқлари тажрибасида машҳур педагоглар тарбия соҳасида эришган ютуқларининг муҳим омилларида бири – улар тарбияланувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигини ошириб, ёшларнинг ўз-ўзини тарбиялаши масаласини оқилона уюштира билганлигидадир. Улар амалга оширган тарбия тизими таъсирчанлигининг боиси тарбия жараёнини ўз-ўзини тарбиялашга раҳбарлик қилиш жараёнига айлантира билганликларидадир.

¹ Қаранг: OCHILOV M., OCHILOVA N. OLIY MAKTAB PEDAGOGIKASI – T.: 2008. 182-бет.

Тарбиянинг мақсадини тарбияланувчилар олдига қийинчиликларни енгʻиш ва келгусидаги ютуқларга эришиш вазифаси қилиб қўя билишдадир. Дарҳақиқат, бўлажак мутахассисларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш жараёни фақат, шахс ўз-ўзини тарбиялашга фаол киришган ва бу ишни мунтазам давом эттирган тақдирдагина самара бериши мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш талабаларда ҳосил бўлган маънавий-ахлоқий ва касбий камолотнинг натижасидир. Ўз-ўзини тарбиялаш талабалар онгининг ўсиши, фаоллиги, ижодкорлиги, иродасининг юксак даражада чиниққанлиги натижасида амалга оширилади. Ўз-ўзини тарбиялаш учун шахс ўзига нисбатан талабчан бўлиши, ўзининг куч ва қобилиятига ишониши лозим. Ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжи маълум шарт-шароитлар ва тарбия таъсирида ҳосил бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш учун йигит ва қизлар ўзларининг жамиятда тутган ўрни ва бурчини яхши тушуниб олган бўлишлари керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш натижасида шахсда ташқи тарбиявий таъсирларга онгли муносабат ҳосил бўлади ва у ўз-ўзини тарбиялашнинг хусусиятига боғлиқ равишда тарбиявий таъсирни кучайтириши ёки камайтириши мумкин. Иккинчи томондан, талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаши муҳитнинг ва олий ўқув юртларидаги мавжуд тарбия тизимининг таъсири билан белгиланади. Бу ерда тарбиянинг объекти ҳам, субъекти ҳам талабанинг ўзидир.

Талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаши бўлажак мутахассисларнинг таълим-тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклланишини давом эттиради, тўлдиради, чуқурлаштиради, барча тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширади.

Одатда талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаши масаласига кам эътибор берилади. Бунинг сабабларидан бири ўз-ўзини тарбиялашнинг аҳамиятини тушуниб етмаслик, олий ўқув юртлари, факультет раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар ўз-ўзини тарбиялаш ишининг аҳамиятига етарли даражада эътибор бермаслигидадир. Шунинг назарда тутиш лозимки, олий ўқув юртларининг кўпчилик талабалари – Ўзбекистон Республикаси мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг келажакдаги касбий таълим ўқитувчиларидир. Улар таълим муассасаларида таълим-тарбия ишларини бажариш билан бирга ўқувчи-талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаши соҳасидаги ишларни ҳам уюштириши, ташкил этиши керак. Шунинг учун ҳам бўлажак касбий таълим ўқитувчилари талабалик чоғидаёқ ўз-ўзини

тарбиялаш методикаси билан қуролланиши зарур. Олий ўқув юртларининг талабаларида ўз билимларини такомиллаштиришга, мустақил ишлаш, ўқиб-ўрганишга интилиш ҳислати мавжуд. Баъзан ана шу имконият, интилиш, ўз-ўзини тарбиялаш малакаси, тажрибаси камлиги туфайли руёбга чиқмай қолади. Чунончи олий ўқув юртларининг ўқув режалари талабаларга маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялашга доир билим ва малакалар бериш учун катта имкониятларга эга.

Талабаларда ўзларининг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-одатларига танқидий ва жиддий қарашларининг оқибатларини шахсий ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолай олиш одатини ҳосил қилиш ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Олий ўқув юртлари талабаларини ўртоқларининг фикрларига кулоқ солишга, уларнинг танқидий мулоҳазаларини ҳисобга олишга ўргатиш лозим.

Ўз-ўзини тарбиялаш ишининг самарали бўлиши учун аввало, талабаларда мотив, ижобий-ахлоқий сифатлар мавжуд бўлиши, йигит ва қизларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва хулқи учун маълум тартиб ўрнатиш талаб этилади. Талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаши улардаги ижобий сифатларни ўстириш ва мавжуд бўлган айрим салбий ҳислатларни бартараф этишдир.

Олий ўқув юртларига қабул қилинган талабалар бўлажак мутахассисларнинг мустақил ишларини уюштириш ва уларнинг ўз-ўзини тарбиялашига кўмаклашиш учун **“Талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш дастури”**ни тузиши лозим. Дастурнинг биринчи қисмида бўлажак мутахассиснинг шахсий сифатлари кўрсатилади. Олий ўқув юртлари талабалари ўқиш даврида бу сифатларни ўзида тарбиялашлари, камол топтиришлари лозим. Иккинчи қисмида фаолият турлари кўрсатилади. Талабалар уларни бажариш натижасида ўзларида бу зарурий сифатларни ҳосил этади.

Дастурнинг биринчи қисми қуйидагиларни ўз ичига олади. Бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти, шунингдек, **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** асосида таълимнинг янги мазмунига ўтиш – янги ўқув режалари ва дастурларининг жорий этилиши олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашнинг сифатини тубдан яхшилашни талаб этади, бўлажак мутахассисларнинг маънавий, мафкуравий ва илмий

савиясини янада ошириш психологик-педагогик ва методик тайёргарлигини кучайтиришни тақазо қилади. Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёти шароитида, масалан, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида мустақиллик мафкурасини, миллий истиқлол ғоясини чуқур ўзлаштириб олган, ўзи дарс берадиган фанни пухта биладиган, юксак педагогик маҳорат ва маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллаган ўқитувчигина муваффақиятли ишлай олиши мумкин.

Шунингдек, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг бўлажак ўқитувчиси миллий-маънавий қадриятларни ва миллий ахлоқни эгаллаган бўлиши зарур. Ўқитувчининг кучи ва тарбиявий таъсири, аввало мустақиллик мафкураси, миллий истиқлол ғояси унинг эътиқодига айланганлигидир. Олий ўқув юртлирида янги ўқув режалари ва дастурлари жорий этилиши, миллий маданий қадриятларга доир адабиётларнинг кўплаб нашр этилаётганлиги, юқори малакали профессор-ўқитувчиларнинг мавжудлиги талаба ёшларни маънавий-ахлоқий ва касбий жиҳатдан тарбиялаш ишини юксак даражага кўтаришга имкон беради.

Бўлажак мутахассисларга берилаётган билимлар доирасини тобора кенгайтира бориш, ихтисослик фанларига доир билимларни пухта ўзлаштиришга эришиш олий ўқув юртлирининг асосий вазифасидир. Шу билан бирга ёш мутахассислар мустақил ўқиб, ўз билимларини мунтазам ошира бориш кўникмасини ҳосил қилишлари зарур.

Бўлажак мутахассислар чуқур психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлишлари зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда. Бўлажак касбий таълим ўқитувчиси педагогика фанининг назарияси ва тарихини, дидактикани, тарбия назарияси ва методологиясини, хусусий методикаларни, психология ва ёшлар физиологиясини яхши билиши лозим.

Бўлажак мутахассисга хос шахсий, касбий, маънавий ахлоқий сифатларни эгаллаш учун талаба, аввало, танлаган касбининг шахсий ва ижтимоий аҳамиятини англаб олиши, унда педагогик касбига қизиқиш ва иштиёқ бўлиши зарур. Бу фазилат шахснинг педагогик йўналишини тавсифлайди.

Ўқитувчи шахсини тавсифлайдиган муҳим сифатлардан яна бири педагогик ишга қобилиятнинг мавжудлигидир. Педагогик кўзатувчанлик, мушоҳада, мулоқот маданияти, педагогик такт,

ташкilotчилик, касбий маҳорат, иқтидор кабилар педагогик ишга қобилиятнинг мавжудлигини кўрсатади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва унинг заминидида шаклланаётган кучли фуқаролик жамиятида педагогик фаолиятнинг характеридан келиб чиқадиган бу талаблар бўлажак мутахассис қандай фазилатларни эгаллаб олиши зарурлигини талабаларга батафсил тушунтириб бериш лозим бўлади. Бўлажак касбий таълим ўқитувчиси эгаллаб олиши лозим бўлган бу шахсий сифатлар уларнинг интилиши учун истиқбол марра, идеал бўлиб хизмат қилади.

Дастурнинг иккинчи қисмида талабалар бажариши лозим бўлган вазифалар, яъни фаолият турлари кўрсатилади. Бу топшириқларни бажариш жараёнида бўлажак мутахассислар учун зарур бўлган профессионал ахлоқий фазилатларни эгаллаб олади. Дастурда жумладан, қуйидагилар кўрсатилади:

- **Маънавий-мафкуравий ишлар.** Мустақил Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатидан хабардор бўлиш. Президентимизнинг нутқлари, асарлари, Олий Мажлис қабул қилаётган қонунларни, мамлакатимизда нашр этилаётган ижтимоий-сиёсий, педагогик, шунингдек, ихтисосликка доир газета ва журналларни ўқиб бориш: «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат», «Оила ва жамият» каби газеталарни, шунингдек, «Халқ таълими», «Бошланғич таълим», «Оила», «Соглом авлод учун» ва бошқа таълим-тарбияга доир газета-журналларни мунтазам ўқиб боришга одатланиш.

Ўқувчи-талабалар билан, шунингдек, ота-оналар орасида маънавийга, мафкурага доир мавзуларда суҳбатлар ўтказишни, газета ва журналларни овоз чиқариб ўқиш, ижтимоий-сиёсий мавзуларда маъруза матнлари тайёрлаш ва ўқишни ўрганиб олиш.

Гуруҳда, шунингдек, ўқувчи-талабалар орасида ва маҳаллада тарғиботчилик вазифасини бажариш. Тарғиботчилик малакаси, кўникмаларини пухта эгаллаб олиш. Жамоат топшириғини, агар у жуда кичик ва жуда оддий бўлса ҳам ҳар куни мунтазам равишда бажариш.

- **Ақлий меҳнат.** Ақлий меҳнат гигиенасини билиш ва унга амал қилиш. Тартиб билан ишлашга одатланиш. Маърузаларни тинглаш ва уни ёзиб боришга одатланиш. Китоб билан мустақил ишлашни ўрганиб олиш, турли предметлардан қачон ва қандай дарс тайёрлашни олдиндан режалаштириб, белгилаб қўйиш. Мажлис-ларда ва мунозараларда сўзга чиқиш учун ёзма нутқ тайёрлашни ва

нутқ сўзлашни ўрганиш, конференцияларда қатнашиш учун доклад ва ахборотлар тайёрлашни ўрганиш, бундай пайтларда аниқ таклифлар киритиш ва ўз таклифини асослаб беришга одатланиш. Библиографиядан фойдаланишни, шунингдек, таълим-тарбия масалаларига доир мавзуларда, ихтисосга доир мавзуларда библиография тузишни ўрганиб олиш. Ўқиган китобларни кундалик дафтарга ёзиб бориш, улардан муҳим жойларини кучириб олишга, аннотация ва тақризлар ёзишга одатланиш. Шарқ алломалари, Ватанимиз ва жаҳон фани ва маданиятининг машҳур арбоблари китоб устида қандай ишлаганликларини, ўз асарларини қандай яратганликларини билиб олиш. Ақлий меҳнатни уюштиришнинг илмий асослари ҳақида тасаввурга эга бўлиш. Замонавий ахборот технологияларидан хабардор бўлиш. Компьютерда ишлашни ўрганиш, компьютер воситасида керакли илмий ахборотларни йиғиб бориш ва ҳ.к.

• **Ташкилий меҳнат.** Ёш мутахассиснинг, тарбиячининг иши, аввало, ташкилий меҳнат эканлигини билиб қўйиш. Шунинг учун ҳам ташкилотчилик ва бошқаришнинг моҳияти ҳамда принципларини билиб олиш. Тўғри раҳбарлик қилиш режалаштиришга, жамоа аъзоларининг ташаббускорлиги ва фаоллигига асосланади. Жамоа аъзоси бошқаришни ҳам, буйсунушни ҳам билиши керак. Раҳбар ишчан, одобли, обрўли бўлиши лозим, у ҳар бир ишда бошқаларга ибрат, намуна бўла олсин, жамоа олдида масъулиятни ҳис этиши. Раҳбар ўзини жамоанинг вакили деб ҳисоблаши, ўз-ўзига талабчан бўлиши, танқид ва ўз-ўзини танқидни қўллаб-қувватлаши зарур.

Ўз-ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчан бўлиш, буюришни ҳам, итоат этишни, бажаришни ҳам билиш, ўртоқларининг танқидий фикрларига кулоқ солиш. Сезгир, хушёр бўлиш, ўртогининг ўқишда, турмушда, жамоат топшириқларини бажаришда қанақа ёрдамга муҳтожлигини билиб олиш ва хушмуомалалик билан унга кўмаклашиш. Ўртогининг фаолиятида сезган камчиликни тўппа-тўғри унинг ўзига айтиш, бу нуқсонни тугатишни талаб этишни, мажлисда уни танқид қилишни билиш. Киши бир-бирига қанчалик яқин бўлса, бир-бирини шунчалик ҳурмат этади, бир-бирига нисбатан шунчалик талабчан бўлади, шу боис бу қоидага амал қилишга одатланиши лозим.

Жамоат топшириқларини бажаришда ва шахсий ишларда ташаббус кўрсатиш. Гуруҳ ташкилотчисининг ва тўғарак раҳбарининг вазифалари нималардан иборат эканлигини, ёшлар ташкилотчисининг

вазифаларини билиб олиш. Жамоат топшириқларини мунтазам бажариш.

Ўқувчи-талабалар билан бажариладиган тарбиявий ишларнинг режасини тузишни ўрганиш, уни бажаришда иштирок этиш. Синфда ёки гуруҳда умумий мажлисни, фаоллар йигилишини тайёрлаш ва ўтказишни ўрганиш. Ахлоққа доир мавзуларда суҳбат, мунозаралар ўтказишни, китобхонлар конференциясини тайёрлаш ва ўтказишни, ўқувчи-талабаларни театрга, кинога, сайрга олиб боришни, деворий газета чиқаришни, мажлис қарорини ёзишни, бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот ёзишни, айрим масалаларга доир кўргазмали воситалар тайёрлашни, жамоат олдида ҳисобот беришни, қабул қилинган қарорга бўйсунушни билиб олиш.

• **Маиший меҳнат.** Уй-рўзгор ишлари ҳажмида маиший хизмат бажаришни ўрганиб олиш.

• **Нафосат тарбияси.** Санъат инсон ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. Шахсни тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим вазифаси кишида эстетик билим ва маданиятни оширишдан иборат. Маданият эстетик қизиқишларнинг кенглиги ва гўзалликни чуқур ҳис этишда, кишиларнинг турмуши ва меҳнатида гўзалликнинг, нафосатнинг қарор топишида ифодаланadi.

• **Меҳнат эстетикаси.** Меҳнат қилишга одатланиш, ҳеч қачон эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслик. Ҳамма вақт ижодий ишлашга интилиш. Меҳнатни ташкил этишда ўзи раҳбарлик қилаётган ўқувчи-талабалар жамоаси ва ўртоқларининг фаоллиги ва ташаббускорлигига таяниш. Фақат ижодий меҳнат қилган кишигина ўз ишидан қаноат ҳосил қилиши мумкинлигини унутмаслик.

Чидамли ва қатъиятли бўлиш, ҳар доим кун тартибига биноан ишлаш. Агар бошлаган ишни тугаллаш имкони бўлса, уни ҳеч қачон чала қолдирмаслик. Меҳнат эстетикаси ишни пухта бажариш, тежамкорлик, ҳалоллик, куч-ғайрат сарфлаш, ишга ижодий муносабатда бўлиш кабиларда намоён бўлишини эсда тутиш.

Кишини, келажаги буюк Ватанимиз – Ўзбекистоннинг истиқлоли, равнақи, бахт-саодати йўлида бажараётган ҳалол меҳнати учун кадрлашни ўрганиши лозим. Инсон ўз меҳнати билан гўзаллигини, меҳнат инсонни улуғлашини доимо ёдда сақлаши. Ўз меҳнатини, фаолиятини тўғри баҳолай олишни ўрганиши керак. Ўзини камтар тутиш, эришган ютуқлари билан мағрурланиб кетмаслик, ўз тажрибасини ўртоқлари билан баҳам қуриш, бошқаларнинг ютуғидан қувониш.

Ўзи ўқийдиган аудиторияни, дарс тайёрлайдиган жойни тоза ва тартибли сақлашга одатланиш, доскага ва дафтарга хатни чиройли қилиб ёзиш, суратларни ҳам чиройли чизиш, доскага бўр билан ёзаётганида қўлни, кийимларини ифлос қилмаслик, ишни аниқ ва ўз вақтида бажариш, доимо хушёр бўлиш.

• **Маиший турмуш эстетикаси.** Ўзи яшайдиган хонани озода тутишни, буюмларни дид билан жой-жойига қўйишни, тартибли сақлашни ўрганиш, бу ишга ўртоқларини ҳам жалб этиш. Кийимни оддий, озода ва дид билан кийишга одатланиш, ўзига ва оила аъзоларига мос келадиган кийимни танлай билиш. Қўйлак, костюм, оёқ кийимларни эҳтиётлаб кийиш, асраш, кийимларни ювиш, ямаш ва дазмоллашни ўрганиш. Кийим-кечакларни тахлаб, жой-жойига қўйишга одатланиш, уст-бош кийимларини стулнинг суянчигига илиб қўйиш, кроватга ташлашга одатланмаслик.

Талабалар турар жойларида яшаш қоидаларига риоя қилиш. Муомала маданиятини ўрганиш, хушмуомала бўлиш.

• **Экологик тарбия.** Теварак-атрофдаги табиатнинг гўзаллигига эътибор бериш ва уни асраш. Гуллар, дарахтлар, ўсимликларнинг номларини билиб олиш. Табиат манзаралари акс эттирилган суратларни тушуниш ва улардан завқланишни ўрганиш, айниқса, Ўзбекистон ва жаҳон рассомлари чизган суратлар ҳақида ўқувчи-талабалар билан суҳбат ўтказишга тайёрланиш. Табиат тўғрисида ўқувчи-талабалар билан «*Эрта баҳор*», «*Тонг пайти*», «*Баҳорда. ёзда, кизда ва қишда табиат манзараси*» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиш. Ёзги оромгоҳларга бориш учун тайёрланиш ва оромгоҳда педагогик амалиёт ўтиш пайтида табиатни, табиий манзараларни диққат билан кузатиш ва асраш.

• **Санъатнинг асосий соҳалари.** Мусиқа санъатидан хабардор бўлиш. Мусиқа инсон маданиятининг энг юксак кўринишларидан, муҳим соҳаларидан, ижтимоий онг, мафкура шаклларида биридир. Мусиқа ҳаётни билиб олиш ва унга таъсир этиш воситаси ҳисобланади. Мусиқа бадий образларининг латифлиги билан кишига завқ ва ҳузур багишлайди.

• **Мусиқа асбоблари:** *фортепиано, скрипка, баян, думбра, дутор, рубоб, доира, чанг, кларнет, виолончел, контрабас, флейта, арфа. Инструментал ансамбль ва оркестрлар.*

• **Овоз турлари:** *бас, тенор, сопрано, меттсо-сопрано (урта сопрано). Вокал ансамбль ва хорлар. Мусиқанинг жанрлари, турлари, ифодалаш воситалари. Мелодия ва жўр бўлиш. Мақом,*

эстрада ва халқ қўшиқлари, инструментал музыка. Тароналар, баллада, фантазия, сонато (ҳар хил темп ва характерга эга бўлган бир неча қисмдан иборат музыка асари), концерт, опера, балет, симфония, кантата (тантали руҳда ёзилган музыка асари), оратория (умумий хор, якка ашулачи ва оркестр учун ёзилган музыкали драматик асар).

Халқ музыкаси ва ашулалари.

Мумтоз композиторлар ижоди, ўзбек композиторлари, ҳозирги замон чет эл музыкасидан хабардор бўлиш.

• **Тасвирий санъат.** Рассомлик санъати тасвирий санъатнинг бир тури, борлиқни бадий образлар воситаси билан акс эттиришнинг ва инсон ҳаётига таъсир этишнинг воситаларидан бири. *Рассомлик санъатининг турлари: ҳашаматли суратлар, деворга осиб қўйиладиган суратлар, декоратив суратлар, безак суратлар, махсус дастгоҳда ишланган – ўртача катталиқдаги расмлар, миниатюра (жуда майда, нафис ва чиройли қилиб ишланган расм).*

Рассомлик санъатининг турлари: тарихий жанр; турмушни, урф-одатларни тасвирловчи суратлар, жанг манзараларини тасвирловчи суратлар; портрет жанри, анималистик (ҳайвон расмини чизиш) жанри, манзара жанри, натюрморт (жонсиз нарсаларнинг суратини солиш) жанри.

Рассомлик санъатининг техникаси: мой бўёқ (сир), акварел (сувда эритиб ишлатиладиган бўёқ), керамикага оид, мозаика (нақш) ва бошқалар.

Рассомлик санъатининг қисқача тарихи. Ўтмишда яшаган машҳур рассомлар, ҳозирги замон рассомларини билиб олиш. Картиналарни тушуниш, расм доскасига сурат чизишни ўрганиш.

• **Театр.** Инсон ҳаётида театрнинг аҳамияти ва ўрни катта. Театр тарихи, театрнинг жанрлари ва турлари, театрнинг таниқли арбоблари, атоқли санъаткорларни билиш. Пьеса (саҳна асари) мазмуни, пьеса танлаш ва спектакль қўйишни, саҳна асари устида ишлаш методикасини, қўғирчоқ театри, драма тўғарагини, театрға бориш, спектаклни куриш ва муҳокама қилишни ўрганиш лозим.

• **Кино ва телевидение.** Улар санъатнинг кенг тарқалган оммавий тури, сиёсий ва илмий ташвиқотнинг, шунингдек, кундалик воқеалар ҳақида ахборот олишнинг муҳим воситаси, мафкуранинг таъсирчан қуролларидан бири.

Кино ва телевидение тарихи. Кино-телефильмларнинг муҳим турлари: илмий-оммабоп фильмлар, ўқув фильмлари, ҳужжатли фильмлар, бадий фильмлар, Ўзбекистон ва чет эл кино санъатининг машҳур вакиллари билиб олиш. Кинотеатрларга бориш, кино-телефильмларни кўриш ва муҳокама қилиш, ўқувчи-талабаларга кино-телефильмларни кўрсатиш методикасини ўрганиш.

- **Бадий ижод.** Бадий тарбия тугаракларидан (драма тугараги, хор тугараги, рақс тугараги, расм тугараги, амалий санъат тугараги) бирида қатнашиш. Бадий ҳаваскорлик тугаракларининг концертларида, «*Жонли газета*»да иштирок этиш. Мусиқа асбобларидан бирида куй чалишни ўрганиш.


- **Жисмоний фаолият.** Спортнинг бирор тури билан мунтазам шуғулланиш ва спорт разрядига эга бўлиш. Олий ўқув юртини битиргунча спорт секцияларидан бирида қатнашиш. Жисмоний тарбия ва спортнинг асосий турларини билиб олиш, спорт билан шуғулланиш малакасига эга бўлиш, спорт нормаларини топшириш.

Физкультура-спорт бўйича жамоатчи – инструкторлик қилиш учун керак бўладиган даражада билим ва малакаларни эгаллаш. Спортнинг муҳим турлари бўйича ўйинлар, мусобақалар уюштиришни билиб олиш. Ҳар хил ёшдаги кишилар учун эрталабки гимнастика машқлари мажмуини тузиб чиқишни ва унга раҳбарлик қилишни ўрганиш. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун гимнастика нормаларини эсда сақлаш. Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги ютуқларини ва жаҳон рекордларини билиб қўйиш. Гавдани чиниқтириш қоидаларини ўрганиб олиш ва унга мунтазам амал қилиш. Жароҳатланган: захарланган, бирор жойи синган, ярадор бўлган, офтоб урган, сувга чўккан, хушдан кетган кишиларга тез ёрдам кўрсатиш усулларини билиб олиш.

Уй-жой, кийим-кечак, спорт анжомлари, спорт бинолари ва бошқаларга қўйиладиган санитария-гигиена қоидаларини билиб олиш ва уларни бажариш. Туристик сафарларда қатнашиш, туристик юришнинг раҳбари ёки аъзоси сифатида кечкурунлари палаткада, гулхан ёнида, очик ҳавода тунашга одатланиш. Гулханда овқат пиширишни, нотаниш жойда компасга, соатга, юлдузга, маҳаллий буюмларга қараб мўлжал олишни ўрганиш.

Туристтик сафар режасини тузишни, маршрут муддатини белгилашни, керакли анжомлар, кийим-кечак, озиқ-овқатлар мўлжалини билиб олиш. Ўқувчиларни ва талабаларни туристик сафарга олиб чиқувчи раҳбар вазифасини бажаришни ўрганиш.

3-шакл.



Бу дастур мустақил ишларни режалаштириш ва ташкил этиш учун олий ўқув юртларининг талабаларига тавсия этилади. Шу асосда ҳар йили гуруҳда бажариладиган ишларнинг режаси тузиб чиқилади. Гуруҳнинг ҳар бир талабаси ҳам ўзининг қобилияти ва имкониятига қараб бир йиллик ва семестрга мўлжаллаб индивидуал режа тузиб чиқади. Дастур энг яхши гуруҳ учун ташкил этиладиган мусобақа-конкурс шартларини тузиб чиқиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Бундай дастур талабалар эгаллаб олиши лозим бўлган ижтимоий-гуманитар, ихтисослик, профессионал-педагогик билим ва кўникмалар, маънавий-ахлоқий сифатларни яхлит ҳолда талабалар кўз ўнгида гавдалантиришга имкон беради. Шу билан бирга у ўз-ўзини тарбиялаш вазифаларини бир қадар ойдинлаштириб, талабани бу вазифалари 1, фаолият турларини бажариш учун сафарбар этишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири бўлажак – мутахассиснинг шахсий қобилият ва имкониятлари билан касбий фаолиятнинг талаблари ўртасидаги узилишни

бартараф этиш зарурлигини англаб, тушуниб олишдан иборат. Бундай тушунчанинг ҳосил бўлиши ҳар бир йигит ва қизда ўз билимларини ошириш устида мустақил ишлашга, ўз-ўзини тарбиялашга интилиш ҳиссини уйғотади. Ушбу дастур ана шу мақсадларни амалга оширишда ёрдам беради.¹

12.2. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда «Умумий педагогика ва психология» ҳамда «Касбий педагогика ва психология» фанлари олдида таълим жараёнини самарали ташкил этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш вазифаси турибди. Бундан келиб чиққан ҳолда талабаларни педагогика ва психология туркуми фанлари асосида маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда анъанавий таълим турлари билан бирга ноанъанавий таълим методларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. У ёки бу методни танлашда талабаларни ҳар томонлама (*касбий билим, маҳорати, ижодий фаоллиги, ташаббускорлиги ва ҳ.к.*) ва турли методлардан фойдаланган ҳолда (*қизиқарли ўйинлар кечаси, аниқ мавзу устида мусобақа (полемика), семинар-брифинг, семинар-суҳбат, семинар-конференция, семинар-диспут ва ҳ.к.*) устида фаол, мустақил ишлашга йўналтириш лозим. Бунда талабалар диққати фақат битта масалага қаратилмасдан, уларни қизиқтирадиган мавзулар бўйича кечалар, севимли машғулотлари бўйича эстафеталар уюштириш, муסיқий-бадий кечалар ташкил этишга, касбий фаолиятни акс эттирувчи вазиятни таҳлил қилувчи сўзсиз ўйинлар (иммитация), ребус, кроссвордлар тузиш ва ечиш, миллатлар дўстлиги масаласига бағишланган йиғинлар, факультетда газета, журналлар ташкил этиш. Уларни ҳар томонлама ривожлантирувчи машғулотларда фойдаланиш ижобий натижаларга эришишни таъминлайди. Машғулотларни бундай ташкил этиш талабаларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш билан бирга, уларни ҳар томонлама ривожлантиради. Чунки битта масала устида ишлаш талабалар диққатини сусайтириб, зериктиради. *Талабаларга*

¹ Қаранг: OCHILOV M., OCHILOVA N. OLIY MAKTAB PEDAGOGIKASI. – Т.: 2008, 225-237-бетлар.

тайёр билимларни бермасдан, маълум бир муаммо қўйилиб, ечимини талабаларнинг ўзларига топтириш лозим. Талабаларнинг мустақил илмий изланишларини ташкил этишда илмий конференциялар, маърузалар билан чиқиш, семинар-конференция кабилардан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Конференция дастурига талабаларнинг ўзларини қизиқтирган, ўқиш, билишга бўлган фаоллигини оширишга қаратилган “Мустақил илмий изланиш йўллари”, “Имтиҳонга тайёрланиш тажрибасидан”, “Бўш вақтдан қандай фойдаланаман?” сингари мавзуларнинг киритилиши ижобий натижаларни беради. Конференцияда 4-5 талаба қисқа маъруза қилади. Талабаларнинг савол-жавоблари тугагандан сўнг «Ақлий ҳужум» методи ёрдами билан кўтарилган масалалар бўйича умумий хулоса чиқарилади.

Маърузаларда республика ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган мавзуларни киритиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, республикамизда маънавият соҳасида амалга оширилаётган энг устувор йўналишлар, Шарқ мутафаккирларининг ўқитувчилик касби ҳақидаги қарашлари, жамиятимиз маънавий ривожланиши соҳасида белгилаб берилган вазифалар ва бунда ёшларнинг ўрни, Миллий истиқлол мафкурасининг энг асосий ғоялари каби масалаларга доир мавзуларнинг киритилиши талабаларнинг қизиқиш ва фаоллигини оширади. Талабаларнинг мустақил фикрлаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, эркин баҳс юрита олиш қобилиятларини ривожлантиришда муаммо қўйиш, муаммоли вазиятлар яратиш, инверсия, ижодий топшириқлар, эвристик суҳбат тарзидаги савол-жавоблар, ақлий ҳужум, гуруҳли баҳслар, кичик гуруҳларда ишлаш, синектика (жамоавий фикрлашни ташкил этиш) каби махсус методлардан фойдаланиш ижобий натижаларга эришишни таъминлайди.

Булардан энг кўп қўлланиладигани – муаммоли ўқитиш, талабаларда изланиш фаолиятини шакллантиришга қаратилган. Мазкур метод асосида битта муаммони олга суриш ва асослаш ётади. Агар муаммо талабаларни қизиқтирса, унда ўз-ўзидан муаммоли вазият юзага келади. Муаммоли вазият таркибига: савол тарзида вазифалар қўйиш, фаразларни олга суриш, назарий асословчи вазифалар, концепция, урганилаётган муаммо схемаси, модели, уларни ечиш йўллари киритилади, Муаммоли вазият ўқитувчи томонидан шакллантирилиб, муаммо тарзида баён

этилади, талабалар эса ўйлаб фикр юритиш асосида муаммони ечадилар ёки савол тарзида вазифалар талабалар томонидан қўйилиб, уларнинг ўзлари мустақил ечадилар.

Бундай йўл билан тушунтирилган масалалар талабалар хотирасида узоқ сақланади. **Гуруҳли баҳс методи** – маълум муаммо, мавзу юзасидан эркин фикр алмашиш услуги бўлиб, бунда барча иштирок этувчилар тенг ҳолда, ўзлари нотўғри деб билган барча масалаларга танқидий муносабат билдирадилар. Энг асосийси – фактлар асосида мантқиқий исботлаш бўлиб, барча таклифлар, изланишлар, ечимлар ўрганилиб, жиддий таҳлил қилинади. Гуруҳли баҳс методининг бир қанча афзалликлари бор. Кутарилган ҳар бир масала бевосита машғулот жараёнида ечимини топади. Талабаларнинг фикрлаш қобилиятини тезлаштириб, ўрганилаётган фанга бўлган қизиқишини оширади. Шу боис, талабалар келажакда мустақил илмий изланиш йўлларини ўрганиб борадилар. Бу методни қўллашдан аввал талабаларга бир ой олдин мавзу, фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар рўйхати берилади.

Баҳс мавзуси маъруза матнларини такрорламаслиги ва аниқ жавобни топиш учун турли манбалардан фойдаланиш назарда тутилади. Ҳар хил манбаларни (илмий мақола, монография) ўқиш жараёнида талабаларда танқидий фикрлаш малакалари шаклланади.

Бу методлардан ташқари «**инверсия**» (лотинча *айлантириш, қайта жойлаштириш*) – исбот қилинган тезисга қарама-қарши исбот методлари ҳам таълим жараёнига кириб келмоқда. Шулардан бири америкалик У.Гордон томонидан таклиф қилинган **синектика методи** бўлиб, у тўртта восита ёрдамида жамоавий фикрлаш фаолиятини ташкил қилиш методидир: муаммо қандай берилган бўлса, унга шундайлигича қараш; маълум ечимдан қочиб; уни муаммога ўхшаш, яқин бўлган нарса билан таққослаш; муаммонинг умумий кўринишдаги таърифини умумлаштириш.

Бунда ҳар хил характердаги муаммоларни ечиш аналогиясини излаш, кидириш таклиф қилинади. Масалан, тўғридан-тўғри (шунга ўхшаш вазифалар қандай ҳал қилинади); **шахсий** (*объектдаги «вазифа ичига кириш ва шу нуқтаи назардан фикр юритиш*), **рамзий** (*икки оғиз сўз билан вазифа моҳиятини образли тасвирлаш*); **хаёлий** (*бу вазифани эртак қаҳрамонлари қандай ечган бўлар эди*) ечиш усуллари.

Биз юқорида санаб ўтган барча методларларни қуйидагича ифодалашимиз мумкин.

Таълим турлари: педагогика назарияси; педагогика тарихи; педагогик маҳорат; педагогик психология.

Таълим методлари: гуруҳлар ташкил этиш; эвристик суҳбат; ақлий ҳужум, гуруҳли баҳс-мунозара; синектика методи; савол-жавоб.

Таълим шакллари: Муаммоли маъруза; семинар, лаборатория машғулотлари; маърузалар билан чиқиш; семинар-брифинг; семинар-конференция; семинар-баҳс; давра суҳбати; ишчанлик ўйинлари, роллар ижро этиш; муаммолар таҳлили; рефератлар ёзиш.

Аудиториядан ташқари машғулотлар: факультатив машғулотлар; ижодий кечалар; тўғараклар: воизлар гуруҳи, сиёсий мухбирлар; мустақил илмий изланиш: курс иши, диплом иши, реферат, олимпиада, кўрик-танловларда қатнашиш; илмий конференцияда қатнашиш; педагогик амалиёт; китобхонлар уюшмаси; байрамлар: Мустақиллик байрами; Конституция куну, ҳар хил мавзудаги қизиқарли кечалар; талабаларнинг севимли машғулотлари устида эстафеталар.

Таълим методларини қўллашни қуйидагича кўрсатиш мумкин: талабаларда ташкилотчилик, бошқарувчилик, мустақил илмий изланиш, ўз фикрини химоя қила олиш, баҳс юритиш кўникмаларини шакллантиришда гуруҳлар ташкил этиб, ижодий топшириқлар бериш, гуруҳлараро баҳс юритиш, ақлий ҳужум методи, эвристик метод, кластер методи кабилардан фойдаланилади. Талабаларда ижрочилик, бошқарувчилик, улар билимларини синаб кўришда маъруза билан чиқиш, дискуссия (баҳс)лар, муаммо қўйиш, муаммоли маъруза қилиш ҳам яхши натижалар беради. Талабаларда малака ошириш, касбий қобилиятларини ривожлантириш учун имитацион (ўхшатувчи) машқлар, роллар ижро этиш орқали эришиш мумкин. Уларни янги ғоя ечимини яратиш, уларни шахсий тажрибага ёки вазиятга боғлаш, баҳсли ғояларни маъқуллашга ўргатиш учун эса гуруҳли баҳслар, маълум бир ҳолатлар таҳлили, савол-жавоб, сўровномалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хуллас, бу борадаги қизиқиш қуйидаги педагогик талабларга амал қилинганда самарали натижалар беради: таълим жараёнининг пухта лойиҳаланганлиги; мақсадларнинг аниқлиги; талабаларни бирлаштира олиш, вазифаларни тўғри бўлиб бериш, ишни тўғри

режалаштириш; дидактик талаблар: ўқув материални саралаш ва тайёрлаш, кўргазмали куроллар, жиҳозлар, ўқув материални аниқ, иншонарли тарзда етказиб бериш; перцептив талаблар: талабалар маънавий дунёсига кира олиш, уларнинг эмоционал ҳолатларини объектив кузата билиш; тадқиқотчилик қобилияти. Педагогик ҳолатларни аниқлаш ва объектив баҳолай олиш; замонавий педагогик технологиялардан фойдалана олиш ва ҳ.к.

12.3. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ ВА УНИ ЛОЙИХАЛАШ

Олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш талабалар томонидан мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштирилишини кафолатловчи ёндошув ҳисобланади. Бизга яхши маълумки, *«таълим технологияси»* тушунчаси таълим жараёнининг моҳияти, унинг босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ўқитувчи ва талабалар ўртасида кечадиган таълимий муносабатларнинг мазмунини англатишга хизмат қилади. *«Педагогик технология» тушунчаси эса ўз моҳиятига кўра, педагогик фаолиятнинг энг муҳим икки жиҳати, яъни, таълим ҳамда тарбия жараёнининг технологиялаштирилишини ифода этиши зарур.* Бироқ сўнги йиллар мобайнида замонавий педагогик технологиялар ва педагогик фаолиятни уюштириш жараёнида улардан фойдаланиш мавзусида яратилган манбаларнинг деярли барчасида таълим жараёнининг технологиялаштириш муаммоси учун асосий объект тарзида қабул қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳолбуки, баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида таълимий фаолиятнинг исвирди тупилиши бўлсак, тарбия жараёнини ташкил этишга инсоният янгила ёндошушни қарор топтириш, мажбур жараёнини технологиялаштиришга эришни муҳим педагогик натижалардан бири эканлигини янада чуқурроқ англаймиз.

Тарбия жараёнини технологиялаштириш – аниқ мақсадга эриштириш имконини берувчи ҳамда талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик-психологик фаолиятнинг таълимий-техник жиҳатдан уюштирилиши демакдир. Таълим жараёнидан фарқи ўлароқ, тарбия жараёнини технологиялаштиришда ушбу жараёнини самарасини кеска муддат оралиғида кўра ошди имконини йўқ. Тарбия жараёнинини ўзига хос хусусиятлари, талабалар ва ўқитувчи-педагоглар ўртасида юзага

келиш эҳтимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараёни технологиялаштиришга нисбатан ижодий ва масъулиятли ёндошиш зарурлигини таъказо этади.

Тарбия жараёнини технологиялаштиришда мазкур жараёни лойиҳалаштириш ҳамда унинг асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Тарбия жараёнини лойиҳалаштиришнинг асослари қаторига: 1) тарбиявий тадбир мавзусига доир материалларни йиғиш; 2) тарбиявий тадбирнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш; 3) тарбиявий тадбирнинг мазмунини ишлаб чиқиш; 4) тарбиявий тадбирнинг шакли, методлари ва воситаларини танлаш; 5) тарбиявий тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш (давомийлиги) вақтини белгилаш; 6) тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқиш; 7) талабалар фаолиятини назорат қилиш, шунингдек, уларнинг фаоллик даражаларини норасмий (талабаларни бу ҳақида хабардор қилмасдан) баҳолаш; 8) лойиҳани амалий фаолиятда қўллаш; 9) тарбиявий тадбирни амалий жиҳатидан ташкил этиш жараёни; 10) тарбиявий тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали ёки самарасиз, муваффақиятли ва муваффақиятсиз ташкил этилганлиги)ни муҳокама қилиш ва якуний ҳулоса чиқариш киради.

Олий ўқув юртлари амалиётидан маълумки, узок йиллар давомида олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг аксарияти тарбиявий тадбирларни ташкил этишга нисбатан “Тарбиявий ишлар режасида белгиланган тадбирларни ўтказишга мажбурман” қабилда ёндошиб келганлар. Уларнинг асосий эътибори ўзлари раҳбарлик қилаётган гуруҳ талабаларини аввалдан тайёрланган сценарийни ёд олиш ва унга қатъий амал қилишга мажбурлаш, шунингдек, “Олий ўқув юртлари маъмурияти ҳамда жамоаси олдида изза бўлиб қолишга йўл қўймаслик” тамойилига мувофиқ тарбиявий тадбирларни уюштиришга қаратилган эди. Эндиликда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан бундай ёндошувлардан воз кечиш мақсадга мувофиқ. Зеро, тайёр сценарий асосида муайян тадбирларни ташкил этиш жараёнида унинг асосий субъектлари бўлган талабалар фаол иштирокчи ва тадбир натижасини белгиловчи шахс сифатида эмас, балки оддий ижрочи тарзида кўзга ташланадилар. Бу ҳолат эса бир қатор салбий оқибатларнинг келиб чиқишига замин ҳозирлайди. Хусусан: 1) та-лабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан салбий муносабат юзага келади; 2) талабаларда мустақил

фикрлаш ҳамда ижодкорлик қобилиятининг шаклланиши учун имконият яратилмайди; 3) талабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилиши уларнинг шахс сифатида камол топишларини таъминлашга йўналтирилган бўлмай, балки гуруҳнинг олий ўқув юрглари жамоаси олдида “*сохта обрӯ*” орттириши учун хизмат қилувчи восита эканлиги туғрисидаги хулосанинг қарор топиши учун имкон юзага келади.

Олий ўқув юргларида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирларга нисбатан технологик ёндошув қуйидаги ҳолатларнинг намоён бўлиши билан тавсифланади: тарбиявий тадбирларнинг мазму ҳоясини талабалар томонидан билдирилган шахсий ҳамда уларнинг хоҳиш-истаклари асосида белгилаш; тарбиявий тадбирлар спецификсини ишлаб чиқишда талабаларнинг мустақил фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш; тарбиявий тадбирлар мазмунида ўз ифодасини топган ролларнинг мажбурий тарзидан эмас, балки талабаларнинг лаёқати, қобилияти, шунингдек, қизиқишларини инобатга олиш асосида тақсимланишига эришиш; тарбиявий тадбирларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида ўқитувчининг роли буйруқ беришдан иборат бўлмай, аксинча, талабаларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш ҳамда зарур ўринларда маслаҳат бериш сифатида ақтнингга эришиш; тарбиявий тадбирлар мақсадининг натижаланганлигини гуруҳ талабаларининг фаол иштирокига таянган ҳолда муҳокама қилиш. Муҳокама жараёнида ўқитувчи томонидан турли тибсеҳларнинг берилишига йўл қўйилмаслиги, аксинча, йўл қўйилган хато ва камчиликлар талабаларнинг ўзлари томонидан аниқланиб, уларни бартараф этиш (кейинги тадбирларни ўтказиш жараёнида мазкур камчиликларнинг такрорланмаслигини олдини олиш) йўлида маълум чора-тадбирларнинг белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Тарбиявий тадбирларнинг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндошув моҳияти ушбу жараёнда талабалар мустақиллигини таъминлашда қуйидаги омилларнинг мавжудлигига аҳамиятни қаратишни ҳам тақазо этади: 1) талабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш ва рағбатининг мавжудлиги; 2) талабаларнинг тарбиявий тадбирларни мустақил ташкил эта олиш борасида муайян тажрибаларга эга эканликлари; 3) тарбиявий тадбирлар ҳоясини талабаларнинг ички эҳтиёжларига мос келиши.

Шундай қилиб, олий ўқув юртлири амалиётида юқорида баён этилган омилларни инобатга олиш асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этишга технологик ёндашув ва лойиҳалаш нафақат ушбу тадбирларнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаб қолмай, балки уларнинг ўтказилишига нисбатан ижобий муносабатни юзага келтиради, шунингдек, уларда бир қатор маънавий-ахлоқий ва касбий сифатларнинг шаклланиши учун қулай шарт-шароит яратади.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Тизим – қисмлардан тузилган бир бутун, яъни маълум тартибда жойлаштирилган бир-бири билан боғлиқ қисмлардан тузилган яхлит бир нарса ёки ҳодиса деган маънони англатади.

Технология – юнонча “*tashne*” – санъат, моҳирлик, ўқув ва “*логос*” – илм, таълимот маъноларини англатади.

Педагогик тизим – таълим-тарбия технологиясининг асоси, замини ҳисобланади. У тарбияланувчи, таълим-тарбиянинг мақсади, таълим-тарбиянинг мазмуни, таълим-тарбия жараёни, тарбиячи, техник ва бошқа воситалар, таълим-тарбиянинг шакл-усулларидан иборат.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тарбиянинг методологик асосларини тушунтириб беринг.
2. Баркамол шахс деганда нимани тушунасиз?
3. Шахс, инсон, одам, киши, субъект, индивид, индивидуалик, комил инсон деганда нимани тушунасиз?
4. Индивид, шахс, субъект тараққиётининг тадқиқотида қандай ижтимоий-психологик ҳолатларга эътибор қилиниши керак?
5. Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган тарбиявий ишларда нималарга кўпроқ эътибор бералади?
6. Олий таълим муассасаси доирасида ва факультет бўйича қандай тадбирлар ўтказилади?
7. Технология нима?
8. Тарбиявий ишларга технологик ёндашув дейилганда нимани тушунасиз?
9. Тарбия технологияси нима?
10. Олий таълим муассасаларида тарбия жараёнини технологиялаштириш ва бу жараённи лойиҳалаштиришни тушунтириб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Олий таълим муассасаларида тарбиянинг методологик асосларининг баркамол шахсни шакллантиришга қаратилганлиги.

2. Олий ўқув юртларида баркамол шахсни шакллантиришда тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва методлари.

3. Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбиявий ишларни ташкиллаштиришнинг илмий-назарий асослари.

4. Олий таълим муассасаларида баркамол шахс маънавий-ахлоқий тарбияси жараёнини амалга оширишга яхлит, тизимли ва технологик ёндашув.

5. Олий ўқув юртларида таълим-тарбиявий жараёни ташкил этиши ва ривожлантиришда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти.

6. Олий таълим муассасаларида тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Талабалар билан бажариладиган маънавий-маърифий ишлар дастурини тузишда талабалар фаолиятини қандай турларга бўлиш мақсадга мувофиқ?

- а) билмиш фаолияти;
- б) ижтимоий-мафкуравий фаолият;
- с) меҳнат фаолияти;
- д) профессионал-касбий фаолият;
- е) а, б, с.

2. ЮНЕСКОнинг “Янги минг йилликда” номли маърузасида таълим-тарбия вазифаси қандай тавсифланган?

- а) ўқишга ўргатиш;
- б) яшашга ўргатиш;
- с) биргаликда яшашга ўргатиш;
- д) меҳнат қилишга ва маблағ топишга ўргатиш;
- е) а, б, с, д.

3. Тарбия технологиясига нималар кирди?

- а) тарбиявий жараён;
- б) тарбиячи ёки тарбиянинг техник ва бошқа воситалари;
- с) таълим-тарбиянинг шакл-усуллари;

- d) таълим-тарбиянинг мақсади;
e) a, b, c.

4. Таълим методлари қайсилар?

- a) педагогик маҳорат, педагогик психология;
b) гуруҳлар ташкил этиш;
c) эвристик суҳбат ва ақлий ҳужум;
d) гуруҳли баҳс-мунозара, синектика, савол-жавоб;
e) b, c, d.

5. Тарбиявий тадбирларнинг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндашув қандай омилларга боғлиқ?

- a) талабаларда ички эҳтиёж, қизиқиш ва рағбатнинг мавжудлиги;
b) муайян тажрибаларга эга эканликлари;
c) тарбиявий тадбир ғоясининг талабаларнинг ички эҳтиёжларига мос келиши;
d) маънавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланиши учун шароит ҳосил қилиш;
e) a, b, c.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини нечта асосий қисмга бўлиш мумкин?

- a) илмий-услубий таъминот;
b) ўқув ва илмий ишлаб чиқариш;
c) тарбия жараёни;
d) шахс, ишлаб чиқариш, таълим жараёни;
e) a, b, c.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Олий таълим муассасаларида тарбиянинг методологик асосларини баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган-лигини тушунтириб беринг.

№	ОТМТМАБШШҚ	Тушунча

2. Олий таълим муассасаларида баркамол шахсни шакллантиришда тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.

Т/р	ОТМБШШТЖУХХ	Тушунча

3. Олий таълим муассасалари доирасида ва факультетлар буйича ўтказиладиган тадбирлар тизими нималарни ўз ичига қамриб олишини тушунтириб беринг.

Т/р	ОТМД ва ФБУТТНУИҚО	Тушунча

4. Талабаларнинг тарбияланганлик даражасини қандай мезонлар ва кўрсаткичлар ёрдамида билиб олиш мумкин?

Т/р	ТТДҚМ ва КЕБОМ	Тушунча

5. Маънавий-ахлоқий тарбия тизими нима?

Т/р	МАТТ	Тушунича

6. Баркамол шахе тарбиясини яхлит тизимли ва технологик ёндашувларга асосланишни тушунтириб беринг.

№ Т/р	БШТЯТ ва ТЁА	Тушунча

7. Тарбия жараёнини технологиялаштиришда мазкур жараёни лойиҳалаштиришнинг асосларига нималар кнришини тушунтириб беринг.

Т/р	ТЖТМЖЛАНК	Тушунча

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ва кадрлар тайёрлаш соҳасини тубдан ислох қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу эса “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг (1997 йил 29 августда) яратилишига асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни куйидагича таърифлайди: “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно таърибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”¹.

Юртбошимизнинг бу фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки, *бирипчидан, бу кўрсатмалар педагогика назарияси ва амалиёти фанига ҳам, шунингдек, ёш авлод таълим-тарбияси билан шуғулланувчи ўқитувчи-педагогларга ҳам, умумий методология асос вазифасини ўтайди.*

Иккинчидан, педагогика назарияси ва амалиёти ҳамда ёш авлоднинг таълим-тарбияси билан шуғулланувчилар олдида қўйилган масъулиятли ва мураккаб вазифа “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни босқичма-босқич амалга ошириш орқали бажарилади. Юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбиянинг янги Миллий моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан кейинги йилларда яратилган ўқув-услугий мажмуалар ва замонавий педагогик технологиялар ҳамда педагогикага бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг кўплиги педагог олимлар ва амалиётчиларнинг замонавий таълим технологияларини таълим ва тарбия амалиётига қўллашга интилишининг самарасидир. Натижада мустақиллик даври узлуксиз таълим тизимининг муҳим жиҳатларидан бири – маънавий баркамол инсонни шакллантиришга, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга юз тутди. *Ўқувчи-талабалар таълим*

¹ Каримов Ислон. Ўзбекистоннинг уз истиклол ва тараққиёт йули. – Т. «Ўзбекистон», 1999, 78-бет.

жараёнининг объективликдан узининг тарбияланиши ва битимларни узлаштириши жараёнида бевосита фаолият юритиши лозим бўлган субъект даражасига кўтарилди. Эндиликда дарсда ўқитувчи ҳоким эмас, балки ўқитувчи-педагоглар ўқувчи-талабаларнинг яқин ҳамкорликдаги фаолиятдан иборат бўлмоқда.

Учинчидан, таълим жараёнини бугун ўқувчи-талабаларни тарбиялашга, ўқитишга эмас, балки уни ўз-ўзини тарбиялашга, билимларни ўзи меҳнат қилиб узлаштиришига йўналтиришга қаратилган. Бугунги педагогика назарияси ва амалиёти фанида ўқувчи-талабаларни маънавий баркамол шахс қилиб тарбиялаш етакчилик қилмоқда. Чунки маънавий камолот йўлини тутган инсон таълимни ўзи қидиради ва унга эришишга ҳаракат қилади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори педагогика назарияси ва амалиёти фани олдига янги масъулиятли вазифаларни қўйди. Жамиятимиз миллий истиқлол ғояси билан шуғулланувчи таъқли педагог, файласуф, ҳуқуқшунослар ва бошқа олимлар томонидан мафкуравий тарбияни амалга оширишга оид янги типдаги ўқув дастурлари, дарсликлари ва ўқув қўлланмалари яратилди. Жамиятимизда миллий истиқлол ғоясини ўргатиш, тушунтириб бериш ва ёшлар онгига сингдириш методологияси тубдан янгиланди. Бу борада айниқса, педагогика фанлари докторлари Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Қуронов ва Р.Аҳлиддиновлар ҳамкорлигида яратилган “Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш” номли китобни алоҳида таъкидлаш керак.

Бешинчидан, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида: “... миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъномоҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялаш”¹ дек ғоят шарафли вазифа қўйилди. Демак, Юртбошимизнинг ғоявий-мафкуравий тарбияга оид қарашлари,

¹ Каримов Ислом. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008, 75-бет.

фикрлари асосида ҳозирги кунда янги мафкуравий ишлар педагогикаси шаклланмоқда.

Олтинчидан, бугунги кунда “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарор, “Педагогика фани концепцияси”, “Педагогика фанини ривожлантириш ва истиқболга йўналтириш дастури”, “Таълим жараёни ва ўқув методик мажмуаларини таълим технологияларига ўтказиш бўйича Низом”, “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тўғрисида”ги каби меъёрий ҳужжатлар мустақил Ўзбекистон Республикасида педагогика назарияси ва амалиётидан кенг қўламли тадқиқотлар, ўқув-методик ишларни яратишда илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари ва таълим-тарбия муассасалари ўқитувчи-педагоглари учун меъёрий асос, дастуриамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Еттинчидан, *Мустақиллик йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий модели талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини эркинлаштириш, инсонпарварлаштириш, демократлаштириш муаммоларига бағишланган ҳамда педагогик инновацияларни таълим-тарбиянинг янги мазмуни тизимида изчил татбиқ этиш муаммоларига бағишланган салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилди, бир неча монографиялар, дарслик, ўқув қўлланмалари яратилди. Жумладан, бу борада М.Қуроновиқнинг “Миллий тарбия”, Р.Аҳлидиновиқнинг “Мақтабни бошқариш санъати” монографиялари; М.Очиловиқнинг “Олий мактаб педагогикаси”; Ж.Ғ.Йўлдошев ва С.Ғасановнинг “Педагогик технологиялар”, Ғ.Омони ва С.А.Мадиёрованиқнинг “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”, А.Ғолиқовниқнинг “Педагогик маҳорат”, Ж.Ғасанбоев, Х.Тўрақулов, И.Алқаров, А.Усмоновиқнинг “Педагогика (педагогика назарияси ва тарихи)”, Н.Ғайзуллаева ва Б.Ғидирова “Педагогик маҳорат” ва “Тарбиявий ишлар услубиёти”, Ш.С.Шодмонова, Н.С.Мирсағатова, Ғ.Н.Ибрағимова, М.Т.Мирсолиеваниқнинг «Педагогик технологиялар», Б.Ғидированиқнинг “Таълим жараёнида педагогик технологияни қўллашниқ назарий ва амалий асослари” Ш.М.Зуфаровниқнинг «Педагогик инноватика» Н.Атаева, Ғ.Расулова, М.Салаева, С.Ғасановниқнинг «Умумий педагогика (Педагогика назарияси ва тарихи) каби ўқув қўлланмалари Республикамиз «Педагогика назарияси ва*

тарихи ҳамда амалиёти» фанига қўшилган муносиб ҳисса бўлди ва Республикамиз илмий жамоатчилиги ҳамда таълим муассасалари ходимларида катта қизиқиш уйғотди. Албатта, ҳозирги кунда бу каби илмий тадқиқотларимиз маърифий-педагогик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда, шунингдек, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман, мустақиллик даври педагогика назарияси ва амалиёти етакчи тенденциялари устуворлиги қуйидагилардан иборат:

- ўқувчи-талабалар шахсини таълим жараёни объекти ва субъекти даражасига кўтариш;
- ўқувчи-талаба шахси маънавиятини шакллантириш устуворлигини таъминлаш;
- ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлашга ургатиш;
- ўқувчи-талабаларнинг тарбияланиши ва билимларни ўзлаштириш жараёнида бевосита ўзларининг иштирокини таъминлаш;
- ўқувчи-талабаларни илмий-тадқиқотлар ва ҳаётий кашфиётлар яратишдан лаззатланишни туйдириш;
- таълим амалиётида педагогик ҳамкорлик ҳукмронлик қилишга эришиш ва ҳаказолар.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. Олий таълим Меъёрий ҳужжатлар тўплами – Т.: “Шарқ”, 2004.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг “Ўзлуksиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (1998 йил 5 январь). Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами – Т.: “Шарқ”, 2001.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
5. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
7. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
8. Каримов И.А. Инсон бахт учун туғилади. –Т.: “Шарқ”, 1998.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Шарқ”, 1998.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
11. Каримов И.А. Кучли давлатдан –кучли жамият сари. –Т. “Шарқ”, 1998.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
13. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
14. Каримов И.А. Биз келажакни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
15. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т. “Шарқ”, 1999.
16. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пиروард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. – Т.: «Ўзбекистон» 2000.
18. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакл ва асосий йўналишлари. –Т. “Ўзбекистон”, 2002.
19. Қаримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т. “Маънавият”, 2008.

20. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
21. Абу Наср Форобий. Рисолалар. –Т.: “Фан”, 1975.
22. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2 –том. –Т.: “Фан”, 1996.
23. Анталогия педагогической мысли Узбекистана. –Москва, 1986.
24. Абдуллаева Ш., Ахатова Д.А., Собиров Б.Б., Саитов С. Педагогика. (Ўқув қўлланма). –Т.: “Фан”, 2004.
25. Абдуқуддусов А., Рашидов Х. Касб-хунар педагогикаси. –Т.: 2009.
26. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
27. Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. –Т.: “Фан”, 1992.
28. Аюбжонов И. Иқтисодчи кадрларни тайёрлашда педагогика фанининг ўрни. //Иқтисодиёт ва таълим. 2002 йил, 3-сон.
29. Боймуродова Г. Таълимни модернизациялаш шароитида замонавий ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик-психологик талаблар// UZLUKSIZ TALIM, 2007 йил 3-сон.
30. Бабанский К.Ю. Принцип обучения к современной образовательной школе// Журнал “Народное образование”, 1979 г.№2.
31. Бобоев Х, Дўстжонов Т., Ҳасанов С “AVESTO” – Шарк халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. –Т.: « IQTISOD MOLIYA », 2004 .
32. Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. – Т.: “Шарк”, НМУБТ., 1998 .
33. Баркамол авлод орзуси. – Т.: “Шарк”, 1999.
34. Воинова М.Г., Ахрарова Г.П. Педагогика. Учебное пособие.-Т.: ТГЮИ, 2006.
35. Дўстжонов Т., Мирҳамидов М., Ҳасанов С. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. – Т.: « IQTISOD MOLIYA », 2006.
36. Дружинин В.Н., Психология общих способностей. СПб. Питер, 1999.
37. Зиёмухамедов Б, Абдуллаева Ш. Педагогика. Дарслик. – Т.: 2000.
38. Зиёмухамедов Б. Педагогика. – Т.: 2001.
39. Зуннунов А., Маҳкамов У.Дидактика (таълим иназарияси) Ўқув қўлланма. – Т.: “Шарк”, НМАКБТ.,2005.
40. Ibragimov X, Abdullaeva Sh. PEDAGOGIKA NAZARIYASI. –Т: “FAN VA TECHNOLOGIYA” 2008.
41. Исмоилова З.К. Ўқитувчи ва унинг жамиятда тутган ўрни. «UZLUKSIZ TALIM», 2004 йил 2-сон.

42. Йўлдошев Ж.Ф. Замонавий дарс. –Т.: 2007.
43. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. – Т.: “FAN VA TEXNOLOGIYA” 2008.
44. Йўлдошев Ж.Ф., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD MOLIYA», 2009.
45. Коджаспирова Г.М. Педагогика. Учебник – Москва, “Гардарики” 2004.
46. Кузьмина Н.В. Методы системного педагогического исследования. Ленинград, ЛГУ, 2008.
47. Леонтьев А.Н., Деятельность. Сознание. Личность. «Прогресс», Москва, 1977.
48. Mavlonova R. Voxidova N. Raxmonqulova N. Redagogika nazariyasi va tarixi (darslik).– Т: “FAN VA TEXNOLOGIYA” 2010.
49. Малдова А. Современная школа США. – Москва, «Педагогика» 2007.
50. Мардонов Ў., Арслонов Ю. Шахслараро инсонпарвар ахлоқий мулоқотлар// UZLUKSIZ TALIM, 2008 йил 5-сон.
51. Манланова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика. Дарслик.-Т.: “Ўқитувчи”. 2001.
52. Муллажонов М. Янгича тафаккур ва миллий педагогиканинг шаклланиши//. Иқтисодиёт ва таълим, 2000 йил 1-сон.
53. Назаров М. Мулоқот маданияти ҳақида. //Мулоқот, 2000 йил 6-сон.
54. Очилов М.Муаллим қалб меъмори. –Т.: “Ўқитувчи”, 2001.
55. Ochilov M., Ochilova N. Oliy maktab pedagogikasi. – Т.: 2008.
56. Педагогика. Ўқув қўлланма. Проф.А.Мунавваров таҳрири остида. Т.: “Ўқитувчи”. 1996.
57. Педагогика профессионального образования. Под редакци В.Л.Сластенина. – Москва, “Академия”, 2005.
58. Педагогика тарихидан хрестоматия. –Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
59. Розиков О ва бошқалар. Дидактика. –Т.: “FAN”.1997.
60. Раҳмонова Ё. Ҳамширалик ишида педагогика. Дарслик. –Т.: 2007.
61. Раҳимов С. Абу Али Ибн Синонинг психологик-педагогик қарашлари. –Т.: “Ўқитувчи” 1978.
62. Рашидов Х, Ҳабибов Х., Зокиров А. Касбий педагогика. Ўқув-услубий қўлланма. . –Т.: 2007.
63. Реджерс К., Ангельский К. Учитель и инновация. –Киев, 1992.
64. Расулова Ф., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Хоразм Маъмур Академиясининг олис-якин юлдузлари. – Т.: «IQTISOD MOLIYA», 2005.

65. Саранцов Г.И. Методы обучения и категория методики преподавания // Журнал «Педагогика», 1998 г. №1.
66. Саидахмедов Н. Педагогика фани методологияси хусусида. // Халқ таълими 2000 йил 1-сон.
67. Саидахмедов Н. Замонавийлик, методология, педагогика //UZLUKSIZ TALIM, 2004 йил 2-сон.
68. Саъдий. Гулистон – Т: “Ўздавнашр”, 1968 й.
69. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянова Е.Н. Педагогика. –Москва. «Школьная пресс», 2004.
70. Саифназаров И. Ёшлар тарбияси-таълим ислохотларининг бош вазифи// Иқтисод ва таълим, 2001 йил 1-сон.
71. Тохиров М. Мирзо Улуғбекнинг педагогик қарашлари. –Т.: “Фан”, 1998.
72. Турсунов И, Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
73. Утебаев Т.Т. Мустақиллик йилларида педагогика фанининг ривожланиши//.Maktab va хауот, 2008 йил 1-сон.
74. Хужаев Н., Исмоилова У. Таълим ва тарбияда педагогика фанининг роли.// Иқтисод ва таълим, 2003 йил 3-сон.
75. Хужаев Б. Фуқаролик маданиятини эгаллаш зарурий ижтимоий-педагогик муаммо сифатида./ UZLUKSIZ TALIM, 2006 йил 5-сон.
76. Холиқов А. Педагогик маҳорат. –Т.: «IQTISOD MOLIYA», 2009.
77. Хидиров Б. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва шахс камолати. UZLUKSIZ TALIM, 2003 йил 3-сон.
78. Ўзбек педагогикаси анталогияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
79. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том., Москва. “Рус тили” нашриёти. 1981.
80. Қуронов М. Миллий тарбия. –Т.: “Маънавият”, 2007 .
81. Ғозиев Э. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
82. Ғайбуллаев А., Ёдгоров Р., Маматқулова Р. Педагогика (Ўқув қўлланма). –Т.: 2005.
83. Ҳасанбоев Ж., Туракулов Х., Алқаров И., Усмонов Н. Педагогика (Педагогика назарияси ва тарихи). 1-қисм.,– Т.: “FAN VA TEXNOLOGIYA” 2011.
84. Ҳасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари.–Т.: “Адолат”., 2004.
85. САЙТЛАР: <http://evrika.tsi/v/center.php> – Эврика научный портал.
86. <http://msk.treko.ru/showdict> - Эвристика.
87. http://www.eduhmao.ru/portal/dt/?astfalse&provider-HMAOtticclepageContainersHmaoAtticlela-ARTICLE47714&hMAOSECSID_SECTION_29973 Развивающее и эвристическое обучение.

Кириш.....	4
I БЎЛИМ. ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ	
I Боб. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ УМУМИЙ ВА ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	
1.1. Педагогика фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари.....	6
1.2. Миллий истиқлол гоёси ва миллий мафқуранинг педагогик асослари.....	15
1.3. Педагогика фанининг методологик асослари.....	34
1.4. Педагогика фанининг асосий тушунчалари ва тармоқлари.....	49
1.5. Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ва илмий-тадқиқот методлари.....	55
II БЎЛИМ. ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ	
II Боб. ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИНING ЖАМИЯТ ВА ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРИИ	
2.1. Ижтимоий-педагогик жараёнлар жамият ва шахс тараққиётининг объекти ва субъекти сифатида.....	70
2.2. Жамиятда шахс шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	105
2.3. Педагогик фаолият, педагогик қобилият ва педагогик маҳорат ўзига хос педагогик жараён сифатида.....	115
2.4. Ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни.....	130
III БЎЛИМ. ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ	
III Боб. ДИДАКТИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ	
3.1. Дидактикани таълим назарияси сифатидаги тараққиёти.....	144
3.2. Дидактиканинг асосий тушунчалари (категорииялари).....	167

3.3. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари.....	173
3.4. Таълим мазмуни ва моҳияти.....	190
3.5. Таълим қонунлари ва тамойиллари.....	207
3.6. Таълим методлари.....	239

IV Боб. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

4.1. Таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакллари.....	270
4.2. Таълимнинг асосий шакли – дарс ва унга қўйиладиган дидактик талаблар.....	283
4.3. Замонавий дарс турлари (типлари) ва дарсни ташкил этишнинг шакллари.....	289
4.4. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги фаолияти ва дарсга тайёргарлиги.....	334
4.5. Дарс жараёнида таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланишнинг дидактик вазифалари.....	350
4.6. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.....	360

V Боб. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

5.1. Замонавий педагогик технологиялар тушунчаси ва уларнинг турлари тавсифи.....	377
5.2. Инновацион таълим технологияси.....	387
5.3. Таълим жараёнида интерактив методлардан фойдаланиш.....	398
5.4. Лойиҳали таълим методи.....	436
5.5. Муаммоли таълим методи.....	441
5.6. Креатив таълим методи.....	447
5.7. Эвристик таълим методи.....	1541
5.8. Таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.....	457
5.9. Масофавий таълим методи.....	461
5.10. Медиа таълим методи.....	447
5.11. Он-лайн лойиҳали методларидан ўқув жараёнида фойдаланиш.....	482

IV БЎЛИМ. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

VI Боб. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, ҚОНУНИЯТЛАРИ, ҚОИДАЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ (ПРИНЦИПЛАРИ)

6.1. Тарбия жараёнининг таснифи.....	495
6.2. Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни.....	505
6.3. Тарбия жараёнининг мақсади ва вазифалари ҳамда ўзига хос хусусиятлари.....	512
6.4. Тарбия жараёнининг қонуниятлари, қоидалари ва тамойиллари (принциплари).....	525

VII Боб. ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ МЕТОДЛАРИ

7.1. Тарбия методларининг мақсади ва мазмуни тўғрисида умумий тушунча.....	546
7.2. Ижтимоий оғти ва ижтимоий ахлоқни шакллантириш методлари.....	553
7.3. Тарбияда ижобий намуна ва ибрат курсатиш методларидан фойдаланишнинг аҳамияти.....	562
7.4. Тарбияда рағбатлантириш, жазолаш ва ўз-ўзини тарбиялаш методларининг туган ўрни.....	564

VIII Боб. ТАРБИЯ ТУРЛАРИ (ШАКЛЛАРИ)ГА УМУМИЙ ТАСНИФ

8.1. Оила тарбияси.....	585
8.2. Ақлий тарбия.....	598
8.3. Ахлоқий тарбия.....	604
8.4. Меҳнат тарбияси.....	613
8.5. Жисмоний тарбия.....	619
8.6. Эстетик тарбия.....	623
8.7. Иқтисодий тарбия.....	621
8.8. Экологик тарбия.....	636
8.9. Ҳуқуқий тарбия.....	646
8.10. Фуқаролик тарбияси.....	659
8.11. Мустақиллик тарбияси.....	667
8.12. Ватанпарварлик тарбияси.....	675

IX Боб. ТАРБИЯ БИЛАН ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ШАХСНИ ҚАЙТА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИНИ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

- | | |
|---|-----|
| 9.1. Шахсни ўз-ўзини тарбиялаш тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти..... | 695 |
| 9.2. Тарбия билан шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро боғлиқлиги ва унинг босқичлари..... | 704 |
| 9.3. Шахсни ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмлари..... | 706 |
| 9.4. Ўз-ўзини назорат қилиш шахс шаклланишининг педагогик-психологик мезони сифати..... | 713 |
| 9.5. Шахсни қайта тарбиялашнинг мазмун-моҳияти ва мақсад-вазифалари..... | 718 |
| 9.6. Тарбияси қийин ёшлар хулқ-атворини тарбиялашнинг педагогик-психологик асослари..... | 721 |

X Боб. ПЕДАГОГИК МАҲОРAT АСОСЛАРИ

- | | |
|--|-----|
| 10.1. Педагогик маҳорат ҳақида умумий тушунча..... | 734 |
| 10.2. Педагогик билимлар-ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси..... | 739 |
| 10.3. Ўқитувчининг педагогик профессионализи ва касб маҳорати ҳамда қобилияти мезонлари | 744 |
| 10.4. Ўқитувчи педагогик фаолиятини ва касбий қобилиятини диагностикалаш (ташхислаш) усуллари..... | 756 |
| 10.5. Ўқитувчининг педагогик маҳорати – таълим ва тарбия сифати кафолати..... | 763 |

XI Боб. МУЛОҚOT – ПЕДАГОГИК ТАРБИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

- | | |
|--|-----|
| 11.1. Мулоқот ёхуд муомала маданияти ҳақида умумий тушунча..... | 774 |
| 11.2. Тарбияланувчиларда шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқотни тарбиялашнинг педагогик-психологик асослари..... | 779 |
| 11.3. Ўқитувчи-педагогларнинг тарбияланувчилар билан педагогик муомала маданияти..... | 783 |

11.4.	Ўқитувчи-педагогнинг касбий фаолиятида мулоқотнинг педагогик тизими.....	792
11.5.	Педагогик мулоқот – бўлажак юксак малакали мутахассис шахсини шакллантириш шарти сифатида.....	798

ХII Боб. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

12.1.	Таълим муассасаларида баркамол шахс тарбиясини амалга оширишга яхлит, тизимли ва технологик ёндашув.....	807
12.2.	Таълим муассасаларида таълим-тарбиявий жараёни ташкил этишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти.....	835
12.3.	Таълим муассасаларида тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш.....	839
	Хулоса.....	847
	Фойдаланилган адабиётлар	851

НИЛУФАР АТАЕВА, МУҲАББАТ САЛАЕВА,
СОЛИЖОН ҲАСАНОВ

УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА

(Педагогика назарияси ва амалиёти асослари)

Ўқув қўллаима

II китоб

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013

Муҳаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: М. Холмухамедов
Мусаввир: Э.Мажидов
Мусахҳиҳа: М.Ҳайитова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 29.07.2013 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 54,0. Нашр босма табоғи 53,75.

Тиражи 300. Буюртма №26.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.



ISBN 978-9943-10-884-4



9 789943 108844

FAN VA
TEKNOLOGIYALAR